АБУ АЛИ ИБН СИНО

ҚОНУНЛАРИ

II

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ТИБ ҚОНУНЛАРИ

II
КИТОБ

УЧИНЧИ НАШРИ

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 614.2(094)
КБК: 51
С-58

Ибн Сино, Абу Али

Тиб қонунлари: К.II / Абу Али Ибн Сино; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти – Тошкент: «Sharq», 2020. – 776 б.

УЎК: 614.2(094)
КБК: 51

ISBN 978-9943-5990-7-9

Учинчи нашрнинг таҳрир ҳайъати:

У.И.Каримов, ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори
Б.А. Абдуҳалимов, тарих фанлари доктори, профессор
С.У. Каримова, тарих фанлари доктори
М. Ҳасаний, тарих фанлари доктори
Ҳ. Ҳикматуллаев, филология фанлари номзоди
А.Усмонхўжаев, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-5990-7-9

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2020.

Арабчадан таржима қилувчилар:
А. РАСУЛЕВ, С. МИРЗАЕВ, У.И. КАРИМОВ,
А. МУРОДОВ

Учинчи нашрни тайёрловчилар:
М. ҲАСАНИЙ, С. У.КАРИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" яхлит фундаментал асар бўлса-да, унинг ҳар бир китобини мустақил асар сифатида қабул қилиш мумкин, зеро, муаллиф беш китобнинг ҳар бири учун тибнинг алоҳида бир катта мавзусини танлаган. Хусусан, Биринчи китоб тибнинг назарий масалаларини қамраб олган бўлса, Иккинчи китоб ўша давр табобатида ишлатилган ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан олинадиган 800 дан ортиқ дориларнинг таърифи, тиббий хоссалалари ва қўлланиш усулларига бағишланган ва уни X аср доришунослиги бўйича ёзилган мукаммал ва мустақил асар дейиш мумкин.

Иккинчи китоб ўзбекча таржимасининг учинчи нашри ҳам Биринчи китоб сингари таржиманинг У.И.Каримов ва Ҳ.Ҳикматуллаев томонидан амалга оширилган иккинчи нашри асосида тайёрланди .

Ушбу учинчи нашрни тайёрлашда табобат тарихи бўйича сўнгги йилларда нашр бўлган Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг (XX аср) "Қонуни Боситий" (1-2-китоблар, 2003 й.); шу муаллифнинг Ҳомидхон ибн Зоҳидхон Шоший билан тузган "Фарҳанг ал-Мабсут"; Ибн Синонинг устози Абу Мансур ал-Қумрийнинг (X аср) "Истилоҳлар луғати" (1991 й.) ва бошқа китоблардан фойдаланилди. Изоҳ ва кўрсаткичлар қайта кўриб чиқилди.

Аввалги нашрларда ўзбекча берилмаган баъзи дори номлари аниқланди (№53, 84, 123, 158, 252, 270, 315, 345, 742).

Иккинчи китобнинг таржимаси ҳам "Қонун"нинг Санкт-Петербургда сақланаётган қўлёзмаси (у "Л" билан белгиланган) ҳамда Мисрдаги Булоқ босмаси ("Б") асосида бажарилган бўлиб, саҳифалар четидаги рақамлар "Л"даги, матн ичида бурчакли қавсга олиб берилган рақамлар эса "Б" даги бетларни ифодалайди.

Айтиш жоизки, "Л" қўлёзмани кўчиришда котиб варақларни рақамлашда 176-варақдан кейин янглишиб, 178 рақамини қўйган. Шунинг учун таржиманинг аввалги икки нашрида аслиятдаги шу рақамлаш сақланган. Варақларни чалкаштиримаслик учун ушбу нашрда ҳам шу тартиб сақланди, яъни 176-варақдан кейин 178-варақ келади.

"Б" дан қўшилган жумлалар кичик қавс ичида, асосий матнда берилган. Айрим ибораларни тушуниш осон бўлиши учун таржимон ва муҳаррирлар томонидан қўшилган сўзлар бурчакли қавс ичига олиб берилди.

---

[1] Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари II китоб. Иккинчи нашри. Тошкент: Фан, 1982, 775 б.

[2] Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки Қонун ал-Мабсут 1. / Табдил, изоҳ ва луғатлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент, 2003 – 531 б; Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки Қонун ал-Мабсут 2. / Нашрга тайёрловчи, табдил, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент, 2003 – 903 б.

[3] Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший.Ҳомидхон ибн Зоҳидхон Шоший.Фарҳанг ал-Мабсут ёки Истилоҳот ул-атиббо фи-интифоот ил-аҳиббо. 3./ Табдил ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Тошкент, 2004 – 607 б.

[4] Каримов У.И. "Словарь медицинских терминов" Абу Мансура ал-Кумри // Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент, 1991 – С. 112-155.

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН

122б

Тангри саййидимиз Муҳаммадга, унинг оиласига ва ҳамкорларига ўз раҳмати ва саломини йўлласин!

Тангрига мақтов ва салом йўллаб, элчиси Муҳаммад ҳам унинг аҳлига раҳмат айтгандан кейин [мақсадга келсак], тибга оид тузган китобларимиздан биринчиси тибнинг умумий ҳукмлари тўғрисида эди; биз уни тугатдик. Иккинчиси эса содда [ёлғиз ҳолда ишлатиладиган] дорилар ҳақидаги мана шу китобдир. Бу китобни икки мақолага бўлдик. Биринчи мақола тиб (илмида ишлатиладиган дорилар ҳақида) билинмоғи лозим бўлган табиий қонунлар тўғрисида бўлиб, иккинчи мақола содда дориларнинг қувватларини билишга бағишлангандир.

Биринчи мақолани олти фаслга бўлдик.

Биринчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини ўрганиш тўғрисида.

Иккинчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини тажриба йўли билан ўрганиш ҳақида.

Учинчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини солиштириш йўли билан ўрганиш тўғрисида.

Тўртинчи фасл. Содда дорилар қувватининг таъсирини ўрганиш тўғрисида.

Бешинчи фасл. Содда дориларга бўладиган ташқи таъсирлар тўғрисида.

Олтинчи фасл. Дориларни йиғиш ва сақлаш тўғрисида.

Иккинчи мақолага келсак, мен у ерда содда дорилар учун турли жадваллар [лавҳалар] бердим.

Биринчи жадвални содда дориларнинг исмларига ва уларнинг моҳиятини ўрганишга бағишладим.

Иккинчи жадвални [дориларнинг] яхшисини танлаш учун ажратдим.

Учинчи жадвални дориларнинг кайфиятларини ва табиатларини баён қилиш учун тайинладим.

Тўртинчи жадвални дориларнинг умумий хоссаларига ва таъсирларига, масалан, эритиш шимдириш, етилтириш, ёпиштириш, увуштириш [карахт қилиш] ва шуларга ўхшаш биринчи мақолада айтилган умумий таъсирларга ҳамда бошқа хоссаларга, [агар улар бўлса] бағишладим; бу [хоссаларни] ўрганиш осон бўлсин учун ҳар бирига хос рангли ёзувлар қўлладим.

содда бўлмасдан, балки улар ҳам [бошқа нарсаларнинг] бир-бирига аралашишидан пайдо бўлган ва уларнинг [ҳам] ўзларига хос мизожлари бор. Бундай иккинчи мизож сунъий равишда ясалмасдан, уни табиат ясагандир.

Иккинчи мизож икки хил бўлади: кучли мизож ва кучсиз мизож. Кучли мизожнинг мисоли [қуйидагича]: икки содда жисмдан ҳар бири бошқаси билан шундай аралашиб кетган бўладики, бизнинг туғма иссиқлигимиз [таъсирида] уларнинг бир-бирларидан ажралишлари қийин бўлади; ҳатто шундайлари ҳам бўладики, уларни олов иссиқлигида ҳам ажратиш қийиндир. Бунга олтин мисол бўла олади: чунки бунинг ҳўл ва қуруқ қисмлари шундай бирикканки, олов кучи уларни бир-бирларидан ажратишдан ожиздир. Ҳаттоки, олов кучи сув моддасини буғга айлантириб, юқорига ҳайдашга тиришса, сув моддаси ўз бўлакчаларининг ҳамма қисми билан ер моддасига ёпишиб олади; натижада олов кучи [сув моддасини] буғга айлантириб юқори кўтаришга ва ер моддасини тубга чўктиришга қодир бўлмай қолади: [олов кучи] бундай ишни ёғоч, қалай ва қўрғошинга [нисбатан қилишга] қодирдир. Мизожлар орасида шундай мустаҳкамлари бўлар экан, биздаги туғма иссиқлик содда қисмларга ажрата олмайдиган мизожлар [яъни шундай мизожли дорилар] бўлиши [ақлдан] узоқ эмас. Мана шундай мизож – мустаҳкам мизож бўлади. Агар бу мизож мўътадил бўлса, [гавданинг] суратини ўзгартгунча ва мўътадилликка келтиргунча ўз ҳолида қолади. Бу мизож ғолибликка мойил бўлса, гавда суратини бузгунча ғолиблигида қолади. Қисқаси, ундан бир таъсир [феъл] содир бўлади.

Мизож мустаҳкам бўлмасдан, бўш ва енгил ажраладиган бўлса, у чоғда бизнинг табиатимиз унга таъсир этиши билан содда қисмлари бир-бирларидан ажралишлари ва турли қувватга [эга] бўлишлари мумкин бўлади ва [натижада] баъзиси бир хил таъсир қилса, бошқаси унинг зиддини қилади.

Табиблар «фалон дорининг қуввати бир-бирига зид қувватлардан таркиб топган» десалар, бундан улар ва шу жумладан, сен ҳам [дорининг] бир бўлаги иссиқлик ва совуқликни бирликда ташийди ва буларнинг ҳар бири икки айрим нарсадек ўз олдига таъсир этадилар, деб тушунишинг тўғри келмайди; чунки бу мумкин эмас; балки булар [иссиқлик ва совуқлик] дори таркиб топган икки [айрим] бўлакларда бўладилар. Яна дориларнинг бирон бошқа жинси бир-бирига зид қувватлардан таркиб топган эмас, деб тушуниш ҳам тўғри бўлмайди; чунки ҳамма дорилар бир-бирига зид қувватлардан тузилгандир. Балки тушунишинг керакки, [табиблар] дори амалда ёки амалга яқин яширин бир ҳолда [потенцияда] бир-бирига зид қувватларга эга деб биладилар. Чунки унда [дорида] шундай турлича бўлаклар борки, улар ҳамма [бўлакларни] тугал ўхшаш қувватликка ай-

лантирадиган даражада бир-бирларига таъсир этмаганлар ва баъзилари аъзонинг бир бўлагида бўлганда, бошқаларининг ҳам [ўша ерда] бўлиши лозим бўладиган даражада бир-бирларига ёпишиб ва бирлашиб кетмаганлар. Чунки доринг турли бўлаклари || қувватда бир-бирларига ўхшаш *123б* бўлсалар эди, гавдага таъсирлари [ҳам] албатта, турлича бўлмас эди ва бўлаклари бир-бирларига ёпишиб, қувватлари турлича бўлганда ҳам, гавдадаги таъсирлари турлича бўлмаслиги мумкин бўлар эди. Балки, бир содда жисмдан бир бўлаги бирон аъзода бўлганида унга ёпишган яна иккинчи содда жисмдан бир бўлак ҳам бўлиб, натижада икковидан, уларнинг таъсирларини шу аъзонинг ҳамма қисмларига баробар етказадиган [бир] таъсир ва амал ҳосил бўлади. Чунки унинг [дорининг] бўлакларидан ҳар бири бошқа бўлакларнинг тўлиқ таъсирига тўсқинлик қилади. Лекин аъзонинг бир бўлаги икки содда жисмнинг биридан таъсир қабул қилувчи, яна биридан қабул қилмовчи бўлади. Табиат бирини ишлатиб, иккинчисини ишлатмайди. Бундай ҳол кўп бўлади.

Лекин бизнинг сўзимиз бу тўғрида бўлмай, бошқа сабаб туфайли эмас, балки ўзида бўлган хусусият сабабли турлича таъсир қилувчи дорилар-нинг турлари тўғрисидадир. Бу хусусият [дорининг] содда бўлаклари бизнинг туғма иссиқлигимиз таъсири билан ажрала оладиган даражада [бўш] бўлишидадир. Содда дорилардан бир-бирларига зид қувватлари бор деганларимиз – шу хилда тўлиқ бирлашишга эга бўлмаган дорилардир. Булардан шундай кучли [224] бирлашганлари борки, қайнатиш ва ювиш уларнинг қувватларини ажрата олмайди. Масалан, мойчечак [бобуна]да шимдирувчи ва буруштирувчи қувватлар бўлиб, уни *зимод** қилиш учун қайнатилганда бу қувватлар [бир-бирларидан] ажралмайди. [Дорилардан] қувватлари қайнатилганда ажраладиганлари ҳам бор. Масалан, карамни [олсак], унинг моддаси буруштирувчи ер моддаси билан *бурақли*[5] тозаловчи ва латиф моддалардан бирлашган, у сувда қайнатилса, *бурақли* тозаловчи моддаси сувда эриб, буруштирувчи ерли моддаси қолади. Натижада [карамнинг] қайнатилган суви [ични] сурувчи ва унинг ўзи буруштирувчи бўлиб қолади. Ясмиқ, товуқ [гўшти] ва саримсоқ ҳам шундай; чунки буларда тозаловчи ва куйдирувчи қувват билан бирга оғир ҳўллик бўлиб, қайнатиш буларни ажратади. Пиёз, турп ва буларга ўхшаш [сабзавот]лар ҳам шундай хусусиятларга эгадирлар. Шунинг учун турп ҳақида – у ҳазм қиладию, [ўзи] ҳазм бўлмайди, деганлар; чунки бу ҳамма бўлаклари билан эмас, балки ўзида бўлган суюқ, латиф моддаси билан ҳазм қилади. Бу модда [сувда] эриса, [турпдаги] қаттиқ модда ёпишқоқлиги билан ҳазм қилувчи қувватга қарши туриб қолади. [Турпнинг] бўлак моддаси эса ёпишқоқликни парчалайди.

Сачратқи [ҳиндабо] ва сабзавотларнинг кўпчилиги каби ювиш билан

содда бўлаклари ажраладиган дорилар ҳам шу жумладандир. Чунки буларнинг моддалари кўп миқдордаги совуқ ерли ва сувли моддадан ва озгина [миқдордаги] латиф моддадан тузилгандир. Демак, буларнинг совутишлари биринчи модда билан, тиқилмаларни очишлари ва (хилтларни баданга) ўтказишлари, кўпинча, иккинчи модда билан бўлади. Бу латиф моддаларнинг деярли ҳаммаси нарсаларнинг устки қисмига чиқиб, юзига ёйилган бўлади. Қачон бу [нарсалар] ювилса, [устларидаги латиф модда] сувда эриб, ундан арзийдиган бир нарса қолмайди. Шунинг учун [бундай нарсаларни] ювиш шариатда ҳам, тибда ҳам ман қилингандир. Мана шу сабабдан дориларнинг кўпи одам уларни истеъмол қилганида қаттиқ совутади. Агар у дорилар [баданга] қўйиб боғланса, шимдирувчи таъсир кўрсатадилар. Масалан, кашнич [кузбура] шундайдир; агар уни ейилса, кучли равишда совутади, кашнични, хусусан, толқон билан аралаштирилгани [баданга] боғланса, *ханозир* [қулғуна[6]] каби шишларни қайтаради, чунки кашнич қаттиқ совутадиган сувли ерли модда билан шимдирувчи латиф моддадан тузилгандир. Уни ейилса, туғма иссиқлик унга таъсир қилиб, ундан латиф моддаларни тарқатади. Бу [латиф модда] мизожга таъсир қиладиган даражада кўп эмасдир, шунинг учун бу модда тери тешикларидан ўтиб кетади. Унинг ғоятда совутадиган моддасигина қолади. Лекин кашнич баданга боғланганида, ерли модда тери тешикларидан ўтмай, унга айтарли таъсир қилмаслиги эҳтимол. Латиф оловсимон модда эса тери тешикларидан ўтиб, [хилтларни] етилтиради. Агар у совуқ модда бирор нарсага қўшилса, [шишларни] қайтаришга ёрдам бериб, бегона иссиқликни[7] енгади. Бу, биринчи китобдаги пиёз боғланганда куйдириб, ейилганда безарардир,– деган сўзимизга яқиндир[8]. Чунки бунга сабаб қилиб, ҳозиргига
124а яқин [бир сабабни] кўрсатган эдик. || Энди маъно маълум ва равшан бўлган бўлса керак.

Дорилар орасида табиати жиҳатидан худди икки турли моддадан тузилиб, тамом аралашмаганлари ҳам бўлади. Улардан баъзиларининг лимондаги каби бўлаклари сезиларли бўлиб, баъзиларининг қорни ёриқ [испағул] каби, бўлаклари сезиларли бўлмайди, чунки қорни ёриқнинг қобиғи ва қобиқ устидаги пардаси қаттиқ совутувчи бўлиб, ичидаги унсимон модда шундай кучли қиздирувчидирки, у ҳатто қизартирувчи ва яра қилувчи [дори] даражасига етиб боради. Бу [ўсимликнинг] қобиғи бу [икки модда] ўртасида тўсиқ парда каби [туради]. Агар у янчилмасдан ичилса, қобиғи қаттиқлиги сабабидан ичидаги унли модданинг қувватини ташқарига ўтказмай, аксинча, ташқи моддаси ва шиллиқлиги билан таъсир қилади. Янчилганини заҳар дейишлари, унинг ички ун моддаси юзага чиққанидан бўлса ажаб эмас. Бунинг янчилган ҳолда яллиғли шишларни ёриши, бутун

ҳолда эса уларни хом ҳолда қайтариши ана шу [юқоридаги] сабабдан бўлса керак. Бу қоидани ўргатиш учун шу келтирилган мисоллар етарлидир.

ИККИНЧИ ФАСЛ. СОДДА ДОРИЛАРНИНГ МИЗОЖЛАРИНИ ТАЖРИБА ЙЎЛИ БИЛАН ЎРГАНИШ ҲАҚИДА

Дориларнинг қувватлари икки йўл билан билинади: бири – солиштириш йўли, иккинчиси – тажриба йўли. Тажриба тўғрисида олдин сўзлаб, [қуйидагиларни] айтамиз: тажриба, қуйидагича бир неча шартларга риоя қилгандагина дори қувватини пишиқ ўрганишга йўл кўрсатади.

Биринчи [шарт] – тажриба қилинадиган дори кейинчалик олинган ҳар қандай кайфиятдан, [масалан], кейин ҳосил қилинган иссиқликдан, ёки кейин ҳосил қилинган совуқликдан [225], ёки дорининг моддасида ўзгариш пайдо бўлишидан, ёки бошқа [дорига] қўшилишдан ҳосил бўлган ҳар қандай кайфиятдан [холи бўлиши керак]. Масалан, сув ўз табиатида совуқ бўлса ҳам, қиздирилса, қизиб турган муддатда [бошқа нарсани] қиздиради. Сутлама шираси [*фурбиюн*][9] ўз табиатида иссиқ бўлса ҳам, агар уни совутилса, совуқ бўлиб турган муддатда [бошқа нарсани] совутади. Бодом ўзи мўътадилликка яқин даражада латиф бўлса ҳам, аччиқ бўлиб қолса, қаттиқ қиздиради. Балиқ гўшти ўз табиати жиҳатидан совуқ бўлса ҳам, тузланса, қаттиқ қиздирадиган бўлади.

Иккинчи [шарт] – тажриба қилинувчи кишининг битта касали бўлсин. Агар унинг касали мураккаб бўлиб, иккита қарама-қарши даволашни талаб қиладиган бўлса ҳам биз тажриба қилган доримиз [унга] фойда қилса, [дорининг] қайси бир касалликка фойда қилганини билмай қоламиз. Масалан, бир кишида шилликдан вужудга келган иситма бўлиб, биз унга дарахт пўкаги ичиргандан кейин касаллиги тузалса, бу билан дарахт пўкаги иссиқ касалга фойда қилади, демак, унинг [мизожи] совуқ экан, деб ҳукм қилиб бўлмайди, балки у шиллиқ моддасини таратиб, уни чиқариш билан фойда қилгандир. Бу модда чиқиб кетганидан кейин иситма ҳам йўқ бўлгандир ва бу ҳақиқатда ўз зоти билан қилинган фойда бўлиб, бунга қўшимча фойда ҳам аралашган. Ўз зоти билан [фойда келтириши] моддага нисбатан бўлиб, қўшимча [таъсири] иситмага нисбатандир.

Учинчи [шарт] – дори бир-бирига қарши [хусусиятли] иккита [касаллик] устида тажриба қилиниб кўрилиши керак. Агар ҳар иккаласига ҳам фойда қилса, дорининг мизожи [касалликлардан] бирининг мизожига қарши экан, деб ҳукм қилиб бўлмайди; кўпинча [бундай дорининг] фойдаси касалликларнинг бирига ўз зоти билан, яна бирига қўшимча [таъсир]

билан бўлади. Масалан, *сақамуниёни* олиб, бironта совуқ касаллик устида тажриба қилсак, у фойда бериб, қиздириши мумкин. Агар уч кунлик иситма каби иссиқ касаллик устида тажриба қилсак, [баданни] сафродан бўшатиш билан фойда бериши [ақлдан] узоқ эмас. Шундай бўлгандан кейин тажриба доринг иссиқ ёки совуқ эканига ишонч бера олмайди. Ишонч икки таъсирнинг бири зоти билан яна бири қўшимча [таъсир] билан қилинганлигини билгандан кейингина ҳосил бўлади.

Тўртинчи [шарт] – дори кучи жиҳатидан ўзига тенг касалликка қарши ишлатилган бўлиши керак. Чунки баъзи доринг иссиқлиги синалаётган касалликнинг совуқлигига кўра озлик қилиб қолади. Бу вақтда дори унга таъсир қилмайди. Баъзи [дори] ўзига кўра совуқлиги енгилроқ бўлган [касалликка] қарши ишлатилганда қиздириш кучи кўпроқ бўлади. Шунинг учун дориларни олдин енгилроқ касалликлар устида синаб кўриб, аста-секин оғир касалликларда синашга ўтиш керак. Доринг қуввати билиниб, бирон гумон қолмагунча шу хилда синаш давом эттирилади.

Бешинчи [шарт] – доринг таъсири юзага чиқадиган вақтни эътиборга олиш керак. Агар биринчи марта истеъмол қилиш кифоя қилса, у вақтда дори ўз зоти билан таъсир қилган бўлади. Агар унинг биринчи истеъмол-
124б да юзага чиққан таъсири || кейинги истеъмолда юзага чиққан таъсирига зид бўлса, ёки биринчи истеъмолда [касалликка] қарши таъсир юзага чиқмасдан, кейинроқ юзага чиқса, бу шубҳа ва гумонга [сабаб] бўлади. Дори ўзининг қиладиган ишини қўшимча таъсир орқали қилган бўлса, ажаб эмаски, дори олдин яширин таъсир қилиб, сўнгра юзага чиққан очиқ таъсир қўшимча равишда бўлган бўлса. Мана шу шубҳа ва қийинчиликлар дорилар қуввати хусусидадир.

Дори аъзога учрашиб, ажрашгандан кейин унинг таъсири юзага чиқса, доринг таъсири қўшимча равишда бўлганлигига ишонч кучли бўлади. Агар зотан таъсир қиладиган бўлса эди, учрашиб турган ҳолида таъсир қилган бўлар ва учрашиб турганида таъсирдан тўхтатиш ва ажралиб турганда таъсир этиши мумкин бўлмас эди. Бу қаноатлантирувчи ҳукм кўпчилик [табибларнинг] ҳукмидир. Баъзан шундай ҳам бўладики, [дори] баъзи жисмларга ўз зоти билан қиладиган таъсирини қўшимча таъсиридан кейин қилади. Бу ҳол [олдин дори] ёт бир қувватни қабул қилиб, сўнг унинг [устидан] табиий қувват ғалаба қилганидан бўлади. Масалан, иссиқ сув ўша [иссиқ] ҳолида қиздиради, аммо иккинчи куни ёки кейинчалик қўшимча таъсири йўқолгач, сувнинг қизиган бўлаклари ўзининг табиий совуқлик ҳолига айлангани учун гавдада, албатта, совуқлик пайдо қилади.

Олтинчи [шарт] – дори таъсирининг доимо ёки кўп ҳолларда узлуксиз бўлиб туришини назарда тутиш керак. Шундай бўлмаганда унинг таъсири

қўшимча бўлиб қолади. Чунки табиий нарсалар ўз мабда [яъни бошланадиган жой]ларидан ё доимий ва ё кўп вақтда содир бўлиб турадилар.

Еттинчи [шарт] – тажриба одам гавдасида қилиниши керак. Агар тажриба одам [гавдаси]дан бўлакда қилинса, тажриба икки жиҳатдан ўзгариши мумкин. Бири шуки, дори одам гавдасига нисбатан иссиқ бўлиб, от ва арслон гавдасига нисбатан совуқ бўлиши мумкин. Агар дори одам гавдасидан иссиқроқ, от ва арслон гавдасидан совуқроқ бўлса, менинг гумонимча, равоч илдизи от гавдасига нисбатан қаттиқ совуқ ва одам гавдасига нисбатан иссиқ бўлиши керак. [226] Иккинчиси шуки, дорининг икки гавдадан бирига нисбатан бўлган таъсири иккинчи гавдага нисбатан бўлмаслиги мумкин. Масалан, аконит [биш] нинг одам гавдасига нисбатан заҳарли хусусияти бўлиб, бу хусусият майнанинг гавдасига нисбатан йўқдир. Дори қувватини тажриба йўли билан аниқлашда риоя қилиниши лозим бўлган қонунлар ана шулардир.

УЧИНЧИ ФАСЛ. СОДДА ДОРИЛАРНИНГ МИЗОЖЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎРГАНИШ ТЎҒРИСИДА

Дориларнинг қувватларини солиштириш йўли билан билишга келсак, ундаги қонунларнинг баъзилари дориларнинг оловликка айланиши ва қизишининг тезлиги ёки сустлигидан, қотишининг тезлиги ёки сустлигидан олинган баъзи [қонунлар эса,] ҳидлардан ва баъзилари мазалардан олинган. Гоҳо улар туслардан, ё маълум таъсир ва қувватлардан олиниб, улардан номаълум қувватлар [ҳақида] равшан далиллар чиқарилади.

Биринчи хил қонунларга келсак, моддасининг тузилишидаги сийраклик ва зичликда тенг нарсаларнинг қайси бири қизишни тезроқ қабул қилса, шуниси иссиқроқ бўлади ва қайси бири совуқликни тезроқ қабул қилса, у совуқроқ бўлади. Бундаги сабаблардан бири шуки, таъсир қилувчиси битта бўлган [икки] нарсанинг бири бошқасига қараганда қизувчанроқ бўлади. Чунки бу [нарса] ўз зотида иккинчисига қараганда иссиқроқ бўлиб, бирон совутувчи сабаб пайдо бўлиб, уни совутади. Унга ташқаридан иссиқлик етиб, ўзидаги туғма иссиқлик кўмаклашса, у ташқи сабабда иккинчи нарсага баробарлашади, лекин ўзида бўлган қувват билан ундан ортади ва натижада иссиқроқ бўлади. Мана шунга ўхшаш [йўл билан] тезроқ совуйдиган нарсанинг ҳам ҳолини бил! Унинг сабаблари кўрсатилса, сўз узаяди. Бу масала эса табибга эмас, табиият илмининг асослари ҳақида гапирувчи кишига тааллуқлидир.

Агар икки нарсанинг бири жуда сийрак || бўлиб, иккинчиси жуда зич ту- *125с*

зилишга [эга] бўлса, жуда сийрак бўлгани совуқ ва иссиқликда иккинчиси билан бирдек бўлса ҳам, жисми бўш ва кучсиз бўлганидан тезроқ таъсирланадиган бўлади.

Хусусиятлари қотиш бўлган нарсалар билан хусусиятлари ёниш бўлган нарсаларга келсак, буларни ҳам бир-бирларига солиштириш мумкин. Иккинининг консистенцияси баробар бўлатуриб, қотиши тезроқ бўлгани совуқроқ бўлади. Консистенцияси иккинчисининг консистенциясидек бўлган ҳолда тезроқ ёнадигани, аввал айтганимиздек, иссиқроқ бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, бир нарсани совуқроқ ё иссиқроқ дейишимиз биздаги туғма иссиқликнинг унга таъсирига кўрадир.

Қачонки бир [нарса]нинг қотиши узоқроқ ва ёниши тезроқ бўлса, унинг шу сифатда бўлиши туғма иссиқлигимиздан таъсирланишига кўра деб ҳукм қиламиз. Бу қоидаларга табиият илмида ўзига муносиб далиллар келтирилган. Аммо сийраклик ва зич тузилишликда турлича бўлган икки нарсанинг зич тузилгани қаттиқроқ ёнувчан ва сустроқ қотувчан бўлса, моддаси жиҳатидан уни шаксиз иссиқроқ деб ҳукм қил! Шунингдек, улардан сийрак тузилгани сустроқ ёнувчан бўлса, билгинки, у қаттиқроқ совуқдир. Аммо улардан сийрак тузилгани тезроқ ёнувчи бўлса, унда ҳукмни қатъий қилиб, шу сабабдан қаттиқ иссиқ дея олмайсан. Чунки сийрак тузилишнинг [ўзи] кўпинча ёнишнинг тез бўлишига сабаб бўлади. Шу каби, агар икки нарсадан сийрак тузилгани тезроқ қотувчан бўлса, ҳукмни аниқ қилиб, «у қаттиқроқ совуқ» дея олмас эдинг. Чунки кўпинча сийрак тузилишнинг [ўзи], нарсанинг жисми кучсизлиги ва тез таъсирланиши сабабли тез қотишга сабаб бўлади. Масалан, шароб шундай. У қовоқ ёғига қараганда иссиқроқ бўлса ҳам, унинг қотиши [қовоқ] ёғининг қотишидан тезроқ бўлади. Билки, ёғ гоҳо қуюладию, аммо қотмайди, шароб эса қотади; ҳақиқатан ҳам нарсаларнинг қуюлмасдан қотадиганлари ва қотмасдан қуюладиганлари бор. Бунинг [сабабларини] билиш йўли табиият илмида баён қилинади.

Қуюлишга қобилиятли нарсаларга келсак, улардан моддаларининг консистенцияси баробар бўлатуриб, совуқ таъсиридан қуюлишни осонроқ қабул этадигани совуқроқ бўлади. Нарсаларнинг кўплари [фақат] иссиқда қотадилар. Совуқда қотадиган нарсаларнинг ҳаммаси иссиқда эриб кетгани каби, иссиқдан қотадиган нарсаларнинг ҳаммаси совуқда эрийди. Жолинуснинг фикрича, иссиқлик қуритиш билан, совуқлик [эса] тузилишни зичлаш билан қотиради. Биринчи файласуф [Аристотель]нинг фикри гоҳо бунга бир озгина хилоф келади [227]. Бу масалани негизи билан тушунтириш бошқа илмга оиддир.

Баъзи дорилар иссиқроқ бўлиш билан бирга, қуюқроқ ҳам бўлсалар, шу қуюқлик сабабли уларнинг қотишни қабул қилиши ўзларидан совуқроқ

нарсанинг қотишни қабул қилиши каби бўлиши мумкин. Бошқа бир дори совуқроқ ва [шу билан бирга] суюқроқ бўлса, шу суюқлиги туфайли, унинг ёнишни қабул қилиши ўзидан иссиқроқ нарсанинг ёнишни қабул қилиши каби бўлиши мумкин. Қуюлиш ва қотиш иссиқликда ва совуқликда ортиқликни кўрсатмайди. Чунки гоҳо ер [моддаси бор] нарсалар ўзларидаги ерлилик туфайли, [сувли ва ҳаволи] нарсалар эса ўзларида сув ва ҳаво моддасининг кўплиги сабабли қуюладилар; бу ҳол у икки [модда] сийраклашганда бўлади. Кўпинча ҳаволилик совуб, сувлиликка айланади ва натижада улардан ташкил топган нарса сийраклашиб совийди. Совуқ сувлилик эса кўпинча ичида қайновчи олов [моддаси] туфайли сийраклашадики, бу [олов моддаси] уни ҳавога айлантиради ва қуюлтиради. Масалан, эрлик уруғининг қуюлиши шундай. Агар ундан оловли буғ ажралса, у суюлади. Ерлилик ўзида ҳаддан ташқари олов моддасининг бўлишига қаршилик қилмайди. Демак, биринчи хил [қуюлиши] ерлилиги жиҳатидан келган нарсалар қаттиқ иссиқ бўлади. Сувлилик эса ўз қувватига ғалаба қилмайдиган даражада ҳаво моддасининг ўзида бўлишига қаршилик қилмайди. Демак, иккинчи хил [қуюлиши сув ва ҳаво моддасининг кўплигидан келган] нарсалар қаттиқ совуқ бўладилар; ёки оловлилик унинг қувватини синдиради ва у қаттиқ иссиқ бўлади.

Бошқа қонунларга келсак, табиблар булардан [фақат] бир нарсани билишлари лозим, у ҳам бўлса [қуйидагидир]: шўр[10], аччиқ ва ўткир мазалар || иссиқ моддалардан бошқада, буруштирувчи, нордон ва мози мазалар *1256* [эса] совуқ моддадан бошқада бўлишлари мумкин эмас.

Шунингдек, кучли ўткир ҳидлар иссиқ моддалардан бошқада бўлмайди. Ўзида ҳўллик бўлиб, қуюлган жисмларда бўладиган оқ тус совуқ моддадан бошқада бўлмайди. Ўзида қуруқлик ва уваланиш [хусусияти] бўлган жисмлардаги оқ тус иссиқ моддалардан бошқада бўлмайди.

Қора тус буларга қарама-қарши бўлган икки ҳолда бўлади, чунки совуқ ҳўлни оққа айлантиради, қуруқни қорага айлантиради; иссиқ эса ҳўлни қорага ва қуруқни оққа айлантиради. Мана бу зарурий ҳақиқатдир. Лекин бу ерда бошқа сабаблар ҳам бор. Шунинг учун бу далиллар баъзан ўзгаради; айниқса бу [далилларнинг ўзгариши] ҳид билан тусга оиддир. Чунки биз баён қилдикки, дориларнинг жисми бир-бирига зид унсурлардан, гоҳо уларнинг биринчи қўшилиб аралашувидан ташкил топади, гоҳо бундай бўлмай, уни иккинчи аралашиш [ёки иккинчи мизож] деб аташ мувофиқроқ бўлади.

Бу иккинчи аралашишда икки унсурдан бирида бирон тус, ҳид ва мазага эга бўладиган мизож ҳосил бўлиши мумкин ва у ҳосил бўлади ҳам. Иккинчи унсурда эса биринчига зид ва тескари бўлган мизож ҳосил бўлади. Бу

билан [иккинчи унсур] аввалгининг тусига зид бўлган тусга ва аввалгига зид бўлган ҳид ва мазага эга бўлиши мумкин, лекин уларга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. (Чунки бу қатъий бир қоида эмас ва дорилардаги мизожларнинг тус, ҳид ва мазаларга эга бўладиган чегаралари ҳам маълум эмас; балки бирон киши шу тўғрида бир нарса деса, тахмин билан айтган бўлади).

Агар иккинчи қўшилишда [бир унсур] бошқасига қарама-қарши тусга эга бўлиб, уларнинг миқдорлари тенг бўлса, иккинчи аралашма [мизож] да икки тусдан мураккаб тус ҳосил бўлади. Агар улар миқдорда турлича бўлсалар, икки туснинг бирига мойилроқ тус ҳосил бўлади.

Иккинчи унсур айрим бир тусга ҳеч эга бўлмаса, шунингдек, бирон мазага ҳам эга бўлмаса ва иккаласининг миқдори баробар бўлса, буларда биринчи тус ва биринчи ҳид мавжуд бўлади. Агар тус ва ҳидлар рангсиз нарсаларнинг аралашувидан ёки ўзларига зид [тус ва ҳидли] нарсалар қўшилиши туфайли синсалар, – агар иккинчи тусдан бирон асар қолмаса, бу ҳам тус берувчига аралашган шаффоф нарсанинг синдиришидек синдиради,– шунда у жисм оқдек бўлиб кўринади. [Унинг] қуввати соф оқнинг қувватидек бўлмаслиги мумкин; балки у аввалгига қарши бўлган бошқа [бир] қувватдир. Чунки рангсиз нарса билан аралашган жисм у билан миқдорда баробар бўлганидек, қувватда ҳам баробар бўлса, ҳосил бўлган қувват икки қувват орасидаги мўътадил бир қувват бўлади.

Агар туссиз жисм тусли жисмдан анча кучли бўлса, оққа қўшилган жисмнинг қувватига зид бўлган қувват таъсирлироқ бўлади. Масалан, оқ ўзи иссиқ бўлатуриб, [жисмнинг] совуқ бўлишини келтириб чиқаради; бу ҳол миқдорлар баробар бўлганда бўлади. Аммо, масалан, рангсиз ёки ранги бўлса ҳам иккинчисининг рангига зид тусли, миқдори оз, лекин кайфият ва қуввати кучли бўлган [жисм], иккинчисининг тусига, албатта, ҳеч бир таъсир бермайди [228] ва [ўз кайфияти билан] унга қаттиқ ғалаба қилади; ҳатто иккинчисида ҳеч бир мавжуд қувват йўқдек бўлиб қолади. Бир *ратл* сутни *фурбиюн*нинг икки *мисқолига то* улар бир нарсадек бўлиб кетгунча, аралаштириб кўр! Аралашма ғоят қиздирувчи бўлмайди. Ҳис бу аралашмадан *фурбиюнни* ажрата олмайди; тусини ҳам аниқлай олмайди. Агар туси йўқ бўлса, йўқлигини ҳам аниқлай олмайди. [Фақат] нуқул оқ кўринади. Бизнинг «оқ [тус] совуқ модда сабабли бўлади», дейишимиз, агар биз сутни совуқ деб фараз қилган бўлсак, тасдиқланган бўлади. Бу аралаш моддани совуқ десак, биз хато қиламиз. Чунки бу оқ [тус] шу аралаш ичимликнинг аралашмалиги туфайли келган тус эмас, балки [у] икки содда унсурдан миқдор бўйича ғолиб, қувват бўйича мағлуб бўлган бирининг [яққол] сезиларли рангидир.

Ғоятда иссиқ бўлган табиий қўшилишдаги оқ [тус] тўғрисида ҳам

шундай ҳолни тасаввур қилиш керак. Ваҳоланки, бундай нарсалар совуқ бўлиши керак эди. [Масалан], оқ мурч[11]. Бу ҳол сунъий равишда бирлашишдан [пайдо] бўлганидек, || баъзан табиий равишда бирлашишдан ҳам *126a* бўлади. Бунда ҳам юқоридаги каби ҳол кўринади.

Лекин сезиладиган хусусиятлардан яхшироғи ҳам бўлиб, унга аралашган зид [хусусият] очиқ бир таъсир кўрсатган бўлади ва унинг кайфиятлари тўғри ва аниқ сезилиб турганда зид [хусусиятлар] унда сезилмайди. Мана шунда унинг қуввати ғолиб бўлган бўлади. Бу ҳол мазаларга оид бўлиб, зарурий эмас, аммо кўпинча учраб туради. [Бу хусусда] мазалардан кейин ҳидлар ва у икковидан сўнг туслар туради. Бу нарса тусларда у қадар ишончли эмасдир. Бу соҳада таъмларнинг ҳидлардан устун бўлиш сабабларидан [бири], таъмларнинг [тотиш] ҳиссига бевосита йўлиқиши билан пайдо бўлишидир. Бу [таъм], дорининг ҳамма бўлакларидан [аъзога] етадиган қувватларнинг яхшироғидир. Ҳид ва туслар дориларнинг бўлаклари [аъзога] йўлиқмасдан туриб таъсир қиладилар. Ҳидли [дорининг] латиф бўлакларидан ҳисга бир буғ етади; зич қисмларидан чиққан буғ қаршилик кўрсатиши натижасида ҳидли нарса ҳисга етмаслиги ва буғга айланмай қолиши ҳам мумкин. Шунингдек, равшан ва устун турувчи тус ҳисга етиб, яширин, мағлуб тус етмаслиги мумкин.

Ҳидлар баъзан таъмни кўрсатишлари, яъни ҳидлар ширин, нордон, ўткир маза ва аччиқ бўлганлари [сабабли] улар мазаларга нисбатан иккинчи ўринда турадилар. Мазаларнинг далолати кўпроқ тўғри бўлади, ундан кейинги ўринда ҳидлар, ундан кейин туслар туради.

Агар юқоридаги таркиб [*фурбиюн* билан сут]даги хато таъмда ҳам такрорланмаган бўлса, афюн ўтакетган совуқ бўлатуриб, бунча аччиқ бўлмаган бўлар эди. Таъмда бўладиган бу хатонинг совуқликка нисбатан бўлгани иссиқликка нисбатан бўлганидан кўпроқ бўлади, яъни дори, ўзи совуқ бўлатуриб, унинг иссиқликка далолат қиладиган таъми бўлиши, дори ўзи иссиқ бўлатуриб, совуқликка далолат қиладиган таъми бўлишига кўра кўпроқ учрайди; негаки, иссиқлик кўпинча таъсир жиҳатидан кучли ва феъл [иш] жиҳатидан равшанроқ ва ўтувчанроқдир. Табиий мизожда совуқ бўлган нарсага қувватда ўзига тескари бўлган нарсанинг совуғини синдирадиган даражадаги иссиқ мизожли нарса аралашса, унинг таъмини синдирадиган иккинчи бир таъмнинг келиб чиқиши лойиқ бўлади. Чунки иссиқ ҳамма ҳолда ўтувчанроқ, таъсир этадиганроқ ва ғолиброқ ҳамда маза ва ҳидларни ташишга муносиброқдир. Шу сабабдан сен бирон нордон ва мози мазали нарсани топмайсанки, унинг ҳисга сезиларли бирон мизожи бўлмаса ва унинг ғолиб мизожи иссиқ бўлса. Аммо ўзи аччиқ ва ачитадиган бўлатуриб, ғолиброқ мизожи билан совуқ бўлган нарсаларни

учратасан. Бу ҳол ҳам бошқасига нисбатан кўпроқ учрайди, лекин ҳамма вақт бўлиши шарт эмас.

Бу қонунни билганингдан кейин энди сенга табибларнинг таъмлар, ҳидлар ва туслар тўғрисида айтадиганларини ҳикоя қилиш керак. Улар содда таъмларнинг ҳаммасини тўққизта деб биладилар, гарчи булардан саккизтаси таъмли бўлиб, бири таъмсиз бўлса ҳам. Кейингида ҳеч таъм бўлмагани ва сезилмагани [учун] буни таъмсиз [дейдилар], масалан, сув каби. Улар таъм деб, амалда ёки яширин равишда [бўладиган] ва тотиш қуввати билан ҳукм қилинадиган нарсани атайдилар, [тўққизинчисида тотиш қуввати] ҳеч таъсирланмайди, [чунки] бу таъми йўқ нарсадир.

Бу [таъмсизлик] икки жиҳатдан бўлади: ёки ҳақиқатда таъми йўқ бўлади ёки ҳисга [таъсир қилолмагани сабабли] таъмсиз бўлади. Ҳақиқатда таъмсиз нарса деб, асло таъми йўқ нарсани айтамиз. Ҳисга нисбатан таъми бўлмаган нарса шундай нарсаки, унинг ўзида таъм бўлса ҳам, қаттиқ [229] зичлиги сабабли ундан тилга тегиб, тил уни сезадиган бир нарса тарқалмайди. Ундай нарсанинг бўлакларини эритиб суюлтирилса, тил унинг таъмини сезади. Масалан, мис билан темирни олайлик; тил булардан ҳеч бир таъмни сезмайди; чунки буларнинг жисмидан.тотиш ҳиссига таъсир қилувчи ва тилнинг энг юқори сатҳига ёйилган ҳўлликка борадиган бир нарса эриб чиқмайди. Агар буларни майда бўлакчаларга бўлиш чораси кўрилса, уларда кучли таъм пайдо бўлади. Буларга ўхшаган нарсалар кўпдир.

Мазасизликдан ташқари ҳақиқатан таъм деб аталадиган саккизта таъм мана булардир: чучук, аччиқ, ўткир маза, шўр, нордон, мози маза[12], буруштирувчи маза ва ёғли маза. [Яна] айтадиларки, таъмни ташувчи модда ё зич ва ер моддали, ёки латиф бўлади, ёхуд мўътадил бўлади. Унинг қуввати
126б иссиқ, ё совуқ ва ёхуд ўртача бўлади. Агар ерли зич модда || иссиқ бўлса, у аччиқ таъмли бўлади; совуқ бўлса, мози мазали бўлади; агар мўътадил бўлса, чучук бўлади. Латиф модда иссиқ бўлса, ўткир мазали бўлади; совуқ бўлса, нордон бўлади ва мўътадил бўлса, ёғ мазали бўлади; [таъмни ташувчи модда] зич ва латифликда ўртача бўлиб, ўзи иссиқ бўлса, шўр мазали, агар совуқ бўлса, буруштирувчи мазали ва мўътадил бўлса, мазасиз дейдилар. Мазасизлик тўғрисидаги фикр [турличадир].

Ўткир мазали [нарсалар] энг қиздирувчи бўлиб, ундан кейинги [ўринда] аччиқ ва ундан кейин шўр [нарсалар] туради. Чунки ўткир мазали [нарса] аччиққа қараганда тарқатиш, парчалаш ва тозалашда кучлироқдир. Бундан кейин шўр нарса туради. Шўр, гўё совуқ ҳўллик билан синдирилган аччиқдирки, бунга унинг вужудга чиқиши тўғрисида айтганларимиз далолат қилади. Шунингдек, шўр [нарса] қуёшда ёки оловда қиздирилса, ёхуд

иссиқлик қувватини синдирувчи сув моддасидан ажратилса, у аччиққа айланади, [масалан] *бурақ* шундай, аччик; туз ичиладиган [ош] тузидан қиздирувчанроқдир.

Мози маза [нарсалар] энг совуқ бўлиб, улардан кейин буруштирувчи [мазали] ва сўнгра нордон [нарсалар] туради. Шунинг учун ширинга айланадиган меваларда аввало қаттиқ совутадиган мози маза бўлади. Қачонки, уларда ҳаво ва сув моддаси тарқалиб, улар ҳаво ва қуёшнинг етилтирувчи қиздириши билан бир оз мўътадилга айлансалар, у вақтда нордонликка мойил бўладилар; масалан, узум ғўраси. Шу ўртада[13] [меваларда] мози маза бўлмасдан енгил буруштирувчи маза бўлади ва у пиширувчи ҳарорат таъсир қилиши билан, чучукликка айланади. Баъзан нарсанинг мози мазаликдан нордонга айланмай туриб [тўғридан-тўғри] чучукликка ўтиш ҳолатлари ҳам бўлади, масалан, зайтун каби. Лекин нордоннинг мози мазаликка қараганда совуқлиги камроқ бўлса ҳам латифлиги ва ўтувчанлиги сабабли кўпинча ундан совутувчанроқ бўлади.

Мози маза билан буруштирувчи маза таъмда бир-бирларига яқиндирлар. Фарқ [фақат] шундаки, буруштирувчи тилнинг устки қисмини буруштиради, мози маза эса тилнинг устки ва ички қисмини буруштириб, уни дағаллаштиради. Мози мазали [нарсанинг] тилни дағаллашига ёрдам берадиган хусусиятларидан бири – ўзининг зичлиги сабабли тезликда майда бўлакларга бўлинмаслиги ва уларнинг тезликда бир-бирлари билан бирикмасликларидир. Мана бу икки ҳолат жиҳатидан мози мазанинг тилдаги таъсир ўрни бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади; шунинг учун [тил] бўлакларининг бурушиши ҳам турлича бўлади ва улар турлича жойлашиб, натижада [тил] бурушади. Аъзо бўлакларининг тешикли ва зич бўлишда бир-бирлари билан ўхшаш бўлмасликлари ҳам бунга ёрдам қилади. Бундан ташқари, мози маза ўзи латифроқ ва ичкарига ўтувчанроқдир.

Ўткир маза билан аччиқ маза тилни қаттиқ шилади. Лекин аччиқ маза тилнинг устини шилади. Ўткир маза эса чуқурроқ шилади ва ёради. Чунки унинг моддаси латиф ва шўнғувчандир.

Аччиқ мазага келганимизда, унинг моддаси оғир ва қуруқдир, шунинг учун унинг соф ҳолидагиси жонли нарсалар пайдо бўладиган сасишга учрамайди ва соф ҳолидагиси жониворларни озиқлантирмайди ҳам. Аччиқ маза қуруқ бўлганидан унинг шилиши[14], ҳар ҳолда, дағаллик пайдо қилмасдан бўлмайди. Ўткир мазанинг иссиқлигини аччиқ мазанинг иссиқлигидан кучлироқ қилувчи нарсалардан бири унинг ўтувчанлигидир. Шунинг учун ҳам ўткир маза қаттиқ парчалаб, қаттиқ эритади, ҳатто (аъзони) еб, саситади ва ҳалокатга олиб боради.

Чучук маза билан ёғ мазалар тилни ёзадилар ва совуқ қотирган нарсани

тарқатмасдан оқизиш йўли билан [тилни] юмшатадилар ва дағаллигини йўқотадилар. Бу [ишни] ёғ маза амалда қиздирмасдан, чучук маза эса қизитиш билан қилади ва шу сабабли [хилтни] кўпроқ пиширади.

Табиблар айтадилар: ширин мазалар шунинг учун лаззатли бўладиларки, улар қуюқ нарсани тозалаб, яхшилаб юмшатиб, оқизадилар ва унинг қотишидан келган зарарни [ўша ерни] парчаламасдан, туташликни бузмасдан ҳамда қўполлик билан тегмасдан йўқотадилар; яна уни озор берадиган қилиб қиздирмай, балки лаззат берадиган қилиб қиздирадилар; совуқ еб, титраб турган кишининг устига мўътадил иссиқ сувни қуйгандаги лаззат каби лаззат берадилар. Бу тўғрида ҳал қилувчи сўз [230] табибларнинг юқори даражага етишганларига [равшандир].

Гарчи, табибларча, ҳар бир озиқли нарсада бирор ширинлик бўлиши керак бўлса ҳам, энг лаззатли бўлган нарсанинг энг озиқли бўлиши ва энг озиқли нарсанинг энг лаззатли бўлиши шарт эмас, чунки озиқ [бўлишнинг] ширинликдан ташқари бошқа шартлари ҳам бор. Буни [унутма]. Ёғ [маза] ширинлик учун муносибдир. Лекин тузилиши зич модданинг ширин ва ёғ мазаликка айланиши ўзига муносиб иссиқлик таъсири билан бўлади. Сув ва бир оз ҳаво моддаси билан суюлганда ширинликка айланиб, ёғли мазага айланиши эса [муносиб иссиқлик таъсирида] асосан ширин сув моддаси ва сув моддасига қаттиқ аралашган кўп ҳаво моддаси билан суюлгандагина бўлади.

127а Аччиқ маза билан шўр маза ҳам тилни шиладилар. Лекин шўр маза || енгил шилиб, уни ювади ва дағал қилмайди. Бунга ўзининг латифлиги сабабли аъзонинг ҳамма бўлакларига баробар етиши ёрдам қилади, лекин у меъданинг оғзига зарар етказади. Аччиқ маза [тилни] қаттиқ шилади, ҳаттоки уни дағал қилади. Бунга, юқорида айтганимизча, [тилга тегиш] ўринларининг турлича бўлиши сабаб бўлади.

Ўткир маза билан нордон маза тилни куйдириб ачитадилар. Лекин ўткир маза уни қиздириш билан қаттиқ куйдириб, ачитади. Нордон маза эса уни қизитмасдан, ўртача ачитади.

Шўр маза аччиқ мазанинг мазасиз сувликда эришидан пайдо бўлади. Қачонки, у кўл сувидек қуйилса, тузга айланади.

Нордон маза ширин мазанинг иссиқлик етишмаслиги сабабли ўзгаришидан ва мози мазанинг ҳўллик ҳам иссиқлик ортиши сабабли етилишидан пайдо бўлади. Бунинг моддаси, ҳар ҳолда, ҳўл моддадан иборатдир. Ширинлик ҳам шундайдир; чунки унинг моддаси ҳўлликка мойилдир. Аччиқ маза билан мози мазанинг моддаси эса қуруқликка мойилдир.

Ширинликнинг иши етилтириш, юмшатиш ва озиқликни кўпайтиришдир. Табиатга у яқин бўлиб, тортувчи қувват уни тортади.

Аччиқликнинг иши тозалаш ва дағаллаштиришдир.

Мози мазанинг иши, агар [унинг кучи] кучсиз бўлса, буруштириш бўлиб, кучли бўлса, зичлаштиришдир.

Буруштирувчи мазанинг иши буруштириш, зичлаш, қотириш ва қамаштиришдир.

Ёғ мазанинг иши юмшатиш, сирғантириш ва бир озгина етилтиришдир.

Ўткир мазанинг иши эритиш, парчалаш ва чиритишдир. Шўр мазанинг иши тозалаш, ювиш, қуритиш ва чиришга йўл қўймасликдир.

Нордон мазанинг иши совутиш ва [хилтларни] парчалашдир.

Баъзан икки хил маза бир жисмда тўпланади; масалан, аччиқ билан буруштирувчи маза *ликий ширасининг* жисмида тўпланади ва уни тахир маза дейдилар. Яна аччиқ билан шўр маза шўрхок [сабха]да[15] тўпланган бўлиб, буни *зауқат* [аччиқ-шўр] деб аталади; ўткир маза билан ширин маза қайнатилган асалда, аччиқлик, ўткир маза ва буруштирувчи маза бақлажонда ва аччиқлик билан мазасизлик сачратқида тўпланган.

Кўпинча икки мазанинг иши бошқа бир мазанинг ишини кучайтиришга ёрдам беради. Масалан, узум сиркасидаги шаробдан қолган тезлик ва ўткир маза уни қаттиқ совутувчи қилади; чунки тезлик билан ўткир маза, гарчи сиркада арзийдиган қиздиришни келтириб чиқариш даражасига бориб етмасалар ҳам, ўтиш жойларини очиб, сиркани ўтказувчан [қилишга] ёрдам беради. Натижада, сирканинг совутиш [таъсири] чуқурроқ бўлиб қолади. Узум ғўрасидаги каби икки таъмнинг, яъни нордонлик билан мози мазаликнинг иши бир-бирига қаршилик кўрсатади. Чунки узум ғўрасининг мози мазаси ундаги нордон мазанинг етарли даражада ўтувчи совутишига қаршилик қилади.

Баъзи [дорининг] консистенцияси унинг табиатига ёрдамчи бўлади, баъзан эса тескари бўлади. Табиатига ёрдамчи бўлган консистенцияга келсак, у сиркадаги нордонлик билан бирлашган латифлик бўлиб, у [нордонликнинг] совутишини янада чуқурлаштиради. Табиатига зид бўлган консистенцияга келсак, у қуртдаги нордонлик билан бирлашган зичлик бўлиб, бу [зичлик] унинг совутиш таъсирини камайтиради.

Мазаларнинг баъзилари [аввалида] соф бўлмай, сўнг вақт ўтиши билан соф бўлиб қолади. Масалан, ғўра сувини олсак, вақт ўтиши билан унда бўлган мози мазали ва бошқа маза [нарса]лар чўкиб, соф нордон бўлиб қолади. Баъзи таъмлар аввал соф бўлиб, вақт ўтиши уларга бошқа таъмларни қўшади. Масалан, асални олсак, вақт ўтиши уни жуда аччиқ ва ўткир мазага айлантиради. Вақт ўтиши узумнинг сиқиб олинган сувини ҳам кучли аччиқ ёки ўткир маза қилганида, аввал уни [бошқа мазалар билан] аралаш ҳолда аччиқ қилиб, сўнг соф [аччиқ][16] мазага айлантиради.

Мози маза билан аччиқ маза аралашганда, тозаловчи ва буруштирувчи [таъсирларда] бирликда бўлади. Бу бир оз шишган [кўпчиган] яраларни бириктириб [бекитишга] ва тиқилмалардан пайдо бўлган ҳар бир ичкетишга мос келади. Аччиқ мазаси кучсиз бўлмаганида талоққа [ҳам] жуда кўп фойда беради. Шу хил сифатда бўлган нарсаларнинг ҳаммаси меъда [231] ва жигар учун фойдалидир. Мутлақ аччиқ ва мутлақ ўткир маза [нарсалар] қорин ичидаги аъзоларга зарар қилади. Агар уларга буруштирувчи маза қўшилса, улар [аксинча], фойда берадилар, чунки у нарса ўзининг аччиқлиги билан [хилтни] тозалайди ва ўзида бўлган буруштирувчи мазаси билан ички аъзоларнинг қувватини сақлайди. Гоҳо аччиқ мазали буруштирувчида, тўғрироғи, кучли аччиқлилиги сезилиб турмаган буруштирувчида
127б сафро[17] ва сувлиликни || сиқиб, сурадиган қувват бўлади, [аммо] айниқса, буруштириш [таъсири] аччиқликдан кучли бўлганида, ёпишқоқ шиллиқни сурадиган қувват бўлмайди. Бунга мисол қилиб эрманни кўрсатиш мумкин. Ҳар бир буруштириш хусусиятига эга бўлган ширин [нарса] ички аъзоларга ёқимли бўлади. Чунки ширин [нарса] лаззатли ва қувват берувчи бўлиб, [у яна] қизилўнгач дағаллигига [ҳам] фойда қилади; бунга сабаб унинг мўътадилга ўхшаш бўлишидир.

Ҳар бир қуритувчи [нарса] ўз мози мазалиги ёки буруштириши сабабли унда ёғлилик ё мазасизлик, ёхуд ширинлик бўлса, қисқаси ачиштиришга тўсқинлик қиладиган нарса бўлса, эт ундирувчи бўлади. Агар буруштириш билан бирга икки моддадан, [яъни] олов ҳам ер моддаларидан мураккаб бўлган ўткир мазали ёки аччиқ бўлса, [у хил дори] рутубатли ёмон яраларга мос келади, айниқса, яраларни битиришга катта ёрдам беради. Гоҳо бу қувватларнинг таркиб топиши – моддалари ва таъмларининг таркиб топишига қараб бўлиб, олдин биз шарт қилганларга кўра бўлади.

Мана шулар бизнинг мазалар ҳақида айтадиган нарсаларимиз ва уларнинг қоидаларидан [билинмоғи] лозим бўлганларидир. Буларнинг ҳақиқатини аниқлайдиган сўз эса табиият илмига тегишлидир. Улардан олинган шу қадар маълумот табибга кифоя қилади.

Ҳидларга келсак, булар иссиқлик ва совуқликдан пайдо бўладилар. Лекин уларни ҳидлантирувчи ва бурунга юборувчи нарса иссиқликдир. Чунки [ҳидларни] ҳидловчи қувватга яқинлаштирувчи восита кўпинча латиф буғсимон моддадир, гарчи [ҳид сезгиси] ҳидли моддадан ҳеч бир нарса тарқалмасдан, ҳаво ўзгариши йўли билан [пайдо] бўлиши мумкин бўлса ҳам, биринчи [ҳол] кўпинча бўлиб туради.

Ачитувчи [таъсири] сезилиб турган ёки ширинлик таъмини берадиган ҳар бир ҳид иссиқдир. Нордон, нам моғор исини берадиган ҳидларнинг ҳаммаси эса совуқ бўлади. Хушбўй нарсаларнинг кўпчилиги иссиқдир. Ле-

кин кофур ва нилуфар каби руҳ ва нафсни ҳўллайдиган ва тинчлатадиган нарсаларнинг ҳидлари ундай эмас, чунки икковларининг жисмлари ҳид билан миягача борадиган совутувчи моддадан холи эмасдир. Демак, ҳар бир хушбўй нарса иссиқ бўлади. Шунинг учун ошларнинг ҳидларини яхшилайдиган ҳамма дориворлар бошни оғритувчидир.

Тусларга келсак, улар тўғрисида гапирдик ва уларнинг кўп вақтда ўзгаришларини ҳамда ҳидлар каби эмасликларини айтдик, лекин уларнинг бир маънода кўпинча йўл кўрсатувчи эканликларини таърифладик. У ҳам бўлса шуки, бир тур ичидаги синфлар ҳар хил бўлиб[18], баъзилари оққа ва баъзилари қизил ҳам қора тусларга мойил бўлсалар, турнинг табиати совуқ бўлганда, оққа мойил бўлган [синфи] кўпроқ совуқ бўлади; қизил ва қора тусларга мойил [синфларнинг] совуқликлари эса камроқ бўлади. Агар табиати иссиққа мойил бўлса, иш бунинг тескарисича бўлади. Бу [ҳол] турли нарсаларда турлича бўлса-да, кўпинча биз айтган каби бўлади. Энди содда дориларнинг таъсирлари тўғрисида гапирамиз.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ. СОДДА ДОРИЛАР ҚУВВАТИНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ ТЎҒРИСИДА

Биз айтамизки, дориларнинг умумий ва хусусий таъсирлари ҳамда умумий таъсирга ўхшаш таъсирлари бор. Умумий таъсирлари қиздириш, совутиш, тортиш, итариш, яралаш, бириктириш[19] ва шунга ўхшашлардир. Хусусий таъсирлари – саратон [касали]га[20] фойда қилиш, бавосирга фойда қилиш, сариқ касалига фойда қилиш ва шунга ўхшаганлардир. Умумий таъсирларга ўхшаган таъсирлари [ични] суриш, сийдикни ва ҳайз қонини юриштириш ва шулар кабилардир. Булар махсус аъзолар ва қуролларга хос бўлганлари сабабли хусусий таъсирлар бўлсалар ҳам, умумий таъсирларга ўхшайдилар. Чунки улар фойдалари ва зарарлари умумий бўлган нарсаларга таъсир қиладилар ва шу билан бирга, булардан бутун гавда тўғридан-тўғри таъсирланади. Биз бу ерда дориларнинг умумий таъсирларини ва умумий таъсирларига ўхшаган таъсирларини айтамиз.

Умумий таъсирларга келсак, улардан биринчи ва иккинчилари бор. Биринчилари – совутиш, қиздириш, ҳўллаш ва қуритишдан иборат тўрт таъсирдир.

Иккинчиларига келсак, улар худди шу таъсирларнинг ўзларидек таъсирлар бўлсалар ҳам, лекин ортиқлик ёки озлик чегаралари билан ўлчанган ва солиштирилган бўладилар. Буларга куйдириш, саситиш ва чиритиш, қотириш ва [оқишдан] тўхтатиш кабилар мисол бўлади. [232] Чунки бу-

лар қиздириш ва совутишларнинг худди ўзи бўлиб, лекин ўлчанган ва қиёс қилингандирлар. Иккинчилар жумласида яна бошқа таъсирлар бор
128а бўлса ҳам||, шулардан содир бўладилар. Буларнинг мисоллари увуштириш, [жароҳатларни] битириш, [баданга кирган нарсаларни] тортиш, тойдириш, [тўсиқларни] очиш, елимлаш ва шуларга ўхшашдир.

Умумий таъсирларга ўхшаш таъсирларга келсак, уларнинг мисоллари [ични] суриш, [сийдикни] юриштириш ва терлатиш кабилардир.

Дориларнинг таъсирлари тўғрисида гапиришдан олдин, уларнинг асли ўзларида бор бўлган сифатлари ҳақида сўзлаймиз. Буларга келганда, айтамиз: дорилардаги бу хил сифатларнинг баъзилари маълум тўрт кайфият, баъзилари ҳидлар, ранглар ва яна бошқа сифатлардирки, улардан машҳурлари қуйидагилар: латифлик [ёки нозиклик], зич тузилишли, ёпишқоқлик, уваланишлик, қотишлик, оқишлик, шиллиқлик, ёғлилик, шимишлик, енгиллик ва оғирлик.

Латиф дори шундай хусусиятга эгадирки, у, бизда бўлган табиий қувватдан таъсирланганда гавдамизда жуда майда бўлакларга бўлиниб кетади; заъфарон ва долчин каби. Бу хил дорининг ҳамма таъсирларида ҳам фойдаси кўпроқдир. Ҳаттоки унинг қуритиши, унда ачиштириш [таъсири] бўлмаса ҳам, ачитувчи кучли нарсанинг қуритиши даражасига етади.

Зич тузилган дори деб, хусусияти ҳозир айтилгандек бўлмаган дорини тушунамиз, масалан, қовоқ ва гипс[21] каби.

Ёпишқоқ дори деб, амалда ёки туғма иссиқликнинг таъсири билан амалга яқин потенцияда чўзилишни осилган ҳолда қабул қилувчи ва чўзилганида узилиб қолмайдиган дорини тушунамиз. Бу шундай нарсаки, икки тарафи бир-биридан узоқлашиб ҳаракат қилган икки жисмга ёпишганда, ораси узилмасдан, бирликда ҳаракат қилиши мумкин бўлади; масалан, асал.

Уваланувчи дори ўзининг қуриганлиги ва қотганлиги сабабли аста тегишдан майда бўлакларга бўлиниб кетувчи доридир; яхши [нав] сабир каби.

Қотувчи дорининг хусусияти шундайки, фараз қилинган ҳар қандай вазиятда унинг бўлаклари ёзилишга ҳаракат қилади, лекин бирор қаттиқ совуқ сабабли у амалда ўз шакли ва вазиятида қолади; масалан, мум шундай. Хулоса, у шундай дорики, унинг оқиш хусусияти бор, лекин ўзи амалда оқмайди.

Оқувчи дори шундай дорики, уни қаттиқ жисм устига ўрнаштирилса, у ўз шакли ва вазиятида қолмайди; балки юқорисидаги бўлаклари мумкин бўлган йўл билан пастга қараб ҳаракат қилади. Бунга ҳамма суюқликлар мисолдир.

Ш и л л и қ л и дори шундай хусусиятли дорики, уни сувда ёки сувли бир жисмда ивитилса, ундан ўша суюқлик билан аралашадиган бўлаклар ажралади ва натижада бу икковидан ёпишқоқликка мойил бўлган бир модда ҳосил бўлади; масалан, қорни ёриқ ва гулхайри каби. Шиллиқли уруғлар тойдириш билан суради. Лекин улар қовурилса, сурмайди, балки шиллиқлик елимловчига айланиб, [аксинча, ични] тўхтатади.

Ё ғ л и дори шундай дорики, унинг моддасида ёғ бўлади, масалан, донлар.

Ш и м у в ч и дори амалда қуруқ ва ер моддали бир дорики, унинг ўзига сув ва оқувчан суюқликлар йўлиққанда, сув унга сингиб, жуда майда тешикчаларидан ўтиб, кўринмай кетади, сўнмаган оҳак каби.

Е н г и л в а о ғ и р дориларнинг нима эканлиги равшандир.

Дориларнинг таъсирига келганда, улардан машҳурларини, айтилган шартларга мувофиқ, санашимиз ва кетидан исмларига таърифлар ва шарҳлар беришимиз керак.

Биринчи табақа [таъсирлар назарда тутилганда] мана шундай дейилади: қиздирувчи, шимдирувчи, эритувчи, тозаловчи, елларни ҳайдовчи, дағал қилувчи, очувчи, бўшаштирувчи, етилтирувчи, ҳазм қилувчи, парчаловчи, елни синдирувчи, тортувчи, ачиштирувчи, қизартувчи, қичитувчи, яра қилувчи, еювчи, куйдирувчи, майдаловчи, саситувчи, доғловчи, шилувчи; булар ҳаммаси бўлиб йигирма иккита[22]. Бошқа табақа [таъсир сифатлари]: совутувчи, қувватли қилувчи, қайтарувчи, қуюлтирувчи, хомлигича қолдирувчи, увуштирувчи; ҳаммаси бўлиб олтита.

Яна бир табақа [таъсир сифатлари]: ҳўлловчи, дам қилувчи, ювувчи, яраларни чиркли қилувчи, тойдирувчи, силлиқ қилувчи. Бу табақа сифатларининг ҳаммаси олтита.

Яна бошқа табақа [таъсир сифатлари]: қуритувчи, сиқувчи, буруштирувчи, тиқилтирувчи, елимловчи, бириктирувчи, эт ундирувчи, битирувчи; булар ҳаммаси бўлиб саккизта.

Дориларнинг таъсирлари бўйича бошқа хил сифатлар қуйидагилардан иборат: ўлдирувчи, заҳар, тарёқлик, подзаҳрлик[23], яна сурги, сийдик ёки ҳайз қонини юриштирувчи ва терлатувчи. || Буларнинг ҳаммаси қирқ *128б*
тўққизта бўлади, уларни биз дориларга тегишли таъсирлар тўдасидан сайлаб олдик. Энди булардан ҳар бирини таърифлари билан келтирамиз.

Л а т и ф л а ш т и р у в ч и шундай хусусиятли дорики, у ўзининг мўътадил иссиқлиги билан хилт консистенциясини суюқроқ қилади; *зуфо,* тоғжамбил ва мойчечак шундай.

Э р и т у в ч и -тарқатувчи дори шундайки, у хилтни буғга айлантириш билан уни тиқилиб турган еридан бўлакларга ажратиб бирин-кетин

чиқаради [233] ва қолганларини ўзининг иссиқлик қуввати билан йўқотади; масалан, қундуз қири.

Т о з а л о в ч и дори шундай дорики, у ёпишқоқ ва қотувчи хўллик [рутубат]ларни тери тешикларининг оғзидан аъзо сиртига ҳаракат қилдиради ва аъзодан узоқлаштиради; масалан, асал суви каби. Ҳар бир тозаловчи дори, ўзида ички суриш кучи бўлмаса ҳам, ўзининг тозалаши билан ички мулойим қилади. Ҳар бир аччиқ нарса тозаловчидир.

Д а ғ а л қ и л у в ч и шундай дорики, у, аъзо юзи бўлакларини пастбаландликда турлича қилиб юборади; [сабаблари]: юқорида айтилгани каби, моддаси зич тузилиши билан бирга, қаттиқ буруштирганидан бўлади ёки моддаси латиф бўлиши билан бирликда ўткир мазалиги жуда ортиқ бўлишидан бўлади, бунда дори [аъзони] кесиб, текислигини бузади; ёки [бу таъсир] аслида нотекис бўлган ва бирон восита сабабли силлиқ бўлиб қолган сатҳдан [хилтни] кетказганидан бўлади, чунки тузилиши қаттиқ, юзи нотекис, бўлаклари турли вазиятда бўлган аъзодан унга оқиб келиб, унинг сатҳини силлиқ қилиб қўйган ёпишқоқ ҳўлликни дори тозалаганида, остдаги текиссизлик юзага чиқиб қолади. Бу хил дорининг мисоли қашқарбедадир. Буларнинг дағал қилувчи таъсири кўпинча суякларда ва тоғайларда юзага чиқиб, терига [нисбатан] камроқ бўлади.

О ч у в ч и дори шундай дорики, у ўтиш жойларининг бўшлигига тушган моддани оқиш йўлларини очиш учун ташқари томонга ҳаракат қилдиради. Бу [очувчи] дори тозаловчи доридан кучлироқдир; тоғ петрушкаси [*фетросолиюн*][24] бунга мисол бўла олади. Бундай таъсир кўрсатиш латифлиги ва эритувчанлигидан ёки латифлиги ва парчаловчилигидандир,– «парчаловчи» сўзининг маъносини яқинда биласан,– ёки бундай қилиши латифлиги ва ювадиганлигидан,– «ювадиган» сўзининг маъносини ҳам яқинда биласан. Ҳар бир ўткир мазали нарса очувчидир. Ҳар бир латиф аччиқ [нарса] ҳам очувчидир. Ҳар бир оқувчан латиф нарса, агар у иссиқликка мойил бўлса ёки мўътадил бўлса, очувчи бўлади. Ҳар бир латиф нордон нарса ҳам очувчидир.

Б ў ш а ш т и р у в ч и деб, шундай дорига айтиладики, у ўзининг иссиқлиги ва ҳўллиги билан тешиклари зич бўлган аъзони мулойим қилади. Бу хил таъсирдан тешиклар кенгайиб, аъзода бўлган ортиқча нарсаларнинг ҳайдалиши енгил бўлади; укроп ва зиғир уруғларини боғлаш шундай [таъсир кўрсатади].

Е т и л т и р у в ч и дори шундайки, у хилтни етилтиради, чунки у хилтни мўътадиллик билан қиздиради. Унда буруштирувчи қувват ҳам бўлиб, у хилтни етилгунча қамаб туради ва хилт зўрлик билан тарқалиб, ҳўли қуруғидан ажралиб қолмайди. [Хилтнинг ҳўли қуруғидан ажралиши] унинг куйиши бўлади.

Ҳазм қилдирувчи дори шундай хусусиятли дорики, у озиқни ҳазм қилдиради. Буни сен юқорида билган эдинг.

Елларни ҳайдовчи деб, шундай дорига айтиладики, у ўзининг иссиқлиги ва қуритиши билан елни сийраклатиб, ҳавога айлантиради; уни тиқилиб қолган еридан чиқаради. Газаг [қичитқи] ўтнинг уруғи шундай дорилардандир.

Парчаловчи дори шундай дорики, у ўз латифлиги сабабли аъзо сатҳи билан унга ёпишиб ётган ёпишқоқ хилт сатҳи орасидан ўтиб, хилтни ундан қирқиб, ажратади. Бунинг натижасида хилтни бўлакларга бўлади ва уларнинг устида ҳақиқатан бир-биридан бошқа бўлган сатҳлар пайдо қилади; бу билан хилтнинг ёпишган еридан ҳайдалиши осон бўлади. Бундай дориларнинг мисоли *хардал* [қичи] ва *сиканжубиндир*[25]. Парчаловчи [сўзи] тойдирувчи ва ёпишқоқ [сўзига] қарши ишлатилганидек, эритувчи ва тарқатувчи [сўзи] қуюлтирувчи [сўзига] қарши ва латифлаштирувчи [сўзи] зичлаштирувчи [сўзи]га қарши ишлатилади. Бу қарама-қарши сифатлардан ҳар бири ўзига яқин бўлган сифатлар айтилганидан кейин эслатиб ўтилади.

Парчаловчининг хилт консистенциясига бирор таъсир кўрсатиши шарт эмас; балки унинг туташлигига таъсир кўрсатиши керак. [Дори] кўпинча хилтни ҳар бири ўзининг аввалги консистенциясида қоладиган бўлакларга ажратади.

Тортувчи дори шундай хусусиятга эгадирки, у ҳўлликлар [рутубатлар]ни ўзи қўйилган жойга тортади. Бу унинг латифлиги ва иссиқлиги сабабли бўлади; масалан, қундуз қири шундай.

Кучли тортувчи дори шундай дорики, || у хилтни аъзонинг чуқур *129a*
ерларидан тортади. Бу хил дорини хилтларни тозалашдан кейин *ирқуннасо* [ишиас] касалида ва бўғин ичидаги оғриқларда қўйилса, жуда фойдалидир. Бу [хил дорилар] билан тикан ва ўқ учларини санчилиб кирган ерларидан тортиб оладилар.

Ачиштирувчи дори жуда ўтувчанлик хусусиятига эга бўлган латиф дори бўлиб, бирон туташ нарсада майда-майда, бир-бирларига яқин жойлашган кўп сонли узилишлар пайдо қилади. Уларнинг ҳар бири айрим ҳолда сезилмасдан, ҳаммасидан бир оғриқ сезилади. Масалан, сирка билан қўшилган *хардални* ёки сирканинг ўзини боғланса, шундай бўлади.

Қизартувчи дори ўзи тегиб турган аъзони шундай қаттиқ қиздирадики, қонни кучли тортиб, сиртга чиқаради ва [аъзони] қизартиради [234]; *хардал,* анжир, чўляпиз (ва ёввойи зира) бунга мисол бўла олади. Қизартирувчи дорилар куйдиришга яқин бир таъсир қиладилар.

Қичитувчи дори шундай дорики, у тортиш ва қиздириш хусусияти-

га эга бўлганидан, тери тешикчаларига ачитувчи ва қичитувчи хилтларни тортади, [аммо] яра қилиш даражасига олиб бормайди. Кўпинча танаси қаттиқ ва сезилмайдиган даражада майда тукли тиканлар шундай таъсир қилади; масалан, чўл петрушкаси, [*кабикаж*] шундай.

Яраловчи шундай дорики, у тери бўлаклари орасини туташтирувчи рутубатларни йўқ қилади ва тарқатади ва у ерга ёмон моддаларни тортади; натижада яра пайдо бўлади; *балозур*[26] бунга мисол бўла олади.

Куйдирувчи дори аъзодан хилтларнинг латиф қисмини тарқатиб, кул қисмини қолдиради. Бунинг мисоли *фарфиюндир*.

Еювчи дори шундай дорики, у ўзининг тарқатиш ва яралаш хусусияти билан гўшт моддасини камайтиришга олиб боради. Бунга зангор мисол бўлади.

Майдаловчи дори шундай дорики, у тошга айланган хилтларга йўлиқса, унинг бўлакларини кичиклаштиради ва синдиради. Бунинг мисоли «яҳудий тоши»[27] ва бошқалар каби [қовуқ ва буйракдаги] тошни майдаловчилардир.

Саситувчи дори ўзининг эритиши билан (аъзо мизожини ёки) аъзога келадиган руҳ мизожини ва [аъзодаги] ҳўлликнинг мизожини бузади; натижада [ҳўллик] шу аъзонинг бўлаги бўлишга ярамайди; лекин [бу дори] аъзони куйдириш, ейиш ва ҳўллигини тарқатиш даражасигача бормайди; балки унда ёт иссиқлик таъсир кўрсатадиган бузуқ ҳўллик қолади ва у [ҳўллик] сасийди. Бу хил дориларнинг мисоли зирних ва *софсиёдир*[28].

Доғлаб куйдирувчи дори шундай дорики, у этни ейди, терини қуритиб куйдиради, қаттиқлаштириб, қалқондек қилиб қўяди. Агар у [дори бадан] сиртида қолса, оқувчи хилтнинг оқадиган ерларини терининг моддаси тўсиб қўяди. Бу [ҳолатни] яранинг қовжираши деб аталади. Бу хил дори артерия ва бошқа жойлардан чиқиб турган қонни тўхтатишда ишлатилади. Булар зок ва *қалқатор*[29] кабилардир.

Шилувчи дори ўзининг қаттиқ тозаловчилиги билан терининг бузилган бўлакларини тозалайди; бунга *қуст, зарованд*[80] кабилар ва шунингдек, доғ, сепкил ва шуларга ўхшаганларга фойда қилувчи ҳамма нарса мисол бўлади.

Совутувчи дори маълумдир.

Қувватли қилувчи дори [бирон] аъзо ўзига қуйиладиган чиқиндиларни ва офатларни қабул қилишга моне бўладиган даражага келгунча у [аъзо]нинг қаттиқ-юмшоқлигини ва мизожини мўътадилликка келтиради. Бу дори шу ишни, ё муҳр лойи[31] ва тарёқ каби, ўзидаги хусусият туфайли қилади, ёки ўз мизожининг мўътадиллиги билан қилади. Жолинуснинг қизил гул ёғини текшириб кўрганига қараганда, бу хил дори [ўзидан] иссиқроғини совутади ва совуқроғини иситади.

Қ а й т а р у в ч и дори тортувчи доринг зиддидир. Бу дори ўз совуқлиги жиҳатидан аъзода совуқлик пайдо қилиб, унинг тузилишини зичлаштиради, тешикларини торайтиради, [хилтларни] тортадиган иссиқлигини синдиради ва аъзога оқувчи нарсани қотиради, ёки уни қуюлтириб, аъзога оқиб келишига ва аъзонинг уни қабул қилишига тўсқинлик қилади. Масалан, [ҳар хил] шишларда итузум шундай таъсир кўрсатади.

Қ у ю л т и р у в ч и дори суюлтирувчи доринг зидди бўлиб, қотириш ва ивитиш билан, ёки аралаштириш билан суюқликларнинг консистенциясини қуюлтиради.

Х о м л и г и ч а қ о л д и р у в ч и дори ҳазм қилувчи ва етилтирувчи дориларнинг зиддидир. Бу шундай дорики, у ўзининг совуқлиги жиҳатидан туғма ҳам ёт иссиқликнинг озиқ ҳам хилтлардаги таъсирини бузади; ҳатто улар ҳазм бўлмай ва етилмай қоладилар.

У в у ш т и р у в ч и шундай совуқ дорики, у, аъзони совутиш билан унга ҳис ва ҳаракат қувватларини келтирувчи руҳ моддасининг[32] мизожини совутади ва консистенциясини қуюлтиради. Натижада [у модда] нафсоний қувватлар учун оғирлик қилиб қолади. Аъзо мизожини шундай қиладики, || *129б* натижада у нафсоний қувватларнинг таъсирини қабул қилмайди. Бу хил дориларнинг мисоллари: афюн, мингдевона, сутчўп, қора кўкнори, меҳригиё [*ябруҳ*] ва шуларга ўхшаганлардир.

Ҳ ў л л о в ч и дори маълумдир.

Д а м қ и л у в ч и дори моддасида бегона қуюқ ҳўллик бўлган шундай дорики, унга туғма иссиқлик таъсир этганида, у тезликда тарқалмайди, балки елга айланади. Бунинг мисоли ловиядир. Дам қиладиган нарсаларнинг ҳаммаси бошни оғритиб, кўзга зарар қилади. Лекин озиқ ва дорилардан шундайлари борки, [меъдадаги] биринчи ҳазм уларнинг ҳўллигини елга айлантиради; у ел меъдани дам қилади. Дамнинг тарқалиши эса меъдада ҳамда ичакларда бўлади. Озиқ ва дорилардан яна шундайлари борки, [улардаги] дам қилувчи моддадан иборат бўлган ортиқча ҳўллик томирларга тушганигача меъдада ҳеч таъсирланмайди [235] ёки ҳаммаси меъдада таъсирланмасдан, бир қисмигина таъсирланиб, томирларда таъсирланадиган қисми ўз ҳолича қолади.

Озиқ ва дорилардан шундайлари ҳам борки, [улар] меъдада тамом таъсирланиб, елга айланади; лекин ҳаммаси меъдада шимилмайди; балки еллиги қолган ҳолда томирларга ўтади. Хулоса: ўзига аралашувчи нарсадан ёт ортиқча ҳўллиги бўлган ҳар бир дорида дам қилиш хусусияти бўлади; масалан, занжабил ва индов уруғи каби. Томирларда елга айланадиган ҳар бир дори [эрлик олатини] қўзғатади.

Ю в у в ч и дори – таъсир қилувчи қуввати билан эмас, балки ҳаракат

ёрдам берадиган таъсирланувчи қуввати билан кетказиш хусусиятига эга бўлган доридир. Таъсирланувчи қувват деб, ҳўлликни тушунамиз ва ҳаракат деб, оқишни тушунамиз. Чунки латиф оқувчи нарсалар томирларнинг оғизларида оқса, ҳўллиги билан ортиқча нарсаларни юмшатади, оқиши эса уларни кетказади. Бундай дориларнинг мисоллари арпа суви ва тоза сув кабилардир.

Яраларни чирклатувчи[33] дори шундай ҳўлловчи дорики, у яраларнинг ҳўлликларига аралашиб, уларни кўпайтиради ва қуришларига ҳам бирикишларига тўсқинлик қилади.

Сирғантирувчи дори шундай дорики, у қамалиб қолган жисмнинг оқиш йўлига тегиб турадиган сатҳини ҳўллайди ва жисмни у ердан қутқазади. [Жисм] бўлаклари [дори] билан аралашиб, юмшаганликлари туфайли оқувчанроқ бўлиб қоладилар. Сўнгра [у жисм] ўз табиий оғирлиги билан ёки ҳайдовчи қувват таъсирида ўрнидан қўзғалади. Масалан, олхўри ични сурганда, шу йўсинда таъсир кўрсатади.

Силлиқловчи дори шундай ёпишқоқ дорики, у ғадир-будур аъзонинг сатҳига ёйилиб, унинг сиртини силлиқ қилади; бунда у жисмнинг ғадир-будури ёпилиб, сирти силлиқ бўлади, ёки унинг сатҳига шу йўсинда ёйиладиган ҳўллик оқади.

Қуритувчи дори шундай дорики, у ўзининг шимдириш ва суйилтириш хусусияти билан суюқликларни йўқ қилади.

Буруштирувчи дори шундай дорики, у, аъзо бўлакларининг жойланиши зичланиб, [хилтларнинг] оқиш йўллари бекилсин учун [у бўлакларнинг] йиғилишга бўлган ҳаракатини кучайтиради.

Сиқувчи дори шундай дорики, у аъзо бўлакларини қисиб, зичлаштириш орқали уларнинг орасига жойлашган суюқ ҳўлликларни ажралишга мажбур қилади.

Тиқилтирувчи дори шундай қуруқ [мизожли] дорики, у ўзининг зич тузилганлиги, қуруқлиги ёки елимлаши сабабли ўтиш йўлларида қамалиб қолади ва уларда тиқилмалар пайдо қилади.

Елимловчи дори шундай қуруқ [мизожли] дорики, унда озгина ёпишқоқ ҳўллик бўлиб, бу билан [томирларнинг] оғизларига ёпишиб олади ва тиқилма пайдо қилади, натижада суюқликлар қамалиб қолади. Ҳар бир сирғантирувчи ёпишқоқ оқувчи дори оловдан таъсирланганида, тиқилиб қамайдиган елимловчига айланади.

Бириктирувчи дори жароҳатнинг икки қўшни сатҳидан чиқувчи ҳўлликни қуритиб, уларни зичлаб, елимланиш ва ёпишишгача олиб боради ва сатҳлардан бирини иккинчисига ёпиштиради;сабир ва бақам дарахтининг елими шундай.

Эт ундирувчи дори шундай дорики, у жароҳатга келувчи қоннинг мизожини мўътадил қилиш ва уни қуритиб ивитиш билан этга айлантиради.

Битирувчи дори шундай қуритувчи дорики, у, жароҳат сиртини қуритиб, устида қуруқ қатқалоқ пайдо қилади; бу қабат табиий тери пайдо бўлгунча уни табиий офатлардан сақлайди. Таъсир қилувчилар ичида мўътадил бўлиб, қуритадиган, лекин ачитмайдиган ҳар бир дори бириктирувчидир.

Ўлдирувчи дори мизожни ҳаддан ташқари бузишга олиб борадиган доридир; *фарфиюн* ва афюнлар каби.

Заҳар шундай дорики, у мизожни фақат зидлик билан эмас, балки ўзидаги хусусият билан ҳам бузади, масалан, биш [аконит] шундайдир. || *130а*

Подзаҳр билан *тарёққа* келганимизда, улар руҳнинг қувватини ва соғлигини сақловчи дорилардан бўлиб, буларнинг ёрдами билан руҳ ўзидан заҳар зарарини қайтаради. Тарёқ исми – сунъий равишда тайёрланадиганига, *подзаҳр* исми эса табиатда пайдо бўлиб, ёлғиз ҳолда учрайдиган дориларга берилиши керак. Сунъий равишда ўсимликлардан тайёрланадиганларини тарёқлар деб, маъданлардан тайёрланадиганини подзаҳр дейиш тўғрироқ бўлса керак; улар орасида унчалик катта фарқ бўлмаса ҳам керак.

Ични сурувчи, сийдикни юриштирувчи ва терлатувчи дориларга келсак, улар маълумдир.

Савринжон[34] каби суриш билан буруштириш хоссаларига бирликда эга бўлган ҳар бир дори бўғин оғриқларида фойдалидир; чунки сурувчи қувват шошилиб, моддани тортади ва буруштирувчи қувват эса шошилиб, модда юрадиган йўлни торайтиради; натижада модда у ерга қайтмайди ва бошқаси ҳам унинг ўрнини олмайди.

Буруштириш хоссаси бўлгани ҳолда шимдирувчи бўлган ҳар бир дори мўътадил бўлиб, [236] бўғинларнинг бўшашишига ва тиришишига ҳамда шилликдан пайдо бўлган шишларга фойда қилади. Буруштириш ва шимдиришларнинг ҳар бири қуритишга ёрдам беради. Буруштириш билан шимдириш бирга қўшилганда, қуруқлик кучаяди.

Сўрувчи дорилар билан сийдик ҳайдовчи дорилар кўп вақтда бир-бирларининг ишларига тўсқинлик қиладилар. Чунки сийдик ҳайдовчи кўпинча ахлатни қуритади, (сурги эса сийдикни камайтиради).

Ўзларида иситувчи ва совутувчи қувватлар тўпланган дорилар иссиқ шишларнинг кўтарилиш ва тушиш даврларида фойдалидирлар; чунки улар буруштириш билан қайтариб, қиздириш билан уни шимдирадилар.

Совуқлик билан тарёқлик сифатлари бирга келган дорилар қотиб озишда кўп фойда берадилар. Иссиқлик билан тарёқлик сифатлари бирга келган

дорилар юракнинг совуқлигига қарши бошқалардан кўпроқ фойда берадилар.

Тақсим қилувчи қувват эса, ҳар бир мизожни ўзига лойиқ бўлган томонга қўяди; у шу даражада [эҳтиёт қиладики], шимдирувчи қувватни аъзога қуйиладиган модда томонга ва совутувчи қувватни аъзодан қуйиладиган модда томонга қўймайди. Мана бу улуғ яратувчининг бўйсундиришидан илҳом топган [бир] хусусиятдир.

БЕШИНЧИ ФАСЛ. СОДДА ДОРИЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН ТАЪСИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Дорилар ҳақида уларни қайнатиш, янчиш, оловда [куйдириш], ювиш, совуқда қотириш ва уларни бошқа дорилар ёнига қўйиш каби сунъий ишлар натижасида уларда пайдо бўладиган аҳволларга қараб турли ҳукмлар юритилади. Чунки дорилар орасида шундай таъсирлардан ҳукмлари ўзгарадиганлари бўлганидек, уларни бошқа дориларга аралаштириш [натижасида] ҳукмлари ўзгарадиганлари ҳам бор. Бу тўғридаги сўзлар [мураккаб] дориларни таркиб қилиш тўғрисидаги сўзларга ўхшашдир. Бу ерда қуйидагиларни айтамиз:

Дорилардан жисмлари шундай зич тузилганлари борки, улар қаттиқ қайнатилмагунча қувватлари айрилмайди. Булар ковул илдизи, *зарованд, заранбод* ва шунга ўхшаганлардир.

Дорилардан ўртача қайнатиш кифоя қиладиган мўътадиллари ҳам бор. Агар булар қаттиқ қайнатилсалар, қувватлари тарқалиб ва кўтарилиб кетади. Булар сийдик ҳайдайдиган уруғлар, Рум райҳони [*устухудус*] ва шуларга ўхшаганлардир.

Дориларнинг баъзиларига қайнатишни мўътадил даражага етказмасдан, балки сал қайнатиш ҳам кифоя қилади. Агар [бу хил дорининг] бир қайнаб чиқиши ортиқ бўлса, қуввати ажралиб кетади ва таъсири қолмайди. Бунинг мисоли девпечакдир, агар у яхши қайнатилса, қуввати бузилади.

Дорилардан янчиш билан қуввати бутунлай йўқоладиганлари ҳам бор. Масалан, *сақамуниёни* ғоятда асталик билан янчиш керакки, токи янчиш натижасида қувватини бузадиган иссиқлик чиқмасин. Елимларнинг кўпчилиги мана шу сифатдаги [дорилардир]. Уларни суюқликда эритиш янчишга қараганда мувофиқроқ бўлади.

Қаттиқ янчилганда дориларнинг ҳаммаси ҳам ўз таъсирини йўқотади. Чунки жисм қанча кичкиналашса ҳам, ўз миқдорига кўра ва кичиклашиши нисбатида қувватини сақлаб туравермайди. Балки жисмнинг камайиши

шундай бир даражага бориб етадики, бундан кейин жисм ўзига хос бўлган ишни мутлақо бажара олмай қолади. Чунки ҳаракат берувчи маълум бир жисмнинг қуввати бирор нарсани қўзғатадиган бўлса, у жисмнинг ярми шу қўзғаладиган нарсани бир оз бўлса ҳам қимирлата олиши шарт эмас.

Масалан, ўн киши || бир юкни бир кунда бир тош масофага олиб борса, *130б*
беш киши [шу юкни] ярим тош масофага олиб бориши у ёқда турсин, бир оз масофага ҳам олиб бориши мумкин эмас. Шунингдек, у юкнинг ярмини ажратиш ҳам мумкин эмаски, уни беш киши айрим ҳолда олиб, кўтариб боришга қодир бўлсин. Ўша кўтариладиган юк бутун ҳолда кучнинг ярмидан асло таъсирланмайди; у [юкнинг] ярми ҳам [кучнинг] ярмидан ўзи алоҳида турган вақтдаги таъсирни ололмайди, чунки унинг ярми иккинчи бир ярми билан туташган бўлиб, ўзи айрим ҳолда ҳаракат қилишга қобилиятсиздир.

Шу сабабли дорининг жисми қанча кичиклашиб, қуввати озая борса, ўша дори каби кичик бир нарсанинг ундан таъсирланганини кўрмайсан; шунингдек, [дорининг] кичик бўлаги катта миқдорли таъсирланувчига ўз кичиклиги қадар ҳам таъсир кўрсатиши шарт эмас.

Бу ҳам борки, бир гуруҳ [олимлар] кичиклаштириш, [яъни майдалаш] шакл ҳам қувватни бузади, деб ўйлайдилар. Уларнинг бу сўзларини мураккаб нарсаларга нисбатан қўлланса, унчалик инкор қилиб бўлмайди.

Қай бир дорилар, ўзларида бирор хил таъсир бўлгани ҳолда, қаттиқ янчилсалар, бошқа хил таъсирга эга бўлишлари мумкин. Масалан, дори хилтни ёки ахлатни бўшатишга [суришга] кучи етарли бўлган бўлса, энди [янчилгандан кейин] ундан ожиз бўлиб қолади [237] ва қуввати тушганлиги сабабли сувлиликни бўшатувчига айланади. Бунинг устига дорилар кичиклашганлари туфайли ўтадиганроқ бўладилар ва шунинг натижасида у [дори] ўзи йирик бўлганида тўхтайдиган аъзодан бошқасига тезликда ўтиб боради ва унинг таъсири [сўнгги] аъзода пайдо бўлади.

Жолинуснинг ҳикоя қилишича, унга *каммуний*нинг[35] таркибий қисмларини қаттиқ янчишга тўғри келган. Мана шу вақт ўз табиатида сурувчи бўлган у дори сийдик ҳайдовчи бўлиб қолган. Демак, моддаси латиф дориларни янчишда ҳаддан ошириб юбориш керак эмас. Моддаси зич тузилган дориларнигина ҳаддан ошиқ янчиш керак. Айниқса, дориларни узоқ жойга ўтказишни исталса ва у дорилар зич тузилган бўлиб, ҳаракатлари оғир бўлса, уларни қаттиқ янчиш керак бўлади; масалан, қизил мунчоқ, маржон[36], марварид, шодана ва шуларга ўхшашлардан ўпка учун тайёрланган дорилар.

Дориларнинг куйдирилгандаги таъсирлари ҳақидаги ҳукмларга келсак, баъзи дорилар борки, уларнинг кучини камайтириш учун куйдирилади. Баъзи дориларни эса, кучини орттириш учун куйдирилади. Моддаси ла-

тиф бўлган ўткир дорилар ёки моддаси мўътадил бўлган ўткир дориларнинг ҳаммаси куйдирилганда, улардаги яширин олов моддаси тарқалиши сабабли уларнинг иссиқлиги ва ўткирликлари камаяди. Масалан, зоклар ва *қалқатор* каби.

Моддалари зич тузилган ва қувватлари ўткир ҳам эмас ва иссиқ ҳам эмас дориларга келсак, куйдириш уларга ўткирлик қувватини беради. Масалан, оҳакни олсак, бу нарса [аслида] тош бўлиб, унда ўткирлик йўқ эди, куйдирилгандан кейин у ўткирга айланади.

Дори қуйидаги беш мақсаднинг бири учун куйдирилади: [1] ўткирлигини бир оз синдириш учун; [2] ўткир қилиш учун; [3] зич тузилган моддасини латиф қилиш учун; [4] янчишга тайёрлаш учун; [5] моддасида бўлган ёмонликни йўқотиш учун.

Биринчининг мисоли зок ва *қалқатор*дир; иккинчисининг мисоли – оҳак; учинчисининг мисоли – қисқичбақа ва кийикнинг куйдирилган шохи; тўртинчисининг мисоли ипакдир[37], бу юракка қувват бериш учун ишлатилади, уни қирқиб майдалаб ишлатиш куйдириб ишлатишга қараганда яхшироқдир, лекин уни етарли даражада майдалаш ҳам осон эмас. Шунинг учун ҳам у куйдирилади. Бешинчисининг мисоли чаённи [сийдик йўлларидаги] тошга қарши ишлатиш учун куйдирилганидир.

[Дориларни] ювишга келсак, бу ҳар бир дорига аралашган латиф ўткир моддани кетказиб, уни мўътадилликка келтиради. Ювиш баъзан қаттиқ иссиқликдан сўнг совутиш учун [қўлланилади]. Шунинг учун, куйдиришдан ўзига оловликни олган ҳар бир ер моддали дори ювилганда оловликдан тозаланади. Бунинг мисоли ювилган [сўндирилган] оҳакдир. Чунки у ювишдан мўътадил бўлиб қолади ва куйдириш [хусусияти] йўқолади. Ювиладиган баъзи дорилар борки, уларни ювишдан мақсад фақат совутиш эмас, балки бўлакларини жуда майдалаш ва яхшилаб сайқаллашдир. Масалан, тўтиёни шу мақсад билан сувда эзиб, янчилади. Баъзи дорилар исталмаган қувватларидан ажратиш учун ювилади. Масалан, «арман тоши»[38] ва *ложувард*[39] [тош]ни кўнгил айнатадиган қуввати йўқолсин учун яхшилаб ювилади.

Қотишга келсак, ҳар бир дори қотганда ўзидаги латиф қуввати бузилади; агар у совуқ моддали бўлса, унинг совуқлиги ортади.

Дориларнинг ёнма-ён туришларидан [келган таъсирларига] келсак, улар ёнма-ён туришлари натижасида ўз таъсирларини ўзгартирадиган ёт хусусиятлар ҳосил қиладилар. || Совуқ дориларнинг кўпчилиги *ан*гуза [ассафоетида], *фарфиюн,* қундуз қири ва ипор [мушк]лар ёнида турса, иссиқ таъсирликка айланади. Иссиқ дорилардан кўплари эса, кофур ва сандал [ёғочи][40] ёнида турса, ўзларига совуқ кайфият оладилар. Дорилар тўғрисида

шу нарсаларни билиш ва турли жинсдаги [дориларни] бир-биридан айрим сақлаш лозимдир.

Дориларнинг бир-бирлари билан аралаштиришга келсак, баъзан аралаштириш билан уларнинг кучлари ортади, баъзан [эса] аралаштириш [натижасида], кучлари йўқолади ва баъзан зарарлари йўқолиб, ишлатишга яроқли бўлиб қоладилар.

Биринчининг мисоли: баъзи дориларда сурувчи қувват бўлади, лекин табиатида [суришга] кучли ёрдамчи бўлмаганлигидан бирон ёрдамчига муҳтож бўлади; унга ёрдамчи яқинлашиши билан у кучли таъсир қилади. Масалан, *турбудни* олсак, унинг сурувчи қуввати бор; лекин унинг ўткирлиги бўш бўлиб, [чиқиндиларни] қаттиқ эритишга кучи етмайди ва тайёр турган суюқ шиллиқ [балғам]нигина бўшатади [суради].

Бунга занжабил қўшилса, унинг ўткирлиги ёрдамида кўп [миқдордаги] шишасимон ёпишқоқ хилтларни суради; [занжабил унинг] суришини тезлаштиради. Шунингдек, девпечак суст суради; агар бунга мурч ва латиф дорилар қўшилса, суриши тезлашади; чунки булар унга эритиш ишида ёрдам қиладилар.

Шунингдек, равоч[41] илдизида кучли буруштирувчи қувват бўлиши билан бирга [238], у қувватнинг таъсирини камайтирадиган очувчи қувват ҳам бор. Агар у «арман лойи» ёки *ақоқиё* [акация меваси ва баргининг сиқиб олинган суви] билан аралаштирилса, қаттиқ буруштиради.

Баъзи дорилар [бошқа дориларни] ўтказиш ва етаклаш [мақсадида] қўшиладилар. Масалан, қизил гул, кофур ва [денгиз] маржонининг [таъсирини] юракка етказиш учун уларга заъфарон қўшилади.

Гоҳо [дориларни] аралаштириш юқоридагига зид бўлган [мақсадда] қилинади. Масалан, тез ўтадиган латифлаштирувчи [дориларни] кутилган таъсирлари тамом бўлгунча жигарда бир муддат сақлаб туриш учун уларга турп уруғи аралаштирилади. Шундай бўладики, у [латифлаштирувчи дорилар] ўзларининг латифликлари сабабли жигарга ўтиб, таъсирлари тамом бўлишидан бурун [чиқиб кетишга] шошилиб турадилар. Турп уруғи уларга зид бўлган хусусияти билан қусишни қўзғатиб, томирлар томон ҳаракат қилган нарсани ушлаб туради.

Аралашиш билан бузиладиган [дориларга] келсак, у шундай бўлади: икки дори бир хил ишни қилади, лекин бир-бирига зид бўлган икки хил қувват билан ёки бир-бирига қарама-қаршилик кўрсатиш билан қилади.Булар аралашганларида улардан бири олдинроқ ишга кириб қолса, ўз ишини қилиб олади. Агар бири бошқа биридан олдинроқ ишга киришмаса, улар бир-бирларига тўсқинлик қиладилар. Масалан, гунафша билан ҳалилани олайлик, гунафша ични юмшатиш билан суради, ҳалила эса сиқиш ва зичлаш билан суради.

Агар моддага иккаласининг таъсири бирдан тушса, иккови ҳам бузилади. Агар ҳалила олдин тушиб сиқса ва сўнг унинг устига гунафша тушса, икковидан бири ишламай қолади. Агар гунафша олдин тушиб, юмшатса, сўнг унинг устига ҳалила тушиб сиқса, таъсир кучлироқ бўлади.

Учинчига келсак, [унга мисол қилиб] *сабир,* катиро ва *муқл*ни олайлик: *сабир* суриб, ичакни тозалайди, лекин у шилиб томирларнинг оғизларини очади. Қатиро эса елимловчи ва муқл буруштирувчидир. Бунга катиро ва *муқл* ҳамроҳ бўлса, катиро *сабир* шилиб кетган нарсаларни елимлайди, *муқл* эса томир оғизларини қувватли қилади; натижада [ичаклар] саломат қолади. Мана булар дориларнинг хусусиятларини ўрганиб, уларни ишлатишдаги қонунлар ва мисоллардир.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ.
ДОРИЛАРНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Биз айтамизки], дориларнинг баъзилари маъданлардан, баъзилари ўсимликлардан ва баъзилари ҳайвоний жинслардан олинган бўладилар.

Маъданлардан олинадиганларининг энг яхшилари Қибрис *қалқанди* ва Кирмон зоки каби ўша нарсалар билан машҳур бўлган конлардан чиқариладиганларидир. Сўнг [дорилар] бегона нарсалар аралашмаган, тоза бўлишлари керак, яъни олинган нарса нуқл модда бўлиб, уни қоплаб турган нарсалардан тозаланиши[42], ўзига хос рангли ва мазаси синмаган бўлиши керак.

Ўсимликлардан олинадиган дориларга келсак, улар япроқлардан, донлардан, илдизлардан, шохлардан, гуллардан, мевалардан, елимлардан ва ўсимликнинг бутунича олинганидан иборат бўлади.

Япроқлар ҳажмлари тўлиб етилганида, ранглари ўзгармаган ва синмаган ҳолда ва тўкилиб сочилмасларидан бурун териб олинишлари керак.

Уруғлар эса таналари мустаҳкам бўлиб, хомлиги ва сувлилиги қолмаганидан кейин олинишлари керак.

Илдизларга келсак, улар ўсимликнинг япроқлари тўкилишига яқинлашганда олинишлари керак.

131б Гуллар тугал очилиб, || сўлишларидан ва тўкилишларидан илгари олинишлари керак.

Шохлар эса ўсимлик тамом етилиб, ҳали сўлимаган ва буришмаган чоғида олинишлари керак.

Мевалар тамом етилиб, тўкиладиган бўлишидан илгари узилишлари лозим.

Ўсимликни бутунича олишга келсак, уни уруғи етилиши олдидан ва ўзининг ҳўллиги йўқолмасдан бурун олиш керак.

Илдизлар қанча кам буришган, шохлар қанча кам сўлиган, уруғлар қанча ёғли ва тўла бўлиб, мевалар қанча зич ва оғир бўлса, улар шунча яхши бўладилар. [Мева] сўлиганда ва буришганда унинг катталигининг аҳамияти йўқдир. Балки қаттиқ [тирик] бўлгани энг яхшисидир. Очиқ ҳавода узилган мева ҳўл ҳавода ёки ёмғир ёғишга яқин узилганга қараганда яхшироқдир.

Саҳро [дашт]дан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан терилган дориларга қараганда кучлироқ ва кўпинча ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлади. Тоғлардан терилган дорилар [эса], саҳродан терилган дорилардан ҳам кучлироқ бўлади. Шамол юрадиган ва баландлик ерлардан олинган дорилар бошқа ерлардан олинганларидан кучлироқ бўлади. Узиш вақтини тўғри топиб олинган дори шу вақтни аниқлашда хато қилинганига қараганда кучлироқ бўлади.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси кўпчилик ҳолатларда бўладиганлардир. Шунингдек, [ўсимликнинг] ранги қанча қуюқ, мазаси аниқ ва ҳиди ўткирроқ бўлса, у ўз бобида шунча кучлироқдир.

Қуруқ ўтлар икки-уч йилдан кейин кучсиз бўлиб қоладилар. Лекин иккала *харбақ*[43] каби бир неча саноқли дорилар булар қаторига кирмайдилар ва уларнинг кучлари узоқ муддат сақланади.

Елимларга келсак, улар эндигина қотган ва ҳали ажралиб (майдаланиб) кетиш ҳолига келмаган пайтларида олинишлари керак. Кўп [елимларнинг] қуввати уч йилдан кейин қолмайди; [239] хусусан, сутлама елими [*фурбиюн*] шундай. Лекин ҳар бир кучли дори узоқ вақтгача ўзидаги яхши хусусиятни сақлаб қолади. [Бирон] доринг янгиси ва кучлиси топилмаганида эскисининг кучсизи ўрнига ҳар жиҳатдан янгисининг кучсизи ўтиши мумкин.

Ҳайвон жинсларидан олинадиган дориларга келсак, улар кўклам пайтида ва ёш ҳайвондан олиниши керак. Шунда ҳам танаси соғ ва аъзолари тугалини танлаш керак. [Ҳайвонлардан] олинадиган нарсаларни уларни сўйганда олиш керак. Касаллик билан ўлган ҳайвонлардан [дори учун] ҳеч нарса олинмасин!

Мана булар содда [ёлғиз ҳолда ишлатиладиган] дорилар тўғрисида табибнинг тушунчаси бўлиши лозим бўлган умумий қонунлардир.

Энди биз иккинчи мақолага ўтиб, ўзимиз таниган содда дориларнинг табиатлари ҳам уларнинг ҳақиқий аломатларини топиб текширганда танишимиз мумкин бўлган дорилар устида гапиришни истаймиз. Исмларидан бошқа хусусиятларини билмаган дориларга тўхтаб турмаймиз. Айтилган жадвалларни бўёқлари билан тартибга соламиз. Аввал ҳар бир жадвалда бор касалликларнинг сонларини ва ҳар бир касални айрим бўёқ билан кўрсатамиз. Улуғ тангрининг хоҳиши ва берган муваффақияти натижасида содда дорилар тўғрисидаги китобдан биринчи мақола тамом бўлди. ||

ИККИНЧИ МАҚОЛА
СОДДА ДОРИЛАР ҲАҚИДА

32а Ўзимиз тузган жадвалларнинг тартибини биринчи мақолада кўрсатган эдик. Бу ерда ҳар бир жадвалга кирган нарсаларни ва уларга хос бўёқларни кўрсатмоқчимиз[44].

Олдинги тўртта жадвал маълумдир. Булардан кейингиларига, яъни бобларидаги ва бўёқлари тафсилга муҳтож бўладиганларига келсак, бизни санаганларимизнинг [ҳаммасини] қолдирмасдан [яна] келтиришга уринган, деб гумон қилмасинлар. Биз бундай қилмадик, балки содда дориларнинг бобларида уларга хос топилган манфаатлар ва ҳукмларнигина келтирдик.

БИРИНЧИ. [ТАЪСИР ВА ХОССАЛАР ЖАДВАЛИ]

Бўёқлар билан кўрсатилган бу жадваллардан биринчиси дориларнинг «таъсир ва хоссалари жадвали» бўлиб, [булар қуйидагилардир]:

Латиф; зич тузилган; ёпишқоқ; шимувчи; латифлаштирувчи; қуюлтирувчи ва зичлаштирувчи; ёпиштирувчи; эритувчи; шимдирувчи; тозаловчи; елимловчи; дағалловчи; силлиқловчи; [тиқилмаларни] очувчи; томирларнинг оғизларини очувчи; бўшаштирувчи; парчаловчи; елларни ҳайдовчи; тортувчи; ачиштирувчи; қайтарувчи; кетказувчи; оғриқ қолдирувчи; қизартирувчи; қичитувчи; яра қилувчи; еювчи; куйдирувчи; сасиганни тузатувчи; саситувчи; доғловчи; қувват берувчи; етилтирувчи [пиширувчи]; хомга айлантирувчи; увуштирувчи; бўшашган ва сийрак тузилганни қаттиқ қилувчи; [ични] дам қилувчи; ювувчи; тойдирувчи; сиқувчи; буруштирувчи; сўндирувчи; қонни тозаловчи; қон тўхтатувчи; терлашни тўхтатувчи; яхши каймус берувчи; ёмон каймус берувчи; сувларнинг зарарларини қайтарувчи; кўп озиқли; оз озиқли; аъзоларга қувват берувчи; ички аъзоларга қувват берувчи; ёмон хилтли; ҳар бир хилтга айланувчи; савдо касалларига фойда берувчи; савдони туғдирувчи; сафрони туғдирувчи; сафро зарарини қайтарувчи; шиллиқ [балғам] туғдирувчи; балғам зарарини қайтарувчи; қариларга мос келувчи; ёт ва одатдан ташқари таъсирга эга [дорилар]; ҳавога таъсири бор [дорилар]; сурувчиларга етакчилик қилиб, уларга ёрдам қилувчи дорилар.

ИККИНЧИ. ЗИЙНАТ [КОСМЕТИКА] ЖАДВАЛИ

Тозалайди; хира қилади; ширинчаларни кетказади; қора доғга, оқ доғга, песга фойда қилади; песни пайдо қилади; темираткига, сепкил[45] ва қизил нуқтали қонталашга[46] [фойда қилади]; сепкил ва қизил нуқтали қонталашни пайдо қилади; яра изларига, чечак изларига, лаб ёрилишига, юз ёрилишига ва сочларнинг гуллашига [фойда қилади]; рангни қизартиради; товон ёрилишига [фойда қилади]; игна билан баданга солинган нақшни қўпоради; сўгалларга, қўлтиқ ва бадан ҳидига [фойда қилади]; қўлтиқ ва баданни ёмон ҳидли қилади; моховга фойда қилади; мохов касалини пайдо қилади; ўқ учи ва тиканни тортади, тишларни ялтиратади; тишларни қўпоради; бурун ҳидига, оғиз ҳидланишига [фойда қилади]; оғизни ҳидлантиради; семиртирувчи; ориқлатувчи; битга қарши; битлатувчи; милкакка, [тирноқнинг] сичқон тишларидек бўлишига қарши; эгри тирноқларга, ейилган тирноқларга, тирноқлардаги оқ нуқталарга [фойда қилади]; эмчак ва моякнинг шаклини сақлайди; рангни яхшилайди; оғизни хушбўй қилади; мўйни қорайтиради; мўйни оқартиради; мўйни узун қилади; [мўйни] қизартиради; [мўйни] қувватли қилади; [мўйни] жингалак қилади; [мўйни] ёзади; [мўйни] гуллатади; [мўйнинг] гуллашини тўхтатади; «тулки касаллиги»[47] ва «илон касаллиги»[48]га [фойда қилади]; [мўйнинг] тўкилишига [қарши]; мўйнинг тўкилиб кетишини тўхтатади; [мўйни] тўкади; ялтироқ кал қилади; [мўйни] қирқади; мўйни ўстиради.

[240] УЧИНЧИ. ШИШ ВА ТОШМАЛАР ЖАДВАЛИ

Иссиқ шишларга, совуқ шишларга, ички шишларга, флегмонага[49], ғовак шишга, елли қаварчиққа, саратон касалига, қаттиқ шишга, *қулғуна* [безларнинг оқма касали]га, ҳўл ширинчага, ички йирингли шишларга, сарамасга, учуққа[50], эшакем, тариқсимон тошмага, сувли қаварчиқларга, нори-форсийга[51], тоун касалига, югурук тошмага, яраланган ўсмаларга қарши; қуруқ қўтирга, сутли тошмаларга[52], асаб ўсмаларига, мушак ўсмаларига, икки қулоқ тагидаги шишларга, қўлтиқ тагидаги шишларга, сувли даббага[53], ичак даббасига, елли даббага, жигар шишларига, талоқ шишларига, меъда шишларига, эрлик олати шишларига, бачадон шишларига, қовуқ шишига, эмчак шишига, мояклар шишига, буйрак шишига, орқа тешик шишларига [қарши] ишлатилади: иссиқ шишларни, || ғовак шишларни, қаттиқ шишларни туғдиради; саратонни туғдиради. *132б*

ТЎРТИНЧИ. ЖАРОҲАТ ВА ЯРАЛАР ЖАДВАЛИ

Югурук яраларга, ёмон сифатли яраларга, чириган яраларга, чиркин [йирингли] яраларга [ишлатилади]; яралардан йиринг оқишини кучайтиради; оқма тешикка[54] ишлатилади; суякнинг юмшоқлиги ва эгрилигига [ишлатилади]; бириктиради; эт ундиради; ортиқча унган этни кетказади; [яраларни] битиради; қўтир ва қичимага, яраланган қўтирга, савдо хилтидан бўлган қўтирга, оловда куйганга, ел ейишга қарши, «сутли яра»ларга қарши, оғиз чақаланишига қарши ишлатилади; аъзоларнинг сасишини тўхтатади; нори форсийга, суяк бузилишига [ишлатилади]; яраларнинг усти қовжирашини юмшатади, ўқ учини чиқариш учун ишлатилади.

БЕШИНЧИ. БЎҒИНЛАР[55] ЖАДВАЛИ

Бўғинлар оғриғига, мушакларнинг қаттиқлашишига, чўзилиш ва йиртилишга, ўрнидан кўчиш ва эзилишга, чарчашга, асаб оғриғига, асаб қаттиқлашишига [қарши ишлатилади]; асаб оғриғини пайдо қилади, асабнинг буралишига[56], бўғинларнинг қаттиқлашишига, асабнинг совуқдан бўлган касалликларига, асабнинг қуришига, асабларнинг яллиғланишига [қарши ишлатилади]; асабларни кучли қилади; асаб яраларига [ишлатилади]; асабга зарар қилади; орқа оғриғига, *ирқуннасога,* йиқилиш ва урилишга, тиришиш ва тортишишга, фалажга, қалтирашга, аъзонинг чиқиши ва ажралишига, дабба пайдо қилувчи йиртилишларга, аъзо ўрнидан тойгандаги оғриқларга, товон [ва бармоқ] оғриқларига, *ниқрис* [подагра]га [қарши ишлатилади]; суяк қобиқларини чиқаради.

ОЛТИНЧИ. БОШ АЪЗОЛАРИ ЖАДВАЛИ

[Мизож] иссиқлигидан бўлган бош оғриғига, [мизож] совуқлигидан бўлган бош оғриғига, бош ярмининг оғришига, бутун бошни қоплаган оғриққа[57] [ишлатилади]; заиф мияга зарар қилади; бошни оғритади; бошга қувват беради; мия [моддасини] орттиради; мияни тозалайди; бошдаги елларни тарқатади; мия тиқилмаларини очади; бошни оғир қилади; юз фалажи ва сакта касалига[58] қарши ишлатилади; уйқу бостиради[59]; ухлатади; кўзни тиндириб, бошни айлантиради; маст бўлишни тезлаштиради; маст бўлишни [сустлаштиради]; бош айланиб, кўз тиниш касалига фойда беради; уйқу босиш касалига фойда қилади; меланхолияга[60], қўрқувдан бақириш

касалига, жинниликка ва тутқаноққа фойда қилади; тутқаноқни қўзғатади; болалар ва бошқаларнинг уйқуда қўрқиб қичқиришларига қарши, летаргияга[61] ва мия қобиғининг иссиқ яллиғланишига фойда қилади; уйғоқлик аралаш узун уйқуга, «қотиб қолиш»га [қарши ишлатилади]; эсда тутишни кучайтиради; эсдан чиқаришликка [қарши ишлатилади]; эсдан чиқаришни пайдо қилади; хуморнинг олдини олади; хуморга фойда қилади; қулоқдаги шанғиллаш ва ғувуллашга, карлик ва гарангликка, қулоқ оғриғига, қулоқ шишига, қулоқ яраларига, қулоқ йирингланишига, назлалар ва тумовга, бурун қонашида фойда қилади; бурунни қонатади; акса урдиради; акса уришни йўқ қилади; оғиздаги тошмалар ва чақаларга, оғиздаги касалликларга фойда қилади; сўлак оқишини тўхтатади; тишларни маҳкамлайди; тиш оғриғига фойда қилади; тишларни суғуришни осонлаштиради; болаларда тишлар ўсишини тезлаштиради; тишларни туширади; тиш қамашишига фойда қилади; тил шишларига фойда қилади; тилнинг «қурбақасимон»[62] бўлишига қарши ишлатилади; тиш милки яраларига фойда қилади; қонайдиган милкка фойда қилади; бош кепагида ишлатилади.

ЕТТИНЧИ. КЎЗ АЪЗОЛАРИ ЖАДВАЛИ

Иссиқ кўз оғриғи, давомли кўз оғриғи, кўзга парда тушиши[63], [кўзда бўладиган]яралар, кўзга тушган хасчўпга, [кўзнинг] кўк изларига қарши [ишлатилади]; кўк кўзлиликка қарши, оқ тушишга қарши, кўз ғўлагининг ирғиб чиқиши, кўз мугиз пардасининг қалинлашишига қарши, кўз ёшланишига[64] қарши [ишлатилади]; ёшни оқизади; кўзнинг кўришини кучли қилади; назлаларни тўхтатади; қорачиқнинг кенгайишида, қорачиқнинг торайишида, катарактада, кўзнинг бурун бурчакларидаги чиқиқларда, *нохунада*[65], (кўз бурчагида йиғилувчи йирингга қарши ишлатилади; [241]; шишасимон суюқлик рангининг ўзгариши, кўришнинг заифлиги, шабкўрлик, кундуз куни кўрмаслик, қовоқнинг қаттиқланиши, ёғлик ўсма, кўз милкининг қайтаки бўлишига [қарши ишлатилади]); кўз соғлигини сақлайди, трахома[66], [кўз] қичимаси, қовоқ четларининг яллиғланиши[67], [қадалиб] озор берувчи тук, кўз яралари (киприк тўкилиши, хемоз, ковак асабдаги узлуксизликнинг бузилиши, қовоқдаги битлар, учуқ, тут шаклидаги полиплар, «дўллар», киприк букилиши, говмижжа; қизил доғлар, йирингли чиқиқ ва тошмалар, саратон, ўйилиш, шилиниш, ўқрайиб чиқиш, «оқлик суюқлигининг» ўзгариши, «шишасимон суюқликнинг» ўзгаришига, кўз қорачиғининг ўрнидан қўзғалишига) [қарши ишлатилади].

САККИЗИНЧИ. НАФАС ВА КЎКРАК АЪЗОЛАРИ ЖАДВАЛИ

Нафас аъзоларини кучли қилади; нафас аъзоларига зарар қилади; бодом безлари ва лак-лук шишларига фойда қилади; *хуноқ* касалига[68], томоқнинг икки томони шишига қарши, зулук тишлашига қарши, нафас [аъзолари] зарарланишига қарши, нафас қисишига қарши, «тикка ҳолда нафас олиш»га қарши, кўкрак ғижиллашига қарши [ишлатилади]; кўкракни ғижиллатади; овознинг дўриллашига қарши [ишлатилади]; овозни дўриллатади; товушсизликка қарши [ишлатилади]; овозни очади; йўталга қарши, қуруқ йўталга қарши; давомли йўтал, зотилжам ва ўпка яллиғланишига[69] қарши; [ўпка] йирингланишига ва йиринг туфлашга қарши; силга қарши [ишлатилади];
133а кўкракқорин тўсиғидаги яраларни тозалайди; || қон туфлашга қарши, биқин [плевра] оғриқларига қарши; ўпкада ивиган қонга қарши [ишлатилади]; юракни кучли қилади; фаҳмни ўткир қилади; юрак иссиқ мизожининг бузилишига қарши, юрак совуқ мизожининг бузилишига қарши, ҳушдан кетишга қарши, иссиқдан бўлган хафақонга қарши, совуқдан бўлган хафақонга қарши, эмчак шишларига қарши [ишлатилади]; сутни кўпайтиради; сутни тўхтатиб қўяди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ. ОЗИҚЛАНТИРИШ АЪЗОЛАРИ ЖАДВАЛИ

Меъдани кучайтиради; меъдани сустлаштиради, ҳазмга ёрдам беради; ҳазмни ёмонлаштиради; иштаҳани очади; иштаҳани камайтиради; бузуқ иштаҳага қарши ишлатилади, меъдага зарарли [таъсир қилади]; ҳиқичоққа фойда қилади; кўнгил айнашга қарши [ишлатилади]; кўнгилни айнатади; қустиради; беҳузур қилади; кекиришга қарши [ишлатилади]; кекиртиради; меъдани бўшаштиради; меъдани ошлаб тозалайди; меъдадаги тиқилмаларни очади; меъдадаги оғриққа фойда қилади; меъдани ачиштиради; меъданинг тойғаноқлигига, меъдада бўладиган саратонга қарши [ишлатилади]; чанқатади; чанқашни босади; меъдани дам қилади; меъда дамланишини босади; меъданинг шишиши [ўсмасига] қарши [ишлатилади]; жигарни кучли қилади; жигарга зарар қилади; жигар оғриғига, жигардаги тиқилмаларга қарши [ишлатилади]; жигарда тиқилмалар пайдо қилади; жигарда бўладиган иссиқ шишларга, жигарда бўладиган совуқ шишларга, жигарнинг қаттиқланишига қарши [ишлатилади]; жигарни заифлаштиради; сариққа, қора сариққа қарши ишлатилади; сариқни пайдо қилади; «мешсимон истисқо»га, «этдаги истисқо»га, «ноғорасимон истисқо»га[70] қарши ишлатилади; истисқони пайдо қилади; талоқ оғриғига қарши, талоқ ўсмасига қарши, талоқнинг қаттиқланишига, талоқнинг дам бўлишига [ишлатилади].

ЎНИНЧИ. ЧИҚАРИШ АЪЗОЛАРИ ЖАДВАЛИ

Ўтни суради; рутубатни ва қуюқ хилтларни суради; савдони суради; сувли моддаларни суради; елни ҳайдайди, қонни суради; ични тўхтатади, ичкетишда фойда қилади; меъда ва ичакларда таомларнинг ҳазм бўлмасдан ўтиши [*зараб*]га қарши ишлатилади, [ичакни] шилади; қусиш билан бирга бўладиган қаттиқ ичкетиш [*ҳайза*]га қарши ишлатилади; қусиш билан бўладиган ичкетишни пайдо қилади; ичакларнинг тайғоноқлигига қарши ишлатилади; ичак ҳаракатини секинлаштиради; ичакларнинг шилиниш ва яраларига қарши; ичакларнинг бураб оғришига қарши ишлатилади; [ичакларни] бураб, оғритади; ичбуруққа қарши, совуқ қуланжга қарши, иссиқ қуланжга қарши, елли қуланжга қарши, шишли қуланжга қарши, ичакларда шишга қарши, ахлатнинг бадбўйлигига қарши [ишлатилади]; ахлатни бадбўй қилади, сийдикни ҳайдайди, ҳайз қонини ҳайдайди; баъзиси икковини ҳам [ҳайдайди]; сийдикнинг тутилиши ва сийишнинг қийинлашишига, сийишдаги ачишишга, сийдикнинг томчилаб чиқишига, сийдикнинг беихтиёр чиқишига, қон сийишга, йиринг сийишга [қарши ишлатилади]; буйракка қувват беради; буйракка зарар қилади; диабетга, буйрак тошига, (қовуқ тошига) қарши [ишлатилади]; қовуқда тош пайдо қилади; тошларга, буйрак шишларига, қовуқ шишларига, буйрак оғриғига, буйрак яраларига, қовуқ яраларига, қовуқ қўтири ва унинг қичимасига, қовуқ оғриғига, қовуқ бўшашишига [қарши ишлатилади]; қовуққа қувват беради, қовуққа зарар қилади. Бачадон оғриғига [ишлатилади]; бачадондан [келадиган нарсаларни] тўхтатади; бачадонни тозалайди; ҳайз (қонини тўхтатади; бачадон шишларига фойда қилади; бачадон қаттиқланишига қарши [ишлатилади]; бачадон оғзининг юмилишига, бачадон оғзининг бўғилишига [қарши ишлатилади]; бачадондан [турли нарсаларнинг] оқишини тўхтатади; бўйида бўлишга ёрдам қилади; бўйида бўлишга моне бўлади [242], боладан қолдиради; қориндаги болани сақлайди, қориндаги болани ўлдиради, қориндаги болани чиқаради ва уни туширади; йўлдошни туширади, туғишни осонлаштиради; туққан хотинни тозалайди; ҳайз қонини ҳайдайди; ҳайз қонини тўхтатади; шаҳвоний ҳисни қўзғатади, манийни камайтиради; иҳтиломни камайтиради; кўп иҳтиломга қарши ишлатилади; эрлик олатини қўзғатади; приапизмга[71] қарши, эрлик олатининг шишларига қарши, эрлик олати яраларига қарши, кўтан чиқишига қарши [ишлатилади]; орқатешикни қувватли қилади; орқатешик шишларига фойда қилади; орқатешик яраларига қарши, орқатешик ёрилишига қарши, орқатешик оғриқларига қарши, орқатешик бавосирига қарши, орқатешикдан қон оқишига қарши, кўтаннинг бўшашиши ва чиқишига қарши, кўтан *носури* [оқма яраси]га қарши ишлатилади.

ЎН БИРИНЧИ. ИСИТМАЛАР ЖАДВАЛИ

Ўткир иситмаларга қарши, совуқдан бўлган чўзилма иситмаларга қарши, аралаш иситмаларга қарши куйдирувчи уч кунлик иситмаларга қарши, қон бузилишидан бўлган [чўзилма] иситмага қарши, тўрт кунлик иситмага қарши, қайталовчи иситмага қарши, вабо иситмасига қарши, қувватдан кетказувчи иситмага[72] қарши [ишлатилади]. Бир кунлик иситмалардан: чарчаган вақтда бўладиган иситмага қарши, шиш вақтида бўладиган иситмага қарши, [тери] совуқдан ёки буруштирувчи сувдан зичланган вақтда бўладиган иситмага қарши. Сасишдан бўладиган иситмага, балғамдан бўлган иситма билан уч кунлик иситманинг аралашмасига қарши, аралашган иситмага қарши, титроқ билан бўладиган иситмага қарши, ҳушдан кетиш билан бўладиган иситмага [қарши ишлатилади].

ЎН ИККИНЧИ. ЗАҲАРЛАР ЖАДВАЛИ

Тарёқ; подзаҳр [заҳар қаршиси]; газандаларни ўлдиради; газандаларни
133б ҳайдайди; [ўзи] заҳар, ўлдирувчи дори; *бишга* қарши: *қурун* || *ас-сунбулга*[73] қарши; *афъо* илонининг ўти билан заҳарланганига қарши; тоғ мингдевонаси билан заҳарланишга қарши; *афюн* билан заҳарланишга қарши; мингдевона билан заҳарланишга қарши; қўрғошин занги билан заҳарланишга қарши; бангидевона меваси билан заҳарланишга қарши; заҳарли қўзиқоринлар билан заҳарланишга қарши; олакуланг билан заҳарланишга қарши; «бўри ва қоплонни бўғувчи» [ўсимлик] билан заҳарланишга қарши ва денгиз қуёни билан заҳарланишга қарши [ишлатилади]; сичқонни ўлдиради, илон чақишига қарши, *афъо* илонининг чақишига қарши; чаён чақишига қарши; қорақурт ва ўргумчаклар чақишига қарши; *жарора*[74] чақишига қарши; «бургут бити»нинг чақишига қарши, ит тишлаганга қарши, «денгиз аждари» тишлаганига қарши; латча[75] тишлаганига қарши, узун бурунча[76] тишлаганига қарши; заҳарланган ўқлар текканига қарши; *ҳалоҳил* билан заҳарланганига қарши; «арман ўқлари» текканига қарши; қоплон ўти билан заҳарланганга қарши. Шу билан жадваллар тамом бўлади.

ИЗОҲЛАР

[1] Ибн Сино қўлёзмасида ҳар қайси жадвал айрим рангдаги сиёҳ билан ёзилган.

[2] «Қонун»нинг I, 75-бетига қаранг.

[3] Тарёқ – жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори бўлиб, илон ва чаён чаққанда, қутурган ит қопганда ва умуман заҳарлар билан заҳарланганда ишлатилади. У шунингдек, *сакта,* тутқанок, жиннилик, мохов ва бошқа касалликларда ҳам қўлланилади.

[4] *Зимод* – латтага суртиб ёки қўйилиб боғланадиган дори.

[5] № 84 га қаранг.

[3] Қулғуна [араб. *ханозир*] – оқмабез, лимфатик безларнинг сили.

[7] Б. да: «табиий иссиқликни».

[8] «Қонун» I, 192-бетига қаранг.

[9] № 578 га қаранг.

[10] Л. қўлёзмасида олдин «ширин» деб ёзилиб, сўнгра шу қўл билан «шўр» деб тузатилган.

[11] Қорамурч мағзини янчиб, оқмурч тайёрланади.

[12] Мози маза арабча *афс* [мози] сўзидан олинган.

[13] Меваларнинг ғўраликдан то пишиб етилгунича бўлган муддат.

[14] Б. дан олинди; Л. да: «тозалаши».

[15] Б. да: *салиха* [долчиннинг бир хили] ёзилган.

[16] Б. да: «ўткир».

[17] Сафро «Қонун» I, 86-бетида таърифланган.

[15] Ибн Сино фикрига кўра, турлар синфга ва синфлар шахсга бўлинади. «Қонун»нинг I, 12-бетига қаранг.

[19] Ярани бириктириш [*идмол*] ва битириш [*хатм*] маънолари турличадир.

[20] Ибн Сино бўйича, саратон касалининг таърифи «Қонун» I ва «Қонун» IV китобларида берилган.

[21] Гипснинг арабчаси *жибс,* ўзбекча «жипслаш» сўзи шундан бўлса керак.

[22] Б. да «латифлаштирувчи ва ўткир» қўшилган.

[23] Подзаҳр – фодзаҳр ва бодзаҳр шакллари ҳам учрайди. Умуман, заҳарларга қарши ишлатиладиган дори бўлиб, унинг маданийсини захармуҳра дейилади [Шу китобнинг 32–33-бетига қаранг].

[24] № 579 га қаранг.

[25] Сирка ва асалдан тайёрланадиган ичимлик.

[26] № 86 га қаранг.

[27] № 283 га қаранг.

[28] № 733–746 га қаранг.

[29] № 629 га қаранг.

[30] № 620; № 238 га қаранг.

[31] № 311 га қаранг.

[32] Руҳ – юнонча «пневма»дан олинган бўлиб, инсон гавдасида юрувчи эфирси мон бир жисмни ифодалайди [*нафс-жон* маъносида эмас].

[33] Чирклатиш – йиринглатиш маъносида.

[34] № 489 га қаранг.

[35] «Қонун» V, учинчи мақолага қаранг.

[36] Турли рангдаги [қизил, қора, оқ] маржонлар ҳақида № 118 га қаранг.

[37] № 72 га қаранг.

[38] № 298 га қаранг.

[39] № 383 га қаранг.

[40] № 597 га қаранг.

[41] Б. да: «Зарованд» [аристолохия].

[42] Б. да: «ўз ҳолича тоза бўлиши».

[43] № 753–755 га қаранг.

[44] Котиб қуйидаги сўзларни ўзидан қўшади: «Бу китоб бўёқли ва жадвалли эмас эди ва унга аҳамият берилмади; бунинг унчалик зарари ҳам йўқ. Шайх ур-раис китобда келтирмаган ва Ибн Вофид ва бошқа табиблар эслатиб ўт ган машҳур дорилар: *исқофус* [*?*], *дибс, забаржад, зумуррад, ҳийю ал-олам, намр* [*?*], *ҳумар, лаъб, ёқут, жазъ, ақиқ, нашо, ҳайрий, хирваъ, султ, қулқос, қирмиз, далло* ва *қарасиё*».

Ибн Вофид Испанияда [997–1068] яшаган араб табиби бўлиб, унинг тўла исми Абдурраҳмон ибн Абдулкарим ибн Яҳё ибн Вофид алЛахмийдир. У ҳам «Содда дорилар» ҳақида китоб тузган.

[45] Арабча *калаф*ни сепкил деб таржима қилинди.

[46] Арабчаси: *намаш;* нуқтали қора қонталашни *бараш* дейилади.

[47] «Тулки касаллиги» мўй ташлашдан иборат бир касалликдир [яъни алопеция].

[48] «Илон касаллиги» пўст ташлашдан иборат.

[49] Арабчаси: *фалағмуний.*

[50] Арабчаси *намла* [чумоли]. Медицинада herpes дейилади.

[51] *Нори форсий* сўзи билан куйдирги касали ифодаланган.

[52] Ҳуснбузар.

[53] Яъни мояк пардалари орасига сув йиғилиши.

[54] Арабчаси *носур.*

[55] Аслида «бўғин олатлари» дейилган. Бўғинлар орқали ҳаракат қилувчи тана қисмларининг ҳаммаси шу жадвалга киради.

[56] Асабларнинг буралишидан чангак бўлиш ва томир тортишиб тиришиш тушунилади.

[57] Арабчаси *байза,* яъни «темир қалпоқ». Бу касаллик бошнинг ҳамма қисмини темир қалпоқдек қоплагани учун шу ном билан аталган. Қ. «Қонун» III (1), 81.

[58] *Сакта*–апоплексия; «Қонун» III (I) га қаранг.

[59] Б. бўйича тўғриланди.

[60] «Қонун» III (1) га қаранг.

[61] *Летаргос* юнонча сўз бўлиб, Ибн Синоча, миядаги шиллиқли шишдан келиб чиққан бир касалликдир; «Қонун» III (1) га қаранг.

[62] Тилдаги ўсмалардан бир хили.

[63] Арабчаси *сабал,* лотинчаси «паннус».

[64] Б. да қуйидаги ибора қўшилган: «Кўз мугуз пардасининг рутубатига қарши>.

[65] Арабчаси *зафара.*

[56] Аслида «кўз қўтири».

[67] Арабчаси *сулоқ,* лотинчаси «блефарит».

[68] *Хуноқ* умумий бир термин бўлиб, томоқ икки томон безлари, қизилўнгач гўштлари ва кекирдак атрофидаги яллиғланишларга айтилади. Ҳозирда жойига қараб бу касалликлар турли ном билан аталади. II Китобда бу термин жуда кўп ерда учрайди, лекин кўпчилик ҳолларда юқорида кўрсатилган касалликлардан қайси бири назарда тутилганини аниқлаш қийин бўлгани учун биз *хуноқ* сўзини ҳамма ерда ҳам шартли равишда «томоқ оғриғи», баъзан ангина деб таржима қилдик.

[69] Арабчаси *зот ур-риъа.*

[70] «Қонун» III (2) га қаранг.

[71] Эрлик олатининг узоқ вақтгача кўзғалган ҳолда бўлиш касаллиги.

[72] Аслида «ингичка оғриқ иситмаси».

[73] Ҳинд сунбулининг шохи.

[74] *Жарора* – чаённинг энг ёмон хили.

[75] Арабчаси *росу;* бу деворлар орасида яшайдиган, сичқондан каттароқ бир ҳайвон.

[76] Арабчаси *муғолий* бўлиб, росунинг бир хилидир.

1 «АЛИФ» ا [А, И, О, У] ҲАРФИ ИКЛИЛ УЛ-МАЛИК[1] – ҚАШҚАРБЕДА

Моҳияти.

Сомон тусда ва яримой шаклида бўлган бир ўсимликнинг гулидир. Унинг тузилиши сийрак бўлса ҳам, бир оз қаттиқлиги бор. Баъзан оқ тусда ва баъзан сариқ тусда бўлади.

(Дискуридуснинг айтишича, уни баъзилар *алалисфақун*[2] деб атайдилар. Бу кўп бутоқли ва тўрт қиррали қуруқ чўп бўлиб, ранги бир оз оққа мойилдир. Япроғи [шаклда] беҳи япроғига ўхшайди, лекин бир оз узунчоқроқ, дағалроқ ва туклидир. Ранги оққа мойил бўлиб, қатқалоқ ерларда ўсади).

Танлаш.

Энг яхшиси қаттиқроқ, туси бир оз оқишроқ, мазаси аччиқроқ ва ҳиди аниқроғидир. Дискуридуснинг айтишича, унинг энг яхшиси заъфарон ранглиги ва бу нав [ўсимликнинг] ҳиди умуман заиф бўлса ҳам улардан ҳиди энг ўткир бўлганидир. Яхшисининг ранги шамбала [*ҳулба*] тусида бўлади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ҳам қуруқ. Умуман айтганда, у мураккаб табиатли бўлиб, иссиқлиги совуқлигига қараганда кучлирокдир.

Бадиғурус уни «иссиқлик ва совуқликда мўътадил», дейди.

Таъсир ва хоссалари.

Унда шимдириш билан бир оз буруштириш хусусияти бор. Шу сабабдан у хилтларни пиширишга ёрдам беради.

Бадиғурус ва Жолинус унинг асосий хусусияти чиқиндиларни эритишдир, дейдилар. Уларнинг айтишича, бунинг шираси *шинни* билан бирликда ишлатилганда, оғриқларни қолдиради. У шимдирувчи, суюлтирувчи ва аъзоларга қувват берувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Қашқарбеда, айниқса, уни *шинни* билан ишлатилганда, иссиқ шишларда ва қаттиқ шишларда фойда қилади. Шунингдек, [қўйиладиган] жойига қараб, тухум оқи, шамбала донининг уни, зиғир уруғи, тегирмон гарди, сачратқи ёки кўкнор билан ишлатилганда ҳам фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Ҳўл яраларга ва айниқса, ҳўл ширинча [*шаҳдийя*]*га* сув билан ёки ўзига

мос келадиган қуритувчи нарсалар, масалан, мози, енгил лой ва ясмиқлар билан суртилганда, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қашқарбедани *шинни* ва бошқа юқорида айтилган нарсалар билан қулоққа боғланса ёки унинг ширасини қулоққа томизилса, қулоқ шишларига фойда қилади ва ундаги оғриқни тез босади. Бундан [қашқарбедадан] яна бошга қуйиладиган дорилар [*натул*] ҳам тайёрланадики, бу [дорилар] бош оғриғини босади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Уни *шинни* ва юқорида айтилган бошқа нарсалар билан кўзга боғланса, яллиғланишга фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қашқарбедани *шинни* ва юқорида айтилган нарсалар билан шаробда қайнатиб боғланса, орқа тешик, мояк ва бачадондаги шишларда фойда қилади (Шоҳлари ва япроғи қайнатилган сувни ичилса, сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди ва қориндаги болани туширади. У қайнатилган сувда чўмилиш мояк халтасидаги қичимани босади).

[1] Melilotus officinalis (L), Desr., Фармакопея VIII да. – Herba Meliloti.

[2] Матнда хато ёзилган; қ. «Сайдана» № 86; Диоск. III, 31.

2 АНИСУН[1] – РУМ АРПАБОДИЁНИ

М о ҳ и я т и.

Рум розиёнажи [яъни бодиёни]нинг уруғидир. *Набатий* [бодиёнига] қараганда бунда ўткир мазалик кам бўлиб, ширинлик бор. У *набатий* хилига қараганда иссиқроқдир[2].

Т а н л а ш.

Энг яхшиси янгиси ва уруғи катта бўлгани бўлиб, ундан кепакка ўхшаш қобиқ ажралади ва ҳиди ўткир бўлади. Критдан чиқадиган хили Мисрдан чиқадиган хилидан яхшироқдир.

Т а б и а т и.

Жолинус буни иккинчи даража иссиқ ва учинчи даража қуруқ дейди. [244] Бавлус[3] иккала хоссада ҳам учинчи даражада дейди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

[Енгил] буруштирувчи хоссали бўлиш билан бирга, очувчи ҳамдир. Уйқуни қочиради, оғриқларни қолдиради, (терлатади). [Анисун], айниқса, уни қовурилса, елларни тарқатади. Бунда ўткирлик бўлиб, бу билан у қуйдирувчи дориларга яқинлашиб келади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Юз салқиганига ва қўл-оёқ шишларида фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

У билан буғланса ва буғини бурунга тортилса, бош оғриғини ва бош айланишини босади. Майда қилиб янчиб, қизилгул ёғи билан аралаштириб қулоққа томизилса, қулоқ ичида эзилиш ва урилишдан пайдо бўлган ёрилишни тузатади; оғриқларни қолдириш учун ҳам ишлатилади.

Қ ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга эскидан тушган пардаларга фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Нафас олишни осонлаштиради ва сутни кўпайтиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бурақли[4] рутубатлардан келган чанқашни босади. Жигар ва талоқларда рутубатдан пайдо бўлган тиқилмаларда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва [бачадондан келувчи] оқликларни юриштиради. Бачадонни рутубатлардан тозалайди. Шаҳвоний қувватни қўзғатади. [Анисун] кўпинча ични қотиради, бунга унинг сийдикни ҳайдаш хусусияти ёрдам
134а қилади. Буйрак, қовуқ || ва бачадон тиқилмаларини очади.

И с и т м а л а р.

Эски иситмага фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарлар ва газандаларнинг [чақишидаги) зарарларни қайтаради. [Тўлиқ бир ичими] бир ўзини ичилганда[5], ярим *дирҳам* оғирлигичадир. (Бунинг тузатувчиси арпабодиёндир).

[1] Anisum vulgare G a e r t n. Рум арпабодиёнининг [оддий анис] меваси [Fructus anisi vulgaris] Фармакопея VIII да ёзилган.

[2] Б. да: «яхшироқдир».

[3] Бавлус – Павел Эгинский – александриялик табиб. VII асрда ўтган. Унинг асарлари Жолинус ва Орибазий таълимотига асосланган бўлиб, араб тилига Ҳунайн ибн Исҳоқ томонидан таржима қилинган.

[4] № 87 га қаранг.

[5] Яъни бошқа дорилар аралаштирмай ичилганда.

3 АФСАНТИН[1] – ЭРМАН

М о ҳ и я т и.

Каклигўти [*саътар*] япроғига ўхшаган бир ўт бўлиб, унда аччиқлик, буруштирувчанлик ва ўткир маза бор. Ҳунайннинг[2] айтишича, эрман бир

неча турли бўлади: *хуросоний* [Хуросон эрмани], *машриқий* [Шарқ эрмани], *Лугом* тоғидан келтириладиган эрман, *Сус* эрмани ва *Турсус* эрмани.

Қадимги [табиб]ларнинг Ҳунайндан бошқалари унинг хиллари бешта деганлар: *Турсус* эрмани, *Сус* эрмани, *набатий* эрмани, *Хуросон* эрмани ва *Рум* эрмани. *Набатий* эрманда хушбўйлик бор. Умуман, унда ерлик модда бўлиб, бу билан буруштиради ва латиф моддаси ҳам бўлиб, у билан ични суради ва тиқилмаларни очади. Бу дармананинг бир синфидир. Шу сабабдан уни баъзи олимлар *Рум* дарманаси деб ҳам айтадилар. Шираси япроғидан кучли бўлиб, *афросиюн* шираси билан тенглаштирилади.

Танлаш.

Энг яхшиси ёрганда *сабир* ҳидини берадиган, [қуш] болалари бошидаги сариқ тук рангли[3], янги, ёввойи *Сусий* ва *Турсусий* хилларидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ. Шираси яна иссиқроқдир. Баъзилар уни иккинчи даражада қуруқ дейдилар. Бу фикр тўғрироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

[Тиқилмаларни] очувчи, буруштирувчи бўлиб, буруштириши аччиқлигидан[4] кучлироқдир. *Набатий* хилининг буруштириши зўрроқ ва иссиқлиги озроқ бўлади. Шу сабабли шиллиқни ҳатто меъдадан ҳам суролмайди ва бу мақсадда ундан фойдаланилмайди. Бунда шимдириш ва эритиш хусусияти ҳам бор. Бунинг хоссаларидан бири шуки, у кийимга куя тушиши, ҳашаротларнинг кийимни бузиши, сиёҳнинг бузилиши ва қоғозларнинг қирқилиб қолишига қаршилик кўрсатади.

Зийнат.

[Эрман] рангни яхшилайди. «Тулки касаллиги» ва «илон касаллиги»га фойда қилади. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади.

Шиш ва тошмалар[5].

Сув билан хамир қилинса, эшакем [*шаро*]га фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бошга қуруқлик беради. Шираси бошни оғритади. Лекин мен буни меъдага зарар қилганидан деб биламан. Қайнатилгандаги буғи қулоқ оғриғига фойда қилади. Шаробдан илгари ичилса, хуморга фойда қилади. Танглайга *натрун* билан қўшиб, суртилса «ички бўғма»га[6] фойда қилади; уни қўйиб боғланса, қулоқ орқаларидаги шишларда, қулоқ оғриғи ва қулоқдан рутубатлар оқишида фойда қилади. Асал билан ичилса, сакта [апоплексия] касалига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Эрман, айниқса, унинг *набатий* хили, эскирган кўз оғриғида ва кўзга тушган пардага қўйиб боғланса[7], фойда қилади. Агар ундан шинни билан марҳам тайёрланса, кўзнинг лўқиллашини[8] ва шишини қайтаради ва ундаги қизил нуқталарга фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Эрман шароби ёлғон қовурға тоғайларининг остида бўладиган тортишишга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Йўқолган] иштаҳани қайтаради. Қайнатилган суви ёки шираси ўн кунгача ҳар куни уч *оболодан* ичилса, иштаҳа учун яхши даводир. Шароби меъдага қувват беради ва бошқа таъсирлар ҳам кўрсатади. Эрманни, айниқса, унинг ширасини ўн кунгача ҳар куни уч *уқиядан* ичилса, сариқ ва истисқода фойда қилади. Бу анжир, *натрун* ва мастак [*шайлам*] уни билан қўшиб, боғланганида ҳам шундай таъсир кўрсатади. Унинг ўзи талоқ учун ҳам марҳам бўлади. Гоҳо бу [касалликларда] анжир, гулсапсар уни ва *натрун* билан бирга боғланади. Эрманни, айниқса, ясмиқ [245] ёки гуруч билан қайнатиб ейилса, гижжаларни ўлдиради. Унинг шираси меъда учун ёмон; танаси ҳам меъда оғзига зарарлидир. Айниқса, *набатийсидан* бошқаси шўрлиги сабабли зарарлидир. [Эрман] сунбул билан аралаштирилса, меъда[9] оғриғига фойда қилади. Уни меъда, жигар ва белга қўйиб боғланса, уларнинг оғриқларини қолдиради. Жигар ва бел [оғриғида] хина ёғи билан қўшиб, мумли суртма қилинади; меъдага эса қизил гул ёғи билан ёки гулга аралаштириб [боғланади]. Шунингдек, буларнинг қаттиқлашишида ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини кучли равишда юриштиради, айниқса, асал суви билан кўтарилганда. Эрман сафрони суради. Ундан шиллиқни суриш ва ичакда қолган нарсани суриш [мақсадида] фойдаланилмайди. Бунинг ивитилганидан ёки қайнатилганидан бир ичиш миқдори беш *дирҳамдан* етти *дирҳамгача* бўлиб, ўз ҳолича олинганда икки *дирҳам*дир. Шаробини ичиш бавосирга ва орқа тешик ёрилганига фойда қилади. Танҳо ўзини ёки гуруч билан қайнатиб, асал билан ичилса, ични енгил суриш билан бирга гижжаларни ўлдиради. Ясмиқ билан қайнатиб ичилса ҳам шу таъсирни қилади. Эрман шароби юқоридаги таъсирларнинг ҳаммасини ҳам кўрсатади. То-
1346 мирларни сафроли ва сувли хилтлардан || тозалайди ва уларни ҳайдайди.

Иситмалар.

Эрман, айниқса, унинг шираси *гофит* шираси каби эскирган иситмага фойда қилади.

Заҳарлар.

Денгиз аждаҳоси[10], чаён ва росу[11] чаққанига қарши шароб билан ичилса, тоғ мингдевонаси [*шавкарон*] заҳарига ва заҳарли қўзиқорин [*футр*] билан бўғилганга қарши, айниқса, сирка билан ичилса, фойда қилади. Эрманнинг зайтун ёғи билан аралаштирилгани пашша ва чивинларнинг [баданга] қўнишига тўсқинлик қилади. Унинг сувини сиёҳга қўшилса, бу сиёҳ билан ёзилган китобга сичқон тегмайди.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р.

Жуъда ёки баробар миқдорида олинган рум дарманаси[12] [эрманнинг] ўрнига ўтади. Меъдани қувватли қилишда унинг ўрнига ўтадиган нарса ярмисича олинган ҳалила билан ўзига тенг миқдорда олинган *асорун*дир.

1 Artemisia absinthium L. Эрман ўти [Herba absinthii] Фармакопея VIII да келтирилган.

2 Ҳунайн иби Исҳоқ – юнон олимларининг асарларини араб тилига таржима қилган машҳур таржимон. IX аср.

3 Б. да: «анбар рангли».

4 Б. да: «иссиқлигидан».

5 Б. да: «жароҳатлар, шиш ва тошмалар».

6 Аслида – «ички хуноқ»; муқаддимага изоҳлардаги *хуноқ* сўзига қаранг.

7 Б. да: «кўз остига боғланса».

8 Аслида: «кўзнинг уриши».

9 Б. да: «меъда ва қорин кўпчишига».

10 № 729 га қаранг.

11 Росу [Sorex vulgaris L.] – сутэмизувчи ҳашаротхўр.

12 Б. да: «арман дарманаси».

4 ОС[1] – МАРСИН, МИРТА

М о ҳ и я т и.

Маълумдир. Унда мози маза ва ширинлик билан бирликда аччиқлик бор. Совуқлиги мози мазали бўлгани сабаблидир. [Миртанинг] *бунки* [қайнамаси][2] унинг ўзидан кучлироқдир. Бундан мози шароби билан қўшиб, кулча қилинади, унда ер моддаси ва бир оз таралувчан латиф модда ҳам бор. Унинг қайнамаси танаси устида [шу танаси рангидаги] кафт суратида ва шаклида бўлган бир нарсадир. Ёғида биз қуйида айтадиган фойдаларнинг ҳаммаси ҳам бор.

Т а н л а ш.

Энг кучлиси қорага мойилидир. Қорасининг меваси қувватда оқининг мевасидан заифдир, хусусан, япроғи думалоқ бўлган *хусравоний*[3] хили. Тоғда ўсадигани эса ҳаммасидан ҳам кучли. Гулининг энг яхшиси оқ хилидир. Мевасининг шираси жуда яхши бўлади. Шираси эскиса, ачиб кучсизланиб қолади. Шунинг учун уни кулча қилиб, [қуритиб] қўйилади.

Табиати.

Унда латиф иссиқлик бўлиб, унга совуқлик ғалаба қилгандир. Буруштириши совутишидан кўпроқ бўлиб, совуқлиги биринчи даражада ва қуруқлиги иккинчи даражага яқин бўлса керак.

Таъсир ва хоссалари.

Ичкетишни, терлашни, ҳар хил қон кетишни ва турли [нарсаларнинг] аъзога оқишини тўхтатади. Бу билан баданни ҳаммомда уқаланса, кучли қилади. Тери остидаги рутубатларни шимади. Бунинг қайнатмасини суякка қуйилса, синганни тезликда бириктиради. Куйиндиси баданни хушбўй қилишда тўтиё ўрнини босади. Миртани чапиш, қўйиб боғлаш ва ичиш ҳар хил қон кетишда фойда қилади; ўзининг ва мевасининг қуюлтирилган ширази ҳам шундай [таъсирга эга]. Буруштириши совутишидан кучли бўлиб, озиқлантириши оздир. Шаробларида[4] ични тўхтатадиган таъсир йўқ; шаробидан бошқаси ўпка оғриқларига ва йўталга фойда қилади.

Зийнат.

Ёғи, ширази ва қайнатмаси сочнинг илдизини кучли қилади ва тўкилишига моне бўлади, шунингдек, сочни узайтиради ва қорайтиради. Уруғининг зайтун ёғидаги қайнатмаси терлашни тўхтатади ва терлашдаги тери шилинишини тузатади. Қуриган япроғи қўлтиқ ва бут орасидаги ҳидланишга қарши ишлатилади. Кули тўтиёнинг ўрнига ўтади ва сепкилни кетказади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишларга, сарамасга, учуқ [*намла*]га, эшакем [*шаро*]га, яраларга [ва хусусан] кафтларда бўладиган яраларга ва оловда куйганга зайтун ёғи билан қўшиб, суртилса, тинчлантиради. Шунингдек, япроғини зайтун ёғи ва шароб билан аралаштиргандан кейин боғлаш ҳам шу таъсирни беради; унинг ёғи ва ёғидан олинган марҳамлар ҳам шундай таъсирга эга. Қуруғи милкак касалида сепилса, фойда қилади; бундан тайёрланган мумли суртма ҳам шундай таъсир беради. Мевасини шароб билан қайнатиб, оёқ ва қўл кафтидаги яраларга ва оловда куйган жойга қўйиб боғланса, уларни тузатади ва [куйган жойнинг] қаваришиб чиқишига монелик қилади. Кули ҳам мумли суртма билан [қўшилса], шу таъсирни беради.

Б ў ғ и н л а р.

Бўғинлар бўшашганида мевасини шаробда қайнатиб қўйиш мувофиқ бўлади. Битиши қийин суяк синишида қўйилса ҳам фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун қонашни тўхтатади, бошнинг кепагини аритади. [Мирта] бош яраларини, қулоқ яраларини қуритади ва сувидан томизилса, қулоқ йирингини ҳам қуритади. [246] Шароби милк бўшашганида фойда қилади; япроғини шаробда қайнатиб боғланса, қаттиқ бош оғриғини қолдиради. (Унинг шаробини *набиз* ичишдан олдин ичилса, хуморни қайтаради).

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз оғриғини ва кўз ғўлагининг ирғиб чиқишини қайтаради. Арпа[5] билан қайнатиб, кўзга [қўйилса], шишларни қайтаради. Кули нохуна [*зафара*] дориларининг таркибига киради.

К ў к р а к в а н а ф а с а ъ з о л а р и.

Мирта юракни кучли қилади ва юрак ўйноғи [*хафақон*]ни кетказади. Меваси ўз ширинлиги билан йўталга фойда қилади ва буруштириши билан ичи кетаётган кишининг ичини тўхтатади. Меваси ва унинг қуюлтирилган ширасы қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Мирта, айниқса, унинг қуюлтирилган ширасы ва уруғи меъдани кучли қилади ва ортиқча хилтларнинг меъдага оқишига қаршилик кўрсатади. ||

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и. *135а*

Мевасининг ширасы сийдикни юриштирувчидир. Ўзи эса сийдикнинг куйдириб, ачитишида ва қовуқнинг ачишганида фойда қилади. Бу ҳайз қонининг кўпайишига тўсқинлик қилишда яхши даводир. Суви ични қотиради, агар уни суртилса, сафроли ва савдоли ичкетишни тўхтатиб туради. Кунжут ёғи билан бирга [ишлатилса], шиллиқни суриб чиқаради. Мевасининг қайнатмаси бачадондан рутубатлар оқиб туришида фойда қилади. Уни бавосир ва мояк шишларига қўйиб боғланса, фойда қилади. Қайнатмаси эса кўтан ва бачадон тушишига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Мирта ва шунингдек, унинг меваси шароб билан ичилса, қоракурт[6] ва чаён чаққанида фойда қилади.

[1] Myrtus communis L.

[2] Б у н к – форс тилида «илдиз», «ўсиқ», «қайнама» кабиларни ифодалайди. Шу сўз билан елим берувчи акациянинг Дискуридусча «наскафтон» деб юритиладиган илдизларини ҳам аталади. № 94 га қаранг.

[3] Хусравоний – юмалоқ япроқли «шоҳ миртаси»; форс тилида ҳар бир нарсанинг яхши ва катта хилини «хусравоний» дейдилар.

[4] Мирта шаробини тайёрлаш усули «Қонун»нинг V китобида ёзилган.

[5] Б. да: «арпа толқони».

[6] Рутайло – русчаси тарантул. Марказий Осиёда қоракурт деб аталади.

5 АҚОҚИЁ – АРАБ АКАЦИЯСИНИНГ ШИРАСИ (ЁКИ ЕЛИМИ)

М о ҳ и я т и.

Акация мевасининг ширасы бўлиб, [уни] қуритиб, кулча қилинади. Бунда ачиштириш хоссаси бўлиб, ювилганда йўқолади. Чунки бу бурушти-

рувчи ер моддаси ва латиф моддадан тузилгандир. Ачиштириши ҳам шу [латиф модда] сабабли бўлиб, у ювилганда йўқолади. Ўзининг ўткирлиги билан [аъзога] чуқур кириб бориб, уни совутади. (Дисқуридуснинг айтишича, бу акация дарахти бўлиб, Мисрда ва бошқа ерларда ўсади. Тиканли ва тикани тикка эмас, бутоқлари ҳам шундай. Оқ гули бор. Миср боқиласи каби ғилофли оқ меваси ҳам бор.

Акацияни йиғиб, тўплаб, шираси қуйидагича олинади: меваси билан япроғи янчилади ва шираси чиқарилади. Баъзилар буни шундай йўл билан ҳам оладилар: сувга солиб эзиб, сувнинг юзига чиққан [нарса]ларни тўкилади; бу ишни сув тоза бўлгунча давом эттирилади. Сўнг ундан кулча ясалади ва [керак вақтида] давога ишлатилади).

Танлаш.

Энг яхшиси қорага мойил яшил тусли, хушбўй ва қаттиқ хилидир.

Табиати.

Ювилгани совуқ бўлиб, иккинчи даражада қуритувчидир. Ювилмагани биринчи даражада совуқ бўлиб, қуруқлиги иккинчи даража[2] атрофидадир.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи бўлиб, қон оқишини тўхтатади.

Зийнат.

Сочни қорайтиради, рангни яхшилайди ва совуқдан ёрилганга фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Мирта бобида айтилган [касалликларга] ва милкакда фойда қилади. Тухум оқи билан қўшиб, оловда куйганга ва иссиқ шишларда қўйилади.

Бўғинлар.

Бўғинларнинг бўшашганига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Оғиз яраларига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўришни кучли қилиб, уни нозиклаштиради. Кўзга ишлатиш учун Миср акациясидан бошқаси ярамайди. Кўз оғриқдаги [яллиғланишни] ва унда бўладиган қизилларни босади. Кўз нохунасида ишлатиладиган дорилар таркибига киради.

Чиқариш аъзолари.

[Бу дорини] ичиш, бу билан ҳуқна қилиш ва қуюқ қилиб суртиш ични боғлайди. Ичакнинг шилиниши ва қонли ичкетишда фойда қилади. Бачадондан [турли нарсаларнинг] оқишини тўхтатади. Кўтан ва бачадон тушишини қайтаради ва икковининг ҳам бўшашишида фойда қилади.

[1] Succus Acaciae. – Acacia arabica W i l l d. дарахтининг хом меваларидан сиқиб олинган ширанинг қуюлтирилгани. Баъзан шу дарахтнинг елимини ҳам шундай деб аталади. Фармакопея VIII да келтирилган. № 660 га солиштиринг.

[2] Б. да: «учинчи даражада».

6 ИШҚИЛ[1] – ДЕНГИЗ ПИЁЗИ

М о ҳ и я т и.

Бу «сичқон пиёзи»дир. Сичқонни ўлдириш [хоссасига эга бўлгани учун] шу номни олган. Бу кучли, ўткир ва тез мазага эга. (Бир гуруҳ [табибларнинг] айтишича, бу ёввойи пиёз [*унсал*]дир). Қайнатиш ва қовуриш унинг қувватини синдиради. Қовурилганининг кўриниши шафтолиқоқига ўхшайди. Туси оқимтир сариқдир. Бунинг бир нави борки, ўлдирувчи заҳардир. Баъзилар бунинг айрим бир аломатларига қараб *булбус*[2] пиёзи, деб гумон қилиб, янглишадилар.

Т а н л а ш.

Яхшиси марварид тусли[3] ярақлаганидир. Таъмида ўткир маза ва аччиқлик билан бирликда ширинлик ҳам бор.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даража чегарасида қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Шимдирувчи, қонни, ортиқча хилтларни баданнинг ташқарисига кучли тортувчи, куйдирувчи, яраловчи, қуюқ каймусларни жуда суюлтирувчидир. Қиздириш қувватига кўра парчалаш қуввати кўпроқ. Сиркаси [247] кучсиз гавдани кучли қилади ва уни соғлом қилади.

З и й н а т.

Денгиз пиёзини зайтун ёғи ва *ротиёнаж*[4] [санавбар елими] билан сўгалларга суртилса, уларни қўпоради. «Тулки касаллиги» ва «илон касаллиги»да суртилса, (ва ишқаланса), сочни ўстиради. Денгиз пиёзи, айниқса, хомининг мағзи товон ёрилганида фойда қилади. Сиркаси рангни чиройли қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

[Денгиз пиёзи] ташқи яраларни қуритади. Уни истеъмол қилиш ички аъзо яраларига зарар қилади; ишқаланса, баданни яра қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб ва бўғин оғриқларига, фалажга ва айниқса, *ирқуннасога* фойда қилиш билан бирга, соғ асабга бир оз зарар қилади. Сиркада ва шаробда [ивитмаси] ҳам шундай хоссаларга эгадир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноқ ва меланхолия касаллигида фойда қилади. Сиркадаги ивитмаси тишнинг милкини қаттиқ қилиб, қимирловчи тишларни маҳкамлайди. Тишнинг чириб, уваланишини тўхтатади.

Кўз аъзолари.

Буни истеъмол қилиш кўзни ўткир қилади. (Назлаларни тўхтатади).

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Нафас қисиш касаллигида жуда фойдали бўлиб, эски йўтал ва овоз дўриллашини йўқотади.

Бундан уч *оболони* асал билан қўшиб, ичирилади. Сиркаси ва пиёзи томоқни кучли қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Денгиз пиёзи] талоқ қаттиқлашувида фойда қилади. Меъда ва ҳазмни кучайтиради. [Меъдада] таомнинг юқори кўтарилишига қарши ишлатилади. Сиркадаги ивитмаси ҳам шундай хусусиятга эга. [Денгиз пиёзи] солиб қайнатилган сув талоқ касаллигида қирқ кунгача ичилади.

Айтишларича, талоқ касали билан оғриган кишининг бўйнига денгиз пиёзини қирқ бир кунгача осиб қўйилса, талоқдаги [қаттиқликни] юмша-
1356 тади. Истисқо ва сариқ касаллигида фойда қилади.||

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни кучли ҳайдайди. (Сирка ва шаробдаги ивитмаси ҳам шундай хоссага эга. Қийналиб сийишда фойда қилади; ҳайз қонини юргизади. Ҳатто болани туширади. Сирка ва шаробдаги ивитмаси ҳам шундай таъсирга эга). Шунингдек, сиркаси ва шароби «бачадон бўғилиш» касаллигида[5] фойда қилади. Денгиз пиёзи, айниқса, қовурилгани қуюқ хилтларни суради. Буни ишлатилганда унга олти[6] баробар туз қўшилади. Бунинг бир ичими оч қорнига икки *фаланжор*дир[7]. Қайнатмаси ҳам шундай. Уруғини жуда майда янчиб, бир қуруқ идишга солинади ва асал билан аралаштириб ейилса, ични юмшатади. [Денгиз пиёзи] меъда, кўтан ва бачадон оғриқларида ҳам ичакда бўладиган бураб оғришга фойда қилади.

Иситмалар.

Сиркада ивитмаси давомли титратувчи иситмага фойда қилади.

Заҳарлар.

Эшик тепасига осиб қўйилса, айтишларича, газандалардан сақлайди, Умуман, газандаларнинг чақишида тарёқ вазифасини бажаради. Сичқонни ўлдиради. (Сирка билан қайнатиб боғланса, *афъо* илони чақишида фойда қилади).

Ўрнига ўтадиганлар.

Ўз миқдорида олинган ёввойи зира[8], ўзича ва яна учдан бирича игир[9] ва учдан бирича *ҳамомо*.

[1] Urginea maritima (L) B a к. Фармакопея VIII да «денгиз пиёзи» [Bulbus scillae] ёзилган. Арабча «унсал» деб ҳам аталади [№ 535].

[2] № 90 га қаранг.

[3] Б. да: «мугуз рангли».

[4] № 671 га қаранг.

[5] *Ихтиноқ ур-раҳм* – Эски тиб китобларида таърифланишича, бу истерия бўлиб, кўпинча жинсий қониқмаслик ва ҳайз қонининг тийилиши (климактерия)натижасида келиб чиқади.

[6] Б. да: «саккиз».

[7] Б. да: «икки қошиқ».

[8] № 613 га қаранг.

[9] № 208 га қаранг.

7 ИЗХИР ВА ФУҚҚОҲУҲ[1] – ҚОРАЧАЙИР ВА УНИНГ ГУЛИ

М о ҳ и я т и.

Араб саҳросида бўладиган хили бўлиб, у хушбўйдир. Тўқайзорларда ўсадиган [*ажамий*] хили ҳам бор. Яна ингичка хили ҳам бўлиб, бу энг қаттиғидир. Яна йўғон хили бор, бу бўшроқ ва ҳидсиз.

Дисқуридуснинг айтишича, қорачайир икки турли бўлади. Бир хили мевасиз бўлиб, яна бир хили қора мевалидир.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси Арабистондан чиқадиган қизил рангли ўткир ҳидлисидир. Гулига келсак, ранги қизилга бир оз мойил бўлиб, очилганида қорамтир-қизил тусга ўтади.

(Бу ингичка бўлиб, қўл билан титиб эзилса, гул ҳиди каби хушбўй ис беради. Қорачайирнинг кўпроқ фойда берадиган қисми – гуллари, илдизи ва шохларидир).

Ўзининг ўткирлиги билан тилни ачиштиради.

Т а б и а т и.

Тўқайда ўсадиган хилида совутувчи қувват бор. Ибн Журайжнинг[2] айтишича, ҳамма хили ҳам совуқ бўлиб, илдизи кучли буруштирувчидир. Очилган гули бир оз қиздиради. Буруштириши қиздиришидан камроқ. Арабий хилининг табиати иккинчи даражада иссиққа ва қуруққа яқин.

Х о с с а л а р и[3].

Бунда буруштириш хоссаси бор. Шу сабабли унинг очилган гули ҳар хил қон кетишда фойда қилади. Унинг ёғида тарқатиш ва буруштириш хусусияти бор. Бу таъсирда илдизи кучлироқдир. Ични қотиради. Унинг етилтириш ва юмшатиш хусусияти бор; томирларнинг оғзини очади; ички оғриқларни, айниқса, бачадондаги оғриқларни босади; елларни тарқатади.

Жароҳат ва яралар.

Ёғи қичимада фойда қилади, ҳатто ҳайвон қичимасида ишлатса ҳам бўлади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қорачайирнинг қайнатмаси иссиқ шишларда, ички қаттиқликларда ичилса ва сиртдан қўйиб боғланса, фойдалидир. [Қайнатмаси] ичдаги совуқдан бўлган шишларда ҳам фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Мушакларнинг узилишида фойда қилади. Чорак *мисқолини* мурч билан қўшиб, ичилса, тиришиш касалида фойда қилади. Ёғи эса чарчаганликни кетказади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қорачайир, хусусан, тўқайда ўсадиган хили бошни оғир қилади. Лекин икковининг ҳам ингичка хили бошни оғритади. Йўғон хили ухлатади. Уруғи эса [бадан]ни уюштиради. Ҳаммаси ҳам тиш милкларини кучли қилиб, рутубатларини тортади. Очилган гули бошни тозалайди.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

[Ўзи] ўпка оғриғида ва очилган гули эса [248] қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи меъдага қувват бериб, овқатга иштаҳани очади. Илдизидан бир *мисқоли,* айниқса, ўзига баробар миқдорда мурч билан ишлатилса, кўнгил айнашни босади. Гули меъда оғриқларини босади: меъда ва жигар шишларида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон оғриқларида фойда беради. Айниқса, унинг қайнатмасида ўтириш иссиқ бачадон шишларида фойдалидир. Шунингдек, қайнатмасини томизиш ва суви билан буғлаш[5] ҳам фойда беради. Сийдик ва ҳайз қонини кўпайтириб, юриштиради. Иккала хилининг уруғи, айниқса, тўқайда ўсадиган хилининг йўғон ва ингичка хили тошларни майдалайди, ични қотиради ва хотинларда қон кетишини тўхтатади. Очилган гули буйрак оғриқларида ва буйракдан қон кетишда фойда қилади. Ўзидан ёки илдизидан бир *мисқолгача* олиниб, мурч билан [ичилса], истисқода фойда қилади. Очилган гули орқа тешик шишларида фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Йўғон хилининг илдизига яқин жойлашган кўк япроғи газандаларнинг чаққанига фойда қилади.

[1] Andropogon schoenanthus L.

[2] Л. да: Абу Журайж, Буни «ар-Роҳиб» деб ҳам атайдилар, тўла исми Настас ибн Журайждир.

[3] Б. да: «Таъсир ва хоссалари».
[4] Б. да: «Нафас ва кўкрак аъзолари».
[5] Б. да: «Қайнатиб ичилса».

8 АСОРУН[1] – АСОРУН, ЁВВОЙИ НОРДИН

М о ҳ и я т и.

(Хитой мамлакатидан келтириладиган) кўп уруғли ва эгри бўғинларга эга бўлган катта илдизли бир ўт, ширин ажириқ [*сийл*]га ўхшайди. Ҳиди ёқимли, мазаси тилни ачитади. Тубига яқин еридаги япроқлари орасида мингдевона гулига ўхшаш, лекин гунафша[2] рангли гули бор. Илдизи [бу ўсимликнинг] энг фойдали қисмидир. Кучи игир [важж] кучига яқинлашади. Лекин бу кучлироқдир.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси ўткир ҳидлисидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қуруқлиги иссиқлигидан оз дейдилар.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бу очувчидир. *Асорун,* айниқса, || унинг истисқо бобида эслатиб ўтилган ивитмаси ичдаги ҳамма оғриқларни босади. [Хилтни] суюлтиради ва *136а*
тарқатади. Совуқ аъзоларни қиздиради ва тозалайди.

Б ў ғ и н л а р.

Асорун, айниқса, истисқо бобида айтилган унинг ивитмаси, *иркуннасода* ва икки ёмбошдаги эски оғриқларда фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг мугуз пардаси қалинлашганда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар тиқилмаларида ва унинг қаттиқлашганида жуда фойда қилади. Сариқ касаллигида ҳам фойда қилади. Бунинг уч *мисқол* миқдоридагисини ўн икки *қутули* миқдордаги узум сувида ивитиб, икки ойдан кейин сузиб, [ишлатилса], истисқо касалида фойда қилади. Гўшт истисқосида бунинг фойдаси кўпроқ бўлади. Талоқнинг қаттиқлигида жуда яхши фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини юриштиради. Қовуқ ва буйракни кучли қилади. Ични тозалашда оқ *харбақ* каби суради. Бунинг бир ичими асал суви билан қўшиб, етти *мисқолдир.* Эрлик уруғини кўпайтиради.

[1] Asarum europaeum L.
[2] Аслида «фирфир».

9 АНЗАРУТ[1] – АНЗИРАТГЎШТХЎР

Моҳияти.

(Форс мамлакатида бўладиган) тиканли бир дарахтнинг елимидир. Унда аччиқлик бор.

Танлаш.

Яхшисининг ранги сариқликка мойил бўлади ва *кундурга* ўхшайди.

Табиати.

Баъзилар уни иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқ дейдилар. Ибн Журайж (Форс ва Лурижонда учрайди ва) жуда иссиқ бўлади, дейди.

Таъсир ва хоссалари.

Ачиштирмасдан елимлайди. Шу сабабдан яраларни бириктириб, эт ундиради. Марҳамларда ишлатилади. Унда ёпиштирувчи қувват бўлиши билан бирга қайта-қайта тиқинлар пайдо қилиш хусусияти ҳам бор. Шунингдек, бунда етилтириш ва тарқатиш қуввати ҳам бор.

Зийнат.

Доимо ичиш, хусусан қариларда, ялтироқ калликка олиб келади.

Шиш ва тошмалар.

Қўйиб боғланса, ҳар хил шишларни қайтаради.

Жароҳат ва яралар.

[Анзиратгўштхўр] ўлик этларни ейди ва янги жароҳатларни битиради. Суякнинг чиқишини тузатади. Бу мақсад учун ўзининг ва қуритилган илдизининг ивитмаси ишлатилади.

Бош аъзолари.

Асал билан ҳўлланган пиликни янчилган анзиратгўштхўрга булғаб, йиринглаб оғриган қулоққа киргизилса, [касаллик] бир неча кунда тузалади.

Кўз аъзолари.

Кўз оғриғида, айниқса, унинг йиринглашида ва кўз назлаларида фойда қилади, хусусан, эшак сути билан ишлангани фойдалидир. Кўзга тушган чўпни чиқаради.

Чиқариш аъзолари.

Қуюқ ва хом шиллиқларни, хусусан, икки ёнбошдан ва бўғинлардан суради.

[1] Astragalus sarcocolla Dym. ўсимлигининг елими.

10 АБҲАЛ[1] – АРЧА БУЖУРИ

Моҳияти.

Тоғ арчасининг мевасидир. (Бу икки хил бўлади: кичик хили ва катта хили; иккови ҳам Рум мамлакатидан келтирилади). Дўлана мевасига ўхшайди. Лекин бу унга қараганда анча қорароқ, ҳиди ўткир ва хушбўйдир. Дарахти икки хил: бирининг япроғи сарвнинг япроғи каби сертикан ва энли бўлиб, узун эмас; иккинчисининг япроғи юлғун[2] япроғи каби бўлиб, мазаси сарвнинг мазаси кабидир. У қуруқроқ ва бир оз иссиқдир. Бундан долчинга қараганда икки баробар олинса, унинг ўрнига ўтади.

Танлаш.

Яхшиси ҳиди ўткиридир.

Табиати.

Баъзилар уни учинчи даражада иссиқ қуруқ дейдилар. [249].

Таъсир ва хоссалари.

Унинг шимдириш қуввати кучлидир. Ачитиш билан бирликда қуритиш таъсири ҳам бор. Бир оз буруштиради. Қиздирувчи ёғлар ва хушбўй ёғлар таркибига киради. Сиқиб олинган ёғлар билан бирга ишлатилади.

Жароҳат ва яралар.

Толқони асал билан бирга ишлатилса, ейилган, ҳидланган яраларда фойда қилади. Буни қўйиб боғланса югурук яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Қорайтирувчи яраларга қўйиб боғланади. Ачитиши, иссиқлиги ва қуруқлиги сабабли яраларни битирмайди, балки қуритади.

Бош аъзолари.

Абҳал меваси темир чўмичда кунжут ёғида қорайгунча қайнатилиб, қулоққа томизилса, қулоқ карлигида жуда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичилса, қон сийдиради ва болани туширади. Кўтарилса ёки тутатилса ҳам шу ишини қилади.

Кўкрак аъзолари.

Юрак ўйнаши [*хафақон*]да фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусишни тўхтатади ва меъдага қувват бериб, унинг дам бўлишини йўқотади; айниқса, шаробда ивитилгани буруштиради ва заиф жигардаги оғриққа фойда қилади.

[1] Juniperus Sabina L. Фармакопея VIII да Fructus Juniperi (Juniperus cummunis L. меваси) ёзилган.

[2] № 304 га қаранг.

11 УШНА[1]

Моҳияти.

Юмшоқ ва юпқа қобиққи, дуб, санавбар ва ёнғоқ дарахтларини ўрайди. Яхши ҳиди бор. (Бир гуруҳ [табиблар] буни Ҳиндистондан келтирилади, дейдилар).

Танлаш.

Яхшиси оқи бўлиб, қораси ёмондир (Дискуридуснинг айтишича, энг яхшиси шарбинда, яъни санавбарда бўладиганидир ва ундан кейингиси ёнғоқ дарахтида бўладиганидир. Энг яхшиси – энг хушбўй ва кўкимтирроқ бўлади).

Табиати.

Бу бир оз, ҳатто йўқ даражада совуқдир. Бунда мўътадил буруштириш бор. Бир гуруҳ [табиблар] буни биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ деб тушунадилар. Хузнинг айтишича[2], совуқ ва қаттиқ қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда буруштириш ва шимдириш хусусиятлари бирданига бўлиб, юмшатиш хусусияти ҳам бор; хусусан, санавбар дарахтида бўлгани юмшатувчидир. Санавбар дарахтида бўладиганида буруштириш хоссаси мўътадилдир. Дуб дарахтида бўлгани [эса] тиқилмаларни очиб, бўшашган гўштларни маҳкамлайди.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишларга суртилади ва уларни босади. Қаттиқликларни
б тарқатади. || Бўшашган гўштлардаги шишларни босади.

Бўғинлар.

Чарчаганликка қарши ишлатиладиган ёғлар таркибига киради. Бўғинлар қаттиқлашганини тарқатади. Қайнатмаси ҳам шундай таъсирларга эга.

Бош аъзолари.

Шаробда ивитиб ичилса, ухлатади.

Кўз аъзолари.

Кўзни равшанлаштиради.

Чиқариш аъзолари.

Бачадон тиқилмаларини очади. Унинг сувида ўтирилса, бачадон оғриғида фойда қилади. Ҳайз қонини юриштиради.

Ўрнига ўтувчилар.

Ўз оғирлигидаги ёввойи зира [қардамоно] бунинг ўрнига ўтади.

[1] Usnea articulata A c h., ва шунга яқин турлар, Lecanora esculanta Ev.

[2] Аслида ал-Хуз ёзилган. Бу ерда Хузистондаги IV–V асрларда ташкил топган Гундишопур мактабига мансуб бўлган табиблар назарда тутилган бўлса керак. Бу сўздан олдин турган кўплик феъли ҳам шунга далолат қилади.

12 АЗФОР УТ-ТИБ[1] – «ПАРИЛАР ТИРНОҒИ», «ХУШБЎЙ ТИРНОҚ»

Моҳияти.

Тирноқларга ўхшаш парчалардан иборатдир. Ҳиди ёқимли бўлиб, тутатқи сифатида ишлатилади. Дисқуридуснинг айтишича, садаф парчалари жинсидандир. Ҳинд денгизидаги сунбул ўсадиган оролдан олинади. Бунинг *қулзумий* ҳам *бобилий* деган хили борки, сўнгиси қора ҳам кичик бўлади. Икковининг ҳам ёқимли ҳиди бор. Гумон қиламанки, қулзумий хили *қурайшия*[2] деб аталган хилининг ўзи бўлса керак.

Айтишларича, у гўшти ва терисига ёпишган ҳолда бўлади[3]. Бу баъзан *Айзобда* бўлади ва кўпинча маккий хили Жидда[4] орқали келтирилади. Бу даволаш учун қўлланилиб, тозалаш хоссасига эгадир ва баданни хушбўй қилади.

Танлаш.

Энг яхшиси оққа мойил бўлиб, Қулзум, Яман ва Баҳрайнларда учрайдиган хилидир.

Бобилий хилига келсак, унинг туси қора бўлиб, жуда кичик бўлади. Атторларнинг айтишича, энг яхшиси Баҳрайндан келтирилгани, ундан сўнг *Маккий* деб аталиб, Жидда орқали келтириладиган хили туради.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Қуруқлиги учинчи даражага яқинлашиб боради.

Хоссалари.

Латифлаштирувчидир.

Бош аъзолари.

Тутуни тутқаноққа фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бу билан буғлаш бачадони бўғилган хотинни ўзига келтиради. Сирка билан ичилса, унинг ҳамма хили ҳам ични юриштиради.

[1] Ungues odorati – «хушбўй тирноқлар». Турли муаллифларнинг фикрича, Strombus lentiginosus, Murex in flatus ёки Pleurotoma trapezil турларига кирувчи чиғаноқларнинг қобиғидан иборатдир. Буни ёқилганда хушбўй тутун пайдо бўлади.

[2] Б. да: «фаршия».

[3] Б. да: «бир қисми Абодонга келтирилади».

[4] Жидда – Арабистонда, Қизил денгиз соҳилида, Макка яқинидаги бир шаҳар.

13 ИНФАҲА[1] – ПАНИРМОЯ

Моҳияти.

Панирмояларнинг тури кўпдир. Уларнинг ҳар бирини уни олинадиган ҳайвон ҳақида гапирилганда айтамиз.

Танлаш.

Тур бўйича энг яхшиси қуён панирмоясидир.

Табиати.

Ҳамма тури иссиқ, қуруқ ва олов мизожлидир.

Таъсир ва хоссалари.

[Панирмоянинг] ҳар бири қотган қонни, ивиган сутни, қуюқ хилтни эритади ва ҳар бир эриган нарсани қотиради. Ҳамма тури парчаловчидир. Хотинлардаги ҳар хил нарсаларнинг оқишини ва қон кетишини тўхтатади. Буларнинг ҳаммаси латифлаштирувчидир. Шу билан бирга, қурутувчилик хоссасига ҳам эгалигига шак йўқ.

Жолинуснинг айтишича, [250] панирмоялардан бирортаси ҳам қотиришга муҳтож бўлган ўринда ишлатилмайди.

Бош аъзолари.

Ичилса, ҳаммаси тутқанокда фойда беради, айниқса, *қуфий*[2] панирмоясининг фойдаси кўпдир.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ўпкада қотиб қолган шишни[3] эритади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сирка билан ичилса, меъдада ивиб қолган сутни ва меъдада қотган қонни эритади. Ўзи меъда учун зараплидир.

Чиқариш аъзолари.

Ҳайз қони тингандан кейин[4] кўтарилса, ҳомиладор бўлишга ёрдам қилади. Тоза бўлишдан кейин ичилса, [аксинча], ҳомиладор бўлишга моне бўлади. «Бачадон бўғилиши»да фойда қилади. (Хусусан, *сакмуя* панирмояси бачадон оғриқларида ишлатишга ярайди. Ичак яраларига фойда қилади), хусусан, той панирмояси шундай [таъсирга эга].

Заҳарлар.

Ҳамма хили заҳарга қарши ишлатилади. *Шавкарон* [сассиқалаф] билан заҳарланганда фойда қилади. Бунга энг мувофиқроғи улоқ, оху боласи, бўталоқ ва қўзиларнинг панирмоясидир. Ҳар хил заҳарлар ва [газандаларнинг] чақишига қарши уч *оболо* берилади. Бунинг тўла бир ичими *тило* шароби[5] билан ўн *қиротдир.* Улоқ панирмояси *фурбиюн* билан заҳарланганга қарши ишлатилади.

[1] Coagulum. Панирмоя – ёш ковшовчи ҳайвонлар қорнидан олинадиган суюқлик. Ибн Сино бу маънони қуён қорнидан олинадиган ферментга ҳам беради.

[2] Қуфий – сакмуя, саки обий.

[3] Б. да: «қонни».

[4] Б. да: «олдин».

[5] Тило шароби – шаробнинг қуюлтирилган тури.

14 АМЛАЖ[1] – ОМИЛА

М о ҳ и я т и.

Таниқли нарса; бунинг мураббоси ҳалила[2] мураббосидан ва шу каби бошқа мурабболардан заифроқдир. У сутда ивитилса, *шир амлаж*[3] деб аталади.

Т а б и а т и.

Яҳудий [табибларининг] фикрича, иссиқдир. Кўпчилик табибларнинг фикрича, иккинчи даражада совуқдир. Чарак Ҳиндийнинг айтишича, унда қиздириш хоссаси бор. Тўғриси – совуқлиги оз ва қуруқ бўлса ажаб эмас.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қоннинг ҳароратини босади.

З и й н а т.

Соч илдизини қувватли қилиб, уни қорайтиради.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб (ва бўғинларга) жуда фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга қувват беради.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни кучли қилиб, қўзғатади ва фаҳмни орттиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани кучли қилади, ошлаб [тозалайди] ва чанқовни босиб, қусишни тўхтатади; таомга иштаҳа беради. || *137а*

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Омила орқа тешикни кучли қилади. Шаҳвоний қувватни қўзғатади. Бир гуруҳ [табиблар] фикрича, ични тўхтатади, лекин мураббоси ични машаққатсиз юмшатади. Бавосирга фойда қилади. Бир нусхада[4] балғам ва савдони суради. Бир ичими – беш *дирҳам.* Уни асал билан тузатилади.

[1] Phyllanthus emblica L.

[2] № 195 даги 1-изоҳга қаранг.

[3] Яъни «сут амлаж».

[4] Бу сўз Ибн Синоданми ёки котиб томонидан қўшилганми, маълум эмас.

15 УҚҲУВОН[1] – БОБУНА; МОЙЧЕЧАК

Моҳияти.

Баъзиси оқ ва баъзиси қизил бўлади. Оқи энг кучлисидир. Бу ингичка шохлардан иборат бўлиб, уларнинг учларида *марв* гулига ўхшаган оқ япроқли гуллари бўлади. Ҳиди ҳам мазаси ўткирдир.

(Дискуридуснинг айтишича, баъзилар уни *аморақун* ва баъзилар *фарсаниюн,* яна баъзилар эса, *луқансимун*[2] деб атайдилар. Кашнич япроғига ўхшаш япроғи бор. Гули оқ тўгарак шаклида бўлиб, ўртаси сариқдир. Ҳиди оғир. Таъмида аччиқлик бор).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

(Қиздирувчи ва) хилтни етилтирувчидир. Тиқилмаларни очади. Қизил хилида шимдириш қуввати бўлатуриб, буруштириш ва турли [суюқликларнинг] оқишига тўсқинлик қилиш хоссаси бор. Лекин буруштириши қуритиш билан бўлади. Терлатади. Ёғи билан [бадан] силанса ҳам шу таъсирни кўрсатади. Томирларнинг оғизларини очади. Эритувчи ва суюлтирувчи таъсирга эга.

Танлаш.

[Яхшиси] янги ва яшилидир.

Шиш ва тошмалар.

Меъдадаги иссиқдан бўлган шишни ва қотиб қолган қонни эритади; совуқдан бўлган шишларда фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Оқма яраларда фойда қилади; қовжираган яраларни кўчиради ва тузалиши қийин яраларни тозалайди. Мушак ва асаб жароҳатларида фойда қилади.

Бўғинлар.

Асабнинг буралганида[3] қайнатмаси билан юнгни ҳўллаб қўйилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Узоқ ухлатувчидир. Ҳўлини ҳидланса, ухлатади; ёғи қулоқ оғриқларида фойдалидир.

Нафас аъзолари.

Қуритилгани *(сиканжубин* ва туз билан қўшиб) *девпечак* каби ичилса, нафас қисишга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъданинг оғзига зараралидир; лекин меъдада тўпланган нарсани тарқатади ва қуритади, у ердаги қотган қонни эритади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни кучли ҳайдайди; асал суви билан ичилса, қовуқда қотган қонни эритади. Катта бобуна гулининг янги очилганини ва тўкилганини шаробга солиб қўйиб, ичилса, тошларни майдалайди; ҳайз қонини ва сийдикни юриштиради. Ёғини кўтариш ҳам кучли равишда сийдирганидан шу ишларни қилади. Ёғини кўтариш бачадон қаттиқлигини шимдиради ва уни очади. Қуруғини *девпечак* каби *сиканжубин* ва туз билан ичилади. Савдо ва балғамни суради. Орқа тешикдаги иссиқ шишларда фойда қилади. [251] Ўзи ва ёғи бавосирни очади. Ёрилган сувли даббага, қуланжга, қовуқ оғриғига ва талоқ қаттиқлигига фойда қилади.

[1] Matricaria parthenium L. Chrysanthemum parthenium P e r s. Фармакопея VIII да Matricaria Chemomilla L., ва M. Suaveollens P u r s h., ва уларнинг гули Flos Chamomillae келтирилган.

[2] Матнда уччала ном ҳам бузиб берилган, Диоск. III, 131 bis асосида тузатилди.

[3] Асаб буралишидан асабнинг зарарланиши ва касаллиги натижасида туғиладиган тиришиш ва чангак бўлиб қолиш тушунилади.

16 ОЗАРЮН[1] –ТИРНОҚГУЛ; ОЗАРГУН

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Зийнат.

Сиркада эзилгани «тулки касаллиги»да фойда беради.

Бўғинлар.

Тирноқгулнинг кулини сирка билан қўшиб, *ирқуннасо* касалида қўйилади.

Чиқариш аъзолари.

Дисқуридуснинг айтишича, ҳомиладор хотин тоғ тирноқгулини ушласа ва остига кўтарса, ўша соатда боласи тушади.

Заҳарлар.

Ҳамма заҳарларга, хусусан заҳарли жониворларнинг чақишидан заҳарланганга фойда қилади.

[1] Calendula officinalis L.

17 ИСТИРАК[1] –СТИРАКС

Моҳияти.

Дисқуридуснинг айтишича, бу *майъа*[2] елимининг бир хилидир. Баъзи табибларча, бу зайтун елимидир. Тутуни ҳар бир ишда кундур тутунининг ўрнига ўтади.

Танлаш.

Энг яхшиси – энг ўткир ҳидлисидир.

(Дискуридуснинг айтишича, энг яхшиси тўқсариқ рангли бўлиб, санавбар елимига ўхшаган ёғлидир. Танасида оқиш рангли, яхши ҳидли бўлаклари бор. Бунинг ҳиди узоқ вақтгача қолади. Қачон ишқаланса, ундан бол каби суюқлик чиқади. Кепакка ўхшаб тўкиладиган қора хили, ёмон хилидир. Бундай стираксдан гоҳо *самғи арабийга*[3] ўхшаш елим олинади. Бунинг ранги тиниқ бўлиб, ҳиди *муррнинг* ҳидига ўхшашдир. Бу елим кам топилади. Баъзи кишилар чарви ва мумни эритиб, стиракс билан қўшиб, қориштирадилар).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

(Қиздирувчи, етилтирувчи ва) жуда мулойим қилувчидир.

Бўғинлар.

Стиракс чарчашга қарши ишлатиладиган дориларга қўшилади.

Бош аъзолари.

Бунда уйқу келтириш, бошни оғир қилиш ва оғритиш хусусиятлари бор. Тумов ва назлаларда фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Йўтал, товуш бўғилиши ва [товуш чиқмай қолишида] фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ёғи бачадон қаттиқлашганида фойда қилади; ҳайз қонини юриштиради ва бачадонни очади. Бир озгина сақич билан қўшиб, ютилса, ични юмшатади. Хилтни чиқаради. Ичакларни тозалайди ва болани туширади.

[1] Styrax officinale L.

[2] Бальзам елимларининг бир тури.

[3] № 599 га қаранг.

18 ИСМИД[1] – СУРМА

Моҳияти.

Ўлдирилган қўрғошин моддасидир. Бунинг қуввати куйдирилган қалай қувватига ўхшайди.

Танлаш.

Энг яхшиси бўлаклари ялтирайдиган, қатламли, ҳеч бир ёт нарса аралашмаган, кирсиз ва жуда осон майдаланадиганидир.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қурукдир. Бу *сурий*[2] деб аталадиган қизил зокка қараганда кучлироқ қурутувчидир.

Таъсир ва хоссалари.

Ачиштирмасдан буруштириб, қуритади ва қон оқишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Яраларни тозалайди ва ортиқча унган этни кетказиб, || битиради. Янги *137б*
чарви билан оловдан куйганга қўйилади. Шундай қилинганда куйган жой яраланмайди. Агар ярага айланган бўлса, мум билан қўрғошин упага аралаштириб қўйилса, ярани битиради.

Бош аъзолари.

Мия пардасидан чиқиб келган бурун қонашни тўхтатади.

Кўз аъзолари.

Кўзнинг соғлигини сақлайди. Кўз яраларидаги чиркни йўқотади.

Чиқариш аъзолари.

Буни кўтарилса, бачадондан қон кетишида фойда қилади.

Ўрнига ўтадиганлар.

Куйдирилган қўрғошин бунинг ўрнига ўтади.

[1] Stibium.

[2] Темир зоки. № 220 га қаранг.

19 АФИТИМУН – ДЕВПЕЧАК

Моҳияти.

Уруғлар, гуллар ва синадиган майда шохлардан иборат. Бу тез ва ўткир мазали бўлиб, уруғи қизилдир. Чўпининг қуввати тоғжамбилининг қуввати кабидир. Лекин тоғжамбили ундан кўра кучсизроқдир. Буни тоғжамбили жинсидан деювчилар ҳам бор.

Танлаш.

[252] Яхшиси Крит ҳам [Байт] ал-Муқаддасдан[2] келтириладиганидир. Бунинг ранги қизилга мойилдир. Ранги қанчалик тўқ қизил ва ҳиди қанчалик ўткир бўлса, у энг яхшисидир.

Табиати.

Жолинуснинг айтишича, учинчи даражада иссиқ ва курукдир. Ҳунайн буни учинчи даражада иссиқ, биринчи даражанинг охирида қуруқ, дейди.

Таъсир ва хоссалари.

Қориннинг дам бўлишини босади. Ёши қайтган кишиларга ва қариларга мувофиқ келади. Савдодан бўлган касалликларни кетказади.

Бўғинлар.

Девпечак тиришиш [томир тортиши]да фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Меланхолия ва тутқаноқ касалларида фойда беради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Девпечак мизожларида сафро ғолиб бўлган кишиларни беҳузур ва ғамгин қилади ва қустиради. Бу чанқатадиган нарсалардандир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Девпечакнинг бир ичим миқдори тўрт *дирҳам* бўлиб, озгина туз билан асалга қўшиб ичилади. Бу савдони қаттиқ суради ва шиллиқни ҳам суради.

Баъзилар буни икки *дирҳам* оғирлигида ичилади, деганлар. Қайнатмасини тўрт *драҳмийгача* ичилади. Ичиладиганига бодом ёғи қўшиш керак. Буни жуда қаттиқ қайнатилмайди.

[1] Cuscuta epithymum M u r r.

[2] Б. да: Қибрис, яъни Кипр.

20 УСТУХУДУС[1] – РУМ РАЙҲОНИ

М о ҳ и я т и.

Саътар қилчиғига[2] ўхшаш ингичка қилчиғи бор бир ўсимликдир. Саътар япроғи унинг япроғидан кўра чўзиқроқдир. Бунда тупроқ рангидаги, нурсиз, девпечакдаги каби шохлар бўлади. Бу бир оз аччиқ аралаш ўткир мазалидир. Бунинг ўзи совуқ ер моддаси билан латиф ўт моддасидан тузилгандир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бу ўзининг аччиқлиги билан тарқатиш ва латифлаштириш хоссаларига эга. Шунингдек, шароби ҳам шундай хоссага эгадир. Тиқилмаларни очади ва тозалайди. Бунда бир оз буруштириш бўлиб, гавда ва ички аъзоларни қувватли қилади ва чириб сасишнинг олдини олади.

Б ў ғ и н л а р.

Қайнатмаси бўғинлар, асаблар ва қобирғалардаги оғриқларни босади. Бунинг шароби асабда бўладиган совуқ касалликларга энг фойдалидир. Асаби заиф ва совуқдан касал бўлган одамлар уни доимо ичиб юришлари керак.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Меланхолия ҳам тутқаноқда фойда беради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Мизожида сафро ғолиб бўлган кишиларни беҳузур қилиб, қустиради. Бу чанқатувчи[3] нарсалардандир.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик аъзоларини қувватли қилади. Балғам [шиллиқ] ва савдони суради. Жолинус буни айтмаган. Энг кўп ичиш миқдори ўн икки *оксибаф*[4]дир. Буни тиниқ шароб ёки *сиканжубин* ва бир оз туз билан қўшиб, ичилади.

1 Lavandula Stoechas L.
2 Б. да: «арпа дони».
3 Б. да шундай; Л. да: «аксиртирувчи».
4 Б. да: «зарпечак дони».

21 УШШАҚ[1] – ҚАВРАК ЕЛИМИ

Моҳияти.

Бу қаврак [*турсус*] елими бўлиб, кўпинча буни «тиллани ёпиштирувчи» деб атайдилар; чунки қоғоз ва дафтарлар шу билан тилларанг қилинади.

Табиати.

Иккинчи даража охирида иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

*Ушшақ*нинг эритиши ва қуритиши кучли бўлиб, ачитиши кучсиздир. Очиш таъсирида томир оғизларидан қон оқизиш даражасигача бориб етади. Сурги дориларни тузатиш учун қўшилади. (Бунда юмшатиш ва тортиш хусусиятлари ҳам бор).

Шиш ва тошмалар.

(Сирка ҳам *натрунлар*) билан қўшиб, қуйилувчи ва қўйиб боғланувчи дорилар тайёрланиб, қулғунада, қаттиқликларда ва яхши сифатли шишларда[2] ишлатилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Ёмон сифатли жароҳатларга фойдалидир. Ёмон этни еб, янги эт ундиради.

Бўғинлар.

Асал ёки арпа суви билан ичилса, иркуннасо, бел ва бўғинлардаги оғриқларга фойда қилади. Асал ва *зифт*[3] билан боғланса, бўғинларда тошга айланган [нарса]ларни эритади. Агар сирка, *бурақ* ва хина ёғи билан аралаштирилса, чарчаганга фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Қовоқ дағалланишини ва қўтирини юмшатади; кўздаги оқларни аритади ва кўздан [оқувчи] рутубатларга фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Асал ёки арпа суви билан яланса, нафас қисиш, нафас оғирлашиш ва «тикка нафас олиш»да фойда қилади. Кўкрак, қорин тўсиғи яраларини тозалайди. || Шиллиқ ва қора ўтдан бўлган томоқ оғриқларида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ушшақдан бир *драхмий* ичилса, талоқ ва жигарнинг қаттиқлашишларида фойда қилади. Сирка билан суртилса ҳам шундай фойда қилади. Истисқода ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қон сийдириш даражасигача сийдикни ҳайдайди. Қовоқ уруғисимон гижжани[4] ўлдириб, суради. Бачадондаги болани тирик бўлса ҳам, ўлик бўлса ҳам чиқаради. Ҳайз қонини ҳам юриштиради.

Сирка билан қўшиб, моякларнинг қаттиқлашганида чапилса, уларни юмшатади.

Заҳарлар.

Ушшақни шароб ва *мурр* билан *таъмаъун* деган заҳарга қарши ичирилади. Бу билан бадан мойланса, чақадиган жониворларни қочиради. Тўпалоқ ўт [*суъд*] ва зайтун ёғи билан аралаштириб, чақадиган жониворларга яқинлаштирилса, уларни ўлдиради).

Ўрнига ўтувчилар.

Асалари инининг чирки унинг ўрнига ўтади.

1 Gummi ammoniacum – Dorema ammoniacum D o n. дарахтининг елими.
2 Арабчаси *«салъ»* бўлиб, без шишлари ҳам шу туркумга киради.
3 № 227 га қаранг.
4 Лентасимон гижжанинг бўлакчаларини.

22 [253] АНЖУДОН[1] – САССИҚ ҚАВРАК, БОЛДИРҒОН

Моҳияти.

Бунинг оқи ва қораси бор. (Қораси) кучлироқ бўлиб, овқатларга солинмайди. Илдизи таъмда *уштурғоз*[2]*га* яқин. Табиати ҳавоийдир[3]. *Уштурғознинг* ҳазми суст дир. Гарчи болдирғоннинг ҳазми ҳам жуда суст бўлса-да, *уштурғоздек* эмас. Унинг елими бўлган ангузага[4] келсак, унинг ўзига айрим боб бағишлаймиз. Қайнатмасини ёки сиркасини ишлатиш, танасини ишлатишдан кўра яхшироқ.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Бу латифлаштирувчидир. Илдизи қоринни дам қилади. Баданни болдирғон билан, хусусан, сути билан уқаланса, моддаларни куч билан ташқарига тортади.

З и й н а т.

Гавданинг ҳидини ўзгартиради. Зайтун ёғи билан марҳам қилиб қўйилса, кўз остидаги қонталашни тез тузатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ички йирингли шишларда фойда қилади. Унинг ўзи ва илдизини марҳамлар билан аралаштирилса, қулғунада фойда етказади.

Б ў ғ и н л а р.

Гулсапсар илдизининг ёғи билан ёки ҳина ёғи билан аралаштирилса, бўғин оғриқларига, айниқса, фойда беради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи кекиртиради ва ични боғлайди. Бу ҳазми суст нарсадир. Ҳазмга ёрдам қилади, меъдани қиздиради. Меъдани кучли қилиб, иштаҳани очади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Анор пўсти билан сиркада қайнатилса, орқа тешик бавосирини тузатади; сийдикни ҳайдайди: сийдик[5] ва товушсиз елни бадбўй қилади. Бу қовуққа зарар қилади.

З а ҳ а р л а р.

Ичилса, ҳамма заҳарларга қарши даво бўлади.

[1] Ferula assa foetida L. Ибн Сино болдирғоннинг илдизи (*махрут*) ни айрим бобда гапиради (№ 430 га қаранг).

[2] № 23 га қаранг.

[3] Яъни иссиқ ва хўлдир.

[4] Арабчаси: *ҳилтит*.

[5] Б. да: ахлат.

23 УШТУРҒОЗ[1] –САССИҚ ҚАВРАК ИЛДИЗИ

Т а н л а ш.

Бу табиатда болдирғонга яқин бўлиб, ундан ёмонроқ. Сиркасини ишлатиш тузукроқдир.

Т а б и а т и.

Учинчи даража охирида иссиқ ва қуруқ.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Сиркадаги ивитмаси меъда учун яхшидир. Меъдани тозалаб, кучли қилади ва иштаҳани очади. Танаси эса ачитиши билан кўнгилни айнатади. Меъдада туриши ва ҳазми суст. Мия ва асабга зарар қилади.

Иситмалар.

Унинг хосияти тўрт кунлик иситмаларга фойда қилишдир.

[1] Magydaris libyca, Ferula assa dulcis; Ferula assa foetida L.

24 АМБАРБОРИС[1] – ЗИРК, ҚОРАҚАНД

Моҳияти.

Бу зирк [*зиришк*]дир. Бунинг пасттекисликларда ўсадиган, меваси думалоқ қизил хили бор; қумли ёки тоғли ерларда ўсиб, меваси қора чўзинчоқ бўладиган хили ҳам бор. Мана шуниси кучлироқ бўлади.

Табиати.

Учинчи даража охирида совуқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Сафрони енгиб, қаттиқ ҳайдайди.

Шиш ва тошмалар.

Уни қўйиб боғланса, иссиқ шишларда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қорақанд меъда ва жигарни кучли қилади; чанқовни қаттиқ қондиради.

Чиқариш аъзолари.

Ични боғлайди, ичакнинг тирналишида фойда беради. Остдан қон кетишда ҳам фойда қилади. (Бачадондан эскидан оқадиган рутубатларга қарши ичилса, фойда беради. Гоҳо «бўғоз хотин бу дарахтнинг илдизи билан қорнига уч марта урса, ё қорнига чапласа, қорнидаги боласини туширади», деб айтадилар).

Ўрнига ўтувчилар.

Ўз оғирлигича қизил гул уруғи ва учдан бирича олинган сандал унинг ўрнига ўтади.

[1] Berberis asiatica R o x b, B. vulgaris L.

25 ИСФУНЖ ВА ХАЖАРУҲ[1] – БУЛУТ[2] ВА УНИНГ ТОШИ

Моҳияти.

Намат каби сийрак тузилишли, денгизда бўладиган юмшоқ бир жисмдир. Ёпишган нарсасидан ажралмасдан ҳаракат қиладиган бир ҳайвон ҳам дейдилар. Буни «денгиз юнги»[3] деб ҳам атайдилар.

Танлаш.

Янгиси кучлироқ ва денгиз табиатига яқин бўладиган кучли қуритувчидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир. Тоши шунга яқин бўлиб, иссиқлиги камроқ.

(Таъсир ва) хоссалари.

Кучли қуритади, хусусан янгиси зайтун[4] ёғи билан куйдирилса, қуритувчанроқ бўлади. Шунинг учун кули кесилган ёки ништар урилган ердан қон оқишни тўхтатади. Қон оқиб турган жойнинг устида ёндирилади; бунда ўзи қонни тўхтатадиган модда бўлиш билан бирга, яна доғлайди ҳам. Яна ундан пилта қилиб, томирларнинг оғизларига қўйилса, қон оқишини тўхтатади. Тоши қиздирмасдан суюлтиради, хилтни қуритади ва кетказади.

Шиш (ва тошмалар).

Шилликдан бўлган шишларни қуритади.

(Жароҳат ва) яралар.

Булут жароҳатларни бириктирсин учун сиркага ботириб, қўйилади. Эски яраларни битириш учун асалда қайнатилиб, қўйилади. Шунингдек, уни қуруқ ҳолда, сув ё шароб билан ҳўлланган ҳолда ҳам қўйилади. Эски рутубатни қуритиб, ўрнини тозалайди.

Нафас (ва кўкрак) аъзолари.

Булут зайтун ёғи[5] билан куйдирилса, қон туфлашда ишлатиш учун яроқли бўлади. || *138б*

Чиқариш аъзолари.

Булутдаги тош, Жолинусдан бошқаларнинг фикрича, қовуқ тошларини майдалайди. Жолинус бунинг таъсири буйракдаги тошга етиб бориши мумкин, деб топган ҳолда, у таъсирнинг қовуққа бориши гумон, дейди.

1 Денгиз булути – Euspongia officinale L. № 285 га қаранг.
2 Булут XVIII асргача Фармакопеяга расмий равишда кирган.
3 *Суфат ул-баҳр.*
4 Л. да: кейин «зифт» қилиб тузатилган.
5 Олдинги изоҳга қаранг.

26 [254] ОБОР ВА ОНУК[1] – ҚЎРҒОШИН

Моҳияти.

Иккови ҳам қора *расос* [қўрғошин]дир. Бунда кўп сув моддаси бўлиб, уни совуқ қотиргандир. Бунда ҳаволи ва ерлик ҳам бор, лекин жуда кўп эмас. Бунинг ҳўллигига далил,– Жолинус ўйлаганича,– тез эришидир. Ҳаволигига далил – унинг бўшлигидир. Чунки буни нам ерга қўйилса, кўпчийди. Шишларни қаттиқ совутади.

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўлдир.

Шиш ва тошмалар.

Бундан *силоя* тоши ва унинг дастасини ясаб, уларни баъзи ёғлар билан бир-бирига ишқалайдилар ва бу ишқалаш натижасида нимаики ажралиб чиқса, уни иссиқ шишларга қўйсалар, уларни совутади; [шунингдек], уни ёмон яраларга, ҳаттоки саратонга ҳам қўядилар. Қўрғошиндан пластинка ясаб, қулғуна, безлар ва бўғинларнинг яраларига ҳам улардаги безларга қўйилса, уларни эритиб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Юқоридагича ишқалашдан ҳосил бўлган кукунларни ва унинг куюндисини, хусусан, ювилганини ёмон жароҳатларга, саратон яраларига ва бўғин яраларига қўйилса, фойда қилади.

Бўғинлар.

Юқоридаги қўрғошиннинг кукун ва куйиндилари бўғин яраларига фойда қилади. Агар қўрғошин бўғинларнинг чиққанида ва бўғин шишларига боғланса, уларни эритади.

Кўз аъзолари.

Қўрғошиннинг куйдирилгани, айниқса, ювилгани кўзнинг яраларига фойда қилади, шунингдек, қуруқ кўз оғриғига ҳам фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Куйдирилгани эмчак яраларига фойдалидир. Юқоридаги қиринди ва куйиндилари ҳам шундай [таъсирга эга].

Чиқариш аъзолари.

Юқоридаги қиринди ва куйиндиси бавосирда фойда қилади. Ундан пластинка қилиб кетма-кет иҳтиломга қарши ва шаҳвоний қувватни камайтириш учун думғазага боғлайдилар. Булар эрлик олати ва моякларнинг яраларига ва шишларига ҳам фойдалидирлар.

[1] Plumbum. Қадимги замонларда қўрғошин ва қалайни бир металл деб тушуниб бир ном билан атаганлар. Масалан, арабча *расос* сўзи олдин иккала металлни ҳам ифодалаган, кейин уларнинг бир нарса эмаслиги аниқланган, қўрғошинни «ар-расос ул-асвад» деб юритила бошлаган. Сурёнийча «*обор*» сўзи ҳам шунга ўхшаб ҳар иккала металлни ифодалаган бўлганидан бу ердаги «*онук*» сўзи буларнинг фарқини кўрсатиш учун қўшилган.

27 УШНОН[1] – ИШҚОР, УШНОН

Моҳияти.

Бир қанча хил бўлади. Энг латифи оқидир. Бу «чумчуқ тезаги» дейилади. Бунинг энг ўткири яшил ранглигидир.

Таъсир ва хоссалари.

Кетказувчи, тозаловчи ва очувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Бунинг ярим *дирҳам* вазнидагиси қийналиб сийишни йўқотади, беш *дирҳам* вазнидагиси болани ўлик ёки тирик бўлса ҳам туширади. Форсий хилидан ярим *дирҳамдан* бир *дирҳамгача* миқдордагиси ҳайз қонини юритиради. Уч *дирҳам* оғирликдагиси истисқодаги сув моддасини суради.

Заҳарлар.

Ўн *дирҳам* оғирликдагиси ўлдирувчи заҳардир. Яшил ишқорнинг тутунидан чақадиган жониворлар қочади.

[1] Salsola kali L. Шу ўсимликни куйдириш билан олинадиган ишқорли кулни ҳам «ушнон» деб аталади.

28 АСОБИЪ СУФР[1] – ПАНЖАНГУШТ (?)

Моҳияти.

Шакли кафтга ўхшаган бўлиб, сариқ ва оқ туслардан ташкил топган чипор ранглидир. Ўзи қаттиқ ва аччиқ бўлиб, бир оз ширинлиги ҳам бор. Оқи йўқ, кулранг аралаш сариқ хили ҳам бор.

Табиати.

Тахминан иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

[Таъсир ва] хоссалари.

Қуюқ чиқиндиларни қаттиқ эритувчидир.

Зийнат.

Унда терини тозалаш хусусияти бор.

Бўғинлар.

Асабли аъзоларнинг офатларида фойда қилади.

Бош аъзолари.

Жинниликда махсус фойдаси бор.

Ўрнига ўтадиганлари.

Бир ярим ҳиссасича *чўл қовоғи* ва учдан бирича тўпалоқ [*суъд*] бунинг ўрнига ўтади.

[1] Vitex agnus castus L. (?).

29 УМОЛИЙ[1] – «АСАЛ ЁҒИ»

Моҳияти.

Бу жуда иссиқ [мизожли] ёғдир. Асалдек қуюқ ва балки, ундан ҳам қуюқроқдир. *Тадмўя* дарахти танасидан оқади. Таъми ширинлир. Ундан ёғ тайёрлашда гулининг ёғини аралаштирадилар ва шуни *«умолий»* ва *«дуҳн ул-асал»* [асал ёғи] деб атайдилар.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси энг тиниғи, энг иссиғи ва энг ёғлиғидир[2].

Т а б и а т и.

Иссиқ ва ҳўл. Иссиқлиги ҳўллигидан кўпдир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Яраланган қўтирга суртилса ва қўйилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Бўғин оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бунда қаттиқ ухлатиш ва бўшаштириш хоссаси бор.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз хираланишида сурма қилиб ишлатишга ярайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг уч *уқиясини* тўққиз *уқия* сув билан [қўшиб ичилса], ўт ва хом хилтларни суради. Ичган кишини суст қилиб, бўшаштиради. Бу билан сурги қилган киши бу ҳолга эътибор бермасин ва қўрқмасин. Бундан бу ҳолатлар пайдо бўлса-да, у ўзи фойдали ва хавфсиздир. (Айтилишича), буни ичиб, тездан ухланмасин!

[1] Б. да: *унумолий* – бу юнонча *алаумали* сўзининг бузилгани бўлиб, «асал ёғи» демакдир. Бу термин билан ёқимли мазага эга бўлган ўсимлик ёғи ифодаланади. Дискуридус, I китоб, 37-боб.

[2] Б. да: «қуюғи ва энг эскиси».

30 ОҒОЛУЖИ[1] –УД ДАРАХТИ

М о ҳ и я т и.

139а Ҳиндистон ёки Арабистондан [келтириладиган] чўп || бўлиб, яхши ҳиди бор ва усти бўялгандир. Атирлар таркибига киради. Бунда озгина аччиқлик билан буруштириш ҳам бор.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси билан оғизни чайилса, хушбўй қилади.

[255] Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Сув билан қўшиб, ичилганда, биқин оғриғига фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигарнинг оғришида фойда беради. Бундан бир *мисқоли* меъда ёпишқоқлигига ва унинг заифлигига ёрдам беради.

Чиқариш аъзолари.

Сув билан ичилса, ичакнинг яраларига ва иссиқдан бўлган бураб оғришга фойда беради.

[1] Aquilaria agalloch R o x b. Б. да 251-бетда № 18 дан кейин яна «*ағложун*»нинг таърифи ёзилган. Бу *еғолужин*нинг бошқача ёзилиши бўлса керак. Бу таърифнинг таржимаси қуйида № 30а да келтириладв. № 204 ва 539 га ҳам қаранг.

30А *АҒЛОЖУН

Моҳияти.

У Ҳинд ва Араб мамлакатларидан[1] келтириладиган бир чўп бўлиб, қаттиқ, [устида] нуқтали доғлари бор, ёқимли ҳидли бўлиб, турли рангга бўялган терига ўхшаш пўстлоғи бўлади.

Зийнат.

Агар уни чайналса ёки қайнатмаси билан оғизни чайқалса, оғиздаги ёмон ҳидларни кетказади. Ундан толқон тайёрлаб, баданга суртилса, уни хушбўй қилади. Ундан олинган тутатқи *кундур* ўрнида ишлатилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг илдизидан бир *мисқол* ичилса, меъдадаги ёпишқоқликда ва меъда заифлигида фойда қилади. Сути маст қилади. Жигар ва биқин оғриқларида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Уни ичилса, ичак яраларида ҳам ичнинг бураб оғришида фойда кўрсатади. (Дискуридуснинг кўрсатиб ўтганлари шулардир)[2].

[1] Аслида *«Билод ул-ғарб»* буни *«билод ул-араб»* деб ўқиш керак. Чунки Ибн Сино даврида *ағложун* Ғарб мамлакатларидан келтирилмас эди. № 30 га қаранг.

*[2] Б. дан қўшилди.

31 УМ-ҒАЙЛОН – ЕЛИМЛИ АРАБ АКАЦИЯСИ[1], МУҒИЛОН

Моҳияти.

Даштда [ўсувчи] тиканли дарахтлардан бири бўлиб, машҳурдир.

Табиати.

Совуқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи бўлиб, қон ва бошқа оқадиган нарсаларни тўхтатади.

Нафас аъзолари.

Қон туфлашни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадондан оқувчи рутубатларни тўхтатади.

[1] Acacia Arabica Willd; A. Gummifera Willd. ёки A. senegal Willd, Бу елим араб акация дарахтининг пўстлоғидаги ёриқларидан оқиб чиқади. Фармакопея VIII да «араб елими» дейилган [Gummi arabicum].

32 АДОРОҚИЙ[1]

Моҳияти.

(Бу денгиз кўпиги [*забад ул-баҳр*]нинг бир хили бўлиб, *халфо,* [яъни қамиш]га ёпишиб қотган нарсадир). Бу бир ўткир дорики, ўткирлигидан ичилмайди. Балки ўткирлиги синдирилгандан кейин суртишга ишлатилади.

Табиати.

Жуда иссиқ.

Таъсир ва хоссалари.

Совуқ, ёмон мизожни яхши мизожга айлантиради. Фақат суртилади. Бошқа усулда истеъмол қилиш учун ярамайди.

Зийнат.

Сепкилга фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Сутли тошмаларга фойда қилади.

(Жароҳат ва) яралар.

Яраланган қўтирга фойда қилади ва темираткиларга қарши ишлатилади.

Бўғинлар.

Иркунназода қўйиб боғланса, фойда қилади.

[1] Бу модда сув ўсимликлари ва полипларининг аралашмасидир, № 222 га қаранг.

3 ОЗОДДАРАХТ[1] – ОЗОДДАРАХТ

Моҳияти.

Озоддарахт ёғочи машҳурдир. *Набиққа* ўхшаш меваси бор. Рай шаҳрида *илила*[2] ва *кунор*[3] дарахти деб атайдилар. Табаристонда *тоҳак* деб аталади. катта дарахтлардан биридир.

Табиати.

Очилган гули учинчи даражада иссиқ ва биринчи даража охирида қуруқдир.

[Таъсир ва] хоссалари.

Очилган гули тиқилмаларни очади.

Зийнат.

Япроғининг суви битни ўлдиради. Озоддарахт, айниқса, илдизи, узум шароби билан истеъмол қилинганда сочни узайтиради.

Бош аъзолари.

Очилган гули мия тиқилмаларини очади.

Кўкрак аъзолари.

Меваси кўкракка жуда зарарлидир ва ўлдиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меваси меъда учун ёмон ва беҳузур қилади.

Иситмалар.

Айтишларича, ички пўстлоғининг *шоҳтара* ва *ҳалила* билан қайнатиб тиндирилгани шилликдан бўлган иситмаларга жуда фойда қилади.

Заҳарлар.

Шохларининг шираси асал билан ичилса, ҳамма заҳарларга қарши таъсир беради; меваси ўлдиради.

Ўрнига ўтадиганлар.

Унинг ўрнига сочни узайтиришда наша, (мирта ва *сидр* дарахтларининг) барглари ўтади.

[1] Melia azedarach L.:

[2] *Ҳалилажга* қаранг (№ 195)

[3] *Қунор* – қ. № 470, 486.

34 ИРИСО[1] – ГУЛСАПСАР ИЛДИЗИ

Моҳияти.

Ҳаворанг гулсапсарнинг йўғон илдизидир. Гулсапсар кўп танали ўтлардандир. Учидан турли рангда – оқ, сариқ, ҳаворанг ва гунафша гуллар чиқаради. Буни «ўқ ёйи» маъносида *ирисо* деб атаганлар. Бунинг илдизлари тугун-тугун, япроқлари юпқадир, *ирисо* эскирса, қуртлайди.

(Дискуридуснинг айтишича, ҳаворанг гулсапсарнинг япроғи ёввойи гулсапсар япроғига ўхшайди. Лекин бу узунроқ ва каттароқдир. Бунинг пояси бор бўлиб, унинг учида бир-бирига мувозий жойлашган гуллари бор. Улар турли рангда бўладилар. Булардан баъзилари сарғиш, арғувон рангда ва баъзилари ҳаво рангига мойил бир тусда бўлади. Ранги турлича

бўлганидан ўқ ёйига ўхшатилди ва шу исм билан аталди. Унинг тугунли хушбўй, қаттиқ илдизлари бор. Буни йиғиб, сояда қуритиб, зиғирпоядан эшилган ипга тизиш керак).

Танлаш.

Яхшиси қуйидаги сифатларда бўлади: қаттиқ, зич, тиғиз, калта, қизғиш рангли ҳам хушбўй; ҳидланганда ёмон ҳид бермайди, тилни ачитади ва кучли аксиртиради.

Табиати.

Иккинчи даража охирида иссиқ (ва қуруқ).

Хоссалари.

Етилтирувчи, очувчи, тозаловчи. Шираси асал суви билан ишлатилса, қуюқ балғамни эритади, тозалайди ва чиқаради.

Зийнат.

Ўзи баробарича *харбақ* билан қўшиб, [ишлатилса], сепкил ва нуқтали қонталашларни кетказади. Ўзи ишлатилганда ҳам шундай таъсир қилади.

Шиш ва тошмалар.

Қайнатмаси қаттиқликларни, ғализ шишларни, қулғунани, сутли тошмаларни юмшатади.

Яралар.

Чиркли яраларга фойда қилади; майдалангани оқма тешикларда эт битиради ва суякнинг устида эт ундиради.

Бўғинлар.

Ёғи чарчаганликни кетказади. Сирка ёки шароб билан ичилса, тиришиш ва мушакларнинг йиртилишида фойда қилади. [256] Ҳуқнаси *иркунназода* фойда қилади.

Бош аъзолари.

Ухлатади, чўзма бош оғриқни йўқотади. Гоҳо бунга қизилгул ёғи ва сирка аралаштирилади. Бунинг ёлғиз ўзи ҳам бош оғриғини тўхтатади, аксиртиради. Бунинг қайнатмаси билан оғизни чайиш тиш оғриқларини қолдиради. Ёғи сирка билан қўшилса, қулоқ ғувуллашини босади. Давомли назлаларни тўхтатади. Ёғи бурун тешикларининг ҳидини кетказади. Қайнатмаси ҳам шундай. Уйқуда қичқириш касалида фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўз ёшини тортади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Биқин ва зотилжамдаги оғриқларни босади. Йўталда, айниқса, қуюқ рутубатдан бўлганга, ўпка яллиғлашида, нафас олиш қийинлашганида ва томоқ оғрикда фойда қилади. || Очиш билан бирликда етарли даражада суюлтириш таъсири орқали кўкракда қамалиб қолган, чиқарилиши қийин

бўлган чиқиндиларни ҳайдайди. Кўкрак касалларида шинни билан ичилади. Бу билан оғизни чайиш лак-лукни сўлитиб, оздиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Гулсапсарнинг илдизини сирка билан ичилса, жигар ва талоқнинг совуқдаи бўлган оғриқларини, айниқса, талоқнинг оғриғини босади. Истисқода ичиш (ва суртиш) фойдали бўлади.

Чиқариш аъзолари.

Бавосирнинг оғзини очади. Ичнинг бураб оғришини йўқ қилади. Мазий[2] ва кўп иҳтиломни йўқотади. Шароб билан ичиш ҳайз қонини юриштиради. Бачадон қаттиқлиги ва совуқдан бўлган оғриқларда унинг қайнатмасига ўтирадилар. Ундан асал қўшиб тайёрланган дори қинга қўйилса, болани туширади. Ёғи бачадонга фойдалидир. Майдаланган эски илдизини (асал билан) ичилса, сариқ сув[3], ўт ва шиллиқни суради. Ичиш миқдори ярим *уқиядан* етти *драхмий*гача.

Иситмалар.

Ёғи эт увушиб, титрашини йўқ қилади.

Заҳарлар.

Сирка билан ичилса, ҳамма заҳарларга қарши фойда қилади.

[1] Iris florentina L. ёки I. Pallida L a m. Фармакопея VIII да Rhizoma iridis киритилган.
[2] Мазий – эрлик уруғидан олдин келадиган суюқлик.
[3] Зардоб.

35 АНЖУРА[1] – ҚИЧИТҚИЎТ, ГАЗАНДА

Моҳияти.

Донининг туси *гандано* уруғи тусига ўхшайди. Лекин бу ундан сариқроқ ва ялтироқ. Узунлиги уникича эмас. Ўзига йўлиққан аъзони, ҳатто ичакни ҳам ачитади.

Табиати.

Қичитқиўт ва унинг уруғи учинчи даражанинг аввалида иссиқ бўлиб, иккинчи[2] даражада қуруқдир. Уруғининг қуруқлиги ўзиникидан озроқ.

Таъсир ва хоссалари.

Тортувчан, яра қилувчи, қаттиқ эритувчи ҳам куйдирувчидир. Табиблар орасида қиздириши кучли эмас, деювчилар ҳам бор. Бунда қоринни дам қилувчи қувват ва қаттиқ тозалаш бор. Яраларни ачиштиради[3]. Қичитқиўтни гўшт билан қайнатилса, гўшт унинг таъсирини кесади.

Шиш ва тошмалар.

Сирка билан қўшиб, боғланса, йирингли шишларни ёради ва уларга

фойда беради. [Аъзоларда бўладиган] қаттиқлашишларга фойда қилади. Уруғини қўйиб боғланса ва шунингдек, кули ҳам саратон касаллигига фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Кулини туз билан қўшиб, қўйилса, ит тишлашидан пайдо бўлган яраларга, ёмон яраларга ва тузалмайдиган саратонга фойда қилади.

Бўғинлар.

Туз билан қўшиб, боғланса, асаблар буралишида фойда қилади.

Бош аъзолари.

Янчилган япроғи бурун қонашни тўхтатади. Уруғи ҳид сезишни йўқотишда фойда қилади ва ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни қаттиқ очади. Уруғи қўйилса, тишларнинг қўпорилишини осонлаштиради. *Фужишлога*[4] ва қулоқ орқасидаги шишларга қўйиб боғланса, фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Арпа суви билан қўшиб, ёки япроғи арпа сувида қайнатилганидан кейин ичирилса, кўкракни тозалайди ва унда бўлган ғализ хилтларни чиқаради. Уруғи кучлироқдир. Бу, астма[5], «тикка нафас олиш»ни ва совуқдан бўлган зотилжамни тузатади.

Чиқариш аъзолари.

Қичитқиўт, айниқса, унинг уруғини *тило* шароби билан ичилса, шаҳвоний ҳисни қўзғатади ва уруғни қабул қилиш учун бачадоннинг оғзини очади. Агар у пиёз ё тухум билан ейилса ҳам шу таъсирларни қилади. *Мурр* билан кўтарилса, ҳайз қонини юргизиб, бачадонни очади. Қайнатмасини *мурр* билан ичилганда ҳам шу таъсирни беради. Янги япроғини қўйиб боғланса, пастга тушган бачадонни ўз ўрнида маҳкамлайди. Шиллиқ ва хом шиллиқни сурувчи қуввати билан эмас, балки ўзининг тозаловчи хусусияти билан суради. Бунинг ёғи шиллиқни маҳсар ёғига қараганда кўпроқ суради. Япроғини садаф билан қайнатилса, ични юмшатади. Агар суюқ суришини истасанг, уруғининг мағзини олиб, толқон билан эз; шаробга солиб қўйиб, сўнг ичир! Буни ичган киши ҳалқуми куймасин учун кетидан озгина қизилгул ёғидан ичиши керак. Баъзан буни асалга қўшиб кўтариш учун шамча[6] тайёрланади. Шунда у [билан хилтларни] сурилади.

1 Urtica dioica L. Қичитқиўтнинг гуллаган вақтда терилган япроқлари – Folium urticae Фармакопея VIII да келтирилган.

2 Б. да: учинчи.

3 Б. да: ачиштирмайди.

4 *Фужишло* – безларда пайдо бўладиган ўсма [*«Қароболин»и кабир*, 55-бет].

5 Арабчаси – *рабу*.

6 Арабчаси – *шиёф*. Шиёф мураккаб дори бўлиб, кўз ва бурун касалликларида

суюқ ҳолда томизилади ёки суртилади; ичак ва бачадон касалликларида эса шамча шаклида қилиб, остдан қўйилади.

36 АФЮН[1] – ҚОРАДОРИ

М о ҳ и я т и.

Миср қора кўкнорининг[2] офтобда қуюлтирилган ширасн. (*Мисрий* хилини ҳидланса, уйқу келтиради). Бир ичими [257] икки *донақдан* ортиқ бўлмайди. Ёввойи коҳу [*ҳасс*]дан ҳам қорадори тайёрланади. Бу ҳам оғриқнн босувчи бўлиб, кучсиздир. Қорадори қиздирилган темир [идиш] да қизаргунча қовурилади.

Т а н л а ш.

Энг яхши хили – ўткир ҳидли, оғир, уваланадиган, сувда тез эрийдиган, совуқда қотмайдиган, офтобда эрийдиган хилидир. Буни чироқда ёндирилса, тиниқ аланга бериб ёнади. Ранги оч, ҳиди заиф, сувни бўяйдиган, ғадир-будур, сариқ хили – аралашган хили бўлади. Мана шу кейинги сифатдагиси *момисо*[3] билан аралаштирилганидир. Гоҳо ёввойи коҳу сути билан аралаштирилиб, сохта қилинади. Бунинг ҳиди заиф бўлади. Елим билан аралаштирилса, ярақлайдиган ва жуда тиниқ бўлади.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражада совуқ ва қуруқдир. ‖ *140a*

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Суртилганда ёки ичилганда увуштиради ва ҳар қандай оғриқни қолдиради. Бир ичими катта ясмиқ донаси миқдоридадир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишларни қайтаради.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Бунда яраларни қуритиш хусусияти бор.

Б ў ғ и н л а р.

Қовурилган тухум сариғи билан аралаштириб, оғриқни қолдириш учун подаграда суртилади. Хусусан, сут билан суртилса, яхшироқ бўлади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ухлатувчидир. Пилик билан ёки пиликсиз кўтарилса ҳам шу таъсирни беради. Гулнинг ёғи билан ҳўллаб, *мурр* ва заъфарон билан қўшиб, оғриқли қулоққа томизилса, оғриқни қолдиради. Давомли бош оғриқни тўхтатиб, роҳатлантиради. Бу, фаҳм ва зеҳнни бузадиган нарсалардандир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Хотинларнинг сути билан қўшиб, ишлатилса, кўз яллиғланишидаги оғриқларни ва шишларни босади. Қадимги табиблардан кўплари кўриш

қувватига зарар қилганидан буни кўз яллиғланишида ишлатмас эдилар.

(Нафас ва) кўкрак аъзолари.

Давомли йўтални тўхтатади. Кўпинча зўриққан йўтални ҳам босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Бу билан меъда тозаланади ва бурушади. Бу ҳол меъда иссиқ ва рутубатдан бўшашганида бўлади. Кўп ҳолларда қундуз қири қўшмай, бир ўзи ичилганда, ҳазмни тўхтатади ёки жуда камайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Ичкетишни тўхтатади; ичнинг тирналишларида ҳамда ичак яраларида фойда қилади.

Заҳарлар.

Қувватларни тушириш ва туғма иссиқликни сўндириш билан ўлдиради. Бунинг заҳарини қирқувчи нарса қундуз қиридир.

Ўрнига ўтадиганлари.

Уч баробарича мингдевона уруғи ва икки баробарича меҳригиё уруғи бунинг ўрнига ўтади.

[1] Opium. Афюн – турли хил кўкнорнинг пишмаган кўсакчаларини тилганда чиқадиган оқ суюқликнинг ҳавода қотгани. Фармакопея VIII да келтирилган.

[2] Ибн Сино қора уруғлик Papaver somniferum L. ни шундай деб атайди.

[3] № 425 га қаранг.

37 УТРУЖЖ[1] – ЦИТРОН, ЛИМОН

Моҳияти.

Маълумдир. Қобиғидан тайёрланган ёғи кучли бўлиб, очилган гулидан тайёрлангани ҳар жиҳатдан кучсизроқдир.

Табиати.

Цитроннинг қобиғи биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даража охирида қуруқдир. Гўшти биринчи даражада иссиқ ва ҳўлдир. Бир гуруҳ табиблар, бу биринчи даражада совуқ ва ҳўл дейдилар. Совуқлиги кўпроқ. Сиқиб олинган суви[2] учинчи даражада совуқ ва қуруқдир. Уруғи иккинчи[3] даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқдир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Гўшти дам қилувчидир. Япроғи дамни қайтаради. Очилган гули бундан латифроқ. Сиқиб олинган суви буруштирувчи ва сафрони синдирувчидир. Уруғи ва қобиғи эритувчидир. Қобиғини кийимга қўйилса, куя тушишдан сақлайди. Ҳиди ҳаво бузилишини ва вабони туғдирувчи бузуқ ҳавони тузатади.

Зийнат.

Сиқиб олинган суви рангни тоза қилиб, сепкилни кетказади. Қобиғининг (куйиндиси) песга суртиладиган яхши доридир. Қайнатмаси оғиз ҳидланишини кетказади, семиртиради. Қобиғини оғизда тутиб турилса ҳам ҳидни кетказади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Сиқиб олинган сувини темираткига суртиш фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Ёғи асабнинг бўшашганида фойдалидир. Ёғи қобиғидан ҳам олинади ва у фалажга фойда қилади. Нордон суви асаблар учун ёмондир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Юз фалажида фойда қилади. Цитроннинг қайнатмаси оғизни хушбўй қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сиқиб олинган сувини кўзга суртилса, [кўздаги] сариқни[4] кетказади.

Н а ф а с (в а к ў к р а к) а ъ з о л а р и.

Сиқиб олинган суви хафақонни босади; мураббоси ҳалқумга [томоққа] ва ўпкага яхшидир. Лекин сиқиб олинган суви кўкракка зарарлидир.

Цитроннинг мағзини сиркада қайнатиб, ундан ярим *ускурража* ичирилса, ютилган зулукни ўлдириб, чиқаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Цитроннинг гўшти меъдага зарар қилади. Қоринни дам қилади; ҳазми суст. *Муррий*[5] билан ейилиши керак. Асалдан қилинган мураббоси, агар уни кўп истеъмол қилинмаса, соғломроқ ва ҳазми яхшидир. Япроғи меъда ва ички аъзоларни кучли қилади. Япроғидан кейинги ўринда очилган гули туради. Қобиғи доривор сифатида овқатга солинса, ҳазмга ёрдам беради. Қобиғининг ўзи қаттиқлигидан ҳазм бўлмайди. Қайнатмаси қусишни тўхтатади. Қуюқ шираси, яъни сиқиб олинган сувининг қуюлтирилгани [258] меъдани тоза қилади. Сиқиб олинган суви сариқ касалида фойдалидир. Сафро қусишни тўхтатади. Иштаҳани оширади. Цитроннинг бир ўзи ейилиши керак. Кетидан ёки олдидан бирор таом ейилмасин!

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Цитроннинг гўшти қуланжни пайдо қилади. Сиқиб олинган суви ични қотиради. Сафроли ичкетишда фойда қилади. Уруғи бавосирда фойда қилади. Уруғида сурги қуввати бор. Сиқиб олинган суви хотинларнинг тезшаҳватли бўлишини пасайтиради.

З а ҳ а р л а р.

Икки *дирҳам* вазнидаги уруғи шароб ё *тило* шароби ёхуд иссиқ сув билан ичилса ёки суртилса, ҳамма заҳарларга қарши туради. Хусусан, чаён заҳарига қарши туради. Қобиғи ҳам таъсирда шунга яқиндир. Қобиғининг

ширази ичилса ва қобиғини қўйиб боғланса, афъо илони чаққанида фойда қилади.

[1] Citrus medica L. «Қонун»да яна *«утрунж»* ва *«турунж»* шакллари ҳам учрайди.

[2] Арабчаси: *ҳуммоз,* яъни нордон суви.

[3] Б. да: биринчи.

[4] «Кўз сариғи», яъни кўзнинг сарғайиши.

[5] Б. да «мураббоси».

38 ИСҚАНҚУР[1] – САҚАНҚУР, «СУВ ВАРАЛИ»

140б Моҳияти. ||

Сув варалидир.

Мисрдаги Нил дарёси қирғоқларидан овланади. Айтадиларки, бу тимсоҳ наслидан бўлиб, сувдан ташқарида туғса, боласи қуруқда ҳам яшайберади.

Танлаш.

Энг яхшиси, баҳорда маст бўлган вақтида овланганидир. Бир нусхада: у тимсоҳ суратида бўлиб, қўллари одам қўлига ўхшайди, тили иккига ажралган ва узун бўлади, аъзоларининг энг яхшиси, киндигидир [дейилган].

Бўғинлар.

Асабдаги совуқ касалларга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Тузланганининг сели шаҳвоний қувватни қўзғатувчидир. [Шундай экан] гўшти, айниқса, киндигининг гўшти ва буйракларига яқин турган гўштлари ва хусусан уларнинг ёғлари, нимага қўзғатувчи бўлмасинлар?!

[1] Scincus officinalis. № 507 га қаранг.

39 ИЖЖОС[1] – ОЛХЎРИ

Моҳияти.

Машҳур. Боғда ўсадигани қора хилидан, сариқ хили эса қизил хилидан кучлироқ бўлади. Қатта оқ хили[2] оғир бўлиб, сурги [қуввати] оздир. Арманий хили ҳаммасидан ширинроқ ва кучли суради. Энг яхши хили катта ва этли хилидир.

Табиати.

Иккинчи даражада аввалида совуқ ва унинг охирида хўлдир.

Хоссалари.

Елими суюлтирувчи, парчаловчи ва елимловчидир. Димишқий хилида ични тўхтатиш ва буруштириш хусусияти бор. Бунинг озиқлиги Дискуридус фикрича, оздир, аммо Жолинус фикрича ундай эмас. Етил-

маган хомида буруштириш хоссаси бор. Озиқлиги оздир. Таомдан олдин ейилсин! Ҳўл мизожли киши бундан кейин асал суви ва набиз ичсин!

Яралар.

Елими яраларни битиради; сирка билан қўшилгани темираткини йўқотади; хусусан, у билан асал ёки шакар аралашган бўлса, айниқса, болаларда яхши натижа беради.

Бош аъзолари.

Олхўрининг япроғи билан оғиз чайилса, иккала бодом безларига ва лаклукка тушадиган назлаларни қайтаради.

Кўз аъзолари.

Елими кўзга тортилса, кўзни қувватли қилади.

Кўкрак аъзолари.

Кўкракдаги оғриқларга фойда қилади. Аччиқ хили «юракнинг алангаланиши»ни босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг аччиқ хили сафрони қаттиқ ҳайдайди. Ширин хили ўзининг ҳўллаш ва совутиш таъсири билан меъдани бўшаштиради, демак, унга мувофиқ келмайди.

Чиқариш аъзолари.

Ширин хили сафрони қаттиқроқ суради. Ҳўли қуруғига қараганда қаттиқ суради. Бунинг суриши ёпишқоқлиги сабаблидир. Баъзиларнинг айтишича, димишқий хили ични қотиради. Ҳамма табибларнинг фикрига кўра ёввойисида, то у яхши етилмагунча, буруштириш хусусияти бор.

Жолинус шундай дейди: Дискуридус димишқий хили ични қотиради, деб хато қилган. Балки у суради. Елими қовуқ тошини майдалайди, суви эса ҳайз қонини юриштиради. Қанча кичик бўлса, суриши шунча кам бўлади.

[1] Prunus domestica L.

[2] Б. да: хира ранглиси.

40 ИСФИДОЖ– ҚЎРҒОШИН УПАСИ

Моҳияти.

У қалай ва қўрғошин кули бўлиб, қўрғошиндан олинганини қаттиқ қиздирилса, *усрунж* [сурик]га айланади ва ортиқча латифликка эга бўлади. Упаларнинг ҳаммаси гоҳо сирка билан ва гоҳо тузлар билан тайёрланади. Бу иш билан шуғулланганларнинг китобларида айтилишича, яна турлича йўллар билан ҳам олинади.

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Сиркада тайёрлангани[1] қаттиқ суюлтирувчи ва чуқурроқ таъсир қилувчидир. Бошқача тайёрланганларида суюлтириш хоссаси кучли эмас. Бу, айниқса, *усрунж,* елимловчидир.

Шишлар.

Совуқ ва қаттиқ шишларни юмшатади.

Яралар.

Яраларни тўлдириш, эт ундириш ва ёмон этни (едириш) учун марҳамларнинг таркибига киритадилар. Айниқса, *усрунж* шундай. *Усрунж* эт ундиришда ҳам кучлироқдир.

Кўз аъзолари.

Кўздаги тошмаларга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Орқа тешик ёрилганига қарши ишлатиладиган дорилардандир. (Бунинг таъсири жуда яхши).

Заҳарлар.

Бу заҳарлардан бўлиб, унинг шарҳи заҳарлар бобида айтилди.

[1] Яъни сирка кислотасининг қўрғошин тузи (Plumbum aceticum) ва унинг эритмалари; Фармакопея VIII да келтирилган.

41 [259] ОБАНУС, ОБУНУС - ОБНУС ДАРАХТИ

Моҳияти.

Бу маълум дори. (Занждан келтириладиган дарахт чўпидир. Дискуридуснинг фикрича Ҳабашистондан келтирилади.

Унинг ранги нуқул қора бўлиб, унда айрим қаватлар бўлмайди. Силлиқлиги пардозланган мугузга ўхшайди. Синдирилса, синиғи ғадур-будур бўлади. Тилни ачитади).

Танлаш.

Энг яхшиси қора текис хили, унда чизиқлар бўлмайди ва силлиқликда пардозланган мугузга ўхшайди. Ўзи қаттиқ бўлиб, мазаси ачиштирадиган бўлади. Чўғнинг устига қўйилса, ундан атир каби хушбўйлик чиқади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Бир гуруҳ табибларнинг гумонича, ўзида иссиқлик бўлатуриб қоннинг иссиқлигини сўндиради.

Хоссалари.

Аксари тошлар каби сувда тарашланади [қирилади]. У латифлаштирувчи ва тозаловчидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга тушган пардани ва оқни кетказади. Бунинг қириндисидан шиёф дориси тайёрланади. Кўз дориларини тайёрлашда ишлатиладиган қайроқчўп ясаш учун бу жуда мувофиқдир. Буни арралаганда чиқадиган қипиғини товада куйдирилиб ювилса, ювиндиси давомли яраларда, қуруқ кўз яллиғланишида, кўз қўтирида ва кўздан рутубатларнинг давомли равишда оқиб туришида фойда беради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Хузистонлик табибларнинг айтишича, || бу буйрак тошларини майдалайди. Айтишларича, бунда қорин дамланишини тарқатиш хусусияти ҳам бор. *141a*

[1] Қора рангли эбен оғочи – Diospyros ebenum Koen.

42 ОЗОН УЛ-ФА'Р[1] – БЎТАКЎЗ

М о ҳ и я т и.

Бир ўтдирким, Жолинуснинг айтишича, қуввати шишаларни жилолайдиган ўтнинг[2] қувватига яқиндир.

Бу исм билан икки ўтни аталади. Бири Жолинус айтганки, ундан *хуббозо* ҳиди келиб, қаттиқ эмасдир. Иккинчиси Дисқуридус айтганидир. Дисқуридус гумон қиладики, бу ўт қўйпечак [*лаблоб*]га ўхшайди, лекин унга қараганда япроғи кичикроқдир. Бу ернинг устига ёйилган ўт бўлиб, шохчалари ингичкадир. Боғларда ўсадигани хушбўй, лекин ҳиди ва таъми кучли эмас; гули ложувард тусида; уруғи кашнич уруғига ўхшагандир. Қалдирғочлар бу билан озиқланадилар. Бу ўт, хусусан, сув яқинида ўсмагани[3], ўткир мазали бўлади.

Масиҳнинг айтишича, фойдаси эрман фойдаси кабидир. Аммо, бу икковида таъсир бир хил бўлиши кўзда тутилмайди.

Т а б и а т и.

Бу икковидан Жолинус танигани, [биринчи хили] биринчи даражада совуқ ва ҳўлдир. Иккинчиси [Дисқуридус танигани] иссиқ дорилар жумласидандир.

Х о с с а л а р и.

Биринчисида буруштириш таъсири йўқдир, иккинчиси қуритувчи ҳам қизартирувчидир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Дисқуридус айтган хили тикан ва ўқнинг учларини [бадандан] чиқаради ва жароҳатларни ёпиштиради. (Яраларни тозалайди).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқанокда ичирилса ва юз фалажида бурундан юборилса, зўр фойда беради. Бурундан юборилса, мияни тозалайди.

[1] Myosotisнинг ҳар хил турлари.
[2] № 263 га қаранг.
[3] № 435 ва 776 ларни солиштириб кўринг.

43 АРНАБ БАРРИЙ – ЧЎЛ ҚУЁНИ

Таъсир ва хоссалари[1].

Бу хил қуённинг панирмояси[2] панирмоя бобида айтилган таъсирларга эга бўлиб, (унинг таъсири улардан латифроқ ва яхширокдир) бунинг яна ортиқча таъсирлари ҳам бор.

Зийнат.

Қони сепкилни тозалайди. Калласининг кули «тулки касаллиги» учун яхши даводир, хусусан, денгиз қуёниники[3]. Қуён қорнини ичидаги нарсалари билан бутунлигича товада қовуриб, куйдирилса ва янчиб, гул ёғи билан истеъмол қилинса, сочни ўстиради. (Дискуридуснинг айтишича, денгиз қуёни [қорни]нинг бир ўзини ёки қичитқиўт билан бирга қўшиб боғланса, сочни батамом туширади).

Бўғинлар.

Миясининг қовурилгани [оғир] касалликдан кейин пайдо бўладиган титрашда фойда беради.

Бош аъзолари.

Болаларнинг милклари чўл қуёнининг мияси билан ишқаланса, тишнинг ўсишини тезлаштиради ва [тиш чиқишни] оғриқсиз ва осон қилади. Бу ишни ўзидаги хосияти билан қилади. Агар сариёғ, маска ёки асал билан бир жинс қилиб аралаштирилса ҳам шу таъсирни беради. Чўл қуёнининг панирмоясини сирка билан ичилса, тутқаноқ касалида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Чўл қуёнининг панирмояси ҳайз қони тўхтагандан кейин уч кун мобайнида сирка билан ичилса, ҳомиладор бўлишга моне бўлади, бачадондан оқадиган рутубатларни тозалайди. Қуён қонининг қовурилгани ичак тирналишида, ичаклардаги шишда ва давомли ичкетишда фойда қилади.

Заҳарлар.

Қуён панирмояси сирка билан бирга заҳарларга қарши таръёқдир. |260] Қуён қонининг қовурилгани «арман ўқлари» билан заҳарланганларга фойдалидир.

[1] Л. да: моҳияти.

[2] № 13 га қаранг.
[3] № 60 га қаранг.

44 АБУ ҲАЛСО[1] – «ЭШАК КОҲУСИ»

Бу ал-Ҳовий[2] ва бошқа асарларда *ал-хусо* деб аталган.

М о ҳ и я т и.

(Бир гуруҳ табиблар) *абу ҳалсони* «эшак коҳуси» дейдилар; уни, шунингдек, *шинжор, шинкор* деб ҳам айтилади. Бу тукли, тиканли, дағал, қора тусли, остки қисми кўп япроқлидир. Япроқлари танасига [бевосита] ёпишган; таги бармоқ йўғонлигида бўлиб, тўқ қизил ранглидир. Ёз вақтида ушланса, қўлни бўяйди. Майда япроқли хили ҳам бўлиб, у қизил туслидир. Хиллари тўрттадир: *абуҳалсо, абусавирс, абужолсус* ва *аксуфонир*.

Т а н л а ш.

Ҳаммасидан кучлилари олдинги икки хилидир.

Т а б и а т и.

Жолинуснинг айтишича, «эшак коҳуси»нинг иссиқ ва қуруқ мизожли навлари бор, (яна унинг тескари табиатлиги ҳам бор).

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

«Эшак коҳуси» деб аталган хили буруштириш хусусияти билан бирликда суюлтирувчидир. Шунинг учун у мози мазали ҳам аччиқдир. Қолганларида буруштириш мазаси аниқроқдир. Сўнги иккита хилига келсак, олдинги икки хилига қараганда ўткир мазалироқ ва иссиқлиги кучлироқдир. Илдизи япроғидан кучлироқдир.

З и й н а т.

Сирка билан қўшиб, суртилса, доғни тузатади; пўст ташлаш касаллигини тузатади. Бу таъсирда япроғи илдизидан бўшроқдир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

«Эшак коҳуси»нинг илдизи арпа уни билан қўшилганда сарамас [*ҳумра*] га фойда қилади; *абужолсус*нинг илдизи ҳам шундай. Буни чарви билан қулғунага қўйилса, қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Мум билан қўшиб, ҳамма яраларга, хусусан оловда куйганга қўйилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

«Эшак коҳуси»нинг илдизи меъдани тозалайди. Асал суви билан қайнатмаси сариқ касалига ва талоқ оғриғига фойда қилади. || *141б*

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Асал сувидаги қайнатмаси буйрак оғриғида ва буйракка тош келишида фойда қилади. Хотин киши илдизини кўтарса, боласини туширади.

Япроғининг шароб билан қовурилгани ични қотиради. Лекин «эшак коҳуси» ўт хилтини тарқатади. Сариқ япроқли хилининг илдизи *зуфо* ҳам *хардал* билан бирга гижжаларни ўлдириб чиқаради. Умуман *шинжор*нинг сариғи ва бошқа хиллари шу хоссага эгадир. Лекин бу хусусда сариғи кучлироқдир.

И с и т м а л а р.

«Эшак коҳуси» илдизининг асал сувидаги қайнатмаси давомли иситмаларга фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Қичкина япроқли хилининг қизил мевасини чайнаб, чақувчи майда жониворлар устига туфланса, уларни ўлдиради. Сўнги икки хили афъо илони чаққанида ичирилса, суртилса ва чаққан жойга сепилса, фойда қилади.

[1] Anchusa tinctoria L., ёки A. italica R e t z. Бу сўз юнонча *«анхусо»нинг* бузилгани; яна икки марта: № 694 – *шинжор»* ва № 760 – *«ҳасс ул-химор»* – номлари билан келтирилади.

[2] *Абу Бакр ар-Розий* [865–925] нинг асари.

45 АЛМОС[1] – ОЛМОС

«Мим» ҳарфи бобида айтилиши тўғрироқ бўларди, дейдилар[2]. Биз буни танилган ва машҳур бўлганидан бу бобда келтирдик.

Т а б и а т и.

Табиблардан бир гуруҳи буни совуқ ва қуруқ, бошқа гуруҳи эса кучли иссиқ ва қуруқ дейдилар.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Кучли тозаловчидир. Дискуридуснинг айтишича, куйдирувчи ва ситувчидир.

З и й н а т.

Тишларни яхши тозалайди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бир гуруҳ табибларнинг айтишича, [олмос] оғизда тутилса, тишларни синдиради; унинг бу таъсири ўзида бўлган хусусият жиҳатидан ёки олмос бўладиган ерда илонларнинг заҳари кўп бўлганидандир[3] ҳам дейдилар. Бу тусмоллаб гапирувчи кишининг сўзидир. Заҳарли илонларнинг заҳари ташқари чиқарилганда, хусусан бир неча вақт ўтгач, бу хил таъсирни кўрсатмаслигини билмаган киши шундай [дейиши мумкин].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бир гуруҳ табибларнинг айтишича, бундан бир *ҳабба* вазнида олиб, сийдик чиқарадиган асбоб [*зарроқа*]нинг бир тарафига Рум сақичи билан

ёпиштириб, қовуққа юборилса, тошни майдалайди. Мен буни ҳақиқатан узоқ деб тушунаман.

З а ҳ а р л а р.

Ўлдирадиган заҳардир.

[1] Олмос сўзи юнонча αδαμαζнинг бузилгани.

[2] Яъни «олмос» сўзидаги «ал» ни арабча артикль деб ҳисоблайдилар.

[3] Қадимги замонларда олмос бор ерларни илонлар қўриқлаб ётади, деб ўйлардилар [Геродот ва Плинийнинг ривоятларини эсланг].

46 АРМОК[1] – «ЯМАН ДОРЧИНИ»

М о ҳ и я т и.

Яманда бўладиган хушбўй чўпдир. Ранги *қирфага*[2] ўхшайди.

З и й н а т.

Оғизни хушбўй қилади.

Ш и ш л а р.

Қўйиб боғланса, иссиқ шишларга фойда қилади.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Яраларнинг ёйилишида фойда қилади ва бунга тўсқинлик қилади. Қуруғи ўзида ачиштирмай қуритиш хоссаси бўлганидан яраларни бириктиради ва аъзоларнинг сасишига тўсқинлик қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мияни кучли қилади. Милкларни маҳкамлайди ва оғиз касалларига мувофиқ келади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Буни ейиш кўз яллиғланишида ёрдам қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракка ва ички аъзоларга қувват беради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични тўхтатади.

[1] Symplocos racemosa Roxb. (?).

[2] *Қирфа* – дорчин дарахти турларидан бир хилининг қобиғи. Бу оддий дорчинга қараганда дағалроқ ва ранги қорароқ бўлади.

47 [261] АЛЛАБАХ[1] – ПЕРСЕЯ

М о ҳ и я т и.

Айтадиларки, бу кунор [*сидр*] дарахтидир. Мен айтаман: агар у *ал-лабах*

бўлса, «лом» ҳарфи бобида айтилиши керак эди. Бу катта дарахт бўлиб, Мисрга кўчирилган ва бу ерда унинг табиати[2] ўзгарган.

(Дискуридуснинг айтишича, бу Мисрда бўладиган бир дарахт бўлиб, унинг ейиладиган меваси бор. Кўпинча бу дарахтда, хусусан, қуруқ жойларда бўлганида, қоракуртнинг бир хили топилади. Бир гуруҳ табибларнинг гумон қилишларича, бу дарахтнинг меваси Форс мамлакатида ўлдирадиган заҳар ҳисобланади. Мисрга кўчирилгандан кейин табиати ҳам, таъми ҳам ўзгариб ейиладиган ва зарар қилмайдиган бўлиб қолган).

Таъсир ва хоссалари.

Бу дарахтнинг япроғини толқон қилиб, қон оқиб турган ерга сепилса ёки қўйилса, қон оқишини тўхтатади.

[1] Асли «лабах» бўлиб, матнда «ал» ортиқча ёзилиб қолган. Лабах – Mimusops Schimperi H o c h s t. Ҳозирги замон луғатларининг баъзиларида Albizzia Leblek B e n t h (албиция) деб кўрсатилади.

[2] Б. да: мазаси.

48 ИНСОН – ОДАМ

Зийнат.

Айтишларича, одамнинг эрлик уруғи доғни кетказади. Болаларни мис идишга сийдириб олинган сийдик тузи ҳам шундайдир. Сепкилни ҳам тозалайди. Одамнинг ахлати оқ доғга фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Одам сийдигининг чўкмаси, айтишларича, оташакдаги [оғриқни] босади. Иссиқ ахлати ҳам шундай таъсирни беради. Сочининг кули тошмаларни йўқотади; ёғ билан аралаштирилса, ёйилувчи шишларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади.

(Жароҳат ва) яралар.

Одам сийдиги яраланган қўтирни ва қичимани тузатади. Ёмон яралар ва темираткининг тарқалишига ҳам тўсқинлик қилади. Айниқса, эрлик уруғи темираткига фойдалидир.

Бўғинлар.

Айтишларича, ҳайз қони подагра оғриғини тўхтатади ва, шунингдек, эрлик уруғи ҳам сариёғ[1] ва зайтун ёғи билан бирга шу таъсирни беради.

Бош аъзолари.

Одам мўйининг куйиндиси қизилгул ёғи билан оғриган қулоққа ва оғриган тишга томизилса, оғриқни босади деб даъво қиладилар. Рўза тутган кишининг сўлаги қулоқдан қуртни чиқаради. Одам суягининг куйдирилгани тутқаноқ касалида ичирилади. Одам қулоғининг чирки бошнинг ярмиси оғриши [шақиқа]да фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Одам сийдиги асал билан мис идишда қайнатилса, кўздаги оқни кетказади ва кўздаги нуқтали қон талашларда фойда қилади. Одам мўйининг куйиндиси *мартак*[2] билан бирга ишлатилса, кўздаги қўтир ва қичимада фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Айтишларича, болаларнинг сийдиги ичилса, нафас олишнинг қийинлашиши ва «тикка нафас олиш» касалликларида фойда қилади. [Аммо] бу ёмон даволашдир. Хотин кишининг сути сил касалида жуда фойдалидир ва бу «денгиз қуёни» [заҳарига ҳам қарши] даводир.

Озиқлантириш аъзолари.

Айтишларича, одам сути меъданинг ачишиб куйишини босади. Одам сийдигидан бир *ускурражасини сиканжубин* билан қўшиб, ичувчи [кишига] билдирмасдан ичирилса, сариқ касалида фойда қилади, хусусан асал суви || ва нўхат суви билан ичирилса, ахлат ҳам шу таъсирни беради. *142а*

Чиқариш аъзолари.

Одам сути сийдикни ҳайдайди. Айтишларича, соф ҳайз қонини чотка кўтариш бўғоз бўлишга тўсқинлик қилади. Хотин сутини бачадон яраларига ва чиқиқларига қўйилса ёки кўтарилса, фойда қилади. Айтишларича, одам сийдигидан учдан икки *ратлини* гандано билан қайнатмаси ичкетишни тўхтатади ва бачадонни тозалайди.

Иситмалар.

Одамнинг қуруқ тезагини даврий иситмаларда асал ёки узум шароби билан қўшиб, ичилса, [иситманинг] даврийлигига моне бўлади.

Заҳарлар.

Хотиннинг сути денгиз қуёни заҳарига қарши тарёқдир. Одам тишини янчилиб, афъо илони чаққан ерга сепилса, фойда қилади. Тезаги одам тишлаган жойга сепилади. Одамнинг эрталаб наҳордаги сўлаги чаён ва илонларни ўлдиради. (Бир киши иккинчи кишини наҳорга тишласа, тишлаган жойи яра бўлади).

[1] Б. да: мум.

[2] Қўрғошин оксиди.

49 [262] АКИТМАКИТ[1] – «БУРГУТ ТОШИ», АЭТИТ

Моҳияти.

Ҳинд дориси бўлиб, *фавониё* [пионгул] каби таъсир қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқанок касалини тўхтатиш учун буғларнинг кўтариладиган жойига суртилади.

[1] 、 Lapis aetites.

50 ИСФОНОХ[1] – ИСМАЛОҚ

(М о ҳ и я т и. Белгилидир).

Т а б и а т и.

Биринчи даража охирида совуқ ва ҳўл.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Юмшатувчи; озиқлиги шўра ўтнинг озиқлигидан яхшироқдир. Айтаман: бунда ювувчи, тозаловчи қувват бор. Сафрони қаттиқ ҳайдайди. Кўпинча меъда унинг қайнатмасини[2] тусамайди, бу ҳолда қайнатмасини тўкиб, ўзини тозалаб, ейилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Иссиқ [мизожли] кўкрак ва ўпкаларда суртиш ва ейиш фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Қондан бўлган орқа оғриқларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични юмшатади.

[1] Spinacia oleracea L.

[2] Б. да: баргини..

51 АЛАНҒАЛ[1] – ЁВВОЙИ БЕДА

М о ҳ и я т и.

Сувда ўсадиган дори бўлиб, бедага ўхшайди ва кўкламда ўсади. *Ҳандақуқога*[2] ҳам ўхшайди. Кўп тармоқли. Уруғи сабзи уруғи кабидир.

(Т а б и а т и.

Иссиқ).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Талоққа жуда фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ҳайдайди.

[1] Trifolium fragiferum L.

[2] № 257 га қаранг.

52 АЛШИФОИЙ[1] – МАВРАК

Моҳияти.

Шамбала деб гумон қилинади.

Чиқариш аъзолари.

Буйракларни яхши тозалайди.

Заҳарлар.

Қутурган ит тишлашида жуда фойда қилади.

[1] Б. да: «алсафоний». Бу юнонча *алалисфакун* сўзининг бузилгани бўлиб, Saliva officinalis L. ёки S. triloba ни ифодалайди «Сайдана», № 90(1).

53 АЛУСУН – «ИТ ЗАҲРИНИ КЕТКАЗУВЧИ»

Моҳияти.

Бу бир ўтдирким, *тарсга* ўхшайди. Шунинг учун бу *расн* [?] деб аталади. Мизожи биринчи даражада иссиқ ва қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

[Хилтни] мўътадил даражада қуритиб, тозалайди.

Зийнат.

Сепкилга фойда қилади ва уни мўътадиллик билан тозалайди.

Заҳарлар.

Жолинус айтади: бу ўз хоссаси билан қутурган итнинг тишлаганига фойда қилади ва кўп шундай кишиларни тузатди. Шунинг учун юнонча уни *алусун* деб аталади.

[1] Alyssum homalocarpum F. Et M. ёки A. saxatile L.

54 АСТИРОТИҚУС[1] – ҲОЛИБИЙ, «ЮЛДУЗГУЛ»

Моҳияти.

Ҳолибий[2] деб танилган дори.

Табиати.

Бунда озгина совутиш хоссаси бўлиб, буруштириш йўқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Совутиш қуввати билан бирга шимилтирувчи қуввати ҳам бордир.

Шиш ва тошмалар.

Уни қўйиб боғланса ёки осиб қўйилса, сийдик йўлининг шишларига фойдалидир.

[1] Aster atticus C a l l. ёки A. amellus. L.

[2] № 265 га қаранг. *Ҳолибий* деб аталишига сабаб, бу дорининг сийдик йўли» [*ҳолиб*] га фойдали бўлганлигидандир.

55 АРДАФИЁНИЙ[1] – (?)

М о ҳ и я т и.

Ковул [*кабар*] каби бир ўсимлик бўлиб, ҳиди жуда ўткирдир. Ғилоф ичига жойлашган меваси бор.

Т а б и а т и.

Роҳиб: «бу табиатида итузум ва пақпақдан кучлироқ», дейди.

Ш и ш (в а т о ш м а л а р).

Роҳибнинг сўзича, ички шишларда фойдалидир.

Бунинг бир ичими икки *уқия*. Ташқи иссиқ шишларга суртилади, Унинг шиш бор ердаги таъсири ажойибдир.

З а ҳ а р л а р.

Ари чаққанга суртилса, дарҳол тузатади.

[1] Б. да: «ардақиёний».

56 АФҚАРОСҚУС[1] – (?)

М о ҳ и я т и.

Форс дориси бўлиб, уни *«ад-дайҳа* ва *ал-ҳазм»*[2] деб атайдилар.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ёдлаш [зеҳн ва эслаш] учун яхшидир.

[1] Б. да: «ақфароскун».

[2] М. А. да: *«сирож ал – қутруб»* [жинчироқ], яъни рандак, қ. № 487.

57 АББУТИЛУН[1] – ҒЎЗАҒАР

М о ҳ и я т и.

Қовоққа ўхшаган бир ўсимлик. Хузистонликлар уни «шу исм билан танилган», дейди.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Айтишларича, янги жароҳатлар учун энг яхши доридир; жароҳатларга қўйилса, тез бириктириб, эт ундиради.

[1] Abutilon Theophrasti Medic.

58 АСИЮС[1] – СЕЛИТРА

Моҳияти.

Шундай тошким, устида «асиюс гули» дейилган туз пайдо бўлади. Бунинг пайдо бўлишига денгиз намлиги ва у тош устига тушадиган шудринг сабаб бўлса керак.

Таъсир ва хоссалари.

Унинг ва гулининг қуввати очувчи, эт ундирувчи ва бир оз саситувчидир. Сасиган гўштни ачиштирмасдан эритади.

Шишлар.

Сақич [бутм дарахтининг елими] ёки *зифт* билан қўшиб, чиқиқларга ёпиштирилса, уларни тарқатади.

Яралар.

Битиши оғир, эскирган ва катта, чуқурлашган яраларда фойдалидир.

Бўғинлар.

Арпа уни билан подаграга қўйилади. [Подаграли кишилар] қўл ва оёқларини селитра қайнатилган сувга солсалар, уларга фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Агар || асал билан яланса, ўпка яраларида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Селитрани оҳак ва сирка билан қўшиб, суртилса, талоқ касалида фойда қилади.

[1] М. А. [I, 103], *асиюсни* «хитой тузи», дейди. Яна шу китобда мағрибликлар бу тузни *боруд* деб атайдилар, дейилган.

59 [263] АТЮТ[1] – АРЕКА ПАЛЬМАСИНИНГ ДАНАГИ

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўлдир.

Хоссалари.

Тозалаш хусусияти бор.

Зийнат.

Доғни кучли равишда кетказади.

[1] Areca Catechu L., № 566 га қаранг.

60 АРНАБ БАҲРИЙ[1] – ДЕНГИЗ ҚУЁНИ

Моҳияти.

Чиғаноқ пўстли ҳайвон бўлиб, ранги бир оз қизғишдир. Пўстининг бўлаклари орасида ишқор [*ушнон*] олинадиган ўсимлик япроқларига ўхшаш нарсалари бор.

Қони иссиқ бўлиб, сепкил ва доғни тозалайди. Бошининг куйдирилгани «тулки касали»да мўйни ўстиради; айниқса, айиқ ва илон чарвиси билан бирга ишлатилса, жуда ўстиради. Ўзини қўйиб боғланса, мўйни тўкиб юборади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Қўйиб боғланса ва тортилса, кўзни равшан қилади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарли дорилардан саналади. Ўпкани яра қилиб, ўлдиради.

[1] Aplysia depilans L.

61 АФСУН[1] –(?)

М о ҳ и я т и.

Кермон ва форс дорисидир.

Т а б и а т и.

Иссиқ ва латиф.

[1] Б. да: «ақсун».

62 АНОҒОЛЛИС[1] – СОВУНЎТ

М о ҳ и я т и.

Икки хил бўлади. Бирининг гули сариқ ва иккинчисининг гули ҳаворангдир.

Я р а л а р.

Иккови ҳам жароҳатларни тузатиб, шишишига тўсқинлик қилади. Ўқнинг учи ва шунга ўхшашларни тортиб, чиқаради. Яраларнинг тарқалишига ҳам тўсқинлик қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Суви билан томоқ чайқалса ёки бурунга тортилса, бошдан кўп шиллиқни туширади. Бурунниг қайси томонига тортилса, ўша томонидаги тиш қамашишини тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шароб билан ичилса, буйрак оғриғига фойда қилади. Бир гуруҳ табибларнинг гумонларича, кўк гуллик хили тушадиган кўтанни маҳкамлайди ва қизил гуллик[2] хили унинг тушишини зўрайтиради.

З а ҳ а р л а р.

Шароб билан ичилса, заҳарли илон чаққанда фойда қилади.

[1] Anagallis arvensis L.

[2] Бу боб аввалидаги таърифга тўғри келмайди. Бу ўсимликнинг гули ҳақиқатда сариқ бўлади.

63 АБРАҚ[1]

М о ҳ и я т и.

Форс дорисидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ақлга ва ёдлаш қобилиятига яхшидир.

[1] *Шафнин-и баҳрий* (денгиз қарқараси) [М. А. I, 118].

64 УСИД – ҲИНД НИЛУФАРИ

М о ҳ и я т и.

Ҳинд нилуфарининг бир хили.

Т а б и а т и.

Ибн Мосаржавайҳ – иссиқ ва қуруқдир, дейди.

[1] Б. да: *«авсабид»*. Nimphaeанинг турлари.

65 АРАНД-БАРАНД[1] – ИЛОНГУЛ

М о ҳ и я т и.

Форс дориси бўлиб, Сижистондан келтирадилар. Ёрилган пиёзга ўхшайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бавосирга фойда қилади.

[1] Б. да: *артад буррид*. Gladiolus communis. «Сайдана», № 24.

66 АВОФИНУС УЛ-ҲАДАҚИЙ[1] – ГУЛИ СУНБУЛ

М о ҳ и я т и.

Кўз қорачиғига ўхшаган нарса.

Табиати.

Жолинуснинг айтишича, иккинчи даражада совуқ ва биринчи даражада қуруқдир. Меваси биринчи даража аввалида буруштирувчи, иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Болаларнинг қовуғини сақлайди ва бир муддат қовуқ устидан мўй чиқармасдан, сақлаб туради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меваси сариқ касалида фойда қилади.

[1] Hyacinthus orientalis L.

67 ИДУСОРУН[1]

Моҳияти.

«Болта» деб аталган бир дори. Болта деб аталиши икки томони болта тиғи каби бўлганидандир.

Табиати.

(Табиати) иссиқ. Бунда аччиқлик ва мози мазалик ҳам бор.

Таъсир ва хоссалари.

Ички аъзолардаги тиқилмаларни очади.

Бўғинлар.

Бўғин оғриқларида фойда қилади.

[1] Л. да: андарубилун, Б. да: *«андарусорун»* шаклида бузиб берилган. Hedysarum; Securigera coronilla Д. С.

68 АСОБИЪ ҲИРМИС – САВРИНЖОН ГУЛИ

Моҳияти.

Саврinжоннинг очилган гули. Қуввати савринжон қуввати кабидир.

[1] Colchicum autumnale. № 489 га қаранг.

69 АТМОТ[1] – АРЕКА ПАЛЬМАСИНИНГ ДАНАГИ

Моҳияти.

Абузайдон[2] қувватидаги Ҳинд дорисидир. Ўйлаш керак: бу *атют* бўлиб чиқмасмикин?[3]

Табиати.

Иссиқ ва ҳўлдир.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни орттиради.

[1] Areca Catechu L.

[2] № 102 га қаранг.

[3] Б. да: буни атют билан аралаштирилмасин маъносида берилган.

70 ИТО – ТОЛ

Моҳияти.

Ғараб[1] дарахти. Бу *«ғайн»* [Ғ] ҳарфи бобида айтилган.

[1] Salix Babylonica L. № 808 га қаранг. Б. да *«итобос»*.

71 АРУЗЗ[1] – ШОЛИ, ГУРУЧ

(Моҳияти.

Таниқли бир дон).

Табиати.

Иссиқ ва қурук. Қуруқлиги иссиқлигидан аниқроқдир. Лекин бир тўда табиблар буғдойдан иссиқроқ, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Гуруч яхши озиқ бўлиб, бир оз қуруқликка мойилдир. Сут ва бодом ёғи билан қайнатилса, зўр ва яхши озиқ бўлади. Сувда ивитилса, айниқса, бир кеча кепак сувига солиб қўйилса, қуритиш ва ични боғлаш хусусиятлари йўқолади. Бу секинлик билан совутадиган нарсалардандир. Бунда тозалаш хоссаси ҳам бор.

Чиқариш аъзолари.

Сувда қайнатилгани бир оз ични қотиради. Сут билан қайнатилгани эрлик уруғини кўпайтиради ва ични тўхтатмайди. Шоли ҳолида сутда қайнатилиб, сутнинг сувли қисмини сақланса ва [264] айниқса, кепак сувида ивитилиб, бу билан қуруқлик хусусияти камайтирилган бўлса, бу вақтда ични тўхтатади.

[1] Oryza sativa L.

72 ИБРИСАМ[1] – ИПАК

Моҳияти.

Бу маълум нарса бўлиб, (қалбни хурсанд қиладиган дорилардандир).

Табиати.

(Биринчи даражада) иссиқ (ва қуруқдир).

(Танлаш.

Энг яхшиси хомидир. Бўялмаган бўлса, гоҳо қайнатилгани ҳам ишлатилади. Қазна куйдирилган ипакдан яхшироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда суюлтириш, шимиш ва ўзидаги хосияти билан хурсанд қилиш хусусияти бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Ўзининг аччиқлиги ва ошлаш хоссаси билан ўпканинг қаттиқлигида фойда қилади. Бу хусусият унда суюлтириш, ачиштирмасдан шимдириш ва мўътадил қуруқлиги сабабли бўлиб, бирор навига хос эмасдир.

Кўз аъзолари.

Ипакдан кўз дориси қилинса, кўзга фойда қилади ва кўзнинг ёшланишини йўқотади.

Ипак мойлаш [?] хоссасига эга бўлганидан кўздаги яраларни шимиб қуритади.

Ўз мизожининг мўътадиллиги сабабли [кўздаги] қуруқликни мўътадил қилади. Ипак руҳ ва меъданинг овқатни ўзлаштиришдаги ишини кучайтирадиган доридир. Бунда унинг миқдори аҳамиятга эга эмас).

Кўкрак аъзолари.

Хом ипак хурсанд қилувчидир.

Зийнат.

Ипак битни пайдо қилмайди, деб ўйлайдилар.

[1] Б. да: *«ибрисам» – «инсон»* сўзидан кейин ёзилган. Биз Л. га асосланиб, бу ерда келтиришни маъқул кўрдик.

73 ИТРИЯ – УГРА, ТУТМОЧ

Моҳияти.

(Қайнатилган ошнинг бир хили бўлиб, бизнинг мамлакатда[1] «ришта»[2] деб аталади). Бу тасма каби бўлиб, оширилмаган хамирдан тайёрланади.

143а Гўшт билан || ёки гўштсиз сувда пиширилади.

Табиати.

Иссиқ ва ҳўллиги жуда кўп.

(Таъсир ва) хоссалари.

Шак йўққи, бунинг ҳазми ва меъдадан пастга сирғаниши сустдир. Чунки бу ошмаган хамирдир. Баъзиларнинг фикрича, гўштсиз қайнатилгани енгилроқдир. Аммо, уларнинг айтганларидек бўлмаса ҳам ажаб эмас;

унга мурч ва бодом ёғи аралаштирилса, ҳоли[3] бир оз яхшиланади. Ҳазм бўлганида озиқлиги жуда кўп бўлади.

(Нафас ва) кўкрак аъзолари.

Ўпкага, йўталга ва қон туфлашда фойда қилади; хусусан, семизўт билан қайнатилса фойдалироқдир.

Чиқариш аъзолари.

Бу ични юмшатувчидир.

[1] Яъни Бухоро ёки Эронда.

[2] Тожикча ва форсчада ришта – ип маъносида.

[3] Яъни ҳазми ва мазаси.

74 АНДАР[1]

Моҳияти.

Бу Кермондан келтириладиган бир дори бўлиб, хосияти эсда сақлашни кучайтириш ва зеҳнни тозалашдир.

[1] № 74 дан 78 гача бўлган дорилар Л. да бутунлай йўқ.

75 АХИЛУС –?

Гоҳо *сандаристус* деб аталади. Жолинус буни *сандаристус*дан буруштирувчанроқдир, дейди.

Чиқариш аъзолари.

Томир ёрилиб, қон оқишни, ичак яраларидан қон оқишни ва хотинларда пайдо бўладиган қон оқишни тўхтатади.

76 УФОРИҚУН – ДАЛАЧОЙ, ҚИЗИЛПОЙЧА

Моҳияти.

Бунинг тафсири шуки, у *Рум додийси*[1]дир.

Чиқариш аъзолари.

Кўтарилса, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради.

Бўғинлар.

Қирқ кун кетма-кет ичилса, *ирқуннасо* касалини тузатади.

Иситмалар.

Уруғи ичилса, тўрт кунли иситмани тузатади.

[1] Hepyricum perforatum. № 173 га қаранг.

77 АСИМДИЮН – ?

Таъсир ва хоссалари.
Сувли рутубати билан қаттиқ совутади.
Кўкрак аъзолари.
Эмчакни кўтарилган ҳолда сақлайди.
Чиқариш аъзолари.
Буни ичган [хотин] ҳомиладор бўлмайди.

78 АСҚУЛФАНДРИЮН[1] – ТАЛОҚГИЁҲ

«Син» [С] ҳарфида айтилади.

[1] Scolopendrium vulgaris SW. Ceterach officinarum Willo. № 499 га қаранг.

«БО» ﺏ [Б] ҲАРФИ

79 БОН[1] – БОН ДАРАХТИ

Моҳияти.
Донаси нўхатдан каттароқ. Ранги бир озгина оққа мойил. Юмшоқ, ёғли мағзи бор.
Табиати.
Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.
(Таъсир ва) хоссалари.
Бон, айниқса, унинг мағзи тозаловчидир. Қуюқ моддаларни парчалайди. Сирка ва сув билан бирга ички аъзолардаги тиқилмаларни очади. Турпида кўпроқ аччиқлик ва буруштириш хоссаси бор. Шу сабабли унда доғловчи қувват бор. Қобиғи кўпроқ буруштирувчи; ёғи ҳам буруштиришдан ҳоли эмас. Ҳаммасида тозалаш ва парчалаш хоссаси бор.
Зийнат.
Меваси қора ва қизил қонталашларга, сепкил, доғ ва яралардан қолган изларга фойда қилади; ёғи ҳам шундай.
Шиш ва тошмалар.
Бон уруғи кирган марҳамлар қаттиқ шишларнинг ҳаммасига ва сўгалларга фойда қилади.
(Жароҳат ва) яралар.
Бонни сирка билан бирга ишлатилса, пўст ташлаган ва яраланган кўтирларга, сутли тошмаларга ва ширинчага фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Асабни қиздиради. *Бон*, хусусан, унинг ёғи, тиришишни ва асабнинг қаттиқликларини юмшатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ўзининг буруштирувчанлиги билан бурун қонашни тўхтатади. *Бон* ёғи, хусусан, ўрдак ёғи билан қўшилгани қулоқ оғриқларига ва қулоқ ғувуллашида ишлатилади. *Бон* илдизи қайнатилган сув билан оғизни чайиш тиш оғриқларини босади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Икки *дирҳам* вазнидаги бонни сирка билан аралаштирилиб, ичилса, жигар ва талоқ қаттиқликларига фойда қиладн. Баъзан *бон* шаробини[2] мастак уни, асал суви ёки ёввойи ясмиқ уни, ёхуд савсан уни билан қўшилиб, талоққа қўйиб боғланади. *Бон* меъдага зараралидир ва у кўнгилни айнатади. Агар унинг ширасидан бир *мисқолини* асал билан ичилса, кучли қустириб, ични суради. Меваси ҳам шундай.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Уруғидан бир *мисқоли* асал билан ичилса, хом балғамни суради; ёғига ботирилган пилтани чотга кўтариш ҳам шу таъсирни беради.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р.

Ўз вазнича рўян [*фуввa*], ярим вазнича *салиха* қобиқлари ва ўндан бир вазнича *басбоса* бунинг ўрнига ўтади.

[1] Moringa pterygosperma G a e r t n, ёки M. aptera G a e r t n № 268 га қаранг.

[2] Б. да: «нон».

80 БОБУНАЖ[1] – МОЙЧЕЧАК, БОБУНА

М о ҳ и я т и.

(Турли рангда бўладиган бир ўсимлик). Бунинг гули сариқ, оқ ва гунафша рангли хиллари [265] бор. Бу таниқлидир. Япроғи ва гули кулча қилиниб ва илдизи қуритилиб, сақланади.

Жолинуснинг айтишича, бунинг қуввати латифликда қизил гулга яқиндир. Лекин бу иссиқдир. Иссиқлиги зайтун ёғининг иссиқлиги каби ёқимли. (Ўнқир-чўнқир жойларда ва соҳилга яқин жойларда ўсади. Баҳорда суғуриб олиб, йиғилади).

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва қурукдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Очувчи, қуюқ нарсаларни суюлтирувчи ва бўшаштирувчидир. Бир оз-

гина тортиш билан, балки тортмасдан ҳам эритади. Мана бу унинг бошқа дорилардан фарқ қилдирувчи хусусиятидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ўзининг бўшаштириш ва эритиш хусусиятлари билан иссиқ шишларни ва унчалик бўлмаган қаттиқликларни юмшатади. Ички аъзоларнинг зичлашган шишларига қарши ичилади.

Б ў ғ и н л а р.

Тортишишни бўшаштиради ва ҳамма асабли аъзоларни кучли қилади. Бу чарчашга қарши ишлатиладиган дориларнинг бошқаларига қараганда энг кўп фойдалисидир. Чунки бунинг иссиқлиги ҳайвоннинг иссиқлигига ўхшашдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мияни кучли қилади ва совуқдан бўлган бош оғриғида фойда қилади. Бошдан ёмон моддаларни чиқариш учун ишлатилади. Чунки бу моддаларни тортмасдан эритади. Мана бу унинг хосиятидир. Оғиз оғриғини ҳам тузатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Уни қўйиб боғланса, кўзнинг бурун бурчагидаги ёрилган чиқиқларни тузатади. (Шунингдек, кўз оғриқда, кўз хиралашганида, тошмаларда, қичимада, кўздаги оғриқларда ва кўз қўтирида фойда қилади).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Балғамни кўчиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Сариқ касалини кетказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ҳайдайди ва тошни чиқаради. Айниқса, гули гунафша тусли хили шундай таъсирга эгадир. Совуқдан (ва иссиқдан) бўлган қовуқ оғриқларида қиздирилиб қўйилади. Ичиш ва сувига ўтириш ҳайз қонини юриштиради, болани ва йўлдошни чиқаради. Ингичка ичак буралиши [*илоус*]га фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Ёғи даврий иситмаларда баданга суртилади. Эски чўзма иситмаларнинг охирида ичирилади. Ички аъзоларга яхши етилган яллиғли шишлар
143б бўлмаса, унча ўткир бўлмаган || ҳамма иситмаларда фойда қилади.

Баъзан шишдан бўлган иситмаларда ҳам, агар улар ўткир бўлмасалар ва лекин шиш моддалари етилган бўлса, фойда қилади.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р.

Мияни тозалашда ва бош оғриғига фойда қилишда *биринжосф*, яъни бўйимодарон[2] бунинг ўрнига ўтади.

[1] Matricaria chamomilla L., Anthemis nobilis L.

[2] № 85 ва 640 га қаранг.

81 БОЗОВАРД[1] – ОҚ ҚАРРАК

Моҳияти.

Оқтикан бўлиб, *ҳасак*[2]*га* ўхшайди. Лекин бу жуда оқ ва тиканлари узунроқдир. Япроғи амом [*ҳамомо*] япроғига ўхшайди. Лекин бу юпқароқ ва оқроқдир. Танаси гоҳо икки тирсак узунлигида бўлади. Гули эса гунафша ранглидир. Донаси маҳсар [қуртум] донаси каби, лекин бу думалоқроқдир.

Табиати.

Илдизида бир оз эритиш билан бирга совутиш ва қуритиш хусусиятлари бор, уруғи иссиқ ва латиф. Баъзи табиблар ҳамма қисми жуда иссиқдир, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда, хусусан уруғида, эритувчи ва очувчи қувватлар бўлиб, қонни ивитиш ва тўхгатиш хусусияти ҳам бор. Буруштириши мўътадил.

Шиш ва тошмалар.

Бунда эритиш ва буруштириш хусусиятлари бўлганидан балғамли шишларга ёқади. Бундан, айниқса, илдизидан қуюқ суртма қилинади.

Бўғинлар.

Бунда эритиш билан бирликда мўътадил буруштириш хусусияти бўлганидан тиришишда фойда қилади. Болаларга мушакларининг ҳаракати бузилганида ичирсалар, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Қайнатмаси билан оғиз чайилса, тиш оғриғини босади.

Кўкрак аъзолари.

Оқ қаррак, айниқса, унинг илдизи, қон туфлашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Оқ қаррак меъда заифлигида фойда қилади ва ундаги тиқилмаларни очади.

Чиқариш аъзолари.

Давомли ич суришга, айниқса, меъдадан бўлганига фойда қилади. Хусусан, илдизи шундай. Бу сийдикни юриштиради.

Иситмалар.

Балғамли чўзма иситмаларга, меъда заифлиги сабабли бўлган иситмаларга ва ҳамма эски иситмаларга фойда қилади.

Заҳарлар.

Чайнаб, чаён чаққан ерга қўйилса, фойда қилади ва заҳарини тортади. Уруғи заҳарли жониворлар чаққанида фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилар.

Иситмаларда шоҳтара бунинг ўрнига ўтади.

[1] Onopordon acanthum L., Cnicus acarna L.

[2] № 248 га қаранг.

82 БАЛАСОН[1] – БАЛЬЗАМ ДАРАХТИ

Моҳияти.

Миср дарахтларидан бири бўлиб, фақат *Айнушшамс* деб аталадиган жойда ўсади. Япроғи ва ҳиди газагўтнинг япроғи ва ҳидига ўхшайди. Лекин бу оққа мойилроқ ва бўйи *ҳузаз* бўйидекдир, ёғи мевасидан яхшироқ ва меваси ҳар жиҳатдан ёғочидан яхшироқдир. Ёғи қуйидагича олинади: Сириус юлдузи чиққан чоғда танасини темир билан тешилади, [266] силқиб чиққан нарсани пахта билан олинади. Олинган нарса бир йилда бир неча *ратл*дан ошмайди.

(Дисқуридуснинг айтишича, бу дарахт Фаластиннинг Ғур деган жойидан бошқа ерда ўсмайди. Дағаллиги, узунлиги ва суюқлиги билан бир-биридан ажралади.

Танлаш.

Яхшиси дони қора тусли ва қаттиқ бўлганидир. Ёғининг яхшиси янгиси ва ёғочининг яхшиси қизилидир. Ёғининг яхшиси сутга томизганда чиритиши, сув билан аралашиши, пахтага томизилганда шимилмаслиги ва искаб кўрилганда ўткир ҳиди билан ажратилади).

Буни *санавбар* ва *мастакий* ёғлари билан аралаштирадилар.

Мумни хина ёғида эритиб қўшиш йўли билан ҳам қалбаки қиладилар. Энг яхшиси янгисидир. Эскирган, қуюғи эса кучсиз бўлади. (Дисқуридус яна айтади: бальзам ёғининг тозасини сувга томизилса, у эрийди, сўнгра тездан сутга ўхшаб қолади, сохтаси эса зайтун ёғига ўхшаб, сувнинг юзига сузиб чиқади ва тўдаланиб ёки юлдузларга ўхшаб, тарқалиб туради. Тоза ёғини сувга томизилганда олдин чўкиб, кейин эримасдан, устига сузиб чиқади, деювчилар хато қиладилар).

Табиати.

Ёғочи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Меваси эса ундан бир оз иссиқроқдир. Ёғи икковидан ҳам қиздирувчанроқдир. Бунинг иссиқлиги иккинчи[2] даража аввалида бўлади. Бунда гумон қилганларича, қиздириш хоссаси йўқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Тиқилмаларни очади. Ички аъзолардаги иллатга фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Бальзам, хусусан, гулсапсар илдизи билан бирга ишлатилса, яраларни тозалайди ва [чириган] суяк бўлакларини чиқаради.

Бўғинлар.

Ирқуннасода ичиш фойда қилади. Қайнатмаси тиришиш касаллигини даволаш учун ичилади.

Бош аъзолари.

Бошдаги яраларни ва бошнинг ўзини тозалайди. Тутқаноқда ва бош айланишида фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Ўзи ва ёғи кўзга тушган пардани кетказади [ва кўзни ўткир қилади].

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ёғочи ва дони икки биқин санчиғига фойда қилади. Оғир астма ва зиққи нафасда ва совуқ мизожли ўпка оғриғига фойда қилади. Меваси совуқдан бўлган ўпка яллиғланишига ва йўталга фойда қилади. Ёғи ҳам шундай таъсирга эга. Қисқаси, бу қориннинг [пастки] юмшоқ қисми устида жойлашган ички аъзоларга фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазм кучсизланишида фойда қилади. Қайнатмаси ҳазмнинг бузилишини йўқотади. Меъдани тозалаб, жигарга куч беради.

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни ҳайдайди, ичак оғриқларида фойда қилади. Бальзам билан буғлаш бачадон ҳўллигини шимдириб, йўқотади. Бачадон совуқлигида ҳам фойда қилади. Бачадондан болани ва йўлдошни чиқаради. Бальзам ёғини суртиш[3] бачадондаги турли оғриқларга фойда қилади. Қайнатмаси бачадон оғзини очади. Мумли суртмаси қизил гул ёғи || ва шам билан бирга *144а* ишлатилса, бачадон совуқлигида фойда қилади. Бу қийналиб сийишда ҳам фойдалидир.

Иситмалар.

Ёғи титроқли иситмани кетказади.

Заҳарлар.

Заҳарларга қарши туради. Афъо илони чаққанида фойда қилади. Ёғи сут билан бирга ичилса, сассиқалаф билан заҳарланганда фойда қилади. Заҳарли жониворлар чаққанида ҳам ишлатилади.

1 Commiphora opobalsamum E n g l.

2 Б. да: «учинчи».

3 Б. да: «у билан тутунлаш».

83 БАНАФСАЖ[1] – ГУНАФША

Моҳияти.

(Бу маълум ўсимлик). Илдизининг таъсири ўзининг таъсирига яқин.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва ҳўл. Бир тўда табиблар буни биринчи даражада иссиқ дейдилар. Япроғининг совуқлиги шубҳасиздир.

Хоссалари.

Айтишларича, бу мўътадил қонни туғдиради.

Шиш ва тошмалар.

Қуюқ суртмаси арпа толқони билан бирликда яллиғли шишларни босади. Япроғи ҳам шундай таъсирга эга.

Жароҳат ва яралар.

Гунафшанинг ёғи қўтир учун яхши суртмадир.

Бош аъзолари.

Буни ҳидлаш ва суртиш қондан бўлган бош оғриғини босади.

Кўз аъзолари.

Буни (қўйиб боғлаш ва ичиш) иссиқ кўз оғриқда яхши таъсир беради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Иссиқ йўталда фойда қилади. Гунафша, айниқса, унинг шакарда пиширилган мураббоси кўкракни юмшатади. Шароби зотилжам ва ўпка яллиғланишида фойдалидир; бу шу таъсирда гулобдан ортиқроқдир.

Озиқлантириш аъзолари

Меъданинг яллиғланишида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шароби буйрак оғриғида фойдалидир. Сийдикни ҳайдайди. Қуритилгани эса сафрони суради. Шароби ҳам мулойимлик билан ични юмшатади. Бу кўтан тушишида ҳам фойда беради.

[1] Viola odorata L.

84 БАҲМАН[1] – ҚОНТЕПАР

Моҳияти.

Ёғоч парчалардан, яъни бурушган қуруқ илдизлардан иборатдир, бу икки хил бўлади: оқ ва [267] қизил хили.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Зийнат.

Семиртиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни жуда кучли қилади. Хафақонда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эрлик уруғини кўпайтириши аниқ.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р.

Ўз вазнича *тударий* ва ярим вазнича қуш тили бунинг ўрнига ўтади.

[1] Statice limonium L. Centaurea behen L.

85 БИРИНЖОСФ[1] – БЎЙИМОДАРОН

М о ҳ и я т и.

Бу эрманга ўхшаган бир ўсимликдир. Лекин (бунинг туси яшилроқ бўлиб) ёпишқоқ ҳўлликка эга. Бир синфининг шохлари қисқа ва япроқлари катта бўлади. Кичик, ингичка, оқ ва сариқ япроқлари бўлиб, (кўклам) ва ёзда пайдо бўлади.

Жолинус бу икковининг мазаси[2] бир-бирига яқин бўлиб, икки ўсимликдир ва шу исм билан аталади, дейди.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ[3].

Х о с с а л а р и.

Латифлаштирувчи ва кучли очувчидир. Қуюқ суртмаси ортиқча хилтларнинг аъзода тўпланишига қаршилик қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қуюқ ё суюқ ҳолда бошга қўйиб боғланса, ё қуйилса, совуқдан бўлган бош оғриғига фойда қилади. Енгил қайнатилгани бурун тиқилмасига ва тумовга фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буйракдаги тошни майдалайди. Қайнатмасига ўтирилса, ҳайз қонини юриштиради. Бачадондаги яраларга фойда қилади. Йўлдошни ва бачадондаги болани туширади. Бачадон юмилишига қарши ишлатилади ва уни очади. Ичиш ва суртиш бачадоннинг қаттиқлашишида фойда қилади. Уни беш *дирҳамгача* ичирилади.

[1] Artemisia vulgaris L.

[2] Б. да: «табиати».

[3] Б. да «совуқ ва ҳўл».

М о ҳ и я т и.

Тамр *ҳиндий* данагига[2] ўхшаш бир ҳинд мевасидир. Мағзи ёнғоқ мағзидан ширин ва безарардир. Қобиғи тешик-тешик ва ғалвирак бўлади. Бунинг ғовак ерларида ҳидли ёпишқоқ асал бордир. Баъзи одамлар уни тишлари билан чақиб еб юрадилар ва айниқса, ёнғоқ билан ейилса, уларга зарар қилмайди.

Т а н л а ш.

Яхшиси қизғиш ранглисидир.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даража (охирида) иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Асали яраловчи ва яллиғлантирувчидир. Қонни ва [бошқа] хилтларни куйдиради.

З и й н а т.

Сўгални, песни, теридаги нақшларни кетказади ва балғамли «тулки касаллиги»ни тузатади.

Ш и ш л а р.

Ички яллиғли шишларни қўзғатади.

Б ў ғ и н л а р.

Асабнинг совушида ва бўшашишида, фалаж ва юз фалажида фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг *анақардиё* деб танилган маъжуни ейилса, эслаш қобилиятининг бузилганида фойда қилади. Лекин васваса[3] ва меланхолияни қўзғатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Тутунига тутилса, бавосирни қуритади.

З а ҳ а р л а р.

Бу заҳарлар жумласидан бўлиб, хилтларни куйдиради ва кишини ўлдиради. Бунинг заҳарига қарши тарёқ ёғи олинган қатиқдир. Ёнғоқ ёғи ҳам бунинг қувватини синдиради.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р.

Беш баробарича *бундуқ*нинг тўртдан бир вазнича бальзам ёғи ва учдан бир вазнича оқ нефть[4] билан қўшилгани ҳамма касалликларда бунинг ўрнига ўтади.

[1] Semecarpus anacardium L.

[2] Б. да: «хурмо данаги».

[3] Бир ривоятга кўра, машҳур араб тарихчиси Балозурий [892 йилда вафот этган]

балозур билан заҳарланиш натижасида васваса бўлиб ўлган ва шунинг учун унга шу ўсимлик номидан олиб Балозурий лақаби берилган.

[4] № 469 га қаранг.

87 БУРАҚ[1] – ТАНАКОР, БУРАҚ

Моҳияти.

Бу, туздан ва унинг қувватига эга бўлган нарсалардан кучлироқ. Лекин бунда буруштириш хоссаси йўқ. Гоҳо ланғиллаган чўғ устига қўйилган сопол идишда чучигунча қуйдирилади.

Танлаш.

Энг яхшиси Арманистондан чиқадиган енгил ясси қатламли, увалана-диган, булут каби оқ тусли ёки қизил гул ва гунафша рангли ва ачитадиган хилларидир. Африкадан чиқадиган хилини бошқа бурақларга солиштириш || бурақни тузга солиштириш кабидир. Муҳимроқ бирон сабаб бўлмаганида *144б* бурақни ичилмайди. Бурақнинг «кўпиги» унинг ўзидан латифроқдир. «Кўпиги» ўзининг барча қувватига эга бўлиб, унинг энг яхшиси тез майда-ланадиган мармар тусидагисидир.

Табиати.

Иккинчи даражанинг охирида иссиқ ва қуруқ. Қуруқлиги баъзан учинчи даражагача боради.

Таъсири ва хоссалари.

Бурақ, айниқса, Африкадан келтириладигани кучли тозалайди, ювади, (шилади), кетказади ва қуюқ хилтларни парчалайди. Бурақ хусусиятига эга бўлган моддаларда тузлилик бўлгани сабабли уларда тозалаш билан бирликда озгина буруштириш хусусияти ҳам бор. Лекин Африкадан кел-тириладиган хили бундан мустаснодир. Чунки унда буруштириш хоссаси бўлмай, ёлғиз тозалаш хусусияти бор. (Тузда эса буруштириш хоссаси бўлиб, озгина тозалашдан бўлак бирон таъсири йўқдир).

Зийнат.

Сочга сепилса, сочни ярақлатади[2]. Қуюқ суртмасини баданга суртилса, қонни баданнинг сиртига тортиб, рангни яхшилайди. Ориқликда фойда бе-ради. Лекин кўп ейиш тусни қорайтиради.

Шиш ва тошмалар.

Йирингни шимдириб тарқатиш билан қичимада фойда беради, хусусан, Африкадан келтириладиган хилини сирка билан ишлатилса, қўтирга ҳам фойда қилади.

Бўғинлар.

Бундан фалаж касали, хусусан, охирига етган фалаж касали ва қайтиш

[даврида] бўлган фалаж касали учун мумли суртма ясайдилар. Бу, асабнинг буралишида ҳам фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[268] Бошда пайдо бўладиган кепакни йўқотади. Унинг «кўпиги» асал билан бирликда қулоққа томизилса, қулоқни тозалаб, очади ва карликда фойда қилади. Узум шароби ёки *зуфо* шароби билан ишлатилса, қулоқнинг ғувуллашида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдага зарарли ва уни бузади. Бурақнинг Африкадан келтириладиган хили қустиради. Агар бу хилининг тозалаш хусусияти бўлмаса эди, меъдадаги хилтларни бошқа бурақларга қараганда кўпроқ парчалар эди. Буни анжир билан қўшиб, истисқода ишлатиладиган қуюқ суртма тайёрланади. Шунда у [истисқони] қайтаради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Кўтарилса, ични суради. Газагўт ёки зира билан ёинки газагўтнинг суви шу ва шунга ўхшаш ва укроп қайнатмаси (ва шароб) билан истеъмол қилинса, ичак оғриқларини босади. Шу ва шу каби таъсири билан туздан устун туради. Гижжаларни ўлдирадиган дориларнинг баъзилари билан бирга ичилса, гижжаларни чиқаради. Шунингдек, бурақ билан қорин ва киндикни силаб, олов яқинида ўтирилса, гижжаларни ўлдиради.

З а ҳ а р л а р.

Бурақнинг ҳамма хили, хусусан, Африкадан келтириладиган хили заҳарли қўзиқорин билан заҳарланиб бўғилишда қуйдирилгани бўлсин, ё қуйдирилмагани бўлсин, жуда яхши фойда қилади. Кўпиги ҳам шундай. Эшак ва тўнғиз чарвиси билан қўшиб, қутурган ит тишлаганида қўйилади.

Олакуланг ичиб, заҳарланганга *аффунатрун* деб аталувчи бурақни сув билан ичирилади. Бурақни болдирғон билан қўшиб, буқа қонини ичгандаги зарарни йўқотиш учун ҳам ишлатилади.

[1] Ёки *баврақ*. «Сайдана» № 184 (1).

[2] Б. да: «ингичкалатади».

88 БАСАЛ[1] – ПИЁЗ

М о ҳ и я т и.

Бу маълум нарса. Бунда парчаловчи ўткир маза билан бирга аччиқлик ва буруштириш таъсири бор. Пиёзнинг ейиладиган узунроқ хили бўлиб, ўткир, мазаси кучлироқдир. Қизили оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Қуритилгани ҳўлига қараганда ва хоми қовурилганига қараганда ўткирроқдир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ. Бунда ортиқча ҳўллик ҳам бор.

Таъсир ва хоссалари.

[Пиёз], айниқса, ейиладигани, латифлаштирувчи ва парчаловчидир. Бунда буруштириш билан бирликда кетказиш ва кучли очиш таъсири бор. Пиёзда дам қилиш ва қонни ташқарига тортиш хоссаси ҳам бордир. Демак, у терини қизартирувчидир. Бунинг пиширилмаганидан бошқаси арзирли [миқдорда] озиқли модда туғдирмайди. Пиёзли шўрва пиёзсиз шўрвага қараганда қоринни камроқ дам қилади. Пиширилган пиёзнинг озиқлик моддаси ғализ хилт пайдо қилади. Айниқса, ейиладиган пиёз турли сувларнинг зарарини қайтаради. (Пиёз суви ҳайз қонини юргизади). Пиёз турпи [сасиган сувнинг] ҳидини кетказадиган нарсалардандир.

Зийнат.

Юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказади. Бу «тулки касаллиги»да мўйи тўкилган ерда ишқаланса, жуда фойда қилади. Уруғи туз билан қўшиб, ишлатилса, сўгалларни қўпоради.

(Жароҳат ва) яралар.

Суви чиркин яраларга фойда қилади. Товуқ ёғи билан қўшиб, оёқ кийимидан шилинганга ишлатилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Суви бурунга юборилса, бошни тоза қилади. Бошнинг оғирлашганида, қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади. Пиёз бошни оғритадиган нарсалардандир. Буни кўп ишлатиш уйқу бостиради. Пиёз ёмон хилт туғдиргани учун ақлга зарар қиладиган нарсалардандир. Бу сўлакни ҳам кўпайтиради.

Кўз аъзолари.

Ейиладиган пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга сув тушгани [катаракта]да фойда қилади. Кўзни равшан қилади. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруғини асал билан қўйилади.

Кўкрак аъзолари.

Пиёз суви асал билан бирга ишлатилса, томоқ оғриқда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ёввойи пиёз ҳазмни қийинлаштиради. Бунинг бир хили қусишни қўзғатади. Ейиладиган пиёз аччиқлиги сабабли заиф меъдани кучли қилиб, иштаҳани очади. Пиёзнинг икки марта пиширилгани кўп озиқлидир. Чанқашга сабаб бўлади. Сариқ касалида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бавосирда томирларнинг тиқилмаларини очади. Пиёзнинг ҳамма турла-

ри шаҳвоний ҳисни қўзғатади. Пиёз суви ҳайз қонни юргизиб, ични юм-
145a шатади. ||

З а ҳ а р л а р.

Сувини туз ва газагўт билан бирга қутурган ит тишлаганида қўйилса, фойда қилади. Ейиладиган пиёз гармсел шамолининг зарарини қайтаради. Баъзи табиблар бу меъдада гармселнинг зарарини синдирадиган кўп миқдорда ҳўл хилт туғдиради, дейдилар. (Бу таъсирда пиёз кучлидир).

[1] Allium cepa L.

89 БАҚЛАТЯМАНИЙЯ[1]–ОЛАБУТА;ЁВВОЙИГУЛТОЖИХЎРОЗ

М о ҳ и я т и.

Дисқуридуснинг айтишича, яман бақласида ҳеч бир дорилик хоссаси йўқ. Бу Рум исмалоғи каби сувлиликдан иборат бўлиб, таъми йўқ. Бу жиҳатдан ҳамма сабзавотлардан устун туради. Коҳу ва қовоққа қараганда ҳам кучлироқ ҳўлловчидир. Озиқлиги оз, ҳеч бир бурақлик хусусияти бўлмаганидан, сингиши тез эмас.

Т а н л а ш.

Боғларда бўладиган қаттиқ хили яхшисидир.

Т а б и а т и.

Жолинуснинг (фикрича), иккинчи даражада совуқ ва ҳўл.

Ш и ш л а р.

Яллиғли шишларга суртма қилиб [қўйилади].

Я р а л а р.

Илдизи ҳўл ширинчага суртма қилиб [ишлатилади].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Яман бақласининг ширасы қизил гул ёғи билан аралаштириб ишлатилса, офтоб урганидан бўлган бош оғриқда фойда қилади.

[269] Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Бу, хусусан унинг бодом ёғи ва чучук анорнинг суви билан қайнатилгани йўтални тўхтатади ва, шунингдек, иссиқдан бўлган чанқовни босади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сафрони чиқариб, иситмани туширади.

[1] Chenepodium capitatum L.; Amaramthus Blitum L.

90 БУЛБУС[1] –«ЁВВОЙИ ПИЁЗ»

Моҳ и я т и.

Ейиладиган майда пиёз бўлиб, наргис пиёзига ўхшайди. Япроғи гандано япроғига ва гули гунафшага ўхшайди. Бунинг бир тури борки, у қустиради. Бир тўда табиблар буни «чўл пиёзи» дейдилар. [Бошқа] бир тўда табиблар эса, буни аччиқ пиёз жинсидан дейдилар. Бу панжангушт [*аганнис*] бўлса, эҳтимол. Бунинг ҳақидаги гаплардан шуларнигина ёздик.

Т а б и а т и.

Табиати пиёз табиатига яқин. Ортиқча ҳўлликка эга бўлиб, биринчи даражада қуруқдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

[Ични] ялантиради, терлатади, тилни дағал қилади.

З и й н а т.

Сепкилга, айниқса, офтобда суртилса, фойда қилади. Шунингдек, яралардан қолган изларни ҳам йўқотади. Бу танглай ва тилни дағаллайди. Тухумнинг сариғи билан сўгалларга ва *сиканжубин* билан (сутли) яраларга суртилади.

Я р а л а р.

Майда балиқнинг боши билан бирга қовуриб, иякдаги яраларга сепилса, уларни кўчиради, (дейдилар).

Б ў ғ и н л а р.

Бундан сирка қўшиб тайёрланган куюқ суртма мушак ўртасидаги лат ейишга қарши суртилади. Подаграда ва бўғин оғриқларида ҳам суртилади. Бир ўзи асабларнинг буралишига қарши суртилади. Тирноқ ва қулоқларнинг ва бошқа жойларнинг ёрилиб синишига қарши суртма бўлади. Уни толқон билан бирликда суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошдаги кепакка ва яраларга даводир. [Суяк] синмаган ёрилишларда тухумнинг сариғи билан аралаштириб, суртилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Бир ўзини ёки тухумнинг сариғи билан бирга, кўзнинг қонталашганида ишлатилади. Унга сирка қўшилса, кўзнинг бурун бурчагидаги оқма тешикка ва унинг шишларига яхши даво бўлади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг қизил ширин хили меъда учун яхшидир. Асал билан бирга меъда оғриқларида суртилади. Аччиқ хили яхшироқ бўлиб, таомни сингдиради. Бу солинган овқатнинг озиқлиги ортади, айниқса, яхши сифатли бўлмаса ҳам, хоми шундай [таъсирга эга]. Ҳазм бўлиб ўтмаса, қоринни оғритади ва дам қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади.

[1] Muscari comosum Mill.

91 БИЗР ҚАТУНО[1] – ҚОРНИ ЁРИҚ, ИСПАҒУЛ

Моҳияти.

Икки хил рангли бўлади. «Қиш» [қора] ва «ёз» [оқ] рангли. Бир ичими, қайси хилидан бўлмасин, икки *дирҳам* вазнидадир.

Танлаш.

Энг яхшиси тўла ва тиғизи бўлиб, сувда чўкади.

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл.

(Таъсир ва) хоссалари.

Гул ёғида ҳўллаб қовурилгани буруштиради. Сирка билан тайёрланган қуюқ суртмаси оғриқларни қолдиради. (Бу ниҳоятда яхши таъсир кўрсатади).

Шиш ва тошмалар.

Сирка билан ўлдирилгани иссиқ яллиғли шишларга, учуққа, сарамасга, хусусан, қулоқ остида бўлган ва шилликдан бўлган шишларга қарши ишлатилади.

Бўғинлар.

Сирка ва гул ёғи қўшиб тайёрланган қуюқ суртмасини асабнинг буралишида ва тиришганида, подаграда ва бўғинлардаги иссиқ оғриқларда суртилади.

Бош аъзолари.

Қуюқ суртмаси иссиқ бош оғриқларида фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Кўкракни юмшатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Шираси (гул ёғи ёки) бодом ёғи билан бирга сафродан бўлган қаттиқ чанқашга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Испағулнинг гул ёғида ҳўллаб, қовурилганидан икки *дирҳами* ични қотиради. Ичак шилинишида фойда қилади, хусусан, болаларда. Ўзидан шира чиқарадигани ва ширасининг ўзи гунафша ёғи бнлан бирга ични суради.

Иситмалар.

Иссиқ иситмалардаги алангаланишни босиш учун ичиладн.

[1] Plantago psyllium L.

92 БУЁНИС[1]

Моҳияти.

Бунинг энг кўп || истеъмол қилинадигани илдизидир. Унинг елими ва *145б*
ширасы ҳам бўлади. Елими ширасидан кучлироқ. Гоҳо зайтун ёғи, *муррий*[2] ва озгина шароб билан аралаштириб, қуюлгунча урилади. Қуюқлиги қанча мўътадил бўлса, шунча яхши бўлади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Эритувчидир.

Яралар.

Қаттиқ қуритиш хоссаси бўлганидан бузилган суякларни қовжиратиб чиқаради ва яраларни тозалайди.

Бўғинлар.

Асаб учун (жуда) мувофиқдир.

(Нафас ва) кўкрак аъзолари.

Кўкракдаги қуюқ чиқиндиларга қарши ишлатилса, фойда қилади, *Буёнисни* ичиш ва уни бўғлантириб, [нафас олиш][3] ўпка ва унинг яралари учун мувофиқ келади.

Озиқлантириш аъзолари.

(Ўзича ёки иссиқ сув билан ҳўллаб суртилса), талоқ қаттиқлашганида фойда қилади.

1 М. А. I, 369; фулфулмуя (мурч илдизи)
2 № 445 га қаранг.
3 Б. да; қуюқ суртма шаклида қўйиб боғлаш.

93 [270] БУСР ВА БАЛАҲ[1] – ХУРМО ҒЎРАЛАРИ

Моҳияти.

Булар таниқли бўлиб, (иссиқ мамлакатлардан бошқа жойда бўлмайди).

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир. Ғўра хурмо [*буср*] қуруқ хурмодан буруштирувчанроқдир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Дам қилади, айниқса, ширин бўла бошлаганининг кетидан сув ичилса, қоринда қулдураш пайдо қилади. Иккови ҳам ички аъзоларда тиқилмалар пайдо қилади. *Бусрнинг* қайнатмаси туғма иссиқликни сақлаш билан бирга-

ликда қориндаги қизишни босади. Буларни кўп ейиш гавдада қуюқ хилтларни туғдиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Буср бошни оғритади. Кўп ейиш маст қилади. *Буср* ва *балахлар* тиш ўрнига ва милкларга яхшидир.

Қ ў к р а к а ъ з о л а р и.

Булар кўкрак ва ўпка учун яхшидир[2].

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Улар меъдани тозалайди ва жигарда тиқилма пайдо қилади. Ҳазм бўлишлари суст[3]. Уваланадиган [хурмо][4] кам ҳазм бўлади. Юқоридаги икки хилининг озиқлиги кам бўлиб, ширинининг ҳазми унчалик суст бўлмайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буларнинг ҳар бири, айниқса, сирка ёки мози шароби билан аралаштирилганда ични қотиради. *Балах* сийдикни кўпайтиради. Мози сиркаси билан ичилса, бачадондан рутубатлар оқишига ва бавосирдан қон оқишига тўсқинлик қилади.

И с и т м а л а р.

Икковини ҳам кўп истеъмол қилиш, титратадиган ва тукларни ҳурпайтирадиган иситмани келтириб чиқаради.

[1] Phoenix dactylifera. Хурмонинг гулини *тал*, гулдан чиққандан кейинги мевасини *халол*, сўнг *балах* ва ундан кейинроқ *буср* дейилади. Сўнги иккиси хурмо ғўрасидан бўлиб, ейилади. Ундан кейин хурмони *рутаб* дейилади, бу ҳали қуримаганидир; қуритилганини эса *тамир* дейилади.

[2] Б. да: «ёмондир».

[3] Л. да: «кучлидир».

[4] Л. нинг ҳошиясида қуйидаги сўзлар бор: «янги хурмонинг бир турини Ирокда уваланадиган, деб атайдилар».

94 БУНК[1]

М о ҳ и я т и.

Бу (Ҳинд ва) Ямандан келтириладиган бир нарса. Баъзилар уни елимли араб акацияси [*умм ғилон*] нинг илдизи чириганда ундан тушадиган нарса, дейдилар.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси сариқ рангли, енгил, латиф ва яхши ҳидлиси бўлиб, оғир ва оқ хили эса ёмондир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва қуруқ. Баъзилар биринчи даражада совуқ, дейдилар.

(Таъсир ва) хоссалари.

Аъзоларни қувватли қилади.

Зийнат.

Терини тозалайди ва унинг тагидаги рутубатларни шимади, баданни хушбўй қилади ва *нура*[2]нинг ҳидини кесади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдага яхшидир.

(Бош аъзолари.

Ақл ва зеҳнни бузади).

[1] Диоскорид наскафтани – Nascaphthon.

[2] Ҳаммомда мўйни тушириш учун ишлатиладиган чаплама.

95 БИТТИХ[1] – ҚОВУН

Моҳияти.

Таниқлидир.

Табиати.

Иккинчи даража аввалида совуқ ва иккинчи даража охирида ҳўлдир. Уруғи қуритилса, ҳўлловчи бўлмасдан, балки биринчи даражада қуритади; илдизи ҳам қуритувчидир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Пишгани латиф ва хоми ғализдир. Пишмаган қовун таррак табиатига эга бўлади, Бунда қандай бўлмасин очиш хусусияти бор. Қовуннинг *мулюний*[2] хили туғдирадиган хилти жиҳатидан бошқаларига қараганда яхшироқ. Қовуннинг эти ва айниқса, уруғи етилтирувчи ва тозаловчидир. Бунинг етилгани ва шунингдек, етилмагани ҳам тозаловчи бўлади. Уруғи тозалашда кучлироқ ва улар меъдада қайси хилтга тўғри келса, ўшанга айланади. Сафрога ва айниқса, савдога қараганда балғамга [айланишга] мойилроқдир. *Мулюний* қовуни тезликда хилтга айланмайди.

Зийнат.

Терини тозалайди, айниқса, уруғи ва ичидаги бошқа нарсалар сепкил, доғ ва бошнинг кепакланишида фойда қилади; айниқса, ичидагисини қандай бўлса, шундайлигича буғдой уни билан хамир қилиниб, офтобда қуритилса, юқоридаги таъсирни беради.

Бош аъзолари.

Қобиғи [пўчоғи]ни манглайга ёпиштирилса, кўзга тушадиган назлаларга (жуда яхши) тўсиқлик қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қовун, айниқса, унинг илдизи қустирувчидир. [Илдизидан] икки *дирҳамни* шароб билан қўшиб, шу [аралашмадан] бир *оболо* ичилса, озор бермай қустиради. Қовун яхши ҳазм бўлмаса, қусиш билан бўладиган ичкетишни туғдиради. *Мулюний* қовуни суст ҳазм бўлади. Аммо ичи билан қўшиб, ейилса, суст ҳазм бўлмайди. Унинг озиқлиги яхшироқ ва хилти мувофиқрокдир. Буни бошқа таом кетидан ейиш керак. Чунки қовун бирон нарса кетидан ейилмаса, кўнгилни айнатиб қустиради. Иссиқ мизожли киши қовун устидан *сиканжубин* ичсин! Ҳўл мизожли киши кундур ёки занжабил мураббо ва шароб ичсин!

Чиқариш аъзолари.

Қовуннинг етилгани ҳам, хоми ҳам сийдикни ҳайдайди. Буйрак ва қовуқдаги майда тошларга, айниқса, буйракда бўлганига фойда қилади, *Мулюн* қовунининг, айниқса, юмшоқ (ва ширинининг) сийдикни ҳайдаш таъсири камроқ, тозалаш ва меъдадан тушиши кўпрокдир.

Заҳарлар.

146а Қовун меъдада бузилса, заҳарли табиатга эга бўлади. || Бунда уни тездан чиқариш лозим бўлади. (Яхшиси, мумкин бўлган бирон восита ёрдамида қусишдир).

[1] Cucumis melo L.

[2] Б. да: *«ҳилъюн»*. Лотинча melon га алоқали бўлиб, эрта пишадиган қовунни ифодалайди. «Сайдана» 157 (7).

96 БАЙЗ[1] –ТУХУМ

Моҳияти.

Бу маълумдир.

Танлаш.

Энг яхшиси товуқ тухумининг янгисидир. Ундаги нарсаларнинг энг яхшиси мағзи [ичидаги сариғи]дир. Тухум пиширишнинг энг яхши йўли қовуриш билан қотириб юбормасликдир. Товуқ тухумидан кейинги ўринда товуққа ўхшаган қушларнинг тухуми туради. [271] Масалан, қирғовул, тустовуқ, тоғ ва саҳро каклигининг тухумлари каби. Ўрдак ва шунга ўхшаганларнинг тухумлари ёмон хилтлидир.

Табиати.

Тухумнинг мизожи мўътадилга яқин. Оқи – совуққа ва сариғи – иссиққа мойилдир. Иккови ҳам ҳўл, айниқса оқи. Тухумларнинг энг қуруғи ғоз ва туяқушларнинг тухумларидир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Тухумда буруштириш хусусияти бор, айниқса, қовурилган сариғида. Оқи елимлаш хусусияти билан ачитадиган оғриқларни босади. Тухум шимувчи, тозаловчи ва сутга ўхшаб тез сингмайдиган бўлгани учун шундай [таъсир кўрсатади]. Пишганининг ҳазми сустроқ ва озиқлиги кўпроқдир. Тухумнинг озиқлик жиҳатидан энг яхшиси илитилганидир. Бунинг ўтиши тез бўлади.

З и й н а т.

Тухумнинг оқини (юзга) суртилса, қуёшнинг тери рангини қорайтиришига тўсқинлик қилади, қорайганини [доғини] кетказади. Сариғи қовурилиб, асал билан эзилса, сепкил ва офтобдан қорайганга қарши суртма бўлади.

Туғдарий тухуми, айтишларича, соч учун яхши бўёқ бўлади. Бунга ярарли бўлган вақтни қуйидагича тажриба қилиб билинади: юнгдан йигирилган ипни ичига солиб қўйилади ва унинг қорайишини кузатиб турилади. Айтишларича, лайлак тухуми ҳам шундайдир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шишга тўсқинлик қилувчи дорилар таркибига киради. Яралар ва шишларга қарши қилинадиган ҳуқналар таркибига ҳам киради. Зайтун ёғи билан қўшиб, оташакда суртилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Орқа тешик ва қовуқдаги жароҳатларга ва оловда куйганга юнг парча билан ишлатилса, яраланишга тўсқинлик қилади. Шунингдек, қайноқ сувдан куйганга ҳам ишлатилади.

Б ў ғ и н л а р.

Тухумнинг оқи ва сариғи асабларни юмшатади ва бўғин оғриқларининг ҳаммасида фойда беради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мия пардасидан оқувчи қонни тўхтатадиган дорилар таркибига киради ва тумовда фойда қилади. Товуқ тухумининг сариғи қулоқдаги иссиқ шишларга фойда қилади. Айтишларича, чўл тошбақасининг тухуми тутқаноқ касалига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Тухумнинг оқи кўздаги оғриқни босади. Сариғи заъфарон ва қизилгул ёғи билан кўзнинг лўқиллашида жуда фойда қилади. Арпа уни билан қуюқ суртма қилинса, кўзга тушадиган назлага тўсқинлик қилади, шунингдек, кундур билан суюқ суртма қилиб, кўзга тушадиган назлага қарши манглайга суртилади.

Н а ф а с (в а к ў к р а к) а ъ з о л а р и.

Ҳалқумнинг дағаллигида илитилган тухум фойда қилади. Тухум сариғини аталаб, илиқ ҳолида ичиш йўтал, қовурға плевраси, зотилжам,

сил, иссиқдан овоз бўғилиши, зиққинафас ва қон туфлашда фойда қилади. Чўл тошбақасининг тухуми болалардаги йўталда яхши таъсир бериши аниқланган.

Озиқлантириш аъзолари.

Шундайлигича сиркада пиширилгани меъда ва ичакларга бузилган моддаларнинг қуюлишига тўсқинлик қилади, қизилўнгач ва меъданинг дағаллигига фойда қилади. Тухумнинг қовурилгани тутунга [моддасига] айланади.

Чиқариш аъзолари.

Бутунлигича сиркада пиширилгани ичкетишда ва ичак шилинишида фойда қилади. Тухумнинг сариғи, айниқса, хомлигича аталанса, буйрак ва қовуқ яраларига фойда қилади. Тухумнинг тутунсиз иссиқ кул устида қовурилганини баъзи буруштирувчи нарсалар, ғўра суви билан истеъмол қилинса, ичкетишда фойда қилади. Ичак ва қовуқдаги дағалликда ҳам фойда қилади. Тухумнинг оқини қашқарбеда билан қўшиб, ичак яралари ва ичакларнинг сасишига қарши ҳукна қилинади. Орқа тешик ва қовуқдаги жароҳатларда фойда қилади. Тухум ва гул ёғига ботирилган пилта кўтаннинг шишида ва унинг лўқиллашига қарши кўтарилади. Тухум оқини ҳина ёғи билан қўшиб, чот оралигига кўтариладиган дори тайёрланади. Бу бачадон яраларида фойда қилади ва бачадонни юмшатади. Тухумни хомлигича аталаниб ишлатилса, қон кетиш ва қон сийишга қарши фойда қилади. Ҳамма тухумлар, айниқса, чумчуқларнинг тухумлари шаҳвоний қувватни орттиради. Айтадиларки, ғоз тухумини зайтун ёғи билан аралаштириб илиқ ҳолида бачадонга томизилса, тўрт кундан кейин ҳайз қонини юргизади.

[1] Ovum.

97 БИЛ, БУЛЛ[1]

Моҳияти.

Хузистонлик [табиблар]нинг[2] айтишича, бу ҳинд таррагидир. Бу кабар таррагига[3] ўхшайди. [Мазаси] аччиқ, занжабилга ўхшайди.

Табиати.

Иккинчи даражада, баъзиларча эса учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчидир, у ички аъзоларни кучли қилади.

Бўғинлар.

Асаб қаттиқлигига ва ҳўллигига, юз фалажи ва, умуман, фалаж каби совуқдан бўлган асаб касалликларига фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани ловуллаштиради. Қусишда фойда қилади. Овқат ҳазмини кучайтирувчи нарсалар таркибига киради.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади ва елни тарқатади.

[1] Aegle marmelos C o r r. – мармелос.

[2] Б. да: «Ҳиндийнинг».

[3] № 367 га қаранг.

98 БАЛИЛАЖ[1] – БАЛИЛА

Моҳияти.

Табиати билан омилага яқин, мағзи ширин бўлиб, фундуқ ёнғоғига яқиндир. || *146б*

Табиати.

[272] Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

(Таъсир ва) хоссалари.

Бунда (тозалаш), суюлтириш ва буруштириш қувватлари бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани тозалаш ва йиғиш билан кучли қилади. Меъданинг бўшашганида ва рутубатлилигида ҳам фойда қилади. Меъдани бундан кучлироқ тозалайдиган нарса йўқ.

Чиқариш аъзолари.

Кўпинча ични тўхтатади. Баъзан, табибларнинг фикрича, фақат юмшатади. Бу равшандир. У тўғри ичак ва орқа тешикка (жуда) фойдалидир.

[1] Terminalia bellerica R o x b.

99 БОДРАНЖБУЯ[1] – ЛИМОНЎТ

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Шилликдан ва савдодан бўлган иллатларнинг ҳаммасига фойда қилади.

Зийнат.

Оғизни (жуда) хушбўй қилади.

Яралар.

Савдодан бўлган қўтирга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Мия тиқилмаларига фойда қилади, оғиз ҳидланишини кетказади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни хурсанд қилади ва кучайтиради, юрак ўйнашини йўқотади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазмга ёрдам беради ва ҳиқичоқда фойда қилади.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р.

Хурсанд қилишда унинг ўрнига ўтадиган нарса ўз вазнича олинган ипак ва учдан икки вазнича олинган цитрон қобиғидир.

[1] Melissa officinalis L.

100 БОДИНЖОН[1] – БАҚЛАЖОН, ПОТИНЖОН

(М о ҳ и я т и.

Маълумдир).

Т а н л а ш.

Эскиси зараралидир, янгиси эса зарар қилмайди. Табиати ва таъми ишқор кабидир.

Т а б и а т и.

Ибн Мосаржавайҳнинг фикрича, табиати совуқдир. Лекин тўғриси шуки, аччиқлиги ва ўткир мазалиги сабабли ундаги ғолиб қувват иккинчи даражадаги иссиқлик ва қуруқликдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Савдо хилтини ва тиқилмаларни туғдиради.

З и й н а т.

Рангни бузади, башарани қорайтириб, рангни сарғайтиради. Бақлажоннинг майдаси пўчоқдан иборат бўлиб, сепкил пайдо қилади.

Ш и ш (в а т о ш м а л а р).

Саратонни, қаттиқликларни ва моховни келтириб чиқаради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бош оғриғини, тиқилмаларни ва оғизда тошмаларни пайдо қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва талоқда тиқилмалар пайдо қилади, бундан сиркада пиширилгани мустаснодир, чунки бунда у кўпинча жигар тиқилмаларини очади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бавосирни туғдиради. [Мева ва баргларининг] бандларини сояда қуритиб янчилса, бавосирга фойдали [суртма] бўлади. Бақлажоннинг ични суришга ва ични тўхтатишга муносабати йўқ. Лекин у ёғда пиширилса, ични суради ва сиркада пиширилса, ични тўхтатади.

[1] Solanum melongena L.

101 БАҲРОМАЖ[1] – ТОЛНИНГ БИР ТУРИ

Моҳияти.

Бу, хушбўй ўсимликларнинг бир хили.

Таъсир ва хоссалари.

Буни солиб қайнатилган сув баданнинг ҳамма жойидаги елни тарқатади.

Бош аъзолари.

Очилган гули бошдаги ғализ елларда яхши таъсир беради. Япроғини ҳидланса ҳам шундай таъсир қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични суради.

[1] Salix caprea L., S balchia

102 БУЗАЙДОН[1] – БУЗИДОН, САЛИБ; ДАСТАРБОШ

Моҳияти.

Ҳинд мамлакатидан келтириладиган ёғочдан иборат бир дори бўлиб[2], баҳман қувватига ўхшаш қуввати бор.

Танлаш.

Яхшиси оқ, йўғон, кўп чизиқли, дағал бўлади. Силлиқ, шохи ингичка, оқи кам хили ёмон бўлади. Буни *лаъбат ул-барбария*[3] билан сохталаштирадилар.

Табиати.

Учинчи[4] даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Хоссалари.

Латифлаштирувчи доридир.

Бўғинлар.

Бўғин оғриқларида ва подаграда фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни орттиради.

Заҳарлар.

Заҳарларга қарши таъсирга эга.

[1] Orchis morio L.; Tanacetum umbelliferum *Boiss*.

[2] Бу ўсимликнинг илдизи ишлатилган, шунинг учун ҳам Ибн Сино уни ёғочдан иборат бир дори, дейди.

[3] № 388 га қаранг.

[4] Б. да: «иккинчи».

103 БАРАНК КОБУЛИЙ[1] – КОБУЛ БАРАНГИ

Моҳияти.

Ҳинддан ёки Синддан чиқадиган дондир. Бу икки турли бўлади: нақшсиз майда хили ва нақшли катта хили. Энг яхшиси майда хилидир.

Бўғинлар.

Шиллиқни бўғинлардан кўчиради (ва бу жиҳатдан ниҳоятда яхши таъсир кўрсатади).

Чиқариш аъзолари.

Ичакдан шиллиқларни, ингичка гижжаларни ва қовоқ уруғисимон гижжани суради. Бу таъсирда жуда кучлидир.

[1] Embelia Ribes Burm.

104 БУҚИСО[1] – ҚАЙРАҒОЧ

Табиати.

Совуқдир.

Хоссалари.

Тозаловчи, бунда буруштириш хоссаси ҳам бор. Мевасининг ғилофида ҳўллик бор.

Зийнат.

Юзни ялтиратади.

Жароҳат ва яралар.

Янчиб, яраланган қўтирга қўйилади. Буруштириши ва тозалаши сабабли жароҳатларни ёпиштиради. Айниқса, дарахтининг пўстлоғи шундай [таъсирга эга]. Суви, илдизи ва япроғининг қайнатмаси синган суякларга қуйилади.

Чиқариш аъзолари.

Қалин қобиғидан бир *мисқол*ини совуқ сув ёки (райҳонли) шароб билан ичилса, шиллиқни суради.

[1] Ulmus densa L.

105 [273] БАҲОР[1] – ГОВЧАШМ

Моҳияти.

Говчашм, яъни «сигир кўзи» дейилган нарса. Гули сариқ, ўртаси қизил ва бобуна гули япроқчаларидан семизроқ бўлади.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Буни ҳидлаш бошдаги ғализ елларда фойда қилади.

[1] Anthemus arvensis. ёки A. Nobilis L.

106 БУСИР[1] – «СИГИРҚУЙРУҚ»

Х о с с а л а р и.

«Сигирқуйруқ», айниқса, унинг гули олтин ранглиси, шимдирувчидир. Мўътадил даражада тозалайди.

З и й н а т.

Ёввойисининг олтин рангли гули сочни қизартиради.

Ш и ш л а р.

Япроғининг қайнатмаси шишларда фойда қилади.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Асал билан жароҳат ва яраларга суртилади.

Б ў ғ и н л а р.

Қайнатмаси мушакларнинг узилишида фойда қилади. || *147а*

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тиш оғриғида қайнатмаси билан оғиз чайилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси кўзнинг иссиқ яллиғланишида фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси давомли йўталда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг оқ япроқли ва қора япроқли[2] хили давомли ичкетишга фойдалидир.

[1] Verbascum songaricum S c h r e n k. V. tharsus L. Сигирқуйруқнинг турли хилларидан олинадиган гуллари Фармакопея VIII да Flos verbasci номи билан келтирилган.

[2] Verbascum nigrum L.

107 БАНЖ[1] – МИНГДЕВОНА, ЭШАКМИЯ

М о ҳ и я т и.

Энг зарарли ва энг ёмон хили қора[2] хилидир. Ундан кейинги ўринда қизили туради. Оқ хили соғломроқ бўлиб, истеъмол қилинадиганидир. Ик-

кита олдингиси эса истеъмол қилинмайди. Қорасининг гули арғувон тусда, қизилининг гули сариқ тусда бўлиб, оқининг гули оқ тусда ёки сарғиш бўлади. Ишлатиладиганида ёғли ҳўллик бор.

Танлаш.

Энг яхшиси оқ хилидир. Бу топилмаганда қизили истеъмол қилинади. Қора хили ишлатилмайди. Лекин қора хилининг шираси афюн ўрнида истеъмол қилинади.

Табиати.

Қора хили учинчи даражада охирида, оқ хили учинчи даражада аввалида совуқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Увуштирувчидир. Қон кетишини тўхтатади. Ўзининг увуштириши билан лўқиллаган оғриқларни босади.

Зийнат.

Қонни ивитиш ва қотириш хусусияти борлиги сабабли семиртирадиган дорилар таркибига киради.

Шишлар.

Шишлардаги оғриқларни босади ва моякларнинг қаттиқлашишини тарқатади. Сарамасда ҳам фойда қилади.

Бўғинлар.

Уни суртиш ёки асал суви билан уч *қирот* вазнида ичиш подагра оғриғини босади. Агар япроғидан уч ёки тўрт *қиротни тило* шароби билан ичилса, суякларнинг ейилишини тузатади (дейдилар).

Бош аъзолари.

Қайси бир жинсидан бўлмасин, унинг шираси қулоқ оғриғини тўхтатади: сирка билан ва қизил гул ёғи билан ишлатилса, тишларнинг оғриғини босади. Уруғи ва илдизининг сиркада қайнатилгани ва ёғи шундай таъсирга эга. Бу, шунингдек, уйқу келтиради. Агар япроғидан бир миқдор ейилса ёки япроғининг қайнатмаси билан ҳуқна қилинса, ақлдан оздиради. Қулоқ оғриғини тўхтатиш учун ёғи қулоққа томизилади.

Кўз аъзолари.

Кўзнинг қаттиқ оғриқларини тўхтатиш учун уруғи ва япроғининг шираси кўзга суртилади. Ширасининг қуюлтирилгани[3] ёки япроғи ёхуд уруғи [пешонага] суртилса, кўзга тушадиган назлаларни тўхтатади.

Кўкрак аъзолари.

Мингдевонанинг уруғидан икки *оболо* ичилса, қаттиқ қон туфлашда фойда қилади. Эмчак шишларида япроғидан қуюқ суртма қилинади. Кўпинча йўтални босадиган дориларнинг таркибига киради. Бўғоз бўлгандан кейин пайдо бўладиган эмчак шишишида суртилса, шишни эритиб қайтаради.

Чиқариш аъзолари.

Шираси бачадондаги оғриққа қарши ишлатилади ва бачадондан қон оқишини тўхтатади. Япроғи мояк шишларида қуюқ суртма қилинади.

Заҳарлар.

Мингдевона заҳардир. Еган кишини ақлдан оздириб, эслаш қобилиятини бузади ва бўғилиш ҳам жинниликни пайдо қилади.

[1] Hyoscyamus albus L. Қора мингдевонанинг илдизига яқин жойидан ва танасидан олиб қуритилган барглари [Hyoscyamus niger L.], шунингдек, бунинг мойи ва экстракти Фармакопея VIII да ёзилган.

[2] Hyoscyamus niger L.–Қора мингдевонанинг гули сариқ рангли бўлиб, унда гунафша рангли доғлар ва томирчалар бордир.

[3] Б. да: «гули».

108 БИҚИЯ[1] – ХАШАКИ НЎХАТ

Моҳияти.

Қуввати ясмиқ қувватига ўхшаш бўлиб, ҳазми ундан қийинроқдир.

Табиати.

Мизожи мўътадил бўлиб, қуруқликка мойилдир.

Хоссалари.

Ясмиқ каби буруштирувчи бўлиб, савдони туғдиради.

Бўғинлар.

[Хашаки нўхат] бўғинлар учун яхшидир. Уни болалардаги сувли дабба ва чуррага қарши қуюқ суртма қилинади.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади.

[1] Vicia sativa L., V. Cracca L.

109 БАТТ – ЎРДАК

(Моҳияти.

Қушларнинг бир тури).

Табиати.

Иссиқ; уй қушларининг ҳаммасидан иссиқроқ, баъзи табибларнинг айтишича, совуқ мизожли кишини қиздиради ва иссиқ мизожли кишида иситма пайдо қилади.

Таъсир ва хоссалари.

Ёғи [274] оғриқни ва гавданинг чуқурроқ жойларидаги ачишишни

қолдиришда фойдалидир. Бу қушлар ёғининг энг яхшисидир. Гўшти елларни босади[1]. Тошлиги [меъдаси] кўп ғизолидир.

З и й н а т.

Ёғи рангни тоза қилади, гўшти семиртиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Товушни соф қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Гўшти меъда учун оғир бўлиб, суст ўтади, айниқса, ғознинг гўшти шундай; уларнинг энг енгил ва яхши қисми қанотларидир. Бу қушларнинг гўшти ҳазм бўлса, ҳамма қушларнинг гўштидан озиқлироқ бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни орттиради ва эрлик уруғини кўпайтиради.

[1] Б. да: «кўпайтиради».

110 БАРСИЁВУШОН[1] – ПАРСИЁВУШОН, СУНБУЛСОЧ

М о ҳ и я т и.

Ингичка бир ўт бўлиб, сув ҳавзаларининг, ариқ ва анҳорларнинг бўйларида ва қудуқларнинг ичларида ўсади. Ҳўл кашничга ўхшайди. Лекин тармоқлари қорамтир (қизил) пояси ва гули йўқ. Бунинг қуввати тездан кетиб қолади.

Т а б и а т и.

Жолинус буни мўътадил, дейди. Мен айтаманки, бу кўпинча иссиқликка ва жуда оз қуруқликка мойилдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Эритувчи, латифлаштирувчи ва очувчидир. Бунда буруштириш қуввати ҳам бўлиб, турли [суюқликларнинг] оқишига тўсқинлик қилади. Хўроз ва беданалар ейдиган донларга аралаштириб қўйилса, уларни кучли чўқийдиган қилади.

З и й н а т.

147б Кули сирка ва зайтун ёғи билан || «тулки ва илон касалликлари»да қуюқ суртма бўлади. Бу мирта ёғи ва шароб билан бирга ишлатилса, сочни ўстиради ва унинг тўкилишини йўқотади.

Ш и ш л а р.

Йирингли шишларда ва қулғунада фойда қилади.

Я р а л а р.

Оқма тешикларга, ёмон ва ҳўл яраларга фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Кулининг суви бошнинг кепакланишида фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг бурун бурчагидаги оқма ярага фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ўпкани жуда тозалайди (ва йўталда фойда қилади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Шароб билан ичилса, ортиқча хилтларнинг қорин ва меъдага оққанига қарши фойда қилади. Талоқ оғриғига ва сариқ касалига ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ҳайдайди, тошларни майдалайди ва ҳайз қонини юритиради. Йўлдошни чиқаради. Туққандан кейин келадиган суюқликларни тозалайди ва қон оқишни тўхтатади. Кўпчилик табиблар фикрича, ични қотиради. Ибн Мосавайҳнинг фикрича, ични суради.

З а ҳ а р л а р.

Буни шароб билан ичилса, илон чаққанга, қутурган ит ва бошқа заҳарли жонивор тишлаганига фойда қилади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Астма касалида ўз миқдорида олинган гунафша ва ё ярим миқдорида олинган чучукмиянинг қуюлтирилган шираси бунинг ўрнига ўтади.

[1] Adiantum capillus Veneris L.

111 БОЗРУЖ[1] – САДАРАЙҲОН

М о ҳ и я т и.

Бу *ҳавк* бўлиб, маълумдир. Ёғининг қуввати *марзанжўш* ёғининг қувватига ўхшаш, лекин ундан заифроқдир. Бунда бир-бирига зид қувватлар бор.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ, лекин иккинчига яқинроқдир. Биринчининг аввалида қуруқдир. Бунда ортиқча рутубат бўлиб, ҳўллиги иккинчи даражагача бориб етади. Лекин бу ҳўллаши ўз моддасидан эмас[2].

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш ва ични суриш [таъсири] бор. Суришга тайёрланган хилтга дуч келмаса, бу буруштиради, агар шундай хилтга учраса, уни суради. Бунда эритиш, етилтириш ва дам қилиш хоссаси ҳам бор ва у тезликда сасишга олиб боради. Натижада ёмон савдоли хилтни туғдиради. Уруғи баданида савдо пайдо бўлган одамларга фойда беради.

Ш и ш л а р.

Сирка ва қизил гул ёғи билан иссиқ шишларга суртилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ширасини томизилса, айниқса, узум сиркаси ва кофур билан пилта қилиб бурунга [тиқилса], бурундан қон кетишга қарши фойдалидир. Бу, тиш қамашганини[3] кетказади ва мизожга қараб, акса уришни тўхтатади ёки уни қўзғатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Суртмаси кўзнинг лўқиллашига фойда қилади. Рутубатининг ғализлиги ва буғга айланиши сабабли уни ейилса, кўзни хиралаштиради. Бунинг ширасини кўзга тортилса, кўзни кучли қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни жуда кучли қилади. Ўпка ва кўкракни қуритади. Унинг сувидан бир *ускурражаси* нафаснинг ёмонлашишида фойда қилади. Суви қон туфлашда фойда қилади ва сутни кўпайтиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазми қийин, тез сасийдиган (ва меъдага зараралидир). Хусусан, япроғи шундай.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични тўхтатади. Тайёр бўлган хилтга учраса, уни суради; сийдикни кўпайтиради, орқа тешикка[4] зарар қилади. Уруғи қийналиб сийишда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Арилар, чаёнлар ва денгиз аждаҳоси чаққанида қўйилади.

[1] Ocimum basilicum L.

[2] Яъни *бозруж* асл моддаси билан эмас, балки таркибига кирувчи ортиқча рутубат билан ҳўллайди.

[3] Б. да: «қулоқ оғриғини».

[4] Б. да: «меъдага».

112 БИРТОНИҚИЙ[1] – ГУЛТОЖИХЎРОЗ

М о ҳ и я т и.

Айтишларича, бу *бўстон афруздир*[2] ва бунинг япроғи отқулоқнинг япроғига ўхшайди, [275] лекин бу қорамтирроқ ва чиройлироқдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Япроғи (ниҳоятда) буруштирувчидир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Жароҳатлар ва яраларни бириктиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шираси оғиздаги эскирган яралар ва оғиз оғриғига энг яхши доридир. Бунинг қуюлтирилган ширасини олиш керак. Бу оғиз оғриғига (ниҳоятда) фойдалидир.

[1] Amaranthus tricolar L.; Rumex hudrolapathum H u d s.

[2] *«Бўстон афруз»* гултожихўрознинг форсча оти бўлиб, маъноси «бўстонни ёритувчи»дир.

113 БИЛАМУН[1] – ЁВВОЙИ СЕМИЗЎТ

М о ҳ и я т и.

Бу дашт кийикпанжаси бўлиб, сутли ўтлардандир. Уруғи сутли ўтлар каби оловли бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Ични] суради.

[1] Portulaca silvestris L.

114 БАҚЛА ҲАМҚО[1] – СЕМИЗЎТ

М о ҳ и я т и.

Маълумдир.

Т а н л а ш.

Таъсирда энг кучли қисми ширасидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада совуқ ва иккинчи даража охирида ҳўл.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш хусусияти бўлиб, қон кетишга ва давомли оқмаларга моне бўлади. Озиқлиги оз, лекин ёмон эмасдир. У сафрони кучли равишда кўчиради.

З и й н а т.

Бу билан сўгалларни қирадилар. Сўгалларни кайфияти билан эмас, балки хосияти билан қўпоради.

Ш и ш л а р.

Бузилиш хавфи бўлган иссиқ шишларга ва сарамасга қуюқ суртма бўлади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Уни шаробга аралаштириб, бошни ювилса, бошдаги тошмаларга фойда қилади. Дағалликни силлиқлайдиган хусусияти билан тиш қамашганини кетказади. Лўқиллайдиган иссиқ бош оғриғини босади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз яллиғланишида фойда қилади. [Шунинг учун] у сурмалар таркибига киради. Бу хил сурмани кўп ишлатиш кўзда парда пайдо қилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

148а Шираси || қаттиқ буруштирувчанлиги билан қон туфлашни тўхтатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ичиш ва қуюқ ҳолда суртиш меъда яллиғлаганида фойда қилади. Яллиғланган жигарга ҳам фойда қилади ва сафро қусишни тўхтатади. Иштаҳани туширади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичак шилинганида ва сафроли ич суришда семизўт билан ҳуқна қилинади. У, буйрак ва қовуқ оғриқлари ва уларнинг яраларига фойда қилади. Кўпинча шаҳвоний ҳисни кесади, (ҳатто қўшилиш қобилиятини йўқотади). Мосаржавайҳ эса, у шаҳвоний қувватни орттиради, деб гумон қилади, бу ҳол иссиқ (ва қуруқ) мизожли кишиларда бўлса керак. У ҳайз қонининг оқишини тўхтатади. Бачадон ачишганда фойда қилади. Суви эса қонли бавосирга фойда қилади. Шираси қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни чиқаради. Семизўтни қовуриб ейилса, ич суришни тўхтатади.

И с и т м а л а р.

Иссиқ иситмаларга фойда қилади.

[1] Portulaca o!eracea L.

115 БУНДУҚ[1] – ФУНДУҚ, ЎРМОН ЁНҒОҒИ

М о ҳ и я т и.

Бу маълум нарса бўлиб, унинг ерлилиги ёнғоқнинг ерлилигидан кўпроқдир. Бу, ёнғоқдан озиқлироқ бўлади. Чунки бунинг зичлиги кўпроқ ва ёғлилиги озроқ. Ҳазми эса сустроқдир.

Т а б и а т и.

Иссиқликка бир оз мойил бўлиб, қуруқликка мойиллиги яна ҳам камроқдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Бундан сафро туғилади. Бунинг буруштириш хоссаси ёнғоқдагига қараганда кўпроқдир. Ични дам қилиш ва қориннинг пастки қисмида еллар туғдириш хоссаси ҳам бор.

З и й н а т.

Унинг куйиндиси сочни бўяйди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғритади. Тумовни пишириш учун қовурилиб, озгина мурч билан ейилади. Букротнинг айтишича, фундуқ мия [моддасини] орттиради.

Кўз аъзолари.

Бир тўда табибларнинг айтишича, бунинг суюқ суртмасини кўк кўзли (боланинг) боши тепасига суртилса, кўзининг кўкини кетказади.

Кўкрак аъзолари.

Асал суви билан ейилса, давомли йўталга фойда қилади ва балғамни кўчиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазми суст. Қусишни қўзғатади. Бунинг ҳазми ёнғоқдан сустроқдир.

Чиқариш аъзолари.

Қобиғи буруштирувчи бўлиб, ични қотиради.

Заҳарлар.

Газанда жониворларнинг чақишида фойда қилади. Хусусан, анжир ва газагўт билан қўшилса, чаён чаққанида фойда қилади.

[1] Corylus avellana L.

116 БАНЖАНКУШТ[1] – ПАНЖАНГУШТ

Моҳияти.

Катталикда дарахт бўлишга яқинлашган бир ўсимлик бўлиб, сувга яқин жойларда ўсади. Тармоқлари қаттиқ, япроқлари зайтун япроғи каби бўлиб, юмшоқроқдир. Шохчалари тибда ишлатилмайди; гули, япроғи, меваси ва бошқа қисмлари истеъмол қилинади. Бунда латифлик, ўткир ва мози мазалик бор. Аммо қуруқ газагўти даражасида эмасдир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

(Таъсирва) хоссалари.

Латифлаштирувчи, елларни тарқатувчи бўлиб, дам қилиш хоссаси йўқдир. Бунда буруштириш билан бирликда очиш хоссаси ҳам бор.

Зийнат.

Рангни тозалайди.

Бўғинлар.

Япроғи билан бирликда асаб буралишига қарши [ишлатиладиган] қуюқ суртма қилинади, чарчаганликни кетказади.

Бош аъзолари.

Буни ичилса, бошни оғритади ва уйқу келтиради. Қуюқ қилиб суртилса, бош оғриғида фойда қилади. [276] Қовуриб ейилса, бошни оғритиш хоссаси камаяди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ҳамда талоқдаги тиқилмаларни очади. Агар бундан *сиканжубин* билан икки *дирҳам* миқдорида ичилса, талоқнинг қаттиқлашишида жуда фойдалидир. Истисқога ҳам фойда қилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Эрлик уруғини камайтириш билан бирликда сутни кўпайтирадиган нарсалардандир. Бунинг бир ичими бир *дирҳам* вазнигача.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон оғриқлари ва шишларини даволаш учун қайнатмасига ўтқазилади. Чўлялпиз билан бирга ичилса ва буғланса, эрлик уруғини қуритади. Бир неча шохини солиб устига чалқанча ётилса, иҳтилом ва эрлик олатининг қўзғалишини тўхтатади. Хотинлардаги жинсий алоқага бўлган қаттиқ истакни босиш учун тутатилади. Бу сийдикни ҳайдайди; уруғи орқа тешик ёрилганида жуда фойда қилади. Панжангушт, айниқса, уруғи сариёғ билан мояк қаттиқлашганида қуюқ қилиб суртилади.

И с и т м а л а р.

Тўрт кунлик иситмада фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Бундан бир *дирҳам* миқдорида ичилса, (чақадиган жониворлар) ва илонларнинг чаққанларида фойда қилади ва шунингдек, қутурган ит ва йиртқичларнинг тишлаганларига қуюқ ҳолда суртиш фойда қилади. Япроғининг тутуни чақадиган майда жониворларни қочиради.

[1] Шу дори *фанжангушт* номи билан № 568 да келтирнлган. Vitex agnus castus L.

117 БАСФОЙИЖ[1] – БИСТПОЯ (?)

М о ҳ и я т и.

Қора ва бир оз қизилга мойил ингичка бир ёғочким, кўп сондаги бўғин ва тармоқлари билан кўпоёқли куртни эслатади. Тотиб кўрилганда буруштирувчи маза билан бирликда ширин мазаси сезилади. Баъзи табибларнинг айтишича, ўрмонлардаги дуб дарахтлари устида ўсади. Тошларда ўсади, деювчилар ҳам бор.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси ичи писта мағзи рангида, яшил[2] ва сариққа мойил, жимжилоқ йўғонлигида, зич тузилгани ва янгисиким, унда билинар-
148б билинмас аччиқлик ва мози маза аралашган ширинлик бор. || Таъмида қалампирмунчоқ мазаси бор.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ бўлиб, қуритишда етукдир.

Хоссалари.

(Шимилтирувчи ва етилтирувчи бўлиб), дам ва рутубатларни шимдиради.

Бўғинлар.

Қуюқ суртмаси асаблар буралиб қолганида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Савдо хилтини ични оғритмасдан суради. Балғамни ва сувли каймусни ҳам суради. Қуланж касалида хўроз, балиқ ёки сабзавот шўрвасида қайнатилиб, берилади. Илдизини асал сувига сепиб ичилса, ўт ва балғамни суради. Бундан бир ичими олти *карамадан* икки *дирҳам*гачадир. Бир *карама* эса олти *қиротдан* иборат. Сув аралаштирилган асал шароби билан ичирилиши ва унинг олдидан бир оз цитрон ейилиши керак. Пиширилган нарсаларда тўрт *дирҳамгача* бўлиши мумкин.

Ўрнига ўтувчилар.

Ўз вазнича девпечак ва ярим вазнича ҳинд тузи бунинг ўрнига ўтади.

[1] Polypodium vulgare L.

[2] Б. да: «қизил».

118 БУССАД[1] – МАРЖОН

Моҳияти.

Таниқлидир. Бунинг қизили, қораси ва оқи бўлади.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва учинчи[2] даражада қуруқ.

Хоссалари.

Буруштирувчидир. Қон оқишни тўхтатади. Қуритиши буруштиришидан кўпроқ, ҳақиқатан ҳам қуритиши қаттиқ.

Яралар.

Ортиқча гўштни кесади [ейди].

Кўз аъзолари.

Маржон, айниқса, унинг куйдирилиб ювилгани, кўзни ўрнашиб қолган рутубатлардан тозалайди ва уларни шимиб, кўзни кучли қилади. Яра изларини кетказади ва кўз ёшланишига қарши фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Қон туфлашни тўхтатади ва балғам кўчишига ёрдам қилади. Қора хили ҳам шундай таъсирга эга, айниқса, унинг куйдирилиб ювилгани. Маржон

ярадан қолган изларни кетказадиган, юракни кучли қилиб, юрак ўйнокда фойда қиладиган дорилар жумласидандир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Талоқ шишганида сув билан ичилса, фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичак яраларига фойда қилади.

[1] Corallium rubrum L a m.

[2] Б. да: «иккинчи».

119 БИШ – ПАРПИ, БУВАНА

М о ҳ и я т и.

Ўлдирувчи заҳар.

Т а б и а т и.

Ниҳоят даражада иссиқ ва қуруқ.

З и й н а т.

Уни суртиш ва *базаржалий* деб аталган жуворишиндан ичиш песни кетказади ва шунингдек, моховга ҳам фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Ичган кишининг баданини бузадиган бир заҳар бўлиб, энг катта ичими ярим *дирҳам* вазничадир. Менимча, бундан озроқ миқдорда ичиш ҳам ўлдиради. Унинг тарёқи «биш сичқонидир»[2]. Бу шундай сичқонки, биш билан озиқланади, лекин ундан ўлмайди. (Бедана ҳам бу билан озиқланади, лекин бундан ўлмайди). Маъжунлардан мушк дориси бунга қарши туради.

[1] Aconitum ferox W a l l. Қоракўл парписининг [A. Kasakovicum Rapes] ва Жунғор аконитининг [A. Soongoricum Stapf.] тугунчакли илдизлари, Tuber aconiti tianschanici номи билан Фармакопея VIII да келтирилган.

[2] № 133 га қаранг.

120 БАЛЛУТ[1] – ЭМАН, БОЛУТ, ДУБ ЁНҒОҒИ

М о ҳ и я т и.

Бу таниқли бўлиб, буруштирувчидир. Шоҳ баллут [каштан] бунга қараганда камроқ буруштирувчидир. Дуб ёнғоқда бор нарсанинг энг буруштирувчанроғи унинг *жафти*, яъни ички қобиғидир.

Т а б и а т и.

Дуб ёнғоғи совуқ ва қуруқ бўлиб, қуруқлиги иккинчи даражада ва совуқлиги биринчи даражададир. [277] Шоҳ баллут ширин бўлгани

учун озгина иссиқлиги ҳам бор. Дуб япроғининг буруштириши кучли ва қуритиши озроқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Шоҳ баллутда тозалаш хоссаси бор, [дуб ёнғоқнинг] ҳамма турларида, айниқса, унинг ички қобиғида қориннинг қуйи қисмини дам қилиш, буруштириш ва қон кетишни тўхтатиш хусусияти бор. Ҳамма тури аъзоларга қувват берувчидир. Шоҳ баллутнинг ҳазми суст, лекин озиқлик жиҳатидан энг яхшидир. Агар шакар билан аралаштирилса, озиқлиги яна яхши бўлади.

Жолинуснинг айтишича, бу ҳамма донларга қараганда энг озиқлирокдир, ҳатто, нон қилинадиган донларга яқинлашади. Лекин шоҳ баллутнинг ширинлиги бўлганидан, ундан кўра озиқлирокдир. Яна шуниси ҳам борки, буларнинг озиқлиги одамлар учун маъқул эмас. Бунинг озиқлиги тўнғизларга яроқли бўлса керак. (Одамлар борки, буни ейишга одат қилганлар, улар бундан нон қиладилар, уларга зарар қилмайди, балки фойда қилади).

Ишлар.

Дуб ёнғоқни улоқнинг ёғи ва тузланган тўнғиз [гўшти] билан ишлатилса, қаттиқликларда фойда қилади. Дуб ёнғоқ иссиқ яллиғли шишларнинг бошланишида ҳам фойда қилади.

Яралар.

Дуб ёнғоқни куйдирилиб ишлатилса, оғиз оғриғининг ва югурук яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Дуб япроғини янчилиб, жароҳатларга сепилса, уларни ёпиштиради.

Бош аъзолари.

Дуб ёнғоқ ични қотириб, буғни қамаши сабабли бошни оғритади.

Кўкрак аъзолари.

Қон туфлашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда рутубатлигида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични қотиради. Ичак шилинишида (ва яраларда), қон оқишида фойда қилади ва сийдикни кўпайтиради.

Заҳарлар.

Чақадиган жониворларнинг заҳарларига қарши фойда беради. Қобиғининг (қайнатмаси) сигир сути билан ишлатилса, «арман ўқлари» заҳарига қарши фойда қилади. Шоҳ баллутнинг гўшти [мағзи] заҳарларга қарши яхши таъсир қилади.

[1] Quercus ilex L.

121 БАСБОСА[1] – ЖАВЗ БАВВО (МУСКАТ ЁНҒОҒИ) ПЎСТИ

Моҳияти.

Ранглари қизил ва сариққа мойил, бурушган, тўдаланган, ёғоч пўсти
49а ва япроқларга ўхшаган нарсалардир. || *Кабоба*[2] каби тилни ачитади. (Хитой шаҳарларидан келтирилади). Ибн Мосавайҳнинг айтишича, бу мускат ёнғоғи [*жавз бавво*]нинг қобиғидир. Масиҳнинг айтишича, бунинг қуввати *нормушк* қувватига ўхшаш ва ундан латифроқдир.

Табиати.

Бавлус мўътадил, дейди ва бошқалар эса иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир, дейдилар. Унинг иссиқлиги ва қуруқлигида шак йўқ.

Хоссалари.

Қорин дамланишини тарқатади. Унда буруштириш хоссаси ҳам бор.

Шишлар.

Мумли суртма таркибига кирса, ғализ қаттиқликларни шимдиради.

Зийнат.

Оғизни хушбўй қилади.

Бош аъзолари.

Бошдаги қуюқ еллардан келиб чиққан бош оғриғида ва бошнинг ярмиси оғришида гунафша ёғи билан қўшиб, бурунга тортилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар ва меъдани кучли қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қорни оғриган кишиларнинг ичларини тўхтатади. Ичак шилинишида фойда қилади. Бу бачадон учун ҳам яхшидир.

[1] Myristica fragrans H o u t t.

[2] № 138 ва 192 ларга қаранг.

122 БИЗР КАТТОН[1] – ЗИҒИР УРУҒИ

Моҳияти.

Қуввати сариқ йўнғичқа [*ҳулба*]нинг қувватига яқиндир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ бўлиб, ҳўллик ва қуруқликда мўътадилдир. Айтишларича, зиғирнинг қайнатмаси – ҳўлининг қайнатмасидир, унда ортиқча рутубат бор.

Хоссалари.

Хилтни етилтиради ва тозалайди. Ўзидаги ортиқча рутубат жиҳатидан қоринни дам қилади, ҳатто қовурилгани ҳам шундай. Қовурилганида

очиқдан-очиқ ва қовурилмаганида мўътадил равишда буруштириш билан бирга юмшатиш хусусияти бор. Бу бобунадан пастроқ даражада оғриқ қолдирувчидир.

З и й н а т.

Зиғир *натрун* ва анжир билан бирга сепкил ва сутли тошмаларга қуюқ суртма бўлади. Агар ўзига тенг миқдордаги индов [*ҳурф*] билан аралаштириб, асал билан қорилса, тирноқлар бурушишини, ёрилишини ва пўст ташлашини тузатади.

Ш и ш л а р.

Зиғир уруғини кул суви билан сиртдан ва ичдан ишлатилса, иссиқ шишларни, қулоқ орқасидаги шишларни ва қаттиқ шишларни юмшатади.

Б ў ғ и н л а р.

Мум ва асал билан бирликда тиришишга ва хусусан, тирноқларнинг тиришишига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Зиғир уруғининг тутуни тумовга фойда қилади, [умуман] зиғирнинг тутуни ҳам шундай.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Зиғир, айниқса, унинг қовурилгани, шилликдан бўлган йўталга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда учун зарарли, ҳазми қийин ва озиқлиги оздир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қовурилгани ични қотиради, қовурилмагани эса мўътадилдир. Сийдикни ҳайдаши заиф, лекин қовуриш билан кучли бўлади. Бол ва мурч билан ейилса, шаҳвоний ҳисни қўзғатади. Зиғир қайнатмаси билан бачадонга ҳуқна қилинади. Қайнатмасига ўтирилса, бачадондаги ачишиш[2] ва шишларга фойда қилади, шунингдек, ичак ачишганига ва шишларига ҳам фойда қилади. Зиғир уруғи [278] қовуқ ва буйрак яраларида ҳам фойда қилади. Зиғир уруғининг қайнатмасини қизил гул ёғи билан ҳуқна қилинса, ичак яраларига манфаати катта бўлади.

[1] Linum usitatissimum L. Бу ўсимликнинг тозаланган уруғларидан олинадиган ёғ [Oleum Lini] Фармакопея VIII да ёзилган.

[2] Б. да: «бачадонни ачиштирмасдан».

123 БАРДИЙ[1]– ПАПИРУС, ЛУХ

М о ҳ и я т и.

Бу таниқли нарса бўлиб, ундан Миср қоғози ишланади. Бу, қоғоз қувватига эгадир, унинг[2] куйдирилгани энг кучли қуритувчилардан ҳисобланади.

Т а б и а т и.

Совуқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Ўзи ва кули қон кетишни тўхтатади.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Янги жароҳатларни бириктириш учун сепилади. Баъзан сиркада ивитиб қўйиб, сўнг қуритилади, кейин уни оқма яралар ва ҳамма югурук яралар ҳамда жароҳатларнинг дорилари таркибига қўшилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Кули оғизга ел тушганида фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Кули қон туфлашни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Папирусни олиб, қуригунча зиғир латта билан ўраб қўйилади, сўнг бавосирга қўйилса, фойда қилади.

[1] Cyperus papyrus L.

[2] Б. да: «ҳар иккаласининг».

124 БОҚИЛЛО[1] – БОҚИЛА

М о ҳ и я т и.

Таниқлидир; бунинг мисрий, набатий (ва *ҳиндий*) хиллари бор. Набатий хилининг буруштириш қуввати кучлироқ бўлади. Мисрий хили эса ҳўл мизожлироқ ва унинг озиқлиги камроқдир. Янги ҳўл хили кўпроқ чиқинди берадиган бўлади. Унинг ҳазми суст ва кўп дам қилиши бўлмаса эди, яхши озиқ беришда арпа кашкобидан камлик қилмас эди; ҳатто бунинг пайдо қилган қони қуюқроқ ва кучлироқдир.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси қурт емаган семиз ва оқ ранглиси бўлиб, энг ёмони янгисидир. Уни ислоҳ қилиш [тузатиш] узоқ ивитиш, яхши қайнатиш [пишириш] ва мурч, туз, ангуза, *саътар* ва бошқа нарсалар билан тарбиялаб, ёғларга қўшиб ейиш билан бўлади (Ҳиндий хилига келсак, уни қустирувчи ва ични сурувчи дорилар таркибига маълум ўлчовда қўшадилар).

Т а б и а т и.

Мўътадилга яқин бўлиб, совуқ ва қуруққа мойиллиги кўпроқдир. Бунда,

айниқса, унинг ҳўлида, ортиқча рутубат бўлади, ҳатто янгисини совуқ ва ҳўл, деб ҳукм қилса ҳам бўлади. Боқиланинг совуқлигини учинчи даражага олиб борувчилар чегарадан чиқувчилардир.

Х о с с а л а р и.

Тозалаши оз ва дам қилиши кучлидир. Уни яхшилаб қайнатилса, лекин кашкоб даражасигача олиб бормасдан қайта-қайта сув билан кўп қайнатилса, дам қилиш хусусияти кетади. Агар боқиланинг пўстини олиб қайнатилса ва уни қозонда қўзғатмасдан дамлаб қўйилса, || дам қилиш хусусияти камаяди. Боқиланинг қовурилгани қоринни камроқ дам қилади, лекин ҳазми суст бўлади. Қобиғи билан пиширилгани қоринни кучли дам қилади. Уни эса оз дам қиладиган бўлса, ажаб эмас. *149б*

Набатий хилининг буруштириши қаттиқроқдир, пўсти эса яна кучлироқ буруштиради, лекин у тозаламайди.

Мисрдан чиқадиган хили ҳаммасидан ҳам буруштирувчироқ бўлади. Бунда тозалаш хусусияти ҳам бор, ундан ғовак гўшт туғилади ва у қуюқ хилтларни пайдо қилади. Буқрот бунинг яхши озиқлигини ва бу билан соғлиқнинг сақланишини айтган. Боқиланинг пўсти олингандан кейин иккига айириб, қон кетиб турган ерга қўйилса, қонни тўхтатади. Бунинг хоссаларидан бири шуки, бу билан боқилган товуқ тухумдан қолади; боқила [кишига] ташвишли тушларни кўрсатади. Боқила, хусусан, унинг янгиси, қичимани ҳам пайдо қилади.

З и й н а т.

Пўстидан қуюқ суртма қилиб, сочга суртилса, уни юмшоқ қилади. Агар у боланинг қовуғига суртилса, мўй чиқармайди. Шунингдек, уни тарашланган ерга қайта-қайта суртилганда ҳам мўй чиқармайди. Боқила, айниқса пўсти билан бирга ишлатилса, юздаги доғни, сепкилни ва қизил қонталашни кетказади ҳамда рангни яхшилайди.

Ш и ш л а р.

Шароб билан мояк шишига суртилади.

Я р а л а р.

Мушаклар яраларига фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Мушаклар тиришганига фойда қилади. Қайнатмасини тўнғиз ёғи билан қўшиб, подаграга суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғритувчи бўлиб, бош оғриғига йўлиққан кишиларнинг ҳаммасига зарарлидир. Миср боқиласининг ичидаги таъми аччиқ бўлган яшил нарсани эзиб, унга гул ёғи аралаштириб, оғриган қулоққа томизилса, оғриқни йўқотади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Буни асал ва сариқ йўнғичқа билан қўшиб, (кўз рангининг ўзгаришига ва кўзда қизил нуқталар пайдо бўлишига [турфага] қарши қуюқ суртма қилинади. Кундур, қуруқ қизил гул ва тухумнинг оқи билан) кўзнинг ирғиб чиқишига, хусусан, унинг кўз қорачиғида бўлганига қарши қуюқ суртма қилиб ишлатилади.

Н а ф а с (в а к ў к р а к) а ъ з о л а р и.

Боқила кўкрак учун яхшидир. Қон туфлаш ва йўталга қарши ишлатилади. Агар боқилани асал ва сариқ йўнғичқа уни билан аралаштирилса, томоққа ва бодом безларига фойда қилади. Унинг қуюқ суртмаси эса эмчак шишида ва эмчакда сут турилиб қолганда яхши таъсир қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазми қийин, бироқ [меъда ва ичаклардан] сирпаниши ва чиқиши суст эмас, тиқилмалар ҳам пайдо қилмайди. Пўсти билан сиркада қайнатилгани қусишни тўхтатади. (Ҳиндий хили эса кучли равишда қустиради).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сирка ва сув билан қайнатилгани, хусусан, қобиғи билан пиширилгани давомли ич суришга фойда қилади. [279] Боқила, айниқса, унинг набатий хили ичакларнинг шилинишида фойда қилади. Унинг толқони ўз ҳолича ёки атала қилиб ишлатилса ҳам шунга фойда қилади. Унинг қуюқ суртмаси (хусусан, шароб билан қайнатилгани) моякларнинг шишганига фойдалидир (Ҳиндистондан келадиган хилидан оз миқдорда, ҳаттоки уч *дирҳамдан* ҳам оз миқдорда ичилса, ични юриштиради ва суради).

[1] Vicia faba L.

125 БОБИЛУС[1] – СУТЛИ ЎТНИНГ БИР ТУРИ

М о ҳ и я т и.

Бу шундай нарсаким, уни «юнгли» ва «қаймоқли кўкнор»[2] деб атайдилар. Бу, ични суришда сутли ўтнинг ишини қилади.

Т а б и а т и.

Жуда иссиқ.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сутли ўтлар каби ични суради.

[1] Euphorbia peplis L.

[2] *Ал-хашхош ул-забадий*.

Т а н л а ш.

Сийдикларнинг энг фойдалиси асл туялардан ҳисобланган араб туясининг сийдигидир. Одам сийдиги сийдикларнинг энг кучсизи ҳисобланади. Ахта қилинган уй тўнғизларининг сийдиги бундан ҳам кучсизроқдир. Сийдикларнинг энг кучлиси эса эскисидир. Ҳар бир ҳайвондан ахтасининг сийдиги кучсизроқ бўлади. Сийдикларнинг энг тозаси одам сийдигидир.

Т а б и а т и.

(Айтишларича), иссиқ ва қуруқдир.

(Т а ъ с и р в а) х о с с а л а р и.

Сийдикларнинг ҳаммаси тозалайди, одам сийдигини ток кули билан қўшиб, қон оқиб турган ерга қўйилса, қонни тўхтатади. Бошнинг кепакланганига туя сийдиги билан ювиш фойда қилади, буқа сийдиги билан ювиш ҳам шундай.

З и й н а т.

Сийдик теридаги доғни кетказади.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Эшак сийдиги ва одам сийдиги, айниқса, унинг эскиси югурук яралар ва ҳўл яраларга ишлатилади. Тери шилинишига, қичимага ва песга, айниқса, *бурақ* ва шовил [*ҳуммоз*] суви билан ишлатилса, фойда қилади. Сийдикнинг қуйқасини сарамасга қўйилса, фойда қилади. Буни қўтир, ширинча ва қуртлаган яраларга суртилса ҳам фойда қилади. Оёқ товони яраларига улар тузалгунча сийиб турилади.

Б ў ғ и н л а р.

Сийдикни, айниқса, уй ва тоғ эчкисининг сийдигини суртиш асаб оғриқлари ва хусусан, асабларнинг тиришиш ва чўзилишларида фойда қилади ва шунингдек, сийдикни бурунга қўйиш ҳам юқоридагиларга фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мурр ивитилган буқа сийдигини суюлтириб, қулоққа томизилса, оғриғини босади, эчки сийдигининг ўзи ва унинг *мурр* билан қўшилгани ҳам шундай. Одам сийдигининг эскиргани қулоқдан йиринг оқишини тўхтатади. Қўзи[1] сийдиги бурунниng ҳид билмаслик касалига қаттиқ фойда қилади ва ғалвирсимон суяк тиқилмаларини жуда яхши очади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Киши сийдигининг, айниқса, болалар сийдигининг мис идишда қуюлтирилгани кўзга тушган оқ ва қўтирга фойда қилади ||. Гандано билан *150a*
қайнатилган сийдик ҳам шундай фойдаларни беради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Эмадиган болаларнинг сийдиклари «тикка нафас олишга» фойдалидир, дейдилар.

Озиқлантириш аъзолари.

Талоғи оғриган бир кишига тушида ҳар кун ўз сийдигидан уч ҳовучдан ичиб туриши буюрилган, шундай қилганда тузалиб қолган. Буни тажриба қилиб кўрилганда ажойиб таъсир қилишлиги топилган. Одам ва туя сийдиклари, айниқса, сут бериб турган туянинг сийдиги билан бирликда ишлатилса, истисқо ва талоқнинг қаттиқлашганига фойда қилади. (Шундай ривоят қиладилар: «Агар сиз туянинг сутини ва сийдигини ичганингизда соғлом бўлар эдингиз. Ҳақиқатда одамлар уни ичдилар ва соғайдилар»). Қизил урғочи эчкининг, хусусан, тоғ эчкисининг сийдиги, айниқса, хушбўй сунбул билан бирликда, шунингдек, тўнғизнинг қовуғида туриб қолган сийдиги шароб билан (иситмага қарши) ишлатилса, кучли таъсир қилади.

Чиқариш аъзолари.

Тўнғизнинг сийдиги буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди. Сийдик ҳайз қонини юриштиради. Эшакнинг сийдиги буйрак оғриғида фойда қилади. Одам сийдигининг гандано билан қайнатилганига беш кунгача ҳар куни бир мартадан ўтирилса, бачадон оғриқларида фойда қилади.

Заҳарлар.

Одам сийдигини ичиш ва қуйиш *афъо* илони чаққанида, айниқса, тош ораликларида яшовчи илонлар чаққанида фойда қилади. *Натрун* билан бирга ит тишлаганида ишлатилади ва ҳар бир тишланган ва чақилган ўрингa қуйилади. Одам сийдигининг эскиргани ҳамма заҳарларга қарши ва денгиз қуёни заҳарига қарши фойдалидир.

[1] Б. да: «туя».

127 БУЗОҚ – СЎЛАК

Танлаш.

Энг кучли таъсирлиси оч кишининг, айниқса, мизожи иссиқ кишининг наҳордаги сўлагидир.

Жароҳат ва яралар.

Темираткига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўздаги нуқтали қонталашларда, кўзга оқ тушганида фойда қилади.

Заҳарлар.

Заҳарли майда ҳайвонларнинг ҳаммасини, ҳатто илон ва чаённи ҳам ўлдиради.

128 БАЪР УЛ-ҲАЙАВОН – ҲАЙВОН ТЕЗАГИ

(М о ҳ и я т и.

Бу таниқлидир).

З и й н а т.

Сусморнинг[1] тезаги ўзининг тозалаш хусусияти билан нуқтали қонталаш[2] ва сепкилда фойда қилади. Туянинг тезаги ичилганда шундай фойда қилади ва сўгалларни туширади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Сусморнинг тезаги ўзининг тозалаш хусусияти билан бошнинг кепакланишида фойда қилади. [280] Туянинг тезаги бурундан қон кетишини тўхтатади. Тутқаноқнинг дорилари билан қўшиб ичилса ҳам фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сусмор тезаги кўз оқини кетказади.

Я р а л а р в а т о ш м а л а р.

Туянинг қумалоғи яра ва тошмаларни тарқатиб, йўқотади. Қўй қумалоғи ҳўл ширинчага шундай таъсир кўрсатади.

Ш и ш л а р.

Эчки қумалоғи қулғунани кучли равишда юмшатади. Туя ва қўй қумалоқлари сарамасга нисбатан шундай таъсир қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Туя қумалоғи бўғинларнинг оғриқлари ва шишларини босади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эчки қумалоғининг қуригани юнг парчасида [кўтарилса], бачадон оқмаларини тўхтатади.

З а ҳ а р л а р.

Эчки қумалоғининг [қуруғи] ва шунингдек, ҳўлидан бир *уқиясини* беш *ускурража* қора шаробда қайнатиб, қуюлгандан кейин чанқатувчи *афъо* илонининг чаққанига суртма қилинади. Қўй қумалоғининг куйдирилгани, айниқса, унинг сирка билан қорилганини қутурган ит тишлаган ерга суртилади.

[1] № 796 га қаранг.

[2] Б. да: «песга».

129 БАСАЛ УЗ-ЗИЗ[1] – «ЁВВОЙИ ПИЁЗ»

М о ҳ и я т и.

Қуввати ва таъмида «сичқон пиёзи»га[2] ўхшайди ва унинг ўрнида ишлатилади, лекин ундан заифроқдир.

Чиқариш аъзолари.

Бачадоннинг совуқ оғриқларини босади.

Заҳарлар.

Заҳарларга қарши фойда қилади. Чаён ва қоракурт чаққанларга ичирилади ва анжир билан аралаштириб, қуюқ суртма қилинади.

Ўрнига ўтадиганлари.

Тенг миқдорда олинган *зурунбод*[3] ва учдан икки ҳиссасича қалампирмунчоқ унинг ўрнига ўтади.

[1] Muscari comosum Mill. Liliaceae оиласи.
[2] Басал ул-фа'р.
[3] № 217 га қаранг.

130 БАНОТ ВАРДОН[1] – СУВАРАК, ЭШАККУРТ

Чиқариш аъзолари.

Эритиш қуввати зайтун ёғи, мум ва тухум сариғи билан синдирилгандан кейин бачадон ва буйрак оғриқларига қарши ишлатилса, фойда қилади ва бу аъзоларни қаттиқлаштирмайди. Сийдик ва ҳайз қонини юргизади. (Болани туширади). Ёввойи зира билан бирга қўшиб ишлатилса, бавосирга фойда қилади.

Иситмалар.

Титратадиган иситмага фойда қилади.

Заҳарлар.

Чақадиган майда жониворларнинг заҳарларига қарши фойда қилади.

Ўрнига ўтадиганлари.

Жилвир тош[2] бунинг ўрнига ўтади.

[1] Blatta; Omiscoidae.
[2] Қайшур.

131 БАДОШҒОН[1] – БОШҚОН

Моҳияти.

Бу *гашт-баргаштнинг* ўрнига ўтади. Зангилар бундан оёқ узуги қиладилар, чунки у – ёғоч[2] жинсидандир.

[1] Л. да: «баросфон». Б. да: «бадосфон» Spartium junceum L. (?) «Сайдана» № 136 (1).
[2] Л. да: «ўт».

132 БАҚЛА ЯҲУДИЯ[1] – КЎКТИКАН

Т а б и а т и.

Иссиқлиги мўътадилликдан юқорида.

[1] Eringium campestre.

133 БИШ МУШ [ВА] БУҲО[1] – «ПАРПИ СИЧҚОНИ» ВА УНИНГ ТАРЁҚИ

М о ҳ и я т и.

(Буҳо) биш билан бирликда ўсадиган бир ўсимлик бўлиб, қайси биш унга яқин бўлса, унинг дарахти мева қилмайди. Бу, бишга қарши энг буюк тарёқдир. Пес ва моховга нисбатан бишда бўладиган фойдаларнинг ҳаммаси бунда бордир. *Биш муш* эса бишнинг илдизи атрофида яшайдиган сичқон каби бир ҳайвондир.

З и й н а т.

Песга ва моховга фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Бу ҳар бир заҳарга ва илонлар заҳарига қарши тарёқ бўлади.

[1] № 119 билан солиштиринг.

134 БАТБОТ[1] – ҚИЗИЛ ТАСМА

М о ҳ и я т и.

Бу *асо ур-роий* [қизил тасма]дир. *Асо ур-роийнинг* хоссаларини *«айн»* ҳарфи бобида айтамиз. || *150б*

[1] Polygonum aviculare L.

135 БУШ ДАРБАНДИЙ – «ДАРБАНД ШИЁФИ»[1]

М о ҳ и я т и.

Арманистондан келтириладиган шиёф дори бўлиб, (уни қўй туёқларидан топиб оладилар).

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишлар ва тошмаларга қарши ишлатилади.

Б ў ғ и н л а р.

Иссиқ подаграга қуюқ суртмадир.

[1] Шиёф – момисо ширасининг қуйқасидан тайёрланадиган шамча дори. № 425 га қаранг.

136 БУТМ[1] – САҚИЧ ДАРАХТИ

Буни «Ҳо» ҳарфи фаслида *ҳаббат ул-хазрога* етганимизда айтамиз[2].

[1] Pistacea terebinthus L.
[2] № 279 га қаранг.

«ЖИМ» ج [Ж] ҲАРФИ

137 ЖАВЗ[1] – ЁНҒОҚ

Моҳияти.

Бу таниқлидир. Мизожи иссиқ. Бунинг тарёқи – иссиқ мизожли кишиларга *сиканжубин* бўлиб, меъдалари заиф кишиларга сирка мураббодир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражанинг аввалида қурук. Қуруқлиги иссиқлигидан камроқ. Бунда қуюқ рутубат бўлиб, эскирганда у кетиб қолади.

Таъсир ва хоссалари.

Қовурилганида кўпроқ буруштириш хоссаси бор. Япроғи ва қобиғи[2] буруштирувчи бўлиб, қон оқишга қарши фойдаси бор. Куйдирилган қобиғи ачиштирмасдан қуритади. Эскирган ёнғоқ ёғи эскирган зайтун ёғи кабидир. Эскирганининг тозаловчи қуввати кўпроқ бўлади.

Зийнат.

Ёнғоқнинг ҳўли хузистонлик табибларнинг айтишича, урилишдан қолган изларга қўйиб боғланади.

Шиш ва тошмалар.

Мағзини чайнаб, яраланган савдовий шишга қўйилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Елими иссиқ яраларга [281] сепилса ва у яраларга қўйиладиган марҳамларга киргизилса, фойда қилади.

Бўғинлар.

Асал ва газагўт билан асабнинг буралганига қарши ишлатилади.

Бош аъзолари.

Бошни оғритади. Япроғининг шираси илиқ ҳолда қулоққа томизилса, қулоқдаги йиринглашга қарши фойда қилади. Хузистонликларнинг айтишича, ёнғоқ тилни оғир қилиб, оғизда тошмалар пайдо қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ёғи ел-ярага, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қобиғининг шираси ва унинг қуюлтирилгани томоқ оғриқни қайтаради ва йўталда зарар қилади. Ёнғоқнинг эскирган ёғи томоқ оғриғини пайдо қилади. Ёнғоқнинг ҳамма хиллари, хусусан *мулукий?* дейилган катта хили ва мағзлари шишган эмчакка қўйиб боғланади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ёнғоқнинг ҳазми қийин бўлиб, меъда учун ёмондир. Ёнғоқ мураббоси ва ҳўл ёнғоқ меъдага яхшироқ ва зарари камроқдир. Бу ҳол иккала қобиғи шилинганда кўрилади. Ёнғоқнинг мураббоси мизожи совуқ меъдага фойдалидир. Мен айтаман: ёнғоқ фақат иссиқ мизожли меъдагагина мувофиқ келмайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ёнғоқ, айниқса, қовурилгани киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ични тўхтатади. Ёнғоқнинг қобиғи ҳайз қонининг кетиб туришини тўхтатади. Ёнғоқ мураббоси совуқ мизожли буйракка жуда фойдалидир. Қобиғининг кулини шароб билан ичилса ва кўтарилса, ҳайз қонини тўхтатади. Мураббо[4] билан ейилса, ични юргазади. Буни истеъмол қилиш майда гижжаларни ва қовоқ уруғисимон гижжани ҳайдайди. Ёнғоқ кўричакнинг ўзига фойда қиладиган нарсалардандир.

З а ҳ а р л а р.

Ёнғоқ анжир ва газагўт билан ҳамма заҳарларга қарши даво бўлади. Пиёз ва туз билан қўшиб, қутурган ит ва бошқа ҳайвонлар тишлаганига қўйиб боғланади.

[1] Juglans regia L.
[2] Яъни ҳўл пўчоғи (epicardium).
[3] Яъни шох ёнғоқ.
[4] Б. да: «*муррий*».

138 ЖАВЗБАВВО[1] – МУСКАТ ЁНҒОҒИ

М о ҳ и я т и.

Синиши осон, қобиғи юпқа, хушбўй, таъми ўткир, мози катталигида бир ёнғоқдир.

Т а б и а т и.

Масиҳ буни иккинчи даража охирида[2] иссиқ ва қуруқ дейди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш хоссаси бор.

З и й н а т.

Қизил нуқтали қонталашни кетказади ва оғизни хушбўй қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга парда тушганда фойда қилади. Кўзни қувватли қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични боғлайди, сийдикни юриштиради ва сийишнинг қийинлигида фойда қилади. Ёғларга қўшиб [суртилса] оғриқларга фойда қилади, шунингдек, хотинлар жинсий аъзосига кўтариладиган дорилар таркибига кирса ҳам оғриқни қолдиради. Қусишни тўхтатади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Унинг ўрнига бир ярим ҳисса оғирликда сунбул олинади.

[1] № 121 ва 192 ларга қаранг.

[2] Б. да: «учинчи даражагача».

139 ЖУНДИБИДАСТАР[1] – ҚУНДУЗ ҚИРИ, ЎҒЛОНОШИ

М о ҳ и я т и.

Бир дарё ҳайвонининг мояги бўлиб, сигирнинг қуритилган икки ўт қопчиғи каби бир томирга осилган, жуфт ҳолда бўлади. Унинг юпқа қобиғи бўлиб, сал нарса билан ёрилиб кетади.

Т а н л а ш.

Бунинг яхшиси икки мояк бирга жуфт ҳолида ёпишганидир. Бу хили бошқа нарса билан аралашмаган бўлади. Буни сохталаштирадиган нарсалар говшир ва елим бўлиб, буларни қон ва озгина *жундибидастар* билан қорилади ва қовуққа солиб қуритилади. У ҳайвондан бу аъзони олмоқчи бўлган киши бу аъзо устидаги терини ёриб, ундаги нарса билан бир-
151а ликда рутубатини чиқариши керак. || Бу рутубат асал қуюқлигидаги бир суюқликдир. Уларнинг ҳар иккаласини бирликда қуритиш керак.

Т а б и а т и.

Бу ҳар бир қиздирувчи ва қуритувчи нарсадан латифроқ ва кучлироқдир. Бу учинчи даража охиридан тўртинчи даражагача иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ бўлиши керак.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

[Ич] дамланишини тарқатади; бу билан бадан силанса, баданни қиздиради. Ичидаги мум каби нарса ачиштирувчи ва қаттиқ қиздирувчидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишларга фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Ўлдирадиган яраларга ёқади.

Бўғинлар.

Асабга фойда қилади ва қиздиради. Қалтираш, ҳўл мизождан бўлган тиришиш ва тортишишга, карахт бўлиш ва фалажга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Сирка билан қўшиб, эсдан чиқариш касалига ва летаргияга, гул ёғи билан қўшиб, уйқу касалига қарши ишлатилса, у иситма билан ўтадиган бўлса ҳам фойда қилади. Буни асал ва мурч билан ичирадилар. Шунда у фойда қилади, лекин зарар қилмайди. Бир ичими бир қошиқдир. Совуқдан ва елдан бўлган турли бош оғриқларда қўйиб боғланса ёки буғланса, оғриқни тарқатади. Совуқдан бўлган карликда ҳам фойда қилади. Қулоқда бўлган бодга бундан фойдалироқ нарса йўқдир. *Жундибидастардан* бир ясмиқ [*адаса*] вазнида олиб Рум сунбулининг ёғи билан ҳўллаб, қулоққа томизилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Буғини бурунга тортиш ўпка шишлари ва иллатларига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сирка билан ҳиқичоқ ва ташналикда ичирилади.

Чиқариш аъзолари.

Сирка билан ичириш ичак оғриқларини босади, [282] ич дамланишини тарқатади, ҳайз қонини юриштиради ва йўлдошни туширади. *Софин* томиридан қон олгандан кейин, бундан икки *дирҳамини* чўлялпиз билан бирликда асал қўшиб ичилса, безарар сийдиради, бачадондаги болани туширади, бачадон совушини, елини ва мояк совушини йўқотади.

Заҳарлар.

Заҳарли жониворлар чаққанида фойдаси бор. *Харбақнинг* бўғишига қарши тарёқдир. Қорамтир-кулранг хили заҳар бўлиб, кўпинча бир кунда ўлдиради. Ўлимдан қутилиб қолган кишини зотилжамга йўлиқтиради. Унинг заҳарига қарши турадиган нарсалар цитроннинг нордон суви, шароб сиркаси ва эшак сутидир.

Ўрнига ўтадиганлари.

Ўзича игир ва ярмисича олинган мурч бунинг ўрнига ўтади.

[1] Эркак қундуз (Castor fiber L.)нинг бир жуфт мушк безидан чиқадиган модда.

140 ЖОВШИР[1] – ГОВШИР

Моҳияти.

Говшир дарахтининг япроқлари ердан узоқ турмай, анжирнинг қуюқ яшил япроғига ўхшайди. Япроғининг шакли айланасига беш қирралидир.

Говширнинг танаси тарракка ўхшаш узун бўлиб, устида ғуборга ўхшаш туклари бор. Япроқлари жуда кичик, учида укроп тожига ўхшаш тожи бор. Гули сариқ ва хушбўйдир. Илдизлари кўп бўлиб, бир тупдан тармоқланади. Қобиғи қалин бўлиб, мазаси аччиқ, ҳиди оғирдир. Елимини йўғон илдизининг танасига уланган еридан ёриш билан чиқарилади. (Елимининг ранги оқдир). Қуритилса, сирти заъфарон тусда бўлади. Говширнинг бу хилига ўхшаган *фоноқис исқилиқус* ҳам говшир хилларидан ҳисобланади. Бунинг танаси ингичка бўлиб, бир тирсак баландлигига кўтарилиб, бодиён япроқларига ўхшаб тармоқланади. Бу *фоноқис* хилига қараганда заифроқ ва сустроқдир. *Фоноқис хирубиюн* дейилган хилининг япроғи оқ бобунанинг япроғи каби бўлиб, очилган гули олтин рангли бўлади.

Танлаш.

Илдизининг яхшиси ранги оқ, тилни ачитадиган, бурушмаган ва хушбўй хилидир. Мевасининг энг яхшиси танасининг ўрта қисмида бўлганидир. Елимининг энг яхшиси жуда аччиқ, ичи оқ, сирти заъфарон тусли, увалананадиган ва сувда эрийдиганидир. Юмшоқ қора хили қаврак елими [ушшақ] (ва мум) аралаштирилганидир.

Таъсир ва хоссалари.

Елларни тарқатувчи, юмшатувчи ва тозаловчидир.

Шиш ва тошмалар.

Қаттиқликларни юмшатади. Очилган гули тошмаларни юмшатади.

Жароҳат ва яралар.

Йўғон илдизи яланғоч суякларни даволашда ишлатилади. Асал билан қўшиб, эскирган яралар ва *нори форсийга* қарши ишлатилади.

Очилган гули жароҳатлар ва тошмаларни [даволаш] учун ишлатилади. Қисқаси ҳамма бўлаклари ёмон яраларга фойдалидир. Асал билан бирга ел тушган жойга ҳам қўйилади.

Бўғинлар.

Асал суви билан ёки шароб билан қўшиб, мушакнинг урилишдан бўлган лат ейишига қарши ичилади. Баъзи табиблар буни асабга зарарли дейдилар. Зарарли таъсири соғлом асаб учун бўлиб, ҳўл мизожли асабга нисбатан бўлмаса керак. Бу *иркуннасо* учун фойдалидир. *Иркуннасога* қарши сиқиб олинган шираси ҳам ичилади. Чарчаганликни йўқотади. Буни қўйиб
151б боғлаш бўғин оғриқларининг || ҳаммасида ва подаграда фойда қилади.

Бош аъзолари.

Тишнинг ейилган жойини бу дори билан тўлдирилса, фойда қилади ва оғриқларини қолдиради. Бош оғриғи, тутқаноқ ва болаларнинг шайтонлашида ҳам фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сурма қилиб кўзга қўйилса, кўзни равшан қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Япроғи биқин оғриғида қўйиб боғланади. Говшир яна совуқдан бўлган икки биқин оғриғи ва йўталга ҳам фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг ширасини суртилса, талоқ қаттиқлашганида фойда қилади. Бунинг ўн *драхмийси* бир кўзача узумнинг сиқиб олинган ширасига солинади. Икки ойдан кейин сузиб ишлатилса, талоққа жуда фойда қилади. Бу ичимлик истисқога ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон қаттиқлигини юмшатади ва томчилаб сийишда фойда қилади. Бундан бир *фундуқ* вазнидагиси иссиқ сув билан ишлатилса, сийдик ва ҳайз қонини юргизади ва совуқ мизожли бачадонга ёқади. Меваси ҳам, айниқса, эрман билан ҳайз қонини кўпайтиради. Говшир, айниқса, унинг илдизи бачадондаги болани ўлдиради. Буни кўтарилса ва ичилса, болани туширади. Бу бачадон бўғилишида ҳам фойдали бўлиб, унинг кўпчишини ва қаттиқлигини тарқатади. Қуланжга фойда қилади. Хом шиллиқни суради ва қовуқдаги қичимага фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Асал суви билан қўшиб, титратувчи иситмага ва даврий иситмаларга қарши ичирилади.

З а ҳ а р л а р.

Буни *зифт* билан қўшиб, марҳам ва қутурган итнинг тишлаганига қарши ёпиштириладиган дорилар тайёрланади. *Зарованд* билан қўшиб, заҳарли жонивор чаққан кишига шарбат тайёрланади. Шунингдек, сиқиб олинган суви ҳам юқоридагиларга қарши ишлатилади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Бунинг ўрнига ўтадиган нарса анжирдир, менинг гумонимча, қора қаврак елими бунга яқин келади.

[1] Opopanax chironicum K o c h. ўсимлигининг елими.

141 [283] ЖИЛЛАВЗ[1] – ФУНДУҚ; САНАВБАР БУЖУРИ

М о ҳ и я т и.

Бу катта санавбарнинг меваси бўлиб, озиқлик жиҳатидан ёнғоқдан яхшироқдир. Лекин ҳазм бўлиши суст. Чилғўза сувли модда ва ерли моддадан ташкил топган бўлиб, бунда ҳаво моддаси камдир. Бу тўғридаги

сўзнинг тўласини *«Сод»* [С] ҳарфи фаслида «санавбар» сўзи айтилган ердан қидирилиши керак.

Табиати.

Мўътадил бўлиб, унда бир оз иссиқлик бор.

Таъсир ва хоссалари.

Кучли, зарарсиз, ғализ озиқ бўлади. Ичаклардаги бузуқ рутубатларни йўқотади. Бунинг ҳазми сустдир. Ҳазм бўлиши совуқ мизожли кишиларда асал билан ва иссиқ мизожли кишиларда эса табарзад шакари [новват] билан яхшиланади ва натижада озиқлиги ҳам яхшиланади. Сувга солиб қўйилса, ўткирлиги, тез мазалиги ва ачитиш хусусияти йўқолади ҳамда ниҳоят даражада озиқли бўлиб қолади. Ҳатто, озиқлиги бўлмаган майда хили ҳам дориликдан озиқликка ўтади. Бу кичик хили ҳамма мамлакатларда бўладиган кичик санавбарнинг мевасидир.

Бўғинлар.

Асаб ва орқа оғриқларини ҳамда *иркуннасони* тузатади. Бўшашишга қарши ҳам фойдалидир.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ўпкани жуда тозалайди ва ўпка ичида бўлган йиринг ва қуюқ хилтни тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Чилғўза, хусусан, унинг мураббоси шаҳвоний ҳисни қўзғатади. Қовуқдаги йиринг ва тошга фойда қилади.

Заҳарлар.

Анжир ёки хурмо билан бирга ишлатилса, чаён чаққанига фойда қилади.

[1] Pinus pinea L.

142 ЖАНТИЁНО[1] – ГЕНТИАНА ИЛДИЗИ

Моҳияти.

Тагига яқин турган япроғи ёнғоқ япроғига ва баргизуб япроғига ўхшаган бўлиб, ранги қизил, ўртаси ва устлари кунгирали бўлади. Танаси силлиқ ва ковак бўлиб, бармоқ йўғонлигида ва узунлиги икки тирсак узунлигида бўлади. Япроқлари бир-биридан узоқ туради. Мевалари воронкаларга жойлашган ва илдизи *зарованд* илдизига ўхшаш чўзиқ бўлади. Ўзи тоғларда ва соя ҳам намлик ерларда ўсади. Айтишларича, унга *жантиёно* деб исм берилганига сабаб уни биринчи бўлиб таниган киши Жантин деган подшоҳ бўлгани учундир. Ўсадиган ери баланд тоғларнинг чўққиларида бўлади. Бундан қуйидаги усулда шира

олинади: бир неча кун, ҳатто беш кунгача сувга солиб қўйилади, сўнг қайнатиб тинитилади, кейин асалдек қилиб қуюлтирилади (сўнгра ишлатилади).

Танлаш.

Энг яхшиси Рум хилидирким, бу қизилроқ ва қаттиқроқ бўлади. Бу чўп бармоқ йўғонлигида катта-кичик илдизлардан иборат ва уларнинг ранги қорамтир сариқдир. Синдирилган ери тўқ сариқ бўлиб, ровоч илдизи рангига яқинлашади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Очувчи бўлиш билан бирга бунда буруштириш ҳам бор. Илдизи тиқилмаларни очишда, хилтларни суюлтиришда ва кетказишда ниҳоят даражага етгандир.

Зийнат.

Илдизи, айниқса, эслатиб ўтилган шираси, доғни кетказади.

Жароҳат ва яралар. || *152а*

Жантиёно, айниқса, унинг шираси, жароҳатлар ва ейилган яраларни тузатади.

Бўғинлар.

Бундан икки *дирҳамни* шароб билан ичилса, асаб буралганида фойда қилади. Бу юқоридан йиқилган кишига ҳам фойдалидир.

Кўз аъзолари.

*Жантиёно*дан кўз яллиғланишига чапиладиган дори тайёрланади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ширасидан икки *дирҳами* зотилжамга яхшидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар ва талоқ тиқилмаларини очувчидир. Бундан икки *дирҳам* вазнидагисини шароб билан жигар ва талоқ оғриқларида ва икковининг [мизожи] совуқлигида ва шишларида ишлатилади. Илдизини ичиш совуқдан иллатланган меъдани тузатади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди. Бачадондаги болани чиқариш ва тушириш учун илдизини *шиёф* қилиб, чотга кўтарилади.

Заҳарлар.

Чаён чаққанга қарши у энг яхши даводир. Икки *дирҳам* вазнидагисини шароб билан ичилса, ҳамма майда заҳарли ҳайвонлар чаққанида, қутурган ит тишлаганида ва ҳамма йиртқичлар тишлаганида фойда қилади.

Ўрнига ўтадиганлари.

Ўзига бир ярим баробар *асорун* ва ярим бараваридаги итқовун илдизининг қобиғи бунинг ўрнига ўтади.

[1] Gentiana lutea L.

143 ЖАВЗ ЖАНДУМ[1] – ЛЕКАНОРА

Моҳияти.

Бу нўхатдек доналарга айланган сарғиш оқ тусли тупроқдан иборат бўлиб, Барка ва Хуросондан келтирилади. Бундан асал қўшиб, набиз ичимлиги тайёрланади.

Табиати.

Бавлуснинг (айтишича), бунда совутувчи, ўчирувчи ва бир оз қуритувчи қувват бордир.

Таъсир ва хоссалари.

Қон кетишни тўхтатади.

Зийнат.

Семиртиради.

Яралар.

Темираткини тузатади.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади.

[1] Lecanora esculenta, affinis Ev.

144 ЖАВЗ УС-САРВ[1] – САРВ БУЖУРИ

Жароҳат ва яралар.

Бу даббага қуюқ суртма бўлади.

(Шишлар.

[Шишларга] фойдали қуюқ суртмадир).

[1] Cupressus sempervirens L.

145 ЖАБЛОҲАНГ[1] – ТОҒТУРБИТ

Моҳияти.

Бунинг таъсири ҳарбақнинг таъсирига яқин келади. Бир гуруҳ табиблар буни қора *турбуд* [284] уруғи дейдилар. Илдизининг қобиғи сариқ *турбудир*. Ўзи Суғдда[2] ўсади.

Танлаш.

Яхши хили Ҳинд мамлакатидан келтириладигани бўлиб, *тударийга* ўхшайди[3].

Бўғинлар.

Баъзан табиблар фалаж бўлган кишига бир *дирҳам* вазнигача ичириб кўрганларида аввал қустириб, сўнг тузатган.

Озиқлантириш аъзолари.

Кўнгилни айнатади[4], баъзан қаттиқ қустириш билан ўлдиради ҳам.

Чиқариш аъзолари.

Ични суради. Бунинг бир ичими ярим *дирҳам* вазничадир. Бир *дирҳам* вазнида ичиш хатарли.

Заҳарлар.

Бунда заҳарли қуввати бор.

[1] Reseda alba L.; Dictamnus albus L. № 735 га қаранг.
[2] Б. да шундай, Л. да: Саъидда, яъни юқори Мисрда.
[3] Б. да шу сўзлар «моҳият»га қўшиб юборилган.
[4] Б. да: қустиради.

146 ЖАВЗ ҲИНДИЙ[1] – КОКОС ЁНҒОҒИ, ҲИНД ЁНҒОҒИ

Моҳияти.

Бу норжил бўлиб, таниқлидир.

Танлаш.

Туси жуда оқ, ичидаги суви ширин ва янгиси яхши хилидир. Ичида суви бўлмаса, эскириб қолганини кўрсатади. Мағзининг пўсти олиниши керак.

Табиати.

Иккинчи даража аввалида иссиқ, биринчи даражада совуқдир. Бунда анчагина миқдорда ёт[2] ҳўллик бор. Янгиси эса биринчи даражада ҳўлдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунинг ҳазми оғир бўлиб, озиқ [сифатида] зарарсиздир.

Бўғинлар.

Ҳинд ёнғоғининг эскирганининг ёғи орқа ва икки тизза[3] оғриқларида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун оғир. Зарари оз бўлиши билан бирга яхши сифатли озиқдир. Қобиғи ҳазм бўлмайди, у олиб ташланиши керак. Маълум бир вақт ўтмай туриб устидан таом ейилмасин! Янгисининг ёғи каймус жиҳатидан сариёғидан ҳам яхшироқдир. Меъдага ёпишмайди ва уни бўшаштирмайди.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний ҳисни орттиради. Ёғи, хусусан эскирган ёғи, бавосирда ишлатилади. Айниқса, бунинг ёғини ўрик мағзи ёғи билан бирга, ҳар биридан бир *мисқолдан* олиниб ичилса, фойда қилади. Ҳинд ёнғоғи эскирса, қовоқ уруғисимон гижжа ва майда гижжаларни ўлдиради. Ейилса, гижжаларни ҳайдайди.

[1] Cocos nucifera L.
[2] Б. да: арзимайдиган миқдорда.
[3] Б. да: сонлардаги.

(ЖАВЗ РУМИЙ[1] – ҚОРАТЕРАК АКИРУС [ДЕБ ҲАМ] АТАЛАДИ

147

Моҳияти.

Айтадиларки, жавз румий дарахти Лирндонус дейилган дарёда ўсади. Ўша дарахтдан оқадиган елим бўлиб, бу елими чиқиши билан дарёда қотади. Бу *илақтрун* деб аталган нарсадир. Уни *хусуфурун* деб атаганлар ҳам бор. У *каҳрабодир*. Уваланса, ундан яхши ёқимли ҳид чиқади. Ранги олтин кабидир.

Табиати.

Учинчи даражада қаттиқ қиздирувчи ва биринчи даражада қуритувчидир. Елими қиздиришда жуда етук, гули ҳам кучли қиздирувчандир.

Бош аъзолари.

Дискуридуснинг ўз китобида айтишича, жавз румийнинг мевасини сирка билан ичилса, тутқаноғи бор одамга фойда қилади.

Бўғинлар.

Япроғи сирка билан қуюқ суртма қилинса, подаградан пайдо бўлган лўқиллашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Елимини ичилса, меъдага суюқлик оқиши тўхтайди.

Чиқариш аъзолари.

Елимини ичилса, ичакларга суюқликларнинг оқишини тўхтатади. Бу елим марҳамлар таркибига киради.

[1] Populus nigra L.

Бу фасл Л. да йўқ. Б. бўйича таржима қилинди. *Жавз румийнинг* луғавий маъноси «Рум ёнғоғи»дир; лекин аслида *ҳавр румий*, яъни қоратерак бўлса керак. № 260, 278 ва 340 ларга қаранг.

148 ЖАВЗ УТ-ТАРФО[1] – ЮЛҒУН БУЖУРИ

Моҳияти.

У *казмозак*[2]дир.

Табиати.

Иссиқликда мўътадилдек (ёки) биринчи даража аввалида, (қуруқликда эса биринчи даражанинг охирида) ёки ундан юқори даражада. Бир гуруҳ табибларча, биринчи даражада совуқ.

Таъсир ва хоссалари.

Қон кетишини тўхтатиш учун яхшидир.

Бош аъзолари.

Сирка билан қўшиб, тиш оғриганда оғиз чайилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сув ва сиркадаги қайнатмаси талоқнинг қаттиқлашганига қарши (жуда фойдалидир).

[1] Tamarix gallica L.

[2] Тожикча юлғун бужурини *казмозак* дейилади.

149 ЖУЛЛА НОР[1] – АНОР ГУЛИ

Моҳияти.

Бу дашт анорининг гулидир. Унинг Форсдан ва Мисрдан келтириладиган хили бор. Бу қизил, оқ ва қизил гул рангида бўлади. Унинг шираси ўз табиатида такасоқол ўсимлигининг шираси кабидир.

Бавлус айтади: «Бунинг қуввати анор ички пўчоғининг қуввати кабидир».

Табиати.

Биринчи даража охирида совуқ, иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Елимловчи ва ҳар бир оқишни банд қилувчидир. || Тиқилмаларни[2] *152б*
туғдиради.

Зийнат.

Милк қонашида яхшидир.

Жароҳат ва яралар.

Бунинг сепмаси жароҳатларни, эски яраларни, дарз кетиш ва узулишларни бириктиради.

Бўғинлар.

Бундан даббада ишлатиладиган ёпиштирма дори тайёрланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қимирлайдиган тишларни маҳкамлайди.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қон туфлашни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични қотиради. Ичак яраларида, бачадон оқмасида ва бачадондан қон кетишида фойда қилади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Дуб ёнғоғининг ички пўсти ва анор пўсти бунинг ўрнига ўтади.

[1] Punica granatum L.

[2] Б. да: савдони.

150 [285] ЖУФТ ОФАРИД[1] – САЛИБ

М о ҳ и я т и.

Санавбар шаклида[2] бир нарсаким, бошида икки тиканакка ўхшаш нарсаси бор. Яна уни бодомга ўхшайди ҳам дейдилар. Кўпинча ёрилиб, очилиб қолади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни жуда орттиради.

[1] Orchis latifolia. № 687, 750, 751 га қаранг.

[2] Яъни санавбар дарахтига ўхшаш пирамидал шаклга эга.

151 ЖИБСИН – ГАНЧ

М о ҳ и я т и.

Бу тиниқ ясси оқ ганч тоши бўлиб, куйдирилса, латифлиги ортади.

Т а б и а т и.

Совуқ ва қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Жипсловчидир. Қон кетаётган ерларнинг атрофига қўйилса, ўша [қон кетиш] бобида айтилганидек буруштиради. Чунки бунда елимлаш билан бирликда ёпиштирувчи қувват, ёпишқоқлик билан бирга буруштириш ҳам бордир. Агар куйдирилса, латиф бўлиб, қуритиши ортади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун қонашини тўхтатиш учун манглайга суртилади ёки бошни шу билан қопланади. Бунинг ганчга айлантирилгани ҳам, айниқса, арман лойи,

ясмиқ ва такасоқол билан бирликда мирта суви ва озгина сирка билан қорилиб ишлатилса ҳам шундай таъсирга эга бўлади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Тошга айланмасин учун тухумнинг оқи билан аралаштириб, қондан бўлган кўз оғриғига қўйилади.

З а ҳ а р л а р.

Гипс бўғувчи заҳарлар жумласидандир. (Бу хусусиятда ниҳоятда кучлидир).

152 ЖУЪДА[1]

М о ҳ и я т и.

Дармананинг бир хили бўлиб, бунда иссиқлик ва бир оз ўткирлик бордир. Кичик хили ўткирроқ ва аччиқроқдир. Бу хили бутоқлар ва сарғиш оқ рангли, тукли уруққа тўла гуллардан иборатдир. Пояси бир қаричга яқин бўлиб, (гул ва) уруғ билан тўла бўлади. Бошчалари думалоқ бўлиб, унда оқ қил каби нарсалар бор; ҳиди оғир ва бир оз хушбўйдир. Катта хили заиф бўлиб, бу ҳам аччиқ ва бунда бир қадар ўткир маза ҳам бор. Тоғда бўладигани кичик хилидандир.

Т а б и а т и.

Кичик хили учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир. Катта хили иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бу очувчи ва латифлаштирувчидир. Айниқса, кичик[2] хили ички аъзоларнинг ҳамма тиқилмаларини очади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ҳўли, хусусан, катта хилининг ҳўли, янги яраларни бириктиради ва қуруғи, айниқса, кичик хилининг қуруғи эса, ёмон сифатли яраларни бириктиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғритади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бу сирка билан бирга талоқ шишганига ва қаттиқлашганига суюқ суртма бўлади. Меъдага зарар қилади. Жулах, айниқса, каттасининг қайнатмаси қора сариқ касалига фойда қилади. Истисқога ҳам фойда қилади. Бу ҳар ҳолда меъда учун зараралидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди, ични суради (қовоқ уруғисимон гижжани ҳайдайди).

(И с и т м а л а р).

Чўзилма иситмаларда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чаён чаққанига фойда қилади. Катта хилининг қайнатмаси ҳамма заҳарли жониворларнинг чаққанига фойда қилади. Буни майда заҳарли жониворларни қочириш учун тутатилади ва остга солинади.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р.

Гижжани чиқариш, сийдик ва ҳайз қонини юргазишда ўз вазнича олинган ҳўл анор шохининг қобиғи ва учдан икки ҳиссасича олинган *салиха* шохининг қобиғи [*жулах*] ўрнида ишлатилади.

[1] Teucrium Polium L., туркманчаси *тулкидору*.

[2] Б. да: катта.

153 ЖУММОР – ХУРМО ДАРАХТИНИНГ ЎЗАГИ

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Буруштирувчидир.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Ҳалқумнинг дағаллигида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичкетишини ва қон кетишини тўхтатади.

З а ҳ а р л а р.

Қуюқ суртмаси қовоқари чаққанида фойда қилади.

154 ЖУММАЙЗ[1] – ТУТАНЖИР (?)

Тин [анжир] бобида келтирилади.

(М о ҳ и я т и.

Дисқуридуснинг ўз китобида айтишича, *жуммайз* анжир дарахтига ўхшаш катта бир дарахтдир. Бунинг сути жуда кўп бўлади. Япроғи тутнинг япроғига ўхшайди. Бир йилда уч марта ёки тўрт марта мева беради. Мевасини анжир каби шохчаларидан чиқармай, балки танасидан чиқаради. Мевасси ёввойи анжир мевасига ўхшайди. Хом анжирдан ширинроқ бўлади. Бунинг мевасида анжир уруғи катталигида уруғ йўқдир. Темирдан қилинган асбоб билан тилинмагунча етилмайди.

Кўпинча, Қария дейилган мамлакатда ва Родос дейилган жойда ўсади.

Мевасидан ҳар вақт фойдаланадилар. Баъзи одамлар уни *сиқумурун* деб атайдилар, бунинг маъноси аҳмоқ анжир демакдир. Таъми кучсиз бўлганидан шу исм билан номланган. Бу Кипр[2] номли оролда ҳам ўсади. Унинг япроқлари тутанжир япроғига ўхшайди. Мевасининг катталиги олхўри катталигича келади. Бу ундан ширинроқдир. Бу бошқа хоссаларда тутанжир мевасига ўхшайди.

Т а б и а т и.

[286] Айтишларича, иссиқ ва ҳўлдир.

Х о с с а л а р и.

Бу дарахтнинг сути бор дейдилар. Бу сут, мева тугмасдан бурун қуйидагича чиқарилади: сиртқи қобиғини эзиб, юнг билан сутини шимдириб тўпланади ва қуритилиб кулча қилинади. Уни ҳуқна қилиш учун ишлатилади. Бунда юмшатувчи ва кучли шимдириб юборувчи қувват бордир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Дискуридуснинг айтишича, тутанжирнинг озиқлиги кам ва меъда учун зараралидир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Айтишларича, бу дарахтнинг сути ёпиштирувчи бўлиб, бирикиши қийин жароҳатларда эт ундириб, битиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шимилиши қийин бўлган шишларни ҳам шимдириб юборади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Тутанжир ични сурувчидир.

И с и т м а л а р.

Бу дарахтнинг сути эт увушиб, тук ҳурпайишида фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарли жониворлар чаққанида суртилади).

[1] Ficus sycomorus L.

[2] Матн бузилган. Диоск. I, 143 га қараб тузатилди.

155 ЖАСС – ГАНЧ

М о ҳ и я т и.

Гипс кабидир[1].

[1] № 151 га қаранг.

156 ЖИЛД – ТЕРИ

Танлаш.

Териларнинг энг яхшиси, рутубатли бўлгани учун эмиш давридаги ҳайвоннинг терисидир.

Таъсир ва хоссалари.

Озиқлиги кам ва ёпишқоқдир. Сифат жиҳатидан почага яқин келади.

Эчки терисининг қириндиси қон оққанда қўйилса, уни тўхтатади.

Зийнат.

Афъо илони терисининг куйдирилгани «тулки касаллиги»га суртма бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Айтишларича, сув отининг[1] териси тошмаларга қўйилса, тузатади.

Жароҳат ва яралар.

Хачир ва шуларга ўхшаш ҳайвонлар терисининг кули оловда куйганга, чиқиққа ва шишмаган иссиқ яраларга қўйилади. Бу оёқ панжаси ва икки
153a сон шилинганда || оқма яраларда[2] ҳам даводир. Қўйдан шилиб олинган тери узилган жойга қўйилса, тузатади. Бу ёмон сифатли яраларга, қўтирга ва ел тушганга ҳам фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Қушлар, айниқса, хўрозлар меъдаси ва жиғилдонидаги ички терининг қуритилиб майдалангани *тило* шароби билан ичилса, меъда оғриғига фойда қилади.

Заҳарлар.

Эчкининг янги шилинган терисини афъо илонининг чаққанига қўйилса, заҳарни тортади, дейдилар.

[1] Яъни бегемотнинг.

[2] Б. да: бавосир.

157 ЖАНОҲ – ҚАНОТ

Танлаш.

Энг яхшиси товуқ қаноти бўлиб, ғоз қаноти ҳам ҳазм бўлиши сабабли озуқликка яралидир. Қанотнинг ҳаракати ва иши кўп бўлганидан у енгил бўлади. Гўшти кўп бўлганидан ва (юракка яқин бўлгани сабабли) озиқлиги кўп бўлади.

Шиш ва тошмалар.

[Табибларнинг] айтганларига қараганда, олапохта қушининг қанотини

ўз вазнича мингдевона билан аралаштириб, куйдирилса ва уни янчиб, туз ўрнида нонга солинса, бўйиндаги қулғунани қайтариб юборадики, ништар ишлатишга эҳтиёж қолмайди. Нонга сепилса ҳам шу таъсирни беради.

Чиқариш аъзолари.

Айтишларича, юқоридагича ишланган нон ични (юргазиб), қаттиқ суради.

158 ЖОР УН-НАҲР[1] – «СУВ ЛАВЛАГИСИ»

Моҳияти.

Гули нилуфарга ўхшаган бир ўсимлик бўлиб, сувга ботиб ўсиб, озгина қисми устида кўриниб туради. Бунинг қуввати *батботга*[2] яқин.

Табиати.

(Айтишларича), совуқ, қуруқ ва буруштирувчидир.

Жароҳат ва яралар.

Ёмон сифатли яраларни ва қичимани даволашга ярайди.

[1] Potamogeton natans L.

[2] № 134 га қаранг.

159 ЖАРОД – ЧИГИРТКА

Танлаш.

Энг яхшиси қанотсиз семиз хилидир.

Зийнат.

Айтишларича, оёқлари сўгалларни қўпоради.

Озиқлантириш аъзолари.

Думалоқ хилидан ўн иккитасини олиб, бош ва оёқ-қўллари юлиб ташланади. Озгина қуруқ мирта қўшиб, шундайлигича истисқо учун ичирилади.

Чиқариш аъзолари.

Томчилаб сийиш касалига фойда қилади. Бу билан буғланса, сийишнинг қийинлашганига, айниқса, хотинларга фойда қилади. Бу билан бавосир ҳам буғланади.

Заҳарлар.

Қанотлари йўқ семиз чигирткалар қовурилиб, чаён чаққанда ейилади.

160 ЖАМИСФАРАМ[1] – СУЛАЙМОН РАЙҲОНИ

Табиати.

Қуввати дармана ва итузум қувватига баробар келади.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи ва очувчи бўлиб, қорин дам бўлишини ва айниқса, елларни босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдадаги ёпишқоқ рутубатларни шимдиради. Болаларнинг меъдаларига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Болаларнинг миясида бўладиган елларга (ва бачадон елларига) фойда қилади.

[1] Ocimum filamentosum Forsk. ёки O. gratissumum L.

161 ЖУБН – ПИШЛОҚ, ПАНИР

Моҳияти.

Пишлоқ гоҳо янги сутдан олинади ва гоҳо ивиган сутдан олинади. [Сўнггиси] *ақит* [сузма] [287] дейилган нарса.

Табиати.

Янгиси иккинчи даражада совуқ ва ҳўлдир. Тузланган эскиси иссиқ ва қуруқдир. Пишлоқ суви дастлабки қон ва сафровий бўлакдан пайдо бўлган *бурақли* нарса бўлганидан, унда бир оз иссиқлик бўлади.

Танлаш.

Ёмони ёпишқоқ ва уваланувчан хиллари бўлиб, яхшиси буларнинг ўртасида бўлганидир. Ёт, таъмсиз хили бир оз ширин бўлиб, ўртача тузли бўлади, узоқ вақт кекиртирмайди ва қатиқдан олинади. Мана шу энг яхшиларидир. Суюлтирувчи дорилар пишлоқнинг ёмон хоссасини кўпайтиради. Чунки булар уни суюлтириб, ҳар ёққа таратадилар. Суюлтирувчи хоссага эга ўтларни еган эчкининг пишлоғи буғдой ўти ва бурчоқ каби ўтларни еган эчки пишлоғидан яхшироқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда тозалаш хусусияти бор. Пишлоқнинг янгиси озиқлантирувчи ва семиртирувчидир. Бунинг кейинидан асал ейилади. Эскиргани [қуригани] ўткир, кучли кетказувчи ва тозаловчи бўлиб, ўт хилтини пайдо қилади.

Пишлоқнинг тузланиб, эскирмагани ўртача хоссага эгадир. Пишлоқ суви итларни жуда семиртиради ва уларга озиқ бўлади. Пишлоқ хилларидан бўлган сузмада эритувчи қувват бордир.

Зийнат.

Пишлоқнинг суви савдо хилтини тозаловчи даволар билан биргаликда

ишлатилса, сепкилга фойда қилади. Янги пишлоқ ўз вазнича *тило* шароби билан анор қобиғида (ярми) қолгунча қайнатилса, юз тиришиш касалини йўқотади. Тузланган эски пишлоқ ориқлатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Тузланмаган янги пишлоқ жароҳатларнинг шишишини тўхтатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Эски пишлоқ ёмон сифатли яраларга ва жароҳатларга, янгиси эса янги енгил яраларга яхшидир. Чунки янгиси бу жиҳатдан кучлироқ бўлади ва у, айниқса, чинор барги ва қўзиқулоқ билан ишлатилса, жароҳатлар шишишини тўхтатади. Унинг зардобини ичиш қўтирга яхшидир. || *153б*

Б ў ғ и н л а р.

Пишлоқнинг эскисини зайтун ёғи билан ёки тўнғизнинг тузланган почалари қайнатмаси билан эзиб, бўғинлардаги тошдек қотиб қолган ерга қуюқ қилиб суртилса, уларни қийнамай, ганчдек қилиб чиқариб юборади. Бунинг фойдаси жуда каттадир, (дейдилар).

К ў з а ъ з о л а р и.

Тузланмаган ва тузланган пишлоқ ҳам кўз яллиғланишига ва кўздаги қизил нуқтали қонталашга қуюқ суртма бўлади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Пишлоқни сувда қайнатиб, эмизувчи хотинга ичирилса, сути кўпаяди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Пишлоқнинг тузлангани меъдага зарарлидир. Тузланмагани ҳам шундай, лекин тузланганида озгина ошлаш хусусияти бор.

Дискуридуснинг айтишича, пишлоқнинг янгиси меъда учун яхшидир. Бу текшириб кўрилиши керак бўлган нарсалардан. Тузланиб эскирмагани ўртачадир ва у тез ҳазм бўлиб, ўтиб кетади.

Сузманинг меъдага зарари оддий пишлоққа қараганда камроқдир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Пишлоқ, айниқса, унинг янгиси ва хусусан, сингдирувчи дориворлар билан ейилгани буйрак ва қовуқда тош пайдо қилади. Тузланмагани ични юмшатади. Суви сафрони суради. Бу ишда ўзида бўлган *бурақлиги* ва унинг кетказиш хусусияти ёрдам қилади. Пишлоқни асал билан аралаштирилса, фойдаси кўпроқ бўлади.

Пишлоқнинг дори учун истеъмол қилинадигани эчки ва қўй сутидан тайёрланадиганидир. Пишлоқ, айниқса, унинг қовурилгани, ичак яраларига фойдалидир. Ич суришни тўхтатади. Гоҳо қовурилганини янчиб, қизил гул ва зайтун ёғи билан қўшиб, ҳуқна қилинса, одат бўлиб қолган ичкетишга фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Айтишларича, пишлоқни тоғялпизи билан қўшиб, заҳарланишга қарши суртма қилинади.

162 ЖАДВОР[1] – ЗАДВОР

Моҳияти.

Қувватда *заровандга*[2] ўхшаш ёғоч парчалари бўлиб, ундан ингичка ва яхшироқдир. *Биш* билан бирга ўсиб, унинг қувватини заифлаштиради. Мосаржавайҳнинг айтишича, парпи ўз таъсирида *дарунаж*[3]*га* ўхшайди, лекин бу ундан кучсизроқдир.

Менимча, Мосаржавайҳ парпи *зарованддан* заифроқ, деб тушунган бўлса, бу ҳақиқатдан узоқ эмас. Менимча, Мосаржавайҳнинг тажрибаси шуни ажратишга бориб етган. Лекин бу ривоят сўзи ишончли бирон манбага асосланмаган. Парпи [таъсирда] *биш*га қарши туради, деб таърифлайдилар. Агар шундай бўлса, қандай қилиб *дарунаж*дан заифроқ бўлади.

Заҳарлар.

Парпи ҳамма заҳарларга, масалан, афъо илонига, бишга ва бошқаларга қарши тарёқдир.

Ўрнига ўтувчилари.

Тарёқликда ўзининг уч вазнича олинган *зурунбод*[4] бунинг ўрнига ўтади.

1 Curcuma zedoaria R o s c o v. № 237 га қаранг.
2 № 238 га қаранг.
3 № 169 га қаранг.
4 № 217 га қаранг.

163 ЖАЗАР[1] – САБЗИ

Моҳияти.

Бу маълум нарса; уруғларининг энг кучлиси ёввойисиникидир.

Дискуридуснинг айтишича, [сабзининг] бир синфи борки, унинг япроғи бодиён япроғидан кичик, лекин унинг суратида, танаси эса бир қаричга яқин, гули сариқ ва меваси оқ бўлади [288]. Кашнич ёки укроп боши каби соябон шаклидаги боши ва ўткир мазали оқ меваси бор. Ҳиди ва чайнами ёқимлидир. Офтоб тушадиган ва тошлоқ ерларда ўсади.

Боғларда бўладиган [иккинчи хили] Рум петрушкасига ўхшайди. У, ўткир мазали ва куйдирувчи бўлиб, ҳиди ёқимлидир. Учинчисининг япроғи кашнич япроғи каби бўлиб, гули оқ очилади. Боши ва меваси укропнинг боши ва мевасига ўхшаш бўлади. Уруғдони ёнғоқникига ўхшаш бўлиб, ичи шакл ва ўткирликда зирага ўхшаш бўлган уруғлар билан тўла бўлади.

Табиати.

Учинчи даража охирида иссиқ ва биринчи даражада ҳўлдир. Боғларда бўладиган сабзида ични дам қилиш ва қотириш хусусияти бор. Бу хусусият уруғида бўлмайди. Чунки уруғини қуюқ қилиб қорингa суртилганда, елни тарқатиб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Уруғи ва япроғи янчилиб, елга айланган яраларга қўйилса, фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Зотилжам ва давомли йўталга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазми қийин, мураббосининг ҳазми эса енгилдир. Истисқога фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сабзи, айниқса, ёввойи сабзининг уруғи ичак оғриқларини босади. Қаттиқ сийдиради, хусусан, ёввойи сабзи, айниқса, унинг уруғи; япроғи ҳам шу таъсирларни қилади. Сабзи, хусусан, боғларда бўладиганининг уруғи шаҳвоний ҳисни орттиради. Чунки бу кучли равишда ел пайдо қилади, ёввойисининг уруғи эса бундай қилмайди.

Агар, умуман сабзи деб ҳисобланганда дашт сабзиси бўлган шақоқулга келсак, у шаҳвоний ҳисни боғларда бўладиган сабзига қараганда кучлироқ орттиради. Сабзини, айниқса, ёввойисини ичилса ҳам, кўтарилса ҳам ҳайз қонини ва сийдикни ҳайдайди. Уруғи ва илдизи бўғоз бўлишнинг қийинлигида фойда қилади.

[1] Daucus carota L.

164 ЖИРЖИР[1] – ИНДОВ

Моҳияти.

Таниқли бўлиб, бунинг даштда ва боғларда ўсадигани бордир. Индов уруғини ҳардал ўрнида ошга солиб, истеъмол қилинади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир. Янгисида биринчи даражада ҳўллик бор. || *154а*

Таъсир ва хоссалари.

Ични дам қилувчи ва юмшатувчидир.

Зийнат.

Индовнинг суви сигир ўти билан яра изларини кетказиш учун ишлатилади. Уруғи ёки суви қора доғ (ва сепкилни) кетказади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Индов, айниқса, унинг бир ўзини ейилганда бошни оғритади. Коҳу унинг зарарини қайтаради. Шунингдек, сачратқи ва семизўтлар ҳам унинг зарарини йўқотадилар.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Индов сутни кўпайтиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бунда таомни ҳазм қилдириш хусусияти бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг ёввойиси, айниқса, унинг уруғи сийдикни ҳайдайди, шаҳвоний ҳисни ва олатни қўзғатади.

З а ҳ а р л а р.

Ейилиб, устидан хушбўй шароб ичилса, *росу* ва бошқаларнинг тишлаганига қарши тарёқ бўлади.

[1] Eruca sativa Mill.

165 ЖОВАРС[1] – ТАРИҚ, СЎК

М о ҳ и я т и.

Бу уч хил бўлади. Қувватда гуручга ўхшайди, лекин гуруч озиқлироқдир. Тариқ ҳамма ҳолда ҳам қўноқдан яхшироқдир. Лекин қўноқ буруштириш жиҳатидан кучлироқ.

Т а н л а ш.

[Сўкни] сут ёки яхши тортилган ун кепагининг сувида пиширилади, шунда у жуда яхши озиқ бўлади.

Т а б и а т и.

Иккинчи даража охирида совуқ ва қуруқдир. Табиблардан баъзилари буни биринчи даражада иссиқ, дейдилар. Биринчи фикр тўғрироқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда ачитмасдан буруштириш ва қурутиш хоссаси бордир. Буни қиздириб, оғриган жойларга боғланади. Ишланмай истеъмол қилинса, зарарли қон туғдиради. Нон қилинадиган бошқа донлардан озиқлиги оз ва ёпишқоқдир. Бунда, баъзилар гумон қилганидек, бирмунча латифлик бор. Лекин сут ёки майда тортилган ун кепаги билан қайнатилса, озиқлиги яхши бўлади, айниқса, сариёғ ва бодом ёғи билан қайнатилса, озиқлиги яна яхши бўлади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ўзи ҳам, нони ҳам меъдада узоқ туради.

Чиқариш аъзолари.

Ичак оғриқларига қарши қиздириб қўйилади. Сийдикни ҳайдайди.

[1] Panicum miliaceum L.

166 ЖАВЗ МОСИЛ[1] – БАНГИДЕВОНА МЕВАСИ

Моҳияти.

Бу карахт қилувчи заҳар бўлиб, ёнғоққа ўхшайди. Устида йўғон калта тиканлари бор. Бу қустирувчи ёнғоққа ўхшайди. Данаги цитрон данагидек.

Таъсир ва хоссалари.

Карахт қилувчидир.

Бош аъзолари.

Маст қилади ва мияга зарарлидир. Бундан бир *донақ* вазни маст қилади.

Заҳарлар.

Бу юрак душманидир. Бундан бир *дирҳам* вазнида ичилса, ўша куниёқ заҳарлайди.

[1] Datura stramonium L. ёки Do metel L. Бу ўсимликнинг қуритилган барглари [Folium strominii] Фармакопея VIIIда келтирилган.

167 ЖОСУС[1]

Моҳияти.

Бу қувватда ва табиатда ёввойи кунжутга яқин. Бунинг бир ичими ярим *дирҳам* вазнидадир.

[1] Silene Cucubalus Willd.; Gratiola officianalis L. – *сафроўт*.

«ДОЛ» د [Д] ҲАРФИ

168 ДОРСИНИЙ[1] – ДОРЧИН, ДОЛЧИН

Моҳияти.

Таниқлидир. (Долчиннинг хиллари кўп ва улардан ҳар бирининг ўсадиган жойига қараб исмлари бор). Бунинг қорамтир яхши хили бор бўлиб, тоғдан келтирилади. У йўғон ва калта бўлади. Бунинг оқ хили ҳам борки, у ғовак бўлиб, илдизи уваланадиган бўлади. Бунинг яна қора, силлиқ хили бўлиб, бўғинлари кам бўлади. Бунинг яна бир хили борки, ҳиди ва қобиғи *салиха*[2]

нинг ҳиди ва қобиғи каби бўлиб, ранги қизилга мойил[3] бўлади. Бу [289] қуввати бир қанча вақтгача сақланадиган турларидандир, айниқса, янчилиб, шароб билан кулча қилиб қўйилса, узоқ сақланади. (Дискуридуснинг айтишича, долчиннинг баъзи хилларида ўзининг ёқимли ҳидидан ташқари бир оз газагўт ёки ёввойи зиранинг ҳиди ҳам бўлади. Унда иссиқлик бор бўлиб, тилни ачиштиради. Унда бир оз шўрлик ҳам бўлади. Уни эзилса, тез уваланмайди.

Агар уни синдирилса, орасида майда тупроққа ўхшаган нарса кўринади. Долчиннинг [тозалигини] синаб кўрмоқчи бўлсанг, қирқилган битта илдизини олгин ва уни шундай синаб кўр: [синдирганда орасида] тез уваланадиган нарса бўлса, аралаштирилгани шу бўлади).

Долчинларнинг яна бир хили борки, ёлғон долчин дейилади. Унинг ўзига хос бир хил иси бор, бу хили дағал бўлиб, қуввати заифдир. Бундан ёғ олинади.

(Унинг *занжий* деб аталган хили[4] ҳам бўлиб, сирти долчинга ўхшайди, лекин ундан ўзининг ёмон ҳиди билан фарқ қилади. *Қирфа*[5] номи билан машҳур бўлган хили эса илдизи ва бўғинларининг [шакли] билан долчинга ўхшайди, бу ёғоч долчин бўлиб, жуда узун шохлари бор; ёқимли ҳиди долчиннинг хушбўйлигидан анча кам бўлади. Баъзи кишиларнинг фикрича, *қирфа* долчиндан бошқа жинсли [нарса] бўлиб, табиати долчиннинг табиатидан бошқачадир. Баъзан ёлғон долчиндан ёғ олиб, сақлаб қўядилар).

Танлаш.

Энг яхшисининг ҳиди ёқимли, таъми ачитмайдиган ўткир, ранги тоза ва аралашмаган бўлади.

Дискуридуснинг айтишича, энг яхшиси кулранг ва қизилга мойил қора хилидир. Бу хили силлиқ бўлиб, ингичка шохлари бир-бирларига яқин турган бўлади. Бу хилида ширинлик, шўрлик ва бир озгина ачитиш хоссаси бўлиб, ҳеч бир уваланмайди. Долчиннинг яхшилик аломатларидан бири шуки, унинг ҳиди ўзидан бошқа ҳар бир ҳидга ғолиб бўлади. Бунинг ёнида бошқа ҳеч бир ҳид сезилмай қолади. Ёмон хилида ё *ушна* ҳиди ёки *кундур* ҳиди ё *салиха* ҳиди (ёхуд сасиган) ҳид бўлади. Ёрилиб ажралиб турадиган оқ хили, бурушган хили ва илдизининг [таги] дағал, ўзи силлиқ хили ёмон хилларидир. Янчиб, кулча қилиб қўйилса, қуввати сақланади. Бўлмаса, ўн беш йиллардан кейин ва ундан илгарироқ ҳам кучсиз бўлиб қолади. Долчинни олганда бир тубдангина олиш керак. Парчалангани қалбаки бўлади. (Баъзан унинг ҳиди синаб кўришнинг бошидаёқ бурунга ўрнашиб қолиб, унга қўшилган паст нарсаларнинг ҳидини аниқлашга монелик қилади).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Долчин ниҳоятда латиф, тортувчи ва очувчидир. Ҳар қандай сасишни, ҳар бир бузувчи қувватни ва бузуқ хилтлардан пайдо бўлган ҳар бир зардобни тузатади. Ёғи жуда иссиқ бўлиб, шимдирувчи ва эритувчидир.

Зийнат.

Сепкил ва ясмиқсимон қора доғга ва сирка билан қўшиб, сутли тошмаларга суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Темираткилар ва яраларга ишлатилади.

Бўғинлар.

Долчин ёғи қалтироқ касалида ажибдир.

Бош аъзолари.

Тумовга фойда қилади, ёғи бошни оғир қилади ва миянинг рутубатларини соғиш билан тозалайди. Долчин қулоқ оғриғини босадиган ва унинг дорилари таркибига кирадиган нарсалардандир.

Кўз аъзолари.

Буни ейиш, сурма қилиш кўзга тушган пардага ва кўз қоронғилашишига фойда қилади. || Кўздан қуюқ рутубатни кетказади. *154б*

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Хурсанд қилувчидир. Йўталга фойда қилади. Кўкракдаги нарсаларни тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар тиқилмаларини очади, жигар ва меъдани кучли қилади. Меъда рутубатларини қуритади. Истисқога фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадон, буйрак оғриқларига ва шишларига фойда қилади. Зўрлик қилиб, бу аъзоларни қаттиқлаштириб юбормаслиги учун озгина зайтун ёғи, мум ва тухум сариғи билан унинг кучи синдирилади. Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди. Болани туширади. Ёввойи зира билан бирликда бавосирга фойда қилади.

Иситмалар.

Титратадиган иситмага қарши ичириш, айниқса, ёғи билан силаш, фойда қилади.

Заҳарлар.

Заҳарли жониворлар чаққанига қарши фойда қилади. Буни анжир[6] билан чаён чаққанига қуюқ қилиб суртилади.

Ўрнига ўтувчилари.

Салиханинг буруштирувчи қобиғи ёки икки ҳисса миқдорида олинган *кабоба,* ёхуд арча бужури [*абҳал*] [бунинг ўрнига ўтади].

1 Cinnamomum cassia B l u m e. № 517, 612 ларга қаранг.
2 Цейлон долчини.
3 Б. да: яшилга мойил.
4 Яъни Зангибордан чиқадиган хили.
5 Қалампирмунчоқ дарахтининг пўстлоғи, № 611 га қаранг.
6 Б. да: мурр.

169 ДАРУНАЖ[1] – ЧАЁНСИМОН ДАРУНАК

М о ҳ и я т и.

Бармоқ бўғини катталигидаги ва ундан кичикроқ илдизларга ўхшаш чўп парчаларидан иборатдир. Ичи оқ, усти тупроқ ранг бўлиб, қаттиқ ва оғир бўлади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Елларни ҳайдовчидир.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни кучли қилади ва юрак ўйноғига жуда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[290] Бачадондаги елларни тарқатади.

З а ҳ а р л а р.

Буни анжир билан бирга ичиш ва суртиш заҳарларга, чаён ва қоракурт чаққанига фойда қилади.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р и.

Ўз миқдоридаги *зурунбод* ва учдан икки ҳиссасича қалампирмунчоқ унинг ўрнига ўтади.

1 Doronicum scorpioides L a m.

170 ДОРШИШАЪОН[1]

М о ҳ и я т и.

(Дисқуридуснинг айтишича, баъзи одамлар уни *фасғонун*[2] деб, сурёнийлар *диёксилун*[2] деб, форс аҳли эса *доршишаъон* деб атайдилар. Бу баъзан Истрия[2] ва Родия[2] дейилган мамлакатларда бўлади). Кўп тиканли йўғон дарахтдир. Бу билан атторлар ёғларни буруштирувчи қиладилар. Бу бир-бирига ўхшамаган бўлаклардан тузилгандир. Қобиғи ҳам, гули ҳам ўткир мазали, шохи эса мози мазалидир. Унда бир оз совуқлик бўлиб, айни замонда мураккаб қувватли ҳамдир; яъни унда ўткир маза ва буруштирув-

чи маза бордир; ўткир маза бўлиши сабабли қиздиради ва буруштирувчи мазаси билан совутади. Табиблардан баъзилари буни Ҳинд сунбулининг илдизи, деб ўйлаган эканлар. Бу исбот қилинмаган.

Танлаш.

Яхшиси қобиғи тагидан гунафшага мойил қизил рангли бўлиб чиқадиган оғир хилидир. Ҳиди ва таъми ёқимли бўлади. Бунинг оқ, ҳидсиз хили ёмонидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Иссиқ, қуруқлиги иккинчи даража охиридан учинчи даражагачадир, деб айтувчилар ҳам бор. Қуруқлиги биринчи даражада деювчилар ҳам бор. Лекин қуруқликда кучлироқ. Баъзилар буни совуқ дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда шимдириш ва буруштириш хоссалари бор. Елларни шимдиради; умуман, оқишларни ва хусусан, қон оқишни тўхтатади. Сасишни тузатади.

Жароҳат ва яралар.

Ёйилувчи ва сасиган яраларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Асабларнинг бўшашганига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Доршишаъон бурунниng ҳидланганига яхшидир. Бундан пилта қилинади. Қайнатмаси билан оғиз оғриғида оғиз чайилади. Тишларни сақлайди. Умуман, бу дори жуда фойдалидир.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Доршишаъоннинг қайнатмаси кўкракдан бўлган қон туфлашни тўхтатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда дамланишига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қайнатмаси ични қотиради, ичак дамланишида ва қийналиб сийишда фойда қилади. Бачадондаги болани тушириш учун кўтарилади. Олатдаги ва чот оралиқларидаги яраларга сепилади. Уларнинг қаттиқлигига ва тарқалишига қарши фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилари.

Унинг учдан икки ҳиссаси вазнича *янбут* меваси, асабга фойда қилишда эса ўз вазнича туёғўт ва ярим вазнича дарунак бунинг ўрнига ўтади.

[1] Calycotome spinosa L. К. ёки Genista acanthoelada D.C. (гениста, дрок).

[2] Бу сўзлар матнда бузилган; Диоск. I, 17 га қараб тузатилди.

171 ДИБҚ[1] – АСАЛ МАЙВИЗАК

Моҳияти.

Таниқлидир. Меваси қора ва нўхат катталигида бўлиб, тамом думалоқ эмас, бурушган бўлади ва қўлга ёпишади. Дуб, ёнғоқ, олма ва нок дарахтларида бўлади. Бунда жуда кўп сувли ва ҳаволилик қуввати бор.

Танлаш.

Бунинг яхшиси янги, силлиғи бўлиб, ичи гандано тусида ва сирти яшилдир. Буни ювилиб, янчилгандан кейин қайнатилади.

Табиати.

Софсиё каби узоқ турмагунча, қиздирмайди. Бу хусусда *софсиёдан* кўра заифроқдир. Бунда етилмаган рутубат бор. Бу учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Эритувчидир. Тортиш қуввати зўр бўлганидан қуюқ рутубатларни чуқурдан тарқатади ва юмшатади. Баъзилар унинг суюқ рутубатларга таъсири йўқ, дейдилар.

Зийнат.

Зирних билан қўшиб, ёмон тирноқларга қўйилса, уларни қўпоради.

155a Шиш ва тошмалар. ||

Асал майвизак, айниқса, унинг оҳак билан кучайтирилгани совуқ шишларни шимдиради. Эшакем ва *банот ул-лайл*[2] касаллигида фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Эскирган яраларни ва тузалмайдиган жароҳатларни юмшатади.

Бўғинлар.

Ротиёнаж ва мумни ўзига тенг миқдорда қўшиб суртилса, бўғинларни юмшатади.

Бош аъзолари.

Ротиёнаж ва мум билан аралаштириб, қулоқ орқасидаги совуқ шишларга қўйилса, фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Оҳак каби баъзи кучайтирувчи нарсалар билан талоққа қўйилса, уни эритади [шишини қайтаради].

---

[1] Loranthus europeus Jacq.

[2] *Банот ул-лайл* «кеча қизлари» демакдлр, бу иборани баъзан *«набот ул-лайл»* [яъни «кеча ўсимлиги»] деб ҳам ўқилади. Бу қизил тугунчалар шаклидаги майда тошма.

М о ҳ и я т и.

Қирмиз, яъни бўёқчилар қуртининг[1] қуввати қўрғошин упа қувватига тенгдир. Лекин бу латифроқ ва чуқур сингувчидир. Баъзиларнинг айтишича, бу қурт ўз ҳосилотини кўп нарсалардан тўплайди. Ҳатто, дуб дарахтидан ҳам олади.

Т а б и а т и.

Бўёқчилар [ишлатадиган] қирмиз қуртининг (янгиси) совутувчидир. Бунда анчагина қуруқлик ҳам бор.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бўёқчиларнинг қирмиз қурти ачиштирмасдан қуритади. [291] Жолинуснинг айтишича, унда мўътадил даражада буруштириш хусусияти ҳам бор.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қирмиз қуртини янчиб, шароб билан ёки сирка ва асал билан бирликда асаб жароҳатларига қарши ишлатадилар. Сопол кўзаларнинг остида бўладиган кўпоёқли қурт[2] билан қўшиб, бундан бир *мисқол* ичилса, азобли тиришиш ва [совуқдан бўлган] қотиш [*кузоз*][3]ларни камайтиради, дейдилар.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Кўпоёқли қуртни анор қобиқлари ва қизил гул ёғи билан янчилиб, қулоққа томизилса, оғриғини босади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Сув турадиган сопол кўзаларнинг тагида бўладиган ва ушланганда думалоқ бўлиб қоладиган кўпоёқли қизил қуртни асал билан танглайга суртилса, шунингдек, ейилса, томоқ оғриқларида фойда қилади. Буни ейиш астма ва «тикка нафас олиш» касалларига ҳам ёқади, дейдилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Айтилган кўпоёқли қуртни шароб билан ичиш сариқ касалига фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳабоб [сув ва қум кўп ер]да ва сопол кўзаларнинг остида бўладиган кўпоёқли қуртни шароб билан ичиш қийналиб сийиш касалида яхшидир.

З а ҳ а р л а р.

Сабзавотда бўладиган яшил қуртнинг янчилганини (зайтун ёғи) билан заҳарли жониворлар чаққан ерга суртилса, фойда қилади.

[1] Қизил рангли кармин бўёғи олинадиган турли қуртлар.

[2] Мингоёқ бўлса керак.

[3] «Қонун», III (1), 190 га қаранг.

173 ДОДИЙ[1] – ДАЛАЧОЙ УРУҒИ

М о ҳ и я т и.

Бу арпага ўхшаш бир дондир. Гули узунроқ ва бир оз ингичкароқ, туси қорамтир ва [таъми] аччиқ бўлади.

Т а б и а т и.

Ибн Мосавайҳ уни совуқ дейди. Тўғриси шулки, иссиққа мойил ва иккинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Буруштирувчи бўлиб, ични тўхтатади. Ўзидаги буруштириш хоссаси билан *набизни* ачишдан сақлайди.

Ш и ш л а р.

Қаттиқликларни яхши юмшатиш хоссаси бор.

(Б о ш а ъ з о л а р и.

Тиқилмалар пайдо қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Тиқилма ҳосил қилади. Ични қотиради. Бунинг қайнатмасида ўтириш орқа тешик оғриқларига ва унинг бўшашишларига жуда фойдалидир. Бундан икки *дирҳам* вазнидагисини зайтун ёғига қориб, сўнг толқон шаклида истеъмол қилинса, бавосирга фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарларга қарши таъсирга эга.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р и.

Қаттиқликларни тарқатишда учдан икки ҳисса бодом[2] ва ярим ҳисса арча уруғи бунинг ўрнига ўтади, лекин арча уруғи ҳомиладор хотинларда ишлатилмайди.

[1] Hypericum perforatum L.

[2] Л. да: кавар.

174 ДАЖОЖ ВА ДИК – ТОВУҚ ВА ХЎРОЗ

М о ҳ и я т и.

(Аниқ). Қариган хўрознинг шўрвасида турли хосиятлар бор. Уларни қуйида айтамиз. Уни пишириш хусусида Жолинуснинг айтган йўли қуйидагичадир: олдин хўрозни оёғида туролмай йиқиладиган даражагача қувланади, сўнг сўйиб, ичидаги нарсаларни чиқарилади, қорнини туз би-

лан тўлдириб, тикилади ва кейин йигирма *қуст* сувда уч *қутулий* қолгунча қайнатилади. Ҳаммаси бир ўтиришда ичилади. Баъзан бунга ўз ўрнида айтиладиган нарсалар ҳам қўшилади.

Танлаш.

Руфус хўрознинг яхшиси ҳали қичқирмагани ва товуқнинг яхшиси ҳали тухум бермагани, қаригани эса ёмонидир, дейди.

Таъсир ва хоссалари.

Жўжаларнинг ёғи товуқнинг ёғидан иссиқроқдир[1]. Хўрозларнинг мояги яхши сифатли бўлиб, тез ҳазм бўлади.

Бўғинлар.

Хўрозларнинг юқори сифатдаги шўрваси қалтираш ҳам бўғин оғриқларига мувофиқ келади. Бу шўрвада йигирма *қутулий* сувга бистпоя, укроп ва туз солиниб, уч ёки тўрт *қутулий* қолгунча қайнатилади.

Бош аъзолари.

Ёш товуқнинг гўшти ақлни орттиради. Товуқнинг мияси мия пардасидан пайдо бўлган бурун қонашни тўхтатади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Хўрознинг юқорида айтилган шўрваси астмада фойдалидир. Товуқ гўшти || овозни соф қилади. Қари хўрознинг укроп ва маҳсар солинган *155б*
шўрваси шуларнинг ҳаммасида фойдалидир. Жўжаларнинг шўрваси меъда яллиғланганини босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Хўроз шўрваси елдан бўлган меъда оғриғида фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Қари хўроз шўрваси бистпоя ва укроп билан ичилса, қуланжга жуда фойдалидир. Ёш товуқ гўшти эрлик уруғини кўпайтиради. Мазкур шўрва бистпоя билан бирга ичилса, савдони суради. Маҳсар билан эса шиллиқни суради. Ичаклар шилинишига қарши буруштирувчи даволар билан қовуқ яраларига қарши эса сут билан бирга қайнатилади.

Иситмалар.

Хўроз шўрваси чўзилма иситмаларга фойдалидир.

Заҳарлар.

Товуқ ёки хўрозни ёриб, (юрагини) ўша ондаёқ заҳарли жониворлар чаққан ерга қўйилади ва ҳар соатда алмаштириб турилади. Шу билан заҳарнинг тарқалиши тўхтатилади. Ичилган заҳарларда ҳам укроп ва туз билан тайёрланган қайнатмасини ичириб, қустирилади.

[1] Б. да шу жумла «табиат» бобида берилган.

175 [292] ДИМОҒ – МИЯ

Моҳияти.

Энг яхшиси қушларнинг, хусусан, тоғ қушларининг мияларидир. Тўрт оёқли ҳайвонларнинг мияларидан энг яхшиси туянинг мияси, ундан сўнг бузоқ миясидир.

Табиати.

Совуқ ва ҳўлдир.

Таъсир ва хоссалари.

Шиллиқ [балғам] ва қуюқ хилтларни туғдиради.

Бош аъзолари.

Товуқ мияси мия пардасидан келадиган бурун қонашига фойдалидир. Туя миясини қуритиб, узум сиркаси билан ичирилса, тутқаноққа фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Мия (ҳазм бўлаётганда) кўнгилни айнатади, иштаҳани кетказади, у дориворлар билан ейилиши керак. Кимки еган таомини қусишни истаса, ўша таоми устидан мия есин! Бу ҳазми суст бўлиб, меъдани булғатади.

Чиқариш аъзолари.

Мия ични юмшатади. Ўрдак мияси орқа тешик шишида даводир.

Заҳарлар.

Мияларни заҳар ичганда ва заҳарли жониворлар чаққанда ейилади.

176 ДУЛБ[1] –ЧИНОР

Табиати.

Қобиғи ва ёнғоғи кучли қуруқ. Ўзи эса биринчи даражада совуқ. Қобиғи (ва ёнғоғи) қаттиқ тозаловчи ва қуритувчидир.

Таъсир ва хоссалари.

Қўнғизлар бунинг япроғи ва қобиғидан[2] ўлади.

Япроғининг чанги ҳисга ва бошқаларга зарарли бўлиб, жуда қуритувчидир.

Зийнат.

Қобиғида тозалаш ва қуритиш қуввати бор. Кўпинча песга қарши фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Япроғи шилликдан бўлган шишларга, бўғин ва хусусан, тизза бўғинларининг шишларига фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Кули шилинганга ва чиркин жароҳатларга қўйилса, уларни тузатади. Қобиғининг сирка билан бирга қайнатмаси оловда куйганга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Япроғи бўғин оғриғига ва ундаги иссиқ шишларга ва хусусан, икки тизза шишларига ишлатилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қобиғининг сиркадаги қайнатмаси тиш оғриғига яхшидир. Чанги қулоққа ва умуман эшитишга зараралидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Япроғининг чанги кўзга зарар қилади. Лекин ювилган ҳўл япроғи қайнатилиб кўзга боғланса, кўзга тушадиган назлаларни тўхтатади. Кўз яллиғланишида кўз қовоғининг шишувига қарши фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Чанги ўпка ва овозга зараралидир.

З а ҳ а р л а р.

Янги меваси шароб билан бирга заҳарли жониворларнинг чаққанига қарши ишлатилади. Ёнғоғини чарви билан бирга чаққан ва тишланган жойга боғланади. Буни қўнғизларга қарши заҳар эканини айтдик. Қўнғизлар бунинг япроғи ва қобиғидан ўлади.

[1] Platanus orientalis L.

[2] Б. да: «ёнғоғидан».

177 ДИФЛО[1] – САНБИТГУЛ, ТОЛГУЛ

М о ҳ и я т и.

Санбитгулнинг қуруқликда ва дарёларда бўладигани бор. Қуруқликда бўладиганининг япроғи семизўт япроғи каби бўлиб, ундан ҳам юпқароқ, тармоқлари узун, ер устига ёйилгандир. Япроғи олдида тикани бўлади ва у хароба ерларда ўсади. Дарёларда бўладигани дарё бўйларида ўсиб, тармоқлари ер устида кўтарилади ва тикани кўринмай туради. Япроғи тол ва бодом япроқлари каби бўлиб, энлидир. Таъми жуда аччиқ, танасининг юқори қисми қуйи қисмидан йўғонроқ бўлади. Очилган гули қизил гулдек жуда чиройлидир. Унинг устида юнг каби тўда бир нарсаси бор. Меваси қаттиқ ва очилган бўлиб, ичига юнг каби бир нарса тиқилган бўлади.

Т а б и а т и.

Учинчи даража охирида иссиқ, иккинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Жуда эритувчидир. Бургава ёғоч қуртларини ўлдириш учун қайнатмасини уйга сепилади. ||

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Япроғини қаттиқ шишларга қўйилса, жуда фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Санбитгул, айниқса, япроғининг шираси, қичима, қўтир ва пўст ташлашга яхшидир.

Б ў ғ и н л а р.

Орқа ва тиззанинг эски оғриғига қуюқ суртма қилиб қўйилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Очилган гули аксиртиради.

З а ҳ а р л а р.

Санбитгул заҳардир. Гоҳо шароб ва газагўт билан аралаштириб, ичирилади. Жониворларнинг заҳаридан қутқазади.

Мен айтаманки, бу хатарлидир. Бунинг ўзи ва гули кишиларни, қора молни ва итларни заҳарлайди. Лекин айтганларига қараганда, газагўт билан биргаликда қайнатилган шароб билан ичилганда фойда қилади.

[1] Nerium oleander L.

178 ДОР ФУЛФУЛ[1] – УЗУН МУРЧ

М о ҳ и я т и.

Бармоқ учларидек ва толнинг сочилган гуллари шаклида, балки ундан кичикроқ нарсалар бўлиб, қаттиқ ва зич тузилгандир. Мазаси ўткирликда мурч мазасига яқин. Бу мурчнинг биринчи мевасидир. Шунинг учун рутубатлироқ ва ейилади. Биринчи тотишда оғизни ачиштирмайди.

Т а н л а ш.

Яхшиси ишланмагани ва кун бўйи илиқ сувда турса ҳам эримайдиганидир; бунинг мазаси мурчга ўхшайди.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир. [293]

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Эритувчи ва совуқдан бўлган касалларни кетказувчидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Эчкининг қовурилган жигарининг сели билан бирга шабкўрлик касалига фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазм қилдиради, сингдиради[2] ва меъдани қувватли қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни орттиради ва бу тўғрида занжабилни эслатади.

[1] Piper longum L.
[2] Б. да: «меъдани ҳаракатлантиради».

179 ДАҲМАСТ[1] – ДАФНА, ЛАВР ДАРАХТИ

М о ҳ и я т и.

Бу дафна [ғор] дарахти бўлиб, япроғи ва дони ишлатилади. Дони ундаги нарсаларнинг энг кучлисидир. Ундан кейинги ўринда илдизининг қобиқлари туради. Бу ерда бунинг таъсирларидан баъзи бир нарсаларнигина айтиб ўтамиз. Қолган сўзни *«Ғайн»* [Ғ] ҳарфи бобида *«ғор»* ни баён қилганимизда айтамиз[2].

Т а б и а т и.

Бу учинчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқдир.

Б ў ғ и н л а р.

Асаблар бўшашганига, умуман, фалажга ва юз фалажига қарши ишлатилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Янчилгани аксиртиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва талоқ шишларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қуланжга фойда қилади.

[1] Laurus nobilis L.
[2] № 802 га қаранг.

180 ДАВСАР[1] – ЁВВОЙИ АРПА

М о ҳ и я т и.

Япроғи буғдой япроғига ўхшаган, лекин ундан майинроқ бир ўтдир.

Бунинг мевасида икки ёки учта парда бўлиб, уларнинг устида юнгга ўхшаш нарса бор. Гоҳо бундан шира олинади. Шираси ўтнинг ўзидан яхшироқ.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда қуритиш ва эритиш хусусиятлари бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қаттиқлашган шишларни юмшатади ва қаттиқлашишга тўсқинлик қилади.

З и й н а т.

Унинг хоссаларидан бири «тулки касаллиги»ни кетказишдир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз бурчагидаги оқма тешикка фойда қилади.

[1] Aegilops ovata L.

181 ДАРДОР[1] – ҚАЙРАҒОЧ

М о ҳ и я т и.

(Дисқуридуснинг айтишича, бу тол дарахтига ўхшаш бир дарахтдир. Буни Шом аҳли *дардор* ва Ироқ аҳли *бақ* [пашша] дарахти деб атайдилар). Танасидан анор каби бўртган тугунлар чиқади. Бу тугунларда рутубат бўлиб, пашшага айланади. Бу тугун қачон ёрилса [очилса], ичидан пашша чиқади. Япроғи кўклигида сабзавот каби ейилади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш ва тозалаш хоссалари бор. Қобиғи буруштирувчи бўлиб, илдизи бунга яқиндир.

З и й н а т.

Тугунидаги рутубати юздаги доғларни кетказади. Ҳўллигида қобиғи сирка билан бирга песни кетказади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қобиғи ва шунингдек, япроғи калтак еган жойларга ва жароҳатларга уларни бириктириш учун бойлаб ўралади. Қобиғи ва очилган гули, шунингдек, қобиғидан чириб сочилганлари ва сочилган унга ўхшаш нарсалар жароҳатларга ишлатиш учун ярайдиган нарсалардир. Кейинги иккисини ўзича миқдорда Рум арпабодиёни билан қўшиб, қайнатилган узум суви билан хамир қилиб, ёйилувчи ёмон яраларга қўйилса, уларнинг тарқалишини тўхтатади.

Б ў ғ и н л а р.

Илдизи ва япроғининг қайнатмасини синган суякларга қўйилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қалин қобиғидан бир *мисқоли* қайнатилган узум суви ва совуқ сув билан бирга ичилса, балғамни кўчириб, чиқаради.

[1] Ulmus campestris L.

182 ДЕВДОР[1] – ҲИНД САНАВБАРИ

Моҳияти.

Арча дарахтининг бир жинси бўлиб, у Ҳинд санавбари деб ҳам аталади. Бунинг шохлари *зурунбод* шохларига ўхшайди. Бунда озгина ўткирлик бор. Ҳинд санавбарининг шираси, яъни сути тез ва ўткир мазали бўлиб, чанқатади.

Табиати.

Қуруқлиги учинчи даражада бўлиб, иссиқлигидан кўпроқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Сутида куйдирадиган ўткир маза бўлиб, жавҳари [яъни ёғочи]да буруштириш бор.

Бўғинлар.

Асаб бўшашишига, фалаж ва юз фалажига ғоятда яхши бўлиб, бундан яхши нарса йўқдир. || *1566*

Бош аъзолари.

Совуқдан бўладиган мия касалликларида, *сакта* касалида ва тутқаноқда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

(Сути)[2] чанқатувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Буйрак ва қовуқ тошларини майдалайди. Ични қотиради. Қайнатмасига ўтириш орқа тешик бўшашишини йўқотади.

[1] Cedrus Libani Barr.

[2] Яъни шираси.

183 ДУРДИЙ – ЧЎКМА, ҚУЙҚА

Танлаш.

Чўкманинг энг яхшиси ва соғломи эски шароб чўкмаси бўлиб, ундан кейинги ўринда шунга ўхшагани туради. Сирка чўкмасининг қуввати зўр бўлиб, «денгиз кўпиги»нинг куйдирилгани каби лой билан сувалган сопол идишда ёки қозонда қурутгандан кейин енгилгина куйдиришга муҳтождир [294]. Куйдириш чегараси чўкма оқариб, кукунга айлангунча бўлиши керак, ҳамма чўкма ҳам шундай куйдирилади. Ҳар бир чўкма керагича куйдирилгандан кейин янгилигида ишлатилиши керак. Чунки эскирганининг қуввати заиф бўлади. Очиқ ҳавода қолдирмасдан идишда сақланиши керак. Уларни гоҳо тўтиёни ювгандек ювилади.

Таъсир ва хоссалари.

Сирка чўкмаси чўкмаларнинг энг кучлиси бўлиб, бунинг қуввати кетказувчи ва буруштирувчидир. Куйдирилгани куйдирувчи бўлиб, бошқа бир қуввати билан саситувчидир.

Зийнат.

Куйдирилгани *ротиёнаж* билан бирликда оқарган тирноқларга ишлатилади ва уларни тузатади.

Шиш ва тошмалар.

Куйдирилмаган чўкманинг бир ўзини ва мирта билан бирга ишлатилса, салқиш [шишиш]га қарши даводир. Яраланмаган тошмаларни очади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Куйдирилмаган чўкма қон тиқилиб қолишдан пайдо бўлган бадан[1] яллиғланишини пасайтиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Куйдирилмаган чўкма ёмон хилтларнинг меъдага оқишига қаршилик қилади.

Чиқариш аъзолари.

Куйдирилмаган чўкмани бачадонга ташқаридан боғланса, бачадондан қон кетишни, ҳайз қонини тўхтатади.

[1] Б. да: эмчак.

184 ДУХОН – ҚУРУМ, ТУТУН

Моҳияти.

Ерли, латиф моддадир. Ёнувчи моддага қараб ўзгаради; ҳамма хиллари ерлилиги сабабли қуритувчидир. Бунда озгина оловлик ҳам бор.

Танлаш.

Тутунларнинг энг кучлиси *қитрон*[1] тутуни бўлиб, ундан кейинги ўринни янги *зифт*[2] тутуни олади. Сўнг арча елими [майъа]нинг тутуни, сўнг *мурр* тутуни, сўнг *кундур* тутуни, сўнг сақич [*бутм*] дарахти елими тутуни туради. Нефтнинг тутуни ҳаммасидан кучли бўлса керак.

Таъсир ва хоссалари.

Тутун латиф ер моддаси бўлиб, [хилтни] етилтиради ва шимилтиради.

Кўз аъзолари.

Кундур ва сақич дарахти елимининг тутуни кўз яралари дорилари қаторига киради. Кўз ичига қараб ўсган киприкни, қовоқ милки қаттиқлашиб, киприк тўкилишини, ел тушишни, яллиғсиз рутубатларни ва кўзнинг бурун томонидаги бурчак яраларини тузатади.

[1] № 619 га қаранг.

[2] № 227 га қаранг.

185 ДУҚУ – ЁВВОЙИ САБЗИ УРУҒИ

Моҳияти.

Бу ёввойи сабзи уруғидир. Бу ҳақда «ёввойи сабзи» бобида кенгроқ айтилади[1].

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва унинг аввалида қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Тиқилмаларни жуда очувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди. (Иккаласига ҳам фойда қилади).

[1] Daucus carota L.

186 ДАМ УЛ-АХАВАЙН[1] – ХУНИ СИЁВУШОН, БАҚАМ ДАРАХТИ ЕЛИМИ

Моҳияти.

Таниқли қизил ширадир.

Табиати.

Иссиғи кўп эмас. Баъзи табиблар буни совуқ дейдилар. Қуруқлигига келсак, иккинчи даражададир.

Таъсир ва хоссалари.

Қонни қамайди ва унинг оқишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Яраларни ва янги жароҳатларни бириктиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани кучли қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични қотиради. Ичак шилинишига ва орқа тешик ёрилишига фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилар.

Баъзи табибларнинг гумонича, ҳамма таъсирларда коҳу бунинг ўрнига ўтади.

[1] Dracaena dradò L. ёки Cinnabari B a l f. дарахтларининг қизил рангли елими.

187 ДАНД[1] – ҲАББ УС-САЛОТИН, ҲАББ УЛ-МУЛУК

Моҳияти.

Хитой мамлакатидан келтириладигани писта катталигида бўлади. Шиҳрдан келтириладигани ҳам бор. Қизил канакунжутдек бўлиб, қора нуқталари бор. Ҳиндистондан келтириладигани Хитойдан келтириладиганидан кичикроқ бўлади. Мағзи сарғиш тупроқ рангда бўлади. Унинг шундай хосияти борки, оқ мағзи вақт ўтиши билан кичкиналашиб бориб, ҳатто йўқ бўлиб кетади. Бу бизнинг мамлакатда[2] анча узоқ сақланадиган бўлади.

Танлаш.

Энг яхшиси Хитойдан чиқадигани бўлиб, у кучлисидир. Ундан кейинги ўринда Ҳиндистондан чиқадигани туради. Шиҳрдан чиқадигани ёмон хили бўлиб, суст таъсир қилади. У еган кишини безовта қилиб, қоринни оғритади. Хитойдан келтириладиган хилининг пўстини темир билан олиб, унга қўл[3] тегизмаслик керак. Чунки тегса, [терининг] рангини кетказиб, песга ўхшатиб қўяди. Қобиғи олингандан кейин ярим донасича катталикда ингичка тилча кўринади. Бу тилча олиб ташланиб, мағзининг [ўзи] олиниши керак.

Табиати.

Жуда иссиқдир.

Зийнат.

Ўзига муносиб нарса билан аралаштириб, ични бўшатиш учун қўлланса,
157a || сочнинг қоралигини сақлайди.

Чиқариш аъзолари.

Жуда қаттиқ суради.

Бир ичими бир ярим *хабба* вазни миқдорида бўлиб, рутубатларни, савдони ва бўғинлардаги балғамни суради. Совуқ шаҳарлардан бошқа ерда ва совуқ мизожли кишилардан бошқасига ичирилмайди. Бунинг бир ўзини [умуман] ичирилмайди. Кўпинча бунинг тузатилганидан икки *донаққача* ичиришга жасорат қиладилар. Лекин ичувчининг мизожи кучли ва сургини кўтарувчи бўлиши керак. Янчилиб, *нашоста* [крахмал] ва бир оз заъфарон билан аралаштирилиши керак. Агар унга сурувчи дорилар аралаштириладиган бўлса, у чоғда афюн ва бўлак ўткир дори билан аралаштирилмасин. Фақат бешдан икки ҳисса миқдорида олинган *турбуд*, анжир[4] сути [295] эрман ширази, *ҳабб ун-нил* ва *куркум* олиш керак.

[1] Croton tiglium L.

[2] Б. да: ўз мамлакатида.

[3] Б. да: лаб.

[4] Б. да: эшак.

188 ДАМ – ҚОН

Моҳияти.

Одам қони билан тўнғиз қони ҳар жиҳатдан ўхшашдир. Уларнинг гўштлари ҳам ҳар жиҳатдан бир-бирларига яқин; ҳатто бир киши одам гўштини тўнғиз гўшти, деб сотар экан; бу нарса у сотган гўштлар ичида одам бармоқлари чиққунча махфий бўлиб келган. Шунинг учун ҳам табиблар айтганларки, одам қони устида бир нарсани тажриба қилмоқчи бўлган киши уни тўнғиз қони устида қилсин, чунки тўнғиз қони, одам қонига қараганда кучсиз бўлса ҳам, унга ўхшашдир. Биз қуйида қон ҳақида айтилган нарсаларни ёзамиз. У гаплар орасида ишончли нарсалар бўлгани ҳолда, уларнинг кўпчилиги эътимодсиздир.

Танлаш.

Даволарда ишлатиладиган қон ҳайвондан олинган бўлиши ва унинг рангида бирор хилт ва сассиқлик ғолиб бўлмаган бўлиши керак[1].

Таъсир ва хоссалари.

Отнинг қони куйдирувчи ва саситувчидир. Бунинг ҳамма қисми, айниқса, ғализ [қуюқ] қисмининг сингиши қийиндир.

Зийнат.

Айиқ[2] қонини иссиқ ҳолда (суртилса), доғ ва сепкилда фойдалидир. Кўршапалак қони тўғрисида айтилган нарсалар ичида: «у мўй ўсишини тўхтатади», деган гап бор. Бу дуруст эмас; лекин кўк қурбақалар қони ва кана қони бу жиҳатдан кучлироқдир. Кўршапалак қони эмчакни ўз ҳолида сақлайди, деган гап бор. Бу [тажриба] билан тасдиқланмаган.

Шиш ва тошмалар.

Қуён қони иссиқ шишларни тезликда етилтиради. Така қони ҳам ивигандан кейин шундай хоссага эга бўлади. Ой кўрган хотиннинг қони тўғрисида айтганларида сарамасга чапилади, дейилган гап бор. Буқа қонини иссиқ ҳолда қаттиқ шишларга ва қуён қонини эса сутли тошмаларга қўйилади.

Бўғинлар.

Ой кўрган хотиннинг қонини подагра касалига томизилса, фойда қилади, дейдилар.

Бош аъзолари.

Каптар, мусича, олапохта, ғурракларнинг қонини бош суяги ёрилгандаги аламли оғриққа қарши иссиқ ҳолда томизилади. Бу қонларни илитилган қизил гул ёғи билан аралаштирилса, йиқилишдан пайдо бўладиган шишнинг олдини олади. Жолинус: «бу таъсир кайфиятининг сустлигидан келади, бошқа нарсадан эмас», дейди. Агар буни қолдириб, бунинг ўрнида илиқ қизил гул ёғи ишлатилганида ҳам шу ишни қиларди. Товуқ қони

ҳақида айтилганлар ҳам шундайдир. Эшак[3] қонига келсак, у бурун орқали мия пардасидан келган қонни тўхтатади. Чўлтошбақа қонини шароб билан бирга тутқаноққа қарши ичирилади. Қўзи қони ҳам шундай. Айтишларича, туя қони тутқаноқда фойда қилар эмиш, бу тўғри эмас. Жолинус: «бу гап қатъий бир гап эмас», дейди. Мен айтаман, ажаб эмаски, бу тажриба билан тўғри топилган бўлса, бу зоҳир қувватлардан эмас, балки унда бўлган бир хосиятдир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Варал ва калтакесак [*ҳирдун*] қонлари кўзни кучли қилади. Кананинг[4] қони қовоқ ичидан тук ўсишининг олдини олади. Айтишларига қараганда, кўк қурбақанинг қони ҳам шундай, лекин тажриба уни тасдиқламайди. Каптар, олапохта ва ғурракларнинг қони, айниқса, қанотининг томиридан олинган қон кўздаги қон талашганга томизилади. Похталарнинг қони ҳам шундай. Агар шу қушларнинг қонини қанотларининг учидан томизилса ҳам шундай таъсирни беради. Жолинус буни қилмаса ҳам бўлади, дейди.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Бойўғли қони астмада жуда фойдалидир. Шўрваси ва гўшти ҳам шундай. Кўршапалак қони эмчакни ўз катталигида сақлайди, дейдилар. [Лекин] бу гапнинг асоси йўқ. Соғлом ҳолида сўйилган эчки боласининг қонидан ивимасдан бурун бир *уқия* миқдорида олиб, сирка билан аралаштириб, уч кунгача иситиб ичилса, қон қусишда фойда қилади. Қўзининг қони ҳам шундай фойда қилади. Бир гуруҳ табиблар, бунинг ҳам шундай фойдали эканига гувоҳлик берганлар.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ой кўрган хотиннинг ҳайз қонини кўтариш бўғоз бўлишга моне бўлади, деб ўйлайдилар. Така, эчки ва тоғ эчкиси қонининг қуритиб қовурилгани ичкетишни тўхтатади. Баъзан эчки қони асал билан ичилса, дизентерияга
157a фойда қилади. || Така қонининг қуритилгани буйрак тошларини майдалайди.

З а ҳ а р л а р.

Эчки, тоғ эчкиси ёҳуд қуён қонининг қовурилганини шароб билан ичилса, арман ўқлари зарарига қарши фойда қилади. (Қутурган итнинг қони ҳам шундай). Табибларнинг, хусусан, Дисқуридуснинг муболаға билан айтишича, итнинг қони қутурган итнинг тишлаганига фойда қилади.

1 Қон бузилганда унинг ранги ўзгаради.
2 Б. да: қуён.
3 Б. да: каптар.
4 Б. да: буқаламун.

189 ДИНОРУЯ[1] – БЕКЛАР ЎТИ

Моҳияти.

Бу – *ҳазо*[2] ва *завфародир*[2]. Булар *«Зой»* [3] ҳарфи бобида *(Завфаро* ҳақида гапирилганда) айтилади.

[1] Echinophora tenuifolia L., Anethum graveolens L.
[2] № 266 га қаранг.
[3] № 231 га қаранг.

190 ДУҲН – ЁҒ

Моҳияти.

Таниқлидир. Бальзам ёғи айтилди[1]. Канакунжут ёғи ва турп ёғи қувватлари бир-бирларига ўхшаш бўлиб, [296] иккови ҳам эритиш хоссасига эгадирлар. Турп ёғи эски зайтун ёғига ўхшаш бўлиб, қиздирувчанроқ бўлса ҳам канакунжут ёғи ундан кучлироқдир.

Табиати.

[Канакунжут ва турп ёғи] иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, гулсапсар ва ясмин ёғлари учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, қичитқиўт ва маҳсар ёғлари биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада ҳўл, бўтакўз (наргис) ёғи иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўл, [гул]хайри ёғи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, бон ва аччиқ бодом ёғлари ҳам шундайдирлар. Ток учлари, қизил гул ва олма ёғлари совутиш ва буруштиришда бир-бирларига яқиндирлар, беҳи ёғи ҳам шундай. Мойчечак ёғи мўътадил даражада иссиқ. Укроп ёғи ҳам шунга ўхшайди, лекин бундан қиздирувчанроқдир. Бўтакўз ёғи қувват ва таъсир жиҳатидан укроп ёғига яқин, лекин бунинг ҳиди ўткирроқ бўлиб, бош учун укроп ёғичалик яралик эмас. Гунафша ёғида буруштириш йўқ, лекин совутиш бор. Газагўт ёғи эса шимилтирувчидир.

Биз бу ерда ёғларни олиш йўлларини айтмаймиз, балки уларни «Қарободин»да[2] айтамиз. Яна кўп дорилардан, масалан, *қуст* ва *қандил* кабилардан олинган мураккаб ёғларни, уларнинг олиш йўлларини ва фойдаларини ҳам «Қарободин»дан бошқа ерда айтмаймиз.

Таъсир ва хоссалари.

Бодомнинг, айниқса, аччиқ бодомнинг ёғи очувчидир. Олманинг ёғида эса буруштириш ва совутиш хоссаси бор.

Мойчечак ёғи оғриқларни қолдирувчи, зич тузилишни йўқотувчи ва буғларни тарқатувчидир.

Гулсапсар ёғи юмшатувчи, аъзоларни қувватли қилувчи, тиқилмаларни очувчи ва оғриқларни қолдирувчидир.

Миртанинг ёғи аъзоларни пишиқ қилиб, кучайтиради, беҳи ёғидан кўра кўпроқ совутади ва аъзога тортилаётган моддаларни тўхтатади.

Газагўт ёғи қорин дамланишини кучли равишда тарқатади. Бу дафна дарахтининг ёғи кабидир, балки ундан ҳам қиздирувчандир. Иккови ҳам эски оғриқларни қолдиради ва елларни тарқатади. *Қуст* ёғи вабонинг турли ҳолларида фойдалидир. Бадан ва ҳаво ҳидларини ёқимли қилади.

З и й н а т.

Дафна ёғи «тулки касаллиги»га қарши ишлатилади.

Мирта ёғи мўй ўсадиган ерларни пишиқ ва кучли қилади ва мўйни қорайтиради.

Қуст ёғи мўйни ёшлик чоғидагидек қилиб сақлайди.

Аччиқ бодомнинг ёғи асал билан, айниқса *мурр*, гулсапсар илдизи ва эритилган мум билан ишлатилса, юздаги бурушиш, сепкил, яра излари ва бошқаларга фойда қилади. Буларни қайнатилган узум шарбати билан қўшиб, бошдаги қазғоқ ва кепакланишга қарши суртилса, фойда беради. Канакунжут ёғи қора доғ[3] ва сепкилга яхшидир. Сариқ йўнғичқа [ёғи] ранг бузулганига қарши, айниқса, кўз атрофида бўладиганига қарши яхшидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Бодом ёғи эмчак шишига фойдали. Гулсапсар ёғи эскирган қаттиқланишга ишлатилса, уни эритади (ва йўқотади).

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Канакунжут ёғи дағал тошмаларга ва қўтирга ишлатилади. Сариқ йўнғичқа ёғи ширинчага ишлатилади. Мирта ёғи яраларга фойда қилади. Қуст ёғи қўтир ва қичималарни тезликда кетказади.

Б ў ғ и н л а р.

Бодом ёғи [бўғиннинг] ярим чиқишига, мойчечак ҳам гулсапсар ёғи чарчаганга, укроп ёғи совуқ урган кишига фойдалидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бодом ёғи бош оғриғига, қулоқнинг лўқиллашига, қулоқ шанғиллашига ва қулоқда қаттиқ овоз эшитилишига қарши фойда қилади. Аччиқ бодом ёғи кўп фойдали бўлиб, латифдир. Бу кўпроқ қулоққа, унинг тиқилмаларига, шанғиллашига ва унинг қуртларига қарши фойдалидир. Қизил гул ёғи миянинг яллиғлашига ва пайдо бўла бошлаган шишларга қарши жуда яхшидир. У мия қувватларини ва фаҳмни орттиради. Бунинг табиати
158a мўътадилга яқин. Шу сабабли || Жолинус, қизил гул ёғи қаттиқ совуқ баданни қиздиради ва иссиқ баданни совутади, деб даъво қилади. Менимча, унинг ҳукмидаги энг тўғри фикр шуки, қизил гул ёғининг иссиқ мизожли

гавдаларни мўътадилликка келтириши, унинг совуқ мизожли гавдаларнинг қиздиришига қараганда кўпроқдир. Дафна ёғи ва газагўт ёғи эски бош оғриқларига жуда яхшидир. Сариқ йўнғичқа ёғи бошда бўладиган кепакланишга қарши фойдалидир. Канакунжут ёғи бошдаги яраларга, бошда бўладиган шишларга ва қулоқ оғриғига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бодом ёғи талоққа яхши бўлиб, меъда учун оғирдир.

Қичитқи ёғи ва маҳсар ёғи ични суради. Қизил гул ёғи баъзан ичакларда тойилишга муҳтож модда пайдо бўлганида ични суради ва баъзан сафродан бўлган ич суришни тўхтатади. Канакунжут ёғи ични суради, қовоқ уруғисимон гижжани чиқаради. Бодом ёғи буйрак оғриғига, сийдик ва тош қамалишига, қовуқ ва бачадон оғриқларига [297] ҳам бачадон бўғилишига қарши яхшидир. Гулсапсар ёғини ичиш ва ҳуқна қилиш бола туғишни осонлаштиради ва бачадон оғриқларини босади. Буларнинг ҳаммасига ва шунингдек, бачадон қаттиқлашганига, бачадоннинг яллиғли шишига, бола туғилишининг қийинлашганига қарши сариқ йўнғичқа [ёғи] ҳам фойдалидир. Канакунжут ёғи орқатешик шишларига, бачадон оғриқларига ва унинг айланиб қолишига қарши фойда қилади.

Иситмалар.

Мойчечак ёғи чўзма иситмаларда қизил гул ёғидан яхшироқдир. Укроп ёғи иситмадаги титрашга қарши яхши фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилари.

Бальзам ёғининг ўрнига ўтувчиси *мурр* ёки ўз оғирлигидаги далачой ёғи билан ярим вазнича *норжил* ёғи ва тўртдан бир вазнича эски зайтун ёғидир. Дафна ёғининг ўрнига ўтувчиси янги зифтдир. Гулсапсар ёғининг ўрнига ўтувчиси дафна ёғидир, қичитқиўт ёғининг ўрнига ўтувчиси маҳсар ёғидир. Лекин бу ундан заифроқ. Ҳина ёғининг ўрнига ўтувчиси тоғ райҳони ёғидир. Нилуфар ёғининг ўрнига ўтувчиси қизил гул ва гунафша ёғларидир. Канакунжут ёғининг ўрнига ўтувчиси турп ёғи ёки зиғир ёғидир. Лекин зиғир ёғининг ўрнига ўтувчиси канакунжут ёғи эмасдир.

[1] № 82 га қаранг.

[2] Яъни «Қонун»нинг V китобида.

[3] Б. да: пес.

191 ДУРРОЖ – ТУРОЖ, ЎРМОН КАКЛИГИ

Моҳияти.

Таниқлидир. Гўшти оддий каклик ва ғуррак гўштидан яхшироқ,

мўътадилроқ, қирғовул гўштидан латифроқ (ва қуруқроқ), ундан иссиқлиги озроқдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ўрмон каклигининг гўшти мияни ва фаҳмни (жуда) орттиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ўрмон каклигининг гўшти эрлик уруғини орттиради.

192 ДОР КИСА[1] – ТОЛИСФАР, МУСКАТ ЁНҒОҒИНИНГ ПЎЧОҒИ

М о ҳ и я т и.

Ҳиндистондан келтириладиган бир қобиқ бўлиб, жуда буруштирувчидир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Жуда буруштирувчидир.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қон туфлашга ва зотилжамга қарши яхшидир. Овозни равшан қилади.

[1] Myristica fragrans Houtt.

193 ДАРУБТОРИС[1] – ҚИРҚҚУЛОҚ

М о ҳ и я т и.

Эскирган дуб дарахтига чирмашган нарса. *Сарахс* [килдору]га[2] ўхшайди, ундан кичикроқ ва йўл-йўллиги озроқдир. Бир-бирига тўқилиб кетган илдизлари бор.

Бунда ўткир маза ва аччиқлик билан бирликда ширинлик, саситувчи қувват билан бирликда буруштириш хоссалари бор.

Т а б и а т и.

Кучли иссиқ ва қурукдир.

З и й н а т.

Саситиш ва ўткирлик хусусияти сабабли мўйни сийрак қилади, тараш-лайди ва тўкади.

Б ў ғ и н л а р.

(Баъзиларнинг ўйлашича), умумий фалаж, юз фалажи ва бўғин оғрик-ларига фойда қилади.

[1] Б. да шундай. Л. да: дарумторис. Бу – Dryopteris (Stein, 813).

[2] Эркак папоротник. № 478 га қаранг.

194 ҲИВФОРИҚУН[1] – ДАЛАЧОЙ, ҚИЗИЛПОЙЧА

М о ҳ и я т и.

Бу янчилган шохча ва гуллардан иборат. Қизғиш сариқ донларининг шакли татим [суммоқ]га ўхшайди; лекин у қадар қизил эмас.

Т а н л а ш.

Жолинуснинг айтишича, ёлғиз уруғи[2] билан чекланилмай, мевасидан ҳам ичирилади.

Т а б и а т и.

Учинчи[3] даражада иссиқ, учинчи даража охирида қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Суюлтирувчи, очувчи, эритувчи ва шимилтирувчидир[4].

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Совуқ шишларга ва катта қаттиқликларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Япроғининг қуюқ суртмаси оловдан куйганга фойдалидир. Катта жароҳатларни, ёмон хил яраларни бириктиради. Буни янчиб, илвираган ва сасиган яраларга сепилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Шароб билан қайнатиб ичиш ёнбош оғриғига ва иркуннасога фойда қилади, хусусан, қирқ кун кетма-кет ичиш иркуннасони тузатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ва ҳайз қонини ҳайдайди. Меваси ўтни суради.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р. ||

158б

Ўз миқдоридаги *изхир* ва итқовун илдизи бунинг ўрнига ўтади.

[1] Hypericum perforatum L. № 76 ва 173 га қаранг.

[2] Б. да: гули.

[3] Б. да: иккинчи.

[4] Б. да: «шиш ва тошмалар» сўзини шу бобга киритилган.

195 ҲАЛИЛАЖ[1] – ҲАЛИЛА

М о ҳ и я т и.

(Дисқуридуснинг айтишича, *ҳалилаж* маълум нарса бўлиб, унинг хиллари кўпдир). Бунинг сариқ хом хили ва қора, Ҳинд мамлакатидан келтириладиган хили бор. Буниси энг етилгани бўлиб, семизроқ бўлади. Яна Кобулдан чиқадиган хили бўлиб бу ҳаммасидан катта хилидир. Яна Хитойдан келтириладиган хили бўлиб, бу ингичка ва енгилдир.

Танлаш.

Энг яхшиси яшилга мойил тўқ сариқ хили бўлиб, бу – тўла, оғир ҳам қаттиқ бўлади. Кобулдан чиқадиганининг энг яхшиси маҳкам[2] ва оғир хили бўлиб, сувда чўкади ва ранги қизилга мойил бўлади. Хитойдан чиқадиганининг яхшиси тумшуқли бўлади.

Табиати.

Сариқ хили қора хилига қараганда қиздирувчанроқ бўлади, дейдилар. Ҳиндан чиқадиган хилининг совуқлиги Кобулдан чиқадиган хилиникига қараганда камроқ бўлади ҳам дейдилар. Ҳамма хили биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳаммаси сафрони сўндиради [298] ва шу билан фойда қилади.

Зийнат.

Рангни тоза қилади[3].

Шиш ва тошмалар.

Ҳалиланинг ҳамма хили моховга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Кобулдан чиқадиган хили сезгиларга, эслаш қобилиятига ва ақлга фойда қилади. Бош оғриғига ҳам фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Сариқ хили бўшашган кўзга фойда қилади. Сурмаси кўзга оқадиган [ёмон] моддаларни қайтаради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ҳалилани ичиш юрак ўйнаш ва юрак сиқилишида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Талоқнинг оғришига фойдалидир. Ҳалила, айниқса, иккита қора хили[4] озиқлантириш аъзоларининг ҳамма касалликларига фойда қилади. Чунки булар, айниқса, мураббо қилинганлари меъдага қувват берадилар. Ҳалила овқатни ҳазм қилдиради, ошлаш [покизалаш], тозалаш ва шимиш билан меъданинг ички парда қатламларини кучли қилади. Сариқ ҳалила меъдани жуда ошлаб, покизалайди. Қора ҳалила ҳам шундай қилади. Хитой мамлакатидан чиқадиганининг таъсири Кобулдан чиқадиганининг таъсиридан заифдир. Кобулдан чиқадиган хилида кўнгил айнатиш ҳам бор. Бу хили истисқога фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Кобул ва Ҳинд ҳалиласини зайтун ёғи билан қовурилса, ични тўхтатади. Сариқ хили сафрони ва бир оз шиллиқни суради, қора хили савдони суради ва бавосирга фойда қилади. Кобул хили савдо ва шиллиқни суради. Айтишларича, Кобул хили қуланжга ҳам фойда қилади. Кобул хилининг ивит-

масидан бир ичими беш *дирҳамдан* ўн бир *дирҳам*гача, ивитилмаганидан эса икки *дирҳамгача*дир. Менимча, бундан ҳам кўпроқ; сариқ ҳалиланинг бир ичими эса ўн *дирҳам* вазнигачадир. Сувда янчилгани кўпроқ ичилади.

И с и т м а л а р.

Ҳалиланинг Кобул хили эски иситмаларга фойда қилади.

[1] Terminalia chebula R e t z. № 14 ва 98 га қаранг.

[2] Б. да: «семиз».

[3] Б. да: «қора хили рангни сарғайтиради».

[4] Ибн Сино юқорида фақат битта қора хилини эслатган эди, иккинчи қора хили қайси бири экани маълум эмас.

196 ҲИЛБАВВО ВА ҲОЛБАВВО[1] – КИЧИК ҚОҚИЛА

М о ҳ и я т и.

Бу *хайрбавво*[2] бўлиб, *қоқиладан* латифроқдир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латифдир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Кичик қоқила [мизожлари] совуқ бўлган жигар ва меъдаларни кучли қилади; таомни ҳазм қилдиради.

[1] Бу – Amomum Melegueta R o s. ёки Elettaria cardomomum W h. et. M a t.

[2] № 783 га қаранг.

197 ҲАЗОРЖАШОН[1] – ЧЎЛ ҚОВОҒИ, ТАРВУЗПАЛАК

М о ҳ и я т и.

Меваси [узум] бошига ўхшайди. Уни кўнчилар ишлатадилар. Атторларда бўладигани шафтоли қоқисига ўхшаган чўп парчалардир. Бу биринчи чайнашда мазасиз бўлиб, сўнг унда аччиқлик зоҳир бўлади. *«Фоширо»* бобига етганда бу ҳақда тўла гапирамиз.

[1] Bryonia dioica J a c q. № 576 га қаранг.

198 ҲИНДАБО[1] – САЧРАТҚИ

М о ҳ и я т и.

Бунинг ёввойи хили ва боғларда ўсадиган хили бор. Бу икки турлидир: кенг япроқли ва ингичка япроқли. Бу коҳу ўрнида юради, лекин айтишларича, хислатларида коҳудан тубдан туради. Менимча, учириш ва озиқлантириш хосиятларида ундан [коҳудан] камлик қилса ҳам, умуман тиқилмаларни очишда ва жигар тиқилмаларига фойда қилишда устун туради.

Танлаш.

Иккала туридан жигарга энг фойдалиси энг аччиғидир.

Табиати.

Сачратқи биринчи даража охирида совуқ, қуруғи биринчи даражада қуруқ ва ҳўли биринчи даража охирида ҳўлдир. Боғда бўладигани совуқроқ ва ҳўлроқ бўлади. Ёзда аччиқлиги кучаяди ва шунда бир озгина иссиқликка мойил бўлади, лекин таъсир кўрсатмайди. Ёввойисининг рутубати оз бўлади. Бу, *тарахшақуқдир*[2].

Таъсир ва хоссалари.

Сачратқи ички аъзолар ва томирларнинг тиқилмаларини очади. Бунда етарли даражада буруштириш хусусияти бор, лекин унчалик қаттиқ эмас. Сувини упа ва сирка билан суртиш – совутилиши исталган нарсани совутишда ажибдир.

Бўғинлар.

Подаграга қуюқ суртма бўлади.

Кўз аъзолари.

Иссиқ кўз яллиғланишига фойда қилади. Ёввойи сачратқининг сути кўзнинг оқини кетказади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Юрак ўйноғига қарши арпа уни билан қўшиб, қуюқ суртма қилинади. Юракни кучли қилади. Унинг сувида *хиёршанбарни* ивитиб, томоқни чайилса, томоқ яллиғланишига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Кўнгил айнаш ва сафро қўзғалишини босади ҳам меъдани кучли қилади.

159а || Сачратқи бузилган иссиқ мизожли меъда учун яхши дорилардандир. Меъда учун ёввойиси боғларда бўладиганидан яхшироқдир. Айтишларича, бу қандай бўлмасин, жигарнинг мизожига мувофиқ келади. Аммо иссиқ мизожли жигарга жуда тўғри келади. Совуқ мизожли жигарга эса, бошқа совуқ мизожли сабзавотларнинг хиллари зарар қилганича зарар қилмайди.

Чиқариш аъзолари.

Сачратқини, айниқса, унинг ёввойисини сирка билан ейилса, ични қотиради.

Иситмалар.

Тўрт кунлик иситма за совуқдан бўлган иситмаларга фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Илдизини қуюқ суртма қилинса, чаён, заҳарли жониворлар, арилар, илон ва калтакесаклар[3] чаққанига фойда қилади. Толқон билан ҳам шундай таъсирни беради.

[1] Cichorium intybus L. ёки C. endivia L., Taraxacum officinale Wigg.

[2] 1-изоҳга қаранг.

[3] *Сом абрас*; бунинг луғавий маъноси «заҳарлик пес» демакдир, ваҳоланки, калтакесакнинг бу, геккон хили заҳарли эмас.

199 [299] ҲИЛЮН[1] – МОРЧЎБА

(М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, уни *миён* деб атайдиганлар ҳам бор.

Баъзан *асфороғус* деб, баъзан эса *мивоқансус*[2] деб атайдилар. Баъзи одамларнинг гумон қилишларича, қўйларнинг шохини қирқиб, тупроққа кўмилса, ундан морчўба ўсади).

Т а б и а т и.

Жолинуснинг айтишича, у мўътадил бўлиб, тошда ўсадиганидан бошқасида очиқ қиздириш ва совутиш хусусияти йўқ. Мен айтаманки, морчўба иссиқликдан узоқ эмас, у қаттиқлашган сайин иссиқлиги зўраяди ва ундан ўтларда бўладиган жуда қаттиқ ачитадиган сут чиқади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унда тозалаш қуввати бор. Ички аъзоларнинг ҳаммасидаги, айниқса, жигар ва буйракдаги тиқилмаларни очади. Унда, хусусан, тошда бўладиганида, эритиш хусусияти ҳам бор.

Б ў ғ и н л а р.

Қайнатмасини орқа тешик оғриғи ва иркуннасо касалликлари учун ичилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Илдизининг сиркадаги қайнатмаси, илдизининг ўзи ва уруғи жағ тишлари оғриғига яхшидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар тиқилмаларини очади ва сариқ касалига фойда қилади. Бунда кўнгилни айнатиш хусусияти ҳам бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Руфуснинг даъвосича, морчўба ични тўхтатади. Бу унинг кўп сийдиришидан бўлса керак. Бошқаларнинг айтишича, унинг қайнатмаси ични

юмшатади. Кўпчилик табиблар айтадиларки, бу шилликдан бўлган ва бодан бўлган қуланжга фойда қилади, илдизларининг қайнатмаси сийдикни юриштиради ва сийишнинг қийинлигига фойда қилади. Эрлик уруғини ва шаҳвоний ҳисни орттиради, бўғоз бўлишнинг қийинлигида ҳам фойда қилади. Шунингдек, уруғини кўтарилса, ҳайз қонини юритади. Буйрак тиқилмаларини очади.

З а ҳ а р л а р.

Шаробда қайнатилгани қоракурт чаққанига фойда қилади. Қайнатмаси итларни ўлдиради ҳам дейдилар.

[1] Asparagus officinalis L.

[2] Матнда хато босилган; «Сайдана», № 1031.

200 ҲУРТУМОН[1] – СУЛИ

М о ҳ и я т и.

Қуввати арпа қувватидек бўлган, балки буғдой билан арпа ўртасида бўлган бир дондир. Толқони ва ҳолвайтари арпа толқони ва ҳолвайтаридан буруштирувчан бўлади.

Т а б и а т и.

(Мўътадил бўлиб), ҳўлликка мойилдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ачитмасдан қуритади. Бунда ҳам эритиш, ҳам буруштириш хоссаси бор.

[1] Avena sativa L.

201 ҲИВФАСТИДОС – ТАКАСОҚОЛ ВА УНИНГ ШИРАСИ

М о ҳ и я т и.

Бу, такасоқол[1] дейилган ўсимликнинг ширасидир. Бу шира совуқ ва буруштирувчидир. Уни (*«Лом»* [Л] ҳарфи бобида *лиҳйат ут-тайс* ҳақида гапирганда эслатиб ўтамиз.

Т а б и а т и.

Совуқ бўлиб, қуруққа мойилдир.

[1] Tragopogon pretense L. ёки T. villosum. №386 га қаранг.

202 ҲАРНАВА – УД ДАРАХТИНИНГ МЕВАСИ

Моҳияти.

Мурчга ўхшайди, лекин бу сарғиш. Бу, удга ўхшаш бир хушбўй нарса бўлиб, славянлар мамлакатидан келтирилади.

Табиати.

Мўътадилдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда ва ҳазмни кучайтиради, (иштаҳани очади).

[1] Aloexylon agallochum Lour ёки Vitex agnus castus L.

203 ҲИРАҚЛИУС[1] – МОМАҚАЙМОҚ, ҚОҚИ

Моҳияти.

(Бу дашт сабзавотлари жинсидандир. Ҳунайннинг айтишича), эшак коҳусидир[2], буни биз *«Хо»* [Х] ҳарфи бобида айтамиз.

Табиати.

Совуқ ва ҳўлдир. Бунда қуритиш ва бир оз қиздириш (ва буруштириш) хусусияти ҳам бор.

Таъсир ва хоссалари.

(Айтишларича, мўътадил даражада) буруштириш хоссаси бор[3].

[1] Taraxacum officinale W i g g.

[2] № 760 га қаранг.

[3] Л. нинг ҳошиясида қуйидаги сўзлар бор: «Тошни эритади ва сийдикни ҳайдайди».

204 ҲАШТ ДАҲОН[1] –ҲИНД УДИ (?)

Моҳияти.

Бу ҳинд уди бўлиб, таниқлидир (ва уни дурадгорлар билади).

Бўғинлар.

Бунинг хоссаси – подаграга фойда қилишидир.

Яралар.

Бош мушакларида бўлган ҳамма хил яраларни бириктиради. Ҳинд удининг ўткир мазали ёввойи хили борки, у яраларга ярамайди, шишларга қуюқ суртма қилинади.

[1] Aquilaria agallocha R o x b. гулхайри илдизи (?). № 30 ва 539 ларга қаранг.

205 (ҲАРИСА – ҲАЛИМ

Моҳияти.

Маълум бир ош.

Зийнат.

Семиртиради, бадани қуруқ бўлган кишига мувофиқ келади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазми суст бўлиб, озиқлиги кўпдир).

«ВОВ» و [В] ҲАРФИ

206 ВАСМА[1] – ЎСМА, НИЛ ЎСИМЛИГИ

Моҳияти.

Нил ўсимлигининг япроғидир[2].

(Танлаш.

Энг чиройлиги Хуросонда бўладиганидир).

Табиати.

Биринчи даражанинг охирида иссиқликка ва иккинчи даражада қуруқликка мойилдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда буруштириш ва кетказиш хусусияти бор.

Зийнат.

Мўйни бўяйди.

[1] Isatis tinctoria L. ва Indigofera tinctoria L.

[2] № 452 га қаранг.

207 ВАРД – ҚИЗИЛ ГУЛ

Моҳияти.

Бу маълум гул бўлиб, сув ва ер моддаларидан ташкил топгандир. Бунда ўткирлик, буруштириш, буруштириш аралаш аччиқлик ва озгина чучуклик бор. Гулнинг сувлилиги ўзида чучуклик ва аччиқликни келтириб чиқарадиган нарса борлигидан гулнинг иссиқлигини синдиради. Унда буруштиришни ўтказадиган латифлик ҳам бор. Шунинг учун у кўпинча тумовни келтириб чиқаради. Гулнинг аччиқлик қуввати у янгилигидагина сақланиб туради, қуриганда эса камаяди. [300] Шунинг учун янгисидан ўн *дирҳам* вазнида ичилса, ични суради. Сассиқ гул деб аталган хили иссиқ бўлиб, илдизи назлаўти каби куйдирувчидир.

Табиати.

Жолинус, қизил гул бизга нисбатан қаттиқ совуқ эмас, балки биринчи даражада совуқ бўлиши керак, дейди. Мен айтаманки, бунинг қуруқлиги, айниқса, қуриганида иккинчи даражада бўлади. || (Бавлус гул иссиқлик ва *159б*
буруштирувчанликдан ташкил топган, дейди.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича, қизил гул биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада, балки унинг охирида, қуруқдир).

Таъсир ва хоссалари.

Қуритиши буруштиришидан кўра кучлироқ бўлади. Чунки унинг аччиқлиги буруштирувчи мазасидан кучлироқдир. У, очувчи ва тозаловчи бўлиб, сафронинг қўзғалишини тўхтатади. Қизил гулнинг уруғи «буруштириш жиҳатидан ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан кучлироқдир; ўртасидаги сариқ қилчалари ҳам шундай. Ҳамма қисмида ички аъзоларни кучайтириш хусусияти бор. Унинг буруштириши эритишни тўхтатишдан нарига ўтмайди. Қуригани буруштирувчанроқ ва совутувчанроқ бўлади. Бунда ўқ учини ва тиканни тортиш қуввати бор, деб даъво қилувчилар ҳам бор. Гул ширасининг яхшиси тирноғи, яъни гулбаргчасининг оқи олинганининг ширасидир. Уни сояда қуритиб, мураббо қилинади.

Зийнат.

Гулни ҳаммомда ишлатилса, тер ҳидини йўқотади. Бундан қуйидагича ювинадиган нарса тайёрланади; шабнам тегмаган гул олиниб, сўлигунча ташлаб қўйилади. Бундан қирқ *мисқол,* хушбўй сунбулдан беш *мисқол* ва *мурр*дан олти *мисқол* олиниб, майда кулчалар ясалади. Кўпинча бунга *қуст* ва гулсапсардан икки *дирҳам*дан қўшилади. Баъзан шу кулчаларни хотинлар тернинг ҳидига қарши бўйинларига тақиб юрадилар (ва улар билан ювинадилар).

Бир гуруҳ табиблар қизил гулни майда янчиб ишлатилса, ҳамма хил сўгалларни кесади, дейдилар.

Шиш ва тошмалар.

Гул япроқчаларини қайнатиб, сиқмай, иссиқ шишларга қўйиб боғланса, уларни шимдириб юборади. У сарамасга ҳам фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Яраларга, айниқса, сон оралиғи ва човдаги шилинишдан пайдо бўладиган яраларга фойда қилади. Эски яраларда эт ундиради. Бир гуруҳ [табиблар], майда янчилгани ўқ учини ва тиканни чиқаради, деб даъво қиладилар.

Бош аъзолари.

Ҳўли ва сувининг қайнатмаси бош оғриғини босади. Қизил гул ёғини ҳидланса, аксиртиради. Бир гуруҳ табиблар, унинг аксиртириши буғни қамашидан, дейдилар; бу ҳол унинг тортувчи ва итарувчи қувватларининг ортиқча суюқ хилтли мияларда қарама-қарши таъсиридан келиб чиқса

ажаб эмас, гулнинг ўзи эса мияси иссиқ мизожли кишиларни аксиртирувчидир. Уруғи тиш милкини қаттиқ қилади. Унинг қайнатилган суви узум сувининг қайнатилгани билан ишлатилса ҳам шундай таъсир кўрсатади ва қулоқ оғриқларига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг иссиқдан келиб чиққан аламли оғриғини босади. Шунингдек, қуриган гулнинг қайнатмасини кўзга тортилса, қовоқнинг қалинлашишига қарши фойда қилади. Ёғи ва шираси ҳам шундай. Пастки, оқ жойлари кесилиб ишлатилса, кўз яллиғлаганига фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қизил гулнинг сувини ҳўплаб ичилса, бехушликда фойда қилади. Шираси ва шохларининг суви, шунингдек, бандлариники қон туфлашга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қизил гул жигар ва меъдага яхшидир. Гуланжубин, яъни асал билан тайёрланган гул мураббоси меъдани кучли қилади ва ҳазмга ёрдам беради. Қизил гул ва унинг шираси меъданинг ҳўллигига фойдалидир. Қизил гул ёғини ва шунингдек, ўзини суртиш меъда ланғиллашини сўндиради. Қизил гул шароби меъдаси бўшашган кишиларга фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Қизил гул] ёғини орқатешик оғриғида ва иссиқдан бўлган бачадон оғриғида пат билан суртилса, оғриқни қолдиради. Қуриган қизил гул қайнатмаси ҳам мазкур оғриқларни қолдиради ва тўғри ичак оғриғига фойда қилади. Бунинг қайнатмаси билан ичак яраларига ҳуқна қилинади. Шароби ҳам шу мақсад учун ичилади. Қизил гулни ўрингa ёйиб, устида ухлаш шаҳвоний ҳисни кесади. Янги қизил гулдан ўн *дирҳам* вазнидагисини ичиш ични суради ва ўн марта ўтиришга мажбур қилади. Қуруғи сурмайди. Қизил гул ёғи ҳам ични суради.

[1] R o s a centifolia L., R. damascene M i l l. Қизил гул ёғи [Oleum Rosae] ва ундан тайёрланадиган гул суви Фармакопея VIIIда келтирилган.

208 ВАЖЖ[1] – ИГИР

Мо ҳ и я т и.

Папирусга ўхшаш бир ўсимлик илдизи бўлиб, кўпинча ҳавзаларда ва оқар сувларда ўсади. Бу илдизлар устида оқимтир бўғинлар бўлиб, уларда ёқимсиз ҳидга аралашган озгина ёқимли ҳид бўлади. Бу ўткир ҳам тездир. Жолинуснинг айтишича, бунинг илдизидан бошқаси ишлатилмайди. Қуввати *зарованд* ва гулсапсар илдизи қувватларига яқин. (Дискуридуснинг

айтишича, унинг барги гулсапсарнинг баргига ўхшайди, лекин унга қараганда узунроқ ва ингичкароқ. Илдизи ҳам унинг илдизига анчагина ўхшайди. Бироқ бунинг бир қисми иккинчи қисми билан чатишиб кетган бўлиб, тўғри бўлмай, эгри бўлади. Унинг устида оқимтир бўғинлари бор. Ўткир мазалигининг ҳиди ёмон бўлмайди. Мана шу сифатдаги игирни *Жалқиш*, яъни Қиннасрин деб аталган мамлакатдан келтирилади. [301] Юсуф ал-Андалусийнинг менга хабар беришича, игирнинг *арғолотий*[2] деб аталган яна бир хили бўлиб, уни Андалусдан келтирилади).

Т а н л а ш.

Энг яхшиси зичроқ, тўлароқ тузилгани ва ҳиди яхшироғидир. (Дискуридуснинг айтишича, игирнинг энг яхшиси оқ рангли, зич, қурт емаган, ғовак бўлмаган, тўла, ҳиди ёқимли бўлганидир).

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада аввалида ва ўртасида иссиқ ҳам қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Дам ва елларни тарқатувчидир. Латифлаштирувчи бўлиб, ачиштирмасдан [хилтларни] кетказади, тиқилмаларни очади. Жолинуснинг фикрича, ҳиди бир оз ёқимлидир. Бизнинг сезишимиз бўйича, ҳиди ёқимли эмас.

З и й н а т.

Рангни тозалайди, доғ ва песга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Тиришишга ва мушакларнинг узилишига фойдалидир. Қайнатмасини қуйиш ва ичиш ҳам фойдали бўлади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тиш оғриғи ва тилнинг оғирлигига фойда қилади. ‖ *160а*

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг мугуз қатлами қалинлашса, юпқалаштиради ва кўзнинг оқига фойда қилади; бу икки касалда, айниқса, шираси фойдалидир. (Кўз хираланишини ҳам кетказади).

К ў к р а к в а ў п к а а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси биқин ва кўкрак оғриқларига яхшидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Игир совуқ жигарнинг оғриғига фойда қилади ва жигарни қувватли қилади. Меъдага фойда қилади. Талоқнинг қаттиқлашишига фойда қилади, ҳатто талоқни жуда кичрайтиради. Меъдани тозалайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Игир ичак оғриқларига ва чуррага фойда беради. Қайнатмаси бачадон оғриғига фойда қилади. Сийдик ва ҳайз қонини юриштиради. Айтишларича, игир томчилаб сийишда ҳам фойда қилади, шаҳвоний кучни орттиради

ва унга бўлган хоҳишни қўзғатади. Совуқдан бўлган ичак оғриғига ва тирналишига ҳам фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарли жониворлар чаққанига фойда қилади.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р и.

Елларни ҳайдашда, жигар ва талоққа фойда қилишда ўз миқдоридаги зира ва учдан бирича ровоч илдизи унинг ўрнига ўтади.

[1] Acorus calamus L. № 615 га қаранг. Бу ўсимликнинг илдизи – Rhizoma Calami Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Эҳтимол ал-ғарнатий, яъни Гренададан чиқадиган бўлса керак.

209 ВАРС[1]

М о ҳ и я т и.

Тўқ қизил тусли бир нарса бўлиб, заъфароннинг янчилганига ўхшайди. Бу Ямандан келтирилади. Айтишларича, бу ўша ердаги дарахтлардан йўнилган қириндидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Буруштирувчидир.

З и й н а т.

Қора нуқтали қонталаш, сепкил ва қизил нуқтали қонталашга фойда қилади. Ичилса, оқ доғга фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Тошмаларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтир, қичима, ширинча ва темираткига фойда қилади.

[1] Flemmingia rhodocarpo B a k. ўсимлигидан олинадиган сарғиш-қизил порошок. «Сайдана», № 1071 (1).

210 ВАСАХ – КИР, ЧИРК

Т а б и а т и.

Мўнди [хумча]ларнинг чирки иккинчи даража охирида қиздирувчидир. Энг яхшиси яшили ҳисобланади. Ҳаммомнинг деворида бўладиган кир мўътадил равишда қиздиради; кураш тушувчиларнинг кирлари ҳам ҳаммомнинг кирига яқиндир.

Қурашувчиларнинг кирлари икки хил бўлади. Бири таналарида тўпланган кирлар; улар зайтун ёғи билан баданларини ёғлайдилар, бунга чанг ўтириб, кирга айланади. Иккинчи хили деворларда буғлардан, кураш тушувчиларнинг терларидан тўпланган ва кураш майдонида тўпланган кирлардир.

Таъсир ва хоссалари.

Иккала хил кир ҳам эритади ва мўътадиллик билан пиширади. Хумчалардаги кир мўътадил равишда тозалайди ва жуда тортади. Ҳаммаси ҳам ўқ учи ва тиканни тортади.

Зийнат.

Қулоқ кири милкакка фойда қилади. Лаб ёрилганига ҳам қарши ишлатилади.

Шиш ва тошмалар.

Чиқиқларни йўқотади. Курашувчиларнинг кирлари эмчак шишларига, ҳаммомнинг кири эса қаварчиганга қарши яхшидир.

Жароҳат ва яралар.

Кураш тушадиган жой деворларидаги чирк пишмаган яраларга (ва кексалардаги яраларга) ҳам бошдаги ёрилишдан бўлган жароҳатларга қарши ишлатилади. Хумчаларнинг чирки темираткиларни яхши кетказади.

Бўғинлар.

Курашувчилар баданларидан [олинган] кирларни қиздириб, иркуннасо касалига марҳам каби қўйиш фойдалидир, бу бармоқ бўғинларининг тош бўлиб қотишида ҳам фойда қилади.

211 ВАРАШОН[1] – ОЛАПОХТА

Кўз аъзолари.

Олапохта қони кўз жароҳатларига ишлатилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Гўштининг ҳазми қийин.

Чиқариш аъзолари.

Гўшти ични қотиради.

[1] Columba palumbus.

212 ВАРАЛ[1] – ВАРАН

Моҳияти.

Калтакесак ва *сом абрас* шаклидаги, лекин улардан катта, узун дум-

ли, кичик бошли бир ҳайвондир. Бу сусмордан бошқадир. Сусмор саҳродан бошқа ерда бўлмайди; бўлса ҳам кам бўлади. Бунинг боши, танаси ва думи варалникидан бошқача бўлиб, кўп ҳолда унинг табиатига яқинлашгандир.

Т а б и а т и.

Гўшти жуда иссиқ.

З и й н а т.

Тезаги сепкил ва [302] қизил нуқтали қонталашга фойда қилади, гўшти ва чарвиси [ёғи] баъзи хотинларни жуда семиртиради.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда ўқ учи ва тиканни тортиш қуввати бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Тезагининг янчилгани сўгалларни қўпоради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Тезаги сусмор тезаги каби кўзга тушган оққа фойда қилади.

[1] Varanus.

213 ВАДАЪ[1] – КАУРИ САДАФИ

М о ҳ и я т и.

Бу – садафдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ўқ учи ва тиканларни тортади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Янчилгани маҳкам ўрнашган[2] ва осилган сўгалларни кесади.

[1] Cyrgaea moneta L.; туркчаси *ит бунчуғи*

[2] Б. да шундай, Л. да матн бузилган.

«ЗОЙ» ز [З] ҲАРФИ

214 ЗАНЖАБИЛ[1] – ЗАНЖАБИЛ

М о ҳ и я т и.

Танилгандир. Занжабил табиатда мурчга ўхшайди. Лекин бунда мурчнинг латифлиги йўқ. (Дискуридуснинг айтишича, занжабил тўпалоқ илдизига ўхшаган кичкина илдизлардан иборат бўлиб, ранги оқиш бўлади. Мазаси мурч мазасига ўхшайди. Ҳиди ёқимли бўлса ҳам латифлиги йўқ. Бу

кўпинча Трағлудитиқо номли ерда ўсадиган ўсимликнинг илдизи бўлиб, у ернинг аҳолиси бунинг баргини худди биз газагўтни ишлатганимиз каби кўп ичимлик ва овқатларда ишлатадилар. У яна айтганки, занжабилнинг ит занжабили номли хили бўлиб, уни табаристонликлар *фулфулак*[2] деб атайдилар. Бу ўсимлик кўпинча ҳовуз, булоқлар ва секин оқадиган сувларда ўсади. Унинг пояси бўғимли бўлиб, узунлиги тиззагача етади. Шох ва барглари ялпизникига ўхшайди. Лекин ундан кўра каттароқ ва оқлиги кўпроқ, юмшоқроқ, мазаси мурчники каби ўткир, ҳиди ёқимли бўлса ҳам унчалик эмас, мевалари майда ва барг бандларининг остидан унган кичик шохчаларда жойлашади. [Шохлари] узум боши каби бир-бирига чалишиб ётади. [Мевалари] ҳам ўткир мазали бўлади. У яна айтади: занжабилнинг ортиқча рутубати бўлганидан унда [этни] ейиш хусусияти бор. Бунинг қиздириши мурчнинг қиздиришидан кўра узоқроқ таъсир қилади. Бу ҳам индов, ҳардал ва *софсиё* каби зич тузилишга эга бўлганидан бўлади.

Т а б и а т и.

Учинчи даража охирида иссиқ (ва иккинчи даражада қуруқ). Бунда ортиқча рутубат бор. || Бунинг мураббоси иссиқ ва қуруқ бўлиб, кўп *160*
ортиқча рутубатлидир[3].

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Иссиқлиги кучлидир. Бунда ортиқча рутубат бўлганидан бир неча вақт ўтмагунча қиздирмайди. Лекин қиздириши кучлидир. Юмшатувчи бўлиб, дамланишни тарқатади. Асал билан қўшиб, мураббо қилинса, асал унинг ортиқча рутубатидан бир қисмини тортиб олади ва натижада қуритиши кўпроқ бўлади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Эслаш қобилиятини орттиради. Бош ва ҳалқум атрофидаги рутубатларни кетказади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Занжабилни сурма қилиш ва ичиш рутубатли кўзнинг хиралигини кетказади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазм қилдиради. Жигар ва меъда совуқлигига мувофиқ келади. Меъданинг ҳўллигини ва меваларни ейишдан пайдо бўлган рутубатларни шимади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мураббоси ва ўз ҳолидагиси шаҳвоний хоҳишни қўзғатади, ични енгилча юмшатади. Хузистонликларнинг айтишича, аксинча, ични тўхтатади. Мен айтаманки, агар ичкетиш ҳазм ёмонлигидан ва ёпишқоқ хилтнинг тойдиришидан бўлса, хузистонликларнинг айтганича бўлади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарли жониворлар чаққанига қарши фойда қилади.

[1] Zingiber officinale Rosc.

[2] № 218 га қаранг.

[3] Б. да шу иборалар ўрнида: «эрлик уруғини орттиради» деган гап бор.

215 ЗУФО РАТБ[1] – ЛАНОЛИН

М о ҳ и я т и.

Арманистон қўйларининг думбаларидаги юнгида тўпланадиган кир бўлиб, қўй сутли ўтлар устидан ўтиб борганида уларнинг қувватларини ва сутларини олади. Баъзан у суюқ бўлиб, уни қайнатиб, қотирилади.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўл.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Етилтирувчи ва шимдирувчидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қуюқ суртмаси қаттиқ шишларни ва эгри суякни юмшатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Суюқ суртмасини суртиш ёки уни ичиш жигарнинг совуқлигига қарши фойда қилади. (Уни анжир ва *бурақ* билан қўшиб, талоққа қуюқ суртма қилинади. Уни ичилса, истисқога ҳам фойда қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қовуқ ва бачадон жойлашган ерлардаги қаттиқликларни шимдиради ва буйракнинг совуқлигига фойда қилади.

[1] Қуруқ ланолин – қўй юнгидан олинган ёғсимон модданинг тозалангани – Lanolinum anhydricum [Adeps lanae anhydricus.] Сувлигини – Lanolinum hydricum дейилади. Буларнинг иккаласи ҳам Фармакопея VIIIда келтирилган.

216 ЗУФО ЁБИС[1] – ИССОП, ҲИССОП

М о ҳ и я т и.

Бунинг тоғда ва боғларда бўладигани бор.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада қуруқ ва иссиқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Каклигўт [*саътар*] каби латифдир.

З и й н а т.

Буни ичиш рангни чиройли қилади. Суртмасини суртиш эса юздаги яра изларини кетказади. [303]

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шароб билан ичиш қаттиқ шишларни шимдиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Сирка билан қайнатмаси кўз[2] оғриғини босади. Банди билан олинган *иссопнинг* анжир билан қайнатилгандаги буғи билан қулоқни воронка орқали буғланса, қулоқ шанғиллашида фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Иссоп қайнатилиб, кўздаги қонталашга ва кўз остидаги ўлик қонга[3] қарши боғланади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкракка, ўпкага, астмага ва чўзма йўтал [кўксов]га фойда қилади. Асал ва анжир билан қайнатмаси ҳам шуларга ва қаттиқ шишларга ҳам «тикка нафас олиш»га қарши фойда қилади. Бу билан томоқни чайиш ички *хуноқда* фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бу анжир ва *бурақ* билан талоққа қуюқ суртма бўлади, ичилса ҳам унга фойда қилади. Истисқода ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шиллиқни, қовоқ уруғи шаклидаги гижжани ва ингичка гижжаларни ҳайдайди. Ёввойи зира ва гулсапсар илдизи билан аралаштирилса, суриши кучаяди.

[1] Hyssopus officinalis L. Юнон матнларини таржима қилишда иккита юнонча сўзни, яъни ўсимлик номини кўрсатувчи ὑσσωπος билан тери устига чиққан ёғ маъносида бўлган οισυπος, ни бир-бирига алмаштириб юборганлар. Шу иккала терминни ҳам аввал *зуфо* деб кўрсатганлар, кейинчалик бу икки моддани бир-биридан ажратиш учун араб тилида ёзган муаллифлар «қуруқ» ва «ҳўл» сўзларини қўшиб ишлатадиган бўлдилар.

[2] Б. да: тиш.

[3] Яъни қонталашга.

217 ЗУРУНБОД[1] – ЁВВОЙИ ЗАНЖАБИЛ

М о ҳ и я т и.

Тўпалоқ [*суъд*]га ўхшаган чўп бўлиб, ундан катта ва атирлиги ундан камроқ бўлади. (Уни Хитой мамлакатидан келтирилади).

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Елларни тарқатади.

З и й н а т.

[1]

Семиртирувчи бўлиб, шароб, саримсоқ ва пиёз ҳидларини кетказади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Дилни хурсанд қилувчи ва унга қувват берувчидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусишни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади ва бачадон елларига [яъни шамолларига] фойда қилади.

Заҳарлар.

Заҳарли жониворлар чаққанига жуда фойда қилади, ҳатто бу тўғрида парпи [*жадвор*]га яқин келади.

Ўрнига ўтувчилар.

Ўз вазнининг бир ярим ҳиссасича дарунак, учдан икки ҳиссасича ёввойи сачратқи ва ярим вазнича цитрон донаси унинг ўрнига ўтади.

[1] Zingiber Zerumbet R o x b.

218 ЗАНЖАБИЛ УЛ-КИЛОБ[1] – КЕЛИН ТИЛИ

Моҳияти.

У машҳур сабзавот, яъни сув мурчи бўлиб, япроғи тол япроғи каби, лекин сариқлиги ундан кўра кучлидир. Таналари қизил ва занжабил мазасини берадиган бўлиб, итларни ўлдиради.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Зийнат.

Янгисини уруғи билан янчиб, юздаги доғларга, сепкилга ва эскирган нуқтали қизил қонталашга суртилса, уларни кетказади.

Шиш ва тошмалар.

Янгисини уруғи билан янчиб боғланса, қаттиқ шишларни шимилтиради.

[1] Polygonum hydropiper L. ўсимликнинг ўт қисми ва унинг суюқ экстракти Фармакопея VIIIга киритилган.

219 ЗИЪБАҚ – СИМОБ[1]

Моҳияти.

161a Симобнинг кондан тоза ҳолида топиладигани ва || кон тошидан, олтин ва кумушни олгандаги каби ўт ёрдами билан чиқариладигани бор. Кон тоши тоза, унга тупроқ ва тош аралашмаган бўлса, *зунжурф*[2] тусида бўлади. Балки *зунжурф* бунинг тусида бўлади, лекин унинг даражасигача бориб

етмайди. Жолинус ва бошқаларнинг айтишича, бу – *мурдасанг*[3] [*мартак*] каби сунъий нарсадир, чунки *мартак* ҳам ўт ёрдами билан олинади. Шунинг учун олтинни ҳам *мартак* каби сунъий бўлиши керак, дейдилар. Симобнинг моддаси *зунжурф*га ўхшаган тошдир[4]. Шунинг учун буни, зунжуфрни лой суртилган қозон тагидан ўт ёқиб қиздириш билан олинади, деб ўйлаганлар. Лекин бундай эмас, балки зунжуфрнинг ўзи олтингугурт билан симобдан олинади. Сўнг симобни, симоб жавҳари бўлган кондан чиқарилган зунжуфрдан олинганидек, бу [сунъий зунжуфрдан] ҳам олиш мумкин.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўлдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ҳайдалган симоб буруштирувчидир.

З и й н а т.

Ўлдирилган симоб қизил гул ёғи билан бит ва унинг сиркасига қарши даводир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Симобнинг ўлдирилгани қизил гул ёғи билан ёки қўтир ва оғир яраларда ишлатиладиган дорилар билан бирликда қўтирга ва оғир яраларга қарши ишлатилади.

Б ў ғ и н л а р.

Симобнинг буғи фалаж ва қалтироқ касалликларини пайдо қилади ва аъзоларни акашак қилиб қўяди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Симоб буғи эшитиш қувватини кетказади. Буғи оғизга борса[5], оғизни бадбўй қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Буғи кўзни кўрмайдиган қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бавлус айтади: табиблар борки, ўлдирилган[6] симобни ингичка ичак буралиши [*иловус*]га қарши ичирадилар.

З а ҳ а р л а р.

Ҳайдалган симоб парчаловчи қуввати зўр бўлганидан ўлдирувчидир. Бунинг кучли иложи сут ичиш ва қусишдир. Жолинус ўзининг бу тўғрида тажрибаси йўқлигини айтган. Баъзи табиблар айтадиларки, ўлдирилган симоб оғирлиги билан ўлдиради. Чунки бу йўлиққан нарсасини оғирлиги билан ейди. Лекин бу асоссиз гапдир. Симоб сичқонни ўлдиради. Бунинг буғидан заҳарли жониворлар ва илонлар қочадилар.

[1] Симоб ва унинг бир қанча препаратларн Фармакопея VIIIда келтирилган.
[2] *Зунжурф* – симобнинг олтингугурт билан бирикмаси – киновар.
[3] Яъни қўрғошин оксиди.
[4] Б. да: «[симоб] тошининг моддаси зунжурфга ўхшайди», дейилган.
[5] Б. да: буғи билан оғиз буғланса.
[6] Оригиналда шундай. Аслида «ўлдирилмаган» бўлса керак, чунки табиблар симоб ўз оғирлиги билан ичак буралишини тўғрилайди, деб ўйлар эдилар.

220 ЗОЖ – ЗОК

Моҳияти.

Оқ[1], қизил[2], сариқ[3] ва яшил[4] зоклар билан *қалқатор*, *қалқадис*, *қалқанд* ва *сурийлар* ораларида фарқ шуки, зоклар эришни қабул қилмайдиган тошлар[5]га аралашган эрийдиган моддалардир. Бошқа [айтилган] моддалар эрийдиган моддалардир. Булар аввалда оқувчан моддалар бўлиб, сўнг қотганлар. *Қалқатор* – сариқ, *қалқадис* [304] – оқ, *қалқанд* – яшил ва *сурий* – қизилдир. Буларнинг *сурий*дан бошқа ҳаммаси сувда қайнатганда эрийдилар. *Сурий* қаттиқ қотган ва зич моддадир. Яшил зок эса сариқ зокка қараганда тез қотади ва қаттиқ қатламлангандир. Буларнинг ҳар бири табиатида ўзининг тусига ўхшаш зокка ўхшайди.

Жолинус, қизил зок *қалқатордан* туғилади, деб хаёл қилган экан ёки *қалқаторни* қизил зок ўраб олганини ва ундан сочилиб турганини кўрган, лекин бу текшириладиган гап.

Танлаш.

Яшил, Миср зоки Қибрисдан келтириладиган зокдан кучлироқ бўлади. Лекин кўз касалликларида Қибрисники кучлироқдир. Қуйдирилмаган зок кучлироқ бўлиб, куйдирилгани латифроқ бўлади. Зокларнинг энг латифи *қалқадис* ва яшил зокдир. Зокларнинг энг мўътадили *қалқатор* бўлиб, энг ғализи *сурий* зокидир. Шунинг учун у сувда эримайди. Олтин каби ярақлайдиган зокнинг қуввати *қалқаторнинг* қувватига яқин. *Қалқаторнинг* энг яхшиси мислик, соф ва эскирмаганидир. Бу хили тез майдаланади.

Шужайра [дарахтча] деб аталган сиёҳ зокининг[6] энг яхшиси тилла рангда ярақлайдиган қаттиқ хилидир. Бунинг қуввати *қалқатор* қувватидекдир. *Сурийнинг* энг яхшиси Мисрдан келтирилганидир. Унинг [устидаги] қораси уваланиб, майдаланади ва ёрилган жойлари кўриниб қолади. Бу ёқимсиз ёғ мазали ва буруштирувчи мазали бўлади. Ҳиди ҳам шундай.

Табиати.

Иккинчи[7] даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буларнинг ҳаммаси куйдирувчидир. Яранинг устида қаттиқ қобиқ пайдо қилади ва буруштиради. Қизил зок *қалқаторга* қараганда камроқ ачи-

тади. «Кафшгарлар зоки»[8] ҳаммасидан буруштирувчанроқдир. *Қалқатор* ўртача буруштиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қалқатор оташак[9] ва ёйилувчи шишларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ҳамма хили ҳам ҳўл қўтир ва ширинчага фойда қилади. *Қалқатор* ва бошқаларидан оқма тешикларга қўйиш учун пилталар тайёрланса, «сафолланиш»[10]га қўймайди.

Б ў ғ и н л а р.

Сурий зоки шароб билан ҳуқна қилинса, иркуннасога фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и. ||

161б

[Буларни], хусусан, *қалқаторни* бурун қонашга қарши бурун ичига пуфланади. Зокларнинг ҳамма хили елга ва тиш милкидаги ёмон шишларга фойда қилади. Пилтани асалга булғаб, қулоққа қўйилса, қулоқ яраларига ва ундаги йиринглашга фойда қилади. Пуфлагич [*минфох*] билан пуфланганда ҳам шу хилда фойда беради. Зок тишларнинг ейилишини тўхтатади. *Сурий* деб танилган қизил зок [умуман] тишларни ва хусусан, қимирлайдиган жағ тишларини маҳкамлайди. Қуйдирилган зок савринжон, бойчечак илдизи билан бирга қўшиб, тилнинг тагига қўйилса, *зифдаъ* [қурбақа касали]га[11] фойда қилади. Зокдан, айниқса, қизил зокдан тайёрланган мумли суртма оғиз ва бурунларга тушган елга ва уларнинг яраларига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Зоклар, хусусан *қалқатор* қовоқнинг қаттиқлигига ва ғадир-будурлигига фойда қилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Зоклар ўпкани қуритади, ҳатто кўпинча ўлдиради.

З а ҳ а р л а р.

Бунда, ўпкани қуритганлиги учун заҳарловчи қувват бор.

1 Оқ зок – рух купороси.

2 Қизил зок – темир купороси.

3 Сариқ зок – уч валентлик темир купороси.

4 Яшил зок – икки валентлик темир купороси. Темир ва рухнинг сульфат тузлари. Фармакопея VIIIда ёзилган.

5 Яъни минералларга.

6 Бу зокнинг кристаллари дарахт шаклида бўлганлиги сабабли «дарахтча» деб аталган бўлса керак. Сиёҳ зоки – темир купоросидир.

7 Б. да: «учинчи».

8 Буни ҳам сариқ зок деб гумон қилинади.

9 Б. да сарамас.

10 «Сафолланиш» – оқма тешик атрофидаги тўқималарнинг қотиши.

11 *Зифдаъ* – тил ости безининг касаллиги.

221 ЗАРНИХ[1] – ЗИРНИХ

Моҳияти.

(Маъданий бир модда бўлиб), бунинг оқ[2], сариқ[3] ва қизил[4] хиллари бор.

Танлаш.

Энг яхшиси майда янчилган тўқ қизил рангли, хол-хол тусли ва гугурт ҳидига эга бўлганидир. Сариғининг энг яхшиси арманий хилининг уваланадигани ва тилла рангли яссилангани бўлиб, сариқ *талқ* [слюда]дек бўлиб қолганидир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳаммаси саситувчи ва ачиштирувчидир. Бу таъсирда қизили *қалқадис*дан[5] яхшироқдир.

Зийнат.

Мўйни тақир туширади. *Ротиёнаж* билан қўшиб, «тулки касаллиги»га ишлатилади.

Жароҳат ва яралар.

Чарви билан жароҳатларга қўйилади.

Шиш ва тошмалар.

Чарви ва ўсимлик ёғи билан бирга қўтирга, ҳўл ширинчага ва сасиган ярага қарши ишлатилади. [Зирних] терини куйдиради. *Мурр* билан аралаштириб битга ва қонталаш изларга қарши, *зифт* билан аралаштириб тирналган изларга қарши ишлатилади. Баъзан зайтун ёғи билан ҳам битга қарши ишлатилади.

Бош аъзолари.

Зирнихдан ва хусусан, қизил хилидан тайёрланган мумли суртма бурун ва оғизга тушган елларга ва яраларга фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Уни асал шароби ва асал суви билан қўшиб, ўпкаси йирингланганларга ичирилади. *Ротиёнаж* билан қўшиб, давомли йўталга ва йиринг туфлашда тутатилади. Гоҳо астмада ишлатиладиган ҳаблар таркибига киради.

Чиқариш аъзолари.

Қизил гул ёғи билан бирга орқа тешикдаги тошмалар ва бавосирга чапиланади.

Заҳарлар.

Зирнихнинг қиздириш билан ҳайдалгани ва оқи ўлдиради.

[1] Кейинги изоҳларга қаранг: арсен (мишьяк)нинг турли анорганик бирикмалари Фармакопея VIIIда келтирилган.

[2] Б. да: яшил. Оқ зирних – арсен уч оксид, яъни маргимуш.
[3] Сариқ зирних – аурипигмент.
[4] Қизил зирних – реальгар.
[5] Б. да: *қалдақийун*.

222 ЗАБАД УЛ-БАҲР[1] – «ДЕНГИЗ КЎПИГИ»

Моҳияти.

Хиллари бештадир: [1] шакли булутга ўхшаш [*исфунжий*], ҳиди балиқ ҳиди каби ёқимсиз, тузилиши зич ва соҳилларда бўладиган хили; [2] енгил, булутга ўхшаш, узун ва юмшоқ бўлиб, сув йўсуни ҳидини беради; [3] гулга ўхшаган гунафша тусли хили; [4] кир юнгга ўхшаган енгил хили; [5] қўзиқорин шаклли, сирти силлиқ, ичи дағал ва ҳиди йўқ хили. [305]

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Кирларни кетказувчи, тозаловчи ва куйдирувчи. Учинчи хили бошқаларидан латифроқ бўлади.

Зийнат.

Куйдирилгани, айниқса, учинчн хилининг куйдирилгани «тулки касаллиги»га қарши ишлатилади. Қўзиқорин шаклли хили мўйни тушириб юборишда ишлатилади. (Айтишларича), у доғга ҳам фойда қилади. Булутга ўхшаган ҳар иккала хили ҳам ювадиган нарсалар таркибига, шунингдек, сутли тошмалар, сепкил, юздаги доғ ва яраларга қарши ишлатиладиган дорилар таркибига киради. Булардан қолганлари эса мўйни тарашловчидир.

Бош аъзолари.

«Денгиз кўпигининг» силлиқ хили тишларни ялтиратишда энг мувофиқ нарсадир. Хулоса қилиб айтганда, у тишларни яхшилаб тозалайди.

Шиш ва тошмалар.

Силлиқ хили «мих бошли» шишларга қўйилади, гулга ўхшаш хили эса қулғунага қарши ишлатилади.

Жароҳат ва яралар.

«Денгиз кўпиги», айниқса, унинг булутга ўхшаган иккита хили, йирингланган қўтирга ва темираткида фойда қилади.

Бўғинлар.

(Гул шаклли хилини мум ва гул ёғи билан қўшиб, подаграга қарши ишлатилади).

(Озиқлантириш аъзолари).

Гул шаклли хили талоқ [касали] ва истисқода фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Гул шаклли хили сийишнинг қийинлашишига қарши фойда қилади. Қовуқ қумини тозалаш ва буйрак оғриғи учун ҳам ишлатилади.

[1] *Қаранг:* «Сайдана», № 485 (1); № 32. Буни «Диоскорид алкиони» деб ҳам аталади.

223 ЗАНЖАРФ[1] – ШАНГАРФ, КИНОВАР

Моҳияти.

Бир гуруҳ табиблар, бунинг қуввати қўрғошин упа[2] қуввати каби, бошқа бир гуруҳ табиблар эса, унинг қувватини шодана[3] қуввати каби, дейдилар.

Табиати.

Тўғрироғи, бу иссиқ ва қуруқдир. Шунда ҳам иккинчи даражанинг охирида бўлса керак. Бу ҳақда бошқа айтилган нарсалар етарли даражада билмасликдан келиб чиққан.

Таъсир ва хоссалари.

162а Баъзи табибларча, унинг буруштириши ўткирлигидан кучлироқдир. || (Бошқа табибларнинг фикрича, унинг ўткирлиги буруштиришидан кучлироқ бўлади).

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатларни бириктиради. Яраларда эт ундиради. Оловда куйгандаги ва иссиқлик тошгандаги ачиб куйишни тўхтатади.

Бош аъзолари.

Тишларнинг ейилишига тўсқинлик қилади.

[1] Зунжурф шаклида ҳам учрайди. Симобнинг олтингугурт билан бўлган бирикмаси.
[2] № 40 га қаранг.
[3] № 708 га қаранг.

224 ЗУЖОЖ – ШИША

Тошлар орасидаги шиша – одамлар орасидаги аҳмоқ кабидир. Чунки у ўзини бўяйдиган ҳар бир бўёқни, шунингдек, синишни ва қирқилишни қабул қилаберади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқдир.

Зийнат.

Тишларни ялтиратади; уни *занбақ* [оқ гулсапсар] ёғи билан суртилса (ва у билан ювилса), мўйни ўстиради.

Таъсир ва хоссалари.

Шишада буруштириш ва латифлик бор.

Бош аъзолари.

Бу билан бош ва тиш ювилса, бошнинг қазғоғини ва тишнинг кирларини аритади.

Кўз аъзолари.

Кўзни тозалайди ва унга тушган оқни кетказади. Куйдирилгани кучлироқ таъсир қилади.

Чиқариш аъзолари.

Янчилган ва куйдирилган шишани шароб билан ичилса, қовуқ ва буйрак тошларига қарши жуда фойдалидир.

225 ЗАРНАБ[1]

Моҳияти.

Мева бермайдиган катта бир дарахт бўлиб, Шомда Лубнон тоғида ўсади. Унинг япроқлари ишлатилади. Шохлари ингичкаликда жуволдиз билан [қамиш] қалам йўғонлиги орасида бўлиб, думалоқ шаклда бўлади. Туси сарғиш ва қора бўлиб, кучли таъм ва ҳиди йўқ, мавжуд ҳидида кучсиз лимонники каби хушбўйлик бор. Қуввати мускат ёнғоғи қувватига тенг, лекин ундан бир оз латифроқдир. Гоҳо долчиннинг ўрнига ҳам ўтади, (дейдилар).

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда буруштириш ва елларни тарқатиш хоссаси бор.

Бош аъзолари.

Сув ва қизил гул ёғи билан қўшиб, совуқ бош оғриғига қарши бурунга юборилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Совуқ мизожли жигар ва меъдаларга (жуда) фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

(Айтишларича), ични боғлайди.

[1] Бу Taxus bassata L. Баъзи муаллифлар бошқача таърифлайдилар. «Сайдана», № 493 (1).

226 ЗУБД[1] – МАСКА ЁҒ

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ҳам ҳўлдир. Лекин ҳўллик даражаси юқорироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Етилтирувчи, эритувчи ва [қаттиқликни] бўшаштирувчидир. Бунинг эритиш хусусияти қаттиқ баданларда бўлмасдан ўртача баданларда кўринади. Юмшоқ баданларда [эритиши] осонроқ бўлади. Тутуни қуритувчи бўлиб, мулойимлик билан буруштиради. Аъзоларга қуйилган моддалар сабабли бўлган оғриқларни тўхтатади.

Зийнат.

Баданни озиқлантириш ва семиртириш учун маскани суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Асаб жароҳатларига фойда қилади. Яраларни тўлдиради ва тозалайди.

Бош аъзолари.

Мия пардаларидаги жароҳатларга қарши ишлатиладиган дориларга аралаштирилади. Икки қулоқ тагида, бурун қанотларида ва оғизда бўладиган шишларга, милк шишига ва оғиз чақаланишига қарши ишлатилади. Болалар тишларининг чиқишини осонлаштириш учун милкларига суртилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Маска, хусусан, бодом ва шакар билан бирликда ишлатилса, совуқдан бўлган қуруқ йўталга фойда қилади. Зотилжам ва ўпка яллиғланишида балғам кўчишини осонлаштириш ва етилтириш билан фойда қилади. Бодом ёғи билан бирга ишлатилса, етилтириши кўпроқ бўлади, ёлғиз ўзи истеъмол қилинганда эса тозалаши [306] етилтиришидан кўра камроқ бўлади. Шакар билан истеъмол қилинганда юқоридагининг акси бўлади. Бир ярим *уқия* маскани асал билан бирликда яланса, қон туфлашни тўхтатади ва йиринг қусишга қарши фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични юмшатади, кўп истеъмол қилинса, ични суради. Маска билан ичак, бачадон ва моякларда бўлган шишларга қарши ҳуқна қилинади. Қовуқ оғзидаги жароҳатларга[2] қарши ишлатиладиган дорилар таркибига киради.

Заҳарлар.

Заҳарларга қарши туради. Афъо илони чаққанда суртилса, фойда қилади.

[1] № 515 га қаранг.

[2] Б. да: чиқиқ.

227 ЗИФТ[1] – СМОЛА, ҚИТРОН

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, *зифт уғро* ҳам деб аталади). У икки хил бўлади: [1] денгиздан олинадиган қора, оқувчан хили бўлиб, у марҳамлар

таркибига киради ва у қирнинг бир тури ҳисобланади. [2] Тоғ ва қуруқликдан олинадиган хили. Қуруқ ердан олинадиган хили ҳам оқувчан бўлади ва *таннуб*[2] ва санавбарнинг бошқа хилларидан олинади. *Зифт* аввалда ҳўл бўлиб, сўнг уни қайнатиб, қуритилади. *Зифт* елимининг кўпчилиги *таннубдан* чиқади. Бу дарахтнинг меваси Қурайш қабиласи кишиларининг эрмак учун чақиб юрадиган нарсаларидир. *Зифт ёғи қитронга*[3] яқин бўлиб, уни қуйидагича олинади: ҳўл зифтни қуригунча қайнатиб, ундан чиққан буғини томчиларга айлантириб олинади; ёки қайнатилганда тепасига юнг парчаси осилади ва у тамом ҳўл бўлгандан кейин бошқа идишга сиқилади. Қовоқ ва анбиқ асбоби[4] ёрдами билан бундан яхшироқ томчилатиш ва юқори кўтарилганини ушлаб қолиш мумкин эмас.

Таъсир ва хоссалари.

Қуюқ хилтларни етилтирувчи, тозаловчи ва қиздирувчидир. Ҳўли пиширувчанроқ ва қуруғи эса қуритувчанроқ бўлади ва уни марҳамларга қўшилади.

Зийнат.

Тирноқларнинг оқини кетказади. Аъзоларга қонни тортиб, уларни семиртиради, айниқса, кўп марта ёпиштириб, бирданига шиддат билан кўчирилса, яхши бўлади. Товон ва бошқа аъзолар ёриқларига || уларни тузатиш учун суртилади. Бунинг қуюқ суртмаси «тулки касаллиги»да мўйни ўстиради. *162б*

Шиш ва тошмалар.

Зифт, хусусан унинг ҳўли қаттиқ шишларни юмшатади. Арпа уни билан қўшиб, қулғунага қўйилади. Олтингугурт ёки *таннуб* дарахти қобиғи билан аралаштирилса, учуқнинг тарқалишини тўхтатади. Турли без йирингланишига[5] фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Темираткиларни кетказади, чуқур яраларда эт ундиради, айниқса, янчилган кундур ва асал билан ишлатилса, яхши таъсир қилади. Рутубатларни, бузилган яраларни тозалайди. Қуруқ *зифт* бу хил яралар ва жароҳатларни қаттиқроқ қуритади.

Бўғинлар.

Мушакларнинг шишларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Зифтнинг қуруқ ҳам ҳўли бош яраларига яхшидир.

Кўз аъзолари.

Зифтнинг тутуни киприкларни чиройли қилади ва уларни ўстиради. Кўздан ёш оқишини тўхтатади. Кўздаги яраларни тўлдиради. Кўришни кучайтиради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ҳўл *зифтни* танглайга суртиш томоқ оғриғи учун яхшидир.

Чиқариш аъзолари.

Ични юмшатади, кўп истеъмол қилинса, ични суради. Ичак, бачадон ва мояклардаги иссиқ шишларга қарши *зифт* билан ҳуқна қилинади. *Зифт* қовуқ оғзи жароҳатларида ишлатиладиган дорилар таркибига киради. Орқатешик ёрилганига суртилса, уни тузатади.

Заҳарлар.

Заҳарларга қарши туради. Суртмаси афъо илонининг чаққанига фойда қилади.

[1] Бу сўз билан санавбар, арча ва бошқа нина баргли дарахтларнинг смоласи ифодаланган. № 671 га ҳам қаранг.

[2] *Таннуб* – санавбарнинг кичик хили.

[3] № 619 га қаранг.

[4] Суюқликларни дистилляция қилиш [яъни қатронлаш] учун ишлатиладиган асбоб.

[5] Л. да: жароҳатларга.

228 ЗАЪФАРОН[1] – ЗАЪФАРОН

(Моҳияти.

Маълум ва машҳурдир).

Танлаш.

Яхшиси ранги чиройли, ҳиди ўткир ва янгисидир. Тукининг усти унча эмас озгина оқ бўлади, ўзи тўла, бузилмаган, тез бўяйдиган, ёпишмайдиган ва майдаланмаган бўлади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи ва эритувчидир. Бунда буруштириш ва елимлаш хусусияти бўлганидан етилтирувчи ҳамдир. Иссиқлиги мўътадил бўлиб, тиқилмаларни очади. Жолинуснинг айтишича, иссиқлиги буруштиришидан кўра кўпроқ ва ёғи қиздирувчидир. Хузистонлик табибларнинг айтишича, заъфарон хилтни ҳеч қўзғатмайди[2], балки уни баробарликда[3] сақлайди. Сасишни тузатиб, ички аъзоларни кучайтиради.

Зийнат.

Заъфарон ичиш рангни чиройли қилади.

Шиш ва тошмалар.

Шишларни шимилтиради; уни сарамасга қарши ҳам суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғритади ва унга зарар қилади. Шинни билан қўшиб, хуморга қарши ичилади. Ухлатади ва сезгиларни пасайтиради. [307] Шаробга солиб ичилса, маст қилади, ҳатто бефаҳм қилиб қўяди. Қулоқдаги иссиқ шишга ҳам фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни равшан қилади, кўзга тушувчи назлаларни тўхтатади ва кўзга тушган пардага қарши фойда қилади. Қасалликларда пайдо бўлган кўз кўкаришида заъфаронни сурма қилинади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юракни қувватли ва хурсанд қилади. Заъфаронни, хусусан, унинг ёғини диафрагма зотилжами[4] ва қобирға зотилжами[5] билан оғриган кишини ухлатиш учун ҳидлатадилар. Заъфарон балғам кўчишини осонлаштиради ва нафас аъзоларини кучли қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Кўнгилни айнатади ва меъдада бўлган нордон ширага зидлиги жиҳатидан иштаҳани ҳам туширади, чунки иштаҳа шу нордон шира билан бўлади. Лекин бунда иссиқлик, ошлаш [яъни тозалаш] ва буруштиришлик бўлганидан меъда ва жигарни қувватли қилади. Бир гуруҳ табибларнинг айтишича, заъфарон талоққа ҳам яхшидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади, сийдикни юриштиради. Мум билан ёки (тухум сариғи) ва икки баробарича зайтун ёғи[6] билан ишлатилса, бачадоннинг қаттиқлашиши, сиқилиши ва тузалмайдиган яраларига фойда қилади. Баъзи табибларнинг даъволарича, узоқ вақт туғиш дарди тутиб, туғолмай ётган хотинга заъфарон ичирилганда ўша соатдаёқ туққан.

З а ҳ а р л а р.

Айтишларича, бундан уч *мисқоли* гўё ҳаддан ташқари хурсанд қилиб, ўлдирар эмиш.

Ў р н и г а ў т у в ч и л а р и.

Ўз вазнича олинган *қуст* ёки тўртдан бир вазнича сунбул ёхуд олтидан бир вазнича олинган *салиханинг* қобиғи бунинг ўрнига ўтади.

[1] Crocus sativus L.

[2] Б. да: ўзгартирмайди.

[3] Б. да: қуруқликда.

[4] *Барсом* – қорин-кўкрак тўсиғини ўпка томонидан қоплаган парданинг яллиғланиши.

[5] *Шуса* – қобирғаларни ўпка томондан қоплаган парданинг яллиғланиши.

[6] Б. да: суяк илиги.

229 ЗИНЖОР[1] – ЗАНГОР

Моҳияти.

(Зангор маълум нарса). Уни олиш йўллари қуйидагича: мисни сирканинг лойқасида моғорлатилади [занглатилади]; (мис қириндилари устига сирка сепилади ва) нам ерга кўмилади; мис идишни ичида сиркаси бор бошқа бир идиш устига тўнкарилиб, занглагунча қўйилади, сўнгра унда ҳосил бўлган зангорни қириб олинади; мисни навшадил билан ҳам аралаштириб нам ерга кўмилади, бу машҳур усулдир. Зангорнинг энг латиф хили қуйидагича олинади: ҳайдалган сиркадан олиниб, мис дастали мис ҳовончага солинади ва офтоб иссиғида то занг ҳосил бўлгунча ишқалана берилади. Кейин устига анчагина миқдорда аччиқтош ва туз солиб ишқалашда давом этилади, у хамир ҳолига келгандан кейин тўпланиб, қуритилади, кейин унинг устига сирка ва болаларнинг сийдигидан сепилади ва нам ерга қўйилади.
163а Сўнгра йиғиштириб олиб, яна қуритилади. || Гоҳо мис конларида тошлар устида пайдо бўлиб қолган зангорни ҳам оладилар, баъзан эса у, конда соф ҳолда топилади.

Танлаш.

Энг яхшиси кондан чиққанидир. Энг кучлиси [мис] туболидан ва куйдирилган [мис]дан олинганидир. Сирка билан таъсирлангани навшадил билан тайёрланганидан юмшоқроқ бўлади.

Табиати.

Тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи, қаттиқ ва юмшоқ гўштларнинг ҳаммасини еювчи ва ўткирдир. Зангорни мумли суртмада ишлатиш уни мўътадил қилади ва ачитмасдан қуритадиган ҳолга келтиради.

Жароҳат ва яралар.

Ёйилувчи яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Мумли суртмаси яраларни битиради. Чиркли яраларни тоза қилади. Зангор сақич ва *натрун* билан бирга яраланган қўтир, пес ва доғ учун даводир.

Бош аъзолари.

Навшадил, аччиқтош ва сирка воситаси билан олинган зангорни янчиб, бурунга пуфланса ва ҳалқумга етмасин учун оғизни сувга тўлдириб турилса, бурундаги ҳид ва ёмон сифатли яраларга фойда қилади.

Темирдан сирка билан олинган зангор [темир занги] тиш милкини маҳкамлайди. Бундан милкнинг шишлари учун мумли суртма тайёрланади. Мис зангори ҳам тайёрланади.

Кўз аъзолари.

Қовоқ қалинлигида ва дағаллигида фойда қилади. Кўзни тозалайди. Кўз яраларида ишлатиладиган дорилар таркибига киради ва кўз ёшини жуда кўпайтиради. Зангорни сурма қилиб ишлатилгач, кўзни иссиқ сувга ботирилган булут билан қиздириш керак.

Чиқариш аъзолари.

Бавосир дорилари таркибига киради. Уни қаврак елими билан қўшиб, пилталар тайёрланиб, бавосирда қўйилади.

[1] Бу миснинг сирка кислотали тузи.

230 ЗАҲРАТ УН-НУХОС – МИС ОКСИДИ

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи, еювчи ва ачиштирувчидир.

Жароҳат ва яралар.

Ортиқча гўштни ейди.

Бош аъзолари.

Қулоқ яраларини қуритувчи дорилар таркибига киради. Оқ хилини янчиб, қулоққа пуфланса, чўзма карликни кетказади. Асал билан бирга бўғиз гўштлари ва лаклукдаги шишларга қарши танглайга суртилади.

Чиқариш аъзолари.

Бундан тўрт *оболоси* қуюқ хилтни ва зардобни суради. Бавосирни ва орқатешик яраларини қуритувчи дорилар таркибига киради (дейдилар).

231 ЗАВФАРО[1] – БЕКЛАР ЎТИ, МИРАК

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, Лигурия мамлакатидаги Афонинус[2] тоғида ўсадиган бир дарахтдир. Афонинус Мисрга яқин бир тоғдир. Бу ернинг аҳолиси бу дарахтни *фонокисир*[3], яъни *жовшир* деб атайдилар. Чунки бунинг илдизи, танаси [308] ва қуввати *жовширга* ўхшайди. Баланд тоғлардаги ўрмонларда, айниқса, сояли нам жойларда ўсади. Таналари кичик укроп танаси каби ингичка бўғинли бўлиб, устида қашқарбеда япроғига ўхшаш япроғи бор. Лекин бу ундан кўра юмшоқроқдир. Ҳиди ёқимли. Танасининг учи ингичка бўлиб, шохларга ажралгандир. Унинг тожи бўлиб, унда ичи ковак озгина чўзинчоқ бодиён уруғига ўхшаш қора уруғи бор. *Фонокисир* ўсимлигининг илдизига ўхшаш оқ илдизи бўлиб, унинг ҳиди ёқимлидир. Бир гуруҳ табибларнинг айтишича), бу бир дарахтки, данаги болдирғон данагига ўхшайди, буни *ҳазо* дейдилар. Бу газагўтга ўхшайди. Уни *динорўя*[4] ҳам дейдилар.

Табиати.

Иссиқ ҳам қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Ичдаги дамни тарқатади (ва қиздиради).

Озиқлантириш аъзолари.

Таомни ҳазм қилдиради. Меъда намланишига ва шилликдан бўлган шишларга фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Уруғи ва илдизи кўз хираланишига фойда қилади ва уни тозалайди.

Жароҳат ва яралар.

Қўтир ва қичималардаги оғриққа фойдалидир).

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини кўпайтиради. Илдизи ва уруғининг қуввати газагўти қуввати кабидир. (Ичилса, ҳайз қони ва сийдикни ҳайдайди; хотин киши илдизини кўтарса ҳам шу таъсирни қилади).

Заҳарлар.

Беклар ўтини ичиш ва суртиш чаённинг (ва заҳарли жониворларнинг) чаққанига фойда қилади.

[1] Бу Echinophora Sibthorpiana Guss. № 189 ва 266 га қаранг.

[2] Жой номлари матнда бузиб берилган; қ. «Диоск». III, 48.. Афонинус – Апеннин тоғлари.

[3] Юнонча πανχης ηραχλειον сўзининг бузилгани. № 140 га қаранг.

[4] № 189 га қаранг.

232 ЗАРРИН ДАРАХТ[1] – «ОЛТИН ДАРАХТ»

Бўғинлар.

Иркуннасога фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Япроғининг сувини шинни билан бирга сийдик ва ҳайз қони тутилишига қарши ишлатилади. Бачадондаги болани ва қовуқда қотган қонни чиқаради.

Заҳарлар.

Заҳарли майда жониворлар чаққанига қарши фойда қилади.

[1] Форсча «тилла дарахт» деган маънода бўлиб, баъзи муаллифлар лимон ёки апельсин дарахти, деб тахмин қиладилар.

233 ЗАҲРА[1]

Моҳияти.

Икки турли бўлади. Иссиқ ва қуруқ мизожли бир ўсимликдир. Ҳаммаси қуритувчидир.

Зийнат.

Сочни ёзади, соч қазғоқлашишига қарши яхшидир.

[1] Anthyllis cretica Willd. Б. да бу дори қуйидаги вариантда келтирилган:

(ЗАҲРА

Моҳияти.

Бир ўсимлик, унинг бир хилининг япроғи ясмиқ шаклида бўлиб, шохлари бир оз тиккадир. Япроғи юмшоқ, илдизи ингичкадир. Офтобли шўр ерда ўсади. Мазасида шўрлик бор, бунинг яна иккинчи хили ҳам борки, *камофитусга* ўхшайди ва туси ундан чиройлидир ва арғувон ранглидир.

Яралар.

Бириктирувчидир.

Бош аъзолари.

Ортиқча хилтларни суюлтиради. Иккинчисини *сиканжубин* билан ичиш тутқаноққа фойда қилади).

234 ЗУЪРУР[1] – ДЎЛАНА

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, бу тиканли бир дарахт бўлиб, барги *луқурошийнинг* баргига ўхшайди, мевалари эса олмага ўхшаган, лекин ундан кичик. [Мевасининг] ранги қизил бўлиб, ҳар бирида учтадан данак бўлади, шунинг учун бир гуруҳ табиблар уни *тариқуниқун* деб атайдилар. Бунинг маъноси уч данаклидан [олинган] дори демакдир). Бунинг машҳур бир хили бор. Уни уч данакли деб атайдилар. Юнонликлар *ҳифлимун*, *сатониюн* деб атаган хили ҳам бор. Дўланани кўпинча чўл олмаси, деб атайдилар. Дарахти олма дарахтига ўхшайди, ҳатто, япроғи (ва илдизи) ҳам ўхшайди. Лекин [меваси] олмадан кичик бўлади. (Уни ейилади ва у) мози таъмини беради. (Пастки қисми кенгроқ бўлади; бу дарахт мевасининг ранги сариқдир.

Табиати.

Бир гуруҳ табиблар уни совуқ ва ҳўл дейдилар).

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчидир. Буруштириш таъсири жийданикидан кучлидир. Сафрони сўндиради. Бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади.

Бош аъзолари.

Ҳифлимун бошни оғритади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Дўлана] меъдага зараралидир.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади (ва сийдик тутилишини туғдирмайди).

[1] Crataegus azarolus L.

235 ЗИБЛ – ТЕЗАК, АХЛАТ

Тезаклар ҳайвон турларига қараб турличадир. Баъзан бир турдаги ҳайвонларнинг тезаги ҳам шахсига қараб бир-биридан фарқ қилади. Бу айниқса, одамларга тааллуқлидир. Ўрдак тезагининг иссиқлиги ҳаддан ташқари кўп бўлганидан ишлатилмайди. Лочин, қирғий, қарчиғай ва бошқа йиртқич қушларнинг тезаклари ҳам ўтакетган даражада иссиқ бўлганидан кам истеъмол қилинади.

Табиати.

Тезаклар ичида совутувчи ва ҳўлловчи бўлгани йўқдир. Каптарнинг тезаги ишлатиладиган тезакларнинг энг қиздирадиганидир. Қўлда боқиладиган [ҳайвонлар] тезагининг иссиқлиги яйловда юрадиган [ҳайвонлар] тезагининг иссиқлигидан камроқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Эчкининг, хусусан, тоғ эчкисининг қумалоғи ҳар хил қон оқишга қарши ишлатилади. Эшак тезагининг ҳам куйдирилгани ва куйдирилмагани ҳар хил қон оқишига қарши ишлатилади. Каптарнинг тезаги қизартирувчилардан бўлиб, арпа уни билан бирга ишлатилса, эритувчи бўлади. Эчки қумалоғининг куйдирилгани латифроқ бўлади, лекин қиздирувчанлиги ортмайди.

163б Зийнат. ||

Қўйнинг қумалоғини сирка билан қўшиб, чумолисимон, жуволдизсимон ва тутсимон сўгалларга суртилади. Чигиртка тезагини сепкил ва доғга суртилади. Гуруч билан овқатланадиган майна тезагининг ҳам шундай хоссаси бор. *Ҳирдун* ва вараннинг тезаги рангни чиройли қилади. Эчки, айниқса, тоғ эчкиси қумалоғининг куйдирилгани «тулки касаллиги»да ишлатилади.

Каламушнинг тезаги ҳам шундай хоссага эгадир. Каптарнинг тезаги рангни гўзал қиладиган дорилардан ҳисобланади. Сусморнинг қумалоғи сепкилни кетказади. Бу текширилган нарсадир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Сигир тапписини сирка билан қўшиб, иссиқ чиқиқларга қўйилса, уларни тўхтатади. Эчки ва қўй қумалоғининг сиркада эзилганини мум ва гул ёғи билан қўшиб, оловда куйганга қўйилади. Каптар тезаги асал ва зиғир уруғи билан [309] нори форсий ва оловдан куйгандаги яра устининг қотганида ишлатилади. Эчкининг қумалоғи пўст ташлашга қарши ишлатилади. Каптар ва тувдо тезаклари темираткиларга қарши ишлатилади. Гуруч билан озиқланадиган майна тезаги ҳам темираткиларга ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Суяк еган итнинг тезаги асал билан бирга ишлатилса, эски яраларга фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Сигирнинг тапписи иркуннасога қуюқ суртма бўлади. Эчкининг, айниқса, тоғ эчкисининг қумалоғини тўнғиз ёғи билан бирга қўшиб, подагра ва иркуннасога суртилади. Тўнғизнинг қуриган тезаги сирка билан мушакнинг лат ейишида ичилади ва мум суртмаси билан асабнинг буралганига ва ҳар хил қаттиқликларга қўйилади. Каптар тезаги бўғин оғриқларига қўйилади. Эчки қумалоғи, айниқса, сув аралаштирилган сирка билан бирга бўғинларнинг қаттиқлашганига ва шишларига ишлатилиб кўрилган. Бу Жолинуснинг тажрибаларидандир. Буни арпа уни билан қўшиб, суртиш ҳам шундай тажрибадан ўтгандир. Бу гўшти қаттиқроқ ва пишиқроқ бўлган кишига яна мувофиқроқдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Эшак гўнгини қаттиқ бурун қонашига қарши ҳидлатилади. Ёки унинг суюқ қисмини бурунга сиқиб томизилади. Шунда қон кетиш тўхтайди. Каптар тезаги ширинчага фойда қилади.

Жолинуснинг айтишича, ёввойи каптарнинг тезаги таратизак уруғи билан бирга «темир қалпоқ» [*байза*][1] дейилган бош оғриғига фойда қилади. Сигир тапписи қулоқ орқасидаги шишларга ишлатилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Варан, сусмор ва тимсоҳ тезаклари кўзга тушган оқ пардани йўқотиш учун ишлатилади. (Каптар ва чумчуқ тезаги ҳам шунга ишлатилади). Қалдирғоч тезаги бу таъсирда, айниқса, ажойибдир. Мен буни (асал билан бирга) тажриба қилдим. (Сичқон тезаги кўзнинг мугуз қавати ярасида ва унинг остига тўпланган йирингда тажриба қилинган).

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Тўнғиз тезагини сув ва шароб билан қўшиб, қон туфлаш ва биқин оғриғига қарши ишлатилади. Суяк еган итнинг тезагини томоқ оғрикда танглайга суртилади. Болаларнинг тезаги ҳам шунга ишлатилади, ҳатто [бу билан даволанганда] қон олишга ҳожат қолмайди. Ахлатнинг ҳиди камайсин учун болага нонни Миср боқиласи билан бирга бериш керак. Сигирнинг [қуруқ] тапписи ўпкадаги сил ва бошқа касалларда тутатиш учун қўлланиладиган дорилардан ҳисобланади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Эчки, хусусан, тоғ эчкисининг қумалоғини сариқда баъзи дориворлар билан ичилади. Бу тажрибадан ўтган. Истисқо касалида суртиш ва ичиш ҳам фойда қилади. Хоҳ қуюқ ҳолда, хоҳ суюқ ҳолда суртиш офтобда бўлиши керак.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буқа тапписини бачадон пастга тушишида тутатилади. Эчкининг, ҳусусан, тоғ эчкисининг қумалоғини баъзи дориворлар билан ичилса, ҳайз қонини юргизади, бачадондаги болани туширади ва қаттиқ талоқни юмшатади. Буқанинг қуриган тезагини янчиб кундур билан қўшиб, бачадондан қон кетишига қарши кўтарилади, бу ҳам текшириб кўрилган. Товуқнинг ахлати қуланжга қарши ишлатилади. Бўрининг ахлатини ҳам яллиғсиз шишдан бўлмаган қуланжга қарши сувга солиб ёки қайнатиб, ёхуд дориворларнинг қайнатмасига солиб ишлатилади. Бўри тезагининг, айниқса, тикан ва ердан кўтарилиб турган ўсимлик устидан олинган оқ ва ичида суяги бор хили фойдалидир. Ҳатто уни бўри терисида ёки бўридан қутқазилган қўй юнгидан қилинган пилтада, ёки тоғ эчкиси терисида, Жолинус қилганидек, кумуш идишда осилса ҳам қуланжга фойда беради. Буни ёнбошга осиш керак. Жолинуснинг гувоҳлик беришича, қуланж оғриғи тўхтаб турганда бўри тезагини ичилса, тамом тузатади ёки бир даража енгиллаштиради. Қузғуннинг[2] тезагини тутатиш болани туширади. Сичқон тезагини кундур билан бирликда шаробга солиб ичилса, тошни майдалайди. Кўтарилса, болаларнинг ичларини суради. Каптар тезаги ҳуқнада ишлатилса, қуланж оғриғига фойда қилади. Суяк бериб боқилган ит тезагини ҳуқна қилинса, темир ёки тош солиб қайнатилган сутга солиб ичилса[3], ичкетишда ва ичак яраларида фойда қилади. Фил тезагини айтганларича кўтарилса, бўғоз
164a бўлишга моне бўлади. ||

З а ҳ а р л а р.

Эчки, айниқса, тоғ эчкисининг қумалоғини сирка ва шароб билан қайнатиб, заҳарли майда жониворлар чаққанига қўйилади. Жолинуснинг гувоҳлик беришича, афъо илонлари чаққанига ҳам фойда қилади. Ўтловчи эшакнинг қуруқ ахлати шароб билан бирга чаён чаққанида жуда яхши-

дир. Товуқнинг ахлати бўғувчи қўзиқорингa қарши тарёқдир. Бу текшириб кўрилган. У ёпишқоқ қуюқ хилтни майдалайди. Эчки қумалоғида ариларнинг заҳарларини тарқатадиган қувват бор. Буқа тапписининг тутуни пашшаларни ҳайдайди.

[1] Темир қалпоқ – шлем кийганда бошни қисиб оғритгани каби оғриқ.
[2] Ўлимтикхўр.
[3] Сутга қиздирилган темир ва тош солиб ҳам қайнатилади.

236 ЗАЙТУН[1] – ЗАЙТУН

Моҳияти.

(Баъзи мамлакатларда ўсадиган баланд бир дарахтдир). Зайтун ёғи хом зайтундан сиқиб олинади. Гоҳо етилган зайтундан ҳам олинади. *Унфоқ* ёғи деб аталган зайтун ёғи хом зайтундан сиқиб олинганидир. Гоҳо [310] хом зайтун билан етилган зайтун орасида турувчи қизил зайтундан ҳам ёғ олинади. Бунинг таъсири биринчи икковининг таъсирлари ўртасида бўлади. Зайтун ёғи гоҳо боғларда бўладиган зайтундан ва гоҳо ёввойи зайтундан олинади. Эски зайтун ёғи қуюқ суртмаларда канакунжут, турп ва седана ёғлари қувватига яқиндир. Лекин булар қизитувчанроқ, ё таъсирлари шунга яқинроқ бўлади. Зайтун шохлари ва япроқларини куйдириб [ишлатишни] хоҳласалар, олдин уларни асалга булғаш керак.

Танлаш.

Соғлом кишилар учун зайтун ёғининг энг яхшиси *унфоқ* ёғидир. Ёввойи зайтун елимининг энг яхшиси тилни ачитиб чақадиганидир. Агар ачитмаса, унда фойдали таъсир бўлмайди.

Табиати.

Унфоқ ёғи биринчи даражада совуқ ва қуруқдир. Руфус «бунда рутубат бор», дейди. Етилган зайтуннинг ёғи ўртача иссиқ бўлиб, ҳўлликка мойилдир. Агар бу ювилса, ҳўллик ва қуруқликда мўътадил ва иссиқлиги кам бўлиб қолади. Қисқаси, етилган зайтун иссиқ бўлиб, ёғи мўътадил ҳўлдир. Хом зайтун (мўътадил даражада) совуқдир. Чўпи ва япроғи ҳам совуқдир. *Унфоқ* ёғи жуда эскирса, ширин зайтун ёғининг табиатига ўтади.

Таъсир ва хоссалари.

Зайтун ёғининг ҳамма тури баданни қувватли қилувчи, ҳаракатга мойил қилувчи ва [ҳароратни] сўндирувчидир[2].

Ёввойи зайтун ёғи мис идишда қотгунча қайнатилса, қуввати *ликий ширази* қувватига яқин бўлади. Тузланган зайтуннинг суви хилтни тозалашда намакобдан кучлироқ бўлади. Эскирган зайтун ёғининг ўткирлиги ачиштириш даражасига етмайди. Зайтун оз ғизо берадиган нарсалардандир.

Зийнат.

Ёввойи зайтун япроғи милкак учун яхшидир. Бу билан баданни ишқаланса, терни тўхтатади. Ёввойи зайтун ёғи кўп жиҳатдан гул ёғидекдир. Мўйни сақлайди, ҳар куни ишлатилса, мўйнинг тез оқаришини тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

Ёввойи зайтун сарамас, учуқ ва эшакемга ишлатилади, иссиқ яллиғли шишларни йўқотади. [Ҳўл] ўтинини ёққанда оқадиган рутубат, қўтир ва темираткига ишлатилади. Зайтун ёғининг қуйқаси, айниқса, япроғи билан бирга безлардаги иссиқ шишларга даводир.

Жароҳат ва яралар.

Ёввойи зайтуннинг хомидан сиқиб олинган ёғи ҳўл ва қуруқ яраларга ва қўтирга фойда қилади. Ёввойи зайтуннинг япроғи сарамасга, ёйилувчи тошмага, тузалмайдиган [яра]га, чиркли ярага, учуққа ва эшакемга ишлатилади. Зайтун ёғининг қуйқаси, айниқса, Миср боқиласининг ивитмасида *хомолоун*[3] билан аралаштирилгани қўтирни, ҳатто, мол қўтирини тузатади. Зайтуннинг сув ва туз билан ишлангани оловдан куйганга боғланса, қаваришнинг олдини олади. Чиркли яраларни тозалайди. Ёввойи зайтуннинг елими яраланган қўтирга ва темираткиларга фойда қилади ва жароҳатларнинг марҳамлари таркибига киради.

Бўғинлар.

Тузланган зайтун суви иркуннасода ҳуқна қилинади. Зайтун ёғининг ювилгани асаб оғриқларига ва иркуннасога мувофиқ келади. Эскирган зайтун ёғи суртма қилинса, подагра билан оғриганларга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Зайтун япроғини узум ғўрасининг суви билан узоқ қайнатилса, асалдек бўлиб қолади; буни ейилган тишларни қўпориш учун суртилади. Ёввойи зайтун ёғи бош оғриғига фойда қилишда гул ёғидекдир. Ёввойи зайтун ширасы қуритилиб, кулча қилинади ва қулоқ оқмасини даволаш учун ишлатилади. Ёввойи зайтун ёғи билан оғиз чайқалса, қонайдиган милкка
164б фойда қилади ва қимирлайдиган тишларни маҳкамлайди. || Ёввойи зайтун елими ейилган [ковак] тишларнинг оғриғида ковакка тиқилади. Чаён солиб қўйилган зайтун ёғи қулоқ оғриғига томизиладиган дориларнинг энг қимматлисидир. Зайтун япроғини чайнаш оғизнинг оқариб оғришига қарши яхшидир.

Кўз аъзолари.

Зайтун ёғининг эскисини кўз хираланишига қарши суртма қилинади. (Қуйқаси кўз дорилари таркибига киради). Япроғининг куйдирилгани кўз касалларида тутиё ўрнига ўтади. Елими кўзга тушган парда, (оқ) ва мугуз

қатламининг дағалланишига қарши ишлатилади. Япроғининг шираси кўз ғўлагининг ирғиб чиқишига, кўзнинг мугуз пардаси яраларига ва кўзга тушадиган назлаларга қарши ишлатилади. Боғ зайтуни кўзга ёввойи зайтундан кўра мувофиқроқдир ва елими ҳам мувофиқ бўлиб, кўзни тозалайди ва яралар чиркини кетказади, кўзга тушган сув [катаракта] ва оқни кетказади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Қора зайтун ўз данаги билан бирга астма ва ўпка касалликларида тутатиладиган нарсалар жумласидандир.

Озиқлантириш аъзолари.

Зайтун ёғининг қуйқасини истисқо касали билан оғриган кишининг қорнига суртилади. Зайтуннинг бир ўзи қийин ҳазм бўлади[4]. Зайтуннинг тузлангани ғализ бўлатуриб, иштаҳани қўзғатади, меъдани қувватли қилади ва буруштирувчи каймус туғдиради. Ивитилгани ҳазм учун яхшироқ бўлиб, тез ҳазм бўлади. *Унфоқ* ёғи меъдага яхшидир.

Чиқариш аъзолари.

Муррий билан қўшиб, таомдан илгари ейилса, ични юмшатади. Бундан тўққиз [311] *уқия* олиб, иссиқ сув ёки арпа суви билан истеъмол қилинса, ични суради. Зайтунни газагўт билан қайнатиб, ичакнинг бураб оғришига ва гижжаларга қарши ишлатилади. Яллиғли қуланжга фойда қилади. Ахлат бузилишидан бўлган қуланжга ҳуқна қилинади. Зайтуннинг шираси бачадондан [рутубат] оқишига ва бачадондан қон кетишига қарши кўтарилади. Зайтунни арпа уни билан бирга давомли ичкетишга қарши қуюқ суртма қилинади. Эски зайтун ёғининг узум ғўрасининг суви билан қўшиб, қуюлтирилганини орқатешикнинг ички яраларида ҳуқна қилинса, фойда қилади. Шунингдек, бачадонга ҳам фойда қилади. Зайтуннинг елими сийдик ҳам ҳайз қонини ҳайдайди. Бачадондаги болани туширади.

Заҳарлар.

Зайтун ёғини иссиқ сув билан ичилса, қустирадн. Заҳар қувватини синдиради. Ёввойи зайтуннинг елими ўлдирувчи дорилардан саналади.

[1] Olea europaea. Зайтуннинг янги мевасидан сиқиб олинган ёғ [Oleum olivarum] Фармакопея VIIIда келтирилган.

[2] Б. да: тозаловчидир.

[3] № 779 га қаранг.

[4] Б. да шундай. Л. да: етилади.

237 ЗАДВОР[1]

Моҳияти.

Менинг гумон қилишимча, *жадвордир*[2].

[1] Л. да: зардовад; Б. да: зардвор.

[2] № 162 га қаранг.

238 ЗАРОВАНД[1] – АРИСТОЛОХИЯ

Дискуридуснинг айтишича, (бу исм «ортиқ» маъносидаги *арастун* сўзи ва янги туққан хотин маъносидаги *лухус* сўзидан олинган. Бундан янги туққан хотинга фойда қилишда жуда ортиқ [етук] дори деган маъно тушунилади). Аристолохиянинг узун ва думалоқ хиллари бор. Ток новдаси чирмовиғига ўхшаган хили ҳам бор. Бу узун хилидандир. [Думалоқ хили] урғочидир. Бунинг япроғи *кисус* деб аталадиган ўсимлик япроғига ўхшайди. Бу печак гулининг бир тури бўлиб, ҳиди ўткир бўлиши билан бирга ёқимли, шакли думалоқ, ўзи юмшоқдир. Бир илдиздан узун, кўп тармоқлар тарқалган. Гулининг ичи қизил, ҳиди ёқимсиз бўлиб, қулоқ шаклидадир.

Эркаги бўлган узун хилига келсак, унинг япроғи узунроқдир. Ҳар тармоғида бир қарич келадиган гунафша тусли, бадбўй гули борки, у нок гулига ўхшаб, устидан чиқади. Илдизи бир қарич узунлигида ва бармоқ йўғонлигидадир. Тилларанг узун хилининг тармоқлари ингичка бўлиб, япроғи гулҳамишабаҳор япроғидек, гули эса газагўти гулидекдир. Илдизи ҳаддан ташқари узун ва пўсти қалиндир. Атторлар буни ёғларни ишлаб тарбиялаш учун истеъмол қиладилар.

Табиати.

Ҳамма хили учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи, латиф қилувчи, очувчи, суюлтирувчи ва тортувчи бўлиб, тикан ва ўқ учларини ҳам тортади. Узун хили эт ундиришга ва яраларга яхшироқдир. Чунки у тозаловчи ва қиздирувчидир. Бошқа таъсирларда думалоқ хили яхшироқдир. Бу қаттиқ очувчи ва латиф қилувчидир. Узун хилининг қуввати қиздиришда думалоқ хилининг қувватидекдир. Балки латиф қилишдан бошқа хусусиятда ундан ортиқ бўлса, ажаб эмас. Чунки аристолохиянинг думалоқ хили латифроқдир. Шу жиҳатдан еллардан келадиган оғриқларни тўхтатишда энг кучлидир. Аристолохиянинг учинчи хили энг кучсизидир.

Зийнат.

Аристолохия, айниқса, унинг думалоқ хили доғга фойда қилади, тишларни ялтиратади, кирини кетказади, рангни тозалайди.

Жароҳат ва яралар.

Чиркли ва тузалмайдиган яра ва пўст ташлашни тозалайди. *Зарованд*, айниқса, унинг узун хили эт ундиради. Сасиган чуқур яраларни тузалмайдиган бўлиб қолиш томонига ўтишга қўймайди. Гулсапсар илдизи билан қўшилса, ундай яраларни эт билан тўлдиради.

Бўғинлар.

Мушакларнинг узилишида фойда қилади. Бу, хусусан, думалоғи, подаграга қарши суртма бўлади. Подаграли кишилар уни ичиб, фойдаланадилар. Совуқдан тиришишда шундай фойда қиладики, бу жиҳатдан бошқа дори унга тенг келолмайди.

Бош аъзолари.

Қулоқ чиркларини тозалайди. Асал билан қулоққа қўйилса, эшитишни кучайтиради || ва унда пайдо бўладиган йирингни йўқотади. Мурч би- *165a*
лан истеъмол қилинса, мияда тўпланган ортиқча хилтларни тозалайди. Бу тутқаноққа ҳам фойда қилади ва тиш милкини маҳкамлайди.

Кўкрак ва нафас аъзолари.

Зарованд, айниқса, унинг думалоғи астмада яхшидир. Кўкрак ва ўпкани тозалайди. Сув билан ичилса, биқин [плевра] оғриғига фойда қилади. Думалоғи бу касалликларнинг ҳаммасида энг кучлидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳиқичоққа ва шунингдек, *сиканжубин* билан ичилса, талоққа яхшидир. Гоҳо сирка билан талоққа суртадилар, бунда жуда яхши фойда беради. Думалоқ хили бу таъсирларнинг ҳаммасида энг кучли воситадир.

Чиқариш аъзолари.

[312] Бунинг бир *драхмийсини* янчилиб ичилса, шиллиқларни ва сафрони суради, меъдага фойда қилади. Аристолохиянинг узуни ва думалоғи *мурр* ва мурч билан ичилса, туққан хотинлардаги бачадондан келувчи ортиқча рутубатларни тозалайди, ҳайз қонини ҳайдайди ва болани чиқаради.

Иситмалар.

Эт увуштириб, титратадиган иситмаларда фойдалидир.

Заҳарлар.

Зарованд, хусусан, узун хили чаён чаққанига фойда қилади. Айтишларича, узун хилидан икки *дирҳам* вазнида олиб, шароб билан ичилса ёки қалин қилиб суртилса, заҳарли майда жониворлар чаққанида ва заҳарларга қарши фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилар.

Думалоқ *зарованднинг* ўрнига ўтувчиси ўз вазнича олинган ёввойи зан-

жабил, учдан бир вазнича – *басбоса*[2], ярим вазнича қустдир. Узун зарованднинг ўрнига ўтувчиси ўзича олинган ёввойи занжабил ва ярим вазнича олинган мурчдир. Айтишларича, думалоқ *зарованд*нинг ўрнига ўтувчиси икки баробарича узун аристолохиядир. Рум *зарованднинг* ўрнига Хитой аристолохияси ўтади.

[1] Aristolochia longa. ва A. rotunda L.

[2] Мускат ёнғоғининг қобиғи [№ 121 га қаранг].

239 ЗАММОРАТ УР-РОЪИЙ[1] – БУЛДУРУҚЎТ

Табиати.

Иккинчи даража аввалида иссиқ ва қуруқ (бўлса керак).

Таъсир ва хоссалари.

Айтишларича, бу қорин дамланишини тарқатади.

Чиқариш аъзолари.

Жолинуснинг тажрибаси бўйича, унинг қайнатмаси буйракдаги тошни майдалайди. Бир гуруҳ табибларнинг айтишларича, бу ичак яраларига, ичакдаги оғриқларга ва бачадон оғриқларига фойда қилади, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради ва турли даббаларга фойда қилади.

Заҳарлар.

Бундан бир *мисқол* ёки икки *мисқолини* ичиш денгиз қуёнини, афюнни ва бошқаларни ичиб, заҳарланганда фойда қилади.

[1] Alisma plantago aquatica L.

240 ЗАБИБ – МАЙИЗ

Бу узум [*инаб*] бобида айтилади[1].

[1] Шундан кейин Л. ва Б. да юқорида келтирилган ***заҳра*** такрорланган. № 233 га қаранг.

241 ЗУВОН[1] – МАСТАК

Моҳияти.

Мен айтаманки, *зувон* исмини одамлар икки нарсага ишлатадилар. Бири буғдойга ўхшаш дондирки, бундан нон тайёрланади. Айтишларича, *зувон кунайтдир*. Бошқа бир гуруҳ табиблар *зувон* деб донларга тушадиган маст қилувчи зарарли нарсани атайдилар. Бу тўғрида сўзлаш бизнинг ишимиз эмас.

Танлаш.

Энг яхшиси япроғи енгил, тешилмаган ва уваланмагани, балки чайнаганда ёпишадиган, ранги қизилга мойил хилидир. Бунда озгина мози маза ҳам бор.

(Бавлуснинг айтишича, *зувоннинг* қуввати иссиқлик ва совуқликда буғдой қувватига яқиндир. У қуритади ва елимлайди).

[1] Lolium temulentum L.

«ҲО» ح [Х] ҲАРФИ

242 ҲУЗАЗ[1] – ЛИКИЙ ШИРАСИ

Моҳияти.

Кўпчиликнинг фикри шуки, Ҳиндистондан келтириладиган ликий шираси *филзаҳранинг*[2] ширасидир. Унга бошқа нарсаларни қўшиб, шундай қалбакилаштирадиларки, ҳатто уни моҳир кишилар ҳам ажратолмайдилар. Буни шундай қиладилар: [ликий ширасини] *зиришк* шираси билан сувга солиб қўйиб, қотгунича қайнатилади. Бунинг қуввати латиф олов жавҳари билан совуқ ер жавҳарига яқиндир. Маккадан чиқадиган хили сунъий ясалган бир нарсадир.

(Дискуридуснинг айтишича, уни тиканли бир дарахтдан оладилар. Дарахт шохларининг узунлиги уч тирсак ва ундан ҳам узунроқ, мевалари мурчга ўхшаган, тиғиз ва силлиқ бўлиб, пўсти сариқ ранглидир. [Бунинг] илдизи кўп бўлиб, бу [дарахт] одам бориши қийин бўлган жойларда ўсади.

Ликий ширасини унинг баргларини шохи билан бирга олиб, янчиш йўли билан ҳам олинади. Баъзан уни сувда бир неча кун ивитиб қўйилади. Баъзан эса унинг қайнатмасидан шира олинади. Бу олинган шира қотсин учун иккинчи марта оловга қўйилади. Уни қалбакилаштириш учун қайнаётганида унга зайтун ёғининг қуйқасини, эрман ширасини ёки қорамолнинг ўтини аралаштирадилар. Ликий ширасини баъзан унинг мевасини офтобга қўйиб, кейин сиқиш йўли билан ҳам олинади. Ликий ширасининг яхшиси оловда ёнади ва у ўчирилганида ундан бир кўпик чиқиб, бунинг ранги ликий ширасининг ичидаги рангда бўлади).

Танлаш.

Ҳиндистондан чиқадиган хили сочга таъсири ва уни қувватли қилишда Маккадан чиқадиган хилидан кучлироқдир. Шишларда эса Маккадан чиқадиган хили кучлироқдир.

Табиати.

Иссиқлик ва совуқликда мўътадил бўлиб, иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳиндистондан чиқадиган хилида эритиш ва бир озгина буруштириш хусусияти бор. Ҳар хил қон оқишда фойда қилади. Эритиш хусусияти буруштириш хусусиятидан кўпроқ бўлиб, [313] эритиши қуритишидан камроқдир. Бунда латиф бир қувват ҳам бор.

Зийнат.

Ликий шираси, хусусан, унинг Ҳиндистондан чиқадиган хили мўйни қизартиради ва кучли қилади. Сепкилни кетказади, ҳамма хил ликий шираси милкакка фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Ғовак шишларга ва учуққа фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Иккала хили ҳам тузалмайдиган яраларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Аъзоларни қаттиқ қилади.

Бош аъзолари.

Ҳиндистондан чиқадиган хили қулоқдан йиринг оқишини тўхтатиб
165б || қулоқ яраларини тузатади. Оғиз оғриғига қарши танглайга суртилади, милк яраларини ва касалликларини ҳам тузатади.

Кўз аъзолари.

Кўз яллиғлашида фойда қилади. Кўзнинг мугуз қаватини тозалайди. Ундаги пардани йўқотади ва кўз қўтири [трахома]дан қутқазади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ҳиндистондан чиқадиган хили қон туфлаш ва йўталда ичирилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳиндистондан чиқадиган хилини ичилса ва шунингдек, суртилса ҳам қора сариқ касалига ва талоқ касалига фойда қилади. Уни тутатилса ҳам шу хил таъсир қилади ва меъда [заифлигидан] бўлган ичкетишга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Орқатешик ёрилишига фойда қилади. Чўзма ичкетиш, меъда заифлигидан бўлган ичкетиш ва дизентерияга қарши ичилади ёки кўтарилади. Ҳайз қонини ҳайдайди. Янги меваси сувли шилликни суради, орқатешик яраларига ҳам фойда қилади. Ликий шираси хотинлардаги қон кетишни тўхтатади ва бавосирга фойда қилади

Заҳарлар.

Меваси ўлдирувчи заҳарларга қарши фойда қилади. Ҳиндистондан чиқадиган хили қутурган ит қопганда фойда қилади.

Ўрнига ўтувчилари.

Ўз вазнида олинган *филзаҳра* ва ўз вазнича *фуфал* ва сандалнинг тенг аралашмаси [бунинг ўрнига ўтади].

[1] Lycium afrum L. ёки Rhamnus infectoria L. [2] № 581 га қаранг.

243 ҲАЙЙ УЛ-ОЛАМ[1] – ГУЛҲАМИШАБАҲОР

Моҳияти.

Бу *суқутундир*. «*Син*» [С] [ҳарфи] бобида айтилади[2].

[1] Sempervivum arboretum L.
[2] № 503 га қаранг.

244 ҲИННО[1] – ҲИНА

Моҳияти.

Бу маълум нарса. (Дискуридуснинг айтишича, хина япроғи шохи устида бўлган бир ўсимлик бўлиб, япроғи зайтун япроғига ўхшайди, лекин бунинг япроғи кенгроқ, юмшоқроқ ва яшиллиги қуюқроқдир. Унинг *ушнага* ўхшаган хушбўй оқ рангли гули ва маржон дарахти [*ақтий*] деганлари ўсимлик уруғига ўхшаган қора уруғи бордир. [Хинани] иссиқ мамлакатлардан келтирилади).

Табиати.

Хина биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

(Зийнат.

Хинани етмак суви билан қўшиб, сочга чапилса, уни қизартиради).

Таъсир ва хоссалари.

Бунда шимилтириш, буруштириш ва озор бермасдан қуритиш хусусиятлари бор. У, эритувчи, [елларни] тарқатувчи ва қон томир оғизларини очувчи ҳамдир. Ёғида қиздирувчи ва юмшатувчи қувват бор.

Ши ш ва тошмалар.

Қуритувчилик хоссаси борлиги сабабли хинанинг қайнатмаси иссиқ шишлар ва шилликли шишларга ва човдаги[2] шишларга фойдалидир.

Жароҳат ва яралар.

Қайнатмасини оловда куйганга қўйилади. Айтишларича, жароҳатларга қўйилса, бақам дарахтининг ишини қилади. Суяк синганга танҳо ҳолда ва мум суртмаси билан қўшиб, ишлатилади.

Бўғинлар.

Хина гули[3] асаб оғриқларида ишлатилади, фалаж ҳам тортишиш касал-

ликларига қўйиладиган марҳамлар таркибига киради. Ёғи чарчаганликни тарқатади, асабларни юмшатади ва суяк синганига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бош оғриғида сирка билан манглайга суртилади. Шунингдек, оғиз яраларида (ва чақаланишида) ҳам фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қовурға плевраси зотилжамига мувофиқ бўлиб, томоқ оғриғи марҳамларининг таркибига ҳам киради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон оғриқларига мувофиқдир.

[1] Lawsonia inermis L.
[2] Б. да: бурун қаноти.
[3] № 580 га қаранг.

245 ҲАМОМО[1] – AMOM

М о ҳ и я т и.

Узум боши каби бир-бирига чалкашган чўпга ўхшаш бир дарахтдир. Унинг ҳинд малобатри[2] рангида бўлган кичкинагина гули бор. Япроқлари (катта ва энли бўлиб), чўл қовоғи[3] япроқлари кабидир. Ўзи тилларанг бўлиб, чўпининг ранги ёқут кабидир. Унинг ҳиди ёқимли бўлади. *Ҳамомонинг* йўғон яшил хили ҳам борки, у нам ерларда ўсади. (У заифроқ ва йўғон, ранги яшилга мойил ва ушлаб кўрилганда юмшоқ бўлиб, чўпи парчаланади). Ҳиди эса газагўти ҳидига ўхшаш бўлади. Бунинг қибтий хили узун ҳам, этли ҳам бўлмайди, унинг синиши ҳам қийин эмас. (Ранги ёқут рангига ўхшаш), балки у узум боши шаклида бўлиб, ҳиди йўлдан ўтиб борувчиларга етиб туради.

Т а н л а ш.

Биринчи хилининг энг яхшиси тилларанг, мазаси аччиқ, хушбўй ва янгиси бўлиб, Арманистондан чиқади. Яшил шохли иккинчи хили эса ёмон бўлиб, ҳиди заифдир ва ўзи намли ерларда ўсади. Учинчи хилининг энг яхшиси оқ ва қизилга мойил, янги, ачиштирувчи, ўткир мазали, қаттиқ, силлиқ ва буралмаган, ёзиқ хилидир. [314] Қалбаки чиқиб қолмасин учун ушалган хилидан қочиб, шохлари бир илдиздан чиққанини танлаш керак.

Дисқуридуснинг айтишича, *ҳамомо*нинг энг яхшиси қизғиш, оқ рангли ва узум бошларига ўхшаш донга тўла бўлади; унинг ҳиди оғир бўлиб, ўткир бўлмайди, ранги эса турлича бўлмасдан, бир хил бўлади. Тилни чақадиган мазаси бўлиб, моғор мазаси бўлмайди. (Баъзи кишилар *ҳамомони аму-*

мис деб аталувчи дори билан қалбакилаштирадилар, чунки у *ҳамомога* ўхшайди, лекин унинг ҳиди ва меваси бўлмайди. У Арманистонда топилади ва гули тоғ ялпизининг гулига ўхшаган бўлади. Сен буни ва бунга ўхшаганларни синаб кўришни истасанг, ундан бир неча бўлагини ажратиб ол).

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Хилтни суюлтиради ва етилтиради. Бунда буруштириш хусусияти ҳам бор. *Ҳамомонинг* қуввати игир қувватига ўхшайди, балки бу ҳазм бўлиш ва етилтириш жиҳатидан кучлироқдир, лекин игир қуритиш жиҳатидан бундан кўра кучлироқдир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишларни етилтиради.

Б ў ғ и н л а р.

Қайнатмасини подаграга қарши ичадилар ва унда ўтирадилар.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғир қилади, оғритади ва ухлатади. Баъзи табиблар айтганларки, *ҳамомони* || пешонага суртилса, бош оғриғини кетказади. Бу маст қилувчи *166а*
ва ухлатувчи дорилардан ҳисобланади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ҳамомонинг қайнатмасини иссиқ кўз яллиғлашига қўйилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Совуқдан бўлган қобирға плевраси зотилжамида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар тиқилмаларини очади ва унинг қайнатмасини жигар касалликларида ичилади. Бунинг игирга қараганда ҳазм қилиш қуввати кўпроқдир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ҳам ҳайз қонини ҳайдайди. Бачадон оғриқларига фойда қилади, бачадонга қўйиладиган дорилар таркибига киради[4]. Буйрак оғриғини босиш учун қайнатмасига ўтирадилар. Бачадон оғриқларида эса уни ичадилар. (Ички аъзо шишларида ҳам фойда қилади).

З а ҳ а р л а р.

Чаён чаққанида қора райҳон билан қўшиб, қуюқ суртма қилинади.

[1] Vitis reranda Wight.

[2] № 479 га қаранг.

[3] *Фошаро*, № 576 га қаранг.

[4] Б. да: «бачадон яраларига фойда қилади».

Моҳияти.

Таниқлидир. (Дискуридус: «Биз кўрган таратизакнинг энг яхшиси Бобил мамлакатида бўлганидир», – дейди). Қуввати ҳардал ва турп уруғлари бирликда олингандаги қувватга ўхшашдир. Ҳардал билан индовнинг бирликда олинганига ўхшайди, деювчилар бор. Япроғи рутубатли бўлганидан унинг таъсирлари [уруғиникига қараганда] камроқ бўлади. Қуриганда эса унга деярли ўхшаб ва баробарлашиб қолади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Юмшатиш билан бирликда эритувчи ва етилтирувчидир. Шунингдек, ички бўшлиқлардаги йирингни ҳам шимади.

Зийнат.

Таратизакни ичиш ва суртиш мўй тўкилишини тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

Шиллиқли шишга яхшидир, сув ва туз билан чипқонларга марҳам бўлади.

Жароҳат ва яралар.

Яраланган қўтир ва темираткиларга фойда қилади. Асал билан қўшиб, ҳўл ширинчага ишлатилади, у *нори форсийни* ҳам қўпоради.

Бўғинлар.

Буни ичиш ва сирка ҳам арпа толқони билан қуюқ қилиб суртиш иркунnасога фойда қилади. Ҳуқна қилинганда ҳам *иркуннасога* фойда қилади, айниқса, ичдан қон аралаш нарсани сурганида фойдали бўлади. Таратизак ҳамма аъзоларнинг бўшашишига қарши фойдалидир.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ўпкани тозалайди, астмага фойда қилади; бунда парчалаш, мулойим қилиш хусусиятлари бўлганидан астмада ишлатиладиган дорилар таркибига ҳам шу касаллик учун тайёрланадиган холвайтар таркибига киради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда ва жигарни қиздиради. Талоқнинг қалинлашганида фойда қилади, хусусан, асал билан суртилса, фойдаси кўпроқ бўлади. Таратизак меъдага зарарлидир. Бу ҳол унинг меъдани чақиб, ачиштирганидан бўлса керак. У овқатга бўлган иштаҳани оширади. Бундан бир *оксибаф* вазнида ичилса, сафро қустиради ва уни суради. Бу хил таъсирни тўртдан уч *дирҳам* вазнидагиси ҳам бераолади.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни орттиради. Гижжаларни ҳайдайди. Ҳайз қонини юргизади ва болани туширади. Бунинг товада қовурилгани, айниқса, янчиш билан ёпишқоқлиги йўқотилмагани ични қотиради. Қуланжга фойда қилади. Агар бундан тўрт *дирҳам* вазнида янчиб ичилса, ёки беш *дирҳам* вазнида иссиқ сув билан ичилса, ични суради ва ичакдан елларни тарқатади. Баъзи табибларнинг айтишича, таратизакнинг Бобилий хилидан бир *оксибаф* вазнида ичилса, сафрони суради ва сафро қустиради. Бу таъсирни тўртдан уч *дирҳами* ҳам кўрсатади.

З а ҳ а р л а р.

Таратизакни ичилса, ёки асал билан заҳарли жониворлар чаққан жойга боғланса, фойда қилади. Агар уни тутатилса, уларни қочиради.

[1] Lepidium sativum L.

247 ҲОШО[1] – ТОҒЖАМБИЛ

М о ҳ и я т и.

Қизғиш оқ гулли ва ингичка найли бир ўсимлик бўлиб, найи қорачайир найига ўхшайди. Гули тўгарак ва япроқлари кўп, юпқа ва майдадир, учида гунафша тусли майда бошлари бор.

Дискуридуснинг айтишича, бу майда тиканли бир ўсимлик бўлиб, атрофида юпқа майда япроқлари бўлади ва кўпинча тошли ерларда ўсади. (Дискуридуснинг айтишича, бу кўпчилик биладиган тиканли бир ўсимлик бўлиб, катта-кичикликда шохчаларига пахта ўраб, чироққа пилик қилса бўладиган даражададир).

[315]. Т а б и а т и.

Учинчи даражагача иссиқ ва қуруқдир. Руфус буни чўлялпиздан қуруқроқ дейди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Эритувчи, ивиган ва қотган қонни ҳам парчаловчи ва шу қадар қиздирувчики, ҳатто қишда тук ҳурпайишини ҳам тўхтатади.

З и й н а т.

Сўгалларни йўқотади.

Ш и ш в а т ў ш м а л а р.

Шилликли янги шишларга сирка билан қўшиб, суртма қилинади.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб заифлигига қарши ичилади. Толқон ва шароб билан иркуннасога қуюқ суртма бўлади. Шароби ёлғон қовурғалар тагидаги оғриқларда фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

(Дискуридуснинг гувоҳлик беришича), кўз қувватини сақлаш ва унинг заифлигини кетказиш учун овқатга тоғжамбили аралаштирилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Асал билан қайнатиб яланса, кўкрак ва ўпкани тозалайди, балғамнинг кўчишига ёрдам қилади ва ёлғон қовурға учлари остидаги оғриқларни бо-
166б сади. Қуритиш хусусияти бўлганидан қон туфлашни ҳам тўхтатади ||.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазмга ёрдам қилади. Шароби эса ҳазм ёмонлигини ва иштаҳа камлигини йўқотади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини юргизади ва гижжаларни суриб чиқаради. Икки *дирҳамдан* тўрт *дирҳамгача* ичилса, шиллиқни озор бермасдан етарли даражада суради.

[1] Thymus capitatus Lk. ва Hoff. Оддий жамбилнинг япроқлари [Folium Thymi vulgaris] ва унинг ўзидан олинадиган ёғ [Oleum thymi] Фармакопея VIIIда келтирилади.

248 ҲАСАҚ[1] – ТЕМИРТИКАН

М о ҳ и я т и.

(Дискуридуснинг айтишича, темиртикан икки хил бўлади. Биттасининг барги семизўтнинг баргига ўхшаган, лекин ундан юпқароқ бўлади; шохлари эса думалоқ бўлиб, ерга ёйилиб ётади. Баргларининг олдида тиғиз ва қаттиқ тиканлари бўлади; бу [ўсимлик] хароба ерларда ўсади. Ҳўли иккинчи хили бўлиб, намли ерларда ва дарё бўйларида ўсади. Унинг шохлари ердан кўтарилиб туради, япроқлари тиканларидан энли бўлиб, уларни ўз кенгликлари билан беркитиб турадилар. Поясининг юқори қисми пастки қисмидан йўғонроқ бўлиб, ундан бошоққа ўхшаган сочдек ингичка нарсалар ўсиб чиққандир. Меваси биринчи хилининг меваси каби қаттиқ бўлади. Иккала хили ҳам совутади. Стримон дарёси ёқасида яшовчи кишилар бу ўсимлик кўк вақтида ўз молларини у билан боқадилар, унинг мевасидан эса нон қиладилар, чунки у ширин ва озиқлидир ва уни ейдилар).

Ёввойисининг ерлилиги ва боғда ўсадиганининг сувлиги кўпроқдир. Умуман айтганда, совуқлиги кўп бўлмаган ҳўл моддадан ва совуқлиги оз бўлмаган қуруқ моддадан тузилгандир.

Т а б и а т и.

Темиртиканнинг иккала хили, Дискуридус фикрича, совуқ ва қуруқдир. Ундан бошқа табиблар биринчи даражанинг аввалида иссиқ ва қуруқ

дейдилар. Бунинг табиати бизнинг мамлакатдаги темиртикан табиатига ўхшагандир.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчанлиги сабабли моддаларнинг қуйилишини тўхтатади. Етилтириш ва юмшатиш хоссаси ҳам бордир.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишларнинг пайдо бўлишини ва моддаларнинг қуйилишини тўхтатади. Бу бўғиз шишларига ҳам таъсир қилади.

Жароҳат ва яралар.

Асал билан бирга этдаги эскирган[2] яраларга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Тиш милкининг ҳидланган яраларига яхшидир.

Кўз аъзолари.

Шираси сурмалар таркибига киради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Бўғиз мушакларини қоплаган шишларга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний тилакни орттиради. Буйрак ва қовуқ тошларини майдалайди. Шираси ҳам шундай таъсир қилади. Қийналиб сийишга ва қуланжга фойда қилади.

Заҳарлар.

Ёввойи темиртиканнинг мевасидан икки *дирҳами* афъо илони чаққанига ва икки *драхмийсини* шароб билан бирга ўлдирувчи заҳарларга қарши ишлатилади. Бургаларни ўлдирнш учун қайнатмасини уйларга сочилади.

[1] Б. да келтирилган *ҳасакнинг* биринчи хили Tribulus terrestris L. «Ҳўл ҳасак» деб аталган иккинчи хили Trapa natans L. бўлса керак. Бунинг мевасидан ҳақиқатда ҳам нон қилинади.

[2] Б. да: «чириган».

249 ҲАРМАЛ[1] – ИСИРИҚ

Моҳияти.

Бу машҳурдир.

Таъсир ва хоссалари.

Парчаловчи ва латифлаштирувчидир.

Бўғинлар.

Исириқни бўғин оғриқларига ва иркуннасога суртиш фойдалидир.

Бош аъзолари.

Бунда шаробнинг маст қилишидек маст қилувчи қувват бор.

К ў з а ъ з о л а р и.

Дисқуридуснинг айтишича, агар исириқни асал, шароб, каклик ёки товуқнинг ўти ва бодиён суви билан эзиб, ишлатилса, кўриш қувватининг заифлашганига мувофиқ келади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Кўнгилни қаттиқ айнатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[316]. Ичиш ва суртиш сийдик ва ҳайз қонини қаттиқ юргизади. Қуланж касалида ҳам ичиш ва суртиш фойда қилади.

[1] Peganum harmala L. Исириқ уруғидан олинадиган гарман алколоидининг хлорид тузи [Harminum hydrochloricum] Фармакопея VIIIда келтирилган.

250 ҲИЛТИТ[1] – АНГУЗА

М о ҳ и я т и.

(Дисқуридуснинг ўз китобида айтишича), ангуза сассиқ қаврак елимидир. Бу шундай олинади: илдизи ва танасини ништар билан тилинса, бундан ангуза оқади. Агар Кирена мамлакатидан келтириладиган ангузага тил тегизилса, шу онда баданнинг ҳаммасига иссиқликдек бир нарса тошиб кетади. Ангузанинг ҳиди ёқимсиз эмас, шу жиҳатдан уни тотиш оғиз ҳидини қаттиқ ўзгартирмайди. Ангузанинг Сурия, яъни Шом ангузаси деб танилган иккинчи хили борки, бу қувват жиҳатидан Киренаникидан заифроқдир. Ҳамма хилини ҳам улар қуримасдан туриб, Эрон қавраги [*сакбинаж*] ёки боқила уни билан аралаштирилиб, қалбаки қилинади. Аралаштирилганини унинг мазаси, ҳиди ва рангидан танилади. Баъзилар бу ўсимлик танасини *силфиюн* илдизини – *моғиторис*[2] суви деб атайдилар, бу эса *махрус*дир[3]. Бунинг ҳамма қисмидан энг кучлиси – елими, ундан кейингиси – япроғи, сўнг танасидир. Лубия дейилган мамлакатда сассиқ қаврак дарахтининг илдизига ўхшаш бир нарса ўсади, лекин у бундан ингичкароқ ва ўткир мазалидир. Унинг елими йўқ. Лекин бундан толқон ясалади ва у ангуза таъсирига эгадир).

Ангуза икки хилдир: сассиқ хили ва ҳиди кучли бўлмаган хушбўй хили, сассиқ хили оловли жиҳатдан кучлироқ бўлиб, қаттиқ қиздиради. Бу нав кўпинча Қайравондан келтирилади, у *махрус* елимидир.

(Т а н л а ш.

Бунинг энг яхшиси қизғиш рангли тоза хили бўлиб, у *мурр* деб аталади. Унинг ҳиди кучли бўлиб, гандано ҳидига ўхшамайди. Унинг ранги яшил

эмас, мазаси ҳам [унча] ёқимсиз эмас. У осон эрийди. Уни [сувда] ҳўлланса, ранги оқимтир бўлади).

Табиати.

Тўртинчи даражанинг аввалида иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунинг шимдириш хоссаси бўлганидан елларни синдириб, ҳайдайди. Шундай бўлатуриб, ични қаттиқ дам ҳам қилувчидир. Хилтларни парчалайди ва ичда ивиб қолган қонни эритади.

Зийнат.

Агар уни сирка ва мурч билан қўшиб, суртилса, «тулки касаллиги» га фойда қилади. Ейиладиган нарсалар билан истеъмол қилинса, рангни чиройли қилади ва михсимон сўгалларни қўпоради.

Шиш ва тошмалар.

Аъзоларни ҳалок қилувчи ёмон сифатли шишларни ништар билан тилиниб, унга ангуза қўйилса, фойда қилади. Бу ташқи ва ички йирингли шишларни даволашда ҳам яхшидир.

Жароҳат ва яралар.

Темираткиларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Анор суви билан ичилса, эт узилишига фойда қилади. Ангузадан бир *оболо* олиниб, айтганларича мум билан аралаштириб, ютилса ва мурч ҳам газагўт билан бирликда шаробга қўшиб ичилса, тиришиш ва фалаж каби асаб касалликларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Ангузани ейилган тишларнинг ковакларига тиқилади ёки кундур билан аралаштириб, тишга ёпиштирилади. Тутқаноқ касалида *фавониё* каби таъсир қилади. Бу билан томоқ чайилса, бўғиздаги зулукни чиқаради.

Кўз аъзолари.

Кўзга сув туша бошлаганида [катарактада] ангузани асал билан қўшиб, сурма қилиш яхшидир.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ангузани сувда ҳўллаб ютилса, дарҳол овозни тоза қилади. Бўғизнинг эскирган дағаллигига фойда қилади. Ангузани тухум билан қўшиб, суюқ ҳолвайтар қилинса, эски йўталга, қовурға плеврасининг совуқ зотилжамига фойда қилади. Лаклукнинг яллиғлашига қарши ишлатилса, сариқ йўнғичқанинг[4] таъсирини беради.

Озиқлантириш аъзолари.

Қуритилган анжир билан истеъмол қилинса, сариқ касалига фойда қилади. Бу меъда ва жигарга зарар қиладиган нарсалардандир ||. *167а*

Чиқариш аъзолари.

Бавосирга фойда қилади. Шаҳвоний ҳисни кучайтиради. Сийдик ва ҳайз қонини юриштиради. Ичнинг бураб оғришига ва ичакларнинг яраларига фойда қилади.

Бавлуснинг гумонича, ангузада буруштириш билан бирликда озгина сурувчи қувват бор. Ҳаммага маълумки, бу гоҳо совуқдан бўлган эски ичкетишга ҳам фойда қилади.

Иситмалар.

Тўрт кунлик иситмага жуда фойда қилади.

Заҳарлар.

Қутурган ит қопганига, заҳарли жониворлар, айниқса, чаён ва қорақурт чаққанига қўйилади. Шуларнинг ҳаммасига қарши ичиш ва зайтун ёғи билан суртиш ҳам фойдалидир. Заҳар билан суғорилган ўқларнинг заҳарларини қайтаради. (Баъзан гармселга қарши ҳам фойдалидир).

[1] Ferula assa-foetida.

[2] Юнонча номлар матнда бузиб берилган; қ. «Сайдана», 60 (1), 107.

[3] № 430 га қаранг.

[4] Б. да: «аччиқ тош».

251 ҲАНЗАЛ[1] – АБУ ЖАҲЛ ТАРВУЗИ

Моҳияти.

Абу Жаҳл тарвузининг эркаги, урғочиси бўлиб, (бу маълумдир). Эркаги толали, урғочиси эса ғовак, оқ ва юмшоқ бўлади.

Танлаш.

Энг яхшиси оппоқ ва юмшоқ хили ҳисобланади. Чунки қораси зарарли [317] ва қаттиғи ҳам ёмондир. Абу Жаҳл тарвузи узилганда унинг гўштини тезликда ажратиб олинмасин, балки ўзи қандоқ бўлса, шундайлигича қўйилсин, агар шундай қилинмаса, таъсири заифлашади. Унинг кўклиги тамом кетиб, сарғая бошламагунча узилмасин, чунки шундай қилинмаганда у ёмон, зарарли ва ўлдирувчан[2] бўлади. Айтишларича, унинг пўстини ва уруғини ишлатиш керак эмас. Агар бунинг танасида биттагина меваси бўлиб, бошқа бўлмаса ҳам, у ёмон ва ўлдирувчан бўлади. Толали эркак хили ғовак тузилган урғочи хилидан кучлироқ бўлади. Абу Жаҳл тарвузини кўп янчишдан зерикмаслик керак. Яхши янчилди, деб мағрур бўлмаслик керак, чунки кичкина бўлиб кўринган бўлаклари ҳам рутубатга йўлиқса, шишади ва меъданинг атрофига ва ичакнинг юқориларига ёпишиб олади ва яллиғлашга сабаб бўлади. Шунинг учун янчиладиган бўлганида олдин

асал суви билан ҳўллаб, сўнг қуритиб яичилади. Уни катиро билан тузатиш ва зарарини кетказиш [араб] елими билан қилгандан кўра яхшироқдир. Чунки дори оз бўлганидан елим унга ғалаба қилиб кетиши мумкин[3].

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Киндий эса буни совуқ, ҳўл, деб гумон қилади, лекин бу ҳақиқатан жуда узоқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Эритувчи, парчаловчи ва узоқдан тортувчидир. Яшил япроғи эса қон оқишини тўхтатади.

Зийнат.

Мохов ва «фил касалликлари»га ишқаланади.

Шиш ва тошмалар.

Яшил япроғи шишларни шимдиради ва етилтиради.

Бўғинлар.

Асаб ва бўғин оғриқларига, иркуннасога ва совуқдан бўлган подаграга фойда қилади. Янгисини иркуннасога қуюқ суртма қилинади. Гоҳо уни иркуннасога қарши ҳуқна қилинадиган дориларга қўшилади, шунда фойдаси зўр бўлади. Абу Жаҳл тарвузини яшиллигида иркуннасога ишқаланса, жуда фойда қилади.

Бош аъзолари.

Мияни тозалайди. Илдизини сирка билан қайнатиб, оғриган тишларни чайқалади. Ёки Абу Жаҳл тарвузини паллаларга бўлиб, ичидагилари олиб ташланади ва унга сирка солиб, олов қўрида қайнатилади. Агар уни зайтун ёғида қайнатилса, у ёғ қулоқ ғувуллашига қарши фойдали томчи бўлади, у тишларни қўпоришни ҳам осонлаштиради. Ичидагисини олиб ташлаб шарбат [?] билан тўлдириб, чўғда пиширив, у билан оғиз чайқалса, тиш оғришини босади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Абу Жаҳл тарвузи билан гавдани бўшатиш «тикка нафас олиш» касалида қаттиқ фойда беради.

Озиқлантириш аъзолари.

Илдизи истисқода фойдали бўлиб, меъдага зараралидир.

Чиқариш аъзолари.

Бўғинлардан, айниқса, асабдан қуюқ шиллиқни суради. Сафрони ҳам суради. Ҳўл мизожли қуланжга ва бодли қуланжга жуда фойда қилади. Баъзан қонни ҳам суради. Бачадондаги болани ўлдириш учун уни кўтарилади. Абу Жаҳл тарвузи ичаклардан тез чиқиб кетадиган бўлганидан унинг аччиқлигидан кутилган таъсирлар етарли даражада бўлмайди. У буйрак ва қовуқ касалларига ҳам фойда қилади. Бунинг бир ичими икки *кара-*

ма, яъни ўн икки *қиротдир*. Ичишидан аввал уни янчиш керак. Кўпинча устидан бир оз гўштини чиқариб қуюлтирилган узум ширасн ёки эски ширин шароб билан тўлғазилиб бир кеча-кундуз қўйилади. Баъзан иссиқ кўрга қўйиб, секинлик билан қиздирилади. Кейин уни ўзининг учдан икки ҳиссасича катиро билан ичирилади.

З а ҳ а р л а р.

Кўклигича узилгани ични ҳаддан ортиқ суради. Ичган кишини безовта қилади, ҳатто, ўлдиради. Бир тупида танҳо ўсган мевасининг икки *донақи*, қобиғи ва илдизининг эса бир *донақи* ҳам ўлдиради. Илдизи афъо илонларнинг чаққанига қарши фойдалидир. Бу чаён чаққанига қарши ишлатиладиган дориларнинг ҳам энг фойдалиси ҳисобланади. Бир киши шундай
167б ҳикоя қилади: у || тўрт еридан чаён чаққан бир арабга бир *дирҳам* вазнида Абу Жаҳл тарвузи берганда, у ўша онда тузалган. Абу Жаҳл тарвузини чаён чаққан жойга суртиш ҳам фойда қилади.

[1] Citrullus colocynthis S c h r. Пишган Абу Жаҳл тарвузининг устки қаттиқ қобиғини олиб ташлаб, тилимлаб қуритилгани [Fructus colocyntidis] Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Б. да: «ёмон».

[5] Б. да: «Чунки елим дорининг кучини кўпроқ босади».

252 ҲАЛБИБ – ҲИНД САВРИНЖОНИ

М о ҳ и я т и.

Оқ савринжонга ўхшаган бир ҳинд дорисидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Б ў ғ и н л а р.

Подаградa ва бўғин оғриқларида (жуда) фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шиллиқ, хом балғам, қуртлар, қовоқ уруғисимон гижжа ва қуюқ хилтларни суради.

253 ҲИММАС[1] – НЎХАТ

М о ҳ и я т и.

(Нўхатнинг хили кўп бўлади): оқ нўхат, қизил нўхат, қора нўхат ва ёввойи ясмиқсимон нўхат. Нўхат хилларидан экиладигани ва ёввойиси бор. Ёввойиси ўткирроқ, аччиқроқ ва кўп қиздирадиганроқ бўлиб, қувватда экиладиган хилининг таъсирини беради, лекин экиладиган хилининг озиқлиги ёввойисиникидан яхшироқдир.

Табиати.

Оқ нўхат биринчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қора нўхат кучлироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Иккови ҳам дам қилувчи[2] ва юмшатувчидир. Бунда парчалаш хусусияти ҳам бор. Бунинг озиқлиги боқиладан кучлироқ ва гавдага жуда ўзлашувчидир. Ўзига ўхшаганлар ичида ўпкани бундан озиқлантирадиганроғи йўқ. Ҳўли қуруғига қараганда ортиқча хилтни кўпроқ туғдирувчандир.

Зийнат.

Нўхатни ейиш ва ундан марҳам қилиб суртиш нуқтали қонталашларни кетказади ва рангни яхшилайди.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишларга, қаттиқ шишларга ва бошқа шишларга, шунингдек, безларда бўладиган шишларга фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Нўхат ёғи темираткига фойда қилади; нўхатнинг уни эса ёмон хил яраларга, саратон яраларига ва қичимага ишлатилади.

Бўғинлар.

Орқа [мушакларидаги] оғриққа фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бошдаги рутубатли тошмаларга фойда қилади. Нўхат ивитилган сув эса тиш оғриғига ва милкдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойда қилади. [318] Қулоқлар остидаги шишларга ҳам фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Товушни тиниқ қилади ва ўпкани ҳар нарсадан ортиқ озиқлантиради. Шунинг учун бундан, яъни нўхат унидан ҳолвайтар [*ҳасо*] қилинади.

Озиқлантириш аъзолари.

Нўхат қайнатилган сув истисқо ва сариқ касалига фойдалидир; нўхат, айниқса, унинг қора ёввойи ясмиқсимон хили талоқ ва жигар тиқилмаларини очади; нўхатни таомнинг аввалида ва охирида эмас, ўртасида ейиш керак.

Чиқариш аъзолари.

Қора нўхатнинг қайнатмаси бодом ёғи, турп ёғи ва петрушка ёғи билан ишлатилса, қовуқ ва буйракдаги тошларни майдалайди. Ҳамма хили болани туширади. Нўхат қовуқ яраларига зараралидир. Шаҳвоний хоҳишни қаттиқ орттиради. Шунинг учун эркак мол ва нор туяларга нўхат берадилар. Нўхат ивитилган сув оч қорингa ичилса, эрлик олатини қўзғатади. Нўхатнинг ҳамма хили ични юмшатади. Нўхат, айниқса, унинг қора ва ёввойи ясмиқсимон хили буйракдаги тиқилмаларни очади. Баъзи табибларнинг айтишича, нўхатни сиркага солиб қўйиб, оч қорингa ейилса, бошқа нарса емасдан яна ярим кун сабр қилинса, гижжаларни ўлдиради.

Буқротнинг айтишича, нўхатда икки модда бордир. Булар қайнатиш билан ундан ажратилади. Бу моддаларнинг бири тузли модда бўлиб, ични юмшатади. Иккинчиси ширин модда бўлиб, сийдикни ҳайдайди. Ширин моддасида шаҳвоний хоҳишни қўзғатадиган ва дам қиладиган қувват бор.

[1] Cicer arietinum L.
[2] Б. да: «очувчи».

254 ҲИНТА[1] – БУҒДОЙ

М о ҳ и я т и.

Бу таниқлидир.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси қаттиқлик ва юмшоқликда ўртача, сирти силлиқ, йирик, тўла, янги, туси оқ билан қизил ўртасида бўлганидир. Қора буғдойнинг озиқлиги ёмондир.

Т а б и а т и.

Иссиқ, ҳўллик ва қуруқликда мўътадил бўлиб, толқони қуруққа мойилдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Йирик, қизил буғдойнинг озиқлиги кўп бўлади; қайнатилган буғдойнинг ҳазми суст бўлиб, қоринни дам қилади. Лекин сингиб кетса, озиқлиги кўп бўлади. Буғдойнинг оқлаб тортилган уни [*ҳувворий*] крахмалга яқиндир. Лекин ундан қиздирувчандир. Табиати билан ёпишқоқ ун сунъий йўл билан ёпишқоқ қилинган ундан бошқачадир. Сунъий йўл билан ёпишқоқ қилинган унда табиати билан ёпишқоқ бўлган ун хусусияти йўқдир. Буғдой толқонининг ичакда пастга тушиши секин бўлиб, дам қилиши кўпдир. Буни тез пастга туширадиган ширинлик билан бирга еб, дам қилиш хусусияти йўқолсин учун иссиқ сув билан ювиш керак. Толқони оз хилт беради. Буғдойдан олинган крахмалга келсак, у совуқ ва ҳўл мизожли бўлиб, ёпишқоқдир.

З и й н а т.

Буғдой ва унинг уни юзни доғдан тозалайди. Буғдойнинг уни ва крахмали, айниқса, заъфарон билан ишлатилганда сепкилга доридир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Буғдой ва арпа толқонларининг ҳазми оғир бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Хом ва тортмасдан устки қобиғигина олиниб, ҳалим каби яхши эзиб пи-
168а ширилмаган буғдойни ва ҳалимни || ейилса, ичда қурт туғдиради.

З а ҳ а р л а р.

Буғдойни янчиб, қутурган ит тишлаган жойга сепилса, фойда қилади. (Менимча, бунда наҳорга чайналган буғдой яхшироқдир).

[1] Triticum vulgare V i l l.

255 ҲУММОЗ[1] – ҚЎЗИҚУЛОҚ, ШОВУЛ

М о ҳ и я т и.

(Дискуридуснинг айтишича, бу ўсимликнинг хили кўпдир: бир хили семиз ерларда ўсиб, барги узун ва учлари ингичка бўлади. Баъзан у боғларда ҳам ўсади. Уни қайнатилса, мазаси яхши бўлади. Қўзиқулоқнинг ботқоқ ерларда ўсадиган бошқа хили ҳам бўлиб, барглари қаттиқ ва учи ўткир бўлади. Буни *уқсулоботун*[2] деб атайдилар. Унинг баргизубга ўхшаган юмшоқ, ёввойи хили ҳам бор. Бошқа яна бир хилининг барги каклигўтининг баргига ўхшайди. Унинг шохлари ва шох устида майда уруғи бўлиб, нордон, қизил ва ўткир бўлади. Қўзиқулоқнинг *анқулубун* деб аталувчи хили ҳам бўлиб, баъзилар буни *лафатун*[2] деб ҳам атайдилар. Бу юқоридаги хилдан каттароқ бўлиб, ботқоқ ерларда ўсади ва қуввати бошқа хилларнинг қувватига ўхшаган бўлади) Ёввойи хилини ёввойи лавлаги, деб ҳам аталади. Айтганларидек, ҳамма ёввойи хилларида нордонлик бўлавермайди. Лекин баъзиларида бўлса керак; ёввойиси ҳар бир жиҳатдан кучлироқдир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир. Уруғи биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

[319] Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш хусусияти бор. Мазасиз хилида озгина эритиш хусусияти бор. Нордон хилининг буруштириши кучлироқдир. Қаттиқ нордон бўлмаган хилининг озиқлиги кўпроқдир. Мана шу хили сачратқига ўхшаган хилидир. Ҳаммаси сафрони ҳайдайди. Хилти яхши сифатли бўлади.

З и й н а т.

Илдизлари сирка билан бирга тирноқларнинг пўст ташлашига қарши ишлатилади. Шароб билан қайнатилган қуюқ суртмаси пес ва темираткига фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қулғунага қарши суртилади. Ҳатто айтишларича, илдизи қулғунали кишининг бўйнига осилса, фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Илдизлари яраланган қўтир ва темираткиларга ишлатилади. Қайнатмаси

иссиқ сув билан бирга қичимага қўйилади ва шунингдек, ўзини ҳам суви билан бирга қичимага қўйилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шираси билан тиш оғриганида оғиз чайилади. Шунингдек, шаробда қайнатилгани билан ҳам чайилади. Қулоқ остидаги шишларга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Шароб билан бирга қора сариқ касалига фойда қилади. Қўнгил айнашни босади. Қўнгил лой тусашига қарши ейилади. (Қўзиқулоқни сирка билан қайнатиб, талоққа қуюқ суртма қилинса, унинг шишини эритади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қўзиқулоқ ва унинг уруғи, хусусан, каттасининг уруғи ични тўхтатади. Айтишларича, унинг япроғини (қайнатилса), унда қандайдир юмшатиш ва уруғида эса ични мутлақ тўхтатиш хоссаси бор. Қўзиқулоқнинг қовурилмаган уруғида тойдириш ва юмшатиш хусусиятлари бор. Илдизининг янчилганини шаробга солиб, бачадондан рутубат оқишига қарши ичирилади. У буйрак тошини ҳам майдалайди. Ундаги ёпишқоқлик ич қотишидан бўлган ичак тирналишига фойда қилади ва шунингдек, ахлатнинг тойишига ҳам хизмат қилади. (Қўзиқулоқнинг уруғини шароб билан ичилса ёки сув билан ютилса, ичак яраларида, чўзма ичкетишда фойда қилади. Агар уни янчиб кўтарилса, бачадондан эскидан рутубат оқиб юришида фойда қилади. Шароб билан қайнатиб ичилса, қовуқдаги тошни майдалайди ва ҳайз қонини яхшилаб ҳайдайди).

З а ҳ а р л а р.

Қўзиқулоқ, хусусан, унинг ёввойиси, чаён чаққанга фойда қилади.

Агар уруғи чаён чақмасдан бурун ишлатилган бўлса, унинг чақиши зарар қилмайди.

[1] Rumex acetosa L.

[2] Матнда хато босилган; қ. Диоск. II, 114.

256 ҲАРШАФ[1] – КАНГАР

М о ҳ и я т и.

Бу *канкарнинг* бир хилидир.

Т а б и а т и.

Мўътадил, бир оз иссиққа мойил, иккинчи даражагача ҳўл. Хузистонлик табиблар буни совуқ ва ҳўл дейдилар. Масиҳ эса, бу таъсирларида морчўба каби бўлиб, биринчи даражада иссиқ ва ҳўл, дейди. Бошқалар, бу биринчи

даражада иссиқ, иккинчи даражада ҳўл, дейдилар. Жолинусга нисбат бериб айтадиларки, кангар иккинчи даражанинг охирида иссиқдир. Менимча, бунинг жинслари кўп бўлиб, табиатлари ҳам турличадир.

Таъсир ва хоссалари.

Бир оз тозалайди ва қуритади. Бунда латифлик ҳам бор. Хузистонлик табиблар, бу, савдо хилтини туғдиради, дейди. Лекин бу ҳақиқатдан узоқдир.

Зийнат.

Суртилса «тулки касаллиги»га фойда қилади. Ивитмаси билан бош ювилса, битларни ўлдиради. Ўзидаги хоссаси билан, сассиқ сийдикни ҳайдаб, қўлтиқ ҳидини йўқотади.

Шиш ва тошмалар.

Қаттиқ шишларни шимдиради.

Жароҳат ва яралар.

Қаттиқ бўлиб қолган қичимага фойда қилади.

Бош аъзолари.

Суви бошнинг кепакланишини кетказади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қангар, хусусан, тоғ кангари, айниқса, унинг илдизи кўнгилни айнатади. *Канкарзад* деб аталган елими бошдаги кепакни йўқотади[2]. Бу тўғрида кейинчалик «*Коф*» [К] бобида яна гапирамиз.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний хоҳишни орттиради. Сийдикни ҳайдайди. Бадбўй сийдикни чиқаради. Ични юмшатади ва шилликни чиқаради. Шароб билан ичилса, кўпинча ични тўхтатиб қўяди.

[1] Cynara scolymus.

[2] Б. да шу ибора тушиб қолган.

257 ҲАНДАҚУҚО[1] – ҚОРА ЙЎНҒИЧҚА, ҚОРА БЕДА

Моҳияти.

Бунинг ёввойи ва экиладиган хили бор. Мисрдан келтириладигани ҳам бор. Бунинг уруғидан нон тайёрлаб (ейилади).

Табиати.

Ибн Журайж буни иккинчи даража охирида иссиқ ва қуруқ дейди. Ибн Мосавайҳ иккинчи даража ўртасида иссиқ, дейди. Экиладиганининг иссиқлиги биринчи даража охирида бўлса керак.

Таъсир ва хоссалари.

Экиладигани тозалаш ва қуритиш хусусиятларида мўътадилдир, ёввойи-

сида қиздириш билан бирга буруштириш ҳам бор. Ёғи оғир елларга қарши ишлатилади.

З и й н а т.

Ёввойиси ва шунингдек, экиладигани сепкилга қарши ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

1686 Экиладиганининг ширасн асал билан яраларни тозалайди ||.

Б ў ғ и н л а р.

Ёғи бодли бўғин оғриқларига ва касаллик чўзилиши хавфига қарши ишлатилади. Бу билан бир қанча касаллар тузатилган.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[320] Ширасн бурунга тортилса, бошни оғритади, тутқаноғи (тез-тез) тутадиган кишига эса фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Экиладиганининг ширасн, хусусан, асал билан бирга, кўз оқи ва пардасига қарши ишлатилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қора йўнғичқа, айниқса, унинг ёввойиси, шилликдан бўлган қовурға оғриқларига қарши ишлатилади. Бўғиз оғриғи ва бошқа хил томоқ оғриқларини пайдо қилади. Бунинг зарарини кашнич, коҳу ва сачратқилар кетказади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Совуқ мизожли ва бодли меъда оғриғига фойдалидир, ёғи эса истисқонинг бошланмасида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди. Ёввойиси шароб ва тугмачагул[2] уруғи билан бирга қовуқ оғриғига яхшидир. Ёғи мояк ва бачадон оғриқларига фойда қилади. Ёввойиси қусиш билан бўладиган ичкетишга фойда қилади. Қоринни маҳкам қилади. Қора йўнғичқа ва уруғи шаҳвоний ҳисни қўзғатади.

И с и т м а л а р.

Табибларнинг айтганларида шу ҳам борки, уч кунли иситма билан оғриган кишига [қора йўнғичқанинг] япроғидан учтаси ёки уруғидан учтаси ичирилса, иситманинг даври адашади. Тўрт кунли иситмага хоҳ япроғидан, хоҳ уруғидан тўрттадан ичирилади.

З а ҳ а р л а р.

Сиқиб олинган сувини чаён чаққанга сепилса, оғриғини қолдиради. Агар соғлом аъзога сепилса, ачиштиради ва оғритади. Уруғи чаён чаққанини даволашда сувидан кўра кучлироқдир.

[1] Trigonella caerulea Ser.; T. elatior S b t h. «Сайдана», № 357 (1).
[2] № 441 га каранг.

258 ҲУЛБА[1] – ШАМБАЛА, САРИҚ ЙЎНҒИЧҚА

Моҳияти.

Маълумдир.

Табиати.

Биринчи даража охирида иссиқ ва биринчи даражада қуруқ бўлиб, бегона рутубатдан холи эмасдир.

Таъсир ва хоссалари.

Қуввати етилтирувчи ва юмшатувчидир. Бу хоссалари унда ёпишқоқлик билан биргаликда иссиқлик жам келганидан бўлгандир. Ёпишқоқлиги иссиқлигидан келган зарарининг ғалабасини қайтаради; иссиқлиги секинлик билан таъсир қилади. Каймуси оз бўлмаса ҳам, зараплидир.

Зийнат.

Мирта билан тайёрланган ёғи мўйга ва яра изларига фойдалидир. Ўзининг ёпишқоқлиги сабабли, айниқса, қизил гул ёғи билан бирга ишлатилса, совуқдан ёрилганга фойда қилади. Сепкилда қўлланиладиган дорилар таркибига ҳам киради.

Рангни яхшилайди. Оғиз, бадан ва тер ҳидини кетказади.

Шиш ва тошмалар.

Шиллиқли ва қаттиқ шишларни шимдиради. Уни ташқи ва ички иссиқ шишлар [йиринглаб], яллиғланмасдан бурун, қаттиқ бўлиб турганида ишлатилади. Чипқонларни юмшатиб, пиширади.

Жароҳат ва яралар.

Қизил гул ёғи билан қўшиб, куйганга қарши ишлатилади.

Бош аъзолари.

Бу билан бош ювилса, бошдаги кепакни тозалайди. Сариқ йўнғичқа, айниқса, *муррий* билан ишлатилганида, меъдага зарари кам бўлса ҳам, бошни оғритади.

Кўз аъзолари.

Сариқ йўнғичқанинг қайнатмаси зарбадан бўладиган кўздаги нуқтали конталашларни тузатади. (Буни кўзга суртиш шишга айланган қуюқ моддаларга қарши фойда қилади).

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Товушни тиниқ қилади. Ўпкани бирмунча озиқлантиради. Кўкрак ва бўғизни юмшатади. Сариқ йўнғичқа, айниқса, асал ёки *муррий*[2] ёхуд анжир билан қайнатиб ишлатилса, йўтал ва астмани босади. Энг яхшиси этли

хурмо билан бирга икковининг ширасы олинади, сўнгра кўп асал билан аралаштириб, чўғ устида мўътадил равишда қиздирилади. Узоқ муддатгача таомдан илгари еб юрилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Натрун билан қўшиб, талоққа суртилади. Сиркадаги қайнатмаси, хусусан, унинг янгиси, меъда заифлигида ва унинг яраларида суртилади. Сариқ йўнғичқа кўнгилни айнатувчидир. Сирка ва *муррий* буни егандаги зарарнинг олдини олади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадон шиши, оғриши ва юмилишига қарши қайнатмасида ўтирилади. Ичак яраларида сирка билан қайнатилгани ишлатилади. Агар ҳўлини сирка билан аралаштириб ейилса ҳам шу фойдани беради. Иссиқ сувдаги қайнатмаси ичбуруғига ва ич суришига яхшидир. Ёғи орқа тешик шишларига яхшидир. Ичбуруғида, ичакнинг бураб оғришида ҳуқна қилинади. Таомдан илгари *муррий* билан ейилса, яхши таъсир беради. Сариқ йўнғичқа ўткир мазали бўлганидан унинг ҳуқнаси ахлатни чиқариш ҳаракатини кучайтиради. Айниқса, қаттиқ ачиштирмасин учун уни кўп миқдорда бўлмаган асал билан бирга ишлатилса, яхши бўлади, сариқ йўнғичқанинг қайнатмаси асал билан ичакдаги қуюқ рутубатларни сирпантиради ва сийдик ҳам ҳайз қонини юргизади. Уни ўрдак ёғи билан кўтарилса, бачадон қаттиқлигига фойда қилади. Қуруқлиги сабабли туғишга қийналган бачадоннинг туғишини осонлаштиради. Бу бавосирли кишиларга ҳам яхши-
169а дир. Ахлатни хушбўй қилиб, сийдик ва терни бадбўй қилади. || [Ичакдан] чиқишининг қийинлиги Миср боқиласидек эмас.

[1] Trigonella foenum graecum L.

[2] Б. да: «хурмо».

259 ҲИРДАВН[1] – СУСМОР

Моҳияти.

Бу, сусмор бўлиб, табиати варан табиатига яқиндир. Ўзининг озиқланадиган нарсалари билан ҳам варанга энг кўп ўхшаган ҳайвондир.

Кўз аъзолари.

Тезаги кўз оқи ва қичимасига қарши ишлатилади ва кўзни ўткир қилади.

[1] Бу овқатга ишлатиладиган Стеллион (калтакесакнинг бир тури) бўлса керак.

260 [321] ҲАВР РУМИЙ[1] – ҚОРАТЕРАК

Моҳияти.

Бу *акирус*[2] деб аталади.

Табиати.

Учинчи[3] даражада қаттиқ қиздиради ва биринчи даражада қуритади. Гули кўпроқ қиздиради, елими эса қиздиришда ниҳоятга етгандир.

Бош аъзолари.

Мевасини сирка билан ишлатилса, тутқаноққа фойда қилади.

[1] Populus nigra L. № 147 да бу дарахт *жавз румий* деб аталган. № 147 ва 278 ларга қаранг.

[2] Матнда бузиб берилган; «Сайдана», 278 (2).

[3] Б. да: «иккинчи».

261 ҲАЛАЗУН[1] – ЧИҒАНОҚ, ШИЛЛИҚҚУРТ

Моҳияти.

Бу садафлар жумласидандир.

Таъсир ва хоссалари.

Қоннинг [ҳароратини] сўндиради. Куйдирилгани кўз яраларига қарши ишлатилади.

[1] Helix pomatia L.

262 ҲАНБАЗ[1] – ?

Моҳияти.

Баъзи табибларнинг айтишича, бу Хузистондан келтириладиган анор гулидир.

Бўғинлар.

Асабга зарар қилади ва тиришиш пайдо қилади.

[1] Б. да: *«халл»*. М. А.да *«ҳадд»* деб ёзилган.

263 ҲАШИШАТ УЗ-ЗУЖОЖ[1] – «ШИШАЎТИ»

Моҳияти.

Бу ўт билан шишани ялтиратилади.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда ҳўллик билан бирликда буруштириш хусусияти бор. У, ёпиштирувчи, тозаловчи ва юмшатувчи ҳамдир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шишларни тўхтатади, япроғини оташакка, оловдан куйганга ва шилликли шишларга қарши ичирилади. Ширасини қўрғошин упаси билан учуқ ва сарамасга суртилади. Бодом безлари шишига қарши бу билан томоқ чайқалади.

Б ў ғ и н л а р.

Мум суртмаси билан қўшиб, подаграга суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шираси қизил гул ёғи билан қулоқ оғриғига қўйилади. Шишаўтини ва унинг ширасини бодом безлари шишига қарши танглайга суртилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Бунинг ширасидан давомли чўзма йўтал учун ҳолвайтар тайёрланади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Чўзма бавосирни йўқ қилади.

[1] Parietaria officinalis L.

264 ҲАРБА[1] – «НАЙЗАЎТ»

М о ҳ и я т и.

Унга *лунгитус* ҳам дейилади. Бу найза учига ўхшаш учбурчак шаклидаги бир уруғдир. Япроғи учбурчак бўлиб, *исқулуфандриюн* япроғига ўхшашдир.

Т а б и а т и.

Экиладиган хили биринчи даражада иссиқ бўлиб, ёввойисининг иссиқлиги иккинчи даражададир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Янгиси жароҳатларни бириктиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қобиғи сирка билан бирга талоққа қўйилади. Қуриган япроғини ичилса, талоқ касалини тузатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Найзаўт, хусусан, унинг япроғи *исқулуфандриюн* япроғига ўхшагани сийдикни ҳайдайди.

[1] Aspidium lonchitis Sw.

265 ҲОЛИБИЙ[1]

М о ҳ и я т и.

Ҳолибий [сийдик канали] дейилган ўсимлик. Бунинг *ҳолибий* деб аталиши сийдик йўлига қуюқ суртма қилиниши ёки осиш билан унинг шишларига шифо бўлиши сабаблидир. Бу қизил гул каби мураккаб қувватлидир.

Табиати.

Унда ўткир мазали[2] бўлиш билан бирга совутувчи қувват бор.

Таъсир ва хоссалари.

Эритувчидир. Қайтарувчи ва совутувчи қуввати ҳам бор.

Шиш ва тошмалар.

Уни суртиш у ёқда турсин, осишнинг ўзи ҳам сийдик йўллари шишларига шифо бўлади.

[1] № 54 га қаранг.

[2] Б. да: «иссиқлик».

266 ҲАЗО – БЕКЛАРЎТИ

Моҳияти.

Бу *завфаро*[1] ва *диноруядир*[2]. Бу тўғрида гапирдик.

[1] № 231 га қаранг.

[2] № 189 га қаранг.

267 ҲОСИС[1] – ҲУСНИ ЮСУФ, САФРОЎТ

Моҳияти.

Бу арман давосидир. Форс давоси деб ҳам айтадилар. Хузистонлик табиблар буни *афурбиюн*дан кучлироқ, дейдилар. Бир *дирҳамдан* ортиқ ичилса, ўлдиради.

Табиати.

Тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Куйдирувчи бўлиб, мазаси йўқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани куйдиради ва кўнгилни айнатади[2].

[1] *Бошқа* манбаларда *жосус* ва *жошуш* шаклида учрайди. Бу – Silene cucubalus Willd ёки Gratiola officinalis L.

[2] Б. да: «қустиради».

268 ҲАББ УЛ-БОН[1] – БОН ДОНАСИ

Бунинг таъсирларини «*Бо*» [Б] ҳарфида *Бон* тўғрисида гапирганимизда айтдик.

[1] № 79 га қаранг. Бу Moringa aptera G a e r t n. ёки M. pterygosperma G a e r t n. нинг уруғидир.

269 ҲАББ УЛ-ҒОР[1] – ДАФНА МЕВАСИ

Моҳияти.

Бу *даҳмушт*[2] дони бўлиб, кичкина фундуқдекдир. Қобиғи қорамтир ва юпқа бўлиб, сиқилса, сариққа мойил тусдаги иккита қаттиқ паллага ажралади. Бунда озгина хушбўйлик бор. Бунинг таъсирлари [«*Ғайн*» [Ғ] ҳарфида]» *Ғор* ҳақида сўзланганда айтилади[3].

[1] Laurus nobilis нинг дони.
[2] № 179 га қаранг.
[3] № 802 га қаранг.

270 ҲАББ УЗ-ЗАЛАМ[1] – СУДОН МУРЧИ

Моҳияти.

Буни Судон мурчи дейдилар. Таъми жуда ёқимли бир дон бўлиб, Шаҳризурда ўсади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва ҳўлдир.

Зийнат.

Семиртиради.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини жуда орттиради.

[1] Cyperus esculentus L.

271 ҲАББ УЛ-МАЙСИМ[1]

Моҳияти.

Мурч катталигида ва унинг тусидаги бир дондир. Лекин синиши осон бўлиб, ичидан оппоқ мағзи кўринади. Хушбўйдир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Мизожи совуқ ва бўшашган меъдага жуда яхшидир, (дейдилар).

[1] «Маҳзан»да *Ҳабб ул-минсам* деб ёзилган. Бошқа манбаларда *ҳабб ул-маншим*. Буни бальзам дарахтининг (Commiphora opobalsamum Engl.)меваси деб тахмин қилинади. «Сайдана», № 1017 (1).

272 [322] ҲАББ УН-НИЛ[1] || 169б

Моҳияти.

Ҳинд маҳсаридир.

Танлаш.

Энг яхшиси қаттиқ, силлиқ ва янгисидир.

Табиати.

Баъзи табибларнинг айтишича, бу биринчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Тўғрироғи, учинчи[2] даражагача иссиқ ва қуруқдир.

Зийнат.

Пес ва оқ доғга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

(Қаттиқ) беҳузур қилувчи ва кўнгилни айнатувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Қуюқ хилтларни, савдони ва шиллиқни кучли суради. Ингичка ва қовоқ уруғисимон гижжаларни ҳайдайди.

Ўрнига ўтувчилари.

Ич суришда ва савдога қарши фойда қилишда олтидан бир вазнича «арман тоши» билан бирликда ярим вазнича Абу Жаҳл тарвузининг гўшти бунинг ўрнига ўтади.

[1] Ipomoea hederacea Jacq.

[2] Б. да: «иккинчи».

273 ҲАББ УС-СУМНА[1] – НАША УРУҒИ

Моҳияти.

Бу бир газ қадар узунликда бўлиб, даштда ўсадиган ўсимликдир. Япроғи оқиш, меваси мурчдек ёғли ва сутлидир. Баъзиларнинг айтишича, бу *сомарявмо* [гелиотроп] уруғидир.

Табиати.

Бир оз ҳўл бўлиб, иссиқдир.

Зийнат.

Семиртиради (ва чиройли қилади).

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдада туриб қолади. Ҳазм бўлса, озиқлиги кўпдир.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини кўпайтириб, шаҳвоний ҳисни қўзғатади.

[1] Cannabis sativa L. Экиладиган нашанинг дони [меваси] – Fructus cannabis Фармакопея VIIIга киритилган.

274 ҲАББ УС-САНАВБАР[1] – САНАВБАР БУЖУРИ

Моҳияти.

Донаси пистадан нозикроқ, қобиғи юпқа, ғовак ва қизилдир. Ёрилганда узун, оқ, ёғли ва лаззатли мағзи чиқади. Бу *шуш*[2] деб аталган санавбарнинг катта мевасидир. Кичкина хилига келсак, бу учбурчак шаклли дондан иборат бўлиб, қобиғи қаттиқ ва мағзи ўткирроқдир. Бунда ўткир ва мози маза бордир. Қичик доналарининг озиқлигидан кўра дорилик таъсири кўпроқдир.

Табиати.

Катта хилининг мизожи мўътадилдек бўлиб, иссиқликка мойил ва ортиқча рутубатга эгадир. Кичик хили иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда, хусусан, янгисида, етилтириш, юмшатиш, эритиш ва ачиштириш хоссалари бордир. Сувга солиб қўйилса, ачитиш таъсири кетади. Бу чоғда бунинг силлиқлаш[3] ва елимлаш таъсири олдингидан кўра тугалроқ бўлади. Санавбар донининг жавҳарида ерлилик ва сувлилик бўлиб, унда озгина ҳаволилик ҳам бордир.

Зийнат.

Семиртиради.

Бўғинлар.

Катта санавбар донини ейиш – бўшашишда ва гавда заифлигида фойда қилади ва бўғинларда бўладиган бузуқ рутубатларни қуритади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Санавбар донасининг каттаси ва кичиги, айниқса, шинни билан бирга, ўзида бўлган озгина аччиғлиги сабабли ўпканинг сассиқ рутубатларига ва йиринглашига, қон туфлаш ва йўталга фойда қилади. Агар бу ширин шароб билан қайнатилса, ўпка йирингини тозалашда яхши [дори] бўлади. Шунингдек, қобиғи ва чўпи яланадиган дорилар таркибларига кирса, ўпканинг йирингини тозалайди.



«Тиб қонунлари» иккинчи китобининг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 9785/I рақами остида сақланаётган XII аср қўлёзмасидан (100 б варақ)

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Агар эрман билан меъда устига боғланса, меъдани кучли қилади. Санавбар донасининг ҳазми оғир ва озиқлиги кўпроқдир[4]. Меъдани ачиштиради. Агар иссиқ сувда ивитиб, иссиқ мизожли киши новвот билан ва совуқ мизожли киши асал билан еса, ҳазм бўлиб, яхши озиқ бўлади. Бу меъдага яхшидир.

Дискуридус буни меъдага зарарли, дейди. Шундай бўлмаса керак, аммо куйдирилган ва мазаси ўзгарган бўлса, шундай бўлиши ҳам мумкин. Бунинг сувда ивитилганининг бузуқлиги тузалган ва еллари синган бўлади. Санавбар донасини семизўт билан ейилса, ўзи ачиштирмайдигина эмас, ачишганни босади ҳам.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Кунжут ва новвот билан, ёки асал билан, ёки қамиш қанди билан ейилса, жинсий алоқа хоҳишини ва эрлик уруғини орттиради. Санавбар донасининг каттасидан ва кичигидан кўп ейиш ичак санчиғига сабаб бўлади. Бунинг тарёқи кейинидан нордон-чучук анорнинг сувини сўришдир. Бу буйрак ва қовуқ рутубатларини кучли равишда тозалайди. Бу аъзоларнинг сийдикни ушлаб туришини қувватли қилади. Сийдик қамалишининг иккала навини ҳам [буйракдан бўлганини ва қовуқдан бўлганини] тузатади. (Иккала хили) томчилаб сийишни йўқотади. Қовуқ ва қовуқдаги тошга фойда қилади. Сийдикни ҳайдашда эрман билан қуюқ суртмаси фойда қилади.

1 Pinus cembra L., ёки P. pinea L. № 602 билан солиштиринг.
2 Б. да: «сус».
3 Б. да: «юмшатиш».
4 Б. да: «қувватли қилади».

275 ҲАББ УЛ-ҚИЛҚИЛ[1] – ЁВВОЙИ САНО УРУҒИ

М о ҳ и я т и.

Бу оқ мурч каби бўлиб, маҳсардан каттароқ ва тугал думалоқ эмас. Синдирилса, ичидан ёғли ва яхши мазали мағзи чиқади. Баъзи табиблар буни ёввойи анор уруғи, дейдилар, бунинг илдизини эса *муғос*[2] деб (гумон қиладилар).

Б ў ғ и н л а р.

Бўшашган баданларни маҳкам қилади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қовурилгани енгилроқдир.

З и й н а т.

Семиртирувчидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Буни, айниқса, (эски) шароб билан ейилса, бошни оғритади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и. ||. *170a*

Буни кўп миқдорда истеъмол қилиш меъда ҳазмининг бузилишига ва шундан келиб чиқадиган ичкетишга сабаб бўлади. Агар новвот, шакар ва асал билан ейилса, ҳазми яхшироқ бўлади. Бунинг қовурилгани яхшироқдир. Бундан туғилган [323] хилт ёмон эмас. Кичик хили меъдани қаттиқ ачиштиради.

[1] Cassia tora L.

[2] № 411 га қаранг.

276 ҲАДИД – ТЕМИР

М о ҳ и я т и.

Таниқлидир. Бу уч хил бўлади: *шобирқон*, *бармоҳан*[1] ва сунъий пўлат. *Шобирқон* табиий пўлатдир. Сунъий пўлат – *нармоҳан*дан тайёрланади. *Шобирқон* тўполи мис тўполига яқиндир. *Хабас* [чирк] ҳақида *«Хо»* [Х] ҳарфида алоҳида гапирамиз[2].

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Темир занги[3] буруштирувчан ва еювчандир. Темир чирки темир зангидан заифроқдир. Темир чирки қуритиш жиҳатидан ҳар бир чиркдан кучлидир.

З и й н а т.

Темирнинг зангини шароб билан бирга милкакда қўйилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Темирнинг занги оташак[4] ва тошмаларга қўйилади.

Б ў ғ и н л а р.

Темирнинг зангини шароб билан подаграда қўйилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[Темир зангини] жуда ўткир сиркада эзиб қайнатилса, у сирка қулоқдан эскидан йиринг оқиб юришида дори бўлади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Темирнинг занги қовоқнинг ғадир-будурлигига ва кўздаги *нохина* касаллигига яхшидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ичида [қизиган] темир ўчирилган шароб ва сув талоқ шишига, меъданинг бўшашганига ва заифлашганига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Темирнинг тўполида сувни сурувчи қувват бўлиб, бу мис тўполидагидан заифроқдир. Темирнинг занги буруштирувчидир. Буни бачадондан кетган қонни тўхтатиш учун кўтарилади. Темирнинг занги буруштирувчилиги билан бавосирни қуритади. Қизиган темир, ўчирилган шароб ва сув чўзма ичкетишни ва дизентерияни тўхтатади. Орқа тешик бўшашганда ва сийдикни ушлаб туриб бўлмаслик касалида, ҳайз қонининг тўхтамаслигида фойда қилади ва шаҳвоний қувватни оширади.

1 Форсча *нармоҳан* [юмшоқ темир] сўзининг бузилгани.
2 № 775 га қаранг.
3 Аслида: темир зангори, № 229 га қаранг.
4 Л. да: «сарамас».

277 ҲАМОМ – КАПТАР

(Моҳияти.

Бу маълум бир қушдир).

Табиати.

Жўжасида иссиқлик ва ортиқча рутубат бор. Учирма бўлган каптар болалари ҳазм учун енгилроқдир. Тухуми жуда иссиқликдир.

Таъсир ва хоссалари.

Жўжасида ортиқча рутубатни қуюлтириш хусусияти бор.

Бош аъзолари.

Каптар қони мия пардасидан келаётган бурун қонашни тўхтатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Каптар боласининг учирма бўлгани жўжасидан кўра ҳазм жиҳатидан енгилроқ ва хилт жиҳатидан яхшироқдир. Уни иссиқ мизожли киши ғўра суви, кашнич ва бодринг мағзи билан ейиши керак. Каптарнинг тухуми ёғли бўлади.

(Кўз аъзолари.

Каптар тезаги кўзнинг мугуз қабатидаги яра ўрнида пайдо бўлган окка фойда қилади).

278 ҲАВР[1] – БАҚАТЕРАК

Моҳияти.

Бу дарахт тўғрисида айтадиларки, бунинг Румдан чиқадиган хилининг[2] елими *каҳрабо* дир. Биз каҳрабога алоҳида боб бағишлаймиз[3].

Табиати.

Мўътадил бўлиб, қуруқликка бир оз мойилдир.

Таъсир ва хоссалари.

Ўзи латиф ва уруғи ундан ҳам латифроқдир. Иссиқлиги кучли эмас.

Бўғинлар.

Бу ўсимлик мевасининг бир *мисқоли* иркуннасога фойдалидир. Бунинг румий хилининг япроғи подагра оғриғида сирка билан бирга қуюқ суртма қилинади.

Бош аъзолари.

Япроғининг ширасини илитиб, қулоққа томизилса, унинг оғриғини босади. Меваси тутқаноққа фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Меваси асал билан сурма қилинади ва у кўзни қувватли қилади.

Чиқариш аъзолари.

Мевасидан бир *мисқоли* томчилаб сийишда ишлатилади. Бир *мисқол* оғирлигидаги меваси сирка билан бирга ҳайздан тоза бўлган хотиннинг ҳомиладор бўлишининг олдини олади. Япроғи ҳам шу хоссага эгадир.

[1] Populus alba L.

[2] № 260 га қаранг.

[3] № 340 га қаранг.

279 ҲАББАТ УЛ-ХАЗРО[1] – САҚИЧ ДАРАХТИНИНГ МЕВАСИ

Моҳияти.

Таниқлидир. (Бу дарахт совуқ мамлакатларнинг кўпида бўлиб, *Фуфолодис*[2] деб аталган оролда ҳам ўсади. Шу оролдан келтириладигани энг яхшиси бўлиб, ранги шиша каби оқиш ҳаворанг бўлади. Ҳиди ёқимли бўлиб, ундан «яшил дарахт уруғининг» ҳиди келиб туради). Мевасида буриштириш хоссаси бор. Фойдали таъсири *мастакий*нинг фойдали таъсирига ўхшашдир. Елими *мастакийдан* кейин елимларнинг энг яхшисидир. Бунинг катта хили *зарв*[3] дир. Дарахти *бутм* [сақич дарахти][4] деб аталади.

Табиати.

Баъзи табиблар, бунинг [уруғининг] ёғида қизил гул ёғида бўлганидек юмшатиш ва буруштириш хусусиятлари бор, дейдилар. Тўғриси шуки, сақич дарахти уруғининг қиздириши кучсиз қиздириш эмасдир. Унинг қуритиш хусусиятига келсак, ҳўл вақтида оз бўлиб, қуригач, учинчи даражада қуритувчи бўлади. Елими иссиқлик бўлиб, унда озгина қуруқлик ҳам бордир.

Таъсир ва хоссалари.

Қиздирувчи, юмшатувчи ва тозаловчидир. Унда буруштириш таъсири ҳам бор. Бунинг елими аччиқроқ бўлганидан *мастакийдан* кучлироқ эритувчидир. Елимида бир оз буруштириш таъсири бор. Бунинг аритиш хусусияти кучлидир. Бунда [тиқилмаларни] кучлигина очиш, хилтни етилтириш ва ични юмшатиш хоссалари бордир. Бу хилтни гавданинг чуқур ўринларидан тортади. Кўп вақтларда *мастакийнинг* ўрнига ўтиб, [324] унинг таъсирини беради; сақич дарахтининг тутуни *кундур*[5] тутунидек заррали таъсир беришдан узоқдир. Ёғи буруштирувчи қувват билан бирга юмшатувчи қувватга ҳам эгадир. Баъзиларнинг ўйлашларича, унинг ёғида
170б бир оз совутиш хоссаси ҳам бордир ||.

Зийнат.

Сақич дарахтининг уруғи юзни доғлардан ва сепкилдан тозалайди. Сақич[6] юзнинг ёрилганида ҳам фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Елими қаттиқ чиқиқларни пиширади.

Жароҳат ва яралар.

Қўтир ва темираткиларни аритади. Елими жароҳатларни тозалаш учун тайёрланадиган марҳамлар таркибига киради. У *маддани* шимади. Ташқи яраларни тузатади. Яралар, яраланган қўтир, шилликдан бўлган қўтир ва тошмаларнинг қичишига қарши фойда қилади.

Бўғинлар.

Ёғи чарчашга қарши ишлатиладиган ёғлар ва марҳамлар, шунингдек, фалаж ва юз фалажига суртиладиган ёғлар таркибига киради.

Бош аъзолари.

Елими асал ва зайтун ёғи билан ишлатилса, қулоқ рутубатида яхшидир.

Кўз аъзолари.

Қуруми сурмаларга ва сочни сақлашда ва кўз қовоғининг ейилишида ишлатиладиган дорилар таркибига киради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Уни суртиш ёки у билан силаш биқин оғриқларида фойдалидир. Елимининг бир ўзини ёки ширинлик билан бирга яланса, ўпка яраларига ва чўзма йўталга яхшидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Сақич дарахтининг уруғи, айниқса, сақичнинг ўзи талоққа фойдалидир. Лекин у иштаҳани кетказади ва шунингдек, жигарни[7] тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Сийдиради, шаҳвоний ҳисни қўзғатади. Елими ҳам оч қорингга бир

бундуқа ёки ёнғоқ [*жавза*] вазнида олиб ишлатилса, сийдиради ва озорсиз ични юмшатади. Қорин бўшлиғидаги аъзоларни ва буйракни тозалайди.

З а ҳ а р л а р.

Елими ва мевасини шароб билан қоракурт чаққанига қарши ичилади.

[1] Pistacia terebinthus L.

[2] Яъни, Қикладами.

[3] № 791 га қаранг.

[4] № 136 га қаранг.

[5] Б. нинг ҳошиясида: «бошқа бир нусхада кундурнинг ўрнида санавбар ёзилган», деган гап бор.

[6] № 532 а қаранг.

[7] Б. да: «кўкракни».

280 ҲИРБО – БУҚАЛАМУН

М о ҳ и я т и.

Таниқлидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Айтишларича, унинг қони кўздан[1] юлинган мўйни қайтиб ўсишига қўймайди.

З а ҳ а р л а р.

Бунинг тухуми ўлдирувчи заҳар, дейдилар. Уни Тўртинчи китобда айтамиз.

[1] Яъни киприкдан.

281 ҲАЙЯ – ИЛОН

М о ҳ и я т и.

(Илоннинг турлари кўпдир). Илоннинг сув, туз ва укроп билан қайнатилгани ишлатилади. Баъзан унга зайтун ёғи қўшилади. Тузланган илоннинг сели ҳам истеъмол қилинади. Бу гўштининг қувватида бўлади. Илоннинг пўсти ҳам истеъмол қилинади. Илоннинг хилларини Тўртинчи китобда айтамиз.

Т а н л а ш.

Илон гўштининг энг яхшиси урғочисининг гўштидир. Илон пўстининг энг яхшиси эркагининг пўстидир.

Т а б и а т и.

Гўштида қуритиш хусусияти кучли. Қиздириш хусусиятига келсак, у бунда кучли эмас. Илоннинг пўсти ҳам қаттиқ қуритувчидир.

Таъсир ва хоссалари.

Гўштининг хосияти шундаки, у ортиқча хилтларни терига ўтказади. Бу ҳол, айниқса, киши покиза бўлмаганда пайдо бўлади. Бир киши илон гўшти еганидан кейин бўйнида катта чиқиқ пайдо бўлган, уни ёрганларида ичидан худди бит каби нарсалар чиққан. [Эти] истеъмол қилинса, умрни узоқ, кучни кўп қилиб, ҳисларни ва ёшликни сақлайди.

Зийнат.

Илонни ейиш кишини битлатади, ортиқча хилтларни терига тортганидан, терини шилади. Моховга зўр фойда қилади. «Тулки касалида» истеъмол қилинса, фойдаси катта бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Икки учи[1] кесиб ташланган илоннинг гўшти ва шўрваси ва шунингдек, пўсти қулғунанинг катталашиб боришини тўхтатади.

Бўғинлар.

Илоннинг боши ва тўрт элликча думини кесиб, юқорида айтганимизча қайнатилиб, олинган шўрвасини ҳўплаб ичилса ва шунингдек, гўшти ейилса, асаб оғриқларига фойда қилади Шунинг каби тузи[2] ҳам фойда қилади.

Бош аъзолари.

Илоннинг пўсти шаробда қайнатилиб, қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини қолдиради. Илон пўсти солиниб қайнатилган сирка билан оғриган тишлар чайилади. Илон пўстининг энг яхшиси эркагининг пўстидир.

Жолинуснинг гумонича, кўп ип, айниқса, қизил ранг билан бўялган иплар олиниб, *афъо* илони бўғилса ва шулардан бири олиниб, лаклуки ва бўғзи шишган кишининг бўйнига ўралса, ажиб фойда кўрилади.

Кўз аъзолари.

Илон шўрваси ва гўшти кўзни қувватли қилади. Табибларнинг фикрича, афъонинг ёғи кўзга сув тушишни тўхтатади. Лекин одамлар буни истеъмол қилишга жасорат қилмайдилар.

Заҳарлар.

Афъо илони ёрилиб, оғриқни тўхтатиш учун ўзи чаққан ўрнига қўйилади.

[1] Яъни бошини ва думини. Табобатда, асосан, афъо (кўлвор) илони ишлатилган.

[2] Б. да: «пўсти».

282 ҲИМОР – ЭШАК

(Моҳияти.

Эшакнинг ёввойиси ва хонакиси бўлиб, бу маълумдир).

Зийнат.

Эшак гўшти ва жигарининг кули зайтун ёғи билан совуқдан ёрилганга қўйилади. (Бу жуда фойдали).

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Эшак жигарининг кули зайтун ёғи ва сирка билан қулғунага қўйилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Бу моховни тузатади.

Б ў ғ и н л а р.

Мизож қуруқлиги сабабли совуқдан мушак қотиш касали билан оғриган киши эшак гўштининг шўрвасига ўтиради. || *171a*

Б о ш а ъ з о л а р и.

[325] Жигарини қовуриб, оч қоринга ейиш тутқаноққа фойда қилади. Туёғининг куйдирилгани ҳам шундай фойда қилади.

Бир ичими кунига икки *фаланжор*дир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, [хонаки эшак] сийдиги буйрак оғриғига фойдалидир. Ёввойи эшак сийдиги қовуқдаги тошларни майдалайди, ҳам дейдилар.

283 ҲАЖАР УЛ-ЯҲУД[1] – «ЯҲУД ТОШИ»

М о ҳ и я т и.

Кичкина ёнғоқдек бир нарса бўлиб, озгина узунчоқроқдир. Бунинг устида икки томонидан келган чизиқлар ва унга муқобил ва ўзаро параллел ва кесишувчи бошқа чизиқлар ўтадилар ва улар бир-бирлари билан кесишадилар; ўзлари майда тангалардек бўлиб, ярақлаб турадилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани заиф қилади, унга мувофиқ келмайди ва иштаҳани туширади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буйрак тошига фойда қилади ва уни чиқаради. Бунинг бир ичими иссиқ сув билан ўн *оболо*дир. Қовуқ тошига фойда қилади, деб даъво қиладилар, лекин бундай эмас. Бу орқа тешикдан келадиган қонни тўхтатувчилардандир.

[1] Денгиз кирписи (Cidaris glandiferus)нинг қазиб олинадиган игналари.

284 ҲАЖАР УЛ-МАСОНА – «ҚОВУҚ ТОШИ»

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бу буйрак ва қовуқ тошларини майдалайди, дейдилар. Жолинус бунинг ҳеч бир хосияти йўқ, дейди. (Бир гуруҳ табиблар айтадиларки, буни қовуғида тош пайдо бўлган киши ичса, тоши майдаланади. Мен бунга қўшилмайман).

285 ҲАЖАР УЛ-ИСФУНЖ[1] – БУЛУТ ТОШИ

Моҳияти.

Бу булут танасидан чиқадиган бир тошдир.

Чиқариш аъзолари.

Бу буйрак тошини майдалайди.

[1] № 25 га қаранг.

286 ҲАЖАР УЛ-ЛАБАНИЙ – «СУТ ТОШИ», ГАЛАКТИТ

Моҳияти.

Бу шундай бир тошки, сув билан ишқаланса, ундан сут каби бир нарса чиқади. Бу тош кулранг ва ширин таъмлидир. Уни сув билан ишқаланади ва ишқалашдан ҳосил бўлган нарсани қалай қутичада сақланади.

Табиати.

Мўътадилдир.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишларнинг бошланишида фойда қилади, охирги даврида эса тузатадиган даражада фойда беролмайди.

Кўз аъзолари.

Сув билан ишқаланиб, ҳосил бўлган қириндисидан сурма қилинса, чиқиндиларнинг кўзга оқиб келишини ва кўзда бўладиган яраларни тўхтатади.

287 ҲАЖАР УР-РАҲО –ТЕГИРМОН ТОШИ

Шиш ва тошмалар.

Унга сирка қуйганда чиққан буғи қон кетишини ва иссиқ шишларни қайтаради.

288 ҲАЖАР УЛ-МИСАНН – ҚАЙРОҚТОШ

Зийнат.

Ишқаганда чиққан майда кукунини эмчак ва мояклар катта бўлиб кетмаслиги учун қўйилади.

Шиш ва тошмалар.

Эмчакнинг иссиқ шишларига яхшидир.

289 ҲАЖАР УЛ-ОЖИЙ – «ФИЛ СУЯГИСИМОН ТОШ»

Таъсир ва хоссалари.

[Ярани] қуритади, тозалайди ва қонни тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳат ва яралардан қон оқишини тўхтатади.

290 ҲАЖАР УЛ-АСАЛИЙ – «БОЛ ТОШИ», МЕЛИТИТ

Моҳияти.

Ўтакетган ширин қириндиси бор бир тош. Лекин ҳамма таъсирларида сут тоши кабидир.

Табиати.

Бунда қандайдир бир иссиқлик бўлиб, *шодана* қувватига эгадир. (Уни дори деб ҳисоблайдилар).

291 ҲАЖАР УЛ-ҚАМАР – «ОЙ ТОШИ», СЕЛЕНИТ

Моҳияти.

Бунга ой тупуги ва ой кўпиги ҳам дейдилар. Бу тош ой тўлишган вақтларда Араб[1] мамлакатида топилади. У енгил тошдир.

Таъсир ва хоссалари.

Айтишларича, дарахтга осиб қўйилса, дарахт мева қилади.

Бош аъзолари.

Тутқаноқни тузатади. Буни тутқаноқ касали билан оғриганлар тумор қилиб тақадилар.

[1] Л. да: «ой».

292 ҲАЖАР САМИТИЮС[1] –?

Моҳияти.

Бу тош ўзининг таъсирларида *шодана* кабидир. Лекин таъсири ундан кўра заифроқ бўлади.

[1] Б. да: *асмитус*.

293 ҲАЖАР УЛ-ҲАБАШИЙ[1] – «ҲАБАШ ТОШИ»

Моҳияти.

Ҳабашистондан келтириладиган сарғиш тусдаги бир тошдир. Буни ишқалаб, майдаланади. У тилни чақади ва сутга ўхшаш бир нарсага айланади.

Кўз аъзолари.

Кўзнинг шиш ва яллиғсиз парда босишини тозалайди. Кўздаги яралар изига ҳам фойда қилади. Юмшоқ нохинани қўпоради.

[1] Lapis thyites.

294 ҲАЖАР АФРУЖИЙ – «ФРИГИЯ ТОШИ»

Моҳияти.

Таниқлидир. Буни Афружиё [Фригия]га нисбат берадилар.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштириш, ачиштириш ва эритиш хусусиятлари билан бирликда қуритувчидир.

295 ҲАЖАР УЛ-ҲАЙЪЯ[1] – МОРМУҲРА, ЗАҲАР МУҲРА

Чиқариш аъзолари.

Айтишларича, қовуқ тошини майдалайди. Жолинус буни инкор қилади.

Заҳарлар.

Айтишларича, заҳар муҳрани илон чаққан жойга осилса, фойда қилади. Жолинус «буни менга жуда чин гапирадиган киши айтди», дейди.

[1] Lapis ophites – серпентин.

296 ҲАЖАР ЙУТФО БИЗ-ЗАЙТ – ЗАЙТУН ЁҒИ БИЛАН ЎЧИРИЛГАН ТОШ

Таъсир ва хоссалари.

Бу тош зайтун ёғи билан ўчирилиб, сув билан қўшиб, ишлатилади.

Заҳарлар.

Бу тошдан заҳарли жониворлар қочадилар.

297 [326] ҲАЖАР УЛ-ЯШБ – ЯШМА; НЕФРИТ

Озиқлантириш аъзолари.

Бу меъдага жуда фойдалидир. Жолинуснинг айтишича, бундан бўйинга тақадиган безак қилиб, меъданинг тўғрисига осиб қўйилса, қизилўнгач ва меъдага фойда қилади.

298 ҲАЖАР УЛ-АСОКИФА –«КАФШДЎЗЛАР ТОШИ»

Моҳияти.

Бу, сузувчи || тош деб танилгандир. *171б*

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Лаклукда бўладиган яра ва шишларга жуда фойда қилади.

299 ҲАЖАР АРМАНИЙ – «АРМАН ТОШИ», АЗУРИТ

Моҳияти.

Бунинг бир оз ложувардлиги бўлиб, лекин ложувард рангида ва унинг тўлалиги ва зичлигида эмасдир. Балки бу қумлилиги бўлган бир тошдир. Кўпинча бўёқчилар ва наққошлар буни ложувард ўрнида ишлатганлар. Бу юмшоқ ва силлиқ тошдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдага зараралидир. Ювилгани кўнгилни айнатмайди[1]. Ювилмагани кўнгилни айнатади[2]. Қолган ҳолларда меъдага зараралидир.

Чиқариш аъзолари.

Савдони ложувардга қараганда кучлироқ суради. Бу билан савдони ҳайдагандан кейин қора ҳарбақ ишлатилмай, бунинг ўзи билан кифоя қилинади.

[1] Б. да: «қустирмайди».

[2] Б. да: «қустиради».

300 ҲАЗОЗ УС-САХР[1] – ТОШ ЗАМБУРУҚЎТИ

Моҳияти.

Жолинуснинг айтишича, бу тош устида бўладиган, қурбақаўтга ўхшаш бир нарсадир. Бу икки сабабдан қуритади, чунки бунинг қуввати тозалаш ва совутишдан иборатдир. Тозалаш билан қуритишни тошдан ва совутишни сувдан олган.

Хоссалари.

Қуритувчи ва совутувчидир. Дискуридус, қонни тўхтатади, дейди. (Бунга мен қўшилмайман).

[1] Rocella tinctoria D C. ёки Lecanora circummunita Nyl.

«ТО» ط [Т] ҲАРФИ

301 ТАБОШИР[1]

Моҳияти.

Куйган қамишларнинг илдизларидир. Айтишларича, қамишлар қаттиқ шамол турганда учлари бир-бирларига ишқаланиб, куядилар. (Бу ҳол Ҳинд мамлакатида бўлади).

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва учинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда буруштириш, ошлаш ва озгина шимдириш хусусиятлари бор ва совутиши кўпроқдир. Шимдириш хусусияти ундаги озгина аччиқликдан келгандир. Унинг шимдириш ва буруштириш хусусиятлари қуритиш таъсирини кучли қилади. Бу қизил гулга ўхшаш мураккаб қувватлидир.

Бош аъзолари.

Табошир оғизнинг оқариб оғришида ва ваҳима касали[2]да фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Табошир кўзнинг иссиқ шишларига фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Юракни кучли қилади. Табоширни ичиш ва суртиш мизож иссиқлигидан бўлган юрак ўйнаши ва меъдага сафро қуйилишидан бўлган ҳуш кетишда фойда қилади. Ваҳима ва ғамланиш касалликларига ҳам фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Табошир чанқашга, меъданинг яллиғлашига ва заифлашишига фойдалидир. Меъдага сафро қуйилишини ва беҳузурликни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Сафровий ич суришни тўхтатади.

Иситмалар.

Ўткир иситмаларга фойда қилади.

[1] Бамбук (Bambusa arundinacea W i l l d.) ўсимлигининг бўғин оралиқларига кристалл ҳолида йиғиладиган модда. «Сайдана» № 658.

[2] Арабчаси *тавоҳҳуш*.

302 ТАРҲУН[1] – ШЕРОЛЧИН

Моҳияти.

Бу, таниқлидир. Айтишларича, назлаўти *оқирқарҳо*[2] тоғ *тарҳуни*нинг илдизидир.

Табиати.

Унда увуштирувчи қувват бўлса ҳам, иккинчи даражагача иссиқ ва қуруқлиги кўриниб туради. Сўзига ишониб бўлмайдиган баъзи кишилар унинг мизожини совуқ[3] ва қуруқ, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Бу рутубатларни қуритувчи ва шимувчидир. Унда рутубатларни қандайдир совутиш хусусияти бор.

Бош аъзолари.

Чайнаб, оғизда тутиб турилса, оғизнинг оқариб оғришига қарши фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Бўғизда оғриқ пайдо қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазмни қийинлаштиради.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний хоҳишни кесади.

[1] Artemisia dracunculus L.

[2] № 536 га қаранг.

[3] Б. да «иссиқ» деб, янглиш ёзилган.

303 ТАРАҲШАҚУҚ[1] – ҚОҚИГУЛ, МОМАҚАЙМОҚ

Моҳияти.

Таниқли бўлиб, сачратқининг бир туридир.

Табиати.

Қоқигулдан рутубат пайдо бўлиши билан бирга совуқлиги рутубатидан кўпроқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Совутувчи ва тиқилмаларни очувчидир.

Кўз аъзолари.

Сути кўздан оқликни аритади.

Озиқлантириш аъзолари.

Шираси истисқога жуда фойда қилади ва жигар тиқилмаларини очади.

З а ҳ а р л а р.

Заҳарларга қарши туради. Чақилганга, айниқса, чаён чаққанига қуюқ суртма қилинади.

[1] Taraxacum officinale L.

304 [327] ТАРФО[1] – ЮЛҒУН, ТУБУЛҒУ

(М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, бу таниқли дарахтдир. Ширин сувлар ёнида ўсади. Унинг дарахтлар чечагига ўхшаган меваси бор. Меваси юмшоқлик ва қаттиқликда *ушнага* ўхшайди. Миср ва Шомда бўладиган баъзи экиладиган юлғунлар борки, мевасидан бошқа ҳар бир жиҳатда ёввойисига ўхшайди, меваси эса мозига ўхшайди. Меваси тишни қамаштириб, тилни буруштиради, кўз ва оғиз дориларида мози ўрнида ишлатилади. Ичилса, қон туфлаш ва ичкетишга фойда қилади).

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Бунда буруштириш, аритиш ва қаттиқ қуритмасдан тозалаш хосиятлари бор. Суви аритувчи ва қуритувчидир. Аритиши қуритишидан кўра кўпроқдир. Қуритиши буруштириши билан бирликда бўлади. Юлғуннинг мевасига келсак, унинг буруштириши кучлироқдир. Юлғунда озгина латифлаштириш хоссаси бор. Бу, яшил мозида ва бошқа нарсаларда бўлмайди. Яшил мози ўрнида истеъмол этилади.

З и й н а т.

Битларни ўлдириш учун қайнатмасини баданга қуйилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Япроғини ғовак шишларга қуюқ суртма қилинади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Тутуни ҳўл яраларни ва чечакни қуритади. Янчилгани ва кули оловдан куйганга ва ҳўл яраларга сепилади. Меваси ва кули битиши қийин яраларни қуритади ва ортиқ бўлиб қолган гўштларни ейди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Япроғининг, айниқса, мевасининг, шаробда қайнатмаси билан оғизни чайиш тиш оғриғида фойда қилади ва тишнинг ейилишини тўхтатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Меваси кўз касалликларида *ликий шираси* ва мози ўрнида ишлатилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Эскидан [балғам] туфлашда фойда қилади, айниқса, меваси шундай.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Новдаларини сиркада яхши пиширилса, талоққа қуюқ суртма бўлади. || *172a*
Япроғи ва новдалари солиниб қайнатилган шароб талоқ касалларига қарши ичилади. Бунинг чўпидан талоқ касаллари билан оғриганларга шарбатлар тайёрланади.

Чиқариш аъзолари.

Чўзилма ичкетишига фойда қилади. Бачадонидан рутубат оқадиган хотин бунинг қайнатмасида ўтиради, унинг уруғини кўтаради ва мевасиии ичади.

Заҳарлар.

Меваси қоракурт чаққанига фойда қилади.

[1] Tamarix gallica L. Бу ўсимликни тубулғу, жинғил, деб ҳам аталади.

305 ТАРОСИС – «ЕР ОЛАТИ»

Моҳияти.

Бармоқ йўғонлигида ва турли узунликда бўлган бурушган ёғоч парчаларидан иборат. Меваси буруштирувчи, ранги кулранг ва қуввати анор гули қувватидекдир. Буни чўлдан келтирилади, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчидир. Бутун аъзоларда қон ҳаракатига тўсқинлик қилади.

Бўғинлар.

Бўшашган бўғинларни кучли қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда ва жигарнинг бўшашганига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични қотиради. Эчки сутида қайнатилиб ичилса, қон кетиш, қонли ичкетиш ва одат бўлиб қолган ичкетишни тўхтатади.

Ўрнига ўтувчилар.

Ярим вазнича тухум пўчоғининг куйдирилиб ювилгани, олтидан бир вазнича мози ва ўндан бир вазнича елимдир.

[1] Cynomorium coccineum L.

306 ТАЛҚ – ТАЛҚ, СЛЮДА

Моҳияти.

Баъзи табибларнинг айтишича, у меъданинг ичига, тукларига, бўғизга ва қизилўнгачга ёпишиб қолгани учун уни ичиришда хатар бор. Талқнинг

сутини олиш керак, уни латтага сопол парчалари ва майда тошлар билан биргаликда солиниб ҳал бўлгунча урадилар. Агар майда тошлар солинган бўлса, бу чоғда сувга ботиришнинг ҳожати йўқдир. Агар биров уни латтада майдалаб, кўза устига силкитишни ва ундан сочилиб тушганни олиб, Араб елими ва бошқа нарса билан истеъмол қилишни истаса, мақсадга яна яқинлашган бўлади.

Танлаш.

Куйдирилган оҳак шаклига келтирилгани энг кучлиси ва энг латифидир.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада курукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи ва қонни тўхтатувчидир. Бавлус ва бошқаларнинг ўйлашича, қуритиш таъсирини кучайтириш учун *нурага* қўшилади. Бирон тадбир қилинмаса, буни олов куйдиролмайди.

Шиш ва тошмалар.

Эмчак, олат шишларини, қулоқ орқаси шишларини ва бошқа ғовак гўштлар шишларини бошланишида тўхтатади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Баргизуб суви билан бирга ишлатилса, қон туфлашни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Ювилганини ичириш ва суртиш бачадондан ва орқатешикдан қон кетишини тўхтатади. Дизентерияга ҳам фойда қилади.

307 ТУҲЛУБ[1] – ҚУРБАҚАЎТ

Моҳияти.

Белгилидир. Дарё қурбақаўти сувли ва ерли моддага эга бўлади. Денгиздагиси буруштирувчанроқ бўлади. Тошдагисига келсак, [328] бу юқорида айтганимиз тош замбуруғ ўтидир[2].

Табиати.

Совуқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буни суртма қилиб суртиш ҳар бир ўринда қонни тўхтатади. Денгиз қурбақаўти зўрроқдир.

Шиш ва тошмалар.

Буни иссиқ шишлар, сарамас ва учуққа қўйилади. Шунингдек, қурбақаўтларининг ясмиқ шаклидагисини толқон билан ҳам қўйилади.

Бўғинлар.

Иссиқ подагра ва бўғин оғриқларига суртилади. Эски зайтун ёғи билан қайнатилса, асабни юмшатади.

Чиқариш аъзолари.

Ичак даббасига қуюқ суртма қилинса, уни кичрайтиради.

[1] Lemna minor L.

[2] № 300 га қаранг.

308 ТИҲОЛ – ТАЛОҚ, ҚОРАЖИГАР

Танлаш.

Ёмон каймус берса ҳам талоқларнинг энг яхшиси тўнғиз талоғидир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда қисман буруштириш бор. У, савдовий қонни туғдиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Мози мазали бўлганидан ҳазм бўлиши сустдир.

309 ТОЛИСФАР[1] – ДОРКИСА

Моҳияти.

Ҳиндистондан чиқадиган бир дарахт қобиғидир. Бунда буруштириш, ўткирлик ва озгина хушбўйлик бор. Бунда ер моддаси кўпроқ бўлиб, латифлиги озроқдир.

Табиати.

Жолинусча, унда арзирлик иссиқ ва совуқлик йўқдир. Баъзи табиблар буни иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда кучли буруштириш, қуритиш ва шимдириш хоссаси бор. У кўп жавҳардан таркиб топган бўлса ҳам, буларнинг ичида ер жавҳари кўпдир.

Чиқариш аъзолари.

Таом ҳазм бўлмасликдан келадиган ичкетиш, ичак яралари, бачадон ва орқатешикдан қон кетишида фойда қилади; бавосирга ҳам фойда қилади.

[1] Myristica fragrans H o u t t. Баъзи муаллифлар қуйидагича аниклайди: Flacourtia cataphracta W i l l d. ёки Abies webbiana L i n d l.

310 ТИРИФОН[1]

Моҳияти.

Кўкламда ўсадиган бир ўсимлик бўлиб, уруғи маҳсар уруғига ўхшайди.

Заҳарлар.

Қайнатмаси *афъо* илони чаққанига қўйилса, оғриғини қолдиради. Агар соғлом аъзога қўйилса, *афъо* чаққандаги оғриқни беради.

[1] Psoralea bituminosa L.

311 ТИН МАХТУМ[1] – МУҲР ЛОЙИ

Моҳияти.

1726 Бу кесакни || Буҳайр деб аталган жойдаги қизил тепадан келтирилади. Бу ер кўл каби текис, силлиқ бўлганидан Буҳайр [кўл] деб аталган. У ерда ҳеч бир ўсимлик ва тош йўқдир. Уни кўрган бир киши менга шундай ҳикоя қилди. Бу лойни коҳин тупроғи деб атайдилар, чунки бу тупроқни ўтган замонда бир коҳина хотиндан бошқа киши олмас эди. Бу тупроқни коҳинлар қизил кесаги деб ҳам айтадилар. Ҳақиқатда ҳам бу Артумида ибодатхонасида турувчи, юқорида эслатилган коҳина хотин оладиган қизил тупроқ бўлган. У хотин буни шаҳарга келтириб, сувга солиб, суюқ ҳолвайтардек қиларди. Уни сувда қаттиқ чайқатгандан кейин тўхтаб, лойқаси чўккунча қўярди. Ундан сувини тўкиб қўйиб, чўкмасини бир ерга ташлаб қўярдида, бунинг ёғли ёпишқоқ қисмини ишлатарди. Ундан мумдек лой ясаб, унга муҳр ўярди. Дискуридуснинг айтишича, ўша ердаги ғордан олинган тупроқ бўлиб, эчкилар қони билан қорилгандир. Буни гоҳо шундай қалбаки қилардиларки, уни ҳеч бир таниб бўлмас эди.

Танлаш.

Энг яхшисида укроп[2] ҳиди бўлади. У оғиздан оққан қонни тўхтатади, тилга ёпишиб, осилиб туради.

Таъсир ва хоссалари.

Бавлус бундан қонни тўхтатадиганроқ даво йўқдир, дейди. Бу Самос лойидан кучлироқдир. Ҳатто, у шу даражадаки, ўзида иссиқ шиш бўлган аъзо, айниқса, юмшоқ шиш бўлганда, бунинг қувватини кўтара олмайди, балки бундан қандайдир бир дағаллик ҳис қилади. Бу совутувчи ва елимловчидир.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишларнинг бошланишида фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Янги жароҳатларни ва тузалиши қийин бўлган яраларни бириктиради. Куйган жойни яраланишга қўймайди. Куйишдан бўлган яраларни тузатади.

Бўғинлар.

Йиқилганда аъзоларни сақлайди, синганни тузатади, қўл ва оёқларга моддалар қуйилишини ва улардаги ёйилишни тўхтатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Муҳр лойи назлани, шунингдек, оғиз ва милкдан [сел ва бошқа нарсаларнинг] оқишини тўхтатади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Йиқилганда ички аъзоларни сақлайди. Силга фойда қилади, ўпка ярасини қуритиши сабабли қон туфлашга ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буни ичириш ва ҳуқна қилиш, хусусан, олдин озгина асал қўшилган сув билан, кейин намакоб билан ҳуқна қилингандан кейин бу билан ҳуқна қилиш ичак шилинишининг ёмон сифатли хилига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Бу лойни шароб билан ичириш ва сирка билан суртиш заҳарларга ва [газандаларнинг] чақишига қарши туради, бунинг тозасини ичирилса, кетма-кет кўнгилни айнатиб, заҳарни қустиради, бу ҳол, айниқса, заҳардан илгари ичирилганда бўлади. Жолинус айтади: «арча бужури билан қўшиб, бундан тайёрланган ҳаб денгиз қуёни ва олакуланг чақишида тажриба қилиб кўрилиб, маълум бўлдики, дарҳол қустирар экан [329]. Қутурган ит қопганида шароб билан тажриба қилиб кўрдим, сирка билан *афъо* чаққанига ҳам суртиб кўрдим. Буни суртгандан кейин тишланган ва чақилган ўрингa талоқгиёҳнинг барги[3] ёки *қантарюн*[4] қўйилади».

[1] Terra sigillata.

[2] Л. да: «аччиқтош».

[3] № 78 га қаранг. Б. да: *усқурдиюн*, яъни ит саримсоғи ёки илон саримсоғи.

[4] № 616 га қаранг.

312 ТИН МУТЛАҚ[1] – УМУМАН ЛОЙ, КЕСАК

(М о ҳ и я т и.

Бу ҳамма ернинг лойидир).

Т а б и а т и.

Ҳамма лойнинг мизожи совуқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қуритувчи ва тозаловчидир. Офтобли жойнинг тоза тупроғи, агар унга сопол ва офтобда куйган девор каби куйдирилган тупроқ аралашмаган бўлса, ўзида елимловчилик хосияти борлиги сабабли салқиб шишган аъзоларни ачитмасдан қуритади. Демак, бунда шимдирувчи қувват бор. Агар уни қайта-қайта ювилса, иссиқ ва совуқда мўътадил бўлган латиф қуритувчига айланади.

З и й н а т.

Бўшашган гўштни маҳкамлайди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Лой мумли суртма билан ишлатилса, қулғуна ва қаттиқликларни эритади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Офтобли ернинг лойини истисқо ва талоқ касаллари билан оғриган кишилар қоринларига суртиб, очиқ фойдаланадилар. У гўшт истисқосини ҳам тузатади.

[1] № 393 га ҳам қаранг.

313 ТИН АРМАНИЙ ВА-Л-АНИЙ[1] – АРМАН ЁКИ АНИЙ[2] ЛОЙИ

М о ҳ и я т и.

Арман лойи хира қизил рангли маълум тупроқ бўлиб, (уни заргарлар тиллани бўяш учун ишлатадилар) ва Аний лойи таъсирда бунга яқин туради.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қонни тўхтатади. Чунки бунинг қуритиши ниҳоятда кучлидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Бу лойни ичиш ва суртиш тоунга фойда қилади. Аъзо чиришининг тарқалишини тўхтатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Жароҳатда [ишлатилса], ажибдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Назлани тўхтатади ва оғизнинг оқариб оғришига қарши фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Қон туфлашга қарши яхши. Ўпка ярасини қуритиб, силга фойда қилади. Бу, назладан бўлган нафас қисишининг ҳам давосидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичак яралари, ич суриш ва (бачадондан) қон кетишига даводир.

И с и т м а л а р.

173а Сил иситмаларига ва вабо иситмаларига || фойда қилади. Бир элат буни суюқ шаробга солиб ичишга одат қилганларидан вабонинг катта ўлатидан саломат қолган. Агар вабо иситмасида ичиришга тўғри келса, қалбга ет-

казиш учун шароб лозимдир. Бу чоғда шаробни қизил гул суви билан аралаштирилсин!

[1] Terra armeniaca

[2] Арманистоннинг қадимги пойтахти Аний шаҳрига нисбатан берилган.

314 ТИН СОМУС[1] – САМОС ЛОЙИ

Моҳияти.

(Фозил ҳаким) Жолинус «биз бундан Самос юлдузи деб аталадиганини ишлатамиз», дейди. Мен айтаман, одамлар буни *талқ* деб ҳисоблайдилар. Лекин тадқиқотчилар, *талқ* тўғрисида гапириб, буни Қибрис оролидан Юнонистонга келтирилади, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Жолинус, Самос лойи қонни тўхтатиш ва бошқа таъсирларда муҳр лойи каби, дейди. Бунинг ҳаволиги муҳр лойиникига қараганда кўпроқдир. У эмчак шишларига фойда қилади. Шунинг учун бу енгилроқ, балки жуда ҳам енгилдир. Бу муҳр лойидан яна ҳам чўзилувчанроқ ва ёпишқоқроқдир. Муҳр лойи эса бундан кучлироқ.

Табиати.

Бу қуюқ, ёпишқоқ ва елимсимондир. У, ювишга муҳтож эмас. Айтганларича, совутиши оз ва оғриқ қолдириш таъсири кучлироқдир.

Шиш ва тошмалар.

Бошқа лойларга қараганда шишларни кучлироқ тўхтатади. Агар буни сувда ивитилса, дағаллиги муҳр лойининг дағаллиги каби сезилмайди.

Жароҳат ва яралар.

Чўзилувчанлиги зўрлигидан оловда куйишдан бўлган яраларга муҳр лойидек фойда бермайди.

Бўғинлар.

Бу лойни суртиш подагранинг бошланишида фойда қилади.

(Кўз аъзолари.

Кўз мугуз қабатида бўладиган қабарчиқларда фойда қилади).

Бош аъзолари.

(Эмчак ва) қулоқ орқаси шишларига даводир.

Чиқариш аъзолари.

Бачадондан қон оқишида ва қонли ичкетишда фойда қилади.

[1] Terra Samia.

315 ТИН МА'КУЛ – ГИЛВАТА, КЕСАК

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Тиқилма пайдо қилувчи ва мизожни бузувчидир. Лекин меъда оғзини кучли қилади. Таомнинг оғир ҳазм бўлишини кетказади. Шундай бўлса ҳам, буни ишлатишни яхши кўрмайман. Унинг қусишни тўхтатишда (ажиб) хосияти бордир. Нафсни хурсанд қилади, деган даъволар бўлса ҳам, унинг бу таъсири унга муштоқ кишиларнинг унга етишганларидан келиб чиқадиган хурсандлик туфайлидир.

316 ТИН БАЛАД ИЛ-МАСТАКИЙ[1] – «МАСТАКИЙ ШАҲРИ ЛОЙИ»

(М о ҳ и я т и.

Тозаловчи, ювувчи ва эт ундирувчидир).

[1] Л. да фақат сарлавҳанинг ўзигина келтирилган; матн Б. бўйича таржима қилинди.

317 [330] ТИН ИҚРИТУШ – КРИТ ЛОЙИ[1]

М о ҳ и я т и.

Ҳаволиги кўпдир. Юқорида айтилган бошқа лойларга ўхшайди, лекин улардан заифроқдир. Ачиштирмасдан тозалайди. Ҳисни заиф қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг яралари ва яллиғланишида[2] фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, туғишни енгиллаштиради ва ҳомиладор хотинлар бўйинларига оссалар, уларни сақлайди.

[1] Сарлавҳани Б. дан қўшилди. Л. да шундан кейинги гапларни 316-дорига тегишли қилиб берилган.

[2] Б. да: «қиздиришига».

318 ТИН ҚИМУЛИЁ – КИМОЛОС ЛОЙИ

(М о ҳ и я т и.

Ҳунайннинг айтишича, бу ибодатхона лойи бўлиб, икки хилдир: бири – оқ, иккинчиси – гунафша рангли. Бунинг табиати кучли бўлиб, ушлаб кўрилса, совуқдир. Уни денгиз қирғоғидаги *Сироф* деб аталадиган жойдан келтирилади.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва биринчи даражада иссиқ).

Таъсир ва хоссалари.

Соф хилининг фойдаси кўп. Бунда совутиш ва эритиш хусусиятлари бор. Ювилганда эритиш хусусияти йўқолади.

Шиш ва тошмалар.

Бу лойни сирка билан қўшиб, меъда ости шишларини силанади.

Жароҳат ва яралар.

Куйганни яраланишга қўймайди. (Иккала хилининг ҳам сирка билан ҳўлланган оловда куйганга ва бошқа жароҳатларга ўша ондаёқ фойда қилади ва уларни қабарчишга ва шишишга қўймайди.

Бош аъзолари.

Сирка билан эзилгани қулоқ тагида бўладиган шишларга ва бодомсимон безларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Гавданинг ҳамма еридаги шишларга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бу лойнинг иккала хили ҳам мояк қаттиқлигини юмшатади).

319 ТИН УЛ-КАРМ – ТОК ЛОЙИ[1]

(Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, бу лой Шом ерида топилади; унинг ранги қора ва ўзи кедр дарахтидан олинган узунчоқ кўмирга ўхшаган бўлади; унинг яна майдалаб ёрилган ўтинга ўхшаганлари ҳам бор. Бу [лойнинг] сув ва ёғда эзганда тезликда эриб кетадиган ва бўлаклари бир хилда текис бўлган хили ҳам бордир. Унинг эримайдиган оқ ва кулрангли тури эса ёмондир.

Танлаш.

Бу лойнинг қора ранглисини танлаб олиш керак).

Таъсир ва хоссалари.

Қуритувчи бўлиб, куритиши ачитишдан холи эмасдир. Бунда озгина шимилтириш (ва совутиш қуввати ҳам бор).

(Зийнат.

Мўйни ўстирадиган сурмалар ва соч ҳам қошни бўяйдиган бўёқлар таркибига киради.

Чиқариш аъзолари.

Бу лой билан токни ҳали барг ва янги новдалари чиқмасдан олдин чапланади, шунда у ток қуртларини ўлдиради. У лойдан ичилса, ичакдаги қурт ва гижжаларни ҳам ўлдиради).

[1] Токдаги зарарли ҳашаротларни йўқотиш учун суртиладиган лой. «Сайдана», № 685.

320 ТИН УЛ-МАҒРА – ҚИЗИЛ КЕСАК

(Моҳияти.

Бу маълум кесакдир).

Танлаш.

Энг яхшиси Бағдоддан келадиган, ҳеч нарса аралашмаган, қипқизилга мойил хилидир. Бу форс тилида *гили сурх* дейилган нарсадир.

Таъсир ва хоссалари.

Бавлуснинг айтишича, буруштириш ва қуритиш таъсирларида мухр лойидан яхширокдир.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатларни бириктиради.

Чиқариш аъзолари.

Гижжани ўлдиради. Суюқ ҳолвайтар қилиб, чала пишган тухум устига солиб ейилса, ични тўхтатишга жуда яхшидир.

321 ТИН УЛ-АРЗИН ИЛ-МАЗРУЪА – ЭКИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ ЛОЙИ

Дискуридуснинг айтишича, тибда ишлатиладиган лойларнинг умуман хамма хилларида буруштирувчи, юмшатувчи, совутувчи ва елимловчи қувватлар бор ва хусусан, ҳар бирида бир нарсага фойда қилиб, бошқасига фойда қилмайдиган хосиятлар бор.

Экиладиган ерларнинг лойларига келсак, буларнинг жуда оқлари ва кулранг хиллари бор. Кулранглиси оқидан яхшироқ ва юмшоқроқ бўлади. Уни бир бўлак мисга суртилса, суртилган ер райҳон рангини олади. Буни баъзан қўрғошин упаси ювилгандек қилиб ювилади.

Кечқурун устидан кўп марта сув қуйиб ювилади. Сув бундан соф ҳолда ажралгунча шундай қилинади, кейин чўкма лойни қуёшда қиздирилади. Бу иш ўн кун қайтарилади. Сўнг уни офтобда янчилади ва бундан муносиб равишда кулчалар ишланади.

Хоссалари.

Айтишларича, буруштирувчи, совутувчи ва бир оз юмшатувчи қувватлари бордир.

Жароҳат ва яралар.

Яраларга эт тўлғазади ва жароҳатларни пайдо бўлиш аввалларида ёпиштиради.

322 ТИН СОМОЪИЙ – «СОМОЪИЙ ЛОЙИ»

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, бу лой тош каби бўлиб, заргарлар уни [331] [металларни] силлиқлашда ва ярақлатишда ишлатадилар. Бу лой бир неча хилдир: олдинги лой[1] каби кулранг оқиш хили; бу нозик ва қатламларга ажраладиган бўлиб, бўлаклари турли шаклларда бўлади. Бунинг тиниқ оқ, ярақлаган ва тез уваланадиган хили ҳам бор; буни бирор суюқлик билан ҳўлланса, тезда эриб кетади. Бу лойни ҳаммомда ишқор ва *натрун* ўрнида ишқалашга ишлатадилар.

Хоссалари.

Буруштирувчи, совутувчи ва қуритувчидир.

Танлаш.

Биринчисидан қаттиқ ва оқ бўлганини, иккинчисидан эса кулранг оқини танлаш муносибдир.

Зийнат.

Гавдани тиниқ ва чиройли қилиб, юзни ярақлатади.

Бош аъзолари.

Сезгиларни ўтмас қилади.

Кўз аъзолари.

Сут билан [бирга ишлатилса], кўзда бўладиган оқлик ва яраларга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ичилса, меъда оғриғига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Гоҳо гумон қиладиларки, туғиш дарди тутган хотинга бу лойни тақиб қўйилса, туғишини тезлаштиради. Агар ҳомиладор хотин тақиб юрса, бола ташлашга моне бўлади.

[1] № 321 да таърифланган лой.

323 ТРИФУЛИЮН[1] – СЕБАРГА, БЕДА ЎТ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, бу ўсимлик дарё соҳилларининг суви тошиб босадиган ўринларида ўсади. У, сувнинг ичида ҳам ўсмайди ва ундан бутун чиқиб ҳам кетмайди. Унинг Бобил толи [*атотис*] япроғига ўхшаш, лекин ундан қалинроқ япроғи ва бир қарич узунлигида ва юқориси ажраган танаси бор. Айтадиларки, бу ўсимлик гулининг туси бир кунда уч марта

ўзгаради: эрталаб оқ, тушда гунафша тусига мойил ва кечқурун қип-қизил бўлади. Унинг хушбўй оқ тусли илдизи бўлиб, оғизга тегизилса, тилни ловиллатади.

Табиати.

Иссиққа мойилдир.

Чиқариш аъзолари.

Агар бу бедадан икки *драхмий* миқдорида олиб, шароб билан ичилса, қориндан сувни суриб, сийдикни ҳайдайди.

Заҳарлар.

Заҳарларнинг зарарини қайтаришда бошқа подзаҳрлардан илгари буни ишлатадилар.

[1] Trifolium pretense L.

324 ТАРАФҲУМОС –?

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, уни баъзи кишилар *идбор* деб номлайдилар ва у парсиёвушон ўсадиган ерларда ўсади. Унинг ўзи *фартис* деб аталган ўсимликка ўхшайди ва унинг жуда узун ингичка япроғи бордир. [Япроқлари] иккала томондан жойлашган бўлиб, ясмиқ япроғига ўхшаш ингичка бўлади ва қаттиқ қорамтир таначалар устида бир-бирига қарама-қарши жойлашган. Ҳамма таъсирларида парсиёвушон нима қилса, ўшани қилади, деб ўйлайдилар.

325 ТОТИҚУС – ҚОРА ЧИГИРТКА, ЧИРИЛДОҚ

Моҳияти.

Стефаннинг ўйлашича, бу жонивор зайтун дарахтида бўлади. Бу чигиртка га яқиндир. Кўпинча чириллайди. Овози эшик ғирчиллашига ўхшайди. Бу жониворни Шом аҳли *зир* ва Табаристон аҳли ток шохида узум сочувчи маъносида *ангур пошин* деб атайдилар. Хуросон аҳли эса, уни *жасруд* деб атайди.

Чиқариш аъзолари.

Бу жониворнинг товада қовурилгани қовуқ оғриғида фойда қилади.

[1] Юнонча *теттигос* сўзидан олинган. «Сайдана», № 516 (1)

326 ТОЛОНИЮН[1] – ЁВВОЙИ ГУЛИҲАМИШАБАҲОР

Моҳияти.

Бу ўсимликни гоҳо ёввойи гулҳамишабаҳор[2] ва ёввойи семизўт[3] ҳам деб атайдилар. Пояси ва япроғи семизўтнинг япроғи ва поясига ўхшайди. Япроқларининг ҳар бири олдида бир шох ўсиб, у олти ёки етти майда тармоққа бўлинади. Уларнинг ҳаммаси барглар билан тўлган бўлади, унинг баргларини янчилса, ёпишқоқ рутубат чиқади. Гули оқ бўлиб, ток ораларида ўсади.

Табиати.

Совуқ ва ҳўлдир.

Зийнат.

Япроғидан қуюқ суртма қилиб, песга олти соатгача суртиб қўйилса, яхши илож бўлади. Бунинг қуюқ суртмасини қўйгандан кейин арпа уни истеъмол қилиниши муносиб бўлади. Янчилган *толониюнни* офтобда доғга чапиб қуригунча қўйилса, сўнг уқалаб ташланса, уни тузатади.

[1] Аслида *толойдун* деб янглиш ёзилган, ўқилиши М. А. га асосланиб тўғриланди.

[2] № 243 га қаранг.

[3] № 114 га қаранг.

327 ТАРАҒОНСО[1] – КАТИРО ЎСИМЛИГИ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, бу тиканли ва кенг, дағал илдизли бўлиб, *катиро* шундан олинади. [Бутаси] ер устида ўсиб, калта ва кучли шохлар чиқаради ва улар устида кўпгина юпқа япроқлари бўлади; у япроқлари ораларида оқ, қаттиқ тикка ўсган, яширин тиканлари бўлади.

Катиро эса мана шу ўсимлик илдизининг кесилган ва тирналган ўринларидан чиқадиган рутубатдирки, бу елимга айланади.

Кўкрак ва нафас аъзолари.

Асал билан қориб, тилнинг тагига қўйилса, [332] йўтал ва кўкрак дағаллигига фойда қилади. Эриб оқиш ҳолатига келгач, ширин шароб билан бир *драхмий*, яъни ўн саккиз *қирот* вазнида ичилади.

Чиқариш аъзолари.

Агар бу елимни куйдирилган ва ювилган тоғ эчкиси шохи билан ёки озгина Яман аччиқтоши билан аралаштириб ишлатилса, буйрак оғриғи ва қовуқнинг ачишиб куйишига фойда қилади.

[1] Astragalus tragacantha L. Матнда тарағофисо шаклида бузиб берилган.

328 ТУФРИЮС – «ЕР ДУБИ»НИНГ БИР ТУРИ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, асо шаклида бўлган кўп шохли бир ўсимликдир. *Камодирюс* деб аталган ўсимликка ўхшайди. Бунинг япроғи нўхат япроғига ўхшаш ингичкадир. Киликия мамлакатида кўп ўсади. Унинг қуввати ҳўл ва янгилигида сирка ва сув билан ичилганда яхши бўлади. Қуриганининг эса қайнатмаси ичилади.

Чиқариш аъзолари.

Қайнатмаси ичилса, талоқ шишларини кучли шимилтиради. Шунингдек, анжир ва сирка билан қуюқ суртма қилинса, талоқ касали билан оғриганларга аниқ фойда қилади.

Заҳарлар.

Сирканинг ўзи билан қилинган қуюқ суртмаси заҳарли жониворлар чаққанига фойда қилади.

329 ТАБАҚОҚУВОУН – ?

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, бу ўсимликнинг япроғи боғларда бўладиган итузум япроғига ўхшаб, унинг кўп тармоқлари бўлади. Гули кичик, қора ҳам кўпдир. Уруғи тариққа ўхшаш бўлиб, Шом жингаги каби қобиқ ичида бўлади. Илдизи учта ёки тўртта бўлади. Узунлиги бир қарич қадар; туси оқ бўлиб, қиздирилганда ёқимли ҳид чиқаради[1]. Бу ўсимликдан бир *манн* миқдорида олиб, олти *қутулий* ширин шаробда бир кеча ва кундуз ивитиб ичилса, бачадонни тозалайди. Бачадонни қисқартиради. Буни суюқ ҳолвайтарга[2] қўшиб ичирилса, сутни кўпайтиради, дейдилар.

[1] Шу сўздан кейин маъноси аниқ бўлмаган бир ибора бор.

[2] Аслида *ҳашв*, яъни «ичга тиққан».

330 ТАРОҒИЮН[1] – ТРАГИЙ

Моҳияти.

Бу Критда ўсадиган ўсимлик бўлиб, унинг япроғи, шохлари ва меваси *ахинуснинг* япроғи, шохлари ва меваларига ўхшагандир; лекин ундан кучлироқ бўлади. Унинг араб елимига ўхшаган елими бор. Япроғи, меваси ва елимида қаттиқ тортувчи қувват бордир.

Гоҳо бунинг бошқа хили ҳам учрайди. Бу кейингисининг япроғи талоқгиёҳнинг япроғига ўхшайди. Унинг ёввойи турпнинг илдизига ўхшаган илдизи бор.

Таъсир ва хоссалари.

Дискуридуснинг айтишича, ёввойи эчкига ўқ теккандан кейин шу ўсимлик оралиғида ўтлаб юрса, қадалган ўқ суғурилиб чиқади. Буни шароб билан қуюқ суртма қилинса, гўштнинг орасидан ўқ, тикан ва бошқа қадалган нарсаларни тортади.

Чиқариш аъзолари.

Буни ичилса, томчилаб сийиш касаллигини тузатади. Қовуқдаги тошни майдалайди. Агар бундан бир *драхмий* миқдорида ичилса, ҳайз қонини юргизади. Агар иккинчи хилидан хом ёки қайнатилган ҳолда ейилса, айтишларича, ичак ярасига фойда қилади.

[1] Pimpinella tragium.

331 ТАРОҒИЮН ОХАР – ИККИНЧИ ТАРОҒИЮН

Моҳияти.

Баъзи одамлар буни *суқулуфандриюн*[1] деб атайдилар. Бу ер устида озгина қад кўтарувчи кичик бир ўсимликдир. Узунлиги бир қарич ёки бир оз кўпроқ бўлади. Кўпинча ўсадиган ери денгиз бўйлари бўлиб, унинг япроғи йўқдир. Шохларида ранги қизил, майда узум донасига ўхшаган, каттали-ги буғдой донасидек, кўп сонли буруштирувчи ва учлари ўткир мевалари бордир. Баъзи кишилар бу меваларни янчиб, кулча қилиб асрайдилар ва керагида ишлатадилар.

Чиқариш аъзолари.

Бундан ўн *хабба* вазнидагисини шароб билан ичилса, Дискуридуснинг даъвосича, чўзилма ичкетишга ва бачадондан узоқ муддат давомида рутубатлар оқиб юришига фойда қилади.

[1] № 499 га қаранг.

332 ТИРИФУЛУС[1] – СЕБАРГА

(Моҳияти.

Унинг латиф парчаларини талоқ қаттиқлашганига қарши ичирилади).

[1] Бу – юнонча *трифиллун* сўзидан олинган бўлиб, бир қанча ўсимликни ифодалайди. «Сайдана», № 671 (1).

«ЙО» ى [Й] ҲАРФИ

333 ЯБРУҲ[1] – МЕҲРИГИЁ

Моҳияти.

Меҳригиё[2], яъни ҳар бир катта меҳригиёнинг илдизидир. Шакли одамнинг суратига ўхшайди. Шунинг учун *ябруҳ* [меҳригиё] деб аталади. *Ябруҳ* табиий санам, яъни одам суратида бўлган ўсимликнинг исмидир. Бу исм
1736 мавжуд нарсами, йўқми, бунинг аҳамияти йўқ. || Чунки бир қанча исмлар мавжуд бўлмаган нарсаларга ҳам берилган. **[333]** Ҳақиқатда бор бўлган *ябруҳ* қорамтир чўп бўлиб, уваланишга мойил ва *қуст*[3] каби йирикдир. (Дискуридуснинг айтишича, уни баъзи кишилар *онтамис*[4] ва бошқалар уни гоҳо *мавқулун*[5] деб атайдилар. Табиблардан уни *варафия*[6] деб атовчилар ҳам бўлган, яъни унинг илдизи муҳаббат ҳиссини қўзғатувчидир. Мана шу меҳригиё бўлиб, у икки хил бўлади. Биринчиси урғочиси деб танилган бўлиб, ранги бир оз қорага мойилдир. Унга *ривқус*[7], яъни коҳу меҳригиёси дейдилар. Чунки унинг япроғи коҳу япроғи билан ҳамшаклдир. Лекин ундан нозикроқ ва кичикроқ бўлади. Бунинг гули бадбўй ва иси оғирдир. Ерга ёйилиб ётади. Япроғининг тубида олмага ўхшаган ёки ундан кичикроқ хушбўй меваси бор. Унда нокнинг уруғи каби уруғи бўлади. Унинг каттагина икки ёки учта бир-бирига туташ илдизлари бордир. Уларнинг сирти қора ва ичи оқ бўлиб, устида қалин қобиғи бор. Шу хилининг пояси ҳам бор.

Иккинчи хили – меҳригиёнинг эркак хилидир. Баъзи кишилар уни *муриюн* деб атайдилар. Бу оқ, силлиқ, йирик ва энли бўлади. Япроғи лавлаги япроғига ўхшашдир. Бунинг меваси биринчи хилининг мевасига қараганда икки марта каттароқ бўлади. Ранги заъфарон рангига ўхшайди. Ҳиди оғир бўлиши билан бирликда ёқимли ҳамдир. Уни чўпонлар ейдилар. Уларда бундан уйқу пайдо бўлади.

Бу [эркак] хилининг урғочи хили илдизига, яъни хотин суратига ўхшаган илдизи бўлиб, лекин бу ундан бир оз узунроқ ва пояси йўқдир. Бу хилининг қобиғидаги шираси ўсимликнинг ёш чоғида қуйидаги усулда олинади: янчиб, оғир бир нарса билан сиқиб, эзилади. Бундан сиқиб олинган шира қотиб ёки қуюлгунча офтобга қўйилади. Сўнг сопол идишга солиб тўпланади.

Гоҳо япроғидан ҳам қобиғидан олинган каби шираси олинади. Лекин бу шира қувватда анча заифроқ бўлади. Баъзан илдизининг қобиғини шилиб олиб, ипга боғлаб осилади ёки бир идишга солиб қўйилади. Баъзи одамлар

илдизларини олиб, учдан иккиси йўқолгунча шаробда қайнатадилар, сўнг уни тинитиб тўплайдилар. Гоҳо унинг ёши [суви] чиқарилиб, тўпланади. Бу шундай қилинади: илдизининг танасини айланасига тилинади, сўнг тўпланган суюқлик йиғилади. Шираси [қувватда] ёши [суви] дан кучлироқдир. Илдизининг ҳамма ерида ёш бўлавермайди. Тажриба шуни кўрсатади.

Баъзи кишилар меҳригиёнинг соя ерларда ўсадиган яна бошқа хили ҳам бор, деб гумон қиладилар. Айтишларича, унинг япроғи оқ меҳригиё, яъни *ябруҳ* япроғига ўхшайди; лекин ундан кичикроқдир. Баргларининг узунлиги бир қарич бўлиб, туси оқ ва илдизи атрофида жойлашгандир. Илдизи эса юмшоқ ва оқ бўлиб, узунлиги бир қаричдан узунроқ ва бош бармоқ йўғонлигида бўлади.

Т а б и а т и.

Бу учинчи даражада совуқ ва шу даражада қуруқдир. Баъзиларнинг гумонича, бунда озгина иссиқлик бордир. Илдизига келсак, совуқлиги кучли ва қуритувчидир. Илдизининг қобиғи эса заифдир. Япроғи қуритилган ҳолда ё ҳўл ҳолда ишлатилса, фойда қилади. Меҳригиёнинг ўзида ҳам рутубат бордир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Увуштирувчидир. Унинг ёши ва шираси бўлиб, шираси ёшидан таъсирда кучлироқдир. Кимники бирон аъзосини кесиб, [операция қилиш зарур] бўлса, унга меҳригиё ширасидан уч *оболо*сини шаробга солиб ичирилса, уни ухлатади. Айтишларича, бунинг илдизини фил суяги билан олти соат мобайнида қайнатилса, [фил суяги]ни юмшатади ва уни турли шаклга келтиришни осонлаштиради.

З и й н а т.

Бунинг япроғи билан, айниқса, ҳўл япроғи билан [теридаги] қора нуқталарни бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасдан кетказади. Меҳригиёнинг сути нуқтали қизил қонталашларни ва сепкилни (куйдириб) ачиштирмасдан кўчиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Меҳригиёни қаттиқ шишларга, чипқонларга ва қулғунага ишлатсалар, фойда қилади. Илдизини майда қилиб янчиб, сирка билан сарамасга[8] суртилса, уни тузатади. (Тошмаларни ҳам кетказади).

Б ў ғ и н л а р.

Илдизини толқон билан қўшиб, бўғин оғриқларида боғланади. (Баъзан «филлик касаллиги»да ишлатилса, тузатади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мудратиб, ухлатади. Уни шаробга солиб [ичилса], қаттиқ маст қилади. Гоҳо орқатешикка кўтариб ишлатилади, бунда уйқу бостиради. Уни ҳидлаш

ҳам ухлатади. Бу таъсир япроғи оқ, поясиз хилида бўлади. Бу хилини эркак хили дейдилар. Меҳригиёни, айниқса, унинг оқ япроқлигини кўп ишлатиш ва ҳидлаш *сакта* касалига мубтало қилади.

Бундан уйқусизлик касалига қарши ичиладиган шароб тайёрланади. Бу қуйидагича тайёрланади: илдизининг қобиғидан уч *манн* миқдорини ширин шаробнинг бир *матритусига* солиб, бундан уч *киаф* ичирилади. Баъзан меҳригиё қобиғини шаробга солиб, қаттиқ қайнатилса, шароб унинг қувватини ўзига олади. Қаттиқ ухлатиш учун бундан кўпроқ миқдорда ва уйқу келтириш учун эса озроқ миқдорда истеъмол қилинади. Баъзи табиблар меҳригиё еган кишиларни уйғотиш учун қаттиқ совуқ сувга ўтқазадилар. [334] Мен гумон қиламанки, бундан мақсад ҳароратни [ичда] тўплаш бўлса керак.

(Бундай шароб сезгиларни ўтмаслаштиради. Уни доғлашда, хатна қилишда ва ништар уришда ичирилади. Чунки буни ичган киши карахт бўлиб, уйқу босиб, оғриқ аламини сезмайди.

Учинчи хилининг илдизидан бир *мисқол* ичган ёки толқон, нон ёки бошқа бирон пиширилган нарса билан қўшиб, еган кишининг ақли чувалашиб, ўша он уйқуга кетади. Шу ҳолатда уч-тўрт соат қолиб, ҳеч нарса сезмайди ва идрок қилмайди.

Меҳригиёнинг қобиғидан оловда қиздирмасдан қуйидагича шароб тайёрланади: ундан уч *манн* олиб, унга бир миқдор ширин шароб қўшилади ва бунинг уч *киафини* бирон аъзосини кесиб [операция қилиш] зарур бўлган кишига ичирилади.

Буни ҳидлаган кишини уйқу босади. Шираси ҳам шундай таъсир беради).

К ў з а ъ з о л а р и.

Бунинг ёши [суви] кўзга ишлатиладиган дорилар таркибига кирса, ўтакетган зўр оғриқни ҳам босади. Япроғини шу мақсад учун қуюқ суртма қилинади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг ёшидан бир *уқиясини* асал суви билан олиб ишлатилса, *харбақ* каби ўт ва балғамни қустиради, (агар [миқдори] кўпайиб кетса, ўлдиради).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бунинг ёши [суви]дан бир *оболо*сини сийдириш ва болани чиқариш учун кўтарилади.

Меҳригиёнинг уруғини ичилса, бачадонни тозалайди. Агар буни хотин киши олов тегмаган олтингугурт билан аралаштириб кўтарса, бачадондан қон кетишни тўхтатади.

Меҳригиёнинг сути балғам ва ўтни суради. Агар ёш бола меҳригиёни

билмасдан еб қўйса, унда қусиш ва ич суриш пайдо бўлади ва баъзан ўлади.

З а ҳ а р л а р.

Асал ва зайтун ёғи билан қўшиб, чақилган ерга қўйилади. Айтилишича, бунинг, айниқса, оқ япроқли хилига ўхшаган кичик япроқли хили ўлдирувчи итузумнинг заҳарини қиркади. Ўлдирадиган даражада ейилганда олдин бачадон бўғилиш аломатлари, юз ёноқларининг қизариши, кўз ғўлакларининг ирғиб чиқиш белгилари пайдо бўлади. Бунда яна қаттиқ маст бўлган кишидагидек юз кўпчийди. Иложи – сариёғ, асал ва қустиришдир.

1 Mandragora officinarum L.
2 № 381 га қаранг.
3 № 620 га қаранг.
4 Диоск. IV, 65; *антимимун*.
6 Диоск. IV, 65; *мибуқилун*. [9] Диоск. IV, 65; *дарақия*.
7 *Сиридокс* сўзининг бузилгани; к. «Сайдана», 393 (15).
8 Б. да: «оташакка».

334 ЯНТУН[1]

Бу *софсиёдир*, яъни тоғ газагўтининг елимидир.

1 Thapsia garganica L. № 733 ва 746 га қаранг.

335 ЯНБУТ[1] – ЁВВОЙИ ЖИНГАК ДУККАГИ

М о ҳ и я т и.

Баъзи билувчи кишиларнинг айтишича, бу «ток гулининг[2]» япроғидир. Кўпчилик табиблар эса буни Набат жингаги, дейдилар. Бу тўғрида «*Хо*» [Х] ҳарфи бобида (жингак [*харнуб*]ни айтган еримизда) гапирилди[3].

Т а б и а т и.

Совуқлик ва иссиқлиги кўп бўлмай, иккинчи даражада қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ачиштирмасдан қустирадиган қуввати бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичкетишга монелик қилади.

З а ҳ а р л а р.

*Янбут*нинг қайнатмаси бургаларни ўлдиради.

1 Ceratonia silique. ёки Anagyris foetida L.
2 Л. да шу сўзнинг устига «бундай эмас», деб ёзиб қўйилган.
3 № 761 га қаранг.

336 ЁСАМИН[1] – ЯСМИН

Табиати.

Оқи сариғидан кўра қиздирадиганроқдир. Сариқ ясмин эса қизил ранглигидан қиздирувчанроқдир. Қисқаси, иккинчи даражада совуқ[2] ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Рутубатларни суюлтиради. Ёғи қариларга фойда қилади.

Зийнат.

Ҳўли ва қуруғини (янчиб, у билан ҳаммомда юз ювилса), сепкилни йўқотади. Кўп ҳидланса, юзни сарғайтиради.

Бўғинлар.

74a Ёғи || асабда бўладиган совуқ касалликларга ва қариларга фойдалидир.

Бош азолари.

Ҳиди бошни оғритади; шу билан бирга ҳидланганда, ёпишқоқ балғамдан бўлган бош оғриғини тарқатади. Иссиқ мизожли киши тоза ёғини ҳидласа, дарҳол унинг бурнини қонатади.

[1] Jasminum officinale L. ёки J. sambac. Ait

[2] Б. да: «иссиқ».

337 ЯТТУЪ[1] – СУТЛИЎТЛАР

Моҳияти.

Бу – [ични] сурувчи, [хилтларни] парчаловчи, куйдирувчи ўткир сутга эга бўлган ўсимликлардир. Бундан машҳурлари еттита: *ушар*[2], *шубрум*[3], *лоғия*[4], *артанисо*[5] *моҳудона* [*ҳабб ул-мулук*[6]], *мозариюн*[7] ва *бантофилун*, яъни «беш япроқли»[8]. Буларнинг ҳаммаси ўлдирувчи бўлиб, кўпинча уларнинг сути назарда тутилади. Гоҳо бу машҳурларидан ташқари бошқа хил сутлиўтлар ҳам топилади. Масалан, бўтакўзнинг бир тури, қўйпечакнинг бир тури, ёввойи семизўт [*фарфах*] ва бошқалар. *Яттуъ* сути дейилганда, умуман доғининг сути англашилади; *тарёқ ул-кировий* ва *тарёқ ул-бушанжийлар* бўлиши ҳам мумкин. Яна айтадиларки, *яттуъ* еттитадир. *Яттуъ* хилларининг энг ўткир хили эркак дейиладиган хили бўлиб, унинг исми *ҳороқиёсдир*. Бундан бошқалари ҳаммаси урғочидир. Буларнинг энг кучлиси миртага ўхшагани бўлиб, буни *муртитос* деб аталади. Бундан кейинги ўринда тошлар орасида бўладиган дарахтсимон хили туради. Сўнг сигир қуйруққа ўхшаган *яттуъ* туради; бу «кенг япроқли» деб та-

нилган. Бундан кейин тугмачагулга[9] ўхшагани келади, уни *борисос*[10], яъни сарвсимон деб атайдилар. Сўнг *форолиёс – соҳилий*, ёки *баҳрий* [денгизники] деб аталадиган хили туради. Бунинг *баҳрий* деб аталишининг сабаби шуки, [335] у денгизда ўсади. (Бундан кейин *яттуънинг қуқийис* деб аталган хили бор). Яна бир марта айтамизки, *яттуънинг* энг кучлиси юқорида айтилган эркак хилидир. Унинг илдизи бир газдан узун, ранги қизғиш бўлиб, (ўткир мазали оқ) сутга тўла бўлади. Шохлари зайтун шохларига ўхшайди, лекин ундан узунроқ ва ингичкароқ бўлади. Илдизи ёғочлидир. (Шохларида зайтун япроқларига ўхшаган япроқлар бўлади. Лекин ундан узунроқ ва ингичкароқ бўлиб, илдизи дағал ва йўғон бўлади. Шохларининг учида қорачайирнинг шохига ўхшаб бешта ингичка шохлар бўлади. Уларнинг учида эса бир оз эгилган бошчалар бўлиб, булар қорачайирнинг бир хилига ўхшайди. Бу ўсимликнинг меваси шу бошчаларда бўлади). Бу тоғли, қаттиқ ерларда ўсади. (Шу ўсимликнинг сутидан икки *оболо* ичилса, шиллиқни суради).

Ёнғоқсимон деб аталган урғочи хилига келсак, бўтакўз ўсимлигига ўхшайди, лекин ундан каттароқ ҳам қаттиқ (бўлиб, ранги оқдир). Япроғининг (ҳиди сассиқ ва) учлари тикандек ўткирдир, улар мирта япроғига ўхшайди. Тагидан бир қарич узунлигида шохлар чиқади. Бир йил мева бериб, бир йил бермайди[11]. Меваси тилни (енгилгина) чақувчи бўлиб, ёнғоққа ўхшайди. Бу қустиришда биринчисидан тубан туради. Бу ҳам эркак хили ўсадиган қаттиқ ерларда ўсади. (Бу хилининг сути, илдизи, япроғи ва меваси қувватда биринчи хили кабидир. Буни ҳам териб олиб, биринчи хилига ўхшатиб сақлайдилар, лекин биринчиси кучлироқ бўлади).

Кўкнорсимон дейилган, денгизда бўладиган *яттуъга* келсак, унинг бир қарич узунлигидаги қизғиш шохлари бўлиб, тикка ўсади. Бу шохлар беш-олтита бўлиб, уларнинг устида кичик, ингичка, бир оз узун япроқлари бўлади. Меваси ёввойи ясмиқ меваси кабидир. Япроғи зиғир япроғига ўхшаган, бошчаси қўшалоқ, думалоқ ва гули оқ бўлади.

(Шохларининг учида зич, думалоқ бошчалари бўлиб, унда мевалари жойлашган. Шохлари илдизидан ёнма-ён чиқади. Бу ўсимликнинг ҳамма қисми, илдизи ҳам, сутга тўла бўлади. Бу хилини ҳам олдинги икки хили каби ишлатилади ва сақлаб қўйилади.

[Дискуридуснинг] айтишича, бу ерда[12] семизўт каби яна бир *яттуъ* бор. Уни *мушаммас*[13] деб атайдилар. Унинг япроғи кўп, лекин нозик, доира шаклига (кўпроқ яқин). Тагидан сутга тўла қизил шохлар чиқади. Уларнинг сони тўртта ё бешта бўлади. Тармоқларида укропдаги каби тўда уруғлари бор[14]. Ўсадиган ерлари кўпинча харобалар ва шаҳар атрофларидир. (Уруғи ва сутини айтилган хиллардагидек йўл билан олинади. Қуввати ҳам ўша хиллар қувватига ўхшаш бўлиб, заифроқ бўлади).

Сарвсимон *яттуъга* келсак, бир қарич ва ундан узунроқ[15] шохлари бўлиб, япроғи сарв ва санавбар япроғига ўхшайди, лекин ундан ингичкароқ ва рутубатлироқдир. (Бу ўсимлик ҳам сут билан тўла бўлиб, унинг қуввати юқорида айтилган хилларнинг қуввати каби бўлади.

Бу ерда яна тошлар орасида ўсадиган бошқа бир *яттуъ* ҳам бор, дейдилар. Унинг шохлари поясини ҳар томондан ўраб олган бўлиб, япроқлари кўп, бир-бирига чирмашган ва қизил рангли бўлади. Улар миртанинг майда япроқларига ўхшайди; унинг *харания*[16] мевасига ўхшаш мевалари ҳам бор. *Яттуъ*нинг бу хили устида юқорида айтиб ўтилган хиллари устида қилинган ишларни қилинади).

Дарахтсимон деб аталган тошлоқ *яттуъ*сининг япроғи кичик мирта япроғи ва эркак *яттуъ* япроғи кабидир. Юқори қисми рутубатли ва кўп бошли бўлади.

(Бу ерда яна бир хил *яттуъ* борки, у бодрингга ўхшайди. Илдизи ва япроғи ҳам сувликларни суради.

(Бу ерда яна бир *яттуъ* ўсадики), унинг япроғи энли бўлиб, *филумуснинг* япроғига ўхшагандир. Илдизи сутли ва барги сувли каймусни суради. Баъзи кишилар *фитюсо* ўсимлигини *қуборисос*[17] деб аталадиган сутлиўтнинг бир хили деб ўйлайдилар. Шунинг учун [*яттуъ*нинг] бир хили дейдилар. Поясининг узунлиги бир газ, ё ортиқроқ бўлиб, тўртбурчак ва кўп бўғинли бўлади.

Поясида юпқа ва кичик сарвсимон *яттуъ* барги каби учи ўткир барглар жойлашган.

Гули майда ва гунафша рангида, уруғи ясмиқ каби япалоқ, илдизи оқ рангли ва сут билан тўла. Гоҳо баъзи ерларда бу ўсимликнинг жуда катта хиллари ҳам учрайди. Бунинг илдизидан бир *мисқолини* олиб, асал суви билан ичилса, ични суради. Меваси ҳам шундай таъсир қилади. Сутини эса биз юқорида айтганимиздек, ёввойи ясмиқ уни билан аралаштирилади.

Япроғини истеъмол қилганда уч *мисқол*дан ортиқ ичилмасин!

Баъзи кишилар *ҳабб ул-мулукни* ҳам *яттуъ*лар қаторига киритадилар. Унинг пояси ковак бўлиб, узунлиги бир тирсак узунлигича, йўғонлиги бармоқ йўғонлигида бўлади. Учи тармоқли. Барглари [336] туб поясидан ва шохларидан ўсади. Поясидан ўсган барглари бодом барги каби чўзинчоқ, лекин ундан кенгроқ ва силлиқроқ бўлади. Шохидан ўсган барглари эса кичикроқ бўлиб, зарованд ва қўйпечак баргига ўхшайди. Шохларининг учида ковул мевасига ўхшаган думалоқ бошчалари бор. Унинг ичида бир-биридан ажраб турган ва ёввойи ясмиқдан сал каттароқ учтадан дони бўлади. Агар пўстини артилса, ичи оқ ва ширин мазали эканли-

ги кўрилади. Илдизи ингичка ва оқ бўлиб, табобатда ишлатилмайди. Бу ўсимликнинг ҳамма қисми *яттуъ* каби сутга тўла.

(Шу айтганларимизнинг ҳаммасига фозил ҳаким Дисқуридус гувоҳлик беради).

Танлаш.

Яттуъда бор нарсаларнинг энг кучлиси сути бўлиб, кейин унинг уруғи, сўнг илдизи ва ниҳоят япроғи туради. Умумий равишда *яттуъ* сути дейилса, бундан *лоғия* сути тушунилади.

Табиати.

Яттуъ сути тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Бошқалари иккинчи даражадан учинчи даражагача иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Яра қилувчи ва ўлдирувчандир. *Яттуъни* ҳовузга ташланса, балиқлар сув устига қалқиб чиқади[18].

Зийнат.

Тут шаклидаги сўгални ва умуман сўгалларни, холларни ва тирноқлар атрофидаги ортиқча этларни қўпоради. Сутини мўйли ерга, айниқса, офтобда чапилса, мўйни тарашлайди. Бундан кейин чиқадиган мўй заиф бўлади. Агар суртиш такрорланса, сира чиқмайдиган бўлади. Зарарли кучини синдириш учун зайтун ёғи билан арлаштирилади ва мўйни тарашлаш учун ишлатилади.

Жароҳат ва яралар.

Илдизини сирка билан ишлатилса, оқма тешиклар[19] атрофидаги қаттиқликларни шимилтиради. || Темираткини кетказади. Мум суртмаси *174б*
таркибига киргазилса, ҳидланган ва ейилган яраларни, савдо хилтидан пайдо бўлган қўтирни тузатади. Нори форсийни, елни ва гангренани тузатади.

Бош аъзолари.

Сутини ейилиб кетган тишларга томизилса, уларни майдалаб туширади. Қувватини қаттиқроқ синдириш учун қитрон билан бирга ишлатилади. Соғлом жойни мум билан сақлаб [чегаралаб], сўнг бунинг сутини [тиш ковагига] томизиш яхшироқдир. Илдизини сиркада қайнатиб, оғиз чайилса, тиш оғриқларини қолдиради.

Кўз аъзолари.

Сути кўз нохинасини қўпоради.

Чиқариш аъзолари.

Бавосирни тузатади, шиллиқ ва сувли [модда]ларни суради. Агар сутидан икки ёки уч томчисини анжирга томизиб, қуригандан кейин ейилса, етарли даражада ични суради. Толқон ва нонга[20] томизиб ичилса ҳам

суради. Агар биров нуқул ўзини ичишни тиласа, оғзи ва бўғизи яраланмасин учун мум марҳами ёки мум ва асал ичига олиб истеъмол қилиши яхширокдир. Гоҳо ҳўл *яттуъ* шоҳларини олиб, сополда бир оз қовурилади ва янчилиб, икки *карама* миқдордагисини толқон билан қўшиб, берилади, унга сув қуйиб, ичилади; қуруғи ишлатилмайди. *Яттуъ*нинг қуруқ шохлари жуда ҳам кучсиз таъсир беради. *Карфиюн* деб аталган хилининг шохлари олиниб, сояда қуритилади ва уларнинг қобиғи[21] олинади. Бундан тўққиз *карама* олиниб, эскирган шаробда бир кеча ва кундуз ивитилади. Сўнг тинитилиб, илитилади, кейин ичилса, қийнамасдан [ични] суради.

Ўрнига ўтувчилар.

Сувли ва шилликли [моддани] суришда бунинг уч ҳиссасича гулсапсар илдизи ва учдан икки ҳиссасича Эрон қавраги бунинг ўрнига ўтади.

1 Бу сўздан сутли ўтлар, хусусан, сутламадошлар тушунилади.

2 № 548 га қаранг.

3 № 706 га қаранг.

4 № 385 га қаранг.

5 № 533 га қаранг.

6 № 429 га қаранг.

7 № 405 га қаранг.

8 № 473 ва унга берилган изоҳга қаранг.

9 Б. да: «бодринг».

10 Б. да: «қурёсос».

11 Б. да: «бир йил меваси кўп бўлади, иккинчи йили эса оз».

12 Яъни *яттуъ*лар қаторида.

13 Яъни қуёш билан айланадиган; бу юнонча elioskopiosга тўғри келади. Л.: *муқасмас*.

14 Б. да шу жумлалар қуйидаги вариантда келтирилган: «унда тўрттабешта шохчалар бўлиб, булар битта тубдан чиқади. Узунликлари бир қаричга яқин бўлиб, ўзларн ингичка, қизил рангли ва кўп миқдордаги оқ сутга тўла бўла ди. Уларда укроп бошчалари каби бошчалар ва кичик япроқчаларга ўхшаган уруғлар ҳам бор. Бу ўсимликнинг ҳамма [қисми] қуёш кетидан айланади».

15 Б. да: «бир тирсак узунлигигача ва ранги қизил, япроқлари янги чиқиб келаётган санавбар япроқларига ўхшайди».

16 Диоск. IV, 115 да шундай. «Қонун»да хато босилган.

17 Бу сўзларнинг ўқилиши Диоск. IV, 115 асосида аниқланди. *Фитюсо* (pityusa) – Pinus halepensis.

18 № 436 даги «марги моҳий» билан солиштиринг.

19 Б. да: «бавосир».

20 Л. да: «панирга».

21 Л. да матн бузилган.

«КОФ» ك [К] ҲАРФИ

338 КОФУР[1] – КОФУР, КАМФАРА

Моҳияти.

Кофур бир неча хил бўлади: *фансурий*[2], *рийоҳий*[3], *озод*, *асфарак*[4] ва кўк. Кофур [ўз дарахтининг] танасига аралашиб ва ундан кўтарилиб туради. Табиблардан баъзилари кофур дарахти катта бўлади, кўп кишига соя бера олади, қоплонлар[5] [унинг тагига] тўпланадилар, йилнинг маълум муддатидан бошқа вақтда унинг тагига бориб бўлмайди, кофур дарахти денгиз булутига ўхшаш бўлади, дейдилар. Баъзи табибларнинг гумони мана шундай. (Кофур дарахти Хитой томонида ўсади). Аммо [кофур дарахтининг] танасини биз кўп кўрдик. Унинг танаси оқ, жуда пўк ва енгилдир. Гоҳо танасининг ёриқларида озгина кофур асари кўринади[6].

Табиати.

Учинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Зийнат.

Кўп истеъмол қилиш мўйни тез оқартиради.

Шишлар.

Иссиқ шишларга монелик қилади.

Бош аъзолари.

Сирка ё пишиб етмаган хурмонинг сиқиб олинган суви, марсин оғочининг, ё қора райҳоннинг суви билан қўшиб, ишлатилганда бурун қонашини тўхтатади, иситмаларда иссиқдан бўладиган бош оғриғига фойда қилади. [337] Уйқуни қочиради, иссиқ мизожли кишиларнинг сезгиларини кучайтиради. Оғиз чақаланишига жуда яхши фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Иссиқ кўз яллиғлашларининг дориларига қўшилади.

(Кўкрак аъзолари.

Юрак [касалликларининг] дориларига қўшилади).

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни кесади, буйрак ва қовуқда тош пайдо қилади, сафродан бўладиган ичкетишни тўхтатади.

[1] Cinnamomum camphora Nees дарахтидан олинадиган кристалл ҳолидаги рангсиз ва махсус ҳидга эга бўлган модда.

[2] Б. да шундай, Л. да *«файзурий»* деб хато ёзилган.

[3] Л. Б ; *рибоҳий;* қ. «Сайдана», 871 (3).

[4] Форсча *исфарак* бўлиб, сариққа бўёвчи дарахтнинг бир турини ифодалайди.

[5] Б. да: «йўлбарслар».

[6] Б. да: «тиқилиб ётади».

339 КУНДУР[1] – КУНДУР ЕЛИМИ

Моҳияти.

Таниқлидир. Юнонликлар ўртасида кундур шаҳри деб машҳур бўлган шаҳарда, яъни Мурбот деб аталадиган вилоятда бўлади. Бу шаҳар денгиз четидадир. Турли шамоллар эсиб, йўл хатарли бўлганда ва шамолларнинг бошқа томонга йўналтириши натижасида денгиз савдогарлари ўз кемаларининг синиши ва бузилиб кетишидан қўрққанларида ана шу Мурбот деб аталган шаҳар томонга йўл оладилар. Кундур бу шаҳардан кўп кемаларда олиб келинади, савдогарлар у билан савдо қиладилар. Гоҳо Ҳиндистонда ҳам бўлади. Ранги ёқут ва бақлажон рангига бир оз мойилроқдир. Баъзан [қуйидагича] йўл билан уни думалоқ шаклга келтирилади: бир неча тўрт бурчак қисмларга бўлиб, сопол идишга солиб, то думалоқ шаклга келгунча юмалатадилар. Ранги узоқ вақтдан сўнг тўқ сариқ бўлиб қолади.

Ҳунайннинг айтишича, кундурнинг энг яхшиси Юнон мамлакатида бўладиганидир. Уни эркак деб аталади ва *сатоғунис* деб юритадилар. Ана шундай сифатлиги қаттиқ бўлади ва тез синмайди, ранги оқ бўлади. Синдирилганда ичи теккан [нарсага] ёпишади, тутатилса, тез ёнади. Кундур ғарб мамлакатларида ҳам бўлади, аммо аввалгиларчалик яхши эмасдир. Уни *қуфсус* дейилади. Бу ҳажм жиҳатдан кундур турларининг энг кичиги ва ёқут рангига энг мойилроғидир. Дискуридуснинг айтишича, кундурнинг бошқа [яна] бир тури бор, уни *амумитис* деб аталади ва у оқ бўлади. Қўл билан уқалаганда ундан мастакий ҳиди чиқади). Кундурни елимлар ва санавбар дарахтининг елими билан қалбакилаштирадилар. Кундур аланга билан ёнади, санавбар елими эса тутайди, алангаланиб ёнмайди. Кундурнинг *ҳиндий* хили ҳам бор, у яшилга мойил рангда, думалоқ, уни тўрт бурчак қилиб кесиб, сопол идишда думалоқ шаклни олгунча айлантирилади. Эскиса, қизаради. Унинг мастакийга ўхшаш, думалоқ ва ҳўл хили бор[2]. Кундур дарахтининг йириклари[3], майдалари, чорилари, қуруми [умуман] ҳамма бўлаклари, айниқса, барглари ишлатилади. Уларнинг ўрнига ҳам бошқа нарсаларни ўтказадилар.

Танлаш.

Кундур (турларининг) энг яхшиси эркак хили бўлган оқ, думалоқ, ичи ёпишқоқ, синдирилганда олтин каби ялтираб турадиган [туридир].

Табиати.

Чориси иккинчи даражада қуритувчи ва кундурнинг ўзидан кўра бир оз совуқроқ. Кундур учинчи[4] даражада иссиқ, биринчи даражада қуритувчидир. Майдалари учинчи даражага яқин қуритувчидир.

Хоссалари.

Кучли қуритувчи ва буруштирувчи эмас. Аммо бир оз буруштиради. Майдаларида қуритиш қуввати бор; [кундур яна] етилтириш қувватига ҳам эга. (Чорисида эса бу хусусият йўқ). Чорилари ўткир эмас ва этни ачиштирмайди; қонни тўхтатади; кўп ишлатилганда қонни куйдиради; тутуни жуда қуритувчан ва қотирувчандир; баъзиларнинг айтишича, қизили оқидан кўра кучлироқ ширидир[5]. Тутунининг қуввати кундурнинг қувватидан кучлироқ[6].|| *175a*

Зийнат.

Асал билан қўшиб, [қўйилганда], милкакни кетказади. Пўстлоқлари яраларнинг изини кетказишга яхши [доридир]. Сирка ва *зифт*[7] билан қўшиб, суртилганда, *мартиқиё*[8] деб аталадиган оғриққа фойда қилади. Бу оғриқ натижасида бадан чумоли юргандагидек жимиллайди ва [баданда] сўгалга ўхшаш нарсалар пайдо бўлади.

Шиш ва тошмалар.,

Қимулиё тупроғи ва гул ёғи билан бирга эмчакдаги иссиқ шишларга [ишлатилади], ички аъзолардаги шишларни шимилтирувчи суртма дориларга қўшилади.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатларни, айниқса, янги жароҳатларни, жуда [яхши] битиради. Ёмон яраларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Ғоз ёғи ва чўчқа ёғи билан қўшиб, темираткиларга, сополланган[9] яраларга ва совуқ уриб ёрилишларга ишлатилади, куйишдан пайдо бўлган яраларни тузатади.

Бош аъзолари.

Ақл ва зеҳнга фойда қилади ва уни кучайтиради. Баъзи кишилар кундур ивитилган сувни ҳар доим наҳорга ичишни буюрадилар. [Лекин] кўп ичаберіш бош оғриғини келтириб чиқаради. [Кундур] билан бош ювилади. Баъзан *натрун* билан аралаштирилганда бошдаги кепакни тозалайди ва яраларни қуритади. [338] Қулоқ оғриганда шароб билан қўшиб, томизилади. *Зифт* ёки зайтун ёғи, ёки сут билан аралаштирилиб суртилганда қулоқ супрасининг ёрилишига фойда қилади. Мия пардаси орқали бўладиган бурун қонаши давом этаберганда уни тўхтатади. У қулоқ эзилганида ҳам фойда қиладиган дорилардандир.

Кўз аъзолари.

Кўз яраларини битиради ва тўлдиради, кўздаги эски шишни етилтиради, тутуни [эса] кўздаги иссиқ шишга фойда қилади, кўздан суюқлик оқа беришини тўхтатади, ёмон яраларни чандир қилиб, битказади. (Мугуз қатлами остида йиринг пайдо бўлганда, у қатламни тозалайди. Бу қизил рангли, чўзма кўз нохинаси касаллигига қарши ишлатиладиган катта дорилардандир). У, кўздаги саратон касалига фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Қимулиё тупроғи ва гул ёғи билан аралаштирилганда хотинларнинг эмчакларидаги туққандан сўнг бўладиган иссиқ шишларга фойда қилади. Ўпка найига ишлатиладиган дориларга қўшилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусишни тўхтатади, чорилари меъдани кучайтиради ва маҳкамлайди, меъдани қаттиқ қиздиради, ҳазм учун жуда фойдали. Улар бўшашган меъдани яхшироқ йиғиштиради.

Чиқариш аъзолари.

Ҳазм бузилиб, ичкетиш ва бачадондан ҳамда орқа тешикдан қон кетаберишини тўхтатади, дизентерияга фойда қилади, ундан пилик қилиб ишлатилса, орқатешикдаги ёмон яраларнинг ёйилишига тўсқинлик қилади.

Иситмалар.

Балғамдан бўладиган иситмаларга фойда қилади.

Заҳарлар.

Шароб, шунингдек, сирка билан қўшиб, кўп ичилса, ўлдиради.

[1] Boswellia carterii B i r d w.

[2] Б. да шу иборалар қуйидагича келтирилган: «Гоҳо кундурни санавбар дарахтининг елими ва араб елими билан қалбакилаштирадилар. Чунки кундур ҳам бир дарахтнинг елими, бошқа нарса эмас. Унинг қалбаки қилинганлигини билиш осондир: араб елими ўтда ловуллаб ёнмайди, санавбар дарахтининг елими тутайди, кундур эса ловуллаб ёнади. Қалбаки қилинганини гоҳо ҳидидан ҳам билиш мумкин».

[3] Б. да «ливан кундурининг».

[4] Б. да: «иккинчи».

[5] Б. да: «тозаловчи».

[6] Б. да: «майдаларининг қуввати кундурникидан заифроқ».

[7] Б. да: «зайтун ёғи».

[8] Б. да: «маракиё».

[9] Яъни чети қотган.

340 КАҲРУБО – КАҲРАБО

Моҳияти.

Сандарусга[1] ўхшаш елим[2]. Синдирилгани сарғиш, оқиш ва тиниқ бўлади; баъзан [эса] қизғиш бўлади. Сомон ва чўп-хасларни ўзига тортади. Шунинг учун уни форсчада *каҳрубо* – яъни, «сомонни тортувчи» дейилади. Қуввати илиқ сув ва бир қисм майин тупроқ моддаларидан таркиб топади. У Рум ёнғоғи деб аталадиган дарахтнинг елимидир. Бу елим латиф тупроқдан ва илиқ сувдан[3] таркиб топади.

Табиати.

Озгина иссиқ, учинчи даражада қуруқ[4].

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи, айниқса, ҳар қандай жойдан келадиган қонни [тўхтатади], қуввати ўз дарахтининг, яъни Рум ёнғоғи дарахти гулининг қувватига ўхшайди, лекин ундан кўра совуқроқ.

Шиш ва тошмалар.

Баъзиларнинг айтишича, каҳрабони иссиқ шишларга осилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бурун қонашини ва [моддаларнинг] бошдан ўпкага сизилишини тўхтатади.

(Кўз аъзолари.

Кўз дориларига қўшилади).

Кўкрак аъзолари.

Каҳрабонинг ярим *мисқолини* совуқ сув билан ичилганда хафақон касалига фойда қилади. Қон туфлашни тез тўхтатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусишни тўхтатади, ёмон моддаларни меъдага ўтказмайди. Мастакий билан қўшилса, меъдани қувватли қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадондан ва орқатешикдан қон кетишини, шунингдек, ҳазм бузилишидан бўлган ичкетишини тўхтатади. (Айтишларича), ичбуруғига фойда қилади.

[1] № 477 га қаранг.

[2] Қадимги ва ўрта аср авторлари каҳрабони ўз даврларида мавжуд бўлган дарахтларнинг елими деб тушунганлар. Каҳрабо қадимги дарахтларнинг ердан қазиб олинадиган елими эканини биринчи бўлиб М. В. Ломоносов айтган эди. Ибн Сино бу ерда ўзидан олдин ўтган Павел Эгинский ва бошқа олимларнинг хатосини қайтаради.

[3] Б. да: «қуруқ сувдан».

[4] Б. да: «иккинчи даражада қуруқ».

341 КАМОФИТУС[1] – «ЕР БАҒИРЛАБ ЎСУВЧИ САНАВБАР»

Моҳияти.

Ингичка шохлардан иборат. Гули қорақизил ва кўк[2] бўлади. Гулининг мазаси аччиқ, бир оз буруштирувчи, ўткир; лекин [жуда] аччиқ эмас. Барги ўтга ўхшаб ерга ёйилиб ётади, говчашм гулининг баргига ўхшайди; лекин юпқароқ ва нозик бўлади, аммо бунинг туки каттароқ[3] ва гули сариқ бўлади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, учинчи даражада қуритувчи.

Хоссалари.

175б Очувчи ва тозаловчи. Ички аъзолар учун тозалаш таъсири || қиздирувчи таъсиридан кўпроқ, яна унда сурувчи қувват ҳам бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қаттиқ шишларга, айниқса, [хотинлар] эмчагининг қаттиқланишига қўйилади. Учуқнинг ёйилишига тўсқинлик қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Асал билан қўшиб, боғланса, жароҳатларни ва чириётган яраларни битиради.

Б ў ғ и н л а р.

Иркунnасога, айниқса, асал билан қўшиб, ичилганда фойда қилади. Баъзиларнинг айтишича, асал сувига солиб қирқ кун ичилса, иркунnасони тузатади ва подаградаги қаттиқлашишни шимилтиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигардаги тиқилмаларни очади; жигар ва талоқ касалликларига фойда қилади. Етти кун кетма-кет ичилса, савдодан бўлган сариққа фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадондаги тиқилмаларни очади ва кучли равишда сийдикни чиқаради, сийдикнинг қийинлик билан чиқишини йўқотади ва ҳайз қонини юргизади; буйрак оғриқларига фойда қилади. Асал билан қўшиб, [остдан] кўтарилса, бачадонни тозалайди. Икки *мисқолини* олиб, ё анжир, ё асал билан [қўшиб], шамча тайёрланади, у анчагина шиллиқни туширади.

З а ҳ а р л а р.

Ақанитун деб аталган заҳарнинг зарарига қарши фойдалидир.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р.

Ўз вазнининг ярмича тоғ петрушкаси ва тўртдан бирича *салиҳа* [цейлон долчини] бунинг ўрнига ўтади.

[1] Ajuga chamaepitus S c h r e b.

[2] Пастрокда ранги сариқ деб ёзилган. Аслиятда келишмовчилик бор.

[3] Б. да: «узунроқ».

342 [339] КАМОДИРЮС[1]

М о ҳ и я т и.

Шохлар ва райҳон [барглари] қалинлигидаги катта кўкимтир ва кесик-

кесик барглардан иборат. Унинг кўкатини юнонликлар *камодирюс* дейдилар[2]. Чунки унинг барглари кичкина ва дуб баргларига ўхшайди. У аччиқ ва томири қипқизил рангли бўлади.

Танлаш.

Уруғлаган пайтдаёқ териб олиниши керак.

Табиати.

Жолинуснинг айтишича, учинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қуритишидан кўра қиздириши кучлироқ.

Таъсир ва хоссалари.

Очувчи, парчаловчи, латиф қилувчи. Қиздириш [хусусияти] ҳам бор.

(Жароҳат) ва яралар.

Асал билан қўшилса, чўзма яраларни тозалайди.

Бўғинлар.

Янгисини ёки қайнатмасини ичилса, эт узилишида фойда қилади. Шароби тиришиш [касалига] фойда қилади. Шароби қанча эски бўлса, [шунча] яхшироқ бўлади.

Кўз аъзолари.

Ундан ҳаб дорилари тайёрланиб, қуритилади ва кўздаги яраларга ишлатилади. Шунингдек, *камодирюс* (солиб] қайнатилган зайтун ёғи ёки туйилгани кўздаги оқма тешикка фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Чўзма йўталга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Талоқнинг қалинлашишини кетказади, савдодан бўлган сариққа фойда қилади. Унинг шароби ҳазм бузилишига фойда қилади, қанча эскирса, шунча яхши бўлади. Истиско касалининг бошланишида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди ва қоиндаги болани туширади.

Заҳарлар.

Газандаларнинг чақишига суртма дори қилиб боғланади.

Ўрнига ўтадиганлар.

Унинг ўрнига *гофит*[3] ёки талоқгиёҳ[4] илдизи ишлатилади.

[1] Teucrium chamaedrys L.

[2] Л. да: «ер дубига ўхшайди».

[3] № 803 га қаранг.

[4] № 78 га қаранг.

343 КАЗМОЗАК[1] – ЮЛҒУН БУЖУРИ

Моҳияти.

Юлғун дарахтининг меваси. «*То*» [Т] ҳарфи фаслида *(тарфо* баёнида) бу ҳақда сўзлаб ўтганмиз.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ. (Бошқа таъсирларини ўтган баёндан қидирилсин. Чунки иккинчи мартаба қайтаришга эҳтиёж йўқ. Гапни чўзмаслик учун шу айтганларимиз билан чекланамиз).

[1] № 148 ва 304 га қаранг.

344 КУНДУС[1] – ЕТМАК

Моҳияти.

Бу дорининг кўпинча илдизи ишлатилади. Бу машҳурдир.

Табиати.

(Баъзиларнинг айтишича), учинчидан тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бу тозаловчи, яра қилувчи, ўткир мазали, ачиштирувчи, қусишни қўзғатувчи, балғам ва қора ўтни кўчирувчидир.

Зийнат.

Пес ва доғни, айниқса, қорасини (ва сепкилни) кетказади.

Жароҳат ва яралар[2].

Қўтирга жуда фойда қилади.

Бош аъзолари.

Акса урдиради. Бу қулоқни тозаловчи ва чиркини кетказувчидир. Бурун тешикларидан елларни чиқариб юборади. Ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни кучли очиб, буруннинг ҳид сезмаслик касалига фойда қилади.

(Кўз аъзолари.

Кўз учун тайёрланадиган дориларга қўшилади).

Озиқлантириш аъзолари.

Кучли равишда қустиради ва талоқ қаттиқлигини юмшатади.

Чиқариш аъзолари.

Ични суради, сийдикни ҳайдайди. Кўтарилса, ҳайз қонини келтиради ва қоиндаги болани туширади ва [сийдик йўлларидаги] тошни майдалаб ташлайди.

Ўрнига ўтадиганлар.

Қустиришда унинг ўрнига ўз вазнида олинган қустирувчи ёнғоқни учдан бир вазнидаги мурчга қўшиб ишлатилади.

[1] Gypsophila struthium L. Бу ўсимликнинг илдизида сапонин моддаси бўлади.
[2] Б. да: «шиш ва тошмалар».

345 КАБОБА[1] – КЕЛИНДОНА

Моҳияти.

Кучи рўян кучига ўхшайди, аммо ундан латиф. (Уни Хитойдан келтирилади).

Табиати.

Унда иссиқлик билан совутиш қуввати ҳам бор, дейдилар. Ҳақиқатда эса у иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Очувчи, бирмунча латифлаштирувчи [лекин] долчин ўрнига ишлатиб бўлмайди. || *176a*

Жароҳат ва яралар.

Юмшоқ аъзолардаги чириган яраларга жуда яхшидир.

Бош аъзолари.

Чақаланган оғиз сасишида яхшидир.

Кўкрак аъзолари.

Оғизда тутиб турилса, товушни тиниқ қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Бу, жигардаги тиқилмаларни очишда кучли [даводир].

Чиқариш аъзолари.

[Сийдик] йўлларини ва буйракни тозалайди ва қумсимон [нарсаларни] ҳайдайди. Буйрак ва қовуқдаги тошларни чиқаради. Уни чайнаган одамнинг тупуги қўшилиш вақтида хотинга лаззат беради.

[1] Piper cubeba L.

346 КИБРИТ – ОЛТИНГУГУРТ

Табиати.

Тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латифлаштирувчи, тортувчи, (жуда эритувчи).

Зийнат.

Пес касалига қарши ишлатиладиган дорилардандир; айниқса, олов тегмагани шундай. Сақич билан аралаштирилганда тирноқдаги изларни кетказади. Сирка билан қўшиб, доғларга ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Яраланган қўтирга қўйилади; сақич билан, айниқса, сирка билан [ишлатилганда] темираткини [тузатади]. *Натрун* билан қўшиб, қичимага қарши баданни ювилади. [340].

Б ў ғ и н л а р.

Натрун ва сув билан қўшиб, подаграга қарши суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутатилса, тумовни тўхтатади. Сирка ва асал билан қўшиб, қулоқ эзилганига ишлатилади.

347 КАСИЛО[1] – ?

М о ҳ и я т и.

Рўянга ўхшаган, усти қора чўпларнинг пўстлоғидир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада атрофида иссиқ ва ҳўл.

Х о с с а л а р и.

Ёпиштиради, елимга ўхшаган иссиқ дориларнинг кучини синдиради.

З и й н а т.

Семиртиради. (Айтишларича, юз рангини ва бадан тусини чиройли қилади).

[1] Баъзи манбаларда Cinnamomum cassia B1. (долчин) деб кўрсатилган.

348 КАСИРО[1] – КАТИРО

М о ҳ и я т и.

Бу қатод дарахтининг елимидир (Дискуридуснинг айтишича, *тарқоқибо*[2] деган дарахтнинг елими. Унинг баёнини қилганмиз).

Т а б и а т и.

Совуқ, қуруққа яқин.

Х о с с а л а р и.

Кучи [араб] елимининг[3] кучига ўхшайди. Унинг қуритиш кучи [араб] елимидаги қуритиш кучига яқиндир.

К ў з а ъ з о л а р и.

[Араб] елими сингари сурмаларга солинади.

[1] Astragalus tragacantha L. ўсимлигининг елими № 635 га қаранг.
[2] «Трагакант» сўзининг бузилгани.
[3] № 599 га қаранг.

349 КАМОЛИЮН[1] – ДАФНА

Моҳияти.

Мозариюннинг[2] қора хили бўлиб, ўлдирувчидир. Бу *хомолиюн* номи билан ҳам машҳурдир. Унинг тўғрисида «*Хо*» [Х] ҳарфи фаслида айтиб ўтамиз.

[1] Daphne mezereum L. ёки Levisticum officinale K o c h.
[2] № 405 га қаранг.

350 КОКАНЖ[1] – ПАҚ-ПАҚ

Моҳияти.

Унинг, айниқса, баргининг кучи итузумнинг кучига яқин.

Табиати.

Иккинчи даражагача совуқ ва қуруқдир.

Жароҳат ва яралар.

Шираси билан яраларни даволаш учун сақлаб қўйилади; оқма тешиклардаги қаттиқликни ва қулоқдаги чўзма яраларни кетказади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Астма, алангаланиш ва нафас олишнинг қийинланишида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сариққа фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик йўлидаги (яраларни) даволашда фойдалидир.

[1] Physalis Alkekengl L.

351 КАБИКАЖ[1] – АЙИҚТОВОН

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, тўрт турли бўлади. Бир тури кашнич баргига ўхшайди, лекин ундан кўра ёйиқроқ ва оққа мойил бўлади. Гуллари сариқ, баъзан [эса] гунафшаранг. Узунлиги икки тирсак, илдизи йўғон эмас, таги [эса] оқ бўлади. Харбақ шохига ўхшаш шохлари бор. Оқар сув бўйларида ўсади. Унинг яна бир тури бу туридан каттароқ[2] ва илдизи узунроқ, барг-

лари кесик. Уни ёввойи *турмус*[3] дейилади. Яна бир жуда кичкина ва тилла рангли тури [ҳам] бор. Учинчисига ўхшаган тўртинчи [тури ҳам] бор, лекин унинг гуллари сут каби оқдир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳамма турлари иссиқ, ўткир, яра қилувчи, тозаловчи, пўстни шилувчи, терини ачиштирувчи, (эритувчи) ва қичитувчидир.

Зийнат.

Барги ва шохлари қуришдан илгари ишлатиб (озгина [фурсат] боғлаб қўйилса), пес, тирноқлардаги оқликни кетказади ва (тулки касаллигини) тузатади.

Шиш ва тошмалар.

Қўтирни, «михсимон» сўгалларни ва осилиб турадиган моддали[4] шишларни қўпоради.

Жароҳат ва яралар.

Қайнатилиб, [сўнгра] илитилиб, ширинчага қўйилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Илдизларининг қуритилгани аксиртирувчи кучли дорилардандир. Туйилгани тишнинг лўқиллаб [оғришига] фойда қилади.

[1] Ranunculus asiaticus L.
[2] Л. да: «хирарок».
[3] Б. да: «петрушка [карафс]».
[4] Б. да: «совуқдан азиятланадиган».

352 КАНКАРЗАД – КАНКАР ЕЛИМИ

Моҳияти.

(Канкар[1] деган ўсимликнинг бир тури бўлган) *харшаф*нинг елими. (Бу ҳақда айтиб ўтилди).

[1] Cynara scolymus L. елими. № 256 га қаранг.

353 КАРКУРҲОН – НАЗЛАЎТИ[1] (?)

(Табиати).

Учинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқ.

[1] № 536 га қаранг.
[2] Б. да: «иккинчи».

354 КАШТ БАР КАШТ[1]

Моҳияти.

Бир-бирига ўралган ипларга ўхшайди; кўпинча бештагача бўлади. Улар битта танага ўралади. Ранги қорамтир ва сарғиш бўлади. Унчалик мазага эга эмас. Баъзилар уни *бадашғон*[2] дейдилар, баъзиларнинг айтишларича, унинг кучи || *бадашғон*нинг кучидекдир. Буниси тўғрироқ.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

(Жуда) латиф.

[1] Helicteria isora L.
[2] № 131 га қаранг.

355 КИЛДОРУ[1] – ҚИРҚҚУЛОҚ

Моҳияти.

Бу, қирққулоқдир. Унинг тўғрисида биз сўнгра «*Син*» [С] ҳарфи бобида сўзлаймиз[2].

[1] Dryopterix filix mas L.
[2] № 478 га қаранг.

356 КАШУС[1] – ЗАРПЕЧАК, ЧИРМОВИҚ

Моҳияти.

Бу тикан ва дарахтларга ўраладиган [ўт] бўлиб, макка сочиққа ўхшашдир, барги йўқ, майда оқ гулли, аччиқ ва мози мазали, лекин, аччиқлик жавҳари кўпроқдир.

Табиати.

Биринчи даражанинг бошланғичида озгина иссиқ [341], иккинчи даражанинг охирида қуруқ. Шу билан бирга қарама-қарши қувватларга эгадир.

Хоссалари.

Тозаловчи, суюқ чиқиндиларни томирлардан чиқарувчидир. Ўзининг буруштириш хусусияти сабабли меъдага оғирлик қилади. Томирларни тозалайди, улардаги ортиқча нарсаларни чиқаради, сирғантирувчи ва латифдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани кучайтиради, айниқса, қовурилгани шундай. Сирка билан ичилса, ҳиқичоқни тўхтатади, жигар ва меъда тиқилмаларини очади, иккаласини ҳам кучайтиради. Суви сариқ учун ажойиб [даводир]. Ёввойи хилининг ширасини [қуритилиб, сўнгра] туйилса ва шаробга сепилса, кучсиз меъдани кучли қилади.

Чиқариш аъзолари.

У томирларни тозалаши сабабли бачадондаги боланинг қорнидаги чиқиндиларни тозалайди ва ҳайз қонини юриштиради, ичакларнинг бураб оғришида ҳам фойда қилади. Остдан кўтарилса, қон кетишини тўхтатади. Қовурилгани [ични] боғлайди, бачадонни оқадиган нарсалардан тозалайди.

Иситмалар.

(Тажрибага қараганда) уруғи ва суви эски иситмаларга жуда фойда қилади.

[1] Cuscuta europaea L., ва шунга яқин турлар.

357 КАММУН[1] – ЗИРА

(Моҳияти.

Зира кўп турли бўлади). Улардан бири Кермонда ўсади ва қора бўлади, яна бири Форсда ўсади ва сариқ бўлади, яна бири Шом [Сурия] да ўсади, яна бир хили Набатда ўсади. Форсда ўсадигани Шомда ўсадиганидан кучлироқдир. Бошқа жойларда топиладигани набатийсидир. Шу хилларнинг ҳаммасининг ёввойиси ва боғда ўсадигани бўлади. Ёввойисининг мазаси ўткирроқдир. Ёввойи турларидан бирининг уруғи седана[2] уруғига ўхшайди. (Дискуридуснинг айтишича, боғда ўсадиганининг, айниқса, Кермонникининг, ундан сўнг Мисрникининг мазаси яхшидир. У кўп мамлакатларда ўсади, унинг бир қарич узунликдаги танаси ва тўрт ёки бешта юпқа ва кесик *шоҳтара* баргига ўхшаш барги бўлади. Унинг кичик-кичик бошчалари ҳам бор. Зиранинг бир тури борки, уни *куминун аґриюн*, яъни ёввойи зира деб аталади, у кўпинча Халкедон шаҳрида ўсади. У шундай ўсимликки, унинг бир қарич узунликдаги нозик пояси, у пояда тўрт ё беш кесик-кесик барглари бўлади. Учида беш ёки олтита кичик думалоқ, юмшоқ бошчалар бўлиб, уларда мевалар [жойлашган]. Меванинг ичида пўстлоқ ёки кепакка ўхшаш нарса бўлиб, у уруғни ўраб туради. Уруғининг мазаси боғда ўсадиганиникидан ўткирроқ бўлади. У ўзи тепаликларда ўсади.

Ёввойи зиранинг яна бир тури борки, у боғда ўсадиганига ўхшайди. Унинг икки томонидан шохга ўхшаш майда осилмалар чиқиб туради, уларда седанага ўхшаш уруғлар бор. Унинг уруғини ичилса, газандаларнинг чаққанига фойда қилади).

Танлаш.

Кермон зираси Форсникидан кучлироқдир. Форс зираси эса бошқа турларидан кучлироқ.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, учинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

(Унда қиздирувчи куч бўлиб), елларни ҳайдайди ва тарқатади. Унда парчалаш, қуритиш ва буруштириш қуввати ҳам бор (дейдилар).

Зийнат.

Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади, унинг олиниши ва истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради.

Шиш ва тошмалар.

Зирани мумли суртма, зайтун ёғи, боқила донининг уни билан, ё бўлмаса зайтун ёғи ёки зайтун ёғи ва асал билан мояклар шишларига ишлатилади.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатларни (яхши) битиради. Айниқса, уруғи савсан уруғига ўхшаган ёввойи [тури]ни жароҳатларга тўлдириб тиқиб қўйилганда уларни битиради.

Бош аъзолари.

Зирани сирка билан эзиб искаганда, шунингдек, уни эшиб, бураб бурунга тиқилганда бурун қонашини тўхтатади.

Кўз аъзолари.

Чайнаб, зайтун ёғига қўшиб томизилса, кўз нохинасида ва кўз тагидаги қонталашда фойда қилади. Зирани туз билан қўшиб, чайнаб, сўлакни [кўз] қўтирига, кесилган [кўз] пардасига ва нохинага томизилса, [қовоқларни] ёпишишига қўймайди. Ёввойисининг шираси кўзни равшан қилади ва кўзнинг ёшланиб туриши касалини келтириб чиқаради. Буни юнон тилида *фобиюн*, яъни тутун деб аталади; тутун кўзни ёшлантирганидек бу ҳам кўзга ёш келтиради. Бу [тескари ўсган] киприкни тўкувчи доғлайдиган дориларга киради, доғлангандан кейин у киприк қайта ўсмайди.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Сув билан аралаштирилган сиркага солиб ичилса, нафас олишнинг қийинлашишида фойда қилади. Жолинуснинг айтишича, «тикка нафас олишга» ҳамда совуқдан бўлган хафақонга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Зайтун ёғи билан қўшиб, мояк шишига ишлатилади. Уни гоҳо мумли суртма билан, гоҳо эса зайтун ёғи билан боқила донининг уни билан ишлатилади. Унинг ўзи, айниқса, ёввойиси, тошни майдалайди. Томчилаб сийиш, қон сийиш ва ичакнинг бураб оғришида ҳамда қорин кўпчишида фойда қилади.

Ёввойисининг ширасини асал суви билан аралаштириб [ичилганда], ични юргизади. Руфуснинг айтишича, Набат зираси ични суради. [342] Кермон зираси эса ични юргизмайди, балки қотиради. Ёввойисининг қуриган чўпи сийдик билан бирга сафрони туширади.

Заҳарлар.

Зирани, айниқса, уруғи савсаннинг уруғига ўхшаган ёввойисини шаробга қўшиб, газанда чаққанида ичилади.

[1] Cuminum cyminum L.

[2] Матнда хато (саван); қ. «Сайдана», 921 (16).

358 КАРОВИЁ[1] – ҚОРА ЗИРА

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, у машҳур ўсимликнинг уруғи бўлиб, шохлари ва барглари қуёнқулоқникига ўхшайди. Аммо ранги хирароқ бўлади). Кучи арпабодиённинг кучи ва ҳолатига яқин.

Табиати.

178а Учинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқ. ||

Таъсир ва хоссалари.

Елларни ҳайдайди ва қуритади, аммо зирача латиф эмас.

(Озиқлантириш аъзолари.

Ичилса, овқатнинг [меъда юзасига] чиқишидан бўладиган қусишни тўхтатади. Меъдани қиздиради ва овқатни ҳазм қилдиради.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткир қилувчи дорилар ва сурмалар таркибига киради. Лекин кўп ичилса, кўзни кучсиз қилади).

Кўкрак аъзолари.

(Ҳиқичоқда ва) хафақонда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Гижжаларга қарши яхши таъсир қилади ва уларни ўлдиради. (Бу ўсимликнинг ва уруғининг қайнатмасини ичилганда, сийдикни ҳайдайди, ичнинг бураб оғришини тўхтатади ва эрлик уруғини камайтиради. Агар

хотинлар унинг қайнатмасида ўтирсалар, бачадон оғриқларига даво топадилар. Агар уруғини куйдириб, [ташқарига] чиққан бавосир касаллигига *зимод* қилиб боғланса, уларни кўчиради. Донасини ёки уруғини ичилса, гижжаларни ўлдиради).

[1] Carum carvi L.

[2] Б. да: «иккинчи».

359 КИРСАННА[1] – БУРЧОҚ

(М о ҳ и я т и.

Баъзи [табибларнинг] айтишларича, *мулк* донидан кичикроқ ясмиқ катталигида, лекин япалоқ эмас, балки қиррали, ранги тупроқ ранги билан сариқлик ўртасида. Мазаси мош билан ясмиқ мазаси ўртасида бўлиб, уни қорамол ейди. Хузистонлик табибларнинг айтишича, унинг дони беҳи донига ўхшайди. Менимча, *мулк* дони бунинг бир нав ёввойисидир. У гоҳо сарғиш оқ, гоҳо эса қизил бўлади, (дейдилар). Дискуридуснинг айтишича, бу майда бир ўт бўлиб, нозик барглидир; уруғи дуккак ичида бўлади.

Т а б и а т и.

Иккинчига яқин, биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Очувчи, тозаловчи бўлиб, ёмон хилт пайдо қилади. Уни тузатиш Миср бокиласининг [пайдо қиладиган хилтини] тузатиш кабидир. Ранги оқиш [хилининг] дорилик таъсири қизилиникига қараганда камроқдир. Уни икки марта қайнатилса, тозаловчи таъсири йўқолади[2], ерлилиги қолади, натижада у қуруқ [мизожли] озиққа айланади.

З и й н а т.

Бу доғ, сепкил, нуқтали қизил қонталаш, яра-чақаларнинг изларини кетказиш учун суртиладиган дори бўлиб, рангни чиройли қилади. Бундан толқон қилиниб, озғин кишиларга бир ёнғоқ миқдорида бериб турилса, озғинликни кетказади. Қайнатмасини совуқдан ёрилган жойларга ва совуқдан бўлган қичимага қўйилса, (уларни тузатади). Сутли тошмаларга ҳам фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қаттиқликларни, айниқса, эмчакдаги қаттиқ шишни юмшатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Асал билан қўшиб, [ишлатилганда], яраларни тозалайди, ширинчага фойда қилади, аъзо этини бузувчи ярали қаттиқликларни юмшатади, нори форсийга ва ҳўл ширинчага фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Эмчак учидаги қаттиқликларга фойда қилади ва қуюқ йиринг туфлашни енгиллаштиради.

Чиқариш аъзолари.

Кучли сийдик ҳайдовчи бўлгани сабабли уни кўп қўлланса, қон сийдиради; ични юргизади. Сирка билан ивитиб ичилса, қийналиб сийишда фойда қилади, ичбуруқ ва ичакнинг оғриғини тўхтатади.

Заҳарлар.

Афъо илони чаққанига, қутурган ит ва рўза тутган кишининг тишлаган жойларига шароб билан қўшиб, боғланади.

[1] Vicia ervillia Willd.

[2] Б. да: «камаяди».

360 КАМОШИР[1]

Моҳияти.

Бу говшир елими каби хусусиятларга эга, аммо ундан анча кучлироқ.

Табиати.

Иккинчининг кучли даражасида иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Эритувчи, шимдирувчи (ва латифлаштирувчи).

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни ва ҳайз қонини ҳайдайди, қориндаги болани қаттиқ куч билан туширишда унинг тенги йўқ. Сувли моддани суришда ҳам унинг тенги йўқ.

[1] Athamanta macedonica L. (атаманта).

361 КАРМДОНА[1] – МОЗАРИЮН УРУҒИ; ҚИЧИТҚИЎТ УРУҒИ

Моҳияти.

Табиблар унинг донини мақтайдилар.

Чиқариш аъзолари.

Жинсий аъзоларни жуда қиздиради, сувни ва сафрони суради.

[1] Daphne gnidium L., Urtica urens L.

362 КАВЗКАНДУМ[1] – ЛЕКАНОРА

М о ҳ и я т и.

Ушнага ўхшаган енгил тупроқ каби нарса. Раққа деган жойда уни «каптар тезаги» [343], Бағдодда эса *жавзжандум* деб аталади.

Т а н л а ш.

Барбарий хили яхшироғидир. Раққада бўладигани кучсиз.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл. Айтишларича, бир оз совутувчи [таъсирга ҳам эга], аммо бу исбот қилинмаган.

Х о с с а л а р и.

Қуритувчи ва [ҳароратни] ўчирувчилик хоссасига эга. Қонни ҳам тўхтатади, дейдилар. Унинг хоссаларидан бири шуки, ўн *ратл* асал, ўттиз *ратл* сув ва тўртдан бир *килжа кавзкандумдан* олиб, оғзи берк идишда яхшилаб чайқатилса, ўша вақтдаёқ шаробга айланади.

З и й н а т.

(Жуда) семиртирувчидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эрлик уруғини кўпайтиради.

[1] № 143 га қаранг.

363 КОВЗАВОН[1] – ГОВЗАБОН

М о ҳ и я т и.

Бу бир ўтнинг номи, менимча, бу форсча говзабон, яъни «мол тили»нинг ўзидир[2].

К ў к р а к а ъ з о л а р и[3].

Тетик қилади, ғамни кетказади. (Бу ҳақдаги сўзни кейинга қолдирамиз. Унинг фойдаларини ва у ҳақда айтилган бошқа гапларни «*Лом*» [Л] фаслида, *Лисон ус-савр* баёнида айтамиз).

[1] Л. да *ковзон;* Б да: *козурон*. Anchusa italica Retz.

[2] Б. да: «Бу шундай бир ўтки, араблар уни *лисан ус-савр* [ҳўкиз тили], форс аҳли эса *говзабон*, деб атайдилар».

[3] Б. да: «хоссалари».

364 КИЛЗ[1] – ?

Моҳияти.

Бу Ҳиндистон оғочларидан бўлиб, бизнинг мамлакатимизга кўп келтирилади. Ҳинд муғоси[2] бўлиши эҳтимолга яқин.

Бўғинлар.

(Синаб кўрган табибларнинг) айтишича, [суяк] синганига, эт узилишига ва чиққанга жуда фойдалидир.

[1] Б. да: «Килс».

[2] № 411 билан солиштиринг.

365 КОШИМ[1]

Табиати.

Уруғи ва илдизи қиздирувчи, уруғи учинчи даражада қиздирувчи ва қуритувчидир[2].

Хоссалари.

Елларни ҳайдовчи, очувчи ва (шимилтирувчи).

Озиқлантириш аъзолари.

Етилтирувчи, ҳазм қилдирувчи. Меъдадаги елни тарқатиб, уни бақувват қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бир *дирҳами* [ичилса], гижжаларни, қовоқ уруғисимон гижжани туширади, уруғи кучли равишда ҳайз қонини ҳайдайди.

Заҳарлар.

(Айтишларича), [газандаларнинг] чаққанига фойда қилади.

[1] Levisticum officinale Koch.

[2] Б. да: «уруғи ва илдизи учинчи даражада қиздирувчи ва қуритувчи».

366 КАМЪА[1] – ҚЎЗИҚОРИН

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, думалоқ шаклдаги ўзак бўлиб, пояси ва илдизи йўқдир. Ранги пахта [ва] тупроқ рангига яқин. Баҳорда ер остидан чиқади. Баъзи кишилар уни хомлигича ёки қайнатиб ейдилар). Бунда ер жавҳари кўпроқ, сув жавҳари камроқдир, яна, шунингдек, ҳаво [жавҳари] ва бир оз латиф жавҳари бор. Мазаси йўқ.

Танлаш.

178б Энг яхшиси қумлоқда ўсадиган || оқ ранглисидир, унда ёмон ҳид бўлмайди. Қуруғи янгисидан ёмонроқдир. Пўсти арчилиб, пичоқ билан

ёрилгандан кейин аввал сув ва туз билан қайнатилиб, сўнг зайтун ёғи, *мурий*, дориворлар ва *ҳилтит*[2] елими билан пиширилгани энг яхшисидир. *Футр*[3] деб аталадиган хили, айниқса, дарахтларнинг остида ва ёмон жойларда ўсадигани энг ёмон хилидир.

Таъсир ва хоссалари.

Жуда тиғиз бўлганидан савдони кўпайтирувчи ғализ озиқ бўлади.

Бу соҳада унга ҳеч нарса тенг келолмайди. Унинг тарёқи [фақат] соф шароб ва дориворлардир. Агар унинг устидан қайноқ сув қуйиб, сўнг яхшилаб сувда қайнатилса, ундан мазасиз, зарарсиз, ғализ озиқ пайдо бўлади.

Бўғинлар.

Фалаж қилиш хавфи бор.

Бош аъзолари.

Сакта касалини келтириб чиқариш хавфи бор.

Кўз аъзолари.

Сувини ўз ҳолича ишлатилса, кўзни тозалайди. Буни пайғамбар, – унга тангрининг раҳмати ва саломи бўлсин! – айтган, дейдилар. Табиб Масиҳ ва бошқалар буни тасдиқлаганлар.

Озиқлантириш аъзолари.

Суст ҳазм бўлади. Меъда учун оғир ва зарарлидир. Каймуси ғализдир, тушиши суст. Жолинус бир жойда, бу ёмон каймус туғдирмайди, деган.

Чиқариш аъзолари.

Қуланж касалини ва қийналиб сийишни келтириб чиқаради.

[1] Tuber album Sow. № 368, 587, 807 га қаранг.

[2] Сассиққаврак елими.

[3] № 587 га қаранг.

367 КАБАР[1] – КОВУЛ, ИТҚОВУН

Моҳияти.

Бу мева бўлиб, илдизи ҳам бор. Унда ковулдан ташқари бодрингга ўхшаш бошқа мевалари ҳам бўлади. Унинг мазаси ўткир ва тездир. Уни узумнинг сиқиб олинган сувига солиб қўйилади. У хардалга ўхшаб [шарбатни] қайнаб ачишдан сақлайди. Илдизи аччиқ ва ўткир. Бир тури Қулзумда ўсади. Бу тури оғизни чақа қилади, ҳатто қабартиради, тиш милкини шиширади.

Танлаш.

Энг фойдали қисми илдизининг пўстлоғидир.

Табиати.

Иссиқ мамлакатларда ўсадигани энг иссиғи бўлади. Ҳамма турларининг иссиқлиги ва қуруқлиги иккинчи даражададир.

Хоссалари.

Шимилтирувчи, очувчи ва тозаловчидир. Илдизи парчаловчи, латифлаштирувчи, тозаловчи ва очувчидир. Унинг пўстлоқларида аччиқлик, ўткирлик ва буруштирувчанлик бор. Мевасининг, айниқса, тузланганининг озиқлиги кам. Янгиси қуруғидан кўра кўпроқ озиқ бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Илдизи қулғуна ва қаттиқ шишларни шимилтиради. Илдизига [зарарли] кучини синдирадиган нарсани аралаштирилади, барги бу жиҳатдан синалган доридир.

Жароҳат ва яралар.

Илдизининг пўстлоқларини ёмон сифатли чиркин жароҳатларга қўйилганда (энг кўп фойда келтиради).

[344]. Бўғинлар.

Илдизининг пўстлоқлари иркуннасо ва ёнбош оғриқларига фойда қилади. Гоҳо ковулдан олинган шира билан ҳуқна қилинса, ўшаларга жуда фойда қилади, яна бу фалажга ва увушишга ҳам фойда қилади, ўзидаги буруштирувчанлиги сабабли аъзоларни маҳкамлайди. Шунинг учун мушакларнинг бошларида ва ўрталарида пайдо бўлган эт узулишларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Илдизининг пўстлоқларини чайналса, бошдан рутубатни тортади ва бошдаги совуқ оғриқни босади. Унинг ширасини қулоқдаги қуртларга қарши томизилади. Тиш оғриғига қарши илдизининг пўстлоқларини, айниқса, янгиларини, ёки баргини чайнаш [керак], шунингдек, ковул солиб қайнатилган сирка ё шароб билан оғизни чайқаш керак, ёки бир сафар шароб, бир сафар сирка билан чайқаш керак.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Тузлангани астма билан оғриган кишиларга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ковулнинг ўзи, айниқса, илдизининг пўстлоғи талоқ касаллигида ва талоқ қаттиқлашганда ичилганда ё арпа, ёки арпага ўхшаш нарсанинг уни билан қуюқ суртма қилинганда жуда фойдалидир. Кўпинча талоқни қуюқ савдо моддасидан бўшатади, натижада талоқ соғаяди.

Чиқариш аъзолари.

Хом, қуюқ хилтни суради, ҳайз қонини юргизади, ичаклардаги илонлар ва гижжаларни ўлдиради. Бавосирга фойда қилади, шаҳвоний қувватни кўпайтиради. Овқатдан олдин унинг тузланганини ейилса, ични суради.

Заҳарлар.

Бу (яхши) тарёқдир.

[1] Capparis spinosa L.

368 КАШНАЖ[1] – ИЛОНБЎРКИ, КАШНА

Моҳияти.

Буйрак катталигида, тиғиз ва бириккан, лекин жуда ҳам тилим-тилим, қўзиқорин жинсидаги бир нарса бўлиб, қўзиқорин ва замбуруғ сингари қумлоқларда ўсади. Жуда мазали бўлиб, бизнинг мамлакатимиз – Мовароуннаҳрда ва Хуросонда ҳам кўп ўсади. Қўзиқорин ва замбуруққа ўхшаб бирор кишига зарар қилганини эшитганимиз йўқ. Илонбўркининг мазасини қўзиқорин мазасига солиштирилганда унинг ширинликка бир оз яқинлиги билинади.

Табиати.

Бу совуқ, [лекин] қўзиқорин ва замбуруғчалик эмас. Жавҳари қуруқ бўлатуриб, ёт намликдан ҳам холи эмасдир.

Хоссалари.

[Ҳароратни] ўчирувчи ва [ҳазми] оғир.

[1] Қўзиқориннинг бир туридир. № 366, 587, 807 га қаранг.

369 КАРАФС[1] – ПЕТРУШКА, СЕЛЬДЕРЕЙ

Моҳияти.

Тоғда, чўлда, боғда, сувнинг ўзида ва сув яқинида ўсадиган [хиллари] бор. Сувда ўсадигани боғда ўсадиганидан каттароқ, || кучи боғда *179с*
ўсадиганининг кучи кабидир. Унинг *симирниюн* деб аталадиган тури бор, у боғда ўсадиганидан каттароқ. Пояси ковак, ранги оқимтир. Турли мамлакатларда ўсадиган петрушкалар турлича бўлади. Рум петрушкаси ва бошқалар бор. Тоғ петрушкасининг ҳаммаси *фетросолиюн* эмас, балки бу [кейинги] тошлоқ петрушкасидир. Дискуридуснинг айтишича, петрушканинг турлари кўп. Уларнинг бири тоғ петрушкасидир. Унинг пояси бор, поясининг узунлиги бир қаричдир; илдизи ингичка ва атрофида шохлар бор, уларда кўкнор бошчаларига ўхшаш, лекин майдароқ бошчалар жойлашган. Меваси узунчоқ, ўткир ва хушбўйдир. Гоҳо у тошлоқларда ва тоғли жойларда ўсади. Мевасининг ва илдизининг кулини шароб билан ичилганда ёпиштирувчи бўлади. Бу петрушкани тошлоқ петрушкаси деб ўйлаш тўғри эмас. Петрушкаларнинг бир хили тошлоқ петрушкаси бўлиб, уни *фетро-*

солиюн дейилади. Бу тошлоқ ерларда ўсади ва унинг уруғи жувона уруғига ўхшайди, лекин *фетросолиюн*нинг уруғи [жувона уруғидан] хушбўйроқ ва [мазаси] ўткирроқдир.

Петрушка турларидан бири катта петрушка бўлиб, баъзи кишилар уни *симирниюн* деб атайдилар. Лекин уни *симирниюн* деб ўйланмасин. *Симирниюн* боғ петрушкасидан каттароқ, ранги бир оз оқимтир бўлиб, ковак, узун, майин пояси бор. У поя гўё чизиқ-чизиқдир. Барглари боғ петрушкасининг баргидан ёйиқроқ, бир оз қизғишдир. Унинг [бошлари] гунафша бошларига ўхшайди, улардан гуллар чиқади. Уруғи узунроқ, ранги қора тиғиз, ўткир ҳидли; томири оқ, яхши ҳидли ва яхши мазали, йўғон эмас. Мен ўзим уни Табаристон тоғларининг ортида кўрдим; илдизининг устида кўп илдизчалар бор, улар худди илдизсимон, узунчоқ ёриқлар билан ажралган; йўғонлигидан [?][2] уларни уқаласанг, синиб кетади ва кофур сувининг ҳидига ўхшаш ҳид чиқади.

Ҳаким Дисқуридуснинг айтишича, дарахтлар соя солган ерларда ва тўқайларда ўсади. Уни боғ петрушкасига ўхшатиб истеъмол қилинади. Томирини қайнатиб ёки хомлигича ейдилар. Петрушканинг яна бир тури бор; уни ёввойи *симирниюн* деб аталади. У дорилар табиатига яқин туради. Бу *Амонус*[3] тоғида кўп ўсади. Унинг петрушка поясига [345] ўхшаш пояси бор. У пояда кўп шохлар ва петрушка баргидан ёйиқроқ барглари бўлади. Ерга ёпишиб турган барги ташқарига эгилган бўлади. Баргларида бир оз намлик бор бўлиб, қўлга ёпишади. У қаттиқ ва яхши ҳидлидир. Баргларнинг мазаси дориларнинг мазасига ўхшайди, ранги эса бир оз сарғишдир. Поясида укроп тожига ўхшаш тожи бор. Карам уруғига ўхшаш думалоқ уруғи бор, у қора, ўткир мазали, ҳиди эса *мурр* ҳидига ўхшашдир. Унинг ўткир мазали, ёқимли ҳидли, унча серсув бўлмаган, танглайни ачитадиган томири бор. Пўстлоғининг ташқи томони қора, ички томони эса оқимтир-сариғдир. У тошлоқ ерларда ва тепаликларда ўсади. Томирининг ва шохларининг қиздирувчи кучи бор. Баргларини тузланади ва ейилади).

Т а н л а ш.

Энг кучлилари Рум хили ва тоғларда ўсадиган [хили]дир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқдир. Руфуснинг айтишича, боғда ўсадигани ҳўл, лекин унинг томири (кўпчиликнинг айтишича), қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ел ва кўпчишни тарқатувчи, тиқилмаларни очувчи, терлатувчи, оғриқларни тўхтатувчидир. Ёввойиси яра қилувчи, оғритувчидир. Мураббоси эса иссиқ мизожли кишиларга фойдалидир.

З и й н а т.

Ёввойисини «тулки касали», тирноқларнинг ёрилиши, сўгаллар ва совуқдан бўладиган ёрилишларга [ишлатилади]. Боғда ўсадигани оғиз ҳидини жуда яхшилайди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шиллиқли ўсмаларнинг бошланишида [уларни] шимдиради; қаттиқ ва иссиқ шишларни шимилтиради. Айниқса, *симирниюн* деб аталган хили [ана шундайдир].

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ёввойисини қуюқ суртма қилиб боғланса, яра қилади. Шунинг учун қўтир, темиратки ва жароҳатларга, то улар битгунгача фойда қилади. Айниқса, *симирниюн* [ана шундайдир].

Б ў ғ и н л а р.

*Симирниюн*нинг ҳамма бўлаклари иркуннасога фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бош оғриғи[4] учун ёмондир. Тутқаноғи бор кишининг тутқаноғини қўзғатади. Айтилишича, илдизини бўйинга осилса, тиш оғриғига фойда қилади, лекин тишларни увалантириб юборади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Боғ петрушкаси кўз оғриқларида ишлатиладиган қуюқ суртмалар таркибига киради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Йўталга фойда қилади. Айниқса *симирниюн* астма, нафас қисилиши ва нафас олишнинг қийинлашувига ҳам фойдалидир. Петрушка эмчакнинг иссиқ шишларида ишлатиладиган қуюқ суртма [таркибига киради].

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва талоқ учун фойдали. Шимилтирувчанлиги сабабли кекирикни қўзғатади. Ўзи тез ҳазм бўлмайди ва тез пастга ўтмайди. Петрушканинг уруғи қовурилмаган бўлса, кўнгилни айнатади ва қустиради. Баъзиларнинг фикрича, петрушканинг ҳамма турлари меъда учун фойдалидир. Руфус: «ундай эмас, у меъдага ёмон ва ўткир рутубатларни тортади», дейди. Унинг хоми меъдада узоқ вақт туриб қолади ва кўнгилни айнитади. Лекин Румда ўсадигани меъда учун яхшидир. Жолинуснинг айтишича, у сутчўп билан қўшиб, ейилиши керак, чунки у сутчўпнинг совуқлигини мўътадилликка олиб келади. Лекин овқатдан кейин ейилиши мувофиқроқдир. Уруғи истисқо касалига фойда қилади, жигарни тозалайди ва иситади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини юргизади. Ҳомиладор хотинлар учун зарарлидир. (Ундай хотинлар остдан кўтарса, боласини туширади). Петрушканинг

ҳамма турлари ва ҳамма бўлаклари буйракни, қовуқни ва бачадонни тозалайди. Уруғи ва барглари ични сурувчи эмас, илдизи эса сурувчидир. Тоғ петрушкаси тошни майдалайди. Петрушка сийишнинг қийинлашувида фойдалидир. Петрушка, хусусан, (ёввойи) *симирниюн* йўлдошни туширади; доимо ейилаберилса, бачадонни ўткир рутубатга тўлғазади. Баъзиларнинг айтишича, петрушка жинсий қувватни кучайтиради. Ҳатто, айтадиларки, эмизувчи хотин шаҳват кучининг қўзғала бериши натижасида сути бузилмаслиги учун уни ейишдан тийилиши керак.

Румда ўсадигани йўғон ичак [қулун], қовуқ ва буйрак учун фойдали, (орқатешикдаги кўпчишни тўхтатади. [Петрушкани] айниқса, истисқо касалида ичадилар.

И с и т м а л а р.

Иситма даврларида фойдали).

З а ҳ а р л а р.

(Ёввойи *симирниюн*нинг томирини ичилса, газандаларнинг чақишига фойда қилади. Унинг томирлари билан боғ петрушкасининг қайнатмасини ичилса, ўлдирувчи дориларга қарши фойда қилади. Яна газандаларнинг чақишига ва *мурдосанж* ичган кишига ҳам фойда келтиради. Тарёқлар таркибига киради). Петрушканинг ясмиқ қўшилган қайнатмасини заҳар ичгандан кейин ичирилса, қустиради. *Симирниюн* хили яна ҳам мувофиқроқдир. Петрушка еган кишини чаён чақса, унинг иши оғирлашади.

1 Petroselinum sativum H o ff m., Apium graveolens L.
2 Б. да «киндик».
3 Яъни Аман; Диоск. III, 64.
4 Б. да: «тутқаноқ».

370 КУЛЯ – БУЙРАК

М о ҳ и я т и.

Маълум нарса.

(Т а н л а ш).

Энг яхши овқат бўладиган буйрак сут эмадиган улоқнинг буйрагидир.

Т а б и а т и.

Мўътадил, қуруқликка яқин.

Х о с с а л а р и.

Хилти ёмон, энг яхши хилтлиси улоқнинг буйрагидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазми қийин, (меъдадан суст тушади).

371 [346] КИРИШ – МОЛ ҚОРНИ

Моҳияти.

Маълум.

Хоссалари.

[Қорин] ғализ ғизоли модда ва ёмон каймус беради. Унга ўхшаган ички аъзолар ҳам, гарчи улар яхши ҳазм бўлса ҳам, шундайдир. (Лекин озиқлиги ўпкадан кўра кўпроқ). Аммо паррандаларнинг, айниқса, товуқ ва ғозларнинг қоринлари ҳазм бўлса, озиқлиги яхши бўлади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Қорин] суст ҳазм бўлади.

372 КАБИД – ЖИГАР

Хоссалари.

[Ейилган] жигарлардан туғиладиган хилт[1] қуюқ бўлади. Энг ёқадиган жигар семиз ўрдак ва товуқларнинг жигаридир.

Бош аъзолари.

Эчки, айниқса, таканинг жигари тутқаноққа учраган кишининг [дардини] ошкора қилади. Ўша киши [бу жигарни] еса, тутқаноғи тутади. Қурт еган жағ тишларнинг оғриғини босиш учун калтакесакнинг жигарини чайналади. ||

179б

Кўз аъзолари.

Шапкўрликка қарши эчки жигарининг селини мурч билан қўшиб, ёки ёлғиз ўзини ейиш, кўзга суртиш ва [унинг] буғига кўзни тутиш [керак].

Озиқлантириш аъзолари.

Бўрининг жигари жигарда бўладиган ҳамма оғриқларга фойда қилади. Жолинус айтган: «Мен бўри жигарини қариқиз [ўтидан тайёрланадиган] дорига солиб [ишлатдим ва унинг жигар билан] аралашмаганига нисбатан фойдаси ошганлигини кўрмадим». Жигарлар томирлардан суст ўтади, лекин семиз ўрдакнинг жигари ундай эмас.

Заҳарлар.

Қутурган итнинг жигари ўша ит тишлаган кишига ичирилса, фойда қилади. Айтишларича, у сувдан қўрқиш касалига қаршилик қилади, қутурган [ит жигарини еган бир гуруҳ беморлар] шу тадбир билан яшаб юрдилар; шунингдек, улар яна бошқа даволар билан ҳам даволанган эдилар.

[1] Б. да: «қон».

373 КУРУНБ[1] – КАРАМ

(Моҳияти.

Машҳур. Сабзавотларнинг бир тури).

Табиати.

Карамнинг оқ қисми[2] баргидан намлироқ. Ёввойи карам (боғ карамидан) иссиқроқ ва қуруқроқ. [Карамнинг] ҳаммаси биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ. Карамнинг бир турини боғ карами, яна бирини денгиз карами, яна бирини ёввойи карам, яна бирини сув карами, дейилади. Ёввойи карам иссиқроқ[3], аччиқроқ ва овқат учун яроқлиги камроқдир. Карам илдизининг анор суви билан қайнатмаси ёқимлидир. Гулкарам қонни қуюлтирувчи ғализ овқат бўлади, агар у шимилмаса, эмчак[4] атрофлари ва биқинни кўпчитади ва оғритади; бу оғриқ бод оғриғи каби кўчиб юрмайди. (Дискуридуснинг айтишича, *крамба агриё*, яъни ёввойи карам денгиз қирғоқларида, баланд жойларда ва уларнинг тевараклари да тикка ўсади. У, боғ карамига ўхшайди, аммо ундан кўра оқроқ, туки кўпроқ ва аччиқ бўлади. Унинг ўзагини анор сувида қайнатилса, ширин ва ёқимли мазага эга бўлади.

Карамнинг яна бир тури – *магриб* карами бўлиб, боғ карамига ўхшашлиги кам. Унинг барги узун бўлиб, думалоқ *зарованд* баргига ўхшайди. Карам барги бирикиб турган бандлар қизил ва кичкина шохлардан иборат. У шохлар карамнинг поясида печакнинг барглари ўз поясида тургани каби туради. Унинг озгина сути бор, мазаси шўрликка яқин ва бир оз аччиқ. Буни қайнатиб ейилса, ични суради).

Таъсир ва хоссалари.

Етилтирувчи, юмшатувчи, қуритувчи, айниқса, қайнатилиб, биринчи суви тўкиб ташланганда шундай таъсир кўрсатади. Танасининг кули кучли қуритувчидир. Оғриқларни тўхтатиш хусусияти ҳам бор; озиқлик моддаси кам, [лекин] ясмиқникидан кўра намлироқдир. Ундан ёмон қон пайдо бўлади. Семиз гўшт ва товуқ гўшти билан қайнатилса, бир оз яхши бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Ёввойи карам, денгиз карами, боғ карами флегмонани ва қаттиқликларни етилтиради. (Ёввойи карам ёки боғ караминиг баргини майдалаб янчиб, ёлғиз ўзини ё толқон билан қўшиб, қуюқ суртма қилиб боғланса, ҳар қандай иссиқ шишга, шилликли ўсмаларга, сарамас ва эшакем касалликларига фойда қилади).

Жароҳат ва яралар.

[Жароҳатларни] битиради. Ёмон яраларнинг ёйилишига тўсқинлик қилади, тухумнинг оқи билан қўшиб, куйган [жой]га қўйилади, (ярага айланган қўтирга фойда қилади. Туз билан аралаштирилса, нори форсийни тузатади).

Бўғинлар.

Қалтироққа фойда қилади. Сариқ йўнғичқа билан қўшиб, подаграга қўйилади, қайнатмасини бўғинлар оғриганда ишлатилади, (сариқ йўнғичқа уни ва кунжут билан аралштириб тайёрланган қуюқ суртмаси подаграга ва бўғинлар оғриғига фойда қилади).

Бош аъзолари.

Қайнатмаси ва уруғи маст бўлишни кечиктиради; бошнинг қасмоғига фойда қилади, карам ширасини бурунга юборилса, мияни тозалайди. Тилни қуритиш, ухлатиш (ва юзни тозалаш) бунинг хусусиятларидандир.

Кўз аъзолари.

Кўзни хиралатади, шундай бўлса ҳам, сурмаларнинг таркибига киради. (Дискуридуснинг айтишича [эса] карам ейиш кўзнинг кучсизлигига фойда қилади).

Кўкрак аъзолари.

[347] Карамнинг ширази ё қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайқалса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Уни ейилса, овоз тозаланади. (Карамни чайнаб, сувини сўрилса, бўғилган овозни очади).

Озиқлантириш аъзолари.

Карам меъда учун зарарли, аммо унинг ширази набиз шароби билан ичилса, талоққа ва сариқ касалига фойда қилади. Оқ қисми суст ҳазм бўлади.

(Дискуридуснинг айтишича, ёзда ўсувчи карам меъда учун зарарли. Ўзаги меъда учун яхшидир. Агар карамни туз ва сув билан ишланса, ёмонроқ бўлади, агар баргини хомлигича сирка билан қўшиб, ейилса, талоқ касаллигига учраганларга фойда қилади).

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини кучли равишда юргизади. Карамнинг уруғини Миср боқиласининг суви билан ишлатилса, гижжаларни ўлдиради. Гули эса ҳайз қонини ҳайдайди. Гулини ёки ширасини мастак уни билан кўтарилса, қориндаги болани ўлдиради. Жинсий алоқадан сўнг уруғини остдан кўтарилса, эрлик уруғини бузади. Илдизининг кули тошни увалайди. Денгиз карами бир оз аччиқ ва шўр бўлади, шу сабабли у, айниқса, семиз гўшт билан ейилганда ични юмшатади ва суради. [Карамнинг] барги ровоч баргига ўхшаш бўлиб, бир илдиздан ўсиб чиқади. (Барги суртилса, иссиқ [яллиғли] ичак оғриғига фойда қилади. Дискуридуснинг айти-

шича, бир марта озгина қайнатиб ейилса, ични суради, икки мартаба сув билан қайнатиб ейилса, ични тўхтатади. Карамнинг ширасига [юнончада] *ирисо* деб аталувчи гулсапсар илдизи ва натрунни аралаштириб [ишлатилса], ични суради. Гулидан шамча қилиб, ҳомиладор хотин ўз остида кўтарса, бачадондаги нарсани ўлдиради. Карамнинг уруғи, айниқса, Мисрда ўсадиганининг уруғини ичилса, гижжани ўлдиради.

З а ҳ а р л а р.

(Дискуридуснинг айтишича), ширасининг шароб билан қўшилгани газандаларнинг[5] чаққанида фойда қилади. Бу яна қутурган итнинг тишлаганига ҳам фойдалидир. (Миср караминнинг уруғи тарёқларнинг таркибига киради).

[1] Brassica oleracea L.

[2] Б. да: «илдизи».

[3] Б. да: «ўткиррок».

[4] Б. да: «киндик».

[5] Б. да: «афъо илонининг».

374 КУРРОС[1] – ГАНДАНО, ПОРЕЙ ПИЁЗИ

(М о ҳ и я т и.

(Дискуридуснинг айтишича, гандано уч турли бўлади): бири Шомда ўсадигани, (унинг таги пиёзли бўлади. Шом ганданосининг каймуси жуда ёмон), иккинчиси – Набат гандаиоси. (Унинг мазаси Шом хилининг мазасидан ўткирроқ бўлади ва унда бир оз буруштириш таъсири бор, шунинг учун у қонни тўхтатади); учинчиси – ёввойи гандано; (у *қарт* [номи билан] машҳурдир. У биринчи хилидан ёмонроқ, овқатдан кўра дорига ўхшашроқдир. Набат гандаиоси дорилар таркибига киради). Ёввойи гандано саримсоқ билан гандапонинг ўртасида туради.

Т а б и а т и.

Набат гандаиоси учинчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ. Ёввойиси иссиқроқ ва қуруқроқ, шунинг учун ёмонроқдир.

З и й н а т[2].

Шом гандаиосини татим билан қўшиб, ишлатилса, сўгални кетказади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шом гандаиосини татим билан ишлатилса, эшакемни кетказади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Шом гандаиоси туз билан [ишлатилса], ёмон яралар учун фойдали бўлади. Ёввойиси баданни яра қилади, (ва эмчакдаги яраларни тузатади. Набат гандаиосини сирка билан қўшиб, қуюқ суртма қилинса, шишларни ёриб оқизади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун қонашини тўхтатади. Уруғини қитрон билан қўшиб, қуртлаган тишга тутатилса, қуртни ўлдиради ва туширади. Гандано ейиш бош оғриғини келтиради ва ёмон тушлар кўришга сабаб бўлади. Сувини[3] гул ёғи ва узум сиркаси билан қўшиб, қулоқ оғриққа ва қулоқ шанғиллашида ишлатилади. Бу дори || тиш милкини ва тишларни бузади ва уларни сарғайтиради. *180а* Айниқса, Шом ганданоси [ана шундай қилади]. (Набат ганданосининг сувини кундур, сут, гул ёғи билан аралаштириб қулоққа томизилса, қулоқ оғриқларига, қулоқ шанғиллаши ва ғувуллашига фойда қилади).

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга зарар қилади, (кўзни хира қилади).

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Арпанинг суви билан қўшиб, қуюқ, ёмон хилтлардан [келиб чиқадиган] астмада ишлатилади. Набат ганданосини, айниқса, унинг асал қўшилганини [шу мақсадда ишлатилади]. Ўпка шишларига фойда қилади ва уларни етилтиради. Унинг уруғидан икки *драхмий*сини ўшанча мирта донаси қўшиб қон туфлашга қарши берилади. (Хомлигича ейилса, ўпка найи [касалликларига] фойда қилади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ёввойиси меъда учун ёмон; у меъда учун боғда ўсадиганига қараганда ҳам ёмонроқ. Чунки у аччиқроқ, ўткирроқ ва ачиштирувчироқдир. Ганданонинг ҳамма турлари ел пайдо қилади, ел туғдиришни ва зарарини камайтириш учун уни икки марта сув билан қайнатилади. Руфуснинг айтишича, нордон кекирикни тўхтатади, у, умуман, суст ҳазм бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Гандано, айниқса, набатий хили ва ёввойиси сийдикни, ҳайз қонини юргизади. Ҳар иккала хили қовуқ ва буйрак яраларига зарар қилади. Қайнатилганини, шунингдек, қовурилган уруғини ейилса ва қўйиб боғланса, бавосирга фойда қилади ва жинсий қувватни қўзғатади; уруғининг мирта доналари билан қўшиб, қовурилганини ичбуруғда ва орқатешикнинг қонашида [ишлатилади]. Баргини солиб қайнатилган сувга ўтирилса, бачадоннинг юмилишига ва унинг қаттиқлигига фойда қилади. Илдизининг маҳсар ёғи, бодом ёғи ёки кунжут ёғидаги шўрваси қуланж касалига фойда қилади. Ширасининг қуритилгани қон сурадиган нарсалар жумласидандир. (Ёввойиси бошқаларидан кўра ҳайз қони ва сийдикни кўпроқ юргизади).

[348] З а ҳ а р л а р.

Ширасини асал суви билан қўшиб, газандаларнинг чақишига қарши [ишлатилса], фойда қилади.

[1] Allium porrum L.
[2] Б. да: «хоссалари».
[3] Б. да: «кулини».

375 КУЗБУРА[1] – КАШНИЧ

Моҳияти.

Бунинг ҳўли ва қуруғи ишлатилади. (Жолинуснинг айтишича), қуввати мураккаб, унда аччиқ ер жавҳари ва илиқ сув жавҳари бўлади. Кашнич буруштирувчи бўлгани учун бир оз мози мазага ҳам эга. Менимча, кашничнинг сув жавҳари албатта совуқ бўлиб, илиқ эмас, лекин иссиқ ва латиф бир жавҳар аралашиб, ундан тез ажраса, у иссиқ бўлади.

Ҳунайннинг айтишича, Жолинус Дисқуридусга қарши ўлароқ, кашничнинг совуқлигини рад қилади. Мен айтаманки, унинг совуқлигига Руфус, Аркоғанис[2] ва бошқалар гувоҳлик бериб ўтганлар.

Табиати.

Биринчининг охирги чегарасида иккинчи даражага яқин совуқ, иккинчи даражада қуруқ. Ибн Журайҳнинг айтишича, – учинчи даражада. Менимча, унинг қуруғи бир оз қизитишга мойилдир. Жолинус кашничнинг ҳамма турини қиздиради, деб топган. Ҳамма турида ичганда тарқалиб, йўқ бўлиб кетадиган латиф жавҳар борлиги сабабли ана шундай бўлса керак. Шундай бўлмаганда, кашнич ширасини кўп ишлатилса [ҳам], у совуқликни ошириб, ўлдирмас эди.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳамма турлари буруштирувчи ва увуштирувчи; ширасини сут билан қўшилса, ҳар қандай лўқиллашни тўхтатади.

Ши ш ва тошмалар.

Қўрғошин упаси, сирка ва гул ёғи билан ишлатилса, иссиқ [яллиғли] шишларга фойда қилади. Майиз ва асал билан эшакем ва нори форсийга қарши ишлатилади. Боқила уни, толқон ёки нўхат уни билан ширасини аралаштирилса, қулғунага фойда қилади. Жолинус: «агар қулғунани шимилтирадиган бўлса, қандай қилиб совуқ бўлади?» деб сўрайди. [Жавоб бериб] айтиш мумкинки, унда шундай хусусият бор, ёинки унда латиф сингувчи жавҳар бор, шу [жавҳар] ўтиб сингади, совуқ жавҳар эса ўтмай қолади. Ичилганда иссиқ [жавҳари] тез тарқалиб, совуқлик таъсир кўрсатувчиси қолади.

Жолинус яна: «кашнич оташак ярасига фойда қилмайди, лекин [унинг] совуқ ҳолидагисига, ёки савдо ё балғам хилти аралашиб пайдо бўлганига фойда қилади», дейди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Сафро ё балғам буғидан пайдо бўлган бош айланиш ва тутқанокка фойда қилади. Кашнични буғларнинг мияга кўтарилишини қайтариш хусусияти бор. Шунинг учун меъда буғи сабабли тутқанокка учраган кишининг овқатига солиб берилади. Ҳўлини ва қуруғини кўп ишлата бериш зеҳнни бузади. Ҳўли ухлатади ва бурун қонашини тўхтатади. Қуруғининг толқони ва янгисининг шираси билан чайқаш оғиз чақаларига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни хира қилади; сиқиб олинган суви, айниқса, она сути билан қўшиб, томизилса, кўзнинг лўқиллашини тўхтатади. Баргини қўйиб боғланса, кўзга моддаларнинг оқиб тушишига тўсқинлик қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и. ||

180б

Иссиқ хафақонга фойда қилади. Икки *драхмийсини* баргизуб суви билан ичилса, қон туфлашни тўхтатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳазми суст. Иссиқ мизожли касал меъдани кучайтиради. Қовурилгани қусишни тўхтатади. Кашнич овқатдан кейинги нордон кекирикни тўхтатади, дейдилар. Агар шундай бўлса, бунинг сабаби кашничнинг буғга ва унинг ҳаракатига тўсқинлик қилишидадир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қовурилган уруғи [ични] боғлайди. Айтишларича, унинг уруғини шинни билан ичилса, ичдаги гижжаларни туширади. Янги кашнич асал ва зайтун ёғи билан ишлатилганда, моякларнинг иссиқ шишларига фойда қилади. Янгиси ва қуруғи жинсий қувватни ва олат қўзғолишини синдиради ва эрлик уруғини қуритади.

З а ҳ а р л а р.

Ширасидан тўрт *уқия* чамасида [ичилса], ғамгинлик ва ҳушдан кетишни келтириб чиқариб, ўлдиради. Хулоса: кашнични кўп ишлатиш яхши эмас.

[1] Coruandrum sativum L.

[2] Архиген.

376 КУММАСРО[1] – НОК

М о ҳ и я т и.

Нокда ер ва сув жавҳарлари бўлиб, бизнинг мамлакатимизда нокнинг *шоҳамруд* деб аталадиган хили бор. [Унинг] ҳажми катта, дум-думалоқ, юпқа пўстли, хушранг, ялтироқ бўлади. Бу жавҳарининг қаттиқлигидан эмас, балки қуюлиш сабабли қуюлган шарбатдекдир. Жуда ёқимли ҳидга

эга, дарахтидан ерга тўкилса, ўзи бўлак-бўлак бўлиб кетади. Нок турларининг ичида ана шу тури зарарсиздир.

Табиати.

Хитой ноки деб машҳур бўлган нок биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ. Шоҳамруд эса мўътадил ва ҳўлдир.

Таъсир ва хоссалари.

Нок турларининг ҳаммаси буруштирувчи бўлиб, ёмон хилтларни тўхтатувчи суртма дориларга киради. Бир оз аритувчи хоссаси ҳам бор. Руфуснинг айтишича, нокнинг хилти олма хилтидан кўра кўпроқ ва яхшироқдир. Хуросоннинг *шоҳамруд* деб машҳур бўлган ноки бошқа жойларникидан фарқли бўлиб, ични юмшатувчи ва каймуси жуда яхши бўлган [нокдир].

[349] Жароҳат ва яралар.

Нок, айниқса, ёввойисининг қуритилгани жароҳатларни битиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани ошлаб тозалайди, (айниқса, Хитой ноки меъдани кучайтиради), ташналикни кесади, сафрони тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

[Ични] қотиради, айниқса, қоқиси шундай. Нокда қуланж касалини келтириб чиқариш хусусияти бор. Шунинг учун нок егандан кейин, асал сувини дориворлар билан ичиш керак. Нокнинг қуюлтирилган суви сафровий ичкетишга фойдалидир

Заҳарлар.

Буруштириш кучи зўр, етилиши суст бўлган турининг кули *футр* [заҳарли қўзиқорин]нинг дориси бўлади. Ўша қўзиқоринни нок билан қайнатилса, унинг зарари камаяди.

[1] Pyrus communis L.

377 КУРОЪ – ПОЧА

Таъсир ва хоссалари.

Ғализ бўлмаган ёпишқоқ каймус пайдо қилади. Каймуси яхши ва [унда] ортиқча моддалар кам.

Кўкрак (ва нафас) аъзолари.

У, айниқса, арпа суви билан қўшилгани, иссиқ йўталга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазми ва каймуси яхши; [каймуси] ёпишқоқ ва ғализ эмас. Ҳазмининг тезлигига далил – унинг қайнатилганда тез кўпчиши ва тез пишиб кетишидир. Лекин озиқлиги кўп эмас.

Чиқариш аъзолари.

Ёпишқоқлиги сабабли ични юргизади.

378 КАЛБ – ИТ

Зийнат.

Итнинг сийдигини сўгалларга ишлатилади. Итнинг сути фойдали ва мўйни, тушириб юлинган мўйнинг ўсишига тўсқинлик қилади, деган гап, Жолинуснинг бир неча жойда айтишича, нотўғридир[1].

Чиқариш аъзолари.

Жолинус, итнинг қони қориндаги болани туширади, деган кишиларнинг сўзларини рад этади.

Заҳарлар.

Қутурган итнинг қони, ўша итнинг тишлагани ва арман ўқларининг заҳарига қарши [ишлатилади].

[1] Б. да «Озиқлантириш аъзолари» деб сарлавҳа қўйилиб: «Жолинус, итнинг қони юлинган мўйнинг ўсишига тўсқинлик қилади, деювчиларнинг гапини ёлғон, дейди» деб ёзилган.

379 КАРМ[1] – ТОК

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, ёввойи ва тоғ токининг [хонаки токдагига] ўхшаш узун новдалари бўлади. Барги боғда ўсадиган итузумнинг барги каби, балки ундан кенгроқдир; гули тукли, мевалари узум бошлари ва шингилларига ўхшаган бўлади; етилиш олдида қизаради, доналари думалоқ бўлади. Барглари дастлаб ўсиб келаётган вақтда ейилади.

Хоссалари.

Новдаларининг кули доғловчи дорилар таркибига киради. Токнинг ёғи гул ёғи каби, лекин унда ичсуришлик[2] йўқ. Ширасининг ёғ [билан қўшилгани] етилтирувчи[3] ва қиздирувчидир. Ёввойисининг гули жуда буруштирувчидир.

Зийнат.

Ток суви чумолисимон сўгалларга [дори бўлади]. Ёввойисининг суви сепкил ва нуқтали қонталашни кетказади. Хонакиси эса кучсиз бўлади. Ёввойисининг суви, [айниқса] янги шохларидан олингани, зайтун ёғи билан || қўшиб ишлатилганда баъзан сочни тўкади. Ёғи барча ёғларнинг энг кучлисидир. *181a*

Жароҳат ва яралар.

Токнинг суви қўтир ва темираткилар учун [дори]дир. Ёввойи токнинг меваси чиқиқларнинг яллиғланишини қайтаради.

Б ў ғ и н л а р.

Қириндиларининг кули сирка билан аралаштирилганда асаб буралишига, шохларининг кули эса зайтун ёғи билан қўшилганда мушакларнинг ёрилиши ва бўғинларнинг бўшашувига қарши ишлатилади.

Гоҳо кулининг суви йиқилиб тушганда ичирилади. Ширасининг ёғи бўғин, мушак, асаб оғриқлари ва чарчашга [дори бўлади].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Барги ва жингак иплари иссиқ бош оғриғига суртма дори бўлади. Қора ва оқ ёввойи токнинг илдизи қулоқ кирларини яхшилаб тозаловчи ва карликда фойда қилувчи дорилардандир. Ёввойисининг (пўстлоғи) асал билан қўшилганда, қонайдиган тиш милкини тузатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Токнинг барглари арпа толқони билан қўшилса, кўзнинг шишига қўйиб боғланадиган дори бўлиб, кўзга тушадиган назлаларни тўхтатади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Тоғ токи баргининг, шунингдек, ёввойисининг сиқиб олинган суви ва мевасини қон туфлашга қарши ичилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Баргини ва жингалакларини арпа толқони билан қўшиб, меъда шишига ва меъданинг яллиғланишига қарши суртма қилинади. Баргидан сиқиб олинган сувни меъданинг иссиқдан оғришига қарши [ишлатилади].

Ёввойисининг илдизи сув ёки шароб билан ичилганда, истисқо касалига фойда қилади ва сувини суради. Ёввойи ток меваси меъда учун, кўнгил айнаши, беҳузур бўлиш ва таомдан бўлган нордонликка қарши яхши [доридир].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Баргининг сиқиб олинган суви дизентерия ва иссиқдан бўлган орқатешик[4] оғриғида [ишлатилади].

Елим каби бўлиб [қуюлган] сувини шароб билан ичилганда, [ичдаги] тошни майдалайди, қириндиларининг кули сирка билан [қўшилса] бавосирга ва тутсимон ўсмага қўйилади. Меваси орқатешик[5] учун фойдали; кўп сийдиради ва ични қотиради.

З а ҳ а р л а р.

Қириндиларининг кули афъо илони чаққанига қарши тарёқ бўлади.

[1] Vitis vinifera L., Vitaceae оиласи.

[2] Б. да: «латифлик».

[3] Б. да: «тинчлантиради».
[4] Б. да: «меъда».
[5] Л. да: «меъда».

«ЛОМ» ل [Л] ҲАРФИ

380 [350] ЛОЗАН – ЛАДАН

М о ҳ и я т и.

Ўтлаб юрувчи эчкининг *қиссус*[2] деб машҳур бўлган ўтни ўтлаётганда юнги ва соқолига илашадиган ширадир. *Қисусга* шудринг тушиб, намлик билан қопланади, шудринг билан ўсимлик баргининг кири аралашади. Унга эчкининг юнги тегиб, кир юнгга осилса ва юнг кирни ушлаб қолса, ўшанда ладан пайдо бўлади. Соқолига ва ердан кўтарилиб турган юнгларига осилгани ладаннинг энг яхши хилидир. Туёқларига ёпишиб қум ва тупроқ билан босилиб аралашгани эса энг ёмон хилидир.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси ёғли ва оғир, Кипрда [бўладиган], яхши ҳидли, сарғиш, қум аралашмаган ёғда бутунлай эриб, чўкма қолдирмайдиганидир. Тоғ мумига ўхшаган қора ранглиси яхши хили эмас.

Т а б и а т и.

Биринчи даражанинг охирида иссиқ, иккинчи даражада қуруқ. Жанубий мамлакатларда бўладигани қизитувчанроқдир. Хузистонлик табиблар [уни] совуқ ва буруштирувчи дейдилар. [Ҳақиқатда эса] ундай эмас.

Х о с с а л а р и.

Жуда латиф бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор. Қуюқ, ёпишқоқ ҳўлликларни етилтирувчи бўлиб, уларни мўътадил даражада эритади. Унда тортувчи, қиздирувчи ва томир оғизларини очувчи куч бор. Оғриқларни босувчи дорилар таркибига киради.

З и й н а т.

Мўйни ўстиради, қуюқ қилади, кўпайтиради, сақлайди, айниқса, мирта ёғи билан ва шароб билан ишлатилганда [шундай қилади]. У латиф, чуқур сингувчи, эритувчи ва этни еювчи, бузуқликни тозаловчи ва мўй учун яроқли моддани тортувчи бўлганлиги учун шундай таъсир кўрсатади. Лекин бошланаётган ялтироқ каллик касалига, сочнинг сийракланиши ва тўкилишига қарши кучли фойда қилади. «Тулки касаллиги»га эса дори бўлолмайди. Чунки («тулки касаллиги» моддаси) унинг кучидан устунроқ эритувчи куч билан, унинг кучидан латифроқ ва буруштирувчанлигидан кўра тозаловчанроқ куч билан эрийди.

Жароҳат ва яралар.

Катаганисда[3] айтилишича, ладан битиши қийин бўлган яраларни битиради.

Бош аъзолари.

Ладанни гул ёғи билан қўшиб, оғриган қулоқларга томизилади, у бош оғриғи ва лўқиллашларини [тўхтатувчи] дорилар таркибига киради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Ладан йўталга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шамча қилиб, остдан кўтарилса, бачадон шишларини шимилтиради. Воронка орқали тутатилганда қориндаги ўлик болани ва йўлдошни туширади. Эски шароб билан ичилса, ични боғлайди ва кўп сийдиради.

1 Cistus ladaniferus L., C. Creticus L. ва бошқа турларидан олинадиган хушбўй смола №№ 339, 382 га солиштиринг.

2 № 631 га қаранг.

3 Л. да: «қотожонис», Б. да: «қотохонис».

381 ЛУФФОХ[1] – МЕҲРИГИЁ МЕВАСИ

Моҳияти.

181б Машҳур. || Буни *ябруҳ* бобида тўла баён қилганмиз[2].

Табиати.

Менимча, учинчи даражага яқин совуқ ва ҳўлдир.

1 Mandragora officinarum L.

2 № 333 га қаранг.

382 ЛУБНО[1] – СТИРАКС

Моҳияти.

Лубно стиракс бўлиб, унинг оқадиган хилини лубно асали деб аталади. Стиракс беҳига ўхшаган дарахтнинг сувидир, стиракс бобида унинг тўғрисида айтилиши лозим бўлган гапларни айтиб ўтганмиз[2], аммо ҳозир такрор бўлса ҳам, яна ўшани қайтарамиз. Баъзиларнинг айтишича, бу Румда ўсадиган бошқа бир дарахтнинг ёғидир.

Танлаш.

Стиракснинг энг яхши хили ўз-ўзидан оқиб чиқадиган асалсимон, елимсимон, яхши ҳидли, сарғиш, аммо холга ўхшаш қора бўлмаганидир. Унинг оқувчан, *муррга* ўхшаш хили ҳам бўлади. Гоҳо ёғ ва асал билан уни қалбакилаштирадилар. Бунинг учун уни дастлаб офтобда [ёғ билан] ишлайдилар, сўнг сиқадилар.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ (иккинчи даражада) қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Очувчи[3], жуда юмшатувчи, қизитувчи ва эритувчи қуввати бор. Тутуни *кундурнинг* тутунига ўхшайди ва у ўз табиати бўйича увуштирувчидир. Шомда унинг ёғини тайёрлайдилар; бу ёғ жуда кучли юмшатувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Этдаги қаттиқликларга фойда қилади. Уни ёғлар билан қўшиб, қуруқ ва ҳўл тошмаларга суртадилар.

Жароҳат ва яралар.

Стираксни ҳўл ва қуруқ қўтирга суртадилар. Бу касалликка қарши у энг яхши даводир.

Бўғинлар.

Стиракс ташқи аъзоларни кучайтиради, ичилса ёки суртилса, бўғинларнинг бир-бирига киришига қарши фойда қилади, чарчашда суртиладиган дориларга ҳам қўшилади.

Бош аъзолари.

Ҳўл ёки қуруқ стиракс тутуни назлани тўхтатади; тумовга қарши энг яхши восита бўлади. Унинг ўзи, айниқса, ёғи ухлатувчидир.

Кўкрак аъзолари.

Чўзилма йўталга, балғам [йиғилишига] ва томоқ оғриғига фойда қилади, овоз хириллашини қаттиқ юмшатиб, уни тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Стиракс овқат ҳазм қилишга ёрдамлашади.

Чиқариш аъзолари.

(Табиатни юмшатади). Ичилганда ёки остдан кўтарилганда кучли, аммо зарарсиз равишда сийдикни ва ҳайз қонини юргизади. Бачадон қаттиқлигини юмшатади, қуруғи эса ични тўхтатади [351]. Агар бир *мисқол* қуруқ ёки суюқ стираксни ўшанча бодом елими билан ичилса, зарарсиз равишда [ёпишқоқ] балғамни ҳайдайди.

Ўрнига ўтадиганлар.

Унинг ўрнига ўзича олинган қундуз қири ва икки баробар ясмин ёғи ўтади.

[1] Liquidambar orientalis Mill. Styrax officinale L. дарахтларининг смоласи № 339, 380 га қаранг;

[2] № 17 га қаранг.

[3] Б. да: «етилтирувчи».

383 ЛОЗУВАРД – ЛОЖУВАРД

Моҳияти.

Кучи *лаззоқ уз-заҳаб*никидек[1], аммо ундан бир оз кучсизроқ.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, учинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Куйдириб ачитувчи, чиритувчи, ўткир ва тозаловчи, бир оз буруштирувчидир. У яна куйдиради ва яра пайдо қилади.

Зийнат.

Сўгалларни тушириб юборади.

Кўз аъзолари.

Киприкларни безайди, уларни кўпайтиради ва маҳкамлайди. Бу соҳада у ўзидаги айрим хоссаларига кўра энг ишончли воситалардандир. Айтишларича, у сочнинг яхши ўсишига халақит берувчи ёмон хилтларни чиқариб юборади.

Кўкрак аъзолари.

Астмада[2] фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичилган ва бачадонга кўтарилган вақтда ҳайз қонини етарли миқдорда ҳайдайди. Сафрони ва қонга қўшиладиган бошқа ҳамма қуюқ нарсани ҳайдайди. Буйрак оғриқларига фойда қилади. Ундан бир ичишда тўрт *карама* ва дорилар билан аралаштирилган ҳолда бир *дирҳам* миқдорида ичиш мумкин.

[1] № 397 га қаранг.

[2] Б. да: «ҳарсиллашда».

384 ЛАКК[1]

Моҳияти.

Бир табибнинг, яъни Бавлуснинг айтишича, бу *муррга* ўхшаган бир ўтнинг хушбўй елими бўлиб, уни эҳтиёт билан ишлатиш керак. Бошқалар эса уни янглишади деб, *лаккни* каҳрабо дейдилар. Яна учинчи бир гуруҳ табиблар эса бу *лаккдир* холос, дейдилар. *Лакк* кўп жиҳатдан каҳрабонинг кучига ўхшаш кучга эгадир.

Зийнат.

Лакк жуда қаттиқ оздиради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Хафақонга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар учун фойдалидир. Уни кучли қилади, сариқ касалига, истисқога ва жигардаги оғриқларга фойда қилади.

[1] Ficus laccifera R o x b., F. religiosa L. ўсимликларидан баъзи бир ҳашаротларнинг таъсири натижасида чиқадиган смола (шеллак).

385 ЛОҒИЯ[1]

М о ҳ и я т и.

Шира томиб турадиган дарахт бўлиб, унинг ёқимли ҳидли гуллари бўлади. У гулларни асаларилар яхши кўрадилар. У гўё *фароват ул-бусанж* деган дарахт бўлиб, заҳарга қарши [ишлатилади]. Ҳар ҳолда мен уни яхши билмайман. Айтишларича, унинг кучи девор таги ўсимлигининг кучига тўғри келади, бироқ ундан кучсизроқ бўлиб, сутли ўтлар туркумига киради.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, яна тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқ ҳам дейдилар.

Х о с с а л а р и.

Агар унинг сутли ширасидан озгинасини балиқлари бор бўлган сойга ташланса, балиқлар сув юзига қалқиб чиқади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Кўнгилни қаттиқ айнатади ва қустиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сувларни ҳайдайди.

[1] Euphorbia triaculeata Forsk.

386 ЛИҲЙАТ УТ-ТАЙС – ТАКАСОҚОЛ

Т а б и а т и.

Иссиқлиги оз ва совуқлиги иссиқлигини босишга етарли даражада, гўё совуқлиги биринчи даражанинг охирида бўлиб, унчалик кучли эмас, || қуруқлиги эса кучлиликда иккинчи[2] даражагача боради. *182a*

Х о с с а л а р и.

Жуда буруштирувчидир. Илдизи эса ундан ҳам кучли буруштирувчидир.

У аъзоларни маҳкамловчи тарёқларга киради, шираси эса қизил атиргул уруғига эга бўлган буруштирувчи кучга эгадир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қуритилган барглари [яраларни] битиради ва эски яраларга фойда қилади. Гуллари эса ҳаммадан ҳам кўпроқ таъсир қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Илдизи қулоқ чиркини тозаловчи, қулоқдаги яраларни қуритувчи, карликка фойда қилувчи дориларга киради.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Гуллари, барглари, илдизи – шуларнинг қайси бири бўлса хам, арпа суви билан ичилса, ўпкадаги яраларга фойда қилади; ширасы эса қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг ўзи, айниқса ширасы, меъдани маҳкамлайди ва унга ёмон сифатли хилтларнинг оқиб тушишига тўсқинлик қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаробга қўшиб ичилганда, айниқса, гуллари ва шохлари[3] ичаклардаги яраларга энг кучли дори бўлади. Уни ичилганда ёки қўйиб боғланса, бачадондан қон кетишига фойда қилади.

[1] № 201 га қаранг. Tragopogon pratence L.

[2] Б. да: «учинчи».

[3] Б. да: «ширасы».

387 ЛУФ – ЧАЁНЎТ, ФИЛГЎШ

М о ҳ и я т и.

Чаёнўтнинг силлиғи ва жингалак [хили] бўлади. Илонсимон филқулоқ дейиладиган жингалак хили қиздирувчанроқ бўлади. Силлиқ хилида эса ерлилик кўп, шу сабабли иккала хили тозаловчи бўлса ҳам, силлиқ хилининг тозалаш қуввати жингалак хилиникидан кучсизроқ. Дискуридуснинг айтишича, унинг барглари *дроқунтиюн*[2] баргларига ўхшаш, лекин улардан кичикроқдир. Чунки унда қарама-қарши турадиган аломатлар бор. Илдизчалари бир қарич келади; тугунаги эса айтиб ўтилган дори [*дроқунтиюн*] нинг тугунакларига ўхшаган бўлиб, ховонча дастасидек бўлади. Чаёнўтнинг меваси сариқ, жингалак хилининг меваси эса гунафшага мойил сариқ рангли бўлиб, (зайтун мевасига ўхшайди).

Т а б и а т и.

Силлиғи биринчи даражанинг охирида иссиқ ва қуруқ, жингалаги эса иккинчи даражанинг охирида қиздирувчи. Унинг энг кучли қисми илдизчалари[3], энг фойдали қисми эса тугунагидир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Тиқилмаларни очади; ёпишқоқ ва қуюқ хилтларни мўътадил даражада парчалайди. Тозалаш хусусиятига ҳам эга. Жингалак хили ҳар бир жиҳатдан кучлироқдир. Ҳар иккала хилининг ҳам энг кучли хоссаси, айниқса, силлиғида, улардаги ерлиликдир.

З и й н а т.

[352] Жингалак хилининг илдизи сепкилни, доғни ва нуқтали қонталашларни кетказади. Айниқса, асал билан аралаштирилганда шундай таъсир қилади. Уни шароб билан қўшиб, совуқдан бўлган ёрилишларга суртадилар.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Тозаланиши зарур бўлган шишларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Илдизи, айниқса, жингалак хилининг илдизи чўл қовоғи билан қўшилганда, ёмон яраларга ишлатиладиган марҳамлар таркибига киради. Ўзида намлик бор хили қуруғига нисбатан жароҳатларга кўпроқ ишлатилади. Қуруғи ҳам жароҳатларга ишлатиладиган дорилардандир. Уни туйилган ҳолда яра ва оқма яра [чиққан] жойларга пилта ўрнига ишлатадилар. Илдизидан оқма яраларга ишлатиладиган ёнғоқ шаклидаги шимувчи нарсалар қилинади. Барглари эса ёмон сифатли[4] жароҳатларга яхши [фойда қилади].

Б ў ғ и н л а р.

Илдизини мол тезаги билан бирга подаграга ва мушакларнинг лат ейишига [қўядилар].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Боғда ўсадиганининг бир шингилидан сиқиб олинган сув қулоқ оғриғига фойда қилади, агар уни атиргул ёғи билан қўшиб, бурунга қўйилса, бурунниng ел касаллигида ва бурундаги саратонда фойда қилади. Агар чаёнўтининг учида бўладиган бир шингилидан олинган ширани зайтун ёғи билан аралаштириб, қулоққа томизилса, оғриқни босади. Тугунаги қулоқ чиркини кетказувчи дорилардандир, қулоқ яраларини ҳам қуритади. Ҳид сезишнинг йўқолганида[5] фойда қилади. Уруғлари бурундаги ўсмани[6], ҳатто унинг саратон хилини ҳам тузатади.

Ҳатто саратон шишининг ўзини ҳам тузатади; уни парча юнг билан бурун тешикларига киритиш керак, деган фикр ҳам бор.

К ў з а ъ з о л а р и.

Тугунаги кўз яраларига фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Астма ва «тикка нафас олиш» касалликларида балғам кўчиради. Уни то дорилик хусусияти кетгунгача бир неча маротаба қайнатиб, сўнгра «тикка

нафас олиш» ва чўзилма астма касаллиги вақтида едирадилар. Тугунагининг хусусиятлари ана шундайдир. Жингалагининг хусусиятлари эса янада кучлироқ.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ейилса, ундан қуруқ хилт пайдо бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Жингалак хили шароб билан қўшиб, [ишлатилганда] шаҳвоний ҳисни қўзғатади, буйракни тозалайди ва бавосирга фойда қилади. Айтишларича, жингалак хилининг мевасидан ўттиз дона олиб, сув аралаштирилган сирка ёки шароб билан аралаштирилганда қориндаги болани туширади. Агар хотин киши ундан қилинган соққачани кўтарса, бола ташлайди. Гоҳо хотин киши бу ўсимликни унинг гуллари сўлаётганда фақатгина ҳидлаш билан ҳам бола ташлайди. Чаёнўти кўпинча сийдикни ҳайдайди.

З а ҳ а р л а р.

Агар баданни чаёнўтининг илдизи билан ишқаланса, афъо илони чақмайди.

1 Arum dracunculus L.
2 Юнонча сўзнинг ўзгарган шакли.
3 Б. да: «уруғлари».
4 Б. да шундай; Л. да: «яхши».
5 Б. да: «карликда».
6 Аслида бавосир бўлиб, бундан бурун полипи тушунилади.

388 ЛАЪБА БАРБАРИЙЯ[1]

М о ҳ и я т и.

Савринжонга[2] ўхшаш бир нарса бўлиб, Африка мамлакатларидан келтирилади. Уни савринжон ўрнига ўтказадилар.

Т а б и а т и.

Иккинчи[3] даражада иссиқ.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади.

1 Hermodactylus tuberosis s a l i s b.
2 № 489 га қаранг.
3 Б. да: «учинчи».

389 ЛИСОН УЛ-АСОФИР[1] – ШУМТОЛ

Табиати.

Учинчи[2] даражада иссиқ, биринчи даражада ҳўл.

Таъсир ва хоссалари.

Барглари буруштирувчи, тозаловчи ва эт ундирувчи.

Жароҳат ва яралар.

Барглари ҳўл яраларни битиради ва тўлдиради.

Бўғинлар.

Пўстлоғини сирка билан қўшиб, мушак эзилишида қўйилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Хафақонга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни кучайтиради.

Ўрнига ўтадиганлари.

Шаҳвоний қувватни кучайтириш учун ўз миқдоридаги пўчоғидан тозаланган ёнғоқ ёки ўша оғирликдаги қизил *тударий* ишлатилади.

[1] Fraxinus excelsior L.

[2] Б. да: иккинчи.

390 ЛИСОН УС-САВР[1] – ГОВЗАБОН

Моҳияти.

Марвга[2] ўхшаш барги энлик бир ўсимлик; ғадир-будур, поялари чигиртканинг оёғи каби, ранги эса зангор сариқнинг ўртасида бўлади.

Танлаш.

Унинг Хуросонда ўсадиган барги қалин ва устида нуқталари бор хилини қўллаш керак. Бу нуқталардан тиканлар ёки тикандан фарқ қиладиган туклари ўсиб чиқади. Бу мамлакатда ўсадиган ва табиблар ишлатадиган говзабон эса кўпинча *марв* турига киради ва у говзабон эмас, у берадиган фойдани ҳам бермайди.

Табиати.

Гарчи бир оз иссиқликка мойил бўлса ҳам, иссиқлиги мўътадилликка яқин. Биринчи даражанинг охирида ҳўл, лекин қуритилганда ҳўллиги камаяди. Хузистонлик табибларнинг айтишича, иккинчи даражанинг охирида ҳўлдир; аммо бу ҳақиқатдан йироқ.

Бош аъзолари.

Куйдирилгани болалардаги оғиз чақаланишини кетказади ва оғиз ловул-

лашини тинчитади. Говзабоннинг ўзи ҳам шундай таъсир қилади, аммо сустроқ.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Хурсанд қилади, юракни кучли қилади. Шароб билан ичилса, хафақон, ваҳима касаллигига ва савдодан бўладиган касалликлар учун яхши [фойда қилади]. Бир гуруҳ [табиблар] буни, иссиқ хафақонли [кишиларга] икки *дирҳам* миқдорида арман лойи билан қўшиб, берадилар. [353] Йўталга ва ўпка найининг қирилишига, айниқса, асал суви ва шакар билан қўшиб, қайнатиб ичилса, фойда қилади.

[1] Anchusa italic R e t z. Яна Borrago officinalis L. ни билдиради.

[2] Б. да шундай, Л. да: *муррға*. № 406 га ҳам қаранг.

391 ЛИСОН УЛ-ҲАМАЛ – БАРГИЗУБ

Моҳияти.

Икки хил: катта ва кичик бўлади. Дискуридус уни «кўп қовурғали» ёки «етти қовурғали» деб айтади. Каттасининг барглари йирикроқ, кичигининг барглари майдароқ бўлади. Унинг жавҳари сувлилик ва ерлиликдан таркиб топган. Сувлилиги билан совутади, ерлилиги билан буруштиради.

Танлаш.

Энг фойдали хили каттасидир. Унинг меваси ва илдизи ўз табиати жиҳатидан баргларига яқин туради; аммо улар қуруқроқ ва совуқлиги озроқдир.

Табиати.

Илдизи қуруқроқ ва ҳўллиги камроқдир. Совуқлиги увуштириш даражасигача бориб етмайди. Қуруқлиги ачиштириш даражасигача бориб етмайди. Шу сабабли яралар учун жуда ҳам яхшидир. У латиф, хусусан, қуриганда. Жолинуснинг айтишича, учинчи[2] даражада совуқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Барглари ўзларида совуқ сувлилик бўлатуриб буруштирувчи ва қайтарувчидирлар. Қон кетишини тўхтатади; қурутилган ҳолда эса ачиштиришлик [хусусиятини] йўқотади. Шу сабабли эски ва янги[яраларни] битиришга[3] фойда қилади ва бу жиҳатдан ундан яхши дори йўқ. Тозаловчи таъсири сабабли [тиқилмаларни] очади. Бу ўсимликнинг илдизини қулғуна касали билан оғриган кишининг бўйнига осадилар.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ шишлар ва оловдан куйган жойларга, учуққа, эшакемга, сарамасга, қулоқ ости шишларига ва қулғунага фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Ёмон яраларга, нори форсийга, югурук яраларга, узоқ муддат давом этадиган яраларга, чуқур жароҳатларга яхши [фойда қиладп] ва бу касалликларда энг яхши восита ҳисобланади. *Қимулиё* тупроғи ва қўрғошин упаси билан қўшилиб, сарамасга[4] қўйилади.

Бўғинлар.

Ундан филлик касалига қарши қуюқ суртма дори қилинса, [оёқнинг] шишиб кетишига тўсқинлик қилади ва [оёқни] оздиради.

Бош аъзолари.

Иссиқликдан келиб чиқадиган қулоқ оғриғига фойда қилади. Илдизининг қайнатмаси [билан оғиз] чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади. Лавлаги ўрнига баргизуб солиб, ясмиқ оши қилинса, тутқаноққа фойда қилади. Баргларининг ширасини қулоқ оғриғига қарши томизилса, оғриқни босади. Илдизини чайналса ёки унинг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, тиш оғриғини тўхтатади. Баргларининг суви оғиз чақаланишини даволайди.

Кўз аъзолари.

Кўз яллиғланишига фойда қилади. Кўз яллиғланишида ишлатиладиган дориларни унинг шираси билан қориб ишлатилса, фойдали бўлади.

Нафас аъзолари.

Уруғи қон туфлашга фойда қилади. Лавлаги ўрнига баргизуб солинган ясмиқ оши астмага фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

(Илдизи, уруғи) ва барглари жигар ва буйракдаги тиқилмаларни даволашда ишлатилади. Уни лавлаги ўрнига ясмиқ ошига солинса, || истисқога *183а* фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичаклардаги яраларга ва сафроли ичкетишларга фойда қилади. Бунинг учун баргизубнинг уруғини ичирилади ёки шираси билан ҳуқна қилинади. Бавосирда қон кетишни тўхтатади. Унинг баргини *тило* шароби билан қовуқ ва буйракдаги оғриқларда ичилади.

Иситмалар.

Айтишларича, баргизуб уч кунлик, яъни кунора тутувчи иситмага фойда қилади. Яна айтилишича, бунинг учун баргизубнинг уч [*уқия*] илдизини тўрт ярим *уқия* суюлтирилган шароб билан қўшиб, ичиш керак. Тўрт кунда бир тутадиган иситма [учун эса] ўшанга тўрт [*уқия*] илдизини қўшиб [ичиш керак].

Заҳарлар.

Намакоб билан қўшиб, қутурган ит тишлаган [жойга] қўйилади.

[1] Plantago major L.
[2] Б. да: «иккинчн».
[3] Б. да: «чипқонларга».
[4] Б. да шундай; Л. да: «оташакка».

392 ЛИСОН – ТИЛ

Моҳияти.

Тил ғовак гўштдан иборат бўлиб, ичидан томирлар, асаблар ва мушаклар ўтади. Хилти ҳўл [бўлади].

393 ЛУФҚАРИДИС – ОХОРЛАШ ТОШИ

Моҳияти.

Миср тоши бўлиб, мовутчилар матони оқлаш учун ишлатадилар, ўзи ғовак бўлади ва сувда тез эрийди.

Хоссалари.

Елимловчи, ачиштирмай қуритувчи, буруштирувчи бўлиб, ёмон хилтларнинг аъзолар томонига оқишига тўсқинлик қилади.

Жароҳат ва яралар.

Яралар ва жароҳатлар учун, айниқса, юмшоқ аъзоларда бўладиганлари учун фойдалидир.

Кўз аъзолари.

Кўзнинг бурун бурчагидаги чиқиққа фойда қилади ва кўз яраларини [тузатувчи] дорилар таркибига киради.

Кўкрак ва нафас аъзолари.

Қон туфлашда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Чўзма ичкетишга, қовуқдаги оғриқларга фойда қилади. Қон кетишини тўхтатиш учун уни остдан кўтарадилар.

[1] Б. да: *луқфарулус*. Бу юнонча *леукаргилос* (оқ тупроқ) сўзининг бузилгани.

394 ЛУБИЁ[1] – ЛОВИЯ

Табиати.

Қизил ловия жуда иссиқ бўлади. Ибн Мосавайҳ ва Аркағонис эса ловия совуқ ва қуруқ бўлади, дейдилар. Мен айтаманки, [гарчи] унинг моддаси қуруқ бўлса ҳам, унда ортиқча намлилик бор ва у иссиқликка мойил, қизил ловия эса жуда иссиқ.

Таъсир ва хоссалари.

У мошдан кўра [354] тезроқ ҳазм бўлади ва чиқади, озиқлиги ҳам ундан кам эмас. Ловия қоринни камроқ дам қилади, дейдилар, аммо бу ҳақда турли фикрлар бор. Унинг мошдан кўра кўпроқ дам қилиши эҳтимолга яқинроқ; аммо боқила ундан ҳам кўпроқ дам қилади. Ловиядан пайдо бўладиган хилт намли ва шиллиқли бўлади, у ёмон тушлар кўришга сабаб бўлади.

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак ва ўпка учун яхши.

Озиқлантириш аъзолари.

Қуюқ хилт пайдо қилади. Хардал ва шунингдек, туз қўшилган сирка, мурч ва каклигўти унинг зарарли таъсирига тўсқинлик қилади. Ловия кетидан кучли набиз ичилса ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. Сиркада ивитилган ловиянинг нами камроқдир.

Чиқариш аъзолари.

Ловия, айниқса, қизил хили ва айниқса, уни рум сунбулининг ёғи билан аралаштириб ейилса, ҳайз қонини кетказади.

[1] Phaseolus vulgaris L.

395 ЛАВЗ[1] – БОДОМ

Моҳияти.

Маълум. Унинг ёғлилиги тахирланиб кетиш даражасигача мўл бўлса ҳам, ёнғоқникидан камдир. Ёнғоқ бодомга қараганда тезроқ ҳазм бўлади ва тезроқ ўтга айланади. Баъзи табибларнинг айтишича, ширин бодомнинг елими ўз хусусияти жиҳатидан араб елимига яқиндир.

Табиати.

Ширин бодом мўътадил, намликка мойил, аччиқ бодом эса иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Аччиқ бодомнинг елими буруштиради ва қиздиради, бодомниг барча турлари кетказади, тозалайди ва [тиқилмаларни] очади, аммо ширин бодом очишда аччиқ бодомдан анча кучсизроқдир, чунки у латифлаштирувчи ва кетказувчидир ва фақат қўшимча таъсирлар билангина очувчи бўлади. Айтишларича, у умуман буруштирувчн эмас ва унинг озиқлантириш [кучи] кам.

Аччиқ бодомнинг хоссаси шуки, уни тулки еса, ўлади; у озиқ эмас,

фақат доридир. Ширин бодом эса озиқлантиради, у яхши озиқдир, аммо кучли озиқ эмас. Бодом ёғи бодомнинг ўзига қараганда енгилроқ бўлади.

З и й н а т.

Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш, излар ва офтобдан қорайишга [қарши] қўлланилади. У юздаги ажинларни[2] ҳам ёзиб юборади. Аччиқ бодом [дарахтининг] илдизи эса қайнатиб, қўйилганда сепкилга қарши кучли восита бўлади. Ширин бодомни ейилса, семиртиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Аччиқ бодом шароб билан бирга ишлатилса, эшакемда яхши [фойда қилади].

Я р а л а р.

Бодомни асал билан югурук яралар ва учуққа, сирка ва шароб билан эса темираткига суртадилар. Бу ҳолларнинг ҳаммасида аччиқ бодом жуда яхши таъсир кўрсатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қулоқнинг оғриши ва ғувуллашида фойда қилади, айниқса, аччиқ бодомнинг ёғи ва унинг шундайлигича янчилгани фойда қилади. Бодом ва шароб билан бош ювилса, ҳўл ширинчани[3] ва кепагини тозалайди ва ухлатади. Шароб ичишдан олдин аччиқ бодом ейилса, маст бўлишдан сақлайди. Айниқса, беш[4] донасини ейилса, шундай.

Агар бодом дарахтининг илдизини майда туйиб, сирка билан, ё гул ёғи билан қўшиб, пешонага қўйиб боғланса, бош оғриғига фойда қилади, аччиқ бодомнинг ёғи ҳам шундай.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўриш қувватини кучайтиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Аччиқ бодом буғдой крахмали билан бирга [қўшиб ишлатилганда] қон туфлашга, чўзма йўтал, астма ва зотилжамга фойда қилади, айниқса, бодом
183б ёғи шундай. Туюлган бодом йўтал || ва қон туфлашда фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бодом, айниқса, аччиқ бодом, жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади, чунки у томир учларидаги тиқилмаларни очади, агар унинг янгисини пўстлоғи билан ейилса, меъдани намликдан тозалайди. Бодом қийин ҳазм бўлади, аммо яхши хилт пайдо қилади ва кам озиқлантиради. Агар уни шакар билан ейилса, тез ўтади. Унинг туюлгани ширинлиги сабабли оғир бўлади ва сафрони қўзғатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Аччиқ бодом буйракдаги тиқилмаларни очади, аччиқ бодомнинг ёғи эса буйракни ва қовуқни тозалайди, тошларни майдалайди, айниқса, гул-

сапсар илдизи билан қўшиб, ичилса, ана шундай қилади. Гулсапсар илдизи ва гул ёғи билан қуюқ суртма қилинса, кўпроқ фойда қилади. Бачадон оғриқларига ва унинг иссиқ шишларига, бачадон қаттиқликларига, унинг бўғилишига, сийишнинг қийинлашишига ва буйракдаги оғриқларга фойда қилади. Кўтарилса, ҳайз қонини келтиради. Ширин бодом эса қуланжга фойда қилади. [Чунки унда] тозалаш хоссаси бордир. Аччиқ бодом фойдалироқ. Бодом ёғи бодомнинг ўзидан енгилдир.

З а ҳ а р л а р.

Қутурган ит қопганига фойда қилади.

[1] Amygdalus communis L. Мағзининг ёғи (Oleum amygdalarum) Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Б. да шундай, Л. да: «кўпчишни».

[3] Б. да: «рутубатни».

[4] Б. да: «эллик».

396 ЛИМУНИЮН[1] – ҚИЗИЛ БАҲМАН

Х о с с а л а р и.

Меваси буруштирувчи ва қуруқ бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шароб билан қўшиб ичилса, ичкетишда, ичдан қон ўтишда ва шунингдек, ҳайз қонининг кўп кетишида фойда қилади. Бир ичиш миқдори бир *оксибаф*дир.

[1] Statice limonuim L.

397 ЛАЗЗОҚ УЗ-ЗАҲАБ – «ТИЛЛА ЕЛИМИ», БУРА

М о ҳ и я т и.

Бу номни *ушаққа*[1] нисбатан ҳам қўлланилади. Унинг тўғрисида айтиб ўтдик. Баъзан бу исм билан мис ҳовончага солиб ишқаланиб, қуюқлашиб кетгунча офтобда сақланган ёш болаларнинг сийдигидан тайёрланадиган нарсани ҳам атайдилар. Бунинг маъданий хили ҳам бўлиб, у конда иссиқ сувларда эриб, сўнгра қуюлган зангордан пайдо бўлади. Биз ҳозир айтадиганимиз мана шу хилидир.

[355] Т а н л а ш.

Энг яхшиси тиниқ, тоза ва айниқса, [кристалл бўлиб] ўсувчи хилидир. Сунъий равишда тайёрланадигани кучлироқ ва латифроқ бўлади, сўнгра конларда топиладиган куйдирилган тури туради.

Т а б и а т и.

Иссиқ ва ўткир.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи, буруштирувчи, қиздирувчи, чиритувчи, латифлаштирувчи, бир оз ачиштирувчи, шимилтирувчи ва қаттиқ қуритувчидир. Шимилтириш хусусияти ачиштиришидан кучлироқ. Қуруқлиги ҳам шундай. Кўп ачиштирмай эрийди. Сунъий равишда олингани ортиқча латифлиги сабабли кучли равишда қуритади ва камроқ ачиштиради. Конларда топиладиган турини куйдирилса, латифлиги ортади ва у [юқоридаги] таъсирларда жуда етукдир.

Жароҳат ва яралар.

[Ортиқча] этни ейди. Битиши қийин бўлган жароҳатлар учун энг яхши доридир.

Озиқлантириш аъзолари.

Кўнгилни айнатувчи[2] ва буруштирувчидир.

[1] № 21 га қаранг.

[2] Б. да: «қустирувчи».

398 ЛАБЛОБ[1] – ҚЎЙПЕЧАК, ЧИРМОВГУЛ

Табиати.

Мўътадил, бир оз иссиқликка мойил ва кўпроқ[2] қуруқ. Хузистонлик [табиблар] эса уни совуқ, дейдилар.

Хоссалари.

Эритувчи, [тиқилмаларни] очувчи, *ҳабл ул-масокин* [«камбағаллар арқони»] деб машҳур бўлган тури буруштирувчи ерлилик, юмшатувчи сувлилик ва ўткир оловликдан таркиб топган. Қуритиш ундаги сувлиликни йўқ қилади. Яна унда тозаловчилик хусусияти ҳам бор.

Зийнат.

Катта лаблобнинг сути сочни тўкади ва битларни ўлдиради.

Жароҳат ва яралар.

«Камбағаллар арқони» номли хилининг янги барглари катта жароҳатларни[3] даволайди ва битиради, уни шароб билан қўшиб, қайнатиб, ишлатилади. Шунингдек, оловда куйганга қуюқ суртма қилиб ишлатилса, айниқса, мумли суртма билан ишлатилса, фойда қилади. Бу ҳақда унга тенг келадиган дори йўқ.

Бош аъзолари.

Лаблобнинг сиқиб олинган сувини бир парча пахтага [шимдириб], қулоқ оғриганда томизадилар, айниқса, гул ёғи билан ва қулоқда иссиқ

шиш бўлса, бу жуда фойда қилади. Бу яна чўзилма бош оғриқларига ҳам фойда қилади. Унинг сиқиб олинган суви қулоққа ёмон хилтларнинг доим оқиб туришида ва қулоқдаги эски яралар учун фойдалидир.

Нафас аъзолари.

Кўкрак ва ўпка учун яхши, астмани кетказади.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигардаги тиқилмаларни очади. Барглари сирка билан ишлатилганда талоққа фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Суви куйиб кетган сафрони ҳайдайди; агар қайнатилмаган бўлса, кучлироқ бўлади. Айтишларича, қўйпечакнинг ёмон бир хили бўлиб, у ичдан қон ўтказади.

[1] *Лаблоб* икки хил бўлади: кичик *лаблоб*. – Convolvulus arvensis L.; катта *лаблоб* – Hedera helix L.

[2] Б. да: «озгина».

[3] Б. да: «чиқиқларни».

399 ЛУЪОБ – СЎЛАК

Хоссалари.

Сўлак (навга) ва ҳар [навдаги] айрим шахснинг мизожига қараб етилтириш ва шимилтириш хусусиятига эгадир.

Зийнат.

Сепкилни, нуқтали қон талашни, ўлик қонни кетказади.

Жароҳат ва яралар.

Рўза тутган одамнинг сўлагини кофур билан қўшиб, темираткиларни ишқаланса, [фойда қилади].

Бош аъзолари.

Рўза тутган одамнинг сўлагини қулоқ қуртлашидан азобланаётган кишининг қулоғига томизилса, қуртини ўша ондаёқ ўлдириб, чиқаради.

Заҳарлар.

Сўлак заҳарга қаршилик кўрсатади. Рўза тутган одам бир неча мартаба чаён устига туфласа, чаён ўлади.

400 ЛАБАН – СУТ

Моҳияти.

Сут уч моддадан мураккаб топган: сувлилик, оғиз ва (ёғ) моддасидан. Сигир сутида ёғ моддаси кўп бўлади.

184а Туя сутида || эса ёғ ва оғиз моддаси оз ва ўзи жуда суюқ бўлади. Эчки сути эса мўътадилдир.

Қўй сути қуюқ ва ёғли, аммо сигир сути ундан ҳам қуюқроқ ва ёғлироқ бўлади.

Бия сути эса туя сутига ўхшаш суюқ ва сувли бўлади.

Т а н л а ш.

Одам учун энг яхши сут хотин сутидир. Энг яхши сут эмчакдан эмиб ичиладиган сут, ҳамда ҳозиргина соғиб ичиладиган сутдир. Энг яхши, сут оппоқ ва бир хил қуюқликдаги сутдир; уни тирноқ юзига томизилса, туриб қолади ва ундан оқиб тушмайди.

Сут берувчи ҳайвон яхши ўтлар билан боқилиши керак. Сутда ҳеч кандай бошқача маза, яъни аччиқ, нордон ва ўткир маза бўлмаслиги, ёқимсиз ва ёт ҳидлар бўлмаслиги керак. Сутни соғилган замон унда бирор ўзгариш пайдо бўлмасидан бурун ичиш керак. Бўғозлик [даври] хотинларнинг ҳомиладорлигидан узоқроқ ёки озроқ чўзилган ҳайвонларнинг сути ёмон бўлади. Шунинг учун бўғозлик муддати жиҳатидан инсонга яқин турган ҳайвоннинг, масалан, сигирнинг сути энг яхши сут ҳисобланади.

Т а б и а т и.

Сутнинг сувлилиги – иссиқ, ёғли қисми гарчи иссиқликка мойил бўлса ҳам мўътадилликка яқин, қатиқ эса совуқ ва қуруқ бўлади.

Х о с с а л а р и.

Сутнинг сувли қисми латифлаштирувчи ва ювувчи бўлиб, ачиштириш хоссаси йўқ. Сут хилтларни мўътадиллаштиради, баданни бақувват қилади. Семиртиради[1]. Сутни асал билан ичилса, ички яраларни қуюқ хилтлардан тозалайди, уларни етилтиради ва ювади.

(О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и)[2].

Сутнинг каймуси яхшидир. Сут, айниқса, хотинлар сути, мияни озиқлантиради[3] ва кўпайтиради. Сут тез ҳазм бўлади [356], чунки [сут] совуққа мойил аъзода пайдо бўлсада, ҳазм бўлишнинг ниҳоят даражасига етган қондан туғилиб, яна иккинчи бор ҳазмга мослашганидан кейин, қандай қилиб шу сифатга эга бўлмасин?

Сут то узоқ ҳазм бўлувчи ва қайта-қайта тозаланишга муҳтож бўлган озиққа айланмагунча у озиқлантирмайди. Балки агар сут ортиқча иссиқликнинг таъсирига учраса, [у иссиқлик сутни] тезда мўътадил қон табиатига қайтаради. Сут тўғрисидаги Руфуснинг айтганлари, гарчи унга эътироз билдирган бўлсалар ҳам, қанчалик ажиб! Сут совуқликка мойиллиги сабабли балғам мизожлиларга зарар етказмайди, чунки уларнинг иссиқлиги сутни етарли миқдорда қонга айлантирмайди. Сутнинг қонга

яқинлиги сабабли инсон гавдаси сутни то у [қонга] айланиб кетгунигача ўзлаштиради; шу сабабли сут иссиқ ва қуруқ мизожли кишиларга, уларнинг меъдасида сутни (қонга айлантирувчи) «сафро йўқ пайтида фойда қилади. Ундан ташқари сутда одам гавдасига мувофиқ [хусусиятлар] бор, лекин бунинг сабабларини билиб бўлмайди. Сут ичган киши тинч ҳолда туриши керак, акс ҳолда [сут меъдада] ачийди ва бузилади. Сутдан истеъмол қилгач, у то пастга ўтмагунча ухламаслик, ҳам унинг устига бошқа овқат емаслик керак. Сут иссиқ мизожли ёшлардан кўра, ёши улғайган кишиларга кўпроқ ёқади. Чунки у ёшларда сафрога айланиб кетади. Сут кекса кишиларга уларнинг табиатида ҳўллик ҳосил қилгани ва уларда бўладиган қичимани йўқотгани сабабли фойда қилади. Аммо уларнинг [сутни] ҳазм қилишларига асал билан ёрдам бериш керак. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди. Сўнгра озиқлантиради ва [баданга] тарқалиб, ич яна тўхтайди. Агар сутни қайнатилмаса, у ични дам қилади. [Сут] ични юмшатувчи сув қисми ва боғловчи оғиз қисмидан мураккаб топган. Оғиз сути секин ҳазм бўлади, қуюқ хилт ҳосил қиладн ва пастга секин ўтади, аммо асал унинг [хусусиятини] тўғрилайди. Гавда эса [оғиз сутидан] кўп озиқ олади.

Қатиқ хом хилт ҳосил қилади; қайнатилган сут, айниқса, қуюғи ични кўпроқ боғлайди. Туя сути унда оғиз моддаси камлиги ва ўзидаги сув қисмининг тозалаш хусусияти сабабли тиқилмалар ҳосил қилмайди. [Ундан] бошқа ҳар қандай сут тиқилмалар пайдо қилади, айниқса, жигарда. Сут ички аъзоларга қуюлиб, уларга ўзининг ўткирлиги ва ачиштирувчанлиги сабабли озор бераётган моддаларга [қарши] фойда қилади. Бундан ташқари у ўзининг [оддий] сувдан кўра кучлироқ бўлган сув қисми билан ювиши натижасида моддаларни кучсизлантиради. Сут аъзоларга муносиб бўлгани ва уларга ёпишадиган бўлгани сабабли, аъзо билан ёмон хилтлар орасига тўсиқ бўлиб, у хилтларнинг кайфиятини мўътадиллаштиради ва ёмон хилтлар билан аъзо орасига кириб, уларни аъзо билан бевосита тўқнашишга қўймайди.

Сут қон оқиши бор одамларга зарар қилади, ички аъзолар учун ҳам яхши эмас, ички аъзоларга бошқа сутларга қараганда эчки сути кўпроқ зарарлидир, чунки эчки кўпроқ буруштирувчи нарсалар билан овқатланади. Қўй сути эса [эчки сутига нисбатан] қарама-қарши хусусиятга эга, [аммо] мақтарли эмас ва яллиғланишни келтириб чиқариши мумкин.

Сут ўз жавҳари билан тез ўзгаради, айниқса, иссиқликдан, аммо ҳеч нарса гавда учун ёмон сут қадар зарар келтирмайди.

Эшак сути сувлироқ, чўчқа сути ҳам сувлироқ ва етилмаган. Баҳорги сутнинг ёзги сутга қараганда сувлилиги кўпроқдир. Сув бўйларида ва

ботқоқликларда ўтлайдиган барча ҳайвонларнинг сутлари ҳам ана шундайдир. Чунки баҳорги ўтлар ёзги ўтларга қараганда сувлироқ бўлади
184б ||. Ёз кузга яқинлашган сари сут қуюқлаша боради. Энг яхши сут ёзнинг ўртасида соғилиб ичиладигани, лекин ичилгач, унинг иссиқдан бузилиш хавфи бор. Лекин баҳорда бу хавф бўлмайди.

Сигир сути жуда серёғ бўлади, қўй сутида эса оғиз кўп бўлади. Туя сутида ёғ ва оғиз моддалари оз, унинг кетидан бия сути ва энг кейин эшак сути келади. Шу сабабли [буларнинг сутлари] меъдада ва қориннинг юқори қисмида бошқа сутларга нисбатан кам ивийди. Туя сутида яна шўрлик ҳам бор, чунки туялар нордон ўтларни яхши кўрадилар. Бу сут энг яхши сутдир. Шунинг билан бирга, у меъдада ва қорин бўшлиғининг юқори қисмида бошқа сутларга қараганда узоқроқ сақланади, дейдилар.

Билгинки, сут ҳайвоннинг навига[4], унинг ёшига, яъни ёш, қари ёки ёши ўртача бўлишига, унинг тузилишига, гўштининг юмшоқ ёки қаттиқлиги, семиз, ё ориқлиги, оқлиги ёки бошқа рангда бўлишига қараб ҳам ўзгаради. Айтишларича, энг кучсиз сут оқ ҳайвоннинг сути бўлиб, у тез пастга ўтади.

З и й н а т.

Баъзи табибларнинг айтишича, сутни истеъмол қилиш, битлатар эмиш. Бу эҳтимолдан узоқ эмас. Уни баданга суртилса, теридаги хунук изларни кетказади, ичилса, [терининг] рангини яхшилайди. Лекин кўпинча, сут оқ доғни келтириб чиқаради. Лекин туя сути бундан мустасно бўлиб, ундан оқ доғ пайдо бўлиш хавфи камдан кам бўлади.

Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса, хотинларни чиройли қилади. Сут семиртиради; ҳатто оғиз суви иссиқ ва қуруқ мизож сабабли озган одамларнинг мизожини ҳўллаш ва ёмон хилтларни чиқариш ва шу билан озиқни яхшилаш орқали семиртиради. Қатиқни [357] [темир] тўполи билан берилса, ўшандай одамларни тез семиртиради. Оғизнинг суви суртилса, сепкил ва доғларни кетказади, гоҳо ичилганда ҳам шуларга фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Сут ичилганда, кўпинича ёмон сифатли шишлар, йирингли шишлар, сарамас, қичима ва қўтир [билан оғрувчи кишиларга], агар уларнинг мизожи сутни бузмайдиган ва уни сафрога айлантириб юбормайдиган бўлса, фойда қилади. Ички шишлари бўлган одамларга сут зарар қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сут ўзининг ювиш, тозалаш ва ёпиштириш хоссалари сабабли ички яраларга мос келади. Мизожи сутни бузадиган ва уни сафрога айлантириб юборадиган нарсаларга эга бўлмаган кишиларнинг ярасига сут фойда қилади. Оғиз сувини ҳалила билан қўшиб, қўтирга ишлатилади.

Бўғинлар.

Асабга ва асаб касаллиги билан оғриган кишиларга, айниқса, у касаллик совуқ ва балғамий бўлса, сут зарар қилади.

Бош аъзолари.

Эчки сути назлаларда фойда қилади ва уларни тўхтатади; ўткирлигини юмшатади. Томоқдаги яраларга ҳам фойда қилади. Сут қуруқ мизождан бўладиган ғамгинлик ва васвасага ҳамда эсда сақлаёлмаслик касаллигида яхши даводир. Сут тишларга зиён қилади, уни ейди, ковак қилиб, увалайди, айниқса, тиш совуқ мизожли бўлса, шундай қилади. У милкларни бўшаштиради ва ундан сўнг асал, шароб ёки сиканжубин билан оғизни чайқаш керак. Айтишларича, эшак сути билан оғиз чайқалса, тиш ва милкларни маҳкамлайди ва бош оғриқли, боши айланадиган, қулоғи шанғиллайдиган кишиларга мувофиқ келмайди, айниқса, [сутни ичгандан] сўнг ухласалар, шундай бўлади. Қисқаси, у боши заиф кишиларга зарар қилади.

Кўз аъзолари.

Сут кўзнинг хираланишини ва шапкўрликни келтириб чиқаради.

Агар кўзга соғилса, кўз оғриғига ва кўзга тушадиган иссиқ моддаларнинг зарарига қарши фойда қилади. [Қовоқ] ғадир-будурлигига ҳам фойда қилади. Яна сутни тухум оқи ва хом атиргул ёғи билан қўйилса ҳам шундай таъсир беради. Кўзга соғилган сут кўздаги қизил нуқталарни кеткизади.

Нафас аъзолари.

Эшак ва эчки сути қайси бири бўлмасин, йўталга, сил ва қон туфлашга фойда қилади; қўй сути эса қон туфлашга кўпроқ фойда қилади. Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган дорилардандир. У билан оғизни чайқаш ва ғарғара қилиш томоқ оғриққа, томоқ шишига, тилчанинг ва бодомсимон безларнинг шишларига фойда қилади. Аммо сут қон ёки балғамдан бўладиган ҳўл хафақон касали билан оғриганларга зарар қилади. Туя сути астма ва нафас қисишга фойда қилади.

Сут бош ёки меъдадан кўра кўкрак учун фойдалирокдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Сут жигарда тиқилмалар пайдо қилади. Оғиз суви сариқ касалига фойдалидир. Эчки ва туя сути ҳам шундай. Эшак сути истисқога фойда қилади. Бу сутларнинг ҳаммаси талоқ қаттиқлашганида фойда қилади; туя сути эса канакунжут ёғи билан бирга ички қаттиқликларда ишлатилади. У меъдада ел, || шиш ва оғриқ пайдо қилади, айниқса, оғиз суви шундай. *185a*
Ҳар иккаласи [оғиз суви ва сут] ҳиқичоқ ва дудли [яъни қуруқ] кекиришни келтириб чиқаради. Лекин сут кўпроқ шундай қилади. Туя сутидан бошқа сутлар талоқ, жигар оғриғи бор кишиларга ва енгил тадбирга муҳтож ки-

шилар учун зарарлидир. Туя сути талоқ ва жигардаги кўп касалликларга[5] фойда қилади ва жигарни ҳўллайди. Туя сути истисқо учун жуда фойдалидир, айниқса, уни урғочи араб туясининг сийдиги билан қўшиб, ичилса, иштаҳани оширади ва чанқатади. Қатиғи жуда секин сингийди ва хом хилт пайдо қилади. Баъзи иссиқ меъда, ё ўз табиатига кўра, ёки тасодифий сабаблар билан, уни ҳазм қилиб юборади: бундай меъда учун у фойдалидир. Бундай ҳолларда туя сутининг қатиғи қаймоғи олинганлиги сабабли дудли кекирик пайдо қилмайди.

Чиқариш аъзолари.

Оғиз суви куйиб кетган сафрони ҳайдайди. Девпечак билан бирга эса куйиб кетган савдони ҳайдайди. Сут тош пайдо қилади. Сувли қисми кетгунча қайнатилган сут ични қотиради ва қонли ичкетишни тўхтатади. Туя сути ҳайз қонини ҳайдайди, сигир сутининг айрони эса сафроли ичкетишда фойда қилади. Янги соғилган сут билан бачадон яраларида ҳуқна қилинади. Эчки сути қовуқдаги яраларга фойда қилади. Сут яна жинсий алоқа зарарини кетказади ва шаҳвоннй қувватни орттиради. Ичакда ел пайдо қилади. Қуюқ сут қуланжни қўзғатади ва тошларни пайдо қилади, айниқса, оғиз сути шундай. Сут, ҳатто, қатиқ иссиқ мизожли кишиларда шаҳвоний интилишни кучайтиради, чунки у мизожни ҳўл қилиб, еллантиради. Кўпгина сут ични юмшатади. Айниқса, бия, эшак, (туя), сигир, эчки сутлари ана шундай. Шунингдек, ҳар бир сувлилиги оз бўлган сут ҳам шу каби таъсирга эгадир. Сутни кўп ичиш ични суради. [358] Чунки у ҳазм бўлмайди.

Туз сутнинг ва оғиз сувининг ични суришига ёрдам қилади. Алангада қайнатилган сут, қиздирилган тош ва қиздирилган ясси темир парчаси билан иситилган сутлар албатта ични қотиради.

Сут ичак шилинишида фойда қилади. Қайнатилган қатиқ сафро ва қон аралаш ичкетишни тўхтатади. Туя сути бавосирга фойда қилади.

Сутни орқатешик шишлари ва яраларига, қов устидаги шиш ва яраларга қўйилса, фойда қилади ва шу аъзолардаги оғриқни босади.

Иситмалар.

Эчки ва эшак сути сил ва ниҳоят даражада озиб кетиш [қотмалик]да фойда қилади, буни сен ўз жойида кўрасан. Ёғи яхши олинган қатиқ яхши ҳазм бўлса, оздириб юборувчи иситмада фойда қилади.

Янги соғилган қуюқ сутлар иситмаларда кўпинча ишлатилмайди ва иситмаси бор киши ундан қочсин!

Заҳарлар.

Сут ўлдирувчи дорилар, денгиз қуёни, чўл газагўтининг елими, (сассиқалаф), мингдевона ичганга қарши фойда қилади. Айниқса, ола-

куланг, денгиз қуёни, чўл газагўтининг елими, *харбақ*, «бўри ва қоплон бўғувчи» ва барча чиритиб, этни ўювчи дориларга қарши фойда қилади. Сут мингдевона ичган кишига фойда қилиб, унинг ақлини ўзига келтиради.

[1] Б. да: «ични қотиради».
[2] Сарлавҳа ортиқча.
[3] Б. да шундай; Л. да: «елимлайди».
[4] Б. да: «рангига».
[5] Б. да: «шишларга».

401 ЛАҲМ – ЭТ, ГЎШТ

Моҳияти[1].

Энг яхши гўшт қўй гўштидир, чунки у иссиқ ва юмшоқдир. Улоқ, бузоқ ва ёш [ҳайвон]ларнинг гўшти ҳазм учун энг яхши бўлиб, ғизоси жуда латифдир. Улоқникидан кўра кўзичоқ [гўшти]да чиқинди камроқдир. Мақтарли сут эмган молнинг гўшти жуда яхши, ёмон сут эмган молники эса зарарлидир. Қари қўйнинг гўшти ва шунингдек, ориғиники ёмондир. Қорасининг гўшти енгилроқ ва лаззатлироқ бўлади. Эркак молнинг гўшти ва катта, семиз, қизил сермушак ҳайвонларнинг гўшти ҳам шундай. Оқининг гўшти ҳам енгил бўлади. Ола ҳайвоннинг гўшти кам ғизоли бўлиб, меъда устига сузиб чиқади.

Танлаш.

Энг яхши ва сингувчан гўшт чуқур жойлашиб, суякка яқин турган гўштдир. Ўнг томоннинг гўшти чап томонникидан енгилроқ (ва яхшироқ) бўлиб, мушакларнинг ўрта қисми ҳаммасидан ҳам нуқсонсизроқдир. Асабсиз ғовак гўштга келсак, у мазали гўштдир; айниқса, сут туғдирадигани, масалан, елин гўшти ёки сўлак пайдо қилувчиси, масалан; тил ўзагининг гўшти шундайдир. Бундай гўшт ҳазм бўлса, ғизоси яхши бўлади ва у кўпинча шилликли бўлади. Унинг ғизосининг кўплиги ҳайвоннинг бошқа кисмларидаги гўштлардагича ва мушак гўштларидагича эмас. Елин гўшти ва хўроз моягидаги гўшт бундан мустасно.

Яхшилиги энг оз бўлган гўшт [аъзоларни] ушлаб туриш учун яратилган гўштлардир; масалан, жигар томирлари ўртасида жойлашган тўқима, юракнинг гўшти, унинг асоси ва тутсимон гўштлар. Елиннинг озиқлиги яхши, агарда унда сут бор бўлса, ғализ || бўлади. Бичилган ҳайвоннинг *185б* гўшти бошқасиникидан яхшидир.

Қуш гўштидан энг яхшиси тустовуқ, [яъни қирғовул] гўштидир. Товуқ гўшти ундан латифроқ, лекин озиқлиги унча эмас. Тоғ ва чўл каклигининг

ва дуррожнинг гўшти ҳам шундайдир. Қуруқ мизожли ёш ҳайвонларнинг гўшти қарисининг гўштига қараганда яхшидир. Масалан, улоқнинг гўшти яхши, эчкининг гўшти эса унчалик яхши эмас. Ундан пайдо бўладиган хилт кўпинча ёмон бўлади. Таканинг гўшти умуман ёмондир.

Ёввойи ҳайвонларнинг гўшти, барча сувда юрадиган йирик қушларнинг гўшти, узун бўйинли қушлар, товус, тувдо ва қаттиқ [гўштли] каптарларнинг, *қато*[2] ва бошқа кўпинча савдо туғдирадиган гўштлар ва шуларга ўхшаш бошқа қушларнинг гўшти ёмондир. Барча чумчуқсимон қушларнинг гўшти ёмон. Йирик ва кўп ҳаракат қиладиган қушларнинг қаноти яхши каймус пайдо қилади. Ёввойи ҳайвонлар гўшти ичида гарчи савдо туғдиришга мойил бўлса ҳам, энг яхшиси оҳу гўштидир. Христианлар ва улар билан бир хил диндаги кишилар аксинча, энг яхши гўшт ёввойи чўчқанинг гўшти, дейдилар, чунки у уй чўчқасининг гўштидан яхши, озиқли ва тез ҳазм бўлади. Энг яхши гўшт қишда туғилган ҳайвонники бўлади. [Яна] ҳайвоннинг ёши, ўтлоғи, ҳаракати ва бошқа сут бобида айтиб ўтилган ҳолатларга ҳам аҳамият бериш керак.

Т а б и а т и.

Барча қушларнинг гўшти тўрт оёқли ҳайвонларнинг гўштидан қуруқроқдир. Сигир гўшти эчки гўштидан қуруқроқдир, эчки гўшти эса қўй гўштига қараганда қуруқ ва қийинроқ ҳазм бўлади. Туя гўштининг озиғи ғализ бўлиб, кучли қиздиради. Қуён гўшти иссиқроқ ва қуруқ. Йирик қушлар, ғоз [359] ва эркак тувдо гўшти ғализ бўлади. Ўрдак ва бошқа сув қушларининг гўшти эса жуда ҳўл ва бу жиҳатдан қўй гўштига яқиндир. Баъзи табиблар «типратиканнинг гўшти – ҳўлловчи», дейдилар. Семиз гўшт ва думба иссиқ ва ҳўлдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Гўшт гавдани қувватли қилувчи ғизодир. Овқатларнинг ичида тезроқ қонга айланувчиси [гўшт]дир. Қовурилган ва кабоб қилинган гўшт энг қуруқдир. Қайнатилган гўштнинг озиқлиги ҳўлроқ. Дориворлар, *муррий* ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан қайнатилган гўштнинг қуввати ўша дориворларнинг қувватидек бўлади. Семиз гўшт ва чарвининг озиқлиги ёмон ва кам бўлиб, таомга [иштаҳани] сўндиради[3]. Уларнинг фақат овқатга маза берувчи озгина миқдори яхшидир. Тузланган гўшт, гарчи у аслида ҳўлловчи бўлган бўлса ҳам, оқибатда қуритувчи бўлиб қолади ва бошқа ҳамма гўштлардан кўпроқ қуритади. Унинг озиқлиги оз.

Семиз гўшт кам озиқлик бўлиб, ични юмшатади; у тутун ва сафрога тез айланиб кетади ҳамда тез ҳазм бўлади. Думба ёғли гўштдан ҳам ёмон бўлиб, у ёмон сингади ва ёмон озиқ бўлади. У чарвига қараганда иссиқроқ ва ғализроқдир. Мол гўшти кўп озиқли бўлади, лекин ғализ озиқ беради.

Гўштнинг қораси (ва ёмони) савдовий касалликларни келтириб чиқаради. Энг яхши гўшт бузоқнинг гўштидир. Сигир гўшти қовун пўчоғи билан [қўшиб қайнатилса], яхши пишади. Уни баҳорда ва ёзнинг бошларида ейилса яхши. Христианлар ва уларнинг йўлидан борувчилар, гарчи мол гўшти ғализ бўлса ҳам, чўчқа гўшти каби ёпишқоқ ва тиғиз эмас, дейдилар.

Чўчқа боласиниг гўштига келсак, унинг ғизолиги камдир. [Чунки у] тез шимилувчи ва кучли ҳўлдир. Ўрдак гўштининг ғизолиги кўп бўлади, лекин унда, товуқ ва унга ўхшашларнинг гўштидаги яхши ғизолик йўқдир. Унинг жиғилдони лаззатли, жигари овқат учун жуда лаззатли ва яхши хилт келтириб чиқаради. Кўк қарғанинг гўшти елларни синдирувчидир. Гўштларнинг ичида камроқ бузиладигани кам ёғлиги ва жавҳари қуруқ бўлганидир.

З и й н а т.

Мол гўшти доғ пайдо қилади. Ёввойи эшакнинг ёғи сепкилга суртилса, фойда қилади. Семиз ўрдакнинг ёғи ҳам шундай. Семиз қўзичоқларнинг куйдирилган гўштини доғга суртма қилинади. Қурбақа гўштининг куйдирилгани эса «тулки касаллиги»га қарши ишлатилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қорамол гўшти саратон касалини келтириб чиқаради, бошқа ғализ гўштлар ҳам шундай. [Мол гўшти] қаттиқ шишларни қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Мол гўшти қўтирни ва ёмон темираткини пайдо қилади. Бошқа ғализ гўштлар ҳам шундай қилади. Қўзичоқ гўштининг куйиндисини темираткига қўйилади.

Б ў ғ и н л а р.

Мол гўшти моховни, фил касаллигини ва веналар кенгайишини келтириб чиқаради. Бошқа қаттиқ [ғализ] гўштлар ҳам ана шундай [таъсир қилади]. Ёғли гўшт ва думбани асабларнинг қаттиқланишида қўйиб боғланса, яхши [фойда қилади]. Қуён гўштининг қайнатмасига подагра ҳамда бўғин оғриғига учраганларни ўтирғизадилар. Унинг таъсири тулки гўшти қайнатмасининг таъсирига яқиндир. || Латчанинг гўштини бўғин *186а*
оғриғига қўйиб боғланади. Ёввойи эшакнинг ёғи, қуст ёғи билан бадан орқасидаги [мушак] оғриқларида ва ғализ ел [тўпланганида] суртилса, жуда яхши [даво бўлади].

Афъо илонининг гўшти, махсус бобда айтилгани каби[4], моховга ишлатилади, типратикан гўшти ҳам моховга яхшидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мол гўшти ва бошқа айтиб ўтилган ғализ гўштлар қуритувчилиги сабабли (савдони ва) васвасани келтириб чиқаради. Латчанинг гўштини шаробга солиб, тутқаноғи бор кишига ичирилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Қўзичоқ гўштининг кули кўзга оқ тушганига фойда қилади. Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли даррандаларнинг гўшти кўз учун фойдали ва уни қувватли қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Дарё қисқичбақалари сил касаллар учун жуда фойдалидир; жўжа гўшти, агар сирка билан қайнатилмаган бўлса, томоқ оғриғини қўзғатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Юқорида айтиб ўтилган ғализ гўштлар талоқни қаттиқлаштиради. Аммо қуруқ кашнич ва заъфарон солиб, мол гўштидан тайёрланган *сикбож*[5] ёмон суюқликларнинг меъдага оқишига тўсқинлик қилади.

*Қато*нинг гўштини мизож бузилиши, истиско, талоқдаги ва жигардаги тиқилмаларда фойда берувчи дорилар қаторида айтиб ўтадилар. Истиско [касаллигида] чанқатмасин учун, бу [гўштдан] *қарис*[6] овқати тайёрлаб, истеъмол қилиш мувофиқроқдир.

Баъзи кишилар йиртқич ҳайвонларнинг гўштини меъданинг совуқлиги, хўллиги ва заифлигига фойда кўрсатади, деб мақтайдилар.

Овқат ўтишининг ва ҳазм бўлишининг тезлиги ёки сустлиги озиқнинг ғализлигига ёки нозиклигига боғлиқ эмас. Масалан, айтишларича, ёввойи чўчқа ва уй чўчқасининг гўшти, гарчи у жуда озиқли, ёпишқоқ ва ғализ бўлсада, тез ҳазм бўлади ва тез ўтади. Кийик гўшти ҳам, гарчи ғализ бўлсада, [меъдадан] тез тушади. [360] Типратикан гўшти *сиканжубин* билан бирга истисқога ишлатилса, фойда қилади.

(Қатонинг гўшти эса жигар тиқилмаларида ва унинг заифлигида, мизож бузилишида ва истисқода фойда қилади). Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли даррандаларнинг гўшти меъда учун ёқимсиздир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мол гўшти ўтнинг ичакка соғилиб ўтишига тўсқинлик қилади. Қовурилган қуён гўшти ичакдаги яраларга жуда яхши [фойда қилади]. Типратиканнинг гўштини қуритиб, *сиканжубин* билан [ейилса], буйракдаги оғриққа яхши [фойда қилади]. Қари хўроз гўштининг қайнатмаси қуланжга ва савдовий касалликларга фойда қилади. Ёввойи эшакнинг ёғи қуст ёғи билан бирга қўшилса, ғализ еллар сабабли бўладиган буйрак оғриқларига фойда қилади. Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли паррандаларнинг гўшти бавосирга яхшидир. Мол гўштининг қайнатмасидан қилинган *сикбож* сафроли ичкетишга жуда яхши ва уни тўхтатади. Бу гўштдан кашнич билан, сирка ёки унга ўхшаш нордон нарсалар қўшиб қилинган *қарис* оши ҳам, унга қуруқ кашнич ва бир оз заъфарон қўшилса, шундай [таъсир беради].

Шунингдек, қовурилган ёки қовурилмаган қуш гўшти ични қотиради,

какликнинг, айниқса, тоғ каклигининг[7] ва чўл каклигининг гўшти шундай. [Бу жиҳатдаи] қатонинг ва сўфитўрғайнинг гўшти, айниқса, аввал қайнатиб сўнг сувини тўкиб ташланса, жуда кучли бўлади.

Тоғ эчкисининг гўшти сийдикни ҳайдайди. Ёғли гўшт бошқа хил гўштларга қараганда ични кўпроқ юмшатади.

И с и т м а л а р.

Сигир гўшти, тоғ эчкиси гўшти, кийик ва йирик қушларнинг гўштлари тўрткунлик иситмани туғдиради.

З а ҳ а р л а р.

Латча гўштининг қуритилганини шаробга солиб едирилса, заҳарларга қарши фойда қилади. Қўзичоқ гўштининг куйдирилгани илон, чаён ва қора чаён чаққанда фойда қилади. Яна, шунингдек, у шароб билан қўшилса, қутурган ит [тишлаганида] фойда қилади. Қурбақа гўшти газандалар чақишига қарши фойда қилади.

1 Б. да: «танлаш».
2 Форс тилида *сангхўр*, дейилган қуш.
3 Б. да: «овқатни латифлаштиради».
4 № 281 га қаранг.
5 *Сикбож* – сирка солиб тайёрланадиган овқат [М. А.].
6 Сирка ва турли хўл меваларни солиб, енгил гўштлардан тайёрланадиган овқат.
7 Б. да шундай; Л. да: «тимсоҳнинг».

«МИМ» م [М] ҲАРФИ

402 МИСК[1] – МУШК

М о ҳ и я т и.

Мушк худди оҳуга ўхшаш бир ҳайвоннинг (ёки оҳунинг) киндигида [бўлади]. У ҳайвоннинг ичкарига қараб қайрилган шохга ўхшаш иккита оппоқ озиқ тиши бор.

Т а н л а ш.

Чиқадиган жойига қараб энг яхши мушк тибат мушкидир. Баъзилар [эса] хитой мушки [дейдилар]. Сўнгра хирхиз [мушки][2], сўнг ҳинд [мушки] ва [ниҳоят] денгиз [мушки туради]. Ҳайвон ўтлайдиган жойга қараб иккала хил *баҳман*[3] ва сумбул билан ўтлайдиган ҳайвонларнинг мушки энг яхши бўлиб, сўнгра эса канавча[4] ейдиган ҳайвонларники [туради]. Ранги ва ҳиди жиҳатидан энг яхшиси олма ҳидли, сариқ [рангли мушкдир].

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, баъзи [табибларнинг] фикрича, унда қуруқлик ортиқроқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Латифлаштирувчи ва қувватли қилувчидир.

Зийнат.

Овқатга тушса, оғизни ҳидлантиради.

Бош аъзолари.

Мушкни заъфарон ва бир оз кофур билан қўшиб, бурунга тортилса, совуқдан бўлган оғриққа фойда қилади. Шимилтирувчилиги ва ўзидаги қувват сабабли мушкнинг ўзи ҳам шу таъсирни беради. Мушк мўътадил мияни кучайтиради.

Кўз аъзолари.

1866 Кўзни бақувват қилади. Ундаги ҳўлликларни шимиб олади || ва юпқа оқ пардани кетказади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Юракни кучли қилади, тетик қилади. Хафақон касаллигида ва ваҳима касаллигида фойда қилади.

Заҳарлар.

Заҳарларнинг, айниқса, аконитнинг тарёқидир.

[1] Эркак кабарга кийиги Moschus moschiferus L. нинг мушк безларидан олинадиган ўткир ҳидли бир модда.

[2] Матнда *жиржжири* деб хато босилган. Ўша вақтларда Енисей дарёсининг бошланиш жойларида яшовчи туркларни хирхиз деб аталган, «Сайдана» № 384 (6), 992.

[3] № 84 нинг изоҳларига қаранг.

[4] Арабчаси *марв*.

403 МАСТАКО[1] – МАСТАКИ

Моҳияти.

Унинг оқ рангли румий ва қорамтир рангли набатий хили бўлади[2]. Унинг дарахти озгина сув моддасидан ва кўп миқдордаги ерлик моддадан иборатдир. Мастаки *кундурга* қараганда латифроқ ва фойдалироқдир.

Танлаш.

Энг яхшиси оқ, ялтироқ[3] ва тоза хилидир. (Бир неча кун сиркага солиб қўйиб эритилса ва сўнгра кўтарилса, тузалади).

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Унинг қиздирувчанлиги ва қуритувчанлиги *кундур*никидан камроқ. Мастаки дарахтида кучли совутиш ва қиздириш [қуввати] йўқдир.. Унинг ўзида дарахтидан кўра қиздирувчанлик кўпроқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи ва шимилтирувчи.

Дарахтининг ҳамма бўлаклари буруштирувчидир. Мастаки илиқ сув моддасидан ва ер моддасидан таркиб топган. Ўзининг пўстлоғи[4] ва илдизларининг пўстлоқлари *ақоқиё*нинг[5] ва такасоқолнинг ўрнини ҳамда уларнинг ўрнига ишлатиладиган нарсаларнинг ўрнини босади. Баргининг ширасы ҳам шундай. Мевасидан қаттиқ буруштирувчи ёғ олинади. Аммо Жолинус, мастаки дарахтининг ҳамма қисмларида буруштириш билан бирга юмшатиш қуввати [ҳам] бор, ёғлари ҳам ана шундай, деб ўйласа керак. Қорамтир рангли набатий[6] мастакининг буруштирувчанлиги камроқ бўлиб, қуритувчанлиги кўпроқдир. Кучли шимилтириш зарурияти туғилганда мастаки жуда мувофиқ келади. Ундаги бор хоссалар – буруштириш, юмшатиш ва қуритиш таъсирларининг ҳаммаси зарар етказмайди. У[7] жуда латифдир. У латифлиги, юмшатувчилиги, майин иссиқлиги сабабли балғамни эритади. Шунга қарамай, унинг [361] ўткирлиги ва зичлиги бошқа елимларникидан камрокдир.

З и й н а т.

Мастаки тишни тозаловчи дориларга, пардоз мойларига қўшилади ва ҳусндор қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Буруштирувчанлиги ва юмшатувчилиги сабабли ички аъзолардаги шишларга фойда қилади. Набатда[8] бўладиган қора мастаки ички қаттиқ шишларга мувофиқ келади ва учуқ жинсидаги шишларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ширасы ва баргининг қайнатмаси ёйилувчи ярани тўхтатади. Дарахтининг ёғи кўтирга, ҳатто моллар ҳамда итларнинг қўтирига фойда қилади. Баргларининг қайнатмасини ва ширасини яраларга қуйилса, эт ундиради, синган суякларга қўйилса ҳам уларни бириктиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мастакини чайналса, бошдан балғамни тортиб олади ва бошни тозалайди, шунингдек, оғизни чайқалса, миликларни маҳкамлайди.

К ў з а ъ з о л а р и.

Тескари ўсган киприкни мастаки билан ёпиштириб қўйилади[9].

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Мастаки, айниқса, илдизининг ва пўстлоғининг қайнатмаси йўталга ва қон туфлашга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани ва жигарни қувватли қилади, иштаҳани очади, меъдани яхшилайди, кекиртиради, меъдадаги шилликни эритади, меъда ва жигардаги шишларга ўз вақтида [тездан ишлатилса], фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Буйрак ва ичакларни қувватли қилади ҳам буларнинг шишларига фойда қилади. Илдизи ва пўстлоғининг қайнатмаси ичкетиш, дизентерия ва ичак шилинишида фойда қилади. Шунингдек, баргининг ўзи бачадондан қон кетишга ва бачадон оғриқларига, ундан ёмон суюқликларнинг оқишига, бачадон тушиши ва кўтан чиқишида фойда қилади. Мастаки дарахтининг[10] ёғи ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. У сийдикни ҳам юриштиради.

1 Pistacia lentiscus L. Б. ўсимлигининг елими.
2 Б. да шундай; Л. да: «румий, оқ ва қорамтир қибтий хиллари бўлади» дейилган.
3 Б. да шундай; Л. да: «эритиб юборувчи».
4 Б. да: «илдизи».
5 № 5 га қаранг.
6 Л. да: «қибтий».
7 Б. да: «унинг ёғи».
8 Л. да: «Қибтда».
9 № 598 нинг «кўз аъзолари» бобига қаранг.
10 Б. да: «ва уруғининг».

404 МУ[1] – «ЁВВОЙИ УКРОПНИНГ ИЛДИЗИ»

Турли шаклдаги парчалардан иборат бўлиб, [дарахт] пўкагинипг рангида бўлади. Унинг буруштирувчи ва аччиқ чанги ҳам бўлиб, ҳиди ёқимли ва тилни ачитади. У бир сув ўсимлигининг илдизи бўлиб, [фақат шу] илдизгина ишлатилади ва у Македонияда кўп бўлади.

Танлаш.

Оқ, йирик[2] ва тозаси энг яхшисидир. (Уни бир неча кун сиркада тутиб тузатилади, сўнгра қуритиб, кулча дори қилинади).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Ел пайдо қилувчи етилмаган ёт ҳўллиги бор.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф, тозаловчи, очувчи ва қувватда сунбулга ўхшашдир. Лекин бу қизитувчанроқ ва буруштирувчанроқ бўлади.

Бўғинлар.

Ичилганда ва марҳам қилиб суртилганда, бўғин оғриқларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Кўп ишлатилса, бошни оғритади, чунки унда қотадиган[3] ортиқча ҳўллик бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Совуқ [мизожли] жигарга ва ундаги кўпчишга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичилганда ва қўйиб боғланганда, қийналиб сийишда фойда қилади. Шунингдек, қовуқдаги оғриқларга ва унда чиқиндиларнинг тўхталиб қолишига [ҳам] фойда қилади. Ҳатто унинг сувида ўтириш ҳам ҳайз қонини юргизади, бачадон оғриқларига фойда қилади. Ичаклардаги оғриққа, [ичакдаги] қулдураш ва дам бўлишга ҳам фойда қилади.

[1] Meum athamanticum J a c q.
[2] Б. да: «эритадиган».
[3] Б. да: «хом».

405 МОЗАРИЮН[1]

Моҳияти.

Бу *яттуъ*ларнинг йирик бир хили бўлиб, икки хил бўлади: бирининг барги йирик ва юпқа, иккинчисининг барги майда || ва қалин, энг ёмони *187а*
ана шу [кейинги]сидир; қораси ўлдирувчан бўлади.

Танлаш.

Мозариюнинг энг яхшиси йирик барглиси бўлиб, барглари зайтун дарахтининг баргига ўхшаш ва ундан нозикроқ бўлади. Майда ва қалин барглиси ёмон хилидир. Зарарли хоссаларини сирка билан камайтирилади.

Табиати.

Тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Мозариюн тез, кетказувчи, (тозаловчи) [пўстни] шилувчи ва ўткир мазалидир.

Зийнат.

Мозариюнннг ҳамма турлари доғ, песлик ва нуқтали қонталашга қарши сиртдан суриб, марҳам қилинади, гоҳо унга олтингугурт ҳам аралаштирилади.

Жароҳат ва яралар.

Барча турларини асал билан қўшиб, темираткиларга ва чиркли яраларга суртилади. Ўзидаги шимилтирувчи ва еювчи жавҳар туфайли, у қовжираган яраларни қўпоради. Шунингдек, қўтирни ҳам қовжиратади.

Бош аъзолари.

Мозариюнннг, айниқса, қорасининг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, тишнинг оғриғини қолдиради. Гоҳо унинг озгинасини мурч ва бир бўлак мум билан қўшиб, ўйилган оғриқ тишга ёпиштирилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Мозариюн жигарга жуда зарар қилади.

Чиқариш аъзолари.

[Ичдан] сувни суради, айниқса, ҳўл ҳолида ва гуллаган вақтида олингани шундай қилади. Ўткирлигини сиркада ивитиш, сўнгра қуритиш билан кетказилади. Бир марта ичиш миқдори қуйидагичадир: олти *драхмий* ивитилган *мозариюнни* бир ярим *ратл* сувга солиб, унинг тўртдан уч қисми қолгунча қайнатилади, сўнг ичилади. У, гижжаларни ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни туширади. Айниқса, бир *оксибаф* миқдоридагисини [362] тоғ ялпизнинг қайнатмасига солиб ичилганда ана шундай қилади. Йигирма икки *дирҳаминн* бир *ҳус* шаробда ивитиб, икки ой давомида сақлаб, сўнгра сузиб, яна икки ой сақлангандан сўнг истисқо касалида ва туққандан кейинги тозаланиш учун ичилади. Унинг қайнатмаси жуда қийналиб сийиш касалига фойда қилади. Баъзиларнииг айтишича, ўша қайнатма, айниқса, унга икки баробар асал билан қорилган эрман қўшилгани, савдо ва балғам хилтларини ҳам суради. Баъзилар бир *мисқол*ини қайнатилган асал билан аралаштирилган икки ҳисса эрман билан қўшиб, шамчалар тайёрлайдилар. Сариқ сувни суриш лозим бўлса, у билан бошқа сурги дориларни аралаштириш керак; агар савдони сурдириш лозим бўлса, юқоридаги каби унга ўзи баробар савдони сурувчи дорини аралаштириш керак.

Заҳарлар.

Газандалар чаққанда *мозариюнни* шароб билан ичирилади. Унинг қора хили ўлдирувчи заҳардир. Агар *мозариюнни* толқон билан қўшиб, сув ва зайтун ёғи билан аралаштирилса, сичқон, ит ва чўчқаларни ўлдиради. Икки *дирҳами* одамни ўлдириш учун кифоядир. У беҳузур қилиб, қустириб ва ични суриб, ўлдиради.

[1] Daphne mezereum L. ёки D. oleoides S c h r e b.

406 МАРВ[1] – КАНАВЧА

Моҳияти.

Ҳиндларнинг айтишича, канавча бир неча хил бўлади. Бир турининг ҳиди яхши бўлиб, уни *мармоҳур*[2] [дейилади], бу жуда иссиқ ва қуруғидир. Иккинчи турининг ҳиди камроқ бўлади, буни *асмусо* дейилади. У бир оз иссиқдир. Учинчи турини оқ канавча дейилади, у мўътадил бўлади ва тетик қилувчи қувватга эга. Мен бу тетик қилиш қувватига эга бўлганини говзабон, деб гумон қиламан. Яна [канавчанинг] *дармоҳус* деб аталадиган тури ҳам бўлиб, у иссиқ, қуруқ ва латифлаштирувчидир. [Унинг яна] *мишбаҳор* деб аталадиган тури ҳам бор. Тавсиф қилувчининг айтишича, унда совуқлик [бор].

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, аммо кейин ўзгаради.

Таъсир ва хоссалари.

Унинг ҳамма тури елларни ҳайдайди, латифлаштиради, кўпчишни ва шиллиқни шимилтиради, ҳар қаерда бўлган тиқилмаларни очади.

Бош аъзолари.

Сут билан қўшиб, оғриган қулоққа томизилади, *мишбаҳор* хили иссиқ бош оғриғи учун фойдалидир. Канавчанинг бошқа турлари совуқ бош оғриғига фойда қилади. Лекин канавчанинг хушбўй хили, айниқса, шароб ичилганда ҳидланса, бошни оғритади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдадаги шиллиқни шимилтиради; меъда оғриғига фойда қилади ва меъдани кучайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Ичакларни бақувват қилади; уруғини қовуриб ишлатилса, ичак шилиниши ва дизентерияга фойда қилади; қовурилмагани шилликни суриб чиқаради.

[1] Origanum maru L. яна Teucrium marum L. ни ҳам ифодалайди.

[2] № 407 ва 582 га қаранг.

407 МАРМОХУР[1] – КАНАВЧА

Моҳияти.

Маълум. Гуллари қорамтир яшил тусли бўлиб, ёқимли хушбўй ҳидга эга.

Табиати.

Димашқийнинг айтишича, *мармохур марзанжўшдан* кўра қизитувчанроқ ва ундан кучлироқдир; учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф, шимилтирувчи, бодларни босувчи ва ҳар қаерда бўлган шиллиқли тиқилмаларни очувчидир. || *187б*

Бош аъзолари.

Шаробга солинса, тез маст қилади, шароб ичилгандан сўнг уни ҳидланса, бошни оғритади. *Мармохурни* ҳидланса ёки унинг сувига бошни эгиб турилса, барча буғларни сўриб олади ва совуқ бош оғриғини босади. Бу [хусусияти] билан дарманага ўхшайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани қувватли қилади, ички аъзолардаги тиқилмаларни очади ва меъдадаги рутубатни шимиб олади.

Чиқариш аъзолари.

Ичакларни қувватли қилади.

[1] Origanum maru L.
№ 406 ва 582 га қаранг.

408 МУҚЛ УЛ-ЯҲУД ВА МУҚЛ УЛ-МАККИЙ[1] – ЯҲУД МУҚЛИ ВА МАККА МУҚЛИ

Моҳияти.

Яҳуд муқлининг Сицилия тури ва араб тури бўлади ва улар Рум муқлидан бошқадир. Улар иккови ҳам *дум* дарахтининг[2] (елимидир), аммо Макка муқли эса *дум* дарахтининг мевасидир.

Танлаш.

Ҳар иккала елимнинг энг яхшиси кўк, қаттиқ, аччиқ мазали, шохчалардан тозаланган, осон эрувчи, хушбўй ҳидлигидир. Тутунида дафна ҳиди бор. Яҳуд муқли эскирганда, унинг юмшатувчи хусусияти қуритувчилик хусусиятига айланади.

Табиати.

Макка муқли совуқ ва қуруқ; бошқаси эса биринчи даражанинг охирида иссиқ ва юмшатувчидир, айниқса, Сицилия муқли ана шундайдир, араб муқли эса вақт ўтиши билан қуриб қолади.

Таъсир ва хоссалари.

Муқл ҳатто ивиб қолган қонни ҳам шимилтиради. Юмшатади, етилтиради, бодларни ҳайдайди. Сицилия муқлида юмшатувчилик кучи кўпроқ, араб муқли эса ундан кўра қуруқ [мизожлироқ], аммо унинг янгиси бундай эмас.

Шиш ва тошмалар.

Муқл, айниқса, унинг рўза тутган кишининг сўлагида ивитилгани, қаттиқ шишларни шимилтиради; шунингдек, бошқа совуқ шишларни ҳам тарқатади. Дум дарахтининг меваси бўлмаган араб муқли[3], яъни яҳуд муқли қулғунани кетказади. Уни ички шишлар ва қаттиқ шишларда қайнатиб ичилади.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан аралаштириб, ширинчага суртилади.

[363] Бўғинлар.

Эт узилиши, тиришиш, асабларнинг қаттиқлашиши ва тугунланишида[4] фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Ўпка найининг оғриқлари ва шишларига, чўзма йўталга, биқин оғриқларига фойда қилади. Араб муқли томоқ ва бўғиз оғриқлари учун фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Ичилганда, кўтарилганда ва тутатилганда бавосирга фойда қилади ва ундаги қон кетишни тўхтатади. Буйракдаги тошларга ҳам фойда қилади. Сурги дориларга қўшилса, ичак шилинишининг олдини олади. Сийдикни ва ҳайз қонини юриштиради. Макка муқли ҳам ҳайз қонини ҳайдайди, деб гумон қилинади. Унинг ични қотиришига ва тошни майдалашига шубҳа йўқ. Тоза ва қизил рангли араб муқлининг икки *мисқолини* янчиб, асал суви билан ичилса, шилликни туширади. Ҳар иккала муқл сувли даббани[5] шимилтиради, юмилиб қолган бачадон оғзини очади, (болани пастроққа туширади, бачадонни тозалайди, орқа тешикдаги ва моякдаги шишларни шимилтиради).

Заҳарлар.

Газандалар чаққанда фойда қилади.

[1] Commiphora mukul Engl.; C. africanum E n g l.

[2] Дум дарахти – Hyphaena thebaica Mari., Plamae оиласи, елим берувчи дарахтдир.

[3] Б. да шундай; Л. да: «макка мукли».

[4] Асаб тугунланиши узилган асаб толасининг учида пайдо бўладиган неврома бўлса керак.

[5] Сувли дабба – мояк пардалари орасига сув йиғилиши.

409 МО – СУВ

Танлаш.

Яхши сифатли ва мақтовли сувларни Биринчи китобда айтиб ўтдик[1]. Уларни ўша ердан қаралсин. Ёт маза ва ёт ҳидли кўлмак, ботқоқликлар суви ёмон сувлардир. Лойқа, қуюқ, вазни оғир, тезда тошсимон [чўкма] берувчи, юзига ёмон кўпик чиқадиган ва устида ёт нарсалар қотиб қолган сувлар ҳам ёмон сувлардир. Билгинки, *бурақли* сувнинг зарарига қарши сут, қуюқ шароб, крахмал, райҳонли суюқ шароб каби ичимликлар, хом жийда, хом таррак ва латифлаштирувчи ҳамда сийдикни ҳайдовчи сабзавотлар билан чора кўрилади. Қуюқ, лойқа сувларни саримсоқ, пиёз ва гандано каби латифлаштирувчи нарсалар билан тузатилади. У сувнинг устидан, айниқса, унга аралаштириб, шароб ичиш, унинг зарарини кетказади. Дағал сув қуюқ ё ўткир, ё тозаловчи бўлади. Ювиладиган нарсани жуда то-

залаб юборувчи сувни гоҳо дағал сув дейилади[2]. Аччиқ сувни ширинликлар тузатади, шўр сувни шом жинжаги, мирта дони, дўлана, тоза тупроқ ва толқон тузатади. Умуман ёмон сувни сирка тузатади.

Т а б и а т и.

Денгиз суви ўткир ва ишқор мазали, *бурақли* сув эса қиздирувчи ва қуритувчидир. Мисли ва темирли сув ички аъзоларга фойда қилади.

Х о с с а л а р и.

Совуқ сув тиқилмалари бор кишиларга зарар қилади, лекин ғовак терили, қайси аъзодан бўлмасин, бирон хилт оқиш касалига учраган ва ўша оқиш сабабли беморланган кишиларга фойда қилади. Агар у мўътадил
188а бўлса[3], ҳамма қувватларни, яъни ҳазм қилувчи, ҳайдовчи, || тортувчи ва тутувчи қувватларнинг ўзларига хос таъсирларини кучайтиради.

З и й и а т.

Денгиз суви совуқдан ёрилишларга, улар ярага айланиб кетишидан олдин ишлатилса, фойда қилади. Битларни ўлдиради. Тери остида ивиб қолган қонни шимилтиради. Олтингугуртли сув доғ ва пес учун яхшидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Олтингугуртли сувлар бўғин шишларига, қаттиқликларга ва осилиб турган сўгалларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Тоза сув ҳўллаши сабабли яралар учун зарарлидир; бу яраларда кўрилиши зарур бўлган тадбирга қарама-қаршидир. Денгиз сувини қичима, қўтир ва темираткиларга ишлатилса, фойда қилади. Олтингугуртли иссиқ сувларда чўмилинса, қўтир ва темираткиларга, шунингдек, ширинчага фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Денгиз суви ва унга ўхшаш сувлар, қалтироқ, фалаж, увушиш ва шунга ўхшаш асаб касалликларида иситиб чўмилганда фойда қилади. Олтингугуртли сувлар ҳам шундайдир. Бу сувлар барча бўғин оғриқларига ва совуқ асаб [оғриқларига] фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноқ касалига учраганларга илиқ сув фойда қилади, қайноқ сув эса зарар қилади. Денгиз сувининг буғи совуқ бош оғриғига фойда қилади. Мисли сув оғиз ва қулоқ [касалликлари учун] фойдалидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Битумли сувлар кўз учун зарарлидир.

(К ў к р а к в а) н а ф а с а ъ з о л а р и.

Жуда совуқ сув кўкрак учун жуда зарарлидир. Яна сув ўзидаги ҳўллаш қуввати сабабли ўпка найига ҳам зарар келтиради, чунки ўпка най

қуритувчига муҳтождир. Илиқ сув бўғиз, тилча ва кўкрак шишлари учун яхшидир. Денгиз сувини эмчак шишларига қуйилади. *Бурақли* сув кўпинча ўпкага фойда қилади. [364] Аччиқтошли сув қон туфлашда фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Темирли сув талоққа ва меъдага фойда қилади, мисли сув ҳам шунга яқиндир. Жуда совуқ сув тиқилма касалликларига учраган кишиларга, айниқса, зарар қилади. Денгиз суви ва унга ўхшаш сувлар меъда учун зарарлидир. Денгиз сувининг буғи истисқо касалига фойда қилади. *Бурақли* сув ичилса, ўзидаги бурақлилик сабабли, кўпинча рутубатли меъдага фойда қилади. Аччиқтошли сув қусишда фойда қилади ва уни тўхтатади. Буруштирувчи балчиқли сувлар ҳам шундайдир. Олтингугуртли сув талоқ шишларига ва оғриқларига, шунингдек, жигарга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Денгиз суви билан ичак оғриқларида ҳуқна қилинади. Гоҳо ичирилса, ични суради. Ундан кейин товуқ шўрваси ичилса, [денгиз сувининг] ачиштиришини босади. Аччиқтошли сув бола тушишига ва ҳайз қонининг кўп кетишига тўсқинлик қилади. Олтингугуртли сув бачадон оғриқлари учун фойдалидир. Жуда совуқ сув шаҳвоний қувват учун зарарлидир. У ични боғлайди; эрлик уруғининг ҳаракатини ва унинг оқишини тўхтатади. Шўр сув ични суради; кейин, қуритувчанлиги сабабли, тўхтатади. Ҳамма маъданли сувлар сийишни, ҳайз қони кетишини ва туғишни қийинлаштиради. Уларнинг кўпчилиги ични суради. Баъзилари эса аччиқтош суви каби ични боғлайди. [Гоҳо] қуланж касалини ҳам пайдо қилади.

Темирли ва мисли сувлар буйрак ва қуланж [касали] учун фойдалидир. Лойқа сувлар буйракда ва қовуқда тош пайдо қилади. [Қиздирилган] темир ўчирилган сув қон туфлашда фойда қилади.

Иситмалар.

Олтингугуртли, балчиқли кўлмак ва сасиган сувлар иситмалар пайдо қилади; ғализ сувлар эса тўрт кунлик иситмани келтириб чиқаради.

Заҳарлар.

Афъо илони ва бошқа ўлдирувчи газандалар чаққан киши денгиз сувида ўтирса, фойда олади.

[1] «Қонун»нинг I китобидан 244- ва кейинги бетларга қаралсин.

[2] Маъно жиҳатдан ҳозирги тушунчага тўғри келмайди. Шунинг учун Ибн Сино ҳам *гоҳо* сўзини ишлатган.

[3] Яъни иссиқлиги ўртача бўлса.

410 МИЗМОР УР-РОЪИЙ[1] – БУЛДУРУҚЎТ

Хоссалари.

Тозаловчи қувватга эга.

Шишлар.

Иссиқ шишларни шимилтиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Ички аъзолардаги енгил ва оғир оғриқларга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Буйрак тошида фойда қилади ва уни майдалайди. Қайнатмаси ва илдизи эса ичак яралари учун фойдалидир.

[1] Alisma plantago L.

411 МУҒОС[1]

Моҳияти.

Баъзиларнинг айтишича, бу ёввойи анорнинг илдизидир. Бу сўз *муғос*нинг уруғи жинсий қувватга фойда қилади ва уни кучайтириб қўзғатади, деган гапга тўғри келмайди.

Табиати.

Иккинчи даражага яқин иссиқ, учинчи даражада ҳўлдир.

Хоссалари.

Муғос аъзоларни кучайтиради.

Зийнат.

У семиртиради.

Бўғинлар.

*Муғос*ни қуюқ суртма қилинса, чиққанга, синганга ва мушак лат еганга,
188б подагра ва тиришиш касалликларига фойда қилади. || *Муғос* суяк эгрилиги ва бўғинларнинг қотиб қолишига қарши ҳам фойда қилади.

Нафас аъзолари.

У, бўғиз ва ўпкадаги қаттиқликларни юмшатади.

Чиқариш аъзолари.

Муғос ва айниқса, унинг уруғи жинсий қувватни қўзғатади.

[1] Glossostemon Bruguieri Desl. ўсимлигининг илдизи.

Моҳияти.

Мурдосанж куйдирилган қўрғошиндир. Гоҳо уни қўрғошиндан бошқа нарсадан ҳам тайёрланади. Баъзан уни қуйидаги усулларда кучли равишда ишлаб, тузатилади: сиркада ёки узум шаробида қайнатиб, кейин бир ё икки мартаба куйдирилади; ёки чўғ устида куйдирилиб юзига чиққан нарсани олиб ташланади; ёки уни сувга солиб, буғдой ё арпа билан сўнгилари ёрилгунигача қайнатилади, сўнгра ундан буғдойни ва сувни тўкиб ташлаб, иккинчи маротаба, то сувдан ажралиб чиққунга қадар янги сувда қайнатилади. Бу тадбир бир неча марта қилинади. Кейин юқорида қилинганидек, туз билан ҳам тозаланади. Гоҳо бошқача ҳам қилинади.

Табиати.

Жолинуснинг айтишича, куйдирилган қўрғошин қуритувчанликка яқин, лекин қиздирувчи ва совутувчи таъсири кучсиздир. Жолинусдан бошқаларнинг фикрича, бир оз совуқликка мойил, унинг ювилгани эса албатта совуқликдир.

Хоссалари.

Буруштирувчи, қуритувчи, буруштириш ва ёпиштириш билан бирга бир оз тозаловчи ҳамдир. Ғализни латифлаштиради, унинг буруштирувчанлиги ва тозалаш таъсири оздир. Марҳамлар учун [асос] модда бўлиб, дориларни бириктиради, ҳаддан ташқари эритувчи, еювчи ва буруштирувчи таъсирларнинг кучини синдиради.

Зийнат.

Бадан ва қўлтиқ ҳидини яхшилайди, сон шилинишининг олдини олади, сепкилни, қора доғларнн, қонталашларни кетказади; айниқса, унинг ювилгани шундай. Чечак изларини ҳам кетказади ва терлатмайди.

Жароҳат ва яралар.

Ўзининг қўшимча таъсири билан яраларда эт ундиради, лекин Жолинуснинг айтишича «у тозаловчи ҳам, чирклатувчи ҳам, эт ундирувчи ҳам, этни камайтирувчи ҳам эмас, балки марҳамлар учун [асос] моддадир, холос». Чов ва сон шилинишида фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Ювилган оқ *мурдосанж* сурмаларга қўшилади ва кўзни тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Куйдирилган қўрғошинни ичилса [365] сийдикни тўхтатади; бизнинг мамлакатимизда хотинлар, болаларнинг ичкетиши ва ичак яраларига қарши куйдирилган қўрғошинни ичирадилар. Гоҳо уни сувнинг зарари камайсин учун сув кўзаларига солиб қўядилар.

З а ҳ а р л а р.

Сийдикни тўхтатиб, ўлдиради, қоринда ва сийдик йўлларида ел пайдо қилади, тилни оқартиради, нафасни бўғиб, сиқади.

[1] Қўрғошин оксид (Plumbum oxydatum, Lythargyrum) Фармакопея VIIIга кирилган ва турли марҳамлар таркибига киради.

413 МАШКАТАРОМАШИЪ[1] – КИЙИГЎТ

М о ҳ и я т и.

Қуруқ райҳонга ўхшаш шохчалардан иборат. Дастлаб унда кўп маза ва кўп ҳид сезилмайди, кейинчалик аччиқлик ва ўткирлик сезилади. Қўй ва эчкилар уни еса, улардан қон соғилади. Бу ялпиз ўрнига ўтади, балки ундан анча кучлироқ ҳам бўлади. Икки хил бўлади: бири ҳақиқий кийигўти, иккинчиси «ёлғон» кийигўти. Кейингиси олдингисига ўхшайди, лекин баъзи таъсирларда ундан кучсизроқ бўлади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкрак ва ўпкадан ёпишқоқ рутубатларни чиқаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а́ р и.

Унинг шароби беҳузурлик ва кўнгил айнашни[2] кетказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичилса, тутатилса ва кўтарилса, ҳайз қонини ва сийдикни кучли равишда ҳайдайди, ҳатто қон сийдиради, болани туширади, шароби эса туққандан кейинги қонни тушириб, [бачадонни тозалайди].

[1] Б. да: «машкатаромашир». Бу – Origanum dictamnus L.

[2] Б. да: «ҳушдан кетишни».

414 МАРОРА – ЎТ

Тўрт оёқли ҳайвонлар ўтининг энг кучлиси сигир ўтидир; сўнгра сиртлонники[1], айиқники, эчки ва энг кейин қўйники келади. Паррандаларнинг ўти ичида энг зарарсизи хўроз ўти, қирғовул ва каклик ўтидир. Йиртқич қушларни молларга, овланадиган қушларни йиртқич ҳайвонларга солиштирсанг, бошқа қушларнинг ўтлари тўрт оёқли ҳайвонларнинг ўтларидан кучлироқ [эканини кўрасан]. Йиртқичларнинг, айниқса, катталарининг ўти жуда кучли ва ачиштирувчан бўлади. Энг яхши ўт табиий сариқ ранглиси-

дир; аммо зангор, ложувард, шунингдек, қип-қизил ранглилари ёмонидир. Ўтларнинг энг кучсизи чўчқа ўти бўлиб, зоғора балиғи, «ақраб» [чаён] деб аталадиган балиқ ва тошбақанинг ўти тўрт оёқли ҳайвонлар ўтидан кучлироқдир. Дискуридуснинг айтишича, ўт қопчасининг икки томонини боғлаб, киши уч ўқ отимига тенг масофани чопиб ўтиш [учун кетган вақт] давомида сувда қайнатилади, сўнгра олиб, заҳ бўлмаган соя жойда сақланади.

Табиати.

(Ҳаммаси ҳам) тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ўтларнинг ҳаммаси ўткир ва тозаловчидир. Эрлик ва урғочиликка, очлик ва ташналик, сувга қониш ҳолатига, тинчлик ва уришиш ҳолатига қараб, ўтлар турлича бўладилар. ||

Зийнат.

Ёввойи эшакнинг ўти тутсимон сўгални кетказади ва шишларнинг изларига суртилса, фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Оташак[2] малҳамларига қўшилса, уни қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ўтни *натрун*, санавбар елими ва *қимулиё* тупроғи билан қўшилса, ярага айланган қўтирга фойда қилади. Сигир ўти жароҳатларни ва қаттиқ оғриқларни қайтарувчи марҳамларга қўшилади. Таканинг ўти тутсимон ортиқча этни кетказади. Яраларнинг кучли ва кучсиз ўтларга муҳтожлиги вақтга, ўзининг тозалиги ва кирлигига қараб турлича бўлади. Бўрининг ўти асаб жароҳатларига фойдалидир. У совуқ вақтларда асаб касалликларининг энг қўрқинчлиси бўлган тиришиш, қотиб қолиш каби касалликларни қайтаради.

Б ў ғ и н л а р.

Таканинг ўти «филлик касали» ва оёқ веналарининг кенгайиб кетишига ишлатилса, фойда қилади. Бунга, айниқса, ёввойи эшакнинг ўти фойдалидир. Бўрининг ўти асаблар яралари натижасида бўладиган, айниқса, совуқдан бўлган тиришиш ва қотиб қолиш касаллигига тўсқинлик қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Така ва буқанинг ўти қулоқдаги ҳўл яраларга томизилади. Қузғуннинг ўтини зайтун ёғига қўшиб, енгил карлик натижасида оғир бўлиб қолган қулоқларга томизилади ва набатий ганданонинг ширази билан қўшиб, қулоқ шанғиллаши ва эшитишнинг оғирлашувида томизилади. Бош кепаклаганда буқанинг ўтини *натрун* ва *қимулиё* билан қўшиб, бошни ювилади. Айиқнинг ўтини яланса, тутқаноққа фойда қилади, дейилади. Тошбақа

ўти, айтишларича, болаларнинг оғзига тошадиган ёмон чақаларга фойда қилади. Тутқаноқ тутадиган киши [тошбақа] ўтини бурнига тортса, ундан фойда топади. Ўтларнинг ҳаммаси буруннинг ҳид сезмаслигида фойда қилади ва ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни яхшилаб очади.

К ў з а ъ з о л а р и.

[366] Ўтларнинг ҳаммаси кўз хираланишида фойда қилади. Йиртқичларнинг ўти, айниқса, қуритилгани, кўзга сув тушишида [катаракта] ва кўз қорачиғининг кенгайишида фойда қилади. Ўтни бош ва баданни тозаламай туриб ишлатмаслик керак. Кўз учун ўтларнинг энг фойдалиси тўрт оёқли ҳайвонлар ўти ичида кийик ўтидир; паррандалар ўти ичида– каклик ўти, балиқларнинг ўти ичида зоғора балиғининг ўтидир. Эчкининг ўти, айниқса, тоғ эчкисининг ўти шабкўрликка фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о̀ л а р и.

Томоқ оғриғида буқа ўтини асал билан қўшиб, танглайга суртилади, тошбақа ўтини ҳам шундай қилинади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буқа ўти бавосир оғизларини очади. Ҳар қандай ўтни, ҳатто чўчқа ўтини ҳам, киндикка суртилса ва ё остдан кўтарилса, ични суради. Буқа ўтини асал билан қўшиб, орқатешик яраларига суртилади. Ундан [яна] бачадон ва мояк оғриқлари учун чапиладиган дори тайёрланади, мояк халтасининг шишларига чапиладиган дори сифатида ҳам ишлатилади.

З а ҳ а р л а р.

Тоғ такаларининг ўти, буқа ўти каби [газандаларнинг] чаққанига қарши тарёқдир.

[1] Б. да: «кийикники».
[2] Б. да: «сарамас».

415 МУМ[1] – МУМ

М о ҳ и я т и.

Тоза мум ари уясининг деворлари бўлиб, арилар у уйларга тухум қўяди, бола очади ва ўша жойда асалини йиғади. Қора мум эса ўша асалари уяларининг чиркидир.

Т а б и а т и.

Мўътадил.

Х о с с а л а р и.

Юмшатувчи; яраларни чирк билан тўлғазади, ўзидаги қўшимча таъсири туфайли намлайди. Чунки у ёпишади ва тери тешикчаларини беркита-

ди. Мум совутувчи ва қиздирувчи марҳамларнинг ҳаммасига [асос] модда бўлади. Мумда бир оз етилтириш билан бирга асалнинг шимилтиришига кўра камроқ [бўлса ҳам] шимилтириш борлигига шубҳа йўқ. Асалари уяларининг чирки бўлган қора мумда чуқурликдан кучлик тортиб олиш қуввати бор, у ўқ учларини ва тиканларни тортиб олади. Унда латифлик, бир оз тозалаш ва етарли даражада юмшатиш қуввати бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Мум қаттиқ шишларни юмшатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қовжираган яраларни юмшатади ва яраларни чирк билан тўлғазади. Қора мум эса ўқ учлари ва тиканларни тортиб олади.

Б ў ғ и н л а р.

Асабларни юмшатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қора мум ўз ҳидининг кучи билан аксиртиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Мумни яланса, суртилса, айниқса, уни гунафша ёғи билан қўшиб, ишлатилса, кўкрак ғижиллашига фойда қилади. Эмизувчи хотинларнинг кўкрагида сутнинг ивиб қолишига тўсқинлик қилади. Менимча (Дискуридус) тариқ катталигидаги ўн донасини ичиш керак, деган[2].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мумни тариқ ё гуручли суюқ ошларга солиб, ўнта тариқ донасидагини ичакдаги яраларни [даволаш] учун ичилади.

З а ҳ а р л а р.

Айтилишича, мум заҳарларни тортиб олади ||. Мумни заҳарли ўқдан *189б*
бўлган жароҳатларга суртилса, заҳар зарар қилмайди.

[1] Сариқ мум – Cera flava. Оқ мум – Cera alba. (Фармакопея VIII).

[2] Л. да шу жумлаларнинг устига кўчирувчи томонидан «ҳошия» деб ёзиб қўйилган.

416 МАҒНОТИС – МАГНЕТИТ, ТЕМИР ТОШ

М о ҳ и я т и.

Темирни тортиб олувчи тошдир. Куйдирилса, шоданага айланади ва унинг қувватига эга бўлади.

Т а н л а ш.

Яхшиси қизил аралаш қора, тоза, ҳеч нарса қўшилмаганидир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Кетказувчи ва тозаловчи.

Чиқариш аъзолари.

Темир қириндиларини ичган ва қорнида темир тўполи тўхтаб қолган кишига магнетитни шаробга солиб ичирилади. Шунда бу уларни тортиб олади ва чиқишда ўзи билан бирга олиб чиқади. Айтишларича, магнетитнинг уч *оболоси*ни асал суви билан ичирилса, қуюқ каймусни суриб чиқаради.

417 МОРҚАШИСО – МАРКАЗИТ, ПИРИТ

Моҳияти.

Бу тош бўлиб, унинг тилла, кумуш, мис ва темирга ўхшаш бир неча турлари бордир. Унинг ҳар бир тури рангига қараб ўзи нисбатланган моддага ўхшайди. Форслар уни кўзга фойдали бўлгани учун *ҳажари рушной*, яъни «нур тоши», деб атайдилар.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, учинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Унда буруштириш, қиздириш, етилтириш, шимдириш, тозалаш [хусусияти] бор. Унинг қуввати зўр, аммо жуда майда қилиб туйилмаса, унинг фойдаси билинмайди.

Зийнат.

Сирка билан аралаштириб доғ, пес ва нуқтали қизил қонталашга суртилса, фойда қилади. Тери тагида қамалиб қолган рутубатларни шимдиради, сочни майинлаштириб, жингалак қилади.

Шиш ва тошмалар.

Санавбар елимига аралаштириб ишлатилса, қаттиқ шишларга фойда қилади, уларни шимдиради, ўзидаги шимдирувчи ва етилтирувчи қувват сабабли шимдирувчи марҳамларга қўшилади.

Жароҳат ва яралар.

Санавбар елимига қўшилса, яраларда эт ундиради, зирнихга қўшилса, ортиқча этни қўпориб, туширади.

Бўғинлар.

Мушак ораларидаги йирингга ўхшаш моддани шимилтиради.

[367] Бош аъзолари.

Айтишларича, боланинг бўйнига осилса, бола қўрқмайдиган бўлади.

Кўз аъзолари.

Куйдирилгани ҳам, куйдирилмагани ҳам кўзни равшан қилиб, кучли қилади.

418 МАҒНИСИЁ[1] – МАРГАНЕЦ ОКСИДИ, ПИРОЛЮЗИТ

Моҳияти.

Марказит қувватларига эга, [аммо] ундан яхшироқдир.

[1] «Сайдана» № 1008 (1).

419 МИДОД – СИЁҲ, ТУШЬ

Моҳияти.

Машҳур.

Танлаш.

Энг енгили ва энг тиниқ қораси яхшисидир.

Табиати.

Ҳиндистон сиёҳидан бошқа сиёҳларнинг ҳаммаси иссиқ ва қуритувчидир. Чунки ҳиндистонлик [табиблар] ва Бавлус уни совутувчилар қаторида санайди.

Хоссалари.

Ҳар қандай сиёҳ ҳам қуритувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Баъзиларнинг айтишича, ҳинд сиёҳини иссиқ шишларга қуйилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Санавбар ёғочининг куясидан араб елими ва *мукл* қўшиб тайёрланган сиёҳ оловдан куйган жойга ёпиштирилади ва ўзи тушиб кетгунгача қўйиб қўйилади.

420 МАРЗАНЖУШ[1] – ТОҒ РАЙҲОНИ

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қурук.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф[1], эритувчи ва очувчидир. Ёғининг қуввати қиздирувчи, латифлаштирувчи[2] ва ўткирдир.

Зийнат.

Сувини қортиққа солиниб, қон олинган жойга қўйилса, тилиб қон олингандан кейин оқ из пайдо бўлишининг олдини олади.

Қуруғини асал билан қўшиб, қонталаш ва кўкарган жойга, айниқса, кўз тагидагиларга суртилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шилликли шишларга суртиладиган доридир.

Б ў ғ и н л а р.

Мумлик суртмага қўшиб, асабларнинг буралишига [қарши] суртилади. У орқа [мушаклари] ва човдаги оғриқларга ҳам фойда қилади. Чарчаган баданга уни асал билан қўшиб, суртилса ҳам шундай [таъсир кўрсатади]. Ёғини ҳам бўйинни орқага тортувчи фалаж касалига ва бошқа тур фалаж касалликларига қуюқ суртма қилинади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Миядаги тиқилмаларни очади, бош ярмининг оғришига, умуман бош оғриқларига, рутубатга, савдодан бўлган бош оғриғига, ғализ елларга ва қулоқ оғриғига қуйилса ва томизилса, фойда қилади. Қулоққа самсақ ёғига ботирилган пахтани [тиқиб] қўйилса, қулоқлардаги тиқилмаларга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси истисқо касалига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси қийналиб сийишга, ичак оғриқларига фойда қилади; ёғи қиздиради, латифлаштиради; бачадон бўғилиши касалига олиб келадиган бачадон оғзининг юмилиб қолишига тўсқинлик қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чаён чаққанда сирка билан қўшиб, қўйиб боғланади.

[1] Origanum majorana L.

[2] Б. да: ични сурувчи.

421 МАЙВИЗАЖ[1] – «ТОҒ МАЙИЗИ», ИСПАРАК

М о ҳ и я т и.

Бу тоғ майизи бўлиб, қора нўхатга ўхшаш бужмайган қоп-қора мевадир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Куйдирувчи, еювчи, ўткир ва тез.

З и й н а т.

Битларни ўлдиради, хусусан, зирних билан қўшилса. Эскирган «тулки касаллиги»га суртилса, фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Зирних билан қўшилгани ёки танҳо ўзи пўст ташлаётган қўтирга ишла-

190а тилади ||.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Чайналса, миядан шиллиқ ва рутубатни тортиб олади. Сиркада қайнатиб, тишларнинг оғриши ва тиш милкининг рутубатига қарши оғиз чайқалади. Асал билан қўшилса, оғиздаги ёмон чақаларни тузатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг ўн беш *ҳаббаси*ни асал суви билан ичилса, ёпишқоқ каймус қустиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Уни ичиш хавфлидир. Чунки қовуқни яра қилади. Тузатувчи нарсалар билан қўшиб, мўътадил миқдорда ичирилса, қовуқнн тозалайди.

[1] Delphinium staphysagria L.

422 МУМИЁ – МУМИЁ

М о ҳ и я т и.

Мумиё бир-бирига аралаштирилган *зифт* ва *қафр*[1] қуввати ва табиатидадир. Бироқ мумиё етилганроқ бўлиб, бунинг фойдаси кўпроқдир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф ва шимилтирувчидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шиллиқли ўсмаларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Чиққан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга, фалажга ва юз фалажига қарши ичирилса ва суртилса, фойдалидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мумиё бошнинг бир томон ярмининг оғриғига, совуқ бош оғриғига, тутқаноқ ва бош айланишига фойда қилади. [Бунинг учун] бир *ҳаббаси*ни тоғ райҳони суви билан бурунга тортилади. Қулоқ оғриғида эса бир *ҳаббаси*ни ясмин ёғи[2] солиб, томизилади. Қулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридагисини гул ёғи ва ғўра узумнинг суви билан қўшиб, пилик билан ишлатилади. Тил оғирлашувига қарши бир *қироти*ни форс каклик ўтининг қайнатмаси билан, «темир қалпоқ» бош оғриғида ва эски бош оғриғида эса бир *ҳаббаси*ни қундуз қирининг бир *ҳаббаси*га қўшиб, *бон* ёғи билан бурунга тортилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

[368] Мумиёнинг уч арпа дони миқдоридагисини ўткир набиз шаробига

солиб [ичилса], ўпкадан қон туфлашнинг олдини олади. Томоқ оғриғига бир *қирот* миқдоридагисини *сиканжубин* билан, бўғиз оғриғида бир *қирот*ини тут шинниси билан ёки ясмиқ қайнатмаси билан, йўталда бир *тассужи*ни чилонжийда суви ва арпа суви билан ва *сайсабон* билан уч кун кетма-кет наҳорга, хафақонда эса бир *қирот*ини зира, жувона ва қора зира суви билан ишлатиш синаб кўрилгандир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда кучсизлигида зира, жувона ва қора зира суви билан бир *қирот*ини [ичирилади]. Шунингдек, балғамдан бўладиган ўқчишда кўкрак, меъда ва жигар устига йиқилишда бир *қирот* тоғ мумини икки *донақ* арман лойи ва бир *донақ* заъфаронга қўшиб, итузум ва *хиёршанбар* сувида ичирилади. Ҳиқичоққа қарши бир *ҳаббаси*ни петрушка уруғининг қайнатмаси билан ичирилади. Талоқ оғриғида бир *қирот*ини шакар суви билан ичирилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мумиё сийдик йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир. Унинг бир *қирот*ини сут билан ичирилади. Агар бунга бир оз ун қўшиб, [орқа тешикка] кўтарилса, сийдикни ушлаб туролмасликка фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Икки *ҳабба* миқдоридагисини темиртикан ва сассиқ қаврак қайнатмаси билан заҳарларга қарши ишлатилади. Чаён чаққанга қарши бир *қирот*ини соф шароб билан ичилади ва чаён чаққан жойга бир *қирот*ини сариёғ билан қўйилади.

[1] Форсча *мум* сўзидан олинган бўлиб, биостимуляторлик хоссасига эга бўлган тоғ мумини ифодалайди.

[2] Матнда *зи'бақ* (симоб); *занбақ* ўқилиши керак.

423 МУРР[1] – МИРРА [ҚИТРОН]

М о ҳ и я т и.

Яманда бўладиган бир дарахтнинг елимидир. Дарахтнинг устини тилиб қўйиб, [чиққан] елими то қотгунгача дарахтда турғизилади. Сўнг бизнинг мамлакатда *қинна* ва говшир елимини олган каби олинади. Бунинг баъзиси тоза бўлиб, баъзиси сохталаштирилган бўлади.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси оқи ва қизили бўлиб, дарахт чўпи аралашмагани ва ёқимли ҳидлисидир. *Мирра*га гоҳо заҳарли ўлдирувчи ўсимлик сутларини аралаштирилади, натижада у ўлдирувчан бўлиб қолади. Ана шуни *оросис*[2] деб аталади. Бу ўлдирувчи ўсимликдир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Очувчи, елларни тарқатувчидир. Унда буруштириш, ёпиштириш ва юмшатиш [қуввати] бор. Тутуни ҳам *мирра* тузатадиган нарсани тузатади. Лекин унинг қуритувчанлиги кучлироқ. У латиф, ачиштирмайдиган бўлиб, кундур тутуни билан ҳамжинсдир. *Мирра*, фойдаларининг турлилиги сабабли, катта [мураккаб] дориларга қўшилади. Сасишга тўсқинлик қилади, ҳатто ўликни асрайди, [яъни] бузилишдан ва сасишдан уни сақлайди. Хом чиқиндиларни қуритади. Критдан келтириладиганининг қизитиш, етилтириш ва юмшатиш таъсири кучлироқ.

Зийнат.

Мирта ладан ёғи билан қўшиб суртилса, сочнинг қувватли ва қуюқ бўлишига ёрдам беради, яраларнинг изини кетказади, оғизда тутилса, [оғизнинг] ҳидини яхши қилади, ёмон ҳидини кетказади. Шароб ва аччиқтош билан қўшиб, қўлтиқларга чапланса, ҳидини кетказади. Асал ва Цейлон долчини билан қўшиб, сўгалларга чапланади.

Шиш ва тошмалар.

Мирра шилликли ўсмалар учун фойдалидир.

Жароҳат ва яралар.

[Жароҳатларни] битиради ва усти очилиб қолган суякларнинг устида эт ундириб, ёпади. *Мирра*ни сирка билан [қўшиб], темираткиларга ишлатилади. Сасиган яраларни тузатади.

Бўғинлар.

Садаф гўшти билан қайнатиб, тоза шароб билан қўшиб, қулоқ ва бошқа жойлардаги тоғайлар зарарланганда қўйилади ||. *190б*

Бош аъзолари.

Жолинуснинг айтишича, *мирра*нинг ҳиди боши оғрийдиган киши у ёқда турсин, [ҳатто] соғлом кишиларда [ҳам], бош оғриғи пайдо қилади. *Мирра*, айниқса, *софсиё*, афюн ва қундуз қири билан қўшилса, қулоқнинг мажақланишига фойда қиладиган дорилардан бири бўлади. Кўзни тиндиради ва ухлатади. *Мирра*ни шароб ва зайтун ёғига қўшиб, оғизни чайқалса, тишларни маҳкам ва бақувват қилади ва [уларнинг] ейилиб кетишига тўсқинлик қилади. Милкни маҳкамлайди ва рутубатини кетказади. Бош яраларига сепилса, уларни қуритади. Қундуз қири, *ақоқиё*[3] ва афюн билан қўшиб, оғриган қулоққа ва қулоқдан йиринг оқишига ишлатилади. Эскидан оқадиган назлаларга қарши бурун тешикларига чапланса, уларни тўхтатади. *Мирра*нинг бир *донақ* вазнидагисини бурунга юборилса, мияни тозалайди.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўздаги яраларнинг изларини кетказади, яраларни тўлғазади, кўз оқини кетказади, қовоқ дағаллигига фойда қилади. Ачиштирмай туриб, кўз йирингини тарқатади. Баъзан кўзга сув тушиш касалининг [катаракта] бошланишида, агар тушган сув суюқ бўлса, уни шимилтиради. Сурмаларга қўшиладиган *мирра*нинг энг кучлиси заҳарли ўсимлик сутлари билан аралашганидир.

К ў к р а к в а н а ф а с а ъ з о л а р и.

Мирра чўзма ҳўл йўталга, астмага, «тикка нафас олиш» касалига ва биқин оғриқларига фойдалидир. (Товушни тиниқ қилади). Буларни тузатиши унинг дағал эмас, [балки] нозик тозаловчи бўлгани сабаблидир. Бўғизнинг дағалланишига қарши *мирра*ни тил тагига олиб туриб, [унинг] ширасини ютилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Соф *мирра* меъданинг бўшашувига, меъдадаги сариқ сув ва елга фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

*Мирра*ни, айниқса, газагўтининг суви, ё эрман суви, ёки Миср боқиласининг суви билан қўшиб, ҳуқна қилинса, ҳайз қонини юргизади; аччиқлиги сабабли бачадондан болани туширади; ингичка гижжаларни ва қовоқ уруғисимон гижжаларни чиқариб ташлайди. [369] Юмилган бачадон оғзини юмшатади. Бир йирик ловия [боқила] миқдоридагисини ичак яраларида, ичакнинг шилинишида ва ич кетишида ичирилади.

И с и т м а л а р.

Йирик ловия миқдоридагисини мурч билан қўшиб, иситмадан олдинги эт увушиб титрашда [ичирилса], уни тўхтатади.

З а ҳ а р л а р.

Чаёнларнинг чақишига қарши шароб қўшиб ичирилади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Айтишларича, ярим вазн миқдоридаги мурч унинг ўрнига ишлатилади. Бу нотўғри гапдир.

[1] Commiphora abyssinica (B e r g) Engl. нинг ёрилган ва кесилган қобиғидан олинадиган смола. Бу қизғиш рангли ярим тиниқ бир елим бўлиб, Gummi resina Myrrha номи билан Фармакопея VIIIда ёзилган.

[2] Б. да: *арфосис*.

[3] Б. да: *момисо*.

424 МУРРОН[1]

Моҳияти.

Бу дарахтнинг меваси бўлиб, ҳаддан ташқари ўткир мози мазалик бўлсада, гоҳо уни ейилади.

Хоссалари.

Буруштириш ва қуритиш хусусияти бор.

Жароҳат ва яралар.

Пўстлоғининг куйиндисини яраланган қўтирга ишлатилади, Хулоса, *мурронн*инг меваси кучли буруштирувчи бўлганлигидан оғир жароҳатларни битказади.

Заҳарлар.

*Мурронн*инг ширасини шароб билан қўшиб, ичилса ёки қўйиб боғланса, афъо илони чаққанига фойда қилади. Айтилишича, ёғочининг қипиғини ичилса, ўлдиради.

[1] Cornus mascula. ёки Fraxinus excelsior L. «Сайдана» № 983.

425 МОМИСО[1]

Моҳияти.

Дуб ёнғоққа ўхшаш бўлиб, қорамтир сариқ, синиши осон, ўзида аччиқлик, сув ва тупроқ жавҳари бор. Сувининг совуқлиги кучли эмас, балки чуқурларда йиғилиб қолган сувники кабидир. *Момисо* асли ўт бўлиб, Манбижда ўсади. Ўткир ҳиди ва аччиқ мазаси бор, сиқиб олинадиган суви заъфарон рангли бўлади.

Табиати.

(Биринчи даражада) совуқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Етарли даражада буруштирувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Иссиқ ва ғализ шишларга фойда қилади, қаттиқ бадандаги кучли бўлмаган, катта оташак шишларига даво бўлади, кичикларига ва юмшоқ бадандагиларига [эса] шифо бермайди, чунки уларни ҳаддан ташқари қуритиб юборади.

Кўз аъзолари.

Кўз яллиғланишининг бошланишида [ишлатиладиган] дориларга қўшилади.

[1] Glaucium corniculatum Curt.

426 МАЙЪА[1] – МАЙЪА ЕЛИМИ

Моҳияти.

Ҳўл майъа елими, айтишларича, ўзидан-ўзи чиқадиган елимдир; баъзисини қайнатиб олинади. Ўзича чиқадигани сариқ бўлади, эскирса, тилла рангли бўлиб қолади. Бу хили жуда қиммат бўлади. Пўстлоғи билан олинадигани қора бўлади, чунки уни ўша дарахтнинг пўстлоғи билан қайнатиб олинган бўлади. Ўзи оқиб чиқадигани – ҳўл майъа елими, чўкмага ўхшаб қуюлгани эса – қуруқ майъа елимидир.

Табиати[2].

Ҳўл ва қуруғининг қувватларида буруштириш ва қуритиш таъсири борлигини кўрсатиб ўтдик.

Бош аъзолари.

Баъзиларнинг айтишича, майъа елими иссиқлик бўлиб, миядан рутубатни туширади ва мияни тозалайди. Бу сўз майъа елими ҳақида [аниқ] тушунчага тескаридир. Чунки майъа елими бош оғриғи пайдо қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Майъа елимининг қуруғи меъда намлигига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қуруқ майъа елими ични боғлайди.

[1] Майъа икки хил бўлади: а) суюқ майъа – Liquidambar orientalis M i l l. дан чиқадиган «стиракс» бальзами; б) қуруқ майъа – Styrax officinale L. дарахтининг смоласи. «Сайдана» № 1026.

[2] Б. да: «хоссалари».

427 МАҲЛАБ[1] – КАМХАСТАК

Танлаш.

Энг яхшиси оқ рангли, марваридсимон тиниқ хилидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ бўлиб, кучли қуруқликка эга эмас.

Таъсир ва хоссалари.

191а Тозаловчи, латиф, шимилтирувчи ва оғриқларни тўхтатувчидир. ||

Бўғинлар.

Ёнбош ва орқа мушак оғриқларига фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Асал суви билан қўшиб, ичилса, ҳушдан кетишда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Маҳлаб қуланж касалига, буйрак ва қовуқдаги тошга (ва орқа оғриғига) фойдалидир.

[1] Cerasus mahaleb L.

428 МАҒРА – ҚИЗИЛ КЕСАК

Танлаш.

Энг яхшиси тоза ва сувга солганда кўпчиб, кўпаядиган хилидир.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Қизил кесакда ёпиштириш ва буруштириш хусусияти бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар оғриқларига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қизил кесак ични тўхтатишда муҳр лойидан кучлидир; гижжаларни ҳам ўлдиради.

429 МОҲУДОНА[1] – ҲАББ УЛ-МУЛУК

Моҳияти.

Моҳудона ҳабб ул-мулук деб аталадиган нарсадир. Бунинг дарахтини бизнинг мамлакатда *сайсабон*[2] деб аталади. Унинг барги майда балиқларга ўхшаш бўлиб, бир бармоқ узунлигида бўлади. Меваси учта-учтадан бўлиб, катта бундуққа ўхшаган бўлади, гоҳо кичикроқ ҳам бўлади. Мевасининг ҳар бир донасида учтадан қора уруғи бор.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Бўғинлар.

Бу сурги бўлганидан, бўғин оғриқлари, подагра ва иркуннасо учун фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Истисқо касаллигига фойда қилади. Кўнгилни айнатади[3] ва меъда учун мувофиқ келмайди.

Чиқариш аъзолари.

Заҳарли сутли ўтлар каби ични суради. Баргини қари хўроз шўрвасида қайнатилса, қуланж касалига фойда қилади ва сийдикни ҳайдайди. Уруғидан еттита ё олтита [донасини] олиб, ҳаб қилиб ёки шундайин ютиб

[370], ундан сўнг совуқ сув ичилса, сафро ва шиллиқни суриб чиқаради. Бундан кўпинча йирик бўлса, ўн беш донасини, майда бўлса, йигирма донасини ютилади. Суриши кучли ва тўлароқ бўлишини исталса, жуда чайнаб ютиш керак. Суриши енгил бўлишини исталса, [чайнамай], ўз ҳолича ютилади.

[1] Euphorbia lathyris L.

[2] Б. да шундай, Л. даги иборани ўқиб бўлмайди. Сайсабон ҳақида № 508 га қаранг.

[3] Б. да: «кучли қустиради».

430 МАҲРУТ[1] – САССИҚ ҚАВРАК ИЛДИЗИ

Моҳияти.

Бу сассиқ қаврак илдизидир. Қуввати ва фойдаси сассиқ қаврак елими [*ҳилтит*]никидан кам. Бунга тегишли сўз *анжудон* [сассиқ қаврак] бобида айтилди.

Хоссалари.

Юмшатувчи ва етилтирувчи.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳазм бўлиши қийин, совуқ бўлмаган меъдага зарар қилади, совуқ меъдани эса кучли қилади.

[1] № 22 га қаранг.

431 МАНШИМ[1] – БАЛЬЗАМ ДАРАХТИНИНГ УРУҒИ

Моҳияти.

Бутмга ўхшаш дон бўлиб, кўндаланг кесими учбурчак шаклли, сариқ ва хушбўйдир. (Уни тутатилади). Дарахтининг боғда ўсадиган (уч япроқли) хили, ёввойиси ва Мисрда ўсадиган хили бор. Ундан нон қилинади. Бу қалқон ўт бўлса керак.

Таъсир ва хоссалари.

Боғда ўсадиган уч баргли хилининг озроқ қуритувчанлиги бўлиб, ёввойисиники эса кучлироқдир.

[1] Commiphora opobalsamum E n g l. нинг уруғи ёки меваси.

432 МИЛВОҲ[1]

Моҳияти.

Шомда бўладиган дори бўлиб, у ерда шу исм билан машҳурдир. Бу бўғинли чўп бўлиб, нуқталар билан қопланган ва бир оз қорамтирдир.

Бўғинлар.

Бир *драхмий*сини асал суви билан [ишлатилса], эт узилишида фойда қилади.

[1] *Малуҳ* шаклида ҳам учрайди ва Atriplex halimus L. ни ифодалайди. «Сайдана» № 1013.

433 МУРДИСФАРАМ

Моҳияти.

Гуллар ва тарвақайлаган ингичка шохлардан иборат, ранги бир оз хира ва сарғиш бўлади. Баъзиларнинг фикрича, қуввати оққаррак[1] қувватига ўхшайди. Баъзиси оққа, баъзиси эса сариққа мойил бўлади. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, бу ёввойи миртадир. Бошқаларнинг айтишича, бу Рум дорисидир. Ибн Мосаржавайҳнинг айтишича, у оққаррак кабидир. Хузистонликларнинг айтишича, ёмон хили эрман қувватида бўлиб, кучли буруштирувчидир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Бош аъзолари.

Тутқаноқда ва миянинг рутубатлилигида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда ва жигарни кучайтиради, ички аъзолар устига йиқилганда[2] фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Орқа тешик гижжаларига қарши кўтарилади.

[1] Ruscus aculeatus L.

[2] Яъни қорин устига йиқилганда.

434 МАЛИҲ[1]

Моҳияти.

Авсажга[2] ўхшаш бўлиб, барги зайтун баргига ўхшаш, [аммо] ундан кенгроқдир. Уни сабзавотлар каби истеъмол қилинади.

Хоссалари.

Унда тузлилик, буруштириш ва етилмаган ҳўллик бор. [Шу ҳўллик сабабли] ични дам қилади.

Кўкрак аъзолари.

Бир *драхмий*сини асал суви билан қўшиб, [ишлатилса], сутни кўпайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Бир *драхмий*сини асал суви билан қўшиб, ишлатилса, ичакнинг бураб оғришини босади.

[1] Atriplex limus L. ёки Salsola foetida *Delt.* деб тахмин қилинади. «Сайдана» № 807 (12).

[2] № 544 га қаранг.

435 МОМИРОН[1] – КОНЧЎП

Моҳияти.

Бўғинли чўп бўлиб, қорамтир туслидир. Бир оз эгилган ва зарчавага
1916 кўра ўткирроқдир. ||

Табиати.

Иккинчи даражанинг охирида иссиқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Кетказувчи ва тозаловчи.

Зийнат.

Тирноқлардаги оқликни кетказади.

Бош аъзолари.

*Кончўп*ни ширази бошдан қуюқ рутубатни кетказади, мияни чиқиндилардан тозалайди, илдизи тиш оғриғига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўз оқлигини кетказади, сурма қилиб [суртилса], кўзни ўткир қилади, қуюқ рутубатни кетказади, айниқса, унинг ширази [шундай].

Озиқлантириш аъзолари.

Илдизи сариқда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичакнинг бураб оғришига фойда қилади, сийдикни ҳайдаш хусусиятига эга.

[1] Chelidonium majus L.

436 МОҲИЗАҲРА[1] – МАРГИ МОҲИЙ

Моҳияти.

Шубрумга[2] жуда ўхшаган ўсимлик бўлиб, аммо бўйи ундан узунроқдир; ранги хира, сарғиш бўлади. Баъзи кишилар уни заҳарли сутли ўсимликлардан, деб ҳисоблайдилар.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Сувга ташланса, балиқларни маст қилиб, [уларни] сув юзига чиқаради.

Б ў ғ и н л а р.

Подаграга, иркуннасога, бўғин оғриқларига, орқа ва ёнбошдаги оғриқларга фойда қилади. Сурги дориларга қўшилса, елларни ҳайдайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шилликли қуюқ хилтларни суради.

[1] Моҳизаҳра форс тилида «балиқ заҳари» маъносида бўлиб, Anamirta paniculata Colebr. ни ифодалайди.

[2] Сутли ўтларнинг бир тури. Қ. № 706.

437 МОШ[1] – МОШ

М о ҳ и я т и.

Жавҳари боқилага яқиндир. Уни истеъмол қилиш учун яхши пайт ёз пайтидир.

[371] Т а б и а т и.

Намлиги ва қуруқлиги мўътадил. Пўсти ажратилган мош мўътадил, пўсти ажратилмагани қуруқликка мойилдир. Чунки пўстида мози маза бор.

Х о с с а л а р и.

Гарчи бир оз ел пайдо қилса ҳам, боқиланики каби ел пайдо қилиш хусусияти бунда йўқ, [шунингдек], боқиладаги тозаловчилик, ясмиқ донидаги совуқлик ҳам бунда йўқ. Мошга бир оз маҳсар қўшилса, тузалади.

Б ў ғ и н л а р.

Мошни асаб[2] оғриқларида узумдан олинган *тило* шароби билан ва заъфарон қўшиб қайнатилган шароб билан аралаштириб, қўйиб боғланса, айниқса, [фойда қилади]. Узилиш ва эзилишларда ҳам қўйиб боғланади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Мошнинг, айниқса, пўсти ажратилганининг каймуси яхшидир. Бунда боқиладаги каби секин ўтиш хусусияти йўқ. Уни бодом ёғи билан қайнатилса, яхши хилт пайдо қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қайнатиб, сувини тўкиб ташлаб, сўнгра яна қайнатилса, ични боғлайди. Айниқса, анор ва татим уруғи [қўшиб], нордон қилинса, шундай қилади. Баъзиларнинг айтишларича, мош жинсий қувватга зарар етказади.

[1] Phaseolus mungo L.

[2] Б. да: «орган».

438 МАНН[1] – ШИРА, МАННА

Моҳияти.

Тош ёки дарахтларга тушадиган ширин мазалик шудринг бўлиб, асал каби қуюлади ва елимларга ўхшаб қотади; масалан, янтоқ шакар, ширхушк, Рай яқинидаги Қасрон тоғларидан келтириладиган асал. Буларнинг ҳар бирини ўз бобида айтиб ўтдик[2]. Шира ўзи тушган нарсаларнинг қувватини ўзига олади ва у қувватга ўзининг юмшоқлиги ва ширинлигига қараб янги хусусият беради.

[1] Баъзи ўсимликлар ва қурбақа ўтлар устида пайдо бўладиган шира. Бу шира шу ўсимликларнинг ўзидан чиқади. Турк тилида *қудрат ҳалвоси* дейилади.

[2] №№ 547, 702 ва 724 ларга қаранг.

439 МАРМОЗОД[1] – МАРВ ОЗОД

Моҳияти.

Тукли оқ шохлардан иборат бўлиб, *жуъдага*[2] ўхшайди, аммо туки кўп, ҳатто бутунлай тукдан иборат каби кўринади. Ҳиди *марв* ҳидига ўхшайди.

Табиати.

Иссиқ[3] ва бир оз хушбўй ҳиди бор.

[1] Б. да: *мармород*; Origanumнинг бир турини ифодалайди.

[2] № 152 га қаранг.

[3] Л. да: «ўткир».

440 МИЛҲ – ТУЗ

Моҳияти:

(Машҳур). Баъзи тузларда аччиқлик ва буруштириш хоссаси бор. Аччиқтуз *бураққа* яқиндир. Тузнинг баъзиси уваланадиган, баъзиси қазиб олинадиган, баъзиси эса кристаллик оқ туздир[1]. Яна қора, нефтли [туз ҳам бор]. Унинг қоралиги ундаги нефтлилик сабаблидир. Агар қора тузни нефть моддаси учиб кетгунча тутатилса, у оқ туз каби [тоза бўлиб] қолади. Яна ҳинд тузи ҳам борки, унинг қоралиги ундаги нефть моддаси сабабли эмас, балки қоралик унинг жавҳарининг ўзидадир. Денгиз тузи сув тегиши билан эрийди, контузи эса ундай эмас.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Туз қанча аччиқ бўлса, шунча иссиқ бўлади.

Хоссалари.

Тозаловчи, эритувчи, буруштирувчи ва эритиши сабабли қуритувчидир. Энг кучли хусусияти буруштирувчанлигидир. Бу хусусияти шамоллар таъсирида синади[2]. Куйдирилгани кучлироқ қуритади ва эритади. Туз сасишга тўсқинлик қилади. Талоқнинг қалинлашувига[3] фойда қилади. Гули тузнинг ўзидан ва куйдирилган туздан латиф бўлади. Чанги ҳар иккаласига ҳам яқиндир. [Кейинги] иккитаси оддий туздан кўра кўпроқ эритади ва камроқ буруштиради. Кон тузининг эритиш кучи ва латифлиги кам, лекин *кашан* [тузи] каби кам[4] мазалилиги ундай эмас. Чунки у (латифлиги сабабли) буруштирувчан ва эритувчандир. Уни бир неча марта ювилса, ачиштирмай қуритадиган бўлади. Уваланадиган туз тозаловчанроқдир, агар уни[5] совуқлик овқатларга аралаштирилса, унинг [табиатини] ўзгартиради. Оқ туз елларни ҳайдайди. Тахир [аччиқ] тузнинг эритиши ўткирроқдир. Тузларнинг ҳаммаси қотган хилтларни эритади. Тахир тузнинг эритиши ва қиздириши кучлироқдир.

Зийнат.

Куйдирилган туз тишни тошлардан тозалайди, || суртилса, ҳар бир ерда *192а*
бўлган қонталашни кетказади. Тузни асал билан[6] истеъмол қилинса, рангни яхши қилади.

Шиш ва тошмалар.

Тузни асал ва майиз билан қўшиб, чипқонларга қўйилади. Шилликли ўсмаларга ялпиз ва асал билан қўшиб, суртилади. Туз шилликли ўсмаларнинг[7] тарқалишига тўсқинлик қилади.

Жароҳат ва яралар.

Ортиқча этларни ва тутсимон этларни еб ташлайди, ярага айланган кўтирга ҳамда темираткига фойда қилади. Зайтун ёғи ва сиркага қўшиб оловга яқин туриб чапилса, терлатади. Шундай қилиб, қичимани, айниқса, шилликдан бўлган қичимани босади.

Тузни зайтун ёғи билан оловда куйган [жойга] қўйилса, қавариб чиқишга тўсқинлик қилади, айниқса, *бурақли* туз ва Африка тузи шундай қилади. *Бурақли* нарсалар бириктириш ва қуритишда тузларнинг ҳеч бирига тенг келолмайди. Рутубатдан бўлган нарсани туз кучли равишда шимилтиради [ва қуритади], кейин аъзонинг қолган бўлакларини йиғади ва буруштиради.

Бўғинлар.

Ун ва асал билан қўшиб, асаб буралишига [қарши] қўйилади, подаграда қўйиб боғланади. Зайтун ёғига аралаштириб, аъзоларга[8] суртилади.

Бош аъзолари.

Абу Жаҳл тарвузининг эти билан қўшиб, бошдаги тошмаларга сурти-

лади. Оқ туз зеҳнни ўткир қилади. Туз, айниқса, оқ туз, бўшашган тиш милкларини маҳкамлайди. Тузни сирка билан қўшиб, қулоқ оғриғига ишлатилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

[372] Кўз қовоғидаги ортиқча этни ва нохинани ейди, тузнинг гули, айниқса, кўзга парда тушиши ва оқ тушишида қўлланилади. Тузни зайтун ёғи ва асал билан қўшиб, боғланса, кўзда қотиб қолган қонталашни тарқатади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Нефть моддали тузни асал ва сирка билан қўшиб, танглайга суртилса, томоқ оғриққа, тилчанинг шишувига ва томоқ мушакларидаги шишларга фойда қилади. Оқ туз, нефтли туз ва бошқа тузлар кўкракдаги ёпишқоқ балғамни кўчиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Туз, айниқса, нефть моддали ва хусусан, оқ туз, қусишга ёрдам беради, совуқ меъда оғриқларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Тузнинг ҳамма тури ахлатнинг чиқарилиши ва таомнинг [қуйига] тушишини осонлаштиради. Нефть моддали туз сассиқ балғамни, сувни, қора ўтни[9] ҳайдаб чиқаради. [Шу сабабли] тузни ҳуқна қилинувчи дориларга киритилади. Нефтли бўлмаган кучли қора туз балғамни ва савдони суриб чиқаради, тахир туз ҳам савдони суришда кучлироқ. Оқ туз эса хом балғамни суришда кучлидир, [у яна] савдони ҳам суради. Тузнинг ўзи дизентерия учун энг яхши [тузатувчи] воситадир. Туз савдони ҳамда аъзо бўлакларида ёпишиб қолган ёпишқоқ рутубатларни сурувчи дориларга ёрдам беради. Тузни ялпиз, сариёғ ва хамиртуриш билан қўшиб, мояклардаги шиллиқли ўсмаларга ишлатилади. Шунингдек, ялпиз ва асал билан қўшиб, ишлатилса, эрлик олатининг яраларига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Тузни зиғир уруғи билан қўшиб, чаён чаққан жойга қўйиб боғланади. Тоғ ялпизи, *зуфо* ва асал билан қўшиб, шохли илон чаққанига қарши ишлатилади, сирка ва асал билан қўшиб, заҳарли мингоёқ ва қовоқариларнинг чаққанига қарши ишлатилади. *Сиканжубин* қўшиб, афюн ҳамда ўлдирувчи қўзиқоринларнинг зарарига қарши [ишлатилади].

1 Арабчаси: «дароний».
2 Б. да: «кўпаяди».
3 Б. да «куюқ хилтларга».
4 Б. да: «кучлик».
5 Б. да: «куйдирилганини».

6 Б. да: «мўътадиллик билан».
7 Б. да: «учуқларнинг».
8 Б. да: «чарчаганга».
9 Б. да: «ўтни ва савдони».

441 МУЛУХИЁ[1] – ЖУТ; ТУГМАЧАГУЛ

М о ҳ и я т и.

Бу *(хуббоз)* бўлиб, унинг тўғрисида, *хуббоз*ни баён қилганимизда *«Хо»* [Х] ҳарфи бобида тўлиқ сўзлаб ўтганмиз[2].

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада ҳўл.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигардаги тиқилмаларни очади.

[1] Corchorus olitorius L.; Malva sylvestris L.
[2] № 767 га қаранг.

442 МИШМИШ[1] – ЎРИК

Т а н л а ш.

Яхшиси арман ўригидир, чунки у тез бузилмайди ва тез ачимайди. Ейилганда мастакий ва Рум бодиёнини бир ё икки *дирҳам* миқдорида баб-баравар олиб, соф шароб, ёки майиз, ёинки асал набизи [билан берилади].

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл. Мағзининг ёғи иккинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқдир.

Х о с с а л а р и.

Ўрикнинг [пайдо қилган] хилти тез сасийди.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Туршак суви ташналикни қондиради. Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир. Арман ўриги меъдада бузилмайди ва тезда ачимайди. Ўрик егандан кейин Рум бодиёни ва мастакини беҳи шарбати[3] ёки майиз шаробига солиб ейилса, унинг зарарини қайтаради. Совуқ мизожли кишилар эса, тоза асал билан ейишлари керак.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мағзининг ёғи бавосир касалига фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Ўрик тез бузилиши сабабли иситмаларни келтириб чиқаради. Лекин ивитилган туршак иситмаларга фойда қилади.

[1] Prunus armeniaca L.
[2] Б. да: «учинчи».
[3] Аслида *майбиҳ*.

443 МАВЗ[1] – БАНАН

Моҳияти.

Бу машҳурдир. Униҥ барги ёйиқ ва узун бўлиб, ҳинд қамишининг баргларига ўхшайди, бу фақат иссиқ мамлакатлардагина ўсади.

Хоссалари.

Бир оз ғизолиги бор, ўзи юмшатувчидир. Кўп ейилса, тиқилмалар пайдо қилади, мизожга қараб сафро ва балғамни кўпайтиради.

Нафас[2] аъзолари.

Бўғиз ва кўкракнинг ачишиб, куйишига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

1926 Меъдага оғирлик қилади. Кўп ейилса, || меъдани жуда оғирлаштиради. Шунинг учун иссиқ мизожли кишилар банан егандан кейин дориворлар қўшилган сиканжубинни, совуқ мизожлилар эса асал истеъмол қилиши керак.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини кўпайтиради, буйракка мувофиқ келади ва сийдикни ҳайдайди.

[1] Musa sepientum L.
[2] Б. да: «кўкрак».

444 МУХХ – ИЛИК

Танлаш.

Иликларнинг энг ёқимлиси бузоқ ва тоғ эчкиси, кейин ҳўкиз, сўнг эчки ва ундан кейин қўй илигидир. Такалар, буқалар ва айниқса, бичилмаганларининг иликлари жуда қуруқ бўлади. Оёқларининг иликлари эса ёғлироқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Қиздирувчи, юмшатувчи, тозаловчи, яхши ҳазм бўлса, кўп озиқ берувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Қаттиқликларда ва тошга айланиш ҳолларида фойдалидир. Бузоқ ва буғу илиги каби иликлар такалар ва тоғ эчкиларининг иликларига ўхшаш эмасдир. Чунки уларнинг иликлари қуруқ ва фойдаси кам.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани булғайди, иштаҳани бўғади, шунинг учун иликни хушбўй нарсалар ва дориворлар билан ейиш керак.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Яхши илик[373]ларни бачадонга кўтарилса, унинг қаттиқликларига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Айтишларича, тоғ эчкиси илигини [баданга] чапланса, газандаларни ҳайдайди.

445 МУРРИЙ[1]

Т а б и а т и.

Иккинчи[2] даражага яқин иссиқ ва қуруқ. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, балиқ *муррийси*нинг иссиқ ва қуруқлиги арпаникидан камроқ, лекин мен бунга ишонмайман.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қуюқ хилтларни кетказади, юмшатади ва шимиб олади. Буруштириш ва балғамни тозалаш хусусияти ҳам бор.

З и й н а т.

Оғиз ҳидини яхши қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Чириган яралар учун яхшидир. Тузланган балиқ ва тузланган гўштдан ишлангани ёмон сифатли яранинг ёйилишига тўсқинлик қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Ёнбош оғриқларига ва иркуннасога фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

[*Муррийни*] чечак касалининг бошланишида суртилса, кўзга тошишига тўсқинлик қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъданинг рутубатига фойда қилади. Ички аъзолардан рутубатни кетказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қуланжга ишлатиладиган ҳуқна дориларга, айниқса, ичак шилинишини тузатадиган ҳуқна дориларига қўшилади.

З а ҳ а р л а р.

Қутурган ит тишлаганида фойда қилади.

[1] МА ва КК да айтилишича, *муррий* сўзи арабча *мумри* – ҳазмни осонлаштирувчи деган сўздан келиб чиқиб, бу Халдея табиблари ясаган мураккаб дорининг исмидир. Энг

яхши *муррий* ёзда арпа унидан, чўлялпиз, туз, укроп, петрушка уруғи, долчин; қаранфил ва бошқа дорилар аралаштириб тайёрланади. Ана шулардан тайёрланган хамирдан хомсўз нон қилиниб, қирқ кун ичида ферментация қилинади. Йўл-йўлакай *муррий*нинг балиқдан тайёрланганлиги ҳам айтиб ўтилади. Л.нинг ҳошиясида *муррий*нинг гўшт ёки балиқдан тайёрланган бир машҳур яхна овқат эканлиги ёзилган.

[2] Б. да: «учинчи».

446 МАЙБУХТАЖ – ШИННИ

(М о ҳ и я т и.

Бу узумнинг қайнатилган сувидир).

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

[Балғам]ни кўчиради. Шунинг учун *диёқузо* деб машҳур бўлган кўкнор шаробига қўшилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буйрак ва қовуқ оғриқлари учун фойдалидир.

447 МАСЛ[1] – ҚУРУТ

Х о с с а л а р и.

Қурут савдо мизожлар учун жуда зараралидир, агар уни ёғли гўшт билан қайнатилса, бир оз зарари камаяди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдага зараралидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Орқатешикка зарар қилади.

[1] Араб луғатларида *масл* сўзи қатиқ зардоби ёки оғиз суви маъносида ҳам келади.

448 (МОЙИҲ – ?

М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, бу ўсимликни оловни ёндириш учун ишлатилади. Уни ушлаб кўрганда бир оз ғадир-будурлиги сезилади. *Мойиҳ*нинг битта пояси, думалоқ барглари бор, баргининг тубидаги чўпида икки табақали кенгаювчи қалқонсимон мевалари бўлади. У тоғли ва бориш қийин бўлган ерларда ўсади. Қайнатмасини ичилса, иситмасиз ҳиқичоққа фойда қилади. *Мойиҳ*ни қўлга олинса ёки унга тикилиб қаралса ҳам шундай таъсир қилади. Агар уни эзиб, асал билан қўшиб, чапланса, сепкил ва песни кетказади.

Янчиб, овқатга солиб ейилса, ит тишлаганига фойда қилади, деб гумон қиладилар. Айтишларича, уйга осиб қўйилса, ўша уйда яшовчи кишилар ва ҳайвонларнинг баданларини соғлом сақлайди. Уни уй тепасига ва ҳайвонларнинг бўйнига осиб қўйилса, улардан касалликлар ва зарарларни йироқлаштиради.

449 МАНҚУР – «МИСР КЎКНОРИ»

Моҳияти.

Дискуридуснинг даъвосича, *манқур* бу Миср кўкноридир. (Биз уни *«Ха»* [Х] ҳарфи фаслида айтамиз).

[1] Юнонча (*майкун* – «кўкнори») сўзининг бузилгани бўлса керак.

«НУН» ن [Н] ҲАРФИ

450 НАРЖИС[1] – НАРГИС

(Моҳияти).

Наргис машҳурдир.

Таъсир ва хоссалари.

Илдизи чуқурликлардан [суюқликларни] тортиб олади, қуритади, тозалайди ва ювади. Ёғи хоссалари жиҳатидан ясминнинг ёғига ўхшайди, аммо ундан кучсизроқ.

Зийнат.

Илдизи тикан ва ўқ учларини чиқариб ташлайди, айниқса, мастакининг уни ва асал билан қўшилганда шундай қилади. Наргис сепкилни ва доғни кетказади. Айниқса, сиркага қўшилганда унинг илдизи ана шундай таъсир кўрсатади. Илдизи [яна] «тулки касаллиги»га ҳам фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Наргиснинг илдизини асал ва ёввойи ясмиқ билан қўшадилар ва бу аралашма қийинлик билан етиладиган йирингли шишларни ёради, илдизини эса асабларнинг шишларига [қарши] қуюқ суртма қилинади.

Жароҳат ва яралар.

Наргис жароҳатларни қовжиратади ва уларни шундай ёпиштирадики, ҳатто пайларнинг узилишларини ҳам [маҳкам бириктириб юборади]. Асал билан янчиб, оловдан куйганга, асабларнинг яраланишига ва чуқур яраларга қўйилади. Наргисни ёввойи ясмиқ ва асал билан аралаштириб [ишлатилганда] яралардаги чиркни кетказади.

Бўғинлар.

Наргис ёғи асабга фойда қилади. Илдизидан асаб шишлари ва тугунларига ҳамда бўғинлар оғриғига қуюқ суртма тайёрланади.

Бош аъзолари.

Наргис миядаги тиқилмаларни очади ва савдодан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғига фойда қилади. Ёғи ҳам шунга мувофиқ келади, аммо иссиқ [мизожли] бошларни оғритади.

[374] Нафас аъзолари.

Наргис ёғини кўкракка суртилса, кўкрак-қорин тўсиғидаги қаттиқ ва совуқ шишларни тарқатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар наргиснинг илдизини (ўз ҳолича) ейилса, кўнгилни айнатади ва қустиради; қайнатмаси ҳам шундай таъсир кўрсатади.

Чиқариш аъзолари.

Наргис бачадон ва қовуқдаги оғриқлар учун фойдалидир. Агар унинг тўрт *дирҳами*ни асал суви билан ичилса, тирик ёки ўлик ҳолида болани туширади. Наргис ёғи юмилган бачадонни очади ва бачадондаги оғриқларга фойда қилади.

[1] Narcissus poeticus L. ёки. N. tazzetta L.

451 НОРДИН[1] – РУМ СУМБУЛИ

Моҳияти.

193а Унинг тўғрисида сумбул бобида айтиб ўтилди[2]. У Рум сумбулидир. ||

[1] Nardostachus jatamansi D. C. син. Valerana jatamansi J o n e s.

[2] № 516 га қаранг.

452 НИЛ[1] – НИЛ ЎСИМЛИГИ

Моҳияти.

Унинг боғда ўсадигани ва ёввойиси бўлади. Ёввойисининг таъсири боғда ўсадиганининг таъсири кабидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи; қон кетишни тўхтатади. Боғда ўсадигани ачиштирмасдан кучли равишда қуритади, ёввойиси эса ўткир ва янада кўпрок қуритувчидир. У яна ёмон моддаларни чуқурликдан тортиб олади.

З и й н а т.

Нил сепкилни, доғни аритади ва «тулки касаллигига» фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Нил бўш этдаги шишларни буруштиради ва қаттиқ аъзолардаги ёмон яраларга фойда қилади, умуман барча шишларнинг бошланиш пайтида, шунингдек, учуқ ва сарамасга фойда қилади. Уни арпа уни билан бирга ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Нил ўзининг қуритувчилик хусусиятига кўра қаттиқ таналардаги иссиқ жароҳатларни бириктиради; боғ нилининг мевалари шундай қилади. Ёввойи нил эса ўткир бўлади ва у чириётган яралар учун яхши бўлиб, уларга жуда ҳам яхши фойда қилади.

Боғ нили ўткирлиги кам бўлгани учун яраларни яхши тузатади ва эски яраларга ҳам фойда қилади. Уни асал билан янчиб, оловдан куйганга ва асаб жароҳатларига қўйилади. Нил, айниқса, мастак уни билан қўшилганда, тиканларни тортиб чиқаради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Нил болаларни қустирадиган даражадаги қаттиқ йўталга фойда қилади, шираси ҳам шундай. У ўпкадаги яралар, савдодан бўладиган қобирға плевраси зотилжами учун ҳам фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Нил, айниқса, унинг ёввойиси, талоқ учун фойдалидир.

[1] Indigofera tinctoria L.

453 НАСРИН[1] – НАЪМАТАК; НАСТАРИНГУЛ

М о ҳ и я т и.

Ўз қуввати жиҳатидан ясминга ўхшайди, аммо ундан кучсизроқ ва кўпроқ наргисга яқинлашади. Ёғи ўз кучи жиҳатидан ясмин ёғига яқин, аммо [ундан] кучсизроқ.

Т а б и а т и.

Учинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Наъматакнинг барча хиллари тозаловчи ва суюлтирувчидир, айниқса, унинг гуллари шундай хусусиятга эга.

Б ў ғ и н л а р.

Наъматак асабларнинг совуб қолишига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қулоқлардаги қуртларни ўлдиради, қулоқ шанғиллаши ва ғувиллашига, шунингдек, тиш оғриғига фойда қилади. Ёввойи хилини пешонага чапланса, бош оғриғини босади. Унинг барча турлари бурун тешикларидаги тиқилмаларни очади.

Нафас аъзолари.

Наъматак томоқдаги ва бодомсимон безлардаги шишлар учун фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг тўрт *драхмий*сини ичилса, қусишни ва ҳиқичоқни тўхтатади, айннқса, унинг ёввойи тури ана шундай.

1 Rosa canina L.; Rosa moschata Herrn.

2 Б. да: «иккинчи».

454 НАММОМ[1] – ТОШЧЎП, ТОҒЖАМБИЛ

Моҳияти.

Бу *сисанбар*дир[2].

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва шу даражагача қуруқ.

Иситмалар.

Чиришга тўсқинлик қилади.

Таъсир ва хоссалари.

Битларни ўлдиради.

Шиш ва тошмалар.

Тошчўп совуқ[3] шишлар ва жуда қаттиқ флегмонага фойдалидир.

Бош аъзолари.

Уни сиркада қайнатиб, гул ёғи билан қўшиб, бошга суртилса, *нисён* [эсарлик]ка фойда қилади, яна ақлдан озишга, летаргия ва мия яллиғланишига фойда қилади. Сиркада қайнатиб ва гул ёғи билан қўшиб, бош оғриғига [қарши] қўлланилса, ёрдам беради. Ёввойисининг баргларини бошга ва пешонага қўйиб боғланса, бош оғриғига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Тошчўп шаробга қўшиб ичилса, ҳиқичоқ учун фойдалидир, уруғлари [ўзидан] кучлироқдир; ўзи жигардаги совуқ шишлар учун ҳам фойдали.

Чиқариш аъзолари.

Тошчўп гижжалар ва қовоқ уруғисимон гижжаларни йўқотади, ўлик болани туширади, [сийдик ва ҳайз қонини] ҳайдайди, айниқса, унинг тошлоқда [ўсадиган] ва ёввойи турлари шундай қилади. Шароб билан

ичилса, томчилаб сийишнн йўқотади ва тошларни чиқариб ташлайди. Шароб билан [ичилганда] яна ичакнинг бураб оғриганига ҳам фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чақувлар учун фойдали. Қовоқарилар чаққанида тошчўпдан қилинган қуюқ суртма қўйилади ва икки *дирҳам* миқдоридагисини *сиканжубин* билан ичилади.

[1] Thymus glaber M i l l ёки Th. serpyllum L.

[2] Labiatae оиласига кирувчи Sisymbrium туридан бўлса керак.

[3] Б. да: «ички».

455 [375] НИЛУФАР[1]

М о ҳ и я т и.

Жолинус уни кўпинча «сув карами» ва мевасини «келин меваси» деб атайди. Унинг тўғрисида қарама-қарши фикрлар бор. Ҳинд нилуфарининг илдизи меҳригиё эга бўлган таъсирларга эгадир.

Т а н л а ш.

Энг кучлиси оқ илдизлисидир. У қора илдизлисидан кучлироқ бўлади; унинг уруғи эса мевасидан кучлироқ бўлади.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл, унинг шароби [иссиқни] босади. Ҳинд нилуфарининг табиати меҳригиёники кабидир.

Х о с с а л а р и.

Шароби [иссиқни] жуда кучли равишда босади.

З и й н а т.

Илдизини сув билан [қўшиб], доғни йўқотиш учун қўйилади. Бунда, айниқса, қора нилуфар ва унинг илдизи фойдалидир. Уни *зифт* билан [қўшиб], «тулки касаллиги»га, айниқса, қора нилуфар ва унинг уруғини қўядилар.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Нилуфарнинг илдизи иссиқ шишлар ва талоқ шишларига фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Уруғи ва илдизи яралар учун фойдалидир. ‖ *193б*

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ухлатувчи, иссиқ ва сафроли бош оғриғини босувчи, аммо кишини заифлаштиради.

Қ ў к р а к в а н а ф а с а ъ з о л а р и.

Шароби йўтал ва қобирға плевраси зотилжамга қарши [даво]дир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи ичилса ёки қуюқ суртма қилинса, талоқ шишлари учун фойдали бўлади.

Чиқариш аъзолари.

Нилуфарнинг бир *дирҳамини* кўкнор шароби билан ичилса, иҳтиломни ва жинсий интилишларни тўхтатади. Нилуфар, айниқса, унинг илдизи ўзининг алоҳида хусусиятларига кўра эрлик уруғини қотириб қўяди. Нилуфар илдизи чўзма ичкетарга, ичакдаги яраларга фойда қилади ва уни қуюқ суртма қилинса, қовуқ оғриқларига фойда қилади. Унинг уруғлари эса ҳар соҳада шунчалик кучлидирки, ҳатто ҳайз қони кетишини тўхтатиб [ҳам] қўяди. Сариқ нилуфарнинг илдизи ва уруғларини бир неча марта сут билан ичилса, бачадондан доимий [равишда] намлик оқиб туришига тўсқинлик қилади. Унинг шароби табиатни юмшатади.

Иситмалар.

Шароби ўткир иситмалар учун фойдали ва [иссиқни] босувчилардан [саналади].

[1] Nymphaea alba L. ва бошқа турлари.

456 НАЪНО[1] – ЯЛПИЗ

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Ялпизда ортиқча намлик бор.

Хоссалари.

Унда қиздирувчи ва буруштирувчи куч бор. У барча истеъмол қилинувчи сабзавотлар ичида жавҳари энг латифидир, агар ялпиз шоҳларини сутга ташланса, [сут] ивимайди. Унинг ширасини сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқишни тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

Толқон билан [қўшиб] йирингли шишларга қуюқ суртма қилинади. Боғ ялпизи чўлялпизига [*фуданажга*] ўхшамайди, чунки чўлялпизида мози маза йўқдир. [Чўлялпиз] эритади, қиздиради, жуда қаттиқ қуритади ва шу билан зарар ҳам келтиради.

Бош аъзолари.

Ялпизни, айниқса, арпа уни билан қўшиб, бош оғриғига қарши пешонага қўйиб боғланади. У билан дағалланган тилни ишқаланса, дағаллиги кетади. [Ялпизнинг] ширасини асал суви билан аралаштириб, оғриган қулоққа томизилади.

Кўкрак ва нафас аъзолари.

Қон ташлаш ва қон кетишни тўхтатади. Қуюқ суртма қилинганда, эм-

чакда сутнинг ивиб қолишига тўсқинлик қилади ва эмчак шишларини қайтаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ялпиз меъдани маҳкамлайди, уни қиздиради, ҳиқичоқни тўхтатади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади; шиллиқ ва қон қусишни тўхтатади ва сариқ касалига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Боғ ялпизида, чўлялпизида бўлмайдиган боғ намлиги бор бўлгани учун у ел пайдо қилиб, жинсий алоқага интилишни кучайтиради. Эрлик уруғи пуфакларини маҳкамлайди; гижжаларни ўлдиради. Агар ялпизни жинсий алоқадан олдин ичга кўтарилса, ҳомиладор бўлишнинг олдини олади. Агар ялпиз шохларини анор донаси билан ичилса, қусиш билан бўладиган ичкетишни тўхтатади.

З а ҳ а р л а р.

Ялпиз, айниқса, унинг уруғи қутурган ит тишлаганида [ишлатилса], фойда қилади.

[1] Mentha piperita S m i t h.; M. sativa L.

457 НОРМУШК – АНОР ИПОРИ

М о ҳ и я т и.

Бу [анор дарахтининг қуритилган] гули, пўстлоқлари ва чўпларидир. Улар мускат ёнғоқларининг қобиғини эслатади, аммо ундан кўра қизилликлари камроқдир. Анор ипори сарғиш, хушбўй ва бир оз мози мазали бўлади ва ўз хоссалари жиҳатидан рум сумбулига яқинлашади. Уни *ноғбушт* деб ҳам атайдилар.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Латиф ва эритувчи.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Анор ипори совуқ меъда ва жигар учун яхши, у сумбул каби фойдалидир.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

Анор ипорини унинг баробар миқдоридаги занжабил, ярим миқдоридаги чўл қовоғи ва олтидан бир миқдоридаги сумбул билан алмаштирилади.

[1] Mesua ferrea L.

458 НУХОЛА – КЕПАК

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Кетказувчи, юмшатувчи ва жуда тозаловчи, аммо ёввойи ясмиқчалик эмас. Ел ва шиллиқни шимилтиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ шишларнинг бошланишида кепакни жуда кучли сирка билан [қўшиб] ишлатадилар. Уни шароб билан ивитиб, эмчак шишларига қўйиб боғланади. Улар шиллиқни ва елли шишларни қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

[376] Кучли сирка билан қўшиб, ярага айланган қўтирга қўйиб боғланади. Уни иссиқ ҳолда қўйиб боғлаш керак.

К ў к р а к в а н а ф а с а ъ з о л а р и.

Кепак кўкракни юмшатади, чунки унда тозалаш хусусияти бор. Айниқса, унинг қанд ва бодом ёғи билан қилинган аталаси шундай қилади. Уни шароб билан намланса, эмчак шишларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Кепак ичакни ўзидаги нарсаларни чиқариб ташлашга ҳаракатлантиради. Кепакдан қилинган аталани ичирилса, ични юмшатади.

З а ҳ а р л а р.

Кепакни чаён ва афъо илони чаққанига қўйиб боғланса, фойда қилади.

459 НУШОРА – ҚИПИҚ

Т а б и а т и.

Дарахтларга қараб [белгиланади].

Х о с с а л а р и.

[Қурт] ейиш натижасида чиқадиган дарахт қипиғи тозаловчи бўлади. Дарахтнинг ўзида турган қипиқда эритиш ва қуритиш хусусияти бор.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

[Қурт] еган ёғочнинг қипиғи, айниқса, буруштирувчилик [хоссасига эга] бўлган дарахтнинг қипиғи, [яраларни] битказади. Масалан, тиканли дарахтларнинг баъзилари ана шундай хусусиятга эгадир. Қипиқни ўз миқдоридаги Рум арпабодиёни ва шароб билан аралаштириб, сўнгра қуйдириб, янчилса ва [янчилганини] учуқ яраларига сепилса, фойда қилади.

460 НАШО – КРАХМАЛ, НАШОСТА

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва куруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Елимлаш ва юмшатиш хоссаларига эга. || Крахмални ўзига уч баробар *194а*
[ортиқ миқдорда] сувга солиб, қайнатиш керак.

Зийнат.

Заъфарон билан қўшиб, сепкилга қарши ишлатилса, уни кетказади.

Яралар.

Яраларни битказади ва тузатади.

Кўз аъзолари.

Кўзга моддаларнинг оқиб тушишига тўсқинлик қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Кўкракни юмшатади. Крахмалдан қилинган атала кўкракка назлалар тушишига йўл қўймайди.

Чиқариш аъзолари.

Крахмалнинг ўзи ҳамда унинг ясмиқ билан қўшилгани ични боғлайди ва ичдан ўтнинг ўтишига тўсқинлик қилади.

461 НАРТИҚУС[1] – ОДДИЙ ҚАВРАК

Моҳияти.

Иссиқлик дори бўлиб, ичида кўк ва буруштирувчан мағизи бор. Зайтун ёғи билан қўшиб, ишлатилса, терлатади.

Бош аъзолари.

Бурун тешикларига пуфланса, [бурундан] қон оқишни тўхтатади.

Нафас (ва кўкрак) аъзолари.

Ҳўл мағизи кўкракка йиғилган қонни туфлатиб, ташлатади.

Чиқариш аъзолари.

Мағзи чўзма ичкетишни тўхтатади.

Заҳарлар.

Шароб билан қўшиб, суртилса[2], афъо илони чаққанига фойда қилади.

[1] М. А. дан олиб, тузатиб ёзилди. Л. да: *нариғу*, Б. да эса *нарсиъус* ёзилган. Ferula communis L.

[2] Б. да: «ичилса».

462 НОНХОҲ[1] – ЖУВОНА

Моҳияти.

(Машҳурдир). Унда бир оз аччиқлик ва ўткирлик бор.

Танлаш.

Энг фойдали қисми уруғидир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Тиқилмаларни очади. Қуритиш ҳамда юмшатиш [хусусиятига] эга.

Зийнат.

Жувонани ичилса ва суртилса, рангни сарғиш қилади. Доғ ва песга қарши ишлатиладиган дориларга қўшилади. Асал билан қориб [ишлатилса], ҳар қаерда бўлган қонталашни кетказади.

Нафас аъзолари.

Қўкракнинг йиринглашида ва (юракнинг нотинчланишида)[2] фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъданинг ҳўллигига фойда қилади, кўнгил айнаш ва беҳузурликни тўхтатади. Жувона совуқ мизожли жигар ва меъда учун ҳам фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Шароб билан қўшиб, ичирилса, сийдикни ҳайдайди. Қийналиб сийишни йўқотади ва тошни чиқариб ташлайди. Хулоса, буйрак ва қовуқни тозалайди, елларга ва ичак оғриқларига фойда қилади. Санавбар дарахтининг елими билан қўшиб, тутатилса, бачадонни тозалайди.

Иситмалар.

Эскирган иситмаларга фойда қилади.

Заҳарлар.

Жувона қайнатилган сувни чаён чаққан [жойга] қуйилса, оғриғини тўхтатади. Газандалар чаққанига қарши ҳам ишлатилади.

[1] Trachyspermum copticum (L.) L i n k ва Carum copticum B e n t h. Унинг эфир мойи Oleum Ajowani номи билан Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Арабчаси *тақаллуб ул-қалб*.

463 НАТРУН – СОДА

Мохияти.

Бу арман *бурақи*[1] бўлиб, у тўғрида (*«Бо»* [Б] ҳарфи фаслида) сўзлаб ўтилди. (Қайтаришимизнинг ҳожати йўқ).

[1] № 87 га қаранг.



Али ибн Ҳусайн Ансорийнинг доришуносликка оид «Ихтиёрот-и Бадиъий» номли асаридан. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1598 рақамли қўлёзма (XVI аср).

464 НУРА – ОҲАК

Моҳияти.

Оҳакдан биз тош ва сопол жинсига кирувчи жисмларнинг кулга айланганини тушунамиз.

Табиати.

Сув тегмагани (ва ҳозиргина сув тегиб ҳўл бўлгани) иссиқ ва қуруқ[1] бўлади. Ўчирилгандан икки, уч кун кейин куйдириш хусусиятини йўқотади ва қиздиради [холос]. Оҳакнинг ювилгани мўътадил даражада [қурукдир].

Хоссалари.

Қон кетишини тўхтатади. Ювилгани ачиштирмасдан қуритади. Оҳакни ёғлар билан қўшиб, қайнатилса, етилтирувчи бўлиб қолади.

Яралар.

Ортиқча этларни ейди, ювилгани ярани битказади ва олов куйдирган [жойга] жуда фойда қилади.

[1] Б. да: «куйдирувчи».

465 [377] НАРСИЁН ДОРУ – ҚИЗИЛ ТАСМА

Моҳияти.

Ўйлашимча, араблар буни бузиб ишлатган бўлсалар керак. Тўғриси *«Нун»* [Н] ҳарфи билан змас, балки *«Бо»* [Б] билан ёзилади[1]. Бу *асо'ур – роъий* [қизил тасма]дир[2]. (Бу ҳақда қуйида сўзлаймиз).

[1] Яъни форсча *порсиён дору* [форслар дорися] бўлади.
[2] № 530 га қаранг.

466 НАХЛ[1] – ХУРМО ДАРАХТИ

Моҳияти.

Хурмо берадиган машҳур дарахтдир. Унинг ҳамма бўлаклари бурушти-рувчан бўлади. Хурмо[2] ҳақида сўзлаб ўтириш ортиқчадир[3].

[1] Phoenix dactylifera L.
[2] № 617, 732 га қаранг.
[3] Б. да: «хурмо ҳақида юқорида сўзлаб ўтилди».

467 НУШОДИР[1] – НАВШАДИЛ

Танлаш.

Энг яхшиси *пайконий*[2], тиниқ ва биллурсимонидир.

Табиати.

Учинчи даражанинг охирида иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латифлаштирувчи ва эритувчи.

Кўз аъзолари.

Кўзга оқ тушганига фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Тушган тилчани кўтаради ва томоқ оғриғига фойда қилади.

[1] Аммоний хлорид – Ammonium chloratum Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Яъни нинасимон кристаллик.

468 НУҲОС – МИС

Моҳияти.

Миснинг баъзиси сарғиш қизил бўлади ва уни Қибрис миси дейдилар. Бу жуда яхши мисдир. Баъзиси қип-қизил, баъзиси эса қора қизил рангли бўлади. Миснинг яна бир турини *толиқун*[1] деб аталади. Куйдирилган мис ўткир бўлади ва унда буруштириш [хусусияти] ҳам бордир. Унинг ювилгани юмшоқ гавдалардаги яраларни қуритиш учун, ювилмагани эса қаттиқ гавдалардаги яраларни даволаш учун жуда яхши доридир.

Танлаш.

Миснинг гули[2], миснинг ўзидан кўра латифроқ бўлади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Куйдирилган мисда буруштириш, тезлик ва битириш хусусияти бор. *Толиқун* мисидан ишланган мўйчинак билан мўйни юлинса, унинг ўсишига тўсқинлик қилади, деган гаплар асоссиздир.

Зийнат.

Мўйни қорайтиради.

Жароҳат ва яралар.

Ёйилувчи ёмон яраларни битказади ва уларнинг ёйилишига тўсқинлик қилади, ортиқча этни ейди. Унинг ювилгани жароҳатларни битказади. Асал билан қўшиб, суртилса, қаттиқ гавдалардаги қовжираб қотиб қолган[3] яраларни тузатади.

Кўз аъзолари.

Кўришни ўткир қилади. Кўз милкларининг қотганига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Асал шароби билан қўшиб, ичилса, сариқ сувни[4] суриб чиқаради. Агар
194б уни танглайга суртилса, қустиради. || Ичириш миқдори бир ярим *мисқолдир*. У зарар етказмасдан туриб, сувни чиқариб ташлайди.

З а ҳ а р л а р.

Мис идишга шўр ё аччиқ ва ёғлик нарсаларни, масалан, ёғ ва гўштларни, шунингдек, нордон ёки ширин нарсаларни қолдиришдан, мис идишда [бирор суюқлик] ичишдан сақланиш керак. [Чунки мис идишлар] ўлдирувчи заҳар бўлган зангорни пайдо қилади[5].

[1] Миснинг қалай ва қўрғошин билан қотишмаси. Ўша даврда маълум бўлган барча 7 металлнинг қотишмаси ҳам шу ном билан аталган.

[2] Мис гули – мис занги маъносида.

[3] Б. да: «тўпланган».

[4] Яъни зардобни.

[5] Б. дан олиб таржима қилинди; Л. да текст бузилган.

469 НАФТ – НЕФТЬ

М о ҳ и я т и.

Нефтнинг оқи нефть турларининг энг машҳуридир. Қораси эса Бобилдан чиқадиган ва бошқа хил тоғ муминиг тоза қисмидир.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Латиф, айниқса, оқи шундай. Шимилтирувчи, эритувчи ва тиқилмаларни очувчидир.

Б ў ғ и н л а р.

Ёнбош оғриқларига ва бўғинларга оқ нефть, айниқса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Кўк нефть совуқдан бўлган қулоқ оғриқлари учун фойдалидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга оқ тушганига ва сувга [катарактага] фойда қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Астма ва кўксовга қарши озгина нефтни иссиқ сув билан ичилса, фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичак оғриқларини ва елларни тинчлантиради. Нефтдан, айниқса, қора нефтдан, пилик дори қилиб ишлатилса, гижжаларни ўлдиради. Нефтнинг ҳамма тури сийдикни ва ҳайз қонини юргизади, қовуқдаги елларни ва бачадон совуқлигини кетказади.

З а ҳ а р л а р.

[Турли газандаларнинг] чаққан ерига суртилганда, фойда қилади.

470 НАБИҚ[1] – КУНОР ДАРАХТИНИНГ МЕВАСИ

(М о ҳ и я т и.

У тиканли катта бир дарахт бўлиб, бундуққа ўхшаш меваси бор. Унинг ранги қизил ва мазаси яхши бўлади ва уни ейилади. *Набиқ* кўпинча иссиқ мамлакатларда бўлади. Ўша ерда яшовчиларнинг айтишларича, *набиқ* у мамлакатларнинг четларида бўлади ва ўша халқлар тилларининг турли шеваларида турлича номларга эга. Баъзилар уни *кинор* деб ҳам атайдилар).

Т а б и а т и.

Ҳўлида ҳам, қуруғида ҳам қуритиш ва латифлаштириш хусусияти бор. *Набиқ* дарахтининг ҳамма бўлаклари шундайдир. Бу [асли] сидр дарахтидир. Сидрнинг тутуни кучли равишда буруштиради.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Набиқ, айниқса, унинг толқони, буруштирувчидир.

З и й н а т.

Мўй тўкилишига тўсқинлик қилади ва уни узайтиради, кучли ва майин қилади. Сидрда бош қасмоғини ва кепагини кетказадиган ва мўйни қизартирадиган елим бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Сидрнинг барги иссиқ шишни юмшатади ва шимилтиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Сидр елими билан бошни ювилса, кепагини кетказади. (Бошни тозалайди ва сочни жингалак қилади).

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Сидрнинг барги астмага [378] ва ўпка касалликларига фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани кучайтиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични боғлайди. Парда йиртилиш натижасида ва ой кўришда кўп қон кетганда ва ичакларнинг яраларига *набиқ* ва, айниқса, унинг толқони фойдалидир. Меъданинг кучсизланиши сабабли бўладиган ичкетишда ҳам фойда қилади. Сидр қайнатилган сувни ҳуқнада ишлатилади, уни юқорида кўрсатилган касалликларга ва бачадондан оқадиган нарсаларга қарши ичилади. Бу меванинг янгиси ҳақида унга жинсдош бўлган беҳи, дўлана, олма ва нок каби ҳукм юргизилади. [*Набиқ*нинг] ўртачаси ични қотиради.

Унинг катта[2] хилининг мағзи ҳазм бўлмайди ва киши табиати уни суриб чиқарганидан; у қусиш билан бўладиган ичкетишни келтириб чиқаради.

[1] Zizyphus spina Christi W i l l d. № 486 га қаранг.
[2] Б. да: «кўп миқдордагиси».

471 НУВО УТ-ТАМР[1] – ХУРМО ДАНАГИ

Х о с с а л а р и.

Буруштириш ва ёпиштириш хусусияти бор.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Куйдирилгани ёмон яраларга фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Хурмо данагини куйдириб, сўнг ўчириб ва ювиб, тўтиё ўрнида сурмаларга ишлатилса, киприкни чиройли қилади, рум сумбули билан қўшиб, ишлатилса, киприкни ўстиради. Бу кўз яралари учун ва киприкни ўстириш учун ҳам фойдалидир.

[1] № 732 га қаракг.

472 НАЖМ – БУҒДОЙИҚ

Ж а р о ҳ а т л а р.

Қонаб турган жароҳатларни ёпиштиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси тошни чиқариб ташлайди. Уруғи [сийдикни] юргизади ва ични қотиради.

[1] Agropyrum repens B e a v. ёки Cynodon dactylon Pers.

473 НИТОФИЛУН[1] – «БЕШБАРГ», ҒОЗПАНЖА

М о ҳ и я т и.

Бу «бешбарг» деб аталадиган сутли ўтдир.

Х о с с а л а р и.

Ўткир бўлмаган, ачиштирмайдиган кучли қуритувчидир. «Бешбарг»ни қўйиб боғланса, қон оқишни тўхтатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни йирингли шишлар, қулғуна ва балғамдан бўлган қаттиқ шишларга, милкак (ва қўтирга) қўйиб боғланади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Илдизининг қайнатмасини югурувчи яраларга, ўзининг сиркада қайнатилганини учуққа қарши ишлатилади. У сарамас, милкак ва қўтирга ҳам фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Ичирилса ва қўйиб боғланса, бўғин оғриқлари, иркуннасо ва сувли даббага қарши фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Илдизининг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, оғриган тишга ва оғиз чақаларига фойда қилади. Баргини шароб билан қўшиб, тутқаноқ касалига қарши ўттиз кун давомида ичирилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкрак дағаллигига қарши қайнатмаси билан томоқ чайилади. Илдизининг шираси ўпка оғриғига ишлатилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизидан (олинган ширани) туз ва асал билан қўшиб, бир неча кун ичирилса, жигар оғриғида ва сариқ касаллигида фойда қилади. Ичириш миқдори уч *оболодир*.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи ичак яраларига, ичкетишга ва бавосирга фойда қилади. Илдизининг қайнатмаси ҳам шундайдир.

И с и т м а л а р.

Баргини асал шароби ё шароб билан қўшиб, тўрт кунда бир тутадиган ва маълум вақтда тутадиган [*ноиба*] ва кечаси тутадиган иситмаларда ичирилади.

З а ҳ а р л а р.

Илдизининг шираси ўлдирувчи доридир.

[1] Юнонча *пентафиллон* («бешбарг») сўзининг бузилгани бўлиб, Potentilla reptans L.ни ифодалайди.

474 НАЪОМ[1] – ТУЯҚУШ

М о ҳ и я т и.

Табибларнинг баъзилари унинг гўштини жуда мақтайдилар.

Т а б и а т и.

Баъзи табибларнинг айтишича, гўшти иссиқ, ёғли бўлиб, ҳазм бўлса, суякни тўғрилайди, гавдани кучайтиради, тузатади; || лекин у ғализ бўлиб, *195a* ҳазм бўлмайди.

Чиқариш аъзолари.
Жинсий қувватни кўпайтиради.

[1] № 798 га қаранг.

475 (НАМИР – ҚОПЛОН

Моҳияти.
Маълум ҳайвондир.
Бўғинлар.
Хузистонликларнинг айтишича, қоплоннинг чарвиси фалаж касаллигига жуда фойдалидир.
Заҳарлар.
Ўти ўша соатдаёқ ўлдиради).

«СИН» س [С] ҲАРФИ

476 СУЪД[1] –ТЎПАЛОҚ

Моҳияти.
(Дискуридуснинг айтишича, барги) ганданога ва янги чиққан буғдойга ўхшайдиган бир ўсимликнинг илдизидир. Лекин бунинг [барги] узунроқ, юпқароқ ва қаттиқроқ. Кўпчилик мамлакатларда [ўсадиган тўпалоқнинг барглари] ана шундайдир. Лекин яхшиси Куфада бўладиганидир. Айтишларича, Ҳинд тўпалоғи бурунни қонатади ва мўйни тўкади. (Унинг пояси бор, узунлиги бир неча газ ёки ундан ҳам кўпроқ бўлади. Пояси тўғри бўлмайди, балки қорачайир поясига ўхшаш бурчак шаклида эгилган бўлади. Пояларининг учида ўсиб чиққан майда барглари ва уруғлари бор. Илдизлари зайтунсимон бўлади, унинг баъзиси узунроқ, баъзиси думалоқ, бир-бирига киришиб кетган бўлиб, қора рангли, хушбўй ҳидли ва аччиқ мазали бўлади. Тўпалоқ пастлик ва зах ерларда ўсади. Тарсус ва Сурия мамлакатларида бўлади; гоҳо Қуқлодис оролларида ҳам учрайди. Истефаннинг айтишича, ёғларнинг баъзисини мози ёки бошқа буруштирувчи нарсалар билан ишлаб, сўнг тўпалоқ билан хушбўй қилинади. Тўпалоқ Ҳинд ва Куфа шаҳарларида ҳам бўлади).
Танлаш.
Энг яхшиси зич, оғир, ёрилиши қийин, хушбўй [379], чўпи калта ва жуда ўткир мазалисидир. (Тўпалоқ марҳамларга қўшилади).
Таъсир ва хоссалари.

Озгина буруштириш ва ачиштирмай қуритиш хусусияти бор. Ҳатто томирларнинг оғзини ҳам очади, елларни ҳайдайди, қонни куйдиради, марҳамларга қўшилади.

З и й н а т.

Рангни чиройли қилади, оғиз ҳидини яхшилайди, ҳинд тўпалоғи эса, айтишларича, мўйни тўкади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Битиши қийин бўлган яраларни, ҳўл яраларни ва ўйилиб ейилган яраларни битказади.

(Б ў ғ и н л а р).

Сақич дарахти бужурининг ёғи билан қўшиб, биқин оғриғига ишлатилади. Шунда у умуртқани[2] маҳкамлайди. Тўпалоқни кўп ишлатиш мохов касалини келтириб чиқаради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун ва оғиз сассиқлигига, оғиз чақаларига, тиш милкларининг бўшашувига фойда қилади, эслаш қобилиятини зўрайтиради. (Оғизнинг ўйилган яраларига ҳам фойда қилади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда ва жигарни қизитади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Тошни чиқариб ташлайди [сийдик ва ҳайз қонини] юргизади. Томчилаб сийишда, қовуқнинг кучсизланишида ва совуқлигида кучли фойда қилади. Буйракларга ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. Бачадон совуқлигига қарши жуда фойда қилади. Бавосир касалида, (бачадон оғзининг юмилиб қолиши ва истисқо касалликларида) ҳам фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Эски иситмалар учун фойдали.

(З а ҳ а р л а р.

Чаён чаққанига ва бошқа ҳашаротларнинг чаққанига фойда қилади).

[1] Cyperus rotundus L., C. longus L.

[2] Б. да шундай; Л. да: «юракни».

477 САНДАРУС[1] – САНДАРАК

(М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, бу Араб ва Ҳинд мамлакатларида бўладиган бир дарахтнинг елимидир. Бу муррга бир оз ўхшайди. Мазаси ёмон, гоҳо буни одамлар тутатқи қилишади. Буни мурр ва майъа билан қўшиб, тута-

тиб, кийимларини тутадилар. Бу елимларни олов ёқиб қайнатилса, сандарусга айланади).

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бунда буруштириш ва қонни тўхтатиш хусусияти бор. Кураш тушувчи полвонлар енгил ҳамда кучли бўлиш учун ва ҳарсиллаб қолмаслик учун *сандарус*ни истеъмол қиладилар.

Зийнат.

Бир *дирҳам*нинг тўртдан уч қисми миқдоридагисини сувга ва сиканжубинга солиб ичирилса, жуда ҳам оздириб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Қуритиб ишлатилса, бавосирни қуритади[2].

Бош аъзолари.

Тутуни назлаларни тўхтатади. *Сандарус*нинг фойдаси тиш оғриғини тўхтатишда жуда зўр бўлиб, бу ҳақда унга ҳеч нарса баробар кела олмайди; у тиш милкларини ҳам маҳкамлайди.

Нафас (ва кўкрак) аъзолари.

Хафақон [касалида] каҳрабо каби фойда қилади. Қон оқишда, қуритиш [таъсири] сабабли ҳўл астмада фойда қилади. Шунга кўра, курашадиган полвонлар ҳарсилламаслик учун буни истеъмол қиладилар.

(Кўз аъзолари.

Кўздаги доғларни тезлик билан кетказади. Шароб билан ивитиб, кўзга суртилса, кўз кучсизлигини тузатади).

Озиқлантириш аъзолари.

Талоқ касаллигига учраганларга ичирилса, фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Чўзма ичкетишга фойдалидир. Тутуни бавосир касалига фойда қилади.

1 Callitris quadrivalvis V e n t. дарахтидан олинадиган сариқ рангли хушбўй смола.

2 Б. да: «тутатилса, оқма яраларни қуритади».

478 САРАХС[1] – ҚИРҚҚУЛОҚ

Моҳияти.

Буни форсчада *килдору* деб аталади. Илдиз қисмлари бир неча бўлаклардан бириккан бўлиб, устида тез ажраладиган пўстлоқлари бордир. *Килдору*нинг эркаги ва урғочиси бор. Эркаги кучлидир. (Ҳаким Дискуридуснинг айтишича, *килдору* икки турли бўлиб, бири эркагидир. У

гулсиз ва мевасиз бир ўсимликдир. Узунлиги бир тирсак ё ундан узунроқ бўладиган, шохи осилган бўлади. Барги кўтарилган, ёйилган, юпқа, худди қанотга ўхшаган бўлади. Ҳиди бор. Бу ҳидда бир оз ўрнашиб қолиш хусусияти бор. Унинг усти қорамтир, узунчоқ илдизпояси бор. Илдизининг кўп шохобчалари бўлиб, мазаси буруштирувчидир. Бу ўсимлик ё тоғли жойларда ёки тошлоқ ерларда ўсади. Илдизпояси қовоқ уруғисимон гижжани чиқариб ташлайди. Қадимгиларнинг баъзиси *килдоруни филуризун* деб атайди. Баъзи кишилар *билаҳнун* деб, баъзилар эса эркак *талубтарис* деб, Табаристонда эса *ҳор* деб атайдилар.

Иккинчи тури уруғочи *килдору*дир. Баъзи одамлар уни *нимфобторис*[2] деб атайди. Бунинг эркак хилиники каби барглари бор, лекин унинг шохлари кўпроқ эркак *килдору*никидан узунроқ бўлади. Илдизпояси кенг, узун, катта ва кўп бўлиб, қизил ва бироз қорамтир рангга эга. Баъзиси қондек қипқизил бўлади. *Килдору*ни ичмоқчи бўлган киши аввал саримсоқдан бир оз ейиши керак. Эркак *килдору*нинг таъсири уруғочисиникидан кучлироқдир).

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ачиштирмасдан қуритади. Унда аччиқлик ва буруштириш хусусияти бор.

Ж а р о ҳ а т [в а я р а л а р].

Килдору битирувчидир. (Уруғочи хилини қуритиб, янчиб, тузалиши қийин ҳўл яраларга сепилса, тузатади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буни, айниқса, унини асал шароби билан қўшиб, ичирилса, гижжаларни, қовоқ уруғисимон гижжаларни ўлдиради. Бир ичими тўрт *мисқол*. Хусусан *сақамуниё* ёки (қора) *харбақ* билан ичирилса [гижжаларни] ўлдиради. *Килдору*ни ичишдан олдин саримсоқ ейиш керак. (Унинг миқдори олти ёки тўққиз *қирот* бўлса, [гижжаларни] ҳайдаш кучи етукроқ ва кучлироқ бўлади. Уруғочисининг уч *мисқол*ини шароб билан қўшиб, ичилса, узун гижжаларни ҳайдайди. Хотин киши уни эзиб ичса, ҳомиладор бўлмайди. Ҳомиладор хотин ичса, боласини туширади. [380] Гоҳо *килдору*ни қуритиб, дори қилиб, қоринга суртилади. Агар ичилса, қориндаги болани ўлдиради. Аввал чиқиб келаётган [ёш] баргини қайнатиб ейилса, ични юмшатади).

[1] Dryopteris filix mas (L.) S c h o t t. *Килдору*нинг илдиз поясидан эфир ёрдамида олинган экстракт – Extractum Filicis maris aethereum Фармакопея VIIIда ёзилган. № 355 га қаранг.

[2] Матнда бу юнонча сўзлар бузиб берилган; Диоск. IV, 128 асосида тўғриланди.

479 СОДАЖ[1] – МАЛОБАТР

Моҳияти.

Малобатр қувватда сумбулга яқин, лекин ундан юмшоқроқдир. *Малобатр* (сув юзида пайдо бўладиган) барглар ва шохлардан иборат бўлиб, райҳонга ўхшайди. *Малобатр*нинг уваланадиган гуллари бор. Бу Ҳинд мамлакатида ботқоқ жойларда йиғилиб қолган сувларда ўсади. Сув ясмиғи деб машҳур бўлган ўсимликка ўхшаб, сувнинг юзида илдизга боғланмай туради. Гоҳо ўз жойида ип билан боғлаб қўйиб, қуритилади. Бир гуруҳ кишиларнинг гумонича, *малобатр* Ҳинд сумбулининг баргидир. Чунки у қувватда ўша Ҳинд сумбулига ўхшайди. Малобатр ёғида сассиқ қаврак[2] ёғи ва заъфарон ёғининг қуввати бор, балки малобатр ёғи улардан кучлироқ. (Дискуридуснинг айтишича, бир неча кишилар янглишиб, ҳидининг ўхшашлиги жиҳатидан уни Рум сумбули барги, деб гумон қиладилар. Чунки тоғ сумбулининг илдизи, туёғўт ва игир каби кўпгина нарсалар борки, уларнинг ҳиди Рум сумбули ҳидига ўхшайди. Ҳақиқат улар гумон қилганича эмасдир. *Малобатр* бошқа жинсдан бўлиб, Ҳинд мамлакатида ўсади. Бу сув юзида бўладиган барглардир. Ёзда сув қуригач, ўша ердаги ўтни ёқиб куйдирилади. Шундай қилинмаса, *малобатр* барги ўсмай қолади. *Малобатр*нинг бир тури борки, уваланади, ҳиди моғорлаган нарсанинг ҳидига ўхшайди. Бу ёмон туридир. Бу турининг қуввати Рум сумбули қувватига ўхшайди).

Танлаш.

Энг яхшиси янги, оқимтир бўлиб, уваланадигани, ҳиди Рум сумбули ҳидига ўхшагани, ўткир, моғорламаган, шўр бўлмаган ва ғовак бўлмаганидир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Кийимларнинг орасига қўйилса, уларни куя тушишдан сақлайди.

Зийнат.

Тил тагида олиб турилса, оғизни хушбўй қилади, (ўйилишига йўл қўймайди).

Шиш ва тошмалар.

Гул сувида қайнатиб, эзиб, иссиқ шишларга қўйиб боғланади. *Малобатр* иссиқ бўлмаган шишлар учун ҳам доридир.

Озиқлантириш аъзолари.

195б *Малобатр* || совуқ меъда ва жигар учун фойдалидир.

(К ў з а ъ з о л а р и.
Малобатр кўзнинг иссиқ шишларига фойда қилади).
Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.
Малобатр Рум сумбулидан кўра кучлироқ равишда сийдикни юргизади.
Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.
Ўзининг вазнича *толисфар*[5] ёки сунбул унинг ўрнига ишлатилади.

[1] Cinnamomum citriodorum Thwait. нинг барглари.
[2] Б. да: *уққувон* (мойчечак).
[3] № 309 га қаранг.

480 СУВЛОН – ?

(М о ҳ и я т и.
Машҳур) Рум дорисидир.
Т а б и а т и.
Тўртинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.
Х о с с а л а р и.
Терини куйдиради.
Б о ш а ъ з о л а р и.
Бир *ҳабба* миқдоридагисини суммоқ[1] суви билан бурунга тортилса, юз фалажига фойда қилади.
К ў з а ъ з о л а р и.
Кўз қовоқларининг шишларига, салқишига ва кўз тагида пайдо бўлган шишларга фойда қилади.

[1] Б. да: «лавлаги».

481 САРВ[1] – САРВ

М о ҳ и я т и.
(Машҳур узун дарахт бўлиб, кучлилиги сабабли кузда ва қишда барги тўкилмайди ва кўклигича қолаверади). Мазасида бир оз тезлик ва ўткирлик, анчагина аччиқлик бор. Аччиқ мазасидан кўра мози мазаси кўпроқ. (Иссиқлиги ва) ўткирлиги қуввати ва ачиштирмай буруштирувчи [хоссасининг] аъзоларга чуқур таъсир қилиши учун етарлидир. [Моддани] тортмаслиги билан бошқа қиздирувчи нарсалардан ажралиб туради.
Т а б и а т и.
Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ. Баъзиларнинг ай-

тишича, сарв жуда совуқдир. Улар сарв кучини мураккаб ва иссиқлиги буруштирувчи қувватини аъзоларга чуқур таъсир қилдирувчи миқдордадир, деб ҳукм қиладилар.

Таъсир ва хоссалари.

Барги ва бужури[2] буруштирувчидир. Сарвда рутубатларни шимилтириш хусусияти бор. Бужури ҳар жиҳатдан баргидан кучлироқ бўлади. Унда ёпиштириш, қонни тўхтатиш хусусияти бўлиб, ҳатто сасишни ҳам йўқотади. (Гумон қилинишича, сарвнинг бужурини, шохларини ва баргини тутатилса, чиқиндиларни бутунлай ҳайдайди).

Зийнат.

Сарвни сирка, миср боқиласи билан қайнатиб, тирноқларга суртилса, ундаги доғларни кетказади. Барги доғни кетказади, (мўйни қорайтиради).

Жароҳат ва яралар.

Барги, шохлари ва бужури янгилигида ва юмшоқлигида қаттиқ аъзолардаги жароҳатларни битказади.

Шиш ва тошмалар.

Арпа уни билан қўшиб, [ишлатилганда], учуқ ва оташакка[3] фойда қилади.

Бўғинлар.

Баргининг янгисини ва бужурини қўйиб боғланса, дабба касаллиги учун яхши [даво] бўлади. (Арпа уни билан қўшиб, ишлатилса сарамас ва шунга ўхшашларга фойда қилади). Асабларни кучайтиради. [381] Қўйиб боғланса, даббани тортади. Бўшашишни маҳкамлайди ва қаттиқ қилади.

Бош аъзолари.

Сарв бужурини анжир билан қўшиб, майин янчиб, бурунга пилик дори қилиб ишлатилса, ортиқча этни кетказади. Сиркадаги қайнатмаси тиш оғриғини тўхтатади.

(Кўз аъзолари.

Қўйиб боғланса, кўз шишларига фойда қилади).

Нафас аъзолари.

Қон туфлаш, қийналиб нафас олиш, «тикка нафас олиш» ҳамда эски йўталларга қарши сарв бужурини шароб билан қўшиб, ичирилади. Шунингдек, қайнатмаси ҳам (жуда) фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Баргини *тило* шароби билан қўшиб, ичилса, қийналиб сийишга ва қовуққа ортиқча нарсаларнинг оқиб келишига қарши фойда қилади: ичак яраларига ҳам фойда қилади. (Чиқиндилар оқиб келадиган) қорин яраларига ҳам фойда қилади.

Ўрнига ўтадиганлари.

Сарвнинг ўрнига унинг ярим миқдорича анор пўсти ва ўз миқдоридаги қизил анзиратгўштхўр ишлатилади.

[1] Cupressus sempervirens L.
[2] № 144 га қаранг.
[3] Б. да: «сарамасга».

482 СУҚУРДИЮН[1] – «ЁВВОЙИ САРИМСОҚ»

Моҳияти.

Бу ёввойи саримсоқдир. У боғда ўсадиган саримсоқдан анча кичик бўлади. Унинг барги ва узунчоқ пояси бўлиб, устида оқ гули бор. Бу ҳақдаги сўз саримсоқ [*савм*] бобида тўла айтилади[2].

Табиати.

(Учинчи, бир жамоанинг фикрича,) тўртинчи даражага яқин иссиқ ва қурукдир.

Таъсир ва хоссалари.

Латифлаштирувчи, очувчи ва тозаловчидир.

Жароҳат ва яралар.

Катта ва ёмон жароҳатларни битиради.

Бўғинлар.

Эт узилганига жуда яхши [даво] бўлади.

[1] Teucrium scordium L.
[2] № 740 га қаранг. Шу жумла Б. да: «бу ҳақда учинчи фаслда тўлиқ айтилган», деб ёзилган.

483 СУКК[1]

Моҳияти.

Асл *сукк* омиладан тайёрланадиган ва Хитойдан келтириладиган *сукк*-дир. Ҳозирда у камёб бўлиб кетганлигидан *ромик*ни тайёрлангандаги усул билан мози ва хурмо ғўрасидан тайёрланади.

Табиати.

Унинг оддийси биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қурукдир[2].

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи ва ички аъзоларни кучайтирувчидир. Хушбўй хилида эса шимилтириш ва жуда очиб юбориш хусусияти бор.

Бўғинлар.

Бўғин ва асаб оғриқлари учун яхши даводир.

Чиқариш аъзолари.

Баъзиларнинг даъвосича омиланинг хушбўй шираси жинсий қувватни кўпайтиради, ични боғлайди, қон кетишда фойда қилади.

[1] *Ромик* (қ. № 669) ва мушкдан тайёрланадиган хушбўй модда.

[2] Б. да: «хушбўй хили учинчи даражада иссиқ ва қуруқ».

484 САРАТОН НАҲРИЙ – ДАРЁ ҚИСҚИЧБАҚАСИ

Моҳияти.

Маълум.

Таъсир ва хоссалари.

Қисқичбақанинг ҳазми қийин, лекин озиқлиги кўп. Уни мош билан бирга қайнатиб тузатилади. Шиша синиқлари ва тиканларни чиқариб ташлайди. Денгиз қисқичбақаси эса латифроқ бўлади.

Зийнат.

Кулини (қайнатилган асал билан қўшилса), оёқларнинг совуқдан ёрилганига яхши [дори] бўлади. Куйдирилгани доғ ва сепкилга қарши дорилар таркибига қўшилади.

Шиш ва тошмалар.

Дарё қисқичбақасини қотиб қолган шишларга қўйилса, уларни қайтаради.

Нафас аъзолари.

Гўшти, айниқса, унинг эшак сути билан қўшилгани ҳамда шўрваси сил касалига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Кулини (асал билан қўшилса), орқатешикнинг ёрилишига яхши дори бўлади.

Заҳарлар.

Дарё қисқичбақасини чаён, қоракурт чаққанига қўйиб боғланса ёки ейилса, фойда қилади. Кулини асал билан қўшиб, || қутурган ит тишлаганига қарши ичирилади. Гоҳо кулини гентиана илдизи билан қўшиб, қутурган ит тишлаганига қарши ишлатиладиган машҳур дори тайёрланади. У дори билан қандай муолажа қилиниши заҳарлар бобида айтилган[1]. Айтишларича, уни қора райҳон билан қўшиб, чаёнга яқинлаштирилса, чаён турган жойидаёқ ўлиб қолади.

[1] Заҳарлар боби «Қонун»нинг IV китобида келтирилади.

485 САРАТОН БАҲРИЙ – ДЕНГИЗ ҚИСҚИЧБАҚАСИ

Моҳияти.

Денгиз қисқичбақаси дейилганда ҳамма хил денгиз қисқичбақаларини тушунмаймиз, балки ҳамма аъзолари тошсимон бўлган қисқичбақанинг махсус бир туринигина тушунамиз. (Сўзига биз ишонадиган бир кишининг айтишича, шу қисқичбақа Хитой денгизида бўлади. Денгиз сувидан чиқиб, унинг ёнидаги бошқа бир сувга киради. У сув денгиз сувидан бошқачадир. Ўша сувга киргач, сувда ўлади, ёки чиқиш олдида ўлиб, тошга ўхшаб қотиб қолади. Бу ҳолни Хитойда бир неча маротаба ўзи кўрган бир киши менга айтиб берди).

Хоссалари.

Денгиз қисқичбақасининг куйдирилгани бошқа куйдирилган нарсалардан латифроқ бўлади.

Зийнат.

Куйдирилгани тишларни тозалайди, нуқтали қизил қонталаш ва сепкилни кетказади.

Яралар.

Куйдирилгани яраларни қуритади ва қўтирга фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўз ёшланишини тўхтатади. Туз билан қўшиб, ишқаланса, нохинани тузатади. Денгиз қисқичбақасидан шиёф дори тайёрлаб, кўз қовоқларининг қўтирига суртилади. (У, кўзни жуда тозалайди).

486 СИДР[1] – КУНОР ДАРАХТИ

Бунинг хоссалари ва таъсирларини (*«Нун»* [Н] ҳарфи фаслида) *набиқ* тўғрисида гапирганимизда айтиб ўтганмиз[3].

[1] Zizyphus spina Christi W i l l d.

[2] № 470 га қаранг.

487 СИРОЖ УЛ-ҚУТРУБ[1] – РАНДАК

Моҳияти.

Бу *зуфо*га яқин бир ўсимлик бўлиб, (Дискуридуснинг айтишича, *харбақ*қа ўхшаб, гунафша рангли гули бўлади. Бундан шиёф дорилар тайёрланади. Гули кўкариб турган ўсимликнинг бошида худди чироққа ўхшаб туради. [382] Бунинг бошқа бир тури ҳам бор. У ёввойи хили бўлиб, ҳамма жиҳатдан боғда ўсадиганига ўхшайди).

Танлаш.

Бунинг фақат уруғи ишлатилади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ, иккинчи даражанинг охирида ҳам қуруқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Бу очувчи бўлиб, унда буруштириш хусусияти кўпроқдир. [Шу сабабли] ҳар қандай қон оқишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

(Кучли) битирувчидир.

Бош аъзолари.

Қўйиб боғланса, бурун қонашини тўхтатади.

Нафас аъзолари.

Қон туфлашни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

У билан ҳуқна қилинса, ичак яраларига фойда қилади. (Бир гуруҳ кишиларнинг айтишича, ёввойисининг уруғидан икки *дирҳам* миқдорида олиб, [истеъмол қилинса], ични суради.

Заҳарлар.

Уруғини шароб билан ичилса, чаён чаққанига ва тишлаганга қарши фойда қилади. Бир гуруҳ кишиларнинг фикрича, ёввойисининг уруғини чаёнлар устига қўйилса, уларни карахт қилиб, таъсирларини кетказади ва ўлгандай қилиб қўяди).

[1] Луғавий маъноси «жинчироқ» бўлиб, қуйидаги ўсимликларни ифодалайди: а) Lychnis githago L., б) Lysimachia vulgaris L.

488 (САТУРУНИЮН[1] – «ТУЛКИ МОЯГИ»

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, баъзи кишилар *сатуруниюнни трифолий* деб атайдилар. Бунинг маъноси учбаргли демакдир. Чунки бунинг кўпи учбаргли бўлиб ўсади. Барги ерга эгилган бўлиб, эгилишида қўзиқулоқ баргига ёки гулсапсар гулига ўхшайди. Лекин бунинг барги қўзиқулоқ баргидан кичикроқ ва қизилроқдир. Қизиллиги қон рангига яқиндир. Пояси ингичка бўлиб, узунлиги бир тирсакка яқин келади. Гули оқ гулсапсар гулига ўхшайди. Унинг *булбус* пиёзига ўхшаш илдизи бўлиб, катталиги олмача келади. Усти қизил, ичининг оқлиги эса тухум оқи сингаридир. Ма-

заси ширин. Унга ўхшаш бошқа бир ўсимлик ҳам бор. Ўша ўсимликни ҳам бунинг оти билан юргизилади. Унинг зиғир уруғига ўхшаш уруғи бор. Илдизининг пўсти юпқа ва қизил бўлади. Ичи оқ, мазаси ёқимли ва ширин. Бу офтоб тушадиган тоғли жойларда ўсади.

Хоссалари.

Айтишларича, унинг илдизини киши қўлига олиб турса, жинсий алоқа истагини қўзғатади. Шароб билан ичилса, *сақанқур*нинг [гўшти] каби жинсий алоқага интилишни қўзғатади.

Бўғинлар.

Буруштирувчи қора шароб билан қўшиб, ичилса, айтишларича, бошни ва бўйинни орқага буриб юборадигаи фалаж касалига фойда қилади).

[1] Бу юнонча *сатуриюн* сўзининг бузилгани бўлиб, Orhis antropophoгани ифодалайди. «Сайдана» 400 (2).

489 САВРИНЖОН[1] – САВРИНЖОН

Моҳияти.

Бу бир ўсимликнинг илдизи бўлиб, унинг оқ ва сариқ гули бор. У тоғлар ва тепаликларнинг этакларида дастлаб гуллар очилаётган пайтда очилади. Барглари ерга ёйилган бўлади.

Танлаш.

Энг яхшиси ичи ва сирти оқ, қаттиқ ва синувчи хили бўлиб, қизил ва қора хиллари эса ёмон туридир.

Табиати.

Иккинчи даражага якин иссиқ ва қуруқ. [Савринжонда] ортиқча ҳўллик бор. Баъзиларнинг даъвосича, оқ хилида иссиқлик озроқ бўлиб, бошқа хилларида кучлидир. Шундай бўлмаса [у ични] сурмас эди. Баъзилар эса, агар савринжон иссиқ бўлганда яраларни ачиштирган бўлар эди, ҳолбуки, у ачиштирмайди, дейдилар. Бир гуруҳнинг айтишича, савринжон жуда иссиқдир.

Таъсир ва хоссалари.

(Айтишларича) савринжонда буруштириш хусусияти бўлишига қарамай, сургилик кучи ҳам бордир.

Жароҳат ва яралар.

Оқ хили эски яраларга яхши даво бўлади.

Бўғинлар.

Савринжон подаграга фойда қилади. Қўйиб боғланса, оғриқни ўша ондаёқ тўхтатади. Кўпроқ боғлаб юрилса, шишни тошсимон қилиб

қотириб қўяди. Шунингдек, у ҳамма бўғин оғриқлари учун, айниқса, назла вақтларда тарёқ бўлади[2].

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда учун зарарли, уни кучсизлантиради. Қизили ва қораси сурги дориларни меъдада тўхтатиб, зўр зарар келтиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Савринжонда сурги қуввати бор. Савринжон, айниқса, уни занжабил, чўлялпиз ва зира билан қўшилса, жинсий қувватни кўпайтиради.

З а ҳ а р л а р.

Савринжоннинг қизили ва қораси заҳардир.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р.

Бўғин оғриқларида ўз вазнига баробар хина барги ва ярмича миқдорида кўк мукл [ишлатилади].

[1] Colchicum autumnale L ва C. variegatum L.

[2] Яъни оғриғини босади.

490 САЛХ УЛ-ҲАЙЯ – ИЛОН ПЎСТИ

Бу илон бобида айтилди[1].

[1] № 281 га қаранг.

491 СОДОВАРОН[1]

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ, учинчи даражада қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Қонни тўхтатади.

З и й н а т.

Ўзининг махсус хусусияти билан мўй ўсишига[2] тўсқинлик қилади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р.

Ўз вазнига баробар *филзахраж* ва вазнининг учдан бирича қамиш илдизи [унинг ўрнига ўтади].

[1] Бошқа манбаларда кўрсатилишича, чириган сақич дарахтининг танасида пайдо бўладиган қора сиёҳга ўхшаш ялтироқ модда. «Сайдана», № 582 (1).

[2] Б. да: «тўкилишига».

492 САВСАН[1] – ГУЛСАПСАР; ЛИЛИЯ

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, савсан бир ўсимлик бўлиб, унинг *касиқун*га [?] ўхшаш барги бор. Лекин барги уникидан каттароқ, кенгроқ ва ёпишқоқдир. Унинг пояси бор ва поясида эгилган ва бир-бирига ўхшаш гуллар бўлиб, ранглари турлича бўлади [383]. Баъзиси оқ, баъзиси сариқ, баъзиси гунафшаранг ва баъзиси ҳаворангдир. Рангларининг хилма-хил бўлиши сабабли *ирисо*га [камалакка] ўхшайди. Гулсапсарнинг тугун-тугун ва хушбўй қаттиқ илдизпояси бор. Буни кўчириб, сояда қуритиш керак бўлади. Уни каноп ипига тизиб сақланади. Гулсапсарнинг яна ранги оқ, [мазаси] аччиқ бўлган тури ҳам бор бўлиб, унинг кучи юқорида айтиб ўтилганларнинг кучидан камроқ. Гулсапсарнинг илдизи эскириб кетганда унга қурт тушиб тешилиб кетади. Лекин унинг ҳиди юқорида айтиб ўтилган турининг ҳидидан яхшироқ. *Ирисо* ана шу гулсапсарнинг илдизидир. Хулоса, гулсапсар илдизининг касалликларга кўп фойдаси тегади). *Ирисо* ҳақида эса сўзлаб ўтдик[2]. Боғ гулсапсарига келсак, бунда аччиқ мазани ўзига олган латиф тупроқ моддаси бор. Яна унда мўътадил мизожли сув моддаси ҳам бор.

Табиати.

Савсан озод деб машҳур бўлган боғда ўсадиган оқ гулсапсарнинг илдизи иккинчи даражада (иссиқ ва қуруқдир)'. Ёввойисининг қиздириши ва қуритиши кучлироқдир.

Хоссалари.

Мўътадил даражада тозаловчи ва қуритувчи, илдизи кучлироқ тозаловчи. (Ёғининг латифлиги кучлироқ, чунки гулининг латифлиги кўпроқдир). Хушбўй ва хушбўй бўлмаган хилларининг ёғида шимилтириш ва юмшатиш хусусияти кучлироқ. *Ирисо*да эса шу хусусиятларнинг ҳаммаси [янада] кучлироқдир. У буруштирувчи ҳамдир. Шу билан бирга унда оғриқларга ва чиришларга қарши дорилик [хусусияти] ҳам бор. (Қиздирувчи ва латифлаштирувчи кучга эгадир).

Зийнат.

Гулсапсар ва айниқса, унинг илдизи сепкил ва нуқтали қонталашда фойда қилади. У билан юзни ювилса, тозалайди, ялтиратади ва ажинларни кетказади.

Шиш ва тошмалар.

Баргини ва уруғини майин янчиб, шароб билан қўшиб, оташакка[3] қўйиб боғланса, жуда фойда қилади. || Шунингдек, шилликли етилмаган *196б*
ўсмаларга, ярали қўтирга, қовжираган яраларга ва ширинчага, айниқса, бошқа дорилар билан аралаштириб ишлатилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

(Яраларни яхши эт билан тўлғазади. Илдизпояси иссиқ сувдан куйганга фойда қилади. Чунки у мўътадил тозаловчи бўлиш билан бирга қуритувчи ҳамдир. Баргининг қайнатмаси ҳам шундай [таъсирга эга] бўлиб, яраларни битиради. Энг яхши [усул] гулсапсарни қизил гул ёғи билан қўшиб, ишлатишдир. Гулсапсар илдизининг ва бошқа [қисмларининг] ширасини асал ва сирка билан қўшиб, мис идишда қайнатиб, эски яралар ва жароҳатларга ишлатилади. Боғда ўсадигани иссиқ сувдан куйганга энг яхши доридир.

Бўғинлар.

[Гулсапсар] асаб узилиши (ва асабларда тиришиш касали бор бўлган кишилар) учун яхши дори бўлиб, (уларга жуда фойда қилади. Иркуннасода ҳам фойда беради).

Бош аъзолари.

Гулсапсар (айниқса, ёввойи гулсапсар) илдизининг қайнатмасидан тиш оғриғи учун оғиз чайиладиган дори тайёрланади. Бу дори уйқу келтиради. Ёғи бошдаги яраларга ва) кепакларга қарши ишлатишга яхши. Қулоққа томизилса, қулоқнинг шанғиллашини тўхтатади. (Сирка ва гул ёғи билан қўшиб, боғланса, бош оғриғига фойда қилади. Бурунга чапланса, бурун сиртида бўладиган латиф рутубатни кетказади).

Кўкрак аъзолари.

Гулсапсарнинг илдизлари, айниқса, *ирисо*, «тикка нафас олиш»га фойда қилади (йўтални тузатади, кўкракдаги тозаланиши қийин бўлган рутубатларни суюлтиради).

Озиқлантириш аъзолари.

Гулсапсар талоқ касалига фойда қилади. У, айниқса, унинг ёғи, меъда учун ёмон.

Чиқариш аъзолари.

Ёғини ичилса ва суртилса, очувчи, шимдирувчи, бачадон қаттиқликларини юмшатувчи бўлади. Илдизини гул ёғи билан қайнатилганда ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. Бачадон касалликларига фойда қилишда унга ҳеч нарса баробар келмайди. *Ирисо*нинг ёғи ҳам ана шундай. У болани туширади ва ичак оғриқларида фойда қилади. Илдизининг бир ўзини ёки мингдевона уруғи ва буғдой уни билан бирга сиркада қайнатиб [ишлатилса], мояклардa пайдо бўлган иссиқ шишларни қайтаради. Ёғини бир ярим *уқия* миқдорида ичилса, ични суради. Сафродан бўлган *иловус* [ичак бураливши] касалига учраганларга ёқади. *Ирисо*нинг ёғи бавосирнинг оғизларини очади, гулсапсар илдизининг ҳар қандай тури ҳам шундай таъсир қилади. (Шароб билан қўшиб, ичилса, ҳайз қонини юргизади, сирка билан қўшиб, ичилганда эса, жинсий алоқа вақтида фақат *мазий* суюқлигигина келади-

ган кишиларга фойда қилади. Гулсапсарни қайнатиб, суви билан хотинларни буғланса, улардаги бачадон оғриқларига фойда қилади. Чунки бачадондаги қаттиқликни юмшатади ва унинг оғзини очади.

И с и т м а л а р.

Совуқ едириб титратувчи иситмага фойда қилади).

З а ҳ а р л а р.

Газандаларнинг, айниқса, чаённинг чаққанига фойда қилади. Шираси, шароби ва уруғини ичилса, ҳамма нарсаларнинг чаққанига фойда қилади. Ёғи мингдевона, кашнич, заҳарли қўзиқоринга қарши тарёқдир.

[1] Савсан икки хил бўлади: 1) ҳаворанг савсан – Iris florentina L. (гулсапсар); 2) оқ савсан – Lilium canditum L. (лилия).

[2] № 34 га қаранг.

[3] Б. да: «сарамасга».

493 САЪТАР[1] – КАКЛИКЎТ ВА БОШҚАЛАР

М о ҳ и я т и.

Қакликўт қувватда тоғжамбил каби; шароби ҳам унинг шаробига ўхшайди.

Т а н л а ш.

[384] Унинг энг кучлиси ёввойисидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Шимилтирувчи, ел ҳайдовчи[2], латифлаштирувчи ва кучли тозаловчидир. Унда куйдириш қуввати бўлганлиги сабабли ўткирлик ҳам бор.

З и й н а т.

Тиш тошларида яхшидир.

Б ў ғ и н л а р.

Тизза[3] оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Чайналса, тиш оғриғини тўхтатади ва бўшашган тиш милкига дори бўлади. Чунки у куйдирувчи қувватга эгадир.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ёғи кўкрак ва ўпкага фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қакликўт жигар ва меъда учун фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Сийдикни ва ҳайз қонини] юргизади. Гижжаларни ва қовоқуруғисимон гижжаларни (кучли равишда) ҳайдаб чиқаради.

[1] Satureia thymbra L. (гулрайҳон); Origanum L. (тоғрайҳон); Thymus serpyllum L. (какликўт, тошчўп).

[2] Б. да: «шилувчи».

[3] Б. да: «сон».

494 СИСОЛИЮС[1] – «РУМ САССИҚ ҚАВРАГИ»

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, Мосолутиқия[2] мамлакатида ўсадиган машҳур ўсимликдир. Унинг арпабодиён баргига ўхшаш барги бўлиб, ундан кўра қалинроқдир. Пояси эса ғадир-будурроқ, учида укроп тожига ўхшаш тожи бор. Унинг бир оз узунчоқ, мазаси аччиқ ё ўткир, тезда ўйилиб кетадиган меваси бор. *Сисолиюс*нинг узунчоқ, яхши ҳидли илдизи бор. Унинг бошқа бир тури ҳам бўлиб, барги катта қўйпечак баргига ўхшайди, лекин ундан кўра кичикроқ ҳамда узунчоқ шакллидир. Бу катта бир бута бўлиб, бир қаричча келадиган узунчоқ шохлари, укроп бошига ўхшаш бошлари, қора рангли тиғиз уруғи бор. У жуда ўткир, ҳиди аввалгиникидан яхшироқдир, мазаси эса лаззатли бўладп. *Сисолиюс*нинг бир хили баланд ва серсув жойларда ўсади. Унинг қуввати ва таъсири аввалгиникига ўхшайди. *Сисолиюс*нинг Фалуфунис[3] оролида бўладиган яна бир хили бор. Унинг барги *қуниюн*[4] баргига ўхшайди, лекин ундан кўра дағалроқ ва қалинроқ. Унинг пояси биринчи хил *сисолиюс*дан каттароқ бўлиб, тарракникига ўхшайди. Ундаги сариқ рангни оқлик қоплайди. Учида кенг тожи бор. У тожида ёйиқ ва катта, аввалгиникидан кўра хушбўйроқ меваси бор.

Иккаласининг ҳам қуввати бир. Бу хили қаттиқ ерларда ва қизил тупроқли тепаликларда ўсади. Бир гуруҳнинг айтишича) бу Рум сассиқ қаврагидир. Лекин ундан кўра бир оз узунчоқроқ ва жуда оқ бўлади.

Табиати.

Учинчи[5] даражада иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Шимилтирувчи, латифлаштирувчи, тозаловчи ва ел ҳайдовчидир. Илдизи ва уруғи ҳам шундайдир. *Сисолиюс* ички оғриқларни тўхтатади. Қотган шиллиқни эритади. Ҳайвонларга ичирилса, улар кўпроқ болалайди. Уни шаробга солиб, айниқса, мурч билан қўшиб, ичирилса, совуққа қарши ва унинг сафардаги етказадиган зарарига тўсқинлик қилади.

Бўғинлар.

Орқа [мушакларидаги] оғриқларга фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноққа фойда қилади, (лекин эсни паст қилади).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Астмага, қийналиб нафас олиш, «тикка нафас олиш»га, кўксовга, айниқса, илдизи уруғи билан бирга [қўшиб ишлатилса], фойда қилади. Илдизини асал билан қориб яланса, кўкракни ёпишқоқ[6] рутубатлардан тозалайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Елни шимилтиради, ички аъзолардаги оғриқларни тўхтатади, илдизи, айниқса, овқатни сингдиради. Бу меъда учун жуда яхши доридир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Елдан бўлган ичак оғриқларинн босади. Ҳамма ҳайвонларнинг туғишини осонлаштиради, қийналиб сийишни йўқотади, бачадон оғриқларини тарқатади, бачадон бўғилишини кетказади, ички аъзоларнинг оғриқларига фойда қилади. Бу ўсимлик поясининг ширасини ва уруғини янгилигида уч *оболо* миқдорида олиб, уни шинни билан қўшиб, ўн кун давомида ичилса, буйрак оғриғини тузатади. У умуман буйрак учун фойдалидир. (Ичиб турилса, томчилаб сийишга фойда қилади, ҳайз қонини юргизади, ички оғриқларга фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Айтишларича, шилликдан бўлган иситмалар учун фойдалидир).

1 Seseli tortuosum L., ёки Tordylium officinale L. № 365 га.
2 Диоск. Ш, 50; Массилия.
3 Яъни Гелопоннес.
4 Матнда *фарфиюн*; Диоск. III, 50 бўйича *қуниюн* (яъни сассиқ алаф) деб ўқилди.
5 Б. да: «иккинчи».
6 Б. да шундай; Л. да: «бўшаштирувчи».

495 СУС[1] – ЧУЧУКМИЯ

Т а б и а т и.

Илдизи мўътадил бўлади, агар у бирон томонга оғса, иссиқлик ва ҳўллик томонга оғади.

Ш и ш л а р.

Унинг шираси || ва шунингдек, илдизини милкакка қўйилади. *197а*

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Мумли суртма билан қўшиб, оловдан куйганга қўйилади. Ширасини эса жароҳатларга ишлатилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

[Чучукмиянинг] илдизи нохинага фойда қилади, шираси кучлироқ [таъсир қилади].

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Ўпка найини юмшатади ва тозалайди, ўпка ва томоққа фойда қилади ва овозни тозалайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ўзидаги ҳўллик билан чанқовни босади ва меъда яллиғланишида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикнинг куйдириб тушишига, буйрак ва қовуқ яраларига ҳамда уларнинг қўтирига фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Эски иситмаларга фойда қилади.

[1] Glycyrrhiza glabra L. Бунинг илдизи – Radix glycyrrhizae Фармакопея VIIIга киритилган.

496 СУРИНЖ – СУРИК

М о ҳ и я т и.

Қуввати шодананинг қувватига яқин, балки ундан ҳам кучлироқ бўлади.

Т а б и а т и.

Совуқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Буруштирувчи, қўрғошин упасига қараганда совуқроқ ва ундан анчагина латифроқ бўлиб, қон оқишни тўхтатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Мумли суртма билан қўшиб, оловдан куйган яраларга қўйилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қон кетишни (кучли равишда) тўхтатади.

497 [385] САҚАМУНИЁ[1]

М о ҳ и я т и.

Қўйпечакка ўхшаш бир ўтнинг шираси бўлиб, қуввати ўттиз йилгача сақланади. (Дискуридуснинг айтишича, бу учта катта шохли ўсимлик бўлиб, у шохлари битта илдиздан чиқади. Шохларининг [узунлиги] уч ёки тўрт тирсаккача бўлиб, улар тук билан қопланган ва ёғлидирлар. Унинг барг-

лари *алиқсино*[2] ёки қўйпечак баргларига ўхшаган, лекин уларга қараганда юмшоқроқ ва учбурчакли бўлади. Гуллари оқ рангли думалоқ ва ичи ковак бўлиб, шаклда қиртола[3]га ўхшайди ва ҳиди оғир бўлади. Туби узун, билакдек йўғон, оқ рангли ва сут билан тўлган бўлиб, бу сутини қуйидаги усулда олинади: тубининг тепасини кесиб, айланасига ўйиб қўйилади, шунда сути шу ўйилган ерга оқиб тушади, кейин уни чиғаноққа йиғиб оладилар.

Баъзи кишилар [*сақамуниё*] тубининг атрофидан ерни айлантириб ковлайдилар ва ёнғоқ баргларини шу чуқурга солиб қўядилар; кейин тубини ёриб, сутини оқизиб, туширилади ва бир оз қотгандан кейин чиқариб олинади. [Сутининг] энг яхшиси тиниқ, енгил ва ғовак тузилишли бўлганидир. Бу елимни синаб кўрмоқчи бўлган киши унинг оқ ранги билан чекланиб қолмасдан, уни тилига тегизиб кўраётганда [мазасига ҳам аҳамият берсин], чунки оқ ранглилик унга сутли ўт сути билан ёввойи ясмиқ унини қўшишдан келади).

Т а н л а ш.

Энг яхши [*сақамуниё*] садаф парчаси каби ялтироқ ва оқиш ранглисидир; бу уваланади ва тез эрийди. Қўк ранглисини сувда эритилса, [сувни] сутга ўхшатиб қўяди. Яхшиси, уни олманинг ичида пиширib, петрушка суви билан аралаштириб ишлатиш керак, шунда унинг зарари кетади. *Жармақоний* деб аталувчи [*сақамуниё*] эса ёмондир. *Сақамуниё*ни тузатиш учун уни хамирга ўралган серсув олманинг ичида пиширилади ва Рум арпабодиёни (ва ёввойи сабзи уруғи) билан аралаштириб, бодом ёғи билан ҳўлланади. (Дискуридуснинг айтишича, [*сақамуниё*нинг] яхшилигини кўрсатувчи белгилардан бири унинг тилни кучли ачитмаслигидир. Чунки ачитиш [хусусияти] унга юқоридаги [сутли ўт] сутини аралаштиришдан келади. [*Сақамуниё*] хилларининг энг ёмони Шом ва Фаластиндан келтириладиганидир. Чунки бу иккала хили ёмон ва зич тузилган бўлиб, сутли ўт сути билан қалбакилаштирилган бўлади).

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, бироқ иссиқлиги қуруқлигидан кўпроқ.

Х о с с а л а р и.

Унда тозалаш ва шимилтириш [хусусияти] бор. *Сақамуниё* меъда ва (айниқса) жигарнинг душманидир.

З и й н а т.

Пес, доғ ва сепкилни кетказади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Асал суви ва зайтун ёғи билан қайнатиб, чиқиқларга қўйиб боғланса, уларни шимилтириб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан [қўшиб], яраланган қўтирларга қўйилади.

Бўғинлар.

Сирка ва толқон[4] билан қўшиб, бўғин ва тизза оғриқларига [қарши] қўйиб боғланади. (Иркунnасога ҳам фойда қилади).

Бош аъзолари.

Илдизи ва илдизининг ширасини сирка ва гул ёғи билан қўшиб, чўзма бош оғриқларига қарши ишлатиладн. *Сақамуниё*ни шу икки нарса билан бирга қўшиб чўзма бош оғриғи бор кишиларнинг бошига қўйилса, тузатади.

Нафас аъзолари.

[*Сақамуниё*] юракка зарар берувчи дорилардандир.

Озиқлантириш аъзолари.

[*Сақамуниё*] меъда ва жигар учун жуда зарарли бўлиб, унинг бу зарарини қовуриб пишириш ва петрушка уруғи (ёки Рум арпабодиёни) билан аралаштириш орқали йўқотилади. У, юракни сиқади, кўнгилни айнатади, овқатга бўлган иштаҳани кетказади ва чанқатади.

Чиқариш аъзолари.

Сафрони кучли равишда суради; турли мамлакатларда турлича [таъсир кўрсатади]. Мен табибларнинг баъзи китобларида кўрдимки, ундан бир марта ичиш миқдорини кўп вазнли қилиб кўрсатилган. (Лекин табиб касалнинг ва унинг бошқарувчи аъзоларининг қувватини ҳамда ўша мамлакатнинг ҳавосини ҳисобга олиши керак. *Сақамуниё*) ичакларга зарар қилади, болани тушириш учун уни кўтарилади. *Сақамуниё* дарахтининг илдизидан бир *драхмий*ни ичилса, ўт ва шиллиқни суради. Баъзи [табибларнинг] айтишича *сақамуниё*дан кўп миқдорда, яъни ярим *дирҳам* ичилса, олдин ични қотиради, кейин юракни сиқиб, кўнгилни айнатади ва совуқ тер чиқаради, ундан кейин, баъзида ични шундай қаттиқ сурадики, ҳатто ўлдиради. (Бу ўсимликнинг илдизи ични суради. Агар унинг олти *қиротини* кунжут ёки бошқа донлар билан қўшиб, ичилса, ични суришга кифоя қилади. Қадимги табиблардан баъзиларининг айтишича, [*сақамуниё*]дан бир марта ичишнинг тўла миқдори уч қошиқ, ўртачаси икки қошиқ ва кам миқдори бир қошиқ. [Бундай миқдорни кўрсатишларига сабаб], улар [*сақамуниё*] ўсимлигидан чиқадиган сутдан олти *қавосуса* олиб, олти *қавосуса* туз билан қўшиб, кишиларга ичирганлар, бу бунинг ҳозирги вақтда тайинлайдиган [миқдоримизга] хилофдир). Бошқа бир гуруҳ табибларнинг айтишича, (эскирган) [*сақамуниё*дан] озгина миқдорда ейилса, ични сурмасдан сийдикни юриштиради, шунинг учун [*сақамуниё*ни] сабр билан қўшиб, ишлатилса, унинг [ични] тозалаши камроқ бўлади; уни туз-

ланган Миср боқиласи [386] ва хушбўй уруғлар билан бирга ишлатилса ҳам, шундай бўлади. [*Сақамуниё*ни] юнг парчада кўтарилса, қорнидаги болани ўлдиради. Биз [*сақамуниё*нинг] зараридан қўрққанимизда уни қуйидаги усул билан яхшилаймиз: [*сақамуниё*ни] нордон беҳи ёки олма суви ҳам атиргул сувига қўшиб, татим билан бирга қорилади, кейин ундан юпқа кулчалар ясаб, соя ерда қуритиб, керак вақтда ишлатилади.

З а ҳ а р л а р.

Уни ичилса ва (аъзога) сурилса, чаён чаққанга фойда қилади.

[1] Convolvulus scammonia L.

[2] Диоск. IV, 118 га асосан тўғриланди.

[3] *Қиртола* – тўқим ёки эгар маъноларини билдиради (?).

[4] Б. да: «гулсапсар».

498 САКБИНАЖ[1] – ЭРОН ҚАВРАГИ

М о ҳ и я т и.

Сакбинаж бир дарахтнинг елими бўлиб, дарахтидан фойда йўқ, фойда шу елимда. Айтишларича, *қина*нинг[2] бир хили бўлиб, у ўзгариб, *сакбинаж*га айланади. (Дискуридуснинг айтишича, бу шаклда тарракка ўхшаган ва Моҳ мамлакатида ўсадиган ўсимликнинг елимидир. Унинг яхшиси тоза, сирти қизил ва ичи оқ ҳолда, ҳиди ангуза ҳиди билан ўткир ҳидли *қина*нинг ҳиди ўртасида бўлгани бўлиб, уни елимларнинг бошқа хили билан қалбакилаштирадилар).

Т а н л а ш.

[*Сакбинаж*нинг] икки хилидан энг яхшиси, энг зичи ва энг тозасидир; буларнинг ичи қизилга ва сирти оққа мойил бўлади ва сувда тез эрийди. *Қина* билан сохталаштирилгани бундай бўлмайди, балки у оқ *қина*га ўхшаб туради. [*Сакбинаж*нинг] яхшиси Исфаҳонда бўладиганидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ || ва иккинчи даражада қуруқ. *197б*

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Эритувчи, латифлаштирувчи, ел ҳайдовчи, қиздирувчи ва тозаловчи.

(З и й н а т.

Бирон киши уни овқат билан истеъмол қилса, у кишининг ранги яхшиланади).

Б ў ғ и н л а р.

Фалажга, мушак ва пайларнинг узилишига фойда қилади. Уни ичилса ва у билан ҳуқна қилинса, икки сон [ёнбош]даги моддани суради. Шунингдек, бўғинлардаги ёмон совуқ оғриқларга ҳам фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Совуқ ва елли бош оғриғини тарқатади, тутқаноққа ҳам фойдали.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга суртилса, кўзнинг хираланишига, қовоқларнинг қалинлашишига ва кўздаги [яра] изларига фойда қилади. [*Сакбинаж*] кўзга сув тушиш [катаракта]га ишлатиладиган дориларнинг энг яхшисидир. Агар уни сирка билан янчиб, говмижага қўйилса, уни йўқотади; (кўзда бўладиган яраларни тозалайди).

Н а ф а с[3] а ъ з о л а р и.

Кўкрак ва биқин оғриқларига ҳам чўзма йўталга фойда қилади. Уни газагўтнинг уч чорак *дирҳам* миқдоридаги шираси билан қўшиб, нафас бузилишига қарши ичирилади. [*Сакбинаж*] ўпкани яхшилаб тозалайди ва [ундаги] хом хилтларни чиқаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Истисқога фойда қилади ва сариқ сувни ҳайдайди. (Уни аччиқ бодом, ёки газагўт, ёки асал, ёки иссиқ нон билан бирга қўйиб боғланса, жигар оғриғига ҳам фойда қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[*Сакбинаж*ни] ҳуқна қилинса ва ичилса, қуланжга ва ичак оғриқларига фойда қилади, [буйрак ва қовуқдаги] тошни чиқаради, шаҳвоний қувватни оширади, мояк ва бачадон оғриқларига фойда қилади. Агар уни асал шароби билан ичилса, ҳайз қонини ҳайдайди, қориндаги болани ўлдиради, ични енгилгина юмшатади, ёпишқоқ хилт ва сариқ сувни ҳайдайди.

И с и т м а л а р.

Даврий иситмаларга фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Газандаларнинг чаққанига ва бутун ўлдирувчи заҳарларга қарши [*сакбинаж*ни] шаробга қўшиб ичирилади. У, *қина*га қараганда кучлироқ таъсир кўрсатади. Уни чапилса ҳам шуларнинг ҳаммасига фойда қилади.

1 Ferula persica W a l l d ёки F. Sagapenum P o l a c k ларнинг елими.

2 Форсчада *борзад* ва *бирзад*, эски туркчада *қосий* деб аталувчи ўсимликдан чиқадиган елим.

3 Б. да: «кўкрак».

499 СУҚУЛУФАНДИРЮН – ТАЛОҚГИЁҲ[1]

М о ҳ и я т и.

Айтишларича, бу тошлик ва кўп сояли ерларда ўсадиган бир ўсимлик.

Бир гуруҳ [табибларнинг] айтишича, бу *ишқил* [денгиз пиёзи]нинг бир хилидир. [Баъзилар] буни яна бошқа бир нарса дейдилар.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи[2] даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф ва эритувчи бўлиб, иссиқлиги кўп эмас.

Озиқлантириш аъзолари.

Талоққа ажойиб фойда етказади. Агар [талоқгиёҳни] унинг барглари қайнатилган сиркадан тайёрланган сиканжубин билан қирқ кунгача ейилса, талоқ [касаллигини] кетказади. У ҳиқичоқ ва сариқда ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Буйрак ва қовуқдаги тошни майдалайди. Агар уни [чотга] осиб қўйилса, ҳомиладор бўлишга монелик қилади, дейдилар.

[1] Scolopendrium vulgaris S W; Ceterach officinarum W i l l d. № 78, 331 га қаранг.

[2] Б. да: «иккинчи».

500 СУЪОЛО[1] – ОҚ ҚАЛДИРМОҚ

Моҳияти.

У иссиқ ва сувлик моддалардан [ташкил топган].

Табиати.

Мўътадил даражада иссиқ ва ўткир.

Шиш ва тошмалар.

Оқ қалдирмоқнинг барги чиқиқларни ёради, агар улар бошланаётган бўлса, шимилтиради. Унинг ҳўли пишиши қийин бўлган шишларни пиширади.

Жароҳат ва яралар.

Унинг янгиси яраланган қўтирни кўчиради.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткир қиладиган дориларга қўшилади.

Нафас аъзолари.

Оқ қалдирмоқ йўтал ва «тикка нафас олиш»га қарши ишлатиладиган дориларнинг энг яхшиси, дейдилар. Буни, шундай қилиб синаб кўрилади: унинг қуритилган барги ёки илдизи билан буғланса ва [буғини] бурунга тортилса, фойдаси аниқ кўринади.

[1] Tussilago farfara L. Қуритилган барги – Folium farfarae Фармакопея VIIIга киритилган. Бу дорининг номи арабча *суъол* [йўтал] сўзидан олинган.

501 СИСОРУН[1]

М о ҳ и я т и.

Бу седананинг[2] чўпи бўлиб, унда аччиқлик ва буруштиришлик бор.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Шимилтирувчи ва бир оз буруштирувчи.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизининг қайнатмаси меъда оғриғига фойда қилади.

[387] Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизининг қайнатмаси [сийдик ва ҳайз қонини] ҳайдайди.

1 Sium sisarum L. ва Pastinaca sativa L.
2 № 703 га қаранг.

502 СИЮН[1] – «СУВ ПЕТРУШКАСИ»

М оҳ и я т и.

Бу қуррат ул-айн [сув петрушкаси][2] бўлиб, туриб қолган сувларда ўсади ва унда хушбўйлик бўлади. Бу ҳақда *«Қоф»* [Қ] ҳарфи бобида айтиб ўтилди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг қайнатилгани ҳам, қайнатилмагани ҳам [буйрак ва қовуқдаги] тошга фойда қилади, сийдикни ҳайдайди ва дизентерияга фойда қилади.

[1] Л. да «С и р». Бу Sium latifolium L.
[2] № 644 га қаранг.

503 СУҚУТУН – ?

М о ҳ и я т и.

Айтишларича, бу *ҳайй ул-олам* [гули ҳамишабаҳор] дир, баъзиларнинг айтишича, меҳригиёнинг бир хили, бошқалар эса, бундан бўлак бир нарса, дейдилар. У икки хил бўлади: тошлоқда ўсадигани ва тошлоқда ўсмайдигани.

Т а б и а т и.

Унда совуқлик ва қуруқлик устун бўлиб, мўътадил даражадаги иссиқ хўллик ҳам бор.

Таъсир ва хоссалари.

[*Суқутун*нинг] қуввати мўътадил, у ўз латифлиги билан [хилтларни] парчалайди; унда денгиз пиёзида бўладиганга ўхшаш ёпишқоқлик бор, шу хусусият билан [хилтларни] эритиб, тарқатади, ўзидаги елимлаш хусусияти билан бириктиради ва буруштиради. Унинг ҳиди ва ширин мазаси йўқ, суви эса сўлакни оқизади. [*Суқутун*] қозонда қайнатилган гўшт [бўлакларини] бир ерга тўплаб, битта нарсадек қилиб қўяди.

Бўғинлар.

Унинг қайнатмасини асаб ва мушакларнинг ўрта еридан || ва учларидан тортишишига қарши ишлатилади. Янги жароҳатларда эт ундиради.

Нафас аъзолари.

Томоқ ғадир-будурлигини тузатади, қон туфлашни тўхтатади ва асал суви билан бирга [ичилса], ўпкани тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Ичак яраларига ва [ичак] шилинишига, сувли (ичак) даббасига ва буйрак оғриқларига фойда қилади; кўп кетаётган ҳайз қонини тўхтатади.

504 СУММОҚ[1] – ТАТИМ

Моҳияти.

Унинг Хуросон ва Шомда ўсадиган хиллари бўлиб, Шомники Хуросонникидан кичикроқ, ранги қизил ва ясмиқсимон бўлади. (У, татим, *ақоқиё* ва қизилгул яраган [касалликларга] ярайди. Агар уни сувда қайнатиб, сўнгра қайнатмасини асалдек қилиб, қуюлтирилса), ликий ширази ярайдиган [касалликларга] ярайди.

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва учинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи ва совутувчи[2], лекин сирка [бу жиҳатдан] унга қараганда латифроқ. [Татим] қон оқишни тўхтатади, ҳатто бир гуруҳ табибларнинг айтишича, уни [баданга] осиб қўйилса ҳам шундай таъсир кўрсатади. Сафронинг ички аъзоларга қуйилишини тўхтатади.

Зийнат.

Кўнчиларнинг татими сочни қорайтиради.

Шиш ва тошмалар.

Урилган жойга қўйиб боғланса, қон ўлиши[3] ва кўкариб қолишнинг олдини олади. Милкакка фойда қилади ва шишнинг катталашишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Ёмон [яраларнинг] ёйилишини тўхтатади.

Бўғинлар.

[Татим] қайнатмасини суяги тойган ерларга қуйилганда, шунда у ер шишмайди.

Бош аъзолари.

Қулоқнинг йирингланишини тўхтатади. Унинг елимини ейилиб кетган тишларга қўйилса, оғриғини босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани ошлаб тозалайди ва уни қувватли қилади, чанқовни босади ва ўз нордонлилиги билан иштаҳани оширади; сафродан бўлган кўнгил айнашни ҳам босади.

Чиқариш аъзолари.

Ични қотиради, ҳайз қонини ва қон оқишини тўхтатади, ичак шилинишига тўсқинлик қилади. Уни дизентерия, бачадондан [турли нарсаларнинг] оқиши ва бавосирга қарши ҳуқна қилинади. (Чўзма ичкетиши бор, ичаклари яра ва меъдада ҳазм бузилишидан келган ичкетишга учраган кишиларнинг овқатига қўшиб берилса, мувофиқ келади).

[1] Rhus coriaria L.

[2] Б. да: «қувватли қилувчи».

[3] Б. да: «шишиш».

505 СИЛҚ[1] – ЛАВЛАГИ, ҚИЗИЛЧА

Моҳияти.

У икки хил бўлади: кўклиги кучли бўлгани сабабли, қора [деб аталадигани] ва машҳур хили. (Дискуридуснинг айтишича ҳам, лавлаги икки хил бўлади, қора ва оқ. Ҳар иккала хили ҳам ўзидаги натруният [содалик хусусияти] туфайли ёмон каймуслидирлар. Истефан айтади: «Биз Дажлат ул-авронинг Басра тарафида ёввойи лавлагини кўрдик, унинг бир илдизидан тарқалган бир қарич узунлигидаги таналари бор, баргларининг ранги таратизак рангида бўлади. Уруғлари баргларининг тагида мана шу таналарига жойлашгандир. Унинг илдизи битта бўлади»).

Табиати.

Баъзиларнинг фикрича, [лавлаги] биринчи даражада иссиқ ва қуруқ, ҳақиқатда эса унинг қуввати мураккабдир. Бошқа бировлар уни совуқ, дейдилар. Унинг илдизида ҳўллик борлигига шубҳа йўқ.

Таъсир ва хоссалари.

Лавлагида бураклик, латифлаштириш ва эритиб тарқатиш хусусиятлари бор. Унинг [тиқилмаларни] очиш хусусияти Рум исмалоғиникидан

кучлироқ бўлади. У юмшатувчи ҳамдир. Қора лавлагида буруштириш ҳам бор, хусусан, уни ясмиқ билан бирга ишлатилса. Лавлагидаги бураклик шимилтиради, ерлилик эса буруштиради. Лавлагининг ҳамма хили ҳам ёмон каймус беради ва улар бошқа сабзавотлар каби кам озиқликдирлар.

З и й н а т.

[Лавлагининг] шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилганга ва «тулки касалига» фойда қилади. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб, кейин лавлагининг баргини қўйиб боғланса, сепкилни кетказади. [Баргининг] сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради ва битларни ўлдиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Лавлагини қайнатиб, шишларга боғланса, уларни шимилтиради ва пиширади. Ўз ҳолича қўйиб боғланса, тут [шаклли сўгалларга] фойда қилади. [388] (Гулсапсар билан бирга қўйиб боғланса, иссиқ шишларга фойда қилади).

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Лавлаги баргининг қайнатилгани оловдан куйганга яхши [таъсир қилади]; асал билан қўшиб, суртилса, темираткиларга фойда қилади. (Уни ёмон сифатли яраларга қўйиб боғланса, уларни тузатади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

[Лавлагининг] сувини турнанинг ўти билан қўшиб, бурунга тортилса, юз фалажини тузатади ва бурун яраларига фойда қилади. Сувини илитиб, қулоққа томизилса, оғриғини босади, суви билан бошни ювилса, [бошдаги] кепакни кетказади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи меъда учун ёмон ва кўнгилни айнатади; кўпинча бунинг сабаби унда ачиштирувчи бураклик хусусияти борлигидадир. Лавлаги ёмон каймус [туғдиради]. Ўзининг бураклиги билан шундай ювадики, ҳатто у сезгиси кучли бўлган меъдани ачиштиради. Озиқлиги кам, аммо жигар тиқилмаларини очишда тугмачагулдан ҳам кучлилик қилади, айниқса, унга хардал ва сирка қўшилса, [кучли очади]; шунингдек, талоқ [касалига ҳам таъсир қилади]. Уни *муррий* ва дориворлар билан ейиш керак.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қора [лавлаги] ични қотиради, дейдилар, хусусан уни ясмиқ билан ейилса, [шундай таъсир кўрсатади]. Қайнагандан кейин шўрвасини тўкиб ташлаб, димлаб пиширилган лавлаги сўзсиз ични боғлайди. Ахлатни чиқариш учун у билан ҳуқна қилинади. [Лавлагининг] ҳамма хили ҳам қуланжни[2] пайдо қилади, [ични] қулдуратади ва оғритади. Уни дориворлар билан қўшиб, *муррий* билан ейилса, қуланжга яхши таъсир қилади.

[1] Beta vulgaris L.
[2] Б. да: «елни».

506 САЗОБ[1] – ГАЗАГЎТ

Моҳияти.

Ёввойи газагўт исириққа қараганда кучлироқ қора бўлади. (Дискуридуснинг айтишича, [газагўтнинг] боғда ўсадигани, ёввойиси ва тоғда ўсадигани бўлади. Тоғда бўладигани боғда ўсадиганига қараганда тезроқ ва ўткирроқ бўлади ва уни овқат билан ейилмайди. Анжир дарахтининг тагида ўсадигани эса энг мувофиғидир. [Газагўтнинг] ёввойиси *биғонун ағриюн*[2] деб аталадиган хили бўлиб, буни турли [табиблар] бошқа-бошқа ном билан атайдилар. Баъзи кишилар уни *муло* деб атайдилар. У битта илдиздан чиқади ва унинг таналари кўп бўлиб, барглари бошқа хил газагўтникига қараганда узунроқ бўлади. Унинг жуда оғир ҳиди ва оқ рангли гуллари бор, бошчалари эса бошқа хил газагўтникига қараганда бир оз каттароқ ва учтадан бириккан бўлиб, уларда қизғиш рангли уруғлар жойлашгандир; уруғлари уч бурчаклик ва жуда аччиқ бўлади. Ишлатиладиган [қисми] шу уруғлар бўлиб, улар кузда пишади. [Газагўтнинг] илдизи қора ва намли ерларда ўсадиган бошқа бир хили ҳам бор).

Танлаш.

Боғда ўсадиган ва ёввойи газагўтнинг энг мувофиғи анжир дарахтининг ёнида ўсадиганидир.

Табиати.

Янгиси иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, қуруғи эса учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, ёввойисининг қуруғи тўртинчи даражада иссиқ ва қурук.

Таъсир ва хоссалари.

Парчаловчи, шимилтирувчи, жуда кучли ел ҳайдовчи, томирларни тозаловчи, яра қилувчи ва буруштирувчидир.

Зийнат.

Сода билан қўшиб, оқ доғ, сўгал ва тут шаклли сўгалларга қўйилади; саримсоқ ва пиёзнинг ҳидини кетказади, «тулки касаллигига» фойда қилади.

198б Шиш ва тошмалар. ||

(Ёввойи газагўтни) янчиб, туз билан бирга бирон аъзога қўйиб боғланса, унда иссиқ шиш пайдо қилади; томоқ ва қўлтиқдаги қулғунага қўйилса, уларни қайтариб юборади. Елими бу [таъсирларнинг] ҳаммасида ҳам кучлироқдир.

Жароҳат ва яралар.

Сариёғ ва асал билан қўшиб, темираткиларга қўйилади, сирка ва қўрғошин упаси билан аралаштириб, учуқ ва сарамасга ишлатилади; эски [яраларни] тузатади. (Агар [газагўтни] мурр билан қўшиб, ёпиштириб қўйилса, яраларга фойда қилади).

Бўғинлар.

[Газагўтни] ичилса ва асал билан бирга қўйиб боғланса, фалажга, иркунnасога ва бўғин оғриқларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Саримсоқ ва пиёз ҳидларини кетказади, чўзма бош оғриғига қарши [газагўтни] толқон билан қўшиб, боғланади, бурун қонаганда уни сиркага қўшиб бурунга тортилса, қонни тўхтатади. [Газагўтнинг] анор пўстида қиздирилган ширасини қулоққа томизилса, уни тозалайди, оғриғини шанғиллашини ва ғувуллашини босади, қуртини ўлдиради, (агар улар тирик қолсалар, қулоқдан чиқаради). [Газагўтни] бош яраларига ҳам суртилади

Кўз аъзолари.

[Газагўтни] кўзга суртилса ёки уни ейилса, кўзни ўткирлаштиради, айниқса, унинг ширасини арпабодиён шираси ва асал билан қўшиб, ишлатилса, [яхши таъсир қилади]. Уни толқон билан қўшиб, кўз лўқиллашига қарши қўйиб боғланади. (Агар уни арпабодиён, мурр ва асал билан қўшиб, суртма тайёрлаб, кўз атрофига суртилса, кўз заифлигига фойда қилади).

Нафас аъзолари.

Руфуснинг гувоҳлик беришича, ҳўлининг қайнатмасини қуритилган укроп билан [ишлатилса], кўкрак оғриғига ва нафас олишнинг қийинлашганига фойда қилади. (Шунингдек, ўпка ва биқин оғриқларига, йўталга ва қобирға оғриқларига фойда қилади).

Озиқлантириш аъзолари.

[Газагўтни] анжир билан қўшиб, гўштда сув йиғилганда ва мешлик истисқода қўйиб боғланади, шунингдек, газагўт солиб қайнатилган шаробни ичирилади. Унинг уруғидан [389] бир *дирҳам*дан то икки *дирҳам*гача ичилса, балғамли ҳиқичоқни босади. У яхши ҳазм бўлади, иштаҳани оширади ва меъдани кучайтиради; талоқ [касалига] ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини қуритади ва уни тўхтатади ҳамда шаҳвоний қувватни туширади. [Газагўтнинг] иккала хили ҳам ични қотиради, ичак оғриғини босади; қуланждаги оғриқда уни зайтун ёғига қўшиб, хуқна қилинади, асал билан аралаштириб, орқа тешик яраларига қўйилади; зайтун ёғида қайнатиб, гижжаларга қарши ичирилади. [Газагўтнинг] ҳар иккала хили ҳам сийдикни ҳайдаш орқали гавдани чиқиндилардан бўшатади; шунинг

учун улар ҳам ични қотиради. Уни дафна дарахтининг барги билан бирга мояк шишларига қўйиб боғланади.

(Агар уни янчиб, асалга қориб, хотинларнинг жинсий аъзоси билан орқатешиги ўртасига чапиб қўйилса ёки кўтарилса, «бачадон бўғилишини» келтириб чиқарадиган оғриққа фойда қилади).

Иситмалар.

[Газагўтни] ейиш ва ёғи билан ишқалаш иситма титратишида фойда қилади.

Заҳарлар.

[Газагўт] заҳарларга қаршилик кўрсатади. Заҳар ичишдан ва газандалар чақишидан хавфи бор киши унинг уруғидан бир *дирҳам*ни барги билан шаробга қўшиб ичади, айниқса, анжир ва ёнғоқни янчиб, [газагўт уруғи билан] ҳаммасини аралаштириб ичса, [яхши бўлади]. Ёввойисини кўп истеъмол қилинса, ўлдиради.

[1] Ruta graveolens L.

[2] Матнда хато босилган; қ. «Сайдана» № 529 (3).

507 САҚАНҚУР[1]

Моҳияти.

У, *сақанқур* бўлиб, Мисрда тутилади. Уни тимсоҳлардан қурукда туғилади, деб ўйлайдилар[2].

Танлаш.

[Сақанқурнинг] энг яхши жойи буйрагининг атрофларидаги нарсалардир.

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний ҳисни шу қадар қўзғатадики, уни тинчлантириш учун сутчўп қайнатмаси билан ясмиқдан тайёрланган овқатни [ейиш керак бўлади].

[1] № 38 га қаранг.

[2] М. А. да ёзилишича, *сақанқур* балиқ наслидан бўлиб, дарё лабида тухум қўйиб, бола очади, болаларидан сувга тушиб, яшаб кетгани балиқ бўлиб, курукликда қолгани *сақанқур* бўлади. Хизр ибн Алийнинг айтишича, у Нил дарёсининг лабида яшайди ва қумни ёриб, ичига киради ва сувга ҳам тушиб кетади.

508 САЙСАБОН[1]

Моҳияти.

Уни *мухайто* деб айтилади.

Табиати.

Мўътадилга ўхшайди.

Хоссалари.

Юмшатувчи.

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак ва томоқни юмшатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Чанқовни босади, айниқса, унинг данаги, *санжисбуяни* истеъмол қилинса, [яхши бўлади].

Чиқариш аъзолари.

Ични юмшатади.

[1] Sesbania aegyptica P e r s. баъзилар буни озод дарахт (Melia ozedarach L.) нинг арабча номи, дейдилар. Гоҳо *сайсабон* ўрнига *сабистон* ёзилиб, уни Cordia myxa L. деб ҳам аниқлайдилар. «Сайдана» № 526.

509 САРМАҚ[1] – «РУМ ИСМАЛОҒИ»

Моҳияти.

Бу *қатаф*дир ва у Шомда кўп топилади. (У машҳур сабзавот бўлиб, икки хили бор: ёввойиси ва боғда ўсадигани. Уларнинг ҳар иккаласини ҳам қайнатиб, ейилади).

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва ҳўл. Баъзиларнинг фикрича, мўътадилдир.

[1] Atriplex hortensis L. № 643 га қаранг.

510 СОМ АБРАС[1] – ГЕККОН КАЛТАКЕСАГИ

(Моҳияти.

Бу *вазағ*дир, баъзилар буни бошқа дейдилар).

Зийнат.

Агар уни янчиб боғланса, [баданга кирган] тикан ва ўқларни тортиб чиқаради ҳамда сўгалларни кўчиради. Михсимон [сўгалларни] ҳам қўпориб чиқаради. Айтишларича, уни куритиб, зайтун ёғига қўшиб ишлатилса, калнинг сочини ўстиради.

Хоссалари.

Агар унинг сийдик ва қонини қайнатиб, болаларни ўтказилса, уларнинг даббаларига ажойиб фойда келтиради. Унинг сийдигига ёки қонига озгина

мушк солиб, боланинг сийдик йўлига тиқилса, даббасига жуда яхши фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, геккон калтакесагининг жигари жағ тишининг оғриғини босади. (Бошини майдалаб янчиб, тишнинг қурт еган ерига қўйилса, оғриғини ўша ондаёқ босади).

З а ҳ а р л а р.

[Геккон калтакесаги] қорнини ёриб, чаён чаққан жойга қўйилади.

[1] № 198 нинг 3-изоҳига қаранг.

511 СУЛАҲФОТ – ТОШБАҚА

(М о ҳ и я т и.

Унинг чўлда ва денгизда яшайдигани бор).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, чўл тошбақасининг қонини бурунга тортилса, тутқаноққа фойда қилади. Тошбақанинг ўти оғиз оғриғига [қарши ишлатилади] ва тутқаноғи бор кишининг бурнига томизилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Тухумини болаларнинг йўталига, ўтини эса томоқ оғриғига қарши ча-
199а пилади ||.

З а ҳ а р л а р.

Чўл[1] тошбақасининг қонини панирмоя билан бирга ичилса, газанда чаққан ва сутли ўт [билан заҳарланган] кишига жуда яхши фойда қилади.

[1] Б. да: «денгиз».

512 СУМОНО – БЕДАНА

(М о ҳ и я т и.

Маълум).

Б ў ғ и н л а р.

Бедана гўштини еювчи кишида тиришиш ва тортишиш [касалликларининг] пайдо бўлиш хавфи борлигига сабаб, бедананинг *харбақ* ейишигина эмас, балки унинг моддасида шундай қувват борлигидир. Менинг ўйлашимча, [бедананинг] *харбақ* билан овқатланишига сабаб мизожининг ўхшашлигидир.

513 СУККАР[1] – ҚАМИШ ШАКАРИ

Моҳияти.

Шакар қамишининг табиати шакарникига қараганда кучлироқ юмшатувчидир.

Табиати.

Табарзад [новвот] совуқроқ ва латифроқдир. Умуман у биринчи даражанинг охирида иссиқ (ва ҳўл). Эскиси қуруқликда биринчи даражага яқин, янгиси биринчи даражада ҳўл, эскирган сари қурий боради.

Хоссалари.

Юмшатувчи, тозаловчи ва ювувчи, сулаймонийсининг юмшатувчанлиги кучлироқ бўлади, хусусан, каллақанд [390] ва «қамиш асали»ники[2] [кучлироқ]. Тозалаш ва жило беришда шакар асалдан қолишмайди. Шакар эскирган сари латифлиги орта боради.

Кўз аъзолари.

Елимга ўхшатиб қамишдан олинган шакар кўзни тозалайди.

Кўкрак аъзолари.

Кўкракни юмшатиб, ғижиллашини кетказади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сафро пайдо қиладиганидан бошқаси меъда учун яхши, чунки у хили сафрога айлангани учун меъдага зарар қилади. [Шакар] тиқилмаларни очади; унда, хусусан, эскисида, чанқатиш хусусияти бор, бироқ асалникидан камроқ. Эскиси хира қон пайдо қилади, меъдани шилликдан тозалайди. Шакар қамиши қусишга ёрдам беради.

Чиқариш аъзолари.

[Шакар], хусусан, унинг қамиш устида тузга ўхшаб турадигани, ични суради. Сулаймонийси ва қизили [ични] кучлироқ юмшатади, баъзан ел пайдо қилади, баъзан елни босади; уни бодом ёғи билан қўшиб, ишлатилса, қуланжга фойда қилади.

[1] Saccharum officinarum L.

[2] Яъни шакар қамишининг суви.

514 СУККАР УЛ-УШАР[1] – УШАР ШАКАРИ

Моҳияти.

Бу ушар дарахтига тушадиган шира бўлиб, туз бўлакларига ўхшайди. Унда ширинлик билан бирга бир оз мози мазалик ва аччиқлик ҳам бор. Унинг Яманда бўладиган оқ рангли ва Ҳижозда бўладиган қорамтир хиллари бўлади.

Хоссалари.

Унда мози маза билан бирга тозалаш хусусияти ҳам бор.

Кўз аъзолари.

Ушар шакари кўзни ўткирлаштиради.

Нафас аъзолари.

Ўпка учун фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Туя сути билан қўшиб, [ичилса], истисқога фойда қилади; у бошқа хил шакарларга ўхшаб чанқатмайди, чунки унинг ширинлиги кам. У меъда ва жигар учун фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Буйрак ва қовуққа фойда қилади.

[1] Бу шакар Asclepiasнинг бир қанча турларидан олинади. № 438 ва 548 га қаранг.

515 САМН – САРИЁҒ

Моҳияти.

(Маълум). [Сариёғ] маска кўрсатган таъсирларни кўрсатади, лекин бу етилтириш, бўшаштириш, юмшатиш ва қиздиришда ундан кучлироқдир. *«Зо»* [З] ҳарфи бобида *забад* [маска] ҳақида айтилганларни ўқиб, унга бу ерда айтилганларни қўшилсин[1].

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл.

Таъсир ва хоссалари.

Пиширувчи ва шимилтирувчи бўлиб, у кўпинча юмшоқ ва ўртача баданларга таъсир қилиб, қаттиқларига таъсир қилмайди.

Шиш ва тошмалар.

[Сариёғ] шишларни, хусусан, қулоқ остидаги шишларни, шунда ҳам болалар ва хотинлардагиларини пиширади, қаттиқ бадандагиларига бундай таъсир кўрсата олмайди.

Бош аъзолари.

Юмшоқ баданларда қулоқ орқасида бўладиган шишларни пиширади.

Кўкрак аъзолари.

[Сариёғ] кўкракни юмшатади ва ундаги чиқиндиларни етилтиради, айниқса, уни асал, шакар ва аччиқ бодом билан бирга ишлатилса, шундай бўлади.

Чиқариш аъзолари.

Бодом билан бирга ишлатилса, ундаги буруштиришлик хусусияти сабабли ични қотиради, баъзан эса ични суради.

З а ҳ а р л а р.

[Сариёғ] ичилган заҳарларнинг тарёқидир.

[1] № 226 га қаранг.

516 СУНБУЛ[1] – СУНБУЛ

М о ҳ и я т и.

Сунбул икки хил бўлади: хушбўй сунбул – бу чумчуқ сунбули; ва *нордин*[2] – бу Рум ва Иқлит сунбули бўлиб, сийдик ҳайдашдан бошқа ҳамма хусусиятда Ҳинд ва Сурия сунбулидан кучсиздир. Иқлит сунбули қувватда Сурия сунбулига яқин туради. Унинг дарахти кичик бўлиб, лойи билан қўпориб олинади. Уни ўзига ўхшаш бошқа бир ўсимлик билан қалбакилаштирилади; уларни бир-биридан фарқ қилдирадиган нарса шуки, бу ўсимликнинг ҳиди ёмон бўлади. Нординнинг тоғда ўсадиган хили ҳам бор, унинг барги ва шунингдек, шохлари маҳсарникига ўхшайди, лекин сариқ рангли, силлиқ, тикансиз, икки ва ундан кўп илдизли бўлиб, пояси, гули ва меваси бўлмайди. (Дисқуридуснинг айтишича, [сунбул] икки хил бўлади: *ҳиндий* деб аталадигани ва *сурий* деб аталадигани; [*сурий*] деб аталишига сабаб, унинг Сурияда топилгани учун эмас, балки у ўсадиган тоғнинг Сурия атрофида жойлашганлигидандир, унинг бошқаси Ҳинд мамлакатига яқинлашиб келган жойларда ўсади. Ҳиндий деб аталадиган сунбулнинг *ганғитис* деб аталадиган хили ҳам бор, унинг бу исми Ғанғис деб аталадиган тоғ олдидан оқадиган дарё исмидан олинган[2], у [хил сунбул шу дарё] яқинида ўсади. Ўсадиган ери сернам бўлганидан, унинг қуввати кучсизроқ ва бошоғи узунроқ ва тўлароқ бўлади ва бир ўзакдан чиқади; шунингдек, [бошоқлари] бир-бирларига ўралган бўлиб, ҳиди ёқимсиз бўлади. [Сунбулнинг] биз юқорида эслатганимиз тоғда ўсадиган турига кирадиган яна бир хили бор, унинг ҳиди ёқимли ва бошоғи калта бўлади; ҳиди тўпалоқнинг ҳидига ўхшайди. Унда Сурия нордини ҳақида айтганимиз сифатлар ҳам бор.

Яна *нордус сақоритифий* [?] деган ўсимлик ҳам бор, бу исм ҳам шу ўсимлик ўсадиган жойнинг номидан олинган. Унинг бошоғи кўп ва юқорида айтилганларнинг ҳаммасидан ҳам оқроқ бўлади. Баъзан [391] унинг ўртасида пояси бўлади, ҳиди аконитнинг ҳидига ўхшайди. Шу синфини ишлатмаслик керак. Баъзан Рум сунбулини сувда ивитиб, кейин сотадилар; бунга бошоғининг оқлиги ва сўлиганлиги ҳамда тупроқнинг

йўқлиги далил бўлади. Гоҳо уни қуйидагича қалбакилаштирадилар: устига сурмани сув ва у ёпишсин учун шакар билан аралаштириб сепилади. [Сунбулни] ишлатиш керак бўлганда агар унинг илдизларида лой бўлса, уни тозалаш керак. Шу тупроғини элаб олинса, у қўлни ювиш учун ярайди).

Т а н л а ш.

Дискуридуснинг айтишича, [сунбулнинг] энг яхшиси толалари кўп,
199б || қизғиш сариқ рангли ва тўпалоқ каби ёқимли ҳидли бўлганидир. Сунбулнинг кичик хили тилни ачиштиради, бу *сурий* хилидир, *ҳиндий*си эса, заифроқ, узунроқ, бошоғи каттароқ ва бир-бирига ўралган бўлиб, ҳиди ёқимсиз, бутун бўйига ўз-ўзидан ёрилиб кетадиган бўлади; яна унинг устидан қора рангли чанг тўкилиб туради, бунинг устига ўзи катта ҳамдир. [Сунбулни] қуйидагича сохталаштирадилар: уни иссиқ сувда ивитиб қўйгандан сўнг, қайнатадилар, кейин сурма сепиб оғирлаштирадилар ва шундайлигича сотадилар. [Сохталаштирилганини] кўрсатувчи нарса унинг оқлиги, сўлиганлиги ҳам қуввати, мазаси ва ҳидининг кучсизлигидир. Ҳиндийсининг қораси қизилидан яхшироқ бўлади. Рум сунбулининг яхшиси янги, ҳиди ёқимли, илдизи ёрилмаган, тўла ва кўп бўлганидир. Оқимтир пояси бори, айниқса, пояси ўртасида бўлса ва ҳиди ёмон бўлса, ҳеч нарсага арзимайди.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

[Сунбул] очувчи ва шимилтирувчи бўлиб, *ҳиндий* хилида кўп бурушштиришлик хусусияти ҳам бор; иссиқлиги қуритишига қараганда камроқ бўлади. [Тотилганда] олдин бемаза бўлиб туйилади, кейин унинг иссиқлик ва ўткирлиги чиқади. Яхши ҳидли сунбулнинг толқони кўп терлашга қаршилик қилади. Сунбулга ёпишган лой қўлни ювиш учун яхши бўлиб, уни хушбўй қилади.

Ш и ш л а р.

Шишларни шимилтиради.

(Я р а л а р.

Яралардан оқадиган рутубатларни қуритади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Назлаларни қайтаради ва мияни кучли қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Уни сурмаларга қўшиб ёки унинг (майдасини) сурма чўп билан кўз милкига қўйилса, киприкларни ўстиради. Менимча, бу жиҳатдан Рум сунбули кучлироқдир.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ҳамма хиллари ҳам хафақонга фойда қилади, кўкрак ва ўпкани тозалайди ва уларга[3] моддаларнинг ва назлаларнинг оқишини тўхтатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва меъда тиқилмаларини очади ва у аъзоларни қувватли қилади. Ҳамма хили ҳам сариқ касалига фойда қилади, моддаларнинг меъдага оқишини тўхтатади ва меъданинг ачишишини босади. Қайси хилини бўлса ҳам шароб билан ичилса, томоқ касалига фойда қилади. [Уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айнашни босади].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳамма хили ҳам [сийдикни] юриштиради, *иқлитий* хили қиздирувчанроқ ва буруштириши кам бўлгани учун [бу хил таъсирда] кучлирокдир. Унинг қайнатмасида ўтирилса, [сийдикни] ҳайдайди ва бачадоннинг ҳамма шишларига ҳам фойда қилади; буйрак оғриқларига ҳам фойдаси бор. Моддаларнинг ичакларга оқишига қаршилик қилади; сунбулда бачадондан ниҳоятда кўп кетаётган қонни тўхтатиш хусусияти бор.

[1] Valeriana Jatamansi J o n e s; Ferula sumbul H o o k.

[2] Шу ерда матн бузилган. «Тоғ олдидан оқадиган ва Ғанғис деб аталувчи дарё исмидан олинган» деб ўқиш керак. Қ. «Сайдана» № 571.

[3] № 451 га қаранг.

[4] Б. да: «меъдага».

517 САЛИХА[1] – ЦЕЙЛОН ДОЛЧИНИ

М о ҳ и я т и.

У бир қанча турли бўлади: қизил рангли ва мазаси ҳам ҳиди яхши хили, мазаси газагўтнинг мазасига ўхшаган хили, ранги қизғиш-қора ва ҳиди қизил гул ҳидига ўхшаган хили, қора рангли ва ёқимсиз ҳидли бўлган пўсти юпқа ва ёрилган хили, оқимтир рангли ва гандано ҳидли хили ва ниҳоят, қора рангли ва ичи ковак най шаклида бўлган хили. Айтишларича, цейлон долчинига ўхшаш яна бир нарса борки, у оддий долчинга айланади. Бошқаларнинг айтишича, долчин дарахтининг устида, шу юқорида айтилган сифатга эга бўлган цейлон долчини топилади Баъзан эса у долчиннинг ўзига ёпишган бўлади[2]. (Ишончли бир кишидан эшитдимки, цейлон долчини оддий долчин дарахтига ўхшаш бир дарахтнинг пўстлоғи бўлиб, уни Хитой томонларидан келтирилади). Цейлон долчинининг қуввати кучсиз долчинникидек бўлади. Унинг яхшиси долчин яқинида ўсганидир. (Дискуридуснинг айтишича, цейлон долчинининг хиллари кўп ва у Араб мамлакатида дорилар ўсадиган ерларда бўлади. Унинг қалин пўстлоқли пояси бўлиб, барги бир хил гулсапсарнинг баргига ўхшайди; унинг бошқа хиллари ёмондир).

Танлаш.

Энг яхшиси қизил рангли, тоза, силлиқ тешиклари кичик бўлган йўғон найга ўхшаган, узун тиғиз, ўткир ҳидли, тилни ачиштирадиган ва буруштирадиган хилидир. Қора хили эса ёмон ҳисобланади. Унинг пўстлоғи ишлатилади; ёғочи эса ярамайди.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Қуюқ елларни шимилтирувчидир. Унда бир оз ўткирлик билан бирга буруштириш ва шунингдек, кўп латифлик хусусияти бор, ўткирлиги сабабли парчалаш хусусиятига ҳам эгадир. Цейлон долчини ўзининг буруштириши билан буруштирувчи [қабз қилувчи] дориларга ёрдам қилади [392], эритиш ва шимилтириш билан сургиларга кўмаклашади. У ўзидаги шимилтириш, буруштириш ва латифлик хоссалари билан аъзоларни кучайтиради.

Шишлар.

Ички иссиқ ва совуқ шишларни шимилтиради.

Жароҳат ва яралар.

Цейлон долчинини асал билан қўшиб, яраларга[3] суртилади.

Кўз аъзолари.

Унда шимилтириш ва буруштириш хоссалари бирликда бўлганлигидан, уни кўз дориларига қўшилади.

Нафас аъзолари.

Кўкракка фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Цейлон долчинининг шароби жигарга ва у долчин солинган шароб меъдага фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

[Сийдик ва ҳайз қонини] юриштиради, айниқса, уларнинг [тўхтаб қолишига] сабаб қуюқ хилтлар бўлса, яхши таъсир қилади. Буйрак ва қовуқ оғриқларига фойда қилади. Агар унинг қайнатмасида ўтирилса, бачадон кенгайишида ва унинг тайғанувчанлигида фойда қилади, у билан тутунлаш ҳам шундай таъсир кўрсатади. Ичига [цейлон долчини] солинган
200a шароб || сийишнинг қийинлашганида яхши фойда қилади. Баъзиларнинг фикрича, у болани туширади.

Заҳарлар.

Афъо илони чаққанда ичирилади.

(Ўрнига ўтадиганлар.

Дориларда бунинг ўрнини оддий долчиннинг шимилтирадиган миқдорига қараганда икки ҳисса олингани босади).

[1] Cinnamomum zeylanicum Nees. № 168, 479 ва 612 билан солиштиринг. «Сайдана № 552 (1).

[2] Шу жумланинг маъноси унчалик равшан эмас

[3] Б. да: «юмшоқ [яраларга]».

518 САВИҚ – ТОЛҚОН

Моҳияти.

Буғдой ва арпа бобларида айтиб ўтилди.

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак ва ўпкага фойда қилади.

519 СИМСИМ[1] – КУНЖУТ

Моҳияти.

Кунжут ёғи энг кўп донлардан бўлганидан осонлик билан бузилади. Баъзиларнинг айтишича, унинг ёғи савдо мизожли кишилардан бошқаларга фойда қилмайди, чунки у [бу хил кишиларни] қиздиради ва ҳўллайди. *Урсимун* ёмон мазали кунжут жинсидандир.

Танлаш.

Кунжутнинг ўзи ёғига қараганда кучлирокдир.

Табиати.

Биринчи даражанинг ўртасида иссиқ ва охирида ҳўл.

Хоссалари.

Елимловчи, юмшатувчн, мўътадил даражада қиздирувчи, ёғи ва қайнатмаси ҳам шундай, уни [баданга] суртиш учун ҳам ишлатилади, бироқ ёғида ғализлик бор, уни қиздирилса, зарари камаяди.

Зийнат.

Урилишдан пайдо бўлган кўкаришни ва қотиб қолган қонни шимилтиради. Савдовий касалликка дучор бўлган кишилар [баданидаги] ёрилиш ва дағалликка қарши ичилса ва суртилса, фойда қилади. [Кунжут], айниқса, унинг пўсти олингани семиртиради. Сочни узайтиради; айниқса, пояси ва баргининг шираси шундай, улар [сочни] юмшатади ва қазғоқни кетказади. Кунжут ёғида миртани қайнатиб, ишлатилса, сочни [тўкилишдан] сақлайди, уларни қувватли ва пишиқ қилади.

Шишлар.

Иссиқ шишларни шимдиради.

Жароҳат ва яралар.

Оловдан куйганга ишлатилади. Ёғини ичилса, балғам ва қондан бўлган қичимани кетказади, айниқса, уни сабир ва майиз ивитилган сув билан бирга [ичилса, яхши таъсир қилади].

Бўғинлар.

Асаблар йўғонлашган ерга қўйиб боғланади.

Бош аъзолари.

Кунжут ёғи қизилгул ёғи билан бирликда [ишлатилса], куйдирувчи бош оғриғига фойда қилади, поясининг шираси эса бошдаги кепакни кетказади.

Кўз аъзолари.

Кўз лўқиллашларида ва шишганда ишлатилади.

Нафас аъзолари.

Зиқинафас ва астмада фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Кунжут меъда учун ёмон, кўнгилни айнатади, иштаҳани туширади ва тезда тўйдиради. Агар уни асал билан ейилса, зарари кетади. [Кунжут] секин ҳазм бўлади ва ички аъзоларни бўшаштиради, қовурилганининг зарари эса камроқ бўлади. Кунжутнинг жуда ёғлик ғизолик моддаси кишини чанқатади; пўсти билан ейилганда тез тушиб кетиб, пўстини ажратилганда тушиши секин бўлади.

Чиқариш аъзолари.

Йўғон ичакка фойдалидир. Кунжут ивитмаси ҳайз қонини шу қадар кучли юриштирадики, ҳатто болани ҳам туширади. Уни қовуриб[2], наша ва зиғир уруғлари билан бирга мўътадил миқдорда ейилса, эрлик уруғини ва шаҳвоний қувватни оширади.

Заҳарлар.

Шохли илон чаққанига фойда қилади.

[1] Sesamum indicum L.

[2] Б. да: «ивитиб».

520 САМАК – БАЛИҚ

Танлаш.

Танаси жиҳатдан балиқнинг энг яхшиси жуда ҳам катта бўлмаганидир. Унинг гўшти қаттиқ ҳам қуруқ ҳам ва ёғлик ҳам бўлмаслиги ва гўё увалаладиган бўлиши керак; у шиллиқли ва сассиқ бўлмасдан, яхши мазалик ҳам бўлиши керак, чунки мазаси яхши нарса [кишига] муносибдир. Ёғлик балиқнинг ёғи ҳаддан ташқари кўп ва ғализ бўлмаслиги, шунингдек, кўп

ёғлик ва ўткир мазалик бўлмасдан, сувдан олгандан кейин тезда сасимайдиган бўлиши ҳам керак.

Гўшти қаттиқ балиқдан кичикроғини ва гўшти юмшоғидан эса бир оз каттароғини танлаш керак. Қаттиқ гўштлик балиқнинг тузлангани янгисига қараганда яхшироқ бўлади.

Балиқнинг жинс [яъни тури]га қараб [танлашга] келсак, энг яхшиси зоғора балиқ[1] бўлиб, ундан кейин *бунний*[2], *илон балиқ*[3] ва *шиқ*[4] хиллари туради; *ас-соож ул-баҳрий* ҳам ёмон эмас. *Ражз* ва *самм* хиллари эса ғализдирлар. Илон балиқ ва *канад*[5] эса жуда яхшидир. *Хон балиқ*[6] ҳам жуда ажойибдир.

[Балиқларни] уларнинг яшайдиган жойларига қараб [танлашга келсак, энг яхшиси] тошлоқ ерларда оқадиган сувдагиси бўлиб, ундан кейин қумлик ерларда [оқадиган] ва ширин, булғанмаган ва тиниқ оқар сувларда бўладиганидир. Бундан ташқари, у сув ботқоқлик ва тўқайликдан оқадиган бўлмаслиги керак, шунингдек, [у сув] анҳорлар келиб қуймайдиган ва ўзида булоқлар йўқ кичик кўллардан оқиб чиқаётган бўлмаслиги керак. [393] Денгиз балиғи мақташга сазовор ва латиф бўлиб, унинг энг яхши хили фақат денгиз ва унинг чуқур ерларида яшайдиганидир. Очиқ ва устида шамол эсиб турадиган сувларда яшовчи [балиқлар] бунинг аксича шароитда яшовчилардан яхшироқ бўладилар. Кўп тебраниб ва тўлқинланиб турадиган сувда бўладиган балиқ тўхтаб турувчи сувдагидан яхшироқ бўлади, чунки балиқ кўп ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Денгиз балиғи жуда яхши ва гўшти латиф бўлади, айниқса, тошлик ва қумлик қирғоққа яқинликда яшайдиганлари шундай бўлади. Денгиз чуқурликларида яшайдиган балиқлар ҳам кўп ҳаракат қиладилар. Денгиздан ширин сувлик дарёларга чиқувчи балиқлар сувнинг оқишига қарши юриб, улар ҳам || ўз та- *200б*
биатлари билан латиф бўладилар ва ҳаракат қиладилар.

Овқат жиҳатидан [яхшисига келсак], яхши ўтлар ва ўсимликларнинг илдизлари билан овқатланадиган балиқлар тўхтаб қолган сувларга шаҳар [аҳолиси томони]дан ташланадиган ахлатлар ва ёмон ўсимликларнинг илдизлари билан овқатланадиганларига қараганда яхшидирлар; гарчи балиқлар ўзи аслида яхши бўлсалар ҳам шундай бўлади.

Энг яхшиси балиқни шўрва қилиб қайнатиб ейиш бўлиб, ундан кейинги ўринда товада пиширилгани туради. [Ёғ билан][7] қовурилганини дориворлар билан ейилса, меъдаси кучли кишиларга тўғри келади. Қовурилган [балиқ]нинг озиқлиги кўпроқ ва [меъдадан] тушиши секинроқ бўлади, қайнатилгани эса бунинг аксича. [Балиқ] қайнатишнинг энг яхши усули шуки, суви қайнаб чиққунча қиздириб, сўнг унга балиқни солинади.

Тузланган балиқнинг яхшиси янгиси ва яқинда тузланганидир, энг

яхшиси сирка ва дориворлар билан ўлдирилганидир. Тузланган балиқ, айниқса, унинг *жиррий*[8] хилини қайнатилган сув кучли тозаловчи бўлиб, уни қуритувчи ҳуқналарда ишлатадилар.

Т а б и а т и.

Ҳамма хил балиқ ҳам совуқ ва ҳўл бўлади, лекин баъзи балиқлар бошқа бир балиқнинг мизожига нисбатан қиздирувчанроқ ҳам бўладилар; масалан, наҳанг балиқ[9], *жиррий* ва илон балиқ шундай. Тузланган балиқ эса иссиқ ва қуруқ бўлади ва улар эскиган сари бу иккала хусусияти орта боради. Тузланган балиқнинг суви ўз хусусиятида *муррий*га ўхшайди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Янги балиқ сувли шиллиқни туғдиради, асабларни бўшаштиради ва [мизожи] жуда иссиқ бўлган меъдалардан бошқасига тўғри келмайди; улардан [туғилган] қон эса суюққа мойил бўлади. Иерусалим атрофида *сифийос* номи билан машҳур бўлган балиқ терисининг кулини уй ҳайвонларининг кўзига сепилса, уларнинг оқини кетказади. Ҳамма хил балиқнинг, айниқса, *жиррий* хилининг тузлангани ўқ учларини улар санчилган ердан чиқаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Саморус[10] [балиғининг] куйдирилган боши яралардаги ортиқча этларни йўқотади ва уларнинг ўсишига тўсқинлик қилади; у сўгаллар ва тутсимон ўсмаларни қўпаради. Тузланган балиқнинг суви чириган яраларга фойда қилади ва уларни ювади. *Саҳнот*[11] ва майда балиқлар чириган яраларни даволаш учун яхшидирлар.

Б ў ғ и н л а р.

Тузланган балиқнинг шўрваси билан бир неча марта ҳуқна қилинса, ёнбош оғриғида жуда фойда қилади; янгиси эса асабларни бўшаштиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Оғзи ёмон сифатли чақа билан оғриган киши шомлилар *сир* деб атайдиган майда балиқдан тайёрланган *муррий* билан оғзини чайқаса, фойда қилади. *Раъод*[12] балиғининг тиригини боши оғриётган кишининг бошига яқинлатилса, у киши бош оғриғини сезмай қолади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сифёнун[13] балиғининг терисини кўз қовоғининг қўтирига [трахомага] ишқаланса, фойда қилади. Жасадининг[14] куйдирилгани ҳам кўз дорилариға қўшилади ва уни туз билан қўшиб, кўзга тортилса, нохинани кетказади. Уни янгилигича ейилса, кўзда парда пайдо қилади, бу балиқнинг ҳамма бўлаги ҳам шундай.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Жиррий балиғининг янгиси ўпка найини тозалаб, овозни тиниқ қилади, унинг тузлангани ҳам шундай. Тузлаб қуритилган майда балиқнинг боши

шишган тилчага фойда қилади. Балиқ елимини аталага солинса, қон туфлашни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Сифёнун балиғининг меъдаси қийин ҳазм бўлиши билан ични юмшатади, *жиррий*нинг гўшти ҳам (янгилигида ейилса), ични юмшатади. Балиқ шўрванинг ҳамма хили ҳам ични юмшатади. Тузлаб, офтобда қотирилган майда балиқнинг боши орқа тешик ёрилишига қарши яхши даводир. Айниқса, наҳанг балиқ ва шунингдек, *сукк*, илон балиқ, *қарасин* ва *жиррий* балиқларининг ҳаммаси шаҳвоний қувватни орттиради. Янги балиқнинг ҳаммаси ҳам иссиқлигида ейилади. Ичагида яраси бор киши касаллиги бошланаётган вақтда (тузланган *жарод* балиғи[15] тузининг сувида ўтирса, [фойда қилади]).

Заҳарлар.

Тузланган саморус балиғининг бошини куйдириб, қутурган ит тишлаган ва чаён чаққан ерга қўйилса, фойда қилади. Бошқа ҳамма балиқлар (ва уларнинг шўрваси) ҳам шундай. Ҳамма хил балиқнинг шўрваси заҳар ичиш ва чақиш орқали заҳарланишда фойда қилади [394]. *Уҳутолус* деб аталадиган балиқнинг шўрвасини ичиб, устидан бир неча марта кетма-кет қусилса, шохли илон чаққанга ва қутурган ит тишлаганга (ва газандалар чаққанига) қарши фойда қилади.

(*Бунний* деб аталадиган балиқнинг гўштини тузлаб, истеъмол қилинса, афъо илони чаққанида фойда қилади; қўйиб боғланса, қутурган ит қопганда фойда қилади).

1 Арабчаси *шаббут*.
2 Русчаси *усач*.
3 Асли *мормоҳиж*.
4 Шиқ – илонбаликка ўхшаган денгиз балиғи.
5 Денгизда бўладиган балиқлардан.
6 Асли *фарасиюн*.
7 М. А. дан қўшилди.
8 Тангасиз балиқ.
9 Арабчаси – *кавсаж*; русчаси – *акула*.
10 Сардина балиғи деб тахмин қилинади.
11 Балиқдан тайёрланадиган иштаҳани очувчи нонхўриш.
12 Электрик скат балиғи.
13 Яъни *сепия*, *каракатица*; «Сайдана» № 566 (2).
14 Б. да: «терисининг».
15 Бу *жарод ал-баҳр* («денгнз чигирткаси»), яъни омар бўлиши мумкин. «Сайдана» № 35 (3).

521 САФАНДУЛИЮН[1] – «ЁВВОЙИ ЗИРА»

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни газагўт билан бирга қўшиб, учуққа қўйилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Газагўт билан бирга оқма тешикларга қўйилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Уйқу касалига учраган кишини [ёввойи зира] билан буғланади. Буни зайтун ёғи билан қўшиб, *қаронитус* ва *литаргия* билан оғриган кишининг бошига суртилади. Ҳўлининг ширасини || йирингланган қулоққа томизилади. У, тутқаноқ касалига ҳам жуда фойдалидир.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Қийин нафас олишда ва астмада фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи жигар оғриқларига ва сариққа фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шиллиқни суради ва бачадон бўғилишида фойда қилади.

[1] Heracleum spondylium L.

522 САФАРЖАЛ – БЕҲИ, ҲАЙВА[1]

М о ҳ и я т и.

(Маълум). Шох ва баргларининг кулини ювилса, тўтиёга ўхшаб қолади, қайнатиб қуюлтирилган [беҳи] ширази ўзидаги буруштириш билан тозалайди, олманики эса ўзида совуқ сувлик рутубат борлигидан ачитади.

Т а н л а ш.

Чўққа кўмилган беҳи енгилроқ ва фойдалироқ бўлади. Уни шундай қилиб пиширилади: ичини ковлаб, уруғини чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, устини лойлаб, қўрга кўмилади.

Т а б и а т и.

Биринчи даражанинг [охирида] совуқ ва иккинчи даражанинг аввалида қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Буруштирувчи ва қувватли қилувчидир. Гули ҳам буруштирувчи, ёғи ҳам шундай. Ширинининг буруштириши камроқ бўлади. Уруғи эса буруштирмасдан юмшатади. У чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишига тўсқинлик қилади.

З и й н а т.

Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ёғи учуққа (жуда) фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ёғи кал[2] яраларида ишлатилади.

Б ў ғ и н л а р.

Беҳини кўп ейиш асаб оғриқларини келтириб чиқаради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Қўрга кўмиб пиширилганини кўздаги иссиқ шишларга қўйилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Сиқиб олинган суви «тикка нафас олиш» ва астмада фойдалидир, у қон туфлашни ҳам тўхтатади. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиғи ҳам [ўпка] най қуруқлигини намлайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қусиш ва хуморга қарши фойда қилади, чанқовни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Беҳидан тайёрланган ичимликни, унинг ивитилгани ва қайнатмасини шаробдан кейин истеъмол қилинса, хуморнинг олдини олади. Жуда ҳам камайган иштаҳани кучайтириш учун беҳидан шароб тайёрланади. Беҳи шарбати[3] меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Сийдик ва ҳайз қонини] юриштирувчидир, айтишларича, бу беҳининг қўшимча таъсири бўлиб, унинг ични қотиришига тобе бўлиб келади. Асал билан пиширилгани кучлироқ юриштиради, лекин баъзан ични суриб ҳам юборади ва қотирмайди. Қуланжни ва ичак оғриқларини келтириб чиқаради, дизентерияга фойда қилади, ҳайз қонининг кўп кетишини тўхтатади. Агар унинг сиқиб олинган сувини ёки ёғини сийдик йўлига томизилса, сийдикнинг ачиштириб тушишида фойда қилади. Ёғи буйрак ва қовуққа ҳам фойда қилади. Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ични суради, кўпроқ ейилса, овқатни ҳазм бўлишидан олдиноқ чиқариб юборади. Унинг қайнатмасини кўтан ва бачадон тушишига қарши ҳуқна қилинади.

1 Cydonia vulgaris P e r s. *Беҳи* сўзи форсча бўлиб, эски ўзбек тилида *ҳайва* дейилади.
2 Б. да: «ёмон сифатли».
3 Б. да: «унинг хоми».

523 САФИД ИСФАНД[1] – ОҚ ХАРДАЛ, ОҚ ҚИЧИ[2]

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Тез ва ўткир.

З а ҳ а р л а р.

Ҳамма заҳарларга қарши фойда қилади.

[1] Sinapis alba L. Хардал мойи ва хардал суртилган қоғоз Charta sinapidasa – Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Эски ўзбек тилида *хардал* [горчица]ни *қичи* деб аталган [Т. М.].

524 САМИРНИЮН[1] – ТОҒ ПЕТРУШКАСИ

М о ҳ и я т и.

Бу, тоғ[2] петрушкаси бўлиб, у ҳақда *«Коф»* [К] ҳарфи бобида айтилди[3].

[1] Smyrnium porfoliatum L. «Сайдана» № 896 (12).

[2] Б. да: «ёввойи».

[3] № 369 га қаранг.

525 (САФИДУС[1] – ЁВВОЙИ БОДРИНГ

М о ҳ и я т и.

Дискуридус *сафидус* ёввойи бодрингдир, дейди. Бу ҳақда *«Қоф»* [Қ] ҳарфи бобида *қиссо ул-ҳимор* тўғрисида гапирганимизда айтамиз. Шунинг учун бунинг сифатлари ва таъсирларига оид бўлган ҳамма нарсани ўша ердан қаралсин[2].

[1] Юнонча сўзнинг бузилгани. «Сайдана» № 816 (2).

[2] № 647 га қаранг.

526 [395] САЛУСУН – ?

М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, баъзи кишилар *салусун*ни Шом аҳли *анкабут* [ўргумчак] деб атайдиган ўсимлик, деб ўйлайдилар. Унинг оқ *ҳомоловунга*[1] ўхшаган барглари бор ва унинг янгисини туз ва ёғ билан пиширib, ейдилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Агар унинг сутидан ёки илдизидан чиқадиган сувидан бир *мисқол*ини асал суви билан ичилса, ўша куниёқ кучли равишда қустиради.

[1] №. 779 га қаранг.

527 (ИСМИ ТУШИБ ҚОЛГАН БИР ЎСИМЛИК)

Моҳияти.

Бу ёввойи бир сабзавот бўлиб, мазаси бир оз ўткир ва сал аччиқдир. Уни хомлигича ва пиширib ҳам ейилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун яхши. Унинг қайнатмасини ичилса, қовуқ, буйрак ва жигар оғриқларига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ични суради.

528 СИРИШ[1] – СИРАЧ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, баъзи кишилар уни *сириш* деб атайдилар, чунки бу сирач олинадиган ўсимлик бўлиб, маълумдир. Унинг шом ганданосининг баргига ўхшаш барглари ва *анторикун* деб аталувчи силлиқ пояси бор[2]. Учларида гуллари бўлиб, илдизи узун, думалоқ ва катта дуб ёнғоқ шаклида бўлади. Қуввати иссиқдир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ.

Хоссалари.

Қиздирувчи.

Шиш ва тошмалар.

Агар толқон билан аралаштириб ишлатилса, иссиқ шишларнинг бошланиш даврида фойда қилади.

Яралар.

Қўйиб боғланса, чиркин, ёмон сифатли яраларга, ярага айланган жароҳат, йирингли шишлар ва оловдан куйганга фойда қилади.

Зийнат.

«Тулки касаллиги»да олдин ўша жойни юнг латта билан ишқаб, [кейин сирачнинг] кулини қўйиб боғланса, сочни ўстиради. Агар оқ доғни офтобда латта билан ишқаб, сўнгра [сирач] илдизини сирка билан чапилса, доғни йўқотади.

Бош аъзолари.

Унинг бир ўзини ёки уни кундур, асал, шароб ва *мирра* билан аралаштириб илитгандан кейин оғриқ тиш қаршисидаги қулоққа томизилса, тиш оғриғини босади. Илдизининг сувини эски ширин шароб ва *мирра* билан қайнатилса, қулоқ учун даво бўлади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Юқоридаги таркибда [тайёрланган дори] турли хил кўз оғриқларига қарши суртиладиган яхши доридир.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ундан икки *мисқол*ини *тило* шароби билан ичилса, биқин оғриғида, йўталда ва мушак лат еганда фойда қилади. Илдизининг шароб дурди билан қайнатилганини эмчак шишларига қўйиб боғланса, жуда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар ундан бир *мисқол* оғирлигидагисини *тило* шароби билан ичилса, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради.

З а ҳ а р л а р.

Ундан уч *мисқол* оғирлигидагисини ичилса, газандалар чаққанда фойда қилади. Баргларини қўйиб боғланса ҳам, газандалар чаққанига фойда қилади. Меваси ва гулини шароб билан ичилса, чаён чаққанда жуда яхши фойда қилади.

[1] Eremurus Olgal R g l. илдизидан олинадиган елим.

[2] Шу ерда матн бузилган. Қ. Диоск. II, 168; «Сайдана» № 632 (17).

«АЙН» ع [А] ҲАРФИ

529 ‘АРЪАР – АРЧА

М о ҳ и я т и.

Бу тоғ сарви бўлиб, унинг кичик ва катта [хиллари] бўлади.

Т а б и а т и.

Иссиқ ва қуруқликка мойилроқ; бужури эса биринчи [даражада] иссиқ ва иккинчи [даражада] қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Қиздирувчи, юмшатувчи ва ел ҳайдовчи. Бужурида шу [хусусиятлар] билан бирга буруштириш ҳам бор; дарахтининг бошқа қисмларида буруштириш [хусусияти] йўқ.

Б ў ғ и н л а р.

Эт узилишига яхши [фойда қилади].

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкрак оғриқлари ва йўталга яхши [фойда қилади].

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Тозалайди ва у аъзодаги тиқилмаларни очади. Ичилса, меъда учун яхши; ундаги кўпчишга жуда фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

[Ҳайз қони ва сийдикни] ҳайдайди, бачадон бўғилишига ва унинг оғриқларига яхши [таъсир қилади].

Заҳарлар.

Газандаларнинг чақишидан келган зарарни қайтаради. [Тоғ арчасининг] ҳар иккала хили, қайси қисмини тутатилса ҳам, газандалар ва пашшаларни қочиради.

[1] Juniperus communis L.

530 'АСО' УР-РОИЙ[1] – ҚИЗИЛ ТАСМА

Моҳияти.

Бу *бат-бот* [ўсимлиги][2] бўлиб, унинг эркак ва урғочиси бор. Эркаги кучлироқ.

Хоссалари.

Унда буруштириш хусусияти бор, лекин сувлик қисми кўп. Қуюлиб келувчи моддаларни кўп қайтаргани учун унда қуритиш [хусусияти] ҳам бор, деб ўйлайдилар. У шунингдек, [396] қон оқишларни ҳам тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

У флегмона, сарамас ва учуқларга қўйилади. Шишларга ҳам жуда фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Янги жароҳатларни яхши битиради.

Бош аъзолари.

Унинг шираси || қулоқ қуртинн ўлдиради ва унинг яраларини қуритади. *201б*

Кўкрак аъзолари.

Унинг суви қон туфлашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда яллиғланганда боғланса, фойда қилиб, совутади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадондан қон кетишни тўхтатади ва ичаклардаги яраларни тузатади. Дискуридус бу дори сийдикни ҳайдайди ва [сийдиги] тутилган кишининг соғлиғини тиклайди, дейди.

[1] Polygonum aviculare L.

[2] № 134 га қаранг.

531 ‘АБАЙСАРОН[1]

Хоссалари.

Шимдирувчи.

Бош аъзолари.

Миядаги совуқ шишларга[2] фойда қилади ва совуқ тумовни қайтаради.

Кўз аъзолари.

Унинг суви кўзни ўткирлаштиради.

[1] Rosmarinus officinalis L. ёки Artemisia abrotanum L.

[2] Б. да: «касалликларга».

532 ‘ИЛК – САҚИЧ, ЕЛИМ

Моҳияти.

Бутм дарахтининг сақичи[1] ва санавбар дарахтининг елими[2] ҳамда бошқа нарсалар ҳақида ўз жойида айтганмиз.

Табиати.

Бутм дарахтининг сақичи иссиқлик бўлиб, сўнгра сарв дарахтининг сақичи ва ундан кейинги [ўринда] санавбар дарахтининг сақичи туради.

Хоссалари.

Шимилтирувчи, лекин, санавбар ва сарв дарахтининг сақичлари бутм дарахтининг сақичидан кўра қиздирувчанроқ бўлса ҳам, унга қараганда кучлироқ шимилтирувчи эмасдир.

[1] № 279 га қаранг.

[2] № 671 ва 227 га қаранг.

533 ‘АРТАНИСО[1]

Унинг илдизи ишлатилади. Айтишларича, бу – *бахур Марьям*[2] бўлиб, биз бу ҳақда гапириб ўтдик. Дисқуридуснинг айтишича, унинг нўхат дуккагига ўхшаш дуккаги бўлиб, барги карам баргига ўхшайди; илдизи шолғом илдизи каби қора бўлади. Бу сифатлар бизнинг ҳозирги замонда [шу исмда] юргизиладиган нарсанинг сифатлари эмас. *Артанисо* номи билан маълум бўлган [ўсимлик] калта, йўғон бир тикандир. Унинг оқ илдизи бўлиб, у билан юнгнинг чиркини ювилади. (Дисқуридус уни, экинзорларда буғдойларнинг орасида ўсади, дейди. Биз айтадиган сифатлар мана шунга хосдир. [Дисқуридус китобининг] таржимони хато қилганга ўхшайди)[3].

Хоссалари.

Шимдирувчи ва парчаловчи.

Бўғинлар.

Ёнбош оғриқларида яхши [фойда қилади].

Бош аъзолари.

Акса урдиради. Димоғ битишини ва ғалвирсимон суяк тиқилмаларини жуда яхши очади.

Озиқлантириш[4] аъзолари.

Ҳиқичоқни қайтаради.

Чиқариш аъзолари.

Болани туширади.

Заҳарлар.

Унинг қайнатмасини, шунингдек, бундан тайёрланган ичимликни [газандалар] чаққан [жойга] қўйилади.

Ўрнига ўтадиганлар.

Бола тушириш ва заҳарларга қарши ишлатишда ўз оғирлигида олинган узун *зарованд*, лимон уруғи ва чўлялпиз бунинг ўрнига ўтади.

[1] № 337 да бу ўсимлик сутли ўтлар туркумига киритилган. Бироқ буни Primulaccae оиласига кирувчи cyclamen europaeum L. деб гумон қилинади.

[2] № 593 ва 698 га қаранг.

[3] Ҳақиқатан ҳам юқорида Диоскориддан келтирилган сўзлар Leontice lontopetalum L. ҳақида айтилган. Диоск. III, 91; «Сайдана» № 795 (4).

[4] Б. да: «кўкрак».

534 ʻУСФУР[1] – МАҲСАР

(Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, у тиканак шаклидаги узун ва юқорига кўтарилиб турган япроқли ўсимлик бўлиб, поясининг узунлиги тахминан икки тирсак келади ва унда тиканлар йўқ. Устида катта зайтун данагидек думалоқ дўмбоқчалари ва заъфаронга ўхшаш оқ ва қизғиш рангли гуллари бор. Гулини овқатга солиб ишлатадилар).

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи[2] даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Унда етилтириш билан мўътадил даражада буруштириш [хусусияти] бор.

Зийнат.

Сепкил ва доғларни тозалайди.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан қўшиб, темираткига қўйилади.

Бош аъзолари.

Ёввойи маҳсарни асал билан қўшиб, суртилса, болалардаги ширинчага фойда қилади.

[1] Carthamus tinctorius L. № 618 га қаранг.

[2] Б. да: «иккинчи».

535 ‘УНСАЛ – ДЕНГИЗ ПИЁЗИ

Моҳияти.

Бу сичқон пиёз бўлиб, унинг гулсапсар баргига ўхшаш барги ва қорамтир гули бор.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Парчаловчи бўлиб, унда ўткир ёпишқоқлик бор.

Зийнат.

Асалга қориб «тулки» ва «илон» касалликларига қўйилади.

Нафас аъзолари.

Унинг сиркаси томоқни дағаллаштиради ва унинг гўштларини қотиради. У астма, хириллаш ва чўзма йўталга яхши [фойда] қилади.

[1] Urginea maritima L. № 6 га қаранг.

536 ‘ОҚИРҚАРҲО[1] – НАЗЛА ЎТИ

Моҳияти.

Бу ўсимликнинг энг кўп ишлатиладиган қисми илдизидир. (Дискуридус айтади: пояси *мозариюн* поясига ўхшаган ўсимлик бўлиб, укроп тожи каби қилга ўхшаш тожи бор. Илдизи бармоқ йўғонлигида бўлиб, тотиб кўрилганда тилни қаттиқ ачитади).

Танлаш.

Энг яхшиси тилни ўткир ачиштирадигани бўлиб, йўғонлиги бармоқдек бўлади.

Табиати.

Баъзи бир ишончсиз кишилар уни енгил совуқ [хусусиятли] дейдилар. Ҳақиқатда эса у [397] иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Чайналса, шиллиқни тортади. Қуввати куйдириб, ачиштирадиган бўлади. [Ўзини] зайтун ёғига аралаштириб сурсанг, терлатади.

Зийнат.

Зайтун ёғи билан аралаштириб суртилса, терлатади.

Бўғинлар.

Унинг ўзи, қайнатмаси ва ёғи билан ишқаш чўзма асаб бўшашиши ва карахтлигига фойда қилади. Тортишиш пайдо бўладиган кишида уни қайтаради.

Бош аъзолари.

Ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни ва димоғ битиб қолишини жуда яхши очади. Қайнатмаси тиш оғриғига, хусусан, совуқдан бўлганига фойда қилади. (Илдизини) сирка билан қайнатиб, оғизда ушлаб турилса, қимирловчи тишларни маҳкамлайди.

Иситмалар.

Қалтираш пайдо бўлишдан олдин уни баданга суртилса, иситмали ёки иситмасиз бўладиган қалтирашни қайтаради.

[1] Anacyclus pyrethrum D. C.

537 ‘ИНАБ УС-САЪЛАБ[1] – ИТУЗУМ

(Моҳияти.

Дисқуридус айтади: бу кўп турли бўлиб, улардан бири экиладиганидир. Бу [тури] ейиладиган ўсимликдир. У катта эмас ва кўп шохчалари бор. Баргининг ранги қорамтир бўлиб, тоғ райҳони баргидан каттароқ ва энлироқ бўлади. Меваси думалоқ, [аввал] яшил рангда бўлиб, кейин қораяди, пишганда эса қизаради. Бу ўсимликнинг [мевасини] ейилса, еювчига зарар қилмайди.

Иккинчи тури *алиқақабун*[2] деб аталади, унинг барги биринчи турининг баргига ўхшайди, лекин ундан энлироқ. Шохлари узайгач, пастга қараб букчаяди, тепасида думалоқ, худди қовуқ шаклида меваси бўлиб, у қизил ва узум ғужуми каби силлиқдир. У сийдик йўллари учун ишлатилади. Қуввати биринчи турининг қуввати каби, лекин бу [иккинчиси]ни ейилмайди. Иккала туриниг [мевасини] ҳам сиқиб суви олинади ва сояда қуритиб, сақланади. Икковининг таъсири ҳам бир хил.

Учинчи тури ухлатувчи бўлиб, унда кўп, дағал, кўп тармоқли ва синиши қийин шохлар бор, [бу шохлар] беҳи пайванд қилинган олманинг баргига ўхшаш, семиз барглар билан тўла; гули катта ва қизил, меваси ғилофли ва

заъфарон рангли бўлади; пўстининг таги қизил ва [меваси] анчагина йирик бўлади. Бу тури тошлоқ ерларда ўсади.

Тўртинчи тур [итузум] жиннилик туғдиради. Табаристонлилар уни *кубарил* деб атайдилар. Юнонлиларда эса унинг кўп исми бор. У шундай бир ўсимликки, унинг индов баргига ўхшаш, аммо уникидан каттароқ барглари бор. Тагидан ўсиб чиққан ката-катта шохлари бўлиб, уларнинг сони ўнта ёки ўн иккита ва узунлиги бир тирсакка яқин бўлади. Учларида зайтунга ўхшаш бошчалари ҳам бор. Лекин, уларнинг устида чинор ёнғоғи устидаги каби тукчалари бўлиб, улар зайтундан каттароқ ва энлироқдир. Гули қора бўлиб, гулидан кейин бошга ўхшаш попук чиқаради, ҳар бошида ўн ёки ўн икки дона ғужум бўлади. Донаси думалоқ, қора ва узум каби бўш [юмшоқ] бўлиб, қўйпечак донасига ўхшаш бўлади. Унинг чучук, йўғон ва ичи ковак илдизи бор; узунлиги бир тирсакка яқин. Ўзи тоғли ерларда, шамол ялаб кетган жойларда ва чинор дарахтларининг ораларида ўсади.

Бешинчи турини баъзи кишилар *дурукниюн*[3] деб атайдилар. Бу ўсимлик энди ўсиб келаётган зайтун дарахтига ўхшайди. Унинг узунлиги бир тирсакдан камроқ шохчалари бор. Ўзи жуда дағал. Нўхатнинг гулига ўхшаш оқ жингалак гули ва [гулининг] ичида беш ёки олтитага яқин уруғи бор. Доналари нўхатга ўхшаш, силлиқ ва қаттиқ бўлиб, турли рангда бўлади. Илдизи бармоқ йўғонлигида ва бир тирсак узунлигида. У тошлар орасида, денгиз ёки сувдан узоқ бўлмаган ерларда ўсади. Бу [тур] ҳам ухлатувчидир. Кўп ейилса, ўлдиради. Бир гуруҳ кишиларнинг ўйлашича, унинг илдизи севги туғдириш учун ишлатилади).

Танлаш.

Ишлатиладигани яшил баргли ва сариқ мевалигидир. (Юқорида айтилганидек), унинг беш хили бор.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ. Карахт қилувчи, совуқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Экиладигани совутувчи ва буруштирувчидир. Унинг карахт қилувчи ва ухлатувчи жинси ҳам бўлиб, сифатлари афюнникига ўхшайди; лекин ундан кучсизроқ. Унинг ўлдирувчи жинси ҳам бор.

Шиш ва тошмалар.

202а Ички ва ташқи иссиқ шишларнинг || ҳаммасига ҳам қўйиб боғлаш учун яхши. Ички иссиқ шишларга қарши унинг сувини ичилади. Унинг сувини қўрғошин упаси ва гул ёғи билан аралаштириб, сарамас ва учуққа қўйиб боғланади. Илдизининг пўстлоғи кучли қуритувчидир. (Баргини ҳам гентиана билан бирга сарамас ва учуққа қўйилса, фойда қилади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

[398] Карахт қиладиган хилидан ўн икки *ҳаббад*ан (ортиқ), ичилса, жинниликни келтириб чиқаради. Суви билан ғарғара қилинса, тилдаги шишларга фойда қилади. Агар илдизининг пўстлоғидан бир *мисқол* оғирлигидагини шароб билан ичилса, ухлатади. Итузумни жуда майда янчиб боғланса, бош оғриғини тузатади, қулоқ остидаги ва мия пардаларидаги шишларни тарқатади; томизилса, қулоқ оғриғига фойда қилади. (Учинчи [тур итузум] илдизининг пўстлоғини шароб билан қайнатиб, қайнатмасини суртилса, тиш оғриғига фойда қилади. Тўртинчи туридан бир *мисқол*ини шароб билан ичилса, ичувчи кишида қўрқинчли бўлмаган хаёллар пайдо бўлади ва у одам енгил, ўзига таниш тушлар кўради).

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг бурун бурчагидаги ёрилган чиқиқни тузатади. Ҳамма турларнинг, ҳатто ухлатувчисининг ҳам ширасини кўзга сурма қилиб қўйилса, кўриш қуввати кучаяди. (Кўздаги оғриқлар учун тайёрланадиган дориларга уни қўшадилар, шунда у сув ва тухум оқининг ўрнини босади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг бир ўзини боғланса, меъда ва буйрак яллиғланишида фойда қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Карахт қилувчи турнинг уруғи сийдикни ҳайдайди, буйрак ва қовуқни тозалайди. Ҳамма турлари ҳам кўтарилса, ҳайз қонини тўхтатади. У совутувчи ва иҳтиломни қайтарувчидир.

З а ҳ а р л а р.

Итузумнинг пақ-пақ хили, экиладиган ва юқорида айтилган карахт қилувчи хилларидан бошқа бир тури борки, ундан тўрт *мисқол* ейилса, ўлдиради. Булардан бошқаси жинниликни келтириб чиқаради ва унда, қўйиб боғлашдагидан ташқари итузумнинг бошқа турларидан олинадиган фойданинг бирортаси ҳам йўқ.

[1] Solanum nigrum L.

[2] Матнда хато босилган; қ. Диоск. IV, 62.

[3] Матнда сўз бузилган. «Сайдана № 735 (7).

538 ‘АНБАР[1]

М о ҳ и я т и.

Анбар, денгиз [остидаги] булоқлардан қайнаб чиқади, деб ўйлайдилар; уни «денгиз кўпиги» ёки «ҳайвон тезаги» деювчилар [ҳақиқатан]

йирокдирлар. (Сўзи ишончли, ёшлик чоғида денгизда бўлган ва денгизда сафар қилган бир киши менга қуйидаги хабарни берди: «Денгиз қирғоғидаги шаҳарлардан Бухох деб аталувчи шаҳарга кириб келганимда кун тушга етган эди. Бир гуруҳ одамлар билан денгиз соҳилига тушдим, шунда биз ҳар сафар денгиз тўлқини қайтганда соҳилда турли рангли ва ҳар хил катталикдаги анбар бўлакчаларини топар эдик. Ким олдин бориб [анбар бўлагини] олса, ўшаники бўлар эди. Ўша ерда турувчилардан бу ҳақда ва унинг сабаби ҳақида сўрадим. Улар, денгизда одатан шундай бўлиб туради ва кўпинча деярли доимо [анбар чиқиб туради] дедилар).

Танлаш.

Энг яхшиси кул рангли ва кучли *салохутий* хилидир, ундан кейин кўки ва сўнгра сариғи туради, энг ёмони қораси. Гипс, мум, ладан ва *манд*ларни қўшиб унинг қалбакисини тайёрлайдилар; *манд* [анбарнинг] ёмон қора хили бўлиб, у кўпинча уни еб ўлган балиқнинг қорнидан олинади.

Табиати.

Иссиқ ва қуруқдир; иссиқлиги иккинчи даражада ва қуруқлиги биринчи даражада бўлса керак.

Хоссалари.

Енгил қиздириши билан қари кишиларга фойда қилади.

Зийнат.

*Манд*нинг бир хили борки, у билан қўлни бўяйдилар. Бўёқ кейин кетсин учун [унга турли нарсалар қўшиб, хусусиятини] яхшилайдилар[2].

Бош аъзолари.

Мия ва сезгиларга фойда қилади.

Нафас (ва кўкрак) аъзолари.

Юракка фойдаси бор.

[1] Анбар мумсимон, хушбўй бир модда бўлиб, Ҳинд ва Тинч океан қирғокларидан топилади. У кашалотнинг ичагида пайдо бўладиган модда бўлиб, ҳозирги вақтда фақат парфюмерияда ишлатилади.

[2] Матн аниқ эмас, таржима умумий маънога қараб қилинди.

539 ‘УД[1]

(Моҳияти.

Бу оғоч ва оғоч илдизи бўлиб, уни Хитой, Ҳинд ва Араб мамлакатларидан келтирадилар. Зичлик ва қаттиқликда силоя тошига ўхшайди; баъзиси қорамтир бўлиб, нуқталари бўлади. Ҳиди яхши, бир оз аччиқлик билан буруштирувчи [мазаси] бор. Унинг терига ўхшаш пўсти ҳам бўлади).

Танлаш.

Бир гуруҳ кишиларнинг фикрича, уд хилларининг энг яхшиси *мандалий* [номлиси] бўлиб, уни Ҳинд мамлакатининг ўрта ерларидан келтирадилар. Ундан кейин *ҳиндий* дейиладигани туради, буниси тоғ [удидир]. Лекин у бит пайдо қилмаслиги ва ҳидининг кийимда узоқ сақланиши билан *мандалий*дан яхшироқдир. Баъзи кишилар *мандалий* билан яхши хил *ҳиндий*ни фарқ қилмайдилар. Яхши удлардан бири *самандурий*дир, бу Ҳиндистоннинг қуйи қисмида ўсади[2], сўнгра *қаморий* номлиси туради; бу [ҳам] Ҳиндистоннинг қуйи қисмидан; *санфий* номлиси ҳам бўлиб, бу ҳам [Ҳиндистоннинг] қуйи қисмида ўсади. Бундан кейин *қоқилий*, баррий [ёввойи], *қатаъий*[3], чиний [Хитойники] ва *қашурий* [пўстлоқли] деб аталадиган хиллари туради. [Кейингиси] ҳўл ва (ширин мазали) бўлади. Улардан пастроғи *жалолий*, *монтолий*[4] *лавомий*, *маритоний* [дейилган хилларидир]. Мандалийнинг ҳамма хиллари ҳам яхши бўлиб, *самандурий*нинг энг яхшиси кўк рангли, оғир вазнли, қаттиқ, серсув [399], йўғон, оқи йўқ ва оловда узоқ вақтгача қоладиганидир. Баъзи кишилар қорасини кўкидан юқори қўядилар. *Қаморий*нинг энг яхшиси оқдан холи қора рангли, оғир вазнли, оловда узоқ қоладиган, йўғон ва серсувидир.

Умуман, унинг яхшиси сувда чўкадигани. [Сувнинг] устида сузиб юрадиганида ҳаёт ва руҳ бўлмайди ва у ёмон ҳисобланади.

Уд дарахт илдизи бўлиб, уни ковлаб олиб, ерга кўмадилар, шунда у чирийди ва ундан ёғоч ва елими кетиб, тоза уднинг ўзи қолади.

Табиати.

Ўйлашимча, у иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Хоссалари.

Латиф, тиқилмаларни очади, [бадандаги] елларни ҳайдайди, ортиқча ҳўлликни кетказади; ички аъзоларни кучайтиради ва бутун бошқа аъзога ҳам фойда қилади.

Зийнат.

Удни чайнаш нафасни хушбўй қилади.

Бўғинлар.

Асабларни кучайтиради ва уларга ёғлилик[5], сирғанувчанлик ва латифлик беради.

Бош аъзолари.

Уд мияга жуда фойда қилади ва сезгиларни кучайтиради.

Нафас (ва кўкрак) аъзолари.

Юракни кучайтиради ва уни хурсанд қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар уддан бир ярим *дирҳам* оғирлигида ичилса, меъдадаги сасиган рутубатни кетказади ва жигарни кучайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Унда ични боғлаш қуввати бўлиб, дизентерияга, айниқса, у савдовий бўлса, фойда қилади.

[1] Aquilaria agallocha R o x b.

[2] Б. да маъноси боғланмайдиган қуйидаги ибора бор: «бу Хитой шаҳарларининг бири бўлган Суфоладан келтирилади; бу кейингиси эса Ҳинд шаҳарларидандир».

[3] Б. да: *қатафий*.

[4] Б. да: *монтоқий*.

[5] Яъни силликлик.

540 ‘УРУҚ УС-САББОҒИН[1] – ЗАРЧАВА

(Моҳияти.

Маълум).

2026 Табиати. ||.

Иккинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Унда кучли тозалаш [хусусияти] бор.

Бош аъзолари.

Уни чайнаш тиш оғриғига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Зарчаванинг шираси кўзни ўткирлатишга, қорачиғидаги катаракта ва оқни кетказишга жуда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Тиқилмалардан келган сариққа, айниқса, уни Рум арпабодиёни ва оқ шароб билан ичирилса, фойда қилади.

[1] Луғавий маъноси – бўёқчилар илдизи. Curcuma longa L.; Helidonium majus L. Илдизларидан ажратилгани фармацияда ишлатилади ва Фармакопея VIIIга киритилган.

541 ‘УННОБ[1] – ЧИЛОНЖИЙДА

(Моҳияти.

Маълум дарахтнинг меваси; унинг кўпи Журжонда бўлиб, бошқа шаҳардагилари Журжондагисидан майдароқ бўлади).

Танлаш.

Яхшиси энг йирик (чиройли ва ранги қизилидир).

Табиати.

Биринчи даражада совуқ бўлиб, ҳўллик ва қуруқликда мўътадилдир, лекин бир оз ҳўлликка мойил.

Хоссалари.

(Жолинус айтади: «Мен соғлиқни сақлаш учун ва йўқотилган соғлиқни қайтариш учун уни [ишлатиб], ҳеч бир манфаат кўрмадим»). Бошқа [бир] киши: «У, иссиқ ва ўткир қонга фойда қилади», дейди. Ўйлашимча, бу унинг қонни қуюлтиришидан ва ёпишқоқ қилишидан бўлса керак. У, қонни тозалайди ва ювади, деган фикрга мен қўшилмайман. Унинг озиқлиги кам ва ҳазм қилиниши қийиндир. У ҳақдаги гапнинг яхшиси фозил ҳаким Жолинуснинг қуйида айтганларидир: «Ундан соғлиқда ҳам, касалланганда ҳам бирон [фойдали] таъсир кўрмадим; лекин мен унинг қийин ҳазм бўлувчи ва кам озиқли эканлигини кўрдим».

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак ва ўпкага фойдаси бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун ёмон ва ҳазми оғир.

Чиқариш аъзолари.

Бир гуруҳ кишиларнинг айтишича, у буйрак ва қовуқ оғриғига фойда қилади.

[1] Zizyphus sativus G a e r t n.

542 ʻАФС – МОЗИ

(Моҳияти.

У, баъзи мамлакатларда ўсадиган катта дарахтнинг мевасидир. Унинг баъзисини хомлигида дарахтдан олинадиким, у кичик, ғадир-будир, тиғиз ва тешиксиз бўлади; уни янги бўлгани учун *умфоқитус*[2] деб аталади. Бошқа бир хили силлиқ, енгил ва тешик-тешик бўлади).

Танлаш.

Унинг яхшиси хоми ҳамда оғир ва қаттиғидир. Сариқ рангли юмшоғи эса, камқувватли бўлиб, чўғда ёнади.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштириши кучли бўлиб, суюқликларнинг оқишига тўсқинлик қилади. Моддаси ерли бўлиб, совуқдир.

Зийнат.

Унинг суви ва у ювилган сув сочни қорайтиради.

Жароҳат ва яралар.

[Мозини] сирка билан қўшиб, темираткига суртилса, уни кетказади. Агар уни янчиб, ортиқча унган этга сепилса, йўқ қилиб юборади.

Бош аъзолари.

Ёмон ҳўлликларнинг тил ва милкларга оқиб тушишини тўхтатади. Сирка билан қўшиб, ишлатилса, оғиз чақаланишига, хусусан, болаларга фойда қилади. Тишнинг ейилиб [чириши]да қўйилса ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Мозини янчиб, сувга солиб, ичирилса, ичак яраларига ва чўзма ичкетишга фойда қилади; шунингдек, овқатга солинса ҳам ўша [касалликларни тузатади]. [400] Агар уни қайнатиб, кейин янчиб, орқа тешикка боғланса, у ердаги шишларни қайтаради. Чўғда куйдириб, сирка билан ўчирилса ва кейин янчиб [қўйилса], оқаётган қонни тўхтатади.

[1] Дуб оғочи Quercus lusitanica Lam var. infectoria Д. С. шохлари ва баданларида Cynips gallae turcicae H a r t деб аталадиган ҳашаротнинг тухум қўйиши натижасида пайдо бўладиган ўсмалар – мозилар – gallae turcicae номи билан Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Қ. Диоск. I, 114.

543 ‘УЛЛАЙҚ[1] – МАЙМУНЖОН

Моҳияти.

Баъзиларнинг айтишича, бу *авсаж*дир[2]. Унинг *уллайқ ул-калб* [итбурун] деб аталувчи хили ҳам бор, бунинг меваси зайтун [мевасига] ўхшайди ва ичи тукли. Меваси кучли буруштиради, барги эса бундай эмас. Мевасидаги тук томоққа жуда зарарли. (Бу хили Шаҳризур ва Фосус мамлакатларида топилади. Менимча, *уллайқ авсаж*дан бошқа бир ўсимликдир. Чунки Дискуридус ўзининг «Тиб моддалари – ўтлар» номли китобида *уллайқ* билан *авсаж*нинг моҳиятини баён қилган; иккала ўсимлик ўсиш ва таъсирида бир-биридан фарқ қилади. У айтадики, *уллайқ* маълум ўсимлик бўлиб, унинг бир хили Ида[3] тоғида ўсади ва исми шундан олинган: бунинг шохлари биринчи хил *уллайқ* никидан анча думалоқ бўлиб, майда тиканлари бор. Бу [ўсимликнинг] бутунлай тикансиз хили ҳам бор. Бунинг таъсири ҳам илгаригисининг таъсирига ўхшайди, лекин ундан фарқи шуки, агар бунинг гулини асал билан яхшилаб эзиб, кўзга чапланса, иссиқ шишларга фойда қилади).

Танлаш.

Маймунжоннинг офтобда қуритиш билан қотирилган шираси кучли таъсир қилади.

Табиати.

У совуқ ва қуруқ. Меваси етилтирувчи бўлиб, бир оз иссиқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳамма қисмлари буруштирувчи ва қуритувчидир. Барги эса сувли бўлгани учун унда бу хусусиятлар камроқ ва хилти ғализ; агар уни қуритилса, очиқдан-очиқ буруштирувчи бўлиб қолади. Гули ҳам шундай, маймунжоннинг илдизида латифлик бор, шунинг учун у [сийдик йўлидаги] тошларни майдалайди.

Зийнат.

Унинг шохларини барги билан қўшиб, қайнатилган сув сочни бўяйди.

Шиш ва тошмалар.

Баргларини қўйиб боғланса, учуқнинг тарқалиб кетишини тўхтатади; у сарамас учун ҳам яхши [фойда қилади].

Жароҳат ва яралар.

Бошдаги яраларга фойда қилади ва жароҳатларни бириктиради.

Бош аъзолари.

Унинг баргларини чайналса, милкни маҳкамлайди ва оғиз чақаланишини тузатади; пишган мевалари ҳам шундай. Мева ва баргларининг ширасы иссиқдан бўлган оғиз оғриғини тузатади. Барглари бошдаги яраларни ҳам тузатади. Маймунжон[4] мевасини кўп [ейиш] бошни оғритади.

Кўз аъзолари.

Кўзнинг ўқрайиб чиқишида фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Унинг бўлаклари қон туфлашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ёмон хилтларни қабул қиладиган кучсиз меъда [устига] қўйиб боғланса, уни кучайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Ични қотиради. Итбурун мевасининг ичидаги тукини олиб ташлаб қайнатилса, қайнатмаси ични боғлайди, бачадондан доимо оқиб турадиган суюқликларни тўхтатади. Агар уни [орқатешикка] қўйиб боғланса, тўғри ичакдан ўсиб чиққан қонайдиган бавосирга фойда қилади. Унинг ўзи ва гули ичак яраларига ва ичкетишга фойда қилади ва ўзидаги латифлик туфайли [қовуқдаги] тошни парчалайди.

Заҳарлар.

Престер[5] номи билан маълум бўлган ҳайвоннинг чақишида фойда қилади.

[1] Rubus fruticosus L. Баъзиларнинг фикрича, Rubus idaeus L.– малина ҳам *уллайқ*

турига киради. Ибн Сино қизил маймунжонни (костяника – R. saxatilis L.) ҳам шу ном билан атаган бўлса керак.

[2] Кейинги *авсаж*га. бағишланган текстда *авсаж уллайқ*дир, дейилган. Шунга қараганда буларнинг ҳар иккаласини бир-биридан аниқ фарқ қилинмаган бўлса керак.

[3] Матнда сўз аниқ эмас; Диоск. IV, 32 асосида ўқилди.

[4] Б. да шундай; Л. да: *авсаж*.

[5] Матнда сўз ноаниқ. D-G IV, 37: Prester. Бу – чаққанда кишини қаттиқ чанқатадиган заҳарли илон.

544 ‘АВСАЖ[1] – ЖУМРУТ

М о ҳ и я т и.

203а (Баъзилар айтадики, *жумрут уллайқ*дир). || (Дисқуридус айтади: бу, шўрлик ерларда ўсадиган ўсимлик бўлиб, *уксуакант* деб аталадиган дарахтдаги каби тиканли тик ўсган шохлари бор, шох ва тиканларида узунчоқ барглари бўлиб, уларнинг устида қўлга ёпишадиган ёпишқоқ суюқ нарса бўлади. Жумрутнинг бу хилидан бошқа, унга қараганда оқроқ бир хили бор. Бундан бошқа яна бир хили бор. Бунисининг барги аввалгисиникидан қорароқ, кенгроқ ва бир оз қизилликка мойилдир. Шохлари узун бўлиб, узунлиги беш тирсакча бўлади. Унинг тиканлари олдингиникидан кўп ва кучсизроқ; тиканларининг ўткирлиги кам; меваси кенг, юпқа бўлиб, худди ғилоф ичида турганга ўхшайди.

Жумрутнинг тутга ўхшаш ейиладиган мевалари бор. Унинг ўсадиган ерлари кўпинча совуқ мамлакатларда бўлади.

Х о с с а л а р и.

Бир гуруҳ кишиларнинг ўйлашича, агар уни эшикка ёки деразаларга осиб қўйилса, сеҳргарларнинг сеҳрини бекор қилар эмиш).

Ш и ш ва т о ш м а л а р.

Ҳамма хилларининг баргларини сарамас (ва учуққа) қўйиб боғланса, фойда қилади.

[1] Rhamnus infectoria L. син. Lycium afrum L.

[2] № 543 даги 2-изоҳга қаранг.

545 ‘АНКАБУТ – ЎРГИМЧАК

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р[1].

Агар унинг инини жароҳатларга қўйилса, қон оқишни тўхтатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р[2].

Агар [ўргимчакнинг] инини яраларга қўйилса, уларни шишишга қўймайди, жароҳатларга қўйилса [ҳам шундай].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар ўргимчак инининг қалинроқ (ва оқини) гул ёғи билан қайнатиб томизилса, қулоқ оғриғини босади.

И с и т м а л а р.

Баъзи кишиларнинг айтишича, ўргимчак инини баъзи бир хил марҳамлар билан аралаштириб, (каноп латтага чапиб), пешонага ёки чаккага қўйилса, уч кунлик иситмани тузатади. Бошқа бир гуруҳнинг ўйлашича, зич ва оқ бўлган ўргимчак инини [401] терига боғланса, бўйин ёки билакка осиб қўйилса, тўрт[3] кунлик иситмани тузатади; (Дискуридуснинг айтишича [ҳам], тўрт кунлик иситмани тузатади).

[1] Б. да: «Таъсир ва хоссалари».
[2] Б. да: «Жароҳат ва яралар».
[3] Б. да: «уч».

546 ‘АДАС – ЯСМИҚ

М о ҳ и я т и.

Ясмиқнинг ейиладиган хили бор ва бу маълумдир. Ясмиқнинг ёввойи, ёмон хили ҳам бор; у аччиқ ясмиқ бўлиб, унда аниқ аччиқлик, қуруқлик ва бир оз буруштириш [хусусияти] ҳам бор. Дискуридуснинг айтишича, у узун, кўп тармоқли ва шохчалари кўтарилган ўт бўлиб, (япроқлари) беҳиникига ўхшайди; лекин ундан узунроқ ва торроқ бўлиб, бир оз дағаллиги ва оқлиги бор. (Бу [ёввойисини] Табаристон тоғларида кўп экадилар ва уни *адас* исми билан атаб, бу [исмни] илон сўзидан чиқарадилар, бу уларнинг [яъни форсларнинг] тилида *мормаржу* деб аталади; унинг узун бошоқ ичида жойлашган кичик ясмиқ каби доналари бўлади).

Т а н л а ш.

Энг яхшиси тез пишадигани бўлиб, у оқ ва япалоқ бўлади, сувга тушса, уни қорайтирмайди. Пиширганда уни яхшилаб пиширish керак.

Т а б и а т и.

Жолинусча у, иссиқ ва қуруқликда мўътадил ёки иссиқликка сал мойилроқдир; шунинг учун уни еяётганда меъдада ҳам ва пастга ўтишда ҳам совутмайди.

Х о с с а л а р и.

Қаттиқ дам қилувчидир; [бу хусусияти] унинг буруштирувчи қуввати билан тозаловчи қувватидан ташкил топади; [еган киши] ёмон тушлар кўради. Қобиғининг буруштирувчанлиги кўп; бутун қисмида ҳам дам

қилиш [хусусияти бор]; қонни шундай қуйилтирадики, натижада у томирлардан оқа олмай қолади; шу сабабдан [ясмиқ] сийдикни ва ҳайз қонини камайтиради. Ундан савдо ва савдодан бўладиган касалликлар пайдо бўлади. Қўпинча арпа оши унга қарши таъсир кўрсатади ва иккаласининг хилтидан жуда яхши озиқ ташкил топадиким, уларнинг аралашгани озиқларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Бироқ [қўшилганда] арпа ошининг миқдори ясмиқникидан кам бўлиши керак.

Ясмиқни лавлаги билан қўшилса ҳам озиқлиги яхшиланади. Чунки булар ҳам бир-бирларига нисбатан зид хусусиятга эга бўлиб, [қўшилганда] мўътадиллашадилар. Уларга какликўти ва чўлялпиз солинади. Қора ясмиқни тузланган балиқ билан пириш ёмондир. Бир *ман* ясмиққа олти[2] *ман* сув солиб, яхшилаб пириш керак.

Ш и ш л а р.

Сиркада қайнатиб, боғланса, қулғуна ва қаттиқ шишларни шимилтиради. Унда қайтариш билан бирга йирингни йиғиш [хусусияти] ҳам бор. Ясмиқни кўп истеъмол қилиш саратон ва *сиқиррус*[3] деб аталувчи қаттиқ шишларни пайдо қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сирка билан қайнатилгани чуқур яраларни тўлдиради ва уларнинг ёмон сифатлилигини йўқотиб, чиркини камайтиради. Агар улар катта бўлсалар, анор пўсти ва бошқа шунга ўхшаш буруштириши кучлироқ бўлган нарсалар билан қайнатилади. Денгиз суви билан бирга қўшиб, ел, сарамас, учуқ ва совуқдан бўлган ёрилишларга [қарши ишлатилади].

Б ў ғ и н л а р.

Асабларга ёмон [таъсир қилади]. Агар уни толқон билан қўшиб, боғланса, подаграга фойда қилади; кўп истеъмол қилиш эса моховни келтириб чиқаради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Уни кўп еган кишининг кўзи хиралашади; чунки у кучли равишда қуритади. Агар уни қашқарбеда, беҳи ва қизил гул ёғи билан қўшиб, боғланса, кўздаги иссиқ шишларни тузатади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Уни денгиз сувида қайнатиб, қон ва сут қамалиб қолишидан пайдо бўлган эмчак шишларига боғлайдилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Оғир ҳазм бўлади, меъда учун ёмон, ўзи оғир ва дам қилади. Айтишларича, ўттиз *ҳаббаси*нинг пўстини артиб ютилса, бўшашган меъдага фойда қилади.

Ясмиққа ширинлик аралаштириш керак эмас, чунки у вақтда жигарда

кўп тиқилмалар пайдо бўлади. Ясмиқ тўғрисидаги тутуриқсиз гаплардан бири, уни истисқога фойда қилади, дейишдир. Бу [ҳукм] унинг қуритиши [сабабли] бўлса керак.

Чиқариш аъзолари.

Агар уни пўстсиз пиширилса, ични боғлайди; агар пўсти билан сувда қайнатиб, кейин сувини тўкиб олинса, шу сув ични суради. Пўсти билан пиширилгани пўстсиз пиширилганидан кўра кучлироқ боғловчидир ||. *203б* Чунки пўстида кучли буруштириш қуввати бор. Агар уни сачратқи, баргизуб, семизўт ва қуюқ кўк рангли бўлганидан «қора» деб аталувчи лавлаги, қизил гул ёки бironта бошқа бир буруштирувчи нарса билан қўшиб, пиширилса, [ясмиқнинг] ични боғлаш [хусусияти] кучаяди. Бироқ яхшилаб пишириш керак, бўлмаса [аксинча], ични суради. [Ясмиқни] қашқарбеда, беҳи ва гул ёғи билан қўшиб, орқа тешик шишларига қўйилади; агар [шиш] катта бўлса, кучлироқ буруштирувчилар билан бирга қўйилади.

Ёввойи ясмиқ аччиқ бўлиб, қон суради. Ясмиқ қонни қуюлтиргани учун сийдик ва [402] ҳайз қонини камайтиради. Шунинг учун сийдик камайиш касаллигига йўлиққан киши [ясмиққа] яқинлашмасин. Аммо аччиқ [ясмиқ] эса [сийдик билан ҳайз қонини] ҳайдайди ва кўпайтиради.

(Агар ёввойисини сирка билан қўшиб, истеъмол қилинса, қийналиб сийишда фойда қилади ва қонли ичбуруқда ва ичак оғриқларида фойда қилади).

[1] Lens esculenta M o e n c h.

[2] Б. да: «етти».

[3] Яъни скирр – саратон ўсимлигининг қаттиқ ва секин ўсувчи хили.

547 ‘АСАЛ – БОЛ, АСАЛ

Моҳияти.

Асал гул ва бошқа нарсаларнинг устига тушадиган кўзга кўринмас шудринг [шира] бўлиб, уни асаларилар териб олади. У шундай бир буғки, юқорига кўтарилиб, ҳавода етилади ва кечаси қуюқлашиб, асалга айланиб, пастга тушади. Қасрон тоғларида бўлгани каби, асал ҳақиқатан ҳам юқоридан тушади; ўзи тушган дарахт ва тошга қараб [асал] турлича бўлади. Кўзга кўринадиганини одамлар тўплаб оладилар, кўринмайдиганини эса асаларилар терадилар. Менимча, асал асалариларга бирон таъсир кўрсатса керак. Асаларилар асални фақат озиқланиш ва ғамлаб қўйиш учун терадилар. Асалнинг ўткир ва заҳарли хили ҳам бор.

Танлаш.

Асалнинг энг яхшиси ширин мазали, ёқимли ҳидли, бир оз ўткирлиги бор, қизғиш рангли ва суюқ бўлмай, узулмайдиган ёпишқоқ бўлганидир. Энг яхшиси баҳордагиси бўлиб, ундан кейин ёзгиси туради. Қишкиси эса ёмондир.

Табиати.

Ари асали иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қанд шираси ва най шакар суви эса биринчи даражада иссиқ, лекин қуруқ эмас; улар биринчи даражада ҳўл бўлсалар керак.

Таъсир ва хоссалари.

Унда тозаловчи, томирлар оғзини очувчи, ҳўлликларни шимдирувчи қувват бор. У ҳўлликларни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни сасиш ва бузилишидан сақлайди.

Зийнат.

[Асални] суртиш бит ва сирка бостирмайди ва уларни ўлдиради. Агар асални, айниқса, аччиқ асални қуст билан қўшилса, сепкилда суртиладиган [дори] бўлади. Туз билан қўшиб, урилишнинг бақлажон тусли изини [кетказиш учун] суртилади.

Яра ва жароҳатлар.

Чиркли чуқур яраларни тозалайди. Қуюлгунча қайнатилгани янги жароҳатларни ёпиштиради. Аччиқтош билан қайнатилгани темираткиларни тузатади.

Бош аъзолари.

Оқ туз билан аралаштириб, илиқ ҳолда қулоққа томизилса, уни тозалайди, қуритади ва эшитиш [қувватини] кучайтиради. Унинг ўткир заҳарли хилини ҳатто ҳидлаш ҳушдан кетказади; [шундай экан] бу хилини қандай ейиш мумкин?

Кўз аъзолари.

Кўз хираланишини кетказади.

Нафас аъзолари.

[Асални] танглай билан эзиб, [сўриш] ва ғарғара қилиш бўғмаларни тузатади ва бодом безларига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Асал суви меъдани кучайтиради ва иштаҳани оширади.

Чиқариш аъзолари.

Найшакар суви ични юмшатади, қанд шираси эса юмшатмайди.

Кўпиги олинмаган асал ел пайдо қилади ва ични суради; агар кўпиги олинса бу хил [таъсири] камаяди. Қайнатилгани ични юргизмайди, балки баъзан балғам мизожлиларнинг ичини боғлайди ва яхши озиқлантиради. Сув билан қайнатилгани сийдикни кўпроқ ҳайдайди. Биз айтамизки, асал

ва унинг суви овқат сингиганича ичилса [ични боғлайди]; агар у овқатни нотинч ва сингишга кам қобилиятли ҳолда учратса, ични суриб юборади.

З а ҳ а р л а р.

Асални қизил гул ёғи билан қўшиб, қиздириб ичилса, газандаларнинг чақишида ва афюн ичганга фойда қилади. Уни ялаш қутурган ит қопганга ва заҳарли қўзиқорин еганга даводир. Қайнатилган асал заҳарларга [қарши] фойдали нарса; уни еб қусган киши *харбақ*нинг зараридан қутилади. Ҳидлаганда ва еганда акса урдирадиган ўткир асал бирданига ҳушдан кетказади ва совуқ тер чиқазади; бунинг давоси тузланган балиқ ейиш ва асал суви ичиб, қусишдир.

548 ‘УШАР[1]

М о ҳ и я т и.

Бу Яманда ўсадиган бир дарахт бўлиб, сутли ўсимликлар туркумига киради. Ҳикоя қилишларича, *ушар*нинг бир хили бўлиб, унинг соясида ўлтирган киши ўлар эмиш.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ, сути эса тўртинчи даражада[2].

Х о с с а л а р и.

Унда мўътадил даражада буруштириш [хусусияти] бор.

З и й н а т.

Ширинча ва темираткиларга суртилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

(Бошга суртилса, ҳароратини кетказади). Асал билан қўшиб, болалардаги оғиз чақасига суртилса, тузатади. ||

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични суриб, ичакларни заифлаштиради.

З а ҳ а р л а р.

*Ушар*нинг бир хили борки, агар одам унинг соясида ўлтирса, зарар қилади ва баъзан ўлдиради ҳам; шунинг учун ундан қочилсин!

Сутининг уч *дирҳам*и ўпка ва жигарни парчалаб, икки кунда ўлдиради.

[1] Calotropis procera R. Br., Asclepias gigantea R. Br. № 514 га солиштиринг.

[2] Б. да: «иссиқлиги учинчи даражагача ва қуруқлиги тўртинчи даражагача етади».

549 ‘АҚРАБ – ЧАЁН

Б о ш а ъ з о л а р и.

Чаённинг ёғ ичига [солиб қўйилгани] қулоқ оғриқларига жуда фойдалидир.

(Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Куйдирилган чаённи ичилса, қовуқ ва буйракдаги тошларни майдалайди.

550 [403] ‘АЗОЪА – КАЛТАКЕСАКНИНГ БИР ТУРИ

М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, баъзи кишилар *азоъани савро* деб атайдилар. Бу геккон калтакесагига ўхшаш бир ҳайвондир, лекин бу яшил рангли бўлиб, секин ҳаракат қилади ва рангини ўзгартади. Баъзи кишиларнинг ўйлашича, у оловга кирса ёнмайди. Унинг қуввати кучсиз. Уни ола-кулангни сақлаганга ўхшаб сақланади. Шунингдек, унинг ичакларини чиқариб ва оёқ-қўлларини кесиб, асалда ҳам сақланади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтирга ола-кулангга ўхшаб фойда қилади, яна еювчи ва юмшатувчи малҳамларнинг таркибига киради.

З и й н а т.

Агар унинг думини зайтун ёғида титилиб кетгунча қайнатиб ишлатилса, сочни тўкади.

551 ‘УНЪИЙЛИ[1] – ШОЛҒОМ

М о ҳ и я т и.

Дискуридус буни полиз шолғоми, дейди. Биз бу ҳақдаги сўзни *«Шин»* [Ш] ҳарфи фаслига қолдирдик[2].

[1] Бу юнонча *гунгили* сўзининг бузилгани бўлиб, шолғомни ифодалайди. «Сайдана» № 951 (5). [2] № 707 га қаранг.

552 ‘ОЛУСИС[1]

М о ҳ и я т и.

Баъзиларнинг ўйлашича, Табаристон аҳли *олусисни палиҳим*[2] деб атайдилар. Бу ҳамма томонлама қичитқи ўтга ўхшаш ўсимликдир, унинг барг-

лари қичитқи ўтининг баргларига қараганда силлиқроқ. Агар баргларини янчилса, жуда сассиқ ҳид чиқади. Унинг юпқа барглари ва майда гунафша рангли мевалари бор. Айтишларича, *олусис* шўрхокларда, йўл четларида ва хароб ерларда ўсади.

Хоссалари.

Унда қотиб қолган нарсаларни [эритиб], шимдириш қуввати бор.

Яралар.

Ёмон сифатли яралар ва гангренага фойдалидир.

Шишлар.

Саратон ўсмаларига, қулғунага ва бошқа шишларга ҳар куни икки марта иссиқ ҳолда боғланса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Барг ва шохларининг қуввати қулоқ орқасидаги шишларга[3] ва бодомсимон безлардаги шишларга фойда қилади.

[1] Юнонча γαληοφις бузилгани; бу Scrophularia peregrina. Диоск. IV, 77; D–G IV, 95.

[2] Матнда сўз ноаниқ. МА III, 241 бўйича тузатилди.

[3] Яъни тепкига.

553 ‘ОЛИЮН[1] – ЧАКАМУҒ

Моҳияти.

Баъзи кишилар уни *олиюн* деб, баъзилар эса *ғолорюн* деб атайдилар. Бу иккала исм ҳам сутни ивитишидан келиб чиқади, чунки у панирмояга ўхшаб сутни ивитади. Бунинг барг ва шохлари *ҳаринон* деб аталувчи ўсимликнинг барг ва шохларига ўхшайди. Унинг оқ сарғиш рангли юпқа, зич ва яхши ҳидли гули бор. Ўзи тўқай ва чакалакзорларда ўсади.

Хоссалари.

Гулини қўйиб боғланса, қон оқишига фойда қилади.

Яралар.

Гули ва барглари оловдан куйганга фойда қилади.

Бўғинлар.

Уни қизил гул ёғи билан қўшиб, мумли суртма тайёрланса ва ранги оқаргунча туз билан эзиб [ишлатилса], чарчашга ва чарчашдан келган оғриққа фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Унинг илдизи шаҳвоний қувватни қўзғатади.

[1] Galium palustre L. юнонча *олиюн*нинг бузилган шакли. № 806 га қаранг.

554 ‘АРҚУН[1] – ЁРОНГУЛ, ГЕРАНЬ

Дискуридуснинг фикрича, ёронгул шундай бир ўсимликки, унинг лолақизғалдоқнинг баргига ўхшаш узун қийиқ барглари бор. Илдизи беш қиррали цилиндр шаклида бўлиб, уни ейилади. Ундан бир *драхмий* оғирликдагисини олиб, шароб билан ичилса, елни тарқатади.

Унинг яна бошқа бир синфини ҳам эслатиб ўтадилар, бунисининг шохлари ингичка бўлиб, устида тугмачагулнинг баргларига ўхшаш барглари бор. Шохларининг учларида турнанинг боши ва тирноқларига ўхшаш бўртиб чиққан нарсалари бор. Бу тиб санъатида тарқалган бўлмай, бошқа санъатда ишлатилади, шунинг учун бу ерда уни эслатиб ўтиришнинг кераги йўқ.

Чиқариш аъзолари.

Унинг бир *драхмий*сини шароб билан ичилса, бачадонни дам қилувчи елни тарқатади.

[1] Geranium турларидан бири.

555 ‘ИЗОМ – СУЯК

Хоссалари.

Куйдирилган суяк шимилтирувчи ва қуритувчидир.

Зийнат.

Чўчқанинг [куйдирилган] тўпиғини песга суртса фойда қилади, дейдилар.

Бўғинлар.

Одам суяги ичилса, бўғин оғриқларига фойда қилади, дейдилар.

Бош аъзолари.

Одам суяги тутқаноқ касалини тузатади, дейдилар. Жолинуснинг айтишича, бир киши [касал] одамларга яширин равишда одам суягини ичириб юрган ва уларнинг тутқаноқлари йўқолган. Жолинус шу кишини кўришга муяссар бўлган.

Озиқлантириш аъзолари.

Таканинг тўпиғини сиканжубин билан ичилса, талоқни юмшатади, дейдилар.

Чиқариш аъзолари.

Таканинг тўпиғи шаҳвоний ҳисни қўзғатади; қорамолнинг куйдирилган почаси қон оқишни ва ичкетишни тўхтатади.

556 [404] ‘ИНАБ[1] – УЗУМ

Танлаш.

Қаттиқлик, юмшоқлик, ширинлик ва бошқа сифатлари баробар бўлса, оқи қорасидан яхшироқ ҳисобланади. Узилгандан кейин икки ёки уч кун сақланган узум ўша куни узилганидан яхшидир.

Табиати.

Узумнинг пўсти совуқ, қуруқ ва секин ҳазм бўлади. Эти иссиқ, ҳўл, уруғи эса совуқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Янги узилган узум [ични] дам қилади. Пўсти юпқалангунча[2] асраб осиб қўйилгани яхши озиқли бўлиб, баданни қувватли қилади. Унинг озиқлиги анжирникидан умуман камроқ бўлса ҳам, ёмон [сифатларининг] камлиги ва озиқлигининг кўплиги билан анжирнинг озиқлигига ўхшайди. Пишганининг зарари пишмаганидан кам. Узум ҳазм бўлмаса, унинг берган озиғи хом ва етилмаган бўлиб қолади. Узумнинг ўз ҳолидаги озиқлиги сиқиб олинган сувиникидан кам бўлади, лекин суви тез сингиб, ўтиб кетади. Буруштирувчи узумни осиб қўйилса, ўзгариши мумкин, лекин нордони ундай эмас. Майиз жигар ва меъданинг дўстидир.

Чиқариш аъзолари.

Узум ва майиз уруғи билан биргаликда ичак оғриқларига яхши, майиз эса буйрак ва қовуққа фойда қилади. Янги узилган узум ични суради ва дам қилади. Ҳар қандай узум ҳам қовуққа зарар қилади.

[1] Vitis vinifera L.

[2] Л. да шу сўзнинг устига «сарғайгунча» деб ёзиб қўйилган.

557 ‘АРАҚ[1] – ТЕР

Моҳияти.

Тер қоннинг сувлик қисми бўлиб, унга ўтли зардоб моддаси аралашган бўлади. Уни ишлатганда ҳали қуримаганини ва суюқ ҳолдагисини ишлатиш керак. Тер сийдикка қараганда кўпроқ етилган бўлади, чунки у энг сўнгги ҳазмдан кейинги ҳосил бўлган майин, ҳўл чиқинди бўлиб, сийдик иккинчи ҳазмнинг чиқиндисидир.

Хоссалари.

Тер сийдикдан кўра кўпроқ етилган бўлади ва ҳайвонга қараб турлича бўлади; ундаги шимдирувчи [қувват] оз эмас.

Шиш ва тошмалар.

Кураш тушувчиларнинг терини (ҳина ёғи билан қўшиб) ишлатилса, човдаги шишга фойда қилади, ҳатто уни шимдириб юборади.

Нафас аъзолари.

Кураш тушувчиларнинг терини қуритиб, ҳина ёғи билан қўшиб, эмчак шишларига қўйилса, уларни шимдириб юборади; гул ёғи билан қўшилганини эса эмчакда сут ивиб қолишига қарши ишлатилади.

[1] Л. да бундан кейинги № 558 – азиз деб аталувчи дорини хато равишда № 557 га қўшиб юборилган.

558 ‘АЗИЗ[1]

Катта *азиз* ва кичик *азиз*лар катта *қантурюн*[2] [хотинак супурги] ва кичик *қантурюн*дирлар. Улар ҳақида сўзни *«Қоф»* [Қ] ҳарфига бағишланган фаслга қолдирдик.

1 Бу *гурайз* (ёки *гараз*)нинг бузилгани бўлса керак. «Сайдана» № 571.

2 № 616 га қаранг.

559 (‘УД УС-САЛИБ – ПИОН ГУЛ

Моҳияти.

Дисқуридуснинг айтишича, баъзи кишилар *уд ус-салибни зу-л-асобиъ* [бармоқли] деб атайдилар, бошқа бир гуруҳ эса *ғилиқисиди*[2] деб исм берадиларки, бунинг арабчадаги маъноси ширин ҳидли демакдир. Бу поясининг икки қаричга яқин бир ўсимлик бўлиб, ундан кўп шохлар тармоқланиб чиқади. Эркагининг барги шохбаллут [каштан] нинг баргига ўхшайди, урғочисиники эса ёввойи петрушканинг баргига ўхшайди ва улар юқорига тик кўтарилган бўлади. Поясининг учида бодом ғилофига ўхшаш ғилофлар бор; у ғилоф очилганда ичидан анор донасига ўхшаш қондек қизил, майда кўп донлар кўринади; донларнинг оралиғида бешта ёки олтита қорамтир гунафша рангли нарсалар бор. Эркагининг илдизи бармоқ йўғонлигида бўлиб, узунлиги бир қарич, ранги оқ ва мазаси буруштирувчи бўлади. Урғочисининг илдизида қўш жинсли хилининг илдизида бўладиган каби дубникига ўхшаш еттита ёки саккизта шохобчаси бор.

Бош аъзолари.

Агар ундан ўн беш *ҳаббани* асал суви билан ичилса, босинқирашда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Уни ўз ҳолича ейиш меъда ачишишига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Агар унинг илдизидан бир *лавза* миқдорида ичилса, туққандан кейин баданлари ҳайз қонининг ортиқчалигидан тозаланмаётган хотинларга у қонни ҳайдаш билан фойда қилади.

Агар шароб билан ичилса, бачадон, қорин, буйрак ва қовуқ оғриқларида, шунингдек, сариқ касалида фойда қилади; агар шароб билан қайнатиб ичилса, ични боғлайди; унинг қизил донидан ўн ёки ўн икки *ҳабба* миқдоридагисини қора буруштирувчи шароб билан ичилса, бачадондан оқаётган қонни тўхтатади. Агар уни болалар есалар ёки ичсалар, уларда пайдо бўлаётган тошни кетказади. Агар донидан ўн *ҳаббани* асал шароби билан ичилса, бачадон оғришидан келиб чиққан [бачадон] бўғилишига фойда қилади.

[1] Paeonia officinalis L.

[2] Диоск. III, 133 асосида ўқилди.

560 ‘АРН – ?

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, *‘арн* барги кичик ясмиқнинг баргига ўхшаш, лекин ундан узунроқ бўлган бир ўсимликдир. [405] Поясининг узунлиги бир қаричга яқин; гули қизил ва илдизи калта бўлади. У пастлик ва ташландиқ ерларда ўсади ва фақат баъзи мамлакатлардагина учрайди.

Хоссалари.

Агар унинг баргини зайтун ёғи билан бирга қўйиб боғланса, терлатади.

Шишлар.

Агар уни янчиб боғланса, чиқиқларни ва яллиғланган тошмаларни шимдиради.

Чиқариш аъзолари.

Шароб билан ичилса, томчилаб сийишни тузатади.

561 ‘АКАР УЗ-ЗАЙТ – ЗАЙТУН ЁҒИНИНГ ҚУЙҚАСИ

Моҳияти.

Агар зайтун ёғининг қуйқасини Қибрис мисидан қилинган идишда қуюлиб асалга ўхшаб қолгунча қайнатилса, *ҳузаз* ишлатиладиган [касалликларга] ярайди ва *ҳузаз*дан кўра яхши таъсир қилади.

Бош аъзолари.

Агар уни узум ғўрасининг суви билан қуюлгунча қайнатиб, ейилиб кетаётган тишларга суртилса, уларни қўпориб туширади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзда ишлатиладиган дориларнинг таркибига киради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Зайтун ёғининг қуйқаси эскиса, яхшироқ бўлади. Ундан меъда [касаллигида] ва бачадон яраларида фойдали ҳуқналар қилинади.

Б ў ғ и н л а р.

Унинг янгисини қайнатмайдилар, чунки уни янчиб, подагра касали бор беморларга ва бўғинлари оғрийдиган кишиларнинг [касал ерларига] қўйилса ҳам фойда қилади).

«ФО» ف [Ф] ҲАРФИ

562 ФИЗЗА – КУМУШ[1]

(М о ҳ и я т и.

Маълум).

Т а б и а т и.

Совутувчи ва қуритувчи.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Чирки жуда буруштирувчан бўлиб, унда тортиш ва қуритиш [қуввати] ҳам бор. [Кумушнинг] қириндиларини бошқа дорилар билан қўшиб, ишлатилса, ёпишқоқ ҳўлликларни [кетказишга] фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р[2].

Қўтир, яралар ва қичимага жуда яхши [фойда қилади].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг қириндиси бошқа нарсалар билан аралаштирилса, оғиз ҳидланишига фойда қилади.

(К ў з а ъ з о л а р и.

Агар кумушдан қилинган сурмақалам билан сурма қўйилса, кўриш қуввати ортади ва кўз равшанлашади).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Бошқа нарсалар билан аралаштирилган қириндиси хафақон касаллигида фойда қилади.

[1] Кумушнинг нитрат тузи [Argentum nitricum – ляпись] ва бошқа бирикмалари Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Б. да: «шиш ва тошмалар».

563 ФАРАНЖАМУШК[1] – ТУКЛИ РАЙҲОН

Моҳияти.

(Баъзиларнинг ўйлашича), тукли райҳон *самсақ* ва тошчўпга қараганда мўътадилроқ ва унинг қуруқлиги ҳам камроқ.

Бош аъзолари.

Ҳидланса, суртилса ва ейилса, мия ва бурунда бўладиган тиқилмаларни очади.

Нафас аъзолари.

Ейилса, балғам ва юракда савдодан пайдо бўлган хафақонга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

(Ичилса ва суртилса), бавосирга яхши [фойда қилади].

1 Ocimum basilicum L. ёки O. pilosum W.

564 ФОНИД – КАЛЛАҚАНД

(Моҳияти.

Шакарқамишнинг сиқиб олинган сувини қуюлиб қотгунча қайнатилади ва сўнгра ундан каллақанд қилинади. Уни Кермон яқинидаги Мекрон шаҳрида қилинади ва у ердан бошқа ерларга олиб кетилади. Каллақандни Мекрондан бошқа ерда қилмайдилар.

Танлаш.

Энг яхшиси нозик, оқ рангли ва Ҳарроидан[1] келадиганидир).

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл, айниқса || оқи ҳўлроқ. *204б*

Таъсир ва хоссалари.

Шакарга қараганда ғализроқ (ва ундан анча иссиқ).

Нафас аъзолари.

Йўталга яхши.

Чиқариш аъзолари.

Ични юмшатади. (Ичак ва бачадон совуқлигига фойда қилади).

[1] Аслида шундай. Мекрон ўқиш тўғрироқ бўлса керак.

565 ФУ[1] – ТОҒ СУНБУЛИНИНГ ИЛДИЗИ, ВАЛЕРИАНА

Моҳияти.

Бу катта барг ва шохлик петрушканикига ўхшаш баргли бир ўсимлик бўлиб, поясининг узунлиги бир тирсак ёки ундан узунроқ, силлиқ, юмшоқ, йўғон ва учининг йўғонлиги бармоқ йўғонлигига яқин, тўқ қизил рангли ва тугунчали бўлади. Унинг наргисга ўхшаш, лекин ундан каттароқ гули бор. [Гулининг] оқига тўқ қизил ранг аралашган бўлади. Илдизининг таги тармоқларга ажралган, хушбўй ва унинг қуввати кўп жиҳатдан сунбулга ўхшайди, (шунинг учун бир гуруҳ кишилар ёввойи сунбул деб атайдилар. Илдизининг тагида қорачайир ва қора *харбақ* илдизидагидек эгри ва бири-бири билан тўқилиб кетган тармоқлари бўлади. [Илдизининг] ранги бир оз малларанг бўлади. У ўсимлик Понт[2] дейиладиган мамлакатда ўсади).

Табиати.

Илдизининг қуввати қиздирувчи.

Кўкрак аъзолари.

Биқин оғриғига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни ҳайдайди; агар қуруқ ҳолда ёки қайнатиб ичилса, ҳайз қонини ҳайдайди, унинг ҳайдаш қуввати ҳинд ва рум сунбулиникидан кўпроқ. У ўзининг бу таъсирида *манжуша*га[3] ўхшайди.

[1] Valeriana Dioscoridis S i b t h. Дори сифатида ишлатиладиган, экиладиган ва ёввойи ҳолда учровчи – Valeriana officinalis L.,–нинг илдизи ва илдизпоялари ва улардан тайёрланган спиртли ивитма [tinctura valerianae] ва экстракт Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Матнда – Нитус.

[3] *Май бахуша* ва *май хуша* шаклида ҳам учрайди; бу Valeriana celtica L. «Сайдана», 488 (22).

566 ФУФАЛ[1] – АРЕКА ПАЛЬМАСИНИНГ ДАНАГИ

(Моҳияти.

Ҳиндистондаги бир дарахтнинг меваси бўлиб, шакли мускат ёнғоғининг шаклига ўхшайди, лекин *фуфал* қизил рангли, синиши қийин ва синганда бўлакларга парчаланиб кетади. Унинг ҳиди ёқимли. Ҳинд аҳли уни оғиз ҳидланишини тузатиш учун ейдилар, шунда у тишларни қизартиради. Унинг қуввати сандалнинг қувватига яқин.

Табиати.

Учинчи даражада совуқ ва қуруқ).

[406] Х о с с а л а р и.

Буруштириш қуввати бўлиши билан бирга кучли совутувчи ҳамдир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Дағал иссиқ шишлар учун яхши.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзида яллиғланиш бор кишилар учун мос келади. (Кўзга боғланса, унинг қабатларидан оқаётган ёмон хилтларни қайтаради).

[1] Areca Catechu L.

567 ФУВВАТ УС-САББОҒИН[1] – РЎЯН

М о ҳ и я т и.

У мози мазалик бўлади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Мўътадил даражада тозаловчи.

З и й н а т.

Сирка билан қўшиб, темираткиларга қўйилса, тузатади. Шуниндек, сирка билан қўшиб, оқ доғларга суртилса ҳам тузатади. Теридаги ҳар қандай изларни кетказади.

Б ў ғ и н л а р.

Асал суви билан ичилса, иркуннасога ва ҳисга офат етказган фалажга фойда қилади. Урилиш ва йиқилишга қарши унинг бир *дирҳам*ини икки *дирҳам* Хитой равочининг илдизига қўшиб, бир оз набиз билан ичилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Мевасини сиканжубин билан талоқ шишларига қарши ичилади, у, жигарни ва талоқни тозалайди ва улардаги тиқилмаларни очади; бу унинг хусусиятидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни кучли равишда ҳайдайди, ҳатто қон сийдиради; уни ичган киши кунига ҳаммомга тушиб туриши керак. Агар уни кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди ва болани туширади.

З а ҳ а р л а р.

Шохлари барглари билан бирга газандалар чаққанига фойда қилади.

[1] Rubia tinctorium L.

568 ФАНЖАНКУШТ[1] – ПАНЖАНГУШТ

(М о ҳ и я т и.

Бу банжанкушт бўлиб, унинг сифатлари ва таъсирига тегишли гапларни) *«Бо»* [Б] ҳарфи бобида айтилди.

[1] № 116 га қаранг.

569 ФУЛЛ[1] –ЯСМИН (?)

Мо ҳ и я т и.

Бу маълум ҳинд дориси бўлиб, қуввати меҳригиё ва унинг илдизи қувватидекдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар уни [бошга] боғланса, бош оғриғига фойда қилади.

[1] Jasminum sambac A i t «Сайдана» № 793 (1).

570 ФАЛАНЖА[1]

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

[1] Буни Piper cubeba L. ёки Cuscuta epithymum M u r r. деб тахмин қилинади.

571 ФОҒИРА[1] – «ИБН СИНО ФОҒИРАСИ»

Мо ҳ и я т и.

У нўхат каби дон бўлиб, унинг баъзиси *маҳлаб*га ўхшайди. Ичида нашанинг уруғига ўхшаш қора уруғи бор. Ўзи [Ҳиндистоннинг] жануб қисмларидан келтирилади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унда шимдириш ва буруштириш [қуввати] бор.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Совуқ [мизожли] меъда ва жигарни тузатадиган дориларнинг таркибига киради. Совуқ [мизождан келган] ҳазм бузилишига ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Совуқ [мизождан келган] ичкетишга фойда қилади ва ични қотиради.

[1] Xanthoxylum Avicennae D.C. син. Fagara Avicennae L a m.

572 ФУЛФУЛ[1] – МУРЧ

Моҳияти.

Жолинуснинг айтишича, [мурчнинг] олдин кўринган меваси узун мурч [*дор-фулфул*] бўлади, ундан кейин мурч донаси ажралиб чиқади. Шунинг учун узун мурч ҳўлроқ бўлади ва уни ейилганда олдинги мазаси билингандан бир оз ўтгач, ачитади. Унинг илдизи қустга ўхшайди. Қора [мурчнинг] ўткирлиги кучли. Оқ [мурчнинг] ҳарорат ва намлиги кучсизроқ. Аммо бир гуруҳ [табиблар]нинг айтишларича, қора [мурч] қуриб, унинг тортиш қуввати пасайиб кетади; оқида эса бу қувват қолади, чунки у қаттиқ қуримайди.

Табиати.

Тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Мурчда тортиш, шимдириш ва тозалаш [қуввати бор]. Майиз билан қўшиб, чайналса, ёпишқоқ балғамни кўчиради ва бутунлай йўқотади. У оғриқларни босувчи ва асабни қиздирувчидир. [Мурч] соғлом кишиларгагина тўғри келади.

Зийнат.

Натрун билан ишлатилса, [бадандаги] доғни тозалайди; шунингдек, *натрун* билан қўшилса, оздиради.

Шиш ва тошмалар.

Зифт билан аралаштириб, қулғунага қўйилса, уни шимдириб юборади.

Бўғинлар.

Мушак ва асабларни шундай қиздирадики, бу ишда ҳеч нарса унга тўғри келмайди.

Бош аъзолари.

Сирка билан бирга ишлатилса, тишга фойда қилади. || *205а*

Кўз аъзолари.

Оқ [мурч] кўзга суртиладиган дориларнинг таркибига киради, унда тозалаш [хусусияти] бор.

Нафас аъзолари.

Агар яланадиган дориларга қўшиб, истеъмол қилинса, йўталга ва кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар асал билан қўшиб, танглайга суртилса, томоқ оғриғига фойда қилади ва ўпкани тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

[Мурч] овқатни ҳазм қилувчи ва иштаҳани очувчидир. Дафна дарахтининг янги барги билан ичилса, қорин дамланишига ва ичак оғриқларига

фойда қилади. Уни сирка билан қўшиб, ичилса ва суртилса, талоқ шишлари учун яхши. Оқ [мурч] меъда учун кўпроқ мос келади ва [уни] кўпроқ кучайтиради. [407] Узун мурч эса овқатни осонлик билан [ичаклардан] ўтказади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни ҳайдайди, болани туширади, жинсий алоқадан кейин, ўзидаги кўп қувват билан уруғни бузади.

*Сақамуниё*нинг аксича [мурчнинг] оз миқдордагиси ични суради. У эрлик уруғини кучли қуритиб, бузади. Аммо узун мурч ва оқ мурч ўзларидаги ортиқча ҳўллик сабабли шаҳвоний қувватни оширади. Агар дафна дарахтининг янги барги билан бирга ичилса, ичак оғриқларига фойда қилади.

Иситмалар.

Ёғ билан қўшиб, суртилса, эт увушишида фойда қилади.

Заҳарлар.

Оқ [мурч] тарёқларнинг таркибига киради. Узун мурч ҳам газандалар чаққанида фойда қилади; ёғ билан суртилса ҳам шундай.

[1] Piper nigrum L.

573 ФУЛФУЛМУЯ[1] – МУРЧ ИЛДИЗИ

Моҳияти.

Уни мурчнинг илдизи, дейдилар.

Таъсир ва хоссалари.

Совуқ оғриқ ва тиришишда жуда яхши фойда қилади.

Бўғинлар.

Подаграга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қуланж ва совуқ елга [фойда қилиш] хусусияти бор.

[1] Piper Betle L.нинг илдизи.

574 ФАСУРИҚУН –?

Хоссалари.

У *қалқатор*га қараганда кучлироқ қуритувчи, бироқ ачитиши камроқ ва ўзи латифроқ.

Жароҳат ва яралар.

Қўтирни кетказади[1].

[1] Фасурикун «Қонун»да икки марта келтирилган. Бу ердаги гаплар № 595 даги гапнинг давоми бўлса керак.

575 ФУЛФУЛ УЛ-МО[1] – КЕЛИН ТИЛИ

Моҳияти.

Бу сувда ва унга яқин ерларда ўсадиган бошоқли ўтдир. Мазасида мурч-лик мазаси бор, лекин ўткирлиги мурчникидек эмас.

Таъсир ва хоссалари.

Етарли даражада қиздирувчи, лекин мурчдан кам.

[1] Polygonum hydropiper L. Қуритилган шохчалари ва ундан тайёрланган суюқ экстракт Фармакопея VIIIга киритилган.

576 ФОШИРО[1] –ЧЎЛ ҚОВОҒИ, «ТИКАНЛИ ОҚ ТОК»

Моҳияти.

Бу *ҳазоржушон*[2] ва *кирмат ул-байзодир*[3].

Табиати.

Учинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ўзи тез ва ўткир мазали бўлиб, тозалайди, (қуритади), латифлаштиради ва мўътадил қиздириш билан қиздиради.

Зийнат.

Илдизи ёввойи ясмиқ ва сариқ йўнғичқа билан қўшилса, бадан сиртини яхшилаб тозалайди ва силлиқ қилади, сепкилни ва яралардан қолган қора изларни кетказади; зайтун ёғида титилиб кетгунча қайнатилса ҳам шундай [таъсир қилади]. Яна кўз тагидаги қонталашларни ҳам кетказади.

Шиш ва тошмалар.

Илдизи сўгалларни ва сутли тошмаларни кўчиради. Шароб билан ишлатилгани милкакдаги оғриқни босади, қаттиқ [шишни] шимдиради ва йиринглн шишларни ёради. Агар ўттиз кунгача ҳар куни унинг уч *оболосини* сирка билан қўшиб, ичилса, талоқдаги шишларни шимдиради; анжир билан қўшиб, боғланса ҳам шундай. (Талоқдаги оғриқни ҳам босади). Уни шароб билан қўшиб, боғланса ҳам милкакни тинчлатади.

Жароҳат ва яралар.

Илдизини туз билан қўшиб, янги[4] яраларга қўйиб боғланади. Этни еювчи марҳамларга ҳам қўшилади. Мевасини яраланган ва яраланмаган кўтирга ҳамда пўст ташлашга суртилади.

Бўғинлар.

Илдизини шароб билан қўшиб, боғланса, [ўлик] суякни [сиртга] чиқаради. Фалажга ва эт узилганига қарши ундан ҳар куни бир *драхмий*сини ичилади ва қўйиб, боғланади[5].

Бош аъзолари.

Олти кунгача ҳар куни бир *драхмий*дан ичириб турилса, тутқаноққа ва бош айланиб, кўз тинишга фойда қилади. Баъзан ақлдан озишни келтириб чиқаради.

Нафас аъзолари.

Уни асал билан қўшиб, яланса, томоқ оғриғида, йўталда, нафас олишнинг бузилиши ва биқин оғриғида [фойда қилади]. Унинг ширасини қайнатилган буғдой билан ичилса, сутни кўпайтиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Жолинуснинг айтишича, бу ўсимликнинг янги чиққан [ҳўл] новдаларини ейилса, ўзидаги буруштирувчанлик ва ўткирлик туфайли меъдага фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Бу ўсимликнинг ўзагини янги кўринган вақтида шундайлигича ёки қайнатиб ейилса, сийдикни ҳайдайди ва ични суради. Илдизининг бир *драхмий*си қориндаги болани ўлдиради; агар кўтарилса, болани туширади; унинг қайнатмасида ўтириш бачадонни тозалайди. Унинг ширасы шилликни суради. У талоқ касаллиги учун яхши дори ҳисобланади. (Ёғда қайнатилса орқа тешикдаги оқма яраларга фойда қилади. Бу ўсимлик қайнатилган сувни шишларга қуйилса, уларни тозалайди; у сувда ўтириш йўлдошни туширади. Унинг ширасини асал билан ишлатилса ҳам шу ишни қилади).

Заҳарлар.

Илдизнинг бир *драхмий*си афъо илони чақишида, шунингдек, ҳамма газандаларнинг чақишида фойда қилади.

Ўрнини босувчилар.

Ўз оғирлигидаги *дарунак* ва ундан икки ҳисса оғирликдаги мускат
2056 ёнғоғининг қобиғи *фоширо*нинг ўрнига ўтади ||.

[1] Bryonia alba L.
[2] Фоширонинг форсча исми.
[3] Фоширонинг арабча исми.
[4] Б. да: «ёмон сифатлик».
[5] Б. да: «суртилади».

577 ФОШИРАСТИН[1] – «ҚОРА ТОҚ»

Моҳияти.

Бу, *фоширо* жинсидан бўлиб, унинг катта қўйпечакникига ўхшаш барги бор. Илдизининг сирти қора, ичи сариқ.

Таъсир ва хоссалари.

Таъсири *фоширо*никига ўхшайди, лекин ундан бир оз кучсизроқ.

Бўғинлар.

Фалажга фойда қилади.

Бош аъзолари.

Ўзагини [ўсимлик] чиққан замон ейилса, [408] тутқаноққа фойда қилади, (бу таъсирда *фоширо*га ўхшайди).

Кўкрак аъзолари.

Ўпкани тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Ўзагини [ўсимлик] кўринган замон ейилса, сийдикни ва ҳайз қонини ҳайдайди. (Буларнинг ҳаммасида *фоширо*га ўхшаб таъсир қилади).

[1] Bryonia dioica J a c q. № 576 га қаранг.

578 ФУРБИЮН[1] – ФАРФИЮН

Моҳияти.

Бу ўткир бир елим бўлиб, унинг қуввати уч ёки тўрт йилдан кейин ўзгаради. Эскиси сарғиш ва малла рангга яқин тусли бўлади ва зайтун ёғида қийинлик билан эрийди. Янгиси эса ҳамма жиҳатдан бунинг тескариси бўлади. Баъзи кишиларнинг ўйлашича, уни пўсти тозаланган йирик ловиялар билан бирга бир идишга солиб қўйилса, унинг кучи сақланар эмиш. (Ҳаким Дискуридус айтади: бу шакли билан оқ катирога ўхшаган дарахтнинг елимидир. У Ливияда, лотослар ерида ва Мавритания мамлакатида ўсади. Бу дарахт ўткир мазали, иссиқ ва тез ва ҳаддан ташқари кўп миқдордаги елим билан тўла бўлади; уни чиқариб олувчилар унинг ортиқча ўткирлигидан қўрқишлари керак. Шунинг учун улар қўй қорнини олиб ювадилар ва дарахтнинг поясига осиб қўядилар. Сўнгра узоқдан туриб найза уриб юборадилар; шунда у ердан ҳалиги қўй қорнига худди бирон идишдан қуйилгандек кўп миқдордаги елим оқиб тушади. У дарахтдан тез чиққанлиги сабабли бир қисми ерга ҳам тўкилади.

Бу [елим] икки хил бўлади: бири тиниқ ва анзиратгўштхўрга ўхшаш

бўлиб, [бўлакларининг] катталиги ёввойи ясмиқдек бўлади; иккинчиси туташ бўлиб, лойқага ўхшайди. Уни анзиратгўштхўр билан қалбакилаштирадилар ва унга [араб] елимини ҳам аралаштирадилар. Уни тотиб кўриш орқали синаш қийин, чунки у тилни бир марта ачитса, ачитиши бир қанча вақтгача давом этади. Шунинг учун тил билан учрашгандан кейин ўткир мазаси бир қанча вақтгача қоладигани тозаси бўлади. Бу дорини биринчи маротаба топган ва уни таниб билган киши Ливия подшоси Юбосдир).

Танлаш.

Унинг яхшиси янги, тиниқ, ранги қизғиш сариқ, ўткир ҳидли ва кучли ўткир мазалигидир. Бошқаси эса анзиратгўштхўр ва араб елими билан қалбакилаштирилгани бўлади.

Хоссалари[2].

Тозаловчи[3], унинг латиф, куйдирувчи ва тозаловчи қуввати бор. Унинг янгиси сассиқ қаврак елимига қараганда кучлироқ қиздиради, гарчи қиздиришда сассиқ қаврак елимидек қиздирадиган елим йўқ бўлса ҳам.

Бўғинлар.

Уни дориворлар билан бирга ишлатиладиган баъзи бир шаробларга қўшадилар; шунда у иркуннасога фойда қилади ва суяк пардасини [ўлик суякни] ўша куниёқ тушириб юборади. Лекин, суяк атрофидаги этни ёғда қиздирилган мумли суртма билан сақлаш керак. Уни фалаж ва уюшиб қолган ерларга суртилса, жуда яхши фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Уни кўзга қўйилса, тозаловчи вазифасини бажаради (ва кўздаги кўк сувни шимдириб юборади). Лекин ачиштириши бутун кун бўйи давом қилади. Шунинг учун уни асал ва бошқа кўз дорилар билан аралаштирилади.

Чиқариш аъзолари.

Фарфиюн «сариқ сув»да ва буйрак совуқлигида, шунингдек, қуланжда фойда қилади. Унинг яхши ҳидли доривор ва асал суви билан қўшиб, бир марта ичиладиган миқдори уч *оболо*дир. Хузистонлик табибларнинг айтишича, у бачадон оғзини қаттиқ ёпади, ҳатто болани туширувчи дориларнинг таъсирига тўсқинлик қилади. Айтишларича у сонлар, бел ва ичакларда йиғилган ёпишқоқ шиллиқни суради.

Заҳарлар.

Баъзиларнинг айтишича, (афъо илони чаққан ёки) бironта [бошка] газанда чаққан кишининг бошидаги ёки унинг атрофидаги терисини суяги кўрингунча ёриб, шу елимни майдалаб сепилади ва [ярани] тикилади, шунда зарар етмайди. Унинг уч *дирҳам*и меъда ва ичакларни яра қилиб, уч кунда ўлдиради.

[1] Euphorbia resinifera B e r g. Бу ўсимликнинг ҳавода қотирилган шираси Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Б. да: «табиати».

[3] Б. да: «иссиқ».

579 ФУТРАСОЛИЮН[1] – ТОҒ ПЕТРУШКАСИ

Бунга тегишли гапларни *«Коф»* [К] ҳарфи фаслида *карафс* бобида айтдик.

[1] Petroselinum sativum H o f f m.

580 ФОҒИЯ[1] – ҲИНА ГУЛИ

(Бу ҳақдаги гапни ҳам *«Ҳо»* [Ҳ] ҳарфи фаслида) ҳина тўғрисида гапирганда айтдик.

[1] № 244 га қаранг.

581 ФИЛЗАҲРАЖ[1] – ФИЛЗАҲРА, ЛИКИЙ

М о ҳ и я т и.

Бу *ҳузаз* дарахти бўлиб, мурчга ўхшаш меваси бор. *Ҳузаз*ни филзаҳрадан ва зиркдан олинади, араб [*ҳузази*] эса бошқа хилдир. Филзаҳранинг қуввати (ундан олинадиган) *ҳузаз*нинг қувватига яқин, лекин ундан бир оз кучсизроқ.

З и й н а т.

Сочга суртилса, уни қувватли қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Шохларини сиркада қайнатиб ичилса, талоқ касалига, шунингдек, сариққа жуда ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Барги ва шохларининг қайнатмаси ҳайз қонини ҳайдайди. Шунингдек, унинг мевасидан бир *мистун*[2] оғирлигида ичилса, кўп миқдордаги балғамли хилтни суради.

[1] Lycium afrum L. ёки Rhamnus infectoria L. № 242 га қаранг.

[2] Б. да: *«митрус»*.

582 ФАРОСИЮН[1]

Моҳияти.

Аччиқ мазали ўт.

Табиати.

Орибазийнинг айтишича, унинг қиздириши [409] ва қуритиши кучли эмас. Бошқаларнинг айтишича, у (иккинчи даражада) иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Очувчи, тозаловчи, эритувчи, шимдирувчи ва парчаловчи.

Бош аъзолари.

Ширасини эски қулоқ оғриғига ишлатилади; у эшитиш йўлини тозалаб очади ва ундаги эски оғриқни тинчитади.

Кўз аъзолари.

Ширасини асал билан қўшиб, кўзни ўткир қилиш учун ишлатилади.

Нафас аъзолари.

Балғамни кўчириш орқали кўкрак ва ўпкани тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Ҳайз қонини ва бачадонни тозалайди.

Заҳарлар.

Туз билан бирга қўшиб, қутурган ит қопганига қўйилади.

[1] Marrubium vulgare L.

583 ФУДАНАЖ[1] – ЯЛПИЗ

Моҳияти.

Унинг тоғда ўсадиган ва сув [бўйида] ўсадигани бўлади; [ялпиз] кат-
206а таликда || зуфога ўхшайди, шунингдек, барги ҳам унга ўхшайди. Унинг *ғолихун* ва *така*[2] *ялпизи* деб аталадиган хиллари ҳам бор. Кейингисининг қуввати бошқаларникига ўхшайди; ўзи ўткир мазали. Шаробининг қуввати эса тоғжамбили шаробининг қуввати каби. Ялпиз латиф бир модда бўлиб, унинг тоғда ўсадигани сув бўйида ўсадиганидан кучлироқ бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Ўзининг ўткирлиги ва аччиқлиги билан кучли равишда латифлаштиради; айниқса, ёввойиси. Шунингдек, у қизартувчи ва яра қилувчидир. Агар унинг бир ўзини ичилса, терни бадан чуқурлигидан тортиб ҳайдайди ва

кучли қиздиради, [хилтларни] парчалайди, қуритади ва кучли қиздиради.

З и й н а т.

Ялпизни, хусусан, унинг янгисини шаробда қайнатиб боғланса, бадандаги [ярадан қолган] қора доғларни ва кўз остида бўладиган қонталашни кетказади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Тоғялпизи ажралиш ва ёрилишларга фойда қилади. Қўтир ва қичимага қарши у қайнатилган сувда чўмилинади.

Б ў ғ и н л а р.

Ялпиз қайнатмасини ичилса, мушакларнинг ўрталаридаги ва учларидаги узилишга фойда қилади. Иркуннасо касаллигида боғланса, терини яра қилиб, аъзо мизожини ўзгартириб юборади ва [хилтларни] чуқурдан тортади. Бир неча кунгача уни еб, кетидан сузма зардобини ичиб турилса, филлик касаллигида, веналарнинг кенгайишида фойда қилади.

Ғолихун номи билан машҳур бўлган ялпизни ичилса, тиришишда фойда қилади, подаграда суртилса, қизартириши билан фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ялпизни ичиш моховга фойда қилади, бунда у фақат ўзининг шимдириши билангина эмас, балки парчалаши ва латифлаштириши билан ҳам [таъсир қилади].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг ширасн қулоқдаги қуртларни ўлдиради, унинг бошни оғритиш хусусияти ҳам бор. Тоғялпизи оғиз яраларига фойда қилади ва бурун тешигидан чиқиндиларни туширади.

*Ғолихун*нинг куйиндиси милкларни пишиқ қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Қайнатмаси «тикка нафас олиш» [касалига] фойда қилади. У, айниқса, анжир билан бирга ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни чиқариш учун кучли [доридир]. Қобирғалардаги оғриқларга ҳам фойда қилади; бу хил таъсир тоғялпизида кучлироқ. *Ғолихун* шу ишларнинг ҳаммасини ҳам қилади. *Ғолихун*га сирка сепиб, шу сиркада ўлдирилганини ҳушидан кетган кишига ҳидлатилса, у ўзига келади. Така ялпизи хафақон касалида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ялпиз, хусусан, ёввойиси, иштаҳа камлигида, меъда заифлигида ва ҳиқичоқда фойда қилади. Сариқ касаллиги билан оғриган кишиларга фойда қилади; чунки у сафро ва савдоси кўпайган кишиларга тозалаш, шимдириш, очиш ва латифлаштириш таъсирини кўрсатади. Қайнатмаси ҳам шундай. Тоғялпизининг қайнатмасига чўмилинса, сариқ касали билан оғриган

кишиларни терлатади; анжир билан ейилса, истисқога фойда қилади. Тоғда ўсадигани овқатга иштаҳани оширади. Қайнатмаси ҳам истисқога фойда қилади. *Ғолихун* кўнгил айнашни босади. Уни мумли суртма билан қўшиб, талоққа боғланса, уни кичрайтади. Така ялпизи ҳам шундай. У меъда орқали бўладиган хафақонга, беҳузурлик ва кўнгил айнашга кучли фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қайнатмаси сийдикни ҳайдайди, ичак оғриқларига ва қусиш билан бирга бўладиган ичкетишга фойда қилади. Ўз ҳолича майдалаб қайнатилса ва асал билан ичилса, қориндаги болани ўлдиради, ҳайз қонини ҳайдайди ва шиллиқ қустиради. Баъзи кишиларнинг айтишича, хонаки ялпиз шаҳвоний қувватни қирқади ва иҳтиломнинг олдини олади. Ёввойиси ични кучли суради. Бачадонга фойда қилади ва гижжаларни ўлдиради. Айниқса, ёввойиси шундай [таъсирга эга]. Тоғда ўсадигани савдони суради. Бир марта ичиладигани ўн саккиз *қирот* бўлиб, гулоб билан ичилади. Ёввойи ялпизнинг яна бир хили ҳам шундай таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси сиркa ва бир оз шинни билан аралаштирилса, кучлироқ бўлади. Тўғри усул, уни янчиб, сув ва туз билан аралаштирилган сиркага сепиб ичишдир. [410] *Ғолихун* исми билан маълум бўлгани савдовий хилтни сийдик йўли орқали чиқаради. Ёввойи ялпиз ҳам шу ишларнинг ҳаммасини қилади.

Иситмалар.

Унинг қайнатмасини иситма вақтидаги қаттиқ титрашга қарши ичилади, шунингдек, шу дори қайнатилган ёғни суртилади ҳам.

Заҳарлар.

Уни ичилса ёки қўйиб боғланса, газандаларнинг чаққанига фойда қилади. Шу вақтда унинг сургандаги таъсири доғлашдаги таъсирига яқинлашиб келади. Агар уни олдиндан шароб билан бирга ичилса, ўлдирувчи заҳарларнинг [зарарини] қайтаради. Унинг баргларини тутатилса, газандаларни қочиради; ўзини ерга ёйиб қўйилса ҳам шу ишни қилади. Ёввойиси чаён чаққанда яхши. Тоғда ўсадигани қайнатилиб узум шарбати билан ичилса, ваҳший ҳайвонларнинг тишлаганига фойда қилади.

1 Mentha puligium L., M. sylvestris L.

2 Б. да: шундай; Л : *биш* (аконит).

3 Б. да: «така».

584 ФОТ – БОДЗАҲР

Моҳияти.

Бу турк дориси.

Заҳарлар.

Совуқ сув билан ичилса, сассиқалаф ичганга ва газандаларнинг чаққанига яхши [фойда қилади]. Шунингдек, бангидевона меваси[2] || ва барча бошқа заҳарларга қарши ҳам яхши [таъсир кўрсатади]. *206б*

[1] «Сайдана» № 765.

[2] № 166 га қаранг.

585 ФОВОНИЁ – ПИОН ГУЛ, САЛЛАГУЛ

Моҳияти.

Бу *уд ус-салиб* бўлиб, унинг эркак ва урғочиси бўлади. Эркагининг илдизи оқ ва бармоқ йўғонлигида бўлиб, мазаси буруштирувчидир. Урғочисининг илдизи кўп тармоқли бўлади.

Табиати.

Иссиқ ва қуруқ, лекин кучли даражада эмас.

Таъсир ва хоссалари.

Унда қуритиш, буруштириш, шимилтириш, очиш, латифлаштириш, парчалаш ва тозалаш хусусияти бор. Бироқ чайнаб турилса, буруштиришга мойил ўткир мазаси чиқади.

Зийнат.

Теридан қора доғларни кетказади.

Бўғинлар.

[Пион] подаграга фойда қилади.

Бош аъзолари.

[Бўйинга] осиб қўйилса, тутқаноққа фойда қилади. Тажриба қилинганки, агар уни [бўйинга] осиб қўйилса, тутқаноққа фойда қилиб, олиб қўйилганда тутқаноқ қайталаган. Яҳудийнинг айтишича, унинг мевасини тутатилса, жинни ва тутқаноғи бор кишиларга фойда қилади ва уларни тузатади. Шунингдек, унинг мевасини олиб, *жуланжубин* билан бирга ичилса ҳам жуда [яхши] фойда қилади. Мен айтаманки, бу Рум пионининг бир хили бўлса керак; бизга Ҳиндистондан келтириладигани эса бу соҳада бирор аҳамиятга эга эмас.

Унинг уруғидан ўн беш *ҳаббани* асал суви ёки шароб билан ичилса, босинқирашга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Пион] мози маза ичимликлар билан қайнатиб [ичилса], ични боғлайди ва меъдага қуйилаётган моддаларни тўхтатади. Уруғи эса меъдани кучайтиради ҳамда ундаги оғриқни ва ачишишни босади. Илдизи сариққа фойда қилади ва жигардаги тиқилмаларни очади.

Чиқариш аъзолари.

Уни шароб ёки [сийдик ва ҳайз қонини] ҳайдовчи дорилар билан бирга ичилса, ҳайз қонини юриштиради. Уни ичилса, сийдикни ҳам ҳайдайди. Агар уруғидан ўн беш *ҳабба* олиб, шароб ёки асал суви билан ичилса, бачадон бўғилишига фойда қилади, агар ўн икки *ҳабба*сини шароб билан ичилса, қон кетишини тўхтатади. Унинг илдизидан бир *лавза* миқдорида олиб, туққан хотинга ичирилса, унда туққандан кейин бўладиган чиқиндиларни чиқариб юбориш билан уни тозалайди. Илдизнинг бир *лавза*си буйрак ва қовуқ оғриқларига фойда қилади. Унинг шаробдаги қайнатмаси ични боғлайди ва сийдикни ҳайдайди.

[1] № 559 га қаранг.

586 ФАРФАХ – СЕМИЗЎТ

Моҳияти.

Бу *бақлат ул-ҳамқо* [семизўт бўлиб] (унинг баёнидан *«Бо»* [Б] ҳарфи бобида қутилган эдим)[1].

[1] № 114 га қаранг.

587 ФУТР[1] – ЗАМБУРУҒ, ҚЎЗИҚОРИН

(Моҳияти[2].

Дискуридуснинг айтишича, у икки хил бўлади, биттаси ейиладиган, иккинчиси [заҳарли] ўлдирадиган. Қўзиқоринни ўлдирувчи қиладиган сабаблар кўп бўлиб, шулардан бири унинг занглаган михлар, чириган латта ва баъзи заҳарли жониворлар инига яқин ерда ўсиши ёки ўз яқинида ўсадиган қўзиқоринни ўлдирадиган қилувчи дарахт илдизига яқин [ерда] ўсишидир. Шу хил қўзиқориннинг устида ўргумчак инига ўхшаш ёпишқоқ суюқлик ёки чиринди бўлади; агар уни териб олинса, дарров бузилади ва тезда сасийди.

Иккинчи хилини эса суюқ ошларга солинади, [ўзини] ҳам ейилади, унинг мазаси лазиздир. Агар уни кўп истеъмол қилинса, зарар қилади ва

баъзан ўлдиради ҳам, чунки у ҳазм бўлмайди. Баъзи вақтда бўғади ёки қусиш билан бирга бўладиган ич суришни келтириб чиқаради ва савдовий касалларни қўзғатади. Ҳамма хил [қўзиқоринни] ейишдан келган зарарга қарши илож *бурақ*, *натрун*, ёки кул сувини сирка ва туз билан қўшиб, ичириш ёки арпани қайнатиб ичиришдир).

Танлаш.

Яхшиси [411] *қулоъий* исми билан танилган навидир; у ўлдирмайди, лекин қусиш билан бўладиган ичкетишни келтириб чиқаради. Қуритилганининг зарари камроқ бўлади.

Табиати.

Учинчи даражанинг ниҳоятида совуқ ва ҳўллиги ҳам ўшанга яқин.

Таъсир ва хоссалари.

Ёмон қуюқ хилт туғдиради. Уни тузатиш учун янги ва қуритилган нок ҳамда тоғда ўсадиган ялпиз билан қайнатилади ва кетидан кучли набиз ичиб юборилади.

Бош аъзолари.

Увушиш ва сактани келтириб чиқаради.

Нафас аъзолари.

Ўлдирмайдигани бўғади, ўлдирадиганида бу таъсир, айниқса, кучлироқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Ўлдирмайдиганини кўп истеъмол қилинса, қусиш билан бўладиган ичкетишни пайдо қилади. У қийин ҳазм бўлади, лекин кўп озиқли. Ўлдирувчиси ҳушдан кетказади ва совуқ тер чиқаради.

Чиқариш аъзолари.

Сийишни қийинлаштиради.

Заҳарлар.

Унинг ўлдирадиган хили бор, у занглаган темирлар, сасиган нарсалар ёки баъзи бир заҳарли жониворларнинг инига яқин ерларда ва ўзига яқин жойда ўсадиган қўзиқоринларни бузиш хусусиятига эга бўлган зайтун каби дарахтларнинг яқинида ўсади. Унинг аломати устида ёпишқоқ сасиган суюқликнинг бўлиши ва тез ўзгариб, сасишидир. У зиқнафас ва ҳушдан кетишни келтириб чиқаради. Унинг иложи [хилтларни] парчаловчи нарсаларни бериш ва сиканжубинни ялпиз билан бирга ичириш (ёки хўроз ва товуқ [гўштини] сирка билан истеъмол қилиш ва кўп миқдорда асал ейишдир). Баъзан бу қўзиқорин ўша замоноқ ўлдиради.

[1] № 366, 368 ва 807 ларга қаранг.

[2] Аслида босма хатоси билан «табиати» деб ёзилган.

588 **ФУЖЛ[1] – ТУРП**

Моҳияти.

Турпдаги энг кучли нарса уруғи, сўнгра пўсти, ундан кейин барги ва ниҳоят этидир. Ёғи қувват жиҳатидан канакунжут ёғидек, лекин ундан иссиқроқ бўлади. Ёввойиси бутун сифатларда бунга ўхшайди, лекин бундан кучлироқ.

Танлаш.

Унинг энг кучли нарсаси уруғи. Пиширилганининг озиқлиги кўпроқ.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл. Уруғи эса учинчи даражада иссиқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ел пайдо қилади, лекин уруғи уни тарқатади. Унда, хусусан, уруғида, кучли равишда латифлаштириш хусусияти бор. Ёввойиси яллиғлантирувчидир.

207a Қайнатилганининг озиқлиги кўпроқ, || чунки, бу ҳолда у дорилик [хусусиятидан] ажраган бўлади. [Турпнинг] берадиган озиғи шиллиқли ва шунинг билан бирга кам. Унда тезда сасийдиган модда ҳам бор. Унда зарарли [хусусият] борлиги шу сабабдандир. Баҳорда унинг баргини пиширib, зайтун ёғи ва *муррий* билан ейилса, илдизидан кўра кўпроқ озиқлантиради.

Зийнат.

Агар турпни мастак уни билан аралаштириб [ишлатилса], «тулки касаллиги»да мўйни чиқаради, агар асал билан аралаштириб қўйилса, кўз остидаги қонталаш изларини кетказади. Уруғи эса аъзоларда пайдо бўлган қизғиш қонталашга ва бошқа ёт рангларга, зарбанинг изларига ва сепкилга фойда қилади. Етмак билан қўшиб, суртилса, хусусан, ҳаммомда, оқ[2] доғни кетказади. У баданда битни кўпайтиради.

Шиш ва тошмалар.

Мастак уни билан сутли тошмаларга қўйилса, уларни тозалайди.

Жароҳат ва яралар.

Агар уни асал билан қўйиб боғланса, ёмон яраларни ва сутли яраларни қўпоради; уруғи сирка билан қўшиб, ишлатилса, гангреноз ярани бутунлай қўпориб ташлайди. Шунингдек, уни темираткига ҳам қўйилади.

Бўғинлар.

Уруғи бўғинлардаги лўқиллашни қайтаради, у бўғин оғриқларига ҳам жуда яхши [таъсир қилади].

Бош аъзолари.

Бош, тиш ва танглай учун зарарли. Сиқиб олинган суви ва ёғи қулоқдаги ел [бод]га жуда фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўзга зарар қилади, лекин унинг сувини томизилса, кўзни тозалайди. Қовоқ остидаги [кўк] изни кетказади. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, турпнинг барги кўришни ўткир қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Унинг қайнатилгани эски йўталга ва кўкракда туғилган қуюқ каймусга фойда қилади. У ўлдирувчи қўзиқорин келтириб чиқарган бўғилишда ҳам фойда қилади. Агар уни сиканжубинда қайнатиб, кейин ғарғара қилинса, томоқ оғриққа фойда қилади, лекин шунда у ҳалқумга зарар ҳам қилади. [Турп] сутни кўпайтиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун ёмон, кекиртиради. Овқатдан кейин [ейилса], ични юмшатади ва овқатни ўтказади. Овқатдан олдин [ейилса] овқатни юқорига суздириб кўтаради ва уни ўрнашгани қўймайди, шунинг учун, қусишни осонлаштиради; айниқса, пўстини сиканжубин билан бирга истеъмол қилинса, шундай бўлади. Уни қўйиб боғланса плевра ва талоқ [касалликларига] мувофиқ келади. Сирка билан аралаштирилган уруғи қаттиқ қустиради ва талоқдаги шишларни шимилтиради. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, уни овқатлардан кейин ейилса, ҳазм қилдиради. [Турпнинг] барги ва баргининг суви жигардаги тиқилмаларни очади ва сариқ [касаллигини] йўқотади. Баъзи [табибларнинг] айтишича, [412] унинг барги ҳазм қилдиради, эти кўнгилни айнатади.

Уруғи эса қориндаги елни тарқатади, овқатнинг чиқишини осонлаштиради, иштаҳани оширади ва жигар оғриғини кетказади. Суви эса истисқо учун яхши.

Заҳарлар.

Афъо илони чаққанга фойда қилади. Шароб билан бирга истеъмол қилинса, шохли илон чаққанга ҳам фойда қилади. Уруғи заҳар ва газандаларнинг [чақишига қарши] ишлатилади. Агар [турпни] янчиб, чаённинг устига қўйилса, уни ўлдиради. Унинг сувини синаб кўрилганда бу жиҳатдан янада кучлироқ бўлиб чиқади. Турп еган кишини чаён чақса, зарар қилмайди.

[1] Raphanus sativus L.

[2] Б. да: «қора».

589 ФУСТУҚ[1] – ПИСТА

(Моҳияти.

Баъзи бир мамлакатларда бўладиган машҳур бир дарахт).

Табиати.

Айтишларича, пистанинг иссиқлиги ёнғоқникига қараганда ҳам кучлироқ. Иссиқлиги иккинчи даражанинг охирида бўлиб, унда ҳўллик ҳам бор. Баъзилар уни совуқлик деб ўйлайдилар, лекин хато қиладилар.

Таъсир ва хоссалари.

Ўзидаги аччиқлик ва хушбўйлик билан жигардаги тиқилмаларни очади. Унда мози маза бор. Озиқлиги жуда оз.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун яхши; айниқса, санавбар бужурига ўхшаган Шомда ўсадиган хили ўзидаги аччиқлик ва мози мазаси туфайли шундай хоссага эгадир. У ўзининг аччиқлиги ва хушбўйлиги билан жигардаги тиқилмаларни очади ва уни тозалайди. Овқат юрадиган йўлларни ҳам очади. Ёғи қуюқ ҳўлликдан пайдо бўладиган жигар оғришига фойда қилади. Кимдир бир киши, «мен уни меъдага бирорта катта зарар ёки фойда келтирганини кўрмадим», дейди. Мен айтаманки, у кўнгил айнашни ва қусишни қайтаради ва [меъда] оғзини кучайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Ични юмшатмайди ҳам ва қотирмайди ҳам.

Заҳарлар.

Газандаларнинг чаққанига фойда қилади, айниқса, кучли шаробда қайнатилса, [яхши таъсир қилади].

[1] Pistacia vera L.

590 ФАСОФИС – ҚАНДАЛА

Моҳияти.

Канага ўхшайди. Шомда машҳур бўлиб, ётоқларда бўлади. У бизда *аланжал*[1] номи билан машҳур бўлган [жонивор] бўлса керак.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Агар уни сирка ёки шароб билан ичилса, томоқдаги зулукни чиқаради.

Чиқариш аъзолари.

Уни ҳидланса, «бачадон бўғилиши»га фойда қилади ва уни тузатади.
207б Агар уни майдалаб, || сийдик чиқариш каналига қуйилса, қийналиб сийишни тузатади.

Иситмалар.

Ундан етти донасини олиб, боқиланинг ичига солиб, тўрт кунлик иситма тутишдан олдин ютилса, фойда қилади.

Заҳарлар.

Агар боқиласиз [ўзи] ютилса, газандалар чаққанда фойда қилади.

[1] Б. да: *аланхал*.

591 ФАЪР – СИЧҚОН

Унинг қони сўгалларни кетказади, сичқоннинг тезаги эса «тулки касаллиги»да фойда қилади, айниқса, уни куйдириб, асал билан суртилса.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар уни қовуриб ва қуритиб, болаларга едирилса, уларнинг оғизларидан сўлак оқишини тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар сичқон тезагини кундур ва асал суви билан бирга ичилса, [қовуқдаги] тошни майдалайди, уни шамча қилиб кўтарилса, болаларнинг ичини кетказади. Сувда қайнатиб, сийиши қийин киши у [сувда] ўтирса, фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Агар [сичқоннинг] қорнини ёриб чаён чаққан ерга қўйилса, фойда қилади, деган [фикрга ҳамма] қўшилади.

592 ФАРАС – ОТ

Х о с с а л а р и.

Отнинг тезаги эшак тезаги қилган таъсирни қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Тойнинг терисини куйдириб, сув билан тошмаларга суртилса, уларни совутади[1].

Б о ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, отнинг тиззасидаги ўкрани майдалаб, сирка билан ичилса, бош оғриғини қолдиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Отнинг панирмояси эски ичкетарга, ичак яраларига ва овқат сингимаслиги натижасида бўладиган ичкетишга, айниқса, мувофиқ келади.

[1] Б. да: «шимдиради».

593 ФУҚЛОМИНУС[1] – АЛЬП ГУНАФШАСИ

М о ҳ и я т и.

Уни *бахур Марям* [Альп гунафшаси] дейдилар. У *артанисо*нинг бир туридир.

Х о с с а л а р и.

Қуввати тозаловчи, кетказувчи, парчаловчи, очувчи ва шимдирувчи-

дир. Унинг (илдизини) истеъмол қилинса, жуда терлатади ва сийдикни ҳайдайди.

З и й н а т.

Агар ундан уч *мисқол*ни, лекин ундан ортиқ эмас, шароб ёки суюлтирилган асал суви билан ичилса, сариқни тузатади, бунда касални ёнбошига ётқизиб устини қалин ўраш керак, токи у яхшилаб ўт рангли тер чиқарсин. Илдизи бадан сиртини тозалайди, сепкилни кетказади; унинг қайнатмаси совуқдан ёрилганга фойда қилади. Шунингдек, илдизининг ичини ковлаб, зайтун ёғи солиб, иссиқ кулда қиздирилса ҳам шундай таъсир кўрсатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ҳўл ва қуруқ илдизи тошмани кетказади. Шираси [бадандаги] қаттиқликларни тарқатади; шунингдек, [413] талоқ шиши, қулғуна, чиқиқларни ҳам шимдиради. Иссиқликни ҳам кетказади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Илдизини сирка ва асал билан қўшиб, ёки бир ўзини истеъмол қилинса, жароҳатларни улар эскирмасдан бурун тузатади. Унинг қайнатмасини бошдаги яраларга қуйилса, мувофиқ келади.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб буралишига ва подаграга фойда қилади. Бу [касалликларнинг] ҳаммасида ҳам қўшиб боғланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шароб билан аралаштирилса, қаттиқ маст қилади; бошни тозалаш учун сувини бурунга тортилади. Қайнатмасини бошга қуйилса, ундаги яраларга мос келади ва совуқ бош оғриғини босади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сувини асал билан ишлатилса, кўзда пайдо бўлган сувга ва кўз заифлигига мос келади; бурунга тортилса ҳам шундай.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Баъзи кишилар унинг илдизини астмада ичирадилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Уни сирка билан қўшиб, талоққа қўйиб боғланади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар уни асал шароби билан бирга ичилса шиллиқни, сувли каймусни суради; ичилса ё кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди. Баъзиларнинг ўйлашича, унинг янгиси, болани туширади; агар уни бўйинга ёки билакка боғлаб олинса, ҳомиладор бўлишнинг олдини олар эмиш. Уни юнг парчаси билан [орқа тешикка] кўтарилса, ични суради. Шунингдек, уни киндик, қовуқ, қориннинг юмшоқ ери ва ёнбошга суртилса ҳам ични юмшатади, болани туширади. У қориндаги болани тез ўлдиради. Сиқиб олинган

суви янада кучлироқ. Агар унинг сувини сирка билан аралаштириб, кўтан чиқишида қўйилса, [ичакни] ичга киргизади. Унинг сиқиб олинган суви кўтандаги томирларнинг оғзини очади. Илдизини ичилса ва кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди; илдизидан беш *дирҳам*ни асал билан ичилса, ични кучли равишда суради. Бир ичишда ундан тўрт *драхмий*гача ичиш мумкин.

З а ҳ а р л а р.

Ўлдирувчи дорилар, заҳарлар ва хусусан, денгиз қуёнининг тишлашига қарши уни шароб билан ичилади.

1 Л. да: *фуълосус*. Бу юнонча χυχλαμινος сўзининг бузилгани бўлиб, тўғриси *қуқламинус* бўлиши керак эди. Cyclamen europaeum. № 533, 698 ларга қаранг.

594 ФУҚҚО[1] – БЎЗА

(М о ҳ и я т и.

Маълум).

Т а н л а ш.

Унинг кўпроқ мувофиқ келадигани оқ нондан, ялпиздан ва петрушкадан олинганидир. Чунки пиширилган нондан олингани оширмаган хамирнинг нонидан олинадиганига ўхшамайди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ел пайдо қилади, || ёмон хилтларни туғдиради; озиқлиги ёмон. *208а*

Унинг ҳайвон аъзоларига зарарлилиги шу даражадаки, агар унда фил суягини ивитилса, уни юмшатиб юборади ва уни ишлаш осонлашади. Оширилмаган хамир нони, петрушка ва ялпиздан олингани яхши каймус беради ва иссиқ мизожларга мувофиқ келади.

Б ў ғ и н л а р.

Асабга жуда зарар қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мия пардаларига зарар қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг оширилмаган хамир нонидан олингани иссиқ мизожли меъдага яхши.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Арпадан қилинган бўза сийдикни ҳайдайди, буйрак ва қовуққа зарар қилади.

[1] Турли донлардан дориворлар қўшиб тайёрланадиган, пивога ўхшаш ичимлик.

595 ФАСУРИҚУН[1] – ?

Моҳияти.

Бу қўтирга ишлатиладиган дори бўлиб, уни қуйидагича тайёрланади: *мурдосанж* ва унга икки хисса *қалқадис*ни кучли ўткир сирка билан эзилади ва темир қозонга солиб, унинг оғзини лой билан суваб, саратон иссиғида 40 кунгача гўнгга кўмиб қўйилади.

Хоссалари.

У, *қалқатор*га қараганда кучлироқ қуритади, шунинг билан бирга камроқ ачитади, чунки у латифроқдир.

Жароҳат ва яралар.

Қўтирни кетказади.

[1] № 574 га қаранг.

596 ФИЛИЛУН[1]

Моҳияти.

Дискуридус *филилун*ни тошлоқ ерларда ўсади, дейди. Унинг *тилиғунун*[2], яъни урғочи деб аталадиган хили бўлиб, у қурбақа ўтига ўхшайди; барги зайтун дарахтининг баргига қараганда ҳам тўқроқ кўк, пояси калта ва ингичка. Унинг оқ гули ва кўкнор уруғидан каттароқ майда уруғи бор. Бошқа бир хилини *ариниғунун*[2], яъни «ўғил туғдирувчи» деб аталади. Бу олдингисига ўхшайди, фақат уруғи билан фарқ қилади; унинг меваси зайтун дарахтининг мевасига ўхшайди, шакли [узум] шингили каби.

Хоссалари.

Айтадиларки, агар ҳомиладор хотинлар уни ичса, боласи ўғил бўлади, бошқа [хил *филилунни*] ичса, қиз бўлади. Бу сўзни ҳаким Кратес[2] айтган. У буни синаб кўргандан кейин одамларга айтган бўлса керак. Бунинг фақатгина [қуруқ] сўз бўлиш эҳтимоли бор).

[1] Юнонча φυλλον Mercurialis annua. Диоск. III. 120; D–G III, 140.

[2] Матнда сўз хато босилган; Диоск. III, 120 асосида ўқилди.

[414] «СОД» ص [С] ҲАРФИ

597 САНДАЛ[1] – САНДАЛ ЁҒОЧИ

(Моҳияти.

Сандал йўғон ёғоч парчалари бўлиб, Хитой мамлакати чегараларидан

келтирилади. У уч хил бўлади: сариқ, қизил ва оқиш сариқ. Баъзи бир кишилар бу [кейингиси]ни *мақосарий*[2] деб атайдилар ва унинг ҳиди бошқа иккитасиникидан кўпроқ бўлади).

Танлаш.

Жолинус ва Ибн Мосавайҳнинг айтишича, қизили энг кучлиси, баъзи бир кишиларнинг айтишича, оқи[3] энг кучли, (бошқа бир гуруҳ кишилар эса *мақосарий*ни энг яхши ва кучли дейдилар).

Табиати.

Иккинчи даражанинг охиридан учинчи даражагача совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

[Моддаларнинг] қуйилишига[4] тўсқинлик қилади, хусусан, қизили.

Шиш ва тошмалар.

Сандал ёғочи иссиқ шишларни шимдиради, айниқса, қизили. Уни сарамасга суртилади.

Бош аъзолари.

Бош оғриғини қолдиради.

Нафас аъзолари.

Суртилса ва ичилса, иситмаларда юз берадиган хафақонга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Суртилса ва ичилса, иссиқ [мизожли] меъда кучсизлигига фойда қилади.

Иситмалар.

Сандал ёғочи ўткир иситмаларга фойда қилади; айниқса, оқи шундай [таъсирга эга].

[1] Оқ сандал – Santalum album L., қизил сандал – Petrocarpus santalinus L.

[2] Макассар – ҳозирги Индонезияга қарашли Целебес оролидаги шаҳар. «Сайдана» № 647 (3).

[3] Б. да: «сариғи».

[4] Б. да: шундай; Л. да: «шимилишига».

598 САДАФ – САДАФ, ЧИҒАНОҚ

Хоссалари.

Қуруқликда яшовчи чиғаноқлар гўштини эзиб, баданга суртилса, кучли равишда қуритади. Гунафша рангли садафнинг куйдирилганида елларни ҳайдаш ва тозалаш қуввати бор, уларнинг қуввати ўткир ва қўзғатувчи қувватдир. Агар ўз ҳолича истеъмол қилинса, уларнинг ҳаммаси ҳам ўқ учлари ва суяк [парчаларини ташқарига] тортади.

Зийнат.

Чиғаноқнинг паллалари ва пўстларини куйдирилса, доғни кетказади. Шунингдек, ўзича ишлатилса, катта ўқ учларини ҳам чиқаради.

Агар гунафша рангли садафни зайтун ёғида қайнатиб, сочга суртилса, сочни тўкилишдан сақлайди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Чиғаноқли шиллиқ куртининг ёпишқоқ шиллиғини кундур, сабир ва мурр билан аралаштириб ва асал қуюқлигига келтириб ишлатилса, қулоқ тагида пайдо бўладиган шишларни кетказади; агар у ердаги чуқур жойлашган ҳўлликларга дуч келса, уларни ҳам шимади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Гунафша рангли садафнинг куйиндиси яраларни тозалайди ва битиради. Шу куйиндини туз билан [қўшиб], оловда куйган ерга сепилса, куритиб, фойда қилади. Садафнинг куйиндиси қўтирга ҳам фойда қилади. Чиғаноқни гўшти билан бирга кундур ва муррга қўшиб, янчиб, ишлатилса, жароҳатларга, хусусан, асаблар устидаги жароҳатларга фойда қилади ва уларни ёпиштиради. Тегирмоннинг гарди билан ишлатилса ҳам шундай. Жолинус чиғаноқларни ўз ҳолича ишлатиб текширган.

Б ў ғ и н л а р.

Садаф подагра оғриқларини ва шишларини босади, уни ўз ҳолича бўғинларнинг ҳамма шишларига ҳам қўйиб боғланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Гунафша рангли садафнинг куйиндиси тишларни ялтиратади, хусусан, туз билан бирга куйдирилса. Чиғаноқни шундайлигича сирка билан эзиб ишлатилса, бурун қонашини тўхтатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Чиғаноқнинг гўшти, билан куйдириб, ювилгани кўз дориларига қўшилади; шунда у кўз қовоғининг қалинлашганлигини йўқотади ва [кўздаги] оқни ва пардаларни эритади. Эски *толинас*[1] номи билан машҳур бўлган [садафни] куйдириб ва қитрон билан аралаштириб эзиб, кўз қовоғига томизилса, ундаги тукларни ўсишга қўймайди. Қуруқликда яшовчи чиғаноқнинг ёпишқоқ шиллиғи киприкнинг [ичга] букилган тукларини [тўғрилаб бошқа киприкларга] ёпиштиради. Олдин айтиб ўтганим чиғаноқнинг шиллиғини манглайга суртилса, кўзга қуйиладиган моддаларни қайтаради, шунингдек, [букилган] тукларни ёпиштиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Фурфурас[2] номи билан машҳур бўлган чиғаноқнинг гўшти меъда учун яхши. Чиғаноқнинг пиширилмаган ва қовурилмаган гўшти меъда оғриғини босади. Гунафша рангли садафни сирка билан ичилса, талоқ [касалини] йўқотади. Садафни истисқога қўйиб боғлаганда [истисқо] йўқолмагунча олиб ташлаш керак эмас. Қуруқликда яшовчи чиғаноқ бу хил таъсирда кучлироқдир, чунки у қаттиқ қуритади ||.

Чиқариш аъзолари.

Гунафша рангли [садафнинг] гўшти ични юмшатмайди. Шомда *толинас* номи билан машҳур бўлган чиғаноқнинг гўшти янги бўлса, ични юмшатади. Хусусан, унинг шўрваси, майда чиғаноқларнинг шўрваси ҳам шундай. Гунафша рангли садафни бачадони бўғилганлар тутатса, фойда қилади. Шу тутун йўлдошни ҳам туширади. Хушбўй [нарсаларнинг] тутуни ва денгиз қирғоқларида бўладиган *бобилий қулзумий* [садафининг тутуни] ҳам бачадон бўғилишида фойда қилади ва тутқаноғи тутганларни ҳушига келтиради. Ҳиди қундуз қирининг ҳидига ўхшайди. Садафии кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди. [415] Бир кишининг айтишича, *қуҳлиё*[3] исми билан машҳур бўлганини куйдириб, кулига кўк мози ва оқ мурчни аралаштирилса, ичакда пайдо бўлган яраларга, улар ҳали янги бўлиб, чиримаган бўлса, катта фойда қилади. Садаф кулидан тўрт ҳисса, мозидан икки ҳисса ва мурчдан бир ҳисса олиб, овқатга сепилади ва шароб билан ичилади.

Заҳарлар.

Гўшти қутурган ит қопганига фойда қилади.

[1] Диоск. II, 7 асосида ўқилди.

[2] Яъни пурпур чиғаноғи.

[3] Cochlea (шиллиқ қурт) сўзидан. Матнда хато берилган.

599 САМҒ[1] – ЕЛИМ, СМОЛА

Танлаш.

Энг яхшиси тиниқ ва ичида чўпи кам бўлган араб [елими]дир.

Табиати.

Елимларнинг ҳамма хили ҳам иссиқ.

Таъсир ва хоссалари.

Елим буруштирувчи, елимловчи, қуритувчи ва қувват берувчи. Миср акациясининг[2] елими жуда кучли, шунинг учун у тарёқларга қўшилади.

Кўкрак аъзолари.

Иссиқ йўтални юмшатади, ўпка яраларининг зарарини қайтаради ва овозни тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдани кучайтиради.

[1] Елим ва смолаларни Ибн Сино ана шу бир ном билан айтади. Ҳозирги вақтда буларнинг бир нарса эмаслиги маълум. *Самғ* деганда кўпинча араб елими (гумми арабик) тушунилади.

[2] № 660 га қаранг.

600 СОБУН[1] – СОВУН

Хоссалари.

Яра қилувчи ва саситувчи.

Чиқариш аъзолари.

Қуланжни йўқотади ва хом [шиллиқни] ҳайдайди.

[1] Калийли совун – Sapo viridis ёғларни натрий ишқори билан ишлаш натижасида олинган – Sapo medicatus Фармакопея VIIIга киритилган.

601 СИҲНОТ – ТУЗЛАНГАН БАЛИҚДАН ҚИЛИНГАН НОНХЎРИШ[1]

Хоссалари.

Тозаловчи, қуритувчи ва ёмон хилтни [туғдирувчи].

Жароҳат ва яралар.

Қўтир ва қичимани келтириб чиқаради.

Бўғинлар.

Шиллиқ туфайли ёнбошда пайдо бўладиган оғриққа фойда қилади.

Зийнат.

Меъда бузилиши натижасида пайдо бўладиган оғиз ҳидланиши ва меъда бузуқлигини йўқотади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдадаги рутубатни тозалайди ва уни қуритади.

[1] Тайёрлаш усули ҳақида «Сайдана» № 635 га қаранг.

602 САНАВБАР[1] – САНАВБАР

Моҳияти.

(Машҳур дарахт). Санавбар бужури ҳақида *«Ҳо»* [Х] ҳарфи фаслида айтиб ўтган эдик. Энди санавбар дарахтининг бошқа қисмлари тўғрисида гапирмоқчимиз.

Табиати.

Катта [санавбарларнинг] пўстлоғи кучлироқ, *фуқи*[2] деб аталганиники эса кучсизроқ бўлади.

Хоссалари.

Пўстлоғида кучли буруштириш қуввати бор ва унда бўладиган қуртларнинг қуввати олакулангнинг қуввати кабидир.

Жароҳат ва яралар.

Пўстлоғи куйган яраларга фойда қилади; унда [яраларни] бириктириш қуввати бор. Пўстлоғининг буруштириш қуввати шу даражадаки, агар уни шилинган ерларга боғланса, тузатади. Пўстлоғининг майдалангани қайноқ сувдан куйишда фойда қилади. Баргини [майдалаб], жароҳатларга сепилса, уларни бириктиради. Унинг пўстлоғи зарба еган жойларга қўйишга ҳам ярайди ва у ерларни битиради; лекин барги кўпроқ мос келади, чунки у ҳўлроқдир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Пўстлоғини қайнатиб, ғарғара қилинса, кўп шиллиқни тортади. Пўстлоғининг қайнатмасига сирка қўшиб, оғизни чайқалса, тиш оғриқларида мос келади. Унга яна сирка қўшиб, ғарғара қилинса, кўп шиллиқни ҳайдаб чиқаради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Санавбарни тутатиш киприк тўкилганида ва кўз ички бурчагининг ейилишида фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Бужури кўксовга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Пўстлоғи ва баргини истеъмол қилинса, жигар оғриғига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Санавбар бужури ични қотиради. Меваси[3] таррак уруғи билан бирга ишлатилса, [сийдикни] ҳайдайди, буйрак ва қовуқ яраларига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Санавбарда бўладиган кўк қурт олакуланг табиатига эгадир.

[1] Pinus pinea L.

[2] Матнда *фуфи*; бу юнонча қарағайдан бўлса керак.

[3] Б. да: «уруғи».

603 САБИР[1] – САБИР, АЛОЙ

М о ҳ и я т и.

Сариқ билан қизил ўртасидаги рангга эга ва қотган ўсимлик суви бўлиб, унинг *усқутарий*, *арабий* ва *саманжоний*[2] деган хиллари бор. Бир гуруҳ кишилар унинг ўсимлигини қора андиз ўсимлигига ўхшаш дейдилар, лекин бундай эмас.

Т а н л а ш.

Унинг яхшиси *усқутарий* бўлиб, суви заъфарон сувига, ҳиди эса мурр [ҳидига] ўхшайди; ўзи ялтироқ, уваланадиган ва тошлардан тоза бўлади.

*Арабийси*нинг сариқлиги, оғирлиги ва ялтироқлиги олдингисиникидан кам, лекин унга қараганда ёпишқоқроқ ва қаттиқроқдир. *Шамхоний* турининг ҳиди сассиқ, сариқлиги кам ва ялтироқлиги йўқ. Сабир эскиса, қораяди.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ. Баъзилар учинчи даражада иссиқ ва қуруқ дейдилар, лекин бундай эмас.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Сабирнинг қуввати буруштирувчи ва қуритувчи [дейдилар]. Лекин бун-
209а дай эмас. Баданга иссиқлик тоширади, ухлатади ||. Ҳинд [сабири] кўп фойдали ва ачиштирмасдан қуритувчи бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор. Ачиштириши камлигидан ёмон сифатли жароҳатларни ҳам ачиштирмайди.

З и й н а т.

Асал билан қўшиб, урилишдан қолган изларга [қўйилади]. Яраланадиган милкакни битиради. Шароб билан қўшиб, тўкилаётган сочга қўйилса, унинг тўкилишини тўхтатади.

[416] Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шароб ёки асал билан ишлатилса, орқа тешик ва эркаклар олатининг шишларига, тилнинг икки томонига жойлашган мушак шишларига фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Битиши қийин бўлган яраларга, хусусан, орқа тешик, эрлик олати, бурун ва оғиздаги [яраларга]ҳамда оқма яраларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Бўғин оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни сафровий чиқиндилардан тозалайди. Агар гул ёғи билан қўшиб, пешона билан чаккага суртилса, бош оғриғини қайтаради ва уни тузатади. Бурун ва оғиз яраларига фойда қилади. Қадимги табобатда [сабир] қулоқнинг эзилганига, тилнинг икки чеккасида жойлашган мушаклардаги шишларга қарши асал ва шароб билан суртиладиган фойдали дорилардан ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам сабир савдони суриб, меланхолияда фойда қилади. Форс сабири ақлни ва дилни ўткирлаштиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз яраларига, қўтирига, оғриқларига ва кўз ички бурчагининг куйиб ачишишига[3] фойда қилади, ҳамда унинг рутубатларини қуритади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Сабирдан икки қошиқни совуқ ёки илиқ сув билан ичилса, меъда-

ни шиллиқли ва сафровий чиқиндилардан тозалайди, ёлғон ва бузилган иштаҳани қайтаради; меъдадаги сафро ҳарорати туфайли тилчада бўладиган куйиш ва алангаланишни босади. Ундан ўн *ҳаббани* эрталаб ва кечқурун уни тузатадиган нарсалар билан аралаштириб ичилади, шунда ични суради, лекин овқатни бузмайди. Баъзан у меъда оғриғини бир кундаёқ тузатади; жигардаги тиқилмаларни очади. (Лекин жигарнинг ўзига зарар қилади). Сурги [бўлиши сабабли] сариқ касалини тузатади.

Чиқариш аъзолари.

Бир ярим *драхмий*сини иссиқ сув билан ичилса, ични суради, уч *драхмий*си яхшилаб тозалайди. Мўътадили – асал суви билан ичилган икки *драхмий*си бўлиб, бунда у шиллиқ билан сафрони суради. Агар [*сабир*] сурги дориларнинг таркибига кирса, уларнинг меъдага кўрсатадиган зарарини қайтаради; чунки унинг ўзи меъдага жуда мос келадиган сургидир. Унинг ювилгани кучсизроқ суради, лекин бу меъда учун фойдалироқ бўлади. Асал билан аралашса қуввати шу даражагача тушадики, [моддаларни] тортиб сураолмайди ва фақат ўзига йўлиққан нарсаларнигина чиқаради. [Сабирнинг] якка ўзи ҳам гавданинг узоқ ерларига бормайди, ҳатто жигардан нарига ўтмайди. Арабийсини ичилса, беҳузур қилади, (ични оғритади), сўнгра суради; унинг қуввати меъданинг ички қатламларида бир-икки кунгача сақланиб қолади. Сабирни совуқ кунларда ичириш хавфлидир, чунки сабирнинг қай хил бўлса ҳам қон суриб юборади. Уни ширин шаробга қўшиб осилиб чиққан бавосирга ва кўтан ёрилишига қўйилса, оқаётган қонни тўхтатади. Шароб ва асал билан суртилса, орқатешик ва эрлик олатидаги шишларни тузатади.

Заҳарлар.

Совуқ кунлари ичиш хавфли, чунки қон суриб юборади.

Ўрнига ўтувчилари.

Унинг ўрнига ўтувчиси ўз миқдорича олинган ликий ширасидир.

[1] Aloe vera L.нинг баргларини кесиб қўйилганда оқадиган ширанинг қуритилгани Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Эрондаги Самангон (араб. Саманжон) шаҳри номидан. «Сайдана» № 632 (15).

[3] Б. да: «қичишига».

Жароҳат ва яралар.

Куйдирилган жун яраларга ва ортиқ унган этга фойда қилади.

605 САДА УЛ-ҲАДИД – ТЕМИР ЗАНГИ

Таъсир ва хоссалари.

Унда совутиш ва буруштириш [хусусияти] бор.

Чиқариш аъзолари.

Хотинлардан қон кетишда фойда қилади.

606 САФРОҒУН[1] – ДЕНГИЗ БУРГУТИ

Моҳияти.

Фаранг [тилида] шундай аталувчи бир қушдир.

(Хоссалари.

Айтишларича, унинг ичини овоздан ичилса, [қовуқдаги] тошни майдалайди).

[1] Ossifragus. «Сайдана» № 643.

607 СИРСИР – ҚОРА ЧИГИРТКА, ЧИРИЛДОҚ

Моҳияти.

Бу чирилдоқдир.

Бош аъзолари.

Зайтун ёғида қайнатиб ёки ивитиб, қулоққа томизилса, ундаги оғриқ ва лўқиллашни кетказади.

608 САФСОФ[1] – МАЖНУНТОЛ, ОҚ ТОЛ

Моҳияти.

Бу толдир. (Биз бу ҳақдаги сўзни кейинроқ *«Хо»* [Х] ҳарфи бобида баён қиламиз)[2].

[1] Salix babylonica L.; S. alba L.

[2] № 766 ва шунингдек 70 ва 808 га қаранг.

«ҚОФ» ق [Қ] ҲАРФИ

609 ҚАРАНФУЛ[1] – ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ

Моҳияти.

(Хитой томонда ўсадиган бир ўсимлик бўлиб, қалампирмунчоқ шу ўсимликнинг мевасидир). У ясмингa ўхшайди, лекин қора бўлади. Эркаги зайтун данагига ўхшаш, узунроқ ва тўқ қора бўлади. [Қалампирмунчоқ] Ҳинд оролида ўсадиган бир ўсимликнинг меваси. Елимининг қуввати сақич дарахти елимининг кучидек бўлади.

[417] Танлаш.

Унинг энг яхшиси қуруқ, зайтун данагига ўхшаган, чучук мазали ва ўткир ҳидлисидир.

Табиати.

Иккинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқ ||. *209б*

Зийнат.

Оғиз ҳидини ёқимли қилади.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткирлаштиради; кўзга тушган пардаларга фойда қилади; (ейилса ҳам, суртилса ҳам шундай).

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда ва жигарни кучайтиради, қусиш ва кўнгил айнаганга фойда қилади.

[1] Caryophyllus aromaticus L., ёки Eugenia caryophyllata T h u n b.

[2] Б. да: «учинчи».

610 ҚОҚУЛЛА[1] – ҲИЛ

Моҳияти.

Унинг нўхатдек катта хили бўлиб, ранги оқ ва уқалаганда ажралиб чиқади. Улар келиндонага ўхшаб тилни ачитади; унда ёқимли ҳид ҳам бор. Ясмиқ катталигидек келадиган кичик хили ҳам бор, унда ҳам хушбўйлик бор[2].

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Унда қиздириш билан бирга буруштириш хусусияти бор, айниқса, банди борида; хусусан бандининг ўзида шундай [хусусият бор].

Озиқлантириш аъзолари.

Мастаки ёғочи елими ва иккита анор суви билан бирга ишлатилса, қусиш ва кўнгил айнашга фойда қилади (ва меъдани кучайтиради).

[1] Amomum repens S o n n e r a t.

[2] Б. да: «унинг катта ва кичик хиллари бор; каттаси кичикроқ ёнғоқдек бўлиб, ранги қорамтир». Катта қоқула – Amomum meleguete R o s c, кичик қоқула – Elettaria cardomomum W h i t e син. Amomum repens S o n.

611 ҚИРФАТ УТ-ТИБ[1] – ҚАЛАМПИРМУНЧОҚ ДАРАХТИНИНГ ПЎСТЛОҒИ

Мо ҳ и я т и.

Қалампирмунчоқ [дарахтининг] пўстлоғи бўлиб, долчин рангли қалин пўстлоқлардан иборатдир. Мазаси қалампирмунчоқники каби, лекин унда долчиндаги каби ширинлик йўқ. Улар қалампирмунчоқдан ширинроқ бўлса ҳам таъсири уникидан кучсизроқдир.

Т а б и а т и.

Иккинчи[2] даражада иссиқ ва қуруқ.

[1] № 609 га қаранг.

[2] Б, да: «учинчи».

612 ҚИРФАТ УД-ДОРСИНИЙ[1] – ДОЛЧИН

М о ҳ и я т и.

Уни долчиннинг [бир тури] дейдилар, баъзилар эса, уни бошқа бир жинсга тегишли ҳам дейдилар. У долчин каби қаттиқ бўлади, лекин унинг бошқа бир қаттиқ бўлмаган хили ҳам бор. Унинг яна толалик ва тез титиладиган оқ хили бўлиб, буниси долчиндан кучсизроқ бўлади. Бу ҳақда долчин бобида айтилди.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

[1] Долчин (Cinnamomum) турларидан, № 168 ва 517 га солиштиринг.

613 ҚАРДАМОНО – ЁВВОЙИ ЗИРА

(М о ҳ и я т и.

У, Арманистон ва Қаммоғино[2] деб аталадиган мамлакатда ўсадиган бир дарахтдир; у яна Ҳинд ва Араб мамлакатларида ҳам учрайди. Ёввойи зира шу ўсимликдан олинади. У бошқа мамлакатларда ҳам бўлади.

Танлаш.

Унинг энг яхшиси Ҳиндистон ва Арманистондан келтириладигани ва майдаланиши қийин бўлиб, тўла ва зич бўлганидир; бунинг аксинча бўлганига эътибор қилинмайди ва ёмон ҳисобланади. Яна ўткир ҳидли ва мазаси бир оз аччиқ аралаш ўткир бўлгани ҳам шундай).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

У қизартирувчи ва (қиздирувчи) дорилардан бўлиб, тозалаш қуввати ҳам бор. Унинг хусусиятларидан бири ички аъзоларни кучайтиришдир.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан суртилса, қўтир ва темираткига фойда қилади.

Бўғинлар.

Асаб касалликларига, ёнбошнинг балғамдан оғришига, фалажга ва мушак эзилишида фойда қилади.

Бош аъзолари.

Сувга солиб ичилса, тутқаноққа фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Кўкракни тозалайди ва йўтални босади.

Чиқариш аъзолари.

Ичак оғриқларига, ингичка гижжага ва қовоқуруғисимон япалоқ гижжага [қарши ишлатилса], фойда қилади. Шароб билан қўшиб, ишлатилса, буйрак оғришига, қийналиб сийишга ҳам [фойда қилади].

[Қовуқдаги] тошга қарши ундан бир *драхмий*ни дафна дарахтининг илдизи билан бирга ичирилади. Унинг тутуни қориндаги болани ўлдиради.

Заҳарлар.

Чаён ва бошқа газандалар чаққанига фойда қилади.

Ўрнини босадиганлар.

Исириқ ва қорачайирдир.

[1] Lagoecia cuminoides L. Арабча *кардамона* сўзи, лотин тилига ўтган икки қадим юнон сўзининг бир-бири билан алмашишидан келиб чиққан [Cardomomum – кардамон ва Agrion Cardamon – ёввойи зира].

[2] Коммагена – Суриядаги бир вилоят.

614 ҚАСАБ[1] – ҚАМИШ

(Моҳияти.

Қамиш қуйидагича кўп турли бўлади: ичи ковак бўлмагани, бундан ўқлар ясалади; урғочиси – бундан найлар учун тиллар қилинади. Жисми қалин ва кўп бўғинлиси – буниси [қалам сифатида] ёзишга ярайди; ўзи қалин ва ичи ковак бўлиб, дарё бўйларида ўсадигани ва ниҳоят шўр ерларда ўсадиган юпқа ва оқ ранглиси. Кўп кишилар унинг илдизини биладилар. Қамишнинг ниҳоятда юпқа ва ичи ковак хили ҳам борки, ундан кишилар бўйра ясайдилар. Унинг жуда йўғон, узун ва синиши қийин хилини Ҳиндистондан келтирилади ва ундан найзалар ясалади).

Т а б и а т и.

Кучли совутувчи, кули эса иссиқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қамиш илдизида бир оз тозалаш хусусияти бор, лекин ўткирлик йўқ, баргида ҳам шундай. (Уни қўйиб боғланса, этнинг чуқур ерларидан ўқ учларини, тиканларни, қамиш зирабчаларини ва ўқ таналарини [тортиб] чиқаради).

З и й н а т.

Пўсти ва илдизи «тулки касаллиги»да фойда қилади ва [бадан] чирқларини тозалайди; илдизини ёввойи пиёз билан ишлатилса, ўқ учларини тортади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ҳўл баргини оташакка (ва бошқа иссиқ шишларга) қўйилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб буралишини босади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар унинг гули[2] [418] қулоққа кирса, кар қилади ва ёпишиб қолиб, чиқмайди. (Куйдирилган қамиш бошдаги ширинча ва темираткига фойда қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди.

[1] Phragmites communis T r i n.

[2] Б. да шундай; Л. да: «қамишнинг илдизи бўлган туклар».

615 ҚАСАБ УЗ-ЗАРИРА[1] – ХУШБЎЙ ҚАМИШ

(М о ҳ и я т и.

Хушбўй қамиш Ҳинд мамлакатида ўсади).

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси ёқут рангли ва бўғинлари бир-бирига яқин бўлганидир. Агар уни синдирилса, кўп сонли зирабчаларга ажралади. Найининг ичи ўргимчак инига ўхшаш (оқиш ёпишқоқ) нарса билан тўла. Уни чайналса, ўткир маза чиқади; янчилгани эса сарғимтир оқ рангли хушбўй нарсадан иборат.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Латифлаштирувчи бўлиб, унда бир оз буруштириш билан бирга ўткир мазали ҳам бор. Моддасида мўътадиллик даражасигача яхши аралашган ер ва ҳаво моддалари бор. Унинг қуритувчанлиги кучлироқ, ҳамма дориворлардаги каби унда ҳам латиф модда бор.

З и й н а т.

Ўлик қондан қолган қонталашларга фойда қилади.

Ш и ш л а р.

Шишларни шимдиради.

Б ў ғ и н л а р.

Эт узилишига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни равшан қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Унинг бир ўзини ёки сақич дарахтининг елими билан қўшиб, томоққа воронка орқали тутатилса, йўталга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Петрушка уруғи ва асал билан қўшиб, ишлатилса, меъда ва жигар шишига фойда қилади. У истисқога ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Сийдик ва ҳайз] қонини ҳайдайди. Петрушка уруғи билан бирга қўшилса, буйрак касалида ва томчилаб сийиш касалида фойда қилади.

Унинг қайнатмасини ичилса ва унда ўтирилса, бачадон оғришига фойда қилади ||. Бачадон шишларига қарши уни асал ва петрушка уруғи билан *210a*
қўшиб, ичилади.

[1] Calamos aromaticus; Acorus calamus L.

616 ҚАНТУРИЮН[1] – ЛУФО, ХОТИНАК СУПУРГИ

М о ҳ и я т и.

(Дисқуридуснинг айтишича, баъзи кишилар уни Рум далачойининг

уруғи дейдилар, арабча *луфо ус-сағир* [кичик луфо] деб аталади; уни *лимнисун*[2] деб атовчилар ҳам бор. Бу исм кўлмак сув маъносидаги *лимни* сўзидан олинган, чунки у сувларнинг лабида ва дарё қирғоқларида ўсади. У, *ҳивфориқун* [далачой], яъни тоғялпизига ўхшайди, поясининг узунлиги бир қаричдан кўпроқ, гули гунафша рангга мойил қизил бўлиб, *лаҳмадус* деб аталувчи ўсимликнинг гулига ўхшайди. Барги кичик ва чўзиқ бўлиб, газагўтнинг баргига ўхшайди; меваси эса буғдойга ўхшайди; илдизи кичкина ва фойдаси йўқ. Унинг мазаси жуда аччиқ бўлади. Бу ўсимликнинг меваси бор вақтида беш кун ивитиб қўйилади. Сўнгра уни қозонга солиб, устига сув қуйилади ва турпини ташланади, қозондаги сувни эса тиндирилади ва қуйилиб, асалга ўхшаб қолгунча паст оловда қайнатилади.

Баъзи кишилар бу ўсимликни ҳали ҳўл ва кўк вақтида уруғи билан бирга олиб, уни янчадилар ва сувини ажратиб, сопол идишга соладилар. Кейин уни офтобга қўйиб, тоза таёқча билан ковлаб турадилар, шунда у сув устида пайдо бўладиган чўпхасларга ўхшаш нарсалар билан аралашиб туради. Кечаси уни нам ва шудринг тушишдан сақланади, чунки намлик [ўсимликларнинг] ширасини ва [бошқа] суюқликларнинг қуюлиб қотишига қаршилик қилади.

Илдизлар ва дорили ўтларнинг қуруғидан шира олиш қайнатиш билан бўладики, бу ҳақда биз гентиана илдизининг қайнатмаси тўғрисида гапирганимизда айтдик. Ҳўл илдизлар ва пўстлоқлар ҳамда янги ўсимликларни эса сиқиб, [сувини] офтобга қўйилади ва юқорида айтганимиздек қилиб ковлаб турилади.

Қисқаси у [ўсимлик] икки хил бўлади – кичик ва катта, булар баҳорнинг охирида кўкаради. (Улар Форс ва Рум мамлакатларида ҳам бўлади. Унинг юлғун баргига ўхшаш барги бор). Йўғон жойи оқ ва сариқ шохлардан иборат бўлиб, уларнинг учлари кўкдир. [*Қантуриюн*нинг] катта хили супургига ўхшайди. Иситмали одамлар учун унинг бир марта ичиладиган миқдори икки *дирҳам*гача бўлади. Кичик [*қантуриюн*нинг] ўти тоғялпизига ва далачойга, барги эса газагўтнинг баргига ўхшайди. Унинг ширасини баъзан ҳўлидан ва баъзан қуруғини сувда қайнатиш билан олинади: кейинги ҳолда сув унинг қувватини, ўзига олади ва кейин сувни [қайнатиб], қуюлтирилади.

(Т а н л а ш.

Энг яхшиси ингичка, кичик, ранги сариққа мойил ва тилни ачитадиганидир).

Т а б и а т и.

Учинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

*Луфо*да тозалаш, буруштириш, ўткир мазали ва бир оз ширинли шунингдек, ачиштирмасдан қуритиш хусусияти бор. Агар уни бўлакларга бўлинган гўшт билан қайнатилса, [гўшт бўлакларини] бир бўлак қилиб тўплайди, дейдилар.

Жароҳат ва яралар.

Янги жароҳатларни тозалайди ва эски яраларни битиради. Унинг қуруғи марҳамларга қўшилади, шунда у оқма яралар, чуқур яралар ва ёмон жароҳатларни битиради. Оқма яраларни *луфо* билан тўлдириб, боғлаб қўйилади, шунда уларни тузатади.

Бўғинлар.

Эт узилишига ҳам ундаги йирингланишга фойда қилади. Агар [*луфо*нинг] ингичка хилини ҳуқна қилинса, иркуннасога, асаб оғриқларига ва эзилишга фойда қилади; шу ингичка хили [419] бу [касалликларнинг] ҳаммаси учун энг фойдалидир [деса бўлади]. [Ҳуқна вақтида] бир оз қон сурса, фойдаси тўла бўлади. Шу мақсад учун сув билан унинг кулини ҳам ҳуқна қилинади.

(Кўз аъзолари.

Ингичка хилининг ширасини асал билан бирликда кўздаги яралар битиб, [ўрнида] пайдо бўлган оққа фойда қилади).

Бош аъзолари.

Унинг ширасини асал билан қўшиб, кўзга қўйилади; уни кўзнинг бурун бурчагига чиқадиган оқма ярага қўйилса, уни тузатади. Назлаларга фойда қилади ва шишларни шимдиради.

Нафас аъзолари.

Ўзининг буруштирувчанлиги билан қон туфлашда фойда қилади. Унинг йўғон ва ингичка хиллари қийин нафас олишга ҳам фойда қилади. Совуқ зотилжам ва қон туфлашга қарши унинг икки *дирҳам*ини шароб билан ичилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар тиқилмаларига ва талоқ қаттиқлигига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ҳайз қонини ҳайдайди, болани туширади, гижжаларни ўлдиради ва сийдикни ҳайдайди. Ичак оғриқларига ҳамда бачадон оғриқларига қарши ундан икки *дирҳам* ичирилади. У қуланжга ҳам фойда қилади. Кичик хилининг қайнатмаси шиллиқ ва хом шиллиқ билан бирга сафрони ҳам ҳайдайди; агар кўп ичириб юборилса қонни ҳам суради, айниқса, ингичка хили шундай.

Иситмалар.

Иситмаларга фойда қилади. Иситмаси бор кишиларнинг ичиш миқдори икки *дирҳам*.

[1] Erythraea centaurium P e r s. ва Centaurea centaurium L., № 558 га қаранг.
[2] Матнда янглиш ёзилган. Қ. «Сайдана» № 862 (13).

617 ҚАСБ[1] – ХУРМО ҚОҚИСИ

(М о ҳ и я т и.

Адқол деб аталувчи хурмонинг қуруғи. Ҳижозлилар уни *қасб* дейдилар, наждлилар эса *арақ* ва *буршум*[2] деб атайдилар.

Т а б и а т и.

Мўътадил даражада иссиқ ва қуруқ; уни иккинчи даражада иссиқ ҳам дейдилар.

Х о с с а л а р и.

Унда буруштириш [хоссаси] бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични қотиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани кучайтиради).

[1] Phoenix dactylifera L. № 93, 466 ва 732 билан солиштиринг.
[2] Матнда хато – *юрсум*.

618 ҚУРТУМ[1] – МАҲСАР

М о ҳ и я т и.

У (икки хил бўлади): экиладигани ва ёввойиси. (Баъзи бир кишилар унинг ёввойисини *атрактулис*[2] ҳам деб атайдилар, у ҳам экиладиган маҳсарга ўхшаш тиканли бир ўсимликдир; лекин унинг барги кўп ва экиладиган маҳсарникидан узунроқ бўлади. Барглари шохларининг учида ўсиб, шохларининг ўзи яланғоч қолади. Сариқ гули бор, илдизи ингичка ва унинг фойдаси йўқ. Баргини ёки мевасини янчиб [ишлатилса], улар фойдалидир).

Т а б и а т и.

Ёввойиси иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ. Машҳури эса биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Х о с с а л а р и.

[Маҳсарнинг] ёғи қичитқи ўтнинг ёғига яқин келади, лекин ундан кучсизроқ. У сутни чиритиб, сувлик қисмини ажратувчи [нарсалардан]

ҳисобланади. Масиҳнинг айтишича, у ивиган сутни эритади ва оқадиган [суюқ] сутни ивитади; озиқлиги жуда кам. (Дискуридуснинг айтишича, [маҳсарнинг] ёввойисини илон чаққан киши ушлаб турса, оғриқни сезмайди ва ташласа, оғриқ яна қайталайди).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкракни тозалайди ва товушни тиниқлаштиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда учун ёмон, меъдада сутни чиритади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Анжир ёки асал билан аралашса, қуланжга фойда қилади ва куйган шиллиқни суради; шаҳвоний ҳисга ҳам фойда қилади. Экиладиганининг ёғи ични суради. У билан ични суриш қуйидагича бўлади: уруғининг мағизини шўрвага солиб ичилади ёки маҳсардан, бодомдан ва асалдан бир *ҳаббад*ан олиб [ичилади]. Бир мартада тўрт *драхмий*дан ичилади. [Маҳсар], қуст ва аччиқ бодомдан уч *оболодан*, рум зираси ва табиий содаларнинг ҳар биридан бир *драхмий*дан олиб, қуритилган анжир ва асал билан қўшилса, кейин шу [аралашмадан] бир ёки икки *жавза* олиб ичилса, [ичдаги] сувли моддаларни суради. Шу мақсадда ундан қуйидаги усулда нотиф ҳолваси ҳам тайёрланади: [маҳсарни] пўсти тозаланган бодом, Рум зираси ва қайнатилган асал билан қўшиб, нотиф ҳолваси тайёрланади. Уни бўлакларга бўлиб, кечки овқатдан олдин ичилади. Янги [маҳсарнинг] мағзидан йигирма *дирҳам*ни бир ратл иссиқ сувда ивитиб, ўн *дирҳам* майдаланган оқ каллақанд билан қўшиб, ичилса, шиллиқни суради.

З а ҳ а р л а р.

Ёввойисининг барги, меваси ва умуман ҳамма қисмини шароб билан ичилса, чаён чаққанга фойда қилади. Баъзи бир кишиларнинг айтишича, [бирон нарса] чаққан киши [маҳсарнинг] барги ёки мевасини оғизда ушлаб турса, оғриқни сезмас ва уни ташласа оғриқ қайталар эмиш.

[1] № 534 га қаранг.

[2] Матнда сўз бузилган; қ. «Сайдана» № 827 (4).

619 ҚИТРОН[1] – ҚИТРОН, СМОЛА

М о ҳ и я т и.

У, *шарбин* деб аталувчи дарахтдан олинади. Қитрон куясининг қуввати зифт куясининг қуввати кабидир. Унинг ёғи бўлиб, || уни зифтни ажратгандек юнг воситаси билан ажратилади. *210б*

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражада иссиқ (қуруқ).

Таъсир ва хоссалари.

Ўлик жасадни сақлайди. Қизартиради ва доғлайди.

Зийнат.

Бит ва сиркага [қарши ишлатилса], ҳатто улар ҳайвонларда бўлсалар ҳам, фойда қилади ва уларни ўлдиради.

Жароҳат ва яралар.

Бўш гўштни қувватли қилади. Қўтирга, ҳатто ҳайвонлардаги қўтирга ҳам фойда қилади; айниқса, унинг ёғи [420] тўртоёқли ҳайвонлар, [жумладан] итлар ва туяларнинг [қўтирига фойда қилади].

Бўғинлар.

Эт узилишига ва уларда қон ҳам йиринг тўпланишига фойда қилади. У, филлик касали ва веналарнинг кенгайишига қарши ялатиб ва суртиб ишлатиладиган доридир.

Бош аъзолари.

Қитронни бошга суртиш совуқ бош оғриғини босишда энг кучли тадбирдир. Уни қулоққа томизилса, қулоқдаги қуртни ўлдиради, уни *зуфо* суви билан қўшиб, қулоқ шанғиллаганда ва ғувуллаганда томизилади. Уни ва *зуфо* сувини оғриган тишга томизилса, оғриғини босади. [Қитрон] ейилган тишга ҳам фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткирлаштиради ва кўзда яралардан қолган изларни кетказади.

Нафас аъзолари.

Бодомсимон безларнинг оғриғига қарши [қитронни] томоққа суртилади. Ундан бир ярим *уқия*сини яланса, ўпка яраларига ва тошмаларга фойда қилади; эски йўталга ҳам фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Дарахтининг меваси меъда учун ёмон.

Чиқариш аъзолари.

Ичакдаги қуртларни ўлдиради, айниқса, у билан ҳуқна қилинса ҳамма қуртларни ўлдиради. Ҳайз қонини ҳайдайди, қоиндаги болани ўлдиради ва эрлик уруғини бузади; агар жинсий алоқадан олдин эрлик олатига [қитрон суртилса], бола бўлишга қўймайди. *Шарбин* деб аталувчи дарахтнинг меваси меъда учун ёмон. (Агар қитрон билан ҳуқна қилинса, қоиндаги болани тортади ва) томчилаб сийишда фойда қилади.

Заҳарлар.

Шохли илон чаққан жойга қўйиб боғланади, денгиз қуёнини ичиб [заҳарланган] кишига *тило* шароби билан ичирилади. Уни буғу чарвисида эритиб, аъзоларга суртилса, газандалар яқинлашмайди.

[1] Juniperus oxycedrus L. ва бошқа турларнинг смоласи. № 227 га қаранг.

620 ҚУСТ[1] – ҚУСТ

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича қуст) уч турли бўлади. Биринчиси арабийси бўлиб, ранги оқ, енгил ва хушбўй ҳиди бор; иккинчиси *ҳиндий* дейилиб, қора рангли, енгил ва [мазаси] аччиқ; ҳиди оғир тури *қаранфилий* деб аталади. Бу турларнинг энг пасти ҳиди сабир ҳидига ўхшаганидирки, у қорамтир бўлади. Бу турларнинг [учинчиси] румий бўлиб, шамшодга ўхшайди ва унинг ўткир ҳиди ҳам бор. Қалбакилик билан яхши қустни қаттиқ қора андиз илдизи билан алмаштирадилар. (Буни ажратиш шундай). Бу тилни ачитмайди ва унинг кучли ҳиди ҳам йўқ.

Танлаш.

Энг яхшиси оқ рангли, янги, тўла, [қурт] емаган, сассиқ ҳиди йўқ ва тилни ачитадиганидирким, (бу арабийсидир). Кейин қора рангли ва енгил *ҳиндий* хили ҳам қора рангли шомийси туради. [Умуман] энг яхшиси юпқа пўстлоқли ва денгиз хилидир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

У жуда аччиқ ва ўткир мазаликки, ҳатто яра ҳам қилади. Қиздириш ва бадан чуқурлигидаги хилтни ундан узоқлаштириш зарур бўлган ҳар бир аъзо учун у фойдалидир.

Зийнат.

Сув ва асал билан қориб чапилса, теридаги сепкилни кетказади.

Жароҳат ва яралар.

Унда яра қилиш хусусияти бор, аччиқ хили эса ҳўл яраларни қуритади.

Бўғинлар.

Асаб бўшашганида ва эт узилишида фойда қилади; иркуннасода қўйиб боғланса ҳам яхши [таъсир қилади].

Бош аъзолари.

Летаргияда фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак оғриқларида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Ичилса ёки воронка орқали тутатилса, ҳайз қонини ҳайдайди. Қоиндаги болани ўлдиради, сийдикни ҳайдайди, қовоқ уруғи шаклидаги гижжалар

ва ингичка гижжаларни чиқаради ва шаҳвоний қувватни кучайтиради. Бачадон оғриғига уни кўтарилади, унинг қайнатмасини ичилса ва унда ўтирилса, [бачадоннинг] совуқ оғришида фойда қилади. Шароб билан ичилса, ични юритади ва баъзан ўзидаги кўпчитувчи ортиқча ҳўллик сабабли шаҳвоний қувватни ҳам кучайтиради.

И с и т м а л а р.

Зайтун ёғига қўшиб суртилса, иситмадан олдинги эт увушишда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Шароб ва эрман билан бирга ичилса, ҳар хил чақишларда, шу жумладан, афъо илон ва бошқа нарсаларнинг чақишларида ҳам фойда қилади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Ярим миқдордаги назла ўти қустнинг ўрнига ўтади.

[1] Saussurea lappa C l a r k e.

621 ҚУРҚУМАҒМО – ЗАЪФАРОН ЁҒИНИНГ ҚУЙҚАСИ

М о ҳ и я т и.

211a Уни заъфарон ёғининг қуйқаси дейдилар[2] ||.

Т а н л а ш.

Энг яхшиси ҳиди ёқимли, оғир, қора ва ичида хашаги бўлмаганидир. Агар унга сув қўшилса, сувни заъфарон рангига бўяйди, чайналса, тишларни турғун ва кучли рангга бўяйди.

Х о с с а л а р и.

Қиздирувчи ва пиширувчи.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни равшан қилиб, хиралигини йўқотадиган қуввати бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ҳайдайди.

[1] Лат. Crocomagma заъфарон ёғини олгандан сўнг қоладиган ёғочсимон қолдиқни ифодалайди.

[2] № 743 га қаранг.

622 [421] ҚИҚИНУН[1] – КАНАКУНЖУТ ЁҒИ

(М о ҳ и я т и.

Айтишларича, бу канакунжут[2] ёғидир.

Жароҳат ва яралар.

Қўтирга ва бошда бўладиган яраларга мос келади.

Чиқариш аъзолари.

Бачадон юмилиб қолишида ва орқа тешикдаги иссиқ шишларда, агар суртилса ҳам фойда қилади. Агар уни ичилса, ични суради ва қориндаги қуртни чиқаради; у жуда яхши дори ҳисобланади).

[1] Матнда сўз бузилган. Қ. Диоск. IV, 113.

[2] № 783 га қаранг.

623 ҚИННА[1] – ГАЛЬБАН ЕЛИМИ

Моҳияти.

(Дискуридуснинг айтишича, *қинна* шаклда *қиссо*га ўхшаган ўсимликнинг елими бўлиб, у ўсимлик Сурия, яъни Шом мамлакатида ўсади. Баъзи бир кишилар уни *матофиюн*[2] деб атайдилар. Уни *ротинаж* [санавбар дарахтининг елими], нўхат ва боқиланинг уни билан қалбакилаштирадилар. Қисқаси) у икки хил бўлади: кўпиксимон, енгил вазнли ва жуда оқ ранглиси ва зич ҳам оғир хили.

Танлаш.

Энг яхшиси зич тузилишли (қундурга ўхшаган ва қўлда майдаланадиган хили бўлиб, унда чўп ва шу ўсимликнинг уруғи кўп бўлмаслиги керак).

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Унинг юмшатувчи ва шимдирувчи қуввати бўлиб, елларни ҳайдайди. [*Қинна*] гўштларни бузадиган нарсалардандир; унинг қиздириш, алангалатиш, тортиш ва шимдириш [хусусияти] бор.

Зийнат.

Ясмиқсимон сўгалларни[3] қўпоради.

Шиш ва тошмалар.

Қулғунада фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан қўшиб, ёмон яраларга суртилади.

Бўғинлар.

Чарчашда, совуқдан тиришишда ва аъзоларнинг тортишишида фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бош оғриғида ва тутқанокда фойда қилади. Тутқаноғи тутган киши-

626 ҚАЛИМИЁ УЗ-ЗАҲАБ[1] – ОЛТИН ЧИРКИ, ТЎПОЛИ

Танлаш.

Энг яхшиси олтиндан чиқадиган *анқудий*[2] бўлиб, ранги кулранг бўлади. *Сафойиҳийси*[3] ғализроқдир.

Табиати.

[Иссиқ ва совуқликда] мўътадил, қуруқлиги эса учинчи даражага яқин.

Хоссалари.

211б Ўзи ва унинг ювилгани кумуш тўполига қараганда латифроқ ва унда || қуритиш ва тозалаш хусусияти бор.

Жароҳат ва яралар.

Янги жароҳатларни [эт билан] тўлдиради, уларнинг чиркини тозалайди ва ортиқча этларни ейди; ёмон яраларни битиради.

Кўз аъзолари.

Кўзга оқ тушганда ва бошланаётган катарактада фойда қилади ҳамда кўзни қувватлантиради.

[1] Кейинги бобга ва № 725 га қаранг.

[2] Яъни кўранинг устида шингилланиб тўпланадигани.

[3] Яъни кўранинг тагига плакча шаклида чўкадигани.

627 ҚАЛИМИЁ УЛ-ФИЗЗА – КУМУШ ЧИРКИ, ТЎПОЛИ

Моҳияти.

Қалимиё олтиндан ва кумушдан олинади, шунингдек, мисдан ва марказитдан ҳам олинади. У эриган [металлнинг] устида бўладиган дурд ёки дуддир; тагига чўкадигани плакча шаклида бўлади.

Табиати.

Бу олтин тўполига яқин туради, лекин совуқроқ.

Хоссалари.

Унда ачиштирмасдан мўътадил даражада қуритиш ва тозалаш [хусусияти] бор, айниқса, унинг ювилган [хили шундай]. У, марҳамларга яраиди. Унинг қуритиш ва тозалаши энг қаттиқ бўлмаган мўътадил гавдаларда бўлади.

Жароҳат ва яралар.

Уни малҳамларга қўшиб ёки толқон шаклида ишлатилса, қўтирда, тузалиши қийин бўлган ҳўл яраларда фойда қилади.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Баданни қуритувчи, қотирувчи ва зичловчи бўлиб, унда ейиш, бурушти-риш ва куйдириш хусусияти ҳам бор.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Бурундаги оқма яраларга фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун қонашини тўхтатади, агар уни сувда эритиб, бурунга томизилса, бошни тозалайди. [Яшил зок] қулоқни тозаловчи дорилардан бири бўлиб, қулоқнинг совуқ оғриқларига фойда қилади (ва қулоқдаги қуртларни ўлдиради).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ундан бир *драхмий*ни асал билан ичирилса, ингичка гижжани ва қовоқ уруғи шаклидаги гижжаларни ўлдиради.

З а ҳ а р л а р.

[Заҳарли] қўзиқориннинг зарарини қайтаради.

[1] № 220 га қаранг.

629 ҚАЛҚАТОР – САРИҚ ЗОК

М о ҳ и я т и.

Жолинуснинг фикрича, *қалқадис қалқатор*га айланади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унда кучли куйдириш, қон оқишни [тўхтатувчи] буруштириш ва қуритиш хусусиятлари бор. Куйдирилгани [яъни чучитилганининг] қуритиши кўпроқ ва ачиштириши камроқ ва унда кучли буруштириш би-лан бирга кўп иссиқлик ҳам бор.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р[2].

Уни кашнич суви билан қўшиб, суртилса, учуққа ва сарамасга[5] фойда қилади. Уни ёмон яралар ва ўрмаловчи яраларга ҳам сепилади; у ортиқча этларни куйдиради ва [яра юзини] қовжиратади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурун қонашида ва милк ҳамда ҳалқумдаги шишларда фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни равшан қилувчи дориларга қўшилади, шунингдек, қалинлашган қовоқни юпқа қилиш учун ишлатилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Бачадондан] қон кетишни тўхтатади.

[1] № 220 га қаранг.

[2] Б. да: «шиш ва тошмалар».

[3] Б. да шундай; Л. да: «оташакда».

630 ҚУННОБРО[1] – ТУНБОШ

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латифлаштирувчи, тозаловчи ва парчаловчи. Бавлуснинг айтишича, [тунбош] савдони туғдиради, айниқса, унинг туз билан қопланган шундай [таъсирга эга].

З и й н а т.

Сепкил ва доғларни кетказади; уни ейилса ва қўйиб боғланса, ҳақиқатан ҳам оқ доққа қарши энг фойдали нарса бўлиб, уни бир оз кунда йўқ қилиб юборади. Бу арабларга маълум бўлган нарсалардан биридир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Унинг баргини кўкракдаги[2] ёмон яраларга қўйиб боғланса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Илдизининг сувини бурунга тортилса, миядаги қуюқ ҳўлликларга қарши фойдали таъсир кўрсатади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Ўпкадаги тиқилмаларни очади ва уни тозалайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг суви ични суради; ўзи бавосирга қўйиб боғланади, ичак оғриқларини йўқотади; бачадон қаттиқлигини юмшатади ва қуюқ каймусларни чиқаради[3].

З а ҳ а р л а р.

Тунбошни ҳамма газандаларнинг чаққанига қарши қўйиб боғланади.

[1] Lepidium draba L. Plumbago europaea L. ни ҳам ифодалаши мумкин. «Сайдана», 863.

[2] Б. да: «эмчакдаги».

[3] Бу ерда яна «озиқлантириш аъзолари»да келтирилган жумлани хато равишда қўшиб қўйилган.

631 ҚИССУС[1] – ЛАДАН

Моҳияти.

Унинг хили учта: қора, оқ ва қизил. Буларнинг ҳаммаси ўткир мазали ва буруштирувчан бўлиб, уларнинг биридан *лодан* дейилган нарса олинади. *Қиссус* аслида *лодан* ёки унинг бошқа хилидир, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам сифатлари билан бир-бирларига яқиндирлар.

Табиати.

*Қиссус*нинг табиати иссиқликка яқин; баъзи хиллари совуқлик ҳам бўлади. Лекин лоданнинг [423] ўзи иккинчи даражанинг охирида иссиқдир.

Хоссалари.

Асаблар учун зарарли, унда, айниқса, баргларида, буруштиришлик ва гулида – қотириш хусусияти бор. Булардан *лодан* номи билан машҳур бўлгани қиздирувчи, юмшатувчи ва томирларнинг оғзини очувчидир.

Зийнат.

Унинг суви битларни ўлдиради ва сочни тўкади ||. Агар *лодан*ни шароб ва асал суви билан аралаштириб, яралардан қолган изларга суртилса, уларни кетказади. Агар уни шароб, мурр ва марсин ёғочининг ёғи билан аралаштириб ишлатилса, соч тўкилишини тўхтатади. Лекин унинг таъсири «тулки касаллиги»даги [мўй тўкилишга қаршилик қила олишгача] етиб бормайди, чунки унинг шимдирувчанлиги кам. *212а*

Жароҳат ва яралар.

Унинг қайнатилгани шароб билан қўшиб, ишлатилса, кўп яраларга фойда қилади. Агар уни қўйиб боғланса, ёмон яранинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Оловда куйишга қарши ишлатиладиган мумли суртма таркибига ҳам киради.

Бўғинлар.

Асабларга зарарли.

Бош аъзолари.

Агар унинг ширасини гулсапсар илдизининг ёғи, асал ва *натрун* билан қўшиб, (бурунга тортилса), эски бош оғриқларини қолдиради. Агар унинг қора хилидаги бошчалардан шира олинса, сўнгра уни анор пўстида иситиб, оғриқ тиш томондаги қулоққа томизилса, фойда қилади. Унинг сувини

бурунга тортиш мияни тозалаш учун яхшидир. Шунингдек, у бурундан кўп вақтдан бери турли нарсаларнинг оқиб туришини тузатади ва унинг яраларини битиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар *қиссус*нинг ҳўлини сирка билан бирга талоққа қўйиб боғланса, фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Агар *қиссус*нинг оқ гулидан уч бармоқ кўтара оладиган бир чимчасини шароб билан ичилса, дизентерияда фойда қилади. Шунда уни бир кунда икки марта ичириш керак. Унинг ҳўлини ва бошчаларини қўйиб боғланса, ҳайз қонини ҳайдайди. Ҳайз қонидан тозалангандан кейин [*қиссус*нинг] бир *драхмий* миқдоридагиси билан буғланса, [хотин кишининг] бўйида бўлишига тўсқинлик қилади. Агар унинг янгисини олиб, учи билан кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди, болани туширади. *Лодан* билан буғланса, йўлдошни туширади. Гули ични қотиради.

Заҳарлар.

Агар унинг илдизини сирка ва шароб билан ичирилса, қоракурт чаққанида фойда қилади.

[1] Cistus ladaniferus L. №№ 380, 339, 382 га қаранг.

632 ҚАЙҚАҲУН[1]

Моҳияти.

Ёқимсиз мазали елим бўлиб, Араб мамлакатидан келтирилади. Баъзи кишилар уни сандарак дейдилар, лекин бу фикр қатъий эмас. Уни *мурр* ва *майъа* билан бирга тутатадилар.

Таъсир ва хоссалари.

Унда бир оз елимлаш[2] хусусияти бор.

Зийнат.

Яра изларини тезда тозалайди. Унинг оздириш хусусияти ҳам бор.

Бош аъзолари.

Агар ундан кунига уч чорак *дирҳам*ни сиканжубин ёки сув билан ичилса, тиш оғриғи ва милк қочишини тузатишда ҳеч нарса унга тенглаша олмайди.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткирлаштиради.

Нафас аъзолари.

Асал суви билан бирга [ишлатилса], астмада фойда қилади. Уни кураш тушувчилар ишлатадилар.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Агар уни уч кунгача сиканжубин билан ичилса, талоқни жуда кичрайтиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Асал суви билан бирга ишлатилса, ҳайз қонини ҳайдайди.

[1] Amyris kataf Forsk.нинг елими.

[2] Б. да шундай; Л. да: «озиқлик».

633 ҚУТН[1] – ПАХТА, ҒЎЗА

(М о ҳ и я т и.

Маълум).

Х о с с а л а р и.

Чигити қиздирувчи ва юмшатувчи.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Чигит кўкракка жуда яхши; йўталга фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Чигити ични юмшатади. Баргининг шираси болалардаги ичкетарга фойда қилади.

[1] Gossypium herbaceum L.

634 ҚИННАБ[1] – КАНОП, НАША

Х о с с а л а р и.

Уруғи елни ҳайдайди, қуритади, қийин ҳазм бўлади; ёмон хилт [туғдиради] ва кучли қиздиради. Қовурилганининг зарари камроқ. Шакардан тайёрланган сиканжубин унинг зарарини қайтаради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ёввойи [каноп] илдизининг қайнатмасини иссиқ шишлар ва сарамасга қўйиб боғланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шираси ва ёғи қулоқ оғриғига фойда қилади. Баргининг шираси билан бошни ювилса, қазғоққа фойда қилади. Уруғи қаттиқ қиздиргани ва буғлатгани сабабли бошни оғритади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Уруғи қийин ҳазм бўлади ва меъда учун ёмон.

Чиқариш аъзолари.

Пўстини[2] кўп истеъмол қилинса, эрлик уруғини қирқади.

[1] № 273 ва 689 га қаранг.

[2] Б. да: «уруғини».

635 ҚАТОД – КИЙИКПАНЖА

Моҳияти.

«Коф» [К] ҳарфи бобида унинг елими ҳақида гапирилди. Унинг елими катиродир[1].

(Табиати.

Совуқ ва қуруқ).

[1] № 348 га қаранг.

636 ҚАЛИЙ[1] – ИШҚОР

Хоссалари.

Ўткир[2], куйдирувчи, тозаловчи ва туздан кўра кучли еювчи.

Зийнат.

Доғларда фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Қўтирда фойда қилади ва ортиқча этларни ейди.

[1] Kalium carbonicum – поташ (Фармакопея VIII).

[2] Б. да: «иссиқ».

637 ҚИМУЛИЁ[1] – КИМОЛОС КЕСАГИ

Моҳияти.

Мармарга ўхшаш тош тахталар бўлиб, оқ рангли, ялтироқ ва кофурникига ўхшаш мазаси ёқимли бўлади. Унинг [424] ялтироқ бўлмаган хили ҳам бор. Унинг ҳаммаси тезда уваланиб кетади.

Жароҳат ва яралар.

Уни сув ва сирка билан қўшиб, ишлатилса, оловда куйганга фойда қилади. Куйдириб ювилгани эса қийин битадиган яраларга фойда қилади.

[1] № 318 га қаранг.

638 ҚОҚУЛЛО – САРИҚБОШ; ШЎРА

Моҳияти.

Бу, *ушнон*га[2] ўхшаб кетадиган ўсимликдир.

Табиати.

Биринчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари. || *212б*

Шўрада буруштириш билан бирга тузлилик ҳам бор; лекин [бу жиҳатдан] бўлаклари ўхшаш эмас, бир оз кўпчитиш хусусиятига ҳам эга.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Сут билан қўшиб, ғарғара қилинса, фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сариқ сувни ҳайдайди, айниқса, унинг уруғи ва ўсимлигининг шираси шундай қилади; кучсизлантириб қўймаслиги учун уни камроқ [ишлатиш керак].

Чиқариш аъзолари.

Сийдикни ҳайдайди ва эрлик уруғини туғдиради. У сафро ва сув моддасини юмшоқлик билан сурувчидир. Шўранинг ичиладиган миқдори учдан бир *ратл*дан, учдан икки *ратл*гача.

[1] Cacalia verbascifolia S i b t h.; Salsola fraticosa L.
Б. да: «қалқос».

[2] № 27 га қаранг.

639 ҚИРТОС[1] – ПАПИРУС ҚОҒОЗИ

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Қуйдирилгани қон оқишни тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Қуйдирилгани ширинчага фойда қилади.

Бош аъзолари.

Қуйдирилгани бурун қонашини тўхтатади.

[1] Cyperus papyrus L.дан тайёрланадиган қоғоз.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Латиф ва аччиқ; унда яна ер моддаси ва латифлаштириш хусусияти ҳам бор. Жолинуснинг айтишича, унинг гули эрмандан ҳам етукроқ бўлиб, унда [тиқилмаларни] очиш хусусияти бор.

Зийнат.

Унинг куйдирилгани «тулки касаллиги»да фойда қилади, айниқса, канакунжут ёғи, турп ёғи ва зайтун ёғи билан бирга ишлатилса. Бўйимодарон ўзининг очувчанлиги сабабли, агар, уни баъзи бир ёғлар билан бирга қайнатиб [суртилса], секин ўсадиган соқолларнинг ўсишига фойда қилади; шунингдек, у милкларни буруштиради.

Шиш ва тошмалар.

Шилликли ўсмаларни шимдиради, агар беҳи билан бирга пиширилса, шимилиши қийин бўлган шишларни шимдиради.

Жароҳат ва яралар.

Ҳўли жароҳатларга тўғри келмайди, балки ачитади.

Бўғинлар.

Қайнатмаси эт узулганида ва эски, тузалиши қийин иркуннасода фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бўйимодаронни зайтун ёғида қайнатилса, бошни қиздиради ва унинг совуқлигини кетказади.

Нафас аъзолари.

Қайнатмаси қийналиб ва «тикка нафас олиш» [касалида] фойда қилади. Энг яхшиси гулининг қайнатмасидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Зайтун ёғида қайнатиб ишлатилса, меъдани қиздиради ва унинг совуқлигини кетказади.

Чиқариш аъзолари.

Ҳайз қонини ҳайдайди, болани туширади ва буйрак ҳам қовуқдаги тошни майдалайди; қиздирилган ёғи бачадон оғзининг юмилишида ва қийналиб сийишда фойда қилади.

Иситмалар.

Ёғ билан аралаштириб [суртилса], иситма олдидан эт увушишида фойда қилади.

Заҳарлар.

Шароб билан қўшиб, заҳарларга қарши ичилса, фойда қилади, Уни ёток остига солиб ётилса, газандаларни ўлдиради ҳамда уларни қочиради.

[1] Achillea santolina L. Яна қаранг: «Сайдана», № 33(3).

641 ҚОТИЛ УЗ-ЗИЪБ – «БЎРИНИ ЎЛДИРУВЧИ»

Х о с с а л а р и.

Қуввати «қоплон бўғувчи»нинг қувватига тенг, лекин бу бўриларга хос[2].

[1] Aconitum lycoctomum L., A. napellus L.

[2] № 764 ва 765 га қаранг.

642 ҚОТИЛ УЛ-КАЛБ –«ИТНИ ЎЛДИРУВЧИ»[1]

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бурунни қонатади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Қон туфлатади.

З а ҳ а р л а р.

Итларни тезда ўлдиради. Одамларнинг бурнини қонатади ва қон туфлатади.

[1] М. А. да ёзилишича, баъзилар буни кучала деб танийдилар. Аммо Ибн Синонинг бу дори ҳақида ёзганлари кучаланинг хоссаларига тўғри келмайди. Баъзилар буни Barjonia racemosa D e c n e ёки Marsdenia erecta R. Br. деб тахмин қиладилар.

643 ҚАТАФ[1] – «РУМ ИСМАЛОҒИ»

М о ҳ и я т и.

Бу сармақ [Рум исмалоғидир].

(Т а б и а т и).

Иккинчи[2] даражагача совуқ ва шу даражагача ҳўл.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сафроли кишилар учун унинг уруғида юмшатувчи қувват бор.

[1] Atriplex hortensis L.

[2] Л. нинг ҳошиясида «учинчи» қилиб тузатилган.

644 ҚУРРАТ УЛ-АЙН[1] – «СУВ ПЕТРУШКАСИ»

Моҳияти.

Бу сув таратизагидир. Шунингдек, уни сув петрушкаси ҳам дейдилар. У хушбўй бўлиб, туриб қолган сувли ерларда ўсади.

Таъсир ва хоссалари.

Қиздирувчи ва шимдирувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Агар хомлигича ёки пиширib ейилса, ҳайз қони ва сийдикни юритиради, буйракдаги тошни майдалайди ҳамда ичак яраларига фойда қилади.

[1] № 502 га қаранг.

645 ҚАРЪ[1] – ҚОВОҚ

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл.

Хоссалари.

Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб, [ичак орқали] тезда ўтиб кетади. Агар бирор сабаб билан ҳазм бўлишдан илгари бузилмаса, ундан ёмон хилт туғилмайди ёмон хилтлар билан аралашганлиги туфайли меъдада бузилади. Унинг [меъдада] тўхтаб қолиши бошқа мевалар кабидир. Ундан туғилган хилт мазасиз бўлади, аммо унга бирор нарсадан кўпроқ аралашса, маза киради. Агар у беҳи билан аралаштирилса, [туғдирган] хилти сафроли кишилар учун яхшидир; анор ва ғўра сувлари билан аралаштирилганда ҳам шундай. Аммо йўғон ичакка унинг зарари икки ҳисса бўлади. Унинг хоссаларидан яна бири ўзига аралаштирилган нарсага ҳамжинс бўлган озиқ пайдо қилишидир: агар уни хардал билан қўшиб, ейилса, ундан ўткир хилт, [425] туз билан ейилганда (шўр хилт ва буруштирувчи нарса билан ейилганда) буруштирувчи хилт туғилади. Қисқаси шуки, қовоқ савдоли ва балғамли кишилар учун зарарли ва сафроли кишилар учун эса яхшидир. Унинг мураббоси дори сифатида ишлатилмайди ва ҳеч бир совутадиган ва қиздирадиган таъсир кўрсатмайди, аммо у кўпинча
213а лаззат олиш учун ейилади. ||

Нафас аъзолари.

Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва кўкрак оғриқларида фойдалидир.

Бош аъзолари.

Унинг шираси, айниқса, қизил гул ёғи билан қўшиб, [ишлатилганда] иссиқ қулоқ оғриғини босади ва мия шишларида, сарамасга ва томоқ оғриқларида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қовоқнинг қайнатилгани меъдадаги иссиқ чиқиндилар учун фойдали бўлиб, уларни туширади. Қовоқ ичига солиб қўйиб, кейин ишлатилган шароб ҳам шундай. (Қаттиқ) тиш оғриғига қарши қовоқдан олинган ширани бурунга тортилади. [Қовоқ] меъдада кўп ҳўллик туғдириб, чанқовни босади. Хом қовоқ меъда учун, ҳатто болалар ва ўсмирлар меъдаси учун ҳам зарарлидир. Меъдада қовоқдан пайдо бўлган зарарга қусишдан бошқа даво йўқ. Унинг йўғон ичакка етказадиган зарари жуда каттадир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар қовоқ сувини асал билан қайнатиб, *натрун* солиб [ишлатилса], ични юмшатади. Уни қўрга кўмиб, бутунлигича пиширib, сўнгра сувини шакар билан қўшиб, ичилганда ҳам шундай [таъсир кўрсатади]. Қовоқ ичакларга ва хусусан, йўғон ичакка қаттиқ зарарлидир.

И с и т м а л а р.

Сафродан бўлган иситмаларга фойда қилади.

[1] Cucurbita maxima Duch.

646 ҚИССО[1] – ТАРРАК

Т а н л а ш.

Тарракнинг уруғи бодринг уруғидан яхши [бўлиб], унинг энг яхшиси ва латифи пишганидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражагача совуқ ва ҳўл.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Иссиқлик ва сафрони тинчлантиради. Аммо унинг каймуси ёмон бўлиб, чиришни келтириб чиқаради ва қаттиқ иситмаларни қўзғатади. Пишган таррак[2] тезроқ бузилади. Пишган тарракда тозалаш хусусияти бор. (Унинг уруғи бодринг уруғидан яхшироқдир). Бодринг [тарракка] нисбатан секин ўзлаштирилади. У хом ҳолда томирларга кириб, давомли иситма пайдо қилади. Унинг зарарини жувона ёки меъданинг қаттиқ алангаланиши қайтаради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Унинг баргини асал билан қўшиб, шилликдан пайдо бўлган эшакемига қўйилса, фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Иссиқ [мизожлик]дан ҳушсиз бўлган киши уни ҳидласа, фойда кўради ва ҳушига келади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

[Таррак] чанқовни босади. У меъда учун яхши, аммо камдан-кам яхши ўзлашади ва агар унинг илдизидан қорин тўқлигида бир неча *оболо* миқдорида асал сувига қўшиб ичилса, суюқ хилт қустиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унда [сийдик]ни юриштириш ва [ични] юмшатиш [хусусияти] бор. Эрлик олати оғриқларига фойда қилади ва қовуққа мос келади; аммо [сийдикни] ҳайдашда қовундан кейинда туради.

(З а ҳ а р л а р.

Унинг барглари қутурган ит тишлаганига фойда қилади).

[1] Cucumis flexuosus L.

[2] Б. да: «қовун тарракка қараганда».

647 ҚИССО УЛ-ҲИМОР[1] – ЁВВОЙИ БОДРИНГ

М о ҳ и я т и.

Унинг ширази қуйидаги тартибда тайёрланади: ёзнинг охирида унинг меваси сарғайгандан сўнг олинади [ва эзиб], суви оқсин учун бир латтага солиб, осиб қўйилади, оққан сувни сузилади ҳамда сопол лаганга солиб, иссиқ кул устига қўйиб, қуритилади ва бир тахтача устига қўйиб қўйилади.

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси тарракка ўхшаш сариқ ва тўғриси ҳамда аниқ аччиғидир. Ширасининг яхшиси эса оқ, силлиқ, енгил ва денгиз пиёзига ўхшаш ва бир йил турғизилганидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф ва шимдирувчи. Унинг илдизи, барги ва меваси тозалайди ва шимдиради, пўстлоғи эса кўпроқ қуритади. Илдиз ва баргларининг ширази қувватда бир хилдир.

З и й н а т.

Ёввойи бодрингнинг ўзидан, илдизидан ва баргларидан олинган шира сариққа фойда қилади. Унинг қуруғидан қилинган толқон эса яра битган ўриндаги қора изларни йўқотади ва юз чиркларини тозалайди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Агар унинг илдизини арпа унига аралаштириб боғланса, барча шилликли эски шишларни шимдиради. Уни сақич оғочи елими билан қўшиб, боғланса ва хусусан, ширасини ишлатилса, жароҳатларни оқизади.

Жароҳат ва яралар.

Агар унинг қуруғини майдалаб, қўтир ва темираткиларга сепилса, фойда қилади.

Бўғинлар.

Бўғинлардаги оғриқларга фойда қилади. Қайнатилгани эса иркуннасо касалига фойдали ҳуқна бўлади. Уни сирка билан аралаштириб, подаграга қарши [касал жойга] қўйиб боғлайдилар.

Бош аъзолари.

Унинг ширасини сут билан бирга бурунга тортилса, бош ярмининг қаттиқ оғришини босади. Агар уни сут билан қўшиб, бурун катакларига суртилса, кўп чиқиндиларни чиқаради. «Темир қалпоқ» деб аталувчи бош оғриққа ва эски бош оғриқларига ҳам фойдалидир. Баргларининг шираси кучсиз. Агар ўзининг ширасини қулоққа томизилса, оғриғини босади.

Нафас аъзолари.

Унинг шираси билан сурги қилиш нафас олиши ёмонлашган кишига жуда мос келади. [426] Унинг ширасини асал билан ва эски зайтун ёғи билан қўшиб, балғамли томоқ оғриқда танглайга суртилади. || *213б*

Озиқлантириш аъзолари.

Агар ёввойи бодрингнинг илдизидан бир ярим *оболо* ичилса ёки ундан ярим *ратл* олиб, икки *қист* шароб билан қайнатилса ва ҳар уч кунда уч *оболо*дан беш *оболо*гача ичирилса, истисқо касалига унинг сувини чиқариш билан зарарсиз ажойиб манфаат етказади. Унинг илдизидан бир ярим *оболо* ёки пўстлоғидан чорак *оксибаф* қабул қилинса, у (ўша ичилган куниёқ) балғам ва сафро қустиради; ҳамда уни асал суви билан ичсалар, меъдага ҳеч зарар етказмасдан [балғам ва сафрони] енгиллик билан суриб, яхши фойда беради. Ёввойи бодринг билан сурги қилинганда унинг ширасига икки баробар миқдорида туз аралаштирилса, яхши бўлади, сўнгра ясмиққа ўхшатиб ҳаб қилиб, сув билан ичилади. Уни қустириш учун ишлатилганда эса, ширасидан озгина миқдорда олиб, сувда эритиб тилнинг тагига ва атрофларига суртилади. Агар унинг таъсирини тезлатиш ва кучайтиришни истасанг, [бу ишни] зайтун ёки гулсапсар ёғи билан қилгин. Агар қусиш ҳаддан ошиб кетса, бу дорини қабул қилувчи шаробга зайтун ёғини аралаштириб ичади, шунда у ўша замониёқ тинчланади. Агар таъсир қилмаса, совуқ сув ва сирка билан аралаштирилган арпа толқонига қўшиб берилади.

Чиқариш аъзолари.

Шиллиқ ва қонни суради; шираси сийдик ва ҳайз қонини ҳайдайди ва кўтарилса, қоиндаги болани нобуд қилади.

[1] Ecballium elaterium Rich.

648 ҚАРН – МУГУЗ, ШОХ

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тоғ эчкиси ва урғочи эчкиларнинг қуйдирилган шохлари тишларни кучли равишда ярқиратади, милкларни мустаҳкамлайди ва улардаги оғриқларни қолдиради. Шохни то оқаргунча куйдириш керак.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ювилган туз каби куйдириб оқартирилган тоғ эчкиси шохи ёмон хилт [модда]ларнинг кўзга тушишини тўхтатади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Куйдирилган тоғ эчкиси шохининг ювилгани қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдага зарар етказмасдан сув йиғилиб шишган қоринни пучайтиради, сариқда ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Куйдирилган тоғ эчкиси шохининг ювилгани дизентерияга фойдалидир.

649 ҚУРРАЙС[1] – ҚИЧИТҚИЎТ УРУҒИ

М о ҳ и я т и.

Бу *анжура* [қичитқи] ўтидир[2].

[1] Urtica pilulifera L. ёки U. urens L. уруғи.

[2] № 35 га қаранг.

650 ҚАТО – ЛОЙХЎРАК [ҚУШ]

Т а б и а т и.

Иссиқлиги бўш, қуруқлиги қаттиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Савдони туғдиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Истисқо касалига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичкетишда фойда қилади.

651 ҚАВОНИС – ҚУШ ҚОРНИ

Х о с с а л а р и.

Қушларнинг қорни кўп ғизолик, аммо товуқнинг қорни тезда ҳазм бўлмайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Айтишларича, қуш қорни ички қатламининг қуритилгани меъда оғзига ҳамда унинг оғриқларига фойдалидир. Ибн Мосавайҳ, хусусан, хўрознинг қорни [фойдали] дейди.

652 ҚУҚИЙ[1] – ТЮЛЕНЬ; САКМУЯ

М о ҳ и я т и.

Бу денгиз ҳайвони бўлиб, қуввати қундуз деб аталадиган ҳайвоннинг қувватига яқиндир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг гўшти тутқаноқ касалига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон бўғилишида фойда қилади.

[1] Юнонча *фуқий* сўзининг бузилгани.

653 ҚУНФУЗ –ТИПРАТИКАН

М о ҳ и я т и.

Чўл типратикани машҳурдир. Тоғ типратикани камон ўқига ўхшаш тиканли ва ўз табиати билан чўл типратиканига яқин бўлиб, у *жайра* деб аталади. Денгиз типратикани[1] эса чиғаноқли балиқларнинг бир туридир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унинг ёғи, шунингдек, қуритилган жигари моддаларнинг ички аъзоларига қуйилишини тўхтатади. Чўл ва денгиз типратиканларининг қулида тозалаш, шимдириш ва қуритиш хусусиятлари бор.

З и й н а т.

Чўл типратиканининг тузлангани филлик касалига фойда қилади; чўл типратиканининг гўштида шимдириш ва қуритиш хусусиятлари кучли бўлганидан мохов касалида фойда қилади. Зифт билан аралаштириб [ишлатилса], чўл типратиканининг куйдирилган териси «тулки касаллигига» фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Денгиз типратиканининг териси қўтирда [ишлатиладиган] дориларга қўшилади ва у фойдалидир; унинг гўшти эса қулғунага жуда фойдали бўлади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Типратикан терисининг кули чиркли яраларга фойдали ҳамда ортиқча гўштни йўқотади. Унинг гўшти қулғуна ва қаттиқ тугунлар учун ҳам фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Чўл типратиканининг тузланган гўшти фалаж, тиришиш ва барча асаб касалликларида, шунингдек, филлик касалида фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Чўл типратиканининг гўшти сил касалида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Чўл типратиканининг гўшти мизож бузилишига фойда қилади ва унинг тузланганининг сиканжубин билан қўшилгани, шунингдек, сопол идишга
214а солиб, офтобда қуритилган жигари [427] || истиско касали учун яхшидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Денгиз типратикани меъда учун яхши; у ични юмшатади ва сийдикни ҳайдайди. Чўл типратиканининг тузлангани сиканжубин билан бирга бош оғриғига ва буйрак оғриқларига фойда қилади. Чўл типратиканининг гўшти кечаси сийиб чиқадиган болалар учун [шу қадар] фойдалики, уни кўп ейилганда, баъзан ҳатто сийишни қийинлаштиради ҳам.

И с и т м а л а р.

Чўл типратиканининг гўшти чўзма иситмаларда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Типратиканнинг гўшти газандалар чаққанида фойда қилади.

[1] Sphaerechinus esculentus. «Сайдана» № 72 (15).

654 ҚАБЖ – КАКЛИК

М о ҳ и я т и.

Маълум, унинг сифатлари билан *тайҳуж* [дала каклиги]нинг сифатлари умумийдир.

Х о с с а л а р и.

Каклик гўшти энг латиф гўштлардандир.

З и й н а т.

Каклик гўшти семиртиради.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Унинг гўшти кўнгилни равшан қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Каклик гўшти истисқога фойда қилади ва меъда учун ҳам фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Каклик гўшти енгил бўлиб, [ични] қотиради ва шаҳвоний қувватни кўпайтиради.

655 ҚУНБУРА[1] – ТЎРҒАЙ

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Яхши ўзлаштирилса, кўп озиқлидир; аммо секин ҳазм бўлади.

[1] Б. да: «Қ-б-р».

656 ҚАЗМ ҚУРАЙШ – ЧИЛҒУЗА, САНАВБАР МЕВАСИ

М о ҳ и я т и.

[Бу ҳақда] *таннуб* [қизил санавбар] бобида айтиб ўтилди[1].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буйрак ва қовуқ яралари учун яхшидир.

[1] № 723, 602 ва 274 га қаранг.

657 ҚАЛАТ[1] – «ҲИНД МОШИ»

М о ҳ и я т и.

Бу ҳинд моши бўлиб, зиғир уруғига ўхшайди, аммо ундан бир оз каттароқ ва қорамтир ранглидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва биринчи даражада ҳўл.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳиқичоқни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди. Ични бўшатиш учун яхшидир.

[1] Dolichos biflorus L.

658 ҚАЙШУР – ЖИЛВИР ТОШ, ПЕМЗА

М о ҳ и я т и.

Бу *финак* бўлиб, бу ҳақда *забад ул-баҳр* [денгиз кўпиги] бобида айтиб ўтилди[1].

[1] *Забад ул-баҳр* бобида *финак* сўзи учрамайди.

659 ҚАТТ[1] – БЕДА

Моҳияти.

Бу *исфист*[2], яъни ҳўл бедадир. У барча ҳайвонлар учун овқатдир.

Бўғинлар.

Унинг ёғи қалтироқ [касали] учун энг фойдали нарса бўлиб, уни тузатади.

[1] Medicago sativa L.

[2] № 684 га қаранг.

660 ҚАРАЗ[1] – АРАБ АКАЦИЯСИ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, баъзилар уни *ақоқиё* баъзилар эса *акокиё* деб атайдилар. Бу Мисрда ва ундан бошқа жойларда ўсадиган дарахтнинг ширасидир. У баланд, тиканли, дарахт катталигида бўлган бута бўлиб, барг ва шохлари тик ўсган эмас; оқ гулли меваси Миср боқиласи каби оқ ва қобиққа ўралгандир. Унинг ширасини олиб, соя жойда қуритилади. Агар унинг меваси пишган бўлса, ширасининг ранги қора бўлади, пишмаган бўлса ширасининг ранги ёқут рангига ўхшаш бўлади. Уни танлашда ранги ёқут рангига ўхшашини олинади. Уни бошқа хил *ақоқиё*ларга қўшилганда уларни хушбўй қилади. Кишилар [*қараз*нинг] барги билан мевасини йиғиб, ширасини оладилар. Араб елими ҳам шу тиканли бутадан олинади. Баъзан *ақоқиё*ни кўз дориларига қўшиб ишлатиш учун қуйидагича ювилади: уни сувга солиб, янчилади ва унинг устига чиққан сувни тўкилади, то сув тоза бўлгунча шундай қилиб, сўнгра [чўккан] *ақоқиё*дан кулчалар ясалади.

Баъзан *ақоқиё*ни лойдан ясалган идишда, [идишнинг] ўзи пишгунча[2] ўчоққа қўйиб куйдирилади; гоҳо дам билан пуфлаб турилган чўғ устида қўйиб қовурилади. Бу тиканли дарахт елимининг энг яхшиси куртга ўхшаган ва ҳеч чўп-хас аралашмаган ва ранги шиша рангига ўхшаш тиниқ бўлганидир. Бу хил яхшисидан кейингиси оқ ранглилиги бўлиб, унинг санавбар дарахтининг елимига ўхшаган ифлос [хили] ёмондир. У елимловчи қувватга эга бўлиб, иссиқ дориларга аралашган вақтда уларнинг ўткирлигини кесади.

Мисрда ўсадиган акацияга ўхшаш Каппадокияда ўсувчи иккинчи бир

хил акация ҳам шу дарахт жумласидандир. Лекин у аввалгисидан анчагина кичикроқ ва серсув бўлиб, ўқ учига ўхшаш тиканлар билан ўралган; барглари газагўтнинг баргига ўхшаш бўлади. Кузда икки паллали қобиқ ичида уруғ боғлайди; ҳар бир қобиқ ичида уч ёки тўрттадан доначалари бўлади. Унинг уруғи ясмиқ уруғидан кичикроқдир. Бу акация ҳам буруштиради. Бунинг ширасини дарахтининг ўзидан олинади. Бу акациянинг қуввати Мисрда ўсадиган акация қувватидан пастроқдир. Бу хил акация кўз дориларига кирувчи дори [сифатида] ишлатишга ярамайди. Баъзи одамлар бу акацияни *қараз* деб атаганлари учун биз бу ерда келтириб ўтдик ва моҳиятини баён қилдик. Кермоннинг ишончли кишиларидан [428] эшитдимки, улар *қараз*нинг ширасини *ақоқиё* деб атайдилар. Аммо биз унинг барча ишлари ва баданга тегишли таъсирларини баён қилиб *«Алиф»* [А] ҳарфи фаслида айтиб ўтдик.

[1] Acacia arabica W i l l d. ёки A. vera W i l l d.

[2] Шу ерда матн бузилган; Диоск. I, 108 ва D–G I, 133 асосида таржима қилинди.

661 ҚАМР ҚУРАЙШ[1]

(М о ҳ и я т и.

Дискуридус айтадики, баъзи кишилар *қамр қурайшни фитундос*[2] деб атайдилар, бу эса қизил санавбар меваси бўлиб, қобиқ ичида бўлади, қобиқни ҳам баъзан санавбар деб аталади.

Х о с с а л а р и.

Унинг қуввати буруштирувчи ва енгил қизитувчидир.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг ёлғиз ўзини ёки асал билан қўшиб, ишлатилса, йўталга ва кўкрак оғриқларига фойда қилади).

[1] Бу ҳам *қазм қурайш*ни ифодалайди. «Сайдана» № 648 (9).

[2] Матнда сўз бузилган. Диоск. I, 68 ва D–G I, 87 (Pituides) асосида ўқилди.

«РО» ر [Р] ҲАРФИ

662 РАЙҲОН[1] – РАЙҲОН

(М о ҳ и я т и.

Икки хил маълум бир ўсимлик).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

(Уни янчиб ёки ёғини олиб, марҳам қилиб), бавосирга суртилса, фойда қилади, (чунки у меъдада пайдо бўладиган елга фойдалидир).

[1] № 111 га қаранг.

663 РАЙҲОН СУЛАЙМОНИЙ[1] – «СУЛАЙМОН РАЙҲОНИ»

Моҳияти.

Бу Исфаҳон тоғларида учрайдиган ҳўл укропга ўхшаш ўсимликдир. Айтишларича, унинг япроғи гулхайри япроғига ўхшайди. Гуллари майда бўлиб, ўзи қўйпечакдек дарахтга чирмашадиган бўлади. Бу ҳақда турлича фикрлар бўлса керак. Иккинчи сўз, *жамисфарам*[1] деб аталган ўсимликка ишорат қилса керак, чунки кўпчилик Жамни[2] Сулаймон деб ўйлайди.

Хоссалари.

Латиф ва қуритувчи.

Шиш ва тошмалар.

Сирка билан қўшиб, сарамасга ва шиллиқли ўсмаларга суртилса, фойда қилади. (Унинг барги ва ёғи ҳам шиллиқли ўсмаларга суртилади).

Яралар.

Сирка билан қўшиб, ёйилувчи яраларга суртилади.

Бўғинлар.

Подаграда суртилса, фойда қилади ва бу унинг айрим хоссаларидандир.

Бош аъзолари.

Юз фалажига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Уни бачадон оғриғига қарши қизилгул ёғи билан қўшиб, кўтарилади.

Заҳарлар.

Чаён чаққан жойга суртилади.

[1] Ocimum filamentosum F o r s k. № 160 га қаранг.


[2] Жам ёки Жамшид Эроннинг афсонавий шоҳларидан бўлиб, турли афсоналарда уни Сулаймон билан тенглаштирадилар.

664 РИЪЙ УЛ-ҲАМОМ[1] – ТИЗИМГУЛ

Моҳияти.

Мирта оғочининг донига ўхшаш ёки шунга яқин донли бир ўт; лекин бунинг донининг қорамтирлиги мирта оғочи донининг қорамтирлигига қараганда кўпроқ. Унинг мағзи рангда ва таъмда пўсти арчилган ясмиқ донига ўхшайди, лекин бир оз ширинлиги ҳам бор.

243



LIBER SECVNDVS
CANONIS
PRINCIPIS AVICENNAE.

HORVM librorum, quos de medicina ſpecificauimus, primus eſt de iudicijs vniuerſalibus in medicina: & ſecũdus eorum eſt hic liber aggregatus de medicinis ſingularibus. Et nos quidem, hunc librum in duos diuiſimus tractatus. Quorum primus eſt de canonibus [a] vniuerſalibus, quos te ſcire oportet in re medicinarum; & eſt ſcientia virtutum medicinarum in medicina. Et ſecundus eorum eſt de cognitione virtutum medicinarum particularium.

PRIMVM vero tractatum in vi. diuiſimus capitula.

Capitulum primum, eſt de complexionibus medicinarum ſingularium.

Capitulum ſecundum, eſt de cognitione complexionum medicinarum, ſingulariumq; per experimentum.

Capitulum tertium eſt de cognitione complexionum medicinarum, ſingularium per rationem.

Capitulum quartum, eſt de cognitione operationum virtutum medicinarum ſingularium.

Capitulum quintum eſt de iudicijs [b] accidentium medicinarum extrinſecus.

Capitulum ſextum de collectione medicinarũ, & conſeruatione ipſarum.

IN ſecundo autem tractatu poſuimus medicinas ſingulares in areolis.

In prima namque areola, poſuimus nomina medicinarum ſingularium, & cognitionem eſſentiæ ipſarum.

In ſecunda areola, electionem bonitatis ipſarum.

In tertia areola, rememorationem qualitatum, & naturam ipſarum.

In quarta areola, proprietates [c] operationum earum, & diſpoſitiones ipſarum vniuerſales] ſicut reſolutio, & digeſtio, & conglutinatio, & ſtupefactio, & quæ illis ſunt ſimilia ex operationibus, quas in tractatu primo diximus: & proprietates alias, ſi innant eis, & ſecunda earum deſcriptionem cum colore, vt ſit facile ipſam colligere.

In areola quinta, operationes earum, quæ pendent ex decoratione, aut in cute, ſicut remotio lentiginum, [d] vitiligonis, & porrorum, & verrucarum; aut in capillis, ſicut conſeruatio ipſorum, & prolongatio, & coloratio, quæ in decorationem ingrediuntur, & ſignauimus id totum ſignis depictis, vt per illud facilis eius inquiſitio fiat in tabulis, donec colligantur omnes medicinæ ſingulares, quæ in eis cadunt velociter.

In areola ſexta, operationes earum in apoſtemationibus, & bothoribus in partibus eminentijs, quæ fiunt ſicut puſtulæ: & terminauimus etiam omnem ſpeciem dictam in eis cũ colore proprio vnicuique earum.

In areola ſeptima, ſimiliter vlcera, & vulnera, & fracturas cũ ſuis depictas coloribus ſuis.

In areola octaua, ægritudines iunctarum, & nemorum depictas ſimiliter.

In areola nona, ægritudines membrorum capitis omnes depictas ſuis coloribus.

In areola decima, ægritudines membrorum oculi depictas ſimiliter.

In areola vndecima, ægritudines membrorum [d] ſpiritus depictas coloribus ſuis.

In areola duodecima ægritudines membrorum nutrimenti depictas ſuis coloribus.

In areola decimatertia, ægritudines membrorũ expulſionis depictas etiam.

In areola decimaquarta febres, & quæ eis conueniunt depictas ſimiliter.

In areola decimaquinta proportionem medicinarum ad venena.

In areola decimaſexta permutationem earum, & quandoque [e] communicant in medicina vna omnes areolæ, & quandoque non [f] communicant, & fortitan non reperiuntur quædam, niſi in quibuſdam areolis.

Quamq; compoſito ex tabulis receptorum, & ſignis virtutum medicinarum particularium, ſigillabo tractatum ſecundũ: & hoc ſigillabo finẽ libri, procedendo ab eo ad tertium librum.

AVIC. Q4 TRA.

a B. Alia littera naturalib. quos te oportet ſcire in re medicinæ.

b B. quæ accidunt medicinæ extrinſecus.

c B. diſpoſitiones ipſarum, & operationes ipſarũ vniuerſales.

d B. vitiligines.

e B. aggregantur.

f B. non reperiuntur in aliqua areola niſi quibuſdam areolis.

«Тиб қонунлари» иккинчи китоби лотинча нашрининг бош саҳифаси.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада ҳўл.

Таъсир ва хоссалари.

Ўзи латиф бўлиб, уни еювчи туяларга зарар қилмайди.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатларни бириктиради ва сирка билан қўшиб, боғланса, ёмон яраларнинг тарқалишини тўхтатади.

Шиш ва майда тошмалар.

Шиллиқли шишларни шимилтиради.

Зийнат.

Унинг қайнатмаси сочни қорайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Тизимгул шохларининг қайнатилгани ҳайз қони ва сийдикни юритиради ва болани туширади. Унинг суви билан хотинлар жинсий аъзоси ювилса [у ерда] пайдо бўлган қичимани босади.

[1] Verbena officinalis L. Л. да кейинги 665-дорини ҳам шу ерга қўшиб, битта сарлавҳа қилиб ёзилган. Биз уни алоҳида қилиб бердик. № 665 га қаранг.

665 РИЪЙ УЛ-ИЙЙАЛ[1] – МАВРАК

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, латиф ва қуритувчидир.

Хоссалари.

Айтишларича, бу ўтни туя еса, унга илон ва газандаларнинг заҳари зарар етказмайди, чунки туя [бадани]да бу ўтнинг тарёқи ҳосил бўлади.

Заҳарлар.

Газандалар чаққан кишига ичирилади.

[1] Матнда *ри'й ал-ибл* шаклида нотўғри босилган. Бу – Salvia officinalis L.

666 РИТТА[1] – «ҲИНД ФУНДУҒИ»

Моҳияти.

Бу ҳинд фундуғи бўлиб, ичидаги мағзи ёнғоқ катталигида бўлади, [қимирлатса] шақиллайди ва *норжил* каби қобиғидан ажралиб туради.

Табиати.

Иссиқ ва қуруқ.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни сирка билан аралаштириб, қулғунага суртилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтир ва қичималарда фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Орқага азоб берадиган елни [бодни] йўқотади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Юз фалажи касаллигида бурунга тортилса, кўп фойда етказади; шунингдек, бош ярмининг оғришида ва умуман бош оғриғида фойда қилади. Кўз тиниб, бош айланиши, тутқаноқ, жиннилик ва меланхолия касалликларида Ҳинд фундуғи бурунга тортилса, фойдалидир. Бурунга тортиб, юз фалажи касаллигида уч кун давомида ишлатиб кўрилса, буруннинг ҳар икки тешигидан сув ва кўп шиллиқни оқизади; учинчи куни касаллик тарқалади. Бу вақтда юз фалажи касали билан оғриган киши қоронғи уйда бўлиши керак. [429] У буруннинг ҳид сезолмай қолишига ҳам фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ҳинд фундуғи, айниқса, унинг кичкинасидан олинган ширани, кўзга тортилса, кўз сувланишида фойда қилади. || Тоғ райҳони суви билан бу- *214б*
рунга тортилса, кўздаги бодли паннус ва пардаларга фойда қилади. Уни ғилайликка қарши сурма билан бирга кўзга тортилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Ҳинд фундуғи илдизидан икки *дирҳам*ни шаробга қўшиб совуқ зотилжам, нафас қисиш, эски йўтал ва кўкракдаги сиқилишдан бўлган қон туфлаш касалликларига ичирилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и[2].

Қусиш билан бўладиган ичкетишда фойда қилади; совуқ меъда учун Ҳинд фундуғидан икки *дирҳам* миқдорида ичирилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадон оғриғига қарши ичирилади. Майдаланганидан шамча қилиб кўтарилса, ҳайз қонини юриштиради ва болани туширади; шунингдек, унинг ширасн савдони, балғамни, кишидаги сувли [моддани] ва сафрони ҳеч зўриқтирмай гавдадан бутунлай ҳайдайди; ҳаттоки, песни, сариқ касалини, сепкил ва шунга ўхшашларни тузатади; қуланжни ҳам тузатади. Ундан бир ичишда уч *карама* [ичилади]. Ҳар бир *карама* эса олти *қирот*дан иборат. Ҳинд фундуғини ширин шароб ёки *сиканжубин* билан қўшиб, ичилади. Унга тоғ петрушкаси, ёввойи сабзи уруғи қўшиб берилади. *Сақамуниё* бунинг ич суриш таъсирини тезлаштиради ва зўрайтиради. Бунинг ҳар бир *драхмий*сида *сақамуниё*дан уч *оболо* миқдорида бўлади. Баъзан Ҳинд фундуғидан икки *дирҳам* миқдорида олинади ва майдалаб ширин

шароб ёки *сиканжубин*га солиб, бир оз вақт қўйиб қўйилади, сўнгра ясмиқ ёки арпа билан қўшиб, товуқ гўшти солиб пиширилади; унинг шўрвасига *сақамуниё* қўшиб қултумлаб ичилади.

И с и т м а л а р.

(Иситмаларда, айниқса,) тўрт кунлик иситмада фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чаён ва қоракурт чақишига [қарши] тарёқдир. Ҳинд фундуғи қобиғининг энг устки қисмидан бир ясмиқча [катталикда] олиб, уни чақишдан қолган ярага босилади.

[1] Caesalpinia bonducella F l e m.

[2] Б. да шундай; Л. да: «чиқариш аъзолари».

667 РИВАНД[1] – РОВОЧ ИЛДИЗИ

М о ҳ и я т и.

(Бир гуруҳ кишиларнинг ўйлашича, бу Хитойда [ўсадиган] *баҳман*нинг[2] илдизи бўлиб, уни бошқа мамлакатларга Хитойдан келтирадилар). Баъзан уни [қуйидагича] сохталаштирадилар: уни қайнатиб, таркибидаги сувли [моддани] ва ширасини олиб қуритадилар, сўнгра [қолган] моддасини қуритиб, гўё [ҳақиқий] ровоч илдизидек сотадилар. Аммо бу ҳолда у тиғиз ва буруштирувчанлиги кучли бўлади. Сохталаштирилмаган ровоч илдизининг эса ғоваклиги кучлироқ ва буруштирувчанлиги камроқ бўлади; чайналганда заъфарон рангига киради.

Х о с с а л а р и.

Ровоч ўсимлигининг моддаси сув ва ҳаво [моддаларининг] аралашмасидан иборатдир ва унда олов [моддаси]нинг таъсири туфайли аччиқлашган ер [моддаси] ҳам бор. Шунингдек, унинг ғоваклиги ва буруштирувчанлиги унда ер [моддаси]нинг борлигидандир; буруштирувчанлиги ҳам ерлик [моддаси] туфайли бўлиб, бу ҳатто шу [хусусиятни] кучайтиради. Унинг таъсири [ўзида] ер моддаси хусусиятининг борлиги билан тугалланган бўлади. Тоза ровочнинг буруштирувчанлиги камроқ бўлади.

З и й н а т.

Ровоч илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурги қилинса, сепкил ва теридаги [ярадан] қолган изларга фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни баъзи суюқликлар билан қўшиб, иссиқ шишларга қўйиб боғлайдилар.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сирка билан қўшиб, темираткига [қарши] суртилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Йиқилиш ва урилишларда жуда фойдалидир. Хузистонликнинг айтишича, ровоч илдизидан бир ичиш миқдори [сув] аралаштирилган *тило* шаробига [қўшиб ичилса], икки *дирҳам* оғирлигидадир. Уни райҳон шароби билан ичилса, турли чиқишларда фойдалидир; шунингдек, унинг ёғи билан ёғланса, эт узилишида, унинг оғриқлари ва [мушакларнинг] чўзилишида фойдалидир. У чурра тушишда ҳам фойда қилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Астма ва қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

У жигар, меъда ва унинг заифлигида ва оғриқларида, ички оғриқларда, ҳиқичоқда, чурра тушишда фойдалидир, у талоқни оздиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ровоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ичкетишда, ичак оғриқлари ва дизентерияда, буйрак ва қовуқлардаги оғриқлар, бачадон оғриқлари ва қон кетишда фойдалидир.

И с и т м а л а р.

Чўзма ва даврий иситмаларда фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Газандаларнинг чақишида фойдалидир. Унинг бир ичиш миқдори пўкакнинг бир ичиш миқдори билан баробардир.

[1] Б. да: *рованд*. Rheum palmatum L., R. officinale B a i l l. Бунинг пўстлоғи олиб ташланган илдизлари (Radix Rhei) Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] № 84 га қаранг.

668 РОЗИЁНАЖ[1] – АРПАБОДИЁН, ОҚЗИРА

Уруғи кашнич уруғига ўхшайдиганининг қуввати ёввойисининг қувватига яқин, лекин бир оз кучсизроқ, ёввойисининг йирик хилидан эса кучлироқдир.

Т а б и а т и.

Ёввойи арпабодиённинг иссиқлик ва қуруқлиги кучли ва учинчи даражага яқин; аммо экиладиган арпабодиённинг иссиқлиги иккинчи даражададир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Тиқилмаларни очади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Арпабодиён, айниқса, унинг елими, кўзни ўткир қилади ҳамда кўзга сув

тушиш [яъни катаракта]нинг бошланиш олдида ва энди бошланган вақтда фойда қилади. Димақратиснинг[2] айтишича, газандалар кўзларини бақувват қилиш учун ҳўл арпабодиённинг уруғини ейдилар, афъо илони ва бошқа
215а илонлар || қишдан кейин уяларидан чиққанларида кўзларини ўткир қилиш учун арпабодиёнга суркайдилар.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ҳўл арпабодиён, айниқса, экиладиган арпабодиённи (янтоқ шакар билан ишлатилса), сутни кўпайтиради.

[430]. О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Агар уни совуқ сув билан ичилса, кўнгил айнаш ва меъданинг алангаланишига фойда қилади, аммо секин ҳазм бўлади ва озиқлиги ёмон.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Арпабодиён сийдик ва ҳайз қонини юриштиради, ёввойиси тошни майдалайди ҳам буйрак ва қовуққа фойда қилади. Ёввойиси ва дарё лабида ўсадигани буйрак ва қовуққа фойдали, хусусан, ёввойиси томчилаб сийишда фойдалидир ва у янги туққан хотинларни ҳам тозалайди; агар унинг уруғини илдизи билан қўшиб, ейилса, ични қотиради.

И с и т м а л а р.

У чўзма иситмаларга фойдали; уни совуқ сув билан ичирилганда иситма вақтидаги кўнгил айнаш ва иситмадан келиб чиққан меъда алангаланишига фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Унинг қайнатмаси шароб билан бирга [ичилса], газандалар чаққанда фойдалидир. Илдизини майдалаб, *тило* шароби билан қўшиб, қутурган ит тишлаган жойга қўйилса, фойда қилади.

[1] Foeniculum vulgare M i l l.
[2] Демокрит.

669 РОМИК[1] – ОРОМ АНГИЗ, ОРОМ ДОРУ

Т а б и а т и.

Совуқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф, буруштирувчи, ични тўхтатувчи, моддаларнинг [аъзоларга] оқишини тўсувчи ҳамда иссиқликни босувчидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Уни марсин оғочи суви билан ичилса, меъдани қувватлантиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични тўхтатади.

[1] М. А. бўйича бу мураккаб дори бўлиб, мозининг ширасы, анор пўсти, хом хурмо, заъфарон ва бошқа моддалардан тайёрланади.

670 (РУТАБ[1] – ҲЎЛ ХУРМО

Танлаш.

Ҳамма навининг ҳам янги териб олингани [яхшидир].

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, биринчи даражада ҳўл. Айтишларича унинг иссиқлиги ҳўллигидан кўпроқ, лекин ҳамма турлари ҳам бу жиҳатдан бир-бирлари билан баробар бўлмай, балки қайси бири ширинликда кучлироқ бўлса, ўшаниси иссиқликда ҳам кучлироқ бўлади.

Хоссалари.

Ундан туғилган қон тез сасийдиган ва ёмон бўлиб, унинг [бу камчилигини] бодом ва *жуланжубин* тузатади; булардан олдин сутчўп, кейин эса сирка билан *сиканжубин* берилади.

Озиқлантириш аъзолари.

У совуқ меъда учун фойдалидир.

Нафас аъзолари.

Бўғиз ва овозга зарар келтиради.

Чиқариш аъзолари.

Табиатни юмшатади ва эрлик уруғини кўпайтиради).

[1] № 93, 466, 617, 732 га қаранг.

671 РОТИНАЖ[1] – САНАВБАР ЕЛИМИ

(Моҳияти.

Бу санавбар дарахти елимининг бир хилидир).

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қуруқ.

Жароҳат ва яралар.

Пишиқ баданлардаги [яраларда] эт ундиради, лекин бўш баданларда оғриқни қўзғатади. Бу елимни анор гули, зарчава ва шу иккаласига ўхшашлар билан [ишлатилса], яраларни тузатади.

[1] Pines pinea L.

Моҳияти.

Қора андизнинг боғда ўсадиган тури бор. Унинг яна бир тури бўлиб, япроқларининг узунлиги бир қаричдан бир тирсаккача бўлади ва тошчўп ва ясмиқ баргига ўхшаб, ерда ёйилиб ётади. Унинг фойдалироқ [қисми] илдизидир.

Танлаш.

Шаробининг қуввати ўз таъсирида кучли ва яхшидир. Ундан сиркага қўшиб, қиём тайёрланса, иссиқлиги синдирилган бўлади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ; унда ортиқча ҳўллик бор, шунинг учун у гавдага тўқнашган замониёқ уни қизита бермайди.

Таъсир ва хоссалари.

Қора андиз ҳамма совуқ (шиш ва) оғриқларга, елларнинг ва дамнинг қўзғалишига фойда қилади. Унда қизартиш қуввати ва тўлиқ тозалаш [хусусияти] бор.

Бўғинлар.

Иркунnасога ва бўғинлардаги оғриқларга фойда қилади. Илдиз ва баргларини қўйиб боғланса, совуқ оғриқларга ва эт узилишига фойда қилади.

Бош аъзолари.

У бошни оғритади, лекин у [дорини] қўйилса, бош ярмининг шилликдан оғришини тарқатади.

Нафас аъзолари.

Уни асал билан қўшиб, ялаш балғам кўчиради. Қора андизни кўкракни тозаловчи яланадиган [дорилар] билан аралаштирилса, яхши таъсир кўрсатади. У хурсанд қиладиган, юракни кучлантирадиган дорилардан биридир. Баъзан ундан [қуйидаги усулда] шароб олинади, қора андиздан эллик *мисқол*ни олти *оболо* узум сувига солиб, уч ой сақлаб қўйиб, сўнгра ичилади, шунда у кўкрак ва ўпкани тозалайди.

Чиқариш аъзолари.

Илдизининг қайнатмаси, айниқса, шароби, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради; уни истеъмол қилиб юрган кишилар ҳар соатда сийишга муҳтож бўлмайдилар.

Заҳарлар.

Қора андиз, айниқса, унинг Мисрда ўсадигани газандаларнинг чаққанига фойда қилади.

[1] Inula helenium L.

Таъсир ва хоссалари.

Кулларнинг ҳаммаси, гарчи турлича бўлса ҳам, тозаловчи ва қуритувчидир. Кулни ювиш ундаги тозалаш хусусиятини камайтиради ва унда ёпиштириш ва ачиштирмасдан қуритиш хусусиятини пайдо қилади. Кулнинг суви чиритувчи дорилар қаторига киради. Кул сувининг энг кучлиси анжир оғочи ва сутли ўтлар кулининг сувидир. Бошқа кул сувларининг тозалаш хусусияти ва қуруқлиги бу иккаласиникидан камроқдир. *Мозариюн*нинг кули тозаловчи ва чиритувчидир. Дуб ва шунга ўхшаш буруштирувчи оғочларнинг кули қон [оқишини] тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

*Азоъа*нинг кули қўтир ва темираткиларда суртилади.

[431] (Жароҳат ва яралар.

Анжир кулининг суви ёмон сифатли яраларни тузатади ва яраларда бўлган ортиқча этни ейди; чуқур катта яраларга фойда қилади, чунки ярадаги бузилган гўштларга етиб боради ва соғлом гўштни ўстиради. У жароҳатларни ёпиштириладиган бошқа дорилар каби ёпиштириш таъсирига эга.

Бўғинлар.

Баъзан баланд жойдан йиқилганда ва суяклар лат еганда кулнинг сувини, хусусан, анжир кулининг сувини, сув ёки бир оз зайтун ёғи билан қўшиб, ичирилади. Кул сувига зайтун ёғи аралаштириб, [баданга] суртилса, терлатади ва асаб оғриғига ва фалаж касалига аниқ фойда қилади.

Бош аъзолари.

Кулнинг суви, айниқса, дуб [оғочи] кулининг суви, тиш милкини маҳкам қилади).

Кўз аъзолари.

*Мозариюн*нинг кули кўзни ўткир қилади.

Нафас аъзолари.

*Мозариюн*нинг кули, айниқса, уни «қалдирғоч давоси»[1] билан қўшиб, ҳалқумдаги чиқиққа қарши ишлатилса, фойда қилади.

(Озиқлантириш аъзолари.

Анжир кулининг сувини зайтун ёғи билан қўшиб, ичилса, меъдада қотиб қолган қонга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Баъзан анжир ёки дуб оғочи кулининг суви билан ичак яралари, давомли оқмалар, бавосир ва оқма яраларда ҳуқна қилинади.

Заҳарлар.

Баъзан қорақурт чаққанда ичирилади, шунингдек, дуб ва анжир кулининг суви гипс ичган кишига фойда қилади).

[1] Зарчава бўлса керак. Қ. № 776 (охирида), «Сайдана» № 698 (8).

674 РИЖЛ УЛ-ЖАРОД[1] – «ЧИГИРТКА ОЁҒИ»

Моҳияти.

Яман бақласининг ўрнига ўтади.

Нафас аъзолари.

Сил касалида фойда қилади.

Иситмалар.

Унинг қайнатмаси Рум исмалоғи ва бошқаларнинг манфаати каби тўрт
215б кунлик иситмага, қон бузилиш ва сасишдан бўлган иситмага ва унинг || *тарбтовус* хилларига етарли даражада фойда етказади.

[1] Atriplex hortensis L.; Taxus baccata L. (зарнаб).

675 РИЖЛ УЛ-ҒУРОБ[1] – «ҚАРҒА ОЁҒИ»

Чиқариш аъзолари.

Бу ўтнинг илдизини қайнатиб ишлатилса, эски ичкетиш [касали] га фойда қилади. Бавлус ва бошқаларнинг айтишича, қуланжга ҳам фойда қилади. У зарар етказмай савринжон кўрсатган таъсирни беради.

[1] Carum ammioides B e n t h. бўлиши мумкин.

676 РУММОН[1] – АНОР

Табиати.

Ширин анор биринчи даражагача совуқ ва биринчи даражада ҳўл бўлиб, нордон анор иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Нордон анор ва хусусан, унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтатади. Анорнинг ҳамма турларида, ҳатто нордонида ҳам буруштириш билан бирга тозалаш хусусияти бор.

Зийнат[2].

Анорнинг уруғини асал билан қўшиб, милкакка суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Анор уруғининг асал билан қўшилгани (қаттиқ) ёмон сифатли яраларга суртиладиган [доридир]. Унинг пўсти, айниқса, куйдирилгани, жароҳатлар учун [доридир]. Анорнинг гули ўзининг иссиқлиги билан жароҳатларни

ёпиштиради. Ширин анор юмшатувчидир. Анорнинг ҳаммасида ҳам овқатлилик оз, аммо [озиқ сифатида] яхшидир. Унинг нордон-ширини меъда учун кўпинча олма ва беҳига қараганда манфаатлироқ бўлади, лекин уруғи ёмон. Унинг қисмларидан энг буруштирувчиси пўстлари бўлади. Анорнинг хоҳ ширини, хоҳ бошқаси бўлсин ҳамма турининг ҳам уруғи буруштирувчидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва қулоқ оғриғига фойда қилади, ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир. Анорнинг уруғини янчиб, асал билан қўшиб, оғиз оғриғида суртилса, фойда қилади. Агар ширин анорни шароб билан қўшиб, пиширib, сўнгра яхшилаб майдалаб, қулоқ шишларига боғланса, жуда яхши фойда беради. Анорнинг, айниқса, нордон анорнинг шароби ва қайнатиб қуюлтирилган шираси хуморликда фойдалидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Нордон анорнинг (асал билан қўшилган) суви нохинага фойда қилади. (Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олинган сувини асал билан қўшиб, бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Нордон анор кўкрак (ва томоқни) дағаллаштиради, ширини эса уларни юмшатади ҳамда кўкракни қувватлантиради. Анор уруғини ёмғир суви билан қўшиб, ичирилса, қон тупуришда фойда қилади. Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

(Анорнинг ҳамма турларининг каймуси яхшидир). Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади. Анорнинг ширини, унда юмшоқ буруштирувчанлик бўлганлиги туфайли меъда учун мосдир. Нордон анор меъдага зарар келтиради. Шу билан бирга, анорнинг уруғи ҳам меъда учун ёмон ва (уни ачиштиради). Анор [уруғининг] янчилган толқони ҳомиладор хотинларнинг бошқоронғилигини босади; қайнатиб қуюлтирилган суви, айниқса, нордони ҳам шундай.

Иситмалаган киши анорни овқатлангандан кейин сўриши керак, [чунки бундай қилинганда анор] буғларнинг кўтарилишини овқатдан илгари сўрилганга қараганда яхшироқ қайтаради ва у ёмон моддаларни қуйидан чиқаради. (Анор турларининг ҳаммасида ҳам озиқлик кам. Нордон-ширини меъда учун олма ва беҳига қараганда фойдалироқ).

[432] Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштира-

ди; умуман иккаласи ҳам [сийдик] ҳайдовчидир. Анорнинг уруғи асал билан қўшилганда, орқатешик яраларига фойда қилади. Унинг нордони орқатешик ва ичакларга зарар қилади; толқони сафроли ичкетишга фойда қилади ва меъдани қувватлантиради. Анор илдизининг пўстлоғи узум шароби билан қўшиб, ўз ҳолича ёки қайнатиб, касал [киши]га берилса, гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни ҳайдайди.

Иситмалар.

Нордон-чучук анор иситмаларга ва меъда яллиғланишига фойда қилади, аммо ширини кўпинча ўткир иситма билан оғриган кишиларга зарар қилади.

[1] Punica granatum L. Анор дарахтининг танаси, шохлари ва илдизларидан олинган пўстлоғи (Cortex granati) Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] Б. да: «шишлар».

677 РИБОС[1] – РОВОЧ

Моҳияти.

(Баҳорда тоғда ўсадиган ўсимлик бўлиб), лимон ва ғўранинг нордонлик қувватига эгадир.

Табиати.

Иккинчи даражада совуқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Сўндирувчи, қонни тўхтатувчи ҳамда иссиқликни босувчидир.

Шиш ва тошмалар.

Тоунга фойдалидир.

Кўз аъзолари.

Унинг сиқиб олинган сувини кўзга тортилса, кўзни ўткир қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сафроли ичкетишга фойдалидир.

Иситмалар.

Қизамиқ, чечак, тоун ва вабога фойда қилади.

[1] Rheum ribes. № 667 билан солиштириб кўринг.

678 РИА – ЎПКА

Хоссалари.

Ўпканинг озиқлиги кам ва балғамликка мойилдир[1], аммо бу ҳақда ҳар хил фикрлар бор.

(Жароҳат ва яралар).

Туянинг ўпкаси, агар иссиқ ҳолида босилса, оёқ кийимидан бўлган шилинишни тузатади. (Чўчқанинг ўпкаси ҳам шундай таъсир кўрсатди ва шишни қайтаради).

(Кўкрак аъзолари.

Тулки ўпкасини қуритиб ичилса, астмада фойда қилади).

Озиқлантириш аъзолари.

Ўпкани ҳазм қилиш осон.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади.

[1] Яъни шиллиқли хилт туғдиради.

679 РАХАМА – ҚУЗҒУН

Бош аъзолари.

Унинг ўтини гунафша ёғи билан қўшиб, бош ярмининг оғришида ва қулоқ оғриқларида оғриётган томонга қарши тарафга томизилади; болалар бошида ел йиғилганда [уларнинг] бурнига тортилади ёки қулоқларига томизилади.

Кўз аъзолари.

Қузғуннинг ўтини || совуқ сув билан бирга оқ тушган кўзга қўйилади. *216а*

Чиқариш аъзолари.

Унинг ахлатини тутатилса, болани туширади, деб айтилган.

Заҳарлар.

Ибн ал-Батриқнинг [айтишича], қузғуннинг ўтини шиша идишга солиб, салқин ерда қуритилади ва афъо илони чаққан жойга қўйилади; аммо мен бунга ишонмайман. Баъзилар бу дорини чаён, илон (ва қовоғари)ларнинг заҳарларига қарши тажриба қилиб кўриб, натижаси фойдали бўлди, деб айтадилар; мен ишқалаш ва чаплаш туфайли [фойда кўрсатган] бўлса керак, деб гумон қиламан.

680 РАСОС – ҚАЛАЙ

Моҳияти.

Бу ҳақда қўрғошин бобида айтиб ўтилди, бу ўша қалайдир. Аммо қўрғошин упаси ва уни олиш йўлларига келганда, бу ҳақда биз «Қарободин» [китоби]да айтамиз.

Танлаш.

Унинг латифи куйдирилгани ва упасидир. Куйдирилаётган вақтда унинг дудидан сақланиш керак.

Табиати.

Совуқ ва ҳўл.

Хоссалари.

Куйдирилган қалайда юмшатиш, латифлаштириш ва шимдириш хусусиятлари бор; у қонни тўхтатади. Қалай упаси куйдирилган тўтиё қувватига ўхшаш ёпиштирувчи ва совутувчи қувватга эга. Қалай чиркининг қуввати куйдирилган қалай қувватига ўхшашдир.

Ши ш (ва тошмалар).

Агар қалайни шароб ёки ундан бошқа [нарсалар] ёки бир оз совуқ ширaларда ишқаб, кейин уни ишлатилса, шишларга фойдали бўлади.

Жароҳат ва яралар.

Қалай ёмон ярага ва ёйилувчи яраларга фойдалидир. Қалай упаси эса, яраларни тўлдириб битказади.

Заҳарлар.

Қалай упасини денгиз чаёни ва денгиз аждари чаққан [жойга] ишқаланса, фойда қилади. Уни куйдирган вақтда дудидан сақланиш керак.

681 РАЪОДА[1] – ЭЛЕКТР СКАТ БАЛИҒИ

Бош аъзолари.

Раъодни боши оғриган кишининг бошига қўйилса, оғриқни тарқатади, деб айтилган. Жолинус айтади: «Мен ўйлайманки, *раъод* бундай таъсирни [ўзи] тирик бўлган вақтида беради, аммо ўлигига келсак, мен уни тажриба қилиб кўрдим, ҳеч қандай таъсир кўрсатмади». (Бу увуштирувчи баликдир.

Бўғинлар.

Бавлуснинг айтишича, бу балиқ қовурилган ёғ билан ёғланса, янги пайдо бўлган бўғин оғриқларини босади.

Чиқариш аъзолари.

Уни кўтарилса, ташқарига чиқиб турган кўтанни ўша соатдаёқ жойига туширади ва бавосир [яраларини] юмади).

[1] Torpeda Narce R i s s o.

682 РИТИБАНАЖ[1]

Моҳияти.

Бу қисқичбақага ўхшаш бир тошдир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Шимади ва тозалайди. Қуввати қисқичбақа қувватига яқин.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўришни ўткир қилади.

[1] Мейерхофнинг фикрича, бу каракатица [Sepia]нинг ички чиғаноғидир. «Сайдана» № 479.

683 РУБИЁН – ОМАР[1]

(М о ҳ и я т и.

Жолинус, бу ҳар жиҳатдан ҳам қисқичбақага ўхшашдир, дейди.

Т а б и а т и.

Мосаржавайҳнинг айтишича, омар тузламасдан илгари ўртача иссиқ ва ҳўл бўлади).

Х о с с а л а р и.

Озиқлиги анчагина, унинг тузланган эскиси савдони (ва ёмон қичимани) туғдиради. [433]

(Ш и ш л а р.

Жолинуснинг айтишича, у қаттиқ шишларни шимдиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Анчагина озиқлантиради).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эрлик уруғини (ва шаҳвоний қувватни) кўпайтиради. Ични юмшатади ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни туширади.

[1] Денгизда яшовчи катта қисқичбақа – Homarus.

684 РАТБА – БЕДА

М о ҳ и я т и.

Бу қаттдир. У ҳақда *«Қоф»* [К] ҳарфи фаслида сўзлаб ўтдик[1].

[1] № 659 га қаранг.

685 РАБИСО[1]

Табиати.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича, бу омарга қараганда иссиқроқдир.

(Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун фойдалидир. *Рабисо*, айниқса, уни газагўт, седана, петрушка ва зайтун ёғи билан қўшиб, ейилса, меъдада бўлган рутубатларни қуритади).

Чиқариш аъзолари.

Шаҳвоний қувватни қўзғатади.

[1] Майда балиқлар ва турли сабзавотлардан тайёрланадиган нонхўриш.

686 (РАХБИН[1]

Табиати.

Ибн Мосавайҳ буни иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ дейди. Ёмон хилт [туғдиради], аммо иссиқ меъда учун яхшидир.

Чиқариш аъзолари.

Агар ундан тайёрланган шамчани кўтарилса, ични юмшатади.

Озиқлантириш аъзолари.

У овқат сифатида жуда секин ҳазм бўлади).

[1] Пишлоқ турларидан бири.

687 РУҚОҚИС[1] – САЛИБ (?)

(Моҳияти.

Айтишларича, бу форс дориларидан бўлиб, саримсоққа ўхшайди; бир жуфт бир-бирига чирмашган [туби] бўлиб, иккаласининг боши ажралгандир.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини жуда кўпайтиради).

[1] № 750 ва 751 га солиштириб кўринг.

«ШИН» ش [Ш] ҲАРФИ

688 ШАҚОЙИҚ[1] – ЛОЛА

(Шуҳратли ҳаким Дисқуридуснинг айтишича, баъзи кишилар лолани *аграминун*[2] ҳамда *оминун* деб атайдилар. Лола икки хил бўлади; бири чўл лоласи, иккинчиси боғ лоласи. Боғ лоласидан бир хилининг гули қизил рангли ва бошқа бир турининг гули оқсут рангликдан [ўтиб] гунафша ранглиликка қадар бўлади. Бунинг барглари кашнич баргига ўхшаш, аммо бир оз ингичкароқ ва ерга яқин ва унга ёйилгандир. Унинг ингичка яшил рангли шохчалари бўлиб, учларида кўкнор гулига ўхшаш гуллари ва гулларининг ўртасида қора ва сурма рангли бошчалари бор. Илдизи кичик зайтун катталигида ва ундан каттароқ ҳамда бошдан-оёқ тугун-тугундир.

Чўл лоласига келсак, у боғ лоласидан каттароқ, барглари кенгроқ ва қаттиқроқ, бошчалари узунроқ ва гулларининг ранги қип-қизилдир, бунинг жуда кўп нозик илдизчалари бор. Бу хил лоланинг бир тури қорароқ ва унинг ўткир мазалиги бошқа турига нисбатан кучлироқ бўлади. Баъзи кишилар борки, буни билмайдилар ва чўл лоласи билан чўлда ўсадиган *аграмуниё* деган дорининг ҳамда гулларининг қизиллиги билан лолага ўхшаш бўлган кўкнорнинг орасидаги фарқни ажратолмайдилар. *Аргомуний* эса шунга ўхшаш ўсимликдир, ундан заъфарон рангли сув чиқиб туради, [кўкнор] ғўзачасининг суви оқиш рангли, лекин лола билан бу сўнгги ўсимлик орасидаги фарқ шуки, лолада сув ва кўкнорча ёки анорчалар йўқ, лекин лолада морчўба ўтининг учларига ўхшаш бир нарса бор).

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва ҳўл.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи ва шимдирувчидир. Жолинус эса лолани тозаловчи ва ювувчи, тортувчи ва [тиқилмаларни] очувчидир[3], дейди.

Зийнат.

Ёнғоқ пўчоғи билан аралаштириб ишлатилса, сочни қорайтиради; барг ва шохчаларини шундайлигича ёки қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради[4].

Шиш ва тошмалар.

Лолани қайнатиб, қаттиқ бўлмаган шишларга суртилади ҳамда чипқон ва иссиқ тошмаларни бунинг воситаси билан [ёриб], бўшатилади.

Жароҳат ва яралар.

Қуритилган лола чиркли яраларга фойда қилади ва уларни битиради; пўст ташлашга ҳам фойда қилади. Лола пўст ташлаш, яралар ва ярали қўтирлар учун етарли даражада тозаловчидир, (чиркли яраларни жуда тозалайди).



Али ибн Ҳусайн Ансорийнинг доришуносликка оид «Ихтиёрот-и Бадиъий» номли асаридан. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган 1598 рақамли қўлёзма (XVI аср).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Лоланинг ширасини бош ва мияни тозалаш учун бурунга тортилади. Бошдан рутубатларни тортиш учун унинг илдизини чайналади. (Темиратkини тузатади).

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг ширасини асал билан қўшиб, ишлатилса, кўз хираланишига, кўзга оқ тушишига ва кўздаги яралардан қолган изларга фойдалидир. Агар *тило* шароби билан қўшиб, қайнатгандан кейин [434] қўйиб боғланса, кўз атрофларидаги қаттиқ шишларни тузатади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг барг ва шохчаларини арпа пояси билан бирга қўшиб қайнатиб, ейилса, серсут қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

(Лолани кўтарилса), ҳайз қонини юриштиради.

[1] Anemone coronaria L.

[2] Диоск. II, 175 да шундай; D–G II, 208: Argemone.

[3] Б. да: «етилтирувчидир».

[4] Б. да: «чиройли қилади».

689 ШАҲДОНАЖ[1] – НАША УРУҒИ

М о ҳ и я т и.

У наша ўсимлигининг уруғидир. Биз бу ҳақда *қиннаб* бобида сўзладик[2], [энди] бу икки бобдаги фикрларни тўплашимиз керак. Нашанинг боғда ўсадиган маълум хили ва чўлда ўсадиган хили бор. Ҳунайннинг айтишича, чўл [нашасининг] узунлиги бир газ бўлиб, қирларда ўсадиган ўсимликдир; баргларининг рангида оқлик кўп, мазаси мурчга, уруғи эса экиладиган каноп уруғига ўхшайди. Бу шундай уруғки, уни сиқиб, ёғи олинади. Биз бу ҳақда *хабб ус-сумна* [каноп уруғи] бобида гапирдик.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Елни тарқатади ва куч билан қуритади, унинг хилти оз ва ёмондир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Чўл нашасининг илдизини қайнатиб || қаттиқлашган жойлардаги *216б*
ёпишқоқ хилт йиғилган иссиқ шишларга қўйиб боғланса, иссиқни босади ва қаттиқликни шимдиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Наша уруғи ўзининг иссиқлиги билан бошни оғритади. Унинг ширасини тиқилмалардан бўлган қулоқ оғриғи ва қулоқдаги ҳўлликка қарши томизилади; шунингдек, унинг ёғи ва барги бошдаги қазғоқни кўчиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни хиралаштиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдага зарар етказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эрлик уруғини қуритади; чўл нашасининг сути ични мулойимлик билан суради. Унинг ярим *ратл* миқдоридаги ширази қотган ични юмшатади ҳамда шиллиқ ва сафрони суради. Таъсири маҳсар таъсири кабидир.

[1] Cannabis sativa var. C. indica L.

[2] № 273, 634 ларга қаранг.

690 ШОҲТАРАЖ[1] – ШОҲТАРА

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси кўки, янгиси ва аччиғидир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва учинчи[2] даражада қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Қонни сўндиради[3] ва тиқилмаларни очади. Унда буруштирувчи маза туфайли совуқлик ва аччиқ маза бўлганлиги туфайли иссиқлик бор, лекин унинг совуқлиги кучлироқ.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шоҳтарани қичима ва қўтирларга қарши ичилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тиш милкларини маҳкамлайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдани қувватли қилади ва жигардаги тиқилмаларни очади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шоҳтара табиатни юмшатади ва сийдикни юриштиради. Унинг шакар билан қўшилганидан бир ичиш миқдори ўн *дирҳам* оғирлигидан ярим *ратл*гача ва учдан бир *ратл*гачадир. Унинг қуруғидан дорилар билан қўшиб, узум шарбатида ичиш миқдори ўн *дирҳам*гача, шунингдек, агар [ёлғиз] ўзи янчилган бўлса, уч *дирҳам*дан етти *дирҳам*гачадир.

Ў р н и н и б о с а д и г а н л а р.

Қўтир ва эски иситмаларда ишлатишда шоҳтарани унинг ярим оғирлиги миқдоридаги маккий сано[4] билан алмаштирилади.

[1] Fumaria officinalis L.

[2] Б. да: «иккинчи».

[3] Б. да: «тозалайди».

[4] Cassia angustifolia V a h l. ва шунга яқин турлар [Leguminosae оиласи]. Қуритилган барглари – Folium sennae Фармакопея VIIIга киритилган.

691 ШИТАРАЖ[1] – БАҚА ЖЎХОРИСИ, САССИҚ ТОЛ

Моҳияти.

Унинг Ҳиндистонда ўсадигани ингичка, майда чўп парчаси ва пўстлоқлар бўлиб, қалампирмунчоққа ўхшайди ҳамда синдирилганда ичи қорамтир қизил рангли бўлади. Бақа жўхориси эски деворлар ва қор ёғмайдиган[2] жойларда ўсади. Унинг таратизак япроқларига ўхшаш барглари бор. Ёзда барглари кўп, уруғлари эса ҳатто кўриб бўлмайдиган даражада майда бўлади. Унинг ҳиди йўқ, ўзи таратизакка ўхшайди. Мазаси ва ҳиди[3], шунингдек, қуввати ҳам ёввойи зираникига ўхшайди.

Табиати.

Иккинчи даражанинг охирида иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Ўткир, яра қилувчи. Унинг мазаси, ҳиди ва қуввати ёввойи зираникига ўхшайди.

Зийнат.

Сиркага қўшиб, оқ доғ ва песларга қарши суртилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Пўст ташлаш ва қўтирга сирка билан қўшиб, суртилса, тузатади.

Бўғинлар.

Бўғин оғриқлари [вақтида] ичилса, фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Талоқ [устидан] суртилса, уни кичрайтиради.

Чиқариш аъзолари.

Унинг илдизини қовуғи оғриётган кишининг қулоғига осиб қўйилса, айтишларича, оғриқни босар эмиш.

Ўрнини босадиганлар.

Унинг ўрнига ўтувчиси (ўз оғирлигича тенг миқдорда олинган) рўяндир.

[1] Lepidium latifolium L.

[2] Б. да: шундай; Л. да матн бузилган.

[3] Матнда шундай.

692 ШАЙЛАМ[1] – МАСТАК

(М о ҳ и я т и.

Буғдой орасида ўсадиган ўтдир. Жолинус уни ўсимликлар ичида биринчи ўринга қўйиш мумкин, дейди).

Т а б и а т и.

Жолинус уни қизитишда биринчи даражанинг аввалида, (қуритишда иккинчи даражанинг охирида) деб ҳисоблаш мумкин, дейди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф, тозаловчи ва шимдирувчидир.

З и й н а т.

Уни олтингугурт[2] билан қўшиб, доғларга суртилса, фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Мастакнинг зиғир уруғи билан аралаштирилгани шишларни ва қулғунани қайтаради, зиғир уруғи ва каптар тезаги билан аралаштирилгани эса уларни ёради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Буғдой билан бирга ўсадиган мастакни яраларга суртилса ва [янчиб] сепилса, фойда қилади. [435] Мастак темираткига суртилади; уни турп пўсти билан қўшиб, жароҳатларга қўйиб боғланса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Асал суви билан қўшиб, қайнатиб, иркуннасога қўйиб боғланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Маст қилади ва бошни айлантиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Уни, айниқса, кийигўти[3] билан қўшиб, тутатилса, ҳомиладор бўлишга ёрдам қилади.

[1] Lolium temulentum L.

[2] Б. да шундай; Л. да хато ёзилган.

[3] Б. да: «арпа толқони».

693 ШИҲ[1] – ДАРМАНА

М о ҳ и я т и.

Дармана икки хил бўлади: (рум дарманаси ва турк дарманаси); ундан бири тиканли, барги сарвникига ўхшаш ва танасининг ичи ковак бўлади. Уни фақат тутатиш учун ишлатилади; иккинчисининг барги эса юлғунникига ўхшайди. Баъзан дармананинг сариқ рангли *сириқун ул-арманий* деган учинчи тури ҳам учрайди. (Шуҳратли ҳаким Дисқуридус, баъзи кишилар

буни *сорикун*[2] деб атайдилар, дейди, шу дарманадир), баъзи кишилар уни «денгиз эрмани» деб атайдилар. (Бу Тавр тоғида ва Мисрнинг Бусир[3] деб аталган ерида кўп ўсади. Бу, сариқ тоғ арчасига ўхшаш ёпишқоқ, уруғлар билан тўла мевали бир ўсимликдир. Буни, хусусан, Каппадония еридагисини қўйлар еса, семиради. У яна айтадики, эрманнинг Галатия [деган] ерда ўсадиган учинчи бир хили ҳам бор ва бу мамлакатнинг аҳолиси бу ўтнинг номини ўзи ўсадиган мавзе номидан чиқариб, *сандуникун* деб атаганлар; бу мавзе Сандуния[4] деб аталади. Бунинг ўзи эрманга ўхшаш, лекин уруғи кўп эмас ва аччиқликка мойил, қуввати *сорикун* қувватидек бўлади).

Танлаш.

Дармананинг энг яхшиси арман дарманасидир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Дармананинг ҳамма хиллари парчаловчи ва елларни тарқатувчидир. Ундаги буруштириш хусусияти эрманникига қараганда пастроқ, қиздириш хусусияти эса уникидан кўпроқ, аччиқлиги ҳам шундай ва унда тузлик хусусияти бор.

Зийнат.

Унинг кулини зайтун ёғи ёки бодом ёғи билан қўшиб, «тулки касаллигига» суртиш || фойдалидир. Унинг ёғи секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган *217a*
соқолни ўстиради.

Шиш ва тошмалар.

Шиш ва чипқонларни қайтаради.

Жароҳат ва яралар.

Ел ейишни (ва савдони) қайтаради.

Бош аъзолари.

Бошни оғритади.

Кўз аъзолари.

Дармананинг суви билан иситилса, кўз оғриғини тарқатади. (Кули эса кўздаги ярадан пайдо бўлган чуқурчани тўлдиради).

Нафас аъзолари.

Нафас олиши қийин бўлган кишига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъдага, айниқса, дармананинг учинчи хили зарарлидир.

Чиқариш аъзолари.

Дармана гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ҳайдайди ва ўлдиради; ҳайз қони ва сийдикни юриштиради ва бу жиҳатдан у эрмандан кучлироқдир.

И с и т м а л а р.

Унинг ёғи иситма олдидан эт увушиб, совуқ ейишда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чаён, қорақурт чаққанида ва умуман заҳарларга [қарши ишлатилса], фойда қилади.

[1] Artemisia cina B e r g. Бу ўсимликнинг ғунча гуллари – Flos cinae Фармакопея VIIIга киритилган.

[2] *Сарифун* ўқиш керак; бироқ Диоск. III, 24 да дармананинг баргини *сарифун* барги билан солиштирилади.

[3] Диоск. III, 23: Тафусир (Тафосирида).

[4] D–G III, 29: Santonis.

694 ШИНЖОР[1] – «ЭШАК КОҲУСИ»

М о ҳ и я т и.

Бу *хасс ул-ҳимор* бўлиб, [хиллари кўпдир]. Унинг барглари сутчўп барглари каби учлари ўткир, тиканли ва қорамтир рангда бўлади; ёзга келиб ранглари қизаради. Танаси ҳам қондек [қизил бўлиб], ҳатто қўлни бўяйди.

Т а н л а ш.

Унинг энг заиф қисми баргидир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ундан *ануқлиё* деб аталгани аччиқ ва буруштирувчидир; *қалуси*[2] деб аталганининг буруштириши кучлироқ; *анулус* дейилгани бу ҳар икки турдан ҳам кучлироқ ва ўткирроқ бўлиб, ном берилмаганининг [хоссалари] бунга яқиндир. *Шинжор*нинг ҳамма турларида ҳам буруштирувчанлик ва қуритувчанлик хусусияти бор; агар уни ёғ билан аралаштириб, [баданга] ишқаланса, терлатади.

З и й н а т.

Доғ ва сариқ касалликларида суртилса, фойдалидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни чарви билан қўшиб, қулғунага боғланади ва пўст ташлаганга суртилади; арпа уни билан қўшиб, айниқса, унинг *қалус*[3] деган турини, оташакка қўйилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Уни мумли суртмага қўшиб ишлатилса, яраларни битиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[*Шинжор*] қулоқ оғриқлари учун энг фойдали нарсадир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Уни, айниқса, *ануқлиё* [деган тури]ни ичилса, сариқ касалига ва хусусан талоқ оғриқларида фойда қилади; унинг қобиғи эса меъдани ошлаб тозалайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

*Шинжор*дан, айниқса, ном берилмаганидан бир ярим *мисқол* оғирлигида олиб, ёввойи зира, *зуфо* ёки таратизак билан қўшиб, ичилса, гижжа ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани чиқаради; *ануқлиё* деган тури эса буйрак оғриғи учун фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Анулус[4] деб аталган турини қўйиб боғланса ёки ичилса, афъо илони чаққанига жуда фойда қилади; ном берилмаган тури ҳам [ўз таъсири билан] шунга яқиндир.

[1] № 44 ва 760 га қаранг.
[2] D – G IV, 23: Calyx.
[3] Б. да: *фолус*, 2-изоҳга қаранг.
[4] Б. да: *ёфсус* (?)

695 ШУЛЛ[1]

М о ҳ и я т и.

Бу занжабилга ўхшаш бир ҳинд давосидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

[436] У аччиқ, буруштирувчи ўткир мазали ва елни тарқатадиган бўлиб, асал қувватига эга. Унинг шимдириш ва суюлтириш хусусияти ажойибдир.

Б ў ғ и н л а р.

У асабларга ва эт узилишига фойдалидир.

[1] Cydonia indica D e c n ёки Cydonia oblonga M i l l.

696 ШАВКАРОН[1] – ЗАНГПОЯ

Дисқуридуснинг айтишича, (Журжон аҳолиси бу ўсимликни *албут* деб атайди). Бу ўсимликнинг пояси (бўғинли бўлиб), арпабодиён поясига ўхшайди (ва у катта бўлади); барги *нартиқисо*[2] баргига ўхшайди. (Аммо барги уникидан юпқароқ, оғир ҳидлик; учлари шохчаларга ажралади ва шу ерида оқ гулли тожи бор). Унинг уруғи Рум арпабодиёнининг уруғига

ўхшайди, (лекин ундан оқроқ бўлади. Илдизининг ичи ковак бўлиб, [ерга] чуқур ботган эмас. Бу дори ўлдирувчи дорилардан биридир; у совуқлиги билан ўлдиради. Баъзан бу ўсимликни бутунича ёки япроқларини ҳали уруғлари қуримасдан илгари йиғиб олинади, янчилади ва сиқиб шираси олинади; сўнг офтобда қуритилади ва уни кўп касалликларга [қарши] ишлатилади).

Руфуснинг айтишича, [зангпоянинг] меҳригиё баргига ўхшаш барги бўлиб, ундан кичикроқ ва сариқлиги кучлироқ, илдизи ингичка, меваси йўқ, уруғи жувона рангида бўлиб, лекин ундан каттароқ ва мазасиз ҳам ҳидсиз бўлиб, шираликдир. Масиҳ зангпоя бишнинг бир хилидир, дейди. Бу тўғри сўз эмас. Мен айтаманки, у [ўсимлик] юнон тилида *куниюн* деб аталган ва уни гоҳо *шавкарон* [зангпоя], гоҳо *биш* [аконит] деб таржима қилинган ҳамда бишнинг аломатларини *кубиюн*га нисбат берилган. Бу ҳақда кишилар ҳар хил фикрдадирлар.

Т а б и а т и.

Учинчидан тўртинчи даражагача совуқ ва қуруқ.

(Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси Крит ва Атбаъий ҳамда Қолиқалода[3] учрайдиганидир).

Х о с с а л а р и.

Қон оқишини тўхтатади ва қонни қотиради: [баданни] увуштиради.

З и й н а т.

Агар уни мўйи юлинган жойга суртилса, ўзининг совутиш хусусияти билан мўйни қайтадан чиқармайди. Уни эмчакка қўйиб боғланса, эмчак катта бўлмайди ва сутнинг кўпайишини қайтаради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Унинг шираси сарамас[4] ва учуқни тинчлантиради.

Б ў ғ и н л а р.

Иссиқ подаграга суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг шираси қулоқда пайдо бўладиган ҳўлликларда яхшидир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг шираси кўз оғриқларида ишлатилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Уни эмчакка қўйиб боғланса, эмчакни қаттиқлашишига қўймайди ва сутнинг кўпайишини тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ҳайз қонини тўхтатади ва бачадон оғриғида фойда қилади. Агар уни

моякка қўйиб боғланса, мояк катта бўлмайди. || У билан эрлик аъзолари *217б*
ишқаланса, иҳтиломни қайтаради.

З а ҳ а р л а р.

Зангпоя ўлдирувчи заҳар бўлиб, унинг давоси тоза шароб ичишдир.

[1] Conium maculatum L.
[2] Б. да: ёран'ис [?]. D–G IV–79: Ferula.
[3] Киликия бўлса керак. D–G. IV, 79: Cilicia.
[4] Б. да: «оташак».

697 ШАҚОҚУЛ[1] – ЁВВОЙИ САБЗИ

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва бир оз ҳўлликка яқин.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Юмшатиш хусусиятига эга ва унинг мураббоси қувватда [оддий] сабзи[2] (мураббоси) қувватига тенг.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний қувватни қўзғатади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Унинг ўрнини *бузидон* босади.

[1] Malabaila sekakul R u s s.
[2] Pastinaca schekakul R u s s.
[3] № 163 га қаранг.

698 ШАЖАРАТ МАРЯМ[1] – АЛЬП ГУНАФШАСИ

М о ҳ и я т и.

Бу *бахур Марямдир*. Бу ҳақда (*«Мим»* [М] ҳарфи фаслида *мақломинус*ни баён қилганимизда) айтиб ўтилди. У уч хил бўлиб, бири мевасиз ва иккитаси мевалидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Совуқ тумовга фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга сув тушиши [катаракта]га фойда қилади.

[1] Ҳозирги манбаларда бу ўсимлик Anastatica heirochuntica L. ёки Cyclamen europaeum L. деб тахмин қилинади, № 533 ва 593 ларга қаранг.

699 ШАҲМОНАЖ[1]

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Шимдирувчи ва жуда латифлаштирувчидир. Агар болалар ястиғининг тагига қўйилса, уларнинг сўлак оқишига қарши фойда қилади.

Бўғинлар.

Уни фалаж касаллигига қарши суртилса, бурунга тортилса ва шаробга қўшиб ичилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Агар унинг сувини бурунга тортилса, мияни тозалайди. Уни шаробга қўшиб ичилса, ёки қўйиб боғланса, юз фалажи ва тутқаноқ касалликларида фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда рутубатларига фойда қилади; айтишларига кўра, агар уни болаларнинг бошлари тагига қўйилса, уларнинг оғизларидан сўлак оқишини [тўхтатади].

Чиқариш аъзолари.

Шаҳмонаж бачадон бодларига фойдалидир.

[1] М. А. муаллифининг айтишича, «Қонун»га шарҳ ёзган Козаруний буни *шоҳбонак* ёки *шобобак* билан бир нарса дейди. № 710 га қаранг.

700 ШАББ – АЧЧИҚТОШ

Моҳияти.

Дисқуридус аччиқтошнинг хиллари кўп, дейди. Булардан фақат учтаси табобатда ишлатиладиган дорилар қаторига киради: бўлиниб турувчи, ҳўл ва думалоқ хиллари. Бўлиниб турувчиси Ямандан келтириладиганидир, у сарғиш оқ рангли бўлиб, буруштирувчан ва нордондир; бу гўё аччиқтошнинг гулидир. Аччиқтошнинг тош хили ҳам учрайди; бунинг мазасида буруштирувчанлик йўқ ва у аччиқтошлардан эмас.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Унда қайтариш ва қуритиш хусусияти бор; у ҳар қандай қон оқишини ҳам тўхтатади, чиқиндиларнинг оқишларини ва қуйилиб келишларини тўхтатади[1]. [437]

Зийнат.

Уни зифтнинг сув билан аралашмасига қўшиб, бош кепакларида, битла-

ганда, оғиз ҳидланишида ҳамда (қўлтиқ тагидаги ёмон ҳидларда) ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Аччиқтошни ўз оғирлигига баробар миқдорда олинган шароб қуйқасига аралаштириб, қуритиб, [тузалиши] қийин бўлган ва ўйилган яраларга ва унинг ўзига баробар миқдордаги оқ туз билан қўшиб, ел [нома]га ва оловда куйганга [қарши] ишлатилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[Аччиқтош] қайнатилган сув билан оғизни чайқалса, тиш оғриғига фойдалидир.

[1] Шундан кейин № 701 га тегишли жумла ёзилган (таъсир ва хоссалари).

701 ШУКОЪО – ҚУШҚЎНМАС, ОҚҚАРРАК

М о ҳ и я т и.

(Бу илдизи тўпалоққа ўхшаш ва кучли аччиқ бўлган бир ўсимликдир; Уни баъзан «кўп бўғинли» деб атайдилар.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и).

Бунинг, айниқса, пўстлоғи ва илдизининг буруштирувчанлиги оққаррак [*бозовард*]никига қараганда кўпроқ, шунинг учун улар ҳар жиҳатдан ҳам ундан кучлироқ.

Б о ш а ъ з о л а р и.

[Қайнатмаси] билан оғизни чайқалса, тиш оғриғига фойдалидир; шунингдек, ўйилган яраларга; ўзи, танаси ва меваси эса лаклук шишига фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда ва жигарга фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг илдизи қайнатилган [сув] кўтарилганда ва устига ўтирилганда, хотинлардан қон кетишда ва орқатешик шишларига фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Чўзма иситмаларга, айниқса, болаларда бўладиганига фойдалидир.

[1] Onopordon acanthium L.

702 (ШИРИ ХУШК[1] – ТОЛ ШИРАСИ

У Ҳиротда тол ва *касиро* дарахтларига тушадиган ширадир.

Хоссалари.

Тозаловчи.

Табиати.

Мўътадилга яқин.

Чиқариш аъзолари.

У ўзининг ич суриш [хусусияти] ва бошқа таъсирлари билан янтоқ шакарга яқин, балки ундан кучлироқдир).

[1] Salix rosmarinifolia L. толининг шираси № 438 га қаранг.

[2] № 724 га қаранг.

703 ШУНИЗ[1] – СЕДАНА

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ўткир балғамни кўчирувчи, тозаловчи, ел ва дамни шимдирувчидир. Хусусан, унинг тозалаш хусусияти етарли даражададир.

Зийнат.

Осилиб турувчи сўгалларни, холларни, доғни, айниқса, песни кетказади.

Шиш ва тошмалар.

Уни сирка билан қўшиб, «сутли чиқиқларга» босилади. У шиллиқли ва қаттиқ ўсмаларни шимдиради.

Жароҳат ва яралар.

Сирка билан қўшиб, шиллиқли яраларга ва яраланган қўтирга қўйилади.

Бош аъзолари.

Тумовга фойда қилади, айниқса, унинг қовурилганини каноп латтага солиб [ишлатилса]. Седанани совуқ бош оғриғи билан касалланган кишининг пешонасига суртилса, фойда қилади. Агар уни кечаси сирка билан ивитиб қўйиб, эрталаб янчилса ва касалнинг бурнига торттирилса ҳамда касал уни ҳидласин учун [бурун] олдига қўйилса, чўзма бош оғриқлари ва юз фалажига фойда қилади. Седана ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни жуда очувчи доридир; сиркада қайнатилгани билан, айниқса, санавбар чўпи билан бирга қайнатиб, оғизни чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Агар унинг янчилганини марсин оғочининг ёғи билан бурунга тортилса,
218а катарактанинг бошланишини қайтаради.||

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Седанани *натрун* билан қўшиб, ичилса, «тикка нафас олиш» касаллигида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Седана ингичка гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ўлдиради; бир неча кун давомида киндикка суртиб юрилса, ҳайз қонини юриштиради. Уни асал ва иссиқ сувга қўшиб ичирилса, қовуқ ва буйракдаги тошларга фойда қилади ва уларни чиқаради.

(Иситмалар.

Иситмани, хусусан, балғам ва савдодан [бўлган] иситмаларни қолдиради ва йўқ қилади).

Заҳарлар.[1]

Унинг тутунидан газандалар қочади. Бир гуруҳ [табиблар] седанани ортиқча истеъмол қилинса, у ўлдиради, дейди. Ундан бир *драхмий* миқдорида ичилса, қоракурт чаққанида фойда қилади.

[1] Nigella sativa L.

704 ШИБИС[1] – УКРОП, ШИВИТ

Табиати.

Унинг қизитиши иккинчи ва учинчи даражанинг ўртасида, қуритиши эса биринчи ва иккинчи даражанинг ўртасида; агар куйдирилса, шу ҳар икки [хусусиятда] ҳам иккинчи даражада бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

Укроп совуқ хилтларни пиширувчи, оғриқларни тинчлантирувчи ва елларни ҳайдовчидир. Унинг ёғи ҳам шундай таъсирга эга. Унда етарли даражада юмшатиш хусусияти бор; мизожи пиширувчанлик ва очувчанликка яқин, лекин у қиздирувчанроқдир; ҳўлининг пиширувчанлиги кучлироқ; қуруқ укроп эса кучлироқ шимдиради.

Шиш ва тошмалар.

Укроп шишларни пиширади.

Жароҳат ва яралар.

Унинг кули ғовак яраларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Унинг ёғи асаб оғриғи ва шунга ўхшаш оғриқларда фойда қилади.

Бош аъзолари.

Укроп, айниқса, унинг ёғи, ухлатувчидир ва унинг шираси савдовий қулоқ оғриғига фойда қилади ҳамда қулоқдаги рутубатларни қуритади.

Кўз аъзолари.

Укропни овқат билан доимий истеъмол қилиш кўзни кучсизлантиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Укроп ва унинг уруғи сутни кўпайтиради, айниқса, сутни кўпайтирадиган ҳолвайтарга қўшилса, шундай.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Овқатни юқорига сузиб чиқишидан ва тўлиб кетишидан пайдо бўлган ҳиқичоққа фойда қилади. Жолинус укроп меъдага зарар қилади ва унинг уруғида қустириш хусусияти бор, дейди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичак оғриқларига фойда қилади. Укроп билан ҳуқна қилинса ёки сувининг устига ўтирилса, ичак оғриқларини ва эрлик уруғини кесади, [438] унинг уруғи эса чиқиб турган бавосирни қайтаради; кули орқа тешик ва эрлик олатининг яралари учун яхшидир.

[1] Anethum graveolens L.

705 ШАМЪ – МУМ

М о ҳ и я т и.

Бу ҳақда мум бобида сўзланди[1].

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний қувватни орттиради ва [сийдикни ва ҳайз қонини] ҳайдайди.

[1] № 415 га қаранг.

706 ШУБРУМ[1] – ЕЛИМЛИ СУТЎТ

М о ҳ и я т и.

У боғларда ўсади, ингичка, тик ўсган ва тукли шохчалари бор; барги шеролчин баргига ўхшайди ва у сутли бўлади.

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси ағдарилган терига ўхшаш, ранги қизил, пўсти нозик ва ўзи енгил бўлган хилидир. Юпқа пўстлоқ билан ўралган икки шохлиги, ҳамда йўғон, қизиллиги кам ва ўзи қаттиқ бўлиб, толаларга ажралгани ёмондир. Форсий хили ҳам ёмон; уларнинг ҳеч нарсасини ишлатиш керак эмас.

Т а б и а т и.

Ҳунайннинг айтишича, у иккинчи даражанинг аввалида иссиқ ва учинчи даражанинг охирида қуруқ. Унинг сути эса шу ҳар икки даражага етарли ва ҳатто тўртинчи даражада бўлади.

Х о с с а л а р и.

Унда буруштириш [хусусияти] ва ўткирлик бор. У томир оғизларини ҳам очади. Мана шу хусусияти унинг исталмаган хусусиятларидан биридир. Унинг [хусусиятини ўзгартириб] тузатилса ҳам, ундан фойдаланиб бўлмайди, бу ҳақда ўз жойида айтилди. Қисқаси, *шубрум*, айниқса, иссиқ мизожлиларга зарар етказувчи нарсадир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг сути тишларни суғуришга ёрдам беради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

У меъда ва жигар учун зарарлидир. Уни истисқо касалини даволаш учун ичирилади. Аввало уни уч кун давомида сачратқи ўти, арпабодиён ва итузумларнинг ширасида ивитиш керак. Кейин қуритиб унга ҳинд тузи [қора тикан туз], *турбуд*, ҳалила ва *сабр*лардан бир оздан қўшиб, кулча ясалади, шундай қилинганда унинг фойдали [таъсири] кучли бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шубрум савдони, шиллиқни ва сувни ҳайдайди. Қадимги [табобатда] уни сурги дорилар қаторида ишлатилар эди. Кейинчалик уни шаҳвоний қувватга, уруққа зарарли ва орқа тешик томирларини очиб юборадиган бўлгани учун ишлатмай қўйилди. Агар [хусусиятини ўзгартириб] тузатилса, унинг фойдалилиги қолмайди, чунки тузатиш учун унинг майдаланмаганини бир кеча-кундуз давомида янги соғилган сутда ивитилади ва бу [иш]ни бир неча марта такрорланади. Бундай қилиш уни кучсизлантиради ва ёмон хилтларни кўчиришга бўлган қобилиятини йўқотади. Уни истеъмол қилмасликнинг иложини топмаган киши унга Рум арпабодиёни, арпабодиён ва зираларни аралаштириб [ишлатиши керак]. Ундан бир марта ичиш миқдори бир *донақ*дан тўрт *донақ*қачадир. Бу гаплар *шубрум*нинг хашагига [оид]. Унинг сутига келсак, унда яхшилик йўқ, уни ичишдан фойда кўрилмайди. Агар унинг ични суриши ҳаддан ошиб кетса, совуқ сувга ўтиришгина тўхтатаолади; қуланж касали учун ичирилса, унга қаврак елими, *муқл*, эрон қавраги [елимлари] ва қуланж бобида таърифланган бўри тезагидан бир оз қўшиб ичирилади.

И с и т м а л а р.

Иситмани туғдирадиган бўлгани учун ундан қочиш керак.

З а ҳ а р л а р.

Унинг икки *дирҳам*и ўлдиради. ‖ *218б*

[1] Euphorbia pithyusa L.

707 ШАЛЖАМ[1] – ШОЛҒОМ

Моҳияти.

Бу [араб тилида] *лифт* [шолғом] бўлиб, бу ҳақда гапириб ўтилди. Унинг жунжули[2] деб аталган ёввойи хили ҳам бор. (Дискуридуснинг айтишича, шолғомнинг ёввойиси ва боғда ўсадиган [хиллари] бўлади. Ёввойиси кўп шохли бўлиб, бўйи бир тирсак узунлигида бўлади ва хароба жойларда ўсади. Унинг учи ва барглари силлиқ, эни бош бармоқ йўғонлигида, балки ундан бир оз ортиқроқ, йирик ловияникига ўхшаб ғилоф ичига ўрнашган уруғи бор. Бу ғилофлар очилганда ичидан яна бир ғилоф кўринади, бу ғилофларда қора майда уруғлар бўлади. Уруғларини ёриб кўрилса, ичи оқ бўлади. [Шолғом уруғини] суртма, шунингдек, Миср боқиласи, буғдой, боқила, ясмиқ ва шунга ўхшаш нарсаларнинг унларидан тайёрланадиган дорилар каби тозаловчи дориларга қўшилса, *барда* [«дўл]га[3] фойда қилади. Шолғомнинг бошқа тури ҳам бўлиб, унинг овқатлилиги биз ҳозир айтиб ўтган турникига қараганда камроқ. Унинг уруғини ичирилса, ўлдирувчи дориларнинг таъсирини йўқотади).

Табиати.

Шолғомда ҳар хил қувватлар бор. (Унинг ҳар икки хили ҳам иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада ҳўлдир).

Хоссалари.

Шолғомнинг уруғини қўйиб боғланса ёки осиб қўйилса, елларни ҳайдайди ва [кишини] чот оралиғидаги шишлардан қутқаради. (Жолинуснинг айтишича, [шолғомни] қайнатилган ва яхши пиширилган ҳолда ейилса, кўп ғализ ғизо беради; уни доимий истеъмол қилиш тиқилмалар ва елларни туғдиради. Сув ва туз билан қайнатилганида овқатлиги кам бўлади. Унинг энг яхшиси семиз гўшт билан қайнатилганидир.

Зийнат.

Агар бир дона шолғомни олиб, ичини ўйиб ва унга мум билан гул ёғини солиб, қўрга кўмиб эритилса, у эскирган «тулки касаллигига» жуда фойдали бўлади.

Яралар.

Шолғомни худди шу [юқоридагидек] қилиб ишлатилса, совуқдан пайдо бўлган ва ярага айланган ёриқларга фойда қилади. Қайнатиб пиширилган шолғом ҳам, агар уни қўйиб боғланса, шундай таъсир кўрсатади.

Кўкрак аъзолари.

Семиз гўшт билан пиширилган шолғом кўкракни ва томоқни юмшатади).

Озиқлантириш аъзолари.

Шолғом секин ҳазм бўлади. Ёввойиси эса [меъда орқали] тезда тушиб кетади. (Гўшт билан қўшиб, қайнатилган шолғом кучли озиқ бўлади ва буйракни қиздиради; [439] меъдада узоқ вақтгача қолади.

Б ў ғ и н л а р.

Шолғомнинг қайнатмасини подагра касалига қўйилса, кўп манфаат етади; гўшт билан қайнатилгани эса белни қиздиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Шолғомни пиширib ёки хомлик ҳолича ейилса, кўзга фойда қилади, деб айтилган).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шолғомнинг уруғи ўзининг кўп еллилиги туфайли шаҳвоний қувватни қўзғатади. (Шолғомнинг ўзи эрлик уруғини туғдиради, суви эса сийдикни юриштиради; унинг бу икки қуввати ундаги аниқ таъсирлардандир. Гўшт билан қўшиб пиширилган шолғом сийдикни ҳайдайди, шаҳвоний қувватни қўзғатади, шунингдек, унинг уруғи ҳам жинсий алоқа истагини оширади. Унинг япроғини ейилса ҳам сийдикни юриштиради. Сув ва туз билан қайнатилган шолғом шаҳвоний қувватни камроқ қўзғатади).

[1] Brassica rapa L.

[2] Матнда сўз ноаниқ. Диоск. II, 110 бўйича ўқилди. «Сайдана» № 951 (5).

[3] Кўз юқори қовоғининг ички ва ташқи қисмида бўладиган бирнав думалоқ ўсма, *халазион*.

708 ШОЗАНАЖ – ШОДАНА, ГЕМАТИТ

М о ҳ и я т и.

У кондан топиладиган [тош]дир. Баъзан магнит тошини усталик билан куйдирилса, ўз таъсири билан шоданага ўхшаб қолади. (Шодана тошини Миср конларидан ҳам қазиб чиқарилади. Уни қуйидагича қалбакилаштирилади: ундан бир бўлагини ушатиб олинади ва бошқа думалоқ тошдан ҳам бир бўлак олиб, ҳар иккаласини қумғонга солиб, чўғ ўртасига кўмилади ва бир соат шу ҳолда қолдирилади, сўнг оловдан олиб, қайроқ тошга ишқаланади. Кейин қараб кўрилади. Агар ишқаланган бошқа тошнинг ранги шодана рангига келган бўлса, шу етарли, агар фарқли бўлса, яна оловга солинади).

Т а н л а ш.

Энг яхши шодана тез майдаланадиган, текис, қаттиқ, ҳеч кир аралашмаган ва ўзида томирлари бўлган шоданадир. (Унда чизиқлар ва ҳар хил ранглар бўлмайди. Ясама ва асл шоданалар орасидаги фарқ шуки, [асл шо-

дана]да қабарчиқлар кўринмайди; шодана бўлмаган тошни синдирилганда унда тўғри чизиқлар бўлади, шоданада эса аксинча; шунингдек, [бошқа тош] шодана эмаслигига ўз ранги билан ҳам далил беради: ишқаланган вақтда рангининг қизиллиги кам бўлади).

Т а б и а т и.

Ювилмаган шодана биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражагача совуқ бўлади. (Ювилгани эса иккинчи даражагача совуқ ва учинчи даражагача қуруқ).

Х о с с а л а р и.

Шоданани кучли буруштириш хусусияти бор. Бу хусусият уни эриб кейин қуюқлашгунича сувда ишқаланганда юзага чиқади. Унинг қувватида қайтарувчанлик ва бир қадар қизитувчанлик, суюлтирувчанлик ва етарли даражада қуритувчанлик бор. Баъзиларнинг фикрича, шодана марказитнинг таъсир қувватига эга, аммо бу [шоданадан] қуруқроқ ҳамда иссиқлиги кам, суюлтириш ва тозалаш хусусияти йўқ.

Я р а л а р.

Шоданани [майдалаб], ярада ортиқ унган эт устига сепилса, уни камайтиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз яраларини тозалайди, тухум оқи билан қўшиб, ишлатилса, уларни битиради; ёлғиз ўзи кўз қовоқларининг қаттиқланиб қолганига фойда қилади. Агар кўзда иссиқ шишлар бўлса, аввало, уни сув билан суюқ қилиб ишлатилади, сўнг аста-секин қуюлтирилади ёки кукундек қилиб кўздаги ортиқча гўшт устига сепилади; баъзан унинг ёлғиз ўзи кўздаги яралардан [қолган изларда] фойда қилади, (Сут билан қўшиб, ишлатилса, кўз яллиғлашига фойда қилади, баъзан [кўз] пардаларининг ёрилишига ҳам фойда келтиради. Табиблар шоданани кўз дориларига аралаштириб тўғри [иш] қилганлар. Кўз қовоғининг қаттиқланишида шодананинг ёлғиз ўзини ишлатиш дурустроқдир. Агар кўз қовоғидаги қаттиқлик иссиқ шиш билан бирга бўлса, шоданани тухум оқи ёки сариқ йўнғичқа уруғининг қайнатилган сувида эритиб [ишлатилади]. Агар кўз қовоғидаги қаттиқлик иссиқ шиш билан бирга бўлмаса, шоданани сувда суюқ қилиб эритиб, кўзга томизгин! Қачонки, касал дорининг таъсир қувватини кўтара олганини кўрсанг, унинг қуюқлигини орттириб боргин; ҳатто [касал] уни мил[1] билан кўзга кўтарсин ва кўз қовоғини ағдариб, остига сурма қилиб тортсин, дейдилар. «Буларнинг ҳаммаси синаб кўрилган, тажриба қилинган ва фойдали деб топилган», – дейдилар).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдик келишининг қийинлашгани ва ҳайз қонининг давомли оқиб

туришига қарши уни шароб билан қўшиб, ичирилади. Шодана эрлик уруғининг ғайриихтиёрий кетишини тузатади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Магнит тоши шодананинг ўрнига ўтади.

[1] Сурмачўп.

709 ШАЪР УЛҒУЛ[1] – «ЖИН СОЧИ»

М о ҳ и я т и.

Бу томирлари билан қўпориб олинадиган ўсимлик бўлиб, ранги қизил ва қораликнинг ўртасида, томир ва юқори қисмлари эса ёйиқ ва эгри-бугри бўлади.

Т а б и а т и.

Иссиқ ва қуруқ.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкрак ва ўпкани тозалайди.

[1] Asplenium trichomonas L.

710 ШОБОБАК[1] – ШОҲБОНАК

М о ҳ и я т и.

Бу дори қувват жиҳатидан бўйимодаронга ўхшайди, дейилган.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноқ касалига фойдали. Болалар оғзидан оқадиган сўлакни тўхтатади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Тутқаноқ ва бошқа касалларга манфаати юзасидан *марзанжуш* унинг ўрнига ўтаолади.

[1] Inula conyzoides D.C. № 699 га қаранг.

711 ШАРБИН[1] – ҚИЗИЛ АРЧА

М о ҳ и я т и.

Бу қитрон чиқадиган дарахт бўлиб, у ҳақда биз қитрон бобида тўла сўзлаб ўтдик. Бу ерда эса унинг дарахтига хос бўлган таъсирларини кел-

тирамиз. Бу дарахт санавбар дарахти туридан бўлиб, меваси сарв дарахти мевасига ўхшайди, [440] лекин ундан кичикроқ. Унинг тиканлари ҳам бор. Қизил арча дарахти икки турлидир: баланд ва паст. (Дисқуридус айтади: бу дарахт сарв дарахти каби катта бўлиб, унинг қитрон олинадиган хили ҳам бор; унинг сарв дарахти мевасига ўхшаш, лекин ундан анчагина кичик меваси бўлади. Баъзан қизил арчанинг кичик, тиканли хили ҳам учрайди. Бу хилининг меваси марсин оғочи уруғидек думалоқ бўлиб, тоғ арчасининг мевасига ўхшайди. Аммо *қадарано*нинг, яъни қитроннинг энг яхшиси қуруқ, тиниқ, кучли ва ёмон ҳидлиги, томчилари [тушган жойида] ёйилмасдан қуриб қоладиганидир. Бу дарахт форсларда аварс деб аталади).

Таъсир ва хоссалари.

Бу дарахтнинг пўстлоғида буруштириш хусусияти бор. (Дисқуридуснинг айтишича, қитронда чиришга қаршилик кўрсатувчи буруштириш хусусияти бор, бу қувват тирик жасадларни буруштиради ва ўлик жасадларни чиришдан сақлайди, шунинг учун бир гуруҳ кишилар уни «ўликлар ҳаёти» деб атаганлар).

Бош аъзолари.

Қизил арчанинг меваси ўзининг қизитиш хусусияти билан ва [бу меванинг] ачиштиришида меъда иштирок этганлиги туфайли уни кўп ишлатган кишида бош оғриғини туғдиради. Унинг барги [солиб] қайнатилган сирка билан оғизни чайқалса, тиш оғриғини тинчлантиради.

Кўкрак аъзолари.

Унинг меваси йўталга фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг меваси меъдани ачиштирадиган бўлганлиги сабабли меъда учун ёмондир, аммо жигарга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қизил арчанинг меваси томчилаб сийишда фойда қилади; агар уни мурч билан қўшиб, ичилса, сийдикни юриштиради. Унинг пўстлоғини тутатилса, болани ва йўлдошни туширади; ичилганда эса ични ва баъзан сийдикни ҳам тўхтатади.

Заҳарлар.

Денгиз қуёни билан заҳарланган кишига қизил арча мевасини шаробга қўшиб ичирилади ва агар уни тоғ эчкиси чарвиси билан аралаштириб, баданга суртилса, газандалар яқинлашмайди.

[1] Cedrus Libani B a r r. ёки Juniperus oxycedrus L. – қизил арча.

(М о ҳ и я т и).

Бу маълум. *Султ*[2] эса унинг пўстсиз тури бўлиб, таъсири арпанинг таъсирига яқиндир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Унда тозалаш хусусияти бор. Озиқлиги буғдойникидан камроқ. Арпанинг суви [яъни кашкоб] унинг толқонига қараганда кўпроқ озиқлидир. Буларнинг ҳар иккаласи хилтларнинг ўткирлигини синдиради. *Султ* сувининг [табиати] ҳўлроқ. Умуман арпанинг суви еллантиради.

З и й н а т.

Арпани сепкилга қарши иссиқ суртма шаклида ишлатилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни суюқ ҳолвайтарга ўхшатиб сув билан пиширилади, сўнгра зифт ва санавбар дарахтининг елими билан аралаштириб, қаттиқ шишларга қўйиб боғланади. Арпанинг ёлғиз ўзини || ёки уни ўз ҳалими билан қўшиб, иссиқ *219а*
шишларга қарши [боғланади].

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Агар ўткир сирка билан пиширib, ярали қўтирга қўйиб боғланса, уни тузатади.

Б ў ғ и н л а р.

Арпани беҳи ва сирка билан қўшиб, подаграга қўйиб боғланса, чиқиндиларнинг бўғинларга оқишини тўхтатади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг суви кўкрак аъзоларига фойда қилади; агар уни арпабодиён уруғи билан қўшиб, ичилса, сутни кўпайтиради. Арпанинг унига қашқар бедаси ва кўкнорнинг пўстини қўшиб, биқин оғриғига қарши қўйиб боғланади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Арпанинг суви меъда учун ёмон.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Арпанинг толқони ва толқонининг пиширилгани ични тўхтатади. Арпа ҳалими сийдикни юриштиради, буғдой ҳалимининг суви эса кучлироқ юриштиради.

И с и т м а л а р.

Арпанинг суви иситмаларда совутувчи ва ҳўлловчи [сифатида таъсир кўрсатади]; иссиқ иситмалар учун тоза ҳолда ишлатилади, совуқ иситмаларга эса петрушка ва арпабодиён билан қўшиб, ишлатилади. Шунингдек,

унинг асал сувига аралаштирилган анжир билан бирга қайнатилганини шиллиқли иситма билан оғриган кишига ичирилади.

[1] Hordeum vulgare L.
[2] Triticum spelta L. ёки Hordeum tetrastichum K c k e. «Сайдана», № 555.

713 ШАҲМ–ЁҒ, ЧАРВИ

(М о ҳ и я т и.

Бу маълум нарса).

Т а б и а т и.

Бичилмаган ҳайвоннинг[1] ёғи қиздирувчанроқ ва кучлироқ бўлиб, бундан кейин бичилганининг ёғи туради; қарисининг ёғи эса енгилроқ.

Х о с с а л а р и.

Ўрдакнинг ёғи латиф бўлиб, товуқ ёғига қараганда қиздирувчанроқдир. Хўрознинг ёғи эса ўртача бўлади. Тоғ эчкиси ёғининг қиздирувчанлиги кучли. Қорамолнинг ёғи [қиздирувчанлиги билан] арслон ва така ёғларининг ўртасида туради; айиқнинг ёғи латиф. Умуман эркак ҳайвонларнинг ёғи қувватлироқдир. Қари ҳайвоннинг ёғи енгилроқ бўлади. Урғочи эчкининг ёғи буларнинг ҳаммасининг ёғига қараганда буруштирувчанроқ бўлиб, таканинг ёғи эса кучли шимдирувчидир.

З и й н а т.

Айиқ ва ғознинг ёғлари «тулки касаллиги»га, эшакнинг ёғи тери устидаги доғларга фойдалидир; ғознинг ёғи эса юз ва лабнинг ёрилганига жуда фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Чўчқанинг ёғи шишларга фойдали; арслоннинг ёғи эса қаттиқ шишларни шимдиради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Эшакнинг ёғи оловда куйганга фойдалидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ғознинг ёғи қулоқдаги оғриқни тинчлантиради, тулки ёғи ҳам шундай ва у [шу касалликка] жуда фойдалидир. Товуқнинг ёғи [441] тилнинг ғадир-будурлигига фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Тоғ эчкисининг ёғи тиришиш касаллигига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Балиқ ёғи кўзга сув тушганида [катаракта] фойда бўлиб, асал билан қўшиб, ишлатилса, кўзни ўткир қилади. Афъо илонининг янги [олинган]

ёғи кўзга парда ва сув тушишига ва юлинган киприкни ўстирмаслик учун фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Таканинг ёғини ишлатиб юрилса, ичакнинг ачишганида ва ичакдаги яраларга фойда қилади. Урғочи эчкининг ёғи ичак яраларини даволашда чўчқа ёғига қараганда кучлироқ. Бу хусусияти унинг тез қотишидан бўлади, аммо чўчқанинг ёғи ачишишни босишда кучлирокдир. Туя ўркачи тутатиб ишлатилса, бавосирга фойдалидир. Товуқ ва бошқа шунга ўхшашларнинг ёғлари каби ҳамма юмшоқ ёғлар бачадон оғриқларида фойдали бўлади. Аммо эски ёғлар унга зарарлидир. Шунингдек, ғоз ёғи ҳам бачадон учун фойдалидир.

Заҳарлар.

Чўчқанинг ёғи газандаларнинг чаққанига фойдали. Фил ва тоғ эчки ёғлари, агар суртиб юрилса, газандаларни қочиради; урғочи эчкининг ёғи эса олакуланг билан [заҳарланганда] фойда қилади.

[1] Б. да шундай; Л. да: «ўрдакнинг».

714 ШАЪР – МЎЙ, СОЧ

Хоссалари.

Куйдирилган мўй кучли қувват билан қизитувчи ва қуритувчидир.

Зийнат.

Куйдирилган мўй тишларни тозалайди, унинг суви эса мўйни ўстиради.

Жароҳат ва яралар.

Куйдирилган мўй чиркли ва юмшоқ яраларни кучли равишда қуритади.

Бош аъзолари.

Куйдирилган мўй тишни тозалайди.

Заҳарлар.

Одамнинг мўйини сирка билан қўшиб, қутурган ит тишлаган жойга қўйиб боғланади.

715 ШАҚУДИС[1]

Табиати.

Унинг қуввати иссиқдир.

Хоссалари.

*Шақудис*нинг ширасини оғриқларга қарши ичилади.

Зийнат.

Янгисини шароб билан қўшиб, доғга қарши суртилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Эски яраларни ёпиштиради. Уни ортиқча ўсиб чиққан этнинг устига сепилади.

Б ў ғ и н л а р.

Уни сирка билан қўшиб, подаграга қарши суртилади; умуртқа поғонасининг оғриқларига [ишлатиш] учун ундан мумли суртма ясалади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Уни ширинликлар билан қўшиб, йўталга қарши яланади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Икки *дирҳам* оғирлигидагисини асал суви билан қўшиб, меъданинг ачишишига қарши ичилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Икки *дирҳам* оғирлигидагисини асал сувига қўшиб, дизентерия ва сийишнинг қийинлашганига қарши ишлатилади. Агар уни хотинлар кўтарса,
219б || ҳайз қонини (секинлик билан) юриштиради (дейдилар).

[1] Юнонча *сукурдиюн* сўзининг бузилгани бўлиши мумкин. Шунда у Teucrium scordium L. ни ифодалайди. «Сайдана» № 41 (1, 6, 9).

716 ШАЖАРАТ УЛ-БАҚҚ[1] – ҚАЙРАҒОЧ, САДА

(*«Дол»* [Д] ҳарфи фаслида *дардор* сўзини баён қилганимизда «бу *шажарат ул-баққ*» деб айтиб ўтдик[2].

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ, қуруқлиги ҳам шу даражада.

З и й н а т.

Икки *дирҳам* оғирлигидагисини сирка билан қўшиб, пўст ташлашга қарши суртилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

У янги яраларни битиради; унинг ички пўстлоғи билан жароҳатларни ўралса, уларни битиради.

[1] Ulmus campestris.

[2] № 181 га қаранг.

717 ШАВКАТ УЛ-БАЙЗО[1] – ОҚ ҚАРРАК

М о ҳ и я т и.

Бу *бодовард*дир. (Оқ қаррак тоғларда ва сувсиз ерларда ўсади, деб айтил-

ган. Унинг барги оқ *хомоловун*[2] баргига ўхшаш, лекин ундан нозикроқ ва оқроқ бўлади; унда олтинга ўхшаш бир нарса бор. У тиканли бўлиб, икки тирсак бўйидан узунроқ ва бош бармоқ йўғонлигида бўлган пояси бор. Бу поя оқ, ичи ковак, учларида денгиз типратиканининг тиканига ўхшаш, аммо ундан кичикроқ ва чўзиқроқ тиканли бошчаси бор, оқ қарракнинг гунафша рангли гули бор; уруғи эса маҳсар уруғига ўхшайди, аммо думалоқ; илдизи ҳам қизил ранглидир).

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва қуруқ.

(Х о с с а л а р и.

Агар уни бир ерга осиб қўйилса, газандаларни қайтаради, дейдилар.

Ш и ш л а р.

Унинг илдизини шилликли шишларга қўйиб боғланади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг илдизини қайнатиб, [шу] қайнатилган сув билан оғизни чайқалса, тиш оғриқларини тузатади).

Б ў ғ и н л а р.

Унинг қайнатмаси подаграга фойдалидир.

(К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Агар унинг илдизини ичилса, қон туфлашни тўхтатади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъданинг бўшашиб кетганига фойда қилади.

(Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар унинг илдизини [қайнатиб] ичилса, чўзма ичкетишга фойда қилади ва сийдикни юриштиради.

З а ҳ а р л а р.

Газандалар чаққанда фойда қилади).

[1] Silybum marianum G a e r t n. ёки Picnomon acarna C o s s

[2] № 779 га қаранг.

718 (ШАВКАТ УЛ-ЯҲУДИЙЯ[1] – КЎКТИКАН

Т а б и а т и.

Иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф ва шимдирувчидир.

(Б ў ғ и н л а р).

Тортишиш касалига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Курак тишлари оғриғига қарши унинг қайнатмаси билан оғиз чайқалади. (Барча назлаларга фойда қилади. Илдизининг таъсирлари ҳам шундай).

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

(Кўкракдан келиб чиқувчи) қон туфлашга фойда қилади.

(О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи узлуксиз қусишда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Илдизи бачадондан рутубатларнинг оқиши касаллигига [қарши] ишлатиш учун ярайди).

[1] Eryngium campestre L.

719 [422] ШАВКАТ УЛ-МИСРИЙЯ[1] – АРАБ АКАЦИЯСИ

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Қуритувчи ва назлаларни кесувчидир.

(Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р).

Унинг илдизи, айниқса, уруғи яраларни яхши битиради.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Томоқ шишига фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

У меъда шишига фойда қилади.

[1] Acacia arabica W i l l d.

720 (ШАРОБ – ШАРОБ, МАЙ

М о ҳ и я т и.

Мен бундан *қаҳва*[1] ни тушунаман.

Х о с с а л а р и.

Ўт жинсидан бўлган чиқиндиларни мўътадиллаштиради. Янги набиз ва қуюқ лойқа шаробларнинг иккови хом хилтларни тўплаш билан томирларни ҳаддан ташқари тўлатиб юборади.

Т а н л а ш.

Энг яхши шароб эски, суюқ ва тиниқ бўлган, узумдан қилинган шаробдир. Уни ичиш [миқдори] мизожларга қараб турлича бўлади. Ёшлар унинг

озгина миқдорини анор билан истеъмол қилишлари керак; кексалар эса уни ўз ҳолича ҳеч нарса қўшмасдан ичадилар. Яхшиси шуки, одам шаробни ўртача миқдорда қабул қилиши керак; чунки уни кўп истеъмол қилишда катта зарар бор. Ёшлар эски шаробни ичганларида, унинг тезлигини ва зарарли хусусиятини синдириш учун сув ичсалар яхши бўлади.

З и й н а т.

Юзни чиройли қилади, баъзи кишиларни семиртиради, [ўз жойида] айтилган дорилар билан истеъмол қилинса, доғни ва песни кетказади ва юзни тозалайди.

Я р а л а р.

Шаробни ёмон яраларга ва чиқинди-йиринг оқиб турадиган ўйилган яраларга қуйилса, уларга фойда қилади. Оқма тешикларни, шунингдек, «сутли яра»ларни шароб билан ювилса ҳам фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Шароб маст қилади, ухлатади, эслаш қувватини йўқотади ва нафсоний қувватларни туширади.

Б ў ғ и н л а р.

Шаробни доимий ичиш асабларга зарарли бўлиб, қалтироқликни пайдо қилади; узоқ вақтгача ҳар куни маст бўлиш, асабларда сустлик ва кучсизлик туғдиради; асал қўшилган шароб эса бўғин оғриқларига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ибн Мосавайҳ айтадики, жуда эски шароб кўзга зарарлидир. Нохина касалининг дориларини эски шароб билан қориб тайёрланади.

Қайсар деган кўз дорисини шароб билан эзиб, давомли эски нохинага тортилса, фойда қилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Шароб туғма иссиқликни кучайтиради; кўнгилни хурсанд қилади; ширин шароб эса ўпка йўлларини тозалайди ва нафасни текислайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Тез [пастга] ўтувчи ва тез ҳазм бўлувчидир; озиқлилиги кўп, яхши каймус туғдиради; вақти вақти билан кўнгилни айнатади ва қустиради, шу билан меъдани чиқиндилардан тозалайди; ўртача ичилган вақтда овқатга иштаҳа туғдиради. Кўп ичилган вақтда жигар ва буйракларда тиқилма ҳосил бўлади. Шаробни кам ичилса, у овқатни ўтказади, ҳазмни яхши қилади, овқатнинг қонга айланишини тезлатади ва заифланган иштаҳани оширади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Оқ, суюқ шаробга келсак, у сийдикни юриштиради ва қовуқдаги яллиғланишга яхшидир. Эски шароб эса қовуққа зарар қилади; асалли ша-

роб ични юмшатади, аммо денгиз суви билан ишланган шароб қоринни дам қилади, ични суради ва орқатешик сустлигини кетказади. Асалли шароб бачадон оғриқларига фойда қилади; сув қўшилган шаробнинг тоза шаробга қараганда [сийдикни] юриштириш [хусусияти] кўпроқ. Аммо ширин шароб [сийдикни] юриштирмайди. [Сув] аралашган шароб бўшаштириш ва дам қилиш билан ичакларга зарар етказади; тоза шароб эса, ўзининг буруштирувчанлиги билан ичакларни қувватлантиради, уларни қиздиради ва дамни тарқатади.

З а ҳ а р л а р.

Эски шаробни ичиш ва у билан ювиниш ҳамма газандаларниинг чаққанига фойдалидир. Денгиз суви билан ишланган шароб карахт қилувчи заҳар ичган кишига ҳамда *мартак*[2] ичган ёки [заҳарли] қўзиқорин еган ва совуқ газанда чаққан кишига фойда қилади. Шаробни туғма қувватларга ёрдамчи даво қилган Тангрига мақтовлар бўлсин).

[1] *Қаҳва* деб кучли спиртли ичимликка айтилган. Ҳозирда эса баъзи шарқ мамлакатларида қаҳвадан кофени тушунилади.

[2] Яъни қўрғошин оксиди.

«ТО» ت [Т]ҲАРФИ

721 ТАМР ҲИНДИЙ[1] – ТАМАРИНД, ТАМАРҲИНДИЙ

(М о ҳ и я т и.

Бу маълум, уни Ҳиндистондан келтирилади).

Т а н л а ш.

Тамар*ҳиндий*нинг энг яхшиси сўлимаган ва бурушмаган, янгиси бўлиб, мазасида нордонлик аниқ сезилиб туради.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ични суради, олхўрига нисбатан латифроқ ва ҳўллиги камроқ.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

У қусиш ва иситмалаш вақтидаги ташналикда фойда қилади; кучли қусишдан бўшашган меъдани тортиб, [бақувват қилади].

И с и т м а л а р.

Тамар*ҳиндий* чанқатадиган ва дилни сиқадиган иситмаларга, айниқса, ични юмшатишга эҳтиёж бўлган вақтда фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сафрони суради. [443] Унинг қайнатмасидан бир ичиш миқдори ярим *ратл*га яқин.

[1] Tamarindus indica L.

722 ТУДАРИЙ[1] – ТУНБОШ

Моҳияти.

Дисқуридуснинг айтишича, бу барглари канавча баргларига ўхшаш бўлган бир ўт. Илдизи тўртбурчакли, ярим тирсак узунлигида бўлади. Унинг ғилофчалари бўлиб, ичида узунчоқ қора уруғлари бор. *Тударий*дан ишлатиладиган нарса [уруғлар]дир. Аммо чўлда ўсадиган *тударий*нинг уруғи думалоқ бўлади.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ, биринчи даражада ҳўл.

Хоссалари.

Унда индовдагидек ўткир маза ва яра қилиш хусусияти бор.

Шиш ва тошмалар.

Уни сув ва асал билан қўшиб, ярага айланмаган саратон ўсмасида суртилса, фойда қилади. Барча қаттиқ шишларга ҳам фойда қилади. Кўпчишларга қарши қўйиб боғланади.

Бўғинлар.

Уни қотиб қолган подаграга боғланса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Қулоқ тагидаги шишларга фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Агар уни асал билан қўшиб, кўзга тортилса, кўзнинг яраларини тозалайди.

Кўкрак аъзолари.

Уни ивитиб, сувда қайнатилса ва сопол идишга солиб қовуриб, яланадиган дорилар билан бирга [ишлатилса], хилтларнинг кўчишини енгиллаштиради.

Чиқариш аъзолари.

Тударий, айниқса, унинг шароб билан қайнатилгани, шаҳвоний қувватни кучайтиради.

[1] Lepidium perfoliatum L.; Sisymbrium officinale S c o p.

723 ТАННУБ[1] – ҚИЗИЛ САНАВБАР, ҚАРАҒАЙ

М о ҳ и я т и.

Бу маълум дарахт бўлиб, *фуқи*[2] бунинг бир туридир. Майда *чилғўза*[3] шу дарахтнинг уруғи; қуруқликда бўладиган *зифт*[4] елими шундан олинади.

Х о с с а л а р и.

Унинг уруғи бўлган майда *чилғўза* буруштирувчи қувватга эга ва у енгил қиздирувчидир.

Ш и ш л а р.

Бу дарахтнинг баргларини иссиқ шишларга қарши қўйиб боғланади.

Я р а л а р.

Унинг барги ва уруғини ўрдак ёғи, *мурдосанж* ва майдаланган *кундур* билан аралаштириб ишлатилса, [бадан] ташқарисидаги яраларга фойда қилади; мум ва марсин оғочининг ёғи билан аралаштирилганда эса, юмшоқ бадандаги яраларга ҳамда барча иссиқ ва ҳўл яраларга фойда қилади. Унинг пўстлоғини [янчиб], жароҳатларга сепилса, мос келади; агар баргини янги жароҳатларга ишлатилса, уларнинг йиринглашига монелик қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Унинг [ивитмаси] ва қайнатмаси билан, хусусан, сиркага қўшиб, тиш оғриқларида оғиз чайқалади ва баъзан шу мақсадда [ишлатиш учун] унинг чўпини майдалаб, сиркада қайнатилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг қуруми кўзга тортиладиган дорилар таркибига киради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Майда *чилғўза*дан иборат бўлган *таннуб* уруғи кўкракдан балғамнинг
220а кўчишига ёрдам беради, || елимининг эса эски йўталларга фойдаси жуда катта ва у *зифт* елимининг бир туридир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ундан бир *мисқол*ни (асал сувида ивитиб), совуқдан зарарланган жигарга [ишлатилади], барги ҳам шундай.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Уни ичилса, ични боғлайди ва сийдикни ушлайди.

[1] Pinus pinea L., Picea excelsa L i n k.

[2] № 602 даги 2-изоҳга қаранг.

[3] № 656 га қаранг.

[4] № 227 га қаранг.

724 ТАРАНЖУБИН – ЯНТОҚ ШАКАР

М о ҳ и я т и.

Бу кўпинча Хуросон ва Мовароуннаҳрда [ҳаводан] тушадиган шудринг [шира]дир. Бизнинг мамлакатимизда у кўпинча туя янтоғининг[1] устига тушади.

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси янги ва оқ ранглисидир.

Т а б и а т и.

Иссиқликка яқин бўлган мўътадил.

Х о с с а л а р и.

Ҳомиладор хотинларга ишлатиш учун ярайдиган юмшатувчи [доридир].

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Йўталга фойда қилади ва кўкракни юмшатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Ташналикни босади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сафрони енгил суради. Унинг суриши ўзидаги махсус хусусиятидандир. Ундан бир ичиш миқдори (мизожларга қараб) ўн *мисқол*дан йигирма *мисқол*гачадир.

[1] Alhagi camelorum F i s c h. ўсимлигидан чиқадиган ширин модда.

725 ТУТИЁ[1] – ТЎТИЁ

М о ҳ и я т и.

Тўтиё мисни унга аралашган тошлардан ва қўрғошиндан тозалаб олинаётган вақтда кўтариладиган дуддир. *Иқлимиё*ни[2] қиздириб ҳайдалганда [юқорига кўтарилган] дуд яхши тўтиё бўлади ва [идиш тагида] қоладигани эса *сақудус* деб аталадиган *иқлимиё*дир. Тўтиё оқ, сариқ, яшил ва қизғиш рангли ҳамда (майда ва йирик бўлиб, буларнинг ҳаммаси Кермонда тайёрланади). Ҳинд тўтиёси эса ювилган тўтиёдир, уни дурдага ўхшатиб ўзи ювилган сувнинг тагидан йиғиб олинади – мана шу *сақудус*дир. *Сақудус* билан тўтиё орасидаги фарқ шуки, тўтиё юқорига кўтарилади [қиздириб ҳайдалади], буниси эса мис қуйилган аламбиқлар тагида қолади. У мис *иқлимиё*сига ўхшайди. Буни қиздириб ҳайдалганда ҳаммаси тўтиё шаклида кўтарилади. (Айтишларича, денгизда думалоқ шаклли ва қаттиқ қобиқли бир ҳайвон бўлиб, у ўлгач, тўлқинлар уни отиб, қирғоққа чиқаради, [444] ундан тўтиё тайёрланади ва жуда латиф бўлади).

Танлаш.

Энг яхшиси оқ рангли ва [қиздирганда] баландга учадиган тўтиёдир; ундан кейин сариғи, сўнг писта [рангли] Кермонда бўладиганидир; ҳаммасининг ҳам янги ва тозаси яхши бўлади.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Тўтиё ачиштирмасдан қуритади; унинг ювилгани қуритувчи [дориларнинг] энг яхшисидир.

Зийнат.

Қўлтиқ бадбўйлигига фойдалидир.

Яралар.

Унинг ювилгани яраларга, ҳатто саратон яраларига ҳам фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Тўтиё кўз оғриғига фойдалидир. Тўтиё, хусусан, унинг ювилгани, кўз қатламларига кирган томирлардаги чиқарилиши керак бўлган ёмон чиқиндиларни қайтаради.

Чиқариш аъзолари.

Орқа тешикдаги ва жинсий аъзолардаги яраларга ва уларнинг шишларига фойдали.

[1] Цинк шпати ҳамда цинк оксиди.

[2] № 626 ва 627 ларга қаранг.

726 ТИНКОР[1] – ТАНАКОР

Моҳияти.

Танакорнинг кондан қазиб олинадигани ва сунъийси бўлади. Танакорни «тиллани бириктирувчи» деб атайдилар (ва уни заргарлар ишлатадилар).

Бош аъзолари.

У ўзининг хусусияти билан тиш оғриғида ва тишнинг ейилишида фойда қилади.

[1] Бўр кислотасининг натрий тузи – Вогах. Фармакопея VIIIга киритилган.

727 ТАШМИЗАЖ[1]

Табиати.

Иссиқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Қаттиқ буруштирувчи.

[1] Б. да: *«ташмираҳ»*. Бу *чашмизаж* нинг бошқача аталиши (М. А. II, 72), *чашмизаж* эса Cassia absus L. ўсимлигининг уруғини ифодалайди. «Сайдана» № 255 (10).

728 ТУРМУС[1] – ЛЮПИН, «МИСР БОҚИЛАСИ»

Моҳияти.

(Дисқуридуснинг айтишича, *турмус*нинг боғда ўсадигани ва ёввойиси бўлади. Ёввойиси боғда ўсадиганига ўхшаш бўлса ҳам, лекин ундан кичикроқ. Боғда ўсадиган *турмус* нимага яроқли бўлса, ёввойиси ҳам ўшанга ярайди). Ҳар иккаласи ҳам ялпоқ шаклдаги донадан иборат бўлиб, мазаси аччиқ ва ўртаси чўқилганга [ўхшаш чуқур] бўлади; [*турмус*] Миср боқиласидир.

Танлаш.

Ёввойиси унга тегишли хусусиятларнинг ҳаммасида ҳам қувватлироқдир; аммо ўзи майдароқ бўлади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Хоссалари.

Аччиқлик хусусиятига эга бўлган Миср боқиласи тозалайди, ёпиштиради ва ҳеч ачиштирмасдан шимдиради. Жолинуснинг айтишича, аччиқлиги чиқариб олинган Миср боқиласи ғализ бўлади, ёпиштирувчи бўлади ҳамда унда тозалаш хусусияти қолмайди; хуллас у ёмон [сифатли бўлиб], ҳазм бўлиши қийин ва яхши ҳазм бўлмаган тақдирда томирларда хом [хилт] туғдиради. Агар унинг [турли нарсалар қўшиб] тузатилганини яхшилаб пиширилса, унда озиқлик кўп ва у ҳазм бўлса, ёмон хилт туғдирмай, яхши ғизо бўлади; шунингдек, унда қуруқлик ва ёпиштирувчанлик ҳам бўлади. Агар уни ивитилса, аччиқлиги чиқиб кетади, шундан сўнг пиширилади. Умуман Миср боқиласи овқатликка қараганда дориликка яқиндир.

Зийнат.

Уни тоза пишгунча ёмғир сувида қайнатиб [ишлатилса], сочни ингичкалаштиради; доғ, сепкил, излар, қонталаш ва тошмаларни кетказади ва юзни силлиқ қилади. Унинг қайнатмасини *тило* шароби билан бирга песга қарши ишлатилса, фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Агар уни сирка билан ёки баданнинг талабига қараб сирка ва асал билан аралаштириб ишлатилса, юздаги тошмаларга, яраларга, иссиқ шишларга, қулғунага ва қаттиқликларга фойда қилади. Унинг қайнатмасини гангренага қуйилса, унинг чиришини қайтаради.

Яралар.

Миср боқиласи қўтирга фойда қилади. Уни қора *мозариюн*нинг илдизи билан қўшиб, ишлатилса, ҳатто моллардаги қўтирни [ҳам] кетказади, || 220б ел тушишга, иссиқликка, ёмон ва тузалмайдиган яраларга фойда қилади. Унинг унини арпа уни билан қўшиб, ишлатилса, [йирингли] чиқиқлардаги оғриқларни босади ва нори форсийга фойда қилади.

Бўғинлар.

Миср боқиласидан иркуннасо [касалига] қўйиб боғланадиган [дори] тайёрлаб, ишлатилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Унинг уни бошдаги ҳўл яраларга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Миср боқиласи, айниқса, агар уни сирка ва асал билан ва хусусан асал, қичитқи ўт ва мурч билан қайнатиб [ишлатилса], жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади. Аччиқлиги бўлмаган Миср боқиласи кўнгил айнашни босади, иштаҳани очади; лекин аччиғи чиқариб юборилган Миср боқиласининг ўтиши [сингиши] оғир.

Чиқариш аъзолари.

Миср боқиласининг қайнатмаси киндикка суртилганда ҳамда асал билан яланганда ёки [сув] қўшилган сирка билан ичилганда, ингичка гижжа ва қовоқ уруғисимон гижжаларни ҳайдайди, иркуннасодаги оғриқларга фойда қилади. Уни қичитқи ўт ва мурч билан қўшиб, ичилса ёки кўтарилса, ҳайз қонини ҳайдайди, болани туширади; баъзан шу мақсадда уни мурр ва асал билан кўтарилади. Асал ва сиркага қўшиб ичилса ҳам болани ва гижжани туширади, шунингдек, сийдикни юриштиради. Унда ични боғлаш хусусияти бор, аммо баъзиларнинг айтишича, ширинлик қўшилган Миср боқиласида ични суриш хусусияти ҳам ва боғлаш хусусияти ҳам йўқ.

[1] Lupinus angustifolius L., L. termis F o r s k.

729 ТИННИН УЛ-БАҲР[1] – «ДЕНГИЗ АЖДАҲОСИ»

Таъсир ва хоссалари.

Жолинуснинг айтишича, уни ёриб, ўзи тишлаган жойга қўйилса, фойда қилади.

Заҳарлар.

[445] *Тригулун* ҳайвонини денгиз аждаҳоси зарбаси теккан жойга қўйилса, фойда қилади.

[1] Trochinus draco L. балиғи; D–G II, 15.

730 ТИМСОҲ – ТИМСОҲ

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг тезагини кўзга оқ тушишига [қарши ишлатилса] фойда қилади. (Тимсоҳ буйрагининг атрофини ўраб олган нарсадан бир *мисқол* оғирлигида олиб, шароб билан ичилса, жинсий алоқа истагини қўзғатади, деб айтилган. Бу [дори] қўзғатган жинсий алоқа истагини сутчўп уруғи тинчлантиради).

З а ҳ а р л а р.

Тимсоҳнинг ёғини унинг ўзи тишлаган жойга қўйиб боғланса, ўша соатдаёқ оғриқни қолдиради.

731 ТАНБУЛ[1] – БЕТЕЛЬ

(М о ҳ и я т и.

Бу Ҳиндистондаги Нағр деб аталган жойда ўсадиган бир дарахтнинг баргидир. У [дарахт]нинг барги лимон баргига ўхшайди; шохлари ҳам шундай. Ҳиндистон халқи уни оҳак ва *фуфал*[2] билан қўшиб, «ейдилар; уни чайналса тишларни қизил рангга бўяйди. *Танбул* хуш(бўй бўлиб, ҳиндистонликлар уни истеъмол қилишни севадилар ҳамда кўпинча чайнаб юрадилар ва бу билан фахрланадилар).

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Буруштирувчи ва қуритувчидир.

(З и й н а т.

Нафасни хушбўй қилади, оғиздаги ёмон ҳидни кетказади ва тишларни қизартиради. Япроғининг ширасини шаробга қўшиб ишлатилса, доғларни кетказади, дейдилар).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Милкларни қувватли қилади, шунинг учун Ҳиндистон аҳолиси уни доимо чайнаб юради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда оғзини маҳкамлайди, (ҳазм қилишни кучайтиради, елларни ҳайдайди ва кекирикни яхши [ҳидли] қилади; шунинг учун ҳиндистонликлар уни доимо чайнаб юрадилар.

[1] Piper betle L.

[2] Ҳиндистонда ўсадиган бир дарахтнинг меваси.

732 (ТАМР[1] – ХУРМО;

Моҳияти.

Маълум.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл; унинг иссиқлиги ҳўллигидан кўпроқ. Хурмо эрлик уруғини кўпайтиради, бош оғриғини келтириб чиқаради; унинг бу [таъсирини] бодом ва кўкнор, улардан кейин тоза *сиканжубин* тузатади).

[1] Phoenix dactylifera L. яна № 93, 466, 617 ва 670 ларга қаранг.

733 ТОФСИЁ[1]

Моҳияти.

Бу чўл газагўтнинг елимидир. Баъзан уни *«Со»* ҳарфи билан ҳам талаффуз қиладилар[2].

Танлаш.

Унинг янгисидан бошқаси ишлатилмайди. Агар у бир йил туриб қолса, заифланади ва ундаги ортиқча ҳўллик тарқалиб кетгани учун ундан фойдаланиб бўлмайди.

Табиати.

Жуда иссиқ, ачиштириб [куйдирувчи], кучли қиздирувчи ва қуритувчидир. Унда ортиқча ёт ҳўллик бор, шунинг учун у дарҳол ачиштирмайди.

Хоссалари.

Тозаловчи, [ични] сурувчи, пиширувчи ва оқизувчидир. Унда ортиқча ҳўллик бўлганлиги туфайли маълум бир вақт ўтмасдан илгари ачиштирмайди. *Тофсиё* [моддаларни] бадан чуқурлигидан жуда қаттиқ тортувчи нарсалардандир, аммо ўзидаги ортиқча ҳўллик сабабли истеъмол қилингандан сўнг бир оз вақт ўтгач тортади. Мизожни иссиқлик тарафига ўзгартиришда бунга тенг келадиган дори йўқ.

Зийнат.

Мўйларни ўстиради ва «тулки касаллиги»га жуда фойдалидир. Бу соҳада унга тенг келадиган дори кам топилади. Буни ишлатиш усуллари ҳақида биз ўз бобида айтиб ўтдик. Қонталашга ҳам фойда қилади, бунда уни бир соатдан кам муҳлатга қўйилмайди, шунингдек, [ярадан қолган] изларга, сепкилга ва песга ҳам фойда қилади.

Бўғинлар.

Уни [бўғинларнинг] бўшашишига, подаграга ва совуқ бўғинларга суртилади. Иркуннасога қарши у билан ҳуқна қилинади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Тофсиё йиринг туфлашда ва қийналиб нафас олишда фойда қилади. Икки томон биқиндаги оғриққа, айниқса, эски оғриқларга суртилса, қўйиб боғланса ва у билан [ични] бўшатилса, фойдалидир. Уни суртилса ва яланадиган дориларга суюлтириб қўшилса, чиқиндиларни туфлаш йўли билан чиқаришга ёрдам беради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг илдизи, пўстлоғи ва елимида ич суриш [хусусияти] бор. [Ичириш] миқдори: унинг пўстлоғидан уч *драхмий*, ширасидан уч *оболо* ва елимидан бир *драхмий* олинади; агар бундан кўпайтириб юборилса, зарар қилади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Уни ўзининг учдан икки оғирлиги миқдоридаги *катиро* ва шу миқдорда таратизак билан алмаштириш [мумкин].

[1] Б. да: *тафсиё*. № 334 га қаранг.

[2] Яъни *софсиё* деб ҳам юритадилар.

734 ТУФФОҲ[1] – ОЛМА

Т а н л а ш.

Олманинг энг мўътадили Шом олмасидир. Бемаза олма ёмон бўлиб, унинг фойдаси кам, у олмага хос таъсирлардан бирортасини ҳам кўрсатмайди. Хом олма ҳам шундай.

Т а б и а т и.

Пишган олма, сувли бўлгани сабабли совуқ ва ҳўлдир. Мози мазали, буруштирувчи ва нордон олмалар совуқ ва ғализдир. Ширин олмалар, гарчи уларда совуқлик ғолиб бўлса ҳам бошқа олмаларга қараганда иссиқликка яқин ва сувли бўлади. Олмалар, шунингдек, уларнинг япроқлари ва дарахтлари ҳам турлича бўлади; қисқаси олманинг моддасида ортиқча ҳўллик ва совуқлик кўпдир. Агар олма жуда ширин бўлса, уни иссиқликда мўътадил || ёки иссиқликка яқин дейиш мумкин. *221а*

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Олмада, айниқса, унинг баргида, чиқиндиларга тўсиқлик қилиш [хусусияти] бор. Унда, айниқса, ширин бўлмаганида, дам қилиш [хусусияти] бор. Олманинг мози маза ва буруштирувчанлиги унда ер ва сув [моддалари] борлигидандир. Ширин олма, ундаги ортиқча ҳўллик туфайли сувли бўлади. Шунинг учун унинг сиқиб олинган суви тез қайнаб, [ачийди]. Асал

унинг сиқиб олинган сувини [бузилишдан] сақлайди. [446] Олманинг мози мазалигидан ва буруштирадиганидан ер [моддалик] хилт туғилади. Нордон ва хом олма ўз хилтининг хомлиги ва етилмаганлиги ҳамда чиришни қабул қилишлиги туфайли чириш ва иситмаларни туғдиради. Нордон олманинг хилти буруштирувчан олманинг хилтига қараганда латифроқ бўлади. Олманинг эски шарбати ёмон буғларни тарқатишда янгисидан яхшироқдир.

Ш и ш л а р.

Олманинг барги ва сиқиб олинган суви бошланаётган иссиқ шишлар ва тошмаларга[2] фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Олманинг барги ва пўстлоғининг ичидаги пардаси ярани битиради. Буруштирувчи олманинг сиқиб олинган суви ҳам шундай.

Б ў ғ и н л а р.

Олмани, айниқса, баҳоргисини, кўп ейиш асаб оғриқларини туғдиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Олма, хусусан, Шомнинг хушбўй олмаси ва хушбўй ширин ва нордон олмалар, юракни қувватли қилади. Агар иссиқлиги кўп бўлса, манфаати яна ҳам катта бўлади. Унинг толқони ҳам шундай.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Олма заиф меъдани қувватлантиради. Буруштирувчи хили меъданинг касаллигига, хоҳ у иссиқликдан, хоҳ ҳўлликдан бўлсин, фойда қилади. Шунингдек, мози маза ва нордон олмалар ҳам [меъдада] жуда совуқ бўлмаган қуюқ хилтлар бўлган вақтдаги меъда заифлигига фойда қилади. Хамирнинг ичида пиширилган олма иштаҳанинг камлигига фойдалидир. Олманинг толқони меъдани қувватли қилади ва қусишни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ширин ва нордон олмалар меъдада қуюқ хилт учратсалар уни ахлат билан бирга туширадилар ва агар меъда бўш бўлса, уни боғлайдилар. Хамирнинг ичида пиширилган олма гижжаларда ва дизентерияда фойда қилади. Мози маза олма ва унинг толқони дизентерияга [қарши ишлатишга] янада мувофиқроқдир, лекин улардаги шакарнинг [ични] юмшатиши ғолиб бўлмаса, [шундай бўлади].

И с и т м а л а р.

Хом олмадан хом хилт [пайдо бўлганлиги] сабабли, баъзан у турли иситмаларни туғдиради.

З а ҳ а р л а р.

[Олма], шунингдек, унинг сиқиб олинган суви ва барги заҳарларга [қарши] фойдалидир.

[1] Pirus malus L.
[2] Б. да: «учуққа».

735 ТУРБИД[1] – ТУРБИТ

(М о ҳ и я т и.

Бу йўғон ва ингичка оғоч парчаси бўлиб, Ҳиндистондан келтирилади).

Т а н л а ш.

Энг яхшиси кўринишда оқ, ингичка қамишдек ичи ковак ва ингичка[2], силлиқ ва тез майдаланадиган ҳамда қалин бўлмаганидир. Баъзан уни [қурт] ейди, шунда унинг (қуввати) заифлашади. Жуда енгил ва тешилгани кучсиз [бўлади]. Унинг ичидаги оқи тоза бўлиб [кўрингунча] хира рангли пўстлоғини қириб ташлаш билан тузатилади. Янчилганини бодом ёғига қўшилади.

Х о с с а л а р и.

*Турбид*ни истеъмол қилиш гавдада қуруқлик пайдо қилади. Чунки у суюқ рутубатларни чиқаради. [Шунинг учун] уни бодом ёғи билан қўшиб, истеъмол қилинади.

Б ў ғ и н л а р.

Асаб касалликларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Турбид шиллиқни кўп суради ва куйдирувчи хилтларни ҳам бир оз суради. Унинг янчилганини ишлатилганда юқоридаги таъсирни бериб, қайнатилгани эса бунинг аксича таъсир кўрсатади. Мосаржавайҳнинг айтишича, у қуюқ ёпишқоқ хилтларни суради. Баъзиларнинг айтишича, у икки ёнбошдан хом хилтларни суради. Аммо, тўғрироғи шуки, у суюқ шиллиқни суради ва агар уни занжабил ёки бир ўткир нарса билан кучайтирилса, *турбид* қуюқ ва хом хилтларни ҳам суради; лекин унинг ёлғиз ўзи қуюқ хилтни суролмайди, фақат унга меъдада ва ичакларда бирор (тузатувчи) нарса учрасагина суради. Уни бир ичиш миқдори икки *дирҳам*гача, қайнатмаларда эса тўрт *дирҳам*гача.

[1] Ipomoea turpetum. Br.
[2] Б. да: «қурт емаган, ингичка қамишга ўхшаган ўралган найчалардан иборат».

736 ТИН[1] – АНЖИР

М о ҳ и я т и.

Анжирнинг ўзига хос табиати бор. У ўзининг барглари ва сутида сутли ўтга хос [қувват] сақлайди. Агар анжирнинг барги топилмаса, ёввойи ан-

жирнинг шохидан синдириб олиб ва уни ёриб, қайнатилади ҳамда сувини олинади. [Анжирнинг] ширасини бошқа ўсимликларнинг ширасини олинганидек олинади. Анжир шиннисининг таъсири асал таъсирига ўхшайди.

Танлаш.

Унинг энг яхшиси оқи, сўнг қизили ундан кейин қора ранглигидир; тоза пишгани жуда яхшиси бўлиб, деярли зарарсиздир. Анжирнинг қуруғи ўз таъсири билан мақтовга сазовордир, аммо ундан пайдо бўладиган қон яхши эмас, шунинг учун уни ёнғоқ билан бирга ишлатилмаса, у битлатиб юборади. Ёнғоқ билан бирга ишлатилса, каймуси яхши бўлади. [Бу хусусда] бодом ёнғоқдан кейинда туради. Ҳаммасидан енгилроғи оқ анжирдир.

Табиати.

Қизил[2] анжир бир оз иссиқдир. Ҳўл анжирда сув [моддаси] кўп бўлиб, дорилик [таъсири] оз. Пишмаган анжир тозаловчи бўлиб, унинг сутидан ташқариси бир оз совуқликка мойилдир. Қуруқ анжир эса биринчи даражада иссиқ ва шу даражанинг охирида латифдир.

221б Хоссалари.

Анжирнинг қуруғи, хусусан ўткир мазалиги || кучли тозаловчи, пиширувчи ва шимдирувчидир. Этлик анжирнинг пиширувчанлиги кўпроқ бўлиб, [447] унинг озиқлик[3], парчалаш ва латифлаштириш хусусиятлари ҳам бор. Ёввойи анжирнинг ўткир мазалиги кўпроқ ва у шу жиҳатдан кучлироқдир. Умуман анжир бошқа мевага қараганда озиқлироқ бўлади. Тоза пишган анжир деярли зарар етказмайди, бироқ унда дам қилиш [хусусияти] бор. Ўткир ва қуруқ анжир тозалашдан ўтиб, яралашгача боради; ҳаттоки, анжирнинг қуруқ япроғини қора *мозариюн*нинг (илдизи) билан қайнатиб ишлатилса, қорамолларнинг қўтирига [ҳам] дори бўлади. Япроғининг шираси кучли қизитувчи ва тозаловчидир. Унда етарли даражада юмшатиш хусусияти бўлиб, чириндиларни терига ҳайдаб чиқаради ва терлатади. Шунинг учун менинг фикримча, уни ейилганда ҳароратни босади, (қуруқ анжир ҳам) чириган нарсаларни ташқарига чиқаради ва терлатади. Анжирнинг сути суюлган қон ва сутларни қотиради ва қотган [нарса] ни эритади. (Анжирнинг ҳўли тез сингувчи ҳамда меъда ва баданга тез ўтувчидир). Анжирдаги озиқликнинг тиғизлиги гарчи дон ва гўштларникидек бўлмаса ҳам, бошқа ҳамма меваларнинг овқатлилигидан зўрдир. Ҳали барг чиқармаган анжир шохидан олинган ширанинг қуввати [анжир] сутининг қувватига яқин бўлади. Анжир ёғочининг кули икки марта ивитилган сувни ичда сут ивиб қолишига қарши ичирилади. Дуб ёнғоғи кулининг суви ҳам шу таъсирда бунга яқин туради. Анжирнинг шарбати латиф ва ёмон хилт туғдирувчидир; унинг шохларида ҳам бир нав латифлик хусусияти борки, агар уни гўшт билан қайнатилса, ҳил-ҳил қилиб пиширади. Тутанжир жуда

чуқурдан тортувчи қувватга эга бўлиб, тортиладиган нарсани тез шимдиради.

З и й н а т.

Анжирнинг хомини, шунингдек, баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Уни ейилса, касалликлар ва иссиқ бўш шишлар сабабли бузилган рангни тузатади ҳамда чипқонларни пиширади. Уни, хусусан, гулсапсар илдизи, *натрун*, оҳак ва анор пўстлоғи билан қўшиб, милкак касалига қарши ишлатилади. Тутанжирнинг сути, шунингдек, унинг қайнатилгани тарқалиши қийин бўлган шишларга, қулғунага ва *ҳўппоз* [катта чипқон]га фойдалидир. [Анжир], айниқса, тутанжир, тутсимон ўсмаларни, унинг баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кесади [кетказади]; мумли суртма билан қўшиб, ишлатилса, совуқдан ёрилганда [фойда қилади]. Унинг сути ҳам айтилганларнинг ҳаммаси учун шундай [таъсирга эга]. Анжир [баданда] тез тарқалади ва у ёғ [тўплаб] семиртирувчи ва битлатувчи ҳамдир. Унинг аччиқлиги хилтининг бузуқлигидан бўлади, дейдилар. У тезда ташқарига ҳайдаб чиқарилади ва у ҳаёт учун яроқли хилт туғдиради ҳам дейдилар.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Анжирни қаттиқ шишларга қўйиб боғланади. Тутанжирни арпа уни билан пишириб ёки унинг хомини доғларга [қўйиб боғланади]; у чипқонларни ҳам пиширади. Анжирнинг ҳўлини истеъмол қилинса, иссиқлик тоширади. Унинг қайнатмаси билан ғарғара қилинса, томоқ ва қулоқ ости шишларига фойда қилади. Анор пўсти ва каллақанд билан қўшиб, қайнатилгани милкак учун фойдалидир. Қуруқ анжир ўзининг ширинлиги билан жигар ва талоқ шишларига зарар етказади; аммо шиш қаттиқ бўлса, зарар ҳам қилмайди, фойда ҳам етказмайди, лекин латифлаштирувчи ва шимдирувчи нарсалар билан аралаштирилса, жуда фойдали бўлади. Тутанжир тузалиши қийин бўлган шишларни кучли шимдиради.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Анжир баргининг ширасы яралантиради. Унинг қайнатмасини хардал кўпигига қўшиб қичимага суртилади; анжирнинг барги темираткига фойда қилади ва эшакемга ва қуюқ рутубатли яраларга қарши ҳам қўйилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сув эски, чириган яраларни еювчи ва тозаловчидир. Агар анжирни анор пўсти билан қўшиб, ишлатилса, милкакни тузатади; кўк зок билан ишлатилганда эса икки болдирга чиққан ёмон яраларни тузатади. Тутанжирнинг сути жароҳатларни ёпиштиради.

Б ў ғ и н л а р.

Анжирнинг хомини ва баргини кўкнор барги билан қўшиб, суяк пардаси [чириганида] қўйилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритил-

ган сувни оғриётган асабга қуйилади ва [шу касалга] ундан бир ярим *уқия* миқдорида ичирилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ҳўл ва қуруқ анжир тутқаноқ касалига фойда қилади. Унинг қайнатмасини хардал кўпиги билан қўшиб, шанғиллаётган қулоққа томизилади. Анжирнинг сутини ва ҳали барг чиқармаган шохларининг ширасини ейилиб кетаётган тишга қўйилса, фойда қилади. Анжирни қулоқ ости шишларига қўйиб боғланса ҳам фойда етказади. Хом анжирни [толқон қилиб] бош яраларига сепилса, тузатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Анжирнинг сутини асал суви билан қўшиб, [кўзнинг] пардаларидаги суюқликка [қарши], катарактанинг бошланишига, кўз қовоқларининг ва қатламларининг қалинланишига қарши ишлатилса, фойда қилади. Анжирнинг барги билан дағалланган кўз қовоғини ва [қовоқдаги] қўтирни ишқаланади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

222a Анжирнинг ҳўли ва қуруғи томоқ қирилишига фойда қилади || ҳамда кўкрак ва ўпка йўлларига мос келади. Анжирнинг шарбати сутни кўпайтиради, шунингдек, унинг шароби эски йўталларга ва кўкрак оғриқларига, ўпка ва унинг йўлларидаги шишларга фойда қилади.

[448] О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Анжир жигар ва талоқлардаги тиқилмаларни очади. Жолинус анжирнинг ҳўли меъда учун ёмон, қуруғи эса ёмон эмас, дейди. Агар уни *муррий* билан ейилса, меъдани чиқиндилардан тозалайди. У тузлик шилликдан пайдо бўлган ташналикни кесувчи нарсалардандир; (қуруғи эса) чанқовни қўзғатади ва у, айниқса, уни эрман билан ишлатилса, истисқога фойда қилади. Анжир шарбатини ичиш меъдага фойдали бўлса ҳам, [аммо] иштаҳани кесади. Анжир ширин бўлгани учун тез тушувчи ва тез ўтувчидир. Унинг қуруғи шишган жигар ва талоққа фақат ширинлиги учунгина зарар етказади; аммо шиш қаттиқ бўлса зарар ҳам, фойда ҳам қилмайди. Уни, айниқса, ёнғоқ ва бодом билан қўшиб, наҳорга истеъмол қилишнинг овқат йўлларини очишда ажойиб манфаати бор. Шуниси ҳам борки, унинг ёнғоқ билан [қўшилгандаги] овқатлилиги бодом билан [қўшилгандаги] овқатлилигидан кўпроқ бўлади. Агар уни бирор қуюлтирувчи [нарса] билан қўшиб, ейилса, унинг зарари катта бўлади. Тутанжир меъда учун жуда ёмон, овқатлилиги кам, аммо қаврак елими ёки ўзининг сути билан қўшиб, қўйиб боғланса, талоқнинг қотишида фойдалидир. Анжирнинг ҳамма хиллари ҳам моддаларнинг меъда тарафига оқиб турганида ишлатиш учун мувофиқ эмас.

Чиқариш аъзолари.

Анжирнинг ҳўли ҳам, қуруғи ҳам буйрак ва қовуққа фойда қилади ва сийдик тутилган вақтда сабирлик қилади, аммо моддаларнинг ичакларга [оқиб туришида] мос келмайди. Баргининг шираси орқа тешик томирларининг оғзини очади. Ҳўл анжир, айниқса, агар уни майдаланган бодом билан ейилса, юмшатувчи ва [ични] енгил сурувчидир; бачадон қаттиқланиши учун ҳам шундайдир. *Натрун* ва маҳсар билан аралаштириб, овқатдан олдин ейилганда ҳам шундай [таъсирга эга]. Анжирнинг сутини тухум сариғи билан қўшиб, кўтарилса, бачадонни тозалайди; ҳайз қонини (ва сийдикни) юриштиради. Уни бачадонга қўйиб боғлаш учун сариқ йўнғичқа билан ва ичакларнинг ачишиб оғришига ҳуқна қилишда эса қичитқиўт билан қўшиб, ишлатилади. Анжирни ва хусусан, унинг сутини ишлатилса, буйракдаги қумни чиқаради. Анжир новдаси билан енгил ковланиб турилган [ҳайвон] сутига анжир сутини томизиб, у сутнинг оғиз [қисми]дан сув [қисми] ажратилса, бу нарса табиатни бўшатиш ва буйракни тозалашда қувватлироқ бўлади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сувдан дизентерия ва ичкетиш касаллиги билан оғриган кишига бир ярим *уқия* ичирилади ёки шу сув билан ҳуқна қилинади, ҳар икки ҳолда ҳам бу сув зайтун ёғи билан аралаштирилади. Анжир шароби [сийдикни] юриштиради ва [ични] юмшатади ҳамда у ўзининг тозалаш хусусияти билан қориндан пастга тез тушади ва тез сингиб кетади.

Заҳарлар.

Анжирнинг сутини чаён, шунингдек, қорақурт чаққан жойга ишқаланса, фойда қилади. Анжирнинг хомини ёки янги япроғини қутурган ит тишлаган жойга қўйилса, фойда қилади. Анжирни ва унинг баргини ясмиқ билан қўшиб, латча тишлаган жойга қўйиб боғланса ҳам фойда қилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сув қорақурт чаққан [кишига] ичирилса ва [ўша чаққан жойга] ишқаланса, фойдалидир. Тутанжирни [газандаларнинг] чаққанига қарши ичилса ва суртилса, фойда қилади.

[1] Ficus carica L.
[2] Б. да: «ҳўл».
[3] Б. да: «елимлаш».

737 ТУС[1] – ТУТ

Табиати.

Тут икки хил бўлади. Булардан бири ширин ва оқ тут бўлиб, у пишириш ва етилтириш юзасидан анжирнинг ўрнига ўтади; аммо унга қараганда овқатлиги ёмонроқ ва камроқ, қонни кўпроқ бузади ва камроқ [ҳосил

қилади], меъда учун ҳам ёмонроқ. Тутанжирнинг бошқа ҳамма хусусиятларига эга, лекин [таъсирда] ундан пастроқ. Шом тути [шотут] исми билан маълум бўлган нордон тутга келсак, ҳозирги сўзимизнинг кўпроғи ана шу [тут] ҳақида бўлиши керак. Унинг хоми, агар қуритиб [ишлатилса], татимнинг ўрнига ўтади.

Табиати.

Ширин тут иссиқ ва ҳўл, нордон шотут эса совуқ ва ҳўлликка яқин.

Таъсир ва хоссалари.

Унинг буруштириш ва совутиш хусусияти бор. Тутнинг ширасида, айниқса, унинг мис идишга солиб қайнатилганида буруштириш хусусияти жуда кучли ва у ёмон хилтларнинг аъзоларга оқишини тўхтатади. Бу [хусусият], айниқса, хом тутга хос бўлади ва хом тутнинг [таъсири] татим таъсирига ўхшайди.

Зийнат.

Агар тут, ток ва қора анжирнинг баргларини ёмғир сувида қайнатиб ишлатилса, сочни қорайтиради.

Шиш ва тошмалар.

Нордон тут оғиз ва томоқ шишларини қайтаради, унинг барги эса томоқнинг икки томонидан чиққан шишларга ва томоқ оғриқларга [қарши ишлатилса], фойдалидир.

Яралар.

Нордон тутнинг қуритилгани ёмон яраларда фойда қилади; ширази ҳам шундай.

Бош аъзолари.

Нордон тутнинг шинниси кўпинча, оғиздаги чиқиқларга фойда қилади; илдизининг қайнатмаси зса тишларни бўшаштиради. Нордон тут баргининг суви билан оғиз чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

222б Тут, айниқса, унинг оқ ширин хили, меъда учун ёмон, чунки || у меъдада бузилади. Агар оқ тут меъдада тезда бузилмаса, у зарар қилмайди. Тутнинг ҳамма хилини ҳам овқатдан илгари ейиш керак, шунда улардан меъдага зарар етмайди. Аммо шотутга келсак, у сафроли меъдага зарар қилмайди ва унда ширин тутда бўлгани каби, меъда учун ёмон [таъсир] йўқ, агар бўлганда ҳам кўнгилни айнатиш хусусияти йўқ. Шотутнинг овқатлилиги кам, аммо у овқатга иштаҳани очади, овқатни тез ўтказади [449] ва тез чиқаради; қисқаси, унинг овқатни меъдадан пастга тушириши тез бўлади, лекин ичакдан ўтказиши эса секиндир.

Чиқариш аъзолари.

Тузлаб қуритилган мози мазали тут ични қаттиқ тўхтатади ва дизенте-

рияда фойда қилади. Тутнинг суви [ёши] ични суради. Пўстлоғининг ички пардасида тозалаш ва ични суриш [хусусиятлари] бор, лекин тозалашга қараганда ични суриши кўпроқ. Ширин тут тез пастга тушувчидир, бу хусусияти унга аралашган ўткир мазали ёки ҳўллик туфайлидир. Арҳижонус [тутнинг ичдан] чиқиши секин ва у [сийдикни] юриштирувчидир, дейди. Мен ўйлайманки, нордон тут, хусусан, унинг қуритилгани ўзининг мутлақ табиати билан эски ичкетишни тўхтатади ва ичакдаги яраларни тузатади. Тутнинг ҳамма хиллари ҳам сийдикни ҳайдовчидир. Шотут, гарчи меъдадан чиқишида тезлик қилса ҳам, аммо ичакларда секинлашади. Тут дарахти пўстлоғининг ички пардаларида аччиқлик бор, шунинг учун агар уни қўйиб боғланса, гижжа ва қовоқ уруғига ўхшаш қуртларни ҳайдайди.

З а ҳ а р л а р.

Тут дарахтининг пўстлоғи сассиқалафга қарши тарёкдир. Агар [тут] баргининг ширасидан бир ярим *уқия* ичилса, қоракурт чаққанига фойда қилади ҳамда ўзининг ёпишқоқлиги ва дам қилиш хусусияти билан ични юмшатади.

[1] Morus alba L., M. nigra L.

738 ТАРСИЙ

Бу ушшақ[1] [қаврак елими]дир ва биз бу ҳақда *«Алиф»* [А] ҳарфи бобида сўзлаб ўтдик.

[1] № 21 га қаранг; Б: *алусун*, № 53 га қаранг.

739 ТЎБОЛ[1] – ТЎПОЛ

Т а н л а ш.

Энг кучли тўпол темирники бўлиб, ундан кейин мис тўполи туради. Бу металларни урганда тўкиладиган [тўзондир] ва уларнинг ҳаммаси куритиш хусусиятига эга, булар ҳақида биз ўз жойида айтиб ўтдик.

[1] № 775 га қаранг.

«СО» ث [С] ҲАРФИ

740 СУМ[1] – САРИМСОҚ

М о ҳ и я т и.

Саримсоқнинг боғда ўсадиган хили маълум. Бундан бошқа гандано саримсоғи[2] ва ёввойи саримсоқлар ҳам бор. Ёввойи саримсоқларда аччиқлик ва буруштирувчанлик бўлиб, уни «илон саримсоғи» деб аталади. Гандано саримсоғи эса саримсоқ ва гандано қувватидан таркиб топгандир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражадан тўртинчи даражагача иссиқ; ёввойи саримсоқ эса бундан ҳам иссиқроқ.

Т а ъ с и р в а ҳ о с с а л а р и.

Юмшатувчи, дамни жуда тарқатувчи ҳамда терини яралантирувчи ва куйдирувчидир. Сувларни зарарсизлантиришда фойдали таъсир қилади.

З и й н а т.

Уни тоғялпизининг қайнатмаси билан қўшиб, ичилса, ёки [баданга] ишқаланса, бит ва сиркаларни ўлдиради. Агар унинг кулини асал билан қўшиб, доққа ва кўз [остидаги] қонталашларга суртилса, фойда қилади; чириган моддалардан пайдо бўлувчи «тулки касаллиги» да ҳам фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ички йирингли шишларни ёради. Унинг кулини эса тошмаларга [суртилади].

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Терини яра қилади. Унинг кулини асал билан қўшиб, темираткига ва яраланган қўтирга [суртилади]. Ёввойи саримсоқни янгилигида ёмон жароҳатлар устига қўйилса, уларни бириктиради.

Б ў ғ и н л а р.

Агар у билан ҳуқна қилинса, иркуннасога фойда қилади, чунки у қонни ва ўтли хилтларни суради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Саримсоқ бошни оғритувчидир. Унинг қайнатилгани ва қовурилгани тиш оғриғини босади. Унинг қайнатмаси билан, айниқса, уни ладан билан аралаштириб, оғизни чайқалса ҳам тиш оғриғида фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни заифлаштиради ва кўзга майда чиқиқларни тоширади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Пиширив ишлатилса, овозни ва томоқни тозалайди, эски йўталларга ва совуқдан бўлган кўкрак оғриқларига фойда қилади ҳамда томоқдаги зулукни чиқаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Саримсоқ, айниқса, унинг христианлар истеъмол қиладигандек қилиб зайтун ва сабзи қўшиб пиширилгани қоринда сув йиғилишида фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар саримсоқ баргидан ва новдасидан [тайёрланган] қайнатмага ўтирилса, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради ва йўлдошни туширади; уни кўтарилганда ва ичилганда ҳам шундай [таъсир кўрсатади]. Юқорида айтилгандек қилиб [саримсоқдан] тайёрланган христианлар истеъмол қиладиган овқат ҳам жуда фойдалидир. Агар саримсоқдан икки *драхмий* миқдорида олиб, асал сувига қўшиб, майдалаб ишлатилса, шилликни ва гижжани чиқаради. Унда ични бўшатиш хусусияти бор. Аммо унинг шаҳвоний қувватга бўлган таъсирига келсак, у, куритиш ва тарқатиш хусусиятларига эга бўлганлиги туфайли зараралидир. Агар уни тезлиги эриб кетганича сувда қайнатилса, унинг пишгани деярли || кам иссиқлик бўлиб *223а* қолади ва натижада қуритмайди ва эрлик уруғини туғдиради. Саримсоқ балғам мизож баданларда балғамли моддаларни елга айлантиради, аммо уни чиқариб юборишга кучи етмайди. Агар у ел ҳолида томирларга тарқалса, шаҳвоний қувватга ёрдам бериши мумкин.

З а ҳ а р л а р.

Агар саримсоқни шароб билан ичилса, илонлар ва газандаларнинг чаққанига фойда қилади [450]. Биз буни текшириб кўрдик. Шунингдек, қутурган итнинг тишлаганига ҳам фойдалидир. Агар саримсоқни анжир барги ва зира суви билан қўшиб, узунбурунчанинг чаққан ерига қўйиб боғланса, (аниқ) фойда қилади.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Баробар миқдорда олинган эркак саримсоқ бунинг ёввойисининг ўрнига ўтади.

[1] Allium sativum L.

[2] Allium ameloprasum L.

741 СУМУН – ТОҒЖАМБИЛ

Т а б и а т и.

Унинг уруғи кучли иссиқдир.

Чиқариш аъзолари.

[Сийдик ва ҳайз қонини] юриштиради ва қориндаги ўлик ва тирик болани чиқаради, қонни ва ўтли хилтларни суради. Унинг бир ичиш миқдори ярим *дирҳам* оғирлигидадир. У гижжаларни ҳам ҳайдайди.

[1] Thymus capitatus L K. ва H o f f m.

742 СИЛ[1] – ШИРИН АЖРИҚ

Моҳияти.

Буни *бидигиёҳ* деб айтилади. (Табаристон аҳолиси уни *бидвош*[2] деб атайди. Бу маълум бир ўсимлик бўлиб, унинг бўғинли шохчалари бор; улар ерга ёйилишга ҳаракат қилади ва шохчалари ерга илдиз отади. Унинг меваси ширин ва барглари энлик бўлиб, учлари майда қамиш япроқларидек ўткир ва қаттиқдир. Уни қорамол ва бошқа ҳайвонлар ейди. Дискуридус, биз ширин ажриқнинг бошқа хилини кўрдик, дейди. Бу тур икки хилдан иборат. Бир хилининг барги, шохлари ва илдизлари биз юқорида айтгандан кўпроқ ва бу [хил ширин ажриқ] табобат фанида фойдалидир; аммо бу хилини, айниқса, Бобил мамлакатида йўлларда ўсадиганини, моллар еса уларни ўлдиради. Иккинчи хили Парнасс[3] мамлакатида ўсади, бунинг барги қўйпечакнинг баргига ўхшайди ва бошқа хил ширин ажриққа қараганда шохчалари кўпроқ, гуллари оқ, хушбўйдир. Унинг майда меваси бор ва ундан фойдаланилади. Илдизлари эса бармоқ йўғонлигида бўлиб, беш ёки олти тармоқдан иборат ва оқ, юмшоқ, ширин ва ёмон ҳидлидир. Бу илдизларнинг сувини сиқиб олиб, ўз оғирлиги баробарида шароб ёки асал билан ва унинг ярим миқдорида *мурр*, учдан бири миқдорида мурч, ўзи билан баробар оғирликда ладан қўшиб қайнатилса, фойдали дори бўлади. Буни турли касалликларга [ишлатмоқ] учун мис идишга солиб қўйиш керак. Ширин ажриқ илдизларининг қайнатмаси ўсимликнинг [ўзи] каби таъсир кўрсатади. Бу ўсимликнинг уруғларини ҳам турли дорилар [таркибига] киргизилади. Ширин ажриқнинг Киликияда ўсадиган яна учинчи хили ҳам бор, буни Киликия аҳолиси *набот*[4] деб атайди. Агар буни янгилигида ҳайвонлар еса, уларни тезда тўйдиради ва агар қорамол кўп еб қўйса, уни шишириб юборади.

Табиати.

[Ширин ажриқ], хусусан, янги илдизи, биринчи даражада совуқ ва қуруқдир.

(Таъсир ва) хоссалари.

Буруштирувчи қувватга эга бўлиб, ачиштирувчи ҳамдир. Унинг шираси ёмон моддаларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтатади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Агар уни, хусусан, илдизини, янги жароҳатлар устига қўйилса, фойда қилади, чунки унда яраларни битириш хусусияти бор.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Барча хил назлаларни қайтаради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Бунинг ширасини ўзи билан баробар миқдорда бўлган асал ва шароб билан қўшиб, қайнатилса, кўзга яхши дори бўлади. Бу дорини тайёрлашнинг бошқа тартиби қуйидагичадир: ширин ажриқнинг ширасини унинг ярмича *мурр*, учдан бир миқдорича мурч ва яна учдан бир миқдорича ладан қўшиб аралаштирилса, кўз учун жуда яхши дори бўлади; бу дорини мис идишда сақлаш керак.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг уруғи ва илдизи қусишни тўхтатади ва [ёмон хилтларнинг] меъдага оқишини қайтаради. Уруғи умуман меъда учун яхши.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ширин ажриқнинг уруғи ялайдиган [дори қилиб ишлатилса], [сийдикни] юриштиради; унда қуруқлик билан бирга аччиқлик бўлганлиги туфайли [қовуқдаги] тошларни майдалайди, унинг илдизи ҳам шундай. Унинг қайнатмаси эса қовуқ яраларига фойда қилади. (Қайнатмасини ичилса, ичак оғриқларини, сийишнинг қийинлашиши ва қовуқда пайдо бўладиган яраларни тузатади).

[1] Agropyrum repens B e a u v.
[2] МА II, 48 асосида ўқилди.
[3] Диоск. IV, 28 асосида ўқилди.
[4] Диоск. IV, 28: кинно.

743 СУФЛ – ҚУЙҚА, ЧЎКМА

Т а н л а ш.

Қуйқаларнинг энг яхшиси заъфарон ёғининг қуйқасидир[1].

Т а б и а т и.

Сиқиб олинган зайтун мойининг қуйқаси биринчи [даражада] иссиқ бўлади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Биз айтиб ўтдикки, заъфарон ёғининг қуйқаси тилни ва тишларни бир неча вақтгача кетмайдиган қилиб бўяйди.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Зайтун мойининг қуйқаси қуруқ баданларда пайдо бўладиган яраларни битирадиган [дорилардандир].

[1] № 621 га қаранг.

744 САЛЖ – ҚОР

Х о с с а л а р и.

Қариларга ва ўзларида совуқ хилт туғиладиган кишиларга зарарлидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қорнинг суви иссиқдан [бўлган] тиш оғриғини тинчлантиради.

Б ў ғ и н л а р.

Қор асаблардаги оқиб турган иссиқ буғларни тўхтатиб қўядиган ва уларнинг тарқалишига йўл қўймайдиган бўлганлиги учун асабларга зарарлидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қор меъдага, хусусан, ўзида совуқ хилтлар туғиладиган меъдаларга, зарарлидир. У, иссиқликни тўплаш хусусиятига [эга] бўлганлиги туфайли чанқатади.

745 [451] САЪЛАБ –ТУЛКИ

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унда шимдириш хусусияти бор. Унинг мўйнаси мўйналарнинг энг иссиғидир. Унда шимдириш хусусияти бўлганлиги учун ҳўлликлари [ортиб кетган] кишилар бу мўйнадан фойда топадилар.

Б ў ғ и н л а р.

Агар тулки гўштини сувда қайнатиб, қайнатмасини оғриётган бўғинларга қуйилса, кўп фойда етказади. Тулки [гўштини] солиб пиширилган зайтун мойи ҳам таъсирда жуда қувватлидир, бунинг ичида узоқ ўтириш керак. У ўзининг тортиш қуввати билан тортиб [чиқармасин] ҳамда тарқатиш хусусияти билан хилтларни бўғинларга шимдириб юбормасин учун, яхшиси бўшалиб ва баданни тозалаб сўнг ўтириш керак. Уни бадан бўшатилгандан кейин ишлатилса, бўғинларга ҳеч нарса оқмайди, агар окса ҳам енгил бўлади. Тулкининг ёғи ҳам шундай [таъсирга эга]. Кўпинча у эриган нарсаларни кўп тортади. Тулкини тирик ҳолида ёки бўғизланган ҳолда зайтун ёғига солиб ҳил-ҳил бўлиб пишгунча қайнатилса, ҳар иккала ҳолда ҳам бўғиндаги нарсаларни шимилтиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тулки ёғини қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини босади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Тулкининг қуритилган ўпкаси астмали кишига фойдалидир. Унинг бир ичиш миқдори бир *дирҳам* оғирлигидадир.

746 СОФСИЁ

М о ҳ и я т и.

Баъзан буни *«То»* [Т] ҳарфи билан айтилади. Биз бу ҳақда *«То»* ҳарфида айтиб ўтдик[1].

[1] № 334 ва 733 ларга қаранг. Шу ерда Б. да 733 даги гаплар яна қайтарилади.

«ХО» ﺤ [Х] ҲАРФИ

747 ХАШХОШ[1] – КЎКНОР

М о ҳ и я т и.

(Дискуридуснинг айтишича, буни баъзи кишилар *миқун*[2] деб атайдилар). Бунинг хиллари кўп: боғда ўсадигани ва ёввойиси, шунингдек, қора хили ва шохли хиллари бор. Бу [охирги] хили денгиз кўкнори бўлиб, унинг меваси эгилгандир. «Қаймоқли» *ҳирақлий* деган хили [ҳам бор]. (Кўкнорнинг боғда ўсадиган хилининг уруғини [қўшиб] нон ясалиб, соғлом вақтларида ейдилар. Баъзан буни асал билан қўшиб, кунжут ўрнида ишлатилади; ҳолва билан қўшиб ҳам ишлатилади. Бу хил кўкнорнинг бошчаси узунчоқ, уруғи эса оқ бўлади. Ёввойи кўкнорнинг бошчаси эса бир оз яссироқ бўлади; унинг уруғи қора бўлиб, баъзи кишилар уни *ровас* деб атайдилар, чунки ундан сутсимон рутубат оқиб туради.

Кўкнорнинг аввалги икки хилига қараганда кичикроқ, анча ёқимсиз бўлган учинчи ёввойи хили ҳам бор. Бунинг ҳам бошчалари узунчоқ бўлади. Ҳар уччала хил кўкнорнинг ҳам қуввати совутувчидир.

Кўкнорнинг бошчаларини ҳали янги ва ҳўл бўлган ҳолида янчиш ҳамда ундан кулчалар ясаб, қуритиб, сақлаш керак. Кўкнордан афюн ясашга келсак, баъзи кишилар қора кўкнорнинг бошчалари ва баргларини олиб, ҳар иккаласини янчадилар ва босма билан сиқиб ширасини оладилар. Бу ширани силоя тошига солиб эзадилар ва кейин ундан кулчалар ясайдилар. Афюннинг бу турини *миқуниюн* деб атайдилар. Бунинг қуввати кўкнорнинг елимидан тайёрланадиган афюнга қараганда кучсизроқ. Кўкнорнинг ели-

мини эса [шу] ўсимликка тушган шабнам кўтарилгандан кейин қуйидаги усул билан чиқариб олинади: пичоқ билан кўкнор [452] бошчаларининг айланасини тешиб юбормасдан ингичка қилиб ёрилади ва кўкнорнинг четларига ништар урилади. Ништар уришни [ҳалиги] биринчи ёриқдан бошлаб, тўғри туширилади ва у чуқур бўлмайди. Унинг сути ва елими силқиб чиққач, бармоқ билан олиб, бир чиғаноқ [идиш]га йиғилади ҳамда шундай қилиб ҳар бир [сут] силқиб чиққан жойни вақти-вақти билан ишқалаб [сут ва елим] йиғиб олинади; ништар урилган жойни ишқалангандан сўнг бир оздан кейин ўша жойдан эрталабдан бошлаб, кунбўйи кўкнор елимининг оқиб тургани кўрилади. Бу елимни йиғиб олиб, силоя тошида эзиш ва ундан кўкнор кулчалари ясаб сақлаш керак.

Кўкнорнинг бошқа бир хили ҳам бор, уни баъзи кишилар *фаралиюн*[3], яъни соҳил кўкнор деб атайдилар. Бу шундай бир ўсимликки, унинг *қаламус* [айиқ қулоқ] баргига ўхшаш оқ майин тукли барглари бор; бу баргларнинг учлари ёввойи кўкнор барги каби арра тишларига ўхшаш кунгираликдир; унинг пояси ҳам [ёввойи кўкнор] поясига ўхшайди, гули эса сариқ рангли, меваси кичик ва ғилофли бўлиб, мол шохига ўхшаш эгилгандир. Бу меваларда майда қора уруғлар бўлиб, улар қора кўкнорнинг уруғига ўхшайди. Илдизи ернинг юзига чиқиб туради ҳам йўғон ва қора бўлади. Бу хил кўкнор денгиз қирғоқларида ва нотекис жойларда ўсади. Баъзи кишилар янглишиб, *момисо* шу ўсимликдан олинади, деб ўйлайдилар, бу [ўсимликларнинг] барглари бир-бирига ўхшаш бўлганлиги уларни янглиштиради.

Кўкнорнинг яна бошқа бир хили бор, уни *забадий* [қаймоққа ўхшаш] кўкнор деб аталади. Бу исм билан аталишининг сабаби унинг оқлиги сут қаймоғига ўхшашлигидандир. Буни *миқун аффудус* деб атовчи кишилар ҳам бор. Унинг поясининг узунлиги бир қаричга яқин бўлиб, *иструсиюн*[4] баргига ўхшаш майда барглари ва меваси бор. Бу ўсимликнинг ҳаммаси оқ ранглидир; унинг пояси, барги ва меваси [дуккаги] сут қаймоғига ўхшайди; илдизи ингичка бўлади. Унинг мевасини етилгандан кейин йиғиб олинади. Бу ёз фаслида бўлади. Йиғилгандан сўнг қуритиб сақланади).

Т а н л а ш.

223б Энг яхшиси || ва яроқлиги оқ кўкнордир. Кўкнорнинг бошчаларини, қайси хилидан бўлмасин, янги ҳўл ҳолида янчиш, кулча қилиб сақлаш ва [сўнгра] ишлатиш лозим. (Кўкнор елимининг энг яхшиси қуюқ, оғир, қаттиқ ҳидли, аччиқ мазали, осон эрийдиган, юмшоқ ва силлиқ, оқ рангли ва дағал бўлмаган, доналашиб кетмайдиган ва сув билан ҳўлланганда мумга ўхшаб қотиб қолмайдиганидир. Агар уни офтобга қўйилса, эрийди, чироқ алангасига яқин тутилса, ёнади ва алангаси тиниқ бўлади; ўчирилганда эса кучли ҳид чиқади. Баъзан уни *момисо* аралаштириш би-

лан ёки ёввойи сутчўп баргининг ширасини ёки [араб] елимини аралаштириш билан сохталаштирилади. *Момисо* аралаштириб сохталаштирилгани [сув билан] ҳўлланганда заъфарон рангли бўлади ва заъфарон ҳидини беради. Ёввойи сутчўпнинг ширасы билан аралаштириб сохталашган кўкнор елимини [сув билан] ҳўлланса, ҳиди кучсиз бўлади ва ушлаб кўрилганда дағал туйилади. [Араб] елими билан аралаштириб сохталаштирилганининг ранги тиниқ ва қуввати кучсиз бўлади. Шундай кишилар борки, уларнинг хабис қалбакиликлари кўкнорни чарви ёғи билан аралаштириб сохталаштиришгача бориб етган.

Юнон ҳакимларидан бири буни ва бунга ўхшаш дориларни ишлатмаслик керак деган. Кўзи ёки қулоғи оғриётган киши ишлатса, кўзни хиралантиради ва қулоқни оғир қилади. Ҳаким Адриуснинг айтишича, бу дори, агар сохталаштирилмаган [тоза] бўлса, уни кўзга томизган кишини кўр қилади. Бошқа бир [ҳакимнинг] айтишича, фақат уйқуни келтириш учунгина унинг ҳидидан фойдаланиш мумкин, аммо бошқа нарсаларда у зарарлидир. Мен қасамёд қиламанки, улар хато қилганлар ва бу дорининг қуввати ҳақида тажрибалар орқали билинган нарсаларга қарши сўзлаганлар. Чунки тажриба асосида очилган нарсалар кўкнорнинг таъсири ҳақида қуйида айтганларимизнинг ҳақиқат эканига далолат қилади).

Т а б и а т и.

Боғ кўкнори иккинчи даражада совуқ ва қуруқ. Қора кўкнор эса, учинчи даражада; тўртинчи даражагача деб ҳам айтилган.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Кўкнорнинг ҳамма хиллари ҳам совутувчидир. Эътиборга лойиқ даражада озиқлик уларда йўқ. [Кўкнорнинг] қораси эса қуюқлантирувчи ва қуритувчидир, меваси ҳўкиз шохига ўхшаб қайрилган шохдор, денгиз кўкнори эса тозаловчи, парчаловчи ва қаттиқ кетказувчидир. Ёввойи кўкнорнинг гули ҳайвонлар (кўзи)даги яра изларини тозалайди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Денгиз кўкноридан бошқа ҳамма хил кўкнорни сарамасга[5] суртилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Шохдор соҳил кўкнорининг барги чиркли яраларга фойдалидир ва ўзининг тозалаш хусусияти билан ортиқча унган этни ейди ҳамда қовжираган яраларни кўчиради; унинг гули ҳам шундай. Аммо тозалаш хусусиятининг ортиқлиги туфайли ташқи яралар учун яроқсиздир. Ёввойи кўкнорни зайтун ёғи билан қўшиб, яраларга қўйиб боғлайдиган дори тайёрланса, уларни кўчиради.

Б ў ғ и н л а р.

Денгиз кўкнорини анжир билан қўшиб, подаграда суртилса, фойда

қилади. Агар кўкнорнинг илдизини сувга солиб, [453] то [сувнинг] ярми буғга айланиб чиқиб кетгунча қайнатилса ва сўнг ичирилса, иркуннасога фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Кўкнор, айниқса, унинг қора хили, ухлатувчи ва карахт қилувчидир. Агар уни пилик билан кўтарилса, ухлатади ва назлани қайтаради. Уйқусизлик билан қийналаётган одам уни пешонасига қўйиб боғласа, фойда кўради; унинг қайнатмасини қуйилганда ҳам шундай. «Қаймоқсимон» кўкнордан бир *оксибаф* миқдоридагисини асал суви билан ичиб қусилса, фойда қилади. Шунингдек, унинг қайнатмасини тутқаноқ касали борларнинг [бошидан] қуйилса, [фойда қилади]. Агар унинг ёғини қизилгул ёғи билан қўшиб, бошга ишқаланса, бош оғриғини тузатади. Аммо уни ишлатишдан мумкин қадар сақланиш яхшироқ. Баъзан унинг қайнатмасини қулоққа томизилса, қаттиқ қулоқ оғриғини тинчлантиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Зарур бўлиб қолган вақтда, унинг совуғини қаттиқ кўз оғриғига ишлатилса, оғриқни босади, аммо бунда биз афюн [бобида] айтганимиздек хатари бор. (Лекин уни баъзи зарарни қайтарувчи дорилар билан аралаштирилса, зарари камаяди).

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Иссиқ йўталларга, назлаларнинг кўкракка [оқишига] ва қон туфлашга фойдалидир. Шу касалларга ишлатиш учун ундан, айниқса, уни *ақоқиё* ва такасоқол билан қўшиб, яланадиган дори ясалса, жуда фойдали бўлади. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, қора кўкнорнинг уруғи кўкракни тозалайди, аммо унинг пўстидан зоҳир бўладиган таъсир шуки, балғамнинг кўчишини қийинлаштиради. Кўкнорнинг ҳамма хилларининг уруғида эса балғамни кўчириш[6] хусусияти бор.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда рутубатларига фойдалидир. Шохдор денгиз кўкнорнинг илдизини у солинган сувнинг ярми қолгунча қайнатилса, жигар касалликларига ва қорнида қуюқ хилт бўлган кишиларга фойда қилади; қаймоқсимон кўкнорнинг уруғи эса қустиради. Ёввойи кўкнорда ҳам шундай хусусият бор, деб айтилган.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Агар оқ кўкнорни яхшилаб майдалаб, мози мазали қора шароб билан қўшиб, ичирилса, эски ичкетарга фойда қилади. Унинг табиати бўшатиш қувватидан ҳам холи эмас ва шу билан бирга у сувда эрийди. Унинг қаттиқ қайнатилган қайнатмаси билан ҳуқна қилинса, дизентерияда фойда қилади; уруғини асал суви билан қўшиб, ичилса, ични юмшатади. Агар

қаймоқсимон кўкнордан бир *оксибаф* миқдорида (асал суви билан қўшиб) ичирилса, қустиради. Қаймоқсимон кўкнорнинг уруғи балғамли ва хом [хилт]ни суради, дейдилар. Миср кўкнорларидан бир хилининг уруғини нотиф ҳалвоси ва хушбўй нарсалар билан қўшиб, ичирилса ҳам шундай таъсир кўрсатади. Боғ кўкнорнинг асал билан қўшилгани эрлик уруғини кўпайтиради.

[1] Papaver somniferum L. № 125, 167 ларга солиштиринг.
[2] Матн хато; Диоск. IV, 56: .
[3] Матнда сўз бузилган; қ. «Сайдана» 396 (17).
[4] Soponaria officinalis L. «Сайдана» № 925 (3).
[5] Б. да: «оташакка».
[6] Б. да: «тозалаш».

748 ХИТМИЙ[1] – ГУЛХАЙРИ

Моҳияти.

Бунинг номи юнончада *касир ул-манофиъ* [фойдаси кўп] деган исмдан олинган.

Табиати.

Мўътадил даражада иссиқ.

Таъсир ва хоссалари.

Унда юмшатиш, пиширириш, бўшаштириш ва шимдириш хусусиятлари бор, уруғ ва илдизлари қувватда унинг ўзидан кучлироқ, қуритиши кўпроқ ва ўзи латифроқ.

Зийнат.

Уни сирка билан қўшиб, доғларга суртилади ва [касални] офтобда ўтказиб қўйилади; бу жиҳатдан унинг уруғи кучлироқ.

Шиш ва тошмалар.

У шишларни юмшатади ва қайтаради ҳамда қонли [шишларни] шимдиради, чипқонларни пиширади; дамли шишларга ва қулғунага фойда қилади. Бачадоннинг қаттиқланиб қолганлигида уни сақич билан қўшиб, кўтарилади. Олтингугурт (ва елим) билан қўшиб, қулғунага қўйилади.

Бўғинлар.

У, айниқса, ўрдак ёғи билан қўшиб, ишлатилса, бўғинлардаги оғриқни босади ҳамда иркуннасога, қалтирашга, мушакларнинг ўртасидан узилишига ва асабларнинг чўзилишига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Агар уни қўйиб боғланса, || қулоқ безларидаги шишларга фойда қилади. *224а*

Кўз аъзолари.

Қовоқ салқиганини ва шишини тарқатади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг уруғи иссиқ йўталга фойдали бўлиб, балғамнинг кўчишини енгиллаштиради ва ўзидаги буруштириш қуввати туфайли қон туфлашни тўхтатади. Унинг барглари эмчак шишларига фойда қилади, зотилжам ва ўпка яллиғланиши касалликларида қўйиб боғланса, фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Гулхайрининг елими ташналикни босади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Гулхайри илдизининг қайнатмасини ичилганда, сийишдаги ачишишга ҳамда ичакларнинг ачишишига ва орқа тешик йўлларининг шишларига фойда қилади. Унинг барглари ҳам шундай таъсирга эга. Шунингдек, [гулхайри] ёмон ичкетишга ҳам фойдалидир. Унинг уруғини сақичга қўшиб, бачадоннинг қаттиқлигига ва унинг юмилиб қолишига [қарши] кўтарилса, фойда қилади, қайнатмасининг ёлғиз ўзи ҳам шундай таъсир кўрсатади ва хотинларнинг туққандан кейин келадиган қонларини тозалайди. Агар гулхайри илдизининг қайнатмасини шароб билан ичилса, сийишнинг қийинлашишига ва [қовуқдаги] тошларга қарши фойда қилади. Хусусан, унинг уруғи ва елими ичкетишини тўхтатади.

З а ҳ а р л а р.

Агар сирка ва зайтун ёғи билан қўшиб, суртилса, газандалар зарарини қайтаради. Уни сув қўшилган сирка ёки шароб билан аралаштирилганини ари чаққан [жойга] суртилса, фойда қилади. Мен буни шундай деб ўйлайман.

Ў р н и н и б о с у в ч и л а р.

Гулхайрининг илдизи ўрнига унинг ёввойисининг илдизи ўтади; баргининг ўрнига унинг илдизи ўтади.

[1] Althea officinalis L. Бунинг илдизи – Radix Altheae Фармакопея VIIIга киритилган.

749 ХАРДАЛ[1] – ГОРЧИЦА, ҚИЧИ

(М о ҳ и я т и.

Бу маълум сабзавотдир).

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р [454] в а х о с с а л а р и.

Балғамни кўчиради. Бунинг ёғи турп ёғига қараганда қизитувчанроқдир. Тутунидан газандалар қочади. Хардалнинг ёввойиси ёмон хилтларни

туғдиради; унда тозалаш хусусияти бор. Одамлар унинг баргини ва илдизини пиширib ейдилар.

З и й н а т.

Юзни тозалайди, қонталашни ва ўлик қоннинг изини кетказади. Унинг ёввойиси доғларга[2] қарши қўйиб боғланадиган яхши дори бўлади; тилни қуритади; «тулки касаллиги»да фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ (ва барча эски) шишларни шимдиради. Олтингугурт билан қўшиб, қулғунага қарши қўйилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтир ва темираткиларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Бўғин оғриқларига ва иркуннасога фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни рутубатлардан тозалайди; летаргия билан оғриган кишининг бошига қўйиб боғланади. Унинг сувини қулоқ ва тиш оғриқларига томизилади. Унинг ёғи ҳам, айниқса, унда сассиқ қаврак елими қайнатилган бўлса, шундай таъсирга эга бўлади. У ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни очувчи дорилардандир. Баъзиларнинг айтишича, уни наҳорга ичилса, ўткир зеҳнли қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзни парда босганига ва [қовоқларнинг] дағалланишига [қарши] ишлатилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Уни майдалаб, асал суви билан қўшиб, ичилса, ўпка найидаги доимий дағалликни кетказади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Талоқни юмшатади; шунингдек, чанқатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади ва «бачадон бўғилиши»да фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Чўзма даврий иситмаларга фойда қилади.

[1] Brassica nigra K o c h. ва B. juncea C z e r n. № 523 га қаранг.

[2] Б. да шундай; Л. да: «астма».

750 ХУСО УС-САЪЛАБ[1] – «ТУЛКИ МОЯГИ»

М о ҳ и я т и.

Бу дағал ва ширин бир нарсадир. (Дискуридуснинг айтишича, бу барглари ер юзига ёйилган бир ўсимлик бўлиб, барглари майда зайтун барглари-га ўхшаш кўк, лекин зайтун баргига қараганда юпқа ва узунроқ бўлади. Шохчалари бир қарич узунлигида бўлиб, уларда гунафша рангли гуллар бор. Унинг илдизи тоғ пиёзига ўхшаш, бироқ ундан бир оз узунроқ ва икки қаватли жуфт-жуфт бўлиб иккита зайтунга ўхшаб бири-бирининг устига бўшгина тўқилган бўлади. Бу илдизни баъзан худди тоғ пиёзини егандек қайнатиб ейилади. Бу илдиз ҳақида айтилганки, агар эркак киши унинг катта бўлагини еса, ўғил туғдиради, хотинлар кичик бўлагини еса, қиз туғади. Бу хил «тулки мояги» тошлоқ ва қумлик ерларда ўсади.

«Тулки мояги»нинг бошқа бир хили ҳам бор, баъзи кишилар буни манфаати кўп бўлгани учун *андириёс* деб атайдилар. Бу шундай ўсимликки, унинг барглари узунликда ганданога ўхшайди, лекин ундан бир оз энлироқ ва юмшоқдир ва унда доимий ҳўллик бўлади. Поясининг узунлиги икки қарич, гуллари бир оз гунафша ранг; илдизи эса икки моякка ўхшайди. Бу илдиз ҳақида ҳам худди юқоридаги илдиз ҳақидаги гап айтилади. «Тулки мояги» нинг ҳар икки хилининг ҳам хашаги дағал ва ширин бўлади).

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва шу даражада ҳўл, аммо ортиқча ҳўлликка эга.

Б ў ғ и н л а р.

«Тулки мояги» орқага қараб тиришиш ва қотиб қолишга ҳамда фалажга [яхши] фойда етказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

У, айниқса, уни шароб билан қўшиб, ишлатилса, шаҳвоний ҳисни қўзғатади ва унга ёрдам беради; нил варалининг ўрнига ўтади. (Уни қўйиб боғланса, оқма яраларни очади; агар шароб билан қўшиб, ичилса, бир гуруҳ табибларнинг айтишича, қоиндан оқадиган нарсаларни тўхтатади).

[1] Orchis antropophora L. ёки Tulipa Gesneriana L. Бунинг тугунаклари – Tuber Salep Фармакопея VIIIга киритилган.

751 ХУСО УЛ-КАЛБ[1] – «ИТ МОЯГИ»

Бу «тулки мояги»га ўхшаш бир ўсимлик бўлиб, икки хил бўлади: бир хили кичик, икки жуфтдан иборат бўлиб, бир жуфти остида ва бир жуфти юқорида, бири ғовак, иккинчиси тўла бўлади; иккинчи хили эса бундан каттароқ бўлади. (Бир гуруҳ кишилар ҳатто бу иккаласининг орасидаги фарқни ажрата олмайдилар. Буларнинг илдизлари ва танаси бир-бирига

ўхшаш бўлганлиги учун у кишилардан баъзилари унисини буниси деб, баъзилари аксинча деб айтганлар. Бу иккаласининг таъсирлари бир-бирига яқин).

Таъсир ва хоссалари.

Катта хилида ортиқча ҳўллик бор.

Шиш ва тошмалар.

Шиллиқли ўсмаларни шимдиради.

Жароҳат ва яралар.

Яраларни тозалайди ва учуқларнинг тарқалишига қаршилик кўрсатади, бавосирни очади ва ёмон еювчи яраларни битиради.

Бош аъзолари.

Оғиз оғриғига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Агар эркак киши унинг катта қисмини еса, ўғил туғдирадиган бўлади, агар хотин киши кичик қисмини еса, қиз туғадиган бўлади. Айтишларича, унинг ҳўли жинсий алоқа истагини кучайтиради. Қуруғи эса уни кесади. Шундай қилиб, унинг бири – иккинчисининг таъсирини йўқ қилади. Бу айтилганларнинг ҳаммаси каттасига ҳам, кичигига ҳам хосдир, деб айтилган.

[1] Orchis morio L. ёки O. papileonacea L.

752 [455] ХУСЯ – МОЯК

Моҳияти.

Бу (ҳайвон аъзоларидаги) ғовак гўшт жинсидандир.

Танлаш.

Энг яхши мояк, бичишга тайёр бўлган ва ёш ҳайвонларнинг моягидир. Қари такаларнинг мояги ва шунга ўхшаш қўчқор ва буқа мояклари эса ҳазм бўлмайди ва улар хўроз моягига, айниқса, семиртирилган хўроз моягига ўхшамайдилар, || бу кейингиси жуда яхшидир. *224б*

Таъсир ва хоссалари.

Моякда елинда бўлган яхши озиқлилик йўқ, аммо семиз хўрознинг мояги яхши ва кўп озиқлидир. Моякнинг ҳамма хиллари, айниқса, ҳазм бўлиши қийин бўлган мояклар ҳазм бўлсалар, кўп ва яхши озиқлантирадилар.

Озиқлантириш аъзолари.

Уларнинг кўпи, айниқса, ғализ гўштли катта ҳайвонлар мояги ва умуман барча мояк хилларининг ҳазми қийин, лекин овқатлилиги кўпдир.

Бўғинлар.

[Қора *харбақ*] фалажга ва бўғин оғриқларига фойда қилади. Унинг ёрдами билан ични бўшатиш бўғин касалликларининг ҳаммаси учун кучли даводир.

Бош аъзолари.

Агар уни сирка билан қайнатиб, томизилса, қулоқдаги ғувуллаган овозни тўхтатади ва агар оғиз чайқалса, тиш оғриғини босади. Қулоғи оғир кишининг қулоғига томизилса, [эшитишни] қувватли қилади. У [*харбақ*] васвасада, меланхолияда, тутқаноқда, бош ярмининг оғришида ва бош касалликларининг ҳаммасида фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Сурмаларга қўшиб тортилса, кўзни бақувват қилади.

Чиқариш аъзолари.

[Қора *харбақ*] савдога ва унинг кўпайиб кетишига [қарши ишлатилса], фойда қилади, ҳамда савдони гавданинг ҳамма еридан зарар етказмасдан ҳайдайди. Сафрони ва балғамни, шунингдек, қонга аралашган ҳар қандай чиқиндини, ҳатто гавданинг энг узоқ жойларидан ва теридан ҳам чиқаради. Унга *сақамуниё* қўшиб, тез сурадиган қилиш мумкин; унга ҳам тоғ петрушкаси ва ёввойи сабзининг уруғидан аралаштириш керак. Баъзан [*харбақ*ни] қуйидагича қилиб ичирилади: уни *сиканжубин*га ёки ширин шаробга солиб ивитилади, шу ҳолда бир неча вақт қолдирилади, сўнг уни ясмиқ, арпа ёки товуқ гўшти билан қўшиб, пиширилади, шундан кейин шўрвасини қултумлаб ичилади. Баъзан қора *харбақ*нинг икки *драхмий*сига уч *оболо* миқдорида *сақамуниё* аралаштирилади ва ясмиқ[6] билан қўшиб, ичирилади. Қора *харбақ*нинг хоссалари айтилганда шу мавзуда аҳамият бериш лозим
225а бўлган нарсалар ҳақида ҳам айтиб ўтилди. || У ичаклардаги ва қовуқдаги шишларга жуда фойдали; ҳайз қонини ва сийдикни юриштиради.

Ўрнини босувчилар.

Қора *харбақ*ни ўзининг ярим оғирлигидаги *мозариюн*, учдан бир оғирлигидаги дарахт пўкаги билан алмаштирилади. Ибн Мосавайҳ унинг ўрнига ўтувчи *кундус* [етмак]дир, дейди.

[1] Helleborus niger L.

[2] Диоск. IV, 114 асосида ўқилди.

[3] Моланбус (Меламп) – қадимги машҳур авлиё ва табиблардан. Феофраст, 508-бет, 86-изоҳ.

[4] Протей.

[5] Б. да: «баданига сув йиғилган».

[6] Б. да: «асал».

754 ХУСРАВ ДОРУ[1] – ПОДШОҲ ДОРИ

Моҳияти.

Мосаржавайҳ буни *хавлинжон* дейди (бошқалар эса бундай эмас, дейдилар).

Табиати.

Қуруқ (ва иссиқ).

Хоссалари.

Шимдирувчи ва эритувчи.

Чиқариш аъзолари.

Қуланжда ва буйрак оғриқларида фойда қилади; шаҳвоний қувватни кўпайтиради. Унинг хусусиятларидан кўпроғи буйрак оғриқларига тегишлидир.

[1] № 759 га қаранг.

755 ХАРБАҚ АБЯЗ[1] – ОҚ ХАРБАҚ

Моҳияти.

Оқ *харбақ* майда томир ва пўстлоқлардан иборат. [Ўсимлигининг] шохлари шаклда турлича бўлиб, ейилган тишга ўхшайди. Улар оқ ва оғир эмас. Шунингдек, у гулхайри илдизига ҳам ўхшайди. Унинг аччиқлиги қора *харбақ*никидан ўткирроқ; ўсимлиги баргизубга ёки ёввойи лавлагига ўхшайди, аммо булардан қисқароқ бўлади. Ранги қизил. Поясининг узунлиги тўрт энлик миқдорида ва ичи ковак бўлиб, пиёзга ўхшаш бир илдизидан чиққан кўп томирлари бор; у тоғлик ерларда ўсади ва уни ғалла ўрими вақтида йиғиб олиб қуритилади. (Дискуридуснинг айтишича, оқ *харбақ*нинг баргизуб ёки ёввойи лавлагига ўхшаш япроғи бор, аммо улардан қисқароқ бўлади. Бу [япроқ] қалин, қора ва бир оз қизғишроқдир; унинг узунлиги тўрт бармоқ энича бўлган, ичи ковак пояси бор. Агар у қурий бошласа, пўсти ажралади. Унинг узунчоқ бир илдизпоядан чиққан пиёзча бошидагига ўхшаш кўп, ингичка томирлари бор. Ўзи тоғлик ерларда ўсади ва уни буғдой ўриш вақтида йиғиш керак. Унинг энг яхшиси сатҳи ўртача ёйиқ бўлганидир; у оқ рангли, майдаланиши осон, сергўшт; қорачайирга ўхшаш учлари ўткир бўлмайди; уни ушатилса, ғубор ва ўргимчак уясига ўхшаш нозик бир нарса кўринади; тилга тегизилса, теккан жойни қаттиқ ачиштирмайди ва оғиз сўлагини оқизади. Бу хил *харбақ* ҳақиқатан ҳам ёмондир. Ўтган замондаги ҳозиқ табиблар оқ *харбақ*нинг қуввати ва манфаатларини ўзига тегишли ва лозим бўлганича айтиб ўтганлар. Биз учун

улардан аниқроғи ва мақтовга лойиқроғи табиблик даъво қилувчи Фалунидуснинг [айтганларидир].

Оқ *харбақ*нинг сифатлари ҳақида сўз кўп, чунки у табобат санъатида ишлатиш учун бошқа дориларга нисбатан мувофиқроқдир. Баъзи кишилар бунинг озгина миқдорини толқонга қўшиб ич [касалликларида] ичирадилар. Агар танаси кучсиз бўлган бирор киши уни шу сифатда қабул қилса, унга ҳеч қандай зарар кўрсатмайди, чунки у бошқа бирор нарсанинг воситасисиз, ёлғиз ўзи, бошқарувчи аъзоларга яқинлаша олмайди. Антикира[2] аҳолиси ўзининг тилидан бошқа тилда *сасисамундас* деб аталган дорини *харбақ* деб атайдилар, чунки у дорини оқ *харбақ* билан аралаштирадилар. Бу дори ҳам оқ *харбақ* қўшиладиган дорилар қаторига кирадиган фазилатли дорилардандир. У ялпизга ўхшаш ўсимлик бўлиб, унинг узун япроқлари, оқ гуллари ва фойдаланиб бўлмайдиган ингичка илдизлари бор; уруғининг мазаси кунжут мазасига ўхшайди ва унинг манфаати кўп).

Танлаш.

Унинг яхшиси сатҳи ўртача ёйилган, ранги оқ, тез майдаланадиган, ҳажми катта, ўзи ингичка, тилни дарҳол қаттиқ ачиштирмайдиган ва сўлакни оқизадиганидир. Аммо тилни дарҳол ачиштирадиганига келсак, у кишини бўғувчидир. [Харбақнинг] даволаш таъсирлари ҳақидаги гапни унинг хоссалари бобида айтилган.

Табиати.

Учинчи даражанинг ўртасида иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Оқ *харбақ*нинг аччиқлиги, қорасининг эса ўткирлиги[3] кўп. Агар уни сичқон еса, ўлади ва шу мақсадда уни толқон қилиб, асалга аралаштириб, сичқонга берадилар. Агар уни гўшт билан пиширилса, [у гўштни] ҳил-ҳил қилиб юборади. Харбақни жуда кучсизлатиш учун унинг майда бўлакларидан беш *драхмий*сини тўққиз *уқия* ёмғир сувида ивитиб, уч кун турғизилади, сўнг [буни] тозаланади ва илитиб ичилади. Кучсизликда бундан кейинги ўринда унинг [қуйидагича] қайнатилгани туради: майдаланган бўлагидан бир *ратл*ини икки *қуст* ёмғир суви билан уч кун давомида ивитилгандан кейин, то учдан бир қисми қолгунича қайнатилади. Сўнг *харбақ*нинг [турпини] чиқариб ташлаб, сувига икки *ратл* миқдорида тоза асал солинади ва қуюлтирилади, ундан бир катта ош қошиқда тўлатиб қабул қилинади ёки иссиқ сувга қўшиб ичилади. Бундай қилинганда у зарарсиз ва хавотирсиз бўлади. [Кучсизликда] булардан сўнг қуйидагилар туради: майдаланган пўстлоғи, ундан кейин томоқда ва меъдада [туриб] қолмаслиги учун ўзи билан баробар миқдорда арпа сувига аралаштирилган қириндиси, сўнгра янчилганининг асал билан қўшиб, қотирилгани;

бу хили кўпинча [ичак] йўлларида туриб қоладиган бўлгани учун зарар қилади[4]. Бу хил *харбақ*ни ичувчи кишида тиришиш пайдо бўлишининг олдини олиш учун бир неча нарсани, масалан, товуқ шўрваси, ялпиз қўшилган зуфо шароби ва қичитқи ўт, ясмиқ ва тўпалоқ ўт, гулсапсар ва миср боқиласидан олинган хушбўй ёғларни едириб туриш керак. Бундан ташқари [табибнинг] олдида ўткир ҳидли сирка, олма, беҳи, иссиқ нон, райҳоний [хушбўй] шароб, аксиртирадиган дори ва [шунингдек], пат, курси, каравот, ёзилган тўшак ва турли қортиқлар бўлиши керак. Агар ични енгил суриш керак бўлса, совуқ сув ичсинлар, яхши ҳидли нарсалардан ҳидласинлар ва каймуси яхши бўлган нарса билан овқатлансинлар. Агар ичувчи кишида тиришиш ёки заифлик пайдо бўлса, шаробга ёки асал сувига тўғраб ивитилган нонни ейиш керак. Баъзан бу [ишни] қайтариш ва совуқ сувга ботирилган яхши нон едириш керак.

Агар ичувчида, шу иш давом этаётган вақтда, ҳиқичоқ пайдо бўлса, турп солиб қайнатилган асал сувини берилсин. Дори таъсир кўрсатмаса, маълум вақтдан кейин қичитқи ўт қайнатилган иссиқ сув билан асал сувини бирдан ичириш ёки сув билан ёғни ичириш ёки тўпалоқ ўти ва гулсапсар ёғи билан мойланган пат билан [томоғини қитиқлаб] қустириш ва арғимчоқда учириш керак. Агар [кишида] бўғилишга ўхшаш ҳол пайдо бўлса, *харбақ*дан уч *уқия* миқдорида қайнатиб ичиринг! Чунки, бу даволашга ёрдам беради ва юз берган аҳволни кетказади. Бу ҳам таъсир кўрсатмаса, иссиқ ҳуқна қилинсин ва [*харбақ*дан] қустириш учун эмас, балки бўғилишни йўқотиш учун уч *оболо* ичирилсин ва аксиртирадиган дорилар ишлатилсин! Агар ҳиқичоқ қусишдан кейин ҳам кетмаса, икки кифт орасидаги катта умуртқага ва орқанинг бошқа маҳкам жойларига қортиқ қўйилади, чунки қортиқ ҳиқичоқдан кейин пайдо бўлган буралишни текислайди. || Яна тиришиб қолган аъзоларни қаттиқ қиздирувчи ёғ билан ёғланади ва [уларни] ҳаммомда'ваннага туширилади. *225б*

Жароҳат ва яралар.

Бу бобда оқ *харбақ* қора *харбақ*нинг таъсирини кўрсатади.

Зийнат.

Бу соҳада ҳам оқ *харбақ* қора *харбақ*нинг таъсирини кўрсатади.

Бош аъзолари.

Агар унинг янчилганини ҳидланса, аксиришни қўзғатади.

Кўз аъзолари.

Кўзни ўткир қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Оқ *харбақ* кучли равишда қустиради, бироқ унда хатарлилик бор, чунки у бўғади. Баъзан қустириш учун уни *хабис*га[5] солиб, [едирилади].

[Харбақнинг] бўғишидан қўрқадиган киши уни меъдаси бўш бўлган ҳолда ичиши керак эмас, чунки бундай [ҳолдаги] киши заиф бўлади.

З а ҳ а р л а р.

[Оқ *харбақ*]ни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш кишини ўлдиради. У ит ва чўчқаларга [қарши] заҳардир. Уни ичган кишининг ахлати ҳам товуқларни ўлдиради.

[1] Veratrum album L. илдизпоялари Фармакопея VIIIга киритилган.
[2] Матнда сўз бузилган; D–G IV, 151: Anticyra.
[3] Б. да: «иссиқлиги».
[4] Б. да: «ўлдиради».
[5] Хурмо ва ёғдан тайёрланадиган овқат.

756 ХИЁР ШАНБАР[1]

М о ҳ и я т и.

Унинг *кобулий* ва *мисрий*[2] турлари бор. (Басрада ўсмаслиги мумкин, чунки уни Басрага ва бошқа шаҳарларга Ҳиндистондан келтирилади).

Т а н л а ш.

Унинг яхшироғи найчасидан олинган ҳамда ялтироқ ва мойлигидир. Найчасининг яхшиси ҳам ялтирайдиган ва силлиқ бўлади.

Т а б и а т и.

Иссиқлик ва совуқликда мўътадил бўлиб, ҳўлроқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Шимдирувчи ва юмшатувчидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ички аъзолардаги иссиқ шишларга фойда қилади, айниқса, унга итузумнинг сувини қўшиб ғарғара қилинса, томоқ шишларига [фойда қилади]. Қаттиқ шишларга суртилса ҳам ундан фойда кўрилади.

Б ў ғ и н л а р.

Уни подаграга ва оғриётган бўғинларга суртилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

[*Хиёршанбар*ни] қорни ёриқнинг ширасн билан қўшиб, янги кашничнинг сувида ивитилса, сўнг улар билан ғарғара қилинса, томоқ оғриқларида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

У жигарни тозалайди ҳамда сариқ касали ва жигар оғриқларига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ични юмшатади; куйган ўт ва балғамларни чиқаради. У ҳеч қийнамасдан

ични суради, ҳаттоки ҳомиладор хотинларга ҳам яроқли бўлиб, [458] уларнинг ичини енгиллик билан суради.

Ўрнини босувчилар.

[*Хиёршанбар*нинг] ўрнига унинг ярим оғирлигидаги янтоқ шакар, унга уч баробар оғирликдаги майиз ва саккиздан бир оғирликдаги *турбит* ўтади. (Бир гуруҳ кишиларнинг айтишларича), баъзан майизнинг ўрнига чучукмия қиёми ишлатилади.

[1] Cassia fistula L.

[2] Б. да: «басрий».

757 ХАСС[1] – СУТЧЎП, КОҲУ

Моҳияти.

Сутчўпнинг қуввати қора кўкнор қувватига баробар.

Табиати.

(Жолинуснинг айтишича), боғда ўсадиган сутчўпнинг совуқлиги етарли бўлмай, балки кўлмак сувнинг совуқлигидекдир; ҳўллиги эса лавлагининг ҳўллигидан қуюқроқ ва тугмачагул ҳўллигидан латифроқ. Айтишларича, сутчўп ҳўллаш ва қуритишда карам, шўраўт ва Яман [бақласи] нинг ўртасида туради. Кимки, сутчўп учинчи даражада совуқ деса, унинг овқатлиги ёмон ва оз деб ҳукм қилган бўлади. Мен айтаманки, бундай эмас, [сутчўп] иккинчи даражада [совуқ]| бўлиши керак.

Таъсир ва хоссалари.

Сутчўп тузлилик, мози маза ва бошқа хусусиятларга эга бўлмаганлиги учун унда тозалаш, буруштириш ва [ични] бўшатиш [таъсирлари] йўқ. Ундан туғилган қон бошқа сабзавотлардан туғилган қонга қараганда мақтовлироқ бўлади.

Унинг озиқлироғи қайнатилганидир. У сув ўзгарганда[2] фойда қилади. [Сутчўпнинг] ювилмагани яхшироқ; ювиш унинг дам қилиш хусусиятини кўпайтиради; барча совуқ сабзавотларда ҳам шундай. Сутчўп тез ҳазм бўлади. Уни шароб билан ичилса, мастликдан бўладиган касалликларни қайтаради. Ёввойи сутчўпнинг қуввати қора кўкнорнинг қувватига тенг.

Шиш ва тошмалар.

Сутчўпни у қадар катта ва кучли бўлмаган иссиқ шишларга ва сарамасларга суртилса, уларни совутади ва фойда қилади.

Бўғинлар.

Суякнинг ўрнидан тойиб кетганига қўйиб боғланса, фойдалидир.

Бош аъзолари.

Сутчўп хоҳ хом бўлсин, хоҳ қайнатилган бўлсин, уйқуни келтиради ва уйқусизликни кетказади; босинқирашда, бошни офтоб уришда фойда қилади. Шунингдек, у буруннинг икки тешиги битиб қолишига ҳам доридир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Ёввойи сутчўпнинг сути, айниқса, хотинлар сути билан аралаштириб ишлатилса, кўзнинг мугиз пардасидаги яраларни кетказади. Боғ сутчўпининг сути ҳам ёввойисиникига яқин ва уни иссиқ кўз яллиғлашига қўйиб боғланади. Ёввойи сутчўпнинг сути кўзнинг ички бурчагидаги оқма тешикка фойда қилади. Уни давомли еб юриш кўзни хиралантиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Сутни кўпайтиради ва кўкракни юмшатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Чанқовга, меъда иссиқлиги ва яллиғланишида фойдалидир. Боғ сутчўпи меъда учун яхши ва у тез ҳазм бўлади; уни сирка билан ишлатилса, иштаҳани очади. Уни истеъмол қилиш сариқ касалига ҳам фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сутчўпнинг уруғи эрлик уруғини қуритади ва жинсий алоқа истагини
226а тинчлантиради || ҳамда уйқуда булғаниб қолиш [иҳтилом]да фойда қилади. Бу соҳада унинг танасининг [таъсири] уруғиникига қараганда камроқ. Сутчўпнинг сутидан ярим *дирҳам*ни сув билан қўшиб, ичирилса, сувлик каймусни суради. Боғ сутчўпи катта бўлганда унинг сути чўл сутчўпининг сутига яқин бўлади. Сутчўпнинг ўзи ични қотирмайди ҳам, сурмайди ҳам, чунки у шўр ҳам, мози мазали ҳам ва тозаловчи ҳам эмас, аммо у [сийдикни] юриштирувчидир. Ёввойи сутчўпнинг сути ҳайз қонини ҳам юритиради.

З а ҳ а р л а р.

Ёввойи сутчўпнинг сутини қоракурт ва чаён чаққанга қарши ичирилади.

[1] Lactuca scariola L.

[2] Яъни турли сувларни ичишга тўғри келганда.

758 ХУНСО[1] – АСФОДЕЛ, СИРАЧ

М о ҳ и я т и.

Унинг барги Шом ганданосига ўхшайди; пояси текис бўлиб, бошида гуллари бор. Унинг дуб ёнғоққа ўхшаш узун ва думалоқ илдизи[2] бўлиб, у ўткир мазалидир.

Т а б и а т и.

У иссиқ ва қуруқ, баъзилар уни совуқ ва ҳўл дейдилар. Бу [ҳақиқатан] йирокдир.

Таъсир ва хоссалари.

Хусусан, унинг илдизи, тозаловчи ва шимдирувчидир. Агар уни (куйдирилса), қизитувчи, қуритувчи ва шимдирувчи бўлиб қолади. [Бу хусусиятларнинг] кўпроғи унинг илдизидадир. Қуввати эса «чаёнўтнинг» қувватига ўхшаш бўлади.

Зийнат.

[Эшак ганданоси], айниқса, унинг илдизининг кули «тулки ва илон» касалликларига фойда қилади. Агар унинг кулини оқ доққа суриб, офтобда ўтирилса, фойда қилади.

Шиш ва тошмалар.

Унинг илдизини шароб дурдаси билан қўшиб, барча безли шишларга ва чипқонларга [қўйилади]. Агар уни арпа уни билан қўшиб, бошланаётган иссиқ шишларга қўйиб боғланса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Агар унинг илдизини шароб дурдасига қўшиб, ёмон ва чиркли яраларга қарши қўйилса, уларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Мушакларнинг лат ейишига ва суякларнинг ўрнидан тойиб кетишига [қарши ишлатилса], фойда қилади.

Бош аъзолари.

Ширасининг ёлғиз ўзини ёки уни кундур, асал, шароб ва мурр билан қўшиб, қулоқдан йиринг оқишига қарши томизилса ҳамда оғриётган жағ тишнинг қарши томонидаги қулоққа томизилса, оғриққа фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Шираси кўзга фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Бир *драхмий* оғирлигидаги [эшак ганданосини] шароб билан қўшиб, ичирилса, икки биқиндаги оғриқларга ва йўталга фойда қилади; илдизининг шароб дурдаси билан қўшилгани эса эмчакдаги шишларга яхшидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Сариқ касалига фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Агар унинг меваси ва гулларини шароб билан қўшиб, ичилса, сийдик ва ҳайз қонини юриштиради ва ични суради. Унинг шароб дурдаси билан қўшилган илдизини моякдаги шишларга қарши қўйиб боғланса, яхши [фойда] беради. [459]

Заҳарлар.

[Эшак ганданосидан] уч *драхмий*сини газандалар чаққанига қарши ичирилади. Агар унинг меваси ва уруғини шаробга қўшиб ичирилса, чаён, мингоёқ чаққанида катта фойда етказади ва шу билан бирга ични суради.

[1] Aspodelus ramosus L.

[2] Б. да: «меваси».

759 ХАВЛИНЖОН

Моҳияти.

[Толалари] ўралиб кетган қизил ва қора [илдиз] парчасидир; (у ўткир мазали, хушбўй ҳидли ва ўзи енгил бўлиб, уни Хитой шаҳарларидан келтирилади). Мосаржавайҳнинг айтишича, у подшоҳ дорининг худди ўзидир.

Табиати.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф ва елларни кучли тарқатувчидир.

Зийнат.

Оғизнинг ёмон ҳидини яхши қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун яхши бўлиб, овқатни ҳазм қилдирувчидир.

Чиқариш аъзолари.

Қуланж касалида ва буйрак оғриғида фойда қилади ҳамда шаҳвоний қувватга ёрдам беради.

Ўрнини босувчилар.

Хавлинжоннинг ўрнига (унинг ўз оғирлиги баробарида олинган) қалампирмунчоқ пўсти ўтади.

[1] Alpinia galanga W i l l d.

760 ХАСС УЛ-ҲИМОР[1] – «ЭШАК КОҲУСИ», ШИНЖОР

Моҳияти.

Унинг [барги] кўп ва нозик сутчўп баргларига ўхшаш бўлиб, қорамтир рангли ва сертукдир. Барглари илдизига ёпишган, турғун ва қуюқ бўлади. Илдизининг ранги эса қизилликка яқин бўлиб, ерни ва қўлни қизил рангга бўяйди. У яхши ерларда ўсади; ўзи сув ва ер моддаларидан [ташкил топган]. Бу *шинжор*дирки, у ҳақда сўзлаб ўтилди[2].

Танлаш.

Унинг кучлироғи сариқ ранглиси бўлиб, оқи эса сувли ва кучсиздир.

Табиати.

Иккинчи даражанинг бошида иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи, очувчи ва латифлаштирувчи, гулларининг қуруғи эса бу таъсирларда кучлироқ. Илдизининг табиати уруғининг табиатига яқин бўлади. Илдизи, айниқса, унинг қуруғи кучлироқдир. Бавлуснинг айтишича, унда чуқурдан тортувчи кучли бир қувват бўлиб, ҳатто [одам баданига кирган] ўқнинг учини ҳам тортиб чиқаради.

Шиш ва тошмалар.

Қаттиқ шишларга улар қаерда бўлса ҳам, фойда қилади.

(Яралар).

Унинг мумли суртма билан қўшилганини ишлатилса, [яраларни] битиради; унинг мумли суртма билан аралаштирилган суви ҳам шундай [таъсирга эга].

Бўғинлар.

Унинг ўз томирлари билан қўшилгани подаграга, сирка билан қўшилгани эса иркунnасога қўйиб боғланадиган [доридир]. ||

226б

Бош аъзолари.

Унинг ширасини [бурунга] тортилса, бошни тозалайди ва асалга қўшиб суртилса, оғиз оғриғига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Қуруқ [«эшак сутчўпи»] кўзда [яралардан] қолган изларни ва кўз қатламларининг қалинлашганини тозалайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигарни тозалайди, унинг сиркага бостирилганини ейилса ва қўйиб боғланса, талоқ учун фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Ҳайз қонини кучли юриштиради, қоиндаги ўлик болани чиқаради ва тирик болани ўлдиради; агар уни кўтарилса ва унинг суви устига ўтирилса, бачадондаги қаттиқ шишларга фойда қилади. У ҳайз қонини энг яхши юриштирувчи ва тузатувчи нарсадир. Уни ичиш ва кўтаришдаги ўлчови бир *мисқол*дир. Уни мумли суртма билан қўшиб, орқа тешик ёриқларига қарши ҳам ишлатилади.

[1] № 44 га қаранг.

[2] № 694 га қаранг.

761 ХАРНУБ[1] – ЖИНГАК

Танлаш.

Энг яхшиси қуритилган Шом жингагидир.

Табиати.

Набат жингаги қуруқлик ва совуқликда [бошқасига қараганда] кучлироқ.

Таъсир ва хоссалари.

Шом жингаги қуритувчи ва буруштирувчидир; унинг меваси ҳам шундай, аммо унда ширинлик бор ва шу билан бирга у [ични] тўхтатади. Набат жингаги жуда қуруқ ва кучли қуритувчидир. У ачиштирмайди ва уни ҳўл ҳолича ейилади; ундан туғилган хилт ёмон ва оғир бўлади.

Зийнат.

Агар хом Набат жингаги билан сўгалларни қаттиқ ишқаланса, уларни албатта кетказади.

Бош аъзолари.

Унинг қайнатмаси билан оғиз чайқаш тиш оғриқлари учун яхшидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Ҳўл Шом жингаги меъда учун ёмон бўлиб, ҳазм бўлмайди; қуруғи эса кечикиброқ ҳазм бўлади ва [секин] тушади. Жолинус: «кошки эди бу дарахтни бизнинг мамлакатга келтирмай бошқа мамлакатларга олиб борсалар», – дейди. Янбут жингаги сариқ касали учун яхшидир.

Чиқариш аъзолари.

Унинг қайнатмаси устига ўтириш орқа тешикни қувватли қилади. [Жингак]да, хусусан унинг шинни билан қўшиб, тайёрланганида, [сийдик ва ҳайз қонини] юриштириш хусусияти бор. Шом, жингагининг ҳўли [ични] суради, қуруғи эса тўхтатади. Ичкетишга фойда қилади. Набат жингаги ҳайз қонининг ҳаддан ташқари оқишига қарши кўтарилса ёки ейилса, фойдали бўлади. Янбут жингаги ичак оғриқлари ва ичкетар касалликлари учун яхшидир.

[1] Ceratonia siliqua L.

762 ХАЗАФ – СОПОЛ

Хоссалари.

[Сопол], хусусан, тандир сополи, қуритувчи (ва тозаловчи)дир. Сополларнинг латифроғи [қотган] денгиз қисқичбақасидан олинган сополдир[1]. [Пишиқ] ғиштнинг табиати қумқайроқ табиатидекдир.

Зийнат.

Денгиз қисқичбақасининг сополи қуритувчи бўлган ҳолда сепкил ва нуқтали қонталашларни тозалайди.

Ш и ш л а р.

Сополдан мумли суртма тайёрлаб, қулғунага [суртилса], фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сополдан тайёрланган марҳам [жароҳатларни] яхши битиради ва яраларга фойда қилади, [сопол], хусусан, [460] денгиз қисқичбақасининг сополи қўтирни тозалайди.

Б ў ғ и н л а р.

Тандир сополи подаграга қарши қўйилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

(Хитой идиши сополининг майдаланганини пахта чигитининг ёғи билан қўшиб, ишлатилса, кўздаги эски нохинани кўчиради. Денгиз қисқичбақасининг сополи) ковлаб олинадиган [кон] тузи билан бирга ишлатилса, нохинага фойда қилади ва яра битишидан пайдо бўлган оқликни кетказади).

[1] Денгиз қисқичбақаси сувдан қирғоққа чиққач, тошга айланади ва ундан сопол тайёрланади. [М. А.].

763 ХУФФОШ – КЎРШАПАЛАК

М о ҳ и я т и.

Ширзақ кўршапалакнинг сийдиги [ёки] сутидир, дейдилар.

Т а б и а т и.

Ширзақ иссиқликка яқин бўлиб, унда тозалаш хусусияти бор.

З и й н а т.

Кўршапалакнинг ёғи қиз болалар эмчагини катта бўлишга қўймайди, ҳам айтишларича, мўйларнинг ўсишига ҳам тўсқинлик қилади, аммо бу тўғри сўз эмас.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг миясини асал билан қўшиб, ишлатилса, кўзга сув тушиши [катаракта]да фойдалидир. Унинг кули эса кўзни ўткир қилади. *Ширзақ* нохинага ва кўзга тушган оққа фойдали бўлади.

764 ХОНИҚ УЗ-ЗИЪБ[1] – «БЎРИНИ БЎҒУВЧИ»

М о ҳ и я т и[2].

Бўриларни, чўчқаларни ва итларни бўғувчи (дори) бўлиб, чиритувчи-

дир; уни ичдан ҳам, ташқаридан ҳам ишлатилмайди. Бироқ, баъзан бавосирни тушириб юбориш учун бу билан бавосир бўртуқларини чиритилади.

З а ҳ а р л а р.

У бўрини ўлдирувчи бўлиб, у ҳақда *«Қоф»* [Қ] ҳарфи бобида айтиб ўтилди[3].

[1] Aconitum napellus L. ёки A. Lycoctonum L.

[2] Б. да: «хоссалари».

[3] № 641 га каранг. Буни – Aconitum lycoctomum L. деб тахмин қилинади.

765 ХОНИҚ УН-НАМИР[1] – «ҚОПЛОННИ БЎҒУВЧИ»

(М о ҳ и я т и.

Дискуридуснинг айтишича, бу ингичка ва узун таналик ўсимлик бўлиб, уни синдириш қийиндир. Унинг барги қўйпечак баргига ўхшаш, аммо ундан юмшоқроқ ва учлари ундан ўткирроқ бўлади; оғир [ўткир] ҳидли, кўп сафроли, ёпишқоқ ҳўлликка эга; унинг катта ловия ғилофига ўхшаш бир бармоқ узунлигида дуккаги ҳам бўлиб, унинг ичида майда, қаттиқ ва қора рангли уруғи бор.

Х о с с а л а р и.

Бу ўсимликнинг баргини ёққа аралаштириб ва нон ясаб, бўри, ит, тулки ва қоплонларга едирилса, уларни ўлдиради; уни егандан кейин бир соат ўтгач, [ҳайвонларнинг] қувватини заифлантиради [сўнг ўлдиради]).

З а ҳ а р л а р.

(Бу ўлдирувчи заҳар бўлиб), шер, қоплон ва бошқа шунга ўхшашларни бўғади. Уни [одамларда] на ичдан ва на ташқаридан ишлатилмайди. Айтишларича, агар уни чаёнга яқинлаштирилса, у ўз кучини йўқотади.

[1] Aconitum турларидан бири. (*Хониқ ул-калб* эса *қотил ул-намир*нинг ўзи бўлиб, бу ҳақда айтиб ўтилди).

766 ХИЛОФ[1] –ТОЛ

М о ҳ и я т и.

Маълум. Бу дарахтнинг ёғочини[2] ёрилса, кучли елим чиқади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Меваси [гули] ва барглари ачиштирмайдиган буруштирувчи бўлиб, унинг етарли даражада қуритиш [хусусияти] ҳам бор, кули эса қаттиқ қуритувчидир. Агар уни ҳўллик ҳолида қўйиб боғланса, қон оқишини тўхтатади. Толнинг баргини ёрилса, ундан кучли тозаловчи ва суюлтирувчи елим чиқади.

З и й н а т.

Толнинг кулини сирка билан қўшиб, суртилса, сўгалларни кўчиради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Тол, хусусан, унинг меваси ва барги суякларга бориб етган жароҳатларга қўйиб боғланадиган [доридир]. || Унинг кулини сиркага қўшиб суртилса, учуқларни кетказади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Толнинг гули ва суви бош оғриғини босади. Қулоқдан йиринг оқишини даволайди, ҳеч бир нарса [тол] баргининг сиқиб олинган сувига етмайди.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг меваси ва суви кўз қорачиғининг зарба ейишида қўйилади. Унинг елими кучсизланган кўзга жуда фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Толнинг суви жигар тиқилмаларига ва сариқ касалига фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг меваси қон аралаш ичкетиш касали билан оғриган кишиларга фойдалидир.

[1] Salix турларидан, жумладан, Salix aegyptiaca L.

[2] Б. да: «баргини».

767 ХУББОЗО[1] – ТУГМАЧАГУЛ, ЁВВОЙИ ГУЛХАЙРИ

М о ҳ и я т и.

Бу *малухиё*нинг[2] бир тури ва айтишларича, ёввойи *малухиё*дир, *малухиё* эса боғда ўсадиган гулхайридир. Ёввойи гулхайрининг «дарахт шаклли *малухиё*» деб аталган бир тури бўлиб, у гулхайридир. «Яҳуд бақласи»[3] бунинг турларидан бири бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас ва у қизил рангли бўлади.

Т а н л а ш.

Ёввойи гулхайри латифроқ ва қуруқроқ. Боғ гулхайрисининг кўп сувлилиги унинг қувватини камайтиради.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ ва ҳўл; боғда ўсадигани [эса] иссиқ ва қуруқ деб айтилган. Бу сўзни айтувчи Бавлусдир: [аммо] унинг [фикри] «яҳуд бақласи»га кетганга ўхшайди; чунки у *малухиё* деб аталар эди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унда юмшатиш хусусияти бор; ёввойиси ундан латифроқ ва қуруқроқ. Айтишларича, боғ гулхайриси бир оз қиздиради ҳамда у ҳўллиги ва

ёпишқоқлиги туфайли, айниқса, *муррий* ва зайтун ёғи билан қўшилса, тезда пастга тушиб кетади. У ўртача ҳазм бўлади. Унинг ҳўллиги сутчўп ҳўллигидан кўпроқ, дейдилар. Бавлус тугмачагул буруштиради деб айтган. Бундай дейишда Бавлус «яҳуд бақласи»ни назарда тутган бўлса керак.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Гулхайри учуқ ва сарамасларга фойдали; ёввойисининг барги эса зайтун билан бирга қушилса, [461] оловда куйган [киши]га фойда қилади; унинг қайнатмасини қўйиш ҳам шундай [таъсир беради]. Боғ гулхайрисини иссиқ шишлар бошланаётган ва кўпаяётган вақтда ишлатилса, фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Уни хомлигича туз билан қўшиб, чайнаб, оқма тешикларга, айниқса, кўздаги кичик оқма тешикларга қўйилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Уни сийдик билан қўшиб, бош яраларига қўйиб боғланса, жуда катта фойда қилади. Оғиз оғриғида эса уни чайналади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг баргини чайнаб ва бир оз туз билан қўшиб, ишлатилса, кўздаги оқма ярани тозалайди ва эт ундиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг барг ва гулларининг ҳаммаси кўкракни юмшатувчи, сутни кўпайтирувчи, иссиқдан ва қуруқдан пайдо бўлган йўтални қолдирувчидир. Кўкракдаги ғижиллашни кетказишда унинг энг яхши қисми уруғидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Боғ гулхайриси меъда учун ёмон, аммо унда жигар тиқилмаларини очиш хусусияти бор.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг гулларини зайтун ёғи билан қўшиб, ичиш ва ишқалаш буйрак ва қовуқ яраларига фойдалидир; *малухиё*нинг уруғи [ичак] шилиниши ва яраларида фойда қилади. Боғ гулхайрисининг шохлари ичак ва қовуқлар учун фойдали, ични юмшатувчи ва оғриғини [қолдирувчидир]. Унинг сувини ичганда ва ундан шароб тайёрлаб [ишлатилганда] ҳам шундай. Унинг қайнатмасига ўтирилса ва ҳуқна қилинса, бачадон қаттиқлигига фойда қилади. Унда сийдикни юриштириш қуввати бор. Ёввойи гулхайрининг қуёшга боқиб айланадиган бир тури борки, у хом [хилтни] ва ўтни суради. Агар уни ҳаддан ташқари кўп [ишлатилса], қонни ҳам суради.

З а ҳ а р л а р.

Унинг барги, айниқса, уни зайтун ёғи билан бирга қўшиб боғланса, қовоқ аринининг чаққанини тинчлантиради. Заҳарларга қарши унинг уруғини ичиб, кетма-кет қусилади; қорақурт чаққанига ҳам фойда қилади.

[1] Malva rotundifolia L.
[2] № 441 га қаранг.
[3] № 132 га қаранг.

768 ХАМИР – ХАМИРТУРУШ

Табиати.

Унда иссиқлик бор, аммо қуруқлик ва ҳўллиги ундаги туз ва бурақнинг кўплик ва камлигига қараб бўлади.

Таъсир ва хоссалари.

У туз, бурақ ва буғдой [уни]дан [тайёр] бўлгани учун унда тозаловчи қувват, нордонлиги учун эса совутувчи қувват бор; бу қувват чуқур жойлашган моддаларни баданнинг ташқарисига тортади ва шимдиради.

Бўғинлар.

Уни оёқ кафтида бўладиган оғриққа [қарши] қўйиб боғланади.

769 ХАВХ[1] – ШАФТОЛИ

Табиати.

Иккинчи даражанинг охирида совуқ ва биринчи даражада ҳўл, аммо [бу даражанинг] охирида эмас.

Таъсир ва хоссалари.

Шафтолининг рутубати [унинг] тез сасишига ёрдам беради. У юмшатувчи бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор; унинг энг буруштирувчани қоқисидир. Шафтолида [хилтларнинг] оқишини тўхтатиш хусусияти бор. Хом шафтоли ҳам буруштирувчи бўлади.

Зийнат.

Унинг япроғини [эзиб] суртилса, оҳакнинг [баданда қолган] ҳидини кесади[2] ||. *227б*

Бош аъзолари.

Шафтолининг баргидан олинган сувини қулоққа томизилса, қуртларни ўлдиради; унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқларида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаҳа туғдириш хусусияти бор. Аммо [шафтолини] овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади ва ўзи ҳам бузилади; шунинг учун уни овқатдан илгари ейиш керак. Қуритилган шафтоли кеч ҳазм бўлади ва гарчи озиқлиги кўп бўлса ҳам, яхши озиқ эмас.

Чиқариш аъзолари.

Шафтолининг баргини киндикка қўйиб боғланса, қориндаги қуртларни ўлдиради, унинг гули ва япроғининг сиқиб олинган сувини ичилганда ҳам шундай таъсир кўрсатади. Пишган шафтоли ични юмшатади, хоми эса [ични] қотиради. Баъзиларнинг айтишича, у шаҳвоний қувватни оширади. Бу таъсир (иссиқ ва) қуруқ баданларда бўлса керак.

[1] Persica vulgaris Mill.

[2] Бадандаги мўйни тўкиш учун оҳакни яна бошқа ҳидли нарсалар билан қўшиб, ишлатилар эди.

770 ХУТТОФ – ҚАЛДИРҒОЧ

(Моҳияти.

Бу маълум қуш).

Бош аъзолари.

Дискуридус айтади, («агар ой тўлишган вақтда) унинг биринчи очиб чиққан болаларини олиб ёрилса, уларнинг (меъдасида) бўлган иккита – бири бир хил рангли, иккинчиси турли рангли,– (тошларни ерга туширмасдан олинса) ва уларни бузоқ (ёки тоғ эчкисининг) тупроқ тегмаган териси парчасига ўраб (ақлдан озган ёки) тутқаноғи бор кишининг билагига ёки бўйнига боғланса, фойда қилади. Мен буни кўп тажриба қилиб кўрдим, натижада боши оғриётган киши[1] бутунлай тузалди».

Кўз аъзолари.

Қалдирғочни ейиш кўзни ўткир қилади. Баъзан уни қуритиб истеъмол қилинади. Бир ичиш миқдори бир *мисқол*дир. Айниқса, қалдирғочнинг онаси ва боласининг шиша идишда куйдирилганини асал билан қўшиб, кўзга тортилса, (кўзни ўткир қилади). Қалдирғоч миясини асал билан қўшиб, ишлатилса, кўзга сув тушабошлаши [катаракта]га фойдали бўлади, дейдилар; кўршапалакнинг мияси ҳам шундай.

Нафас аъзолари.

Қалдирғочнинг кули билан [танглайни] ишқаланса, томоқ оғриққа фойда қилади. Шунингдек, уни тузлаб [462] қуритилса, сўнг ундан икки *драхмий*ни[2] (сув билан) ичилса, томоқ оғриққа, (йўталга, лаклук ва бодомсимон безларнинг шишига) фойда қилади.

(Чиқариш аъзолари.

Табиблар орасида қалдирғочнинг инини сувга солиб, сўнг сувни сузиб ичилса, туғишни енгиллаштиради [деган фикр] машҳурдир).

[1] Б. да: «тутқаноқли».
[2] Б. да: «*бир драхмийни*».

771 ХАЛЛ–СИРКА

Т а б и а т и.

Иссиқ ва совуқдан таркиб топган бўлиб, моддасининг ҳаммаси латифдир, аммо унда совуқлик кўпроқ, ўткир сирка қиздирувчанроқдир ва агар [ўткир] бўлмаса, совуқ ва ҳўл [бўлади]. Қайнатиш унинг совуқлигини камайтиради.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

[Сирка] кучли қуритиш хусусиятига эга; моддаларнинг ичга қуйилишини тўхтатади, ҳамда [уларни] суюлтиради ва кесади. Уни қон кетишга қарши ичилади ёки қон бадан ташқарисидан оқаётган бўлса, уни қуйилади, шунда у қонни тўхтатади; қаерда бўлмасин пайдо бўлаётган шишни қайтаради; ҳазм қилиш [қувватига] ёрдам беради ва балғамга қаршилик кўрсатади. Сирка сафроли кишилар учун фойдали ва савдолик кишилар учун зарарлидир.

З и й н а т.

Уни асал билан қўшиб, қонталашган ерларга суртилса, фойда қилади, аммо кўп ишлатиб юборилса, сарғайтириб қўяди.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

[Сиркани] ичилса ва суртилса, шишларнинг пайдо бўлишини ва гангренанинг ёйилишини тўхтатади, сарамасни[1] тузатади ва ҳар қандай шишнинг ёйилишини ҳам тўхтатади; милкакка, учуққа ва сарамасга фойда қилади. Агар уни суртилса, шишлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Агар сирка билан ҳўлланган жун парчасини жароҳатлар устига қўйилса, уларга фойда қилади ва шиш [пайдо бўлиши]га қўймайди. Югурувчи яралар, (қўтир) ва темираткиларнинг ёйилишига қарши ишлатилса ҳам фойда қилади. Оловда куйганга ҳар қандай [дори] дан ҳам тезроқ фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Сирка асабларга зарарлидир. Агар олтингугурт билан қўшиб, подаграга суртилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар сиркани зайтун ёғи ёки қизил гул ёғи билан аралаштириб, яхшилаб пишитиб, унга ювилмаган жун парчасини булғаб олиб, бошга қўйилса, иссиқдан бўлган бош оғриғида фойда қилади; (тиш милкларини маҳкамлайди). Шунингдек, сиркани қуйилса ва у билан, айниқса,

уни аччиқтош билан қўшиб, оғиз чайқалса, тишларнинг қимирлашига ва қонашига қарши фойда қилади. Иссиқ сирканинг буғи қулоғи оғир кишига ва шунга ўхшашларга фойда қилади; ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни куч билан очади ва қулоқнинг ғувуллашини йўқотади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сиркани асал билан қўшиб, кўз тагидаги қонталашга суртилади, аммо уни давомли ишлатиш кўзни кучсизлантиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Лаклук [касалликларида] фойда қилади. У билан ғарғара қилиш хилтнинг томоққа оқишини тўхтатади ва осилиб қолган лаклукни тузатади. Томоқдаги зулукка, давомли йўталга ва «тикка нафас олиш»га қарши сиркани қиздирилган ҳолда қултумлатиб ичирилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Сирка иссиқ ва ҳўл меъда учун яроқли; у иштаҳани очади ва ҳазм қилишга ёрдам беради; бу хусусиятларнинг ҳаммаси унинг меъдани ошлаб тозалаши туфайли бўлади. Сирканинг буғи истисқони шимдиради. Аммо уни давомли истеъмол қилиш баъзан истисқони келтириб чиқаради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадонни совутади; ичакдаги югурувчи яраларга қарши, аввал юмшоқ бир ҳуқна қилингандан сўнг, қизитилган сиркани туз билан қўшиб, ҳуқна
228а қилинади. ||

З а ҳ а р л а р.

Сиркани [газандалар] чаққан жойга қуйилади. Афюн ва сассиқалафга [қарши] фойда қилади. Дашт узумидан тайёрланган сиркани туз билан қўшиб, [ишлатилса], қутурган ит ва бошқа нарсаларнинг тишлаганида фойда қилади. Баъзан уни қиздирилган ҳолда ўлдирувчи дори [заҳар]ларга қарши ичирилса, фойда қилади.

[1] Б. да: «оташакни».

772 ХИРИЙ[1] – ШАББЎЙ

М о ҳ и я т и.

Унинг оқи, сариғи ва қизили бор.

Т а б и а т и.

Оқи учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, унда ўткирлик кўпроқ бўлиб, ёғи иссиқ ва юмшоқдир. Унинг фойдалари ҳақида *«Дол»* [Д] ҳарфи бобида, ёғлар ҳақида гапирганимизда айтиб ўтдик[2].

[1] Cheiranthus Cheiri L.

[2] № 190 га қаранг.

773 ХАНОФИС – ГЎНГҚЎНҒИЗ

Б о ш а ъ з о л а р и.

Гўнгқўнғиз қовурилган[1] зайтун ёғини қулоқ оғриғига қарши томизилса, фойдали бўлади. Унинг янчилган танаси ҳам шундай.

[1] Б. да: «қайнатилган».

774 ХУБЗ – НОН

Т а н л а ш.

Нон тоза, тузли, [хамири] яхши ишланган, оширилган ва тандирда яхши пиширилган бўлиши ва бир кеча тўхтатиб ейилиши керак. Иссиқ нонни [киши] табиати яхши қабул этсада, уни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас. Бундан кейинги ўринда ғиштдан қилинган майда ковакли [фурний] тандирда пиширилган нон туради. Бошқа [усулда ёпилган] нон яхши эмасдир. Кепаксиз ундан қилинган нон кепакли ундан қилинган нондан яхшироқ бўлади. Ун қанчалик тоза бўлса, уни шунча яхши хамир қилиб, тоза ошгунча қўйиш ва унинг тузини расо қилиб, яхши ва кўп ишлаш керак.

Ғиштдан қилинган майда ковакли тандирда пиширилган нон оддий тандирда икки тарафдан бир хилда пишган нондек бўлмайди.

Ўчоқ ичида иссиқ кулга кўмиб пиширилган нонниng ичи хом бўлади.

Ювилган нон совутувчи бўлиб, озиқлиги кам бўлади ва у меъдада сузиб юради. У иссиқ мизожли кишилар учун яхши бўлиб, тиқилмалар пайдо қилмайди ва қизитмайди. Нонни ювиш усули қуйидагича: суви қочган нонни олиб, унинг мағзини иссиқ сувда ивитилади. Сўнгра устига чиққан сувни тўкиб ташлаб сувни янгиланади. Нон ачитқилик қувватини йўқотгунча [463] ва яхши бўккунча шу хилда сувни янгилаб турилади.

Х о с с а л а р и[1].

Кепаксиз нон бошқа хил нонларга қараганда озиқли бўлиб, яхши озиқ ҳисобланади. Лекин у секин сингади. Тоза оқ ундан қилинган нон ҳам ўз сифатлари билан кепаксиз нонга ўхшайди. Эланмаган серкепак ундан қилинган нон тез сингувчи, лекин кам озиқли ва сифати паст бўлади. Яхши пиширилмаган шунингдек, хамиртуруши кам нон кўп озиқлидир. Лекин унинг озиғи ёпишқоқ бўлиб, тиқинлар пайдо қилади. Бундай нон фақат кўп ҳаракат қилувчилар учун яроқлидир. Қўрга кўмиб пиширилган нон ҳам шу нонлар хилидан ҳисобланади. Чунки унинг ичи яхши пишмайди.

Ювилган нон эса, кам озиқли бўлиб, тиқилмалар пайдо қилмайди. У осон пишувчи ва енгил вазнлидир.

Енгил [пуч] буғдой нони ҳам эланмаган ундан қилинган нонга ўхшашдир.

Қатоиф нони[2] қуюқ хилтни пайдо қилади. Толқон қилинган нон эса ел пайдо қилувчи бўлиб, секин ҳазм бўлади. [Ноннинг] яхшироғи бодом ёғи билан аралашгани бўлиб, [нон] сояда қуритилган бўлиши керак.

Сутга қориб пиширилган нон кўп озиқли бўлиб, [меъдадан] секинлик билан тушади ва тиқилмалар пайдо қилади.

Нонда туз борлиги сабабли нондан қилинган қуюқ суртма буғдойдан қилинганига қараганда қизитувчанроқ бўлади.

З и й н а т.

Янги буғдойдан тайёрланган нон тез семиртиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Буғдой нони асал суви ва мувофиқ ширалар билан биргаликда қўшиб ишлатилса, иссиқ шишлар учун яхши бўлиб, уларни юмшатади ва совутади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Туз ва сув билан аралаштирилган нонни темираткига суртилса, фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Иссиқ нон ўзининг ҳарорати билан ташна қилади ва ўзининг буғсимон ҳўллиги сабабли (меъдада) сузиб юради. Шу сабабли тезда тўйдиради. Иссиқ нон тез ҳазм бўлади, лекин секинлик билан пастга тушадн.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эланмаган ундан қилинган нон ични юмшатади. Тоза, оқ ундан қилинган нон эса ични қотиради. Оширилган нон юмшатувчи бўлиб, патир нони ични қотирувчидир. Қўрга кўмиб пиширилган нон ҳам ични боғловчидир. Эски қотган нон, унга бошқа хил [нонлар] аралаштирилса ҳам ични қотиради. Қатоиф нони эса ични қотиради. Кепакли ундан қилинган нон кепаксиз ундан қилинган нонга қараганда ични кўпроқ қотиради.

[1] Б. да шундай; Л. да хато равишда яна танлаш деб ёзилган.

[2] Катоиф нони деб бодом, ёнғоқ мағзи ва шакар солиб тайёрланган нонга айтилади.

775 ХАБАС[1] – ДАШҚОЛ, МЕТАЛЛ ЧИРКИ

Т а н л а ш.

Қуритишда темир чирки энг кучли ҳисобланади.

Т а б и а т и.

Темир чирки учинчи даражада қуруқ, мис чирки шунга яқин. Бошқаларининг эса ҳарорати камроқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Уларнинг ҳаммаси қуритувчидир. Қуритишда улардан энг кучлиги темир чиркидир. Уларнинг ҳаммаси [гавдадаги] ҳўлликни қуритади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Темир чирки иссиқ шишларни шимдиради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Кумуш чирки қўтирга, ширинчага фойдали бўлиб, яраларни битиради ва бавосир касали ва оқма яралардан қон кетишни тўхтатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Темир чирки || кўз қобиғининг қаттиқланишига, қўрғошин чирки эса кўз яраларига фойдалидир. Кейингиси мурдосанжнинг ўрнига ўтади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Темир чиркини эски набиз ёки *тило* шароби билан ичилса, меъдани қувватли қилади, ундаги чиқиндини шимади ва бўшашганлигини кетказади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Темир чирки бавосир қонини тўхтатади, айниқса, у билан аралаштирилган эски набизга ўтириш фойдалидир. Бу ҳомиладор бўлишнинг олдини олади ва ҳайз қонининг кўп кетишини тўхтатади ва шу жиҳатдан энг кучли дорилардан ҳисобланади. Сийдик [тутолмасликка] нисбатан ҳам шундай таъсир қилади. Уни суртилса, [бўшашган] орқатешикни қувватли қилади.

З а ҳ а р л а р.

Темир чиркини *сиканжубин* билан аралаштирилса, *фуринтус* деб аталувчи доридан келган зарарга фойда қилади.

[1] № 739 га қаранг. *Хабас* билан *қалимиё*ни бир нарса деб ҳисоблайдилар [№ 623 ва 627 га қаранг].

776 ХОЛИДУНИЮН[1] – ЗАРЧАВА

М о ҳ и я т и.

Баъзи [табиблар] уни зарчава деганлар ва уни кончўп[2] деб ҳам айтилади. Бошқалар эса, кичкинасини кончўп ва каттасини зарчава[3] деганлар.

Х о с с а л а р и.

Унинг кичкина хили бўлиб, иссиқ ва яра қилувчидир.

Ш и ш л а р.

Унинг шароб билан аралашганини учуққа қўйилса, фойда қилади.

Яралар.

Кичкина хили қўтирни таги билан кўчиради.

Бош аъзолари.

Унинг илдизини чайналса, тиш оғриғини тўхтатади.

Кўз аъзолари.

Унинг ширасини чўғ устида ярми қолгунча қайнатиб [ишлатилса], кўзни ўткир қилади.

Агар қалдирғочнинг боласи кўр бўлса, онаси унга бу ўтни олиб келиб беради. Шунда у кўрадиган бўлади. Шунинг учун буни қалдирғоч ўт [хатотифий] деб айтилади. (Ҳамма нарсаларни яратиб берган ва тўғри йўлга бошлаганга мақтовлар бўлсин).

[1] № 540 га қаранг.

[2] Зарчаванинг бир тури.

[3] Б. да шундай Л. да хато равишда *«вард»*, яъни қизил гул деб ёзилган. Бундан ташқари, котиб янглишиб, бу ерга яна бир *«ҳариқ»* [?] деган сарлавҳа ҳам киритиб қўйган, ваҳоланки, ундан кейинги гаплар ҳам *холидиниюн*га тегишлидир. № 435 га қаранг.

777 ХАМСАТ УЛ-АВРОҚ – «БЕШБАРГ», ҒОЗПАНЖА

Моҳияти.

Бу *нитофилун* бўлиб, бу ҳақда айтилди[1].

(Таъсир ва хоссалари.

Тезлик, ўткирлик қилмасдан ва ачитмасдан кучли равишда қуритади. Уни қўйиб боғланса, оқаётган қонни тўхтатади.

Ш и ш ва тошмалар.

Уни йирингли шишларга, қулғунага, балғамли қаттиқликларга ва милкакка қўйиб боғланади. Илдизининг қайнатмасини ёйилувчи яраларга ва унинг сирка билан қайнатилганини учуққа ишлатилади. [464] У оташакка, милкакка ва қўтирга ҳам фойдалидир.

Бўғинлар.

Бўғинлардаги оғриқларга, иркуннасога фойда қилади. Ичиш ва қўйиб боғлаш даббага фойдалидир.

Бош аъзолари.

Тиш оғриғи ва оғиз чақаланишини қолдириш учун илдизининг қайнатмаси билан оғизни чайқалади. Баргини шароб билан қўшиб, бош оғриғи учун ўттиз кун ичилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Унинг қайнатмасини томоқ қирилганида ғарғара қилинади. Илдизининг ширасы ўпка оғриғига [фойдалидир].

Озиқлантириш аъзолари.

Илдизининг ширасини туз ва асал билан қўшиб, бир неча кун ичилса, жигар оғриғига ва сариққа фойда қилади. Ундан бир ичиш миқдори уч *киафдир*.

Чиқариш аъзолари.

Илдизи ичкетиш, ичак яралари ва бавосирга фойда қилади, илдизининг қайнатмаси ҳам шундай.

Иситмалар.

Унинг баргини асал шароби ёки шароб билан [ишлатилса], тўрт кунлик ва кунора тутадиган иситмага фойда қилади.

Заҳарлар.

Илдизининг шираси ўлдирувчи доридир).

[1] № 337, 473 га қаранг.

778 ХАНДАРУС[1] – «РУМ БУҒДОЙИ»

Моҳияти.

Бу Рум буғдойидир.

Таъсирлари.

Озиқлиги буғдойникидан совуқроқ ва камдир. Шундай бўлса ҳам, у кўп яхши, кучли ва ғализдир.

[1] Triticum spelte L.

779 ХОМОЛОВУН[1] – МАҲСАР

Хоссалари.

Уни ҳеч бир [касалликда] ҳам ичилмайди. Лекин (тозаловчи дориларга қўшиб), сиртдан ишлатилади ва тозаловчи, юмшатувчи ва шимдирувчи дори сифатида қўйиб боғланади.

Зийнат.

Уни доғга қарши суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Қўтир ва темираткида суртилади. Еб кетувчи ярага қўйиб боғланади.

Озиқлантириш аъзолари.

Оқ [*хомоловун*]нинг илдизидан бир *оксибаф* миқдорида шароб билан ичилса, истисқо билан оғриган кишига фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Оқ [*хомоловун*]нинг илдизи гижжани ўлдиради.

Заҳарлар.

Унинг қорасида ўлдирувчи хусусият бор.

[1] Cardopatium corymbosum P e r s.

780 ХУР – ТЕЗАК

(Моҳияти).

Зибл [тезак] бобида айтилди[1].

Таъсир ва хоссалари.

Уларнинг ҳаммаси қиздирувчи, шимдирувчи ва қуритувчидир.

[1] № 235 га қаранг.

781 ХАРОТИН[1] – ЧУВАЛЧАНГ

Табиати.

Менинг ўйлашимча, у иссиқ бўлиши керак.

Жароҳат ва яралар.

Уни (янчиб) асаб жароҳатларига қўйиб бойланади. Жуда яхши фойда қилсин учун уч кун мобайнида [бойлоқни] очилмайди.

Бош аъзолари.

Ғоз ёғи билан қўшилиб қайнатилгани қулоқ оғриғига фойдалидир. Уни гоҳо зайтун ёғи билан оғриётган тишнинг қарши томонидаги [қулоққа] томизилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар уни шароб билан ичилса, сариқ касалини тузатади.

Чиқариш аъзолари.

Уни майда янчиб, шароб билан ичилса, сийдикни юриштиради. Шунингдек, тош келганга ҳам фойдалидир.

[1] Lumbricus terrestris L.

782 ХАЙРБАВВО[1]

Моҳияти.

Қоқила [ҳил]га ўхшаш кичик дон бўлиб, Софала мамлакатидан келтирилади[2].

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Унинг қуввати қалампирмунчоқ қувватидекдир. У тозаловчи ва латифлаштирувчи бўлиб, ҳилдан кўра латифлаштирувчанроқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

У совуқ меъда билан жигарга яхши бўлиб, меъда учун ҳилдан ҳам яхшироқдир. У қусишни тўхтатади.

[1] Бу иккита ўсимликни ифодалайди: а) кичик қоқила – Amomum repens Sonnerat; б) катта қоқила – Amomum melegueta R o s c.

[2] № 196 га қаранг.

783 (ХИРВАЪ[1] – КАНАКУНЖУТ

Моҳияти.

Дискуридуснинг айтишича, баъзи одамлар уни *қирутун*[2], яъни кана деб атайдилар. [Улар] бу ўсимликнинг дони канага ўхшаган бўлгани учун шундай [ном билан] атаганлар. Бу кичик дарахт бўлиб, кичик анжир дарахтидекдир. Унинг барги чинор дарахтининг баргига ўхшаган, лекин ундан каттароқ, силлиқроқ ва қорароқ бўлади. Поя ва шохларининг ичи қамиш сингари ковакдир. Унинг меваси ғадир-будур ва шингилли бўлади. Агар у мевани тозаланса, донаси кана шаклида бўлади. Ундан сиқиб олинган ёғни *қиқинун*[2] деб аталади. Бу канакунжут ёғидир. Бу ёғ овқат учун ярамайди. Чироқда ёқишга, баъзи бир марҳамларга ва дориларга қўшиш учун ярайди. Агар унинг ўттизта донасини тозалаб, янчиб эзилса ва ичилса, [шилликни] суради.

Таъсир ва хоссалари.

Димашқий канакунжут шимдирувчи, юмшатувчи ва унинг ёғи латифлаштирувчи бўлиб, тоза зайтун ёғига қараганда ҳам латифроқдир, дейди.

Зийнат.

Агар уни янчилса ва қўйиб боғланса, сўгални ва сепкилни кетказади.

Шишлар.

Агар унинг баргини янчиб, арпа уни билан аралаштирилса, балғамдан ҳосил бўлган шишни қайтаради.

Яралар.

Унинг ёғи [465] қўтирга ва ҳўл яраларга фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар канакунжутнинг ўттиз донасини янчиб ичилса, қустиради. Чунки у меъдани жуда бўшаштириб, кўнгилни айнатади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг ёлғиз ўзини ёки сирка билан аралаштириб, қўйиб боғланса, эмчак шишини қайтаради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг донини янчиб ичилса, шиллиқни ва сафрони суради, қориндаги гижжаларни [ташқарига] чиқаради).

1 Ricinus communis L. Бунинг ёғи – Oleum ricini, Фармакопея VIIIга киритилган. № 622 билан солиштиринг.

2 Сўз матнда хато босилган; Диоск. IV, 113 асосида тузатилди.

784 ХАМР – УЗУМ ШАРОБИ

М о ҳ и я т и.

Бу қаҳвадир. Бу ҳақда биз *«Шин»* [Ш] ҳарфи фаслида гапирдик[1]).

[1] № 720 га қаранг.

«ЗОЛ» ذ [З] ҲАРФИ

785 ЗАҲАБ – ОЛТИН

(М о ҳ и я т и.

Бу асл моддадир).

Т а б и а т и.

(Латиф) ва мўътадилдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Олтиннинг кукуни савдони [тузатувчи] даволарга киради. Олтин асбоб билан доғлаш энг яхши даво бўлиб, тез тузатувчидир.

З и й н а т.

Олтинни оғизда ушлаб турилса, оғизнинг ёмон ҳидларини кетказади. Унинг кукуни «тулки ва илон касалликлари»га қарши суртиладиган ва ичиладиган дорилар таркибига киради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзга сурма қилиб тортилса, кўзни қувватли қилади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Юрак оғриқларига, хафақонга, юрак сиқилишига ва қўрқоқликка фойда қилади.

786 ЗАРИРА – ХУШБЎЙ ҚАМИШ

Моҳияти.

Қамиш ҳақида гапирган бобимизда бу ҳақда айтиб ўтдик[1]. (Лекин биз бу ерда унинг бошқа таъсирлари ҳақида гапирамиз).

Жароҳат ва яралар.

Оловдан куйганга хушбўй қамишни гул ёғи ва сирка билан қўшиб, ишлатишдан яхшироқ нарса йўқ, деб айтадилар ||. *229a*

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда, (ичак), жигар шишларида ва истисқода фойдалидир.

[1] № 615 га қаранг.

787 ЗАНАБ УЛ-ХАЙЛ[1] – ҚИРҚБЎҒИН

Моҳияти.

Чуқур ва зовурларда ўсадиган ўсимлик. Поясининг ичи ковак ва қизғиш рангли бўлиб, ёғоч каби қаттиқдир. Улар бўғим-бўғим бўладилар ва бир-бирларига кириб турадилар. Унинг бўғинларидаги барги қорачайир баргига ўхшаш бўлиб, юпқа, зич ва ёнида ўсган дарахтга ёпишади. Сўнгра ундан туя думига ўхшаган кўп кокиллар тарқалади. Унинг илдизи қаттиқ бўлади.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчи, айниқса, унинг ширасиачиштирмай кучли қуритувчидир. Қон кетишда ҳам жуда фойдалидир.

Жароҳат ва яралар.

Бу жароҳатларни ва яраларни ажаблантирар даражада [яхши] битиради. Агар бу яраларда асаблар бўлса ҳам битиради.

Бўғинлар.

Ўртасидан узилган мушакларга суртилса ёки қўйиб боғланса, фойда қилади. Уни ичак даббасида ҳам қўйилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар ва меъданинг шишларида ва истисқода фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Уни шароб билан аралаштириб ичилса, ичкетишда ва қонли ичкетишда фойда қилади. Агар ичи бузилган кишининг иситмаси бўлса, сув билан аралаштириб ичирилади.

[1] Equisetum arvense L., Equisetaceae оиласи. Бунинг барги Herba Equiseti Фармакопея VIIIга киритилган. Л. да занаб ул-жамал (туя думи).

788 ЗАРОРИҲ[1] – ОЛАКУЛАНГ

(Моҳияти.

Қандалага ўхшаган бир жонивор бўлиб, [ранги] ундан қизилроқдир. Уни буғдой [ораларида] топилади ва у ўша ерда туғилади. У жуда ўткир [таъсирли] бўлиб, сақлаб қўйиш учун ҳам яроқлидир. Уни сопол идишга солиб, [идишнинг] оғзини тоза каноп латта билан таранг қилиб боғлаш керак. Сўнгра қайнаётган ўткир шароб сиркасининг буғига бу сопол идишнинг оғзини тўнкариб қўйиш керак. Бу сопол идиш ичидаги олакуланг ўлгунча буғ устида тутиб туриш ва у ўлгандан сўнг каноп ипга тизиб, сақлаш керак.

Танлаш.

Олакулангнинг таъсирда кучлилиги, ҳар хил ранглиги бўлиб, қанотлари кўндаланг, сариқ чизиқли бўлади. У катталикда эшак қуртидек бўлади. Бир хил рангли бўлиб, ҳар хил рангли бўлмаса, унинг таъсири кучсизроқ бўлади).

Табиати.

Баъзи [табибларнинг] айтишича, ҳаддан ташқари иссиқдир. Бошқаларнинг айтишича, у учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Аввалги фикр тўғрироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Иссиқ, ўткир, саситувчи ва куйдирувчи.

Зийнат.

Суртилса, сўгални кўчиради. Ундан мумли суртма тайёрлаб, тирноқнинг оқ жойига суртилса, фойда қилади. Агар уни тезда кўчирилиши керак бўлган тирноққа боғланса уни тезда кўчириб туширади. Агар сирка билан [аралаштириб] суртилса, доғ ва песни кетказади. Агар уни майдалаб янчиб, хардал билан қўшиб, суртилса, сочни ўстиради. Зайтун ёғи билан қуюлганигача қайнатилгани ҳам шундай [таъсирга эга].

Шиш ва тошмалар.

Уни саратон ўсмаларига суртилса, шимдириб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Уни қўтирга ва темираткига суртилади.

Кўз аъзолари.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича, кўздаги нохинани кўчиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Истисқога фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Олакулангнинг озгина [миқдори] [466] сийдикни кучли ҳайдайди. (Ҳатто истисқога ҳам фойда қилади). Унинг озгина миқдордагиси сийдикни ҳайдовчи дориларга зарар бермасдан ёрдам беради, ҳайз қонини юритиради ва болани туширади. Баъзи [табибларнинг] айтишича, қовуқ касалига ҳеч қандай дори фойда бермаган кишига ёлғиз шу дорининг ўзини ичириш фойдалидир. Ундан уч *тассужжа* миқдорида ичиш қовуқни яра қилади. Жолинуснинг айтишича, унда ўткир моддаларни қовуққа ҳайдайдиган махсус таъсир бўлганидан қовуқда яра пайдо бўлади; [инсон] гавдаси бу моддалардан холи бўлмайди.

(Заҳарлар.

Баъзи кишиларнинг тасдиқ қилишича, унинг қаноти ва оёғини заҳар ичгандан сўнг ичилса, заҳарга қарши [таъсир кўрсатади]. Айтадиларки, агар ундан бир *мисқол* миқдорида ичилса, бадан шишади, сийдик қонга айланади ва шу куннинг ўзидаёқ киши ўлади.

[1] Lytta vesicativia Fabricius, қуритилгани [Cantharides] Фармакопея VIIIга киритилган.

789 ЗУБОБ – ПАШША

Заҳарлар.

[Табиб] Исо айтади: «Мен [бу давони] бир неча маротаба тажриба қилиб кўриб, фойдали топдим. Чаён чаққан ерга пашшани суртилса, аниқ фойда қилади».

799 (ЗИЪБ – БЎРИ)

Чиқариш аъзолари.

Айтишларича, бўри тезаги қуланж касалига ажойиб фойда етказади).

«ЗОД» ض [3] ҲАРФИ

791 ЗАРВ[1] – МАСТАКИ ДАРАХТИ

Моҳияти.

Бу машҳурдир. Унинг қуюлтирилган ширасы – елим бўлиб, Маккага келтирилади ва шу ном билан аталади.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ, биринчи даражада ҳўл.

Таъсир ва хоссалари.

Тозаловчи, қуритувчи, (шимдирувчи) ва баданнинг чуқур ерларидан тортиб олувчидир. Унинг елими мастика [камком] дарахтининг елимига ўхшайди. У, қувватда ладан каби бўлиб, хушбўйдир. Уни (Ҳалабда) хотинлар ишлатадиган хушбўй нарсаларга қўшилади.

Бош аъзолари.

Қуюқ шираси оғиздан сўлак оқишига ва оғиз ярасига фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Унда ични боғлаш қуввати бордир.

[1] № 279, 403 га қаранг.

792 ЗАЙМУРОН[1] – РАЙҲОН

Моҳияти.

У шохисфарм ул-ҳамоҳимдир[2].

Табиати.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича, унда иссиқлик бор ва у иккинчи даражада қуруқдир. Кўп одамлар, у ўзининг иссиқлиги билан иссиқ мизожли кишиларга зарар бермагани учун уни совуқ дейдилар. Балки *ҳамоҳим* биринчи даражали совуқдир. Хулоса шуки, унинг қуввати иссиқлик ва совуқликдан мураккаб бўлиб, унда совуқлик кўпроқ, деб айтиш мумкин.

Таъсир ва хоссалари.

Иссиқ мизожли кишиларга фойдалидир, айниқса, унинг устидан гул суви сепилса.

Жароҳат ва яралар.

Уни куйганга қўйиб боғланади.

Бош аъзолари.

Бош оғриғига[3] жуда фойдалидир. У, миядаги тиқилмаларни очади.

Чиқариш аъзолари.

Унинг қовурилган уруғини гул ёғи ва совуқ сув билан аралаштириб, чўзилма ичкетишда ичирилади.

[1] Ocimum minimum.; баъзи манбаларда Mentha aquatica L. – сув ялпизи деб ҳам айтилади.

[2] Райҳоннинг бир тури.

[3] Б. да: «оғиз чақаланишига».

793 ЗАРЪ – ЕЛИН

Т а б и а т и.

Ундан асаблар кўп ўтгани сабабли у совуқ ва қуруқдир.

Т а н л а ш ||.

Сут билан тўла елин яхши ҳазм бўлса, у озиқликда гўштга яқин бўлади. Унинг энг яхшиси ичида сути бўлиб, дориворлар билан [пиширилганидир]. Шунда у [меъдадан] тез пастга тушади. Гўшти жуда яхши бўлган ҳайвоннинг елини яхши бўлиб, унинг хилти ғализ ва кучли бўлади.

794 ЗИФДАЪ–ҚУРБАҚА

Х о с с а л а р и.

Қурбақанинг кулини қон оқаётган жойга қўйилса, қонни тўхтатади.

З и й н а т.

Агар унинг туз ва зайтун ёғи билан қайнатилганини ейилса, айтилганидек, мохов касалига ва газандаларнинг чақишига қарши даво бўлади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Унинг шўрвасини пайнинг шишган [жойига] қуйилса, фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Айтадиларки, сув қурбақасининг шўрвасига оғизни чайилса, тиш оғриғини босади. Лекин унда сувлилик бордир. Қурбақанинг жирми [танаси] ва хусусан ёғи, тишнинг суғурилишини осонлаштиради. Менинг фикримча, бу дарахт ёки боғ қурбақасидир. Табибларнинг ва халқдан чиққан тажриба эгаларининг гувоҳлик беришларича, агар моллар ўтлаб юрганларида ўт билан қўшиб, шу хил қурбақани есалар, тишларини тушириб юборади.

З а ҳ а р л а р.

Қурбақанинг қонини ёки гўштини еган кишининг бадани шишади ва ранги хиралашади. [Шунингдек], эрлик уруғини ўлгунча чиқаради. Айтишларича, агар қурбақани туз ва зайтун ёғи билан қайнатиб ичилса, моховга ва газандаларнинг чаққанига қарши даво бўлади.

795 [467] ЗА’Н – ҚЎЙ

Х о с с а л а р и.

Қўйдан [олинган] ўтнинг қуввати қорамол ўтининг қувватидек бўлади.

796 ЗАББ – УРОМАСТИКА КАЛТАКЕСАГИ

Моҳияти.

Бу калтакесак бизнинг мамлакатимизда учрайдиган варалга [шакли билан] ҳамда таъсир ва қуввати билан ўхшаса ҳам, лекин ундан бошқадир. У кам учрайди. Фақат Араб саҳроларидагина бўлади.

Зийнат.

Унинг тезагини нуқтали қонталашларга ва сепкилга суртилса, фойда қилади[1].

Кўз аъзолари.

Унинг тезаги кўзга тушган оққа ва кўзга сув тушиши [катаракта]га фойдалидир.

[1] № 128 га қаранг.

797 ЗАБЪ – СИРТЛОН, ЁЛДОР БЎРИ

Хоссалари.

Биз, бунинг никрис ва бўғин оғриқлари учун фойдали эканлиги ҳақида Учинчи китобда мукаммал айтамиз. (Уни бу ерда қайтариб ўтиришнинг зарурияти йўқ. Ўша ердан қаранг).

«ЗО» ظ [З] ҲАРФИ

798 ЗАЛИМ – ЭРКАК ТУЯҚУШ

Моҳияти.

Туяқуш [*наъом*] ҳақида гапирганимизда *«Нун»* [Н] ҳарфи фаслида бу ҳақда айтилди.

799 ЗИЛФ –ТУЁҚ

(Моҳияти.

Маълум).

Зийнат.

Агар «тулки касаллиги» билан оғриган одамга (эчки) туёғини (куйдириб, кулини) сирка (ёки шароб) билан аралаштириб суртилса, фойда қилиши аниқдир.

«ҒАЙН» ġ [F] ҲАРФИ

800 ҒУБАЙРО[1] – ЧЕТАН, ЖИЙДА

Т а б и а т и.

(Биринчи даражанинг аввалида) совуқ ва иккинчи даражанинг охирида қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ҳар қандай оқаётган нарсани тўхтатади. Унинг буруштиришда ва ични қотиришда қуввати дўлананикидан кўпроқдир[2]. Кишининг ички аъзоларига қуйилаётган сафрони йўқотади. Агар уни [ичимлик билан бирга] ейилса, маст бўлишни секинлатади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Иссиқдан бўлган йўталга фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қусишни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сафродан бўлган ичак шилинишида фойда қилади, [жийда] ични тўхтатади[3]. Дўлана ҳам шундай. Жийда кўп сийишга [қарши] фойдалидир. (Жийданинг толқони дўланага қараганда ични камроқ боғлайди. Бу иккови ични тўхтатади. [Аммо] сийдикни тўхтатмайди).

[1] Sorbus domestica L.; Elaeagnus angustifolia L.

[2] Б. да: «камроқдир».

[3] Б. да: «қусишни ҳам тўхтатади», дейилган.

801 ҒОРИҚУН[1] – «ДАРАХТ ПЎКАГИ»

М о ҳ и я т и.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича[2], унинг эркак ва урғочиси бўлади ва у сассиқ қавракнинг илдизига ўхшайди. Лекин унинг усти сассиқ қаврак илдизининг устидек қаттиқ эмасдир. Бир гуруҳ [табиблар] буни чириган дарахт ичида сасиш тариқасида туғилади, деб айтадилар. Унинг таъмида иссиқлик, ўткирлик ва буруштирувчанлик бор. Моддаси сувли, ҳаволи, ерли ва латифдир. (Эркак ва урғочи пўкакнинг ўртасидаги фарқи шундаки, урғочисининг ичи тўғри кетган қават-қават бўлади. Эркаги эса думалоқ бўлиб, қават-қават бўлмайди, балки у бир бутун нарсадир. Аввал чиқишда иккови ҳам ўз табиати билан бир-бирига ўхшайди ва таъмларида ширинлик бўлади. Кейинчалик эса уларнинг ширинлик таъмлари ўзгаради ва

аччиқлик ҳосил бўлади. Пўкакни касалликнинг турига, касалнинг кучига, ёшига, одатига ва ҳавога қараб ичириш лозим. Ана шу нарсаларга эътибор бериш шартдир).

Танлаш.

Пўкакнинг энг яхшиси силлиқ, оқ ва тез уваланадигани ва жуда енгилидир. Атрофи силлиқ, аччиқ таъмида ширинлик сезилиб турадиган, эзганда майдаланиб кетадиган, ҳам болачалари борлари урғочи ҳисобланади. Эркаги яхши бўлмай, қораси ва қаттиғи жуда ҳам ёмондир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Қуюқ хилтларни парчаловчи ва шимдирувчи, ҳамма тиқилмаларни очувчи ва латифлаштирувчидир. Баъзилар унда буруштирувчи қувват бор, деб айтадилар. Аввалда унинг таъмида худди ширинлик бордай сезилади, лекин кейинчалик аччиқлик сезилади.

Шиш ва тошмалар.

Ҳар хил шишлар учун фойдалидир.

Бўғинлар.

Иркуннасога қарши *сиканжубин* билан ичирилади. У, ўзининг хусусияти билан асаблардаги чиқиндиларни тозалайди. У мушак гўштларининг эзилишида ва йиқилганда фойдалидир. Бир ичишда ундан уч *қирот* ичилади. [468] Агар иситма бўлса, асал суви ёки гулоб билан ичилади.

Бош аъзолари.

Тутқаноқли одамларга фойда қилади ва ўзининг хусусияти билан мия-
230а даги чиқиндиларни тозалайди. ||

Кўкрак аъзолари.

Тило шароби билан ичилса, астмага ва ўпка яраларига фойда қилади. Жигар оғриғига қарши бир *драхмий*гача ичилади. (Агар уч *оболо*ни сув билан ичилса, кўкракдан қон туфлашга фойда қилади).

Озиқлантириш аъзолари.

Жигар ва [бошқа] ички аъзолардаги тиқилмаларни очади. Шунинг учун жигар тиқилмасидан пайдо бўлган сариқ касалига фойда қилади. (Уни *сиканжубин* билан қўшиб, талоқ шишида ичирилади. Агар унинг ёлғиз ўзини чайналса ёки ютиб юборилса, меъда оғриғида ва нордон кекирикда фойдалидир. Жигар оғриғига қарши бир *драхмий* ичирилади).

Чиқариш аъзолари.

Пўкак савдо билан балғамдан ҳосил бўлган қуюқ хилтларни суради. Уни бир *драхмий*дан икки *драхмий*гача ичилади, хусусан, асал суви билан [ичилса фойдалироқдир]. У сургиларга ёрдам беради ва уларни бадан-

нинг энг узоқ жойларигача етказади. Пўкак, шунингдек, сийдикни ва ҳайз қонини ҳайдайди. Буйрак оғриғини босади. Бу мақсадда бир *драхмий* ичилади. Бачадон бўғилишида ҳам фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Иситмалардаги эт увушиб, титрашга ва эски ёмон иситмага фойда қилади. Агар унинг бир *мисқол*ини шароб билан иситма тутишдан олдин ичилса, иситмадаги эт увушишининг олдини олади.

З а ҳ а р л а р.

Уни газандалар чаққан жойга қўйиб боғланади. Агар уни шароб билан икки *драхмий*гача ичилса, жуда яхши фойда беради. Уни совуқ заҳарли газандаларнинг чаққанига қўйиб боғланади.

Ў р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

[Пўкакнинг] ўрнига унга икки ҳисса олинган турбит ўтади.

[1] Polyporus officinalis F r i e s.

[2] Б. да: «Дискуридуснинг айтишича».

802 ҒОР[1] – ДАФНА ДАРАХТИ

М о ҳ и я т и.

Унинг данаги кичик бундуқ ёнғоғининг шаклига ўхшайди. У юпқа қора пўст билан қопланган бўлиб, қўл билан эзилса, ёрилиб, иккига ажралади ва сарғиш қора мағзи кўринади. Унинг мазаси яхши ва ҳиди хушбўйдир. Унинг барги худди марсин оғочининг баргига ўхшаш, лекин ундан каттароқ бўлади. Меваси қизил бўлиб, тоғлик ерларда ўсади. Унинг бутун қуввати меваси ва баргида бўлади.

Т а б и а т и.

Унинг данаги қиздирувчанроқ бўлиб, пўстининг иссиқлиги камроқдир. Умуман у иккинчи даражада иссиқ ва қурукдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Унииг данаги бўшаштириш хусусиятига эга бўлиб, ҳамма қисмлари қиздирувчидир. Данаги эса баргига қараганда иссиқроқ бўлиб, унинг ҳамма бўлаклари кучли қиздирувчи ва қуритувчидир. Бу таъсирларда данаги етукроқ бўлиб, пўстлоғи кучсизроқ ва иссиқлиги камроқдир. Унинг ёғи ёнғоқ ёғидан кўра иссиқроқ бўлади.

З и й н а т.

Уни доғга шароб билан суртилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Нон ва толқон билан аралашмаси иссиқ шишларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Асабларнинг ҳамма оғриқларига фойдалидир. Унинг ёғи эса чарчашни тарқатади.

Бош аъзолари.

Дафна дарахти ва унинг ёғи бош оғриғини, шунингдек, совуқ қулоқ оғриғини тарқатади. Қулоқни эшитадиган қилади: қулоқдаги шанғиллашга ва унинг оқишига фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Уни асал билан ялаш ёки суртиш нафас қисиш ва «тикка нафас олиш» касалликларига фойдалидир. Чиқиндиларнинг ўпкага оқишига [қарши ишлатилса] ҳам фойдалидир. Ундан асал билан қўшиб, тайёрланган яланадиган дори ўпка ярасига ва «тикка нафас олиш» касалига фойда қилади. Хусусан, унинг данаги фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар унинг ёғини хушбўй шароб билан ичилса, жигар оғриғига фойда қилади. Пўстлоғи ҳам шундай. Лекин унинг [пўстлоғи] ва дони меъдани бўшаштиради ва қустиради.

Чиқариш аъзолари.

Унинг ёғи кўнгилни айнатади ва қустиради. Ҳайз қонини ва сийдикни юриштиради. Баргининг қайнатмаси қовуқ ва бачадон касалликларига фойда қилади. Унга ўтирилса ҳам шундай. Ични суриш учун ундан икки *дирҳам*ни асал суви ёки *сиканжубин* билан ичилади. Агар унинг пўстидан икки *дирҳам* баробарида ичилса, тошни майдалайди ва бошқаларнинг аччиқлигига нисбатан аччиқлиги ортиқ бўлганлиги сабабли қориндаги болани ўлдиради. Ундан бир марта ичиш миқдори тўққиз *қирот*. Унинг данаги ҳам тошни майдалайди.

Иситмалар.

Унинг ёғини суртилса, эт увушиб, тук ҳурпайганда фойда қилади.

Заҳарлар.

Уни чаён чаққанда шароб билан ичирилади. Янги ҳолида ари ва асалари чаққанига қўйиб боғлаш яхшидир. Умуман ичилган заҳарларнинг ҳаммаси учун тарёқлик вазифасини бажаради.

Ўрнига ўтадиганлари.

Тошчўпнинг барги унинг ўрнига ўтади. Дафна дарахти баргининг ўрнига данаги ўтади.

[1] № 179 га қаранг.

803 ҒОФИТ[1]

Моҳияти.

Бу тиканли ўтлардандир. Унинг барги нашанинг ёки *қантафилун*нинг баргига ўхшайди. Гули эса нилуфарга ўхшайди. Мана шу хил [*ғофит*] ва унинг ширасини ишлатилади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф, парчаловчи, тортмай ёки аниқ бир иссиқликни туғдирмай тозаловчи. Озгина буруштирувчи ва мози мазали бўлиб, аччиқлиги сабир аччиқлигидек ўткирдир.

Зийнат.

«Тулки ва илон касалликларининг» бошланғич пайтида фойда қилади ||. *230б*

Жароҳат ва яралар.

[469] Уни эски ёғ билан қўшиб, битиши қийин бўлган яраларга суртилади. Унинг ширасини шотара суви ва *сиканжубин* билан ичилса, қўтирга ва қичимага фойда қилади. Шунингдек, (унинг гули ҳам фойдали бўлиб), ширази кучлироқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг ўт ҳолидагиси ва ширази жигар оғриғига ва тиқилмаларига фойда қилади ва мустаҳкамлайди. Шунингдек, талоқнинг қаттиқланишига, жигар ва меъданинг шишларига фойда қилади. Бошланаётган истисқога ва истисқога фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Уни шароб билан ичилса, ичак яраларига фойда қилади.

Иситмалар.

Эски ва давомли иситмаларга фойдали бўлиб, айниқса, унинг ширасини эрман ширази билан қўшилгани фойдалидир.

Ўрнига ўтадиганлари.

Баробар миқдордаги туёғўт ва ярим миқдордаги эрман унинг ўрнига ўтади.

[1] Agrimonia Eupatoria L. ёки Eupatorium cannabinum L.

804 ҒОҒОТИЙ[1] – ГАГАТ

Моҳияти.

Енгил бир тош бўлиб, тоғ муминнинг ҳидига эгадир.

Б ў ғ и н л а р.

Подагра касалида фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноққа қарши тутатилса, фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

«Бачадон бўғилиш» касалига фойдалидир.

З а ҳ а р л а р.

Унинг тутуни газандаларни қочиради.

[1] Бу – нинабаргли дарахтлардан пайдо бўлган тўқ қора рангли табиий тошкўмир. Шарқда дори сифатидагина қимматли бўлмай, балки ундан мунчоқ, тасбеҳ ва бошқа хил майда буюмлар тайёрланган.

805 ҒИРО – ЕЛИМ

Т а б и а т и.

Тери елими биринчи даражали иссиқ ва қуруқдир. Балиқ елимининг иссиқлиги камроқ бўлсада, лекин қуруқдир.

Х о с с а л а р и.

Ҳамма елимлар ёпиштирувчи ва қуритувчи хусусиятга эгадирлар.

З и й н а т.

Балиқ елими оғиз касалликларида ва песга қарши ишлатиладиган дорилар [таркибига] киради. Агар терилардан қилинган елимни куйдирилса ва ювилса, қўлтиқ ости ҳидини даволашда тўтиёнинг ўрнини босади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

[Елимни] ширинчага суртилади, у оловда куйиш вақтида пайдо бўладиган пуфакчаларни қайтаради. Шунингдек, балиқ елимини ва мол терисидан олинган елимни сирка билан аралаштириб, (темираткига ва шилинган қўтирга суртилганда, агар у жуда чуқур бўлмаса, фойда қилади). Агар уни асал ва сирка билан аралаштириб, жароҳатларга суртилса, фойда қилади. Балиқ елими яраланган қўтирга [қарши ишлатиладиган] марҳамлар таркибига киради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Балиқ елими бошдаги яраларда ишлатиладиган марҳамлар таркибига киради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Балиқ елимини қон туфлашда сирка билан қўшиб, ичирилади. Қон оқишда ичириладиган аталага ҳам қўшилади.

806 ҒОЛИЮН[1] – ЧАКАМУҒ

Моҳияти.

Бу хушбўй доридир.

Таъсир ва хоссалари.

Қуритувчи; сутни чиритади. Унда озгина ўткирлик бор. Қон оқишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Оловда куйганга фойда қилади.

[1] № 553 га қаранг.

807 ҒУШАНА[1] – ҚОРА ҚЎЗИҚОРИН

Моҳияти.

Замбуруғ ёки қўзиқорин жинсидандир. Қуритилади ва шунда у худди тоғайга ўхшаб бурушади. Унинг шакли (қатқоринниng устига) кичик косани тўнкариб қўйганга ўхшайди. У билан кийимларни ювилади. Уни нордон нарсалар билан ейилади. Унинг лаззати тоғайнинг мазасига ўхшайди ва ундан кўпроқ.

Табиати.

Бошқа қўзиқоринларда бўлганидек унда совуқлик йўқ.

Хоссалари.

Қўзиқорингa ўхшаб, ёмон хилт ҳосил қилмайди ва унинг табиатида бир оз гўштлик хусусияти ва шўрлик бор.

[1] Morchella esculenta P e r s. № 366, 368 ва 587 ларга қаранг.

808 ҒАРАБ[1] – МАЖНУНТОЛ

Танлаш.

Унинг пўстлоғи ва елими ишлатилади. Елимини тилиш йўли билан олинади. Шунда яхши *бурақ* ҳосил бўлиб, у ейиш учун энг яхши, *бурақ*лардан ҳисобланади.

Хоссалари.

Унинг гули, барги ва уларнинг ширалари ачитмасдан қуритади. Унда мозининг мазаси бор. Пўстлоғида ҳам шундай қувват бор. Лекин у қуритувчанроқдир. Баргининг ширасини олиб сақлайдилар. У ҳам ачиштирмасдан қуритади.

З и й н а т.

Ёғочининг кулини сирка билан сўгалга [қўйилса], қуритади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам, уни кўчириб туширади. Пўстлоғи сочни бўяйдиган бўёқлар [таркибига] киради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Унинг пўстлоғини ва баргини янчиб, кесилган ерга ва янги жароҳатларга қўйилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Қайнатмаси подаграда қуйиладиган яхши доридир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Агар баргининг ширасини гул ёғи билан анор пўстида қайнатиб, қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини қолдиради. Шунингдек, ҳўл пўстлоғи ҳам шу таъсирни кўрсатади. Қайнатмаси билан қазғоқни ювилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Унинг елими ва гули кўз хиралигини кетказади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Унинг меваси қон туфлашларда фойдалидир. Пўстлоғи ҳам шундай таъсирга эгадир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг шираси [ютилган] зулукни ҳайдайди.

[1] Salix Babilonica L.; № 766 га қаранг.

809 [470] ҒОЛИЯ[1]

(М о ҳ и я т и.

Машҳур бир доридир).

231a Ш и ш в а т о ш м а л а р. ||

Ғолия қаттиқ шишларни юмшатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

*Ғолия*ни бон ёки шаббўй ёғи билан аралаштириб, оғриган қулоққа томизилади. Уни ҳидлаш тутқаноқ билан оғриган ва *сакта*га учраган одамга фойда қилади ва ҳушига келтиради. Совуқ бош оғриқни босади. Агар уни шаробга солинса, мастликни кучайтиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

*Ғолия*ни ҳидлаш кўнгилни очади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

*Ғолия*ни кўтарилса, совуқ бачадон оғриғига ва унинг қаттиқ ва балғамли шишларига фойдалидир. Ҳайз қонини юриштиради. Бўғилиб ва эгилиб

қолган бачадонни тўғрилайди, уни тозалайди ва ҳомиладор бўлишга тайёрлайди.

[1] Анбар, бон ёғи, ҳинд уди ва бошқа хушбўй моддалардан тайёрланадиган мураккаб дори (М. А.).

810 (ҒОЛИМУН[1]

М о ҳ и я т и.

Хушбўй дори бўлиб, ранги беҳининг рангига ўхшайди.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Сутни чиритади. Унинг қуввати озгина ўткирлик билан қуритувчидир. Унинг гули эса қон оқишида фойдалидир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Бу дори куйганни тузатади, деб гумон қилинади).

[1] Бу – «ғолиюн»ни бузиб ёзилган шакли. № 806 га қаранг.

Тангрининг ёрдами, муваффақиятга эриштириши ва баракати билан «Қонун»нинг Иккинчи китоби тугади; [бу Китоб «Қонун»] биринчи қисмининг охиридир. Агар буюк тангри хоҳласа, бундан кейин иккинчи қисмда [айрим] касалликларга бағишланган Учинчи китоб бошланади.

Ягона тангрига мақтовлар бўлсин! Тангри ўзи яратганларнинг энг яхшиси ва ўз пайғамбари Муҳаммадга, унинг пок ва тоза аҳлига, яхши ва танланган ҳамроҳларига ва барча мусулмонларнинг оналари бўлмиш покиза хотинларига ўз раҳмати ва саломини йўлласин!

КЎРСАТКИЧЛАР

ДОРИЛАР КЎРСАТКИЧИ[1]

I. ЎСИМЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

ʻАбайсарон **482**
Абу Жаҳл тарвузи **258**, 260
Абужолсус 95
– – – нинг гўшти 273, 409
– – – нинг илдизи 258–260
Абузайдон 106
Абусавирс 95
Абу ҳалсо **95**
Абҳал **63**
Авофинус ул – ҳадақий **105**
Авбутилун **102**
ʻАвсаж **494**, 405 492
Адас **495**
Адороқий **82**
Ажриқ 61
– ширин а. **640**, 61, 641
Азоъа **500**, 583
Азиз **504**
Азфор ут-тиб **65**
Айиқтовон **325**
ʻАкар уз-зайт **505**
Акация 55, 56
– араб а-си 35, 55, 82, **572, 618**
– – – сининг шираси **55,** 379, 399, 457, 646
– Миср а-си **618,** 572, 56, 533
– – – елими 533
– – – илдизи 618
– – – уруғи 618
Акирус – қ. қоратерак
Аконит 378, 467
Ансуфонир 95
Алалисфақун 48, 101
Аланғал **100**
Албут 599
Аликсино 451
Аллабах **97**
Алоэ дарахти – қ. сабир.
Алусун **101**
Алшифоий **101**
Амбарборис **76**
Амлаж **67**
Амом **250,** 58, 113
– қибтий хили 250
Аморақун – қ. катта бобуна
Амумис (дори номи) 250
ʻАнбар **487**
Ангуза – **256,** 34, 74, 150, 257, 258
– елими 256, 335
– Сурия а-си 256
Андар – **109**
Андирёс – қ. «тулки мояги».
Анжир **631,** 27, 52, 120, 143–149, 156, 159, 163, 164, 172, 183, 184, 220, 221, 267, 304, 313, 320, 438, 461, 462,

[1] Рақамлар шу дори номи учрайдиган бетларни билдиради.

513, 520, 547, 614, 633-637, 645, 679
– барги 162, 631, 634, 639
– ёввойи а. 172, 632
– ёғочининг кули 633
– кулининг суви 583, 584
– пишмаган (хом) а. 632, 633
– сути 198, 631, 632, 634, 635
– уруғи 172
– шарбати 634
– шароби 635
– шинниси 632
– шираси 632, 633
– қизил а. 632, 636
– қуритилган а. 257, 632, 634
– ҳўл а. 632, 633, 634
Анжудон – қ. болдирғон **74**
Анжура **85,** 568
Анзарут **62**
Анзиратгўштхўр **62,** 515, 516
– – қизил а. г. 439
Анисун **49,** 194, 422, 451, 490, 599, 607
Анор **584,** 194, 407, 619
– гули **169,** 269, 291, 421, 581, 585
– донаси 421, 504
– ёввойи а. илдизи 388
– уруғи **276,** 584
– ипори **421**
– ички пўчоғи 169
– нордон а. 276, 540, 584
– пўсти 75, 170, 172, 177, 187, 421, 439, 461, 496, 557, 581, 633, 694
– суви 257, 342, 564
– ширин а. 122, 276, 540, 584
Аноғоллис **104**
Антимимун 309
Анторикун 479
Аранд-баранд **105**
Ардафиёний **102**
Аристолохия **244,** 28, 32, 163, 178, 342, 483, 512
– илдизи 214, 244
– Рум а-си 246
– Хитой а-си 246
Армок **97**
Арн 505
Арпа **613,** 55, 188, 210, 471, 529, 578, 654
– ёввойи а. **193**
– кашкоби 151, 613
– оши 496
– оқланган а. 613
– пояси 593
– суви 30, 73, 86, 243, 345, 348, 356, 389, 398, 553, 613, 656
– толқони 116, 210, 252, 262, 350
– уни 95, 103, 129, 208, 231, 239, 243, 303, 413, 417, 420, 438, 566, 598, 625, 633, 661, 679
– уруғи 188
Арпабодиён **579**, 50, 330, 448, 599, 607, 613
– Рум а-ни – қ. *анисун*
– шираси 461, 607
Аррақ – қ. хурмо қоқиси.
Артанисо **482,** 310, 527
Арузз **107**
Арча **480,** 195, 612
– бужури **63,** 183, 188, 295
– елимининг тутуни 196
– тоғ а. 597
– қизил а. **611**
'Аръар **480**
Арқун **502**
Арғомуний 591
«Асал ёғи» 79, 80
Асал майвизак **186**
Асимдиюн **110**

Асо 304
Асобиъ суфр **79**
Асобиъ ҳирмис **106**
Асорун **61,** 53, 166
Асо ур-роий – қ. қизил тасма **481,** 157, 426
Астиротиқус – қ. *ҳолибий*
Асфароғус – қ. морчўба.
Асфодел **660**
Асқулфандриюн **110**
– илдизи 661
Атала 475
Атмот **106**
Атрактулис – қ. маҳсар
Атют **103,**106
Афарбиюн – қ. «ҳусни юсуф».
Афитимун **71**
Афросиюн шираси 51
Афс **491**
Афсантин **50**
Афсун **104**
Афюн **87,** 17, 29, 31, 44, 136, 198, 246, 399, 410, 486, 499, 646, 672
Афқаросқус **102**
Ахилус **109**
Ахинус 304
Ақандус – қ. канакунжут ёғи.
Ақоқиё – қ. араб акациясининг шираси
Ағиннис – қ. панжангушт.
Ағложун **81**
Ағраминун 591
Ағрамуниё (дори) 591
Бадашкон – қ. ҳинд чирмовуғи.
Бадошғон **156,** 327
Баласон **114**
Балах – қ. хурмо ғўраси
Бальзам дарахти **114,** 115
– ёғи 114, 115, 118, 201
– – – уруғи **114,** 404
– елимлари 70
Балила **131**
Балилаж **131**
Баллут – қ. дуб ёнғоғи
Балозур **118,** 28
– нинг *анақардиё* дейилган маъжуни 118
Банан **412**
Банафсаж **116**
Бангидевона меваси **181,** 521
Банж **135**
Банжанкушт **143**
Бантофилун 310
Баранк кобулий **134**
Баргизуб **360,** 263, 347, 497, 655
– барглари 360
– катта хили 360
– кичик хили 360
– суви 292
Бардий – қ. папирус
Барсиёвушон **138**
Басал **120**
Басал уз-зиз **156**
Басбоса – қ. мускат ёнғоғи пўсти
Басфойиж **144**
Батбот – қ. қизил тасма.
Бахур Марьям – қ. альп гунафшаси. 527
Бақ – қ. пашша дарахти.
Бақа жўхориси **595**
Бақам дарахти 249
– елими 30, **197**
Бақатерак **278**
– Рум б-ги 278
Бақла
– *ҳамқо* **141,** 522
– «яҳуд б-си» – қ. кўктикан. 667
Бақлат ямания **122,** 584, 659
Бақлажон **132**
Баҳор – қ. говчашм

Баҳман **116,** 133, 377
– оқ б. 116
– қора б. 116
– қизил б. **365,** 116
Баҳромаж **133**
Беда **572, 589,** 100
– ёввойи б. **100**
– қашқар б. 613
– қора б. – қ. қора йўнғичқа.
– ўт 301
Беклар ўти **201, 235,** 271
«Бешбарг» **430,** 676
Бетель 627
Беҳи **476,** 174, 331, 352, 429, 485, 496, 562, 564, 585, 613, 657, 695
– барги 48, 476, 495
– ёғи 201, 476, 477
– нордон б. 453
– шарбати 411, 476, 477
Бидвош 640
Бидигиёҳ 640
Бизр каттон **148**
Бизр қатуно **124**
Бил **130**
Билаҳнун 435
Биламун 141
Биринжосф – қ. бўйимодарон
Биртониқий **140**
Бистпоя **144**
Биттих **127**
Битум
– «яҳуд б-ми» **553**
Биғонун ағриюн 460
Биқия **137**
Биш **146,** 13, 44, 157, 178, 600
– муш 157
Бобилус **152**
Бобуна **68,** 25, **111,** 149, 162
– гули 112
– ёғи 68, 69, 112, 201
– катта б. 68, 69
Бобунаж **111**
Бодзаҳр **521**
Бодиён 162, 178, 235
– набатий б-ни 49
– Рум б-ни 411
– суви 256
Бодинжон **132**
Бодом **363,** 11, 170, 188, 230, 312, 547, 581, 628, 632
– аччиқ б. 363, 454, 466, 547
– – – ёғи 72, 107, 109, 122, 124, 180, 201, 202, 345, 364, 407, 422, 451, 597, 631
– елими 353, 363
– ёғи 230, 261
– ширин б. 363
Бодранжбуя **131**
Бодринг 278, 312, 335, 565
– ёввойи б. **478, 566**
Бозовард – қ. оқ қаррак 616
Бозруж 139
Бойчечак
– илдизи 225
Болдирғон **74,** 75, 235, 398
– елими 256, 335, 516, 650, 687
– ёғи 436
– илдизи 74, 398
Бон **110**
– дарахти **110**
– – – уруғи 110
– донаси 110, **271**
– ёғи 110, 111, 201, 397, 694
Борисос 311
Бот-бот 481
Бошқон **156**
Боқила **150,** 261, 363, 407, 526
– «Миср б-си» **625,** 150, 240, 242, 268, 331,400, 572, 608
– – – ёғи 657

– – – суви 343
– – – уни 256, 329, 346, 551, 608
Боқилло **150**
Бувана – қ. аконит.
Буёнис **125**
Бузайдон **133**
Бузидон **133, 601**
Бунк **126**
Булбус **123,** 57, 442
Булдуруқўт **246, 388**
Булл **130**
Бундуқ (фундуқ) **142,** 689
– ёнғоғи 118, 429
– қобиғи 142
Бурчоқ **331,** 176
Буршум – қ. хурмо қоқиси.
Буср – қ. хурмо ғўраси
Бусир **135**
Бутм дарахти – қ. сақич дарахти.
Буш дарбандий **157**
Буқисо **134**
Буғдой **262,** 107, 193, 210, 246, 389, 471, 482, 544, 596, 608, 613, 640, 677
– крахмали 262
– нони 262
– «Рум б-и» **677**
– талқони 262
– уни 127, 262, 446, 669
– ўти 176, 432
– қора б. 262
– ҳалими 262
Буғдойиқ **430**
Буҳо **157**
Бўза **529**
Буйимодарон **117,** 112, **562,** 611
– қайнатмаси **117,** 562
«Бўрини бўғувчи» **665,** 373
«Бўрини ўлдирувчи» **563**
Бўстонафруз – қ. гултожихўроз
Бўтакўз **93,** 310, 311
– ёғи 201
Важж **214**
Валериана **508**
Варафия – қ. меҳригиё
Вард **212**
Варс **216, 552**
Васма **212**
Газагўт **460,** 27, 120, 122, 143, 158, 182, 192, 219, 235, 243, 244, 250, 257, 469, 476, 590
– барги 114, 544, 573
– боғда ўсадигани 460
– елими 372
– ёввойи г. ў. 460, 462, 628
– – ёғи 201, 462
– – суви 120, 400, 454
– тоғ г. ў-и 460
– – елими 309, 460
– – уруғи 460, 461
– – қуруғи 143
Газанда – қ. қичитқиўт
Гальбан елими **551**
– – тутуни 552
Гандано **344,** 85, 123, 153, 186, 386, 432, 469, 650
– ёввойи г. (*қарт*) 344
– набатий г-си 344, 391
– – – ширази 345
– уруғи 345
Шом г-си 344, 479, 660
– «эшак» г-си 661
– – – илдизи 661, 662
– япроғи 123
Гашт-баргашт 156
Гениста 185
Гентиана илдизи **164,** 440, 486, 544
– румий хили 165
– меваси 164
– япроғи 164
Герань – қ. ёронгул

Говзабон **333, 359,** 382
Говчашм **134,** 319
Говшир **161,** 160, 235, 332, 398
– *фаноқлис искилиқус* дейилгани 162
– *хирубиюн* дейилгани 162
Горчица – қ. хардал
Гул 35
– ёғи 87, 94, 124, 227, 239, 242, 317, 345, 346, 349, 352, 364, 366, 397, 418, 452, 486, 495, 504, 536, 608, 681, 684, 694
– мураббоси 214
– суви 436, 453, 684
– ширази 214
– қизил г. **212,** 111, 457 469
– – – ёғи 50, 84, 86, 115, 122, 129, 136, 140, 149, 177, 187, 199, 201, 213, 223, 226, 229, 267, 270, 371, 446, 472, 496, 499, 501, 564, 671
– – – суви 213, 297
– – – уруғи 76, 355
– – – қуритилгани 152, 213
Гуланжубин 214, 521, 581
Гулоб 520, 688
Гулсапсар **83,** 52, 213, 329, 442, **445**
– ёввойи г. 83
– – ёғи 84, 201, 445, 552, 567, 657
– – илдизи **83,** 85, 115, 202, 214, 221, 245, 314, 344, 365, 445, 446, 633
– – нинг ёғи 75, 446, 557
– оқ г. 83, 442, 445
– – – ёғи 228
– уни 111
Гултожихўроз **140**
– ёввойи г. **122**
Гулхайри **647,** 25, 574, 655
– боғ г-си 667, 668
– ёввойи г. **667**
– ёғи 201
Гули ҳамишабаҳор **249,** 244, 456
– ёввойи г. **303**
Гунафша **116,** 35, 36, 123, 139
– Альп г-си **527,** 482, **601**
– ёғи 116, 124, 148, 201, 393
Гуруч **107,** 52, 180, 239
Давсар **193**
Далачой **109, 188,** 203, 205, 544
Дам ул-ахавайн **197**
Данд **198**
– гули 188
– ёғи 203
– уруғи 188, 205
«Дарахт пўкаги» **687,** 579, 654
Дарақия 309
Дардор – қ. қайрағоч
Дармана **596,** 171, 176
– арман д-си 597
– Рум д-си 53, 596
– *сириқун ул-арманий* дейилгани 596
– турк д-си 596
Дарубторис **204**
Дарунак **184,** 178, 185, 514
– чаёнсимон д. **184**
Дастарбош **133**
Дафна дарахти **193,** 325, 384, 541, **689**
– – барги 193, 462, 511, 689
– – данаги 689
– – дони193
– – ёғи 202, 689
– – илдизи 193
– – меваси **272,** 689
– – пўстлоғи 689
Даҳмаст – қ. дафна дарахти
Даҳмушт дони 272

Девдор **195**
Деволтаги – қ. канавча
Девпечак **71,** 32, 68, 69, 72, 145
Дибқ 186
Диёксилун 184
Диёқузо 414
Диноруя – қ. бекларўти
Дифло **191**
Додий **188**
– Рум додийси 109
Долчин **181,** 63, 229, 469, 540
– ёлғон д. 182
– ёғоч д. 182
– занжий дейилгани 182
– оддий д.– қ. долчин.
– оқ д. 182
– Цейлон д-ни **469,** 111, 172, 399
– «Яман д-ни» **97**
– *қирфа* дейилгани 182
– қорамтир д. 181, 469
Дориворлар 19, 685
Дор киса **204, 293**
Дорсиний **181**
Дор фул-фул –қ. узун мурч
Дорчин – қ. долчин
Доршишаъон **184,** 185
Дрок 185
Дроқунтиюн 356
Дуб дарахти 64, 144, 186, 187, 204, 504, 583
– – япроғи 148
Дуб ёнғоғи **146,** 401, 479, 632, 660
– – нинг жафти 146, 170
Дулб 190
Дум дарахти 384
Дурдий 195
Духон 196
Дуқу 197
Дуҳн 201
Дўлана 237, 386, 429, 687
– меваси 237
– сатониюн дейилгани 237
– ҳифлимун дейилгани 237, 238
Елим **533,** 87, 160, 291, 482, 647
– араб е-ми 70, 259, 292, 304, 324, 395, 516, 533, 572, 645
Елимли сутўт **606**
«Ер дуби» **304**
«Ер олати» **291**
Етмак **322**, 524
«Ёввойи пиёз» 156
Ёнғоқ **158**, 178, 363, 462, 526, 632
– дарахти 64, 186
– ёғи 118, 158, 159, 689
– кокос ё-ғи **167**
– мағзи 118, 143, 158
– мулукий дейилгани 159
– пўчоғи 158, 591
– Рум ёнғоғи 318
– – – елими 159, 318
– япроғи 158, 451
– ўрмон ё-ғи 142
– ҳинд ё-ғи – қ. кокос ёнғоғи
– ҳўл ё. 158
Ёронгул **502**
Ёсамин **310**
Ёғлар **201**, 132, 352, 478, 500, 511
– сиқиб олинган ё. 63
– қиздирувчи ё. 63
– хушбўй ё. 63
– эски ё. 691
Жаблоҳанг **166**
Жавз **158**
Жавзбавво **159**, 148
– қобиғи 148
Жавзжандум – қ. леканора
– румий хили – қ. Рум ёнғоғи.
Жавз мосил **181**
Жавз румий **168**

Жавз ус-сарв **166**
Жавз ут-тарфо **169**
Жавз ҳиндий **167**
Жазар **178**
Жадвор **178**, 244
Жамбил
– тоғ ж-ли 447
Жамиефарам – қ. сулаймон райҳони.
Жантиёно – қ. гентиана.
Жийда **687**, 238
– суви 398
– хом ж. 386
– толқони 687
Жиллавз **163**
«Жин сочи» **611**
Жингак **664**
– ёввойи ж. дуккаги **309**
– набат ж-ги 309, 664
– Шом ж-ги 386, 664
– *янбут* ж-ги 664
Жинчироқ – қ. *сирож ул-қутруб*
Жиржир **179**
Жоварс **180**
Жор ун-наҳр **175**
Жовшир – қ. говшир
Жосус **181**
Жувона **423**, 338, 398, 565, 600
Жуворишн
– *базаржали* дейилгани 146
Жуъда **171**, 53, 408
Жуланжубин – қ. гуланжубин
– катта хили 171
– кичик хили 171
Жулах 172
Жулланор **169**
Жуммайз – қ. тутанжир
Жуммор **172**
Жумрут **494**
Жут **411**
Жуфт офарид **170**
Забиб **246**
Завфаро **235**, 201
Задвор **178**, 243
Займурон **684**
Зайтун **241**, 19, 302, 356, 486, 492, 523, 638
– боғда ўсадигани 241, 243
– елими 242
– ёввойи з. 241, 243
– елими 69, 241
– – ёғи 53, 54, 57, 74, 75, 77, 98, 111,125, 129, 138, 156, 158, 177, 183, 187, 188, 201, 206, 217, 226, 233, 241, 258, 259, 280, 283, 286, 292, 309, 313, 317, 321, 329,335, 347, 349, 382, 391, 399, 409, 423, 451, 461, 463, 476, 485, 500, 505, 513, 515, 524, 528, 532, 538, 550, 552, 553, 562, 567, 583, 590, 597,635,643, 648, 668, 671, 673, 678, 679, 682, 685
– – нинг чўкмаси (қуйқаси) 241, 243, 247, 505, 641
– *унфоқ* з.ё. 241, 243
– тузланган з. 243
– – суви 241
– хом з. 241
– – – ёғи 241
– япроғи 143, 241, 249, 405, 530, 650
– қизил з. 241
– қора з. 241
Замбуруғ **522**, 337
– тош з. ўти **287**, 292
Замморат ур-роъий **246**
Занаб ал-хайл **681**
Занбақ – қ. гулсапсар
Зангпоя **599**
Занжабил **218**, 35, 193, 421, 444, 599,

631
– ёввойи з. **221**, 245
– ит з-ли 219
– мураббоси 128, 219
Занжабил ул-килоб **222**
Заранбод (ёки зурунбод) 32
Зарв – қ. мастаки дарахти
Зарира **681**
Зарнаб **229**
Зарованд – қ. аристолохия
Зарпечак **327**
– ёввойи з. 327
Заррин дарахт **236**
Зарчава **490**, 406, 581, **675**
Заъфарон **232**, 48, 87, 198, 216,378, 407, 423, 483
– ёғи 129, 232, 376,398, 436
– – қуйқаси **550**, 641
– суви 535
Заҳра **237**
Зира **328**, 178, 216,330, 398, 444, 607
– боғда ўсадигани 328
– «ёввойи з.» **476**, 27, 58, 64, 182,183,221,328, 541, 552, 595, 599
– – – уруғи 328
– – – шираси 476
– Кермон з-си 328
– Миср з-си 328
– набатий з. 328
– оқ з. **579**
– Рум з-си 547
– суви 329,639
– Форс з-си 328
– Шом з-си 328
– қора з. 328, **330**, 398
Зиришк шираси 247
Зирк (қорақанд) **76**, 517
Зифт (смола) **230**, 73, 103, 163, 226, 231, 232, 317, 397, 419, 511, 553, 569, 602, 613, 622
– денгиздан олинадиган з. 231
– куяси 231, 547
– санавбардан олинадиган з. 231
– таннубдан олинадиган з. 231
– тутуни 196, 231
– қурук з. 231
– ҳўл з. 203, 231, 232
Зиғир ёғи 203
– уруғи 26, 48, **148**, 239, 410, 443, 472, 571, 596
– япроғи 311
Зиғирпоя 84
Зувон – қ. мастак
Зурунбод 221, 156, 178, 184, 195
Зуфо **220**, 25, 96, 410, 441, 518, 599
– *ёбис* **220**
– *ратб* **220**
– суви 548
– шароби 120, 657
Зуфро – қ. бекларўти
Зуърур **237**
Игир **214**, 58, 61, 161, 251, 436
– *арғолотий* дейилгани 215
Идбор 302
Идусорун **106**
Ижжос **90**
Изхир **59**, 205
Иклил ул-малик **48**, 49, 130, 235, 496
Илақтрун 168
'Илк **482**
Илон бўрки **337**
Илонгул 105
'Инаб **503**
'Инаб ус-саълаб **485**
Индов **179**, 149, 219, 252, 486, 621
– боғ и. 179
– даштий и. 179
– уруғи 179

Инфоқ ёғи – қ. хом зайтун ёғи.
Ирисо (қ. гулсапсар илдизи) **83**, 445–447
– ёғи 447
Исириқ **255**, 460, 541
Исмалоқ **100**, 584
– «Рум и-ғи»122, 458, **463**, **563**
Испарак **396**
Испағул **124**, 25, 658
– шираси 124, 658
Иссоп **220**
Истирак **69**
Иструсиюн 644
Исфист 572
Исфонох **100**
Искулифандриюн 270
Итбурун 493, 494
«Ит бўғувчи» **563**
«Ит заҳрини кетказувчи» **101**
«Ит мояги» **650**
– – қуруғи 651
– – ҳўли 651
Ито **107**
Итрия **108**
Итузум 485, 29,102, 176, 304, 325, 349
– *алиқақабун* дейилгани 485
– *дурукниюн* дейилгани 486
– суви 398, 607, 658
Итқовун **335**
– илдизи 205, 335
– – нинг қобиғи 166, 336
Ишқил – қ. денгиз пиёзи
Ишқор **78**, 132
– оқ и. 78
– форсий хили 78
– яшил рангли и. 78
Йўнғичқа
– сариқ й. **267**, 148, 152, 202, 343, 513, 635
– – – ёғи 267
– – – уни 268
– – – қайнатмаси 268, 610
– қора й. **265**
Кабар – қ. ковул
Кабикаж **325**, 28
Кабоба **323**, 148, 183
Кавзкандум **333**
Казмозак **322**, 169
Каклигўт **447**, 50, 220, 263, 363, 495
– – Форс к. ў. қайнатмаси 397
– – япроғи 50
Каллақанд **507**, 547, 633
«Камбағаллар арқони» 366
Каммун **328**, 33
Камодирюс **320**, 304
Камолиюн – қ. дафна
Камфара – қ. кофур
Камофитус **319**
Комошир **332**
Камхастак **402**
Камъа 334
Канавча **382**, 359, 377, **383**, 621
– *асмусо* дейилгани 382
– гули 68
– *мишбахор* дейилгани 382
– шираси 518
Канакунжут **679**
– ёғи 201, 202, 241, 371, 524, **550**, 562, 679
Кангар **264**
– елими 264, 326
Канкарзад – қ. кангар елими
Каноп **559**, 593
– ёввойи к. 559
Кантафилун 691
Карам **342**, 482, 659
– боғ к-ми 342
– гули 343
– гулкарам 342

– денгиз к-ми 342
– ёввойи к. 342
– сув к-ми 342, 419
– уруғи 338
Карафс **337**, 517
Каркурҳон **326**
Карм 349
Кармдона **332**
Каровиё **330**
Карфиюн 314
Касило **324**
Касир ул-манофиъ – қ. гулхайри
Касиро **324**, 603
Катиро **324**, 36, 259, 303, 515, 560, 629
– ўсимлиги **303**
Кашна **337**
Кашнаж **337**
Кашнич **346**, 68, 93, 178, 266, 278, 325, 447, 591, 658
– суви 346, 535
– қуруқ к. 346, 376
– ҳўл к. 138, 346
Кашт бар кашт **327**
Кашус **327**
Каҳрабо **318**, 168, 279, 354, 434
Каҳрубо **318**
Келиндона **323**
Келин тили **222**
Келин меваси – қ. сув карами
Кепак **422**
– суви 107, 180
– ун к-ги 180
Кермат ул-байзо – қ. чўл қовоғи
кийикпанжа **560**
– дашт к-си 141
Кийигўт **390**, 596
Килдору **327**, 204, 434, 435
Килз **334**
Килик – қ. замбуруғ
Кирсанна **331**
Кирмат ул-байзо 513
Кисус 244
Кобул баранги **134**
Ковзавон **333**
Ковул **335**, 32, 102, 312
Коканж **325**
Кончўп **406**, 675
Кофур **315**, 23, 35, 140, 338, 378, 560
– *асфарак* хили 315
– кўк хили 315
– *озод* хили 315
– *рийоҳий* хили 315
– *фансурий* хили 315
Кошим **334**
Коҳу – қ. сутчўп
– ёввойи к. 87
– «эшак к-си» **95**, 21, **598**, 662
– – – *абужолсус* дейилгани 95
– – – *абусавирс* дейилгани 95
– – – *абуҳалсо* дейилгани 95
– – – *аксуфонир* дейилгани 95
Крахмал **423**, 198, 262, 386
– аталаси 423
Кубарил – қ. итузум
Кубиюн 600
Кузбура **346**
Куминун ағриюн – қ. ёввойи зира
Куммасро **347**
Кунайт – қ. мастак
Кундур **316**, 81, 127,129, 152, 231, 240, 257, 280, 345, 353, 378, 479, 527, 532, 622, 661
– *амумитис* дейилгани 316
– елими 316
– *сатоғунис* дейилгани 316
– тутуни 69, 196, 316, 317, 399
– *қуфсус* дейилгани 316
– ҳиндий хили 316
Кундус **322**, 654

Кунжут **471**, 181, 276, 343, 452, 643, 656
– ёғи 55, 63, 345, 471
– дашт к-ти – қ. сафро ўти
Куниюн 600
Кунор дарахти 82, 97, **441**
– – меваси 82, **429**
Куркум 198
Куррос 344
Курунб **342**
Кўкнор **643**, 48, 530, 591, 613, 628
– барги 633
– боғ к-и 643
– денгиз к-и 643
– ёввойи к. 643
– *миқуниюн* дейилгани 643
– «Миср к-и» 87, 415
– соҳил к-и 644, 645
– сути 644
– шароби 420
– «қаймоқли к.» 643, 644
– қора к. 29, 643, 659
Кўктикан 157, 617
Лаблоб **366**
Лавз **363**
Лавлаги **458**, 306, 361, 496, 659
– ёввойи л. 263, 458, 655
– оқ л. 458
– «сув л-си» **175**
– қора л. 458, 497
Лавр дарахти – қ. дафна дарахти
Ладан **351**, 488, **557**, 638, 640, 684
– ёғи 353, 399
– оқ л. 557
– қизил л. 557
– қора л. 351
Лакк **354**
Ланолин **220**
Лафатун 263
Лаъба барбария **358**, 133
Лаҳмадус 544
Леканора **333**, 166
– барбарий хили 333
Ликий **517**
– шираси 21, 114, 241, **247**, 290, 505
– Маккадан чиқадигани 247
– Ҳиндистондан чиқадигани 247
Лилия **445**
Лимон **88**, 229, 586, 627
– уруғи 88, 483
Лимонўт **131**
Лимуниюн **365**
Лисон ул-асофир **359**
Лисон ус-савр – қ. говзабон
Лисон ул-ҳамал **360**
Лифт 608
Лиҳйат ут-тайс **355**, 210
Ловия **362**, 29, 515
– набатий хили 150, 152
– – – толқони 152
– – – уни 150, 329, 346
– – – ҳиндий хили 150
– қизил л. 362
Лодан 557
Лозан **351**
Лола **591**, 502
– боғ л-си 591
– шираси 592
– чўл л-си 591
– қуритилган л. 591
Лотос 515
Лоғия **355**, 310
– сути 313, 355
Лубиё **362**
Лубно – қ. стиракс
Лунгитус – қ. найза ўт
Луф **356**
Луфо – қ. хотинак супурги

Луффоҳ 352
Лух **149**
Луқансимун – қ. бобуна
Луқуроший 237
Луъоб **367**
Люпин – қ. Миср боқиласи
Мавз **412**
Маврак 101, 576
Мавқулун – қ. меҳригиё
Май **618**
Майбиҳ – қ. беҳи шарбати
Майбухтаж – қ. шинни
Майвизаж **396**
– асал м. **186**
Майиз **246**, 346, 409, 411, 472, 503, 511, 659
– шароби (набизи) 411
– «тоғ м-зи» **396**
Маймунжон **492**
– нинг итбурун (*уллайқ ул-калб*) дейилгани 492
Майъа **402**, 433, 558
– елими **402**
– қуруқ м. 402
– ҳўл м. 402
Макка сочиқ 327
Малиҳ **405**
Малобатр **436**
– ҳинд м-ри 250
Малуҳиё уруғи 667
Манжуша 508
Манн **408**
Манна **408**
Маншим – қ. бальзам дарахтининг уруғи.
Манқур **415**
Марв **408**
Марв озод **408**
Марги моҳий **406**
Марзанжуш **395**, 383, 611
– ёғи 139, 395
Мармозод **408**
Мармоҳур – қ. канавчанинг хушбўй хили 382, **383**
Мармохур **383**
Марсин **53**, 612, 689
Марсин оғочи ёғи 557, 604, 622
– – суви 315, 580
Мастак **246**, 52, **596**
– уни 111, 343, 415, 417, 524
Мастаки **378**, 279, 316, 318, 411
– дарахти 279, 378, 540, **683**
– ёғи 114, 379
Мастако **378**
Матофиюн 551
Махрус 256
– елими 256
Машкатаромашиъ **390**
Маъжун 196
Мақломинус 601
– экиладигани 546
– Ҳинд м-и **273**
Маҳлаб **402**, 510
Маҳрут **404**
Маҳсар **483**, 113, 189, 242, 293, 407, **546**, 547, 594, 617, 635, 652, **677**
– ёғи 86, 201, 345, 546
Меҳригиё **306**, 29, 419, 456, 510
– ёши 307, 308
– гули 60
– оқ м. 307
– тоғ м-си – қ. сассиқалаф.
– уруғи 308
– япроғи 306, 308, 600
– қизил м. 136
– қора м. 136
– коҳу м-си 306
– – меваси **352**
– – сути 307, 308
– – уруғи 88

– шароби 307
– шираси 306, 308
Мибуқилун 309
Мивоқансус 209
Миён – қ. морчўба
Мизмор ур-роъий **388**
Милвоҳ **404**
Мингдевона **135**, 29, 44, 61, 88, 175, 372, 446
Мирак – қ. бекларўти
Мирра (қитрон) – қ. *мурр*
Мирта **53**, 54, 55, 175, 196, 310, 312,345, 471, 574
– ёввойи м.405
– ёғи 53, 54, 138, 202, 351
– кули 54
– оқ м. меваси 53, 55, 386
– суви 171
– тоғда ўсадигани 53
– *хусравоний* хили 53
– шароби 54
– шираси 54
– япроғи 54, 83, 311
– қора м. 53, 574
Миск **377**
Мишмиш **411**
Миқун – қ. кўкнор
Мозариюн **381**, 310,325, 484, 583, 625, 654
– илдизи 632
– уруғи **332**
Мози **491**, 48, 290, 291, 432, 439
– сиркаси 491
– *умфоқитус* дейилгани 491
– шароби 53, 126
– яшил м. 491, 533
Мойиҳ **414**
Мойчечак – қ. бобуна
Моланбудиюн 652
Момақаймоқ **211**, **289**
Момақалтироқ **101**
Момирон **406**
Момисо **401**, 87, 644
Мори маржу – қ. ясмиқ
Морчўба **209**, 264, 591
Мош **407**, **363**, 440
– «Ҳинд м-и» **571**
Моғиторис 256
Моҳизаҳра **406**
Моҳудона – қ. *ҳабб ус-салотин*
Му **380**
Мулк 331
Муло 460
Мулухиё **411**
Мум **392**, 24, 71, 95, 149, 156, 162, 183, 186, 225, 227, 233, 234, 239, 249, 257, 270, 296, 313, 329, 366, 382, 398, 450, 488, 501, 516, 598, 606, 608, 622, 663
– қора м. 392
Мумиё **397**
Мураббо 159
Мурдисфарам **405**
Муриюн 306
Мурр **398**, 70, 74, 86, 87, 89, 153, 202, 213, 226, 245, 256, 338, 352, 354, 434, 461, 479, 532, 557, 558, 626, 640, 661
– Критдан келтириладигани 399
– тутуни 196, 399
Муррий **413**, 125, 243, 267, 335, 374, 459, 474, 524, 634, 663
Муррон **401**
Муртитос 310
Мурч **511**, 60, 109, 143, 149, 150, 161, 192, 211, 218, 245, 247, 257, 272, 323, 341, 363, 382, 400, 513, 517, 593, 612, 626, 640
– илдизи **512**
– оқ м. 17, 276, 511, 533

– сув м-и 222
– Судон м-и **272**
– узун м. **192**, 511
– қора м. 511
Мусаллас – қ. шароб
Мускат ёнғоғи **159**, 229, 508
– – пўсти **148**, 111, **204**, 245, 421, 514
Мухайто – қ. Сабистон олхўриси
Мушк дориси 146
Мукл 36, 395, 444, 607
– араб м-и 384
– Макка м-и **384**
– Сицилия м-и 384
– яҳуд м-и **384**
Мукл ул-маккий **384**
Мукл ул-яҳуд **384**
Мугилон **81**
Мугос **388**, 276
– Ҳинд м-си 334
Набиз 91, 166, 188, 343, 363, 398, 509, 523, 618, 675
Набиқ – қ. кунор дарахти меваси
Набот 640
Нажм **430**
Назла ўти **484**, 212, 289, 326, 550
– – япроғининг қуритилгани 269
«Найзаўт» **270**
Найшакар суви 498
Наммом – қ. тошчўп
Наргис **415**, 417, 508
– ёғи 415
Наржис **415**
Нарсиён дору **426**
Нартиқисо 599
Нартиқус – қ. оддий қаврак
Наскафтон 127
Насрин **417**
Настарингул **417**
Нахл **426**
Нашо **423**
Наша **559**, 83, 691
– уруғи **273**, 510, 559, **593**
– ёғи 559, 593
Нашоста – қ. крахмал
Наъматак **417**
Наъно **420**
Нил **416**
Нилуфар **419**, 18, 175, 691
– ёғи 203
– сариқ н.420
– Ҳинд н-ри **105**, 419
– – – илдизи **510**, 419
Нил ўсимлиги **212**, **416**
Нимфобторис 435
Нитофилун **430**, 676
Новвот 276, 277, 465
Нок **347**, 186, 306, 429, 523
– *шоҳамруд* дейилгани 347
– Хитой н-ки 347
Нон **673**, 175, 240, 313, 529, 689
– иссиқ н. 454, 657, 673
– кепаксиз н. 673, 674
– ювилган н. 673
– патир н. 529
– оширилган н. 674
– *қатоиф* н-ни 674
– қотган н. 674
Нонхоҳ **423**
Нордин – қ. Рум сунбули
– ёввойи н. **61**
Нордус сақоритифий 467
Норжил **167**, 576
– ёғи 203
Нормушк **421**, 148
Ноғбушт – қ. анор ипори
Нуво ут-тамр **430**
Нухола **422**
Нушора **422**

Нўхат **260**, 304, 482, 486, 510, 551
– суви 98
– хашаки н. **137**
– уни 346
– қайнатилган суви 347
– қора н. 396
Обанус **92**
Обунус **92**
– дарахти **92**
Озаргун **69**
Озарюн **69**
Озоддарахт **82**
Озон ул-фа'р **93**
Олабута **122**
Олиюн **501**
Олма **629**, 186, 237, 306, 348, 429, 451, 476, 485, 585, 657
– суви 201, 453, 630
– толқони 630
– чўл о-си – қ. дўлана
– Шом о-си 629
«Олтин дарахт» **236**
Олусис **500**
Олхўри **90**, 30, 173, 620
– аччиқ о. 91
– елими 91
– ширин о. 91
Омила **67**, 131, 439
– мураббоси 67
Оминун 591
Онтамис – қ. меҳригиё
Оромангиз **580**, 439
Оромдору – қ. *оромангиз*
Оросис 398
Ос **53**
Откулоқ
– япроғи 140
Оқ зира **579**
Оқирқарҳо – қ. назла ўти
Оқ қалдирмоқ **455**
Оққаррак **603**, 405
Оғолужи **80**
Палихим – қ. *олусис*
Пальма
– арека п-сининг данаги **103**, **106**, **508**
Панжангушт **79**, 123, **143**, 510
Папирус **150**, 214
– кули 150
– қоғози **561**
Парпи **146**, 178
– жунгор п-си 147
– «сичқони» ва унинг тарёқи **157**
– қоракўл п-си 147
Парсиёвушон **138**, 302
Пахта **559**, 334
Пақ-пақ **325**, 102, 487
Персея **97**
Петрушка **337**, 508, 529, 590
– боғда ўсадигани 337, 338
– ёввойи *симирниюн* дейилгани 337, 339, 504
– ёғи 261
– Рум п-си 178, 337, 338
– суви 451
– «сув п-си» 337, **456**, **564**
– тоғ п-си **478**, 337, 517, 577, 653
– уруғи 339, 398, 543
– чўл п-си 28, 337
Печак 244
Пиёз **120**, 10, 86, 105, 121, 122, 222, 386, 460, 650
– денгиз п-и **57**, 455, 457, **484**
– ейиладиган п. 121, 122,
– ёввойи п. *(унсал)* **123**, 542
– наргис п-и 123
– оқ п. 121
– порей п-и – қ. гандано

– «сичқон п-и» 57, 156, 484
– суви 121
– чўл п-и 123
– қизил п. 121
– ҳўл п. 121
Пион **504**, 99, 257
– Рум п-ни 521
– илдизи 522
– уруғи 521, 522
Пионгул **504**, **521**
Писта (дарахти) **525**, 526
Подшоҳ дори **655**, 662
Потинжон-қ баклажон
Райҳон **573**, 390, 436, **684**
– Рум р-ни **72**, 32
– сада р. **139**
– Сулаймон р-ни **175**, 176, **574**
– шароби 180
– тоғ р-ни' **395**, 485
– – ёғи 203
– – суви 397, 577
– тукли р. **507**
– қора р. 251, 440
– – – суви 315
Рандак **441**
Ратба **589**
Рибос **586**
Риванд **578**
Ривқус – қ. коҳу меҳригиёси
Рижл ул-жарод **584**
Рижл ул-ғуроб **584**
Ритта **576**
Риъй ул-иййал **576**
Риъй ул-ҳамом **574**
Ровоч **586**, 35, 343
– илдизи 216, 509, **578**
– *саманжоний* 535, 536
Розиёнаж **579**, 49, 186, 196, 226
Ромик – қ. *оромангиз*
Росан **582**
Ротинаж – қ. санавбар елими
Руммон **584**
Рутаб **581**
Руқоқис **590**
Рўян **509**, 111, 323, 324, 595
– қобиғи 111, 509
Сабзавот шўрваси 144
Сабзи (ер кўки) 178, **601**, 638
– боғда ўсадигани 178
– ёввойи с. 178, **601**
– – – уруғи 100, 178, 179, **197**, 451, 577, 653
– илдизи 179
– мураббоси 179
– уруғи 179
– япроғи 178
Сабир **535**, 24, 30, 36, 452, 472, 532, 549, 667
– арабий хили 535
– Суқутро хили 535
– форсий хили 535
– шамхоний хили 536
– ҳиндий хили 536
Савиқ **471**
Савринжон ёки *суринжон* **443**, 106, 225, 584
– гули **106**
– оқ с. 443
– қизил с. 443, 444
– қора с. 444
– ҳинд с. **260**
Савсан – қ. гулсапсар
Савсан озод – қ. оқ гулсапсар
Сада – қ. қайрағоч
Сазоб **460**
Сайсабон **462**, 398, 403
Сакбинаж – қ. Эрон қавраги
Салиб **133**, **170**, 590
Салиха – қ. Цейлон долчини
– қобиғи 183, 233

Саллагул – қ. *фавониё*
Салусун **478**
Самарявмо 273
Самирниюн **478**
Самсақ 396, 507
Самғ **533**
Самғи арабий – қ. араб елими
Санавбар **534**, 170, 231
– бужури **163**, **274**, 526, 535
– дарахти 64, 534, 604, 612
– елими 57, 70, 391, 394, 424, 482, 551, 572, **581**, 613
– ер бағирлаб ўсувчи с. **319**
– ёғи 114
– ёғочининг куяси 395
– катта с. меваси 274
– кичик с. меваси 274
– меваси 535, **571**
– пўстлоғи 274, 534
– *фуқи* деб аталгани 534, 622
– *шуш* дейилгани 274
– қизил с. 571, **622**
– – – бужури 573
– – – уруғи 622
– – – пўстлоғи 622
– – – елими 622
– – – қайнатмаси 622
– – – қуруми 622
– ҳинд с-ри **195**
Санбитгул **191**
Сандал **530**, 76, 249, 508
Сандал оғочи **530**
– – сариғи 530
– – қизили 530
– – *мақосарий* дейилгани 530
Сандарак **433**, 318, 558
– – тутуни 434
Сандаристус **109**
Сандарус – қ. сандарак
Сандуниқун 597
Санжисбуя 463
Сано
– ёввойи с. илдизи 276
– – – уруғи **276**
– маккий с. 594
Сарахс **434**
Сарв **437**
– барги 63, 438
– бужури **166**, 438, 612
– сақичи 482
– тоғ с-и 480
Саримсоқ **638**, 222, 344, 386, 435, 460, 590, 651
– боғда ўсадиган с. 439, 638
– гандано с-ғи 638
– ёввойи с. («илон с-ғи») **439**, 638
– ит с-ғи 295
– эркаги 639
Сариқбош **561**
Сармақ **463**, 563
Сасисамундас 656
Сассиқалаф (зангпоя) 66, 115, 372, 521, 637, 672
Сассиқ қаврақ – қ. болдирғон
Сатоғунис 316
Сатуруниюн **442**
Сафандулиюн **476**, 651
Сафаржал **476**
Сафидисфанд **477**
Сафидус – қ. ёввойи бодринг
Сафроўт **271**
Сафсоф **538**
Сачратқи **207**, 48, 180, 208, 263, 266, 289, 497, 607
– боғда ўсадигани 208
– ёввойи с. 208
Саътар **447**, 72, 150
Сақамуниё **450**, 12, 32, 435, 511, 577, 654

– *жармақоний* дейилгани 451
– Фаластиндан келтириладигани 451
– Шомдан келтириладигани 451
Сақич **482**, 234, 324, 647
– Рум с-чи 96
– дарахти **158**, 279, 482
– – бужурининг ёғи 280, 433
– – елими 103, 279, 543, 566
– – меваси **279**, 404
– – тутуни 196, 280
– – шираси 567
Себарга **301**, 305
Седана **604**, 328, 456, 590
– ёғи 241
Сельдерей **337**
Семизўт 141, 109, 142, 180, 191, 254, 276, 311, 497, 522
– ёввойи с. ў. **141**, 303, 310
Сигирқуйруқ **135**, 310
Сидр **441**, 429
– – нинг барги 83, 429
– – нинг елими 429
Сиканжубин 73, 123, 128, 144, 158, 245, 398, 410, 412, 419, 434, 455, 502, 509, 523, 525, 558, 559, 570, 577, 581, 628, 654, 675, 688, 690, 691
Сил **640**
Силфиюн 256
Силқ **458**
Симирниюн 338, 339
Симсим **471**
Сириш **479**
Сирач **479**, **660**
Сиридокс 309
Сирка **671**, 21, 27, 53, 65, 66, 69, 73, 75, 77, 84, 85, 89, 91, 92, 94, 95, 103, 110, 111, 119, 123, 124, 126, 130, 132, 136, 138, 140, 150, 155, 161, 168, 169, 171, 183, 187, 208, 209, 221, 234, 239, 245, 249, 252, 253, 257, 259, 261, 263, 268–270, 277, 279, 282–284, 291, 299, 304, 313, 315, 317, 324, 328, 329, 332, 336, 343, 344, 346, 350, 358, 359, 363, 364, 367, 380, 384, 386, 389, 394, 396, 397, 399, 409, 415, 418, 420, 422, 431, 438, 446, 452, 454, 455, 457, 459, 461, 479, 484, 491, 496, 509, 511, 513, 517, 519, 523, 524, 526, 527, 530, 532, 535 541, 551, 558, 560, 567, 574, 576–578, 581, 582, 595, 604, 612, 613, 615, 616, 622, 625, 647, 653, 657, 663, 676, 680–682, 686, 692, 694
– буғи 672
– лойқаси 234
– мураббо 158
– сув аралаштирилган с. 227, 343, 648
– чўкмаси 195
Сирож ул-қутруб **441**
Сисанбар 418
Сисолиюс – қ. Рум сассиқ қавраги
Сисорун **456**
Сиюн **456**
Сиқумирун 173
Смола – қ. қитрон
Совунўт **104**
Содоварон **444**
Созаж **436**
Сомар явмо уруғи – қ. ёввойи наша уруғи
Сориқун 597
Софсиё – қ. *тофсиё*
Стиракс **69**, 70, **352**
Сувлон **437**
Сукк **439**
Суккар **465**
Суккар ул-ушар 465
Сули **210**

Султ 613
Сум **638**
Суммоқ – қ. татим
Сумун 639
Сунбул (гули сунбул) **105**, 154, 160, 233, 377, 416, 421, 436, **467**, 508
– Иқлит с-ли 467, 469
– Рум с-ли **416**, 421, 430, 436, 467
– – – ёғи 160, 363
– Сурия с-ли 467
– тоғ с-лининг илдизи 436, **508**
– хушбўй с. (чумчуқ с-ли) 213, 467
– *ғанғитис* дейилгани 467
– ҳинд с-ли илдизи 185
– – – нинг шохи 436
Сунбулсоч – қ. парсиёвушон
Суъоло **455**
Сус **449**
Сутлама – қ. *фурбиюн*
Сутлиўтлар (яттуъ) **310**, 141, 152, 381, 403, 430, 464
– – баҳрий *(ал-буш ал-соҳилий)* дейилгани 311
– – дарахтсимон хили 310
– – ёнғоқсимон дейилгани 311
– – кўкнорисимон дейилгани **152**, 311
– – *муртитос* дейилгани 310
– – *мушаммас* дейилгани 311
– – сарвсимон дейилгани 311, 312
– – сигир қуйруққа ўхшаши 311
– – сути 313, 451
– – урғочи хили 310
– – *фурбосос* дейилгани 312
– – эркаги (*хлорофис* дейилгани) 311
– – *қуқийис* дейилгани 311
Сутчўп **659**, 29, 122, 180, 197, 208, 266, 306, 339, 581, 598, 662
– боғ с-пи 659
– – – нинг сути 660
– ёввойи с. 660
– – – нинг сути 660
– – – шираси 645
– уруғи 627, 660
– «эшак с-пи» 598
– – – нинг *ануқлиё* дейилгани 598
– – – нинг *қалус* дейилгани 598
– – – нинг шираси 663
– қайнатмаси 462
Суфл **641**
Суъд **432**
Суқулуфандирюн – қ. талоқгиёҳ
Суқурдиюн **439**
Суқутун **456**, 249
Сўк – қ. тариқ
Табарзад шакари – қ. новвот
Табоқоқувоун **304**
Табошир **288**
Тадмўя дарахти 80
Такасоқол **210**, 171, **355**, 379, 646
– – шираси 210, 356
Талоқгиёҳ **110**, **454**
– – барги 295, 305
– – илдизи 321
Тамр **628**
Талубтарис 435
Тамаринд **620**
– – данаги 118
Тамр ҳиндий **620**, 118
Танбул **627**
Таннуб **622**, 231, 571
– дарахтининг қобиғи 622
– *фуқи* тури 622
Таранжубин **623**
Таратизак **252**, 239, 458, 595, 599,

629
– сув т-ги 564
Тарафҳумос **302**
Тарахшақуқ **289**, 208
Тарағонсо **303**
Тарвузпалак – қ. чўл қовоғи
Тарёқ 25, 44, 58
Тариқ 180, 304
Тариқуниқун – қ. дўлана.
Таросис **291**
Тароғиюн **304**
– охар **305**
Таррак **565**, 127, 162, 386, 453
– кабар т-ги 130
– уруғи 535, 565
Тарс **101**
Тарсий **637**
Тарфо **290**, 322
Тархун **289**
Тарқоқибо (трагакант дарахти) елими 324
Татим **457**, 205, 407, 437, 453
– елими 458
– кўнчилар т-ми 457
– уруғи 407
– Хуросонда ўсадигани 457
– Шомда ўсадигани 457
Таъмаъун (заҳар) 74
Ташмизаж **624**
Тегирмон гарди 532
Темиртикан **254**, 113, 398
Тизимгул **574**
Тин **631**, 172
Тирифон **293**
Тирифулус **305**
Тирноқгул **69**
– боғ т-ли 69
– тоғ т-ли 69
Ток **349**, 244, 299, 302, 636, 653
– ёввойи т. 349
– ёғи 201
– кули 153, 350
– тоғ т-и 349
«Ток гули» 309
Тол **107**, **133**, 222, 538, 603, **666**
– бир тури 133
– Бобил т-и 301
– мажнун т. **538**, **693**
– оқ т. **538**
– сассиқ т. **595**
– шираси **603**
Толгул – қ. самбитгул
Толисфар **204**, **293**, 437
Толониюн **303**
Толқон **471**, 208, 253, 313, 346, 382, 386, 420, 452, 461, 479, 496, 689
Тофсиё **628**, 28, 186, 219, 399
Тошчўп **418**, 507, 582, 690
– ёввойи т. ч. 418
Тоғжамбил **253**, 25, 71, 418, **639**
Тоғтурбит **166**
Тоҳак 82
Трагий **304**
Трифолий – қ. *сатуруниюн*
Трифулиюн **301**
Тубулғу **290**
Тугмачагул **411**, 311, 459, 502, 659, **667**
– уруғи 266
Тударий **621**, 117, 167
Туёғўт 185, 436, 691
Тулкидору 172
«Тулки мояги» **442**, **650**
Тунбош **556**, **621**
Турбид **631**, 35, 198, 607, 659, 688
– сариқ т. 166
– қора т. 166
Турмус – қ. «Миср боқиласи»
– ёввойи т. 326
Турп **524**, 596, 657

– ёввойи т. 305, 524
– ёғи 201, 241, 261, 524, 562, 648
– суви 524
– уруғи 35, 525, 524
Туршак суви 411
Тус **635**
Тут **635**
– оқ т. 635
– шинниси 398
– ширин т. 635
– шом т-и 636
– шотут 636
Тутанжир **172**, 173, 632, 633
– сути 173
Тутмоч **108**
Тутун 196
Туфриюс **304**
Туффоҳ **629**
Туҳлуб **292**
Тўпалоқ ўт **432**, 74, 79, 218, 221, 657
– – Куфада бўладигани 432
– ҳинд т. ўти 432
Угра (оши) **108**
‘Уд **488**, 211
– *баррий* 489
– дарахти **80**
– *жалолий* у. 489
– *каморий* у. 489
– *лавомит* у. 489
– *мандалий* у. 489
– *маритоний* у. 489
– – меваси **210**, 211
– *самандурий* у. 489
– *санфий* у. 489
– *чиний* у. 489
– *қатаъий* у. 489
– *қашурий* у. 489
– *қоқилий* у. 489
– ҳинд у. 211, 489
‘Уд ус-салиб **504**, 521
Узум **503**, 207, 219, 246, 250, 485, 486, 530
– сиркаси 140, 190, 345
– суви 22, 61, 194, 214, 335, 503, 582
– – – нинг қайнатмаси 414
– шарбати 202, 520, 594
– шароби 83,120, 389, 680
– шираси 163, 260
– ғўра у-нинг суви 242, 243, 278, 397, 506, 564
Укроп **605**, 26, 162, 178, 189, 235, 281, 311, 338, 448, 484, 574
– «ёввойи у. илдизи» **380**
– ёғи 201, 605
– қайнатмаси 381
– қуритилган у.461, 605
Уксуакант 494
‘Уллайқ **492**, 494
Ум-ғайлон **81**
Умолий 79
Ун 398, 409
‘Унноб **490**
‘Унсал **484**, 57
‘Унъийли **500**
Урсимун 471
‘Уруқ ус-саббоғин **490**
Уруғлар 71
Усид **105**
Устухудус **72**
‘Усфур **483**
Усқурдиюн – қ. ит саримсоғи
Утружж **88**
Уфорикун **109**
Ушшақ – қ. қаврак елими
Ушна **64**, 249, 290, 333
Ушнон **78**, 104, 561
Уштурғоз **75**, 74
– *сиркадаги ивитмаси* 75

Ушар **499**, 310
– шакари **465**
Уқсулоботун 263
Уққувон – қ. мойчечак
Угро – қ. зифт
Фавониё – қ. пионгул
Фаланжа **510**
Фанжанкушт **510**
Фаранжамушк **507**
Фароват ул-бусанж дарахти 354
Фаросиюн – қ. канавча **518**
Фарсаниюн – қ. бобуна
Фартис (шохли илон ўсимлиги) 302
Фарфах 310, **522**
Фарфиюн **515,** 28, 31, 34
Фасғонун 184
Фетросолиюн 26, 337
Филгўш – қ. чаёнўт
Филзаҳра **517,** 249, 444
– шираси 247, 517
Филзаҳраж 517
Филилун **530**
– *аринигунун* дейилгани 530
– *тилигунун* дейилгани 530
Филимус 312
Фитундос 573
Фитюсо 312
Фовониё **521**
Фонид **507**
Фонокисир – қ. говшир
Форолиёс 310
Фот **521**
Фоширастин **515**
Фоширо – қ. чўл қовоғи
Фоғира **510**
– «Ибн Сино ф-си» **510**
Фоғия **517**
Фу **508**
Фувват ус-саббоғин **509**
Фуданаж – қ. чўлялпизи **518**
Фужл **524**
Фулл **510**
Фулуриун 435
Фулфул **511**
Фулфулак 219
Фулфул ул-мо **513**
Фулфулмуя **512**
Фундуқ 142, 131, **163,** 272
– Ҳинд ф-ғи **576**
Фурбиюн **515, 11,** 16, 37, 66
Фуринтус 675
Фустуқ **525**
Футр **522,** 53, 348
Футрасолиюн **517**
Фуфал 249, **508,** 627
Фуқломинус – қ. альп гунафшаси
Фуққо **59, 529**
Хавлинжон **662,** 655
Хавх **669**
Хайрбавво **678,** 207
Халл **671**
Хамир **669**
– оширилмаган х. 108
Хамиртуруш **669,** 410
Хамр **680**
Хамсат ул-авроқ **676**
Хандарус – қ. «Рум буғдойи»
Харания 312
Харбақ 84, 161, 166, 325, 373, 464
– оқ х. **655,** 37, 61, 651
– қора х. **652,** 37, 287, 435, 508
Хардал **648,** 27, 96, 179, 219, 252, 335, 363, 459, 564, 634, 682
– ёввойи х. 648
– ёғи 648
– оқ х. **477**
Харнуб **664,** 309
Харшаф елими 326
Хасс **659**
Хасс ул-ҳимор **662,** 598

Хашхош **643**
Хиёршанбар **658,** 208, 398
– мисрий хили 658
– кобилий хили 658
Хилоф **666**
Хирваъ **679**
Хирий **672**
Хитмий **647**
Холидуниюн **675**
Хомоловун – қ. маҳсар
– оқ х. 478, 617, 677, 678
Хониқ уз-зиъб **665**
Хониқ ун-намир **666**
Хотинак супурги **543,** 295, 504
– – ингичка хили 504
– – йўғон хили 504
Хоч оғочи – қ. пионгул
Хуббозо – қ. ёввойи гулхайри
Хубз **673**
Хуни сиёвушон **197**
Хунсо **660**
Хурмо **628,** 164, 426
– *адқол* дейилгани 546
– данаги **430**
– дарахти **426,** 72
– ҳомининг суви 315
– ўзаги (мағзи) 172
– қоқиси **546**
– қуруқ х. 125, 546
– ғўраси **125,** 439
– ҳўл х. **581**
Хусо ул-калб **650**
Хусо ус-саълаб **650**
Хусрав дору **655**
Хусуфурун 168
Хушо 94
Цитрон **88,** 145, 181
– гули 88
– донаси 88
– нинг нордон суви 88, 89
– қобиғи 88, 89, 132
Чаёнўт **356,** 661
– жингалак хили 356
– силлиқ хили 356
Чакамуғ **501,** 693
Четан **687**
«Чигиртка оёғи» **584**
Чилонжийда **490,** 398
Чилғўза **571,** 163, 622
– кичик хили 164
Чинор **190**
– барги 177, 679
– ёнғоғи 486
Чирмовгул **366**
Чирмовуқ **327**
Чучукмия 659
– – қуюлтирилган ширасы 139
Чўкма **195, 641**
Шаббўй **672,** 694
Шавкарон – қ. зангпоя
Шавкат ул-байзо **616**
Шавкат ул-мисрийя **618**
Шавкат ул-яҳудийя – қ. кўктикан.
Шажарат ул-баққ **616**
Шажарат Марям **601**
Шайлам **596**
Шакар 91, 116, 230, 277, 360, 364, 466, 468, 507, 565, 594
– суви 398
Шалжам **608**
Шамъ **606**
Шамбала **267,** 48, 101
Шамшод 549
Шарбат 259, 290
Шарбин **611,** 147
Шароб **618,** 14, 51, 63, 64, 66, 73, 77, 84, 89, 95, 105, 125, 128, 138, 141, 151, 154, 162, 165, 182, 187, 191, 192, 200, 205, 210, 221, 222, 229, 233, 239, 245, 253, 255-257, 263, 266, 277, 282,

290, 295, 297, 302, 305, 317, 321, 332, 333, 336, 344, 350, 351, 356, 357, 360, 364, 365, 371, 377, 382, 383, 394, 398-401, 407, 411, 418, 420, 422-424, 431, 434, 435, 438, 442, 443, 445, 461, 469, 470, 477, 479, 487, 502, 504, 505, 514, 516, 519, 521, 522, 525, 526, 528, 533, 536, 541, 545, 547, 548, 550, 557, 558, 563, 565, 567, 577, 580, 586, 601, 602, 611, 612, 616, 621, 627, 639, 640, 648, 650, 651, 659, 661, 676-678, 681, 686, 689-691, 694
– асалли ш. 619, 677
– дурдаси 480, 661
– райҳоний ш. 72, 134, 180, 386, 579, 657, 689
– сиркаси 682
– сув қўшилган ш. 620
– суюқ ш. 361, 618
– *тило* ш-би 86, 89, 136, 174, 177, 361, 407, 438, 480, 548, 579, 580, 593, 625, 675, 688
– тиниқ ш. 618
– тоза (соф) ш. 490, 620
– ширин ш. 260, 274, 303, 304, 308, 479, 537, 577, 619
– хушбўй ш. – қ. райҳоний ш.
– эски ш. 277, 619
– – – чўкмаси 195, 603
– қора ш. 155, 504, 646
– қуюқ ш. 386, 526, 618
Шафтоли **669,** 207, 411
Шаъир **613**
Шаър ул-ғул **611**
Шақойиқ **591**
Шақоқул **601,** 179
Шақудис **615**
Шаҳдонаж **593**
Шаҳмонаж **602**
Шеролчин **289,** 606
Шибис **605**
Шивит **605**
Шиёф 86
– Дарбанд ш-фи **157**
Шинжор – қ. эшак кохуси
Шинжор 95, 96, 662
– *анулус* ш. 598
– *ануқлиё* ш. 598
– *калус* ш. 598
Шинкор 95
Шинни **414,** 48, 49, 52, 233, 236, 274, 347, 449, 520, 664
Шира **408**
Ширамлаж 67
Шири хушк **603,** 408
Шитараж **595**
«Шиша ўти» **269**
Шиҳ **596**
Шобобак **611**
Шовул – қ. қўзиқулоқ
Шоли **107**
Шолғом **500, 608**
– ёввойи ш. 608
– илдизи 482
– полиз ш. 608
Шоҳбаллут (каштан) 1, 146, 504
Шоҳбонак **611**
Шоҳтараж **594**
Шоҳтара 83, 114, 328, **594**
– суви 691
Шубрум **606,** 310, 406
Шукоъо **603**
Шулл **599**
Шумтол **359**
Шуниз **604**
Шўра (ўт) **561,** 659
Эман 146
Эрман **50,** 22, 53, 93, 117, 163, 276, 382, 405, 550, 562, 597, 634, 691
– Лугом тоғидан

келтириладиган э. 51
– набатий э. 51, 52
– суви 400
– Сус э-ни 51
– Тирсус э-ни 51
– Хуросон э-ни 51
– шароби 51
– шарқ э-ни 51
– шираси 51, 198, 247, 691
Эшакмия **135**
«Юлдузгул» **101**
Юлғун **290**
– бужури **169,** 322
– япроғи 63, 544
Ябруҳ – қ. меҳригиё
Ялпиз **420,** 390, 409, 410, 518, 523, 529, 656, 657
– ёввойи я. 519, 520
– така я-зи 518, 520
– тоғ я-зи 178, 251, 382, 410, 518, 519, 523, 544, 638
– чўл я-зи 27, 144, 253, 420, 444
– шароби 518
– шираси 519
– қайнатмаси 519, 483, 496, 520
– *ғолихун* я-зи 518, 519
Янбут **309,** 185
Янтоқшакар **623**, 408, 580, 604, 659
Янтун – қ. тоғ газагўтининг елими
– шираси
Ясмин **310,** 417, **510,** 539
– ёғи 201, 310, 353, 397, 415, 417
– оқ я. 310
– сариқ я. 310
Ясмиқ **495,** 49, 52, 137, 171, 340, 342, 398, 407, 423, 459, 462, 505, 573, 578, 635, 654
– аччиқ я. 495
– ёввойи я. 311, 312, 415, 422, 495, 513, 516, 582
– – – уни 111, 451, 608
– қора я. 496
Яттуъ – қ. сутли ўтлар
Ўрик **411**
– арман ў-ги 411
– мағзининг ёғи 168, 411
Ўсимликлар 33, 34
– ёғи 226
Ўсма **212**
Ўт 50
Қаврак елими **73,** 162, 235, 607, 634, 637
– оддий қ. **423**
– «Рум сассиқ қ-ги» **448**
– сассиқ қ.– қ. болдирғон
– – – илдизи **75, 404,** 448
– Эрон қ-ги **453,** 256, 314, 552, 607
– қора қ. елими 163
Қадарно – қ. қитрон
Қазм қурайш **571**
Қайрағоч **134, 194,** 616
Қайсум **562**
Қайқаҳун **558**
Қалампирмунчоқ **539,** 144, 156, 184, 540, 595, 679
– – – дарахтининг пўстлоғи **540,** 662
Қалат **571**
Қалқон ўт 404
Қамр қурайш **573**
Қамиш **541,** 82, 288, 444, 679
– хушбўй қ. **542, 681**
– шакари **465,** 276
– шакар қ. 465, 577
– – – суви 465, 507
– қанди 267
– ҳинд қ. 412
Қанбил **552**

Қанд 422, 498
Қантуриюн – қ. хотинак супурги
Қаранфил – қ. қалампирмунчоқ
Қараз **572**
Қарағай **622**
Қардамоно **540,** 64
Қарис оши 376
Қариқиз ўти 341
Қаррак
– оқ қ. **113, 603,** 616
– – – илдизи 603
– – – уруғи 113, 114
Қаръ **564**
«Қарға оёғи» **584**
Қасаб **541**
Қасаб уз-зарира **542**
Қатаф **463**
Қасб – қ. хурмо қоқиси
Қатаф **563**
Қатод **560,** 324
Қатт **572,** 589
Қафр 397, **553**
Қашқарбеда – қ. *Иклил ул-малик*
Қаҳва 618
Қизилпойча **109, 205**
Қизилча **458**
Қизил тасма **157,** 175, 426, **481**
Қина 453
Қинна **551,** 398
Қиннаб **559,** 593
Қипиқ **422**
Қир 231
Қиртола 451
Қиртос **561**
Қирфат уд-дорсиний **540**
Қирфа 96, 97
Қирфат ут-тиб **540**
Қирқбўғин **681**
Қирққулоқ **204,** 327, **434**
– урғочи қ. 435
– эркак қ. 435
Қиссо **565,** 551
Қиссо ул-ҳимор – қ. ёввойи бодринг
Қиссус – қ. ладан
Қитрон **230,** 313, 345, 398, 532, **547,** 611
– тутуни 196
Қичи – қ. *хардал.*
Қичитқиўт **85,** 94, 500, 546, 626, 635, 657
– ёғи 201, 203
– уруғи **332, 568**
Қиқинун **550,** 679
Қовоқ **564,** 24, 102, 122
– ёғи 14
– чўл қ-ғи 79, **207,** 250, 357, 421, **513**
Қовун **127,** 128
– *мулюний* қ. 127, 128
Қонтепар **116**
«Қоплонни бўғувчи» **666,** 373, 563
Қора андиз **582,** 535, 549
Қорадори – қ. афюн
Қора терак **168, 268**
«Қора ток» **515**
Қорачайир **59,** 311, 508, 541, 681
– – гули **59**
– найи 253
Қорақанд – қ. зирк
Қорни ёриқ – қ. испағул
Қотил уз-зи'б **563**
Қотил ул-калб **563**
Қоқи **211**
Қоқигул **289**
Қоқила **207,** 678
– кичик қ. **206**
Қоқулла **539**
Қоқулло **561**
Қранба агриё – қ. ёввойи карам
Қуёнқулоқ 330

Куборисос 312
Куйқа – қ. чўкма
Куниюн 448
Куннобро **556**
Курбақаўт **292.** 287. 530
– – дарё қ. ўти 292
– – денгиз қ. ўти 292
Куррайс **568**
Куррат ул-айн – қ. сув петрушкаси
Куртум **546**
Курум **196**
Курун ус-сунбул 44
Курқумағмо **550**
Куст **549,** 28, 213, 233, 245, 306, 511
– арабий хили 549
– румий хили 549
– *қаранфилий* 549
– ҳиндий хили 549
– ёғи 201, 375
Қустирувчи ёнғоқ 181, 323
Қутн **559**
Қушқўнмас **603**
Қўзиқорин **334,** 337, **522,** 693
– бўғувчи қ. 241
– заҳарли қ. 44, 410, 447, 522, 555, 620
– *футр* дейилгани 334, **522**
– ўлдирувчи қ. 410, 522
– қора қ. **693**
– *қулоъий* дейилгани 523
Қўзиқулоқ **263,** 177, 442
– *анқулубин* дейилгани 263
– *афсулобойин* дейилгани 263
– ёввойи қ. 263
– *лафатун* дейилгани 263
– суви 153
– шираси 263
– уруғи 263
Қўйпечак **366,** 93, 310, 312, 448, 450, 486, 515, 574, 640, 666
– *ҳабл ул-масокин* дейилгани 366
Қўноқ 180
Ғараб **693,** 107
Ғолиқисиди 504
Ғозпанжа – қ. «бешбарг»
Ғолимун **695**
Ғолиюн **693**
Ғолия **694**
Ғолорюн 501
Ғор **689,** 272
Ғорикун **687**
Ғофит **691,** 52, 321
Ғубайро **687**
Ғушана **693**
– шираси 52, 691
Ғўза – қ. пахта
Ғўзағар **102**
Ғўра суви 21, 130, 586
Ҳабб ул-бон **271**
Ҳабб уз-залам **272**
Ҳабб ул-майсим **272**
Ҳабб ул-мулук – қ. *ҳабб ус-салотин*
Ҳабб ун-нил **273,** 198
Ҳабб ус-салотин **198,** 310, 312, **403**
– – – пўсти 198, 312
Ҳабб ус-санавбар **274**
Ҳабб ус-сумна **273,** 593
Ҳабб ул-қилқил **276**
Ҳабб ул-ғор **272**
Ҳаббат ул-хазро **279,** 158
Ҳавк – қ. тоғ қора райҳони
Ҳавр **278**
Ҳавр румий **268,** 269
Ҳазо – қ. бекларўти
Ҳазоз ус-сахр **287**
Ҳазоржашон **207,** 513
Ҳайва – қ. беҳи
Ҳайй ул-олам – қ. гулҳамишабаҳор
Ҳалбиб **260**
Ҳалво 643

– нотиф ҳ-си 547, 647
Ҳалила **205,** 35, 53, 82, 83, 370, 607
– Кобулдан чиқадигани 205, 206
– мураббоси 67
– сариқ ҳ. 206
– қора ҳ. 206
Ҳалилаж **205**
Ҳалим **211**
Ҳалоҳил 44
Ҳалфо – қ. қамиш
Ҳамомо – қ. амом
Ҳамоҳим 684
Ҳанбаз **269**
Ҳандақуқо **265,** 100
Ҳанзал **258**
Ҳарба **270**
Ҳаринон 501
Ҳариса **211**
Ҳармал **255**
Ҳарнава **210,** 211
Ҳаршаф **264**
Ҳашишат уз-зужож **269**
Ҳашт даҳон **211**
Ҳасак – қ. темиртикан
Ҳивфастидос **210**
Ҳивфорикун **205,** 544
Ҳил **539,** 679
Ҳилбавво **206**
Ҳилтит – қ. ангуза
Ҳилюн **209**
Ҳиммас **260**
Ҳина **249,** 517
– барги 249, 444
– гули 249, 517
– ёғи 75, 130, 203, 250, 504
Ҳиндабо **207,** 208
Ҳинно **249**
Ҳинта **262**
Ҳирақлиус **211**
Ҳиссоп – қ. иссоп
Ҳолбавво **206**
Ҳолвайтар 261
– суюқ ҳ. 304
Ҳолибий **101, 270,** 271
Ҳор – қ. килдору
Ҳороқиёс 310
Ҳосис **271**
Ҳошо **253**
Ҳузаз – қ. ликий ширази
Ҳулба **267**
Ҳуммоз **263**
Ҳур румий (қора терак) 168
Ҳуртумон **210**
Ҳурф **252**
Ҳусни Юсуф **271**

II. ҲАЙВОН МАҲСУЛОТЛАРИ

Абрақ **105**
Аждаҳо
– «денгиз а-си» **626,** 53, 140
‘Азоъа **500**
Айиқ ёғи 104, 614
– ўти 390
– қони 199
Аланжал 526
Анбар **487,** 488
– кўк а. 488
– *манд* дейилган а. 488
– нинг *салоҳутий* хили 488
– сариқ а. 488
Ангурпошин – қ. қора чигиртка
‘Анкабут – қ. ўргимчак
‘Арақ **503**
Ари ининнинг девори **392**
Арнаб баррий **94**
Арнаб баҳрий **103**
Арслон ёғи 614

ʻАсал **497,** 22, 24, 58, 62, 63, 67, 83, 86, 89, 91, 99, 103, 111, 120, 121, 123, 129, 135, 149, 152, 158, 161, 162, 166, 176, 187, 200, 202, 219, 221, 230, 231, 235, 239, 241, 245, 252, 254-257, 266, 267, 276, 277, 279, 280, 303, 309, 314, 317, 320, 321, 324, 329, 332, 333, 345, 346, 350, 352, 357, 364, 368, 371, 381, 382, 392, 395, 397, 399, 408, 409, 411, 412, 414, 415, 417, 424, 427, 431, 446, 449, 454, 459, 461, 466, 470, 477, 479, 484, 492, 499, 500, 511, 514, 516, 518, 524, 527, 536, 543, 545, 547, 555, 557, 565, 567, 582, 584, 593, 614, 621, 625, 630, 638, 640, 643, 656, 661, 663, 665, 670, 671, 677, 690, 692
– набизи 411
– суви 26, 51, 61, 73, 84, 91, 95, 111, 136, 143, 145, 162, 163, 226, 259, 295, 312, 320, 345, 348, 360, 385, 394, 397, 402, 405, 416, 451, 457, 478, 499, 504, 509, 516, 521, 527, 528, 557, 558, 566, 567, 596, 614, 616, 622, 639, 646, 657, 674, 688, 690
– шароби 145, 226, 428, 431, 454, 504, 528
– қайнатилган а. 440, 498, 547
Асалари 497
– инининг чирки 74
Афъо илони 90, 96, 115, 422, 470, 514
– – гўшти 282, 373
– – ёғи 282, 615
– – терисининг куйдирилгани 174
– – ўти 44
Ахлат – қ. тезак.
Ақит – қ. сузма
ʻАқраб **500**
Бавл **153**
Байз **128**
Балиқ **472,** 11, 123, 407
– *ас-сож ул-баҳрий* б-ғи 473
– *«ақраб»* дейилган б-нинг ўти 391
– *бунний* б-ғи 473, 475
– гўшти 473
– денгиз б-ғи 473
– елими 475, 692
– ёғи 472, 614
– жарод б-ғи 475
– *жиррий* б-ғи 474, 475
– зоғора б. 473
– – – ўти 391
– илон б. 473
– канад б-ғи 473
– *каракатица* б-ғи 475
– майда б. 473
– – боши 475
– *сир* дейилган м. б. 474
– наҳанг б. 474
– *ражз* б-ғи 473
– *раъюда* б-ғи 474
– *самм* б-ғи 473
– *саморус* б-ғи 474, 475
– *саҳнот* б-ғи 474
– Сепия б-ғи 475
– *сифёнун* б-ғи 474, 475
– *сифийос* б-ғи 474
– тузланган б. 473, 496, 499
– – дан қилинадиган нонхўриш **534**
– *уҳутодус* б-ғи 475
– хон балиқ 473
– шиқ б-ғи 473
– шўрваси 144, 473, 475
– электр скат б-ғи 475, **588**
Банат вардон **156**
Батт **137**

Бегемот териси 174
Бедана 138, 146, **464**
Биш муш 146, 157
Бия сути 368, 372
Бойўғли қони 199
Бол – қ. асал
Болалар сийдиги 99, 153, 234, 365
– тезаги **240**
Бузоқ **154**
Бузоқ гўшти 373
– илиги 412
– мияси 190
Буйрак **340**
Булут **76,** 315
– кули 76
– тоши **76**
Бургут 652
– денгиз б-ти **538**
Буссад **145**
Буқа
– илиги 412
– мояги 651
– сийдиги 153
– тезаги (тапписи) 240
– – тутуни 240
– ўти 391
– қони 199
Буқаламун **281**
– тухуми 281
Буғу илиги 412
–чарвиси 548
Бўри 665, 666, **683**
– ёлдор б. **686**
– жигари 341
– тезаги 607, 683
– териси 240
– ўти 391
Бўталоқ панирмояси 66
Вадаъ **218**
Вазағ – қ. геккон калтакесаги
Варал **217,** 650, 686
Варан **217,** 268
– гўшти 218
– сув в-ни 90
– тезаги 218, 238, 239
– чарвиси 218
– қони 199
Варашон **217**
Васах **216**
Гўшт **373,** 85, 108, 457, 545, 656
– семиз г. 374, 414, 608
– ғовак г. 374
Дажож **188**
Дам **199**
Дик **188**
Димоғ **190**
Дуд **187**
Дуррож **203,** 373
Елин 373, 685
Елим **692**
Ёғ
– чарви ёғ 95, 191, 226, 374, 598, **614**
– эски ё. 691
Жайра 569
Жаноҳ **174**
Жарод **175**
Жасруд – қ. қора чигиртка
Жигар **341**
– сели 341
Жилд **174**
Жубн **176**
Жун – қ. юнг
Жундибидастар – қ. қундуз қири
Жўжа гўшти 376
– ёғи 189
– шўрваси 189
Забад **466**
Забб **686**
Забъ **686**

Залим **686**
За'н **685**
Зарориҳ 682
Заръ **685**
Зибл **238,** 678
Зилф **686**
Зир – қ. қора чигиртка
Зифдаъ **685**
Зиъб **683**
Зубд **229**
Зубоб **683**
Зулук 89
Изом **502**
Илик **412**
Ибрисам **107,** 108
Илон **281,** 410
– гўшти 281
– заҳари 144
– кўлвор и. 281
– пўсти **281,** 444
– чарвиси 104
– шўрваси 282
Инсон **98**
Инфаҳа **66**
Ипак **107,** 108, 34, 132
Исфунж **76**
Исқанқур **90**
Ит **349,** 440, 658, 665, 666
– тезаги 239
– кутурган и. жигари 341
– – – қони 200, 349
Кабид 341
Каклик **570**
– тоғ к-ги гўшти 373, 377
– тухуми 128
– ўрмон к-ги **203**
– – – гўшти 373, 377, 570
– ўти 256, 390
Қаламуш тезаги 239
Калб **349**
Калтакесак 217, 500
– геккон к-ги **463,** 500
– – – қони 463
– жигари 341, 463
– уромастика к-ги **686**
– қони 199
Кана 526
– қони 199
Каптар **278**
– гўшти 374
– тезаги 238, 278, 596
– тухуми 278
– қони 199, 278
Кийик боласининг панирмояси 66
– гўшти 374
– нинг куйдирилган шохи 34
– ўти 392
Кир **216**
– кураш тушувчилар кири 216
– ҳаммом деворининг кири 216
Кирш **341**
Куля **340**
Куроъ **348**
Кўккарға гўшти 375
Кўршапалак **665**
– мияси 665
– қони 199
Лабан **367,** 368
Лайлак тухуми 129
Латча гўшти 375
Лаҳм **373**
Лисон **362**
Лойхўрак **568**
– гўшти 374, 376
Лочин тезаги 238
Луъоб **367**
Майна тезаги 238
Маржон **145,** 249
– оқ м. 145
– куйдириб ювилган м. 145

– қизил м. 145
– қора м. 145
Марора **390**
Маска ёғ **229,** 94, 466
– – тутуни 229
Масл **414**
Мингоёқ 187, 410
Миск **377**
Мия **190**
Мол гўшти 374, 376
– терисининг елими 692
– қорни **341**
Мояк **651**
Мугуз – қ. шох.
Мусича қони 199
Мухх **412**
Мушк **377,** 34, 463
– денгиз м-ки 377
– Тибат м-ки 377
– Хирхиз м-ки 377
– Хитой м-ки 377
– Ҳинд м-ки 377
Мўй **615**
– куйдирилган м. 98, 99, 615
Намир **432**
Наъом **431**
Одам **98,** 13
– ахлати 98, 99
– гўшти 199
– нинг наҳорги сўлаги 99
– рўза тутган о. сўлаги 98, 367, 384
– сийдиги 99, 153, 154
– – тузи 98
– сочининг кули 98, 615
– сути – қ. хотинлар сути.
– суягининг куйдирилгани 98, 502
– тиши 99
– эрлик уруғи 98
– қони 199
– қулоғининг чирки 98
Олакуланг **682,** 44, 500
Олапохта **217**
– қаноти 175
– қони 199, 217
Омар **589**
От **527**
– панирмояси 527
– тезаги 527
– қони 199
Оғиз 5, 367, 369
– суви 370, 371
– сути 369
Оҳу – қ. кийик.
Панир **176**
– зардоби 177
– суви 176
Панирмоя **66,** 464, 501
«Парилар тирноғи» (ҳушбўй тирноқ) **65**
– – бобилий хили 65
– – маккий хили 65
– – қулзумий хили 65
– – қурайшия дейилгани 65
Паррандалар қорни 341
Пашша **683,** 194
Пишлоқ – қ. панир
Поча **348,** 174
Престер 493
Рабисо **590**
Рахама **587**
Рахбин **590**
Раъода **588**
Риа **586**
Ритибанаж 588, 589
Росу 53
Рубиён **589**
Савро – қ. саламандра.
Садаф **531,** 86, 218, 269

– *бобилий қулзумий* дейилгани 533
– гунафша рангли с. 531
– гўшти 399, 531, 532
– Каури с-фи **218**
– парчалари 451, 532
– *талис* дейилгани 531
– *толинас* дейилгани 532
– *фурфурас* дейилгани 532
– шиллиғи 532
– *қуҳлиё* дейилгани 533
Сакмуя **569**
– панирмояси 66
Саламандра 500
Салх ул-ҳайя **444**
Самак **472**
Самн **466**
Саратон баҳрий **440**
Саратон наҳрий **440**
Сариёғ **466,** 94, 98, 144, 180, 309, 398, 410, 461
Сафроғун **538**
Саълаб **642**
Сақанқур **90, 462**
– гўшти 443
Сигир гўшти 374
– сути 147, 368, 372
– – айрони 372
– тезаги (тапписи) 239, 357
– ўти 173, 390
Сийдик **153,** 503, 668
– қуйқаси 153
Сирсир **538**
Сиртлон **686**
– ўти 390
Сичқон **527**, 656
– биш с-ни – қ. *биш муш.*
– тезаги 527
Сиҳнот **534**
Собун **534**
Совун **534**
Сом абрас **463,** 217
Соч – қ. мўй.
Суварак **156**
«Сув варали» - қ. *сақанқур*
Сув отининг териси 174
Сузма 176
Сулаҳфот **464**
Сумоно **464**
Сусмор **268,** 217
– тезаги 155, 239, 268
Сут **367,** 16, 87, 107, 114, 129, 180, 223, 240, 317, 345, 368-373, 383, 385, 398, 420, 561, 567, 610, 674, 695
– ивиган с. 176
– янги с. 176, 369
Суф **537**
Суфат ул-баҳр 77
Суяк **502**
Сўлак **154, 367**
Сўфитўрғай – қ. тўрғай
Тайҳуж 570
Така гўшти 347
– ёғи 614
– жигари 341
– илиги 412
– тўпиғи 502
– ўти 391
– қони 199, 200
Талоқ **293**
Тезак **238,** 678
Тер **503**
Тери **174**
– елими 692
Тил 362, 373
Тимсоҳ **627,** 90, 462
– буйраги 627
– ёғи 627
– тезаги 239,627
Тиннин ул-баҳр **626**

Типратикан **569**
– гўшти 376, 570
– денгиз т-ни 569, 617
– ёғи 569
– тоғ т-ни 569
– чўл т-ни 569
– қуритилган жигари 569
Тиҳол **293**
Товус гўшти 374
Товуқ **188,** 658
– гўшти 189, 373, 523, 578, 654, 657
– ёғи 189, 614
– жигари 341
– мияси 190
– тухуми 128
– тезаги 240
– ўти 256
– қаноти 174
– қони199
– қорни 341, 568
Той панирмояси 66
– териси 527
Тотиқус **302**
Тошбақа **464**
– чўл т-си тухуми 129, 464
– ўти 391, 392, 464
– – – қони 199, 464
Триғулун 626
Тувдо гўшти 374
– тезаги 239
Туёқ **686**
Тулки **642,** 666
– гўшти 642
– ёғи 614, 642
– мўйнаси 642
– ўпкаси 587, 643
Турна ўти 459
Турож **203**
Тустовуқ гўшти 373
– тухуми 128
Тухум **128,** 86, 156, 257, 300
– илитилган т. 128
– оқи 56, 128, 171, 343, 371, 442, 487, 610
– пўчоғи 291
– сариғи 87, 123, 128, 156, 183, 233
Туя 548
– гўшти 374
– ёғи 615
– мияси 190
– сийдиги 153, 372
– сути 368, 371, 372, 466
– тезаги (қумалоғи) 155
– ўпкаси 587
– қони 199
Туяқуш **431,** 686
– тухуми 128
– эркак т. **686**
Туғдарий тухуми 129
Тюлень **569**
Тўнғиз – қ. чўчқа.
Тўрғай **571**
– гўшти 377
Улоқ буйраги 340
– гўшти 373
– ёғи 147
– панирмояси 66
– қони 200
Фарас **527**
Фасофис **526**
Фаър **527**
Фил ёғи 615
– тезаги 240
Ханофис **673**
Харотин **678**
Хачир териси 174
Хотинлар сути 87, 99, 347, 368
Хур **678**

Хуся **651**
Хуттоф **670**
Хуффош **665**
Хушбўй тирноқ **65**
Хўроз **188,** 138, 523
– ёғи 614
– мояги 189, 373, 651
– шўрваси 144
– ўти 390
– қорни 174, 569
– қари х. шўрваси 188, 189, 403
Чаён **500,** 34, 53, 55, 89, 113, 140, 175, 236, 258, 260, 264, 266, 410, 422, 440, 442, 453, 525
Чарви – қ. ёғ
Чигиртка **175,** 302
– думалоқ 175
– қанотсиз семиз ч.175
– қора ч. **302, 538**
Чирилдоқ – қ. қора чигиртка
Чиғаноқ – қ. садаф
Чувалчанг **678**
Чумчуқ тезаги 239
– тухуми 130
Чўчқа 658, 665
– боласининг гўшти 375
– гўшти 147, 199
– ёввойи ч. гўшти 374
– ёғи 151, 239, 317, 614
– почаси 177
– сийдиги 153, 154
– сути 369
– талоғи 293
– тезаги 239
– тўпиғи 502
– ўпкаси 587
– ўти 391
– қони 199
Шам 115
Шаър **615**
Шаҳм **614**
Шер 666
Шилликқурт – қ. чиғаноқ
Ширамлаж 67
Ширзақ 665
Шох **568**
Эт – қ. гўшт
Эчки гўшти 373
– жигари 192, 341
– илиги 412
– пишлоғи 176
– сийдиги 153
– сути 177, 291, 368, 371
– тезаги (қумалоғи) 155, 238
– терисининг янги шилингани 174, 670
– тоғ э-си гўшти 377
– – илиги 412
– – сийдиги 153
– – чарвиси 612, 314
– – шохи 303, 568
– – қони 294
– – туёғи 686
– – ўти 390
– – қовурилган жигарининг сели 192
– – қони 200
Эшак **282,** 283
– гўшти 283
– ёғи 375, 376, 614
– жигари 283
– сийдиги 153, 154, 283
– сути 62, 369, 371, 372, 440
– тезаги (гўнги) 238, 527
– туёғи 283
– ўти 391
– қони 199
Эшаккурт **156**
Юнг **537**
Ўпка **586**

Ўргимчак **494**
Ўрдак **137**
– гўшти 375
– ёғи 111, 268, 614, 622, 647
– жигари 341, 375
– мияси 190
– тезаги 238
– тошлиги (меъдаси) 375
– тухуми 128
Ўт **390**
Ўғлон оши – қ. кундуз қири
Қабж **570**
Қавонис **568**
Қазна 108
Қалдирғоч **670,** 93
– тезаги 239
Қандала **526**
Қанот **174**
Қарн **568**
Қарчиғай тезаги 238
Қатиқ 176, 370
– ёғи олинган қ. 118, 372
Қато – қ. лойхўрак
Қирмиз 187
Қирутун 679
Қирғий тезаги 238
Қирғовул тухуми 128
– ўти 390
Қисқичбақа 34, 589
– дарё қ-си **440,** 376
– кули 440
– денгиз қ-си **441,** 440
– – – сополи 441, 664, 665
Қовоқари 410, 419
Қон **199**, 160
– ҳайз қ-ни 98, 199
Қоплон **432,** 666
Қоражигар қ. талоқ
Қорамол ёғи 614
– – куйдирилган почаси 502
– – ўти 247, 685
Қорақурт 55, 98, 258, 291, 440
Қуён гўшти 374
– денгиз қ-ни 99, **103,** 372
– панирмояси 66
– чўл қ-ни **94**
– – – панирмояси 94
– қони 199
Қузғун **587**
– тезаги 587
– ўти 391, 587
– қони 199, 200
Қунбура **571**
Қундуз 569
Қундуз қири **160,** 27, 34, 88, 353, 397, 399, 533
Қунфуз **569**
Қурбақа **685**
– гўшти 375, 685
– дарахт қ-си 685
– ёғи 685
– шўрваси 685
– сув қ-си шўрваси 685
– қони 199, 685
Қурт **187,** 422
– бўёқчилар қ-ти 187
– ёғоч қ-ти 422
– кўпоёқли қ. 187, 188
– яшил қ. 188
– эшак қ-ти 682
Қурут **414**
Қуш гўшти 373
– меъдасининг ички териси 174
– мияси 190
– тили 117
– қорни **568**
Қуқий **569**
Қўзичоқ гўшти 373
– панирмояси 66
Қўй **685**

– гўшти 373
– илиги 412
– пишлоғи 177
– сийдиги 153
– сути 177, 368
– тезаги (қумалоғи) 155, 238
– териси 174
– ўти 390, 685
– қони 199
Қўнғиз
– гўнг қ. **673**
Ғиро **692**
Ғоз гўшти 138, 374
– ёғи 317, 614
– тухуми 128, 130
– қаноти 174
– қорни **341**
Ғуррак гўшти 203
– қони 199
Ҳайвон
– тезаги **155**
– ёввойи ҳ. гўшти 374
Ҳайя **281**
Ҳалазун **269**
Ҳамом **278**
Ҳимор **282**
Ҳирбо **281**
Ҳирдавн – қ. сусмор
Ҳўкиз
– илиги 412

III. МИНЕРАЛ МОДДАЛАР

Азурит **287**
Акитмакит **99**
Алмос **96**
Асиюс **103**
Асмитус 285
Аччиқтош **602,** 234, 399, 498, 672
– Яман а-и 303
Аэтит **99**
Бармоҳон 277
Боруд 103
Булут 227, 235, 284
Бура **365**
Бурақ **119,** 19, 153, 221, 408, 424, 523, 669, 693
– Африкадан келтириладиган б 119, 120
– *афринатрун* дейилган б. 120
– «кўпиги» 119, 120
– суви 153
«Бургут тоши» **99**
Гагат **691**
– тутуни 691
Галактит **284**
Ганч – қ. гипс
Гематит **609**
Глет **389**
Гили сурх – қ. қизил кесак
Гипс (жипс) **170,** 24, 173, 488, 584
Дашқол **674**
Денгиз кўпиги **227,** 82
– – булутга ўхшагани (*исфунжийси*) 227
– – куйдирилгани 195, 227
Диоскорид алкиони – қ. дарё кўпиги.
Жасс **173**
Жибсин **170**
Жилвиртош **571,** 156
Забад ул-баҳр **227,** 82, 571
Зангор **234,** 365, 428
Занжарф **228**
Зарних **226,** 28
Заҳаб **680**
Заҳармўҳра – қ. мормуҳра
Заҳрат ун-нухос **235**
Зиъбақ **222**
Зинжор **234**

Зирних **226,** 28, 186, 396
– арманий хили 226
– оқ з. 226
– сариқ з. 226
– қизил з. 226
Зоож **224**
Зок **224,** 28, 34, 36
– кафшгарлар з-и 225
– оқ з. 224
– куйдирилган з. 224
– куйдирилмаган з. 224
– сариқ з. 224, **555**
– куйдирилган с. з. 555
– сиёҳ з-и 224
– яшил з.224, **555,** 633
– қизил з. 70, 224
Зужоож **228**
Зунжурф **228,** 222
Исмид **70**
Исфидоож – қ. қўрғошин упаси
Ишқор **560,** 301
Иқлимиё 623
– мис и-си 234
– *сақуддус* дейилгани 623
Кесак **295,** 298
– қизил к. **300,** 402
– Кимолос к-ги **560,** 298
Кибрит **323**
Қиновар **228**
Кул **583**
– суви 149, 523, 583
Кумуш **506,** 222, 394, 554
– тўполи 554
– чирки 506, **554,** 675
– кириндиси 506
Лаззоқ уз-заҳаб – қ. «тилла елими»
Ложувард **354,** 34, 93, 287
Лозувард **354**
Лой **295,** 263
– арман (Аний) л-и **296,** 35, 170, 360, 398
– ейиладиган л. **298**
– енгил л. 49
– Кимолос л-и **298**
– Крит л-и **298**
– «Мастакий шаҳри л-и» **298**
– муҳр л-и **294,** 28, 297, 409
– «самоъий л-и» **301**
– самос л-и **297,** 294
– ток л-и **299**
– умуман л. 295
– экиладиган ерлар л-и **300**
Луфқаридис **362**
Магнетит **393**
Магнит тоши 609
Маъдан 33, 34
Марварид 33, 57
Марганец оксиди **395**
Маржон 33, 35
Марказит **394,** 395, 554
Мармар 560
Мартак – қ. *мурдасанг*
Мағнисиё **395**
Мағнотис **393**
Мағра **403**
Мелитит **285**
Мидод **395**
Милҳ **408**
Мис **427,** 18, 224, 234, 300, 394, 554, 623
– куйдирилган м. 234, 427
– оксиди **235**
– *толиқун* дейилгани 427
– туболи 234, 277, 278, 637
– чирки 675
– Қибрис м-и 427
– кириндиси 234
Мо **385**
Мормўҳра **286**
Морқашисо **394**

Мунчоқ
– қизил м. 33
Мурдасанг 99, 23, 340, **389**, 530, 620, 622
Навшадил **426,** 234
Нармоҳан 277
Натрун [сода] **424,** 51, 52, 73,149, 154, 234, 268, 301, 317, 324, 344, 391, 460, 511, 523, 547, 557, 565, 604, 633
Нафт **428**
Нефрит – қ. яшма
Нефть **428,** 408
– кўк н. 428
– оқ н. 118,428
– тутуни196
– қора н. 428
Нура **426,** 127, 292
Нушодир **426**
Нуҳос **427**
Обор **77**
Ой кўпиги – қ. ой тоши
Олмос **96**
Олтин **680,** 222, 224, 394, 554, 617
– кукуни 680
– тўполи **554**
– – нинг *анқудий* хили 554
– – нинг *сафойиҳий* хили 554
– чирки **554**
Олтингугурт **323,** 223, 231, 308, 381, 596, 647, 649, 671
Онук **77**
Оҳак **426,** 34, 103, 186, 627, 633, 669
– куйдирилган о. 292
– сўнмаган оҳак 25
– ювилган о. 426
Пемза **571**
Пирит **394**
Пиролюзит **395**
Пўлат 277
– сунъий п. 277
Рамод **583**
Расос **587,** 77
Руҳ купороси 225
Сабха – қ. шўрхок
Сада ул-ҳадид **538**
Салж **642**
Селенит **285**
Селитра **103**
– с. қайнатилган сув 103
Сиёҳ **395**
– Ҳиндистон с-ҳи 395
Симоб **222**
Симоб буғи 223
– ўлдирилган с. 223
– ҳайдалган с. 223
Слюда **291**
Сода – қ. *натрун*
Сопол **664**
– тандир с-ли 664
– Хитой идиши с-ли 665
Сув **385,** 11, 30, 51, 77, 80, 81, 107, 110, 111, 1Ł4, 125, 164, 229, 239, 242, 243, 245, 252, 257, 264, 277, 281, 284, 286, 300, 304, 314, 324, 333, 335, 343, 345, 382, 386, 420, 423, 434, 487, 496, 520, 527, 537, 550, 558, 567, 602, 608, 613, 619, 621, 670, 681, 688
– аччиқтошли с. 387
– балчиқли с. 385, 387
– битумли с. 386
– бурақли с. 385, 387
– денгиз с-и **386,** 387, 496, 620
– ёмғир с-и 585, 625, 656
– илиқ с. 192, 386
– иссиқ с. 12, 89, 125, 129, 243, 253, 262, 264, 283, 365, 386, 420
– маъданли с. 387
– мисли с. 386, 387
– олтингугуртли с. 386
– сасиган с. 387

– совуқ с. 134, 194, 386, 404, 521, 580, 684
– темирли с. 386, 387
– шўр с. 386
– қор с-и 642
Сурий 224
Сурик **450,** 91
Суринж **450**
Сурма **70,** 468, 610
Талқ (слюда) **291,** 226, 297
Талқ сути 292
Танакор **119, 624**
Темир **277,** 18, 98, 240, 387, 394
– занги 234, 277, 278, **538**
– зоки 71
– купороси 225
– тўполи 278, 370, 394, 637
– чирки 277, 674
Темир тош – қ. магнетит.
«Тилла елими» **365,** 354
Тин арзин ил-мазруъа **300**
Тин арманий ва-л-аний **296**
Тин балад ил-мастакий **298**
Тин иқритуш **298**
Тин ул-карм **299**
Тинкор **624**
Тин маъкул **298**
Тин махтум **294**
Тин ул-магра **300**
Тин мутлақ **295**
Тин сомоъий **301,** 300
Тин сомус **297**
Тин қимулиё **298**
Тош 240,
– «арман т-и» **287,** 34, 273
– арман тошининг ювилгани 287
– арман тошининг ювилмагани 287
– «бол т-и» **285**
– булут т-и **284**
– «бургут тоши» **99**
– жилвир т. **571**
– зайтун ёғи билан ўчириладиган т. **286**
– «кафшдўзлар т-и» **287**
– Миср т-и **362**
– «нур тоши» 394
– «ой тоши» **285**
– охорлаш т-и **362**
– «сут т-и» **284,** 285
– тегирмон т-и **284**
– темир т.– қ. магнетит
– «фил суягисимон т.» **285**
– Фригия т-и **286**
– «яҳуд т-и» **283,** 28
– қайроқтош **284**
– «қовуқ т-и» **283**
– «ҳабаш т-и» **286**
Туз **408,** 72, 73, 86, 91, 119, 121, 150, 189, 234, 242, 252, 281, 335, 343, 344, 363, 372, 431, 452, 460, 474, 478, 498, 501, 513, 518, 520, 523, 532, 560, 564, 608, 668, 669, 674, 677, 685
– «асиус гули» дейилган т. 13
– аччиқ т. 408, 409
– Африка тузи 409
– бурақли т. 409
– гули 409, 410
– денгиз т-и 408
– *кашан т-и* 409
– кон тузи 408, 409, 665
– куйдирилган т. 409
– оқ т. 408, 409, 498, 603
– қора нефтли т. 408, 410
– Ҳинд т-и 145, 408, 607
Тупроқ 386
– қоҳин т-ғи – қ. мухр лойи
– Кимолос т-ғи 361
Тушь – қ. сиёҳ

Тўбол **637**
Тўпол **637**
Тўтиё **623,** 54, 243, 430, 476, 588, 692
– ювилгани 34, 623
Усрунж – қ. сурик
Фасуриқун **530,** 512
Физза **506**
Хабас **674,** 277
Хазаф **664**
Чирк **674**
– мўнди чирки 216
Шабб **602**
Шангарф – қ. киновар
Шиша **228**
– куйдирилган ш. 229
Шобирқон 277
– тўполи 277
Шодана **609,** 33, 228, 285, 393, 450
Шозанаж **609**
Шўрхок 18
Яшма **287**
Қайшур **571**
Қалай **587**
– куйдирилган қ. 70, 91, 587
– упаси 588
Қалий **560**
Қалимиё уз-заҳаб **554**
Қалимиё ул-физза **554**
Қалқадис 224, 226, 530, 555
Қалқанд **555,** 36, 224
Қалқатор **224,** 28, 34, 512, 530, **555**
Қимулиё **560,** 317, 361, 391
Қор **642**
Қўрғошин **77,** 587, 623
– занги 44
– куйдирилган қ. **389,** 70, 71, 78, 91
– кукуни 78
– упаси **91,** 70, 187, 228, 270, 300, 346, 361, 450, 461, 486, 587
– чирки 675
– ўлдирилган қ. 70, 622
Ғоғотий **691**
Ҳадид **277**
Ҳажар арманий **287**
Ҳажар ул-асалий **285**
Ҳажар ул-асокифа **287**
Ҳажар афружий **286**
Ҳажар ул-исфунж **284**
Ҳажар йутфо биз-зайт **286**
Ҳажар ул-лабаний **284**
Ҳажар ул-масона **283**
Ҳажар ул-мисанн **284**
Ҳажар ул-ожий **285**
Ҳажар ур-раҳо **284**
Ҳажари рущной 394
Ҳажар самитиюс **285**
Ҳажар ул-яшб **287**
Ҳажар ул-яҳуд **283**
Ҳажар ул-қамар **285**
Ҳажар ул-ҳабаший **286**
Ҳажар ул-ҳайъя **286**

ДОРИЛАРНИНГ ЛОТИНЧА КЎРСАТКИЧИ[1]

Abies webbiana Lindl.– 309
Abutllon Theophrasti Medie.– 57
Acacia arabica Willd.–5, 31, 660, 719
Acacia gummifera Willd.– 31
Acacia Senegal Willd.– 31
Acacia vera Willd.– 660
Achillea santolina L.– 640
Aconitum ferox Wall.–119
Aconitum lycoctonum L.– 641, 764
Aconitum napellus L.– 641, 764
Acorus calamus L.– 208, 615
Adiantum capillus veneris L.–110
Aegle marmelos Corr.– 97
Aegilops ovata L.– 180
Agremone – 688
Agrimonia Eupatoria L.– 803
Agropyrum repens Beauv.– 472, 742
Ajuga chamaepitus Schreb.– 341
Albizzia Lebbek Bth –47
Alhagi camelorum Fisch.–724
Alisma plantago L.– 410
Alisma plantago aquatica L.– 239
Allium ampeloprasum L.– 740
Allium cepa L.–88
Allium porrum L.– 374
Allium sativum L.– 740
Aloe vera L.– 603
Aloexylon agallochum Lour.– 202
Alpinia galanga Willd.– 759
Althaea officinalis L.– 748
Alyssum homalocarpum F. et M.– 53
Alyssum saxatile L.– 53
Amaranthus Blitum L.– 89
Amomum melegne te Rox.– 610
Amaranthus tricolar L.– 112
Amomum meleguete Rose.– 198, 782
Amomum repens Sonnerat.– 610, 782
Amygdalus communis L.– 395
Amyris kataf Forsk – 632
Anacyclus pyrethrum DC.– 536
Anagallis arvensis L.— 62
Anagyris foetida L.– 335
Anamirta paniculata Colebr.– 436
Anastatica hierochuntica L.– 698
Anchusa italica Retz.– 44, 363, 390
Anchusa tinctoria L.— 44
Andropogon schoenanthus L.– 7
Anemone coranaria L.–688
Anethum graveolens L.– 189, 704
Anisum vulgare Gaertn.–2
Anthemis arvensis L.– 105
Anthemis nobilis L.–80, 105
Anthyllis cretica Willd.–233
Anticyra – 755

[1] Дори номидан кейин қўйилган рақамлар шу дорига бағишланган мақолалар номерини билдиради

Apium graveolens L.– 369
Aplysia depilans L.– 60
Aquilaria agallocha Roxb.–30, 204, 539
Areca Catechu L.– 59, 69, 566
Aristolochia longa L.– 238
Aristolochia rotunda L.– 238
Artemisia abrotanum L.– 531
Artemisia absinthium L.– 3
Artemisia cina Berg.– 693
Artemisia dracunculus L.– 302
Artemisia vulgaris L.– 85
Arum dracunculus L.– 387
Asarum europaeum L.– 8
Asclepias – 514
Asclepias gigantea R. Br – 548
Asparagus officinalis L.– 199
Asphodelus ramosus L.– 758
Aspidium lonchitis SW.– 264
Asplenium trichomanes L.– 709
Aster amellus L.– 54
Aster atticus Call.– 54
Astragalus Sarcocolla Dym.– 9
Astragalus tragacantha L.– 327, 348
Athamanta macedonica L.– 360
Atriplex halimus L.– 432
Atrip lex hortensis L.– 509, 643, 674
Atriplex limus L.– 434
Avena sativa L.– 200
Bambusa arundinacea Willd.– 301
Barjonia racemosa Descne.– 642
Berberis asiatica Roxb.– 24
Berberis vulgaris L.– 24
Beta vulgaris L.– 505
Blatta – 130
Borax – 87, 726
Borrago officinalis L.– 390
Boswellia carterii Birdw.– 339
Brassica juncea Crern.– 749
Brassica nigra Koch.– 799
Brassica oleracea L. var. Botrytia L.–373
Brassica rapa L.– 707
Bryonia alba L.– 576
Bryonia dioica Jacq.– 197, 577
Cacalia verbascifolia Sibth.– 638
Caesalpinia bonducella Roxb.– 666
Calamos aromaticus – 615
Calendula officinalis L.– 16
Callitris qudrivalvis Vent.– 477
Calotropis procera R. Br.– 548
Calycotome spinosa L. K.– 170
Cannabis sativa L. var. Indica – 273, 689
Capparis spinosa L.– 367
Cardopatium corymbosum Pers.– 779
Carthamus tinctorius L.– 534
Carum ammioides Benth – 675
Carum carvi L.– 358
Carum copticum Benth.– 462
Caryophyllus aromaticus L.– 609
Cassia absus L.– 727
Cassia fistula L.– 756
Cassia tora L.– 275
Castor fiber L.– 139
Cedrus Libani Barr.– 182, 711
Centaurea behen L.– 84
Cera alba – 415
Cera flava – 415
Cerasus mahaleb Mill.– 427
Ceratonia siliqua L.– 355, 761
Ceterach officinarum Willd.– 78, 499
Cheiranthus Cheiri' L.– 772
Chelidonium majus L.– 435
Chenopodium capitatum L.– 89
Chrysanthemum parthenium Pers.– 15
Cicer arietinum L.– 253
Cichorium endivia L.– 198
Cichorium intybus L.– 198
Cidarus glandiferus – 283

Cinnabari Balf.– 186
Cinnamomum camphora Nees.– 338
Cinnamomum cassia Bl.– 168, 347
Cinnamomum citriodorum Thwait.–• 479
Cinnamomum zeylanicum Nees.– 517
Cistus creticus L.– 380
Cistus ladaniferus L –380, 631
Citrullus colocynthis Schrab.– 251
Citrus medica L.– 37
Cnicus acarna L.– 81
Coagulum – 13
Cochlea – 598
Cocos nucifera L.– 146
Colchicum autumnale L.– 68, 489
Colchicum variegatum L.– 489
Columba palumbus – 211
Commiphora abyssinica Engl.– 423
Commiphora africanum Engl.– 408
Commiphora mukul Engl.– 408
Commiphora opobalsamum Engl.– 82, 271, 431
Conium maculatum L.– 696
Convolvulus arvensis L.– 398
Convolvulus scammonia L.– 497
Corallium rubrum Lam.– 118
Corchorus olitorius L. 441
Cordia myxa L.– 508
Coriandrum sativum L.– 375
Cornus mascula L.– 424
Corylus avellana L.– 115, 141
Crataegus azarolus L.– 234
Crocus sativus L.– 228
Croton tiglium L.– 187
Cucumis flexuosus L.– 646
Cucumis melo L.– 95
Cucurbita maxima Diich.– 645
Cuminum cyminum L.– 357
Cypressus sempervirens L.– • 144, 481
Curcuma longa L.– 540
Curcuma zedoaria Rose.– 162
Cuscuta epithymum Murr.– 19, 570
Cyclamen europaeum L.– 356, 533, 593,698
Cydonia indica Spach.– 695
Cydonia oblanga Mill.– 695
Cydonia vulgaris Pers.– 522
Cynara scolymus L.– 256, 352
Cynips gallae turcieae Hart.– 542
Cynodon dactylon Pers.– 472
Cynomorium coccineum L.– 305
Cyperus esculentus L.– 270
Cyperus longus L.– 476
Cyperus papyrus L.– 123, 639
Cyperus rotundus L.– 476
Cypraea moneta L.– 213
Daphne gnidium L.– 361
Daphne mezereum L.– 349, 405
Daphne oleoides Schreb.– 405
Datura metel L.– 166
Datura stramonium L.– 166
Daucus carota L.– 163, 185
Delphinium Staphisagria L.– 423
Dictamnus albus L.– 145
Diospyros ebenum Koen.– 41
Dolichos biflorus L.– 657
Dorema ammoniacum Don.– 21
Doronicum scorpioides Lam.– 169
Dracaena draco L.– 186
Dryopteris – 193
Dryopteris filix mas L.– 355, 478
Ecballium elaterium Rich.– 647
Echinophora Sibthorpiana Guss.– 231
Echinophora tenuifolia L.– 189
Elaeagnus angustifolius L.– 800
Elettaria cardamomum White et Matern.– 196
Elettaria caudomomum White – 610
Elioskopios – 337
Embelia Ribes Burm.– 103

Equisetum arvense L.– 787
Eruca sativa Mill.– 164
Eryngium campestre L.– 132, 718
Erythraea centaurium Pers.– 616
Eugenia caryophyllata Thunb.– 609
Eupatorium cannabinum L.– 803
Euphorbia lathyris L.– 429
Euphorbia pepelis L.– 125
Euphorbia pithyusa L.– 706
Euphorbia resinifera Berg.– 578
Euphorbia triaculeata Forsk.– 385
Euspongia officinale L.– 25
Fagara Avicennae Lam.– 571
Ferula – 696
Ferula assa dulcis – 23
Ferula assa-foetida L.– 22, 23, 250
Ferula communis L.– 461
Ferula galbaniflua Boiss.– 623
Ferula persica Willd.– 498
Ferula sagapenum Polack.– 498
Ferula sumbul Hook.– 516
Ficus carica L.– 736
Ficus laccifera Roxb.– 384
Ficus religiosa L.– 384
Ficus sycomorus L.– 154
Flacourtia cataphracta Roxb.– 309
Flemmingia rhodocarpo Bak.– 209
Foeniculum vulgare Mill.– 668
Fraxinus excelsior L.– 389, 424
Fumaria officinalis L.– 690
Galium palustre L.– 553
Genista acanthoelada D. C.– 170
Gentiana lutea L.– 142
Geranium.– 554
Gladiolus communis L.– 65.
Glaucium corniculatum Curt.– 425
Glossostemon Bruguieri D. C.– 411
Glycyrrhiza glabra L.– 495
Gossypium herbaceum L.– 633
Gratiola officinalis L– 167, 267
Gummi ammoniacum – 21
Gypsophila struthium L.– 344
Hedera helix L.– 398
Helicteris isora – 354
Helix pomatia L.– 261
Helleborus niger L.– 753
Heracleum spondylium L.– 521
Hermodactylus tuberosis Salisb.– 388
Homarus – 683
Hordeum tetrastichum Kcke.– 712
Hordeum vulgare L.– 712
Hyacinthus orientalis L.– 66
Hyoscyamus albus L.– 107
Hyoscyamus niger L.– 107
Hypericum perforatum L.– 76, 173, 194
Hyssopus officinalis L.– 216
Indigofera tinctoria L.– 206, 452
Inula conyzoides D. C.– 710
Inula helenium L.– 672
Ipomoea hederacea Jacq.– 272
Ipomoea turpethum R. Br.– 735
Iris florentina L – 34, 492
Iris pallida Lam.– 34
Isatis tinctoria L.– 206
Jasminum officinale L.– 336
Jasminum sambac Aitch.– 336, 569
Juglans regia L.– 137
Juniperus communis L.– 529
Juniperus oxycedrus L.– 619, 711
Juniperus Sabina L.– 10
Lactuca scariola L.– 757
Lagoecia cuminoides L.– 613
Lapis aetites – 49
Lapis ophites – 295
Lapis thyites – 293
Laurus nobilis L.– 179, 269
Lavandula stoechas L.– 20
Lawsonia inermis L.– 244
Lecanora affinis Ev.– 143

Lecanora esculenta Ev.– 11, 143
Lecanora circummunita Nyl.– 300
Lemna minor L.– 307
Lens esculenta Moench.– 546
Leontice leontopetalum L.– 533
Lepidium draba L.– 630
Lepidium latifolium L.– 691
Lepidium perfoliatum L.– 722
Lepidium sativum L.– 246
Levisticum officinale Kock.– 349, 365
Lilium canditum L.– 492
Linum usitatissimum L.– 122
Liquidambar orientalis Mill.– 382, 426
Litta vesicatoria – 788
Lolium temulentum L.– 241, 692
Loranthus europeus Jacq.– 171
Lumbricus terrestris L.– 781
Lupinus angustifolius L.– 728
Lupinus termis Forsk.– 728
Lychnis githago L.– 487
Lycium afrum L.– 242, 544, 581
Lysimachia vulgaris L.– 487
Magydaris libyca – 23
Malabaila sekakul Russ.– 697
Mallotus philippinensis Mull.– 624
Malva rotundifolia Desf.– 767
Mandragora officinarum L.– 333, 381
Marrubium vulgare L.– 582
Marsdenie erecta R. Br.– 642
Matricaria chamomilla L.– 80
Matricaria parthenium L.– 15
Medicago sativa L.– 659
Melia azedarach L.– 33
Melilotus officinalis L.– 1
Melissa officinalis L.– 99
Melon – 95
Mentha aquatica L.– 792
Mentha piperita Smith.– 456
Mentha pulegium L.– 583
Mentha sativa L.– 456
Mentha sylvestris L.– 583
Mercurialis annua – 598
Mesua ferrea L.– 457
Metopium – 623
Meum athamanticum Jacq.– 404
Memusops Schimperi Hochst.– 47
Morchella esculenta Pers.– 807
Moringa aptera Gaertn.– 79, 268
Moringa pterygosperma Gaertn.– 79,268
Morus alba L – 737
Morus nigra L.– 737
Moschus moschiferus L.– 402
Musa sepientum L.– 443
Muscari comosum Mill.– 90, 129
Myosotis – 42
Myristica fragrans Houtt.– 121, 192, 309
Myrtus communis L.– 4
Narcissus poeticus L.– 450
Narcissus Tazzetta L.– 450
Nardostachus jatamansi. D. C.– 451
Nascaphthon – 94
Nerium oleander L.– 177
Nigella sativa L.– 703
Nymphaea – 64
Nymphaea alba L.– 455
Ocimum basilicum L.– 563
Ocimum filamentosum Forsk.– 160, 663
Ocimum gratissimum L.– 160
Ocimum minimum L.– 792
Ocimum pilosum W.– 563
Olea europaea L.– 236
Olgal Rgl.– 528
Omiscoidae – 130
Onopordon acanthium L.– 81, 701
Opium – 36
Opopanax Chironium Kock.– 140
Orchis antropophora L.– 488, 750

Orchis latifolia L – 150
Orchis morio L.– 102, 751
Orchis papilionacea L.– 751
Origanum L.– 439, 493
Origanum dictamnus L.– 413
Origanum majorana L.– 420
Origanum maru L.– 406, 407
Oryza sativa L.– 71
Ossifragos – 606
Ovum – 96
Paeonia officinalis Retz.– 559
Panicum miliaceum L.– 165
Papaver somniferum L.– 747
Parietaria officinalis L.– 263
Pastinaca sativa L.– 501
Pastinaca schekakul Russ.– 697
Peganum harmala L.– 249
Persica vulgaris Mill.– 769
Petrocarpus santalinus L.– 597
Petroselinum sativum Hoffm.– 369, 579
Phaseolus mungo L.– 437
Phaseolus vulgaris L.– 394
Phoenix dactylifera L.– 93, 466, 617,732
Phragmites communis Trin.– 614
Phyllanthus emblica L.– 14
Physalis alkekengi L.– 350
Picea excelsa Link.– 723
Pimpinella tragium – 330
Pinus cembra L.– 274
Pinus halepensis – 337
Pinus pinea L.– 141, 274, 602, 671, 723
Piper betle L.– 573, 731
Piper cubeba L.– 345, 570
Piper longum L.– 178
Piper nigrum L.– 572
Pirus malus L'.– 734
Pistacia lentiscus L.– 403
Pistacia terebinthus L– 136, 279
Pistacia vera L.— 589
Pityusa – 337
Plantago major L.– 391
Plantago psyllium L.– 91
Platanus orientals L.– 176
Plumbago europua L.– 630
Plumbum – 26
Polygonum aviculare L.– 134, 530
Polygonum hydropiper L,– 218, 575
Polypodium vulgare L.– 117
Polyporus officinalis Fr.– 801
Populus alba L.– 278
Populus nigra L.– 147, 260
Portulaca oleracea L.– 114
Portulaca silvestris L.– 113
Potamogeton natans L.– 158
Potentilla reptans L.– 473
Prester – 543
Prunus armeniaca L.– 442
Prunus domestica L.– 39
Psoralea bituminosa L.– 310
Punica granatum L.– 149, 676
Pyrus communis L.– 376
Quercus ilex L.– 120
Quercus lusitanica Lam. var. infectoria D. C –542
Ranunculus asiaticus L.– 351
Raphanus sativus L.– 588
Reseda alba L.–■ 145
Rhamnus infectoria L.– 242, 544, 581
Rheum, officinale Baill – 667
Rheum palmatum L., var. tanguticum Maxim.— 667
Rheum ribes L.– 677
Rhus coriaria L.– 504
Ricinus communis L.– 783
Roccella tinctoria D. C – 300
Rosa canina L.– 453
Rosa centifolia L – 207

Rosa damascena Mill.– 207
Rosa moschata Herrn.– 453
Rosmarinus officinalis L.– 531
Rubia tinctorium L.– 567
Rubus idaeus L.– 543
Rubus fruticosus L.– 543
Rumex acetosa L.– 255
Rumex hydrolapathum Huds.– 112
Ruscus aculeatus L.– 433
Ruta graveolens L.–506
Saccharum officinarum L.– 513
Salix aegyptiaca L.– 766
Salix babylonica L.– 70, 608, 808
Salix balchia – 101
Salix caprea L.– 101
Salix rosmarinifolia L.– 702
Salsola foetida Del,– 434
Salsola fraticosa L.– 638
Salsola kali L.– 27
Salvia officinalis L,– 51, 52, 665
Salvia triloba L.– 51, 52
Santalum album L.– 597
Satureia thymbra L.– 493
Saussurea lappa Clarke.– 620
Scincus officinalis – 38
Scolopendrium vulgaris SW.– 78, 499
Scrophularia peregrina •– 552
Securigera Coronilla D. C.– 67
Semecarpus anacardium L.– 86
Sempervivum arboreum L.– 243
Sepia – 682
Sesamum indicum L.– 519
Sesbania aegyptica Pers.– 508
Seseli tortuosum L.– 494
Silene Cucubalus Willd.– 167, 267
Silybum marianum Gaertn.– 717
Sinapis alba L.– 523
Sisymbrium officinale Scop.– 722
Sium latifolium L.– 502
Sium sisarum L.– 501
Smyrnium perfoliatum L.– 524
Solanum melongena L.– 100
Solanum nigrum L.– 537
Soponaria officinalis L.– 747
Sorbus domestica L.– 800
Spartium junceum L.– 131
Sphaerechinus esculentus – 653
Spinacia oleracea L.– 50
Statice limonium L.– 84, 396
Stibium – 18
Styrax officinale L.– 17, 382, 426
Succus Acaciae – 5
Symplocos racemosa Roxb.– 46
Tamarindus indica L.– 721
Tamarix gallica L.– 148, 304
Tanacetum umbelliferum Boiss.– 102
Taraxacum officinale Eigg.– 198, 203,303
Taxus baccata L.– 225, 674
Terminalia belleria Roxb.– 98
Terra armeniaca – 313
Terra Samia – 314
Terra sigillata – 311
Teucrium chamaedrys L.– 342
Teucrium marum L.– 406
Teucrium Polium L.– 152
Teucrium scordium L.– 482, 715
Thapsia garganica L.– 334
Thymus cap'itatus Lk. Ba Hoffm.– 247
Thymus glaber Mill.– 454
Thymus serpyllum L.– 454, 493
Tordylium officinale L.– 494
Torpedo Narce Risso – 681
Trachyspermum copticum Link.– 462
Tragopogon pratense L.– 201, 386
Tragopogon villosum – 201
Tribulus terrestris L.– 248
Trifolium pratense L.– 323
Trigonella caerulea Ser.– 257
Trigonella elatior Sbth.– 257

Trigonella foenum – graecum L.– 258
Triticum spelta L.– 712, 778
Triticum vulgare Vill.– 254
Trochinus droco L.– 729
Tuber album Sow.– 366
Tulipa Gesneriana L.– 750
Tussilago farfara L.– 500
Ulmus campestris L.– 181, 716
Ulmus densa L.– 104
Ungues odorati – 12
Urginea maritima Baker.– 6, 535
Urtica dioica L.– 35
Urtica pilulifera L.– 649
Urtica urens L.– 361
Usnea articulata Ach.– 11
Valeriana celtia L.– 565
Valeriana Dioscoridis Sibth.– 565
Valeriana jatamansi Jones.– 451, 516
Varanus – 112
Veratrum album L.– 755
Verbascum nigrum L.– 106
Verbascum songaricum Schrenk.– 106
Verbascum Thapsus L.– 106
Verbena officinalis L.– 664
Vicia Cracca L.– 108
Vicia ervilia Willd.– 359
Vicia faba L.– 124
Vicia sativa L.– 108
Vitex agnus castus L.– 28, 116, 202
Vitis repanda Wight.– 245
Vitis vinifera L.– 379, 556
Xanthoxylon Avicennae D. C.– 571
Zingiber officinale Rosc.– 214
Zingiber Zerunbet Rosc.– 217
Zizyphus sativus Gaertn.– 541
Zizyphus spina Christi Willd.– 470, 486

ДОРИЛАРНИНГ АРАБЧА КЎРСАТКИЧИ[1]

ابارواتك	26	اسفاناخ	50
ابريسم	72	اسفنج و حجره	25
ابرق	63	اسفيداج	40
ابنوس	41	اسقنقور	38
ابوحلسا	44	اسقولوفندريون	78
ابهل	10	اسيوس	58
اترج	37	اشترغاز	23
اثمد	18	اشق	21
اثيمديون	77	اشقيل	6
اجاص	39	اشنان	27
اخيلوس	75	اشنه	11
اداراقى	32	اصابع صفر	28
اذان الفأر	42	اصابع هرمس	68
اذخرو فقاحه	7	اصطر اطيقوس	54
اذريون	16	اصطرك	17
اردفنانى	55	اطا	70
ارز	71	اطرية	73
ارماك	46	اطماط	69
ارنب البرى	43	اطيوط	59
ارنب البحرى	60	اظفار الطيب	12
ارند برند	65	اغالوجى	30
ازاد درخت	33	اغلاجون	30a
اس	4	افتيمون	19
اسارون	8	افسنتين	3
اسطوخودس	20	افسون	61

[1] Рақамлар шу дорига бағишланган фасл тартибини билдиради.

افقراسقوس 56
افيون 36
اقاقيا 5
اقحوان 15
اكتمكت 49
اكليل الملك 1
الشفايى 52
اللبخ 47
الماس 45
النغل 51
الوسن 53
امبر باريس 24
ام غيلان 31
املج 14
اناغالس 62
انجدان 22
انجرة 35
اندر 74
اندروبيلون 67
انزروت 9
انسان 48
انفحة 13
انيسون 2
اوافينوس الحدقى 66
اوبوطيلون 57
اوسد 64
اوفاريقون 76
اومالى 29
ايرسا 34

ب

بابلس 125
بابونج 80
باذاورد 81
بادروج 111
بادرنجبويه 99
بادنجان 100
باقلى 124
بان 79
براسفان 131
بردى 123
برسياوشان 110
برطانيقى 112
برنجاسف 85
برنك كابلى 103
بزاق 127
بزرقطونا 97
بزر كتان 122
بسباسه 121
بسفايج 117
بسد 118
بسروبلخ 93
بصل 88
بصل الزيز 129
بط 109
بطباط 134
بطم 136
بطيخ 95
بعر الحيوان 128
بقلة اليمانية 89
بقلة الحمقا 114
بقلة يهودية 132
بل 97
بلاذر 86
بلبوس 90
بلسان 82
بلوط 120
بليلج 98
بنات وردان 130
بنج 107
بنجنكشت 116
بندق 115
بنفسج 83

بنك 94
بورق 87
بوزيدان 102
بوش دربندى 135
بوصير 106
بوقلمون 280
بوقيصا 104
بول 126
بويانس 92
بهار 105
بهرامج 101
بهمن 84
بيش 119
بيش موش وبوخا 133
بيض 96
بيقية 108
بيلمون 113

ت

تافسيا 733
تربد 735
ترسى 738
ترمس 728
ترنجبين 724
تشميزج 727
تفاح 734
تمر 732
تمر هندى 721
تمساح 730
تنبول 731
تنكار 726
تنوب 723
تنين البحر 729
توبال 739
توتيا 725
توت 737
تودرى 722
تين 736

ث

ثافسيا 746
ثعلب 745
ثفل 743
ثلج 744
ثوم 740
ثومون 741
ثيل 742

ج

جار النهر 158
جاسوس 167
جاورس 165
جاوشير 140
جبسين 151
جبلاهنك 145
جبن 161
جدوار 162
جراد 159
جرجير 164
جزر 163
جص 155
جعدة 152
جفت افرند 150
جلد 156
جلنار 149
جلوز 141
جمار 153
جمسفرم 160
جميز 154
جناح 157
جند بيد ستر 139
جنطيانا 142
جوز 137
جوز السرو 144
جوز الطرفا 148

جوز بوا 138
جوز جندم 143
جوز رومى 147
جوز ماثل 166
جوز هندى 146

ح

حاسيس 267
حاشا 247
حالبى 265
حب البان 268
حب البان 270
حب السمنة 273
حب الصنوبر 274
حب الغار 269
حب قلقل 275
حب الميسم 271
حب النيل 272
حبة الخضرأ 279
حجر ارمنى 299
حجر الاساكفة 298
حجر الاسفنج 285
حجر افروجى 294
حجر حبشى 293
حجر الحية 295
حجر رحى 287
حجر سميطوس 292
حجر العاج 289
حجر العسلى 290
حجر القمر 291
حجر اللبنى 286
حجر المثانة 284
حجر المسن 288
حجر اليشب 297
حجر يطفا بالزيت 296
حجر اليهود 283
حديد 276
حربا 280
حربة 264
حردون 259
حرشف 256
حرف 246
حرمل 249
حزأ 266
حزاز الصخر 300
حسك 248
حشيشة الزجاج 263
حضض 242
حلبة 258
حلبيب 252
حلتيت 250
حلزون 261
حمار 282
حماض 255
حمام 277
حماما 245
حمص 253
حنأ 244
حنبذ 262
حند قوقى 257
حنطة 254
حنظل 251
حور 278
حور رومى 260
حى العالم 243
حية 281

خ

خاليدونيون 776
خامالاون 779
خانق الذئب 764
خانق النمر 765
خبازى 767
خبث 775

خبز 774
خرء 780
خراطين 781
خربق ابيض 755
خربق اسود 753
خردل 749
خرنوب 761
خروع 783
خزف 762
خس 757
خس الحمار 760
خسرودارو 754
خشخاش 747
خصى الثعلب 750
خصى الكلب 751
خصية 752
خطاف 770
خطمى 748
خفاش 763
خل 771
خلاف 766
خمر 784
خمسة اوراق 777
خمير 768
خنافس 773
خنثى 758
خندروس 778
خوخ 769
خولنجان 759
خيارشنبر 756
خيربوا 782
خيرى 772

د

دادى 173
دارشيشعان 170
دارصينى 168
دارفلفل 178
داركيسة 192
دبق 171
دجاج و ديك 174
دخان 184
دراج 191
دردار 181
دردى 183
درومطارس 193
درونج 169
دفلى 177
دلب 176
دم 188
دماغ 175
درونج 186
دند 187
دود 172
دوسر 180
دوقو 185
دهمست 179
دهن 190
دينارويه 189
ديودار 182

ذ

ذباب 789
ذراريح 788
ذريرة 786
ذنب الخيل 787
ذهب 785
ذنب 790

ر

راتينج 671
رازيانج 668
راسن 672
رامك 669
ربيثا 685

رتة 666
رجل الجراد 674
رجل الغراب 675
رخبين 686
رخمة 679
رصاص 680
رطن 670
رطبة 684
رعادة 681
رعى الابل 665
رعى الحمام 664
رقاقس 687
رماد 673
رمان 676
روبيان 683
ريباس 677
رتيانج 682
ريحان سليمانى 663
ريحان 662
ريوند 667
رنة 678

ز

زاج 220
زبد 226
زبد البحر 222
زبل 235
زبيب 240
زجاج 224
زدوار 237
زراوند 238
زرنب 225
زرنباد 217
زرنيخ 221
زرين درخت 232
زعرور 234
زعفران 228
زفت 227
زمارة الراعى 239
زنجار 229
زنجبيل 214
زنجبيل الكلاب 218
زنجفر 223
زوان 241
زوفا رطب 215
زوفا يابس 216
زوفرا 231
زهرة 233
زهرة النحاس 230
زيتون 236
زيبق 219

س

ساداوران 491
ساذج 479
سام ابرص 510
سبستان 508
سدر 486
سذاب 506
سراج القطرب 487
سرخس 478
سرطان بحرى 485
سرطان نهرى 484
سرمق 509
سرنج 496
سرو 481
سريش 528
سطرونيون 488
سعالى 500
سعتر 493
سعد 476
سفرجل 522
سفندوليون 521
سفيد اسفند 523

سفيدوس 525
سقمونيا 497
سقنقور 507
سقورديون 482
سقولوفندريون 499
سك 483
سكبينج 498
سكر 513
سكر العشر 514
سلخ الحية 490
سلحفاة 511
سلق 505
سلوثون 526
سليخة 517
سماق 504
سمانى 512
سمرنيون 524
سمسم 519
سمك 520
سمن 515
سنبل 516
سندروس 477
سورنجان 489
سوس 495
سوسن 492
سوقوطون 503
سولان 480
سويق 518
سيسارون 501
سيساليوس 494
سيون 502

ش

شبابك 710
شاذنج 708
شاهترج 690
شب 700
شبث 704
شبرم 706
شجرة البق 716
شجرة مريم 698
شحم 713
شراب 720
شربين 711
شعر 714
شعر الغل 709
شعير 712
شقاقل 697
شقائق 688
شقودس 715
شكاع 701
شل 695
شلجم 707
شمع 705
شنجار 694
شوكران 696
شوكة البيضا 717
شوكة المصرية 719
شوكة اليهوديه 718
شونيز 703
شهدانج 689
شهمانج 699
شيح 693
شير خشك 702
شيطرج 691
شيلم 692

ص

صابون 600
صبر 603
صخناة 601
صدأ الحديد 605
صدف 598
صرصر 607

صفراغون 606
صفصاف 608
صمغ 599
صندل 597
صنوبر 602
صوف 604

ض

ضأن 795
ضب 796
ضبع 797
ضرع 793
ضرو 791
ضفدع 794
ضميران 792

ط

طاطيقس 325
طالانيون 326
طاليسفر 309
طباشير 301
طباقاقواون 329
طحال 308
طحلب 307
طراغيون 330
طراغيون اخر 331
طراثث 305
طرخون 302
طرخشقوق 303
طرغافيثا 327
طرفا 304
طرفحوماس 324
طرفولس 332
طريفان 310
طريفوليون 323
طلق 306
طوفريوس 328
طين الارضين المزروعة 321
طين ارمنى والانى 313
طين اقريطش 317
طين بلد المصطكى 316
طين ساماعى 322
طين ساموس 314
طين قيموليا 318
طين الكرم 319
طين مأكول 315
طين مختوم 311
طين مطلق 312
طين المغرة 320

ظ

ظلف 799
ظليم 798

ع

عاقرقرحا 536
عالوسيس 552
عاليون 553
عبيثران 531
عدس 546
عرعر 529
عرطنيثا 533
عرق 557
عرقون 554
عرن 560
عروق الصباغين 540
عزيز 558
عسل 547
عشر 548
عصا الراعى 530
عصفر 534
عظام 555
عظأة 550
عفص 542
عقرب 549
عكر الزيت 561

علك 532
عليق 543
عناب 541
عنب 556
عنب الثعلب 537
عنبر 538
عنصل 535
عنعيلى 551
عنكبوت 545
عود 539
عود الصليب 559
عوسج 544

غ

غار 802
غاريقون 801
غاغاطى 804
غافت 803
غالمون 810
غاليون 806
غالية 809
غبيرا 800
غرا 805
غرب 808
غوشنة 807

ف

فار 591
فاشرا 576
فاشرستين 577
فاط 584
فاغرة 571
فاغية 580
فانيذ 564
فاوانيا 585
فجل 588
فراسيون 582
فربيون 578
فرس 592
فرفخ 586
فرنجمشك 563
فسافس 590
فسنق 589
فسوريقون 574, 595
فضة 562
فطر 587
فطراساليون 579
فقاع 594
فقلامينوس 593
فل 569
فلفل 572
فلفل المأ 575
فلفلمويه 573
فلنجة 570
فليلون 596
فنجنكشت 568
فو 565
فودنج 583
فوة الصباغين 567
فوفل 566
فيلزهرج 581

ق

قاتل الذئب 641
قاتل الكلب 642
قاقلة 610
قاقلى 633
قبج 654
قت 659
قتاد 635
قثأ 646
قثأ الحمار 647
قردمانا 613
قردمانا 639
قرطم 618

ملوخيا 441
مليح 434
من 438
منشم 431
متقور 449
مو 404
موز 443
موم 415
موميا 422
ميبختج 446
ميعة 426
ميويزج 421

ن

ناردين 451
نارمشك 457
نانخواه 462
نبق 470
نجم 472
نحاس 468
نخالة 458
نخل 466
نرتيقس 461
نرجس 450
نرسياندارو 465
نسرين 453
نشا 460
نشارة 459
نعام 474
نعناع 456
نطرون 463
نفط 469
نمام 454
نمر 475
نورة 464
نوشادر 467
نوى التمر 471
نيطافيلون 473
نيل 452
نيلوفر 455

و

وج 208
ودع 213
ورد 207
ورس 209
ورشان 211
ورل 212
وسخ 210
وسمة 206

ه

هريسة 205
هرطمان 200
هرقليوس 203
هرنوة 202
هزارجشان 197
هشت دهان 204
هليلج 195
هليون 199
هندبا 198
هيل بوا و هال بوا 196
هيوفاريقون 194
هيوفسطيداس 201

ى

ياسمن 336
يبروح 333
يتوع 337
ينبوت 335
ينتون 334

ШАХСИЙ НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий – қ. Розий.

Абу Журайж (ибн Журайж) – 60.

Аркағонис – қ. Архиген.

Артемида, юнонларда ой ва овчилик худоси – 294.

Архиген, Троян подшоҳлиги даврида Римда яшаган табиб – 346, 362, 637.

Архижонус – қ. Архиген.

Бавлус (Павел Эгинский) александриялик табиб (615-690) – 49, 50, 148, 166, 169, 219, 223, 247, 258, 292, 294, 300, 319, 354, 395, 556, 584, 588, 663, 667, 668.

Бадиғурус (Пифагор), қадимги юнон математиги ва файласуфи (мил.ав.497 й. вафот этган) – 48.

Балозурий, машҳур араб тарихчиси (892 й. вафот этган) – 118.

Буқрот (Гиппократ), қадимги юнон табобатининг отаси (мил.ав.459/60-355 й.) – 143, 151, 262.

Геродот, қадимги юнон тарихчиси (мил.ав.484-425 й.) – 97.

Димашқий, Дамашқда яшаган Ҳаким ад-Димашқий (825-26 й. вафот этган); машҳур табиб Масиҳнинг отаси – 383, 679.

Димақратис (Демокрит), қадимги юнон файласуфи (мил.ав.470-380 й.) – 580.

Дискуридус (Педаний Диоскорид), Кичик Осиёда I асрда ўтган юнон доришуноси ва табиби, “Materia Medica”нинг муаллифи – 48, 56, 59, 64, 65, 68, 69, 70, 81, 83, 91–93, 94, 96, 98, 114, 122, 127, 172, 177, 182, 184, 200, 205, 209, 214, 218, 230, 235, 237, 247, 249, 250, 252, 253, 254, 256, 276, 288, 290, 294, 299, 300–306, 311, 316, 324, 325, 328, 331, 334, 337, 338, 342, 343, 349, 356, 360, 391, 432–434, 436, 441, 445, 448, 450, 453, 458, 460, 468, 469, 478, 479, 481–484, 492, 494, 495, 500, 502, 504, 515, 522, 530, 543, 549, 553, 572, 573, 591, 599, 602, 608, 621, 625, 643, 652, 655, 666, 670, 679.

Жам (Жамшид), Эроннинг афсонавий подшоҳларидан – 574.

Жантин (Гентий), Иллирия подшоҳи (мил.ав.II аср) – 164.

Жолинус (Клавдий Гален), пергамлик машҳур табиб ва табиатшунос (129-200) – 48, 49, 71, 73, 77, 91, 93, 101, 106, 111, 117, 147, 187, 199 200, 202, 205, 211, 213–215, 223, 224, 232, 239, 240, 282, 283, 286, 287, 295, 297, 321, 329, 335, 339, 341, 346, 379, 389, 399, 502, 511, 531, 588, 589, 591, 608, 626, 634, 659, 683.

Ибн ал-Битриқ, халифа Маъмун даврида яшаган таржимонлардан – 587.

Ибн Вофид (Абдураҳмон), Испанияда яшаган араб табиби (997-1068) – қ. 46-бет, 44-изоҳ.

Ибн Журайж, *ар-Роҳиб* деб ҳам аталган, тўла исми Настас ибн Журайж. Дамашқда X асрда ўтган христиан табиби – 59, 60, 62, 102, 265.

Ибн Мосавайҳ, Аббосийлар сарой табиби – 139, 148, 188, 211, 213, 265, 362, 405, 413, 525, 531, 569, 590, 619, 646, 654, 684, 687.

Исо, бу ном билан икки табиб машҳур бўлган:

1) Исбо ибн Али – Бағдодда X асрда ўтган христиан табиби, 2) Исо ибн Яҳё – Ҳунайн ибн Исҳоқ билан бирга ишлаган таржимон ва табиб, IX асрнинг иккинчи ярмида ўтган – 683.

Киндий (Абу Юсуф Яъқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий), араб файласуфи (вафоти 870 й.) – 259.

Кратес, қадимги юнон табиби ва ботаниги (мил.ав. I аср) – 530.

Ломоносов – 319

Масиҳ (Абу ал-Ҳасан Исо ибн Ҳаким ад-Димашқий ал-Масиҳ), IX асрда ўтган табиб – 93, 148, 159, 264, 335, 383, 547, 600, 679.

Моланбус (Меламп) – 652, 654.

Мосаржавайҳ, Басрада VIII асрда ўтган яҳудий табиби – 105, 132, 142, 178, 405, 589, 631, 655, 662.

Муҳаммад (пайғамбар) – 5, 695.

Орибазий, қадимги юнон табиби ва энциклопедисти (325 – V аср бошлари) – 50, 518.

Плиний, римлик олим ва ёзувчи (23-79) – 97.

Протей (Фрутус) – 654.

Розий, машҳур табиб, кимёгар ва файласуф (865-925) – 96.

Роҳиб – қ. Ибн Журайж.

Руфус, Траян (вафоти 117 й.) подшоҳлиги даврида Римда яшаган табиб – 189, 209, 253, 330, 338, 339, 345, 348, 368, 461, 600.

Стефан (Истефан), Гален асарларини шарҳлаган VII асрда ўтган византиялик табиб – 302, 431, 458.

Сулаймон, подшоҳ (мил.ав.960-935 й.) – 574.

Фалунидус – 656.

Фрутус – 652.

Хизр ибн Алий – 462.

Хуз, V асрда Хузистонда ташкил этилган гундишопур мактабига мансуб бўлган табиблар – 64, 93, 158, 219, 264, 265, 271, 331, 351, 359, 366, 405, 432.

Чарака (Ҳиндий деб ҳам юритилган), I асрда яшаган ҳинд табиби – 67, 131, 395.

Юбос, мил.ав. I асрда ўтган мавританлар подшоҳи – 516.

Юсуф ал-Андалусий – 215.

Яҳудий, Мосаржавайҳнинг лақаби – 67, 521.

Ҳунайн ибн Исҳоқ (808-873), олим ва юнон тилидаги асарларнинг араб тилига таржимони – 50, 51, 53, 71, 211, 298, 316, 346, 593.

ГЕОГРАФИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

Абодон – 65
Айзоб, Кичик Осиёдаги шаҳар – 65
Айн уш-шамс, Мисрдаги Гелиополис деган қадимги шаҳарнинг арабча номи – 114
Аман, тоғ – 340
Амонус, тоғ – 338
Андалус (Андалузия) – 215
Аний, Арманистоннинг қадимги пойтахти – 296
Антикира, жанубий Фисалиядаги шаҳар – 656
Араб мамлакати – қ. Арабистон.
Арабистон – 59, 65, 80, 285, 469, 488
Араб саҳроси – 686
Арманистон – 119, 120, 157, 220, 250, 540, 541
Атбаъий – 600
Афонинус (Апеннин тоғлари) – 235, 236
Африка – 119, 120, 358
Афружиё – қ. Фригия.
Байт ул-муқаддас – 71
Барка, Ливия вилоятларидан бири – 166
Басра – 458, 658.
Баҳрайн, Форс қўлтиғидаги ороллар – 65
Бағдод – 300, 333.
Бобил (Вавилония) – 251, 640
Бусир, Мисрдаги шаҳар – 597
Бухоро – 109
Бухох, шаҳар – 488
Буҳайра, Нил дельтасидаги вилоят – 294
Галатия, Кичик Осиёдаги вилоят – 597
Гренада – 216
Гундишопур – 64
Дажлат ул-Авро, Месопотамиядаги бир жой – 458
Енисей, дарё – 378
Жидда, Арабистонда Қизил денгиздаги порт – 65
Журжон, Эрон вилоятларидан бири – 490, 599
Закинф, орол – 553
Занж – қ. Занзибор.
Занзибор ёки занжилар мамлакати – Шарқий Африка қирғоғига яқин орол – 92, 184
Ида, тоғ – 492
Иерусалим – 474
Ирок – 126, 194

Искандария (Александрия), Мисрдаги шаҳар – 120
Испания – 46
Истрия, Адриатика денгизидаги ярим орол – 184
Исфаҳон – 453
Исфаҳон тоғлари – 574
Каппадокия – 572, 597
Кария, Кичик Осиёдаги тоғлик вилоят – 172
Кермон, Эрон вилоятларидан бири – 34, 104, 109, 328, 507, 573
Кикладлар, Эгей денгизидаги ороллар – 281
Кимолос – 298
Киликия, Кичик Осиёдаги бир вилоят – 304, 640
Кипр – қ. Қибрис.
Кирена, Шимолий Африкадагн вилоят ва шаҳар – 256
Кобул – 134, 205
Крит, Ўртаер денгизидаги орол – 49, 71, 298, 399, 600
Куфа, Ироқдаги бир шаҳар – 432
Ливия – 515
Лигурия, мамлакат – 235
Лириндонус, дарё – 168
Лотослар ери, қадимги муаллифларнинг ҳикоялари бўйича лотос мевалари билан овқатланган лотофаглар мамлакати – 515
Лубия – 256
Лубнон, тоғ – 229
Лугом, Суриядаги (?) тоғ – 51
Лурижон, Эрон вилоятларидан бири – 62
Мавритания, Шимолий Африкадаги вилоятлар; қадимги замон муаллифларининг айтганлари ҳозирги Жазоир ва Марокашга тўғри келади – 515
Макассар, Индонезиядаги шаҳар – 530, 531
Македония, Греция вилоятларидан бири – 381
Макка, Арабистондаги шаҳар – 65, 683
Манбиж, Суриядаги шаҳар – 401
Массилия – қ. Мосолутиқия.
Мекрон, Эрон вилоятларидан бири – 507
Миср – 49, 56, 97, 120, 150, 169, 224, 225, 270, 290, 328, 462, 572, 573, 597, 609
Мовароуннаҳр, Трансоксиананинг қадимги арабча номи, яъни Амударё орқасида жойлашган мамлакат – 337, 623
Мосолутиқия, Галлиядаги шаҳар – 448
Моҳ, Қадимги Мидия – 453
Мурбот, шаҳар – 316
Нағр, Ҳиндистондаги бир шаҳар – 627
Нил, Африкадаги дарё – 90, 462
Парнасс, тоғ тизмалари – 640
Пелопоннес – 449
Понт, Кичик Осиёнинг шимолидаги вилоят – 508
Рай, Эрондаги бир шаҳар – 82, 408
Раққа, бир шаҳар – 333
Родия, мамлакат – 184
Родос, Ўртаер денгизидаги орол – 172
Рум, Византия – 63, 352, 544
Саъид, Юқори Миср – 167
Саманжон, шаҳар – 537

Сандуния – 597
Сижистон, Эрон вилоятларидан бири – 105
Синд, мамлакат – 134
Сироф, Форс қўлтиғидаги порт – 298
Сицилия, мамлакат – 553
Стримон, дарё – 254
Судон, шаҳар – 272, 553
Сурия (Сирия) – 229, 256, 290, 299, 302, 328, 432, 463, 467, 478, 526, 551
Суфола (Софала), Ҳиндистондаги бир порт – 490, 678
Суғд, Ўрта Осиёдаги вилоят – 167
Табаристон, Эроннинг шимолидаги вилоят – 83, 300, 435, 500, 640
Табаристон тоғлари – 338, 495
Тавр, тоғ – 597
Тарсус, Кичик Осиёдаги шаҳар – 432
Тафусир (Тафосирида), Қуйи Мисрдаги шаҳар – 598
Траглудитиқо – 218
Фаластин – 114
Фалуфуннис, орол – 448
Финикия – 553
Форс, Эрон вилоятларидан бири – 62, 97, 169, 328, 543
Фосус, мамлакат – 492
Фригия (ёки Афружиё), Кичик Осиёдаги мамлакат – 286
Фуфолодис – қ. Кипладлар
Халкедон, Кичик Осиёдаги шаҳар – 328
Хитой – 60, 103, 148, 197, 205, 221, 315, 323, 439, 441, 469, 488, 490, 530, 539, 578
Хитой денгизи – 440
Хитой мамлакати – қ. Хитой.
Хуросон, ҳозирги Туркманистоннинг жануби, Эроннинг шарқи-шимоли ва Афғонистоннинг шимолини ўз ичига олган ҳудуд – 166, 212, 302, 337, 348, 359, 623
Хузистон – 64, 269
Цейлон – 469, 488
Шаҳризур, Месопотамиядаги бир шаҳар – 272, 492
Шиҳр – 197
Шом – қ. Сурия.
Эрон – 109
Юнон – қ. Юнонистон.
Юнонистон – 297, 316
Яман, Арабистондаги бир вилоят – 65, 126, 216, 398, 465, 499, 602
Яҳудийлар мамлакати – қ. Фаластин.
Қаммоғино, Суриядаги вилоят – 540
Қасрон, Эрондаги тоғ – 408, 497
Қибрис, Ўртаер денгизидаги орол – 34, 72, 172, 224, 297
Қизил денгиз – 65
Қиннасрин, Суриядаги бир шаҳар – 215
Қоликало – 600
Қулзум (Қадимги Қлизманинг арабча аталиши), ҳозирги Суэц – 65, 335
Ғанғис, дарё – 469
Ғарб мамлакатлари – 81, 316
Ғур, Ўлик денгиздан жанубга томон кетган водий – 114

Ҳабашистон – 92, 286
Ҳалаб (Алеппо), Суриядаги бир шаҳар – 684
Ҳижоз, Арабистон вилоятларидан бири – 465
Ҳинд – к. Ҳиндистон
Ҳинд денгизи – 65
Ҳиндистон – 64, 80, 133, 134, 167, 198, 204, 205, 247, 288, 293, 334, 436, 467, 489, 508, 521, 541, 542, 576, 595, 620, 627, 631, 658
Ҳинд ороли – 539
Ҳирот– 603

ОҒИРЛИК ВА УЗУНЛИК ЎЛЧОВЛАРИ ЖАДВАЛИ[1]

Ибн Сино «Қонун» китобида бир қанча ўлчов системаларидан фойдаланади. У оғирлик ўлчови учун кўпроқ ўзи яшаган даврда араб халифалиги марказида ишлатилиб келган системани қўллайди. У қадимги юнон ўлчовларига асосланган бўлиб, Ибн Сино замонида ўзининг дастлабки миқдорий қимматини йўқотган эди.

Ибн Сино Сомонийлар давридаги Бухоро ва Эронда тарқалган маҳаллий ўлчовлардан камроқ фойдаланади.

У юнон дори рецептларини, асосан, Педаний Диоскорид рецептларини қўллаганда Юнонистоннинг қадимги аттик ўлчовлари ва ундан кейинги эллиник ўлчов системаларига дуч келган. Шунинг учун ҳам у бир томондан ислом давлатларида қўлланилган ўлчовларга, иккинчи томондан Юнонистон ва Византия ўлчовларига асосланган икки хил ўлчов бирликларини беради. Бу ҳол қуйидаги мисолдан яққол кўринади: Ибн Сино *дирҳам* деб ёзган вақтида араб халифалигининг ҳамма ерида жорий қилинган юнонча ўлчов *драхмийни* назарда тутади. Лекин *дирҳам* сўзида *драхмийнинг* этимологияси бузилиб кетганидек, унинг оғирлик ўлчови сифатидаги дастлабки мазмуни ҳам йўқолиб кетган эди.

XI асрда араб халифалигида ёки унинг Ибн Сино яшаб турган қисмида *дирҳам* сўзи қайси миқдорни ифодалаган бўлса, Ибн Сино ҳам шуни назарда тутади. Иккинчи тарафдан Ибн Сино *драхмий* сўзидан ҳам фойдаланади. Бу, шубҳасиз, худди ўша юнон сўзининг транскрипцияси бўлиб, ҳали ўзининг юнонча мазмунини, яъни Диоскорид ва бошқа юнон муаллифлари қўллаган дори ўлчови мазмунини сақлаб қолгандир.

Бошқа бир қатор ўлчовларда ҳам шу ҳол кўрилади.

Ўлчовларнинг қайси даврга оид эканликлари номаълум бўлганидан уларни аниқ белгилаш қийин. Чунки ўлчовларнинг мазмуни фақат улар қўлланилган жойга қарабгина эмас, балки давр ўтиши билан ҳам ўзгариб турган. Ибн

[1] Бу қисм "Қонун" Иккинчи китобининг 2-нашридан деярли ўзгаришсиз олинган.

Сино “Қонун” Бешинчи китобининг охирида ўзидан олдин ўтган икки олимнинг *Куннош* (“Тўплам”) номли асарларида кўрсатилган оғирлик ва ҳажм ўлчовларини келтиради. Булардан бири IX-X асрнинг бошларида яшаган табиб, математик ва таржимон Юсуф ал-Қасс ас-Соҳир бўлиб, юнон муаллифларининг математикага оид асарларини сурёний тилидан арабчага таржима қилган ва бир қанча тиббий асарлар, шу жумладан *Куннош* ёзган олимдир. Иккинчиси Юҳанно ибн Сарофиюн (Серапион) исмли табиб бўлиб, IX асрнинг иккинчи ярмида Дамашқда яшаган ва табобатга оид иккита *Куннош* ёзган. Бу *Кунношларнинг* бири 318/930 йили араб тилига ва кейинчалик XII асрда лотин тилига таржима қилинган.

Оғирлик ва ҳажм ўлчовларининг юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан кўрсатилган нисбатларига асосланиб, У.И.Каримов “Қонун” Иккинчи китобида учрайдиган ўлчов бирликларини бошқатдан ҳисоблаб, метрик системага айлантирди. Баъзи бир ўлчовларни аниқлашда В.Хинцнинг “Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему» (Москва, 1970) номли китобига мурожаат қилинди.

Ўлчов номлари	**Грамм билан**
Арузза (гуруч дони)	0,017
Бокилло	
- юнонийи	1,416
- искандарони	2,124
- мисрий	2,823
Бундуқа (фундук)	4,25
Даврақ	1020
Дирҳам	2,975
Донақ	0,495
Драхмий	4,25
Жавза (ёнғоқ)	38,25 баъзан 17,0
Жиллавза – қ. бундуқа	
Истор	17,00
Карама – қ. *гаромо*	
Манн	680
- антолиқий ва мисрий	476
- румий	595
Масторун кичик	25,50
Масторун катта	89,25
Матритус (метрет)	38380

Милъақа (қошиқ)	
- қуруқ дорилар учун	7,225
- асал ва маъжунлар учун	17,0
Мисқол	4,25
Обол (ар.убулус)	0,708
Ратл	340,0
Сукурража	106,25
Тассуж	0,18
Уксубофун (оксибаф)	76,5
Уқия	29,75
Хардала (горчица дони)	0,00071
Харнуба	0,195
Хус	
- ёғ учун	3060
- шароб учун	3400
- асал учун	7990
Шаъира (арпа дони)	0,059
Қавосус (киаф)	44,625
Қирот	0,236
Қист (ксест)	
- антолиқий	510
- румий	566,66
- асал учун	850
Қутулий (котил)	208,25
Ғаромо	0,743 дан 0,990 гача
Ҳабба	0,059
Ҳиммаса (нўҳат дони)	0,25
Ҳуфна	17,0

Узунлик ўлчовлари

Бармоқ (исбаъ)	2-2,2 см.
Қарич (шибр)	22,5 см.
Тирсак, газ (зираъ)	50-62 см.
Фарсах	6 км.

АДАБИЁТЛАР

Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. т. IV. *Китаб ас-сайдана фи-т-тибб* («Фармакогнозия в медицине») Исследование, перевод, примечания и указатели У.И. Каримова. Ташкент, 1974. (Шифр «Сайдана»)

Анненков Н. Ботанический словарь. Санкт-Петербург, 1878.

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки Қонун ал-Мабсут 1. / Табдил изоҳ ва луғатлар муаллифи: М. Ҳасаний. Тошкент, 2003. - 531б;

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий ёки Қонун ал-Мабсут 2. / Нашрга тайёрловчи, табдил, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи: М. Ҳасаний. Тошкент, 2003.- 903;

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Ҳомидхон ибн Зоҳидхон Шоший. Фарҳанг ал-Мабсут ёки Истилоҳот ул-атиббо фи-интифоот ил-аҳиббо. 3/ Табдил ва изоҳлар муаллифи: М. Ҳасаний. Тошкент, 2004. - 607б.

Гаммерман А. Ф. Курс фармакогнозии, изд. Второе. Москва-Ленинград, 1938.

Государственная фармакопея СССР, изд. VIII. Москва, 1952. (Шифр Фармакопея VIII).

Землинский С.Е. Лекарственные растения СССР. Москва, 1951.

Интродукция лекарственных, ароматических и технических растений. Москва-Ленинград, 1965.

Каримов И. У. «Словарь медицинских терминов». Абу Мансура ал-Кумри. // Материалы по истории и истории науки и культуры народов Средней Азии. Ташкент: 1991.–С.112-155.

Монтеверде Н. А. и Гаммерман А. Ф. Туркестанская коллекция лекарственных продуктов Музея Главного Ботанического сада. // Известия Глав. Бот. Сада, т. XX VI, в.3. Ленинград, 1927.

Сахобиддинов С.С. Дикорастущие лекарственные растения Средней Азии. Ташкент, 1948.

Сахобиддинов С.С. Словарь местных и научных названий полезных и вредных растений Средней Азии. Ташкент, 1953.

Федченко Б. А. Изучение лекарственных растений южного Туркестана Петербург, 1915.

Феофраст. Исследование о растениях / Перевод с древнегреческого и примечания М.Е. Сергеенко. Ленинград, 1951.

Флора СССР, тт. I-XXIII. Москва-Ленинград; 1933-1955.

Флора Узбекистана, тт. I-III. Ташкент, 1941-1955.

Фракасторо Джироламо. О контагии, контагиозных болезнях и лечении. Москва, 1954.

Энциклопедический словарь лекарственных, эфирно-масличных и ядовитых растений. Москва, 1951.

Achundow Abd ul-Chalig. Die pharmakologischen Grundsätze des Abu Mansur Muwaffak bin Ali Harawi... übersetzt von... Halle, 1893.

Avicennae araborum medicorum principis (Canon Medicinae)... Ex Gerardi Gremonensis versione et Andreae Alpagi Bellunensis castigatione ets. Venetiis, 1595.

Bedevian A.K. Illustrated Polyglottic Dictionary of Plant Names, Cairo, 1936.

Dhakhira. The Book of treasures, an early Arabic treatise on medicine. Isis, №43, May, 1930.

Dictionnaire des noms des plantes en latin, français, anglais et arabe, par le Dr. Ahmed Issa Bey. Le Caire, 1930.

Dioscorides Pedanius. De Materia, ed. M. Wellmann, v.1-3. Berolini, 1906-14.

Dozy R. Supplement aux Dictionnaires arabes. Leyde, Brill, 1881.

Dragendorff G. Die Heilpflanzen der verschiedener Volker und Zeiten, ihre Anwendung, wesentliche Bestandteila und Geschichte. Stuttgart, 1898.

Garbers Karl. Kitab Kimiya al 'ltr wat-tas'idat...von Ja'qub b. Ishaq al Kindi... übersetzt von... Leipzig, 1948.

Guest E. Names of Plants in Iraq. Department of Agriculture, Baghdad, 1929.

Guiges Pierre. Les noms arabes dans Serapion. Liber de simplici medicina, essai derestitution et d'identitfication des noms arabes de medicaments usites au moyen age. Journal Asiatique, 1905, vol.5, p.473-546; vol. 6, p.49-112.

Jolly. Indian Medicine, Poona, 1951.

Lane E.W. An Arabic-Englisch Lexicon, London, 1863-1893.

Leclerc L. Traité des simples par Ibn al-Baithar trad. P... Not. Et. Extr., t. 26, p.I, Paris, 1883.

Meyerhof M. Aslam al Ghafiqi (XII s.) trad... des parties ophtalmologiques d'aprés les MSS de L'Escurial, Barcelone, 1933.

Meyerhof M. Firdaws al-Hikma. Ali at-Tabaris "Paradise of Wisdom" one of the oldest Arabic Compendiums of Medicine, Isis, №48, july 1931.

Meyerhof M. and Subhy. Gregorius Abul Farag Barhebraeus, The Abridged Version of the "Book of Simple Drugs" of Ahmad al-Ghafiqi, translated by... Cairo, 1932.

Perrot A. Dictionnaire français-arabe des sciences médicales pharmaceutiques et de l'art vétérinaire, Le Catre, 1894, MSS №9595 de l'Institut d'Egypte, ff 890.

Renaud H.Y. et Colin G.S. Tuhfat al-Ahbab, Glossaire de la matiére médicale marocaine, Paris, 1934.

Sharaf Mohammed. An English-Arabic Dictionary of Medicine, Biology and Allied Sciences, 2d ef. Government Press, Cairo, 1928.

Steinschneider Moritz. Heilmittel der Araber. Frankfurt a. M., 1900.

The Medical Formulary or Aqrabadhin of Al-Kindi. Translated with a study of its materia medica by M. Levey. Madison, 1966.

Tshirch A. Handbuch der Pharmakognosie, Leipzig, 1909.

Vullers J. Lexicon persico-latinum etymologicum, Bonnae, 1855.

ШАРҚ ТИЛЛАРИДАГИ КИТОБЛАР

Исмоил ибн Ҳасан ал-Ҳусайний ал-Журжоний. *Захирайи Хоразмшоҳий* (XII аср). ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг №433 қўлёзмаси.

Али ибн Ҳусайн ал-Ансорий. *Ихтиёрот-и бадиъий* (XIY-XY аср). ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг №1598 қўлёзмаси.

Саййид Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон. *Иҳё ут-тибб субҳоний* (XYII-XYIII аср). ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг №2101 қўлёзмаси.

Мулло Маҳмуд Ҳаким Яйпоний. *Тариқ ул-иложс.* Қўқанд, 1913 (ўзбек тилида).

Мир Муҳаммад Ҳусайн Хуросоний Широзий. *Махзан ул-адвия,* Бомбей, 1283 / 1866-67 й. (М.А.)

Муҳаммад Аъзамхон. *Муҳит-и аъзам,* Бомбей, 1898 (шифр М.А.).

Саййид Муҳаммад Ҳусайнхон. *Қарободин-и кабир,* Коунпур, 1892 й.

La Materia medica de Dioscorides. Transmision medieval y renacentista. Por. Cesar E. Dubler y Elias Teres. Vol. II Tetuan y Barcelona, 1952-1957. (Шифр Диоск).

The Book of Plants of Abu Hanifa ad-Dinawari. Part of the Alphabetical Section (ا–ز) Ed. B. Lewin. Uppsala, Wiesbaden, 1953.

The Greek Herbal of Dioscorides. Englished by John Goodyer A.D. 1655. Edited by R.T. Gunther. New York, 1959. (Шифр D-G.).

تذكرة اولى الالباب و الجامع للعجب العجاب، تاليف داود الضرير الانطاكى، مصر 1302 ه.

كتاب الجامع لمفردات الادوية و الاغذية، تأليف ضياالدين ابى محمد عبدالله ابن احمد الاندلسى المالقى المعروف بابن البيطار، 1044 جزأ، القاهرة، 1291.

شرح الادوية المفردة من كتاب القانون، تاليف سديد الدين الكازرونى – Қоҳира қўлёзмаси № 1393

- لسلن العرب للامام العلامة ابى الفضل جمال الدين محمد بن مكرم ابن منظور الافريقى المصرى ج I-XV بيروت، 1374 1376/1955-1956.

- شرح القاموس المسمى تاج العروس من جواهر القاموس للامام اللغوى محب الدين ابى الفيض السيد محمد مرتضى الحسينى الواسطى الزبيدى، ج I-X مصر 1306 1307.

МУНДАРИЖА

Таҳрир ҳайъатидан....4
МУҚАДДИМА....5
Биринчи мақола....7
Биринчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини ўрганиш тўғрисида....7
Иккинчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини тажриба йўли билан ўрганиш ҳақида....11
Учинчи фасл. Содда дориларнинг мизожларини солиштириш йўли билан ўрганиш тўғрисида....13
Тўртинчи фасл. Содда дорилар қувватининг таъсирини ўрганиш тўғрисида....23
Бешинчи фасл. Содда дориларга кўрсатиладиган таъсирлар тўғрисида....32
Олтинчи фасл. Дориларни йиғиш ва сақлаш тўғрисида....36
Иккинчи мақола....38
Содда дорилар ҳақида....38
Биринчи. Таъсир ва хоссалар жадвали....38
Иккинчи. Зийнат (косметика) жадвали....39
Учинчи. Шиш ва тошмалар жадвали....39
Тўртинчи. Жароҳат ва яралар жадвали....40
Бешинчи. Бўғинлар жадвали....40
Олтинчи. Бош аъзолари жадвали....40
Еттинчи. Кўз аъзолари жадвали....41
Саккизинчи. Нафас ва кўкрак аъзолари жадвали....42
Тўққизинчи. Озиқлантириш аъзолари жадвали....42
Ўнинчи. Чиқариш аъзолари жадвали....43
Ўн биринчи. Иситмалар жадвали....44
Ўн иккинчи. Заҳарлар жадвали....44
[Муқаддимага] изоҳлар....45
СОДДА ДОРИЛАР
Алиф [ا] ҳарфи....48
Бо [ب] ҳарфи....110
Жим [ج] ҳарфи....158
Дол [د] ҳарфи....181
Ҳо [ه] ҳарфи....205

Вов [و] ҳарфи 212
Зо-Зой [ز] ҳарфи 218
Ҳо [ح] ҳарфи 247
То [ط] ҳарфи 288
Йо [ى] ҳарфи 306
Коф [ك] ҳарфи 315
Лом [ل] ҳарфи 351
Мим [م] ҳарфи 377
Нун [ن] ҳарфи 415
Син [س] ҳарфи 432
Айн [ع] ҳарфи 480
Фо [ف] ҳарфи 506
Сод [ص] ҳарфи 530
Қоф [ق] ҳарфи 539
Ро [ر] ҳарфи 573
Шин [ش] ҳарфи 591
То [ت] ҳарфи 620
Со [ث] ҳарфи 638
Хо [خ] ҳарфи 643
Зол [ذ] ҳарфи 680
Зод [ض] ҳарфи 683
Зо [ظ] ҳарфи 686
Ғайн [غ] ҳарфи 687
Кўрсаткичлар 696
Дорилар кўрсаткичи 697
I.Ўсимлик маҳсулотлари 697
II. Ҳайвон маҳсулотлари 725
III. Минерал моддалар 734
Дориларнинг лотинча кўрсаткичи 739
Дориларнинг арабча кўрсаткичи 747
Шахсий номлар кўрсаткичи 759
Географик номлар кўрсаткичи 762
Оғирлик ва узунлик ўлчовлари жадвали 766
Адабиётлар 769

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ТИБ ҚОНУНЛАРИ

II КИТОБ

УЧИНЧИ НАШРИ

Муҳаррир:
Луқмон Бўрихон

Техник муҳаррир:
Дилмурод Жалилов

Мусаҳҳиҳа:
Нодира Эгамқулова

Саҳифаловчи:
Мастура Атҳамова

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2020